

67.
5-34

ЎЗБЕК ИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА

ШАРҲЛАР

NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI
Ahborot-resurs markazi

20563/1

Тошкент 2009

Муаллифлар жамоаси

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ғ.А.Абдумажидов. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. -950 бет.
Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор М.Х. Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида

Муаллифлар жамоаси

1. ю.ф.д., проф. Абдумажидов Ғ.А. 1-10, 49-53, 60-64, 188-212, 364-388, 498-550-моддалар;
2. ю.ф.н., доц. Алламурастов А.Т. 11-26-моддалар;
3. ю.ф.д., проф. Иноғомжонова З.Ф. 33-37, 40-48, 54-59, 65-95, 296-320, 389-405, 587-591-моддалар;
4. ю.ф.н., доц. Мадалиев О.М. 122-171-моддалар;
5. ўқ. Мамадиев С.М. 27-модда;
6. ю.ф.н., доц. Муҳаммадиев А.А. 28-32, 275-295, 428-477-моддалар;
7. ю.ф.д. Мухитдинов Ф.М. 478-490-моддалар;
8. ю.ф.н., доц. Норбоев А.Н. 172-187-моддалар;
9. ю.ф.н. Рахмонова С.М. 406-427-моддалар;
10. ю.ф.д., проф. Рустамбоев М.Х. 114-121, 491-497, 582-586-моддалар;
11. ю.ф.н., доц. Тухташева У.А. 497¹-497¹⁸-моддалар;
12. ю.ф.н., доц. Тўлаганова Г.З. 213-274, 345-358, 551-581, 587-591-моддалар;
13. ўқ. Файзиев Ш.Ф. 38-39, 96-108, 339-343-моддалар;
14. ю.ф.н., доц. Хидоятлов Б.Б. 321-338-моддалар;
15. ўқ. Шодиёв Ғ.М. 344-модда;
16. қатга ўқ. Қўшаев Н.М. 109-113, 359-363-моддалар.

Тақризчилар: Ўзбекистон Республикасининг Олий суди,
Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги

Жиноят-процессуал кодексининг ушбу шарҳлари олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларга, мазкур соҳада илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларга, шунингдек, амалиёт ходимларига мўлжалланган.

© Муаллифлар жамоаси.

© Тошкент давлат юридик институти, 2009 йил.

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлат ва жамиятни демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида юртбошимиз И.А.Каримов раҳбарлигида республикада суд-ҳуқуқ ислохотлари Конституциямизга биноан босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Конституция нормаларидаги ғоялар мазмуни, судларни ихтисослаштириш, жиноий жазо тизимини либераллаштириш, ўлим жазосини бекор қилиш, санкция бериш ҳуқуқини судларга олиб бериш йўналишларидаги суд-ҳуқуқ ислохотларининг ташаббускори, ижодкори ва муаллифи шахсан Президентимизнинг ўзлари бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VI сессиясида қабул қилинган ва амалдаги қонунларга киритилган ўзгартиришлар суд-ҳуқуқ ислохотларининг янги босқичини бошлаб берди. Бу босқичнинг моҳияти энг аввало ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнлари қатъий ҳаракатга келганлигида кўринади. 2001 йилда қабул қилинган “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни либераллаштириш сиёсатининг муҳим таркибий жараёнларини бошлаб берди. Жиноятларни таснифлаш, жиноий жазо тайинлаш ва уни ўташ қоидаларига жиддий янгиликлар киритилди, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш доираси кенгайтирилди, ярашув институти жорий қилинди. Жиноят ишларини тергов қилиш, шахсни ҳибсда ушлаб туриш, ишларни судларда кўриб чиқишнинг янги тартиби ва қатъий муддатлари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа сифатида ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида барқарор мувозанатга эришиш, суд-ҳуқуқ

тузилишини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш каби вазифаларни қўйди ва уларни бугунги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари деб белгилади.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштиришнинг кейинги муҳим босқичи бу – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши бўлди. Фармонга асосан 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинди. Ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадида Республика Президентининг 2006 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши эълон қилинди. Ушбу Фармон ва фармойишнинг асосий моҳияти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, унда инсонпарварлик тамойиллари ўз аксини топган ва у халқаро ҳуқуқ нормаларига мослиги билан ҳам аҳамиятлидир. Европа давлатлари 100 йилдан кўп давр ичида ўлим жазосини бекор қилишга эришган бўлса, республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг ўтган тарихан қисқа давр мобайнида жиноий жазо тизимидаги ўлим жазоси бекор бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги “Қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштирди. Хусусан, “Қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармоннинг қабул қилиниши Конституциянинг 19, 25, 44-моддаларида белгиланган шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги ва улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклашга ҳеч ким ҳақли эмаслиги, қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиш ёки қамокда сақлаб туриш мумкин эмаслиги ҳамда ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини судга шикоят қилиш орқали ҳимоя қилиш кафолатланганлиги тўғри-

сидаги талабларни жиноят-процессуал қонунда акс эттирилишини таъминлади ҳамда Жиноят-процессуал қонунини такомиллаштириб, дастлабки терговга суд назоратини олиб киришга имконият яратди. Суд назоратининг замирида эса, ҳолислик, тортишув, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топди.

Ҳозирги кунда дунёнинг аксарият ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш билан боғлиқ мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш судлар ваколатида бўлиб, у узоқ тарихга эга. 1679 йил 26 майда Англияда қабул қилинган «Habeas Corpus Act» деб ном олган қонун инсоният тарихида ўзбошимчалик билан ҳибсга олишни чеклаган биринчи ҳужжат бўлиб, унда “ҳеч бир зот, эркин фуқаро суд қарорисиз ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, мулкидан маҳрум қилиниши, қонундан ташқари деб эълон қилиниши, қувғин қилиниши мумкин эмас” - дейилган. «Habeas Corpus Act»да белгиланган тартибга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи суд ҳузурига дарҳол олиб келиниши ва шахсни қамоққа олишга суднинг розилигини олиш учун қонуний асослантирилган тегишли ҳужжатлар тақдим қилиниши керак ва бундай асослар бўлмаганда шахс Habeas corpus буйруғини чиқариш йўли билан озод қилинади.

Юртбошимизнинг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги тарихий фармонларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва уларнинг амалиётда ижросини таъминлаш мақсадида 2007 йил июнь ойида “Ўлим жазосини бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ва “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди, Сенат томонидан 2007 йил 15 июнда маъқулланди ва 2008 йил 1 январдан кучга киритилди. Ушбу қонулар билан Жиноят, Жиноят процессуал ва Жиноят ижроия кодексларига тегишли ўзгартиришлар киритилган бўлиб, улар

мамлакатимизда демократик жараёнларни ривожлантиришга, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишга, юртимиз обрў-эътибори, шон-шўратини жаҳон ҳамжамияти олдида кўтаришга, фуқароларимизнинг конституциявий ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда қонун устуворлигига эришиш, ҳар бир қонун меъёрининг тўла ва изчил ижросини таъминлашга, ҳамда ҳуқуқий тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “Қонуннинг устуворлиги – ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутди. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунмиш мажбуриятдан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир. Қонуннинг устуворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлик учун жавобгар бўлади”.

Фойдаланиш учун тақдим этилаётган китобда муҳим қонун ҳужжатларимиздан бири – Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар баён этилган. Мазкур Кодекс ҳам Республикада мустақил ижод этилган ва барча қонунларимиз каби халқимизнинг иродасини ифодалайдиган, инсонпарварлик руҳида ривожланиб, сайқалланиб келаётган ҳужжатдир.

Ватанимизда илгари амал қилган кодекслардан мустақиллик даврининг ҳуқуқий маҳсули бўлган ушбу Кодекс кўп жиҳатдан мазмунан жиддий фарқ қилади. Унинг ҳажми ва тузилиши ҳам ўзига хос батафсиллик билан ажралиб туради. Аммо, қонун меъёри, қанчалик тўла ва раvon ифодаланган бўлмасин, уни ижро қилиш ёки унга риоя қилиш чоғида баъзи жиҳатларни тўғри, ягона, бир хилда талқин қилиш зарурияти сезилиб туради.

Бундай ҳолларда кўпинча “қонун чиқарувчи нима демокчи, нимага урғу бермоқчи” эканини аниқ тушунмаслик қонун талабларига риоя қилишда хатоликка олиб келади. Бунга йўл

қўймаслик учун қонундаги ҳар бир жумла, ифода ва ибора инсон манфаатларини инобатга олиб тушунилиши лозим.

Ҳуқуқ назариясида қонуннинг мазмунини тўғри тушуниш ва тўғри тушунтира олишга оид, ҳар бир ҳуқуқий меъёرنинг мазмуни нимага қаратилган, унинг аҳамияти нимада, қандай ҳаётий вазият ва воқеликка оид эканини аниқлашга қўмаклашадиган қоидалар мавжуд. Уларга биноан, ҳар бир ҳуқуқий норманинг турли жиҳатдан тушуниш (интерпретация), шарҳлаш (комментирование) ва тушунтириш (трактование) мақсадга мувофиқ. Қонуннинг ҳар қандай талқини (толкование) унинг мазмунига мутаносиб (адекват) бўлмоғи шарт.

Қонунни талқин қилишнинг энг жиддий ва барча учун мажбурий турлари: аудентик – қонун чиқарувчи томонидан, легал – расмий қўшимча қонун-қоидалар чиқариш ва Конституциявий суд шарҳи тарзида амалга оширилади.

Қонунни бажаришга қаратилган, хусусан одил судлов ва жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи давлат органларининг марказий идоралари тегишли қонунларга амалий-меъёрий талқинлар беришга ҳақли. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди пленумлари ўз ваколатлари доирасида суд амалиётига оид қарорлар қабул қилишлари ва тушунтиришлар беришлари мумкин. Бундай ҳужжатлар суриштирув, тергов, прокуратура органлари ҳамда судлар учун мажбурий тусда бўлади. Лекин Олий суд Пленуми амалдаги қонунларни амалга оширишга йўналтирилган қарор чиқарганларида қонунга қўшимча, янги меъёрлар яратмайди.

Шунингдек, жиноят-процессуал қонунларининг ижроси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид бир қатор низомлари ва буйруқлари Кодекс талабларини самарали амалга оширишга қаратилган. Улар ҳам ушбу шарҳларда инобатга олинди.

Қонуннинг бошқа турдаги талқинлари илмий тарзда бўлиб, улар, табиийки, барча учун мажбурий эмас, назарий, фанга асосланган доктринал талқин ҳисобланади. Бу хил талқинлар, аксарият, қонун матнининг мантиқий ва грамматик мазмунига оид бўлиб, тарихий ва жорий юз берган ҳолатлар ҳамда бу

тўғрида амалда қўлланаётган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олади. Одатда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига оид меъёрий қоидалар кенгайтирилиб, шахс зиммасига мажбурият юклайдиганлари, аксинча, торайтирилиб шарҳланади. Бу инсонпарварликка хос тамойилларга риоя қилиш шарт.

Ҳар бир шарҳ меъёрий матнда охиригача ифодаланмай қолган, бошқа қонун ҳужжатларига ҳавола қилиш билан кифояланган ҳолатларни ойдинлаштириши лозим. Бу жиҳатдан ушбу шарҳ муаллифлари дастлаб чоп этилган Жиноят-процессуал кодексга шарҳларни чуқур талқин қилдилар, мазмунан ва шаклан илгари узил-кесил ифодаланмаган талқинларни тўлдириб, ойдинлаштирдилар. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Кодексга қарийб 14 йил давомида демократлаштириш ва эркинлаштириш руҳидаги киритилган ўзгартишлар, янги моддалар ва боблар ҳам шарҳланди.

Яна бир масалани эслатиб ўтиш жоиз. Маълумки, Кодексда “ҳақли”, “ваколатга эга”, “...муайян ҳаракатни бажариши мумкин”, “йўл қўйилади” каби имконият яратувчи моддалар ҳамда “мажбур”, “ҳаққи йўқ”, “...муайян ҳаракатларни бажариши лозим, шарт” каби қатъий ва аниқ моддалар билан бир қаторда “Кодекс моддаларида белгиланади”, “қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади”, “кўрилади”, “ҳисобга олинади”, “амалга оширилади”, “хабар беради”, “тушунтиради”, “тўхтатилади” сингари турлича талқин этиладиган иборалар учрайди. Уларнинг кўпчилиги қатъий ва мажбурий характерга эга. Лекин бу хил ибораларни жиноят процессида ўз манфаатини кўзлаб иштирок этувчиларга нисбатан ҳуқуқий имконият бериш, процессни юритувчи масъул шахсларга нисбатан эса, уларнинг мажбурияти сифатида талқин қилинмоғи лозим.

Китобдан фойдаланувчилар унинг келгуси нашрида эътиборга олиш учун ўз фикр-мулоҳазаларини ва қимматли тавсияларини юборишларига умидвормиз.

**ТДЮИ ректори
профессор М.Х. Рустамбоев**

Мазкур Кодексга 2009 йил 1 майгача қўшимча ва ўзгартишлар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси:

22.12.1995 й. 179-I-сон Қонуни – 1995 й. 2-сон, 5-модда;
27.12.1996 й. 357-I-сон Қонуни – 1996 й. 12-сон, 269-модда;
30.08.1997 й. 485-I-сон Қонуни – 1997 й. 2-сон, 56-модда;
01.05.1998 й. 621-I-сон Қонуни – 1998 й. 5-6-сон, 102-модда;
29.08.1998 й. 681-I-сон Қонуни – 1998 й. 9-сон, 181-модда;
25.12.1998 й. 729-I-сон Қонуни – 1999 й. 1-сон, 20-модда;
15.04.1999 й. 772-I-сон Қонуни – 1999 й. 5-сон, 124-модда;
20.08.1999 й. 832-I-сон Қонуни – 1999 й. 9-сон, 229-модда;
26.05.2000 й. 82-II-сон Қонуни – 2000 й. 5-6-сон, 153-модда;
31.08.2000 й. 125-II-сон Қонуни – 2000 й. 7-8-сон, 217-модда;
14.12.2000 й. 163-II-сон Қонуни – 2001 й. 1-2-сон, 11-модда;
15.12.2000 й. 175-II-сон Қонуни – 2001 й. 1-2-сон, 23-модда;
29.08.2001 й. 254-II-сон Қонуни – 2001 й. 9-10-сон, 165-модда;
30.08.2001 й. 271-II-сон Қонуни – 2001 й. 9-10-сон, 182-модда;
30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни – 2002 й. 9-сон, 165-модда;
25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни – 2003 й. 5-сон, 65-модда;
12.12.2003 й. 568-II-сон Қонуни – 2004 й. 1-2-сон, 18-модда;
27.08.2004 й. 671-II-сон Қонуни – 2004 й. 9-сон, 171-модда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг
Ахборотномаси:

22.06.2006 й. ЎРҚ-37-сон Қонуни – 2006 й. 25-26-сон, 226-модда;
25.04.2007 й. ЎРҚ-93-сон Қонуни – 2007 й. 17-18-сон, 171-модда;
11.07.2007 й. ЎРҚ-99-сон Қонуни – 2007 й. 6-сон, 248-модда;
11.07.2007 й. ЎРҚ-100-сон Қонуни – 2007 й. 6-сон, 249-модда;
24.09.2007 й. ЎРҚ-115-сон Қонуни – 2007 й. 39-сон, 401-модда;
13.12.2007 й. ЎРҚ-123-сон Қонуни – 2007 й. 50-51-сон, 502-модда;

13.12.2007 й. ЎРҚ-124-сон Қонуни – 2007 й. 50-51-сон, 503-
модда;

25.12.2007 й. ЎРҚ-137-сон Қонуни – 2007 й. 52-сон, 532-
модда;

07.04.2008 й. ЎРҚ-141-сон Қонуни – 2008 й. 14-15-сон, 84-
модда;

10.04.2008 й. ЎРҚ-151-сон Қонуни – 2008 й. 14-15-сон, 94-
модда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ

УМУМИЙ ҚИСМ

БИРИНЧИ БЎЛИМ АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

1-БОБ. ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1-модда. Жиноят ишларини юритиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланади.

Жиноят ишларини юритишнинг ушбу Кодексда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек, фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир.

1. Жиноят ишларини юритиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларига бирор жиноий воқелик ҳақида ахборот келиб тушган пайтдан бошланиб жиноятни очиш, айбдорни фош қилиш ва қонуний жавобгарликка тортишгача даврда амалга ошириладиган фаолиятдан иборат. Ушбу фаолият Жиноят-процессуал кодекси нормалари билан белгиланган қатъий тартибда юритилади.

Жиноят ишларини юритиш тартиби барча судлар, прокуратура, тергов ва суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек, фуқаролар учун ягона ва мажбурий қоидалардан иборат.

2. Давлат органи ва мансабдор шахс жиноят ишининг тергови ва суд муҳокамаси чоғида фақат қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида ҳаракат қилади ва уларга тўла риоя қилиб қарорлар чиқаради. Жиноят процессида иштирок этадиган шахслар эса қонунда тақиқланмаган ҳар қандай восита ва усуллардан фойдаланишлари мумкин.

3. Жиноят қаерда содир этилганидан қатъи назар, уни тергов қилиш ва судда кўриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида ушбу Кодексда кўрсатилган меъёрлар қўлланилади.

Хорижий давлат муассасаларининг жиноят ишени юритишга оид процессуал ҳаракатларни бажариш ва жиноят иши қўзғатиш тўғрисида топшириқлари ҳам ушбу Кодекс нормаларидаги тартиб ва шартларга риоя қилиб амалга оширилади (ЖПК 6-7-моддаларининг шарҳларига қаранг).

4. Жиноят процессуал меъёрларига риоя қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсати томонидан чиқарилган қарорлардаги қонунга мувофиқ берилган тушунтиришлар ва йўл-йўриқлар ҳам инобатга олинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ЖПК меъёрларига, улардаги процессуал талабларга аниқ ва тўла риоя этилишини таъминлаш мақсадида прокуратура органлари учун мажбурий буйруқлар чиқаради ва йўл-йўриқлар беради. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, шунингдек, суриштирув олиб бориш ваколатига эга бўлган давлат органларининг раҳбарияти жиноят процессуал меъёрлар доирасида ва уларни бажаришни таъминлашга йўналтирилган низомлар, дастурлар ва буйруқлар чиқариши мумкин. Бу қонуности меъёрий ҳужжатлари тегишли тизимнинг мансабдор шахслари учун мажбурийдир. Лекин улар фуқаролар зиммасига қонунда бевосита қўзда тутилмаган мажбуриятларни юклаши мумкин эмас.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги ва бошқа ижроия органлари судлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига жиноятларнинг олдини олиш, тергов юритиш ва судда кўриш билан боғлиқ ҳамкорлик қилишга қаратилган бошқарув ҳужжатлари чиқарганда жиноят-процессуал меъёрларга риоя қиладилар, лекин уларни тўлдирмайдилар ва ўзгартирмайдилар.

2-модда. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.

Жиноят ишларини юретишнинг жиноят-процессуал қонунларда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозим.

1. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг ягона вазифаси қонунни, хусусан Жиноят кодексини тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборат. Қонунни тўғри татбиқ этиш дейилганда, аввало, қонунбузарлик ҳамда қонунга риоя қилмаслик ҳолларини тез ва тўла очиш, ҳар қандай қонунбузарнинг жавобгарликка тортилиши муқаррарлигини таъминлаш тушунилади. Ҳар бир жиноят содир этган шахс, у ўз қилмишини яширишга қанчалик уринмасин, фош этилишига, айни вақтда, айби бўлмаган ҳеч бир шахс ноҳақ жавобгарликка тортилмаслигига эришиш - одил судловнинг туб кафолатидир.

2. Ҳар бир жиноят, у қанчалик яширин содир этилган бўлмасин, тез ва тўла очилиши лозим. Жиноят процессуал қонунига кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари доимо сезгирлик билан жинойи воқеликларни аниқлаши, уларни "излар совимай" очиши, жиноят содир этишга имкон берган ҳолатларни аниқлаши, жиноятнинг барча иштирокчилари, айниқса ташкилотчилари, далолатчилари, бевосита ижрочиларини аниқлаши муҳим аҳамият касб этади. Жиноят қанча тез ва тўла очилса, инсон, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоялаш вазифаси шунча самарали бажарилади.

3. Ишнинг барча ҳолатларини аниқлаш юз берган воқеани, ҳақиқатни аниқлашдан иборат. Бўлиб ўтган ҳолатларга тўғри баҳо бериш ҳақиқатнинг туб мазмунини билишга имкон беради. Ҳақиқатни билмай жиноят процессуал қонун ҳужжатларини татбиқ этиш ва унинг вазифаларини бажаришга эришиб бўлмайди.

4. Жиноят-процессуал қонун талабларини бажариш бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суднинг зиммасидадир. Бу талабларни амалга оширишдан давлат, жамият ва ҳар бир инсон манфаатдор. Унга боғлиқ амалий ишларни мувофиқлаштириб бориш, барча имкониятлардан, фан ва техника ютуқларидан, жамоатчилик кучи, заковати ва маънавий таъсиридан оқилона фойдаланиш ташкилий ҳамжиҳатликни талаб қилади.

3-модда. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вақт ва ҳудуд бўйича амал қилиши

Жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

1. Жиноят-процессуал қонуни муайян вақтда қабул қилинади ва муайян давр мобайнида амал қилади. Унинг кучга кириш, ижро этилиш, маълум шароитлар сабабли ўзгариш ва ўз вазифаларини адо этгач, ниҳоясига етиш вақти бор.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига биноан қабул қилинган қонун матбуотда эълон қилиниши унинг қўлланилишининг мажбурий шартидир. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд эълон қилинмаган қонун ҳужжатларига таяниб бирор қарор қабул қилиши, шунингдек, тергов-суд ҳаракатларини бажариши мумкин эмас. Қоидага кўра, ҳар бир қонун ҳужжати Олий Мажлис Палаталарининг Ахборот-номасида ва "Халқ сўзи" газетасида эълон қилинганидан ўн кундан кейин кучга киради. Аммо, қонуннинг кучга кириш ва тўла ёки қисман амалда бўлиш вақти унинг ўзида, баъзан эса алоҳида қонун ҳужжатида кўрсатилиши мумкин. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 1994 йил 22 сентябрда тасдиқланган ва шу куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори билан 1995 йил 1 апрелидан тўла амалга киритилган.

3. Кодексга ўтган давр ичида ҳаёт тақозоси билан жуда кўп ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Улардан қатъи назар, жиноят иши юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси улар юритилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади. Лекин бу умумий қоидадан баъзи истиснолар эътиборга олинishi лозим. Биринчидан, жиноят содир этилган вақт ва жойдан қатъи назар, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузган шартнома ва

битимларида ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, ана шу шартнома ва битимда кўрсатилган қоидаларга мувофиқ олиб борилади. Бу ҳолда Ўзбекистон билан шартнома ёки битим тузган давлатнинг тегишли муассасаси ёхуд идораси билан ҳамкорлик ўрнатилади. Иккинчидан, шахс ўн саккиз ёшга тулмасдан илгари содир этган қилмиши учун айбланса, у иш юритиш вақтида вояга етган бўлса-да, жиноят процессуал муносабатларда ўн саккиз ёшга тулмаганга тегишли ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланади. Бу афзалликлар амалдаги қонун меъёрларида кўрсатилмаган бўлса ҳам, жиноят содир этилган вақтдаги қонунда назарда тутилган бўлса, орқага қайтиш кучига эга.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қуруқлик, ҳаво ва сув бўйича давлат сарҳадлари доираси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси байроғи остида очик денгиз ва ўзга давлат ҳудудий сув ҳавзаларида сузаётган сув кемалари, фазодаги ва ўзга давлат ҳудудидаги ҳаво кемалари ҳамда элчихона майдонлари киради. Ана шу ҳудудда содир этилган жиноятлар тўғрисида ишлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси қўлланилади.

4-модда. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг ажнабий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан амал қилиши

Ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни юритиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу Кодексга мувофиқ олиб борилади.

Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан ушбу Кодекс Ўзбекистон Республикаси иштирок этадиган халқаро шартномалар ва битимларга зид келмайдиган ҳолларда қўлланилади.

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишлари ушбу Кодекс талаблари асосида юритилади. Жиноятни содир этишда гумон остига олинган шахс, айбланувчи, судланувчи ажнабий давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган ҳолларда ҳам, Кодекс назарда тутган қоидалар қўлланади.

2. Ажнабий мамлакат фуқаролари ва ажнабий мамлакатда доимий истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида унинг қонунларида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва қонуний мажбуриятларни бажарадилар. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузган шартнома ва битимлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси тан олган ва ратификация этган халқаро ҳужжатлар устувор ҳисобланади.

3. Иммуниет (лотинча *immunitatis*) халос бўлиш демакдир. Ҳуқуқ соҳасида иммуниет фақат қонун ҳужжати асосида берилади ва шахсининг ёки муассаса, ташкилотнинг муайян ваколатлари тўсиқсиз амалга оширилишини таъминлаш зарурлиги боис алоҳида ҳуқуқлари, ҳуқуқий афзалликлари, имтиёзлари, устуворлиги борлигини ёхуд бирор турдаги мажбуриятдан халослиги, таъсир чорасидан ташқаридалиги, дахлсизлигини англатади. Ҳар қандай жисмоний шахс, шунингдек, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаганлар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, шу жумладан Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларининг талабларига риоя қилишлари шарт. Аммо, улар бу мажбуриятларга нисбатан иммуниетга эга, яъни бундай мажбуриятдан халос этилган бўлишлари мумкин. Ушбу модда ана шундай иммуниетга эга бўлган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тааллуқли. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига бериладиган жиноят-процессуал иммуниетлар ушбу Кодекснинг 5-моддасида баён қилинган.

4 Мазкур Кодексда белгиланган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тегиш алоҳида қоидалар БМТ 1946 йил 13 февралда тасдиқлаган “Имтиёзлар ва иммуниетлар тўғрисида конвенция” ҳамда 2001 йил 8 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик вакилликлар ва консуллик муассасалари тўғрисида низом” асосида белгиланган. Баъзи давлатлар билан Ўзбекистон Республикасининг ташқи битимлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 5-10, 165, 217-моддалари ва бошқа қонун ҳужжатларига биноан дипломатик элчихона, ваколатхона, консуллик муассасаси, баъзи халқаро ташкилотларнинг биноларида тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари фақат шу идораларнинг раҳбарлари илтимос қилганда ёхуд уларнинг розилиги билан ўтказилишига йўл қўйилади. Бу


идораларнинг бинолари, мулклари, транспорт алоқа воситалари ва ҳужжатларига нисбатан иммунитет қоидалари қўлланади. Уларнинг раҳбарлари, маъмурий-техникавий ҳамда кўмакчи ходимлари ҳам давлат ўртасида келишувга кўра шахсий иммунитетидан фойдаланадилар. Улар шунингдек, уларнинг оила аъзолари ва биргаликда истиқомат қилаётган шахсларга ҳам ўзаро келишувга биноан иммунитет қоидалари қўлланилиши, мулки, ҳужжати, хат-ёзишмалари текширилмаслиги назарда тутилиши мумкин. Уларни гувоҳ сифатида сўроқ қилишга чақириш, ушлаш туриш ёхуд бошқа процессуал таъсир чоралари қўллаш Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилмасдан мумкин эмас.

5. Ажнабий мамлакат ва халқаро ташкилотларнинг дахлсизлик иммунитетига эга бўлган шахслари, шу жумладан, иммунитетга эга ходимларини жиноий жавобгарликка тортиш, кўрсатув бериш учун чақириш ва тергов-суд ҳаракатларига жалб қилиш фақат дипломатик йўл билан ҳал қилинади.

5-модда. Судлар, прокурорлар ва терговчиларнинг хорижий давлатларнинг тегишли муассасалари билан алоқада бўлиш тартиби

Судлар, прокурорлар ва терговчиларнинг хорижий давлатларнинг тегишли муассасалари билан айбланувчини ушлаб бериш ва айрим процессуал ҳаракатларни ўтказиш ҳақидаги топшириқларни ижро этиш масалалари бўйича алоқада бўлиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш тўғрисида тузган шартнома ва битимларига биноан белгиланади.

1. Ажнабий давлатларнинг судлари, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи давлат органлари ва муассасалари билан Ўзбекистон Республикаси судлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ўзаро ҳуқуқий ёрдам масалаларида фаол ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиши замон талабидир. Айниқса, халқаро жиноятчиликнинг олдини олиш икки томонлама, минтақавий ва кўп томонлама жиддий чора-тадбирни режалаштириш ва амалга ошириш имкониятларидан муттасил ва кенг



фойдаланишга боғлиқ. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 22 январда Россия Федерацияси, Арманистон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон ва Украина билан Минскда имзолаган фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Конвенцияси бу борада илк қадам бўлди. Ҳозирда бундай ҳамкорлик Ўзбекистон билан унлаб давлатлар ўртасида ўрнатилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 29 ноябрда Интерполнинг миллий бюросини очди ва унинг Низомини тасдиқлади.

2. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги: жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам, жиноятчиларни аниқлаш ва ушлаб бериш, амалий ва илмий ахборотларни айирбошлаш, биргаликда тадқиқотлар ўтказиш, касбий, услубий за техникавий муаммоларни муҳокама қилиш ва ўзаро фаолиятни мувофиқлаштиришдан иборат.

3. Жиноят ишлари бўйича ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик деганда, турли процессуал, хусусан тергов ҳаракатларини ўтказиш, жиноят ишини қўзғатиш, далилларни ва шахсларни қидириб топиш, фуқаровий даъвони қўллаш каби муайян ишларни бажариш тушунилади.

4. Терговчи ажнабий мамлакатга юбориши лозим бўлган топшириқ ва сўровларни тегишлича Ички ишлар вазирлиги ёки Миллий хавфсизлик хизмати орқали Бош прокуратурага, судлар – Олий судга юборадилар. Бош прокуратура ва Олий суд топшириқ ва сўровларни Ташқи ишлар вазирлиги орқали ажнабий давлатнинг тегишли идораларига етказди. Бу ҳақда хат-ёзишмалар халқаро тиллардан бирида баён этилмоғи шарт.

5. Ажнабий давлат органи ёки муассасасига йўналтирилаётган топшириқ ёки сўровда мазмунан ва шаклан қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- топшириқ ёки сўров юбораётган давлат органи, унинг аниқ манзили, телефони, факси ва интернет манзили;
- жиноят ишининг ва топшириқ ёки сўровнинг мазмуни;
- топшириқ ёки сўровга алоқадор шахс тўғрисида маълумотлар: фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган вақти ва жойи, фуқаролиги, касби, яшаш жойи;
- аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар, сўралаётган ҳужжатлар, ашёвий далиллар;

- содир этилган жиноятга оид ҳолатлар, жиноят тавсифи, ЖК моддасининг матни, жиноят оқибатида етказилган зиённинг миқдори.

6-модда. Чет эл муассасаларининг процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларини ижро этиш

Ўзбекистон Республикасининг судлари ва тергов органлари ўзларига берилган чет эл муассасаларининг айрим суд ёки тергов ҳаракатларини бажариш: гувоҳлар, айбланувчилар, экспертлар ва бошқа шахсларни сўроқ қилиш, кўздан кечиришлар, экспертизалар, тинтувлар ўтказиш, ашёвий далилларни олиш ва тақдим этиш, зарур ҳужжатлар тузиш ва юбориш ҳамда бошқа ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларини ижро этадилар. Суд ёки тергов органларига бевосита келиб тушган чет эл муассасаларининг топшириқлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси билан келишилган ҳолдагина ижро этилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл муассасаларининг топшириқларини ижро этишда ушбу Кодекснинг 3-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Чет эл муассасасининг топширигини ижро этиш мумкин бўлмаса, олинган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси орқали шу топшириқни юборган муассасага, унинг ижро этилишига тўсқинлик қилувчи сабаблар кўрсатилган ҳолда қайтариб юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди хорижий давлатлар муассасалари билан юқорида айтилган масалалар бўйича алоқани бевосита амалга оширади.

1. Ажнабий давлатнинг ваколатли органлари ва мансабдор шахсларининг айрим процессуал, шу жумладан сўроқ қилиш, экспертиза, тинтув ўтказиш, ашёвий далил ва ҳужжатларни тақдим қилиш каби тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги топшириқлари Ўзбекистон Республикаси судлари ва тергов органлари томонидан ҳуқуқий ўзаро ҳамкорликнинг кўринишидир.

Бундай топшириқларни тергов органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасидан, судлар эса, Ўзбекистон Республикаси Олий судидан рухсат олиб ижро этадилар. Агар топшириқни бажариш имконияти бўлмаса, бу ҳақда тергов органлари ва суд тегишинча Бош прокуратура ёки Олий суд орқали топшириқ юборган ажнабий давлат органи ёки мансабдор шахсни хабардор қиладилар. Ушбу масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг Олий суди ажнабий муассасалар билан алоқани бевосита ўзи амалга оширади.

2. Ажнабий давлат муассасаси ва мансабдор шахсининг ҳуқуқий ўзаро ёрдам тарзидаги топшириқлари Ўзбекистон ҳудудида амалда бўлган қонунларга мувофиқ равишда ижро этилади. Топшириққа кўра ажнабий давлат қонунларидаги қоидаларга риоя қилиш зарур бўлса, бу қоидалар Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаса қўлланилиши мумкин. Бу борада дастлаб Ўзбекистон Республикасининг айрим давлатлар билан ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш тўғрисидаги шартнома ёки битимларига риоя қилинмоғи шарт.

3. Мазкур топшириқларни бажариш чоғида тегишли ажнабий давлат вакиллари ҳозир бўлишлари ва Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган ҳолда иштирок этишлари мумкин. Бу ҳақда топшириқ юборган ажнабий давлат муассасаси ёки мансабдор шахсига хабар берилади.

4. Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ва хавфсизлигига раҳна солиши мумкин бўлган ажнабий давлатнинг топшириқлари бажарилиши мумкин эмас.

7-модда. Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги топшириқ

Чет эл муассасасининг бошқа давлат ҳудудида жиноят содир этган ва Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига нисбатан жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги топширигини Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси кўриб, иш қўзғатиш тўғрисидаги талабнинг асослилигини текширади. Текширув натижалари тўғрисида топшириқ жўнатган муассасага хабар берилади. Башарти топшириқда кўрсатилган шахс устидан тергов ўтказилиб, ҳукм чиқарилган бўлса, ҳукм қонуний кучга киргандан кейин унинг тасдиқланган нусхаси хорижий давлат-

нинг тегишли муассасасига хабарнома билан бирга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этиб, ундан ташқарига чиқиб кетган ажнабий фуқарога нисбатан суриштирув ва дастлабки тергов органлари тўплаган барча материаллар Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига тақдим этилади, у иш қўзғатиш ҳақидаги талабномани хорижий давлатнинг тегишли муассасасига жўнатиш тўғрисидаги масалани ҳал этади.

1. Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ажнабий давлат ҳудудида жиноят содир этган ва ўз ватанига қайтиб келганидан сўнг унга нисбатан жиноят иши қўзғатиш тўғрисида ажнабий давлатнинг ваколатли органи ёхуд мансабдор шахсининг топшириғи, фақат бу ҳақда келган материалларни текшириб, уларнинг асосли эканлиги аниқлангач, бажарилиши мумкин. Ушбу масалани Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси ҳал қилмоғи лозим. Текширув натижалари жиноят иши қўзғатиш учун асослар йўқлиги ёхуд етарли эмаслигидан дарак берса, бу ҳақда топшириқ юборган ажнабий давлат органи ёки мансабдор шахси хабардор қилинади.

Агар мазкур шахс устидан топшириқда кўрсатилган қилмиш бўйича тергов юритилган ва суд ҳукми чиқарилган бўлса, ҳукмнинг нусхаси, у қонуний кучга киргач, топшириқ юборган ажнабий давлат муассасасига ёки мансабдор шахсига юборилади.

2. Ажнабий давлат фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этгани тўғрисида тўпланган текширув материаллари асосида жиноят иши қўзғатиш ва таъқиб қилиш масаласи амалдаги жиноят-процессуал қонун нормаларига мувофиқ ҳал қилинади. Агар шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетган бўлса, суриштирув ва дастлабки тергов органлари тўплаган материаллар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тақдим қилинади ва текшириб кўрилгач, Бош прокурор томонидан жиноят ишини қўзғатиш ва таъқиб қилиш тўғрисида талабнома ажнабий давлатнинг тегишли муассасаси ёки мансабдор шахсига юборилади.

3. Талабномага қуйидаги маълумотлар илова қилинади:

- талабнома берган муассасанинг номи;

- талабнома юборилишига сабаб бўлган қилмишнинг тавсифи;
- жиноят содир этилган вақт ва жой;
- жиноятни назарда тутувчи ЖК моддасининг матни;
- гумон қилинган шахснинг фамилияси, исми, ёши, фуқаролиги ва шахсига оид бошқа маълумотлар;
- жабрланувчининг аризаси;
- жиноят оқибатида етказилган зиённинг миқдори ва қопланиши.

Талабномага иш материаллари, шунингдек, далиллар илова қилинади. Ҳар бир юборилаётган ҳужжат ва унинг халқаро тиллардан биридаги таржима матнининг барча саҳифалари гербли муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим.

4. Шахс ёки гуруҳ бир қанча жиноятларда айбланаётган бўлса ва бу жиноятлар учун Ўзбекистон Республикаси ва бир неча ажнабий давлат қонунлари бўйича жавобгарлик кўзда тутилган бўлса, иш дастлабки тергов тамомланган давлатнинг судида, шу давлатнинг жиноят ишларини юритиш ҳақида қонун ҳужжатларига риоя қилиб кўрилоғи даркор. Бинобарин, айбланувчи шахснинг ўзи ҳам ана шу давлатга келтирилиши лозим. Жиноят иши бўйича охириги қабул қилинган қарор ёки ҳукмнинг нусхаси тегишли манфаатдор давлатга юборилиши шарт.

8-модда. Хорижий давлатдан шахсни ушлаб бериш тўғрисида талаб қилиши

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси хорижий давлатларнинг тегишли муассасаларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган шахсни ушлаб бериш тўғрисида, башарти унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган ёки айблов ҳукми чиқарилган бўлса, халқаро шартномалар ва битимларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда талабнома билан мурожаат этади.

Ушлаб бериш тўғрисидаги талабномада, қоида тариқасида:

1) айбланувчининг (махкумнинг) фамилияси, исми, отасининг исми, тутилган йили, фуқаролиги тўғрисидаги маълумотлар, ташқи қиёфасининг тавсифи, фотосурати;

2) содир этилган жиноятнинг ҳақиқий ҳолатлари баёни ва қонуннинг бу жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи матни ва унда кўрсатилган жазо чоралари;

3) ҳукм чиқарилган жой ва вақт, ҳукм қонуний кучга кирганлиги тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги талабномага ҳукмнинг ёки уни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарорнинг нусхаси илова қилинади.

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган шахсни ушлаб бериш ажнабий давлат билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш тўғрисида шартнома ёки битим асосида амалга оширилади. Шахс айбланётган жиноят учун у яшаб турган давлат ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан озодликдан маҳрум қилиш тарзида жазо кўзда тутилган бўлса, шахсни ушлаб бериш тўғрисида талабнома юборилиши ва қаноатлантирилиши мумкин.

2. Шахсни ушлаб бериш тўғрисида талабномани тасдиқлайдиган материаллар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборилади. Бош прокуратура уларнинг асосли эканини текшириб, тегишли ажнабий давлат муассасаси ёки мансабдор шахсига талабнома юборади.

3. Талабномада куйидаги ҳолатлар баён этилиши лозим:

- талаб юбораётган органнинг номи ва манзили;

- ушлаб берилиши талаб қилинаётган шахснинг фамилияси, исми, туғилган санаси, фуқаролиги, яшаш жойи, шахсига оид бошқа маълумотлар, шунингдек, имкон борича уни таниб олишга ёрдам берадиган ташқи қиёфасининг белгилари, фото-сурати ва бошқа материаллар;

- ушлаб берилиши талаб қилинаётган шахс содир этган жиноятнинг тавсифи, жиноят оқибатида етказилган зиён, ушбу жиноят учун жазо белгиланган Жиноят кодекси моддасининг матни;

- қонуний кучга кирган ҳукм ёки шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида қарорнинг нусхаси.

Жиноят иши қўзғатиш ва жиноий таъқиб қилиш учун шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги талабномага шахсга нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини кўллаш ҳақида

суднинг ажрими, агар у маҳкум этилган бўлса, суднинг қонуний кучга кирган ҳукмидан нусха ва ўталмаган жазо муддати ҳақида маълумотнома илова қилиниши лозим.

Талабнома ва унга оид материаллар халқаро тиллардан бирига таржима қилиниб, ҳар бир саҳифаси гербли муҳр билан тасдиқланган бўлиши шарт.

4. Ўзбекистон Республикаси ва ажнабий давлат ўртасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш тўғрисида шартнома ёки битим тузилмаган ёхуд унда жиноят ишлари бўйича юз берадиган ҳолатлар тўла назарда тутилмаган бўлса, жиноят содир этган ва ҳукм қилинган шахсни ушлаб бериш ҳақида талабномани бажариш дипломатик йўл билан ҳал қилиниши мумкин.

9-модда. Ушлаб берилган шахснинг жавобгарлик доираси

Ўзбекистон Республикасига хорижий давлат ушлаб берган шахс ўзи ушлаб берилгунига қадар содир этган ва ушлаб берилишига сабаб бўлмаган жинояти учун ушлаб берган давлатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, жазоланиши, шунингдек, учинчи бир давлатга ушлаб берилиши мумкин эмас.

1. Ўзбекистон Республикасининг талабномаси асосида ажнабий давлат муассасаси томонидан ушлаб берилган шахс фақат талабномада кўрсатилган жинояти учун жавобгарликка тортилиши ва жазоланиши мумкин. Ушлаб берилган шахсни бошқа жинояти учун жавобгарликка тортиш лозим бўлса, уни ушлаб берган давлат муассасасининг розилиги олинishi лозим.

2. Бир давлат томонидан ушлаб берилган шахсни бошқа ажнабий давлат ихтиёрига топшириш мумкин эмас. Бундай зарурат юз берса, масалани ҳал этиш шахсни ушлаб берган давлатнинг хоҳишига боғлиқ. Жиноий таъқиб қилиш хоҳишини ва айблов ҳажмини ҳам шу давлат белгилайди.

3. Ажнабий давлат ушлаб берган шахснинг жиноят иши тамомлангандан сўнг, тергов ниҳоясида қабул қилинган қарор ёки суд чиқарган ҳукм нусхаси шахсни ушлаб берган давлатнинг тегишли муассасаси ёки мансабдор шахсига юборилади.

4. Ажнабий давлат томонидан ушлаб берилган шахснинг шикоятларини кўриб чиқиб ҳал қилиш, жазони ижро этиш ва

уни ўтаган шахсни ўз мамлакатига қайтариш тартиби ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш ҳақида шартнома ёки битим асосида ёхуд дипломатик йўл билан ҳал этилади.

10-модда. Бошқа давлатга шахсни ушлаб беришни рад этиш

Башарти:

1) ушлаб берилиши талаб қилинаётган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлса ва Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатлар билан имзолаган шартномалар ва битимларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса;

2) жиноят Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган бўлса;

3) жиноят содир этгани учун ушлаб берилиши талаб қилинаётган шахсга нисбатан ўша жинояти бўйича ҳукм чиқарилган ва бу ҳукм қонуний кучга кирган ёки шу айблов бўйича жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган бўлса;

4) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари бўйича кучини йўқотиш муддати сабабли ёки бошқа қонуний асосга кўра иш қўзғатилиши ёки ҳукм изро этилиши мумкин бўлмаса;

5) ушлаб бериш тўғрисидаги талабномага асос бўлган қилмиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари бўйича жиноят ҳисобланмаса, шахсни ўзга давлатга ушлаб беришга йўл қўйилмайди.

1. Ҳар бир давлат ўз фуқаросининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади. Фуқаро қаерда яшамасин, ўз давлатининг ҳуқуқий муҳофазасидадир. Шунга кўра, ҳар бир давлат ўз фуқаросини ажнабий давлатнинг талаби билан ушлаб беришга мажбур эмас. Лекин муайян ажнабий давлат билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида тузилган ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома ёки битимда бошқача қоидалар назарда тутилган бўлиши мумкин. Ундаги қоидаларда маълум тоифадаги шахсларни, муайян турдаги жинояти учун ушлаб топширишга йўл қўйилади. Бу ўзаро ҳуқуқий ҳамкорлик шартларидан биридир.

2. Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жинояти учун Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ажнабий давлат томонидан

таъқиб қилиниши ва, бинобарин, ажнабий мамлакатга ушлаб топширилиши мумкин эмас.

3. Қайси худудда бўлмасин, сиёсий тусдаги жиноят ёки харбий ҳуқуқбузарлик учун ҳар қандай шахсни ажнабий давлатга ушлаб топширишга йўл қўйилмайди. Халқаро жиноят содир этиш ҳоллари бу қоидадан мустасно.

4. Шахс Ўзбекистон Республикасининг қонунларига кўра жиноят деб ҳисобланмайдиган қилмиши учун ажнабий давлатга ушлаб берилиши мумкин эмас. Шунингдек, шахс ўз қилмиши учун Ўзбекистон Республикасининг тергов органлари ёхуд суди томонидан ҳукм қилинган ёки унга нисбатан жиноят иши тугатилган бўлса, ажнабий давлат талабномаси бўйича ушлаб топширилмайди. Умумэътироф этилган тамойилга кўра, шахс бир қилмиши учун икки марта жиноий таъқиб қилиниши ва жазоланиши мумкин эмас.

5. Шахсни ушлаб бериш тўғрисида талабнома юборган давлатнинг қонунларига биноан шахс айбланаётган жиноят учун ўлим жазоси назарда тутилган бўлса ҳам талабнома бажарилиши мумкин эмас.

2-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ПРИНЦИПЛАРИ

11-модда. Қонунийлик

Судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек, жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт.

Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекинмиш, қандай сабабларга кура юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

1. Конституция ва қонун устуворлиги мамлакатимизда жиноят-судлов ишларини юритиш соҳасида айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят процессида қонунийлик принципнинг моҳияти шундан иборатки, суриштирув, тергов, суд муҳокамаси ва процесснинг барча босқичларида амалга ошириладиган ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа қонунларига зид келмаслиги ва уларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

2. Ушбу принцип иш ҳолатларини ҳар томонлама ва объектив баҳолаш, ҳар бир жиноят ишини қонунга риоя қилган ҳолда кўриб чиқиш ва ҳал қилиш, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, фуқароларни қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

3. Суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органларининг мансабдор шахслари томонидан қонунийлик принципига амал қилиш уларнинг жиноят судлов ишларини юритишдаги мавжуд масалаларни ҳал қилиш ва самарали фаолият олиб бориш учун зарур шарт ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, бу шахслар қонунийлик принципига амал қилиши ҳамда унинг бошқа шахслар томонидан бузилишининг олдини олиши ва қонунийлик принципи бузилган ҳолларда тегишли чораларни амалга оширишлари лозим. Бу борада суриштирув, тергов, прокура-

тура ва суд органларида жиноят иши бўйича суд процессига жалб қилинган шахсларнинг қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ва манфаатлари, шунингдек, уларнинг ўз процессуал мажбуриятларини тўғри амалга оширишларини тушунтириб бериш ва таъминлаш мажбурияти юклатилганлиги қонунийлик принципнинг амалга ошишини таъминлайдиган муҳим қафолатдир.

4. Қонунийлик принципи орқали инсон ва фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган асосий ҳуқуқ ва эркинликларига жиноят процессида риоя қилинишига эришилади.

Қонунийлик принципи, шунингдек, жиноят процессида қабул қилинадиган процессуал актларнинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ бўлиши лозимлигини билдиради.

5. Қонунларни бузиш учун жавобгарлик қонунийлик принципнинг муҳим қисмидир. Қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя қилиш жиноят процессида иштирок этувчи ҳар бир шахс учун мажбурийдир. Чунки айнан жиноят процессида иштирок этувчи ҳар бир шахс ўзининг қонуний мажбуриятларини бажариши орқалигина бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари амалга ошади.

6. Судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят процессини бошқарувчи, юритувни давлат хизматчиси сифатида ҳар бир процессуал қарорни чиқаришда ва ҳар қандай процессуал ҳаракатни бошқаришда фақат қонунда кўрсатилган асослар, тартиб ва шартлар доирасида фаолият юритади. Ушбу Кодексда кўрсатилмаган усуллар ва воситалардан фойдаланиб иш юритиш мумкин эмас. Қонунда назарда тутилмаган йўллар билан эришилган маълумотлардан далил сифатида фойдаланиш ман этилган. Бундай маълумотлар номақбул ҳисобланади.

Гумон қилинган шахс, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва ишдан ҳуқуқий манфаатдор бошқа шахслар қонунга риоя қиладилар ва қонун тақиқламаган ҳар қандай воситалар ҳамда усуллар билан ўз манфаатларини ҳимоялашга ҳақлидирлар.

12-модда. Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга оширади.

1. Юқоридаги модда ва Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига кўра, «Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади»

Суд – давлат фаолиятининг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга йўналтирилган, турли хил низоларни ҳал қиладиган ҳокимият тормағидир.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасида одил судловни амалга оширувчи судларнинг тўлиқ рўйхати белгиланган. Унга кўра «Ўзбекистон Республикаси суд тизими 5 йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳўжалик суди, шу муддатга тайинланадиган, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий ва ҳўжалик судларидан иборат. Судларнинг ташкил этилиш ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

3. Жамоатчилик тартибида фаолият кўрсатадиган ўртоқлик судлари ва ҳўжалик юрителишга оид низоларни ҳал қилишга кўмак берадиган ҳакамлик судлари давлат суд тизимига кирмайди ва одил судловни амалга оширолмайди.

4. Жиноят процессида одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши шунинг англатадики, суднинг Конституция ва қонунларда белгиланган ваколатлари ҳеч бир давлат ёки жамоат органи томонидан амалга оширилиши мумкин эмас ва бундай ҳаракат жавобгарликка сабаб бўлади.

5. Айнан одил судловни амалга оширувчи суд органлари жиноятни содир қилишда айбланаётган маълум бир шахсни

айбдор деб топиш ва унга жазо чораси ёки қонунда кўрсатилган бошқа таъсир чораларини тайинлаш, шунингдек, ноқонуний ва асоссиз жавобгарликка тортилган шахсларни жавобгарликдан озод қилиш масалаларини ҳал қилади.

13-модда. Жиноят ишларини ҳайъатда ва якка тартибда кўриб чиқиш

Жиноят ишлари ҳайъатда кўрилади, Жиноят кодекси 15-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар эса, судья томонидан якка тартибда кўрилади.

Иш биринчи инстанция суди томонидан ҳайъатда кўрилганда суд таркибига судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси киради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларни уч нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқади.

Одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Тегишли суд ҳайъатларида апелляция, кассация ва назорат тартибида ишларни кўриш уч нафар судьядан иборат таркибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳукмларига апелляция ва кассация шикоятлари (протестлари) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли судлов ҳайъатларида беш нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқилади.

Суд раёсати ишларни раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлгандагина кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми унинг таркибидагилардан камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина ишларни кўриб чиқади.

1. Ишни кўриб чиқувчи суд органларининг таркиби муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида жиноят ишларини кўриб тўғри ва аниқ, қонуний ҳал қилувчи чиқувчи суднинг таркиби асосан қуйидагилардан иборат бўлади: якка судья; судья ва халқ маслаҳатчилари; судьялар таркиби.

2. Судья якка тартибда Ўзбекистон Республикаси ЖК 15-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни, яъни ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёхуд унча оғир бўлмаган, қонунда беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган, шунингдек, эҳтиёт-сизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

Судья ва икки нафар халқ маслаҳатчилари биринчи инстанция тарзида қолган барча жиноятлар тўғрисида ишларини кўриши мумкин. Халқ маслаҳатчилари жиноят ишини кўришда судья билан тенг ҳуқуқларга эга, улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи судья билан тенг ҳуқуқга эга.

Уч нафар судья – Ўзбекистон Республикаси Олий суди биринчи инстанция бўйича ишларни кўриб чиқади.

3. Апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида ҳукм ва бошқа қарорларнинг қонунийлиги, асослилигини ва адолатли эканини текшириш фақат ҳайъат таркибида амалга оширилади. Ўрта бўғин судлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг суд ҳайъатларида уч нафар судья томонидан, мазкур судларнинг раёсатларида эса раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлганида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисида – унинг аъзоларидан камида учдан икки қисми ҳозир бўлганда кўриб чиқади.

Ишларни ҳайъатда кўриб чиқиш шуни англатадики, жиноят ишларига доир биронта қарор, якка тартибда қабул қилиниши мумкин эмас. Суд ҳайъати таркибидагиларнинг барчаси ёки кўпчилигининг фикрини ифодаловчи суд ҳайъатининг ҳулосаси бўлиши керак.

14-модда. Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi

Одил судловни амалга оширишда судьялар ва халқ маслаҳатчилари мустақилдирлар ҳамда фақат қонунга бўйсунадилар. Судьялар ва халқ маслаҳатчилари жиноят ишларини қонун асосида кўриб чиқадилар ва ҳал қиладилар.

Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшига йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида “Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшига йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади” деб белгиланган.

2. ЖПКнинг ушбу моддасида белгиланишича, судьялар ва халқ маслаҳатчиларига ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини монеликсиз ва самарали амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилади. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига ҳар қандай тарзда аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Ҳеч ким судьялар ва халқ маслаҳатчиларига тазйиқ ўтказишга ҳамда муайян жиноят иши қандай ҳал этилиши лозимлигини ўргатишга ҳақли эмас. Ишнинг ҳолисона кўриб чиқилишига тўсқинлик қилиш ёки ноқонуний қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга, халқ маслаҳатчиларига ҳар қандай таъсир ўтказиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Демак, судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг мустақиллиги ҳамда фақат қонунга бўйсунув принципи жиноят ишларини кўриб чиқишда судьяларни ҳар қандай таъсирлардан ҳимоя қилади. Жиноят процесси ушбу принципнинг асосий моҳиятларидан бири ҳам ана шундадир.

3. “Судлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунида судьялар мустақиллигининг кафолатлари, шу жумладан ҳуқуқий ҳимоялаш, моддий ва ижтимоий таъминлаш чоралари белгиланган.

Бундан ташқари, судьялар мустақиллиги шу билан ҳам кафолатланадики, Олий суд Раиси, Раис ўринбосарлари ҳамда аъзолари Олий Мажлиснинг аъзоси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ҳамда бошқа давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлолмайдилар. Судьялар, шу жумладан, туман судьялари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ҳамда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

4. Судьяларнинг мустақиллиги улар фақат қонунга бўйсунган тақдирда, қонун устуворлиги эса судьялар ташқи ва ички омиллар таъсиридан ҳимояланган тақдирда мумкин бўлади. Қонунга бўйсунмаган ҳолдаги мустақиллик ўзбошимчалikka олиб келиши мумкин. Агар судьялар бирон-бир идора ёки мансабдор шахсга тобе бўлганида, фақат қонунга бўйсунмиш мажбурияти аслида йўққа чиққан бўларди.

5. Жиноят процессининг барча суд босқичларида судья ҳар қандай масалани қонун асосида, виждонан, ўзининг ички ишончи бўйича ишга доир ҳамма ҳолатларни ҳар томонлама текшириб чиқиш ҳамда далилларга ўзи баҳо бериш натижасида ҳал қилади. Ишнинг суд муҳокамасида суд умумий қоидага кўра айблов ҳулосасида баён қилинган ҳулосалар билан ҳам, ишни кўриб чиқиш борасида вужудга келадиган барча масалаларни ҳал этишдаги тарафлар фикри билан ҳам, шунингдек, улар келтирган далиллар доираси билан ҳам боғланмаган. Шунинг учун суд тарафлардан бирининг илтимосномасига мувофиқ ёки ўз ташаббуси билан гувоҳни, экспертни чақиртириши мумкин, етишмаётган далил билан ишни тўлдириши мумкин. Суд (судья) шахсга қўйилган айбловни ёки унинг бир қисмини исботланмаган деб ҳисоблаши ва ўз ишончига мувофиқ айбловни ўзгартириши ёки судланувчини оқлаши, янги айблов бўйича ёки янги шахсларга нисбатан жиноят иши кўзгатиши, ишни қўшимча тергов қилиш учун қайтариши мумкин.

6. Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг мустақиллиги ҳамда уларнинг фақат қонунга бўйсунмиши принципига биноан улар ўзи кўрилатган ишга нисбатан ҳар қандай тахмин ва ғаразликдан холи бўлишлари керак ҳамда ўз қарорларини шундай тартибда қабул қилишлари керакки, токи унда ҳар бир судья тенг ҳуқуқли бўлсин. Шунинг учун мазкур ишни кўриб чиқишга монелик қиладиган, унинг ҳолислиги ва беғаразлигига шубҳа тугдирадиган ҳолатлар бўлса, судья ўзини ўзи рад этиши ва ишдан четлатилиши керак. Шунингдек, судья илгари шу ишни юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд мажлисининг котиби сифатида иштирок этган бўлса, ўша ишни келгусида кўриб чиқишда қатнаша олмайди.

7. Судьянинг қарорлари овозларнинг оддий кўпчилиги билан қабул қилинади, бунда раислик қилувчи халқ маслаҳатчиларига таъсир кўрсатмаслик учун ҳаммадан кейин овоз беради,

судьялар маслаҳатлашган пайтда эса мазкур иш юзасидан суд таркибига кирадиган судьяларгина у ерда бўлиши мумкин.

Судьяларнинг мустақиллиги принципи жиноят ишлари судьялар томонидан уларнинг асоссиз хоҳишига кўра ҳал этилишини, уларнинг назорат қилинмаслигини англамайди. Юқори турувчи судлар қонунда белгиланган тартибда ҳукмларни текшириш ҳуқуқига эгадир. Лекин апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси ҳукми бекор қилиб, ишни янгитдан судда кўриш учун юбораётганда олдиндан хулоса чиқариб қўйишга, ўз қарори билан судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлигини чеклашга ҳақли эмас. Биринчи инстанция суди ишни қайта кўраётганда хулоса чиқариш бобида юқори судга тобе эмас, шунингдек, нафақат далилларни баҳолаш ва фактларни аниқлашда, балки жиноят қонунини қўллаш ва жазо тайинлашда ҳам мустақилдирлар.

Судьялар ўз вазифаларини амалга оширганда, шунингдек, хизматдан ташқари муносабатларида одил судлов нуфузига, судьянинг шаънига путур етказадиган ёки унинг холислигига шубҳа уйғотадиган барча нарсалардан йироқ бўлиши керак.

15-модда. Жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги

Суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда, ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатишлари, жиноий ҳодисани, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари шарт.

1. Таҳлил қилинаётган принцип мазмунига кўра, суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят аломатлари ҳамда асослари мавжуд бўлган тақдирда ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатишлари, бирон-бир муассаса, ташкилот, фуқароларнинг хоҳиш-иродасидан қатъи назар, унинг қонуний ҳал этилиши учун барча зарур чораларни кўришлари шарт.

2. ЖПКнинг 322-моддасида жиноят ишини қўзғатиш сабаблари кўрсатилган бўлиб, улар суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчи учун мажбурийдир. Унга кўра:

1) шахсларнинг аризалари;

2) корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ва мансабдор шахслар берган хабар;

3) оммавий ахборот воситалари берган хабар;

4) жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг бевосита ўзи аниқлаши;

5) айбини бўйнига олиш ҳақидаги аризалар жиноят ишини кўзғатиш учун сабаб бўлади.

Жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини кўзғатиш учун асос бўлади.

3. Жиноят ишлари жабрланувчининг ва иш натижасидан манфаатдор бўлган бошқа шахсларнинг ёки суд, прокурор, терговчи ҳамда суриштирувчининг субъектив фикри билан кўзғатилиши мумкин эмас. Улар ўзларининг жиноят иши кўзғатиш ҳақидаги ҳужжатларида ҳар томонлама ва ҳолисона тадқиқ қилинган далилларга асосланишлари керак.

16-модда. Одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш

Жиноят ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

1. Барча фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги принципи, ҳаётнинг барча соҳаларида бўлганидек, жиноят процессида ҳам амал қилади. Унинг моҳияти шундан иборатки, ишда иштирок этаётган ҳар қандай шахснинг мансаб мавқеи, жинси, ирқи ва миллати, маълумоти, тили, динга муносабати, яшаш манзили, эътиқодлари ҳамда жамоат ташкилотларига мансублиги, бошқа ҳар қандай ҳолатлар бирор-бир имтиёзлар берилиши ёки унинг камситилиши учун асос бўла олмайди ва процесснинг боришига ҳамда натижасига таъсир этмайди. Бу талаблар нафақат суд босқичларига, балки бутун иш юритилишига нисбатан татбиқ этилади, чунки қонун меъёрлари суд муҳокамасининг биронта босқичида фуқаронинг ҳуқуқий мавқеини кўрсатиб ўтилган белгилар билан боғлаб қўймайди.

Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган қоидалардир. Лекин бу ҳолат уларнинг мустақил мазмунини инкор этмайди.

2. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги шуни англатадики, ягона моддий ҳамда процессуал қонунлар мавжуд бўлиб, улар фуқароларнинг ирқи ва миллати, ижтимоий, мулкӣ ҳамда мансабга доир ҳолати ёки динга эътиқод қилишига кўра имтиёзлар бермайди ёхуд, аксинча, уларнинг ҳуқуқларини чекламайди.

3. Фуқароларнинг суд олдида тенглиги шуни англатадики, судланувчи ва жабрланувчига нисбатан ирқи, миллати ва диний эътиқодлари, ижтимоий, мансабга доир ва мулкӣ ҳолатидан қатъи назар, ишлар барча судлар томонидан кўриб чиқилиши айнан бир хил процессуал тартибда амалга оширилади. Шунингдек, бу фаолият тартиби ва принциплари юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатларга боғлиқ бўлган ирқӣ, табақавий ва махсус судлар давлатда мавжуд эмаслигини билдиради.

4. Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги барчанинг жиноят қонунларига бўйсунушида ҳамда уни бузганлик учун тенг жавобгар бўлишида намоён бўлади. Жиноят содир этган шахслар, эгаллаган лавозими, машғулот тури ва бошқа омиллардан қатъи назар, жиноий жавобгарликка тортилади ҳамда уларга нисбатан айнан ягона жиноят қонунини татбиқ этилади.

5. Депутат, судья, прокурор каби масъул шахсларни лавозимидан вақтинча четлатиш, ушлаб туриш ва эҳтиёт чораси тарзида қамоққа олишнинг алоҳида тартиблари ЖПКнинг 223, 239 ва 259-моддаларида баён этилган. Уларга кўра, муайян тоифадаги шахсларни ҳамманинг қонун олдида тенглиги принципининг умумий талаблари доирасидан ташқарига чиқаради, лекин бундай дахлсизлик кафолатлари бўлмаганида, депутатлар ва судьялар ўз вазифаларини лозим даражада амалга ошира олмаган, демакким ўзларига инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида юклатилган вазифаларни бажара олмаган бўлар эдилар.

17-модда. Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш

Судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари шарт.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Инсон шаъни ва кадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлигини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйикқа дучор этилиши мумкин эмас. Бундан жиноят ишини юритишга оид бир қатор муҳим, қатъий қоидалар келиб чиқади.

2. Суриштирув, тергов, прокуратура органлари ва суд содир этилган жиноятни очиш ва айбдорларни фош этиш учун кўпинча айрим шахсларнинг иродаси ҳамда хоҳишидан ташқари процессуал мажбурлов воситаларини қўллаш орқали жиноят процессуал фаолиятни амалга оширадилар. Мазкур процессуал мажбурлов воситалари нафақат гумон қилинаётган ва айбланаётган шахсларга нисбатан эмас, балки жиноят процессуал фаолият доирасига жалб этиладиган жабрланувчига, гувоҳга ва бошқаларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Барча мажбурлов чоралари ишда иштирок этаётган шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш асосида амалга оширилиши керак. Инсон шаъни ва кадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар ошкор бўлишига олиб келадиган, соғлигини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ёки маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш таъқиқланиши шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш принципининг моҳиятини ташкил қилади.

3. Кўриб чиқиладиган принцип давлат органлари билан ишда иштирок этадиган шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларни шундай белгилайдики, давлат органлари ишда иштирок этадиган шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматини муҳофаза қилиши шарт, ишда иштирок этадиганлар эса инсон кадр-қимматини камситувчи ҳаракатлардан ҳимоя қилиш воситалари мажмуига эгадирлар. Жумладан, уларнинг манфаатларини чеклаш ёки бузишга олиб келадиган мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят аризаси беришлари мумкин.

Мазкур принцип шахсга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш учун тўсиқ бўлиб хизмат қилади. Эксперимент, гувоҳлантириш, шахсий тинтув ўтказилганда иштирок этадиган шахсларнинг шаъни, кадр-қимматини камситувчи, соғлиғини хавф остига қўядиган ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Суд муҳокамасида иштирок этадиган бирон-бир шахс устида, хусусан, далиллар олиш учун унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас. Агар иш юритилишида процесда иштирок этадиган шахсларнинг шахсий ҳаётига, фарзандликка олиш, тиббий сирлар ва бошқаларга тааллуқли маълумотлар аниқланса, давлат органлари мазкур маълумотларни тарқалиб кетишига йўл қўймаслик чораларини кўришлари шарт.

4. Шахснинг шаъни ва кадр-қимматини хурмат қилиш принципи реабилитация қилинган шахсга етказилган мулкий зарарни ундириш ҳақидаги қонун талабларида ҳам ўз аксини топади.

Агар айбсиз шахсга ноқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортиш, ноқонуний ушлаб туриш, ноқонуний эҳтиёт чорасини қўллаш, ноқонуний ҳукм қилиш натижасида зарар етказилса, оқлов ҳукми эълон қилинган ёки реабилитация қилиш асосларига кўра иш тугатилган тақдирда, бундай зарар, суриштирув органлари, терговчи, прокурор ва суднинг айбидан қатъи назар, тўлиқ ҳажмда ундирилади. Бунда реабилитация қилинган шахс меҳнат қилиш, нафақа олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа муносабатларга боғлиқ бўлган нафақат мулкий зарарни ҳамда бошқа зарарни ундириш, балки маънавий зиён бартараф этилишини талаб этиш ҳуқуқига эга.

18-модда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш

Жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт.

Ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибега олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Суд ва прокурор қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум этилган ёки қонун ёхуд суд ҳукмида назарда тутил-

ганидан ортиқ муддат ҳибсда ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган ҳар қандай шахсни дарҳол озод қилиши шарт.

Фуқароларнинг шахсий ҳаёти, уларнинг турар жойлари дахлсизлиги, ўзаро ёзишмалари, телеграф алоқалари ва телефон орқали сўзлашувларининг сир сақланиши қонун билан қўриқланади.

Шахс эгаллаб турган турар жой ёки бошқа бино ва ҳудудда тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, кўздан кечириш, алоқа муассасаларида почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва уларни олиб қўйиш, телефонлар ва бошқа сўзлашув қўрилмалари орқали олиб борилаётган сўзлашувларни эшитиб бориш фақат ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилиши мумкин.

Ишни юритиш жараёнида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш оқибатида унга етказилган зарар ушбу Кодексда белгиланган асослар ва тартибда ундирлиши лозим.

1. Таҳлил қилинаётган модданинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига асосланган бўлиб, унга кўра давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъулдирлар.

2. Қонун жиноят ишини юритиш учун маъсул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар рўйхатини белгилаган. Ушбу органлар ўзларига қонун билан юклатилган функциялардан ташқари, жиноят процессида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши учун масъулдирлар.

Жиноят-процессуал қонунга биноан, жиноят ишини юритиш учун маъсул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида қуйидаги мажбуриятларни амалга оширадилар:

-қонуний асосларсиз мажбурлов чоралари қўлланган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини дарҳол тиклаш;

-жиноят процесси иштирокчиларининг ўз қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишлари учун зарур бўлган шароит яратиш, уларга ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш учун зарур ҳимоячи ва таржимон билан таъминлаш;

-жиноят процесси иштирокчиларининг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиб, қонуний ҳал қилиш.

3. Мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий йўналишларидан бири сифатида, 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноят процессида шахсни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди.

Бу шубҳасиз, мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилигига энг демократик давлатларнинг қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганган ҳолда, юртбошимиз ташаббуслари билан жорий қилинган, мазмун-моҳиятига кўра, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини кўзловчи ижобий янгиликдир.

4. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш принципининг таркибий қисмларидан бири шундан иборатки, фуқаролар бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашда ўзларига етказилган зарарни давлат органлари ва мансабдор шахсларидан ундириб олишлари мумкин.

19-модда. Судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши

Барча судларда, давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиган, шунингдек, жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриладиган ҳолларни истисно қилганда, жиноят ишлари ошкора кўрилади.

Бундан ташқари ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этган ҳолларда бошқа ишларни ҳам суд томонидан ажрим чиқариб, ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл кўйилади.

Шахсий ёзишма ва шахсий телеграф хабарномалари очиқ суд мажлисида фақат бу хат ва хабарларни жўнатган ҳамда олган шахсларнинг розилиги билан ошкор қилиниши мумкин. Акс ҳолда улар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва текширилади.

Ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш барча процессуал қоидаларга риоя қилган ҳолда ўтказилади. Ишни ёпиқ мажлисда кўриш тўғрисидаги суднинг ажрими буткул

муҳокамага нисбатан ёки унинг алоҳида бир қисмига нисбатан чиқарилиши мумкин. Бу ажрим суд мажлисига йишганларга тааллуқли бўлиб, процесс иштирокчиларига дахли йўқ.

Суд судланувчининг ва жабрланувчининг яқин қариндошларини, шунингдек, бошқа шахсларни мазкур мажлисда текшириладиган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантириб, уларнинг ёпиқ мажлисда иштирок этишларига рухсат беришга ҳақлидир.

Суд залида тартибни сақлаб туриш учун зарур бўлган ҳолларда суд айрим шахсларнинг суднинг очиқ мажлисларида қатнашишларини тақиқлаб қўйишга ҳақлидир.

Суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзувга, кинога олишга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади.

Суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари барча ҳолларда ошкора эълон қилинади.

Судлов фаолиятида ошкораликни кенгайтириш учун зарур ҳолларда судлар оммавий ахборот воситалари ходимларига, тегишли жамоат бирлашмалари ва жамоаларга бўладиган процесслар тўғрисида хабар бериши, шунингдек, процессларни бевосита корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ўтказиши мумкин.

1. Ҳамма судларда ишларнинг ошкора кўрилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасида белгилаб қўйилган. Ишлар ёпиқ суд мажлисида қонунда белгиланган ҳоллардагина кўрилади.

Судда ишларнинг ошкора кўрилиши деганда шундай суд процесси назарда тутиладики, унда ишлар қонунда белгиланган ёшда бўлган ва суд залига келишни истаган фуқаролар иштирокида кўрилади, процесснинг бориши ва натижалари матбуотда эркин эълон қилиниши, радиода эшиттирилиши ёки бошқа воситалар ёрдамида кенг оммага етказилиши мумкин.

2. Ушбу принципга кўра, барча судларда давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиган, шунингдек, жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриладиган ҳолларни истисно қилганда, жиноят ишлари ошкора кўрилади. Бундан ташқари 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар

бўйича, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида ҳамда жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этган ҳолларда бошқа ишларни ҳам ёпиқ суд мажлисларида кўришга суд ажрими билан йўл қўйилади. Ушбу ишлар бўйича суд ишни тўлиқ ёки қисман ёпиқ мажлисда кўриш зарурати борлигини аниқлайди. Бундай ҳолатлар мавжуд бўлганда суд ишни буткул ёки маълум қисмини ёпиқ суд мажлисида кўриши шарт. Бунда суд ажрими фақат мажлисга йиғилганларга тааллуқли бўлиб, процесс иштирокчиларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Шахсий ёзишма ва шахсий телеграф хабарномалари очик суд мажлисида фақат ушбу хат ҳамда хабарларни жўнатган ва олган шахсларнинг розилиги билан эълон қилиниши мумкин. Акс ҳолда улар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва текширилади.

Агар бу нарса суд мажлиси залида тартибни сақлаш учун зарур бўлса, суд айрим шахсларга суд залида очик мажлислар вақтида ҳозир бўлишни ман этишга ҳақли. Суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзувга ва кинога олишга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади.

4. Суд ҳукми барча ҳолларда ошқора эълон қилинади. Унда ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш учун сабаб бўлган маълумотлар ошкор этилмаслиги лозим.

Суд фаолиятида ошқораликни кенгайтириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимларига, жамоат бирлашмаларига ва жамоаларга бўлажак процесс ҳақида хабар берилиши мумкин.

5. Қонун ошқораликни талаб этадиган ишлар доираси кенг. Шахс, жамият, давлат манфаатларига путур етказадиган ҳолларда ошқораликдан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги керак. У шахс шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

6. Жиноят ишлари судда ошқора кўрилишининг сиёсий ва амалий аҳамияти ниҳоятда катта. Ишларнинг судда ошқора кўрилиши фуқароларни қонунни ҳурмат қилиш ҳамда қонунбузарликка нисбатан мурасасизлик руҳида тарбиялаш вазифасини таъсирлироқ ва кенгроқ ҳал қилишга имкон беради, айна

вақтда суд органлари фаолиятини халқ оммасининг доимий назорати остига олишни таъминлайди. Қонуний асослар бўлмаган тақдирда ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш – қонуннинг кўпол равишда бузилишидир

20-модда. Жиноят ишлари юритиладиган тил

Жиноят ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

Иш юритиладиган тилни билмайдиган ёки етарли даражада тушунмайдиган процесс иштирокчиларига ўз она тилида ёки ўзи билладиган бошқа тилда оғзаки ёки ёзма арз қилиш, кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, илтимоснома ва шикоятлар билан мурожаат қилиш, судда сўзлаш ҳуқуқи таъминланади. Бундай ҳолларда, шунингдек, иш материаллари билан танишиш вақтида процесс иштирокчилари қонунда белгиланган тартибда таржимон хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Айбланувчига, судланувчига ёки процессда иштирок этувчи бошқа шахсларга тақдим этилиши лозим бўлган тергов ва суд ҳужжатлари уларнинг она тилига ёки улар билладиган бошқа тилга таржима қилиб берилиши лозим.

1. Мазкур принцип Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 115-моддасига асосланган бўлиб, унга мувофиқ жиноят ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

2. Иш судда кўриладиган тилни билмаслик тарафларнинг ишда иштирок этиши учун тўсқинлик қилолмайди: тарафларнинг ҳар бири таржимон ёрдамидан фойдаланиши мумкин. Иш юритиладиган тилни билмайдиган ёки етарли даражада тушунмайдиган процесс иштирокчиларига ўз она тилида ёки ўзи билладиган бошқа тилда оғзаки ёки ёзма арз қилиш, кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, илтимоснома ва шикоятлар билан мурожаат қилиш, судда сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

3. Мазкур принципни амалга ошириш иш судда кўриладиган тилни билмайдиган процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини ва миллий манфаатларини кафолатлайди. Бу ҳуқуқлар процесс

иштирокчиларига тушунтирилиши ва уларни қўллаш имконияти таъминланиши лозим. Хусусан, айбланувчига, судланувчига ёки процесснинг бошқа иштирокчиларига шахсан тақдим этилиши лозим бўлган тергов ва суд ҳужжатлари уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб берилиши лозим.

4. Ушбу принцип муайян бир ҳудуд доирасида тергов ва суд муҳокамаси бир тилда олиб борилишини талаб қилади.

Шахс судда иш кўрилаётган тилни билмаса, бундай шахс иштирокида бажариладиган барча процессуал ҳаракатларда қатнашишга таржимон мажбурий тартибда жалб қилинади. Таржимон иштироки судда иш кўрилаётган тилни билмайдиган шахснинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини нафақат таъминлайди, балки далилларни мустаҳкамлашга кўмаклашади, терговчи ва судда сўроқ қилинаётганлардан ҳамда ёзма ҳужжатларда бўлган тўлиқ ахборотни олишга имкон беради. Иш юритаётган шахслар таржимон вазифасини бажаришга ҳақли эмаслар.

Иш судда кўрилаётган тилни билмайдиган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг таржимон ёрдамида ҳимояланиш ҳуқуқини амалга ошириши мураккаблигини инобатга олиб, қонун дастлабки тергов босқичида ва ишни судда кўришда ҳимоячи қатнашиши шартлигини белгилайди.

5. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг, ҳимоячининг ҳуқуқларини иш судда кўрилаётган тилни билмаслиги сабабли ҳар қандай чеклаш ҳамда процесснинг барча босқичларида бу шахсларни она тилидан фойдаланиш имконияти билан таъминламаслик жиноят процессуал қонунининг жиддий бузилишидир .

6. Жиноят ишлари юритиладиган тил принципи жиноят судлов ишларини фуқаролар учун тушунарли қилади, суд процесси иштирокчиларининг, миллатидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглигини кафолатлайди, ишга доир ҳолатларни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текширилиши учун шарт-шароитлар яратади, ошкораликни ва процесснинг бошқа асослари татбиқ этилишини таъминлайди, манфаатдор шахсларга қонун томонидан берилган ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланиш имконини беради. Шу боисдан жиноят ишлари юритиладиган тил ҳақидаги қоидаларнинг

бузилиши иш юзасидан чиқариладиган ҳукм ва бошқа процессуал қарорларнинг бекор қилиниши учун асос ҳисобланади.

21-модда. Жиноят ишларини юритишда жамоатчиликнинг иштироки

Жиноят иши бўйича тергов олиб бориш ва ишни судда кўриш чоғида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят содир этилган ҳолатларни аниқлаб олиш, айбдорларни қидириш ва фош этиш, адолатли ҳукм чиқариш, шунингдек, жиноятнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш учун ўз ваколатлари доирасида жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишга ҳақлидир.

Жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг вакиллари жиноят ишини юритишда жамоат айбловчилари ҳамда жамоат ҳимоячилари тариқасида қатнашишга ҳақлидир.

1. Мамлакатимиз суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида инсон ҳуқуқлари устуворлигининг яна бир белгиси - суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида жамоат ташкилотлари ва фуқаролар иштирокининг мавжудлигидир. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида жамоат ташкилотлари ва фуқаролар иштироки қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилган.

2. Амалдаги жиноят процессуал қонун ҳужжатларида жиноят ишларини судда кўришда жамоатчилик иштирокининг турли шакллари назарда тутилган. Унга мувофиқ суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят ишларини тергов қилишда ва судда кўришда жиноят содир этилган ҳолатларни аниқлаб олиш, айбдорларни қидириш ва фош этиш, адолатли ҳукм чиқариш, шунингдек, жиноятнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш учун ўз ваколатлари доирасида жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишга ҳақли.

3. Жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг вакиллари жиноят ишини юритишда жамоат айбловчилари ҳамда жамоат ҳимоячилари сифатида қатнашишга ҳақлидир. Жамоат ҳимоячилари ҳамда жамоат айбловчилари процессуал қонунларга мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- иш материаллари билан танишиш, далиллар тақдим этиш ва уларни текширишда иштирок этиш;

- илтимоснома бериш;

- тарафларнинг музокараларида сўзга чиқиб, судга фикр билдириш.

4. Жамоат ҳимоячилари ҳамда жамоат айбловчилари суд муҳокамасида иштирок этиши, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг фикрини судда баён қилиши ва ишнинг ҳолатларини (жамоат ҳимоячиси эса, судланувчининг аҳволини енгиллаштирувчи ҳолатларни) аниқлашга кўмаклашиши шарт.

5. Жамоат бирлашмалари ва жамоалар, уларнинг раҳбар органлари ҳамда вакиллари содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят тўғрисида хабар билан суриштирув органига, терговчига, прокурорга ёки судга мурожаат этишлари мумкин. Улар айбланувчига ёки судланувчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафиллигига беришни танлаш ҳақида; маҳкумни муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳақида; озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларнинг жазони ўташ шароитларини ўзгартириш ҳақида; судланганликни олиб ташлаш ҳақида ва бошқа масалалар бўйича ЖПКда назарда тутилган ҳоллар ва тартибда илтимос қилишга ҳақлидирлар.

ЖПКнинг 252-моддасида жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг ишда айбланувчи, судланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинган шахсни кафилликка олиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган.

Жамоатчиликнинг жиноят ишларини судда кўришда иштирок этиши жиноят процессининг барча босқичларида қўлланилади.

22-модда. Ҳақиқатни аниқлаш

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган

ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, қўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади.

Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

1. Ушбу принципга мувофиқ, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жинойт юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ЖПКда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Мазкур принципнинг моҳияти шундан иборатки, гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, қўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва ўзга ноқонуний чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман қилинади.

2. Ишнинг исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлари синчковлик билан ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалаларни ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ўрганилиши лозим. Бу ҳолат кўриб ўтилаётган принцип ишнинг барча ҳолатларини ва далилларини текширишга қаратилганлигини англатади. Ишнинг ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона тадқиқ этишга оид талаблар ўзаро узвий боғланган, айтилиш вақтда уларнинг ҳар бири мустақил аҳамиятга эга.

3. Ҳолатларни ҳар томонлама тадқиқ этиш деганда, исботлаш фаолияти йўналишини белгилайдиган, бир ёқламаликни ва субъективликни бартараф этадиган ҳамда исботлаш тўғри боришини таъминлайдиган барча эҳтимол бўлган ҳолисона таҳминларни ўз вақтида тадқиқ этиш ва синчковлик билан далиллар тўплаш, текшириш ва баҳолаш тушунилади.

Ҳолатларни тўлиқ тадқиқ этиш деганда, исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни аниқлаш тушунилади.

Ҳолатларни ҳолисона тадқиқ этиш деганда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан исботлаш мазмуни бўлган барча ҳолатларни аниқлаш учун зарур далилларни йиғишда, текширишда ва баҳолашда ҳар қандай юзаки, шубҳали фикр бўлмаслиги тушунилади. Дастлабки тергов ва суд терговининг бирёқлама олиб борилганлиги ва тўлиқ эмаслиги апелляция, кассация ҳамда назорат тартибида ҳукмни бекор қилиш учун асос бўлади.

23-модда. Айбсизлик презумпцияси

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади” деб белгиланган.

2. Айбсизлик презумпцияси жиноят процессининг муҳим демократик принципларидан бири бўлиб, у шахс ҳуқуқлари-

нинг ҳимояланишини таъминлайди, асоссиз айблаш ва ҳукм қилишни истисно этади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари бўлмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

3. Айбсизлик презумпцияси принципи инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нуфузли халқаро ҳужжатларга асосланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакти 14-моддасининг иккинчи қисмида “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс қонунга мувофиқ айбдорлиги исботлангунга қадар айбсиз ҳисобланади” деб белгиланган.

4. Айбланувчи қонун бўйича айбсиз деб ҳисобланади, уни айбдор деб топиш учун жиноят судлов ишлари шундай тартибда юритилиши лозимки, унда ошкоралик, оғзакилик, тортишувчилик ва процесснинг бошқа демократик принциплари асосида барча ҳолатлар тўлиқ ва ҳар томонлама тадқиқ этилади. Суд муҳокамаси, айбланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланган ҳамда айбдор ёки айбсизликни исботлашнинг максимал кафолатлари мужассамлашган босқич ҳисобланади. Фақат иш судда қўрилганидан ҳамда суд чиқарган айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан кейин судланувчини айбдор деб ҳисоблаш мумкин. Бу тартибдан чекинишга йўл қўйилмайди. Айбсизлик презумпцияси принципининг моҳияти тергов ва суд муҳокамасини олиб борадиган барча шахслар учун, шунингдек, судланувчига оид ишни қўриш ҳуқуқига эга бўлган бошқа барча муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳолатдан иборатдир.

5. Шахснинг айби тўла исботланганда у айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин. Бу мажбурият иш юритишни олиб борадиган, айблов вазифасини амалга оширадиган мансабдор шахслар-суриштирувчи, терговчи ва прокурор зиммасига юклатилган.

Шахсининг жиноят содир этганликда айбдорлиги ҳақидаги хулоса тахминларга асосланиши мумкин эмас ва шубҳасиз етарли далиллар билан исботланиши лозим. Айбловни тасдиқлайдиган ишончли далиллар бўлмаган ва янги далиллар тўпланмаган тақдирда иш юритиш тугатилади ёки оқлов ҳукми чиқарилади.

Қонунни қўллашда келиб чиқадиган иккиланишлар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак

6. Айбсизлик презумпцияси айбланувчи учун нафақат асоссиз айбланишдан, балки ҳукм қилинишдан ҳимояловчи кафолат бўлиб хизмат қилади. Унинг айби қатъий исботланиши ва бартараф этилиши мумкин бўлмаган шубҳаларни айбланувчининг фойдасига ҳал қилиниши ҳақидаги талаб давлат органларини иш ҳолатларини холисона, ҳаққоний аниқлашга ундайди, бусиз иш судда асосли ва адолатли ҳал этилиши мумкин эмас. Айбсизлик презумпциясидан озгина бўлсада четга чиқиш одил судловда қонунийликнинг бузилишига ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари камситилишига олиб келади.

24-модда. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Ҳимояланиш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасидаги гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасига мувофиқ айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Унга тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади.

2. Суриштирув органлари, терговчи, прокурор ва суд гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган

ҳуқуқларни тушунтириб беришлари ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонун тақиқлама барча восита ва усуллардан фойдаланишда реал имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирларни кўришлари шарт. Ҳимояланиш ҳуқуқи давлат органлари томонидан шундай таъминланмаса, у куруқ гапдан иборат бўлади. Шу органларнинг ўзи ҳар бир иш юзасидан айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаши шарт.

3. Айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланиши принципи айбланувчининг, процессуал ҳуқуқлар тизимининг, суд, суриштирув, тергов ва прокуратура органларининг ушбу ҳуқуқлар рўёбга чиқарилишининг ҳақиқий имкониятини яратиш мажбурияти билан уйғунликда ўзининг чуқур ва амалий ифодасини топади.

Айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланиши принципининг мазмуни муайян бир процессуал ҳуқуқ билан чекланмайди. Айбланувчининг (гумон қилинувчининг, судланувчининг) ҳимояланиш ҳуқуқи деганда, унга қўйилган айбловдан шахсан ёки ҳимоячи ёрдамида ҳимояланиш имконини берадиган барча процессуал ҳуқуқлар мажмуини тушуниш лозим.

4. Амалдаги жиноят процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳимоячининг ишда иштирок этишига шахсга айблов эълон қилинган вақтдан бошлаб ёки у гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор эълон қилинган пайтдан ёхуд у ушланган пайтдан бошлаб рухсат этилади

5. Ҳимояланиш ҳуқуқига қўшимча кафолат сифатида қонун айбланувчига, гумон қилинувчига ва судланувчига ҳимоя тайинланиши шарт бўлган ҳолатларни белгилаб қўйган, уларнинг илтимосидан қатъи назар ва ҳатто уларнинг хоҳишига зид равишда ҳам ҳимоячи тайинланади. Бу вояга етмаганларга, соқовлар, карлар, кўрлар, жисмоний нуқсонли ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахсларга, шунингдек, суд муҳокамаси олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларга тааллуқлидир. Ҳимоячи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан таклиф этилади.

6. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг илтимосига кўра ишда ҳимоячининг иштирок этишини суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд таъминлайди.

Агар шахсан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи томонидан ёхуд уларнинг илтимосига кўра ёки уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг талаби бўйича ҳуқуқий маслаҳатхона раҳбари суриштирувда, дастлабки терговда ёки ишни судда муҳокама қилишда иштирок этиш учун ҳимоячи тайинлаши шарт.

2008-йил 19-ноябрда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва 4-декабрда Сенат томонидан тасдиқланган “Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши гумон қилинувчининг, айбланувчининг ва судланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқини янада кенгайтирди.

25-модда. Судда ишларни юритишда тортишув

Биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек, ишлар юқори судларда кўрилаётганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади.

Иш судда кўрилаётганда айблаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

Биринчи инстанция судида иш юритиш фақат айблов ҳулосаси ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор мавжуд бўлганда бошланиши мумкин.

Давлат ва жамоат айбловчилари, судланувчи, вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суд мажлисида тарафлар сифатида иштирок этадилар ва далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Суд айблов ёки ҳимоя тарафида турмайди ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини ифодаламайди. Суд ҳолислик ва безаразликни сақлаган ҳолда тарафлар процессуал мажбуриятларини бажаришлари ва берилган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шароитлар яратиб беради.

1. Жиноят процессида тортишув принципи қуйидагиларда намоён бўлади:

- айбловнинг суддан ажратилганлиги;
- суднинг процессдаги мустақил, фаол ҳолати ва иш юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқининг фақат судга берилиши;
- ўз функцияларини бажаришлари учун тарафларнинг тенг процессуал ҳуқуқларга эга бўлиши;
- айблов ва ҳимоялаш функцияларининг одил судлов вазифасидан ажратилганлиги ҳамда уларнинг ўзаро бир-биридан ажратилганлиги.

2. Айблов ва ҳимоялашнинг мустақил функция сифатида ажратилганлиги ҳамда уларнинг ўзаро бир-биридан ҳамда суд фаолиятидан ажратилганлиги тортишув принципи таянадиган ва амал қиладиган асосдир. Айблов, ҳимоялаш ва одил судлов функцияларининг ўзаро қандай ажратилганига кўра суд процессининг турлари тавсифланади. Қонун айблов, ҳимоялаш ва одил судлов вазифаларини қатъий фарқлаб ишни талаб қилади ҳамда ҳукмнинг сўзсиз бекор қилиниши хавфи остида уларнинг бир-бирига қўшилиб кетишини истисно этади.

3. Тортишув ҳуқуқи бу– тортишаётганларнинг ўз талабларини асослашлари учун бир хил воситалардан ва имкониятлардан фойдаланиш, шунингдек, бошқа тарафларнинг фикрларига эътироз билдириш ҳуқуқидир.

Давлат ва жамоат айбловчиси, судланувчи, вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суд мажлисида тарафлар сифатида иштирок этадилар ва далиллар тақдим этиш, уларни тадқиқ этишда қатнашиш, илтимосномалар киритиш, ишнинг тўғри хал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

4. Процессуал тенг ҳуқуқлилик тамойили бошқа ҳуқуқлардан анча кенгроқ бўлиб, ишнинг нафақат амалий жиҳатига, балки юридик жиҳатига ҳам тааллуқлидир. Айбланувчи, шунингдек, судланувчи ҳимоячиси билан бирга суриштирув, дастлабки тергов ва суд мажлисида вужудга келадиган ҳамда ҳукм билан ҳал қилинадиган барча масалалар юзасидан, шу жумладан жиноятни тавсифлаш ва жазони қўллаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиш ҳуқуқига эгадир.

5. Тортишув принципини амалга ошириш жараёнида суд ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона тадқиқ этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиши лозим: тарафлардан қайси бири тақдим этганидан қатъи назар, мақбул бўлмаган далилларнинг ишда кўрилишига йўл қўйилмайди; иш муҳокамаси чоғида дастлаб чиқариб ташланган далилларнинг тадқиқ этилиши масаласини ҳал этади; тарафларнинг илтимосномаларига мувофиқ янги далилларни кўриб чиқади; суд муҳокамасига раҳбарлик қилади.

26-модда. Далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш

Жиноят ишини юритишни амалга оширишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд далилларни бевосита текширишлари:

гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишлари, эксперт хулосаларини эшитишлари, ашёвий далилларни кўздан кечиришлари, баённома ва бошқа ҳужжатларни ўқиб эшиттиришлари шарт. Ушбу Кодексда назарда тутилган алоҳида ҳоллардагина бу қоидалардан четга чиқишга йўл қўйилиши мумкин.

Суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқаради.

1. Ушбу принципга мувофиқ, жиноят ишини юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд далилларни бевосита текширишлари, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишлари, экспертларнинг хулосаларини эшитишлари, ашёвий далилларни кўздан кечиришлари, баённома ва бошқа ҳужжатларни ўқиб эшиттиришлари шарт.

2. Жиноят процессида бевоситалилик принципи оғзакилик билан узвий боғлангандир, уларни бир-биридан фарқлаш лозим. Судланувчи, жабранувчи, гувоҳлар кўрсатувларининг суд томонидан бевосита идрок қилиниши уларни оғзаки усулда сўроқ қилишни назарда тутлади.

Оғзакилик процесс субъектларининг ўзаро мулоқатда бўлиш шаклини белгилайди ва далилларни текшириш усули ҳисобланади. Оғзакилик принципига кўра ишга аҳамияти бўлган барча материаллар, ҳаракатлар, суд процессида вужудга келадиган барча саволлар оғзаки шаклда баён қилинади, муҳокама этилади ёки амалга оширилади, шунингдек, суд ўз ҳукмини кўриб чиқилган ҳамда муҳокама қилинган далиллар билангина асослайди. Судда оғзаки баён қилинмаган ва муҳокама этилмаган ҳужжатлар ҳукм учун асос бўла олмайди. Суд сўроқ қилинаётган шахсларнинг оғзаки кўрсатувларини эшитиши, баённома ва бошқа ҳужжатларни, тарафларнинг тушунтиришлари, илтимосномалари ва арзномаларини эшитиши ва муҳокама қилиши, тарафларнинг судда чиқишини ва судланувчининг сўнгги сўзини эшитиши, чиқарилган қарорни эълон қилиши керак. Суд муҳокамаси – судда оғзаки сўзлаш шаклида иш юритиш демакдир.

3. Кўрилаётган принципнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, у суриштирувчи, терговчи ва судга иш юзасидан ҳақиқатни аниқлаш имконини таъминлайди. Шу сабабли қонун айрим ҳолларда бу қоидадан четга чиқишга руҳсат беради. Жумладан, суд дастлабки терговда сўроқ қилинган, лекин суд мажлисига келмаган гувоҳларнинг кўрсатувларини ўқиб эшиттириш шarti билан уларнинг иштирокисиз ишни кўриши мумкин.

Оғзакилик принципи ошкоралик, судда ишнинг миллий тилда юритилиши, тортишув ва бевоситалик, ишга доир ҳолатларнинг ҳар томонлама ва тўлиқ текширилиши ҳамда бошқа процессуал асосларнинг изчиллик билан амалга оширилишини таъминлайди.

27-модда. Процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи

Процесс иштирокчилари ва бошқа шахслар, шунингдек, жиноят ишини юритишдан манфаатдор бўлган корхоналар,

муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари ушбу Кодексда белгилаб қўйилган тартибда ва муддатда суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маҳкум (оқланган шахс), унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари биринчи инстанция судининг ҳукми (ажрими) устидан апелляция ёки кассация тартибида шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақлидир.

Процесснинг исталган пайтида илтимоснома билдириш ва шикоят бериш мумкин.

1. Процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг ЖПКда жиноят процесси принципларидан бири даражасига кўтарилган бўлиб, уни амалга ошириш учун қонунда ҳар хил ҳуқуқий таомиллар, чунончи: терговчининг ва прокурорнинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоят бериш (ЖПКнинг 358-моддаси); суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми, биринчи инстанция судининг суд муҳокамаси вақтида чиқарган ажрими устидан апелляция тартибида шикоят бериш (ЖПКнинг 497¹-моддаси); суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ва ажримлари (қарорлари) устидан кассация тартибида шикоят бериш (ЖПКнинг 498-моддаси); суриштирувчининг суриштирув органи бошлиғи (прокурор)нинг кўрсатмаси устидан прокурор(юқори турувчи прокурор)га шикоят қилиши (ЖПК 39-моддасининг бешинчи ва олтинчи қисмлари), шунингдек, терговчининг тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлиғининг ва унинг ўринбосарининг иш юзасидан кўрсатмалари устидан прокурорга шикоят қилиши (ЖПК 37-моддасининг тўртинчи қисми) назарда тутилган. Ўз навбатида, бунга давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида мустаҳкамланганлиги имконият яратади.

2. Процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш жиноят процессида инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати сифатида жиноят

процессида қонунийлик (ЖПКнинг 11-моддаси), шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш (ЖПКнинг 17-моддаси), фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш (ЖПКнинг 18-моддаси), судда ишларни юритишда тортишув (ЖПКнинг 25-моддаси) каби принциплар амал қилишини таъминлайди ва барча принципларнинг ўзаро алоқаси ва муштараклигини мустаҳкамлайди.

3 Процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш принципининг мазмуни икки хил кўринишда: инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда судгача иш юритиш ва суд иш юритуви жараёнида қонунийликни таъминлаш сифатида намоён бўлади.

4. Ушбу модда суриштирув органининг бошлиғи, тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиғи, прокурор ўринбосари ва ёрдамчисининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқини ҳам тақазо этади.

5. Шикоят бир йўла ҳаракат ёки қароридан норозилик билдирилаётган мансабдор шахснинг ўзига ҳам, у тобе бўлган юқори мансабдор шахсга ҳам, шунингдек, назорат юритувчи прокурорга ҳам берилиши мумкин.

6. ЖПКда махсус кўрсатилган ҳоллардан ташқари, шикоят бериш ҳуқуқи бирор муҳлат билан чекланмаган.

7. Жиноят процессининг судгача босқичларида суриштирув ва тергов юритишга оид масалалар бўйича шикоятлар фақат тегишинча юқори мансабдор шахсларга берилади. Бу ҳақда судга мурожаат қилиш тартиби қонунда белгиланмаган.

ИККИНЧИ БЎЛИМ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3-БОБ. ЖИНОЯТ ИШНИНИ ЮРИТИШГА МАСЪУЛ БЎЛГАН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАР

28-модда. Суд

Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича одил судловни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар амалга оширади.

Биринчи инстанция суди жиноят иши бўйича ҳукм ёки ажрим чиқариш ҳуқуқига эга. Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради. Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради. Назорат инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган протестлар бўйича ишларни улар апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилганидан кейин кўриб, қарор (ажрим) чиқаради.

1. Шарҳланаётган моддада одил судловни фақат суд амалга ошириши белгиланган.

2. Суд, давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғидир. Суднинг қарорлари қонун кучига эга ва улар фақат юқори инстанция суди томонидан ЖПКда кўзда тутилган тартиб ва асосларга кўра бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Ҳеч бир мансабдор шахс суднинг фаолиятига аралашиб, суд томонидан қабул қилинадиган қарорлар мазмунига таъсир этиш, уларни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас.

3. Жиноят ишлари бўйича одил судлов шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида кўрсатилган судлар томонидан суд

мажлисларида жиноят ишларини кўриш ва жиноят содир қилганликда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган жазо чораларини қўллаш ёки айбсиз деб топилганларни оқлаш йўли билан амалга оширилади.

4. Дастлабки тергов чоғида гумон қилинган шахс ва айбланувчини эҳтиёт чораси тарзида қамоққа олиш ва қамоқ муддатини узайтириш ҳақида туман(шаҳар) судининг судьяси ажрим чиқаради.

5. Ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра жиноят иши бўйича биринчи инстанция суди ҳукм ва ажрим чиқаради, шикоят ва протест бўйича - апелляция инстанцияси суди - қонуний кучга кирмаган ҳукм ва ажрим бўйича - ажрим, кассация инстанцияси суди - улар қонуний кучга киргандан кейин кўриб, - ажрим, назорат инстанцияси суди эса протест бўйича кўриб, - қарор (ажрим) чиқаради.

6. Суд муҳокамаси давомида ушбу иш бўйича судга қадар иш юритишда ёки уни қуйи судда кўрилганда қонун бузилишлари юз берганлиги аниқланган ҳар бир ҳолат бўйича, суд ҳайъат тартибида хусусий ажрим чиқаради. Бу қоида дастлабки тергов ҳамда қуйи суд органларининг фаолиятлари устидан суд назоратини амалга ошириш усули ҳисобланади.

29-модда. Суднинг ваколатлари

Суднинг ваколатларига: қамоққа олиш тарзида эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш масалалари билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестни эҳтиёт чоралари тўғрисидаги қарор чиқарган судни албатта хабардор қилган ҳолда кўриб чиқиш; жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш; ишни муҳокама қилиш ва ҳукм чиқариш ёки бошқа қарор қабул қилиш; ишни апелляция, кассация, назорат тартибида кўриб чиқиш; ҳукмни ижро эттириш киради.

Юқори судлар, бундан ташқари, ўз ваколатлари доирасида қуйи судларнинг судлов фаолияти устидан назоратни амалга оширадilar.

1. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома, прокурорнинг амнистия актига асосан

жиноят ишени кўзгатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишени тўгатиш ҳақидаги ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимоснома асосан якка тартибда жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар), округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, кўрсатилган судлар судьяси бўлмаган ёки камокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди раиси кўрсатмаси билан бошқа тегишли суд томонидан кўриб чиқилади.

2. Жиноят ишени суд муҳокамасига тайёрлаш суднинг муҳим бошланғич ваколатларидан бири ҳисобланади (ЖПКнинг 395-405-моддалари шарҳига қаранг).

3. Жиноят ишени муҳокама қилиш ва ҳукм чиқариш ёки бошқа қарор қабул қилиш суднинг асосий ваколати ҳисобланади (ЖПКнинг 406-477-моддалари шарҳига қаранг).

4. Камокқа олиш тарзида эҳтиёт чорасини қўллаш ёки камокда сақлаш муддатини узайтириш масалалари билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестни, юқори суд эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарорни чиқарган судни албатта хабардор қилган ҳолда, кўриб чиқади. Бу қоида 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб амалга киритилган.

5. Жиноят ишени апелляция, кассация, назорат тартибида кўриб чиқиш суд ҳукми, ажрими ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш бўйича суднинг назорат қилиш ваколати ҳисобланади (ЖПКнинг 478-527-моддалари шарҳига қаранг).

6. Юқори судларнинг қуйи судлар судлов фаолияти устидан назоратни амалга ошириши суд амалиётининг бир хил бўлишини, қонунларнинг бир хилда татбиқ қилинишини, қонунчиликни мустаҳкамлашни таъминлайди. Бу асосан шикоят ва протестлар бўлганда қонуний кучга кирмаган ҳукм ва ажримларни апелляция тартибида кўришни, қонуний кучга кирган ҳукм ва ажримларни кассация тартибида кўришни, протестлар бўлганда ҳукм ва ажримларни назорат тартибида кўришни ўз ичига олади. Шунингдек, бунда ишни кўриш даврида қуйи судлар томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш

мақсадида хусусий ажрим чиқариш, раҳбарий тушунтиришлар беришни ҳам назарда тутади.

30-модда. Судьялар ва халқ маслаҳатчилари

Жиноят ишини кўришда ушбу суд таркибига тайинланган ёки сайланган судьялар ва халқ маслаҳатчилари қатнашадилар.

1. Жиноят ишини кўришда суд таркибига беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган ёки унинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан сайланган судьялар қатнашади. Қорақалпоғистон Республикасида жиноят ишини кўришда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан ушбу суд таркибига шу муддатга сайланган ёки тайинланган судьялар қатнашади.

2. ЎЗР Конституциясининг 112- моддасида «Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади» деб белгиланган.

3. Судьялар қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслардир. Судьялар жиноят ишларини кўриш чоғида Конституция ва қонунларга сўзсиз риоя қилишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулки, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланидиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашлари, беғараз ва адолатли бўлишлари шарт (ЎЗР «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 60,66-моддалари).

4. Ўзбекистон Республикаси фуқароси йигирма беш ёшдан кичик бўлмаганда яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларда икки ярим йилга, ҳарбий хизматни ўтаётган бўлиб, сайлов қунига ўн саккиз ёшга тўлган бўлса бир ярим йил муддатга халқ маслаҳатчиси бўлиб сайланиши мумкин (ЎЗР «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 62-моддаси).

5. Халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларни бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилади, уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу муддатни узайтиришни тақозо этган ҳоллар бундан мустасно. Шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолади (ЎзР «Судлар тўғрисида» ги Қонунининг 62-моддаси).

6. ЖК 15-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлардан ташқари ишлар биринчи инстанция суди томонидан кўрилаётганда халқ маслаҳатчилари иштирок этадилар ва улар одил судловни амалга оширишда судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар, суд мажлисида ишни кўриб чиқиш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эгадирлар. Шунингдек, уларга судья билан тенг мажбурият юкландир. Ўзбекистон Республикаси Олий суди бундан мустасно тарзида биринчи инстанцияда ишларни уч нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқади (ЖПКнинг 13-моддаси шарҳига қаранг).

31-модда. Судьянинг ваколатлари

Судья яқка ўзи ёки суд таркибида иш тутиб, ушбу Кодекснинг 29-моддасида назарда тутилган ваколатларни амалга оширади. Бундан ташқари, судья ишни суд муҳокамасига тайёрлаш билан боғлиқ ҳаракатларни бажаради, суд мажлисида раислик қилади ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширади.

1. Судья ЖК 15-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни, яъни ижтимоий хавфи катта бўлмаган, қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўн бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятларни, ҳамда унча оғир бўлмаган қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир

этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни яқка тартибда кўради.

2. Оғир ва ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишлар судья ва икки нафар халқ маслаҳатчилари ҳайъатида кўрилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди биринчи инстанцияда ишларни уч нафар судьядан иборат ҳайъатда кўради. Апелляция, кассация ва назорат тартибида ишлар тегишли суд ҳайъатларида уч нафар судья таркибида кўрилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳукмларига нисбатан апелляция ва кассация шикоятлари(протестлари) ушбу Олий суднинг тегишли судлов ҳайъатларида беш нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқилади. Мазкур судларнинг раёсатларида раёсат аъзоларининг кўпчилиги, Олий суд Пленумида эса унинг таркибидагилардан учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина ишлар кўриб чиқилади (ЖПКнинг 13-моддаси шарҳига қаранг)

3. Ишларни ҳайъатда кўриб чиқишда биронта қарор, яқка тартибда қабул қилиниши мумкин эмас, у суд ҳайъати таркибидагиларнинг барчаси ёки кўпчилигининг фикрини ифодалаши керак.

4. Судьянинг ишни суд муҳокамасига тайёрлаш билан боғлиқ ҳаракатларни бажариши, суд мажлисида раислик қилиши ундан судьялик касбий маҳоратларини доим ошириб боришини талаб қилади, чунки иш ҳолатларини тўлиқ ва холислик билан текшириш, ҳақиқатни аниқлаш ва суд жараёнининг тарбиявий аҳамияти у томонидан процессуал қонунчиликнинг барча талабларини оғишмай ва аниқ бажарилиши, моҳирона, чуқур ўйлаб, одоб билан раҳбарлик қилишига боғлиқдир (ЎзР Олий суди Пленумининг 1997 йил 22 августдаги «Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 20-банди).

32-модда. Суд мажлиси котиби

Суд мажлиси котиби раислик қилувчининг топширигига биноан жиноят ишини суд мажлисида кўриш учун тайёрлайди; суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида процесс иштирокчиларига хабар беради; судга чақирилган про-

цесс иштирокчиларининг келган-келмаганлигини текширади ва ҳозир бўлмаган шахсларнинг келмаганлиги сабабини аниқлаб, бу ҳақда судга маълум қилади; суд мажлислари баённомасини ёзиб боради; раислик қилувчининг суд муҳокамасини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа топшириқларини бажаради.

Котиб баённомада суднинг ҳаракатлари ва қарорларини, шунингдек, суд мажлиси барча иштирокчиларининг ҳаракатлари, ариза, илтимос ва кўрсатувларини тўла ва тўғри баён қилиб бориши шарт.

1. Суд мажлисининг котиби раислик этувчининг топшириғига кўра жиноят ишини суд мажлисида кўрилиши учун ушбу моддада кўрсатилган вазифалардан ташқари халқ маслаҳатчиларини таклиф этади, шунингдек, жабрланувчиларни, гувоҳларни, экспертларни, таржимонларни чақиради, прокурор ва адвокатларга хабарнома юборади.

2. Суд мажлиси котибининг энг асосий ва муҳим вазифаларидан бири суд мажлисини тўлиқ ва ҳар бир суд ҳаракатини холис ва аниқ ифода этувчи баённомани юритиш ҳисобланади. Баённоманинг ўз вақтида ва сифатли юритилиши учун раислик этувчи билан бирга суд мажлисининг котиби ҳам масъулдир. ЖПКнинг 426-моддаси бешинчи қисмига биноан баённоманинг мазмуни бўйича раислик қилувчи билан ўрталарида келишмовчилик бўлган тақдирда, котиб ўз мулоҳазаларини ёзма тарзда баённомага илова қилиши шарт. Бу мулоҳазалар суд таркиби томонидан кўриб чиқилади. Мазкур масала юзасидан ажрим чиқарилиб, баённомага илова қилинади. Агарда суд мажлиси жараёнида бир нечта котиб қатнашган бўлса, ҳар қайси котиб ўзи юритган баённома қисмини имзолаши шарт.

3. Суд мажлиси котибининг ўз процессуал мажбуриятини бажариши, башарти ушбу иш судда янгидан кўриш учун юборилган бўлса, у томонидан суд мажлиси баённомасини яна тузишига монелик қилмайди (ЖПКнинг 76-моддаси шарҳига қаранг).

4. Суд мажлиси котибини рад қилиш ҳақидаги масала суд томонидан ҳал қилинади (ЖПКнинг 76,80-моддалари шарҳига қаранг).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонуннинг бузилишини, ким томонидан содир этилганлигидан қатъи назар, бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўриши шарт.

Прокурор ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори кўрсатмаларига таянган ҳолда амалга оширади.

1. Ўзбекистон Республикасида суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этиш, инсон манфаатларини Конституцияда белгиланганидек муҳофаза қилиш чораларини кўриш, ЖПК моддалари белгиланган вазифаларни ҳал қилишга кўмаклашиш, шахс, жамият, давлат манфаатларини муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи, шахар, вилоятлар ва туман прокурорларига юклатилган.

2. Суриштирув ва дастлабки тергов босқичида прокурор қонунларни қўллаш устидан назорат қилувчи шахс, раҳбар ва бевосита дастлабки терговни юритувчи иштирокчи сифатида намоён бўлади.

Прокурор бу босқичда жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари бузилмаслигини таъминлаш, суриштирувчи, терговчининг ноқонуний ҳатти-ҳаракати ва қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш ва йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш, далилларни тиклаш ва текширишда процессуал қонун талабларига қатъий риоя қилиш, жиноятларни келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва бартараф қилиш чораларини кўриш, холислилик ва қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш каби бир қатор вазифаларни адо этади.

3. Прокурор барча ваколатларини мустақил равишда амалга оширади. Ҳар қандай орган ва мансабдор шахс унга тазйиқ

ўтказишга, йўл-йўриқ беришга, ички ишларига аралашушга ҳақли эмас. У фақат қонунга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори кўрсатмаларига амал қилган ҳолда фаолият кўрсатади.

34-модда. Прокурорнинг ваколатлари

Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида ушбу Кодекснинг 243, 382-388, 558, 589-моддаларида назарда тутилган ваколатларни амалга оширади.

Прокурор суд муҳокамасида қатнашиб, ушбу Кодекснинг 409-моддада назарда тутилган ваколатларни амалга оширади.

1. Жиноят процессида прокурорнинг ваколатларини бир неча турларга бўлиш мумкин:

Суриштирув ва дастлабки терговда:

а) жиноят ишини кўзғатиш ва рад этиш;

б) жиноят ишларини тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ва бекор қилиш, жиноятни тавсифини белгилаш, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш, қидирув эълон қилиш, ушлаб туриш ва мажбурий келтириш ҳақида ёзма кўрсатмалар бериш ;

в) қамоққа олиш, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги терговчининг илтимосномасига розилик бериш ёки ўзи илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ва ушбу масалаларни ҳал қилишда суд мажлисида тараф сифатида иштирок этиш;

г) суднинг қамоққа олишни рад қилиш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисидаги ажримлари устидан апелляция тартибида протест келтириш;

д) олиб қўйиш, тинтув ўтказиш, мурдани эксгумация қилиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ва олиб қўйиш, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, лавозимидан четлаштиришга, тиббий характердаги мажбурлов чораларини қўллаш ва муддатини узайтиришга рухсат беради;

е) дастлабки тергов муддатини узайтиришга розилик бериш;

ё) жиноят ишларини тамомлаш ва судга юбориш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш;

- ж) айблов ҳулосаси билан келган жиноят ишларини текшириш ва тегишли масалаларни ҳал этиш;
- з) Жиноят ишини судга юбориш.
2. Суд муҳокамасида прокурор қуйидаги ваколатларга эга:
- а) давлат айбловини қўллаш;
- б) далилларни текширишда иштирок этиш;
- в) суд терговда судьянинг рухсати билан суд муҳокамаси иштирокчиларига саволлар бериш;
- г) ЖК нормаларини қўллаш, судланувчининг ҳаракатларини тавсифлаш ҳақида фикр билдириш;
- д) судланувчига жазо тури ва меъерини белгилаш ҳақида фикр билдириш;
- е) хусусий ажрим чиқариш ва бошқа масалалар бўйича фикр бериш;
- ё) айбловдан воз кечиш, айбловни ўзгартириш тўғрисида асослантирилган ёзма баёнот бериш;
- ж) фуқоровий даъво кўзғатиш ёки кўзғатилган даъвони қўллаш;
3. Прокурор ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишда иштирок этади.

35-модда. Терговчи

Жиноят иши бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органларининг ва миллий хавфсизлик хизматининг терговчилари олиб борадилар.

1. Жиноят ишларини тез ва тўла очиш айбланувчини фош этиш, айбсиз шахсларни жинойий жавобгарликка тортмаслик вазифаларни ҳал қилишда ҳамда жиноятчиликни олдини олишда терговчи ўз фаолиятини фақат қонунга асосан амалга оширади.

2. Прокуратура терговчилари, ички ишлар органларининг терговчилари ва миллий хавфсизлик хизматининг терговчилари ўзларига тегишли бўлган жиноят ишлари бўйича процессуал қонунга бир хилда амал қиладилар. Терговчилар ўз фаолиятларини амалга оширишида айрим тафовутлар бор. Масалан, прокуратура терговчиларини Республика Бош прокурорининг розилигисиз хибсга олиш мумкин эмас. Милиция терговчилари,

тергов бўлими бошлигига бўйсунушидан ташқари уларнинг қонунларга риоя қилишлари устидан прокурор назорати амалга оширилади. Қамоққа олиш, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномага прокурорнинг розилиги ва суднинг рухсатини олиш ҳамда айрим тергов ҳаракатларига прокурорнинг рухсатини олишдан ташқари барча процессуал ва тергов ҳаракатларини мустақил амалга оширадилар.

36-модда. Терговчининг ваколатлари

Терговчи: жиноят ишини қўзғатишга ва тугатишга, ишни қўзғатишни рад этишга; жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва сўроқ қилишга; ушбу Кодексда назарда тутилган тергов ҳаракатларини олиб боришга; шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш тўғрисида ва унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш ҳақида қарор қабул қилишга, қамоққа олиш бундан мустасно; ўз юритувига қабул қилган ишлар бўйича суриштирув органларига қидирув ва тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисида ёзма топшириқлар беришга; суриштирув органларидан айрим тергов ҳаракатларини юритишда қўмаклашишни талаб қилишга; қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома беришга, шунингдек эҳтиёт чорасини ушбу Кодекснинг 240-моддасига мувофиқ бекор қилиш ёки ўзгартиришга амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида ёки жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида прокурорга тақдимнома киритишга ҳақлидир.

Терговчи терговнинг йўналиши ва тергов ҳаракатларини юритишга оид барча қарорларни, прокурор рухсатини олиш қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мустақил равишда қабул қилади.

Терговчи прокурорнинг шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги, жиноятни тавсиф қилиш ва айблов ҳажми ҳақидаги, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги, амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида ёки жиноят

ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида прокурорга тақдимнома киритиш ҳақидаги ишни судга юбориш ёки ишни тугатиш ҳақидаги, тугалланган ишни қўшимча терговга қайтариш ҳақидаги кўрсатмаларига рози бўлмаса, ўз эътирозларини ёзма равишда баён қилган ҳолда ишни юқори турувчи прокурорга тақдим этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда қўйи турувчи прокурорнинг кўрсатмасини юқори турувчи прокурор ўз қарори билан ё бекор қилади ёки иш бўйича тергов, юритишни бошқа терговчига топширади.

Терговчининг ўз юритишидаги иш юзасидан қонунга мувофиқ берган ёзма топшириқлари ва чиқарган қарорлари барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

1. Дастлабки терговда терговчи жиноят судлов ишларини юритишни амалга оширувчи мустақил иштирокчи бўлгани учун жиноят процессуал қонуни унга кўплаб ваколатларни берган.

Терговчи:

1) жиноят ишини кўзғатиш, рад этиш ва тугатиш;
2) гумон қилинувчи шахсни ушлаб туриш, сўроқ қилиш;
3) айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш;
4) барча тергов ва процессуал ҳаракатларни олиб бориш;
5) гумон қилинувчи ва айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш;

6) ўз юритувига олган ишлар юзасидан суриштирув органларига кидирув ва тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисида ёзма топшириқлар беришга ва айрим тергов ҳаракатларини ўтказишда кўмаклашишни талаб қилишга;

7) қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома беришга;

8) эҳтиёт чорасини қўллаш, бекор қилиш ёки ўзгартиришга (ишни судга қадар юритишда қўлланилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси шахсни бундан буён қамокда сақлаб туриш учун асослар йўқ деб ҳисобласа, прокурорнинг розилиги билан эҳтиёт чораси тўғрисида қарор чиқарган судни хабардор қилган ҳолда, эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки ўзгартиришга) ҳақли;

9) амнистия актига асосан жиноят ишени кўзгатишни рад қилиш тўғрисида ёки жиноят ишени тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида прокурорга тақдимнома киритишга ҳақлидир.

2. Терговчи прокурорнинг розилиги талаб қилинадиган тергов ҳаракатларини амалга оширишда унинг рухсатини олиши шарт. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда ўтказилган тергов ҳаракати ҳақида йигирма тўрт соат мобайнида терговчи прокурорга хабар бериши лозим. Қолган барча ҳолатларда жумладан терговнинг йўналишини белгиловчи қарор ва тергов ҳаракатларини мустақил амалга оширади.

Терговчи қамоққа олиш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш кўриб чиқиладиган суд мажлисида ёки шикоят ёки протест асосида ушбу масалани апелляция тартибида кўришда иштирок этишга ҳақли.

3. Терговчи прокурорнинг кўрсатмаларига рози бўлмаса, уларни бажармай, юқори турган прокурорга ўз эътирозларини ёзма равишда баён этишга ҳақли. Бундай масалаларга қуйидагилар тааллуқли:

1) айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш;

2) жиноятни тавсиф қилиш;

3) айблов ҳажмини белгилаш;

4) қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзгатиш;

5) амнистия актига асосан жиноят ишени кўзгатишни рад қилиш тўғрисида ёки жиноят ишени тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида прокурорга тақдимнома киритиш;

б) жиноят ишени судга юбориш;

7) жиноят ишени тугатиш;

8) тамомланган жиноят ишени қўшимча терговга қайтариш.

Юқори турувчи прокурор терговчининг ёзма эътирози билан танишиб, ё қуйи прокурорнинг кўрсатмаларини маъқул деб ҳисоблаши ва жиноят ишени юритишни бошқа терговчига топшириши мумкин.

4. Терговчининг топшириқлари қарорлари, тақдимномалари ёзма равишда тузилади. Бундай ҳужжатларни олган барча корхона, ташкилот, муассаса, мансабдор шахслар ва фуқаролар

хужжатда белгиланган муддатга риюя қилиб, терговчининг топшириқлари, қарорлари ва тақдимномаларининг бажарилмаслиги ёки етарли даражада бажарилмаганлиги ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлади.

37-модда. Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлигининг ва унинг ўринбосарининг ваколатлари

Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиги ва унинг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан терговчиларнинг ўз вақтида ҳаракат қилишини назорат этадилар, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона олиб бориш чораларини кўрадилар.

Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиги ва унинг ўринбосари ишларни текишириб кўришга, шунингдек, дастлабки тергов ўтказиш, шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш, жиноятни тавсиф қилиш ва айбловнинг ҳажми, ишнинг йўналишини белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида терговчига кўрсатмалар беришга, ишни бир терговчидан иккинчи терговчига олиб беришга, ишни тергов қилишни бир неча терговчига топширишга, шунингдек, терговчи ваколатларидан фойдаланиб, дастлабки тергов олиб боришда қатнашишга ва дастлабки терговни шахсан ўзи олиб боришга ҳақлидир.

Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлигининг ва унинг ўринбосарининг иш юзасидан кўрсатмалари терговчига ёзма тарзда берилади ва уларнинг ижро этилиши мажбурийдир.

Олинган кўрсатмалар устидан прокурорга шикоят қилиниши, ушбу Кодекс 36-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, уларнинг ижро этилишини тўхтатиб қўймайди.

1. Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳ бошлиғи ва унинг ўринбосари терговчининг бевосита раҳбари бўлиб, мансабдор шахс сифатида ўз ваколатлари доирасида жиноятни очиш, унинг олдини олиш ҳамда терговни тўла, ҳар томонлама

ва холисона олиб борилишини таъминлаш юзасидан назорат олиб боради.

2. Тергов бошқармаси, бўлимаси, гуруҳ бошлиғи ва унинг ўринбосари:

а) жиноят ишларини қўл остидаги терговчиларнинг малакаси ва тажрибасига кўра тақсимлайди. Агар жиноят иши оғир ёки ўта оғир, очилиши мураккаб, кўп эпизодли бўлса, бир неча терговчидан иборат тергов гуруҳини тузиб, жиноят ишини уларга топширади. Тергов гуруҳининг бошлиғини тергов бошқармаси, бўлими, бўлимаси раҳбари томонидан тайинланади;

б) жиноят ишини бир терговчидан бошқа терговчига ўтказиши, тергов гуруҳининг таркибини ва раҳбарини ўзгартиради;

в) терговчининг дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги асослантирилмаган қарорини бекор қилади.

г) баъзи тергов ҳаракатларини ўтказилмаганлигини, айбланувчини қидириш чоралари кўрилмаганлигини кўрсатади;

д) терговчининг ноқонуний, асослантирилмаган қарорларини бекор қилиш тўғрисида прокурорга тақдимнома киритади;

е) жиноят иши материалларини текширади;

ё) шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, жиноятни тавсифлаш, айблов ҳажмини белгилаш, терговнинг йўналишини белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш, бу тергов ҳаракатларини ўтказишда иштирок этишни лозим топса, терговчи ваколатидан фойдаланиб, дастлабки терговни шахсан ўзи олиб бориши мумкин.

3. Тергов бошқармаси, бўлими, бўлимаси, гуруҳ бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг ёзма кўрсатмаларини терговчи бажариши шарт. Агар терговчи бу кўрсатмалар билан келишмаса унинг ижросини тўхтатмаган ҳолда назорат қилувчи прокурорга шикоят қилади.

38-модда. Суриштирув органлари

Қуйидагилар суриштирув органлари ҳисобланади:

1) милиция;

2) ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари - уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбур-

лар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар буйича;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, қўшилма, муассаса ё ўқув юрти жойлашган ерда содир этган жиноятларига доир ишлар буйича;

3) миллий хавфсизлик хизмати органлари - қонунга қўра уларнинг юритишига берилган ишлар буйича;

4) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, қамоқ тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов изоляторлари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари - шу муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек, мазкур муассасалар ҳудудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар буйича;

5) давлат ёнгиндан назорат қилиш органлари - ёнгинларга доир ва ёнгинга қарши қоидаларни бузганликка доир ишлар буйича;

6) чегарани қўриқлаш органлари - давлат чегарасини бузганликка доир ишлар буйича;

7) олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари;

8) давлат божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари - тегишинча божхона, солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар буйича.

9) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти.

1. Ушбу моддада суриштирув органлари ва уларнинг иш юритувига тегишли жиноят ишлари (милиция ва олис сафарда

булган денгиз кемаларининг капитанларидан ташқари) санаб ўтилган.

2. Жиноят-процессуал қонуни суриштирув органларига баъзан шу муассаса раҳбари(бошлиғи, командири)ни киритса (38-моддасининг 2, 4, 7-бандлари), бошқа ҳолда давлат органларининг қайси мансабдор шахси суриштирув юритишга ваколатлигини кўрсатмай (38-моддасининг 1, 3, 5, 6, 8-бандлари) санаб ўтган. Суриштирув органлари жиноят-процессуал фаолиятни суриштирув кўринишида олиб боради. Лекин ушбу фаолият милиция, МХХ, Божхона хизмати ва СВОЖҚК Департаментидан бошқа суриштирув органларининг асосий вазифаси ҳисобланмайди.

3. Суриштирув органи бу – ЖПКга мувофиқ, жиноятнинг олдини олиш, уни аниқлаш ва очиш мақсадида процессуал (айримлари тезкор-қидирув) фаолиятини олиб бориш ваколатига эга давлат органларидир.

4. Суриштирув органларининг кўпи Ички ишлар вазирлиги тизимига оид: милиция, жазони ижро этиш тизими, давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари.

5. «Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги» 1991 йил 25 октябрдаги Низомга асосан мувофиқ милиция органларининг асосий вазифалари:

- фуқароларнинг шахсий ҳавфсизлигини таъминлаш;
- жамият ҳавфсизлиги ва жамоат тартибини қўриқлаш;
- жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;
- жиноятларни тез ва тўла очиш;
- барча турдаги мулк шаклларини ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоялаш;
- аҳолига ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам беришга қатнашиш;
- жиноий жазо ва маъмурий қарорларини ижро қилиш.

6. Жазони ижро этиш тизимида суриштирув фаолияти ўзига хос жиҳати икки туркум ишлар билан чегараланади: а) муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар; б) мазкур муассасалар ҳудудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар. Суриштирув тегишли муассаса раҳбари буйруғига асосан жазони ижро этиш муассасаси зобити томонидан ЖПКда назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Қўзғатилган жиноят иши ҳақида прокурор хабардор қилинади.

7. Давлат ёнғиндан назорат қилиш органларининг ваколатлари доираси ёнғин ва ёнғинга қарши қоидаларни бузиш тўғрисидаги ишлар билан чегараланган. Суриштирув юритиш ушбу орган учун ягона ва асосий вазифа ҳисобланмайди. Давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 17 майдаги 227-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат ёнғин назорати тўғрисида низомга асосан фаолият юритади.

8. Ҳарбий қисмларнинг командирлари суриштирувни ҳарбий қисмларда тартиб-интизомни, аскарларнинг берган қасамёдига, давлатга садоқатли бўлиб хизмат этишида ҳамда қонунлар ва бошлиқларнинг кўрсатмаларига бўйсуниб руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий қисмлари, қўшилмалари, ҳарбий муассасалари ва ҳарбий ўқув юртлирида суриштирув Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2003 йил 7 апрель 232-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Мудофаа вазирлиги қўшинлари суриштирув органларида суриштирувни юритиш бўйича йўриқнома” асосида фаолият юритади.

9. Миллий хавфсизлик хизмати ва унинг жойлардаги органлари Республика суверенитети, конституциявий тузуми, ҳудудий яхлитлиги, иқтисоди, илмий-техникавий ва мудофаа потенциаллини ҳуқуққа хилоф тажовузулардан ҳимоя қилишга оид ишлар бўйича суриштирув олиб боради. Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита мустақил давлат қўмитаси сифатида тугатилиб, унинг вазифалари 2003 йил декабрда Миллий хавфсизлик хизмати тизимига берилди.

10. Олис сафарда бўлган денгиз кемалари бортида, қандай жиноят содир этилишидан қатъи назар, суриштирув шахсан кема капитани ёки унинг топшириғига асосан кема қўмондонлиги таркибидаги масъул ходим томонидан амалга оширилади. Кема хизмат таркибидаги шахс қуруқликда содир этган жинояти ҳақида маълумот бўйича дарҳол ушбу шахсдан тушунтириш олиши, бошқа маълумотларни йиғиши, аммо тергов ҳаракатларини ўтказмай барча маълумотларини кема рўйхатга олинган порт транспорт прокуратурасига юбориши лозим.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромад-

ларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти суриштирув олиб бориш соҳасида жиноят иши қўзғатиш, молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасида жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларини содир этиш ҳоллари, шунингдек, жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича тергов-олди текшируви ва суриштирув ишларини олиб боради.

12. Суд тизимини янада ислоҳ қилиш, судлар фаолиятининг моддий-техникавий молиявий таъминотини такомиллаштириш, судлар мустақиллигини мустақкамлаш, шунингдек, суд қарорларининг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилги 22 сентябрдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти сифатида қайта ташкил этилди. Илгари суд қарорларини ижро этиш Ўзбекистон Республикасининг 1963 йил 23 мартда қабул қилинган қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Гражданлик-процессуал кодексининг V бўлими, шунингдек 1 ва 2-иловалари билан тартибга солинган, аммо 2002 йил 1 январдан эътиборан бу қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотган.

Департаментда фаолият юритаётган суд ижрочилари Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунига асосан фаолият юритади.

Суд ижрочилари суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида айрим жиноятлар содир этилганлигини, хусусан: ЎЗР ЖКнинг “Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш” (122-м.), “Суд қарорини бажармаслик” (232-м.), “Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш” (233-м.) каби моддаларда назарда тутилган жиноятларни аниқлайдилар. Жумладан, ЖКнинг 122-моддасида “моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган

маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўла-маслиги” жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши кўрсатилган. Баъзи қарздорлар ЎзР ЖКнинг ушбу моддаси билан таништирилишига қарамасдан уч ойдан ортиқ муддат давомида моддий ёрдамга мухтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлайдилар. Ушбу ижро иши бўйича суд ижрочиси томонидан ундирувга қаратилиши мумкин бўлган қарздорга тегишли мол-мулкнинг йўқлиги аниқланса, қарздорга нисбатан ЎзР ЖКнинг 122-моддасида назарда тутилган жиноий жавобгарликка тортишлик масаласини кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича суд ёки прокуратура органларига билдирги билан мурожаат қилинади. Худди шундай ҳолатни мажбурий ижро ҳаракатларини бажариш жараёнида, “Суд қарорини бажармаслик” (232-модда), “Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш” (233-модда), каби ЎзР ЖК моддаларида назарда тутилган жиноятлар содир этилганда ҳам кузатиш мумкин.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қилиш қуйидагиларни кўрсатади: суд қарорларини ижро этиш икки кўринишда ташкил этилган, улар хусусий ва давлат томонидан суд қарорларини ижро этишни таъминлаш ҳисобланади. Хусусий деб номланишига сабаб, жисмоний шахслар лицензия асосида суд қарорларининг ижросини таъминлайдилар. Суд қарорларини ижро этишнинг бу кўриниши Германия, Франция, Швецияда мавжуд, бироқ хусусий суд қарорларининг ижросини таъминлайдиган бундай шахслар жиноят-процессуал фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас. Жиноят-процессуал фаолияти давлат томонидан суд қарорларини ижро этишни таъминлашда қўлланилади (бундай кўринишдаги суд қарорларини ижро этиш АҚШ ва Англияга хос).

Мажбурий ижро АҚШ ва Англия мамлакатларда давлат монополиясидадир. Суд қарорларини ижро этиш АҚШда маршал хизмати, Англияда суд ижрочилари тезкор ва тергов ишларини юритишга ҳақли.

39-модда. Суриштирув органи бошлигининг ва суриштирувчининг ваколатлари

Ушбу Кодекснинг 38-моддасида санаб ўтилган ҳар бир органнинг раҳбарлари суриштирув органининг бошлиғи сифатида жиноят ишини қўзғатишга, бу ишни ўзининг иш

юритишига қабул қилиш ва суриштирувни бошлашга ёки ўзига бўйсунувчи бошқа ходимга суриштирув юритишни топширишга ёхуд иш қўзғатишни рад этишга ёки аризани, хабарни терговга тегишлилигига кўра ўтказишга ҳақлидир.

Суриштирув органи бошлигининг топширигига биноан ва унинг раҳбарлигида ишлаётган суриштирувчи иш бўйича ушбу Кодекснинг 339-моддасида назарда тутилган вазифаларни бажариш учун зарур, кечиктириб бўлмайдиган барча тергов ҳаракатларини амалга ошириши шарт.

Суриштирувчи зиммасига, шунингдек, терговчи юритаётган иш бўйича унинг айрим тергов ва қидирув ҳаракатларини ўтказиш тўғрисидаги топшириқларини бажариш ҳамда терговчига унинг тергов ҳаракатларини бажаришида қумаклашиш мажбурияти юклатилади.

Суриштирувни амалга ошираётганда, худди шунингдек, терговчининг топширигини бажараётганда суриштирувчи дастлабки тергов ўтказиш учун белгиланган қоидаларга амал қилиб, тергов ҳаракатлари олиб боради ва қарорлар чиқаради. Суриштирув органининг бошлиги ҳам, башарти у суриштирувчининг вазифаларини бажараётган бўлса, худди шу қоидаларга амал қилади.

Суриштирувчининг қарори суриштирув органининг бошлиги томонидан тасдиқланиши лозим. Суриштирув органи бошлигининг ёзма кўрсатмаси суриштирувчи учун мажбурийдир. Суриштирувчи кўрсатмага норози бўлса, кўрсатмани бажаришни тўхтатмай туриб, бу кўрсатма устидан прокурорга шикоят қилишга ҳақлидир.

Прокурорнинг ёзма кўрсатмаси суриштирув органининг бошлиги ва суриштирувчи учун мажбурийдир. Суриштирув органининг бошлиги ва суриштирувчи прокурор кўрсатмасига рози бўлмаган тақдирда, кўрсатмани бажаришни тўхтатмай туриб, унинг устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилишга ҳақлидир.

1. Суриштирув органининг бошлиғи – суриштирув юритиш ва ЖПКда назарда тутилган бошқа процессуал ҳаракатларни бажариш юзасидан кўрсатма бериш ваколатига эга.

2. Суриштирув органлари бошлиқларига, суриштирувчиларига процессуал қонун билан кечиктириб бўлмайдиган тергов

харакатлари, қидирув ва тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш мажбурияти юклатилган.

3. Шарҳланаётган модда суриштирув органи бошлиги ва суриштирувчининг процессуал ваколатларини белгилаб беради.

4. Суриштирув органи бошлигининг, суриштирувчининг юритувидаги жиноят иши юзасидан қонунга мувофиқ берган ёзма топшириқлари ва чиқарган қарорлари барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

5. Прокурорнинг шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги, жиноятни тавсифлаш; айблов ҳажми; ишни судга юбориш ёки ишни тугатиш, қўшимча терговга қайтариш ҳақидаги кўрсатмаларига рози бўлмаса, суриштирувчи ўз эътирозларини ёзма равишда баён қилиб, юқори турувчи прокурорга билдириши мумкин, лекин кўрсатманинг ижроси тўхтатилмайди.

4-БОБ. ЖИНОЯТ ИШИНИ ЮРИТИШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ, ЖАМОАЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИ

40-модда. Жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг жиноят процессида қўрилиши лозим бўлган ариза ва илтимослари

Жамоат бирлашмалари ва жамоалар, уларнинг раҳбар органлари ҳамда вакиллари содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят тўғрисидаги хабар билан суриштирув органига, терговчига, прокурорга ёки судга мурожаат этишлари мумкин. Улар: айбланувчига ёки судланувчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафиллигига беришни танлаш ҳақида; маҳкумни муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳақида; озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларнинг жазони уташ шароитларини ўзгартириш ҳақида; судланганликни олиб ташлаш ҳақида ва бошқа масалалар бўйича ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда ҳамда тартибда илтимос қилишга ҳақлидирлар.

1. Жиноят судлов ишларини юритишда кенг жамоатчилик кўмагига таяниш ва ундан фойдаланиш муҳим демократик институтлардан бири сифатида тегишли натижаларга эришишда ёрдам беради.

2. Жиноятга бефарқ бўлмаслик, унинг очилишига, айбдорларни фош этилишига ёрдам бериш, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш деб қаралиши лозим. Жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг раҳбар органлари ҳамда вакиллари жиноят судлов ишларини юритишга куйидагича ёрдам беришлари мумкин. Чунончи:

1) содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят ҳақида маълумотга эга бўлсалар, дарҳол суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга хабар бериш;

2) айбланувчини кафилликка олиш;

3) муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳақида илтимос билан судга мурожаат қилиш;

4) озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташ вақтида сақлаш шароитини ўзгартиришни сўраб судга илтимос билан мурожаат қилиш;

5) судланганликни олиб ташлаш масаласини ҳал қилиш учун илтимос билан мурожаат қилиш;

6) ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисида судга илтимоснома билан мурожаат қилиш.

41-модда. Жамоат бирлашмалари ва жамоаларни жиноят ҳақида хабардор қилиш

Суриштирувчи ва терговчи фуқаронинг оғир ва ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани ҳақида унинг иш, ўқиш ёки яшаш жойидаги жамоага хабар беради, суд эса уларга шу иш бўйича суд муҳокамаси қачон ва қаерда ўтказилиши ҳақида хабар беради.

1. Жамоат бирлашмалари ва жамоалар ўз ходимлари томонидан оғир ёки ўта жиноят содир қилинганлигини билишга ҳақлидирлар. Суриштирувчи, терговчи айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахснинг иш, ўқиш ва яшаш жойидаги жамоага бу ҳақда хабар бериши лозим.

2. Агар жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари суд процессида иштирок этиш истагини билдирсалар, суд уларни суд муҳокамаси қачон, қаерда, қай вақтда ўтказилиши ҳақида маълум қилиши керак.

42-модда. Жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячилари

Жамоат бирлашмалари ва жамоалар суд муҳокамасида жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси тариқасида иштирок этиш учун ўз вакилларини юборишлари мумкин.

Жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячиларини жамоат бирлашмасининг ёки корхона, муассаса, ташкилот жамоасининг йигилиши кўрсатади. Йигилиш қарори судга тақдим этилиши лозим.

Жамоат бирлашмаси, жамоа ўзи йўллаган жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячисини хоҳлаган вақтда

чақириб олишга ёки уни бошқа вакил билан алмаштиришга ҳақлидир.

1. Жамоат бирлашмалари ва жамоалар ўз вакилларини суд муҳокамасида жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси шаклида амалга оширади.

2. Жамоат айбловчилари ёки жамоат ҳимоячиларининг номзоди жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг умумий йиғилиши томонидан кўрсатилади. Номзодлар жамоа номидан судланувчига, унинг хулқ-атворига, қилмишига жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси сифатида жамоанинг муносабатларини билдирадилар.

Жамоа бир вақтнинг ўзида судга ҳам жамоат айбловчисини ҳам жамоат ҳимоячисининг номзодини кўрсатиши мумкин эмас.

3. Суд юборилган вакилларни ҳақиқатан ҳам жамоат бирлашмалари, корхона, ташкилот, муассаса жамоаси номидан иштирок этишини тасдиқловчи жамоа умумий йиғилиш қарорини талаб қилишга ҳақли. Жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячисининг шахсан иш натижаларидан манфаатдор эмасликларини тасдиқловчи ҳолатлардан бири уларни жамоа томонидан истаган вақт чақириб олиниши ёки бошқа вакил билан алмаштирилишидир.

43-модда. Жамоат айбловчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суд муҳокамасида иштирок этаётган жамоат айбловчиси: иш материаллари билан танишишга; далиллар тақдим этишга ва уларни текширишда иштирок этишга; илтимоснома беришга; тарафларнинг музокараларида сўзга чиқиб, айбловнинг исботлангани ҳақида судга фикр билдиришга ҳақлидир. Жамоат айбловчиси айбловдан воз кечишга ҳақли.

Жамоат айбловчиси: суд муҳокамасида иштирок этиши; жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг фикрини судда баён қилиши ва иш ҳолатларини аниқлашга кўмаклашиши шарт.

1. Жамоат айбловчиси суд муҳокамасида айблов тарафида иштирок этадиган иштирокчидир.

Жамоат айбловчиси иштирок этадиган суд мажлисида ҳимоячининг иштирок этиши шарт (ЖПКнинг 51-моддаси).

2. Жамоат айбловчиси бир қатор ҳуқуқларга эга, чунончи:

а) иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи. Агар жамоат айбловчиси иш материаллари билан танишиш истагини билдирса, судья унга имконият яратиб бериши керак, чунки жамоат айбловчиси жамоа фикрини ифодалаш билан бирга жиноий қилмиш ҳамда, судланувчининг айблилиги, жиноятни қасддан содир этилганлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим;

б) жамоат айбловчиси далиллар тақдим этиш ва уларни текширишда иштирок этиши мумкин. Уни тақдим этадиган далиллари кўпроқ судланувчининг хулқ-атвори, жиноятга мойиллиги, жамоа, маҳалла ёки турар жойида қилган ноҳўя хатти-ҳаракатлари хусусида бўлиши мумкин. Жамоат айбловчиси суд терговиди далилларни текшириш жараёнида иштирок этиб, жиноятни содир қилишда судланувчининг иштироки, айби, айбнинг даражаси, жазога сазоворлиги тўғрисида тасаввурга эга бўлади;

в) жамоат айбловчиси илтимоснома беришга ҳақли. Илтимоснома ёзма ёки оғзаки шаклда бўлиши мумкин. Агар илтимоснома ёзма тарзда бўлса, жамоат айбловчиси уни судьяга топшириб, суд баённомасига илова қилишни сўрайди. Агар илтимоснома оғзаки тарзда жамоа айбловчиси томонидан берилса, суд баённомасига ёзиб қўйилади;

г) жамоат айбловчиси суд музокарасида иштирок этиб, давлат айбловчисидан кейин, агар у иштирок этмаётган бўлса жабрланувчидан кейин сўзга чиқади ва жамоанинг фикрини ифодалайди ҳамда судланувчининг айби қай даражада ўз исботини топганлиги тўғрисида фикр ва мулоҳазалар билдиради;

д) агар жамоат айбловчиси судланувчининг айби умуман ёки етарли даражада ўз исботини топмади деган хулосага келса, суд музокарасида бу ҳақда ўз фикрини баён қилиб, айбловдан воз кечишга ҳақли. Бу унинг жамоа билан келишмаган ҳолдаги субъектив фикри бўлиши ҳам мумкин. Лекин жамоат айбловчиси айбловдан воз кечишга сабаб бўлган ҳолатларни жамоатчиликка тушунтириб бериши лозим.

3. Жамоат айбловчиси қуйидаги мажбуриятларга эга:

а) жамоат айбловчиси ўз масъулиятини хис қилган шахс сифатида суд муҳокамасида фаол иштирок этиши лозим;

б) айблов юзасидан жамоа бирлашмаси ёки жамоанинг фикрини судга баён қилиши, айбловдан воз кечишда ўзининг ички ишончига таяниши лозим;

в) судланувчи ва унинг қилмиши тўғрисидаги жамоа бирлашмаси, ҳимоя ва унинг вакилини фикри судьянинг қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқаришига ёрдам бериши иш ҳолатлари ва унда судланувчининг қай даражада иштироки борлиги юзасидан кўмаклашиши керак.

4. Жамоат айбловчиси ЖПКнинг 77-моддасида белгиланганидек ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар билан ЖПКнинг 76-моддасида қайд қилинган асослар мавжуд деб рад қилинса, уни бошқа жамоат айбловчиси билан алмаштириш масаласини жамоат бирлашмаси ёки жамоа ҳал қилиши керак.

44-модда Жамоат ҳимоячисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суд муҳокамасида иштирок этаётган жамоат ҳимоячиси: иш материаллари билан танишишга, далиллар тақдим этишга ва уларни текширишда иштирок этишга; илтимоснома беришга; тарафларнинг музокараларида сўзга чиқиб, судланувчини оқлайдиган ёки унинг жавобгарлигини енгилаштирадиган ҳолатлар хусусида судга фикр билдиришга ҳақлидир.

Жамоат ҳимоячиси: суд муҳокамасида иштирок этиши; жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг фикрини судда баён қилиши ва ишнинг судланувчининг аҳволини енгилаштирувчи ҳолатларини аниқлашга кўмаклашиши шарт.

1. Жамоат ҳимоячиси, судланувчининг шахсига унинг қилмишига қандай муносабатда бўлишидан қатъи назар, суд муҳокамасининг охиригача жамоат номидан уни ҳимоя қилиши шарт.

2. Жамоат ҳимоячиси ўз вазифасини самарали олиб бориши учун бир неча ҳуқуқлар билан таъминланган, чунончи иш материаллари билан танишиш, судланувчини аҳволини енгилаштирадиган далилларни тақдим этиш, суд терговидида амалга ошириладиган далилларни текшириш жараёнида фаол иштирок этиш, илтимослар қилиш, суд музокарасига тайёргарлик кўриб,

унда судланувчининг ижобий жихатлари тўғрисида фикр бериб, унинг аҳволини энгиллиштириш ёки умуман оклаш чораларини кўриши лозим.

3. Агар ишда ҳимоячи иштирок этаётган бўлса, жамоат ҳимоячиси ундан кейин сўзга чиқиши боис, унинг фикрларини такрорламай, умумий гаплардан йироқроқ бўлиб, судьяда ва бошқа иштирокчиларда судланувчига нисбатан яхши таассуротлар қолдиришга ҳаракат қилиши лозим.

4. Судланувчининг жамоада тутган ўрни ва мавқеи, оилавий аҳволи, шахс сифатидаги фазилатлари, жамоанинг унга ғамхўрлик қилишига сабаб бўлган омиллар тўғрисидаги жамоат ҳимоячисининг фикрлари одил судловни амалга оширишда, жазо чораларини тўғри белгилашда судьяга кумаклашади.

5. ЖПКнинг 77-моддасида белгиланган жамоат ҳимоячисининг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлиб, у ЖПКнинг 76-моддасида белгиланган асослар билан рад қилинса, жамоат бирлашмаси ёки жамоа уни алмаштириш чораларини кўриши лозим.

5-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЎЗ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИГАН ШАХСЛАР. ҲИМОЯЧИЛАР ВА ВАКИЛЛАР

45-модда. Айбланувчи

Айбланувчи ушбу Кодексда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахсдир.

Айбланувчи судда судланувчи деб, ҳукм чиқарилганидан кейин эса, маҳкум ёки оқланган деб аталади.

1. Айбланувчи жиноят процессининг муҳим иштирокчиси бўлиб, уни жиноий жавобгарликка тортиш асослари қатъий белгиланган. Етарли асослар мавжуд бўлганида шахсга нисбатан айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш қарори чиқарилади. Етарли асос деганда шахсни жиноятни содир қилишдаги иштирокини ва айбини тасдиқловчи далиллар мавжудлиги тушунилади.

2. Қарор эълон қилиниши билан шахс айбланувчи деб номланади ва айбланувчига берилган барча ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларини бажаради. Айбланувчи судга бериш тўғрисидаги ажрим билан судланувчи, ҳукм чиқарилгандан кейин маҳкум ёки оқланган шахс деб аталади.

46-модда. Айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Айбланувчи: узининг нимада айбланаётганлигини билиш; қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш; ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш, ушбу Кодекс 230-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; ўзига қўйилган айблов юзасидан ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш; ўз она тилидан ҳамда таржумон хизматидан фойдаланиш; узининг ҳимояланиш ҳуқуқини

шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва хужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; жиноят ишининг терговчи ёки прокурор томонидан тугатилганлигига қарши эътироз билдириш ҳамда суд муҳокамаси ўтказилишини талаб қилиш; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида, суднинг рухсати билан эса, кассация ва назорат инстанциялари судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ҳамда у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эга.

Судланувчи охирги сўз билан чиқиш ҳуқуқига эга.

Айбланувчи: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувиغا биноан ҳозир бўлиши; дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиршишга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариши; гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва суднинг ажримлари ҳамда ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Айбланувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек ўзининг айбдор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.

1. Айбланувчининг қонуний ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятини яратмаслик терговчининг ваколатидан ташқарига чиқиш деб ҳисобланади ва ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқаради. Масалан: айбланувчини шарт бўлган ҳолда ҳимоячи билан таъминламаслик, таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳукми бекор қилинишига асос бўлади.

Айбланувчи қонун билан белгиланган ҳуқуқлар тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлиши учун терговчи айб эълон қилгандан кейин ҳар бир ҳуқуқ ва мажбуриятнинг мазмунини айбланувчига тушунтириши лозим. Бу эса айбланувчининг ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш ва мажбуриятларини тўла хис қилиб бажаришга ундайди.

2. Айбланувчи қуйидаги ҳуқуқлар билан таъминланган:

1) ўзини нимада айбланаётганлигини билиш. Бунга кўра айбланувчи унга қўйилган айбнинг мазмуни ва унинг у ёки бу даражадаги исботини акс эттирган айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш қарори билан танишиб чиқиши лозим. Терговчи бу қарорнинг нухасини айбланувчига бериши керак. Агар қарорга у ёки бу ўзгартиш ва қўшимчалар киритилса, айбланувчига маълум қилиниши ва қарорнинг нухаси тушунтирилиши лозим;

2) қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғирок қилиш ёхуд хабар бериш;

3) ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш,

4) айбланувчи қўйилган айблов юзасидан ҳамда ишнинг ҳолатлари бўйича тушунтириш ва кўрсатувлар беришга ҳақли. Айбланувчининг айблов ҳамда ишнинг ҳолатлари бўйича берган кўрсатуви далил сифатида баҳоланиши, бу унинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш воситаси эканлиги, сидқидилдан қилмишига пушаймон бўлиб, жиноят иши бўйича ҳақиқий ҳолатларини очилишига ёки жиноятни давом этишининг олдини олишга берган ёрдами унинг аҳволини енгиллаштириши мумкинлиги тушунтирилиши керак. Айбланувчи кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиши лозим; Айбланувчининг берган кўрсатувидан қайтиши ҳеч қандай оқибатни келтириб чиқармаслиги ва аҳволини ёмонлашувига олиб

келмаслиги лозим. Айбланувчи қачон кўрсатув бериш истагини билдирса, албатта терговчи томонидан сўроқ қилиниши керак;

3) айбланувчида она тилида сўзлаш ва таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд. Бу ҳуқуқини таминламаслик Жиноят процессуал қонун нормасини жиддий бузилиши (487-модда) деб қаралади ва ҳукми бекор қилишга асос бўлади. Айбланувчи таржимон хизматидан бепул фойдаланади. Айбланувчига нафақат оғзаки балки барча ёзма ҳужжатлар ҳам таржима қилиб топширилади;

4) айбланувчи ҳимоячига эга бўлиш ва у билан холи учрашиш шунингдек, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни шахсан ўзи амалга оширишга ҳақли. Ушбу масала ЖПК нинг 24-моддасида принцип даражасига кўтарилган бўлиб, ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолларда (ЖПКнинг 51-моддаси) ҳимоячи билан таъминламаслик Жиноят процессуал қонун нормасини жиддий бузиш деб қаралади ва ҳукми бекор қилишга асос бўлади (ЖПКнинг 487-моддаси). Ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолларда ҳимоячидан воз кечиш вояга етмаган ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши лозим бўлган айбланувчиларга нисбатан татбиқ этилмайди. Айбланувчи кўрсатув бериш, қўйилган айбга эътироз билдиришни шахсан амалга оширади;

5) айбланувчи илтимоснома бериш ва рад этиш ҳуқуқига эга. Илтимосномани ва рад қилишни терговчи бажарса ёки бажармаса ҳам асослантирилган қарор чиқариши шарт. Терговчининг чиқарган қарори устидан айбланувчи шикоят қилишга ҳақли;

6) айбланувчи далиллар тақдим қилишга ҳақли. Айбланувчининг кўрсатуви далиллар манбаларининг турига киради (ЖПКнинг 81-моддаси). Айбланувчининг тақдим этган далиллари бошқа далиллар билан боғлиқлиги, ҳақиқийлиги, жиноят ишига алоқадорлиги ва мақбуллигига кўра баҳоланади.

7) айбланувчи ва унинг ҳимоячиси терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этишга ҳақли. Бунда айбланувчи ва унинг ҳимоячиси ўтказилаётган тергов ҳаракатига ҳалал бермасликлари лозим. Тергов ҳаракати баённомаси билан қатнашган бошқа иштирокчилар қаторида айбланувчи ва унинг ҳимоячиси таништирилади. Улар томонидан билдирган эътироз тергов ҳаракати баённомасида акс эттирилиши лозим;

8) айбланувчининг муҳим ҳуқуқларидан бири жиноят иши материаллари билан танишишдир. Терговчи айбланувчини

ушбу ҳуқуқидан унумли фойдаланиши учун барча имкониятни яратиб бериши шарт. Айбланувчи жиноят иши материали билан танишиб чиқиши учун муддат белгиланмаган, лекин айбланувчи атайин танишиб чиқишни чўзса, муддат қўйилиши мумкин. Жиноят иши материали терговчининг иштирокида амалга оширилади. Айбланувчи дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг, ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этишга ҳақли. Терговчи тергов муддатидан чиқиб кетмаслик учун иш билан таништириш вақтини белгилаб олиши керак;

9) айбланувчи терговчи ва прокурорнинг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарорининг асослари билан келишмаса, унга эътироз билдириши ва суд муҳокамасини ўтказишни талаб қилиб, оқлов ҳукми чиқарилишига эришиш ҳуқуқига эга;

10) ярашув тўғрисидаги ҳамда амнистия актини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича амнистия актини қўллаш бўйича суд мажлисларида иштирок этишга ҳақли;

11) камокқа олиш, камокда сақлаб туриш масалаларини ҳал қилишда суд мажлисида иштирок этиш, суд ажрими устидан апелляция тартибида шикоят қилиш ва апелляция тартибида иш юритишда иштирок этишга ҳақлидир;

12) айбланувчи суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилишга ҳақли. Уни қийнаш, азоб бериш, хўрлаш, таҳқирлаш, кўрсатув олиш учун ҳар қандай ноқонуний усулларни қўллаш қатъиян тақиқланади. (ЖПК 88-модда) Айбланувчининг шикояти прокурор томонидан уч кун ичида кўриб чиқилиши ва тегишли тартибда ҳал қилиниши лозим. Айбланувчи шикояти юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлардан қоникмаса, жиноят процессининг кейинги босқичларида ҳам айнан шу шикоят билан судга мурожаат қилишга ҳақли;

13) судланувчи охирги сўз билан чиқиш ҳуқуқига эга. Охирги сўз сўзлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жиноят процессуал қонун нормасини жиддий бузилиши деб ҳисобланади ва ҳукми бекор қилишга асос бўлади (ЖПКнинг 487-моддаси).

3. Айбланувчи қуйидаги мажбуриятларни бажариши лозим:

1) айбланувчи, терговчи, прокурор ва суд чақирувига биноан белгиланган муддатда етиб келиши шарт. Бу талабни сабабсиз

бажармаслик мажбурий келтириш ёки қўлланилган эҳтиёт чорасининг турини оғирроғига алмаштиришга асос бўлади;

2) Айбланувчи дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирок этиши шарт. Агар айбланувчи қочиб кетса, унинг қаерда эканлиги номаълум бўлса ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлиб, уни олиб келишни имкони бўлмаса ёки айбланувчи оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган ҳолларда жиноят иши тўхтатилади (ЖПК нинг 364-моддаси). Суд муҳокамаси икки ҳолатда судланувчининг иштирокисиз ўтказилиши мумкин. Биринчиси,- у Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлиб, судга келишдан бўйин товлаган, лекин унинг иштирок этмаслиги ҳақиқатга тўсқинлик қилмаган ҳолатда, иккинчиси,- тартибни бузганлиги учун суд залидан чиқариб юборилганда судланувчининг иштирокисиз суд мажлиси ўтказилади;

3) айбланувчи ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиб, далилларни йўқ қилиш ёки сохталаштириш, жабрланувчи ва гувоҳларни қўрқитиш, кўндиришга уриниш билан шуғилланиши мумкин эмас;

4) айбланувчи ўзига нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасига оид талабларни сўзсиз бажариши лозим;

5) айбланувчи тергов ҳаракатларини ўтказишга ҳалал бермаслиги лозим, чунки тергов ҳаракатларини ўтказишда айбланувчининг розилиги талаб этилмайди. Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг бу ҳақда қарори, суднинг ажрими бу тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, уни ижро этиш мажбурий ҳисобланади.

Айбланувчи дастлабки терговда, суд мажлисида барча қонуний талабларни бажариши ва тартибни сақлаши лозим.

3. Айбланувчига айбсизлик презумпциясига кўра ўз айбсизлигини исботлаш мажбурияти юклатилмаган. Бу “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси”нинг 10-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси билан кафолатланган.

47-модда. Гумон қилинувчи

Гумон қилинувчи жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун

етарли бўлмаган шахсдир. Шахсни гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради.

Гумон қилинувчи жиноят содир этганлигини тасдиқловчи далиллар айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиши учун етарли бўлмаган ёки ЖПКнинг 221-моддасида белгиланган асослар мавжуд бўлганлиги учун ушлаб турилган ёки айб эълон қилгунга қадар эҳтиёт чораси қўлланилаётган шахс ҳисобланади. Жиноят процессида гумон қилинган шахс суриштирувчи, терговчи ёки прокурор уни гумон қилинган шахс тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида асослантирилган қарор чиқарган ва уни эълон қилинган вақтдан бошлаб пайдо бўлади.

48-модда. Гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Гумон қилинувчи: ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиш; ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнглироқ қилиш ёхуд хабар бериш; у ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш, ушбу Кодекснинг 230-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; ушланганидан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш; ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш; ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича суд мажлисларида иштирок этиш;

суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқига эга.

Гумон қилинувчи: суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши, суриштирувда ва дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорлари ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишни тергов қилишда тартибга риоя этиши шарт.

Гумон қилинувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.

1. Гумон қилинувчи ушлангандан кейин йигирма тўрт соат ичида гумон қилинувчи тариқасида сўроқ қилиниши лозим. Бунинг учун албатта: а) жиноят иши кўзгатилган бўлиши; б) ЖПКнинг 221-моддасида қайд этилган асослар бўйича ушланган бўлиши; в) унга нисбатан айб эълон қилингунга қадар эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиши керак. Гумон қилинувчи биринчи сўроғидан олдин уни қандай жиноятни содир қилинишда гумон қилинаётганлиги тушунтирилиши керак. Суриштирувчи ва терговчи гумон қилинувчига унинг жиноятни содир қилишда иштирокини тасдиқловчи далиллар мавжудлиги ва улар нималардан иборатлигини тушунтириши шарт эмас.

2. Гумон қилинувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

1) ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиш. Гумон қилинувчи жиноят ишини кўзғатиш қароридан ёки ушлаб туриш баённомасидан ёки гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш қароридан нусха олишга ҳақли. Агар унга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида қарор чиқарилган бўлса, ундан ҳам нусха берилиши керак;

2) гумон қилинувчини ушлангандан кейин дарҳол ёки йигирма тўрт соат ичида сўроқ қилинмаслиги ЖПК талабини

бузиш деб қаралиши лозим. Агар гумон қилинувчи ЖПКнинг 51-моддасида белгиланган ҳимоячининг иштирок этиши шарт бўлган ҳолатларнинг бирига тўғри келса, ушланган вақтдан бошлаб ёки биринчи сўроғида ҳимоячининг иштироки таъминланиши керак;

3) гумон қилинувчи ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашишга ҳақли;

4) ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериши учун имконият яратилиши керак;

5) гумон қилинувчи ўзига қўйилган гумон хусусида ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатув бериш ҳуқуқини ўзига қўйилаётган гумондан фориғ бўлиш воситаси деб қараш лозим. Гумон қилинувчи кўрсатуалардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор қилиниши керак.

Суриштирувчи, терговчи гумон қилинувчига унинг кўрсатуви ҳақиқий ҳолатни очилишга ва жиноятни давом этишини олдини олишига зарарни қоплашга ёрдам берса, жазони қўллашда эътиборга олинishi ҳақида тушунтиришлари керак.

6) гумон қилинувчи ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бу конституциявий кафолат нафақат гумон қилинувчи она тилида, таржимон хизматидан фойдаланиб, эркин кўрсатув бериш, балки суриштирув ва дастлабки терговни самарали олиб боришга хизмат қилади;

7) шахс гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор эълон қилинган пайтдан ёки у ушланган пайтдан бошлаб ҳимоячи олиш ҳуқуқига эга. Агар у танлаган ҳимоячи ишда иштирок этиш имконияти йўқлигини билдирса, суриштирувчи, терговчи бошқа ҳимоячини таклиф қилишлари мумкин. Ҳимоячининг иштироки шарт бўлган ҳолда унинг иштирокисиз ўтказилган ва расмийлаштирилган тергов ҳаракатлари маълумотлари ҳақиқий эмас деб топилади. Гумон қилинувчи ҳимоячи билан холи учрашишга ҳақли. Қонунда бу учрашувнинг сони ва муддати белгиланган эмас.

8) гумон қилинувчи ўз манфаатларини ўзи ҳимоя қилишга ҳақли. Бу ҳолат вояга етмаганларга ва узок муддатли ёки

умрбод жазо муддати қўлланилиши мумкин бўлган жиноятни содир қилганларга нисбатан қўлланилмайди;

9) гумон қилинувчи суриштирув ва терговчининг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан прокурорга шикоят қилиш, илтимослар қилиш ва мансабдор шахсларга нисбатан ЖПКнинг 76-моддасида белгиланган асослар бўйича рад қилиш ҳуқуқига эга;

10) гумон қилинувчи ўз қилмиши, жиноятнинг иштирокчилари ва бошқа исботланиши лозим бўлган ҳолатлар бўйича далиллар тақдим қилишга ҳақли. Гумон қилинувчи суриштирувчи ва терговчининг руҳсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиши ва айрим тергов ҳаракатларини ўтказилишини талаб қилишга ҳақли;

11) гумон қилинувчи қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома ва ярашув тўғрисидаги шунингдек, амнистия актини қўллаш ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этишга ҳақли. Гумон қилинувчи бунда тараф сифатида иштирок этади ва тортишув принциpidан фойдаланиб, судга ўз важларини билдиради;

12) гумон қилинувчи суриштирувчи, терговчининг хатти-ҳаракатлари, қарорлари устидан прокурорга ҳамда қамоққа олиш тўғрисидаги ва ярашув тўғрисидаги суд ажримлари устидан апелляция тартибида иккинчи инстанция судига шикоят қилишга ҳақли.

3. Гумон қилинувчи куйидаги мажбуриятларни бажариши шарт:

1) суриштирувчи, терговчи ва прокурор чақирувига биноан белгиланган кун, соат ва жойга етиб келиши лозим. Бу мажбуриятни бажармаслик унга нисбатан мажбурий келтириш, эҳтиёт чорасини оғирроқ турини қўллаш каби ҳуқуқий оқибатни юзага келишига асос бўлади;

2) гумон қилинувчи суриштирув ва дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортмаслиги, қочиб кетишга уринмаслиги, қамоқ жойларида тартибни сақлаши ва маъмурият умумий талабини сўзсиз бажариши лозим;

3) ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиб далилларни йўқ қилишга ёки уни сохталаштиришга, жабрланувчи, гувоҳ ва экспертларни кўндиришга уриниши ва бошқа хатти-ҳаракатлари билан суриштирув ва терговга халал бермаслиги лозим.

Бундан ташқари тергов давомида тартибга қатъий риоя қилиши ва қонуний талабларни бажаришга мажбур.

4. ЖПКнинг 23-моддасида белгиланган айбсизлик презумпцияси принципи бевосита гумон қилинувчига ҳам татбиқ қилинади. Гумон қилинувчи зиммасига кўрсатув бериш, ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбуриятини юклаш мумкин эмас.

49-модда. Ҳимоячи

Ҳимоячи – гумон қилинувчиларнинг, айбланувчиларнинг, судланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахс.

Ишда ҳимоячилар сифатида адвокатлар иштирок этишлари мумкин. Адвокатнинг ишда иштирок этишига у адвокат гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин йўл қўйилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари билан бир қаторда ҳимоячи сифатида иштирок этишига гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосномаси бўйича суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суд ажримига биноан йўл қўйилиши мумкин.

Ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳарқандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасига биноан, айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади, унга тергов ва суд ишини юритишнинг барча босқичларида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳимоячи жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш учун зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга.

2. Ҳимоячи сифатида фақат адвокатлар иштирок этиши мумкин. Адвокат бўлмаган шахс ишда ҳимоячи сифатида иштирок

этишига рухсат берилмайди. Ҳимоячи вазифасини бажармоқчи бўлган адвокатни ишда иштирок этишига, аввало, ҳимояга муҳтож шахснинг бевосита розилиги бўлиши шарт. Адвокат билан бир қаторда гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари билан ҳам ҳимоячи сифатида иштирок этиши мумкин. Лекин бунинг учун гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи илтимоснома билан тегишлича суриштирувчига, терговчига ёки судга мурожаат қилиши лозим. Илтимоснома бўйича суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Илтимоснома рад этилганда албатта асослар кўрсатилиши шарт. Бундай қўшимча ҳимоячи иш бўйича ушбу Кодекснинг 53-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланади. Айниқса, ЖПКнинг 51-моддасига мувофиқ, ишда ҳимоячининг иштироки шарт бўлган ҳолларда албатта ҳимоячи адвокат бўлишини таъминлаш зарур, чунки ҳимоя шахсга малакали юридик ёрдам берилишини тақозо қилади.

3. Ҳимоячи шахс айбланувчи ёки гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилинган ёхуд ушланган вақтдан бошлаб иштирок этиши мумкин. Айбланувчи ёки гумон остидаги шахс ҳимоячи таклиф этилишини илтимос қилган ёки ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолларда ҳимоячисиз ўтказилган ҳар қандай процессуал ҳаракат қонуний кучга эга бўлмайди. Ҳимояланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсдан турли йўллар билан олинган “Ҳимоячига муҳтож эмасман” таъбиридаги тилхат ҳимояланиш ҳуқуқини чеклашга олиб келади.

4. Ҳимоячининг асосий вазифаси – жинойт содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсга юридик ёрдам кўрсатиш, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, суриштирув ва тергов олиб боришда ҳамда одил судловни амалга оширишда қонунийликка риоя қилинишига эришишдан иборат.

5. Ҳимоячи ўз фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя қилиш, жумладан, “Адвокатура тўғрисида” ҳамда “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида” қонунларга мувофиқ, адвокатнинг мустақиллиги, касб этикаси, адвокатлик сири ва қасамёди, қонун ҳужжатларида ман қилинмаган усуллар ва воситаларни қўллаш тамойилларига суяниши лозим.

6. Ҳимоячи сифатида адвокатни гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи бевосита ўзи танлайди ёхуд адвокат танлашни ўзининг яқин қариндошлари, қонуний вакиллари, шунингдек ишончли кишиларига топшириши мумкин. Бу ҳақда шартнома-ни адвокат ва уни танлаган ҳимоячига муҳтож шахс ёки унинг вакили имзолагач, адвокат муайян жиноят ишини юритишга ваколати борлиги ҳақида ордерни суриштирувчи, терговчи ёхуд судьяга тақдим қилади ҳамда адвокатлик гувоҳномасини кўрсатади. Шу вақтдан бошлаб адвокат иш бўйича ҳимоячилик ваколатларини бажаришга ҳақли. Терговчи ва судья муайян адвокатни ҳимоячи сифатида иштирок этишига монелик қиладиган қонуний асослар бўлса, рухсат бермаслик тўғрисида ўз қарорида (ажримид) бунинг сабабларини аниқ ва батафсил баён этишга мажбур. Бу ҳақда терговчининг қарори устидан прокурорга, суднинг ажрими устидан юқори судга гумон қилинаётган, айбланувчи, судланувчи, шунингдек, ҳимоячи норозилик шикоятни билан мурожаат қилишга ҳақли.

7. Бир гумон остидаги шахс, айбланувчи ёки судланувчи бир неча ҳимоячига эга бўлиши қонун билан тақиқланмаган. Бир ҳимоячи бир неча шахсни ўз ҳимоясига олиши ҳам мумкин, лекин бу ҳолда ҳимояланувчиларнинг манфаатлари ўзаро мос бўлиши, зид келмаслиги шарт.

Ишда иштирок этаётган ҳимоячи ўз ҳимоясидагиларнинг манфаатлари бир-бирига зид эканини билгани ҳамоно, улардан бирини ҳимоя қилишдан воз кечиши ҳақида сўраб, тегишинча терговчига ёки судга мурожаат қилиши лозим.

8. Ҳимоячи жиноят ишининг бошланишидан охиригача барча босқичларда ўз фаолиятини давом эттириши мумкин. Бу ҳимояланаётган шахснинг хоҳишига боғлиқ. Ҳимояланилаётган шахс истаган вақтда ҳимоячидан воз кечиши, уни ишда қатнашмаслигини талаб қилиши мумкин. Ҳимоячи эса ўзи олиб бораётган ҳимояни тўхтатишга ишни ўзидан соқит қилишга ҳаққи йўқ.

9. Ҳимоячи жиноят ишининг мазмуни билан танишгач, ўз ҳимояси остидаги шахсга унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини батафсил, ишнинг моҳиятини ҳисобга олиб тушунтириши ва ҳимоя йўналиши, услуби ва воситалари ҳақида ҳимояланувчини хабардор қилиши, ўзаро келишиб олиши лозим. Ҳимоячи ўз ҳимоясидаги шахсга ўз фикрини ошкоро билдириши ва у билан

энг макбул ҳимоя услубини танлаб олиши шарт. Бу масалада ҳимоячи ўз ҳимоясидаги шахснинг измидан четга чиқиши мумкин эмас.

Ҳимояланаётган шахс ҳимоячисининг маслаҳатлари ва фикри ҳақида ўзига ишончли шахсга айтиши, у билан муҳокама қилиши мумкин. Ҳимоячи эса, аксинча, ҳимояланаётган шахснинг унга берган маълумотларини сир сақлаши лозим. Ҳимоячи бу ҳақда гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши ЖПКнинг 115-моддасига биноан тақиқланган.

10. Ҳимоячи мазкур иш бўйича иштирок этишига монелик қиладиган бирор асос борлигини аниқлагач, ЖПКнинг 79-моддасига биноан ўзининг рад этилишини илтимос қилиб суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судьяга муурожаат қилиши шарт.

11. Адвокатнинг муайян гумон остидаги шахсни, айбланувчини, судланувчини ўз ҳимоясига олишига тўсқинлик қилиш, шу муносабат билан унга, оила аъзолари, қариндошлари, таниш-билишларига, мол-мулкига таҳдид қилиш, зўрлик ишлаш, кўрқитиш каби хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланган.

12. Ҳимоячи жиноят ишларини юритишда прокурор билан баб-баровар ҳуқуқлардан фойдаланади ва тортишув тамойилига мос тенг фаолият олиб боради. Айни вақтда ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндириш ва бошқа қонунга хилоф уринишлар орқали ишни тўғри юритилишига тўсқинлик қилгани ҳолда тегишли жавобгарликка тортилади.

50-модда. Ҳимоячини таклиф этиш

Ҳимоячи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан таклиф этилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди.

Танланган ҳимоячининг йигирма тўрт соат ичида ишда иштирок этишга киришишга имконияти бўлмаган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қили-

нувчига, айбланувчига, судланувчига ёхуд уларнинг қариндошларига бошқа ҳимоячини таклиф этишни ёки ҳимоячи тайинлашни сўраб Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан белгиланадиган адвокатлик тузилмаларига мурожаат қилишни тавсия этади. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи танлаган ҳимоячи исталган вақтда ишда иштирок этишга киришишга ҳақлидир.

Ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат ҳисобидан бўлади.

1. Гумон қилинган шахс, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакили ҳимоячини ўзи танлаши ва таклиф этиши мумкин. Гумон қилинган шахс, айбланувчи, судланувчи унинг илтимоси билан бошқа ҳар қандай шахс таклиф этган ҳимоячининг ишда қатнашишига розилик бермаслиги ҳам мумкин. Кимнинг ҳимоячи сифатида ишда иштирок этиши ҳимояга муҳтож шахснинг хоҳишига боғлиқ.

2. Гумон қилинган шахс, айбланувчи, судланувчи томонидан танланган ҳимоячи 24 соат ичида ишда иштирок этишга имконияти бўлмаса ва шу вақт давомида ҳозир бўлмаса, бошқа ҳимоячи таклиф этилиши зарур. Бу ҳақда гумон қилинган шахс, айбланувчи, судланувчи хоҳлаган адвокатлар ҳайъатига, фирмасига ёки бюросига мурожаат этиши мумкин.

3. Агар гумон қилинган шахс, айбланувчи, судланувчи адвокатни ҳимоячи тариқасида иштирок этиши учун маблағи бўлмаса ёки иқтисодий ночор бўлса, уни адвокат учун меҳнат ҳақи тўлашдан тўла ёки қисман озод қилиш мумкин. Бу ҳақда суриштирувчи, терговчи, прокурор асослантирилган қарор, суд эса – ажрим чиқаради. Бундай ҳолларда адвокат давлат томонидан тайинланган ҳисобланиб, унга давлат бюджетидан ҳақ тўланади.

4. Гумон қилинган шахс, айбланувчи, судланувчи томонидан танланган ҳимоячининг ўрнига ишда бошқа адвокат иштирок этиши, ҳимоячини асоссиз четлатиш, процессуал нормаларни

жиддий бузиш деб ҳисобланади. Айниқса дастлабки терговда иштирок этган ҳимоячини, судланувчи рози бўлмаса-да, бошқа адвокат билан алмаштириш мумкин эмас.

5. Гумон қилинган шахс, айбланувчи, судланувчи процессуал ҳаракатларни ўтказиш чоғида ҳимоячининг ҳозир бўлмагани муносабати билан ҳимоячидан воз кечиши ҳақида оғзаки ёки ёзма тарзда олинган тилхат инobatга олинаши мумкин эмас. Ҳимоячидан бундай ҳолатда воз кечиш бошқа адвокатнинг ҳузурида, уни ишда иштирок этишига реал имконият борлигида билдирилса, қонуний кучга эга.

6. Судланувчи, маҳкум, оқланган шахснинг ҳимоячисини хабардор қилмай, ишни юқори инстанция судида кўриш процессуал қонидани жиддий бузиш деб ҳисобланади ва чиқарган қарорни апелляция, кассация, назорат тартибида бекор этиш учун асос бўлади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорига қаранг.

51-модда. Ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳоллар

Қуйидаги ишлар бўйича:

- 1) вояга етмаганларнинг иши бўйича;***
- 2) соқовлар, қарлар, қурлар, жисмоний нуқсонли ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахсларнинг иши бўйича;***
- 3) судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича;***
- 4) жазо чораси сифатида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши бўйича;***
- 5) шахсларнинг манфаатлари узаро қарама-қарши бўлиб, улардан ақалли бири ҳимоячига эга бўлган ишлар бўйича;***
- 6) давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси иштирок таъётган ишлар бўйича;***
- 7) жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок таъётган ишларда;***

8) тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўлаш тўғрисидаги ишларда ҳимоячининг иштирок этиши шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлари туфайли гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қийналиши мумкин деган хулосага келса, бошқа ишлар бўйича ҳам ҳимоячининг иштирок этишини шарт деб топишга ҳақлидир.

Агар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида курсатилган ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг илтимосига кўра ёхуд уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан белгиланадиган адвокатлик тузилмаси раҳбари суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ҳимоячи тайинлаш тўғрисидаги қарори ёки суднинг ажримига биноан қарор ёки ажрим Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармасига келиб тушган пайтдан эътиборан тўрт содатдан кечиктирмай жиноят иши бўйича ҳимоячининг иштирокини таъминлаши шарт.

1. Ушбу моддада назарда тутилган ҳолатлар гумон қилинган шахсга, айбланувчига, судланувчига суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси жараёнида ўзини ҳимоялаш учун берилган қўшимча кафолат деб тушунилмоғи лозим. Унда саккиз хил ишлар бўйича ҳимоячи албатта иштирок этиши талаб қилинган. Бу ишлардан ташқари ҳар қандай жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш, далиллар тўплаш, уларни таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда фойдаланиш мураккаблиги туфайли суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ҳимоячининг иштироки зарур деб ҳисоблаши мумкин.

2. Гумон қилинган шахс, айбланувчи, судланувчи ушбу моддада белгиланган ишлар бўйича ҳимоячи даркор эмас деб ҳисобласа ва ҳимоя ҳуқуқини бевосита ўзи амалга ошироқчи бўлса-да, ҳимоячи ишга албатта жалб қилиниши лозим. Бундай ҳолларда ҳимоячини гумон қилинган шахс, айбланувчи, судланувчи ўзи танламаса ва таклиф қилмаса, терговчи, прокурор ёки суд ҳимоячини ишга жалб қилишга мажбур. Бунинг учун

улар тегишли адвокатлар хайъати, фирмаси, бюроси раҳбарига мурожаат қиладилар. Деярли барча ҳолларда ҳимоячи давлат томонидан таклиф қилинади ва ўз меҳнати учун давлат бюджети ҳисобидан ҳақ олади.

3. Ушбу моддада назарда тутилган ишлар бўйича барча гумон қилинган шахслар, айбланувчилар, судланувчилар иш юритувининг буткул давомида ҳимоячи хизматидан узлуксиз фойдаланадилар ва ҳар қандай сабаблардан қатъи назар, ҳимоячисиз қолмаслиги лозим.

4. Ўн саккиз ёшга тўлмасдан содир этган жинояти учун гумон остига олинган, айбланаётган, судланаётган шахс, иш бўйича суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган вақтда вояга етган бўлса-да, ҳимоячи билан таъминланмоғи шарт.

5. Ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган, шунингдек, иш бўйича суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси юритилаётганда руҳий касалликка учраган шахс, унинг ақли расолигини аниқлаш учун суд-психиатрия экспертизаси тайинланган пайтдан бошлаб, яъни унинг ақли норасолиги аниқланганидан илгарийёқ ҳимоячи билан таъминланмоғи лозим. Бу ҳақда ЖПКнинг 571-моддасига берилган шарҳга қаранг.

6. Руҳий касаллиги ёки жисмоний камчиликлари сабабли ҳимояланиш ҳуқуқини амалга оширишда қийналадиган шахслар суд-психиатрия экспертизаси томонидан ақли расо деб ҳисобланган ҳолларда ҳам ҳимоячининг ёрдамидан фойдаланишлари, ҳимоячи билан таъминланишлари шарт. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорига қаралсин.

52-модда. Ҳимоячидан воз кечиш

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юритилаётган даврда исталган вақтда ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Бундай воз кечишга фақат гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ташаббуси билан ва ҳимоячининг ишда иштирок этишига суриштирувчи,

терговчи ёки суд томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминланадиган реал имкониятлар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади, бунда адвокат ўз ҳимояси остидаги шахс билан ҳоли учрашганидан кейин ҳимоядан воз кечилганлигини тасдиқлайди. Бу ҳақда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек, адвокат, суриштирувчи ёки терговчи имзолайдиган баённома тузилади ёхуд суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

Ушбу Кодекс 51-моддаси биринчи қисмининг 1-4 ва 8-бандларида назарда тутилган ҳолларда ҳимоячидан воз кечиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд учун мажбурий эмас.

Ҳимоячидан воз кечиш гумон қилинувчини, айбланувчини ёки судланувчини кейинчалик ишда ҳимоячи иштирок этишига рухсат бериш ҳақида илтимос қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Бундай илтимос барча ҳолларда қаноатлантирилиши керак. Суд тергови давомида ҳимоячининг иштирок этиши ҳақида берилган илтимоснома ишнинг ҳолатларини ҳисобга олиб ва судланувчига ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш манфаатларини кўзлаб суд томонидан ҳал этилади. Ҳимоячининг суд мажлиси давомида ишга киришиши суд терговини қайта бошлаш учун асос бўлмайди.

1. Ҳимоячининг юридик ёрдамидан фойдаланиш гумон остига олинган, айбланувчи, судланувчининг шахсий ҳуқуқидир. Лекин ЖПКнинг 51-моддасида кўрсатилган ишлар бўйича ҳимоячининг иштироки шарт. Фақат а) ҳимояланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ўзаро манфаатлари қарама-қарши бўлиб, улардан бирортаси ҳимоячининг хизматидан фойдаланаётган; б) давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси қатнашаётган; в) жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган ишлар бўйича гумон остидаги шахс, айбланувчи, судланувчи ўзига ҳимоячи олмасликка ҳақли. Лекин унинг бу хоҳишини суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд қаноатлантириши шарт эмас.

2. Ҳимоячидан воз кечган шахс кейинчалик суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ҳимоячи олишига йўл қўйилади. Аммо ишга кеч киришган ҳимоячининг суд-терговини қайта ўтказиш ҳақида талаби қаноатлантирилмас-

лиги мумкин. Лекин ҳимоячига иш материаллари билан танишиш учун имконият берилиши лозим.

3. Ҳимоячидан воз кечиш ҳақида гумон остидаги шахс, айбланувчи, судланувчи расмий равишда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судьяга бевосита маълум қилиши шарт. Бу борада ҳимояга муҳтож шахснинг ўзи ташаббус кўрсатиши лозим, уни ҳимоячидан воз кечишга бирор тарзда мажбурлаш, тавсия қилиш мумкин эмас. Аксинча, ҳимоячидан воз кечиш ҳақида баёнот ишда иштирок этаётган ҳимоячи ёки таклиф қилинган адвокат ҳузурида, унинг ишда иштирок этишига реал имконият борлигини тушунтирилгандан сўнг қаноатлантирилиши лозим. Бу ҳақда баёнот тузилади ёки суд мажлиси баёнотига ёзиб қўйилади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд шахс ҳимоячидан воз кечишига сабаб бўлган ҳолатларни аниқлаши зарур.

4. Судланувчи жамоат ҳимоячисидан воз кечишга ҳақли эмас. Бу масала жамоат ҳимоячисига ваколат берган жамоанинг истагига боғлиқ.

53-модда. Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ҳимоячи: манфаатларини ҳимоя қилаётган шахснинг нимада гумон қилинаётганлиги ёки айбланаётганлигини бишиш; адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишига ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан сўнг ишда иштирок этиш; гумон қилинувчи сўроқ қилинаётганда иштирок этиш, шахсга айблов эълон қилинаётганда ҳозир бўлиш ҳамда айбланувчи сўроқ қилинаётганда, шунингдек уларнинг иштирокида ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида иштирок этиш ва гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга саволлар бериш; бошқа тергов ҳаракатлари юргизиладиганда суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан иштирок этиш; ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг юритилиши хусусида ёзма мулоҳазалар бериш; илтимоснома бериш ва рад этиш; ушбу Кодекс 87-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш ва тақдим этиш; гумон қилинувчи ёки айбланувчи

иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан, дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин эса жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; агар ҳимояни амалга ошириш учун зарур бўлса, давлат сирлари, тижорат сирини ёки бошқа сирни ўз ичига олган ахборот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш; суд муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва бу ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлар тўғрисида билиш ҳамда уларга нисбатан эътирозлар билдириш; апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қамоқда бўлса, ҳимоячи у билан жиноят ишини юриштиришга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг рухсатисиз, учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга ҳақли.

Ҳимоячи ўз вазифасини амалга ошириши муносабати билан билган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Ҳимоячи: гумонни ёки айбловни рад этадиган ёхуд жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усулларни қўллаши ҳамда гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига зарур юридик ёрдам кўрсатиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Ишда иштирок этиш ҳақида битим тузилган ёки тайинланган вақтидан бошлаб адвокат ҳимоячи вазифасини бажаришни рад этишга ҳақли эмас.

1. Ҳимоячининг ҳуқуқий мақоми унинг қонунда белгиланган ҳуқуқлари, имтиёзлари, мажбурияти ва масъулиятидан иборат. Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида ҳимоячининг процессуал ҳуқуқлари бирма-бир санаб ўтилган. Улардан бирортасидан ҳимоячи маҳрум этилиши мумкин эмас. Модданинг қолган уч қисмида ҳимоячининг мажбуриятлари батафсил баён этилган. Улардан бошқа мажбуриятларни ҳимоячининг зиммасига юклаб бўлмайди.

2. Ҳимоячининг процессуал фаолияти гумон остидаги шахсни турли беҳуда шубҳалардан, айбланувчи, судланувчини асосланмаган айбловдан халос қилиш, шубҳа ва айбловни рад қилувчи далиллар излаш ва тақдим қилишдан, айбланувчини оқлайдиган ёхуд жавобгарлигини енгиллаштирадиган ҳолатларни аниқлашда айбланувчига ҳамда тергов-судга юридик ёрдам кўрсатишдан иборат. У айбланувчининг ҳар қандай манфаатларини эмас, қонуний, инсонга ва жамиятга хос манфаатларини ёқлашга, муҳофаза қилишга даъват этилган. Ҳимоячининг мақсади жиной таъкиб органлари ва суд томонидан шахсни етарли асоссиз, ноўрин айблаши ва жазолашига йўл қўймасликдан иборат.

3. Жинойят ишининг юритувига масъул шахслар бу борада ҳар бир ҳаракатни ва қарорни қонун талабларига оғишмай риоя қилиб, қонун берган ваколатлар доирасида амалга оширишлари лозим. Уларнинг фаолиятини ҳимоячи синчковлик билан кузатиб бориши, хатога йўл қўйилмаслиги учун барча чораларни кўриши лозим. Бу йўналишда ҳимоячи қонун кучидан, унда назарда тутилган тартиб-қоидалардан фойдаланади. У ҳатто қонунда кўрсатилмаган бўлса-да, тақиқланмаган барча усул ва воситаларни қўллайди. Ҳимоячининг фаолияти одил судлов мақсадларига зид эмас, мосдир.

4. Ҳимоячининг иш услуги суриштирувчини, терговчини, прокурорни, судни чалғитиш, билатуриб нотўғри томонга йўналтириш эмас, аксинча, уларнинг процессуал фаолияти қонуний ва ҳақиқатни аниқлашга қаратилган бўлишига эришишдир. Шу сабабли ҳимоячи иш бўйича йўл қўйилган хато ва нуқсонларни тактик жиҳатдан моҳирона танқид қилиши мақсадга мувофиқдир.

5. Ҳимоячи ўз фаолиятида қонунга суянади ва ички ишончи билан мустақил иш юритади, ҳимоялаш йўналиши тўғри бўли-

ши учун масъул. Айни вақтда у ўз ҳимоясидаги шахснинг фикр-мулоҳазалари, истаклари билан ҳам боғлиқдир. Ҳимоячи ўз ҳимоясидаги шахснинг фикрига қарши йўл тутолмайди, лекин унга тўғри, ҳаққоний усул ва воситалардан фойдаланиш афзал эканини тушунтира билиши лозим. Ҳимоячи ўзининг ҳимоясидаги шахсга тўғри, ҳақиқатни ифодалайдиган кўрсатув ва тушунтириш бериш, қилмиши учун чин кўнгилдан икром бўлиб, пушаймон қилиш каби маслаҳатларни беришга ҳақли.

6. Ҳимоячи иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун турли далилларни излаши ва тақдим қилиши, бунинг учун шахсан ёки адвокатлик ҳайъати, фирмаси, бюроси орқали тегишли давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, мансабдор шахсларга ҳамда фуқароларга мурожаат қилиши мумкин. Зарур бўлса, ишнинг турли ҳолатларини қайтадан чуқур текшириш, ревизия, инвентаризация, махсус текширув, экспертиза тайинлаш, қўшимча гувоҳлар излаш, ҳужжатлар тузиш ва тақдим қилиш, бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида асослантирилган таклиф ва илтимосномалар киритиши мумкин.

7. Ҳимоячи иш бўйича ўз ҳимоясидаги шахснинг иштирокида ўтказиладиган ҳар қандай тергов ҳаракатида ҳозир бўлишга ҳақли. Бундай тергов ҳаракатлари ҳақида суриштирувчи ва терговчи ўз вақтида ҳимоячига хабар беришга мажбур.

8. Адвокат ҳимоячи сифатида иштирок этишидан бошқа бир қанча ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Бу ҳақда “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги 1998 йил 25 декабр қонунига қаранг.

54-модда. Жабрланувчи

Жиноят, худди шунингдек, ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, jisмоний ёки мулкӣ зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади. Жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Жабрланувчи вояга етмаган ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахс бўлса, ишда у билан биргаликда ёки унинг ўрнига қонуний вакили иштирок этади.

1. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг ушбу моддасига кўра фақат жисмоний шахс жабрланувчи деб топилади. Бунинг учун шахсга жиноят орқасида ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиш натижасида моддий, маънавий, жисмоний зарар етказилганлигини тасдиқловчи далиллар бўлиши лозим. Ушбу далилларга асосан суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Ёши, жисмоний ёки руҳий ҳолатидан қатъи назар, жиноятдан жабр кўрган шахс жабрланувчи деб эътироф этилади. Жиноятга суиқасд қилинганда ёки тайёргарлик кўрилганда ҳам шахс жабрланувчи деб топилади.

2. Жабрланувчи вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилса, ишда у билан бирга ёки унинг ўрнига қонуний вакили иштирок этиши мумкин. Жабрланувчи деб топиш ташаббуси жиноятдан жабр кўрган шахсдан ташқари суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судда ҳам бўлиши мумкин. Жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор эълон қилиниши билан унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади.

55-модда. Жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Жабрланувчи: кўрсатув бериш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; қонунда назарда тутилган ҳолларда ярашув тўғрисида аризалар бериш ҳамда ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш; шахсан ўзи ёки вакили орқали судда айбловни қувватлаш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳаза-

ларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Жабрланувчи: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ҳаққоний кўрсатувлар бериши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг талаби бўйича далиллар тақдим қилиши; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Жабрланувчи узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда ушбу Кодекснинг 261 - 264-моддаларида назарда тутилган тартибда мажбурий олиб келиниши мумкин.

Жабрланувчи кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлгон кўрсатувлар берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади.

Жабрланувчининг ўлимига олиб келган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича ушбу моддада кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан марҳумнинг қонуний вакили деб эътироф этилган яқин қариндошлари ёки бошқа шахслар амалга оширадilar.

1. Жабрланувчига куйидагича ҳуқуқлардан фойдаланиш имконияти яратилиши керак:

1) кўрсатув бериш жабрланувчини нафақат ҳуқуқи, балки мажбуряти ҳамдир, чунки ушбу модданинг иккинчи қисмида жабрланувчи ҳаққоний кўрсатувлар бериши шартлиги белгиланган. Жабрланувчи гувоҳ иммунитетидан фойдаланиб, ўзи ва яқин кишилари тўғрисида маълумот беришдан бош тортишга ҳақли. Бу иммунитет нафақат сўроқ қилишга балки, бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишга ҳам татбиқ этилади;

2) жабрланувчининг далиллар тақдим қилиш ҳуқуқи шундан иборатки, жиноят ҳақида ариза билан мурожаат қилганида ёки тергов ҳаракатларини ўтказишни талаб қилганида содир қилинган ёки тайёрланаётган жиноий қилмишга оид муҳим маълумотларни тақдим этади. Жиноят иши натижасидан манфаатдор шахс сифатида жабрланувчи далил сифатида жиноят иши

материалларига киритиш шарти билан ёзма ҳужжатлар ва ашёвий далиллар тақдим этиши мумкин;

3) жабрланувчи суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, эксперт ва суд котибига нисбатан рад қилиш ҳуқуқига эга. Жабрланувчи оғзаки ёки ёзма илтимослар билан мурожаат қилишга ҳақли. Унинг илтимосига албатта асослантирилган ёзма жавоб берилиши керак;

4) жабрланувчининг ўз она тилидан ёки ўзи биладиган тилдан фойдаланиш ҳуқуқи, ЖПКнинг 20-моддасида белгиланган жиноят ишлари юритиладиган тил принципига тўла мос келади. Жабрланувчи жиноят ишлари бўйича юритилаётган тилни билмаса таржимон хизматидан бепул фойдаланишга ҳақли. Жабрланувчига тааллуқли барча ҳужжатлар унга таржима қилиб топширилади;

5) жабрланувчи ўз ҳуқуқларини етарли даражада амалга оширишда вакил хизматидан фойдаланишга ҳақли. Бу вакил шартнома асосида иштирок этадиган адвокат ҳисобланади. Вояга етмаган, руҳий жисмоний камчилиги бўлган жабрланувчининг албатта қонуний вакили иштирок этади. Қонуний вакилнинг иштироки жабрланувчининг ўз ҳуқуқларидан фойдаланишини чекламайди;

6) жабрланувчи суриштирувчи, терговчи, гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш қарори билан танишиши, уларнинг руҳсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиши мумкин;

7) дастлабки тергов тамом бўлгандан сўнг, ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатларни техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этишга ҳақли;

8) ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича жабрланувчининг гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашганлиги тўғрисидаги аризаси ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Жабрланувчига берилган ҳуқуқ унга етказилган ҳар қандай зарарни ўз вақтида қоплаш имкониятини яратади;

9) жабрланувчи шикоят билан барча юқори инстанция судларида иштирок этишга ҳақли. Жабрланувчининг шикояти юқори инстанция судларида иш юритиш учун асос бўлиб хизмат қилади;

10) жабрланувчи суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳар қандай хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилишга ҳақли;

11) жабрланувчи суд мажлисида тараф сифатида иштирок этиб, шахсан ўзи, вакили ёки қонуний вакили орқали ўз ҳуқуқларини амалга оширишга ва айбловни қувватлашга ҳақли;

12) Жабрланувчи суд баённомаси билан танишишга ва ўз мулоҳазаларини билдиришга ҳақли;

13) жабрланувчи иш юзасидан тушган барча шикоят ва протестлар билан танишиб чиқиш ҳамда ўз эътирозларини билдиришга ҳақли.

2. Жабрланувчи ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда етказилган зарарини қоплашга эришиш учун бир неча қонунда белгиланган мажбуриятларни ҳам бажариши керак. Бунга кўра:

1) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши керак. Узрсиз сабабларга кўра жабрланувчининг тергов органлар ва судга келмаслиги мажбурий келтириш чораларини қўллашга асос бўлади.

2) Айрим жиноят ишлари, фақат жабрланувчининг шикоят аризаси билан кўзғатилади. Бундай ҳолатларда жабрланувчининг кўрсатув бериши жуда муҳим, чунки жиноят иши фақат унинг талабига кўра кўзғатилади;

3) ҳақиқатни аниқлашда жабрланувчи барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, суриштирув ва тергов органларига ёрдам бериши керак, чунки қанчалик жиноят иши тез очилса ва айбланувчи фош этилса, жабрланувчининг бузилган ҳуқуқлари шунчалик тез тикланади;

4) жабрланувчи далилларни йўқ қилишга, сохталаштиришга, гувоҳ, эксперт ва мутахассисларга ўз таъсирини ўтказиб, уларни кўндириб нотўғри кўрсатув, хулоса ва фикр беришга ундашга ҳақли эмас;

5) Жабрланувчи дастлабки тергов ва судда тартибни сақлаши, суриштирувчи, терговчи ва суднинг талабига кўра далиллар тақдим қилиши керак;

6) Жабрланувчи тўғри кўрсатув бериб, ўзининг хатти-ҳаракати билан дастлабки тергов ва судга ёрдам бериши жиноят судлов ишларини юритиш вазифаларини самарали ҳал қилинишида иштирок этиши керак;

3. Жабрланувчи ўз вақтида суриштирувчи, терговчи ва суднинг чақирувига итоат этиб, ишда иштирок этиши лозим. Жабрланувчининг узрсиз сабабларга кўра келмаслиги мажбурий келтириш учун асос бўлади.

4. Жабрланувчи кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки ёлгон кўрсатув берганлиги учун жавобгар қилинади. Айрим жиноятларни содир бўлишида жабрланувчининг у ёки бу даражадаги иштироки бўлади, яъни жабрланувчининг нотўғри хатти-ҳаракати жиноятни содир бўлишига сабаб бўлади. Бундай ҳолат жабрланувчининг кўрсатувини баҳолашда эътиборга олинади.

5. Жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган жиноятларда унинг яқинлари жабрланувчи деб топилади. Бу ҳолатда жабрланувчи деб эътироф этилган шахс, айнан жинойий ходиса тўғрисида маълумот беришдан бошқа жабрланувчининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларидан фойдаланади.

56-модда. Фуқаровий даъвогар

Жиноят, худди шунингдек, ақли норасо шахснинг жамоат учун хавfli қилмиши шахсга, корхонага, муассасага ёки ташкилотга мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлса, улар фуқаровий даъвогар деб эътироф этилади. Фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Вояга етмаганларнинг, шунингдек, муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаровий даъво уларнинг қонуний вакиллари ва прокурор томонидан кўзгатилиши мумкин.

1. Жиноят процессида фуқаровий даъвогар бўлиб жисмоний ва юридик шахслар иштирок этадилар. Уларнинг иштирокини таъминлашнинг ҳуқуқий асоси терговчи ва прокурорнинг фуқаровий даъвогар деб топиш тўғрисидаги қарори ва суднинг ажрими ҳисобланади.

Фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш фақат жиноят иши кўзгатишган ишлар бўйича амалга оширилади. Бунинг учун биринчидан фуқаро, корхона, ташкилот ва муассаса жиноят

орқасида моддий ёки маънавий зарар кўриши; иккинчидан ушбу зарарни қоплаш тўғрисидаги талабномалари бўлиши керак.

Жиноят орқасида моддий зарар кўрган шахсни, корхона, ташкилот, муассасани фуқаровий даъвогар деб топиш, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳуқуқи эмас, балки мажбурияти ҳисобланади, чунки ЖПКнинг 82-моддасига кўра жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори исбот қилиниши шарт, акс ҳолда ҳукм, ажрим ва қарорларнинг бекор қилиниши учун асос бўлади.

2. Фуқаровий даъвогар вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз бўлса, руҳий жисмоний камчилиги туфайли ўз манфаатларини ҳимоя қила олмаса, фуқаровий даъво унинг қонуний вакили ёки прокурор томонидан кўзғатилади.

57-модда. Фуқаровий даъвогарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Фуқаровий даъвогар: фуқаровий даъво кўзгатиш ва уни қувватлаш; далиллар тақдим қилиш; кўзгатиш даъво бўйича тушунтиришлар бериш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; суриштирувчидан, терговчидан, прокурордан ёки суддан даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақида илтимос қилиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд ҳукми ва ажримининг фуқаровий даъвога тегишли қисми устидан шикоят қилиш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаровий даъвогар: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши ва уларнинг талабларига асосан фуқаровий даъвога тегишли бўлган далиллар

тақдим этиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахс аynи вақтда жабрланувчининг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва унинг мажбуриятларини бажаради.

1. Жиноят натижасида моддий-маънавий зарар кўрган шахс, унинг қонуний вакили корхона, муассаса, ташкилот ёки прокурор томонидан кўзгатилган даъво аризасига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ва суднинг ажрими билан фуқаровий даъвогар деб топилиб, кўйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўладилар:

1) фуқаровий даъвогар қонун билан белгиланган барча ҳуқуқ ва мажбуриятларни билиши керак;

2) даъво аризаси фақат ёзма тарзда расмийлаштирилади, унинг тузилишига ҳеч қандай шарт қўйилмаган, лекин мазмунига жиддий эътибор бериш зарур. Жиноят процессидаги фуқаровий даъвогарнинг даъвоси жиноят иши билан узвий боғлиқ бўлиши керак. Агар кўрилган моддий, маънавий зарар жиноят оқибати эканлиги исботланмаса фуқаровий даъвогар жиноят процессининг иштирокчиси бўла олмайди.

3) фуқаровий даъвогар даъвосини исботлаш мақсадида далиллар тақдим қилишга ҳақли. Тақдим этилган далиллар тегишли равишда баҳоланиши ва ишга қўшилиши мумкин. Агар суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан тақдим этилган далиллар етарли эмас ёки ишга алоқаси ёўқ деб топилса, бу ҳақда фуқаровий даъвогарга маълум қилинади. Фуқаровий даъвогар кўшимча далиллар тақдим қилишга ва уни баённомага киритилишини талаб қилишга ҳақли;

4) фуқаровий даъвогар она тилида сўзлаш ва таржимон хизматидан тўла фойдаланиш ҳуқуқига эга. Фуқаровий даъвогар кўзгатилган даъво юзасидан тушунтиришлар беришга ҳақли. У ўз тушунтиришларини она тилида ёки биладиган тилида беради;

5) фуқаровий даъвогар ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш ҳамда самарали ҳимоя қилиш учун вакил олишга ҳақли, вакил сифатида шартнома асосида адвокатлар иштирок этадилар;

6) фуқаровий даъвогар суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суддан даъвосига оид масалалар юзасидан илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли. Унинг илтимосномаси қабул қилиниши, бажарилиши лозим. Агар бажарилмаса, нима сабабдан бажарилмаганлиги асослаб берилиши керак. Фуқаровий даъвогар ушбу илтимосноманинг натижасидан норози бўлса, қайтадан илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли;

7) фуқаровий даъвогар суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, суд котиби, эксперт, мутахассисга нисбатан рад қилиш ҳуқуқига эга.

8) фуқаровий даъвогар дастлабки тергов ва судда ўз даъвосини таъминлаш чораларини кўришга оид талаблар билан чиқишга ҳақли.

9) дастлабки тергов тамом бўлгандан сўнг, ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатларни техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этишга ҳақли;

10) биринчи инстанция судларда даъвосини қўллаб суд терговида далилларни текширишда ва суд музокарасида тараф сифатида иштирок этишга ҳақли;

11) суд ҳукмининг даъвосига оид қисми устидан норози бўлса, апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят қилишга, қўшимча материаллар тақдим этишга, берилган шикоят ёки протест унинг манфаати билан боғлиқ бўлса, ушбу ҳужжатлар билан танишишга ва эътирозлар билдиришга ҳақли.

12) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилишга ҳақли.

13) ўз даъвосини суд харажатларини тўламасдан фуқаролик тартибида ундириб беришларини талаб қилишга ҳақли.

2. Фуқаровий даъвогар юқорида санаб ўтилган ҳуқуқлар билан бир қаторда қуйидаги мажбуриятларни бажариши лозим:

1) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан талаб этилган вақтда етиб келиши ва даъвони тасдиқловчи далиллар келтириши керак;

2) ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилиши, далилларни сохталаштириш ёки йўқ қилишга уриниши, гувоҳ ва экспертларни ўз кўрсатувлари хулосаларини ўзгартиришга кўндиришида

ноқонуний хатти-ҳаракатлар билан дастлабки тергов ва суднинг иш юритувига тўсқинлик қилиши мумкин эмас;

3) дастлабки терговда ва судда тартибга риоя қилиши, талабларни бажариши керак;

3. Фуқаровий даъвогар прокурор ва жабрланувчи билан яқин алоқада бўлган жисмоний ва юридик шахс бўлиб, жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан фойдаланади. Фуқаровий даъвони тўла, ҳар томонлама ва холисона исботлаш жиноят ходисаси билан узвий боғлиқ ҳамда жиноят ишини тўғри квалификация қилишда муҳим омил ҳисобланади.

58-модда. Фуқаровий жавобгар

Айбланувчи томонидан ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ақли норасо шахс томонидан етказилган зарар учун қонунга кўра мулкӣ жавобгар шахс, корхона, муассаса ёки ташкилот ишда фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этиш учун жалб қилиниши мумкин. Фуқаровий жавобгар сифатида жалб қилиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

1. Жиноят процессида фуқаровий жавобгар бўлиб, жисмоний шахс, корхона, ташкилот ва муассаса иштирок этади. Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг фуқаровий жавобгар деб таниш тўғрисидаги қарори ва суд ажрими чиқарилган ҳамда эълон қилинган вақтдан бошлаб иштирокчи сифатида пайдо бўлади. Бунинг учун суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд етказилган мулкӣ ва маънавий зарар ким ва қайси юридик шахс томонидан қопланиши аниқлаб олиниши керак.

2. Фуқаровий жавобгар айбланувчи ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида етказилган мулкӣ ва маънавий зарарни қоплаши лозим.

3. Агар айбланувчи мулкӣ ва маънавий зарарни қоплашни ўз зиммасига олса, фуқаровий жавобгар жалб этилмайди. Фуқаровий жавобгар шахс сифатида кўпроқ вояга етмаган, руҳий, жисмоний камчилиги бўлган шахснинг ота-оналари, хомий ва васийлари жалб қилинади. Жиноий жавобгарликка тортиш субъекти бўлмаган шахсларнинг ота-оналари, хомий ва васийлари жиноят процессида фуқаровий жавобгар бўлмайдилар.

Юридик шахсни фуқаровий жавобгар деб тан олиш учун мулк-ий зарар етказган шахс билан ёзма шартномаси бўлиши керак.

59-модда. Фуқаровий жавобгарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Фуқаровий жавобгар: айблов ва фуқаровий даъвонинг мазмунини билиш; даъвога эътироз билдириш; тушунтириш бериш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд ҳукми ва ажримининг фуқаровий даъвога тегишли қисми устидан шикоятлар бериш; иш бўйича келтирилган шикоят ва протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаровий жавобгар: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши ва уларнинг талаб-ларига асосан фуқаровий даъвога тегишли бўлган далиллар тақдим қилиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмас-лиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

1. Фуқаровий жавобгар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) фуқаровий жавобгар ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши;

2) фуқаровий даъвонинг асил моҳияти, талаби ва унга асос бўлган ҳолатлар нималардан иборатлигини билиши;

3) фуқаровий даъвога қарши даъво кўзғатиши ёки эътироз билдириши;

4) тушунтиришлар бериш ва билдирилаётган даъвога нисбатан кўрсатувлар бериши;

5) ўзига ва яқин кишиларига нисбатан кўрсатув бермаслиги;

6) даъво юзасидан ёзма ҳужжатлар, ишга қўшиш шарти билан далиллар келтириш, кўрсатувлар бериши;

7) она тилида сўзлаши ва таржимон хизматидан фойдаланиши;

8) ўзининг мулкый манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиши;

9) илтимослар қилиши, рад этиши;

10) дастлабки тергов тамом бўлгандан сўнг, ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатларни техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этишга ҳақли;

11) биринчи инстанция суди мажлисида тараф сифатида иштирок этиб, далилларни текширишда, суд музокарасида иштирок этиши, суд мажлиси баённомаси билан танишиб, унга эътирозларини билдиришга ҳақли;

12) суд ҳукмининг фуқоровий даъвога оид қисми билан танишиб, юқори инстанция судига шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли;

13) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилишга ҳақли;

14) юқори инстанция суди мажлисида иштирок этиб, қўшимча материаллар тақдим қилишга ҳақли;

15) апелляция, кассация, назорат инстанция судларига мулкый даъво юзасидан берилган шикоят ва протестлар билан танишиши ва ўз эътирозларини билдиришга ҳақли.

2. Фуқоровий жавобгар қуйидаги мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олиши лозим:

1) жиноят орқасида етказилган мулкый зарарни қоплашга мажбур;

2) мулкка арест солиш тўғрисидаги қарор ижросини таъминлаши;

3) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши ҳамда фуқаровий даъвога тегишли маълумотларни, ҳужжатларни ва бошқа далилларни тақдим қилиши лозим;

4) ҳақиқатни тиклашга тўсқинлик қилиб, далилларни йўқ қилишга уриниш, сохталаштириш, гувоҳ, жабрланувчиларни, фуқоровий даъвогарни қурқитиш ёки кундиришга уриниш мумкин эмас. Умуман олганда қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни қилмаслиги лозим;

5) дастлабки терговда ва суд мажлисларида процессуал тартибга қатъий риоя қилиши керак.

60-модда. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг, жабрланувчининг қонуний вакиллари

Қонуний вакил ишда иштирок этишига вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинади.

Ишда қонуний вакил сифатида ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар, вояга етмаганга ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган иштирокчига ҳомийлик қилувчи муассасалар ва таъшилотларнинг вакиллари қатнашишлари мумкин. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ва судланувчининг қонуний вакили ишда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи билан бирга, жабрланувчининг қонуний вакили эса жабрланувчи билан бирга, шунингдек, унинг ўрнида ҳам иштирок этади.

Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига йўл қўйилганлиги ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг манфаатлари билан қонуний вакилнинг манфаатлари ўзаро мос келмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи тарафида ишда иштирок этиш учун қарор ёхуд ажрим билан адвокат тайинланади.

1. Қонуний вакил жиноят ишини юритишда тегишлича гумон қилинган шахс, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг барча процессуал ҳуқуқларини амалга оширувчи, шунингдек, мажбуриятларини бажаришга кўмаклашувчи шахсдир.

2. Гумон қилинган шахс, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчи жиноят ишида асосий манфаатдор шахслар сифатида муомалага лаёқатли бўлса-да, ўзининг қонуний вакили ишда иштирок этишини талаб қилишга ҳақли. Ҳар бир гумон қилинган шахснинг, айбланувчининг, судланувчининг, жабрланувчининг қонуний вакили жиноят ишида иштирок этиши мумкин. Агар гумон остидаги шахс, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи Фуқаролик кодексининг 30-моддасида кўрсатилганидек муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, унинг қонуний вакили жиноят ишига иштирокчи сифатида жалб қилиниши шарт. Бу ҳақда суриштирувчи, терговчи, прокурор – қарор, суд эса – ажрим чиқариши лозим. Одатда бундай шахс муомалага лаёқатсиз гумон қилинган, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчига нисбатан васийликни амалга оширади.

3. Ушбу моддада ақли норасолиги, шуурсизлиги сабабли жинойий жавобгарликдан озод этилган шахснинг эмас, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг қонуний вакили ва унинг жиноят ишида иштирок этиш ҳуқуқи эътироф этилган. Лекин спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни суиистъомол қилиши натижасида муомала лаёқати Фуқаролик процессуал кодексининг 33-бобида белгиланган тартибда суд қарори билан чекланган шахснинг ҳам қопуний вакили жиноят ишида иштирок этиши мақсадга мувофиқдир.

4. Қонуний вакил жиноят ишида гумон остидаги шахс, айбланувчи, судланувчи билан доимо бирга иштирок этади. Жабрланувчи эса жиноят ишларини юритишда бевосита ўзи ёхуд қонуний вакили орқали иштирок этади.

5. Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилганлардан бошқа шахслар қонуний вакил ҳисобланмайдилар.

6. Агар гумон қилинган шахс, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг манфаатлари билан уларнинг қонуний вакилларининг манфаатлари зид бўлса, уларнинг иштирок этмаслиги ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор – қарор, суд эса – ажрим чиқариб, гумон қилинган шахс, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг тегишли манфаатларини ҳимоя қилувчи вакил сифатида адвокат иштирок этишини таъминлайди.

61-модда. Қонуний вакилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Қонуний вакил:

ўзи вакиллик қилаётган шахснинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга чақирилганидан хабардор бўлиш;

суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг рухсати билан шу шахснинг сўроқ қилинишида иштирок этиш;

ўзи вакиллик қилаётган қамоқдаги шахс билан ҳоли учрашиш;

ўзи вакиллик қилаётган шахс ушбу Кодексга мувофиқ эга бўлган процессуал ҳуқуқларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Қонуний вакил:

суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши;

ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги;

ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Қонуний вакил гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши, шунингдек, ҳимоячи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда қонуний вакил юқорида айтиб ўтилган процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади.

1. Қонуний вакилнинг ушбу модда биринчи қисмида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқлари тўла таъминланиши учун суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд масъулдир. Қонун билан кафолатланган бу ҳуқуқлар чекланиши жиддий процессуал оқибатларга сабаб бўлади.

2. Айна вақтда қонуний вакил, ушбу модданинг иккинчи қисмидаги процессуал мажбуриятларни бажариши, қонун талабларига оғишмай риоя қилиши шарт. У вакилликдан ўз манфаатларини кўзлаб фойдаланиши, ўзи вакиллик қилаётган шахснинг қонуний манфаатларига ва истакларига бефарк бўлиши тақиқланган. Акс ҳолда у қонуний вакиллик қилишдан четлатилиши, унинг вазифасини амалга ошириш учун ишга адвокат жалб қилиниши даркор.

3. Қонуний вакил гувоҳ ёки жабрланувчи сифатида сўрок қилинганда, химоячи, фуқаровий даъвогар ёхуд фуқаровий жавобгар тариқасида ишда иштирок этаётганида ҳам ушбу моддада кўрсатиб ўтилган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажариши лозим.

4. Гувоҳ сифатида қонуний вакил ишнинг барча ҳолатлари, шу жумладан, ўз вакиллигидаги шахснинг ҳаёти, тарбияси, шунингдек, қилмиши ва унга сабаб бўлган ҳолатлар тўғрисида кўрсатув беришга ҳақли. Унинг кўрсатувларига нисбатан далилларни текшириш ва баҳо беришга оид умумий процессуал қоидалар ҳеч қандай истисносиз қўлланади.

62-модда. Жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ва фуқаровий жавобгарнинг вакиллари

Жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакиллари тариқасида адвокатлар, вакил сифатида иштирок этишга махсус рухсатномалари бўлган шахслар, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига кўра ишда қатнашишга рухсат берилган яқин қариндошлар ва бошқа шахслар иштирок этишлари мумкин.

Вакилнинг ишда иштирок этиши учун унинг жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар билан тузган топшириқ шартномаси асос бўлади. Юридик шахснинг вакили сифатида унинг раҳбари иштирок этиши учун алоҳида ваколатнома керак эмас. Раҳбар томонидан берилган ишонч қозоғи бўйича юридик шахсларнинг вакиллари сифатида унинг штатдаги ходимларига ва адвокатларга рухсат этилади.

Жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ёки фуқаровий жавобгарнинг вакили ишда ўзи вакиллик қилаётган шахс билан бирга, шунингдек, унинг урнида ҳам иштирок этади. Жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар иш юритишининг исталган вақтида вакилдан воз кечишга ёки бошқа шахсни вакил қилиб олишга ҳақлидир.

1. Вакил ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахснинг ваколатини, унинг топшириғига асосан амалга оширувчи шахсдир.

Гумон остидаги шахс, айбланувчи, судланувчи, шунингдек, маҳкум ва оқланган шахслар ўзларига тегишли ҳуқуқлардан қонуний вакиллари ва ҳимоячи ёрдамида ҳам фойдаланишлари мумкин. Жиноят ишларини юритишнинг барча босқичларида жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар вакилга эга бўлиши мумкин. Иш юритувда иштирок этадиган бошқа шахслар, жумладан, гувоҳ, эксперт, мутахассис кабилар ўзларининг процессуал ҳуқуқларидан бевосита ўзлари фойдаланадилар.

Жиноят ишини юритишда масъул бўлган лавозимли шахслар ўз ваколатларини фақат ўзлари амалга оширадилар. Гувоҳ, эксперт, мутахассис, холис ва таржимон ҳам мажбуриятларини бевосита ўзлари бажарадилар ва бунинг учун ҳеч кимни вакил сифатида таклиф қилишлари мумкин эмас.

2. Вакил сифатида адвокатлар ва махсус рухсатномага эга шахслар, жумладан юридик шахсларнинг раҳбарлари ва улар томонидан вакиллик ишончномаси берилган шахслар жиноят ишларини юритишда иштирок этиш учун суриштирувчи, терговчи, прокурор, суддан рухсатнома олишлари шарт эмас. Лекин уларнинг иштироки қонунда кўрсатилган асослар ёки бошқа муайян сабабларга кўра ман этилган ёхуд мақсадга мувофиқ бўлмаса, суриштирувчи, терговчи, прокурор – қарор, суд эса- асослантирилган ажрим чиқариб, уларни иш юритишда вакил бўлишларини рад этиши мумкин.

3. Жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар жиноят ишини юритишда ўз қариндошлари ёки ҳар қандай шахсни вакил тариқасида иштирок этишларини илтимос қилиши мумкин. Лекин бунинг учун суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг розилиги зарур. Бу ҳолларда шахс зиммасига вакиллик вазифасини юклаш тўғрисида у билан жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар, Фуқаролик кодексининг 46-бобига риоя қилиб, шахсан топшириқ шартномасини тузиши лозим. Унда вакилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари батафсил баён этилади.

4. Жиноят ишини юритиш учун масъул лавозимдагилар, шунингдек, эксперт, мутахассис ва таржимон жиноят иши бўйича вакил бўлиши мумкин эмас. Бу уларнинг холис бўлиш тамойилига путур етказган бўлур эди.

5. Ҳар бир жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар бир неча шахсни вакил сифатида танлаш ва уларга

тегишлича топширик бериш, шунингдек, бир шахс бир неча жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ёки фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида жиноят ишида иштирок этиши қонунда тақиқланмаган. Масалан, жабрланувчининг вакили айна вақтда фуқаровий даъвогарнинг ҳам вакили сифатида ишда иштирок этиши мумкин. Лекин процессуал ҳуқуқий манфаатлари ўзаро мос бўлмаган шахслар ягона вакилни танлашлари ишнинг ҳолисона ҳал қилинишига путур етказган бўлурди.

63-модда. Вакилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили тегишинча жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар эга бўлган процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади. Вакил иш юритишнинг исталган вақтида ўз мажбуриятларини бажаришни давом эттиришдан воз кечишга ҳақлидир.

Вакил:

ўзи вакиллик қилаётган шахсларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши;

уларнинг ишончини суиистеъмом қилмаслиги;

суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши;

ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги;

ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

1. Жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар томонидан танланган вакил, ўзининг қандай процессуал ҳуқуқларидан фойдаланишини билиши, уни танлаган шахс вакилга бу ҳақда тушунтириши, ҳуқуқларидан фойдаланиш чегараси ва оқибатларини ўзаро муҳокама қилиши мақсадга мувофиқ. Вакил фойдаланиш мумкин бўлган ҳуқуқлар доирасига уни вакилликка олган шахс номидан кўрсатув бериши қирмайди. Вакилликни амалга оширишга оид ёки бошқа сабаблар билан жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар вакилдан воз кечиши ва, аксинча, вакил ўз вазифа-

сини бажаришни давом эттиришга рози бўлмаслиги, оқибатда улар ўртасида тузилган топшириқ шартномаси бекор бўлиши мумкин. Бу ҳақда ҳар иккала томон ҳам тегишлича суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга имкон борича вақтида хабар беришлари лозим. Шу муносабат билан бошқа вакил танлаш ва уни жиноят ишини юритишда иштироки масаласи ҳал қилинади.

2. Ушбу модданинг иккинчи қисмида вакилнинг вазифалари ва мажбуриятлари белгиланган. Унга кўра вакил ўзини вакил қилган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади, унинг ишончи ва истаги бўйича барча зарур ҳаракатларни бажаради, суриштирув, тергов ва судга чиқарилганда ўз вақтида ҳозир бўлади. Шунингдек, у далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни воқеликка зид кўрсатув бериш учун кўндиришга уриниш, бу йўлда қўрқитиш, алдаш ва шу каби қонунга хилоф ҳаракатлар қилиб, ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслиги шарт. Бундай ҳаракатлар учун вакил қонунда кўрсатилган жавобгарликка тортилиши мумкин.

64-модда. Процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини тушунтириб бериш ва бу ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлаш мажбурияти

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья гўмон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, шунингдек, жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга, фуқаровий жавобгарга ва уларнинг вакилларига берилган ҳуқуқларини тушунтириб бериши ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш имкониятларини таъминлаши шарт. Шу билан бирга процесс иштирокчиларига юкланган мажбуриятлар ва уларни бажармаслик оқибатлари тушунтирилиши лозим.

1. Жиноят ишини юритиш учун масъул шахслар, хусусан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья ишда иштирок этаётган барча шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ваколат ва масъулиятларини батафсил тушунтиришлари лозим. Бу қонунийлик ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш тамойилларининг узвий шартидир. Бу ҳақда ЖПК 11 ва 18-моддаларига берилган шарҳларга қаранг.

2. Ушбу моддада ҳуқуқлари тушунтириш шарт бўлган иштирокчилар қаторида давлат айблавчиси, ҳимоячиси ва суд мажлиси котиби кўрсатилмаган. Чунки улар ўз ҳуқуқий мақоми ва мавқеи бўйича ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан тўла хабардор ҳисобланади. Ҷамоат айблавчиси ва ҷамоат ҳимоячисининг вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ЖПКнинг 436-моддасига биноан судда раислик қилувчи томонидан тушунтирилади.

3. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья жиноят ишини юритишда иштирок этаётган шахсларга, уларнинг ҳуқуқларини тушунтириб бериш билан бирга бу ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур имкониятларни ҳам яратиб беришлари, таъминлашлари лозим.

4. Процесс иштирокчиларига юкланган мажбуриятлар, уларни бажармаслик оқибатлари ва бунинг учун қонуний жавобгарлик айниқса мукамал тушунтирилмоғи, жумладан, барча гувоҳларга, жабрланувчиларга бир йўла сўзлаб берилмасдан, уларнинг ҳар бирига айрим-айрим муайянлаштириб айтиб берилмоғи қонунийлик тамойилини юқори даражада қафолатлайди.

5. Ҳар бир иштирокчи жиноят ишини юритиш жараёнида биринчи марта ҳозир бўлиши биланок ўз ҳуқуқий мақомидан хабардор қилиниши ва айрим процессуал (тергов) ҳаракати ўтказиш бошланганида унга муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлари янада муфассал тушунтирилиши зарур. Шу муносабат билан иштирокчида туғилган саволларга қонунга ҳавола қилиб жавоб бериш мақсадга мувофиқдир.

6. Жиноят иш юритувида иштирок этаётганларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгани ҳақида тегишли процессуал ҳаракатларнинг баённомасига ёхуд суд мажлиси баённомасига ёзув киритилиши ва уни барча иштирокчилар имзолаши лозим. Зарур ҳолларда айрим иштирокчиларга, айниқса гумон остидаги, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари баён этилган ёзма мақомлари тақдим этилиши уларнинг ўз ҳуқуқларидан фаол фойдаланиши, мажбуриятларини тўла бажаришларига қўшимча қафолат беради. Бундай тартиб баъзи иштирокчиларни гўё ҳуқуқлари тушунтирилмагани ҳақида асоссиз арзларининг олдини олади.

6-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ БОШҚА ШАХСЛАР

65-модда. Гувоҳ

Жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин.

1. Гувоҳ кўзғатилган жиноят иши юзасидан бирор бир ҳолат тўғрисида маълумотга эга бўлган шахс ҳисобланади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор бир ҳолатни билиши мумкин деб ҳисоблаган шахсни гувоҳ сифатида чақиришга ҳақли.

2. Гувоҳ сифатида қуйидаги шахслар сўроқ қилиниши мумкин эмас. 1) судья ёки халқ маслаҳатчилари ўз юритувларида бўлган жиноят ишлари юзасидан; 2) ҳимоячи ўз ҳимоясида бўлган шахсдан билиб олган маълумотлар юзасидан; 3) адвокат шартнома асосида вакиллик қилган ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатган шахслардан билиб олган маълумотлар юзасидан; 4) руҳий ва жисмоний камчилиги сабабли иш учун муҳим бўлган ҳолатларни тўғри идрок қила олмайдиган ва бу ҳақда кўрсатув бера олмайдиган шахслар шулар жумласидандир.

3. Гувоҳни икки турга бўлиш мумкин: а) ихтиёрий гувоҳ; б) мажбурий гувоҳ; Ихтиёрий гувоҳга вояга етмаган ва гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқинларини кўрсатиш мумкин. Улардан маълумот олинганда ёлғон кўрсатув берганлиги ёки кўрсатув беришдан бош тортганлиги учун жавобгар қилиниши тўғрисида огоҳлантирилмайди. Мажбурий гувоҳлар ўз имзолари билан бу ҳақда огоҳлантирилганликларини тасдиқлайдилар.

4. Гувоҳ деганда албатта унинг жисмоний шахс эканлиги, унинг жиноят ишида ишботланиши лозим бўлган ҳолатларга оид бирон бир маълумотга эга эканлиги, унинг берган кўрсатувлари далил бўлишлиги, шунинг учун ҳам уни қонунда белгиланган тартибда чақириш ва тўғри кўрсатув олишга эришиш лозимлиги тушунилади.

5. Гувоҳнинг ёши белгиланган эмас, лекин гувоҳ бирон-бир ҳолатни ўз тасаввурида сақлаб қолиши ва уни баён қилишга қобилиятли бўлиши керак.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилиш ва кўрсатувни баҳолашда қонунда белгиланган тартибга риоя қилиши лозим.

66-модда. Гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Гувоҳ: адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш; тергов ҳаракатларида адвокат билан бирга иштирок этиш; сўроқ юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида кўрсатувлар бериш ва бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; унинг сўроқ қилинишида иштирок этувчи таржимонни рад қилиш; кўрсатувларини ўз қўли билан ёзиб бериш; ўзига қарши кўрсатув бермаслик; сўроқ баённомаси билан танишиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш; кўрсатувлар беришда ёзма белгилар ва ҳужжатлардан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эга.

Гувоҳ: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; иш бўйича ўзига маълум ҳамма нарса ҳақида ҳаққоний сузлаб бериши; берилган саволларга жавоб қайтариши; иш бўйича ўзига маълум бўлган ҳолатларни сўроқ қилувчининг рухсатисиз ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Гувоҳ узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда ушбу Кодекснинг 261 - 264-моддаларида назарда тутилган тартибда мажбурий равишда олиб келиниши мумкин.

Гувоҳ кўрсатув беришдан бош тортганлик, шунингдек била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади.

1. Гувоҳ суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамасининг иштирокчиси сифатида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун адвокат хизматидан фойдаланиши;

2) тергов ҳаракатларида адвокат билан бирга иштирок этиш;

3) она тилида кўрсатув бериши, агар жиноят иши юритилаётган тилни билмаса бепул таржимон хизматидан фойдаланиши; таржимонни рад этиши;

- 4) кўрсатувни ўз қўли билан ёзиб бериши;
- 5) ўзига қарши кўрсатув бермаслик
- 6) сўроқ баённомаси билан танишиши ва ўз имзоси билан тасдиқлаши;
- 7) сўроқ баённомасига қўшимча ва ўзгартишлар киритиши;
- 8) кўрсатув беришда уни тасдиқловчи далиллар ва ҳужжатлар тақдим этиши;
- 9) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьянинг хатти-ҳаракатлари, қарор ҳамда ажримлари устидан шикоят қилиши мумкин.

2. Гувоҳнинг мажбуриятларига қуйидагилар қиради:

1) гувоҳ суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан тайинланган жойда ва белгиланган вақтда ҳозир бўлиши керак. Айрим ҳолатларда суриштирувчи, терговчи, прокурор гувоҳни у ҳозир бўлган жойда, масалан, иш жойида ёки касалхонада сўроқ қилиши мумкин;

2) гувоҳ кўрсатув беришга мажбур бўлган шахс. У ишнинг натижасидан манфаатдор бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар, кўрган ёки эшитган маълумотлари хусусида ҳаққоний кўрсатув бериши керак. Гувоҳ бирон бир жиноятнинг тафсилотини бошидан охиригача билмаса ҳам сўроқ қилиниши мумкин. Унинг кўрсатуви баҳоланганда бошқа тўпланган далилларга тўла мос келиши керак.

3) гувоҳ суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг берган саволларига тўла жавоб қайтариши керак, лекин унга бериладиган саволлар у кўрган ёки эшитган маълумотлар ҳамда ҳолатлар доирасида бўлиши лозим.

4) гувоҳ суриштирув, дастлабки тергов ва судда эшитган маълумотларни сўроқ қилувчининг рухсатсиз ошкор қилиши мумкин эмас. Акс ҳолда, ЎзР ЖКнинг 239-моддаси билан жинойий жавобгар қилинади.

3. Айрим ҳолларда гувоҳга нисбатан мажбурлов чоралари қўлланилади. Масалан: чақирувга биноан ҳозир бўлмаганда мажбурий келтириш, гувоҳнинг кўрсатуви муҳим аҳамиятга эга бўлганда унинг руҳий ҳолатини текшириш мақсадида тиббий муассасага жойлаштириш.

4. Гувоҳ ёлғон кўрсатув берганлиги ёки кўрсатув беришдан бўйин товлаганлиги учун ЎзР ЖКнинг 238 ва 240-моддалари билан жинойий жавобгарликка тортилади.

Гувоҳнинг адвокати белгиланган тартибда гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда унга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.

Жиноят ишида тарафлар манфаатини ҳимоя қилаётган шахс мазкур иш бўйича гувоҳнинг адвокати бўлиши мумкин эмас.

Гувоҳнинг адвокати ишда иштирок этишга у адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва ордерни тақдим этганидан сўнг, гувоҳ чақирилган пайтдан эътиборан қўйилади.

Гувоҳнинг адвокати: ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилаётган шахснинг қайси жиноят иши бўйича чақирилганлигини билиш; гувоҳнинг суроқ қилинишида, шунингдек у иштироки билан ўтказилаётган бошқа тергов ҳаракатларида иштирок этиш, унга қисқа маслаҳатлар бериш; суроқ қилаётган шахснинг рухсати билан гувоҳга саволлар бериш; гувоҳни суроқ қилишда иштирок этаётган таржимонни рад қилиш ҳақида қонунда белгиланган тартибда арз қилиш; суроқ тугаганидан сўнг гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги, суроқ баённомасига киритилиши лозим бўлган арзларини баён этиш ҳуқуқига эга.

Гувоҳнинг адвокати: гувоҳга зарур юридик ёрдам кўрсатиши; далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар орқали ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслиги; ишни тергов қилишда ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя қилиши шарт.

1. Гувоҳ иммунитетини кафолатлаш мақсадида жиноят процессига 66¹-моддасини киритилиши яъни, адвокат хизматидан фойдаланиш имкониятини берилиши унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Гувоҳнинг адвокати унга зарур бўлган юридик ёрдамни кўрсатиш ваколатига эгадир.

2. Гувоҳнинг адвокати сифатида мазкур жиноят ишида тарафлар манфаатини ҳимоя қилаётган шахснинг иштирок этиши

мумкин эмас. Чунки, гувоҳ жиноят иши натижасидан манфаатдор бўлмаган, холис иштирокчи ҳисобланади.

3. Гувоҳнинг адвокати гувоҳ ишга жалб қилинган пайтдан бошлаб, адвокатлик гувоҳномасини ва ордерни тақдим этган ҳолда иштирок эта бошлайди.

Гувоҳнинг адвокати қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофазасини таъминлаш учун унинг қайси жиноят иши бўйича чақирилатганлигини билиш керак;

2) гувоҳнинг иштироки зарур бўлган тергов ҳаракатларида жумладан, сўроқ қилишда, кўрсатувларни жойида текширишда, таниб олиш учун кўрсатишда ва ҳоказо тергов ҳаракатларида маслаҳатлар бериш учун иштирок этади;

3) ушбу тергов ҳаракатларини амалга оширишда терговчини рухсати билан гувоҳга саволлар билан мурожаат этиши мумкин;

4) таржимон хизматидан фойдаланаётган гувоҳни сўроқ қилишда иштирок этиб, таржимонни рад қилиш ҳақида Ўз.Р. ЖПК нинг 76-моддасида белгиланган асосда арз қилиш мумкин;

5) тергов ҳаракатлари ўтказилиш давомида гувоҳнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилди деб ҳисобласа, баённомага ушбу ҳолатни киритилиши тўғрисида арз қилиш ҳуқуқига эга.

Гувоҳ адвокатининг қуйидаги мажбуриятлари мавжуд:

1) гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш учун зарурий юридик ёрдамни кўрсатиши керак;

2) қонунга хилоф ҳаракатлар қилиш ҳамда ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслиги лозим. Жумладан, мавжуд далилларни йўқ қилиш, гувоҳ кўрсатувларини сохталаштириш ёки гувоҳларни кўндириш ва ҳоказо.

3) гувоҳнинг адвокати дастлабки тергов ва суд мажлисида тартибга риоя қилиши шарт.

67-модда. Эксперт

Хулоса бериш учун зарур билимга эга бўлган ҳар қандай шахс эксперт сифатида чақирилиши мумкин.

Эксперт чақириш, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш ушбу Кодекснинг 172, 187-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

1. Эксперт жиноят иши бўйича махсус билимга эга бўлган ва унга суд экспертизаси ўтказиш ва хулоса бериш мажбурияти юкланган шахс ҳисобланади. Эксперт фан, техника, касб-ҳунар ва санъат соҳалари бўйича мутахассис бўлиши мумкин. Эксперт ишга жалб қилинишидан олдин ЎзР ЖПК нинг 238 ва 240-моддалари, яъни билатуриб нотўғри хулоса берганлиги ёки хулоса беришни асоссиз рад этганлиги ёки ишдан бўйин товлаганлиги учун жинойий жавобгар қилиниши тўғрисида огоҳлантирилади.

2. ЎзР ЖПКнинг 172-187 моддаларида экспертиза тайинлаш, экспертиза ўтказилиши шарт бўлган ҳолатлар, кимлар эксперт сифатида тайинланиши мумкинлиги, экспертиза ўтказиш объектлари нималардан иборат эканлиги, экспертиза ўтказиш усуллари, экспертиза ўтказишнинг ҳуқуқий асослари, экспертиза ўтказишда мажбурлов чегараси, эксперт хулосаси, экспертнинг хулосаси бўйича сўроқ қилиниши ҳамда эксперт хулосасини баҳолаш масалалари тартибга солинган.

68-модда. Экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Эксперт: экспертиза қилиш учун тегишли иш материаллари билан танишиш ва ундан керакли маълумотларни ёзиб олиш; ўзига қўшимча материаллар тақдим этилиши ҳақида илтимоснома бериш; башарти ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар унинг мутахассислигига оид бўлмаса ёки хулоса бериш учун унга тақдим этилган материаллар етарли бўлмаса, хулоса беришнинг иложи йўқлиги ҳақида ҳужжат тузиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсати билан тергов ҳаракатлари юритилишида иштирок этиш ва тергов ҳаракатида иштирок этувчи шахсларга экспертизага оид тегишли саволлар бериш; экспертизага оид далилларни текширишда суд муҳокамасида иштирок этиш ва суднинг рухсати билан сўроқ қилинаётган шахсларга саволлар бериш; ашёвий далилларни ва ҳужжатларни кўздан кечириш; ўз хулосаларида фақат унинг олдига қўйилган масалалар ҳақида эмас, балки экспертизага оид бошқа масалалар бўйича ҳам фикр билдириш; башарти иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса ва кўрсатув бериш ва бу ҳолда таржимон

хизматидан фойдаланиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқига эгадир.

Эксперт: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; олдига қўйилган саволлар бўйича ёзма хулосалар бериши; ўзи томонидан ўтказилган экспертиза бўйича кўрсатувлар бериши ва бу хулосаларни тушунтириш учун қўйилган қўшимча саволларга жавоб бериши; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсатсиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Эксперт узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши мумкин.

Эксперт узрсиз сабабга кўра ўз вазифаларини бажаришни рад этган ёки ундан бўйин товлаган тақдирда, шунингдек, била туриб ёлгон хулоса берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади.

1. Эксперт қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) эксперт ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билишга ҳақли;
2) суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарори ёки суд ажрими билан танишиб, ундаги талабларни ўрганиши, қатъи хулоса бериш учун жиноят иши материаллари билан танишиши ва ундан керакли маълумотларни ёзиб олиши мумкин;

3) агар зарур деб ҳисобласа, яна қўшимча материалларни тақдим этишларини сўраб илтимоснома беришга ҳақли;

4) ҳал қилиниши лозим бўлган масала унинг мутахассислигига тааллуқли бўлмаса ёки билим доираси етарли эмас деб ҳисобласа ёки хулоса бериш учун тақдим этилган материаллар етарли бўлмаса хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида ҳужжат тузади ҳамда экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки судга юборади;

5) суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этади ва унда иштирок этаётганларга экспертизага оид саволлар бериши мумкин. Тергов ҳаракатлари баённомаси билан танишишга ҳақли;

6) суд муҳокамасида судьянинг рухсати билан сўроқ қилинаётган иштирокчиларга саволлар беришга, суд мажлиси баённомаси билан танишишга ҳақли;

7) ўзини рад этишга ҳақли;

8) далилларни ва ишга доир ҳужжатларни кўздан кечириши мумкин.

9) экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган саволлардан бошқа зарур масалалар юзасидан хулоса бериши мумкин;

10) суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг ҳаракат (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят қилишга ҳақли;

11) жиноят ишида иштирок этиши билан боғлиқ ҳаражатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

2. Экспертга қуйидаги мажбуриятлар юклатилган:

1) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд чақирувига биноан белгиланган вақтга ва жойга етиб келиши;

2) ўзига юклатилган вазифани ҳалоллик билан, сифатли бажариши лозим.

3) ўтказилган экспертиза юзасидан кўрсатувлар, ёзма хулосаси бўйича тушунтиришлар ва қўшимча саволларга жавоб бериши керак.

4) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг рухсатсиз жиноят иши материалени ошкор қилганлиги учун ЖК нинг 239-моддаси билан жинойий жавобгар қилинади.

5) дастлабки тергов ва суд мажлисида тартибга риоя қилиши керак.

3. Эксперт узрсиз сабабга кўра чақирилган вақтда келмаса, иш бўйича хулоса беришни рад этса, била туриб ёлғон хулоса берса, қонун белгиланган тартибда жинойий жавобгар қилинади.

69-модда. Мутахассис

Тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун мутахассис чақирилади. Мутахассис сифатида шифокор, педагог ҳамда зарур билим ва малакага эга бўлган бошқа шахслар чақирилиши мумкин.

Ҳимоячининг илтимосномасига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан мутахассис тушунтириш бериш учун чақирилиши мумкин.

Тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда илмий-техника воситаларини (магнитофон, видеоманитофон, кинога олиш аппаратлари ва бошқа аппаратларни) қўллаш учун мутахассис чақирилиши мумкин.

Тергов ва суд муҳокамасига мутахассис чақириш ҳамда унинг иштирок этиши тартиби ушбу Кодекснинг 91, 92, 136-138, 146, 147, 149, 151, 156 ва 193-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

1. Жиноят процессида билими ва тажрибаси билан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга маслаҳати ва фикри билан яқиндан ёрдам берадиган иштирокчи бу мутахассисдир. Мутахассис дастлабки тергов ва суд муҳокамасида далилларни топиш, тўплаш ва текширишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига зарур билими ва малакаси билан хизмат қилади.

2. Ҳимоячининг илтимосномасига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан мутахассис тушунтириш бериш учун чақирилиши мумкин.

3. Дастлабки тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда илмий техника воситаларидан кенг фойдаланилади. Масалан: тергов ҳаракатларини ўтказишда телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитишда, магнитофон, видеоманитофон, фотоаппарат кинога олиш аппаратлари ва бошқа аппаратларни қўллашда мутахассис чақирилади.

4. Мутахассисни чақириш ва уни иштирок этиш тартиби ЖПКнинг 91, 92, 136-138, 146, 147, 149, 151, 156, 193-моддаларида белгиланган. Бунга далилларни мустаҳкамлаш усулларини қўллашга кўмаклашиш суд мажлисида техник воситалардан фойдаланишга кўмаклашиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш мурдани кўздан кечириш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, эксперимент ўтказиш, экспертиза текшируви ўтказиш учун намуналар олиш каби тергов ҳаракатларида фотосурат, кинотасвир, видеоёзувдан фойдаланиш, схемалар, режалар, чизмалар тизимини киритиш мумкин.

70-модда. Мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Мутахассис: узининг қандай мақсадда чақирилганлигини билиш; башарти тегишли билимларга эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишдан бош тортиш; ўзи иштирок

этаётган процессуал ҳаракатларга оид иш материаллари билан танишиш; ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга алоқадор арз ва мулоҳазалар билдириш; тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасида иштирок этаётган шахсларга суриштирувчининг, терговчининг, прокурор ва суднинг рухсати билан саволлар бериш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари устидан ишқоятлар келтириш ҳуқуқига эгадир.

Мутахассис: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувиغا биноан ҳозир бўлиши; тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасини юритишда далилларни топиш ва мустаҳкамлаш учун илмий-техника воситалари, махсус билим ва малакадан фойдаланган ҳолда иштирок этиши; иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг эътиборини қаратиши; ўзи бажараётган ҳаракатлар бўйича тушунтиришлар бериши; жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, содир қилинишига имкон берган шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериши; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсатсиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Мутахассис жиноят иши кўзғатилмасдан олдин ҳамда жиноят процессининг исталган босқичида фикр бериш учун таклиф этилиши мумкин; 1) мутахассис фикри далил кучига эга эмас; 2) мутахассис фикри ва маслаҳати билан жиноят иши кўзғатилган бўлса, у эксперт сифатида ишга жалб этилмайди.

1. Мутахассис қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд уни қандай мақсадларда чақираётганлигини билишга;

2) билим доирасидан четга чиқадиган масалалар бўйича ишга жалб қилинаётган бўлса, таклифни рад қилиш ва фикр беришдан бош тортишга ҳақли, чунки мутахассис ўз-ўзини рад қилиш ҳуқуқига эга;

3) таклиф этилган масала юзасидан батафсил ва мукаммал фикр бериш учун иш материаллари билан танишишга;

4) процессуал, шу жумладан тергов ҳаракатларида иштирок этишга ҳамда унга алоқадор бўлган масалалар бўйича арз қилиш ва мулоҳазалар билдириш ва унда топилган далилларни баённомада қайд қилишни талаб қилишга;

5) тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг рухсати билан унда иштирок этиётган шахсларга саволлар билан мурожаат қилишга;

6) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг нақонуний ҳаракатлари ва талаблари устидан шикоят қилишга ҳақли.

2. Мутахассисга ушбу моддага кўра қуйидаги мажбуриятлар юкланган:

1) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чакирувига биноан ҳозир бўлиш;

2) тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасини юритишда далилларни топиш ва мустаҳкамлаш учун илмий-техника воситалари, махсус билим ва малакасидадан фойдаланган ҳолда иштирок этиш;

3) ҳаракатни аниқлаш учун суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг жиноятга оид ҳолатларга ва топилган предмет ва ҳужжатларга эътиборини қаратиш;

4) бажарган иши юзасидан тушунтиришлар бериш;

5) жиноятнинг юз бериш сабаблари ва уни содир бўлишга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш юзасидан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга ёрдам бериш;

6) дастлабки тергов материалларидаги маълумотларни суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг рухсатисиз ошкор этмаслик;

7) дастлабки тергов ва суд муҳокамасида тартибга риоя қилиш шулар жумласидандир.

71-модда. Таржимон

Таржимон қуйидаги ҳолларда чақирилади:

1) **гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёхуд уларнинг вакиллари, гувоҳ, эксперт, мутахассис иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарли даражада билмаса ёинки қар ёки соқов бўлса;**

2) бирор матнни бошқа тилдан таржима қилишга зарурат бўлса.

Таржимонга тегишли қоидалар иш юритишда иштирок этиш учун таклиф қилинган, кар ёки соқовнинг имо-ишораларини тушунадиган шахсга нисбатан ҳам қўлланилади.

1. Жиноят иши юритилаётган тилни, шунингдек, кар ёки соқовнинг имо-ишораларини мукамал тушунган шахс дастлабки тергов ва судга таклиф этилиши билан таржимон сифатида ишда иштирок этади. Таржимон чақирув қоғози, телефон орқали ёки оғзаки чақирилиши мумкин. Таржимондан тилни мукамал билишни тасдиқловчи хужжат талаб этилмайди. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд бунни аниқлаштиради ва ЖКнинг – тегишли моддаси билан огоҳлантиради.

2. Таржимон қуйидаги ҳолатларда чақирилади.

1) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари, гувоҳ, эксперт иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарли даражада билмаса;

2) кар ёки соқов бўлса;

3) юқорида қайд этилган процесс иштирокчиларига процессуал хужжатларнинг таржимасини топшириш зарур бўлса;

3. Таржимонга тегишли барча қоидалар иш юритишда иштирок этиш учун таклиф қилинган, кар ёки соқовнинг имо-ишораларини тушунган шахсга нисбатан ҳам қўлланилади.

72-модда. Таржимоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Таржимон: таржимани аниқлаштириш мақсадида процесс иштирокчиларига саволлар бериш; ўзи қатнашган тергов ҳаракатлари баённомаси, шунингдек, суд мажлиси баённомаси билан танишиш ҳамда баённомага киритилиши лозим бўлган мулоҳазалар билдириш; башарти таржима қилиш учун зарур билим ва малакага эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишдан воз кечиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят келтириш ҳуқуқига эгадир.

Таржимон: суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ўзига

топширилган таржимани аниқ ва тўлиқ бажариши; таржиманинг тўғрилигини ўзининг иштирокида ўтказилган тергов ҳаракати баённомаси ва суд мажлисининг баённомасига, шунингдек, процесс иштирокчиларига уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб топшириладиган процессуал ҳужжатларга имзо чекиш билан тасдиқлаши; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсатсиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Таржимон била туриб нотўғри таржима қилган тақдирда қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади.

1. Таржимонга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

1) таржима қилинадиган масаланинг мазмунига тўла тушуниб олиш учун процесс иштирокчиларига тегишли саволлар беришга;

2) тергов баённомаси ва суд мажлиси баённомаси билан танишиб, таржимага оид мулоҳазаларни билдиришга ва уни баённомага киритишни талаб қилишга;

3) билими ва малакаси таржима қилиш учун етарли бўлмаётганлиги учун иш юритишда иштирок этишдан воз кечишга;

4) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилишга ҳақли.

2. Ишда иштирок этаётган таржимонга қуйидаги мажбуриятлар юклатилган:

1) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чакирувиға биноан ҳозир бўлиш;

2) ўзига топширилган таржимани, сифатли, аниқ ва тўла бажариш;

3) таржиманинг тўғрилигини тасдиқлаб ва қафолатлаб, ўзи иштирок этган тергов ҳаракатлари баённомасига, суд мажлиси баённомасига, процесс иштирокчиларига таржима қилиб топширилган процессуал ҳужжатларга имзо чекиш;

4) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг рухсатсиз жиноят иши юзасидан ўзига маълум бўлган ҳолатларни ошкор қилмаслик;

5) дастлабки тергов ва суд муҳокамасида белгиланган тартиб, қоидага қатъи риоя қилишга мажбур;

б) кар, соқовларнинг имо-ишораларини тушуниш билан бир каторда ўзи ҳам имо-ишоралар билан ҳолатни тушунтириб бериши керак.

3. Таржимон билатуриб бир тилдан иккинчи тилга нотўғри таржима қилганлиги учун ЎЗР ЖКнинг 238-моддасига кўра жиноий жавобгар қилинади.

73-модда. Холислар

Холислар суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда чақирилади.

Тергов ҳаракатларини юритишда иштирок этиш учун ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган, камида икки нафар вояга етган фуқаро чақирилиши лозим. Тергов ҳаракатини бошлашдан олдин суриштирувчи, терговчи ёки прокурор холисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

1. Фуқаро суриштирув ва дастлабки терговда бирон-бир тергов ҳаракати, жумладан тинтув, олиб қўйиш, гувоҳлантириш, ганиб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш ва ҳоказо тергов ҳаракатларини ўтказишда иштирок этишга таклиф этилиши билан холисга айланади.

2. Холис ишнинг натижасидан манфаатдор бўлмаслиги, икки нафардан кам бўлмаслиги лозим. Қўйидагилар холис бўлмайдилар:

- 1) вояга етмаганлар;
- 2) жиноят судлов ишларини юритиш иштирокчилари;
- 3) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг қариндошлари;
- 4) ижро ҳокимиятининг вакиллари, тезкор-қидирув ходимлари, суриштирув ва дастлабки тергов ходимлари.

Тергов ҳаракати бошланмасдан олдин холисга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши керак.

74-модда. Холисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Холис: тергов ҳаракатида иштирок этиш; тергов ҳаракати бўйича баённомага киритилиши лозим бўлган арз

ва мулоҳазалар бериш; ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг баённомаси билан танишиш; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят келтириш ҳуқуқига эгадир.

Холис: суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; тергов ҳаракатини юритишда иштирок этиши; тергов ҳаракати ўтказилгани, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тергов ҳаракати баённомасида имзо чекиб тасдиқлаши; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсатисиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслиги шарт.

Холис узрсиз сабабга кўра ўз вазифасини бажаришдан бош тортганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади.

Холис ўзи иштирок этган тергов ҳаракатини юритиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин. У бундай ҳолларда ушбу Кодекснинг 66-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

1. Холис қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) далилларни топиш ёки текшириш мақсадида ўтказиладиган тергов ҳаракатларида иштирок этиш;

2) она тилида ёки биладиган тилида сўзлаш, таржимон хизматидан фойдаланиш;

3) ўзи иштирок этган тергов баённомаси билан танишиш ва баённомага киритилиши лозим бўлган арз ва мулоҳазалар билдириш;

4) ҳаражатларни қоплашни талаб қилиш.

2. Холисга қуйидаги мажбуриятлар юкланган:

1) суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг чақирувига биноан белгиланган вақтда, тегишли жойга етиб келиш;

2) ўтказилаётган тергов ҳаракатини синчковлик билан кузатиш ва ёдда сақлашга ҳаракат қилиш;

3) тергов ҳаракати ўтказилгани, уни ўтказиш жараёни ва натижаси қайд қилинган тергов баённомасини ўз имзоси билан тасдиқлаш;

4) суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг рухсатисиз суриштирув ва тергов материалдаги маълумотни ошкор қилмаслик;

5) суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш;

3. Холис фуқаролик бурчини адо этиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёрдам бериши керак. Узрсиз сабабларга кўра, таклиф этилган вақтга келмай, ўз вазифасини бажаришдан бош тортса, ЎзР. ЖКнинг 240-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилади.

4. Холис ўзи қатнашган тергов ҳаракатларининг қандай олиб борилганлиги хусусида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда холис ЖКнинг 66-моддасида белгиланган гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан фойдаланади.

75-модда. Жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга ва холисларга уларнинг сарф-ҳаражатларини тўлаш

Жабрланувчи ёки унинг вакили, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ёки холис сифатида чақирилган шахснинг иш жойидаги уртача ойлик маоши унинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳузурига чақирилиши муносабати билан кетган ҳамма вақт учун сақланади. Ишламайдиган шахсларга улар кундалик машғулоти билан шугуллана олмаганликлари учун ҳақ тўланади. Бундан ташқари кўрсатилган ҳамма шахслар чақирилиш муносабати билан қилган сарф-ҳаражатларини ундириш ҳуқуқига эгадирлар.

Эксперт, мутахассис ва таржимон ўз мажбуриятларини бажарганликлари учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Ушбу мажбуриятлар хизмат топшириги тарзида бажарилган ҳоллар бундан мустасно.

Сарф-ҳаражатлар қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда тўланади.

1. Жиноят натижасидан манфаатдор бўлган иштирокчилардан жабрланувчи, унинг вакили, шунингдек, жиноят судлов ишларини юритиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ва холис жиноят ишида ўз иштироклари билан жиноятни очилишига, айбланувчининг қилмишини фош этилишига берган ёрдамлари ҳисобга

олиниб, адолат юзасидан уларни сарф харажатлари тўланиши керак. Агар бу иштирокчилар ишласалар суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чакирув қоғозига биноан кетган вақтлари ва қилган харажатларини коплаш учун иш жойларидан ўртача иш ҳақини оладилар.

Ишламайдиган шахсларга кундалик машғулотларини адо этолмаганликлари учун ҳақ тўланади. Агар юқорида санаб ўтилган шахсларнинг сарф харажатлари етарли даражада тўланмаса, улар ундириб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Эксперт, мутахассис ва холис ўз мажбуриятларини бажарганликлари учун ҳақ оладилар. Агар бу мажбуриятлар хизмат топшириғи бўлса, бундай ҳолда уларга қилган хизматлари учун ҳақ тўланмайди.

3. Сарф харажатлар тўлашга оид ЎзР Олий суд пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 42-сонли “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ва жиноят ишлари юзасидан суд чиқимларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги қарорига қаралсин.

7-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИШТИРОК ЭТИШГА МОНЕЛИК ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР. РАД ҚИЛИШЛАР

*76-модда. Судьянинг, прокурорнинг, терговчининг,
суриштирувчининг ва суд мажлиси котибининг ишда
иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар*

*Қуйидаги ҳолларда судья, шунингдек, халқ маслаҳатчиси,
прокурор, терговчи, суриштирувчи, суд мажлисининг
котиби жиноят ишини юритишда иштирок этишга ҳақли
эмас ва уни рад қилиш лозим, башарти:*

*1) у шу иш бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар,
фуқаровий жавобгар, эксперт, мутахассис, таржимон,
холис, гувоҳ, ҳимоячи сифатида, гумон қилинувчининг, айб-
ланувчининг, судланувчининг қонуний вакили ёки жабрланув-
чининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг
вакили сифатида иштирок этаётган ёки илгари иштирок
этган бўлса;*

*2) у ушбу ишни юритиш учун масъул бўлган бирор
мансабдор шахснинг ёки ушбу модда биринчи қисмининг 1-
бандида кўрсатишган ўзга шахсларнинг қариндоши бўлса;*

*3) унинг холислигига ва безаразлигига шубҳа тугдирадиган
бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.*

*Судья илгари шу ишни юритишда суриштирувчи, тергов-
чи, прокурор, суд мажлисининг котиби сифатида иштирок
этган бўлса, ўша ишни келгусида қўришда қатнаша олмайди.*

*Биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанция-
си судида ёхуд назорат тартибида ишни қўришда иштирок
этган судья унинг иштирокида чиқарилган ҳукм, ажрим
(қарор) бекор қилинганидан кейин ўша ишни қўришда
иштирок эта олмайди.*

*Жиноят ишини биринчи инстанция судида қўришда
иштирок этган судья шу жиноят ишини апелляция ёки
кассация инстанциясида ёхуд назорат тартибида қўришда
иштирок эта олмайди.*

*Жиноят ишини апелляция инстанцияси судида қўришда
иштирок этган судья шу жиноят ишини биринчи инстан-
ция ёки кассация инстанцияси судида ёхуд назорат тарти-
бида қўришда иштирок эта олмайди.*

Жиноят ишيني кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишيني биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судида ёхуд назорат тартибида кўришда иштирок эта олмайди.

Жиноят ишيني назорат тартибида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишيني биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмайди.

Суриштирувчининг, терговчининг, шунингдек, суд мажлиси котибининг ўз процессуал мажбуриятини бажариши, башарти ушбу иш кўшимча тергов юритиши ёки судда янгидан кўриш учун юборилган бўлса, улар томонидан тегишлича суриштирув, дастлабки тергов юритишга, шунингдек, суд мажлиси баённомасини тузишга монелик қилмайди.

1. Судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи ва суд мажлиси котиби жиноят ишيني юритишда иштирок этишга ҳақлари бўлмаса, рад этилишлари ёки ўзларини ўзлари рад қилишлари лозим.

Кўйидаги ҳолларда судья, халқ маслаҳатчиси, прокурор, терговчи, суриштирувчи ва суд мажлисининг котиби жиноят ишيني юритишда иштирок этишга ҳақли эмаслар ва рад этилишлари лозим:

1) агар ушбу жиноят иши бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, эксперт, мутаххасис, таржимон, холис, гувоҳ, ҳимоячи, гумон қилинувчи, айбланувчининг қонуний вакили ёки жабрланувчининг вакили сифатида иштирок этаётган ёки илгари иштирок этган бўлсалар;

2) агар ушбу ишни юритаётган судья, халқ маслаҳатчиси, прокурор, терговчи, суриштирувчи ва суд мажлиси котиби ёки юкорида санаб ўтилган иштирокчиларнинг қариндошлари бўлсалар;

3) улар ишнинг натижасидан манфаатдорлиги туфайли холис бўла олмаслиги ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;

2. Агар ишни мазмунан кўрувчи судья илгари суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд мажлисининг котиби сифатида иштирок этган бўлса, ўша ишни кўришда иштирок эта олмайди. Судьянинг қамоққа олишга санкция берганлиги ёки қамоқда

сақлаб туриш муддатини узайтирганлиги ушбу ишни мазмунан кўришга ҳалал бермайди.

Прокурорнинг қамоққа олиш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида судга илтимос қилганлиги биринчи инстанция судида давлат айбловини қўллашга ҳалал бермайди.

3. Биринчи инстанция, апелляция, кассация инстанцияси ёки назорат тартибида ишни кўришда иштирок этган судья, унинг иштирокида чиқарилган ҳукм, ажрим, қарор бекор қилинган бўлса, уша ишни такроран кўришда иштирок эта олмайди. Қамоққа олиш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги суд ажрими устидан тушган протест ёки шикоятни апелляция тартибида кўрган судьялар бундан мустасно.

4. Агар судья жиноят ишини биринчи инстанция судида мазмунан кўрган бўлса, айнан шу ишни апелляция, кассация ва назорат тартибида кўришда иштирок эта олмайди.

5. Агар судья ҳукм, ажрим, қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини шикоят ёки протест асосида апелляция тартибида кўришда иштирок этган бўлса, ушбу ишни биринчи инстанция судида, кассация ва назорат инстанция судларида кўришда иштирок эта олмайди.

6. Агар судья кассация инстанция судида иштирок этган бўлса, ушбу ишни биринчи инстанция судида, апелляция ва назорат инстанциясида кўришда иштирок этишга ҳақли эмас.

7. Агар судья назорат тартибида иш юритишда иштирок этган бўлса, ушбу ишни биринчи инстанция судида апелляция ва кассация инстанция судларида кўришда иштирок эта олмайди.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2004 й. 27 август Қонунига кўра суриштирувчи, терговчи дастлабки терговга қўшимча қайтарилган ишлар бўйича дастлабки терговни юритишга, суд котиби судга янгитдан кўриш учун юборилган ишлар бўйича суд мажлиси баённомасини тузишга ҳақли.

77-модда. Жамоат бирлашмаси ёки жамоа вакилининг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар

Жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси ва жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг бошқа вакиллари ушбу Кодекс-

нинг 76-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда ишда иштирок этишига ҳақли эмаслар ва рад қилинишлари лозим.

Жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси ва жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг бошқа вакиллари:

1) ушбу иш бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, гувоҳ, ҳимоячи, қонуний вакил ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этган бўлсалар;

2) судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи ёки суд котибининг қариндошлари бўлсалар;

3) жиноят иши натижасидан у ёки бу даражада манфаатдор ёки холислигига, беғаразлигига бирор бир шубҳа бўлса, жиноят ишини кўришда иштирок эта олмайдилар.

78-модда. Экспертнинг, мутахассиснинг, таржимоннинг, холисининг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар

Эксперт, мутахассис, таржимон, холис ушбу Кодекснинг 76-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек, ишда иштирок этаётган шахслардан бирортасига хизмат юзасидан ёки бошқа жиҳатдан тобе бўлса, жиноят ишини юритишда иштирок этишига ҳақли эмас ва рад қилиниши лозим.

Бундан ташқари, башарти эксперт, мутахассис, таржимоннинг ўз касбига нолайиқлиги аён бўлиб қолса, холислар эса, ички ишлар органи, миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура, адлия ёки суд ходими бўлсалар, рад қилинишлари лозим.

Материаллари ишнинг кўзгатилишига асос бўлган тафтиш ёки ўзга идоравий тегиширув ўтказган шахс ушбу ишда эксперт ёки мутахассис сифатида иштирок этишига ҳақли эмас.

Ишда мутахассис сифатида иштирок этган шахс келгусида ушбу иш бўйича эксперт қилиб тайинланиши мумкин.

1. Эксперт, мутахассис, таржимон ва холис қуйидаги ҳолатларда ишда иштирок этишга ҳақли эмаслар:

1) ушбу иш бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, гувоҳ, ҳимоячи, қонуний вакил ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этган бўлсалар;

2) судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи ёки суд котибининг қариндошлари бўлсалар;

3) ишда иштирок этаётган шахслардан бирортасига тобе бўлсалар;

4) жиноят иши натижасидан у ёки бу даражада манфаатдор ёки холислигига, беғаразлигига бирор бир шубҳа бўлса, жиноят ишини кўришда иштирок эта олмайдилар.

2. Эксперт, мутахассис, таржимон малакасиз ёки ўз касбига нолойиқ бўлса, холис эса ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура, адлия ва суд органи ходими бўлса рад қилиниши керак.

3. Мутахассиснинг фикрига кўра жиноят иши кўзғатилган бўлса, эксперт сифатида ишга жалб қилиб бўлмайди.

4. Ишда мутахассис сифатида иштирок этишга жалб қилинган шахс эксперт қилиб ишга тайинланиши мумкин.

79-модда. Ҳимоячининг, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар вакилининг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар

Ҳимоячи, шунингдек, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ёки фуқаровий жавобгарнинг вакили қуйидаги ҳолларда жиноят ишини юретишда иштирок этишга ҳақли эмас, башарти у:

1) илгари шу иш бўйича судья, халқ маслаҳатчиси, прокурор, терговчи, суриштирувчи, суд мажлисининг котиби, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ёки холис сифатида иштирок этган бўлса;

2) ушбу ишнинг терговда ёки судда кўрилишида иштирок этган ёхуд иштирок этаётган судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи ёки суд мажлисининг котиби билан қариндошлик муносабатида бўлса ёхуд юридик ёрдам курсатиш

тўғрисида у билан битим тузган процесс иштирокчисининг манфаатларига манфаати қарама-қарши бўлган шахс билан қариндошлик муносабатида бўлса;

3) судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи лавозимида бўлса, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: башарти у муомалага лаёқатсиз шахсларнинг вакили бўлса ёки ўзи ишлайдиган ва фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган ёки фуқаровий жавобгар тариқасида ишга жалб қилинган муассасанинг вакили сифатида қатнашса;

4) ўз ҳимоясидаги гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки ўзи вакиллик қилаётган жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг манфаатларига манфаати қарама-қарши бўлган шахсга юридик ёрдам кўрсатаётган ёки муқаддам шундай ёрдам кўрсатган бўлса.

1. Ушбу моддада ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакилини жиноят ишини юритишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар тизими баён қилинган.

2. Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганида ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакили албатта рад қилинишлари лозим:

1) илгари шу иш бўйича судья, халқ маслаҳатчиси, прокурор, терговчи, суриштирувчи, суд мажлисининг котиби, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ёки холис сифатида иштирок этган бўлса;

2) ушбу ишнинг терговида ёки судда кўрилишида иштирок этган ёхуд иштирок этаётган судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи ёки суд мажлисининг котиби билан қариндошлик муносабатида бўлса ёхуд юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида у билан битим тузган процесс иштирокчисининг манфаатларига манфаати қарама-қарши бўлган шахс билан қариндошлик муносабатида бўлса;

3) судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи лавозимида бўлса, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: башарти у муомалага лаёқатсиз шахсларнинг вакили бўлса ёки ўзи ишлайдиган ва фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган ёки фуқаровий жавобгар тариқасида ишга жалб қилинган муассасанинг вакили сифатида қатнашса;

4) ўз ҳимоясидаги гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки ўзи вакиллик қилаётган жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг манфаатларига манфаати қарама-қарши бўлган шахсга юридик ёрдам кўрсатаётган ёки муқаддам шундай ёрдам кўрсатган бўлса.

5) ҳимоячи ёки вакил манфаатлари бир-бирига зид бўлган икки айбланувчини ҳимоя қилишга ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг манфаатларига хизмат қилишга ҳақли эмаслар.

80-модда. Рад қилиш ва ўзини ўзи рад этиш ҳамда уларни ҳал қилиш тартиби

Ушбу Кодекснинг 76-79-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда судья, халқ маслаҳатчиси, прокурор, терговчи, суриштирувчи, суд мажлисининг котиби, жамоат бирлашмасининг ёки жамоанинг вакили, ҳимоячи, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ёки фуқаровий жавобгарнинг вакили, эксперт, мутахассис, таржимон, холис ўзини ўзи рад этиши шарт. Агар ўзлари бундай қилмасалар, улар шу асосга кўра гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, ҳимоячи томонидан, суд мажлисида эса, бундан ташқари давлат айбловчиси, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакили томонидан рад қилиниши мумкин.

Ишни тергов қилиш чоғида рад этиш масаласи прокурор, терговчи, суриштирувчи томонидан, суд мажлисида эса, суд томонидан ҳам қўйилиши мумкин.

Рад қилиш ҳақидаги арз асослантирилган бўлиши керак.

Рад қилинган шахс рад этиш ҳақидаги масала кўрилгунига қадар тушунтириш беришга ҳақли.

Судьяни рад қилиш масаласи қолган судьялар томонидан рад қилинган шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилади. Овозлар тенг бўлинганда судья рад қилинган ҳисобланади. Кўпчилик судьяларни ёки суднинг буткул таркибини ёхуд суд мажлисининг котибини рад қилиш ҳақидаги масала тўла таркибдаги суд томонидан оддий кўпчилик овоз билан ҳал этилади. Ишни яқка ўзи кўраётган судьяни рад қилиш масаласини унинг ўзи ҳал қилади.

Прокурорни рад қилиш масаласи ишни тергов қилиш чоғида юқори турувчи прокурор томонидан, суд мажлисида эса, ишни кўраётган суд томонидан ҳал этилади.

Жамоат бирлашмаси ёки жамоа вакилини рад қилиш масаласи ишни кўраётган суд томонидан ҳал этилади.

Суриштирувчи ёки терговчини рад қилиш масаласи суриштирув ва дастлабки тергов устидан назорат олиб боровчи прокурор томонидан ҳал этилади.

Экспертни, мутахассисни, таржимонни, ҳимоячини, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакилларини рад қилиш масаласи ишни тергов қилиш чоғида суриштирувчи ёки терговчи томонидан, суд мажлисида эса, ишни кўраётган суд томонидан ҳал этилади.

Холисни рад қилиш масаласи суриштирувчи ёки терговчи томонидан ҳал этилади.

Ишни тергов қилиш чоғида қўйилган рад қилиш масаласи суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан йигирма тўрт соат ичида ҳал этилади. Рад қилиш суд мажлисида қўйилган бўлса, бу масала шу мажлисда дарҳол ҳал этилади.

Рад қилишни қаноатлантириш ёки қаноатлантирмаслик ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

1. Жиноят процессида ҳақиқатни аниқлаш, жиноят ишини тўла, ҳар томонлама, холисона текшириш ва мазмунан ҳал қилиш учун ЖПКнинг 76-79 моддаларида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда судья, халқ маслаҳатчиси, прокурор, терговчи, суриштирувчи, суд мажлисининг котиби, жамоат бирлашмасининг ёки жамоанинг вакили, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакили, эксперт, мутахассис, таржимон, холис бошқалар томонидан рад қилинишини кутмасдан ўзини ўзи рад қилиши шарт. Агар ўзлари бундай қилмасалар, юқорида санаб ўтилган асослардан лоақал бири мавжуд бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва унинг вакиллари, ҳимоячи суд мажлисида давлат айбловини қўллаётган прокурор, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакили томонидан рад қилинишлари мумкин.

2. Суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида рад этиш масаласи прокурор, терговчи, суриштирувчи томонидан, суд мажлисида судья томонидан амалга оширилади.

3. Рад қилиш ҳақидаги арз асослантирилган бўлиши лозим, акс ҳолда инobatга олинмайди. Рад қилинган шахс, ўзи ҳақидаги арзноманинг қанчалик тўғри ёки нотўғрилиги хусусида тушунтириш беришга ҳақли.

4. Рад қилиш масаласи алоҳида хонада (маслаҳатхонада) муҳокама қилинади. Агар судья рад қилинса, қолган судьялар ушбу масалани унинг иштирокисиз ҳал қилиши учун маслаҳатхонага кирадилар. Овозлар тенг бўлганда судья рад қилинган бўлади. Агар кўпчилик судья ёки бутун таркиб ёхуд суд котиби рад қилинган бўлса, масала тўла таркибдаги судьялар томонидан оддий кўпчилик овоз билан ҳал қилинади. Якка таркибдаги судьяга берилган рад қилиш унинг ўзи томонидан кўриб чиқилади.

5. Прокурорга берилган рад қилиш юқори турган прокурор томонидан, суд мажлисида эса ишни кўраётган судья томонидан ҳал қилинади.

6. Жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячисига берилган рад қилиш ишни кўраётган судья томонидан ҳал қилинади.

7. Суриштирувчи, терговчини рад қилиш масаласи назорат қилувчи прокурор томонидан ҳал қилинади.

8. Дастлабки терговда эксперт, мутахассис, таржимон, ҳимоячи жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакилини рад қилиш суриштирувчи, терговчи томонидан, судда ишни кўраётган судья томонидан ҳал қилинади.

9. Тергов ҳаракатларида иштирок этаётган ҳолисни рад қилиш тергов ҳаракатини ўтказаетган суриштирувчи, терговчи томонидан ҳал қилинади.

10. Дастлабки терговда рад қилиш ёки рад қилмаслик суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан йигирма тўрт соатда ҳал қилинади ва қарор чиқариб расмийлаштирилади.

11. Суд муҳокамасидаги рад қилиш ёки рад қилмаслик масаласи маслаҳатхонада дарҳол ажрим чиқариш билан ҳал қилинади.

УЧИНЧИ БЎЛИМ ДАЛИЛЛАР ВА ИСБОТ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР

8-БОБ. ДАЛИЛЛАР

81-модда. Далилларнинг турлари

Ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади.

Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади.

1. Ушбу модда жиноят иши бўйича исбот қилишнинг асоси сифатида ҳар қандай ҳақиқий маълумотни далил деб эътироф этиб, унинг ўзига хос хусусиятлари, шартлари ва турларини белгилаб берган. Маълумот далил бўлиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1) ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган, бермаганлигини тасдиқлаши ёки рад этиши;

2) қилмишни содир этган шахснинг айбли ёки айбсизлигини тасдиқлашга хизмат қилиши;

3) ҳақиқатни аниқлаш учун зарур бўлган бошқа ҳолатларни исбот қилишга ёрдам бериши;

4) исбот қилиш мажбурияти юклатилган шахслар, яъни суриштирувчи, терговчи прокурор ва суд томонидан далил деб эътироф этилиши;

5) қонунда белгиланган тартибда ҳамда усулда тўпланиши ва текширишга асос бўлиши;

6) фақат қонунда кўрсатилган манбалардан олинishi лозим.

2. Далил манбаларининг турларига қуйидагилар киради: гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2004 й. 24 сентябрдаги “Далилларнинг мақбуллигига оид жиноят процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Пленум қарорида бу масалалар батафсил баён қилинган бўлиб, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонунни аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга кўра юз берганлигидан қатъи назар, шу йўл билан олинган далилларнинг номақбул (яроксиз) деб топилишига олиб келади, дейилган.

Номақбул далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан ЖПКнинг 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас.

3. Далиллар мақбуллигининг шартлари қуйидагилар:

- далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатларни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши;

- маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши;

- далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя қилган ҳолда олинган бўлиши;

- далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўз қарорида далиллар мақбуллигига тааллуқли юқорида санаб ўтилган шартлардан бирортасига амал этилмаслиги далилнинг номақбул деб топилишига асос бўлади деб кўрсатилган.

4. Далиллар қуйидаги ҳолларда номақбул деб топилади:

1) далил суриштирувчи томонидан суриштирув тамом бўлганидан сўнг, терговчи, прокурорнинг ёзма топшириғисиз ўтказилган тергов ҳаракати давомида олинган бўлса, тергов

ҳаракати белгиланган тартибда ишни ўз юритувига олмаган ёки тергов гуруҳи таркибига киритилмаган терговчи томонидан ўтказилган бўлса, тергов ҳаракати ЖПК 76-моддасида белгиланган асосларга кўра рад этилиши шарт бўлган шахс томонидан ўтказилган бўлса;

2) маълумотлар тергов ва суд ҳаракати ўтказилмасдан ёки қонунда назарда тутилмаган манбадан, унда белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган тезкор-қидирув тадбирлари вақтида олинган бўлса;

3) далил қонунга ҳилоф усул билан, яъни уни тўплаш юзасидан қонунда назарда тутилган қоидаларга амал қилинмаган ҳолда олинган бўлса, жумладан:

а) прокурорнинг санкцияси олинмиши шарт бўлган ҳолларда тергов ҳаракатининг санкция олинмасдан ўтказилиши (кечиктириб бўлмайдиган ҳоллар бундан мустасно);

б) тергов ҳаракатида ҳолис сифатида иш бўйича манфаатдор шахснинг, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ёки жамоатчилик асосида кўмаклашувчи бошқа шахс иштирок этган бўлса;

в) кўрсатувларнинг, шу жумладан, айбига иқрорлик тўғрисидаги кўрсатувларнинг қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни, қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек, алдаш ва қонунга ҳилоф бошқа йўللار орқали олинмиши;

г) эксперт ҳулосасининг экспертиза тайинлаш вақтида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқлари бузилган ҳолда олинмиши;

д) ҳимоячининг иштироки шарт бўлган ҳолларда унинг иштирокисиз гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан кўрсатув олинмиши;

е) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи яқин қариндошларининг ЖПКнинг 116-моддаси талабларига ҳилоф равишда ўз розилигисиз гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига тегишли ҳолатлар юзасидан сўроқ қилиниши ва ҳоказо.

82-модда. Айблаш ва ҳукм қилиш учун асослар

Ишни айблов ҳулосаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун қуйидагилар исботланган бўлиши керак:

1) *жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;*

2) *содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек, Жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш;*

3) *жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;*

4) *жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари;*

5) *айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар.*

1. Жиноят ишини айблов ҳулосаси билан тамомлаш ва жазо белгилайдиган айблов ҳукми чиқариш учун қуйидагилар исботланган бўлиши шарт.

1) жиноятнинг объекти, жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар:

а) ЖК билан қўриқланадиган барча ижтимоий муносабатлар жиноятнинг объекти ҳисобланади;

б) Жиноят орқасида етказилган зиён ва унинг миқдори исботланиши шарт. Жиноят орқасида моддий, маънавий, жисмоний зиён етказилади. Моддий зиён фуқаровий даъвони қўзғатишга асос бўлади ва фуқаровий даъвони келтириб чиқаради. Жисмоний зарар, соғлиққа ва ҳаётга қарши қаратилади. Буларнинг барчаси жиноятни тавсифлашда эътиборга олинади;

в) жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатларни аниқлаш ҳам айблаш ва ҳукм чиқариш учун муҳим. Жабрланувчининг хатти-ҳаракатлари оқибатида жиноий қилмишни содир бўлганлиги виктимологик ҳолат бўлади.

2. Жиноятнинг қачон, қаерда ва қандай усулда содир бўлганлиги, яъни маълум бир жойда, аниқ бир вақтда, ўзига хос усулда ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан содир этилганлиги исботланиши керак.

Ҳар бир жиноят иши бўйича жиноятнинг таркиби ва тавсиф учун зарурий белгисидан қатъи назар, жиноят ҳодисаси содир бўлганлиги исбот қилиниши шарт.

Жиноятнинг содир қилинган вақти ҳамма ҳолатда ҳам аниқ бўлмаслиги мумкин. Айрим ҳолатларда йили ва ойини аниқлашнинг ўзи етарли бўлади. Айрим ҳолатларда жиноят ҳодисаси содир бўлган вақтни аниқ белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Кўп эпизодли ва давомли жиноятларни исбот қилишда умумий муддат ва ҳар бир эпизодни содир қилинган вақтини аниқлашнинг ўзи кифоя, лекин қасддан одам ўлдиришда муддат ва вақт аниқ исботланиши керак. Вақтни исботлаш на фақат қачон, қайси вақтда жиноятни содир қилинганлигини аниқлаш учун балки, ўша вақтда амалда бўлган моддий қонун нормасини билиш, вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритишда жиноятни содир қилган вақтда гумон қилинувчи ёки айбланувчини ёшини аниқлашда муҳимга аҳамиятга эга.

Содир қилинган жиноятнинг усули жиной оқибатнинг келиб чиқишига сабаб бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳисобланади. Жиноятнинг усулини аниқлаш, бир жиноятдан иккинчи жиноятни фарқлашга хизмат қилади. Масалан: жиноятнинг усулига кўра, босқинчиликни талончиликдан, талончиликни ўғирликдан фарқлаш мумкин. Жиноятнинг усулига кўра уни қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир қилинганлиги аниқланади.

Ушбу моддада қайд этилган “Жиноят кодексига кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлар” ҳам исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатларга кирилади. ЖК нинг жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари белгаланган 16-модда шулар жумласидандир. Унга кўра жиноят учун жавобгарлик – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир. Жиноят таркибининг барча аломатларини мавжуд бўлиши қилмишни жиноят деб топиб, жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Жиноят процессида қилмиш билан рўй берган ижтимоий оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш исботланиши лозим. Агар қилмиш билан ижтимоий оқибат ўртасида ҳеч қандай сабабий боғланиш бўлмаса, жиноят бўлмайди.

3. Жиноят процессида исботланиши лозим бўлган ҳолатлардан бири жиноятни айнан шу шахс томонидан содир этилганлигини исботлашдир. Айбланувчининг айбли ёки айбсизлигини исботлаш ҳақиқатни аниқланишига ёрдам беради. Ҳар қандай гумон айбланувчининг фойдасига ҳал бўлиши, исботлаш бурчи

айбланувчи зиммасига юклатилмаслиги исботланмаган айб, исботланган айбсизлик билан тенглигини инobatга олсак, айбланувчининг айби ва айбининг даражасини исботлаш жуда зарур. Жиноятнинг субъекти сифатида унинг вояга етган, етмаганлиги, ақли расо ёки норасолиги, лавозими ва бошқа ҳолатларни исботлаш жиноятни тавсиф қилишда инobatга олинади.

4. Жиноятнинг тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўзи ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари исботланиши керак. Бу ҳолат гумон қилинувчи, айбланувчини айбини, айбини даражасини белгилашда, қилмишини тавсиф қилишда муҳим аҳамиятга эга. Айбни оғирлаштирадиган ёки енгиллаштирадиган ҳолатларда содир этилганлиги ЖКнинг 55-56-моддаларида қайд этилган.

5. Айбланувчи, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар у томонидан содир этилган қилмишни оғирлаштирувчи енгиллаштирувчи ҳолатларни исботлаш билан боғлиқ, чунки шахснинг ижтимоий хавфлилиги уни айблаш ва жазо турини белгилашда инobatга олинади.

83-модда. Реабилитация учун асослар

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи қўидаги ҳолларда айбсиз деб топилади ва реабилитация этилиши лозим:

1) иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жинoий ҳодиса юз бермаган бўлса;

2) унинг қилмишида жинoят таркиби бўлмаса;

3) унинг содир этилган жинoятга дахли бўлмаса.

1. «Реабилитация» атамаси лотинча сўз бўлиб, «яроқлилигини тиклаш» демақдир. Мазкур тушунча шахснинг олдинги ҳуқуқларини тиклаш, ҳалол номини ва обрўсини суд ёки маъмурий тартибда тиклаш деб тушунилади.

Табийки, ушбу кенг мазмундаги маънони жинoят содир етмаган деб эътироф этилган айбсиз шахсларга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқдир. Агар қонун ўзгариши юз берган ёки суд-ҳуқуқ соҳаси либераллаштирилган, шунингдек, жинoят иши таркибининг йўқлиги сабабли тугатилган бўлса, жинoий таъқиб туфайли етказилган зарар қопланиши лозим.

Реабилитация деганда бой берилган ҳуқуқ ва имтиёзларни қайтариш, ноқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортиш, озодликдан маҳрум этиш, айбсиз шахсларни ноҳақ ҳукм қилиш билан боғлиқ ҳуқуқ чекланишларини бартараф этиш, шунингдек, келгусида барча бузилган ҳуқуқларни тиклаш тушунилади.

Реабилитациянинг мақсади – айбсиз фуқаронинг оммавий ва хизмат соҳасига доир ҳуқуқдан маҳрум бўлишини бартараф этиш, жамиятда унинг ҳалол номини тиклаш– фуқаро ҳамда давлат ўртасида бузилган ишончни тиклашдан иборат.

Ноҳақ гумон қилинганлар, айбланганларнинг, баъзан эса айбсиз ҳукм қилинганларнинг реабилитацияси – жиноят процессида жуда муҳим. У фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматининг муҳофаза қилинишини яхшироқ таъминлашни ўз ичига олади. Тўлиқ ва ўз вақтида реабилитация қилинишдан нафақат асоссиз ушлаб турилган, ҳибсга олинганлар, айбланувчи ва судланувчи сифатида ишга жалб этилган шахслар, балки давлат ҳам манфаатдордир.

2. Жиноят процессида жиноят ҳодисасини исботлаш шахсни айблаш ва ҳукм қилиш учун асослардан бири бўлиб ҳисобланади. Жиноят иши ҳолат юзасидан кўзғатилгани учун ҳам жиноят ишини кўзғатиш учун асос ва сабаблардан албатта ҳодисада жиноят белгиси мавжуд ёки мавжуд эмаслиги исботланиши шарт. Агарда ҳодисада жиноят аломатлари мавжуд бўлса, у ҳолда жиноят иши кўзғатилади, акс ҳолда жиноят иши кўзғатилиши рад этилади.

Айрим ҳолатларда кўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаганлиги аниқланиб қолса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи айбсиз деб топилиб, реабилитация этилиши лозим.

Дастлабки тергов ва суд муҳокамаси босқичларида жиноят ҳодисасининг мавжудлигини исбот қилиш зарурияти дастлабки тергов ва суд муҳокамасини давом эттириш ёки реабилитация асослари мавжудлигини эътироф этиш билан ҳал бўлади. Шахс амалда ҳеч қандай жиноий қилмишни содир этмаган, лекин суд муҳокамаси олиб борилган жиноят иши бўйича ҳодиса мавжуд бўлган ҳолларда шахснинг қилмишида жиноят таркиби йўқлиги сабабли шахс жиноий жавобгарликдан озод этилади.

2) Қилмишнинг жиноят ёки жиноят эмаслигини белгилайдиган аломатлар айтилиши вақтда қилмишда жиноят таркибининг

бор ёки йўқлигини ҳам англатади. Қилмишда жиноят таркибининг йўқлиги шундан далолат берадики, тергов олиб борилган жиноят иши бўйича ҳодиса рўй берган, у муайян шахснинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида содир бўлган, лекин у ўз аломатларига кўра жиноят ҳисобланмайди.

Айбланувчи ёки судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаган тақдирда терговчи ёки судья қилмиш ҳақиқатан содир этилганлигига, лекин унда жиноят таркиби йўқлигига ишонч ҳосил қилади. Қилмиш жиноят қонуни белгиллаган тақикни бузмаслиги ёки унча аҳамиятли бўлмаганлиги сабабли ижтимоий хавф туғдирмаслиги, жиноят ҳисобланмаслиги мумкин. Бундай ҳоллар реабилитация учун асос бўлади.

3) Реабилитация асосининг алоҳида тури жиноят содир этишга шахснинг алоқадор эмаслиги ҳисобланади. Гарчи айнан ким томонидан ушбу жиноят содир этилганлиги номаълум бўлса ҳам, жиноят мазкур шахс томонидан эмас, балки бошқа шахс томонидан содир этилганлиги аниқланган ҳолат бунга мисолдир.

Бундай вазиятларда жиноят иши бўйича тергов олиб борилди, муайян шахсга нисбатан бўлган жиноий таъқиб эса тугатилади. Биринчи ҳолатда шахс айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинади ва тергов охиригача олиб борилади, иккинчисида эса, жиноят содир этган шахсни аниқлаш учун барча зарур чоралар кўрилади. Агар жиноят содир этган шахсни аниқлаш имконияти бўлмаса, иш бўйича тергов ҳаракатлари ЖПКнинг 364-моддаси 1-бандига кўра тўхтатилади, тезкор-қидирув тадбирлари давом эттирилади.

84-модда. Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар

Қуйидаги ҳолларда шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозим, башарти:

- 1) шахсни жавобгарликка торттиш муддати ўтган бўлса;***
- 2) эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;***
- 3) айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса;***
- 4) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;***

5) шахсга нисбатан айнан шу айблов буйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;

6) иш фақат жабрланувчининг шикоятни билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ушбу Кодекснинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

7) шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тулмаган бўлса.

Шахс ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганидан кейин, жавобгарликка тортиш муддати ўтган ёки амнистия акти қабул қилинган тақдирда, шунингдек, айбланувчи, судланувчи вафот этган ҳолларда, агар айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари талаб қилса, ишни юриштиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо белгиланмасдан чиқарилади.

Жиноят содир этилганидан кейин ўз ҳаракатларининг моҳиятини идрок этиш ёки уларни идора қилиш имкониятидан махрум этадиган руҳий касалликка чалиниб қолган шахс тўғрисидаги жиноят иши ушбу Кодекснинг 61-бобида белгиланган тартибда айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилади.

Жабрланувчи Жиноят кодексининг 661-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар буйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин.

Жиноят иши куйидаги ҳолларда шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилиши мумкин, башарти:

1) ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилса;

2) биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс жиноят содир этилганидан кейин етказилган зарарни бартараф этган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон қилган ва жиноятни фош қилишга фаол кўмаклашган бўлса;

3) содир этилган қилмишнинг хусусиятини, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганининг шахсини ҳисобга олиб, материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга қараб чиқиш учун бериш мақсадга мувофиқ бўлса.

1. Шундай ҳолатлар борки, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг айби мавжуд бўлса ҳам, жиноят иши тугатилади: Бундай ҳолатларга:

1) шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтганлигини киритиш мумкин. Жавобгарликка тортиш муддати деганда шахс томонидан жиноят содир этилган кундан бошлаб, ҳукм қонуний кучга кирган кунгача бўлган вақтни тушуниш лозим. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 64-моддасида: а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб-уч йил; б) унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб-беш йил; в) оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб-ўн йил; г) ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб – ўн беш йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган. Ушбу масалани амалга ошириш тартиби ЖПКнинг 363 ва 367-моддасининг учинчи қисми, 463-модданинг 2 ва 3 қисмларида кўрсатилган. Дастлабки терговда тугатилган айблов бу муддат ўтиши билан қайта тикланмайди ҳамда жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган ҳолларда ўхтатилган жиноят ишлари қайта тикланмайди.

2) эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса ҳам жиноят иши тугатилади.

3) айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса, жиноят иши тугатилади. Агар айбланувчи, судланувчининг қариндошлари ҳақиқатни билиш ва яқинларини ёмон отлиғ бўлишдан қутқариш ниятида ишни юритишни давом эттиришни талаб қилсалар, жиноят иши умумий тартибда юритилади ва жазо белгиланмайдиган айблов ҳукми чиқарилади.

4) шахс содир этган қилмиши учун фақат бир марта жиноий жавобгарликка тортилиши ва жазоланиши мумкин. Шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса, жиноят ишини қўзғатиш ҳамда юритиш мумкин эмас.

5) жиноят ишини қўзғатиш босқичида содир этилган қилмишда жиноят белгисининг мавжуд эмаслиги, ёки жиноий ҳодиса юз бермаганлиги жиноят ишини қўзғатишни рад қилишга асос бўлади. Дастлабки терговда жиноят ишини тугатиш тўғрисида терговчининг қарори ёки айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми мавжуд бўлса, айблилик масаласи ҳал қилинмай жиноят иши тугатилади. Агар суд муҳокамасида жиноят ишини тугатиш асослари мавжудлиги аниқланса, оқлов ҳукми билан иш якунига етказилади.

6) жиноят процессида шундай жиноят ишлари борки, уларни юритиш учун фақат жабрланувчининг, шикоят аризаси зарур бўлади.

ЖПКнинг 325-моддасида белгиланган жиноятлар бўйича иш қўзғатиш учун ҳам жабрланувчининг аризаси зарур бўлади. Ариза топширилгандан кейин иш умумий тартибда ҳал этилади.

7) ЎзР. ЖКнинг 17 моддасида шахсни жавобгарликка тортиш ёши белгиланган. Унга кўра фақат муайян ёшга тўлган шахс жавобгарликка тортилади.

2. Шахс айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинганидан кейин: 1) жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса; 2) амнистия акти қўлланилган бўлса; 3) айбланувчи вафот этган бўлса, унинг яқин қариндошларининг илтимосларига кўра иш давом эттирилиши ва жазо белгиланмайдиган айблов ҳукми чиқарилиши мумкин.

3. Агар жиноят содир этганидан кейин шахс ўз ҳатти-ҳаракатларини идрок ёки идора қила олмайдиган даражада руҳий касалликка чалиниб қолса, айблилик масаласи ҳал қилинмай, ЖПКнинг 61-бобида белгиланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилади.

4. Жабрланувчи ЖКнинг 66¹-моддасида белгиланган жиноятларни содир қилган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини кечирса, ЖПКнинг 62-бобида белгиланган тартибда айблилик масаласи ҳал қилинмай жиноят иши суд томонидан тугатилади.

5. Юқорида баён қилинган умумий ҳолатлардан ташқари уч ҳолатда шахснинг розилиги билан унинг айблилик масаласи ҳал қилинмай жиноят иши тугатилади:

1) дастлабки тергов жараёнида ёки жиноят ишини судда кўриб чиқиш пайтига келиб қилмиш ижтимоий хавфлиликни йўқотса ёки шахс ижтимоий жиҳатдан хавfli бўлмай қолса;

2) а) шахс биринчи маротаба ижтимоий хавfli катта бўлмаган жиноятни содир этган бўлса;

б) унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс томонидан жиноят натижасида етказилган моддий, маънавий ва жисмоний зарар қопланган бўлса;

в) айбига иқрор бўлиб, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлса;

г) жиноятни фош қилишга фаол кўмаклашган бўлса;

3) содир қилинган қилмишнинг унча оғир эмаслиги, биринчи маротаба унча хавfli бўлмаган жиноят содир этган шахснинг ёшини ҳисобга олиб, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга қараб чиқиш учун юбориш мақсадга мувофиқ бўлса жиноят иши тугатилади.

9-БОБ. ИСБОТ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

85-модда. Исбот қилиш

Исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар туғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатдир.

Жиноят иши бўйича муҳим деб ҳисобланган ҳар бир ҳолат тўла, ҳар томонлама, ҳолисона текширилиши лозим. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳақиқатни аниқлашдир. Ҳақиқатни аниқлаш исботлаш жараёни асосида амалга оширилади. Исботлаш жараёни далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат.

86-модда. Исбот қилиш иштирокчилари

Исбот қилишни суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд амалга оширади.

Исбот қилишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Исбот қилишда иштирок этишга гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, холислар, шунингдек, бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар жалб этилади. Улар ушбу Кодексда белгиланган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ ҳуқуқларни амалга оширадilar ҳамда мажбуриятларни бажарадилар.

1. Жиноят процессида исбот қилиш иштирокчиларини уч гуруҳга бўлиш мумкин:

а) исбот қилишни амалга оширувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар;

б) исбот қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар;

в) исбот қилишга жалб этиладиган шахслар.

Исбот қилиш мажбурияти махсус ваколатга эга бўлган мансабдор шахсларга юклатилган бўлиб, буларга суриштирувчи,

терговчи, прокурор ва суд тегишлидир. Бошқа бирор орган ёки мансабдор шахсга бундай ваколат берилган эмас.

2. Исбот қилишда иштирок этиш ҳуқуқи жинойт ишидан манфаатдор бўлган иштирокчиларга берилган. Буларга гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари киришиш мумкин.

3. Исбот қилишда иштирок этиб, унда жалб этиладиган шахслар сифатида гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, холислар ва бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар жалб этилади. Бу иштирокчилар далилларни топиш, тўплаш, текшириш, процессуал мустаҳкамлаш ва баҳолаш билан боғлиқ ҳуқуқларни амалга оширадилар ва мажбуриятларни бажарадилар.

87-модда. Далиллар тўплаш

Далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш йўли билан тўпланади.

Ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўплашга ҳақли.

Ҳимоячининг ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ тўпланган материалларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги

илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан албатта қаноатлантирилиши керак.

1. Жиноят иши юзасидан исбот қилиниши лозим бўлган ҳар бир ҳолат фақат рад қилиб бўлмайдиган далилларга асосланиши керак. Далиллар эса тергов ҳаракатлари натижасида тўпланади. Ушбу нормада тергов ҳаракатларининг турлари белгиланган. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд қонунда белгиланган тартибда ва усулда тергов ҳаракатларини ўтказиш билан далиллар тўплашга эришадилар.

2. Бу моддада ўн тўртта тергов ҳаракати кўрсатилган бўлиб, уни шартли равишда қуйидагиларга ажратиш мумкин:

а) сўроқ қилиш натижасида тўпланадиган маълумотлар, яъни гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, жабрланувчини, экспертни, гувоҳни сўроқ қилиш;

б) далилларни тўплаш мақсадида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари. Бунга олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; экспертиза ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш, тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш киради.

в) далилларни текшириш мақсадида ўтказиладиган тергов ҳаракатларига: юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; эксперимент ўтказиш киради. Далилларни текшириш тергов ҳаракатлари далилларни топиш мақсадида ўтказилган тергов ҳаракатларининг ҳужжатларига асосланади.

3. Ушбу моддага кўра ҳимоячига далил тўплаш ҳуқуқи берилмоқда. Ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни қуйидагича тўплайди:

1) ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш;

2) давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш;

4. Ҳимоячининг тўпланган материалларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан албатта қаноатлантирилиши керак.

88-модда. Исбот қилиш жараёнида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кўриқлаш

Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида фуқароларнинг, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўриқлаш таъминланиши керак.

Исбот қилишда қуйидагилар тақиқланади:

1) шахсларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавfli бўлган ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этиши;

2) зўрлик, пўписа қилиш, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар билан кўрсатув, тушунтириш, хулосалар олишга, экспериментал ҳаракатларни бажаришга, ҳужжатлар ёки буюмлар тайёрланишига ва берилишига эришиши;

3) тунги вақтда, яъни кеч соат 22-00 дан эрталаб соат 6-00 гача тергов ҳаракатлари олиб бориш. Тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш, жиноят изи йўқолишига ёки гумон қилинувчининг қочиб кетишига йўл қўймаслик, эксперимент жараёнида текширилаётган ҳодисанинг ҳолатини қайтадан тиклаш зарурати бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Тергов ёки суд ҳаракатлари билан боғлиқ ишларни бажараётганда, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва ишда мутахассис ёки эксперт сифатида иштирок этаётган шифокорлардан бошқа шахсларнинг ўзга жинсдаги шахсни ялангоч қилиб ечинтириш чоғида ҳозир бўлишлари тақиқланади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья тергов ва суд муҳокамаси жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва бошқаларнинг шахсий ҳаётига доир аниқланган маълумотларни ошкор қилмаслик чоратадбирларини кўриши шарт. Бунинг учун шундай маълумотлар аниқланиши мумкин бўлган тергов ёки суд ҳара-

катлари олиб борилаётганда иштирок этадиган шахслар доираси чекланади, иштирокчилар эса уларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади.

Тергов ёки суд ҳаракатлари жараёнида олиб қўйиладиган нарсалар ва ҳужжатлар тегишли баённомаларда аниқ кўрсатилиши керак. Шу билан бирга нарса ёки ҳужжат эгасига баённома нусхаси ёки унинг кўчирмаси топширилиб, тилхат олинади. Ишга алоқаси бўлмаган нарса ва ҳужжатлар қонуний эгасига дарҳол қайтарилиши керак. Фуқаролар сақлаши тақиқланган нарса ва ҳужжатлар йўқ қилиниши ёхуд уларни сақлашга ваколати бўлган ва уларни тасарруф этадиган муассасалар ёки ташкилотларга берилиши лозим.

1. Жиноят процессида ҳақиқатни аниқлаш ва жиноят иши юзасидан зарур бўлган ҳолатларни тўла, ҳар томонлама ва холисона исботлаш учун ўтказиладиган тергов ҳаракатлари у ёки бу даражада фуқароларнинг, шунингдек, корхона муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказиши мумкин. Ушбу моддада қандай ҳаракатларни қилиш тақиқланганлиги баён этилган.

2. Исбот қилиш процессида қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланади:

1) шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш;

2) зўрлик, пўписа қилиш, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар билан кўрсатув, тушунтириш, хулосалар олишга, экспериментал ҳаракатларни бажаришга, ҳужжатлар ёки буюмлар тайёрланишига ва берилишига эришиш;

3) тунги вақтда, яъни кеч соат 22-00 дан эрталаб соат 6-00 гача тергов ҳаракатлари олиб бориш, тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш, жиноят изи йўқолишига ёки гумон қилинувчининг қочиб кетишига йўл қўймаслик, эксперимент жараёнида текширилаётган ҳодисанинг ҳолатини қайтадан тиклаш зарурати бўлган ҳоллар бундан мустасно.

3. Тергов ҳаракатлари шахснинг ор-номусига, ҳаётига, соғлиғига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолларда, жумладан, шахс яланғоч ҳолда гувоҳлантирилиши лозим бўлса, мутахассис ва эксперт сифатида иштирок этаётган шифокорлардан

ташқари бошқа жинсдаги шахсларнинг тергов ҳаракатида иштирок этиши тақиқланади.

4. Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамасида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг шахсий ҳаётига ёки гадбиркорлик фаолиятига тегишли маълумотлар сир сақланиши лозим. Бунинг учун, биринчидан, ушбу масала билан боғлиқ айнан ушбу ҳолатга таалукли шахслар иштироки таъминланиши зарур, иккинчидан улар сирни ошкор қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиб, тилхат олинади.

5. Тергов ҳаракатлари ёки суд ҳаракатлари ўтказишда жиноятга алоқадор ашёвий далиллар ҳужжатлар ёки алоқадор бўлмаса ҳам сақлаш тақиқланган нарса ва буюмлар, масалан, ўк отар қуроллар, наркотик моддалар ва х.к. топилиши мумкин Бундай ҳолда олиб кетиладиган нарсалар албатта баённомага киритилиши ва баённома нусхаси нарса ва ҳужжатнинг эгасига топширилиши керак. Бу ҳақда ундан тилхат олинади. Агар олинган нарса ва ҳужжатлар ишга алоқадор эмас деб топилса, эгасига қайтарилади ҳамда тегишли равишда расмийлаштирилади. Фуқаролар томонидан сақланиши ман этилган нарса ҳужжатлар эса йўқ қилинади ёки ваколати бўлган мансабдор шахсларга, корхона, муассаса ёки ташкилотларга топширилади. Бу ҳақда жиноят иши материалига маълумотнома қўшиб қўйилади.

89-модда. Давлат сирларини қўриқлаш

Давлат сирлари бўлган ҳужжатлар ёки нарсаларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ва унга доир бошқа ҳаракатлар фақат суриштирувчи ёки терговчининг прокурор санкция берган қарорига биноан ёхуд суд ажримига кўра амалга оширилиши мумкин.

Прокурор ёки суд мажлисида раислик қилувчи бундай ҳаракатларни ўтказиш вақти, жойи ва бошқа шартларини шу ҳужжатлар ёки нарсаларни сақлаш учун жавобгар бўлган корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари билан келишиб олади.

Бундай ҳаракатларни юритишда эксперт, мутахассис, ҳолис сифатида фақат давлат сирлари бўлган ҳужжатлар

ва нарсалар билан танишишга рухсат берилган шахслар иштирок этадилар.

1. Жиноят иши бўйича давлат сирларини ўзида акс эттирган нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ва бошқа ҳаракатларни ўтказиш зарурияти тугилса, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг розилиги олинган қарор, суд эса ажрим чиқариш билан амалга ошириши мумкин.

2. Бу тергов ҳаракатларини амалга оширишдан олдин тегишли равишда прокурор ва суд нарса ва ҳужжатлар сақланадиган жой раҳбарлари билан тергов ҳаракатини ўтказиш вақти жойи ва бошқа шартларни келишиб олади.

3. Давлат сири билан боғлиқ бўлган нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш иштирокчилари, жумладан холислар, эксперт ва мутахассислар фақат давлат сирлари билан танишишга рухсат берилган шахслардан иборат бўлиши керак.

90-модда. Далилларни баённомада қайд этиш

Маълумотлар ва нарсалардан, улар тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилганидан кейингина далил сифатида фойдаланиш мумкин.

Баённомалар юритиш учун масъулият суриштирув ва дастлабки тергов босқичида суриштирувчи ва терговчи, судда эса, раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби зиммасига юклатилади.

Баённомаларга:

тергов ёки суд ҳаракатининг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар, бу шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгани;

тергов ёки суд ҳаракатининг ўтказилиш жойи ва вақти, шарт-шароитлари, жараёни ва натижалари, бунда топилган моддий объектлар тавсифи ва уларнинг иш учун аҳамиятли бўлган белгилари;

тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси иштирокчилари тасдиқлашни сураган фактлар;

уларнинг юз бераётган ҳодиса сабаблари хусусидаги кўрсатувлари, тушунтиришлари, мулоҳазалари;

улар томонидан берилган илтимосномалар, шикоятлар, рад этишлар;

тергов ҳаракатини олиб бориш ёки суд муҳокамаси жараёнидаги тартиббузарлик ҳоллари, шунингдек, бу тартиббузарликларни бартараф этиш ва олдини олиш учун кўрилган чора-тадбирлар киритилади.

1. Факт ҳақидаги маълумотнинг далил кучига эга бўлиш шартларидан бири – унинг мақбуллигини таъминлаш учун тегишли равишда расмийлаштирилишидир. Шундан кейингина у далил сифатида фойдаланилади.

2. Тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ҳам далил кучига эга. Уларни сифатли, мазмунли ва саводли ёзиш шарт. Баённомани юритиш масъулияти суриштирувчи, терговчига, суд муҳокамаси баённомаси эса, – раислик қиладиган судья ва суд мажлиси котибига юклатилган.

3. Баённомаларга:

1) қандай тергов ҳаракати амалга оширилаётганлиги;

2) кимнинг ваколатига мансублиги;

3) тергов ва суд ҳаракатининг иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги;

4) тергов ҳаракати ўтказилган жой, вақти, шарт-шароитлари, жараёни, натижалари, топилган моддий объектлар, уларнинг умумий тавсифи, иш учун аҳамиятли бўлган белгилари;

5) тергов ҳаракати ва суд муҳокамаси иштирокчилари гасдиқлашни сўраган фактлар;

6) уларнинг юз бераётган ҳодиса сабаблари хусусидаги кўрсатувлари, илтимослари, тушунтиришлари, мулоҳазалари, шикоятлари, рад этишлари;

7) тергов ҳаракати ва суд муҳокамаси олиб бориш жараёнида тартиббузарликка йўл қўйилганлиги, уларни бартараф қилиш ёки олдини олиш учун кўрилган чора-тадбирлар ва х.з.лар киритилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг” Далиллар мақбуллигига оид жиноят процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2004 йил 24 сентябрдаги 12-сонли қарорида далилларни қайд этишга қўйилган талаблар баён қилинган.

Қуйидаги ҳолларда далилларни қайд этишнинг процессуал формаси бузилган ҳисобланади:

– тергов ва суд ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга оид маълумотлар йўқлиги;

– тергов ва суд ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тушунтирилмаганлиги;

– тергов ва суд бошланган ҳамда тугалланган вақтнинг кўрсатилмаганлиги;

– ЖПК 90-93-моддаларида назарда тутилган бошқа талабларнинг бажарилмаганлиги.

91-модда. Далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллар. Баённомага иловалар

Далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режасалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланилиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, суд далилларни мустаҳкамлашнинг бу усуллари қўлланишга қўмаклашиш учун мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи, суд томонидан далилларни қайд этишнинг қандай усуллари қўллангани, фойдаланилган аппаратлар, асбоблар, ускуналар, материалларнинг техникавий тавсифи келтирилиб, тегишлича тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилади.

Тергов ёки суд ҳаракатининг бориши ва натижалари акс эттирилган фотосуратлар, фонограммалар, видеоёзувлар, кинотасвирлар, қолиплар, нусхалар, режасалар, схемалар ва бошқалар баённомага илова қилинади. Ҳар қайси иловада тергов ёки суд ҳаракатининг номи, ўтказилган жойи, санаси кўрсатилган изоҳловчи матн бўлиши лозим. Бу изоҳловчи матнни суриштирув ва дастлабки тергов босқичида суриштирувчи ёки терговчи ва холислар, судда эса, раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби ўз имзолари билан тасдиқлайдилар.

1. Жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳар бир ҳолат бўйича рад қилиб бўлмайдиган далилларни тўплаш, баҳолашдан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, тергов ҳаракатлари ва

суд мажлиси баённомаларига факт ҳақидаги маълумотларни қайд этиш билан бирга албатта овоз ёзиш, кинотасвир, видеоёзув, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усулларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Суриштирувчи, терговчи, суд бу усулларни тегишли равишда қўллаш учун мутахассисларни жалб қилиш ҳамда уларнинг хизматларидан фойдаланиши лозим.

2. Суриштирувчи, терговчи тергов ҳаракатлари ва суд баённомаларида далилларни қайд этишнинг қандай усулларни қўлланилганлиги, қандай аппаратлардан, асбоб, ускуналардан, материаллардан фойдаланганлиги, уларнинг техник тавсифи нималардан иборатлигини акс эттириши керак.

3. Амалга оширилган тергов ва суд ҳаракатларининг қандай олиб борилганлиги ҳамда унинг натижаларини ўзида акс эттирган фотосуратлар, фонограммалар, видеоёзувлар, кинотасвирлар, қолиплар, нусхалар, режалар, схемалар ва бошқалар баённомага илова қилинади.

Ҳар бир иловага ўтказилган тергов ёки суд ҳаракатининг номи, жойи, вақти, санаси, кўрсатилади ва уни изоҳловчи матн баён қилинади. Бу матнни дастлабки терговда суриштирувчи, терговчи, судда эса суд мажлисида раислик қилувчи судья ва суд котиби ўз имзолари билан тасдиқлашлари керак.

92-модда. Далилларни қайд этишнинг тўғрилигини тасдиқлаш

Тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг, шунингдек, суд муҳокамасидаги тарафларнинг бу ҳаракатлар ажраёни ва натижалари акс эттирилган баённома билан танишиши, худди шунингдек, баённомага қўшимча ва тузатишлар киритиши ҳуқуқлари таъминланиши керак.

Суриштирувчи ёки терговчи тергов ҳаракатлари тамом бўлиши биланоқ бу ҳаракат иштирокчиларига баённомани ўқиб чиқишга имкон беради ёхуд илтимосларига кўра уларга ўқиб беради. Шундай тартибда раислик қилувчи ёки унинг топширигига биноан суд мажлиси котиби суд залидан ташқарида баъжарилган суд ҳаракати иштирокчиларини, шунингдек, тарафларни суд мажлиси баённомасидаги ушбу суд ҳаракатига тааллуқли ёзувлар билан таништиради.

Оғзаки билдирилган қўшимчалар, тузатишлар, фикр-мулоҳазалар, эътирозлар, илтимослар ва шикоятлар баённомага киритилади, ёзма равишда ифода этилганлари эса баённомага илова қилинади. Ўчиришлар ёки киритилган қўшимча сўзлар ёхуд бошқа тузатишлар хусусида баённома охиридаги имзолар олдидан изоҳот берилади.

Тергов ҳаракати баённомаси билан таништирилган шахслар баённоманинг ҳар бир саҳифаси остига ва унинг охирига имзо чекадилар.

1. Ўтказилган тергов ҳаракати иштирокчилари ва суд муҳокамасининг тарафлари бу ҳаракатнинг қай тарзда амалга оширилганлиги ва қандай натижага эришилганлиги қайд этилган баённома билан танишиш, унга қўшимча, ўзгартиш ва тузатишлар киритишга ҳақлидир. Тергов ҳаракатини амалга оширишга масъул бўлган мансабдор шахс эса уларни бу ҳуқуқларини таъминлаши шарт. Zero, ҳар бир ўтказилган тергов ҳаракати устидан манфаатдор иштирокчиларнинг шикоят қилишга ҳақли эканликлари ҳисобга олинса, бу суриштирувчи, терговчи ва судга улар фаолиятини тўғрилигини тасдиқловчи қўшимча кафолат ҳисобланади.

2. Суриштирувчи, терговчи тергов ҳаракати тамом бўлиши билан унинг мазмун-моҳияти, процессуал тартиби, эришилган натижалар акс этирилган баённомани ўзи ўқиб бериши ёки иштирокчиларнинг ўзига у билан танишиш имкониятини яратиши керак. Суд мажлиси залидан ташқарида ўтказилган тергов ҳаракатининг баённомаси раислик қилувчининг руҳсати билан суд мажлиси котиби томонидан суд ҳаракати иштирокчиларига ҳамда тарафларга таништирилади.

3. Баённома билан танишган иштирокчилар оғзаки ёки ёзма тарзда қўшимчалар, тузатишлар, фикр-мулоҳазалар, эътирозлар, илтимослар ва шикоятлар қилишлари мумкин. Юқорида қайд қилинган масалаларнинг оғзаки шакли баённомага киритилади, ёзма шакли баённомага илова қилинади. Баённомага киритилган қўшимча сўзлар ва ўзгартишлар хусусида уни имзолашдан олдин изоҳ берилиши керак.

4. Тергов ҳаракати баённомаси билан танишиб, унинг тўғрилигига амин бўлган иштирокчилар ўз розилиklarини тасдиғи сифатида уни имзолайдилар. Баённоманинг ҳар бир саҳифаси-

нинг остига ва охирига имзо чекилади. Бу ҳаракат орқали баённоманинг бошқа саҳифаларини кейинчалик ўзгартирилишини ёки алмаштирилишини олдини олишга эришилади.

93-модда. Баённомага имзо чекишдан бош тортиш ёки имзо чека олмаслик ҳолларини тасдиқлаш

Суриштирувчи ёки терговчи процесс иштирокчиларидан биронтасининг ёки бошқа шахсларнинг ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда тергов ҳаракатлари баённомасига имзо чекишдан бош тортганлиги тўғрисида баённомага ёзиб қўйиб, уни ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Юқорида назарда тутилган ҳолларда суд мажлиси баённомасининг суд ҳаракатлари тўғрисидаги ёзувларини имзолашдан бош тортилганлиги ҳақида шу баённомага ёзилади ҳамда уни раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби ўз имзоси билан тасдиқлайдилар.

Баённомага имзо чекишдан бош тортган шахс бош тортиш сабабини тушунтиришга ҳақли. Бу тушунтириш баённомага киритилиши лозим.

Тергов ёки суд ҳаракати иштирокчиси ўзининг жисмоний нуқсони туфайли баённомани ўқиб, имзолай олмаса, баённомани унинг розилиги билан ҳимоячи, вакил ёки мазкур шахс ишонадиган бошқа фуқаро ўқиб беради ва имзо чекади. Бу ҳақда баённомага ёзиб қўйилади.

1. Тергов ҳаракати баённомасига процесс иштирокчилари ва бошқа шахслар икки ҳолатда имзо чекмасликлари мумкин. Биринчи ҳолатда – ўтказилган ва расмийлаштирилган тергов ҳаракатидан норози эканликларини изхор қилиб ёки атайин имзо чекишдан бош тортганларида. Иккинчи ҳолатда – имзо чекиш имкониятлари бўлмаганда.

Тергов ҳаракати баённомасига атайин имзо чекишдан бош тортиш ўз мажбуриятини бажармаслик ҳисобланади. Бундай ҳолда суриштирувчи, терговчи баённомага ушбу ҳолатни қайд қилади ва ўз имзоси билан уни тасдиқлайди.

2. Суд муҳокамасида шундай ҳолат юз берса, суд мажлиси баённомасига бу ҳақда қайд қилиниб, раислик қилувчи имзо чекади ва суд мажлиси котиби ўз имзоси билан уни тасдиқлайди.

3. Ушбу қонуннинг мазмунидан фақат манфаатдор иштирокчилар эмас балки, тергов ҳаракатини амалга оширишда иштирок этган барча шахслар назарда тутилган. Дастлабки терговда суриштирувчи, терговчи, суд муҳокамасида раислик қилувчи судья имзо чекишдан бош тортиш сабабини аниқлашлари, ўз ўрнида процесс иштирокчиси ҳам имзо чекишдан бош тортиш сабабини тушунтириши лозим. Ўртадаги келишмовчиликни бартараф қилишнинг иложи бўлмаганда бу ҳақда баённомага тушунтириш киритилиши сўнгра юқорида қайд қилинган тартибда имзоланиши керак.

4. Агар процесс иштирокчиси ўзининг жисмоний камчилиги туфайли баённомани ўқиб, имзо чека олмаса, унинг розилиги билан ҳимоячи, вакил ёки унинг ишонган кишиси баённомани ўқиб беради ва имзо чекади. Бу ҳолат албатта баённомага қайд қилиб қўйилади.

94-модда. Далилларни текшириш

Иш бўйича қабул қилинадиган қарор синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текширилган далилларгагина асосланган бўлиши лозим. Текширув қўшимча далилларни тўплашдан иборат бўлиб, улар текшириляётган далилларни тасдиқлаши ёки рад этиши мумкин.

1. Суриштирувчи, терговчи ва суднинг ҳар бир қабул қиладиган қарори қонуний, асослантирилган ва адолатли бўлиши керак. Бунга фақат исботлаш орқали эришиш мумкин. Исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар тўла, ҳар томонлама, ҳолисона, синчковлик билан текширилган далилларга асосланиши керак:

а) тўла текшириш деганда жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни исботлаш учун етарли далилларни тўплаш тушунилади;

б) ҳар томонлама текшириш айбланувчининг айбини ҳам оғирлаштирадиган, ҳам енгиллаштирадиган далилларни тўплашни назарда тутлади;

в) ҳолисона текшириш суриштирувчи, терговчи ишнинг натижасидан манфаатдор бўлмаслиги, ҳалоллиги ва поклигини назарда тутлади.

г) синчковлик деганда, аввало масъуллик, эътиборлилик, ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий онгни тушуниш керак.

Суриштирувчи, терговчи ва суд тўпланган далилларни ва ички ишонч ҳосил қилиш учун қўшимча далилларни топишга ҳаракат қилиши керак. Бу далиллар текширилаётган далилларни тасдиқласа ёки рад этса ҳам муҳим ҳисобланади.

95-модда. Далилларга баҳо бериш

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади.

Далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ушбу Кодекснинг 88, 90, 92 - 94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади.

Текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланади.

Исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади.

1. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят иши бўйича тўпланган, текширилган ва қонунда белгиланган тартиб ва усулда расмийлаштирилган далилларга қонун, ички ишончи ҳамда ҳуқуқий онгига таяниб баҳо беради. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилигига кўра баҳоланади.

2. Далилни ишга алоқадорлиги, яъни дахлдорлиги деганда, исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг бирон-бир жиҳатини,

фактлар ва нарсалар тўғрисидаги маълумотни тасдиқлаши, рад этиши ёки шубҳа остига қўйиши жиҳатидан аҳамияти тушунилади.

Далилнинг иш учун аҳамиятли бўлиши катъи хулосалар чиқаришда, бир тўхтамга келишда муҳим ҳисобланади. Ишга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган маълумот далил деб эътироф этилмайди ва юридик кучга эга бўлмайди.

3. Далилни мақбул дейиш учун у қонунда белгиланган тартибда ва усулда олинган ва процессуал расмийлаштирилган бўлиши керак.

Бунинг учун:

1) далилларни қайд этишнинг тўғрилигини тасдиқлаш механизмига риоя қилиш. Жумладан, далилларни баённомада қайд этиш лозим;

2) баённомани имзолаш шартларини бажариш;

3) тўпланган далилларни текшириш чораларини кўриш лозим.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 12-сонли қарорида номақбул далил деб эътироф этишнинг шартлари кўрсатилган.

Текшириш натижасида ҳақиқатни очилишига хизмат қилган далиллар ишончли далиллар дейилади. Ишончли далиллар бутун бир тизимни ташкил этиши керак. Ҳар бир исботланиши лозим ҳолат айнан ишончли, яъни рад қилиб бўлмайдиган далиллар билан асослантирилиши лозим. Ишончли далиллар бир бирини тўлдиради ва ҳақиқатни мустақкамлайди. Бундай далилларни жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади.

5. Қонун бузилиши оқибатида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан олинган далил номақбул деб топилади.

Далилни номақбул деб топиш масаласи гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар томонидан ҳам қўйилиши мумкин.

Исбот қилиш жараёнида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кўриқланиши керак.

Суд далилни номақбул деб топганда, уни далиллар мажмуидан чиқариш тўғрисида асослантирилган қарор қабул қилади.

96-модда. Сўроқ қилиш жойи

Суриштирувчи ёки терговчи гувоҳни, жабрланувчини, гумон қилинувчини ва айбланувчини суриштирув, дастлабки тергов ўтказиладиган жойда ёки сўроқ қилинувчи қаерда бўлса, ўша жойда, суд эса суд муҳокамаси юритилаётган жойда сўроқ қилади.

1. Сўроқ қилишнинг умумий қоидалари – бу ҳар бир процесс иштирокчисини сўроқ қилишда риоя қилинадиган процессуал нормалар. Сўроқ қилиш – процессуал тартибда бирор-бир шахсдан савољ жавоб орқали кўрсатувлар олиш ва уларни процессуал ҳужжатда тўғри акс эттиришдан иборат тергов ҳаракатидир.

2. Шахсни сўроқ қилиш жойи тўғрисида сўроқ қилиш баённомасида кўрсатилиши лозим.

3. Одатда сўроқ қилиш жойи бу терговчининг хонаси ҳисобланади. Жиноят иши бўйича шахс унинг ўқиш, ишлаш ёки гузар жойида ёхуд тергов органига чақирилиб сўроқ қилиниши ҳам мумкин. Вазиятни инобатга олиб, сўроқ қилинадиган шахс қаерда бўлса, ўша жойда сўроқ қилинади.

4. Шахснинг ўқиш, ишлаш ёки гузар жойи бўйича сўроқ қилиш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади: а) сўроқ қилинаётган гувоҳлардан бир нечаси бир жойда яшаётган ёки айнан бир жойда ўқиётган ёки ишлаётган бўлсалар; б) оилавий ва бошқа ҳолатларга кўра, шахснинг тергов органига етиб келишга имкони бўлмаса; в) шахс касаллиги туфайли сўроққа кела олмаса, сўроқни кейинга қолдириш эса салбий ҳолатларга олиб келадиган бўлса.

5. Кечиктириб бўлмайдиган сабабларга кўра, сўроқ бошқа тергов ҳаракатини ўтказиш жойида ҳам ўтказилиши мумкин (масалан, воқеа жойини кўздан кечириш ёки тинтув пайтида). Агар шахс жиноят содир бўлган жойда бўлган муҳим ҳолатларни эслашга қийналса, сўроқ, жиноят содир этилган жойда ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

6. Агар шахс узоқ жойда яшаса, сўроқ қилиш тўғрисидаги топшириқни терговчи ўша ҳудуддаги тергов органига юборишга ҳақлидир.

7. Зарурат туғилганда шахс вақтинча турган жойида, касалхонада, вокзалда, дам олиш жойида, кемада, самолётда сўроқ қилиниши ҳам мумкин.

8. Айнан бир иш бўйича чақирилган бир неча шахсларни бир бирининг хузурида сўроқ қилиш ман этилади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд иш бўйича чақирилган шахсларни ўзаро фикр алмашиш, мулоқотда бўлиш ҳолларининг олдини олиши ва бир-бири билан маслаҳат қилмаслигини таъминлаши керак.

9. Суд муҳокамаси пайтида сўроқ қилиш жойи суд мажлиси ўтказиладиган зал ҳисобланади.

97-модда. Сўроқ қилиш учун чақирув

Гувоҳ, жабрланувчи, шунингдек, озодликда юрган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга чақирув қогози билан чақирилади. Чақирув қогози почта орқали жўнатилади ёки чопар орқали топширилади. Чақирув телефонограмма, телеграмма, радиограмма билан ёки телефакс орқали ҳам бўлиши мумкин.

Чақирув қогозида шахс ким сифатида, қайси манзилга ва кимнинг хузурига чақирилайтганлиги, қайси кунда ва қайси соатга келиши кераклиги, шунингдек, узрсиз сабабларга кўра келмай қолган тақдирда қандай оқибатлар рўй бериши кўрсатилган бўлиши лозим.

Чақирув қогози чақирилувчига топширилиб, тилхат олинади. Чақирув қогози олиб борилганда чақирилувчи вақтинча йўқ бўлса, унга бериб қўйиш учун чақирув қогози у билан бирга яшовчи вояга етган ошпа аъзоларидан бирига, ётоқхона маъмуриятига, уй эгасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, тилхат олинади.

Тергов ҳибсхонасида, вақтинча қабул қилиш-тақсимилаш қабулхоналари, жазони ижро этиш ёки тарбия колонияларида сақланаётган шахслар шу муассасаларнинг маъмурияти орқали чақиртирилади.

1. Сўроқ қилиш учун чақирув ушбу тергов ҳаракатини амалга ошириш учун асос бўлганида амалга оширилади. Сўроқ

килиш учун асос тергов олдида турган масалаларни ҳал этиш учун шахе тегишли маълумотларга эгалиги ҳақида фикр ёки тусмолдир. Сўроқ, бунинг учун тегишли процессуал шароитларни яратишни тақозо қилади.

2. Шарҳланаётган моддада сўроқ қилиш учун чақиришнинг умумий тартиби белгиланган. Шахсни сўроқ қилиш учун одатда чақирув қоғози орқали чақирилади. Чақирув қоғози почта-телеграф орқали жўнатилади ёки чопар орқали топширилади. Чақирув қоғозини топшириш пайтида, қабул қилиб олган шахсдан вақти кўрсатилган ва имзоланган тилхат олинади. Чақирув телефонограмма, телеграмма, радиogramма билан ёки телефакс орқали ҳам бўлиши мумкин. Алоқа воситалари орқали юбориладиган чақирув қоғози расмий хабарнома шаклидаги ҳужжат ҳисобланади. Унда чақирув қоғозининг барча реквизитлари кўрсатилган бўлиши шарт.

3. Агар чақирув қоғозини сўроқ қилинадиган шахсга бевосита бериш имкони бўлмаса, хат ташувчи ёки чопар уни шу шахс билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларидан бирига ёки маҳалла бошқарувининг раиси ёки котибига, шунингдек, шахс ишлайдиган тегишли корхона, муассаса ёки ташкилотнинг раҳбариятига топширади ва вақти кўрсатилган тилхат олади.

4. Озодликдан маҳрум этилган маҳкум, қамокда сақланаётган айбланувчи, судланувчи ушбу муассасаларнинг маъмурияти орқали сўроққа чақирилади.

5. Чақирув қоғозида: шахснинг тўлиқ фамилияси, исми, отасининг исми, аниқ турар жойи, қайси тергов органига ким сифатида чақирилиши, қаерга, қайси кун ва қайси соатга чақирилгани, ким томонидан ва кимнинг хузурига чақирилгани кўрсатилиши лозим. Бундан ташқари чақирув қоғозида узрли сабабларсиз сўроққа келмаганлиги учун қандай оқибатлар рўй бериши ҳам кўрсатилиши керак.

6. Чақирув қоғозининг тилхат қисмида чақирилган шахс чақирув қоғозини қайси куни, соат нечада олгани, исми ва фамилиясини ёзиб, имзо қўйиши шарт. Бу ҳужжат шахс сўроққа чақирилганлиги тўғрисида бевосита далил сифатида тан олинади ҳамда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга иш материалларига қўшиб қўйиш учун юборилади.

7. Агар гувоҳ, жабрланувчи, озодликда юрган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи чақирув қоғозини олишдан бош

тортса, чопар ёки хат ташувчи чакирув қоғозига бу ҳақда тегишли ахборот ёзиб суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга топшириши мумкин. Бундай ахборот сўроққа келмаган шахсни мажбурий равишда олиб келиш учун асос бўла олади.

Ахборотда уни тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши ва унинг имзоси бўлиши керак. Вояга етмаганлар ота-онаси ёки қонуний вакили ёхуд улар тарбияланаётган болалар муассасасининг маъмурияти орқали чақирилади.

98-модда. Сўроқ қилинувчининг шахсини аниқлаш

Суриштирувчи, терговчи ва суд сўроқ қилиш олдидан сўроқ қилинувчидан унинг фамилияси, исми ва отасининг исмини, тузилган вақти (йили, ойи, куни) ва тузилган жойини, яшаш жойи ва иш жойини, мансаби, машғулот тури, маълумоти, оилавий аҳволини, судланганлиги ёки судланмаганлигини аниқлаши ҳамда бу маълумотларни жиноят ишидаги ёки сўроқ қилинувчининг шахсий ҳужжатларидаги маълумотлар билан солиштириб кўриши ёхуд сўроқ қилинувчи ўзини ким деб таништирган бўлса, айнан ўша шахс эканлигига бошқа йўллар билан ишонч ҳосил қилиши лозим.

1. Сўроқ қилинувчининг шахсини аниқлаш – сўроқ қилишнинг дастлабки энг муҳим жиҳатларидан бири. Суриштирувчи, терговчи ва суд сўроқ қилишдан олдин – сўроқ қилинувчи айнан ўша сўроқ қилиниши керак бўлган шахслигига аниқ ишонч ҳосил қилиши лозим.

2. Шарҳланаётган мазкур модданинг талабларига риоя қилмаслик сўроқ қилинувчининг шахси ким эканлиги тўғрисидаги масаланинг ечилмаганлиги ва шу юзасидан олинган маълумотлар манбаининг аниқланмаганлигига олиб келади. Бу ҳолда шахси аниқланмаган шахснинг кўрсатувларида мавжуд бўлган маълумотлар ўз ҳуқуқий кучини йўқотади ва далил сифатида тан олинмайди.

3. Моддада назарда тутилган ва аниқланиши лозим бўлган ҳолатлардан ташқари, баъзи жиноят ишлари бўйича, сўроқ қилинувчининг ҳуқуқий лаёқатлилиги, вояга етмаган болалари

ёки қарамоғида бўлган шахслар, оғир касаллиги бор-йўқлиги, психоневрологик ва наркологик диспансерлар ҳисобида туриш-турмаслиги каби маълумотлар ҳам аниқланиши лозим.

4. Қоида бўйича сўроқ қилинувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар сифатида фуқаролик паспорти ёки унинг шахсини тасдиқловчи ва шу шахснинг фотосурати бўлган тегишли давлат идораси томонидан берилган бошқа гувоҳнома тан олинади. Агар сўроқ қилинадиганнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаса, унинг кимлигини бошқа шахслар орқали ёхуд ички ишлар органларидаги маълумотлардан фойдаланиб аниқланади. Шу билан бирга агар шахснинг ёшини аниқлаш зарур бўлса тиббий экспертиза тайинланиши шарт.

99-модда. Сўроқ қилинувчининг қайси тилда кўрсатув бера олишини аниқлаш

Сўроқ қилинувчи иш юритилаётган тилни биладими, у қайси тилда кўрсатув бера олиши мумкин, деган саволлар туғилиб қолса, бу масала аниқланиши лозим. Ушбу Кодекснинг 71-моддасида назарда тутилган ҳолларда таржимон чақирилади ва у келгунча сўроқ қилиш тўхтатиб турилади.

1. ЖПКнинг 20-моддасига мувофиқ, жиноят ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади (20-моддага берилган шарҳга қаранг).

2. Шарҳланаётган модданинг талаби сўроқ қилинувчи шахсни иш юритилаётган тилни билиши ва унда кўрсатувлар бериш имкониятига эгаллигини аниқлаш вазифасини қўяди. Бу вазифанинг ечилганлиги бевосита сўроқ қилиш баённомасида акс этиши лозим. Сўроқ қилинувчи иш юритилаётган тилни билиши ва унда кўрсатувлар бериш қобилиятига эга экани тўғрисидаги ёзувга имзо қўяди. Агар бу талаб бажарилмай қолса, сўроқ қилинувчининг иш юритилаётган тилда берган кўрсатувлари шубҳа остига олиниши ва бундай кўрсатувлар ўз ҳуқуқий кучини йўқотиши мумкин.

3. Агар сўроқ қилинувчи иш юритилаётган тилни билмаса, унга ёрдам кўрсатиш учун таржимон чақирилиши шарт. Таржимон келганидан сўнг тўхтатилган сўроқни давом эттириш

мумкин бўлади. Иш юритувини олиб борадиган мансабдор шахенинг ўзи таржимонлик қилишига йўл қўйилмайди.

4. Таржимонга ЖПКнинг 72-моддасида қайд этилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши ва бу ҳақда у сўроқ баённомасига имзо қўйиши лозим.

5. Ушбу модда талаблари соқов ва карларга ҳам тааллуқли бўлиб, уларга сурдотаржимон таъминланиши шарт.

6. Сўроқ қилиш давомида сўроқ қилинувчига тақдим қилинадиган барча ҳужжатлар у билган тилда таржима қилиниши лозим.

100-модда. Ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтириш

Сўроқ қилинувчининг шахси аниқлангандан кейин унга ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушунтирилганлиги сўроқ баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

1. Ушбу модда талабларига кўра, сўроқ қилинувчининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари нимадан таркиб топганлигини сўроқ қилувчи томонидан тушунтирилиши талаб қилинади ва бу ҳақда баённомада акс эттирилиб, сўроқ қилинувчи томонидан имзо қўйилади.

2. Агарда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи сўроқ баённомасига имзо қўйишдан бош тортса, ЖПКнинг 93-моддасида белгиланган тартибда суриштирувчи, терговчи баённомага имзо қўйишдан бош тортганлиги тўғрисида баённомага ёзиб қўйиб, уни ўз имзоси билан тасдиқлайди.

101-модда. Ишнинг ҳолатлари тўғрисида эркин сўзлаб бериш

Сўроқ қилинувчига ишнинг унга маълум бўлган ҳолатлари тўғрисида сўзлаб бериш таклиф қилинмоғи лозим. Сўроқ қилинувчи эркин сўзлаб берганидан кейин унинг кўрсатувларини тулдириш ва аниқлашга қаратилган саволлар берилиши мумкин.

1. Сўроқ қилинадиган шахс ўз хоҳиши (ташаббуси) билан керакли маълумотларни сўзлаб бериши муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун сўроқ қилинувчига ишнинг ҳолатлари тўғрисида эркин сўзлаб бериш имкони берилади. Сўроқ қилинувчи ўз гашаббуси билан воқеликни сўзлаб берганидан кейин суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд савол бериши мумкин. Бироқ, эркин сўзлаб бериш жараёнида сўроқ қилинувчи ишга гааллуқли бўлмаган маълумотларни сўзласа, сўроқ қилувчи вақтни самарали тежаш мақсадида сўроқни тўхтатиб тегишли саволларга жавоб беришни талаб қилишга ҳақли.

2. Эркин сўзлаб бериш жараёнида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья сўроқ қилинувчининг заруратсиз гапини бўлмасдан эшитиб, агар шундай зарурат туғилса, ишнинг мазмунидан четга чиқмасдан у ёки бу ҳолларни аниқроқ сўзлаб беришни таклиф қилиши мумкин.

3. Гумон қилинувчига ўз кўрсатувларини эркин сўзлаб беришдан аввал қандай жиноят содир этишда гумон қилинаётганлигини эълон қилиб, бу тўғрида савол беради, шундан сўнг гумон қилинувчи ўз кўрсатувларини эркин сўзлаб беради.

4. Айбланувчининг кўрсатувларини эшитишдан аввал суриштирувчи, терговчи, прокурор унинг ўз айбига иқроқ бўлиши тўғрисидаги саволга жавоб олгандан сўнг, унга эълон қилинган айбнома бўйича кўрсатувларини эшитиши лозим.

102-модда. Ишора қилувчи саволлар беришга йўл қўйилмаслиги

Кутилаётган жавобга бевосита ёки билвосита йўналтириш мазмунидаги саволлар ишора қилувчи саволлар деб ҳисобланади. Ишора қилувчи саволлар бериш тақиқланади.

1. Ушбу модданинг мазмунига кўра, ишора қилувчи саволлар деб, сўроқ қилинувчига муайян жавобнинг мазмунини англаш хусусиятига эга бўлган ва бевосита ёки билвосита йўналтирувчи мазмундаги саволлар тушунилади. Сўроқ пайтида бу каби саволлар бериш ёхуд кутиладиган жавобга ишора қилиш ман этилади.

2. Сўроқ жараёнида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд берган саволлар сўзма-сўз баённомада акс эттирилиши лозим.

103-модда. Сўроқ қилинувчининг ҳужжатлар ва бошқа ёзувлардан фойдаланиши

Сўроқ қилинувчининг кўрсатувлари рақамлар ёки хотирада сақланиши қийин бошқа маълумотларга тааллуқли бўлса, у сўроқ жараёнида ўзидаги ёки ишга қўшиб қўйилган ҳужжатлардан ёхуд бошқа ёзувлардан фойдаланиши мумкин.

Сўроқ қилинувчига сўроқ қилиш жараёнида ўзидаги ҳужжатлар ва бошқа ёзувларни ўқиб эшиттиришга рухсат этилиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи ва суд сўроқ қилинувчидан сўроқ қилиш жараёнида у фойдаланаётган ҳужжатлар ва бошқа ёзувларни талаб қилиши, уларни кейин қайтариб бериши ёки ишга қўшиб қўйиши мумкин.

1. Ушбу модданинг биринчи қисмида сўроқ қилинувчига унинг хотирасида сақланиши қийин бўлган рақамлар, саналар, техник маълумотлар ва ҳ.к. лар билан боғлиқ бўлган ҳолларда ёзма ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

2. Сўроқ қилишдан олдин суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд сўроқ қилинувчининг бу ёзув ва рақамлари билан танишиб чиқиш ва улардан нусха олиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир сўроқ қилинувчи эса сўроқка чақиртирилганида аввалги сўроқ пайтида фойдаланилган ҳужжатлар ва бошқа ёзувларни сўроқка олиб келиши мумкин. Бунинг учун суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд сўроқ қилинувчи шахсларга бу ёзувлардан фойдаланиш учун шароитлар яратиб беришлари керак. Бирок, ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш – сўроқ қилинувчи сўроқ пайтида тайёр ўқиб бериши учун олдиндан тайёрлаб қўйилган (ишлаб чиқилган) матнга айланмаслиги керак. Агар зарурат туғилса, масалан суд жараёнида сўроқ қилинувчининг ёзувлардан фойдаланиши ишни ошқора кўрилиши ва далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш принципларини бузадиган бўлса, бу ёзувларни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд олиб қўяди ва бу ҳақда тегишли баённомага ёзув киритади.

3. Иккинчи қисмда белгиланган ҳолат, сўроқ қилинувчи ўзининг кўрсатувларига бевосита тааллуқли бўлган ва уларни тасдиқловчи ёзувларни ўқиб эшиттиришини назарда тутмоқда. Сўроқ қилиш – бу шахснинг ўзи оғзаки сўзлаб бериши орқали

маълумот олиш жараён бўлгани учун ёзувларни ўқиб эшиттириш фақат уларнинг кўрсатмаларини тасдиқлаш мақсадида рухсат берилади. Башарти суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ушбу ҳужжат ёки бошқа ёзувлар тақдим этилгандан сўнг, уларнинг мақбуллигига ёки ишга тааллуқлилигига шубҳа туғилса, улар иш материалларига қўшилмайди ва сўроқ қилинувчининг кўрсатмаларидан ушбу ёзма ҳужжатларга асосланган қисми ҳам ишга тааллуқли эмас деб чиқартириб ташланади.

4. Сўроқ қилиш жараёнида шахс берган кўрсатувга оид ҳужжатлар ёки бошқа ёзув ва рақамлар суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга тақдим этилади ва уларнинг (иш материалларига қўшиш ёки қўшмаслик тўғрисидаги) қарори билан улар иш материалларига тикиб қўйилади.

104-модда. Сўроқ қилинувчининг илгариги сўроқларда берган кўрсатувларини ўқиб эшиттириши

Сўроқ қилинувчининг илгариги сўроқда берган кўрсатувлари фақат унинг ҳозирги сўроқда берган кўрсатувларининг тинглиниб, қайд қилиниб, у имзо чекканидан кейин ва қўйидаги ҳолларда ўқиб эшиттирилиши мумкин:

1) ҳозирги ва илгариги сўроқларда берилган кўрсатувлар уртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлганда;

2) сўроқ қилинувчи судда кўрсатув беришдан бош тортганда;

3) иш сўроқ қилинувчининг иштирокисиз кўриб чиқилаётганда.

1. Сўроқ қилинувчининг илгариги сўроқларда берган кўрсатувларини ўқиб эшиттиришдан мақсади шахсни атайлаб нотўғри кўрсатувлар беришига чек қўйиш ёки хотирасидан кўтарилган фактларни унга эслатиш ёхуд кўрсатув беришдан бош тортганда, сўроқ қилинувчининг иштирокисиз ўтказилаётган тергов ҳаракати ёки суд муҳокамасида (агар бу шахс касал ёки вафот этган ҳолларда, ёки тергов ва суддан бош тортган вазиятларда) унинг кўрсатмаларидан фойдаланиш мақсадида ўтказилади.

2. Сўроқ қилинувчи шахсга илгариги берган кўрсатувларини ўқиб эшиттиришга ишни олиб борувчи, суриштирувчи, тергов-

чи, прокурор ва судья ҳақли. Айнан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья руҳсатиға асосан бу кўрсатувлар ўқиб эшиттирилиши мумкин.

3. Сўроқ қилинувчи шахс ҳозирги сўроқда берган кўрсатувларини ўқиб чиқиб, уларға яқунловчи имзо қўйгандан сўнг аввалги кўрсатувлари унга ўқиб эшиттирилиши мумкин. Акс ҳолда сўроқ қилинувчи ҳозирги сўроқда ҳам илгариги ахборотларни билдириш билан кифояланади. Бу қондани бузиш иш бўйича муҳим бўлган далилларнинг йўқолишиға имкон беради.

105-модда. Сўроқ қилинувчига нарсалар ва ҳужжатларни кўрсатиш

Сўроқ жараёнида суриштирувчи, терговчи ва суд, шунингдек, суд муҳокамасида тарафлар ишға қўшиб қўйилган ёки тарафлар ихтиёрида бўлган нарсалар ва ҳужжатларни сўроқ қилинувчига кўрсатишлари, шунингдек, бу ҳужжатларни ўқиб эшиттиришлари мумкин.

Сўроқ баённомасида ёки суд мажлиси баённомасида қайси нарса ёки ҳужжат кўрсатилганлиги, ҳужжат матнининг қайси қисми ва унинг ким томонидан ўқиб эшиттирилганлиги, нарса ёки ҳужжатни кўрсатиш вақтида қандай саволлар берилганлиги ва бунга жавобан сўроқ қилинувчи қандай кўрсатувлар берганлиги аниқ акс эттирилиши керак.

1. Сўроқ жараёнида нарсалар ва ҳужжатларни сўроқ қилинувчига кўрсатиш кўрсатувнинг мазмунини бойитиш ва аниқлаштириш, шунингдек, суд муҳокамасида ашёвий далиллар ёрдамида исботлаш мақсадида амалға оширилади. Мазкур модданинг мазмунига кўра, сўроқ қилинувчига нарса ва ҳужжатларни суриштирувчи, терговчи, суд ҳамда суд муҳокамасида тарафлар кўрсатиш ҳуқуқиға эға. Ушбу ҳаракатни таниб олиш учун кўрсатиш билан адаштирмаслик керак, чунки улар бир биридан тубан фарқ қилади ва улардан кўзланган мақсад ҳар хил.

2. Сўроқ қилувчи ҳужжатларни сўроқ қилинувчига қисман ёки тўлиқ равишда кўрсатиш ёки унинг мазмунини қисман ёки тўлиқ ўқиб эшиттиришға ҳақли. Бундан ташқари суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳужжат ёки ашёни кўрсатиш

чоғида сўроқ қилинувчи томонидан уни йўқ қилишга уриниш хавфини олдини олиш мақсадида унга ҳужжатнинг асл нусхасини эмас, балки кўчирма нусхаси ёки ашёнинг фототасвирини кўрсатиши лозим. Бу ҳақда баённомага тегишли ёзув қайд этилади.

3. Сўроқ баённомасида ва суд мажлиси баённомасида қандай ашё ёки ҳужжат тақдим этилганлиги, бу объектларнинг тулик ёки қисман кўрсатилганлиги, у ким томонидан ўқиб эшиттирилганлиги тула қайд этилиши лозим. Шу билан бирга кўрсатилган ҳужжат ёки ашё бўйича сўроқ қилинувчига қандай саволлар берилганлиги, ундан қандай жавоб олинганлиги баённомада тулик баён этилиши лозим, акс ҳолда ашё ёки ҳужжатни кўрсатиш тулик қайд этилмаган ва сўроқ қилинаётган шахснинг процессуал ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари чекланган деб ҳисобланади.

106-модда. Сўроқ жараёни ва натижаларини қайд қилиш

Сўроқ жараёни ва натижалари суриштирув ва дастлабки тергов босқичида сўроқ баённомасида, суд муҳокамасида эса суд мажлиси баённомасида қайд қилинади.

Сўроқ жараёнида баённома юритиш билан бир қаторда овозни ёзиб олиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш ҳам қўлланилиши мумкин.

Кўрсатувлар баённомага биринчи шахс номидан, имкон борича сўзма-сўз ёзиб борилади. Савол-жавоб сўроқ жараёнида қандай олиб борилган бўлса, шундай изчилликда қайд қилинади. Суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи томонидан четлатилган, шунингдек, сўроқ қилинувчи жавоб беришдан бош тортган саволлар ҳам баённомага киритилиши керак.

Баённомада бундан ташқари, сўроқ қилинувчи томонидан аввалги сўроқларда берилган кўрсатувларнинг ўқиб эшиттирилгани, кўрсатув бериш жараёнида сўроқ қилинувчининг ҳужжат ёки бошқа ёзувлардан фойдалангани, сўроқ қилинувчига сўроқ давомида нарса ва ҳужжатлар кўрсатилгани, сўроқ пайтида овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвирга олиш ўтказилгани қайд қилинади. Фонограмма, видеоёзув ва кинотасма баённомага илова қилинади.

Сўроқ тузганидан кейин баённома ўқиб чиқиш учун сўроқ қилинувчига кўрсатилади ёхуд унинг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи томонидан унга ўқиб берилади.

Сўроқ қилинувчи кўрсатувни ўз қўли билан ёзма равишда баён қилишга ҳақли. Ўз қўли билан ёзилган кўрсатув баён-номага илова қилиниб, бу ҳақда баённомага ёзиб қўйилади.

Сўроқ қилинувчи ёки тарафларнинг илтимосига кўра суд мажлисида баённомага имзо қўйилгунига қадар ёзилган овоз, видеоёзув ёки кинотасвир намойиш қилиниши мумкин. Улар билан баённома ўртасида жиддий тафовут бўлган ҳолларда, тафовут сабабини аниқлаш учун янгитдан сўроқ қилиниши мумкин.

Сўроқ қилинувчи баённомани ўқиб бўлгач, кўрсатувлари тўғри ёзилганлиги ва у билан танишганлигини имзо чекиб, тасдиқлайди. Имзо баённоманинг охирига қўйилади, башарти кўрсатувлар бир неча саҳифага ёзилган бўлса, ҳар қайси саҳифага алоҳида имзо чекилади.

Сўроқ қилишда таржимон қатнашаётган бўлса, у сўроқ қилинаётган шахснинг баённомадаги кўрсатувини унга озгаки таржима қилади, сўроқ қилинувчининг ўз қўли билан ёзиб берган кўрсатувларини эса, ёзма равишда таржима қилади. Таржимон кўрсатувлар ёзилган баённоманинг охирига ва ҳар бир саҳифасига алоҳида, шунингдек, сўроқ қилинувчининг ўз қўли билан ёзиб берган кўрсатувларининг таржимасига имзо чекади.

1. Сўроқ жараёни ва натижаларини қайд этиш муайян жиноят иши бўйича дастлабки терговни олиб борадиган суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд муҳокамасида эса, – суд котиби томонидан олиб борилади.

2. Сўроқни барча процессуал талабларга биноан тўғри амалга ошириш ҳамда унинг натижалари иш юзасидан далил тариқасида тан олинishi учун сўроқ қилувчи уни ўтказиш босқичларининг қуйидаги талабларига амал қилиши керак: а) сўроқ қилинувчига унинг сўроқ ҳаракатида мавжуд бўлган ҳуқуқ ва бурчларини ва унинг процессуал ролини тушунтириш; б) сўроқ қилинувчи шахснинг бевосита сўроқ ҳаракатида унинг ҳуқуқ ва бурчларининг амалга оширилишини таъминлаш; в) сўроқ жараёни ва натижаларини қайд этиш. Сўроқ ўтказишнинг

бирон бир босқичи ўз вақтида бажарилмай қолса, сўроқ қилинувчининг процессуал ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари чекланган ёки бузилган деган ҳулоса чиқаришга асос бўлади ва олинган кўрсатувлар далил тариқасида тан олинмайди.

3. Сўроқ жараёнида баённома билан бир қаторда овозни ёзиб олиш, видеоёзув ва кинога олиш ҳам қўлланилиши мумкин. Бу тўғрида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд баённомада тегишли овозни ёзиб олиш, видеоёзув ва кинога олиш воситаларининг техник жиҳатларини қайд этишлари лозим бўлади. Масалан, унинг тезлиги, овоз ёзиш қандай тасмага ёзилгани, тасманинг маркаси қайд этилиши керак. Бундан ташқари фонограммани сўроқдан кейин сўроқ қилинувчи қайтадан ишитгани ва фонограмма тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалари баённомада албатта қайд этилиши керак.

4. Овоз ёзиб олиш, видеоёзув ва кинога олиш воситаларини ишлатиш қуйидаги вазиятларда мақсадга мувофиқ: а) 14 ёшдан кичик бўлган болаларнинг кўрсатувларини қайд этишда; б) кўзи ожиз, саводи йўқ ёки саводи паст бўлган шахсларни, уларнинг кўрсатувлари баённомада қайд этилган бўлсада, ўқиб чиқишга имкониятлари бўлмаса ёки уларни ўқиб чиқиш учун кийиналсалар; в) таржимон орқали сўроқ қилинадиган шахсларнинг кўрсатувларини; г) келажакда суд мажлисида иштирок этишга имкони бўлмайдиган шахсларнинг кўрсатувларини; д) оғир жиноятларда айбланган айбланувчиларнинг кўрсатувларини қайд этишда; ж) шахс сўроқ пайтида ўзига нисбатан ноқонуний усуллар ва воситалар гуёки қўлланилган деб келажакда шикоят бериш эҳтимоли бўлса; з) ҳаёти хавф остида бўлган шахсларнинг кўрсатувларини қайд этишда, агар улар оғзаки маълумот бериб, ўз қўли билан ёзиш имкониятига эга бўлмасалар.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг хоҳиши бўйича ҳар қандай шахснинг кўрсатувлари вақтида овоз ёзиш, видео ва кино воситаларини ишлатиш ҳуқуқи берилган.

5. Сўроқ баённомасининг кириш қисмида қуйидагилар қайд этилиши керак: уни ким (унинг мансаби, лавозими, фамилияси, исми), қачон (сўроқнинг бошланиш ва яқунланиш вақти), қаерда сўроқ қилганлиги (аҳоли яшайдиган пунктнинг номи, терговчининг кабинети ёки бошқа хона), ким сифатида сўроқ қилганлиги (айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи, гувоҳ сифатида), қандай шахслар иштирокида сўроқ қилганлиги

(прокурор, тергов бўлимнинг бошлиғи, таржимон, педагог, вояга етмаганнинг қонуний вакили, ҳимоячи, уларнинг фамилиялари, исмлари, оталарининг исмлари зарур бўлса, турар-жойлари кўрсатилади). Сўроқ қилинувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган куни, ойи, йили ва жойи, миллати, маълумоти, қайси ўқув юрти ва қачон, қайси мутахассислик бўйича тамомлагани, иш жойи - корхона, муассаса, ташкилот ва давлат идорасининг тўлиқ номи ва бу шахснинг аниқ лавозими, иш телефони, турар жойининг аниқ манзили ва уй телефони, шунингдек, айбланувчи, гумон остидаги шахсга бўлган муносабати ва алоқалари (танишлиги, қариндошлиги, дўст, унга салбий муносабатлиги, ҳамқишлоғи, қўшниси, бир жойда ишлайдиган ҳамкасби ва ҳоказолар) қайд этилади. Айбланувчи ва гумон қилинувчининг фуқаролиги, оилавий аҳволи, муқаддам судланганлиги кўрсатилади. Заруриятга қараб айбланувчи ва гумон қилинувчи шахсларнинг сўроқ баённомаларида бошқа маълумотлар ҳам келтирилиши мумкин.

Экспертнинг сўроқ баённомасида қуйидагилар қайд этилиши лозим: унинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, ойи, куни; турар жойининг манзили; умумий ва махсус маълумоти; илмий унвони ва номзодлик даражаси; ишлаш жойи ва мансаби; илмий-тадқиқот ва эксперт сифатида иш стажи.

6. Баённомада таржимон, вояга етмаганнинг қонуний вакили иштирок этишига қараб уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилганлиги тўғрисида тегишли ёзувлар қайд этилиши керак.

7. Баённомада сўроқ қилинувчи кўрсатувларини ўз қўли билан қайд этиш ҳуқуқига эга. Шу сабабли унга ўзининг кўрсатувларини ўз тилида қайд этиб, ҳар қандай ибосиз ва одамнинг кадр-қимматини туширувчи сўзларсиз ифодаб бериш тавсия этилади.

Эркин сўзлаб бериш матнидан кейин тегишли саволлар ва уларга бўлган жавобларни қайд этиш зарур.

8. Овоз ёзиш воситаси сўроқда қўлланилган бўлса, сўроқ баённомасида фонограммани эшитилгани қайд этилади. Сўроқ қилиш жараёни тамом бўлгандан кейин ва магнит тасмасига ишга тааллуқли бўлмаган саволлар, киноялар ва мулоҳазалар ёзиб олинганига қарамай, уларни баённомада қайд этмаслик керак. Сўроқда овоз ёзиш воситаси қўлланилганлиги бўйича баённомада қуйидагилар қайд этилади: а) овоз ёзиш воситаси-

нинг қўлланилгани; б) қайси мутахассис томонидан овоз ёзиш носитаси қўлланилгани ва унинг маълумотлари (иш жойини, мансаби, лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми); в) баённомада сўроқ иштирокчилари овоз ёзиш воситаси ишлатилиши тўғрисида огоҳлантирилганлиги; г) овоз ёзиш воситасининг техник параметрлари (магнитофон ёки диктофоннинг маркаси, магнит тасманинг хили, унинг овоз ёзиш тезлиги); д) овоз ёзиш шароитлари; магнит тасмасига ёзилган ахборотнинг хусусиятларини баҳолаш учун тегишли маълумотларни (масалан, ташқи муҳитдан тасмага ёзилиб қолган шовкин-суронларни, уларнинг сабаби ва келиб чиқишини ва ҳ.к.); е) фонограммани сўроқ қатнашчиларига эшиттирилганлиги фактини белгилаш; сўроқ қатнашчиларига фонограммага тегишли қўшимча ёки ўзгартиришлар киритиш бўйича берилган саволга уларнинг жавобларини ҳам баённомада қайд этиш керак.

9. Баённомада сўроқ қилинувчи гувоҳ ва жабрланувчининг процессуал мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиши қайд этилади (117-моддага берилган шарҳга қаранг). Бундан ташқари сўроқ қилинувчи шахснинг саломатлик ҳолати ҳам қайд этилади. Вояга етмаган сўроқ қилинувчининг барча кўрсатувлари сўзма-сўз қайд этилади. Вояга етган шахснинг талаффузига ўхшатиб қайд этиш манъ этилади.

10. Сўроқ қилинувчи ўз баённомасини ўзи ўқийди ёки унинг хоҳиши бўйича баённома унга ўқиб берилади. Сўроқ қилинувчининг талаби бўйича баённомага тегишли ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилиши лозим.

11. Баённоманинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш мақсадида қуйидагилар амалга оширилади: а) агар сўроқ қилинувчи ўз кўрсатувларини ўз қўли билан қайд этган бўлса, баённомада бу факт қайд этилади ва сўроқ қилинувчи: "Баённомани ўз қўлим билан ёздим" ёки "менинг сўзим баённомада тўғри ва аниқ қайд қилинган" деб баённоманинг охирида уни тасдиқлаб, ўз имзосини қўяди; б) баённома сўроқни ўтказувчи, сўроқ қилинувчи ва шу тергов ҳаракатининг барча иштирокчилари томонидан имзоланиши керак (прокурор, тергов бўлимининг бошлиғи, тергов бригадасининг бошлиғи, ўқитувчи, қонуний вакил, ҳимоячи, таржимон ва бошқалар); в) агар баённомада бир неча варақда шахснинг сўроғи қайд этилган бўлса, у ҳолда баённоманинг ҳар

бир варағи сўроқ қилинувчи томонидан имзоланиши керак, имзо ҳар бир варақда бўлган матннинг энг охириги сатри тагига қўйилади; г) таржимон билан сўроқ қилинганда таржимон баённоманинг ҳар бир варағига, шунингдек, баённоманинг охирига ўз имзосини қўяди.

12. Агар сўроқ қилинувчи ўз имзосини қўйишдан бош тортса, терговчи бу фактни баённомада қайд этади ва шахс имзо чекишдан воз кечиш сабабларини айтса, унинг тушунтиришларини баённомада қайд этади. Агар сўроқ қилинувчи шахс баённомани имзолаш имкониятига эга бўлмаса, ишга алоқаси бўлмаган ҳар қандай вояга етган шахсни таклиф қилиб, сўроқ қилинувчининг розилигига асосан кўрсатувларни баённомада тўғри қайд этилганлигини тасдиқлаш ундан илтимос қилинади ва ушбу шахс унга кўрсатилган баённомага имзо қўяди.

13. Агар кўрсатувлар стенография усули билан қайд этилган бўлса, стенограммадан машинкада босилган матн илова қилиниши лозим.

14. Баённомага терговчи ўз қўли билан қўшимча ёзувлар киритиши мумкин. Баённомага имзо чекилганда терговчи баённомада гувоҳнинг илтимосига кўра, у кўрсатувларни ўз ташаббусига асосан ўзи қайд этганини кўрсатади.

107-модда. Сўроқнинг давом этиш вақти

Сўроқнинг умумий давом этиш вақти бир кунда саккиз соатдан ошмаслиги лозим. Дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган бир соат танаффус бу ҳисобга кирмайди.

1.

2. Моддада кўрсатилганидек, тергов ҳаракатлари эрталаб соат 6-00 дан кечкурун соат 22-00 гача давом этиши мумкин. Шунга кўра агар сўроқ қилиш соат 6-00 да бошланган бўлса, унинг муддати соат 14-00 дан ошмаслиги керак.

3. Сўроқнинг давом этиш вақтини атайлаб чўзиб, терговчининг вақтини асосиз равишда сарф қиладиган гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбдорнинг ҳаракатлари салбий таърифланади ва шундай ҳаракатларни овоз ёзиш, видео, кинога олиш воситаларига қайд этиш мумкин бўлиб, бу ҳолат ушбу шахсларга нисбатан суд мажлисида тегишли таъсир этиш чоралари қўллашга асос бўлади.

Қўшимча сўроқ қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

1) сўроқ қилинувчи ишнинг ўзига маълум бўлган барча ҳолатлари тўғрисида кўрсатув бера олиши учун ушбу Кодекснинг 107-моддасида назарда тутилган сўроқнинг умумий давом этиш вақти етарли бўлмаса;

2) сўроқ қилинган шахс илгари берган кўрсатувларини тўлдириш ёки ўзгартириш истагини билдирса;

3) айбланувчига янги ёки ўзгартирилган ёхуд қўшимча айблов эълон қилинса;

4) суриштирувчи ёки терговчи томонидан илгари сўроқ қилинган шахснинг кўрсатувлари тўғри ёзилганлигини прокурор қўшимча сўроқ қилиш йўли билан текшириб кўришни лозим топса;

5) суриштирувчи ёки бошқа терговчи томонидан илгари сўроқ қилинган шахснинг кўрсатувлари тўғри ёзилганлигини ишни юритиш учун қабул қилган терговчи қўшимча сўроқ қилиш йўли билан текшириб кўришни лозим топса;

6) илгари сўроқ қилинган шахсга берилиши керак бўлган иш учун муҳим янги саволлар тузилса;

7) шахс сўроқ қилинганидан кейин ишга киришган захирадаги халқ маслаҳатчиси ушбу шахсни янгитдан сўроқ қилишни талаб қилса.

1. Шарҳланаётган мазкур модданинг талаблари қўшимча сўроқ ўтказиш ҳоллари доирасини чегаралайди ва бу ҳоллар қўшимча сўроқ ўтказиш учун ягона асос бўлади.

2. Қўшимча сўроқ суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан сўроқ қилинувчи гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ва бошқа шахслардан жиноят иши бўйича олзаки маълумотлар олишдан иборат бўлиб, улар иш бўйича аҳамиятга эга ва баённомада қайд этилиши лозим.

3. Дастлабки сўроқдаги вақт жараёни, олинган маълумотларнинг ҳажми ёки мазмуни, берилган саволларнинг мазмун ва уларга олинган жавобларни текшириб кўриш талаб қилинса, қўшимча сўроқ ўтказишга тўғри келади.

4. Сўроқ қилинувчи шахснинг сўроғи саккиз соатдан ошадиган бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд сўроқ қилишни тўхтатади ва эртаси кuni давом эттиради. Бу тўғрида баённомада қуйидаги ёзув қайд этилади: «Сўроқ саккиз соатни

ташкил қилгани сабабли у тўхтатилди». Сўроқ қилинувчи шахс баённомада қўйидаги ёзувларни қайд этади: "Сўроқ баённомаси мен томонимдан тўлиқ равишда ўқиб чиқилди. Менинг сўзимдан тўғри ва аниқ ёзилган", кейин у ушбу ёзувнинг тагига ҳамда юқорида қайд этилган ёзувнинг тагига ўз имзосини қўяди ва терговчи баённомага: «Сўроқ қилдим - терговчи» деб имзо қўйиб, сўроқни кейинга қолдиради. Сўроқ бошқа кун давом эттирилади ва шу куннинг баённомасида қайд этилади.

5. Агар сўроқ қилинган шахс илгари берган кўрсатувларини тўлдириш ёки ўзгартириш истагини билдирса, сўроқ пайтида кўрсатувларини нима сабабларга кўра тўлдириши ёки ўзгартиришини аниқлаб, шу тўғрида баённомада қайд этиши зарур. Акс ҳолда қўшимча сўроқ ўтказиш сабаби муфассал равишда аниқланмай қолади.

6. Агар дастлабки тергов давомида айбланувчига эълон қилинган айбдан ташқари у томонидан содир қилинган янги жиноят ҳаракатлари аниқланса ёки қилинган жинояти тўғрисида янада тўлиқроқ маълумотлар, далиллар олинган бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор шунга асосан ушбу айбномани янгилаш, ўзгартириш ёхуд қўшимча киритиш мақсадида янги айб эълон қилади, яъни айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортиш тўғрисида янги қарор тузади, айбланувчини шу қарор билан таништириб, уни янгитдан сўроқ қилади. Ушбу сўроқдан аввал ҳам сўроқ қилинувчига унинг процессуал ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади.

7. Агар прокурор ёки терговчи илгари сўроқ қилинган шахснинг кўрсатувлари тўғри ва тўла ёзилганлигига шубҳа қилса, у ушбу сўроқ қилинган шахсни қўшимча сўроқ қилиш ҳуқуқига эга.

8. Жиноят ишини юритиш учун қабул қилган терговчи илгариги суриштирувчи ёки терговчи томонидан сўроқ қилинган шахснинг кўрсатувлари тўғри ёзилганлигини текшириш мақсадида бу шахсни қўшимча сўроқ қилиш ҳуқуқига эга.

Шахснинг кўрсатувлари нотўғри ёзилганлиги аниқланса, терговчи бунинг сабабларини текшириб, ҳақиқатни аниқлаши керак.

9. Агар сўроқ қилинувчи илгари нотўғри ёки ёлғон кўрсатувлар берган бўлса, суриштирувчи, терговчи ва прокурор ҳамда суд ушбу шахсни қўшимча сўроқ қилишга ҳақли ва ёлғон ёки нотўғри кўрсатувлар бериш сабабларини аниқлаши лозим.

11-БОБ. ГУМОН ҚИЛИНУВЧИНИ ВА АЙБЛАНУВЧИНИ СЎРОҚ ҚИЛИШ

109-модда. Гумон қилинувчини ва айбланувчини сўроқ қилиш тартиби

Гумон қилинувчини ва айбланувчини сўроқ қилиш ушбу Кодекснинг 96-108-моддаларида назарда тутилган умумий қоидаларга, шунингдек, ушбу бобнинг қуйидаги моддаларига риоя қилган ҳолда олиб борилади.

1. Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш ЖПКнинг 96-108-моддаларида белгиланган умумий қоидалар асосида олиб борилади. Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилишда, шунингдек, ЖПКнинг 11-бобида назарда тутилган, сўроқ қилишнинг махсус қоидаларига ҳам риоя қилинади.

2. ЖПКнинг 96-108-моддаларида барча шахсларни сўроқ қилишда сўроқ қилиш жойи, сўроқ қилиш учун чақирув, сўроқ қилинувчининг шахсини ва қайси тилда кўрсатув бера олишини аниқлаш, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, ишнинг ҳолатлари тўғрисида эркин сўзлаб бериш, ишора қилувчи саволлар беришга йўл қўйилмаслиги, сўроқ қилинувчининг ҳужжатлари ва бошқа ёзувларидан фойдаланиши, сўроқ қилинувчининг илгариги сўроқларда берган кўрсатувларини ўқиб эшиттириш, сўроқ қилинувчига нарсалар ва ҳужжатларни кўрсатиш, сўроқ жараёни ва натижаларини қайд қилиш, сўроқни давом этиш вақти ва қўшимча сўроқ тўғрисидаги қоидалар белгиланган.

3. ЖПКнинг 11-бобида фақат гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилишни тартибга солувчи сўроқ қилиш муддатлари, гумон қилинувчи ёки айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдинги ҳаракатлари, гумон қилинувчи ва айбланувчини кўрсатувларини баҳолаш, айбини бўйнига олиш тўғрисида арзга бағишланган қоидалар назарда тутилган.

110-модда. Сўроқ қилиш муддатлари

Суриштирув ва дастлабки тергов утказиш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи ушланган, сўроқ қилиш учун

чақирилган, қамоққа олинган ёки мажбурий келтирилгандан кейин дарҳол ёки йигирма тўрт соатдан кечиктирмай, сўроқ қилиниши керак.

Суд тергови кетаётганда судланувчига истаган вақтида кўрсатув бериш ҳуқуқи судья томонидан таъминланиши шарт. Агар судланувчи бирор суд ҳаракати ўтказилаётган пайтда кўрсатув бериш тўғрисида истак билдирса, суд унга шу ҳаракатлар тугаши биланоқ кўрсатув бериш учун имконият яратади.

1. Суриштирув ва дастлабки тергов босқичида гумон қилинувчи ва айбланувчи ушланган, сўроқ қилиш учун чақирилган, қамоққа олинган ёки мажбурий келтирилгандан кейин дарҳол ёки йигирма тўрт соатдан кечиктирмай, сўроқ қилиниши керак. ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган асосларга кўра ушланган ва айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз билан тегишли давлат органига мурожаат қилган шахслар ҳам гумон қилинувчи ҳисобланганлиги боис, улар тегишли давлат органига олиб келинган ёки етиб келган пайтдан бошлаб, дарҳол ёки йигирма тўрт соат ичида сўроқ қилиниши керак (359-моддага берилган шарҳга қаранг).

2. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмидаги “сўроқ қилиниши керак” ибораси гумон қилинувчи ва айбланувчининг сўроқ чоғида саволларга жавоб беришга мажбурлигини аниқлатмайди. Кўрсатув бериш уларнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади (ЖПКнинг 46 ва 48-моддалари). Гумон қилинувчи ва айбланувчи кўрсатув бериш воситасидан ўзини ҳимоялаш учун фойдаланиши ёки ундан воз кечиши мумкин. Кўрсатув беришдан бош тортганлиги учун улар жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

3. Судланувчига истаган вақтида кўрсатув бериш ҳуқуқи таъминланиши, у илтимос қилгани биланоқ сўроқ қилиниши шарт. Агар судланувчи бирор суд ҳаракати ўтказилаётган пайтда кўрсатув бериш тўғрисида истак билдирса, суд унга бу ҳаракатлар тугаши биланоқ кўрсатув бериш учун имконият яратади.

III-модда. Гумон қилинувчи ёки айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдинги ҳаракатлар

Гумон қилинувчини, шунингдек, айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан бевосита олдин суриштирувчи, терговчи ушбу Кодекснинг 98-100-моддаларида назарда тутилган ҳаракатларни бажариши шарт.

Шундан сўнг суриштирувчи, терговчи:

1) гумон қилинувчига, айбланувчига унинг ушбу Кодекснинг 46 ва 48-моддаларида назарда тутилган процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради;

2) гумон қилинувчи, айбланувчи шартнома тузган ҳимоячининг ёхуд, агар гумон қилинувчи, айбланувчи шартнома тузишга улгурмаган ёки туза олмаган бўлса, бошқа ҳимоячининг сўроқда иштирок этишини таъминлайди;

3) гумон қилинувчига унинг қандай жиноят содир этишида гумон қилинаётганлигини эълон қилади;

4) гумон қилинувчига ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганлиги тўғрисидаги қарорни тақдим қилади ва айбловнинг моҳиятини тушунтиради.

Суриштирувчи, терговчи айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдин у ўзини айбли ҳисоблаши-ҳисобламаслигини ёки ўз айбини тўла ёхуд қисман рад этиши ёки тмаслигини аниқлаши шарт.

Суриштирувчи, терговчи ушбу моддада санаб ўтилган ҳаракатларнинг бажарилишини гумон қилинувчи ёки айбланувчининг сўроқ баённомасида, суд эса суд мажлиси баённомасида қайд қилади.

1. Гумон қилинувчини ва айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдин суриштирувчи, терговчи сўроқ қилишнинг умумий қоидаларига мувофиқ сўроқ қилинувчини чақириши, унинг шахсини ва қайси тилда кўрсатув бериши мумкинлигини аниқлаши шарт.

2. Шундан кейин суриштирувчи, терговчи гумон қилинувчига, айбланувчига ЖПКнинг 46-ва 48-моддаларида назарда тутилган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради; сўроқ қилишда гумон қилинувчи, айбланувчи шартнома тузган ҳимоячининг ёхуд ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган

ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчи шартнома тузишга улгурмаган ёки туза олмаган бўлса, бошқа ҳимоячининг сўроқда иштирок этишини таъминлайди; гумон қилинувчига унинг қандай жиноят содир этганликда гумон қилинаётганлигини эълон қилади. Агар иш бўйича шахсни ишда айбланувчи тариқасида жалб қилиш тўғрисида қарор чиқарилган бўлса, унга қарорни тақдим қилади ва айбловнинг моҳиятини тушунтиради.

3. Суриштирувчи, терговчи айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдин у ўзини айбли ҳисоблаши-ҳисобламаслигини ёки ўз айбини тўла ёхуд қисман рад этиши ёки этмаслигини аниқлаши шарт. Мазкур ҳолатни аниқлаш мақсадида ўзини ушбу иш бўйича айбли эканлигини тан олиш-олмаслиги ҳақида терговчи ёки суриштирувчи саволлар беради.

4. Суриштирувчи, терговчи юқорида санаб ўтилган ҳаракатларнинг бажарилишини гумон қилинувчи ёки айбланувчининг сўроқ баённомасида, суд эса суд мажлиси баённомасида қайд қилади.

112-модда. Гумон қилинувчи ва айбланувчининг кўрсатувларини баҳолаш

Гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқрор бўлиши, бу иқрор бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши мумкин.

Гумон қилинувчи ва айбланувчининг берган кўрсатувлари билан аниқланган ҳолатлар, айбланувчи ўз айбига иқрор бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳолалиши лозим.

1. Гумон қилинувчи ва айбланувчининг кўрсатувлари гувоҳлар ва бошқа шахсларнинг кўрсатувларидан тубдан фарқ қилади. Айбланувчи ўзига нисбатан қўйилган айблов бўйича кўрсатувлар берар экан, унинг кўрсатувларида баён қилинган фикрлар чалғитиш руҳида бўлиши мумкинлигини назардан четда қолдирмаслик керак.

2. Гумон қилинувчининг содир этилган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқрор бўлиши, ишдаги бошқа мавжуд далиллар йиғиндиси билан тасдиқланган тақдирдагина айблаш учун асос қилиб олинаши мумкин.

3. Гумон қилинувчи ва айбланувчининг кўрсатувлари билан аниқланган ҳолатлар айбланувчи ўз айбига иқрор бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғлиқ ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқиши ва баҳоланиши лозим.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми ҳақида»ги қарорида таъкидланганидек, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона тасдиқлангандагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олади.

113-модда. Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз - ариза берувчининг ўзи содир этган жиноятни тўғрисида у шу жиноятни содир этишда гумон қилинмасдан ва унга айблов эълон этилмасдан олдин берган хабаридир.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд оғзаки хабарни баённомада акс эттиради, унга арз қилувчининг шахсига доир маълумотлар киритилади ва унда арзнинг мазмуни биринчи шахс номидан баён қилинади. Баённомага арз қилувчи ва суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья имзо чекади.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан ушбу Кодекснинг 112-моддасида кўрсатилган қоидаларга мувофиқ баҳоланади.

1. Ушбу арзнинг энг асосий шarti бу ихтиёрий эканлигидир. Шахс у жиноятни содир этганликда гумон қилинмасдан ва унга айблов эълон қилинмасдан олдин ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ўзи содир этган жиноят тўғрисида хабар билан, яъни айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз билан мурожаат этиши мумкин.

2. Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин. Оғзаки хабарни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд баённомада акс эттиради. Баённомага арз қилувчининг шахсига доир маълумотлар киритилади ва унда арзнинг мазмуни биринчи шахс номидан баён қилинади. Баённомага арз қилувчи ва арз қилинган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья имзо чекади.

3. Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан аниқланган бошқа барча далиллар билан биргаликда баҳоланади ҳамда айбни бўйнига олиш мавжуд далиллар йиғиндиси билан тасдиқланган тақдирдагина айблаш учун асос қилиб олиниши мумкин. Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз суд, прокурор, суриштирувчи ва терговчини ишнинг барча ҳолатларни аниқлаш мажбуриятидан озод этмайди.

4. Айбини бўйнига олишда терговчи барча аҳамиятли ҳолатларни эътиборга олиши лозим. Баъзан маълум бир шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ўзлари содир этмаган жиноятлари юзасидан айбни бўйнига олиш ҳоллари учраб туради.

12-БОБ. ГУВОҲ ВА ЖАБРЛАНУВЧИНИ СҮРОҚ ҚИЛИШ

114-модда. Гувоҳ ва жабрланувчини сӯроқ қилиш тартиби

Гувоҳ ва жабрланувчини сӯроқ қилиш ушбу Кодекснинг 96-108-моддаларида назарда тутилган умумий қоидаларга, шунингдек, ушбу бобнинг қуйидаги моддаларига риоя қилган ҳолда олиб борилади.

1. Гувоҳ ва жабрланувчи фақат бевосита ўзлари кўрсатув бериши мумкин. Кўрсатув бериш жабрланувчининг ҳам ҳуқуқи, ҳам мажбуриятидир. Жабрланувчининг жиноят иши бўйича унга маълум бўлган ҳолатлар юзасидан берилган кўрсатувлари, ўз аҳамиятига кўра гувоҳ берган кўрсатувларга ўхшаш, чунки гувоҳ ҳам, жабрланувчи ҳам ҳодиса ва унинг оқибатларини кўрган-билган шахслар. Шунга кўра, конун бўйича суриштирув, дастлабки тергов ва судда жабрланувчини сӯроқ қилиш тартиби гувоҳни сӯроқ қилиш қоидалари асосида амалга оширилади.

2. Гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатувларини далил тариқасида баҳолаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда, уларнинг эгаллаган процессуал ҳолати ва ишга нисбатан бўлган муносабатига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Улар ходисани бевосита ўзлари кузатишган, англашган, воқеликка нисбатан ўзларича тавсиф ва таъриф бериши мумкин бўлган шахслардир. Уларнинг кўрсатувлари ҳақиқатга яқин бўлмаслиги, улар ҳодиса иштирокчиси сифатида юз берган воқеликни аниқ ва тўғри англамаслиги мумкин. Ушбу ҳол гувоҳга ҳам тааллуқли. Гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатув бериш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир-бирига ўхшаш. Иш юзасидан кўрсатув бериш уларнинг бурчи бўлишига қарамай, ўзлари ҳам кўрсатув бериш истагини билдириш ҳуқуқига эга.

3. Гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатувлари умумий хусусиятга эга бўлгани учун ҳамда уларни сӯроқ қилишнинг процессуал қоидалари ЖПКнинг ушбу бобида жойлаштирилган.

115-модда. Гувоҳ ва жабрланувчи тариқасида сўроқ қилиниши мумкин бўлмаган шахслар

Гувоҳ ва жабрланувчи тариқасида:

1) ҳукм ва ажрим чиқариш жараёнида келиб чиққан масалаларни маслаҳатхонада муҳокама қилишга оид ҳолатлар тўғрисида - судьяни ва халқ маслаҳатчисини;

2) жиноят иши юзасидан ўз вазифаларини бажаришлари натижасида ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида - ҳимоячини, шунингдек, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакилини;

3) руҳий ёки жисмоний нуқсонли сабабли иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатни тўғри идрок этиш ва бу ҳақда кўрсатув бера олиш лаёқатига эга бўлмаган шахсни сўроқ қилиш мумкин эмас.

1. Шахс гувоҳ сифатида чақирилиши учун унга жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолат маълум деган тахмин бўлиши керак. Бу ҳолат унга ходиса шохиди бўлганлиги учун ёки бошқаларнинг гапидан ёхуд ҳужжатлардан маълум бўлиши мумкин. Бироқ, гувоҳлик берувчи ўз кўрсатувларининг манбаини ҳам кўрсатиши лозим.

2. Гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатувиغا баҳо беришда, унинг ҳақиқийлиги юзасидан шубҳа туғилмаслиги учун айрим ҳолатларни ҳам инобатга олиш лозим (хизмат бўйича бўйсунуш, қариндошчилик, дўстлик ёки ёқтирмаслик муносабатлари ва ҳ.к.). Ушбу ҳолатлар мавжудлиги уларнинг кўрсатувлари далил бўлиш-бўлмаслиги ҳақида олдиндан баҳо беришга ёки сўроқ қилинмасликларига сабаб бўла олмайди. Лекин жиноят процессининг шундай иштирокчилари борки, улар қонун бўйича муайян сабабларга кўра, гувоҳ ва жабрланувчи тариқасида сўроқ қилиниши тақиқланган.

3. Биринчи турдаги иштирокчилар бу судья ва халқ маслаҳатчиси бўлиб, улар ҳукм ва ажрим чиқариш жараёнида келиб чиққан масалаларни маслаҳатхонада муҳокама қилишга оид ҳолатлар тўғрисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинишига йўл қўйилмайди. Қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши, судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга

аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик каби қоидалар судьялар мустақиллигининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Улар 2000 йил 14 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 67-моддасида мустаҳкамланган.

4. Иккинчи турдаги иштирокчиларга ҳимоячи, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили киради. Ҳимоячини ўз процессуал вазифаларини бажариш жараёнида унга маълум бўлган маълумотлар – айбланувчини ҳимоя остига олгани сабабли унга айбланувчи, унинг қариндошлари ва шу қабилар етказган маълумотлар юзасидан сўроқ қилиниши тақиқланган. Бундай чеклашнинг зарурати айбланувчига ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлашнинг конституциявий принциpidан келиб чиқади. Агар ҳимоячига мурожаат қилиш хавф-хатар туғдириб, ҳимоячи гувоҳга айланиши ва унга ёрдам сўраб мурожаат қилган айбланувчига қарши кўрсатув бериши мумкин бўлса, айбланувчи ҳимоячи хизматидан амалда фойдалана олмаган бўларди. Шу сабаб жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакилига ҳам тегишли.

5. Кўрсатув бериш лаёқатига эга бўлмаган шахслар гувоҳ ва жабрланувчи тариқасида сўроқ қилиниши мумкин бўлмаган шахсларнинг учинчи турига кирадилар. У ёки бу шахсни гувоҳ сифатида сўроқ қилишга унинг руҳий ёки жисмоний нуқсонлари тўсқинлик қилиши мумкин. Қонун бу нуқсонлар рўйхатини олдиндан белгиламай, қонунда иш бўйича аҳамияти бўлган ҳолатларни шахс тўғри қабул қилишига монелик қиладиган нуқсонлар ҳақида сўз юритилади. Шахснинг иш бўйича гувоҳ бўлишга қодирлиги масаласи ҳар бир алоҳида ҳолда ва бу шахснинг касаллик тури ҳамда даражасига, шунингдек, у кўрсатувлар берадиган ҳолатларга қараб ҳал қилинади.

116-модда. Гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўз розилиги билан сўроқ қилиниши мумкин бўлган шахслар

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкин.

1. Шахснинг яқин қариндошлари, уларнинг хатти-ҳаракатларига оид ҳолатлар тўғрисида кўрсатув бермасликка ҳақли эканлиги гувоҳ иммунитетидеб аталади. Бу қоидага кўра яқин қариндошлар, агар уларни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гувоҳ тариқасида чақирсалар, ҳозир бўлишлари шарт, лекин ўзларининг яқин қариндошлари тўғрисида кўрсатув бермасликка ҳақлари бор.

2. Яқин қариндошлар жумласига, ЖКнинг саккизинчи бўлимига мувофиқ, ота-она, ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, неваралар, шунингдек, эр-хотиннинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари киради.

3. Ҳар қандай шахс ўз яқин қариндошлари тўғрисида кўрсатув беришга ҳақли ва бу тўғрида тегишлича суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга ёзма мурожаат қилишлари мумкин. Шунингдек, улар кўрсатувларини ўз қўллари билан ёзиб бериш ҳуқуқига ҳам эга.

4. Шахс ўзининг яқин қариндошларига нисбатан кўрсатув бериш-бермаслик сабабларини билдиришга мажбур эмас.

117-модда. Гувоҳ ва жабрланувчини процессуал мажбуриятлари бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш

Гувоҳ ёки жабрланувчининг шахси аниқлангандан ва унга процессуал ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тушунтирилгандан кейин у кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиб, бу ҳақда суроқ баённомаси ёки суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайди.

1. Яқин қариндошлар кўрсатув беришга рози бўлганларида уларни кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилмайди. Аммо улар била туриб ёлғон кўрсатув бермасликлари ва акс ҳолда ЖКнинг 238-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилишлари ҳақида огоҳлан-

тирилиши лозим. Улар огоҳлантирилганлиги ҳақида сўроқ баённомасида ёки суд мажлиси баённомасида ёзиб қўйилади.

2. Гувоҳ тарикасида чакирилган шахсга унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганда, агар у гумон қилинган шахс, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндоши бўлса кўрсатув бермасликка ҳаққи борлиги тўғрисида хабардор қилиниши шарт. Яқин қариндошлик тегишли ҳужжатлар воситасида текширилиб аниқланмоғи лозим. Шахс ўзининг яқин қариндоши ҳақида кўрсатув бериш жараёнида ҳам муайян саволларга жавоб бермай, ўз ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

118-модда. Алоҳида ҳолатларни баҳона қилиб кўрсатув беришдан бош тортишга йўл қўйилмаслиги

Суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан аниқланаётган ҳолатлар ўзида давлат сирларини ёки касб сирини ёхуд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёхуд бошқа шахслар ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирганлигини баҳона қилиб, гувоҳ ва жабрланувчи кўрсатув беришдан бош тортишга ҳақли эмас.

Аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ўзида давлат сирини ёки касб сирини акс эттиради ёхуд шахслар ҳаётининг сир тутиладиган томонларига тегишли деб ҳисоблаш учун асос бўлганда, суриштирувчи, терговчи ва суд гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш чоғида бу ҳолатларнинг ошкор этилишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриши шарт.

1. Давлат сирларини ошкор қилиш ва ўзгага бериш, яъни давлат сири, ҳарбий сир ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларни ошкор қилиш, жиддий жиноят ҳисобланади. Давлат сирини ёки ҳарбий сирни ифодалаган ҳужжатни ёки ашё ёки моддаларини йўқотиш шунингдек, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳам жиноий жавобгарликка сабаб бўлади (ЖКнинг 162-163 моддалари). Касб билан боғлиқ сирлар ҳам қонун билан муҳофаза қилинади.

2. Шахс давлат сирлари, ҳарбий сирлар ёки касб сири билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида сўроқ қилишга чакирилганда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд бу сирларни сақлаш қоидаларига риоя қилишлари шарт. Улар берган саволларга

шахе жавоб бериш-бермасликни сирни сақлаш қоидаларига биноан ҳал қилмоғи лозим. Лекин сўроқ чоғида фақат бу ҳолатлар сир сақланади деган баҳона билан кўрсатув беришдан бош тортиш мумкин эмас.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд шахсни сўроқ қилиш чоғида юқорида келтирилган сирларни, шунингдек, шахснинг ҳаётига оид сир тутиладиган ҳолатларни ошкор бўлишига йўл қўймаслиги ва шунга оид зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

3. Қонунга кўра давлат сирлари ўта муҳим мутлоқ ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий турларда бўлади. Улардан фойдаланиш тартиблари қонун билан белгиланган ва барча учун мажбурийдир. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд давлат сирлари ва бошқа турдаги сирларнинг ошкор бўлмаслигини таъминлаш мақсадида сўроқни, хатто суд мажлисида ҳам ёпиқ ўтказилишини таъминланиши лозим.

119-модда. Гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатувлари

Гувоҳ ёки жабрланувчи процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганидан кейин жабрланувчи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар билан ўзаро муносабатлари, гувоҳ эса, шунингдек, жабрланувчи билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги саволларга жавоб беради. Шундан сўнг сўроқ қилувчининг тақлифига кўра гувоҳ ёки жабрланувчи иш бўйича ўзлари билган барча маълумотларни айтиб берадилар. Улар иш учун аҳамиятли бўлган ёки аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолат тўғрисида, шу жумладан гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ва процесс бошқа иштирокчиларининг шахси ҳақида ҳам кўрсатувлар беришлари мумкин.

1. Жабрланувчи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар билан ўзаро муносабатлари, гувоҳ эса, шунингдек, жабрланувчи билан ўзаро муносабатлари сўроқ қилувчи томонидан аниқланиши зарур. Хусусан, юқорида кўрсатилган муносабатларини аниқлаш мақсадида сўроқ қилувчи томонидан жабрланувчи ва гувоҳга

кўйидаги саволлар берилиши шарт: 1) жабрланувчи гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни, гувоҳ эса, шунингдек, жабрланувчини жиноят содир этилганидан олдин билгани ҳақида; 2) башарти мазкур шахслар ижобий жавоб берса, юқорида кўрсатилган ўзаро муносабатлар қайси тусга эга бўлгани ҳақида (қариндошлик, хизматга ёки қўшниликка оид алоқалари); 3) ушбу муносабатлар душманлик тусга эга бўлганлиги ёки бўлмаганлиги ҳақида, агарда душманлик ҳолатлари мавжуд бўлса, мазкур ҳолатларнинг сабаблари ҳақида.

2. Жабрланувчи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар билан ўзаро муносабатлари, гувоҳ эса, шунингдек, жабрланувчи билан ўзаро муносабатлари аниқланганидан сўнг сўроқ қилувчининг таклифига асосан гувоҳ ёки жабрланувчи иш бўйича ўзлари билган барча маълумотларни айтиб берадилар.

Сўроқнинг ушбу қисми ишнинг ҳолатлари тўғрисида эркин сўзлаб бериш деб аталади. Сўроқ давомида жабрланувчи ёки гувоҳнинг сўзлаб беришини тўхтатмаслик тавсия қилинади. Шу билан бирга, жабрланувчи ёки гувоҳ ишга мутлақо алоқаси йўқ ҳолатларни баён қила бошлаган ҳолларда уларга маълум бўлган ҳолатлар ҳақида маълумот беришда қийналган пайтларда уларга аниқ саволлар берилади. Эркин сўзлаб беришдан сўнг жабрланувчи ёки гувоҳга аниқлайдиган, қўшимча ва назорат саволлар берилиши мумкин, шунингдек, далилларнинг манбаи ва мазмунини аниқлаш мақсадида ушбу далиллар жабрланувчи ёки гувоҳга тақдим этилиши ҳам мумкин.

3. Башарти гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатувларида сўроқ қилиш вақти ва жойи, кўрсатувлар мавзуи бўлган воқеанинг ҳолатлари белгиланмаган бўлса, ушбу кўрсатувлар далил ҳисобланиши мумкин эмас. Агарда гувоҳ сифатида жалб қилинган шахснинг жиноят содир этишида иштироки ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд бўлса, ушбу шахс жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши шарт. Бундан сўнг у ўзига нисбатан ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар беришга мажбур эмаслигини иннобатга олиш лозим.

4. ЖПКнинг 119-моддасига мувофиқ, гувоҳ ёки жабрланувчи иш учун аҳамиятли ёки аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган ҳар

қандай ҳолат тўғрисида, шу жумладан гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ва процесс бошқа иштирокчиларининг шахси ҳақида ҳам кўрсатувлар беришлари мумкин. Ушбу моддада гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатувларининг мавзуи белгиланган.

5. Башарти гувоҳ ёки жабрланувчи ўз кўрсатувларида бошқа шахслар ёки ҳужжатларнинг мазмунига асосланган бўлса, мазкур шахслар сўроқ қилиниши шарт. Агарда юқорида кўрсатилган шахслар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи ҳеч қандай аниқ маълумотга эга бўлмаса, у суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга қўйидагиларни кўрсатиши лозим: ушбу шахс билан гувоҳ ёки жабрланувчи қайси ҳолатда ва қаерда танишганлиги, унинг тавсифланиши, мумкин бўлган жойлашганлиги ва бошқа маълумот. Аниқлаш учун имконият йўқ бўлган маълумотларга асосланган гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатувлари фақат тахминий фикр тарзида хизмат қилади. Гувоҳнинг ёки жабрланувчининг сўроқда берган кўрсатувлари илгариги кўрсатувлар билан таққосланиши зарур.

120-модда. Гувоҳни ва жабрланувчини уларнинг илтимосига кура сўроқ қилиши

Тергов олиб борилаётган жойда ёки судда бўлган гувоҳ ёки жабрланувчи кўрсатув беришга хоҳиш билдирса, улар қоида тариқасида ўша куннинг ўзида ёки кейинги кундан кечиктирмай сўроқ қилиниши керак.

Гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатув беришга хоҳиши тўғрисидаги хабар терговчи ёки судга почта орқали келса, унга сўроқ ўтказиладиган жой ва вақт дарҳол хабар қилинади ва у келиши биланоқ сўроқ ўтказилади.

1. Умумий қоида бўйича гувоҳ ёки жабрланувчи суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга чақирув қоғози билан чақирилади.

2. Ҳар қандай шахснинг жиноят иши бўйича кўрсатув беришга бўлган иштиёқи қаноатлантирилмоғи лозим, чунки бу унинг фуқаролик бурчидир. Бундай кўрсатувлар одатда муҳим ва тезликда аниқланиши лозим бўлган ҳолатларга оид бўлади. Шахсни ўз хоҳиши муносабати билан сўроқ қилмаслик унинг

фаоллик кўрсатишига тўсқинлик қилади ва сансалорликнинг бир кўриниши тарзида қаралмоғи лозим.

3. Шу билан бирга, агар гувоҳ ёки жабрланувчи сифатида кўрсатув беришга хоҳиш билдирса, у ўша куннинг ўзида ёки кейинги кундан кечиктирмай сўроқ қилиниши мақсадга мувофиқдир.

121-модда. Вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилишнинг ўзига хос жиҳатлари

Ун олти ёшгача бўлган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш қонуний вакили ёки катта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ёки жабрланувчининг вакили иштирокида уларнинг розилиги билан ўтказилади. Кўрсатилган шахслар сўроқ қилувчининг рухсати билан гувоҳ ёки жабрланувчига саволлар беришлари мумкин.

Ун олти ёшгача бўлган гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар, бироқ суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи шу гувоҳ ва жабрланувчиларга уларнинг процессуал ҳуқуқи ва мажбуриятларини тушунтириш чоғида ҳаққоний кўрсатув бериш ва бу билан эшиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга қумаклашиш маънавий бурч эканлигини эслатиб ўтади.

1. Қонун шахснинг гувоҳ ёки жабрланувчи сифатида неча ёшдан бошлаб сўроқ қилиниши мумкинлигини белгиламайди. Амалиётда жуда ёш болалар ҳам иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлашда муҳим роль ўйнайдилар. Ҳар бир сўроқ қилинувчи, унинг ёшини ва ҳаётий тажрибасини инобатга олиб, ўзининг қонуний вакили ёки катта ёшдаги яқин қариндошлари ёхуд педагог ва психолог иштирокида сўроқ қилиниши лозим. Бундай сўроқ ана шу шахсларнинг розилиги билан ўтказилади. Улар сўроқ қилинувчига иш ҳолатларини аниқлаш учун зарур ҳар қандай саволларни беришлари мумкин. Дастлаб бу хил саволлар суриштирувчи ёки терговчининг рухсатини олиб берилиши мумкин.

2. Вояга етмаган шахсни гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида сўроқ қилишдан олдин суриштирувчи, терговчи ва суд мажли-

сида раислик қилувчи унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ёши ва ривожланиш даражасини инобатга олиб чуқурроқ ва кенгроқ тушунтириши, сўроқ бериш уларнинг маънавий бурчи эканлигига алоҳида урғу бериши лозим лозим.

3. Вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчи тўғри ва батафсил кўрсатув беришларига эришиш мақсадида уларга ҳақиқатни аниқлаш, адолатни ўрнатиш нақадар зарур эканлигини тушунтира билиш лозим.

4. Вояга етмаганларга берилган саволлар оддий, уларга тушунарли даражада бўлиши лозим. Худди шунингдек, вояга етмаганларнинг саволга жавобларини ҳам уларнинг ёшларини эътиборга олиб, баҳоланмоғи зарур

13-БОБ. ЮЗЛАШТИРИШ

122-модда. Юзлаштириш учун асослар.

Юзлаштириш илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлганда бу қарама-қаршиликларнинг сабабини аниқлаш учун ўтказилади.

Юзлаштиришда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ сўроқ қилиниши мумкин.

1. Юзлаштириш бир вақтнинг ўзида икки шахсни сўроқ қилиш орқали улар томонидан илгари берилган кўргазмалардаги жиддий қарама-қаршиликларни бартараф этиш мақсадида ўтказиладиган тергов ҳаракати ҳисобланади. Бу икки шахсларнинг илгари берган кўрсатувлари ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш, воқеа тафсилотлари юзасидан ҳақиқатни ақсўттирувчи маълумотни аниқлаш ва унга тегишли ҳуқуқий баҳо бериш учун амалга оширилади. Илгари сўроқ қилинмаган шахслар ўртасида юзлаштириш ўтказиб бўлмайди. Мабодо илгари сўроқ қилинган шахсларнинг маълум бир воқеа ҳақидаги кўрсатувларида қарама-қаршиликлар жиддий бўлмаса ва аниқланиши лозим бўлган ҳолат иш бўйича хулоса мазмунига таъсир қилмаса, юзлаштириш ўтказилмайди.

2. Терговчи шахсларнинг кўрсатувларидаги қарама-қаршиликлар жиддий ёки жиддий эмаслигини мустақил равишда белгилайди.

3. Агар илгари сўроқ қилинган шахс бошқаларнинг кўрсатувини инкор қилиш учун юзлаштириш ўтказилишини талаб қилса, лекин бундай зарурият бўлмаса, терговчи талабни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади. Терговчи ўз қарорига юзлаштириш лозим эмаслиги ҳақидаги ўз асосларини батафсил баён қилиб бериши шарт.

4. Юзлаштириш илгари берилган кўрсатувларни такрорлаш ёрдамида далиллар саноғини сунъий ошириш учун ўтказилмаслиги зарур.

5. Юзлаштириш бир тарафдан гумон қилинувчи, айбланувчи ва иккинчи тарафдан гувоҳлар ўртасида ўтказиш чоғида гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ҳимоячиси иштирок этиши

мумкин. Қонунда гувоҳларни ҳам ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган (ЖПКнинг 66¹-моддаси).

6. Мабодо гумон қилинувчи билан гумон қилинувчи, айбланувчи билан айбланувчи ўртасида юзлаштириш ўтказилганида улардан биронтасининг ҳимоячиси иштирок этса, албатта иккинчисининг ҳам ҳимоячиси иштирок этиши талаб этилади. Акс ҳолда, иккинчи шахснинг ҳимояга нисбатан бўлган ҳуқуқи бузилган ҳисобланади.

7. Юзлаштириш ўтказётган терговчи гувоҳ ва жабрланувчи ёлғон кўрсатув берса, шунингдек, кўрсатув беришдан бўйин товласа, ЖКнинг 238 ва 240-моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилади. Гумон қилинувчи ва айбланувчининг яқин қариндошлари кўрсатув беришдан бош тортганликлари учун жавобгарликка тортилмайди. Аммо, улар ёлғон кўрсатув берсалар, жавобгарликка тортилиши мумкин. Бу ҳақда огоҳлантирилишлари лозим.

123-модда. Юзлаштириш ўтказишнинг тартиби

Юзлаштириш ўтказиш чоғида ушбу Кодекснинг 96-108-моддаларида назарда тутилган сўроқ қилишнинг умумий қоидаларига, шунингдек, ушбу бобнинг қуйидаги қоидаларига риоя қилинади.

Юзлаштириб сўроқ қилиш олдидан суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи ҳар бир сўроқ қилинувчидан навбат билан уларнинг ўзаро танишлиги ёки таниш эмаслигини, ўзаро мунособатлари қандай эканлигини сурайдди ва жавобларини тинглайдди. Шундан сўнг ҳар бир сўроқ қилинувчига навбат билан қарама-қаршилик келиб чиққан ҳолатлар тўғрисидаги саволларга жавоб бериш таклиф қилинади. Башарти қарама-қаршилик бир нечта масалага ёки бир нечта ҳолатга тааллуқли бўлса, юзлаштиришда ҳар икки сўроқ қилинувчи бир масала ёки кейинги ҳолат тўғрисидаги саволлар берилиши мумкин.

Юзлаштириш чоғида сўроқ қилинаётган шахс суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан бошқа сўроқ қилинувчига савол бериши мумкин. Суд мажлисида сўроқ қилинувчиларнинг ҳар иккаласига халқ маслаҳатчилари, шунингдек, тарафлар савол бериши

лари мумкин. Суриштирувчи, терговчи ва суд мажлисида раислик қилувчи иш учун жиддий аҳамиятга эга бўлмаган ёки юзлаштиришда аниқлаштирилаётган қарама-қаршиликка тааллуқли бўлмаган саволларни четлатишга ҳақлидир.

1. Юзлаштиришни бошланмасдан аввал гумон қилинувчига ЖПКнинг 48-моддасида, айбланувчига эса, - 46-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади.

Сўнг юзлаштирилувчиларнинг ўзаро муносабатлари аниқланади. Улар ўзларининг илгариги берган кўрсатувларини тасдиқлайдиларми ёки йўқми аниқлаштириб олинади. Улардан қайси бири бирор ҳолатни айтиб бера олса, унинг кўрсатувини батафсил эшитилганидан сўнг, иккинчи тарафга шу кўрсатувга нисбатан муносабати, уни тасдиқлаши ёки тасдиқламаслиги, агарда қисман тасдиқласа, айнан қайси қисмини тасдиқлаши аниқланиб, воқеа ҳолатлари юзасидан унга маълум бўлган маълумотлар ҳақида сўроқ қилинади.

Агарда кўрсатувлардаги қарама-қаршилик бир неча ҳолатга тааллуқли бўлса, юзлаштиришда ҳар икки сўроқ қилинувчига аввал биринчи, кейин келгуси ҳолатлар тўғрисидаги саволлар берилиши мумкин.

2. Агарда, юзлаштириш вояга етмаган шахс билан ўтказилаётган бўлса, унда унинг қонуний вакили, педагог, психолог, ҳимоячиси ва яқин қариндошлари таклиф этилиши мумкин.

3. Шунингдек, юзлаштирилаётганлар турли тилда сўзлашадиган бўлсалар, ишга таржимон ҳам таклиф этилади.

4. Ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри маълумотни олиш учун юзлаштирилаётган шахсларга иш юзасидан ашъвий далилларни ёхуд тегишли экспертиза хулосаларини тақдим этиш мумкин. Масалан, ҳужжатларни сохталаштиришга оид жиноят ишлари юзасидан ҳужжатларни ва экспертизанинг унга тегишли хулосасини тақдим этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

5. Юзлаштириш ўтказилаётган вақтда ЖПКнинг видеоёзувни қўллашга оид талабларига риоя қилинади.

6. Юзлаштириш баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада юзлаштириш қачон, қаерда, ким томонидан, кимлар ўртасида, соат нечадан бошлаб, соат нечагача давом эттирилганлиги қайд этилиши шарт. Шунингдек, юзлаштирилаётган

шахсларнинг кимлар эканлиги аниқлаштирилиши – фамилияси, исми, отасининг исми тўлиқ ёзилиши керак. Улар ҳақидаги бошқа маълумотлар уларнинг сўроқ қилиш ҳақидаги баённомаларда борлигини назарда тутиб, бу маълумотларни юзлаштириш баённомасида тўлиқ ёзилиши шарт эмас. Шунингдек, тарафларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги уларнинг жавоблари, кўрсатув беришдан аввал уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши, тегишли тартибда огоҳлантирилиши лозим бўлган шахслар ёлғон кўрсатув берганлиги ёки кўрсатув беришдан қасддан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида баённомада қайд этилиши шарт.

7. Юзлаштирилаётган шахсларни сўроқ қилиш навбати қандай амалга оширилса ва уларга берилаётган саволлар кетмакетлиги қандай бўлса, худди шундай тарзда баённомада акс эттирилиши лозим. Шунинг билан бирга ҳар қайси кўрсатув берган шахс юзлаштириш баённомасида акс эттирилган ўзининг кўрсатувини, ҳар бир саволга берган жавобининг охирига ҳамда юзлаштириш баённомасининг ҳар бир варағи остига, шунингдек, юзлаштириш баённомасининг охирига ўз имзосини қўйиши керак.

124-модда. Юзлаштириш чоғида илгариги кўрсатувларни ўқиб эшиттириш.

Юзлаштириш чоғида сўроқ баённомаси ёки сўроқ қилинаётган шахслар аввалги сўроқларда берган кўрсатувларнинг фонограммалари шу шахслар юзлаштирилиб, уларнинг кўрсатувлари баённомага киритилганидан кейингина ўқиб берилиши ёки эшиттирилишига йўл қўйилади.

1. Юзлаштирилаётган шахсларнинг илгари берган кўрсатувларини аввал ўқиб эшиттириш мақсадга мувофиқ эмас.

2. Юзлаштирилаётган шахсларнинг илгариги берган кўрсатувлари бўйича аудио ва видеоёзувларни ҳам юзлаштиришдан аввал кўрсатиб бўлмайди. Юзлаштириш чоғида аввал баённомага уларнинг кўрсатувлари киритилиб, уларни тасдиқлаб, баённомага имзо чекиб бўлганларидан сўнггина аудио ёки видеоёзув қўйиб берилади. Аудио ва видеоёзув қўйиб берил-

ганлиги ва унга нисбатан муносабатлар албатта баёнлаштирилади.

3. Юзлаштирилаётган шахсларнинг илгариги берган курсатувлари бўйича аудиоёзув, фонограммадаги эшиттирилган овозларни таниётганлигини, улар кимга тегишли эканлиги, ёзиб олинган кўргазмаларда ўзгариш йўқлиги тасдиқлатиб олиниши керак.

4. Юзлаштирилаётган шахсларнинг илгариги берган курсатувлари бўйича аудиоёзув, фонограмма ва видеоёзув қўйиб берилганидан кейин, терговчи томонидан юзлаштирилаётган шахсларга савол бериш орқали ёзувлардаги ноаниқликлар бўлса, аниқлаштириб олиниши, изоҳ олиниши мумкин.

14-БОБ. ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КЎРСАТИШ

125-модда. Таниб олиш учун кўрсатиш асослари

Таниб олиш учун кўрсатиш гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бирор шахс ёки нарса тўғрисидаги кўрсатувини текшириб кўриш учун қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

1) *бу кўрсатув муайян бир шахс ёки муайян бир нарсага оид эканлигини аниқлаш зарур бўлганда;*

2) *суриштирувчи, терговчи ёки судга маълум бўлган кўплаб шахс ёки нарсалар орасидан кўрсатувда тасвирлаб берилган шахс ёки нарсани топиш зарур бўлганда.*

1. Жиноят иши юзасидан ҳақиқатни аниқлаш борасида амалга ошириладиган тергов ҳаракатлари ичида кўпинча гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бирор шахс ёки нарса тўғрисидаги кўрсатувини текшириб кўриш мақсадида таниб олиш учун кўрсатиш натижаси иш учун ўта аҳамиятли ҳисобланади. Чунки, таниб олаётган шахснинг хотирасида бўлиб ўтган жиноий ҳодисага боғлиқ ҳолат тўғрисида сақланиб қолган маълумотни таниб олиш чоғида қайта тиклаш ва эслаш ҳақиқатни аниқлаш учун зарур ҳисобланади. Айниқса, маълум бир объектни таниб олиш учун тақдим қилинганида, таниб олинаётган нарсани кўриб, таниб олаётган шахс хотирасида сақланиб турган ва у томонидан ҳали терговчига маълум қилинмаган илгариги кўрсатувларда ифода қилинмаган ҳолатлар баён қилиниши мумкин. Шунингдек, таниб олиш учун бирор шахсни кўрсатилганида ҳам худди шундай ҳолат юз бериши ва таниб олиш чоғида эсига келган ва илгари айтилмаган кўрсатувларни олиши мумкин.

2. Таниб олиш учун кўрсатиш гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бирор шахс ёки нарса тўғрисидаги кўрсатувини текшириб кўриш учун қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

1) *бу кўрсатув муайян бир шахс ёки муайян бир нарсага оид эканлигини аниқлаш зарур бўлганда;*

2) *суриштирувчи, терговчи ёки судга маълум бўлган кўплаб шахс ёки нарсалар орасидан кўрсатувда тасвирлаб берилган шахс ёки нарсани топиш зарур бўлганда.*

Таниб олиш инсоннинг кўриш, эшитиш, билиш хиссиётларининг комплекс мажмуаси орқали аниқлаб, бошқа шахслар, бошқа предмет ва буюм, нарсалар ичидан ажратиб олиш орқали амалга оширилади. Бу таниб олиш анатомик белгилар асосида, яъни, жинси, ёши, бўйи, тузилиши, гавдасининг шакли, ҳажми, тана қисмларини алоҳида хусусиятлари, юз тузилиши, миллий ёки ирқий кўриниши ва ҳоказолар орқали амалга оширилиши мумкин.

Шунингдек, таниб олинаётган шахс юриш-туришидаги жестикуляцияси, мимикаси, сўзлаши ва гапиришдаги алоҳида хусусиятлари орқали таниб олиниши мумкин. Айнан шу белгилари орқали бошқа шахслардан ажралиб турадиган индивидуаллиги ёрдамида шахс таниб олинади.

Натижада таниб олинаётган шахснинг жиноятга алоқадорлиги, таниб олинаётган предмет, буюм, нарса ёки жиноят қуролини ҳақиқатда жиноятга алоқадорлигини аниқлаб олинади.

3. Таниб олиш учун одатда жинойи воқеани бевосита кузатган, воқеа шохиди бўлган ёки жинойи ҳодисага боғлиқ ҳолатларни алоҳида хусусиятларига эга бўлган жиноят қуроли, буюм ва предметларни кўрган ва таниб олиши мумкин бўлган шахслар таклиф этилади. Улар тақдим этилган нарсаларни таққослаб, қиёслаб кўриб, ўз кўрганларини эслаб, ҳақиқат юзасидан ўз кўрсатувларини берадилар.

4. Таниб олувчи вояга етган ҳамда вояга етмаган шахс ҳам бўлиши мумкин. Таниб олиш учун шахс ва предметларни, жиноят қуролини гувоҳларга, жабрланувчига хатто гумон қилинувчи ва айбланувчининг ўзига ҳам тақдим қилиниши мумкин. Бу масалада, таниб олувчининг ақлий, жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғломлиги ва таниб олинадиган шахсларни аниқ айтиб бера олиш қобилияти етарли ҳисобланади.

126-модда. Таниб олиш учун кўрсатишдан олдин сўроқ қилиш

Таниб олувчи таниб олиш лозим бўлган шахс ёки нарсанинг белгилари, аломатлари, хусусиятлари тўғрисида олдиндан сўроқ қилиниши лозим.

1. Таниб олувчи шахс терговчи томонидан таниб олиниши лозим бўлган шахс ёки предмет ҳақида батафсил сўроқ қилин-

ган бўлиши, уларнинг алоҳида белгилари ҳақида кўрсатувлари олинган бўлиши керак. Объект айнан илгари берган кўрсатувларида қайд этган белгилари орқали таниб олинади. Таниб олувчи шахс таниб олиниши керак бўлган шахснинг ўзига ҳос алоҳида белгиларини аниқ кўрсатиб бериши керак.

Масалан, таниб олинаётган шахснинг юриш-туришидаги жестикуляцияси, мимикаси, сўзлаши ва гапиришидаги алоҳида хусусиятлари батафсил сўроқ қилиниши керак.

2. Кўп ҳолларда таниб олинувчи шахснинг ёки предметнинг алоҳида белгилари бўлмаслиги мумкин. Масалан, ўғирланган шакар қопланмаган, фасовка қилинмаган бўлса, унда бу шакарни айнан ўғирланган шакар эканлигини аниқлаш учун бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш лозим бўлади. Чунончи, тегишли экспертиза турини ўтказиш орқали шакарни ишлаб чиқарилган вақти, жойи, уни нимадан ишлаб чиқарилганлиги ва ҳоказоларга қараб аниқлаштириш мумкин.

Таниб олинувчининг алоҳида белгиларини таниб олувчи эслай олмасда, лекин у мабодо таниб олинувчини кўрса, эслаб, таниб олиши мумкинлигини билдирса, унда ҳам таниб олиш тергов ҳаракатини ўтказиш учун асос бўлади.

3. Шахс унга таниб олиш учун бирор объектни кўрсатишдан олдин сўроқ қилиш натижасида жинойий ҳодиса ҳақидаги хотирасини яна бир эслатиб, тикланади ва илгари кузатмаган алоҳида хусусиятларни ҳам эслаши ва тергови олиб борилаётган иш юзасидан ҳақиқатни аниқлашга кўмаклашиши мумкин.

127-модда. Шахсни таниб олиш учун кўрсатиш тартиби

Шахс таниб олиш учун тергов олиб боритлаётган ишга алоқаси бўлмаган, ташқи белгилари билан ўзига ўхшайдиган шахслар гуруҳи орасида холислар ҳузурида кўрсатилади. Таниб олиш учун кўрсатилаётган шахсларнинг умумий сони уч нафардан кам бўлмаслиги керак.

Таниб олинувчига таниб олиш учун кўрсатиладиган шахслар гуруҳи орасида истаган эжойни эгаллаш таклиф қилинади.

Таниб олинувчи кийими, соч қирқтириши ёки тараши ёхуд бошқа белгилари билан таниб олиш учун кўрсатиладиган ўзга шахслар орасида яққол ажралиб турмаслиги лозим.

Шахсни таниб олиш учун кўрсатишнинг иложи бўлмаганда ёхуд хавфсизликни таъминлаш мақсадида унинг фотосуратидан фойдаланиш мумкин.

Таниб олиш учун жадвал яхшилаб ёпиштирилиб, муҳрланган ва рақамланган, лекин суратга олинган шахсларнинг исми ва фамилиялари кўрсатилмаган камида учта фотосурат кўрсатилади.

1. Таниб олишнинг ишончли бўлиши, авваламбор, вақт мезонига боғлиқдир. Таниб олиш учун тақдим қилиш вақтини тўғри танланиши унинг натижасига бевосита таъсир этади. Таниб олувчининг дастлабки сўроғини имкон борича вақтлироқ ўтказиш мақсадга мувофиқ. Чунки вақт ўткан сари, таниб олинадиган шахснинг алоҳида белгилари таниб олувчининг хотирасидан чиқиб кетиши мумкин.

2. Таниб олишни ўтказишда жиноят процессуал қонунчилиги талабларидан биров бўлса ҳам чекинишга йўл қўйиб бўлмайди. Қонунчилик талабларидан чекиниб, таниб олиш унинг самарадорлиги йўқолишига олиб келади. Қонун талаблари бузилган ҳолда олинган далиллар эса, қонун талабларига биноан номақбул деб топилади.

3. Таниб олиш тергов ҳаракатини амалга оширишдан аввал терговчи жиддий тайёргарлик кўрган бўлиши ва таниб олувчига берилиши керак бўлган саволларни батафсил режалаштирган бўлиши лозим. Чунончи, агарда таниб олинаётган қочиб кетиши эҳтимол бўлса, уни қўриқлаш муаммосини ҳал этиш; 2) ишнинг натижасидан манфаатдор бўлмаган холисларни топиш; 3) таниб олишни қайд этиш учун тегишли техник воситаларни тайёрлаб қўйиш; 4) эҳтиёжга қараб, ушбу тергов ҳаракатини амалга ошириш учун мутахассисларни ишга жалб этиш лозим.

4. Таниб олиниши керак бўлган шахслар ёки предметларни терговчи таниб олувчи келгунига қадар холислар иштирокида жойлаштириб қўйиши лозим. Терговчи таниб олинувчига хоҳлаган жойида ўтиришни таклиф этиши лозим. Таниб олинувчи камида иккита ўзига ўхшаш шахслар ичидан таниб олиниши керак.

5. Таниб олувчи жабрланувчи ёки гувоҳ бўлса, ЖКнинг 238 ва 240 моддаларида назарда тутилган ёлғон кўрсатув берса ва кўрсатув беришдан қасддан бўйин товласа жиноий жавобгар

бўлиши ҳақида огоҳлантирилиши керак. Шундан сўнг терговчи, таниб олувчига илгари берган кўрсатуви бўйича жинойтга алоқадор шахсни ёки предметни таниб олишни таклиф этади.

Таниб олувчи томонидан маълум бир шахс ёки предмет таниб олинганидан кейин, терговчи таниб олувчига айнан қайси белгилари ва алоҳида хусусиятларига биноан таниб олганлигини сўраши лозим.

6. Бир вақтнинг ўзида бир неча шахсга таниб олинувчини таниб олиш учун кўрсатиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, уларнинг кўрсатувлари бир бирга боғлиқ бўлиб, ўтказиладиган бу тергов ҳаракатининг объективлигига нисбатан шубҳа туғилади.

Шахсни ёки предметни бир марта таниб олиш учун тақдим қилинади. Уларни таниб олиш учун такроран тақдим қилишга йўл қўйилмайди.

7. Шахсни таниб олишда, камида учта шахс танилиб олувчи тариқасида иштирок этиши керак. Таниб олинаётган шахс эса, имкон қадар бошқа таниб олинувчилар билан ўхшаш бўлиши талаб этилади. Унинг миллати, ёши, ирқи, ташқи кўриниши ва кийими ўхшаш бўлиши лозим.

Таниб олиш тергов ҳаракатини амалга оширишдан аввал, таниб олинувчиларнинг ичида таниб олувчи илгари учрашганлар мавжуд эмаслигини терговчи аниқ текшириб олиши лозим. Акс ҳолда, ўтказилган тергов ҳаракати натижаси далил деб эътироф этилмайди.

8. Таниб олиш учун тақдим қилинган предметлар келгусида ашёвий далил сифатида эътироф этилишини ҳисобга олган ҳолда, тақдим қилинишдан аввал ҳолислар иштирокида кўздан кечирилиши ва баёнлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Таниб олиш учун тақдим қилинаётган ўхшаш предметлар камида 3 та бўлиши керак.

9. Амалиётда фотосуратларни ҳам таниб олиш учун тақдим қилиниши ва воқеа шохидлари, гувоҳлар, жабрланувчи ёки процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан таниб олиниши мумкин. Фотосуратлар ҳам камида 3 та бўлиши керак. Таниб олинувчининг фотосурати яна иккита ўзига ўхшаш бўлган фотосурат ичида кўрсатилиши керак.

Фотосуратлар қалин қоғозга ёпиштирилиб, муҳрланиши лозим. Фотосуратларнинг тагига тартиб рақамларини ёзиб қў-

йилиши лозим. Фотосуратлар тагига уларнинг исми, фамилияси, отасининг исми ёзиб қўйилиши тақиқланади. Фотосуратларни тақдим этиш одатда, таниб олиниши керак бўлган шахсининг ўзини кўрсатишга илож бўлмаган ҳоллардагина амалга оширилиши мумкин.

Фотосуратлар бир хил катталиқда, бир хилда янги ва рангли, рангсиз бўлган бир хил фотосуратлардан ташкил топган бўлиши керак.

10. Мурдани таниб олиш тергов ҳаракати ҳам ўтказилиши мумкин. Мурдани таниб олиш тергов ҳаракатини ўтказишда албатта, унинг ёнида яна иккита мурда бўлиши талаб этилмайди. Одатда, ёнида ҳужжати бўлмаган, шахси аниқланмаган, кимлиги номаълум бўлган шахсларнинг мурдалари таниб олиш учун тақдим этилади.

Тананинг таниб олиш учун тақдим қилинган қисмларида татуировка ва шунга ўхшаш бирор бир алоҳида белги бўлса, мурданинг тана қисмлари ҳам таниб олиш учун тақдим қилиниши мумкин.

Мабодо, мурдада жиддий ўзгариш рўй берган бўлса, терговчи мурдани таниб олишдан аввал суд тиббиёт экспертига уни таниб олиш даражасига келтириш, юз тузилишини тиклаш ҳақида топшириқ бериши мумкин.

Таниб олишни ҳар томонлама ва объектив тарзда олиб борилишини таъминлаш учун видеотасвирга тушириб олиш, техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Суд дастлабки терговда ушбу тергов ҳаракатини амалга оширишда процессуал қонунчилик талабларига қай даражада амал қилинганлигини текшириши лозим.

128-модда. Кўчар нарсаларни таниб олиш учун кўрсатиш тартиби

Тергов олиб борилаётган жойга, судга ёки бошқа жойга олиб борилиши мумкин бўлган нарсалар, нарсаларнинг бўлаги ва ҳайвонлар ушбу ишга алоқаси бўлмаган бошқа турдош нарсалар орасида таниб олиш учун кўрсатилади.

Таниб олувчи сўроқ қилинганда тасвирлаганидан ташқи белгилари, аломатлари, хусусиятлари бўйича жиддий фарқ қилмайдиган нарсалар турдош деб ҳисобланади. Таниб олиш

учун кўрсатилаётган нарсаларни жойлаштириш тартиби суриштирувчи, терговчи томонидан холислар ҳузурида белгиланади.

Турдош объектлар орасидан таниб олиш тўғрисидаги қоида мурдани таниб олишда қўлланилмайди.

1. Жиноятга алоқадор бўлган нарсалар, уларнинг бўлаклари, хайвонлар ва тергов ҳаракатлари олиб борилаётган жойга ёки судга олиб бориш имконияти бўлган ҳар қандай нарсалар таниб олиш учун олиб келиниши керак.

2. Таниб олиниши керак бўлган жиноятга алоқадор бўлган нарса, унинг бўлаги ёки хайвон таниб олиш учун жиноят ишига ҳеч алоқаси бўлмаган бошқа шунга ўхшаш бўлган, турдош нарсалар билан бирга кўрсатилади. Хайвонларни таниб олиш уларнинг алоҳида белгилари бўйича ўтказилиб, амалиётда агарда хайвон, эгаси томонидан таниб олинаётган чоғда, хайвоннинг исмини(лақабини) айтиб, чақириб, чақирикқа биноан эгасига итоат этиши ва ўзини тутишига қараб, таниб олиниши ҳам мумкин. Бу хилдаги тергов ҳаракатларини амалга оширишда видеоёзувни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Таниб олиш тергов ҳаракати камида икки нафар холислар иштирокида амалга оширилади.

4. Кўчар мулклар таниб олиш учун турдош объектлар қаторида суриштирувчи ва терговчи, шунингдек, холисларнинг ихтиёрига кўра жойлаштирилади. Уларни қайси ўринда туришини суриштирувчи, терговчи ва холислар белгилайди. Нарсаларга одатда тартиб рақамлари қўйиб чиқилади. Кўчар нарсаларни таниб олиш тергов ҳаракати холисларга ва процесснинг бошқа иштирокчиларига уларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш билан бошланади.

5. Қонунда таниб олиниши мумкин бўлган кўчар нарсаларнинг рўяхати берилмаган. Одатда ўғирланган мулк, буюмлар уларнинг қисмлари, қимматбаҳо метал ёки тошдан ясалган тақинчоқлар, қурол ва бошқа нарсалар ёки ҳужжатлар таниб олиш учун тақдим этилади.

Таниб олувчи таниб олиши лозим бўлган предмет ҳақида таниб олиш тергов ҳаракатидан аввал батафсил сўроқ қилинган бўлиши ва таниб олиниши лозим бўлган предметнинг алоҳида

белгилари, ўзига хос хусусиятларини баён қилиб берган бўлиши лозим.

6. Таниб олинган кўчар мулклар ашёвий далил деб эътироф қилиниши сабабли, уларни саклашга доир қонун талабларига риоя қилиниши керак.

7. Агарда нарса бирор тергов ҳаракати ўтказиш чоғида, хусусан воқеа содир бўлган жойда тегишли тартибда олиниб, махсус ўралиб, муҳрланган бўлса, таниб олиш учун кўрсатилганда ўрамдан очилиши ва кейин, яна қайта, тегишли тартибда ўралиб, муҳрланиши ва имзоланиши керак.

Ўралган ҳолда олиб келинган нарсаларни ўрами, муҳри имзолари бузилмаган эканлиги холислар иштирокида кўздан кечирилиб, албатта баённомада қайд этилиши лозим.

129-модда. Кўчмас объектни таниб олиш учун кўрсатиш тартиби

Жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи жой, бино, бинодаги алоҳида хона ёки бошқа кўчмас объект номини айтиб ва тасвирлаб берса-да, бироқ унинг жойлашган ўрнини аниқ айтиб бера олмаса, бирор аниқ жойдан объектга бориш йўлини кўрсатишга истак билдирса, унга шу объектни кўрсатишга имкон берилади.

Суриштирувчи ёки терговчи ва холислар ёхуд суд таркиби ва тарафлар таниб олувчи билан биргаликда у айтган жойга келадилар. Таниб олиш учун кўрсатиш иштирокчилари шу жойдан бошлаб таниб олувчининг кўрсатуви бўйича юра бошлайдилар. Бунда таниб олувчига таниб олиш учун кўрсатишнинг бошқа иштирокчилари ёки ёт шахслар тарафидан йўналиш айтиб қўйилишининг олдини олиш чоралари кўрилиши лозим.

1. Ҳақиқатни аниқлаш ва жинойт ҳақида тўғри ва аниқ маълумотлар олиш мақсадида кўчмас мулкларни, буюм ва предметларни, жой, бино, иншоот, бинонинг маълум бир қонасини жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи томонидан номини айтиб ва тасвирлаб берса-да, широк унинг жойлашган ўрнини аниқ айтиб бера олмаса, шу жойга бориш йўлини кўрсатишга истак билдирса, унга шу жойни кўрсатишга имкон берилади.

2. Ушбу тергов ҳаракатини ҳам албатта холислар иштирокида, имкон қадар видеоёзувни қўллаган, зарур бўлса, тегишли мутахассис, экспертларни жалб қилган ҳолда амалга оширилади.

3. Суриштирувчи ёки терговчи ва холислар ёхуд суд таркиби ва тарафлар таниб олувчи билан биргаликда у айтган жойга келадилар. Таниб олиш учун кўрсатиш иштирокчилари шу жойдан бошлаб таниб олувчининг кўрсатуви бўйича юра бошлайдилар. Бунда таниб олувчига таниб олиш учун кўрсатишнинг бошқа иштирокчилари ёки ёт шахслар тарафидан йўналиш айтиб қўйилишининг олдини олиш чоралари кўрилиши лозим.

Таниб олувчи одатда олдинда юради ва барчани бошлаб боради. Таниб олиниши лозим бўлган объект ҳақида иштирокчилар томонидан айтиб қўйилмаслиги учун суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан таниб олиш тергов ҳаракатини бошламасдан аввал унда иштирок этаётган шахслар огоҳлантириб, тушунтириб қўйилган бўлиши лозим.

4. Кўчмас мулкни, нарса, жой, бино ва ҳоказоларни кўчар нарсаларни таниб олишдан фарқи шундан иборатки, бу тергов ҳаракатини ўтказишда турдош бўлган нарса, жой, бино ва ҳоказолар кўрсатилмайди. Шунинг учун таниб олувчи бундай нарсаларни алоҳида белгилари хусусида ўта синчковлик билан, батафсил сўроқ қилинган бўлиши шарт.

130-модда. Таниб олиш учун кўрсатиш чоғида таниб олувчининг кўрсатуви

Таниб олиш учун бир гуруҳ шахслар ёки бир нечта нарсани кўрсатилганидан кейин таниб олувчига у илгари тасвирлаган шахс ёки нарсани кўрсатиш таклиф этилади.

Таниб олувчи кўрсатилган шахслардан ёки нарсалардан бирини кўрсатса, унга кўрсатилган бошқа шахслар ёки нарсалар орасидан бу шахсни ёки нарсани қайси белгилари ёки хусусиятларига кўра таниганлигини тушунтириб бериш таклиф қилинади.

Таниб олувчи таниб олиш учун унга кўрсатилган шахслар ёки нарсаларни илгари кўрмаганлигини айтса, унга қидири-лаётган шахс ёки қидири-лаётган нарса улардан нимаси билан фарқ қилишини тушунтириб бериш таклиф қилинади.

1. Таниб олиниши керак бўлган шахс таниб олувчига бир гуруҳ ўхшаш шахслар қаторида ёки таниб олинадиган нарса бир нечта турдош нарсаларни орасида таниб олиш учун кўрсатилади. Таниб олувчи ўз ихтиёри билан илгариги ўз кўрсатувида тасвирланган шахс ёки нарсани таниб олиши лозим. У таниб олишда илгари берган кўрсатувида қайд этилган белгилар ёки алоҳида хусусиятларни холислар иштирокида кўрсатиб бериши керак. Айнан таниб олаётган, нарса ёки жиноят қуролини қандай белгилари, ҳажми, ранги, янгилик даражаси ёки унда қолдирилган муайян из ёинки белгини кўрсатиб бериши зарур. Таниб олувчи таниб олаётган буюмини айнан қайси белгилари билан ўзи кўрсатувларида тасвирлаб берган буюм эканлигини ифодалаб бериши шарт. Шахснинг ҳам айнан қайси белгилари бўйича таниб олаётганлигини аниқ айтиб бериш, юз тузилиши, кўзлари, овози, сўзлашиш одати, интонацияси, овоз тембри ва хоказоларни ифодалаб бериш лозим.

2. Шахсларни таниб олиш учун кўрсатишда суриштирувчи , терговчи томонидан албатта холислар иштирокида ҳали таниб олувчи таниб олиш хонасига киритилмасдан туриб, таниб олувчига ўзи хоҳлаган жойни эгаллаб олиши мумкинлиги таклиф этилади. Кимлар қайси жойда ўтираётганлиги баённомада кўрсатилади. Кейин таниб олувчи таниб олиш жойига киритилади. Таниб олувчи унга кўрсатилаётган шахслар ичидан нечанчи бўлиб ўтирган шахс у таниган шахс эканлигини айтиб, унинг айнан қайси белгиларидан таниётганлигини сўзлаб бериши керак.

4. Таниб олувчи таниб олиш учун унга кўрсатилган шахслар ёки нарсаларни илгари кўрмаганлигини айтса, унга қидирилаётган шахс ёки қидирилаётган нарса улардан нима билан фарқ қилишини тушунтириб бериш таклиф қилинади.

5. Шахсларни таниб олишда овозидан таниб олиш тергов ҳаракатини ҳам ўтказилиши мумкин. Лекин бунда, таниб олувчи таниб олинаётганларни кўрмасдан туриб, фақат овозларини эшитиб таниб олиши лозим.

6. Бу тергов ҳаракатини ўтказишда видеоёзувни қўллаш ва аудиотехникадан ҳам фойдаланилиши ва бунда қатъий равишда қонунга мувофиқ равишда амалга оширилиши талаб этилади.

131-модда. Таниб олиш учун кўрсатиш ҳолатини мустаҳкамлаш

Суриштирув ёки дастлабки тергов вақтида ўтказилган таниб олиш учун кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади. Суд муҳокамасида ўтказилган таниб олиш учун кўрсатиш суд мажлиси баённомасида қайд қилинади.

Барча ҳолларда баённомага: таниб олувчи, таниб олиш учун кўрсатиш шароити, жараёни ва натижалари, таниб олиш учун кўрсатилган шахслар, уларнинг ёши, бўйи, миллати, турар жойи, кўзга ташланувчи белгилари, кийимлари; таниб олиш учун кўрсатилган нарсалар тавсифи; таниб олиш учун кўчмас объектлар кўрсатилганда эса, шунингдек, таниб олувчи кўрсатган йўналишлар ва изланаётган объектга бирор аниқ жойдан бориш йўллари тўғрисидаги маълумотлар киритилиши лозим.

Таниб олиш учун фотосуратлар кўрсатилган бўлса, баённомага фотожадвал илова қилиниши лозим.

Таниб олувчининг кўрсатувлари, шунингдек, унга суриштирувчи, терговчи, суд, тарафлар ёки бошқа шахслар томонидан берилган саволлар ва қайтарилган жавоблар ушбу Кодекснинг 106-моддасида назарда тутилган қоидаларга риоя қилинган ҳолда баённомага ёзиб борилади.

1. Суриштирув ёки дастлабки тергов вақтида ўтказилган таниб олиш учун кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади. Тергов ҳаракати баённомаси таниб олишни ўтказётган шахс томонидан ўқиб эшиттирилади ва процесс иштирокчиларидан қўшимча ёки эътирозлари бор-йўқлиги аниқланади. Суд тергов чогида ўтказилган таниб олиш суд мажлиси баённомасида қайд қилинади.

2. Таниб олиш учун кўрсатиш ҳаракатини мустаҳкамлаш овоз ёзув, видеоёзув, фототехникани қўллаш орқали амалга оширилиши мумкин. Овоз ёзув ва видеоёзув қўлланилганида, албатта, тасвирга туширилган ёки, аудиоёзуви амалга оширилган кассета процесс иштирокчиларига қўйиб эшиттирилиши ва ёзув сифати ва ёзувни тўғри амалга оширилганлиги баённомада қайд этилиши керак.

Қачон, ким томонидан, қайси мутахассислар ва процесс иштирокчилари иштирокида, қаерда ишлаб чиқарилган техникалар ва кассеталар ёрдамида амалга оширилганлиги ҳам баённомада албатта қайд этилиши зарур.

3. Амалиётда фотосуратлар ҳам таниб олиш учун тақдим қилиниши ва воқеа гувоҳлари, жабрланувчи ёки процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан таниб олинувчи шахснинг сурати бошқа шахсларнинг суратларидан ўта фарқли бўлмаслиги керак.

Фотосуратларни камида 3 та фотосурат тариқасида тақдим этилиши керак. Таниб олувчи таниб олинувчининг фотосуратини иккита ўзига ўхшаш бўлган фотосурат ичидан таниб олиши керак.

Фотосуратлар тагига уларнинг исми, фамилияси, отасининг исми ёзиб қўйилиши тақиқланади. Фотосуратларни тақдим этиш, таниб олиниши керак бўлган шахснинг ўзини кўрсатишнинг иложи бўлмаган ҳоллардагина амалга оширилади.

Фотосуратлар бир хил катталиқда, бир хил кўринишда ва рангли, рангсиз бўлган бир хил фотосуратлардан ташкил топган бўлиши керак.

Фотосуратлар қалин қоғозга ёпиштирилиб, муҳрланиши мумкин. Фотосуратларнинг тагига тартиб рақамлари ёзиб қўйилади. Баённомада таниб олувчи шахс фалон рақам қўйилган фотосуратдаги шахсни таниб олаётганлигини кўрсатиши керак.

15-БОБ. КЎРСАТУВЛАРНИ ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙДА ТЕКШИРИШ

132-модда. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш учун асослар

Суриштирувчи, терговчи, суд гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, гувоҳлар ҳамда жабрланувчиларнинг кўрсатувларини текширилаётган ҳодиса содир бўлган жойда ҳолатларни қайта тиклаш йўли билан текшириб кўришга ҳақлидир.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишдан мақсад: кўрсатувларни текширилаётган шахсга маълум, суриштирувчи, терговчи ва судга эса номаълум бўлган нарсалар, ҳужжатлар, излар ва белгиларни топиш; шахснинг тергов ёки суд муҳокамаси давомида топилган нарсалар, ҳужжатлар, излар қаерда бўлганлигини кўрсатиб бериши; бир неча шахснинг айни бир ҳодиса тўғрисида берган кўрсатувларидаги ухшашлик ва фарқларни аниқлаш учун ишда аҳамиятли бўлган жой ёки йўналишни шахс кўрсатиб бериши; ҳолатларни қайта тиклаш ва ҳодиса содир бўлган жойдаги шароит билан қиёслаш орқали кўрсатувларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашдан иборат.

Кўрсатуви текширилаётган шахс ҳодиса содир бўлган жойда бир вақтнинг ўзида кўрсатиш, кўздан кечириш ёки баъзи нарсаларни, ҳужжатларни, изларни олиш ёхуд муайян ҳаракатларни намойиш қилиш орқали тушунтириш беради ёки ўзининг аввал берган кўрсатувларига аниқлик киритади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш натижалари, бу шахсларнинг муайян ҳодисалар ҳақида билганлари фақат уларнинг жиноят содир этишга дахлдорлигидан дарак берсагина, далил кучига эга бўлади.

1. Агар илгари олинган маълумотларга баҳо бериш, уларнинг ишончлилигини аниқлаш учун зарурат бўлса, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш мумкин. Бу тергов ҳаракатини амалга ошириш натижасида содир этилган жиноят ҳақида янги маълумотлар ҳам олинади. Чунки, ҳодиса содир

бўлган жойда кўрсатувларни текширилишида, кўрсатувлари текшириляётган шахснинг хотираси тикланиб, терговчига илгари айтиб бера олмаган, хотирасида бўлмаган ҳолатларни сўзлаб бериши ва иш юзасидан яна аниқлик киритиши, бунинг натижасида эса, ҳолисона, ҳар томонлама ва адолатли тарзда тергов олиб борилишига эришилади.

2. Амалиётда, бу тергов ҳаракати далилларни мустаҳкамлаш, кўрсатувларни янада аниқлаштириш учун қўлланади. У ҳолилар ва ҳимоячилар иштирокида ҳамда албатта видеотасвирни қўллаган ҳолда амалга оширилса, мақсадга мувофиқдир. Кўпинча, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш мобайнида баённомада барча ҳолатлар батафсил баён қилинмаган ва терговни олиб борилишига, гумон қилинувчи ва айбланувчининг айбдорлик даражасига таъсир қилувчи баъзи ҳолатлар қолиб кетган бўлади. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойида текшириш натижасида инobatга олинмаган ҳолатлар ҳам аниқланиши мумкин.

3. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишдан мақсад:

- кўрсатувлари текшириляётган жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига маълум, суриштирувчи, терговчи ва судга эса номаълум бўлган нарсалар, ҳужжатлар, излар ва белгиларни топиш;

- шахснинг тергов ёки суд муҳокамаси давомида топилган нарсалар, ҳужжатлар, излар қаерда бўлганлигини кўрсатиб бериши;

- бир неча шахснинг айна бир ҳодиса тўғрисида берган кўрсатувларидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш учун ишда аҳамиятли бўлган жой ёки йўналишни шахс кўрсатиб бериши;

- ҳолатларни қайта тиклаш ва ҳодиса содир бўлган жойдаги шароит билан қиёслаш орқали кўрсатувларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашдан иборат.

4. Кўрсатуви текшириляётган шахс ҳодиса содир бўлган жойда бир вақтнинг ўзида кўрсатиш, кўздан кечириш ёки баъзи нарсаларни, ҳужжатларни, изларни олиш ёхуд муайян ҳаракатларни намойиш қилиш орқали тушунтириш беради ва унинг аввал берган кўрсатувларига аниқлик киритади. Амалиётда кўпинча гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи жиноятни қандай тарзда содир этганлиги, воқеа жойига қаердан

қандай қилиб келганлиги, жиноят куролидан қандай тарзда фойдаланганлиги, ҳодиса содир бўлган жойга келганида ва кетаётганида ҳолат қандай бўлганлиги ҳақида кўрсатувларини аниқлаб беради. Ҳодиса содир бўлган жойдан яна излар олиниши, тегишли экспертиза ўтказилиши учун наъмуналар олиниши мумкин.

5. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш натижалари, бу шахсларнинг муайян ҳодисалар ҳақида билганлари фақат уларнинг жиноят содир этишга дахлдорлигидан дарак берсагина, далил кучига эга бўлади. Дахлдорлик деганда, далил албатта айбни исботлаши, тасдиқлаши эмас, балки, ҳақиқатни аниқлаш учун хизмат қилиб, бу маълумот айбдорликка оид шубҳани рад этиш, инкор этиш мумкинлигини ва бу ҳолат албатта терговчи томонидан ҳисобга олиниши шартлигини тушуниш керак.

6. Ҳодиса содир бўлган жойда кўрсатувларни текшириш натижасида ҳодиса жойи яна бир бор кўздан кечирилади. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати орқали олинган натижага, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракати натижаларини солиштириб кўрилади.

133-модда. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тартиби

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишни суриштирувчи ёки терговчи холислар иштирокида, суд эса тарафлар иштирокида ўтказилади. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишга мутахассислар ва экспертлар жалб қилиниши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тарафлар ва бу тергов ҳаракатининг бошқа қатнашчилари иштирокида текшириладиган кўрсатувларни эълон қилади, кўрсатув берган шахсдан уларнинг тўғри ёки нотўғрилигини, қўшимча ва ўзгартиришлар киритишга эҳтиёж бор ёки йўқлигини сурайди, текширишнинг мақсади ва тартибини тушунтиради. Башарти гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатувлари текшириляётган бўлса, улар, ўн олти ёшга тулмаган

шахсларни истисно қилганда, кўрсатув беришдан бош тортувчилик ва била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиш ҳақида огоҳлантирилиши лозим.

Бир вақтнинг ўзида бир неча шахсларнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текширишга йўл қўйилмайди.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: кўрсатув берган шахс текшириляётган ҳодисанинг шароит ва ҳолатини жойида тиклайди; иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларни, ҳужжатларни, изларни қидириб топади ва кўрсатади; айрим ҳаракатларни намоиш қилади; текшириляётган ҳодисада у ёки бу нарсанинг қандай аҳамияти бўлганлигини кўрсатади; ҳодиса содир бўлган жойда шароитнинг ўзгарганлигига эътиборни қаратади; ўзининг аввалги кўрсатувларини аниқлаштиради ва уларга ойдинлик киритади. Бу ҳаракатлар вақтида четдан аралашушга, гап ўргатушга ва ишора қилувчи саволлар беришга йўл қўйилмайди.

Кўрсатуви текшириляётган шахс эркин сўзлаб бергач ва ҳаракатларни эркин намоиш қилиб бўлгач, унга саволлар берилиши мумкин. Кўрсатувни ҳодиса содир бўлган жойда текширишда қатнашаётган шахслар суриштирувчи, терговчи ва суднинг эътиборини, уларнинг фикрича иш ҳолатларини аниқлаштиришга ёрдам берадиган барча нарсаларга қаратишга, баъзи ҳаракатларнинг такрорланишини талаб қилишга ҳақлидир. Кўрсатувлари ҳодиса содир бўлган жойда текшириляётган шахс ва тергов ҳаракатининг бошқа иштирокчилари ўтказиляётган тергов ҳаракати юзасидан уларни қўшимча равишда сўроқ қилишни талаб этишга ҳақлидир.

1. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш лубатта холислар иштирокида ўтказилади. Гумон қилинувчи, ишланувчи ва судланувчининг ҳимоячилари ҳам кўпинча иштирок этади. Ушбу тергов ҳаракати суд томонидан ўтказилган бўлса, тарафлар, жумладан судланувчининг ҳимоячиси ва давлат айбловини қувватловчи прокурор ҳам иштирок этади. Қарур бўлганда бу тергов ҳаракатини ўтказиш учун тегишли мутахассислар таклиф этилиши мумкин.

2. Суриштирувчи, терговчи ёки суд тарафлар ва бу тергов ҳаракатининг бошқа қатнашчилари иштирокида текшириладиган кўрсатувларни эълон қилади, кўрсатув берган шахсдан уларнинг тўғри ёки нотўғрилигини, қўшимча ва ўзгартиришлар киритишга эҳтиёж бор ёки йўқлигини сўрайди, текширишнинг мақсади ва тартибини тушунтиради. Тергов ҳаракати видеотасвирга туширилиши мумкин. Видеотехникадан фойдаланишга оид процессуал талабларга риоя қилиниши шарт. Видеотасвирга тушириш шу кўрсатувларни эълон қилишдан бошланади. Айнан шу кўрсатувларни кейин, ҳодиса содир бўлган жойда текшириб, видеотасвир амалга оширилади.

3. Башарти гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатувлари текширилаётган бўлса, улар, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларни истисно қилганда, кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиш ҳақида огоҳлантирилиши лозим.

Огоҳлантириш тергов ҳаракати бошланиши билан амалга оширилиб, баённомада ҳам ўз аксини топиши ва огоҳлантирилган шахслар томонидан огоҳлантирилганликлари ҳақида имзоланиши лозим.

4. Бир вақтнинг ўзида бир неча шахснинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текширишга йўл қўйилмайди. Чунки, бир шахснинг берган кўрсатувини кўриб-эшитиб турган кўрсатuvi текширилаётган иккинчи шахс ўз кўрсатувини унга мослаб олиши, ўзига маълум бўлган маълумотни бериш эмас, балки, унга қадар кўрсатув бериб, кўрсатuvi ҳодиса содир бўлган жойда текширилаётган шахснинг кўрсатувидан фойдаланиши, гумон қилинувчи ва айбланувчи бўлса, жавобгарликдан қутилиш учун ўз кўрсатувларини ўзгартириб, терговни чалғитишга ҳаракат қилиши мумкин.

5. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш қуйидагилардан иборат:

- кўрсатув берган шахс текширилаётган ҳодисанинг шароит ва ҳолатини жойида тиклайди;
- иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларни, ҳужжатларни, изларни кидириб топади ва кўрсатади;
- айрим ҳаракатларни намойиш қилади;
- текширилаётган ҳодисада у ёки бу нарсанинг қандай аҳамияти бўлганлигини кўрсатади;

- ҳодиса содир бўлган жойда шароитнинг ўзгарганлигига эътиборни қаратади; ўзининг аввалги кўрсатувларини аниқлаштиради ва уларга ойдинлик киритади.

Бу ҳаракатлар вақтида четдан аралаштиришга, гап ўргатишга ва ишора қилувчи саволлар беришга йўл қўйилмайди.

6. Кўрсатуви текшириладиган шахс эркин сўзлаб бергач ва ҳаракатларни эркин намойиш қилиб бўлгач, унга саволлар берилиши мумкин. Бу саволлар содир этилган жиноий ҳаракатни қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилганлигини, унинг ҳаракатларини ЖКнинг тегишли моддалари билан квалификация қилишга таъсир қилувчи ҳолатларни аниқлаш учун берилади. Зарур бўлса, кўрсатувни ҳодиса содир бўлган жойда текширишда қатнашаётган шахслар суриштирувчи, терговчи ва суднинг эътиборини, уларнинг фикрича иш ҳолатларини аниқлаштиришга ёрдам берадиган барча нарсаларга қаратишга, баъзи ҳаракатларнинг такрорланишини талаб қилишга ҳақлидир. Бунинг натижасида берилган илгариги кўрсатувларни қанчалик тўғрилигини аниқлаб олинади.

7. Кўрсатувлари ҳодиса содир бўлган жойда текшириладиган шахс ва тергов ҳаракатининг бошқа иштирокчилари ўтказиладиган тергов ҳаракати юзасидан қўшимча равишда сўроқ қилиниши мумкин. Чунки, ҳодиса содир бўлган жойда кўрсатувлари текшириладиган пайтда, кўрсатувлари текшириладиган шахснинг хотираси тикланиб, илгари терговга маълум қилмаган ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни эсга олиши, бу маълумотлар эса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг айбдорлигини енгилаштириши, хатто, унинг айбдорлигини истисно ҳам қилиши, масалан, қасддан қилинган ҳаракат деб баҳоланмаётган ҳолат зарурий муҳофизат доирасида содир этилган деб қўйилиши мумкин.

134-модда. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси

Кўрсатувлар ҳодиса содир бўлган жойда текширилгани ҳақида ушбу Кодекснинг 90-92-моддаларида назарда тутилган ҳолатларга мувофиқ суриштирувчи ёки терговчи баённома тузади, суд эса текширувнинг бориши ва натижалари суд мажлиси баённомасига киритади.

Бундан ташқари баённомада: кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш қаерда, қачон, қандай шароитда ўтказилганлиги; қандай жойлар ва нарсалар кўздан кечирилганлиги; ҳодиса содир бўлган жойда берилган кўрсатувларнинг мазмуни қандайлиги; ҳодисанинг шароити ва ҳолатларини тиклаш нимада ўз аксини топганлиги; шахс ўзининг аввалги кўрсатувларига қандай аниқликлар киритганлиги кўрсатилиши лозим.

1. Баённома ҳодиса содир бўлган жойда кўрсатувларни текширишаётган масъул шахс – суриштирувчи, терговчи томонидан, суд муҳокамаси чоғида эса, – суд котиби томонидан тегишли тартибда қонун билан белгиланган қоидаларга риоя қилиб, яъни, ЖПКнинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ, тузилиши талаб этилади.

2. Баённомага текширув қандай ўтказилгани ва натижаси киритилади, сўнг процесс иштирокчиларига албатта ўқиб эшиттирилади. Процесс иштирокчиларидан, авваламбор, кўрсатувлари текшириляётган шахсдан унинг кўрсатувлари баённомага тўғри акс эттирилганлигини сўраб, унинг фикр-мулоҳазаси ҳам баённомага киритилиши шарт.

3. Баённомада албатта:

- кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш қаерда, қачон, қандай шароитда ўтказилганлиги, ким томонидан, қандай жиноят иши бўйича, кимнинг кўрсатувини текширилганлиги, тергов ҳаракати ўтказилаётган сана ва соат, табиий шароит, баъзи ҳолларда зарур бўлса, ҳатто куннинг ёруғлик даражаси қайд этилиши керак, шунингдек, ҳодиса содир бўлган вақтда айнан шу ҳолатлар қандай бўлганлигини аниқ ёзиш лозим;

- қандай жойлар ва нарсалар кўздан кечирилганлиги: ҳодиса содир бўлган жой, дала, майдон, яшаш ёки ишлаш жойи, қаер бўлишидан қатъи назар, аниқ ифода этилиши; бу жойга қайси маршрут билан қандай транспортда ёки пиёда келинганлиги ҳам баён этилиши керак;

- ҳодиса содир бўлган жойда берилган кўрсатувларнинг мазмуни қандайлиги – берилган кўрсатув натижасида олинган маълумот айбловни тасдиқлаши ёки инкор этиши кўрсатилиши лозим;

- ҳодиса шароити ва ҳолатларини тиклаш нимада ўз аксини топганлиги баён этилиши зарур;

- шахс ўзининг аввалги кўрсатувларига қандай аниқликлар киритганлиги кўрсатилиши лозим.

4. Баённома ҳодиса содир бўлган жойни текшириш чоғида ёзилиши керак. Видеотасвирга олиш амалга оширилганида, видеотасвирни қўйиб кўрсатиш ва у тўғрисида тарафларнинг фикр-мулоҳазаларини аниқлаб, баённомада акс эттириш, тергов хонасида амалга оширилиши мумкин.

5. Ҳодиса содир бўлган жой фотосуратга олинган бўлса ёки видеоёзув олинган бўлса, бу ҳақда ҳам баённомага тегишли ёзувлар киритилиши лозим;

6. Баённома билан иштирокчилар танишиб чиқади, баённомага иловалар қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

7. Ҳодиса содир бўлган жойда кўрсатувларни текшириш мобайнида тегишли тартибда экспертиза ўтказиш учун наъмуналар олинган бўлса, бу намуналар тергов хонасида кўздан кечирилиб, ўралгани, муҳрланиб имзолангани баённомада акс эттирилиши керак.

16-БОБ. КЎЗДАН КЕЧИРИШ

135-модда. Кўздан кечириш учун асослар

Жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечиради.

Одам баданини кўздан кечириш гувоҳлантириш ёки экспертиза ўтказиш қоидаларига асосланган ҳолда (ушбу Кодекснинг 142-147 ва 172-187-моддалари) амалга оширилади. Почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш ушбу Кодекснинг 167-моддасида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

Нарсаларни олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш чоғида топилган нарса ва ҳужжатлар шу тергов ҳаракатларини ўтказиш учун белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда кўздан кечирилиши лозим.

1. Жиноят-процессуал ҳаракат сифатида кўздан кечириш – жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш ва белгилаш учун объектни ташқи атрофдан ўрганишликдан иборатдир.

2. Кўздан кечириш дастлабки тергов мобайнида амалга ошириладиган тергов ҳаракатлари сирасига киради. Лекин у суд тергови мобайнида ҳам амалга оширилиши мумкин.

3. Жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечиради.

4. Кўздан кечириш бошқа тергов ҳаракатлари доирасида ҳам амалга оширилади. Масалан, ушлаб туриш, олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш, тергов эксперименти, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш каби тергов ҳаракатларини амалга оширишда

хам кўздан кечириш амалга оширилади. Лекин, бу тергов ҳаракатларини амалга оширишда кўздан кечириш алоҳида тергов ҳаракати сифатида баёнлаштирилмайди. Одам баданини кўздан кечириш гувоҳлантириш ёки экспертиза ўтказиш қоидаларига асосланган ҳолда, ушбу Кодекснинг 142-147 ва 172-187-моддаларига риоя қилиб амалга оширилади. Почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш ушбу Кодекснинг 167-моддасида назарда тутилган тартибда ўтказилади. Нарсаларни олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш чоғида топилган нарса ва ҳужжатлар шу тергов ҳаракатларини ўтказиш учун белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда кўздан кечирилиши лозим.

5. Кўздан кечириш бошқа тергов ҳаракатларининг таркибини ташкил қилувчи бўлганлиги сабабли ўша тергов ҳаракатларининг тулиқ амалга оширилишида асосий мақсадга эришилишини таъминлаш учун хизмат қилади ва уларга етишишнинг ёрдамчи воситаси ҳисобланади.

6. Кўздан кечиришни амалга ошириш учун алоҳида қарор қабул қилинмайди. ЖПКнинг 139-моддасининг иккинчи қисмида истисно бўлган ҳолат баён қилинган.

7. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш кўпинча кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари сирасига киради. Шунинг учун ҳам бу тергов ҳаракатини жиноят ишини кўзғатмасдан аввал амалга оширилишига йўл қўйилади.

8. Мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечиришнинг амалга оширилишида терговчи алоҳида белгиланган жиноят процессуал талабларга риоя этиши шарт.

9. Кўздан кечириш объектлари турлича бўлиши мумкин: жиний ҳатти-ҳаракат қуроллари, жабрланувчининг, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг кийим-бошлари, буюмлар, турли қимматликлар ва жиноят ҳақида маълумот бериши мумкин бўлган турли нарсалар. Кўнинча, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ёки тинтув, олиб қўйиш ҳаракатлари ёрдамида олинган предметларни қайтадан кўздан кечириш эҳтиёжи туғилиб қолади. Шунда, улар ҳолислар иштирокида алоҳида тергов ҳаракати сифатида яна кўздан кечирилиши ва бунинг учун алоҳида баённома тузилиши керак. Одатда, кўздан кечирилган предметлар, тегишли тартибда экспертизадан ўтказилганидан сўнг ашёвий далил сифатида ишга қўшилади.

Экспертиза ўтказилмасдан ҳам, таниб олинган ва кўздан кечирилган предметлар ашёвий далил деб эътироф этилиши ва ишга қўшилиши мумкин.

10. Кўздан кечиришнинг предмети бўлган нарсалар, бинолар, хужжатлар ҳар қандай ҳолатда жиноятга алоқадор бўлганлиги сабабли, ўзларида жиноят изини қолдирганлиги ёхуд жиноят ҳақида маълумот берганлиги ёинки жиноят қуроли бўлганлиги сабабли кўздан кечирилади.

136-модда. Кўздан кечириш тартибининг умумий қоидалари

Суриштирув ёки дастлабки босқичида кўздан кечириш холислар иштирокида ўтказилади. Жиноят иши кўриляётган вақтда кўздан кечиришга зарурат туғилса, суд бу ҳақда ажрим чиқаради ва кўздан кечиришни тарафлар иштирокида ўтказилади.

Зарур ҳолларда суриштирувчи, терговчи ёки суд кўздан кечириш чоғида ўлчов ўтказилади, фотосуратга, кинотасвирга, видеоёзувга туширади, режалар, схемалар, чизмалар тузади, излардан қолиплар ва нусхалар олади. Бу ишларни бажаришга ёрдам бериш учун кўздан кечиришга мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Кўздан кечириш чоғида топилган ва олиб қўйилган барча нарсалар холисларга, тарафларга ва кўздан кечиришнинг бошқа иштирокчиларига кўрсатилиши лозим.

Кўздан кечиришда иштирок этаётган шахслар суриштирувчи, терговчи ва суднинг эътиборини ўзларининг фикрича иш ҳолатларини ойдинлаштиришга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолларга қаратишга ҳақлидирлар.

1. Суриштирув ёки дастлабки терговда кўздан кечириш холислар иштирокида ўтказилади. Холисларга ЖПКнинг 73-74 моддаларида қайд этилган қонун талаблари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши шарт. Жиноят иши судда кўриляётган вақтда кўздан кечиришга зарурат туғилса, суд бу ҳақда ажрим чиқаради ва кўздан кечиришни тарафлар иштирокида ўтказилади. Кўчар нарсаларни кўздан кечириш зарурати бўлса, тергов ўтказиш хонасида холислар иштирокида, суд томонидан ўтказиладиган бўлса, суд залида тарафлар иштиро-

кида амалга оширилади. Кўчмас нарсаларни кўздан кечириш зарурати бўлса, кўчмас нарсаларнинг олдига борилади.

2. Агар кўздан кечириш шароити қийин жойда амалга оширилса, ҳамда унинг ўтказилиши инсон ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлса, холисларнинг иштироки талаб этилмайди. Бундай ҳолатларда кўздан кечириш баённомасига бу ҳақда ёзиб қўйилади.

Кўздан кечириш тергов ҳаракати ва унинг натижасини қайд этиш учун тегишли техник воситалар жалб қилиниши мумкин. Зарур ҳолларда суриштирувчи, терговчи ёки суд кўздан кечириш чоғида ўлчов ўткази, фотосуратга, кинотасвирга, видеоёзувга туширади, режалар, схемалар, чизмалар тузади, излардан қолиплар ва нусхалар олади. Бу ишларни бажаришга ёрдам бериш учун мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

3. Кўздан кечиришни бевосита суриштирувчи ёки терговчи бажаради. Ходиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда терговчи суриштирув органига тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш учун тегишли топшириқлар бериши ва уларнинг бажарилишини талаб қилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда терговчи томонидан бино ёки иншоотнинг маълум бир қисмини масалан, ёниб кетган жойни кўздан кечириш зарур бўлса, бу ерни кўздан кечириш учун тегишли суриштирув органига топшириқ бериши мумкин.

4. Кўздан кечириш чоғида топилган ашёвий далил деб эътироф этилиши мумкин бўлган, жиноят қуроли бўлган предметларни гумон қилинувчи ва айбланувчига кўрсатилаётганда улар томонидан бу буюмларга зарар келтирилмаслиги ва йўқ қилинмаслиги чораси кўрилиши керак.

Кўздан кечиришда предметларнинг алоҳида белгилари, хусусиятлари бўлса, уларни кўздан кечириш иштирокчиларига кўрсатиб, баённомада акс эттирилиши шарт.

5. Кўздан кечиришда иштирок этаётган шахслар суриштирувчи, терговчи ва суднинг эътиборини ўзларининг фикрича иш ҳолатларини ойдинлаштиришга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолларга қаратишга ҳақлидирлар.

137-модда. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш айнан ана шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказилади.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ҳодиса содир бўлган жой жиноят иши кўзгатилишидан олдин ҳам кўздан кечирилиши мумкин. Бу ҳолда кўздан кечириш ўтказилганидан сўнг кечи билан етмиш икки соатда, алоҳида ҳолларда эса, ун кун ичида жиноят ишини кўзгатиш ҳақида ёки кўзгатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши лозим.

Катта майдонларни ва биноларни кўздан кечириш бир неча суриштирувчи ёки терговчи томонидан амалга оширилиши мумкин, бунда уларнинг ҳар бири камида икки нафар ҳолис иштирокида кўздан кечириши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар уралади ва муҳрланади. Катта ҳажмдаги нарсалар олинмайди ва муҳрланмайди, лекин суриштирувчи ёки терговчи уларни сақлаш чораларини кўриши лозим.

1. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш айнан ана шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказилади.

Ҳодиса содир бўлган жой жиноят иши кўзгатилишидан олдин кўздан кечирилганда кечи билан етмиш икки соатда, алоҳида ҳолларда эса, ун кун ичида жиноят ишини кўзгатиш ҳақида ёки кўзгатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши лозим.

Кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга оширилиши натижасида ўз вақтида жиноят содир этган шахсни аниқлаш ва уни ушлаш чораси кўрилиши мумкин. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бу тергов ҳаракатини амалга оширилишида иштирок этиши талаб этилмайди.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш кўп ҳолларда, ҳодиса содир бўлган жойдаги ҳолат кейинчалик ўзгариб кетиши ва натижада терговни чалғитиши мумкин бўлганлиги сабабли, дарҳол амалга оширилиши шарт.

2. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишда содир бўлган ҳодисанинг шароити,

содир бўлиш механизми ва бошқа ҳолатларини аниқлаш; келгусида ашёвий далил тарихида эътироф этилиши лозим бўлган жиноятнинг моддий изларини ва предметларни топиш, қайд қилиш ва олиш; олинган нарсалар, жиноят қуроллари, предметларни, ҳужжатларни кўздан кечириш борасида сақлаш чораларини кўриши лозим.

3. Катта майдонларни ва биноларни кўздан кечириш бир неча суриштирувчи ёки терговчи томонидан амалга оширилса, уларнинг ҳар бири камида икки нафар ҳолис иштирокида кўздан кечириши лозим.

4. Ушбу тергов ҳаракатини амалга оширишда видеотехникадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки, ҳодиса жойини кўздан кечириш тергов ҳаракатини амалга ошираётган суриштирувчи ва терговчи кўздан кечириш объектини тўлиқ камраб олиши қийин, баъзи ҳолатлар, предметлар, уларнинг жойлашиши ёки ҳолати назардан четда қолиши мумкин. Видеотасвирга туширилса, видеотасвирни қўйиб, кўриб баёнлаштиришда, шу кўздан қочган ҳолатлар намоён бўлади ва терговга ёрдам беради.

5. Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар ўралади ва муҳрланади. Катта ҳажмдаги нарсалар олинмайди ва муҳрланмайди, лекин суриштирувчи ёки терговчи уларни сақлаш чораларини кўриши лозим.

Зарурат бўлса, ҳодиса содир бўлган жойдан топилган баъзи нарсалар, ашёлар ўлчаб, тортиб олиниши керак. Масалан, наркотик воситалар ёки наркотик сақланган деб гумон қилинаётган воситалар қандай тарозидан тортилганлиги, тарозини ишлаб чиқариш жойи, йили, тортишга яроқлилиги қайд этилиши лозим.

138-модда. Мурдани кўздан кечириш

Суриштирувчи ёки терговчи мурданинг ташқи кўринишини у топилган жойда ҳолислар ва суд-тиббийот соҳасидаги мутахассис шифокор иштирокида кўздан кечиради. Бундай мутахассис шифокор иштирок этишига имконият бўлмаган тақдирда, бошқа шифокор иштирок этади. Зарур ҳолларда мурдани кўздан кечириш учун бошқа мутахассислар, шунингдек, экспертлар жалб қилинади.

Экзгумация вақтида мурдани кўздан кечириш ушбу Кодекснинг 148-152-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Мурда топилган жойда уни таниб олиш учун кўрсатиш чоғида ушбу Кодекснинг 126 ва 131-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилинади. Таниб олинмаган мурдаларнинг бармоқ излари олиниши шарт. Ушбу Кодекснинг 188-191, 193 ва 197-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда мурдадан текшириш учун бошқа хил намуналар ҳам олиниши мумкин.

Таниб олинмаган мурдани фақат прокурор рухсати билангина кўмилади.

1. Мурдани кўздан кечириш одатда у топилган жойни кўздан кечириш билан бир вақтда амалга оширилади.

2. Мурдани кўздан кечириш мустақил тергов ҳаракати сифатида, одатда, терговчи келгунига қадар мурдани ҳодиса содир бўлган жойдан бошқа жойга кўчирилган тақдирда амалга оширилади. Масалан, мурда топилганда ўлим юз берганлигига анча вақт ўтган бўлиб, у чиригани сабабли кўздан кечиришга имконият бўлмаса, мурдани кўздан кечириш ўликхона (морг)да амалга оширилади ва натижаси алоҳида баённомада акс эттирилади.

3. Суриштирувчи ёки терговчи мурданинг ташки кўринишини у топилган жойда ҳолислар ва суд-тиббийёт соҳасидаги мутахассис шифокор иштирокида кўздан кечиради. Бундай мутахассис шифокор иштирок этишига имконият бўлмаган тақдирда, бошқа тиббийёт ходими иштирок этади. Зарур ҳолларда мурдани кўздан кечириш учун бошқа мутахассислар, шунингдек, экспертлар жалб қилинади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш мобайнида мурданинг кўздан кечирилиши, уни мутахассис-эксперт томонидан қайта кўздан кечирилишига ва тегишли тартибда суд-тиббий экспертизасининг ўтказилишига ҳалақит бермайди. Аксинча, дастлабки кўздан кечириш, келгуси суд-тиббий экспертизасининг ўтказилиши учун ёрдам беради. Қолаверса, ҳодиса содир бўлган жойда мурдани кўздан кечиришда иштирок этган мутахассис-шифокор, ўтказиладиган суд-тиббий экспертизаси учун саволлар тузилишига ёрдам беради.

4. Мурдани кўздан кечириш ва унинг натижаларини акс эттириш баённомасида эътиборни мурда ётган аниқ жой, вафот этган шахснинг жинси, тахминий ёши, гавдасининг тузилиши, атрофдаги предметларга нисбатан мурданинг жойлашиши, унинг кийим-кечаги, оёқ кийимларининг ҳолати, ундаги шикастланишлар, тозалиги ёки кирланиши, доғлари, кийими ва чўнтақларидаги топилган буюмлар, хужжатлар, қоғозлар ва улардаги ёзувлар мазмуни; кийимлардаги аниқланган йиртиқлик ёки шикастларни пайдо бўлиш механизми, мурданинг кафтлари, бармоқлари мушт ҳолатдами ёки ёйиқлиги; тери рангини ўзгарганлиги, баданида тан жароҳатлари бор-йўқлиги, бор бўлса, уларнинг жойлашиши, пайдо бўлиш механизми; мурданинг танадан ажратилган боши, қўли, кафти, оёғи, товони; мурданинг ранги, масалан ёрқин пушти-қизил, тўқ жигар ранг; мурда доғлари пайдо бўлганлиги, мурдада куйиш излари бор-йўқлиги; ташқи зарбадан ҳосил бўлган калтакланиш излари, кўкаришларнинг мавжудлиги; қон доғлари, бошқа жойдан сачраган қон излари, мурданинг қотиш даражаси, агарда ўлган шахс аниқланмаган бўлса, унинг алоҳида белгилари батафсил тарзда баён этилиши шарт.

5. Мурдани кўздан кечиришда ундан қурол топилган бўлса, у ҳам кўздан кечирилиши ва текширилиши шарт.

6. Агарда вафот этган шахс аниқланмаган бўлса, у суд фотография талабларига биноан фотосуратга олинishi, ҳамда бармоқ изларидан дактилоскопик наъмуналар олинган бўлиши керак.

Бундай мурдаларни кремация қилиш (махсус печда мурдани куйдириш) мумкин эмас. Чунки, келгусида бу мурдани таниб олиш учун тергов ҳаракатлари ўтказилиши мумкин. Таниб олинмаган мурдани фақат прокурор руҳсати билан кўмилади.

7. Эксгумация вақтида мурдани кўздан кечириш ушбу Кодекснинг 148-152-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Мурдани эксгумация қилиш ҳақидаги қарорда кимнинг мурдаси эксгумация қилиниши, мурда қаерга кўмилгани, нима сабабдан уни эксгумация қилиш зарурати пайдо бўлганлиги кўрсатилиши керак.

Мурдани эксгумация қилиш содир бўлиб ўтган жиноий ҳодисага ойдинлик киритиши мумкин бўлган алоҳида тергов

ҳаракати ҳисобланади. Унга оид қонун талаблари бўйича мурдани эксгумация қилиш ҳақида 148-152-моддаларга берилган шарҳга қаралсин.

139-модда. Теварак-атроф ва биноларни кўздан кечириш

Суриштирувчи, терговчи ва суд теварак-атроф ва биноларни куйидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда кўздан кечирадилар.

Фуқаронинг уйи ёки хизмат жойини кўздан кечириш зарурати бўлса, суриштирувчи ёки терговчи бу ҳақда қарор, суд эса ажрим чиқаради. Турар жойи кўздан кечирилаётган шахс ёки тегишли корхона, муассаса, ташкилотнинг вакили чиқарилган қарор ёки ажрим билан таништирилиб, бу ҳақда имзо чектирилади.

Кўздан кечириш корхонада, муассасада, ташкилотда ўтказилса – маъмурият вакилининг, ҳарбий қисмда, штабда ва муассасада ўтказилса – кўмондонлик вакилининг, зарур ҳолларда эса, моддий жавобгар шахснинг қатнашиши шарт. Биноларни кўздан кечиришда ушбу Кодекснинг 160 ва 161-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилиниши лозим.

1. Теварак-атроф ва биноларни кўздан кечириш ҳам албатта ҳолислар иштирокида, уларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилган ҳолда амалга оширилади. Фуқаронинг уйи ёки хизмат жойини кўздан кечириш зарурати бўлса, суриштирувчи ёки терговчи бу ҳақда қарор, суд эса ажрим чиқаради. Турар жойи кўздан кечирилаётган шахс ёки тегишли корхона, муассаса, ташкилотнинг вакили чиқарилган қарор ёки ажрим билан таништирилиб, бу ҳақда имзо чектирилади.

Фуқаронинг уйи ёки хизмат жойини кўздан кечиришда бу ҳаракат тинтув каби амалга оширилмаслиги лозим. Тинтувда ҳар бир жой текширилади, ҳатто жиноят қуроли ёки жиноятни ўзида акс эттирувчи, жиноят ҳақида маълумот берувчи предметлар яширилган деган гумон бўлса, уй жойини ёки хизмат хонасини мебеллари ва ҳоказо жойлари бузиб кўрилиши ва қайта тиклаб қўйилиши мумкин. Шу мақсадда уй ёки хизмат

жойидаги шахслар, хусусан уйда истиқомат қилаётганларни ҳам шахсий тинтувдан ўтказишга йўл қўйилади. Кўздан кечиришда эса, бундай ҳаракатларни содир этиб бўлмайди.

Фуқаронинг уйи ёки хизмат жойини кўздан кечиришда уй эгаларидан вакиллар ва хизмат хонасининг эгаси иштирок этиши ва кўздан кечиришга розилик билдириши талаб қилинади. Улар розилик бермаса, тинтув тўғрисида қарор чиқариш ва унга оид қоидаларга риоя қилиш шарт.

Уй эгалари ёки хизмат жойига алоқадор шахсларни тергов харакатини ўтказиш чоғида олиб келишга имконият бўлмаса, ҳолислар билан бирга участка нозири, уй-жойларни эксплуатация қилиш органлари вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғини вакилларининг ҳам иштирок этирилишига йўл қўйилади.

Теварак-атроф ва биноларни кўздан кечириш тергов харакатини амалга оширишда зарур бўлса, кадастр вакиллари ҳам таклиф этилиши мумкин.

2. Кўздан кечириш корхонада, муассасада, ташкилотда ўтказилса – маъмурият вакилининг, ҳарбий муассасада, қисмда ёки штабда ўтказилса – қўмондонлик вакилининг, зарур ҳолларда эса, моддий жавобгар шахснинг қатнашиши шарт. Биноларни кўздан кечиришда ушбу Кодекснинг 160 ва 161-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилиниши, зарурат бўлган тақдирда мутахассис ва таржимон ҳам иштирок этиши мумкин.

Кўздан кечириш ҳарбий муассасада, қисмда ва штабда ўтказилса, ҳолисларнинг бу объектларга кириш учун рухсати бор-йўқлиги, давлат ва ҳарбий сирларнинг ошкор этилмаслиги эҳтиётини таъминлаган ҳолда бажарилиши керак. Зарур бўлган ҳолларда бу объектларга кириш учун махсус рухсатнома олиб, ундан кейин ушбу тергов харакатини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

140-модда. Нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш

Суриштирувчи, терговчи ва суд нарса ва ҳужжатларни улар топилган жойда, башарти кўздан кечириш кўп вақт ёки қўшимча техник воситалар талаб қилса, кейинчалик суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган жойда кўздан кечирадилар.

Кўздан кечириш техник воситалардан фойдаланилган ҳолда, башарти нарса ёки ҳужжатларнинг йўқолишига ёхуд шикастланишига олиб келмаса, ўтказилиши мумкин.

1. Суриштирувчи, терговчи ва суд нарса ва ҳужжатларни улар топилган жойда, башарти кўздан кечириш кўп вақт ёки кўшимча техник воситалар талаб қилса, кейинчалик суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган жойда кўздан кечирадилар.

Нарса ва ҳужжатларни кўздан кечиришда суриштирувчи ва терговчи томонидан зарур бўлса, тегишли мутахассисни таклиф қилиш талаб этилади. Жиноят иши бўйича кўздан кечирилиши лозим бўлган предмет, нарсанинг тегишли мутахассис томонидан ўрганилиши ва баённомада унинг сўзлари билан касбий тўғри ифода этилиши терговнинг тўғри олиб борилишига ёрдам беради. Масалан, технологик ускунани кўздан кечиришда албатта мутахассисни иштирок эттириш ва унинг билимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

2. Кўздан кечириш чоғида техник воситалардан фойдаланилган ҳолда, башарти нарса ёки ҳужжатларнинг йўқолишига ёхуд шикастланишига олиб келмаса, ўтказилиши мумкин. Шунда ҳам кўздан кечерилаётган нарса ва ҳужжатнинг тергов ҳаракати бошланмасдан аввалги ҳолати қандай эканлиги қайд этилиши керак.

141-модда. Кўздан кечириш баённомаси

Ушбу Кодекснинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ суриштирувчи ёки терговчи кўздан кечириш ўтказилганлиги тўғрисида баённома тузади, суд эса кўздан кечириш жараёнини ва унинг натижаларини суд мажлиси баённомасида қайд этади.

Баённомада кўздан кечириш давомида топилган барча нарсалар, улар қандай тартибда кўздан кечирилган бўлса, худди шу тартибда, кўздан кечириш пайтида қандай ҳолатда кузатилган бўлса, худди шу ҳолатда қайд этилади. Кўздан кечириш чоғида топилган ва олинган барча излар, нарсалар ва ҳужжатлар санаб ўтилади. Олинган буюмнинг эгасига тегишли маълумотнома ёки баённоманинг нусхаси берилади.

Бундан ташқари, баённомада: кўздан кечириш қайси вақтда, қандай об-ҳавода ва қандай ёруғликда ўтказилганлиги; қандай илмий-техника воситалари қўлланилганлиги ва қандай натижалар олинганлиги; кўздан кечиришда кўмаклашиш нимада ўз аксини топганлиги; қандай нарсалар ва ҳужжатлар қай тартибда ва қандай муҳр билан муҳрланганлиги; кўздан кечирилганидан кейин мурда ва иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларнинг қаерга юборилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

1. Маълумотлар ва нарсалардан, улар тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилганидан кейингина далил сифатида фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги ЖПКнинг 90-моддасида назарда тутилган қоидага мувофиқ, кўздан кечириш тергов ҳаракати ҳам тегишли тартибда ушбу тергов ҳаракатини амалга ошираётган масъул шахс – суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд муҳокамаси чоғида суд котиби томонидан баённома тузилади. Далилларни баённомада қайд этишда қўлланган ёрдамчи усуллар қонун талабларига мос бўлиши лозим.

2. Баённомада кўздан кечириш давомида топилган барча нарсалар, улар қандай тартибда кўздан кечирилган бўлса, худди шу тартибда, кўздан кечириш пайтида қандай ҳолатда кузатилган бўлса, худди шу ҳолатда қайд этилади.

Одатда, кўздан кечириш чоғида кўчмас нарсалар, бинолар, иншоотлар ёки предметларни шимол, жануб, шарқ ва ғарбга нисбатан қандай жойлашганлиги, предмет юза қисми, орқа қисми, чап ёки ўнг томони билан қайси томонга қараб ётганлиги аниқ қайд қилиниши керак. Қолаверса кўздан кечиришда хонанинг кириш эшигидан ёинки марказидан қанчалик даражада узоқликда ётганлиги аниқ қайд этилиши лозим. Кўздан кечирилган нарсаларнинг ҳолати қандай эканлигини аниқ ифода этиш натижасида тергов ҳаракатларининг йўналишини тўғри белгилаб олиниши мумкин.

3. Кўздан кечириш чоғида топилган ва олинган барча излар, нарсалар ва ҳужжатлар санаб ўтилади. Олинган буюмнинг масига тегишли маълумотнома ёки баённоманинг нусхаси берилади.

Кўздан кечирилган ва олинган жиноят қуроли ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилади ва қонун билан белгиланган тартибда сақланади, келгусида зарурат бўлса, тегишли суд экспертизаси ўтказиш ва суд муҳокамасида кўздан кечирилиши инобатга олинади.

Кўздан кечирилган нарса, буюмда аниқланган жиноят излари эса, кўздан кечиришда иштирок этаётган процесс иштирокчиларига кўрсатилиб, аниқланган жиноят излари албатта баённомага қайд этилади.

4. Бундан ташқари, баённомада:

- кўздан кечириш қайси вақтда, қандай об-ҳавода ва қандай ёруғликда ўтказилганлиги;
- қандай илмий-техника воситалари қўлланилганлиги ва қандай натижалар олинганлиги;
- қандай нарсалар ва ҳужжатлар қай тартибда ва қандай муҳр билан муҳрланганлиги;
- кўздан кечирилганидан кейин мурда ва иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларнинг қаерга юборилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

5. Кўздан кечириш хонада ўтказилаётган бўлса, электр чироқларидан фойдаланилаётганлиги ёки йўқлиги, ёруғлик даражаси қандай эканлиги, агарда кўчада ўтказилаётган бўлса, шу билан бирга об-ҳаво шароити қандай эканлиги ва ёруғлик даражаси қандай эканлиги албатта баённомада акс эттирилиши лозим.

Кўздан кечириш ҳозирги вақтда видеотехника ёрдамида ҳам амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, мутахассислар ва махсус техника воситалари қўлланилган бўлса, қўлланилган техника воситаларининг нималардан иборат эканлиги ва кўздан кечириш натижасида қандай натижалар аниқланганлиги баённомада ифода этилиши лозим.

Кўздан кечиришда иштирок этган мутахассисларга қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тушунтирилганлиги баённомада кўрсатилиши лозим.

Баённома кўздан кечиришда иштирок этган процесс иштирокчилари томонидан ўқиб чиқилиши ва тергов ҳаракатини тўғри амалга оширилганлиги ифода этилиб, имзоланиши керак.

17-БОБ. ГУВОҲЛАНТИРИШ

142-модда. Гувоҳлантириш учун асослар

Гувоҳлантириш:

1) одамнинг баданидаги иш учун аҳамиятга молик хусусият ёки аломатларни, алоҳида белгиларни, унинг жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотларни, доғларни, тирналган, шилинган, қонталаш жойларни топиш зарурати туғилган ҳолларда, агар бунинг учун экспертиза ўтказиш лозим бўлмаса;

2) экспертиза ўтказишни талаб қилмайдиган усулларни қўллаш йўли билан шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатини аниқлаш зарурати туғилган ҳолларда ўтказилади.

1. Гувоҳлантириш инсон танасида алоҳида белгилар, тан жароҳатлари, мастлик даражаси ва бошқа хусусият ва белгилар, шунингдек, жиноят ишига аҳамиятли бўлган турли ҳолатлар мавжудлигини аниқлашлик учун ўтказилади. Гувоҳлантириш натижасида жиноятга алоқадор маълумотларни олиш мумкин. Гумон қилинувчи ёки айбланувчининг танасини кўздан кечирилганида унинг баданидан кураш излари, тирноғи остидан олинган қолдиқлар орқали жабрланувчи терисининг қолдиғи (дермис) ёки кийимидаги микроразрачалар қолганлиги аниқланиши мумкин. Бундан ташқари, жабрланувчининг баданини кўздан кечириш ёрдамида унга етказилган тан жароҳати аниқланиши ва жароҳатнинг суд-тиббий экспертиза орқали жиддийлиги аниқланиб, айбланувчининг айблилик даражаси белгиланади.

2. Гувоҳлантириш кўздан кечиришдан фарқли бўлиб, фуқароларнинг шахсий эркинлиги ва дахлсизлигига оид ҳуқуқларига тўқнаш келиши мумкин. Чунки, гувоҳлантириш ёрдамида шахснинг сирли ҳолатлари, масалан, унинг баданидаги нуқсонлар борлиги очилиб қолиш имконияти бўлади. Гувоҳлантириш гумон қилинувчи ёки айбланувчини ушлаб олиш пайтида ҳам ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Гувоҳлантириш суд-тиббий экспертизаси ўтказилиши талаб қилмайдиган ва танада жиноят изларининг бор-йўқлигини

аниқлашгина етарли деб ҳисобланган ҳолатларда амалга оширилади.

3. Жиноят излари – куйганлик аломатлари, пичокдан, ўқ отар куролидан, бошқа кесувчи, санчилувчи ёки қаттик, тўмтоқ предметлардан олинган жароҳатлар, қон доғлари, сперма, тишлаш, муштлашиш, зарба излари, тирналиш ва бошқа аломатлари, ҳамда микрозаррачалар ва бошқалар аниқланиши назарда тутилади.

4. Экспертиза ўтказишни талаб қилмайдиган усуллارни қўллаш йўли билан шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатини аниқлаш зарурати туғилган ҳолларда гувоҳлантириш ўтказилади.

Гувоҳлантиришда аниқланадиган алоҳида белгиларга тана гавдасининг дефектлари, татуировкалар, холлар, кесилиш излари, тиртиқлар, операциядан қолган жарроҳлик излари ва шунга ўхшаш бошқа белгиларни киритиш мумкин.

5. Гумон қилинувчи, айбланувчи ўзини ёки бошқа шахсни тегишли тартибда гувоҳлантиришни суриштирувчи ёки терговчидан талаб қилишга ҳақли. Терговчи ва суриштирувчи бу тергов ҳаракатини тергов бўлими бошлиғи ёки прокурорнинг рухсатини олмасдан амалга ошириши мумкин.

6. Гувоҳлантириш ўтказишга зарурат бўлса, суд-тиббий эксперт ёки шифокор-мутахассис таклиф этилиши мумкин. Мутахассислар ёрдамида инсон танаси батафсилроқ ўрганилади ва тўғри ҳамда аниқ ифода этилади.

143-модда. Гувоҳлантириладиган шахслар

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчи гувоҳлантирилишлари мумкин. Гувоҳ унинг кўрсатувлари тўғрилигини текшириш учунгина гувоҳлантирилиши мумкин.

1. Жиноят иши бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчи гувоҳлантирилиши мумкин. Гувоҳлантириш ёрдамида уларнинг кўрсатувлари ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслиги аниқланади. Масалан, жабрланувчи гумон қилинувчининг баданидаги маълум бир татуировка ёки бошқа бир алоҳида белги кўрганлигини билдирган бўлса, гумон қилинувчи

гувоҳлантирилаётган пайтда, айнан жабрланувчи ўз кўрсатувида қайд этган алоҳида белгига эътибор берилади.

2. Вояга етмаган ёхуд ақли норасо шахс гувоҳлантирилаётганда унинг ота-онаси ёки қонуний вакилларининг иштирок этиши мажбурийдир.

144-модда. Гувоҳлантиришни ўтказиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчининг баданида жиноят излари, иш учун аҳамиятга молик бошқа белгилар ёки унинг ғайритабиий физиологик ҳолати тўғрисида етарли маълумотлар бўлса, гувоҳлантиришни ўтказиш ҳақида суриштирувчи ёки терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Қарорда ёки ажримда: гувоҳлантиришни ким ва қандай мақсадда ўтказиши; кимни гувоҳлантириш кераклиги; гувоҳлантирилиши учун шахс кимнинг ҳузурига ва қачон етиб келиши кўрсатилган бўлиши лозим.

1. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчининг баданида жиноят излари, иш учун аҳамиятга молик бошқа белгилар ёки унинг ғайритабиий физиологик ҳолати тўғрисида етарли маълумотлар бўлса, гувоҳлантиришни ўтказиш ҳақида суриштирувчи ёки терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради.

2. Гувоҳлантириш ўтказиш ҳақида қарор чиқарган суриштирувчи, терговчи гувоҳлантириш ўтказиш учун қандай асослар борлигини ўз қарорида, суд эса ажримда баён этиши лозим. Қарор (ажрим) гувоҳлантириш ўтказишдан олдин гувоҳлантирувчига эълон қилинади.

3. Қарор ёки ажримда: гувоҳлантиришни ким ва қандай мақсадда ўтказиши; кимни гувоҳлантириш кераклиги; гувоҳлантирилиши учун шахс кимнинг ҳузурига ва қачон етиб келиши кўрсатилган бўлиши лозим.

145-модда. Гувоҳлантириш ҳақидаги қарорнинг ёки ажримнинг мажбурийлиги

Суриштирувчининг, терговчининг гувоҳлантириш ўтказиш тўғрисидаги қарори ёки суднинг шу тўғрисидаги ажрими

қайси шахс хусусида чиқарилган бўлса, ўша шахсга нисбатан мажбурийдир.

Гувоҳлантиришдан бош тортаётган шахслар мажбурий келтирилиши ва гувоҳлантирилиши мумкин.

1. Суриштирувчининг, терговчининг гувоҳлантириш ўтказиш тўғрисидаги қарори ёки суднинг шу тўғридаги ажрими қайси шахс хусусида чиқарилган бўлса, ўша шахсга нисбатан мажбурийдир.

2. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гувоҳлантиришдан бош тортаётган шахсларни мажбурий келтириш ва гувоҳлантирилиши мумкин. Гувоҳ ёки жабрланувчини мажбуран келтириш ҳақида қарор чиқарилади. Гумон қилинувчи, айбланувчини гувоҳлантириш эса, терговчининг қарори асосида ҳолислар иштирокида мажбуран ўтказилади.

146-модда. Гувоҳлантиришни ўтказиш тартиби

Гувоҳлантиришни ўтказиш ҳақидаги қарор ёки ажрим гувоҳлантирилувчига эълон қилинади. Гувоҳлантиришнинг барча иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилиши лозим.

Шахсни ечинтириб яланғочлаш, шунингдек, унинг баданидаги тирналган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш билан боғлиқ бўлмаган гувоҳлантириш суриштирувчи ёки терговчи томонидан ҳолислар иштирокида, зарур ҳолларда эса, шифокор ёки бошқа мутахассис иштирокида суд томонидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Шахсни ечинтириб яланғочлаш ёки унинг баданидаги тирналган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган, шунингдек, ушбу Кодекс 142-моддасининг иккинчи бандида назарда тутилган гувоҳлантириш суриштирувчи, терговчи ёки суднинг топширигига биноан шифокор ёхуд бошқа мутахассис тиббий ходим томонидан ўтказилади.

1. Гувоҳлантиришни ўтказиш ҳақидаги қарор ёки ажрим гувоҳлантирилувчига эълон қилинади. Гувоҳлантиришнинг барча иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилиши лозим.

Гувоҳлантириш чоғида аниқланган танадаги алоҳида белгиларни сир сақлаш зарурлиги ҳақида огоҳлантирилишлари лозим. Холислар ўзлари кўрган маълумотлар ҳақида дастлабки тергов ва суд муҳокамасида сўроқ қилинсалар, ўзларига маълум бўлган маълумотларни айтиб беришлари зарур.

2. Шахсни яланғочлаш ёки унинг баданидаги тирналган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган, шунингдек, ушбу Кодекс 142-моддасининг иккинчи бандида назарда тутилган гувоҳлантириш суриштирувчи, терговчи ёки суднинг тонширигига биноан шифокор ёхуд бошқа мутахассис тиббий ходим томонидан гувоҳлантирилаётган шахс билан бир жинсдаги шахслар ҳузурида ўтказилади.

Бундай ҳолларда гувоҳлантирилаётган шахснинг ор-номуси, шахси, қадриятлари топталмаслиги учун тегишли чоралар кўрилиши лозим.

147-модда. Гувоҳлантириш баённомаси

Гувоҳлантириш ўтказилганлиги ҳақида ушбу Кодекснинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ суриштирувчи ёки терговчи баённома тузади, суд эса гувоҳлантириш жараёни ва натижаларини суд мажлиси баённомасида қайд этади. Баённомада гувоҳлантириш ўтказган шахснинг ҳамма ҳаракатлари ва гувоҳлантириш давомида аниқланган барча излар, хусусиятлар ва белгилар қайд этилган бўлиши лозим.

Гувоҳлантириш шифокор ёки бошқа мутахассис томонидан ўтказилган бўлса, у баённома тузади ва имзолайди, гувоҳлантирилган шахс ва холислар ҳам имзолаганидан сўнг баённомани тегишинча суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим этади.

1. Барча тергов ҳаракатларини расмийлаштириш учун қўйилган талаблар, ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш учун ҳам гааллукли бўлиб, ЖПКнинг 90-92 моддаларида белгиланган баённомаларни тузишга оид қоидаларга риоя этилиши шарт.

Баённома одатда суриштирувчи, терговчи томонидан тузилади. Суд томонидан гувоҳлантириш ўтказиш ҳолатлари жуда кам учрайди. Фақат суд тергови мобайнида аниқланган баъзи

маълумотларни текшириш зарурати туғилган ҳолларда суд томонидан ҳам гувоҳлантириш ўтказилиши мумкин. Суд муҳокамаси мобайнида шундай зарурат туғилса, суд томонидан ажрим чиқарилади. Гувоҳлантириш натижалари суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

2. Баённомада гувоҳлантириш ўтказган шахснинг ҳамма ҳаракатлари ва гувоҳлантириш давомида аниқланган барча излар, хусусиятлар ва белгилар қайд этилган бўлиши лозим.

Айнан шу излар, хусусиятлар ва белгилар асосида содир этилган жиноятнинг характери, гувоҳлантирилаётган шахснинг жиноят содир этишга дахлдорлиги, охир-оқибат айбдорлик даражаси аниқланилиши мумкин.

3. Гувоҳлантириш шифокор ёки бошқа мутахассис томонидан ўтказилган бўлса, у баённома тузади ва имзолайди, гувоҳлантирилган шахс ва холислар ҳам имзолаганидан сўнг баённомани тегишинча суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим этади.

4. Гувоҳлантириш гумон қилинувчи, айбланувчининг баданидан жиноят изларини, кураш изларини топишга оид ўтказилаётган бўлса, унда видеотасвирни қўллаш ва аниқланадиган жиноят изларини видеотасвирда қайд этиш ҳаракати амалга оширилиши мумкин.

Видеотасвир олишда келгусида бу тасвирдан ашёвий далил сифатида фойдаланилиши ва суд муҳокамаси чоғида кўрсатилиши мумкинлигини назарда тутиб, уни жиноят процесси иштирокчилари ва жамоатчилик ҳузурида қўйиб кўрилиши боис аҳлоқ нормаларига мос олинган бўлиши талаб этилади.

Видеотасвирни процесс иштирокчиларига қўйиб берилиб, тўғри акс эттирилганлигини тасдиқлатиб, баённомага процесс иштирокчилари томонидан имзолар қўйилган бўлиши керак.

5. Бадандаги тез ўтиб кетадиган кўкариш, шилиниш ва бошқа енгил жароҳатлар имкон қадар фотосуратга олиниши, видеотасвирга туширилиши мақсадга мувофиқ саналади.

6. Фото, видеотехникадан фойдаланилганида, ишлатилган воситаларнинг аниқ номлари, ишлаб чиқарилган жойи, ишлаб чиқарилган вақти, қандай ленталардан фойдаланилганлиги баённомада акс эттирилиши ва тарафлар томонидан имзоланиши керак.

7. Фотосуратга олинганида фотосурат тайёр бўлганидан кейин, тузилган фототаблица гувоҳлантирилган шахсга тақдим этилади ва у томонидан бу фототаблицани кўриб, ўз имзоси билан тасдиқлаб берилиши мақсадга мувофиқдир. Фототаблица гувоҳлантириш ҳақидаги баённомага илова қилинади.

148-модда. Мурдани эксгумация қилиш асослари

Кўздан кечириш, таниб олиш, текшириш ёки экспертизага намуналар олиш учун мурдани қабрдан чиқариб олиш зарур бўлган тақдирда суриштирувчи, терговчи бу ҳақда қарор чиқаради ва прокурорнинг санкциясини олади. Суд эксгумацияни суриштирув органига ёки терговчига топшириши мумкин бўлиб, бу ҳақда ажрим чиқаради.

1. Мурдани эксгумация қилиш ҳақидаги қарорда кимнинг мурдаси эксгумация қилиниши, мурда қаерга кўмилган, қайси тергов ҳаракатини амалга ошириш учун уни эксгумация қилиш зарурати пайдо бўлганлиги қайд этилиши керак. Мурдани кўздан кечириш, таниб олиш, текшириш ёки тегишли экспертизани ўтказиш учун намуналар олиш зарурати тугилганида, суриштирувчи, терговчи томонидан эксгумация қилиш тўғрисида қарор чиқарилади ва прокурорнинг санкцияси олинishi лозим.

Эксгумация қилиш амалга оширилиши лозим деб топган тақдирда суд эксгумацияни суриштирув органига ёки терговчига топшириши мумкин, бу ҳақда ажрим чиқаради.

2. Мурда эксгумация қилинганидан сўнг, у тегишли тартиб-қоидаларга биноан кўмилиши шарт. Мурдани қариндош-уруғлари, яқинлари томонидан эксгумация вақтида амалга оширилган ҳаракатлар мурдани таҳқирлаш деб тушунилмаслиги учун эксгумацияни амалга ошираётган масъул шахс томонидан қонун талабларига қатъий риоя қилиниши ва барча чора-тадбирлар кўрилган бўлиши керак.

3. Мурдани эксгумация қилиш илгари ўтказилган ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, суд-тиббий ёки бошқа турдаги экспертларни ўтказиш чоғида йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш ва содир бўлган ҳодисани янада тўлиқ, ҳар томонлама ўрганиб чиқишга қаратилган тергов ҳаракати ҳисобланади. Шу сабабли ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш учун суриштирувчи, терговчи батафсил тайёргарлик кўриши, бажариладиган ишларнинг режасини белгилаб олган бўлиши шарт.

149-модда. Мурдани эксгумация қилиш тартиби

Суриштирувчи, терговчи ёки суд мурдани эксгумация қилишни соғлиқни сақлаш органлари билан келишган ҳолда ва мурда кўмилган жой вакилининг иштирокида амалга оширади. Эксгумация суриштирув ёки дастлабки тергов вақтида амалга оширилаётган бўлса, холисларнинг иштирок этиши шарт. Суд эксгумацияни тарафлар иштирокида амалга оширади.

Мурдани эксгумация қилишда суд тиббиёти соҳасидаги мутахассис шифокор, зарур бўлса, бошқа мутахассислар ҳам қатнашадилар. Агар экспертиза тайинланган бўлса, эксгумация ўтказишда суд тиббиёти экспертнинг иштирок этиши шарт.

Зарур ҳолларда, эксгумацияни ўтказишга гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек, мурдани таниб олиши мумкин бўлган шахслар жалб қилиниши мумкин.

1. Суриштирувчи, терговчи ёки суд мурдани эксгумация қилишни соғлиқни сақлаш органлари билан келишган ҳолда ва мурда кўмилган жой вакилининг иштирокида амалга оширади.

Мурдани эксгумация қилиш имкон қадар кундуз куни, мурда кўмилган қабристон вакили иштирокида амалга оширилади. Эксгумация ўтказаетган масъул шахс соғлиқни сақлаш органлари ходимларини ҳам албатта таклиф этиши зарур. Шунингдек, махсус билимга эга бўлган суд тиббий экспертнинг таклиф этилиши шарт ҳисобланади. Зарур бўлса, экспертиза ўтказиш учун наъмуналар олишда бошқа мутахассислар ҳам таклиф этилишига йўл қўйилади. Махсус техник воситалардан фойдаланиш ҳам мумкин. Бундан ташқари, умумий қоидага мувофиқ, эксгумация қилиш ҳақидаги қарор санкция берилганидан кейин, бир нусхаси мурда кўмилган жой-қабристон вакилида қолдирилади. Унга эксгумация ўтказиш чоғида тузилган баённома нусхаси тақдим қилиниши шарт эмас.

2. Эксгумация суриштирув ёки дастлабки тергов вақтида амалга оширилаётган бўлса, холисларнинг иштирок этиши шарт. Холислар мурдани эксгумация қилиш чоғида диққат билан тергов ҳаракатини кузатиб туришлари, процесс иштирокчиларининг ҳаракатларини кўриб туришлари, экспертиза учун

олинган наъмуналар пакетларга, пробирка ва бошқа махсус идишларга солинишини ва уни муҳрланишини кўришлари ва баённомада бу ҳақда қайд этилиши талаб этилади.

3. Суд эксгумацияни химоя ва айблов тарафлари иштирокида амалга оширади. Дастлабки тергов мобайнида суриштирувчи, терговчи ва айблов тарафининг ўзи иштирок этса, суд томонидан ўтказиладиган эксгумация тергов ҳаракатини амалга оширишда нафақат айбланувчининг химоячиси, унинг қонуний вакили, жабрланувчи деб танилган шахс, унинг қонуний вакили ҳам иштирок этиши мумкин. Мурданинг кийимбошлари ва у билан бирга кўмилган нарсалар ҳам кўздан кечирилади ва бу ҳақда баённомада кўрсатилади.

4. Мурданинг эксгумация қилиниши учун қонунда унинг яқин қариндошларидан розилик олинishi белгилаб қўйилмаган. Қоидага кўра эксгумация қилиш ҳақида қабул қилинган қарор чиқарилгандан сўнг бу ҳақда мурданинг яқин қариндошларига хабар берилади. Қонун талаб қилмасада, улардан расман розилик олиш турли шикоятларнинг олдини олади. Амалга ошириладиган тергов ҳаракатининг аҳамиятини тарафларга ва мурданинг қариндошларига тушунтирилиши керак.

150-модда. Мурдани эксгумация қилиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар

Эксгумация экспертиза қилиш мақсадида ўтказилаётган бўлса, экспертиза ўтказиш ҳақида қарор ёки ажрим чиқарилиши лозим. Бунда мурда экспертиза муассасасига жўнатилади ёки экспертиза мурда кўмилган жойнинг ўзида ўтказилади.

Мурдани кўздан кечириш, таниб олиш ва эксперт текшируви учун намуналар олиш ушбу Кодекснинг 125, 126, 131, 138, 188-191, 193 ва 197-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида амалга оширилади.

1. Эксгумация экспертиза қилиш мақсадида ўтказилаётган бўлса, экспертиза ўтказиш ҳақида ҳам қарор ёки ажрим чиқарилиши лозим.

Эксгумация чоғида мурдани қабрдан қовлаб олинishi билан муттахассислар иштирокида, мурда таналарининг титилиб

кегмаслиги ва хурмат-эҳтиром қоидаларига риоя қилган ҳолда, мурдани экспертиза муассасасига жўнатилиши керак. Мурдани кўздан кечириш ва ундан тегишли наъмуналар олиш билан чекланиладиган ҳолларда ёки, имконият яратилган ҳолда экспертиза мурда кўмилган жойнинг ўзиде ўтказилади.

2. Мурдани кўздан кечириш, таниб олиш ва эксперт текшируви учун намуналар олиш ЖПКнинг тегишли моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида амалга оширилади.

151-модда. Мурдани эксгумация қилиш баённомаси

Мурдани эксгумация қилиш тўғрисида ушбу Кодекснинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ суриштирувчи ёки терговчи баённома тузади, суд эса эксгумация жараёни ва натижаларини суд мажлисининг баённомасида қайд этади. Баённомага қабр, тобут ва мурданинг фотосуратлари, кинотасвир ва видеоёзувлари илова қилинади.

Мурда эксгумация қилинганидан сўнг кўздан кечириш, таниб олиш ёки эксперт текшируви учун намуналар олиш амалга оширилган бўлса, мазкур тергов ҳаракатлари тўғрисида баённома тузилади.

1. Мурдани эксгумация қилиш тўғрисида ушбу Кодекснинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ, суриштирувчи ёки терговчи баённома тузади, суд эса эксгумация жараёни ва натижаларини суд мажлисининг баённомасида қайд этади.

2. Баённомада ўтказилиши лозим бўлган экспертиза учун олинган намуналар пакетларга ёки бошқа идишларга солиниб, уралгани ва муҳрлангани баённомада қайд этилиши лозим.

3. Баённомага қабр, тобут ва мурданинг фотосуратлари, кинотасвир ва видеоёзувлари илова қилинади.

4. Баъзи ҳолларда, эксгумация билан бир вақтнинг ўзиде мурдани таниб олиш учун кўрсатилиши мумкин. Бундай ҳолатларда барча тергов ҳаракатининг натижалари, чунончи, мурдани эксгумация қилиш, кўздан кечириш ва таниб олиш учун кўрсатиш жараёни ва натижалари баённомада батафсил ёшн этилади.

5. Мурдани эксгумация қилиш баённомаси унинг яқин қариндошларига тақдим қилиниши талаб этилмайди.

152-модда. Мурдани эксгумациядан сўнг кўмиш

Эксгумациядан ва бошқа процессуал ҳаракатлардан сўнг мурдани кўмиш мурдани эксгумация қилиш тўғрисида қарор ёки ажрим чиқарган шахснинг иштирокида амалга оширилади. Мурда кўмилганлиги тўғрисида баённома тузилади.

1. Эксгумацияни ўтказиб бўлгач, суриштирувчи ёки терговчи мурда кўмилишини амалга оширади. Мурдани кўмиш унга нисбатан ҳурмат-эҳтиром қоидаларига амал қилган ҳолда, диний талаблар ва маҳаллий урф-одатларга риоя қилиб ҳамда вафот этган шахснинг яқинлари билдирган истакларни эътиборга олиб бажарилиши керак.

2. Мурда кўмилганлиги тўғрисида баённома тузилади. Баённома иштирокчилар томонидан имзоланиши керак. Эксгумация вақтида видеотасвирдан фойдаланилган бўлса, унда эксгумация вақтида олинган видеоёзув иштирокчиларга қўйиб кўрсатилиши ва бу ҳақда баённомада қайд этилиши керак.

19-БОБ. ЭКСПЕРИМЕНТ

153-модда. Эксперимент ўтказиш учун асослар

Суриштирувчи, терговчи ва суд гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчиларнинг кўрсатувларини, бошқа далилларни, шунингдек, иш юзасидан қилинган тусмол, текширилаётган ҳодисага оид муайян ҳаракатлар, шароит ва ҳолатларни тиклаш ҳамда зарурий тажрибалар ўтказиш орқали текширишга ҳақлидир.

Эксперимент бирор ҳодисани идрок қилиш, муайян ҳаракатларни бажариш, бирор ҳодисанинг содир бўлиш имкониятини текшириш, шунингдек, ҳодисанинг юз бериш ва изларнинг қолиш йўсинларини аниқлаш учун ўтказилади.

1. Тергов амалиётида тергов эксперименти содир бўлган ҳодиса юзасидан далилларни мустаҳкамлаш, ҳақиқатни аниқлаш, олинган кўрсатувларнинг ишончилигига замин яратиш мақсадида ўтказилади.

Ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш натижасида гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчиларнинг кўрсатувларини, бошқа далилларни, шунингдек, иш юзасидан қилинган тусмол, текширилаётган ҳодисага оид муайян ҳаракатлар, шароит ва ҳолатларни тиклаш мумкин бўлади. Шунингдек, зарурий тажрибалар ўтказиш орқали текшириш амалга оширилади.

Иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни олиш ва текшириш мақсадида ҳодиса ҳолати тикланиши ва тажрибавий ҳаракатлар ўтказилиши мумкин.

2. Тергов экспериментини ўтказишда барча процессул талабларга риоя этилиши, процесс иштирокчиларининг хавфсизлиги, уларнинг соғлиги ва ҳаёти учун хавфли бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни бартараф этилиши зарур бўлади.

3. Эксперимент кўздан кечиришдан фарқ қилади. Кўздан кечиришнинг асосий мақсади далилни топишга қаратилган бўлса, экспериментнинг мақсади топилган ва аниқланган далилни, шу жумладан, кўздан кечириш мобайнида топилган далилларни текшириш мақсадида амалга оширилади.

4. Эксперимент ва кўздан кечириш мобайнида олинган маълумотларнинг характери ҳам бир-биридан фарқ қилади. Кўздан кечириш мобайнида терговчи ашёвий далилларни ва жинойт изларини топишга эришса, эксперимент ҳодиса содир бўлган вақтдаги ҳолатни қайта тиклашга хизмат қилади, унинг қандай содир бўлганлигини, ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрса-тади, зарур бўлган тажрибавий синовлар ўтказиб, ҳодисага мантиқий ва ҳуқуқий баҳо беради.

5. Кўздан кечириш одатда, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларига киради. Эксперимент эса, тўпланган далилларнинг ишончли эканини текшириш учун ўтказилиши мумкин. Эксперимент ҳамма вақт ҳам ўтказилиши шарт бўлган тергов ҳаракатлари сирасига кирмайди.

6. Эксперимент жинойт иши юзасидан у ёки бу тергов версияси, тусмоли тўғрилигини текшириш учун ҳам ўтказилиши мумкин. Бунинг ёрдамида аниқланган далиллар мустаҳамланади.

7. Эксперимент бирор ҳодисани идрок қилиш, муайян ҳаракатларни бажариш қобилияти ва содир бўлиш имкониятини текшириш, шунингдек, ҳодисанинг юз бериш ва изларнинг қолиш йўсинларини аниқлаш учун ўтказилади.

8. Эксперимент ҳаракатларни тиклаш, қайта такрорлаш натижасида реконструкция қилиш йўли билан маълум бир ҳодиса ҳолатларини ёки шароитини тиклаш, шунингдек, зарур бўлган тажрибавий ҳаракатларни амалга ошириш тарзида амалга оширилади.

9. Тергов экспериментининг натижаси олиб борилаётган айбловга нисбатан ижобий бўладими, салбий бўладими, далил тариқасида эътироф этилади. Лекин, эксперимент орқали бирор ҳолат юз бериши, уни кўриш, эшитиш, сезиш муайян шароитларда мумкин эканлиги аниқланса, шундай ҳолат ҳақиқатда бўлиб ўтганини билдирмайди. Эксперимент натижаси салбий бўлса, бундай ҳолат юз бермаган деб ҳисоблаш учун жиддий далил сифатида баҳоланади.

10. Тергов эксперименти натижаларини ишончлилигини ошириш мақсадида:

а) ўтказиладиган тажрибавий ҳаракат, ҳолат, шароитни максимал даражада содир бўлиб ўтган ҳодиса билан ўхшаш бўлишига эришиш;

б) ҳаракатлар аниқ ва тўлиқ бажарилишини, баъзида эса, кўп марта такрорлаш ва мувофиқ таҳминларнинг барчасини инobatга олган ҳолда, турли даражада амалга оширилишини таъминлаш лозим.

154-модда. Эксперимент ўтказиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим

Эксперимент ўтказиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Эксперимент натижасида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мулкӣ зарар етказилиши, ишлаб чиқариш тартиботининг, транспорт воситалари ҳаракати жадвалининг бузилиши ва бошқа нохуш оқибатларнинг келиб чиқиши эҳтимол бўлса, суриштирувчининг, терговчининг бундай эксперимент ўтказиш тўғрисидаги қарорига прокурор санкция бериши лозим.

Эксперимент жамоат тартиби ёки ахлоқ нормаларининг бузилишига олиб келадиган бўлса, уни ўтказишга йўл қўйилмайди.

Эксперт томонидан ўтказиладиган эксперимент суд экспертизасининг таркибий қисми ҳисобланади.

1. Шуни назарда тутиш керакки, илгаридан яхшилаб тайёрлик кўриб, режалаштириш асосида амалга оширилган тергов эксперименти натижасида баъзи экспертизаларни ўтказишга зарурат қолмайди. Бу эса, ўз ўрнида ишни тез муддатда тергов қилиш имкониятини беради. Эксперимент натижаси терговчи томонидан илгари сурилаётган версияни тасдиқлаши ёки рад этиши мумкин. Ҳар қандай ҳолда, тергов эксперименти натижаси процесс иштирокчилари томонидан кузатилади ва баённомада баён қилинади. Бу эса, иш юзасидан далилларга оаҳо беришда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун терговчи томонидан, авваламбор, тергов эксперименти ўтказиш зарурияти борлиги аниқланиши ва кейин бу тергов ҳаракатини амалга оширишга қарор қилиниши керак.

2. Эксперимент ўтказиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Қарор (ажрим)да экспериментнинг мақсади, қаерда, қачон, қандай тарзда, кимларнинг

иштирокида, қандай шароитларда ўтказилиши батафсил баён этилган бўлиши лозим. Бу ҳақда манфаатдор шахслар хабардор қилинади.

3. Тергов экспериментини ўтказиш процесс иштирокчиларининг соғлиғи ва ҳаётига хавф туғдирса, шунингдек, жамоат тартиби ёки ахлоқ нормаларининг бузилишига олиб келадиган бўлса, уни ўтказишга йўл қўйилмайди. Масалан, юриб кетаётган автотранспорт воситасидан йиқилиб тушадими ёки йўқлигини эксперимент орқали аниқланиши мумкин эмас. Шунингдек, жамоат тартибини эксперимент натижасида қайтадан бузиш ёки фуқароларнинг шахси, кадр-қимматини, ор-номусини камситадиган ҳаракатларни содир этилишига ёки ахлоқ нормаларини бузилишига олиб келиши мумкин бўлган бирор ҳаракатни амалга оширишга йўл қўйиб бўлмайди.

Жабрланувчининг ўлими билан тутаган жиноят ишлари юзасидан жабрланувчининг яқин қариндошларини тергов эксперименти ўтказишга таклиф этиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, бу тергов ҳаракати уларнинг кўз ўнгида бажарилиши натижасида, уларга руҳий ёки маънавий жароҳат етказилиши мумкин. Шунинг билан бирга шуни ҳисобга олиш лозимки, ўтказиладиган тергов ҳаракати натижасида ўзгаларнинг мулкига зарар келтирилмаслиги лозим.

4. Эксперимент натижасида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мулкӣ зарар етказилиши, ишлаб чиқариш тўхтатилиши, транспорт воситалари ҳаракати жадвалининг бузилиши ва бошқа нохуш оқибатларнинг келиб чиқиш эҳтимоли бўлса, суриштирувчининг, терговчининг бундай эксперимент ўтказиш тўғрисидаги қарорига прокурор санкция бериши лозим.

5. Эксперт томонидан ўтказиладиган эксперимент суд экспертизасининг таркибий қисми ҳисобланади. Суд-автотехник экспертизасини ўтказиш учун, кўпинча, тегишли тартибда тергов эксперименти ўтказиш талаб этилади. Ҳодиса содир бўлган ҳолат тикланиб, автотранспорт воситасининг техник ҳолати, ҳайдовчининг имкониятлари, йўловчи ёки бошқа жабрланувчининг ҳолати ва тўқнашув ҳолати, уларнинг юриш тезликлари ва берилган кўрсатувдаги ҳолатлар, тергов эксперименти натижаларига солиштириб кўрилади ва тегишли тартибда экспертиза хулосаси берилади.

Суриштирувчи ёки терговчи экспериментни холислар, суд ва тарафлар иштирокида ўтказилади.

Эксперимент ўтказишга мутахассис ва эксперт, шунингдек, тажриба ҳаракатларини олиб боровчи шахслар жалб қилиниши мумкин. Мураккаб экспериментлар камида икки нафар холис ва бир неча мутахассис иштирокида ўтказилиши мумкин. Эксперимент ўтказишга, шунингдек, кўрсатувлари текширилиши лозим бўлган шахслар ҳам жалб қилиниши лозим. Бунда гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатув беришдан бўйин товлаганлик ва била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиши лозим. Эксперимент иштирокчиларига унинг мақсади ва ўтказилиш тартиби тушундирилади.

Тажриба ҳаракатларини ўтказишдан олдин ўрганилаётган ҳодиса шароитлари текшириляётган кўрсатув ёки тусмолларга тўла мувофиқ ҳолда тикланган бўлиши лозим. Бунинг учун гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида ўзи қатнашган ёки шохид бўлган ҳодисанинг шароит ва ҳолатларини тиклаш таклиф қилиниши мумкин. Шундан кейин суриштирувчи, терговчи ёки суд тегишли тажриба ҳаракатларини ўтказилади, шу мақсадда ўлчаш, фотосуратга тушириш, кинотасвирга олиш, овоз ёзиш, видеоёзув, режа, схема ва чизмалар тузиш, экспериментал қолиплар ва ишларнинг нусхаларини тайёрлаш мумкин.

Эксперимент ўтказиш шароити тикланаётган ҳаракат ёки ҳодислар юз берган шароитга иложи борича ўхшаш бўлиши лозим. Тажрибалар имкон борича бир неча марта ўтказилади. Тажрибаларнинг шароитлари ўзгартирилиши мумкин.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, мутахассис ва экспертга эксперимент юзасидан савол берилиши мумкин. Суднинг ижозати билан экспериментда иштирок этаётган шахсларга тарафлар ҳам савол бериши мумкин. Тарафлар ва экспериментда иштирок этаётган бошқа шахслар суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг ётиборини, уларнинг фикрича иш ҳолатини аниқлашга

ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолатларга қаратишга, эксперимент шароитига аниқлик киритишни ва тажриба ҳаракатларини такрорлашни талаб қилишга ҳақлидир. Кўрсатуви текшириладиган шахс эксперимент муносабати билан ўзининг қўшимча сўроқ қилинишини талаб қилиши мумкин.

1. Кўп тергов ҳаракатларини амалга оширишда талаб қилинганидек, тергов эксперименти тергов ҳаракатини ўтказишда ҳам албатта ҳолислар таклиф этилади, суд эса тарафлар иштирокида ўтказди. Ҳолислар қоидага кўра икки ва ундан ортиқ бўлиши лозим. Агарда тергов эксперименти бир йўла бир неча хонада ёки худудда ўтказиладиган бўлса, ёхуд мураккаб бўлса, унда албатта, кўпроқ ҳолислар иштирок этиши, агарда маълум бир технологик жараёни кузатиш зарурати бўлса, шу технологик жараёни тушунадиган ҳолисларни иштирок эттириш мақсадга мувофиқдир. Ҳолисларга уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади.

Мураккаб экспериментларни ўтказиш учун мутахассис таклиф этилиши мумкин.

2. Терговчи ўзининг процессуал ҳуқуқлари ва ваколатларидан фойдаланиб, тергов экспериментини ҳодиса содир бўлган жойда ўтказилишини таъминлаши, бунинг учун эса, зарур бўлган куч ва техник воситаларни жалб қилиши мумкин.

3. Эксперимент ўтказишга, шунингдек, кўрсатувлари текширилиши лозим бўлган шахслар ҳам жалб қилиниши лозим. Эксперимент иштирокчилари сифатида гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳам бўлиши мумкин. Бунда гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатув беришдан бўйин товлаганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиши лозим.

Терговчи томонидан процесс иштирокчиларининг вазифалари белгилаб олиниши ва улар томонидан бажарилиши лозим бўлган ҳаракатларининг кетма-кетлиги тушунтирилган бўлиши ва назоратга олиниши лозим.

3. Терговчи амалга ошириладиган тергов ҳаракати иштирокчиларининг барчасига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши шарт. Тергов ҳаракати бошланмасдан аввал, қандай тергов ҳаракати ўтказилиши, унинг мақсади ва бу тергов

ҳаракатида кимлар иштирок этиши ва иштирокчиларнинг вазифалари қандайлиги ва улар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар тизими тушунтириб берилиши керак.

4. Тажриба-синов ҳаракатларини ўтказишдан олдин ўрганилаётган ҳодиса шароитлари текширилаётган кўрсатув ёки тусмолларга мувофиқ ҳолда тикланган бўлиши лозим. Бунинг учун гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида ўзи қатнашган ёки шохид бўлган ҳодисанинг шароит ва ҳолатларини тиклаш таклиф қилиниши мумкин.

Шундан кейин суриштирувчи, терговчи ёки суд тегишли тажриба ҳаракатларини ўтказди, шу мақсадда ўлчаш, фотосуратга тушириш, кинотасвирга олиш, овоз ёзиш, видеоёзув, режа, схема ва чизмалар тузиш, экспериментал қолиплар ва илзларнинг нусхаларини тайёрлаш мумкин.

Содир бўлган ҳодисани, тажрибавий ҳаракатни иштирокчилар томонидан текширилиши терговчининг фармойишига кўра бошланади. Зарур бўлган ҳолларда тергов экспериментининг натижалари кино, видеотасвирга туширилиши, фотосуратга олинishi ва аудиоёзув орқали қайд қилиниши мумкин.

5. Амалиёт шунини кўрсатадики, содир бўлган ҳолатни тиклаш ва аниқ маълумот олиш учун кўпинча камида уч марта шу ҳолатни тажрибавий такрорлаш зарур.

Тажриба ўтказиш шароитлари ҳар сафар ўзгартирилиши мумкин. Ҳар бир такрорлаш натижаси баёнлаштирилиши ва улар таққосланиши талаб этилади.

6. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, мутахассис ва экспертга эксперимент юзасидан савол берилиши мумкин. Суднинг ижозати билан экспериментда иштирок этаётган шахсларга тарафлар ҳам савол бериши мумкин. Саволларни биринчи бўлиб, тергов ҳаракатини ўтказиётган масъул шахс беради. Унинг саволлари қолмагач, тарафларга навбатма-навбат тартиб билан савол беришга рухсат берилади.

7. Тарафлар ва экспериментда иштирок этаётган бошқа шахслар суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг эътиборини, уларнинг фикрича иш ҳолатини аниқлашга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолатларга қаратишга, эксперимент шароитига аниқлик киритишни ва тажриба ҳаракатларини такрорлашни талаб қилишга ҳақлидир.

Эксперимент ўтказилганлиги ҳақида ушбу Кодекснинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ суриштирувчи, терговчи баённома тузади, суд эса экспериментнинг бориши ва натижаларини суд мажлиси баённомасида акс эттиради. Бундан ташқари, баённомада: эксперимент қандай мақсадда, қачон, қаерда ва қандай шароитда ўтказилганлиги; ҳодисанинг шароитини ва ҳолатини тиклаш айнан нималарда ўз аксини топганлиги; қандай тажриба ҳаракатлари қай тартибда, қим томонидан ва неча марта ўтказилганлиги; қандай натижалар олинганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

1. Тергов экспериментини ўтказиш жараёни ва натижаси баённомада қайд этилади. Эксперимент ўтказилганлиги ҳақида ушбу Кодекснинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ суриштирувчи, терговчи баённома тузади, суд эса экспериментнинг бориши ва натижаларини суд мажлиси баённомасида акс эттиради.

Баённома бевосита тергов ҳаракати мобайнида ёки тергов эксперименти ўтказилиб, тамомланганидан кейин тузилади.

2. Тергов эксперименти баённомасида: эксперимент қандай мақсадда, қачон, қаерда ва қандай шароитда ўтказилганлиги; ҳодисанинг шароитини ва ҳолатини тиклаш айнан нималарда ўз аксини топганлиги; қандай тажриба ҳаракатлари қай тартибда, қим томонидан ва неча марта ўтказилганлиги; қандай натижалар олинганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

3. Тергов эксперименти баённомасида тергов ҳаракати мобайнида иштирок этган процесс иштирокчилари, уларнинг ҳаракатлари нималардан иборат бўлганлиги билан тугаганлиги қайд этилиши керак.

4. Аудио ва видеоёзув, кинотасвирга, фотосуратга олинганлиги, режалар, схемалар тузилганлиги ва бошқалар албатта баённомада қайд этилиши керак.

5. Тергов ҳаракати мобайнида қилинган аризалар, савол – жавоблар, эътирозлар баённомада ўз аксини топган бўлиши керак.

6. Агарда, тергов ҳаракати иштирокчилари тергов ҳаракатларига оид сирларни ошкор этмаслик учун огоҳлантирилган бўлсалар, ушбу ҳолат ҳам баённомада ўз аксини топиши зарур.

7. Баённома иштирокчилар томонидан қонун талабларига биноан имзоланиши шарт.

157-модда. Олиб қўйиш учун асослар

Жиноят иши учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларнинг айнан кимда ва қаерда эканлиги маълум бўлиб, уларни қидиришнинг ҳождати бўлмаса, суриштирувчи, терговчи ва суд уларни олиб қўйишга ҳақлидир.

1. Олиб қўйиш – қаердалиги ва кимдалиги маълум ҳамда жиноят иши учун аҳамиятли бўлган предмет ва ҳужжатларни мажбуран олиб қўйишдан иборат.

Олиб қўйишдан аввал жиноят иши учун аҳамиятли бўлган предмет ва ҳужжатларни ихтиёрий равишда терговчига топширилиши сўралади. Ҳар қандай ҳолатда, бу нарса ва ҳужжатларни иш учун олиб қўйиш ташаббуси терговчидан чиқади. Шу боис ушбу тергов ҳаракатини амалга оширишдан аввал, терговчи асослантирилган қарор чиқаради.

2. Нарса ва ҳужжатларни ашёвий далил деб эътироф этиш учун жиноят иши юзасидан тўпланган материалларда, олиб борилаётган иш учун аҳамиятли эканлигини тасдиқловчи, унинг қаердалигини кўрсатувчи маълумотлар бўлиши керак. Бу маълумотлар суриштирувчи ва терговчи томонидан жиноят ишини тергов қилиш борасида процессуал тартибда аниқланган бўлиши ёки нопроцессуал манбалардан олинган асослантирилган маълумотларда ўз аксини топган бўлиши керак.

3. Нарса ва предметларни, жиноят қуролини, ҳужжатлар ва бошқаларни гумон қилинувчи, айбланувчи ёки уларни сақлаётган шахс томонидан ихтиёрий равишда топширилса, ихтиёрий равишда топширилганлиги ҳақида баённомада кўрсатилади. Улар иш учун аҳамиятли бўлса, қонунга биноан ашёвий далил деб эътироф этилади.

4. Қонунда гумон қилинувчи, айбланувчи, уларнинг ҳимоячилари, фуқаролик даъвогари, фуқаролик жавобгари томонидан жиноят иши учун аҳамиятли бўлган далил тариқасидаги ҳужжатлар ёки нарсаларни тақдим қилиш ҳуқуқи белгиланган. Бундай ҳолатларда, терговчи томонидан олиб қўйиш тўғрисида қарор ва баённома тузилмасдан, топширилаётган нарса ва ҳужжатни қабул қилиш ҳақида баённома тузилиши керак. Зарурат

бўлса, топширилган нарса ва ҳужжат тегишли мутахассис-эксперт томонидан қоидага биноан текширилганидан сўнг, унинг бу ҳақдаги ҳулосаси олинганидан кейин, процессуал тартибда жиноят ишига ашёвий далил тариқасида кўшиш ҳақида қарор чиқарилиши керак.

5. Жиноят иши учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларнинг айнан кимда ва қаерда эканлиги суд муҳокамаси чоғида маълум бўлиб қолса, уларни қидиришнинг ҳожати бўлмаса, суд ҳам уларни олиб кўйишга ҳақлидир. Бунинг учун жиноят иши юритаётган суд ҳайъати ёки судья процессуал талабларга риоя қилган ҳолда тегишли ажрим чиқаради.

6. Ўзида давлат ёки ҳарбий сирни сақлайдиган ҳужжатлар ёки нарсаларни олиб кўйишда шу сирлар билан танишишга рухсати бўлган холислар таклиф қилинади ва улар тегишли тартибда огоҳлантирилади.

158-модда. Тинтув ўтказиш учун асослар

Суриштирувчи ва терговчи бирор турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносида ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда тинтув ўтказишга ҳақлидир.

Тинтув қидириладиётган шахсни, шунингдек, мурдани топиш учун ҳам ўтказилиши мумкин.

1. Тинтув – турар-жойларда ёки бошқа жой ёхуд хизмат, ишлаб чиқариш биноларида жиноят ишига алоқадор бўлган, иш учун аҳамиятли нарса ва ҳужжатлар бор деб ўйлаш учун асослар етарли бўлганида ва бу ҳақда бирор маълумотларга эга бўлинганида, уларни излаш, топиш ва ишга кўшиш учун амалга ошириладиган ҳаракат ҳисобланади.

2. Тинтув ўтказиш олиб бориладиётган жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни, шу жумладан жиноят изларини, жиноят қуролиларини, жинойий ҳатти-ҳаракат натижасида юз берган ўзгаришларни процессуал тартибда қайд қилиш учун ҳам ўтказилади.

3. Тинтув натижасида сақлашлик ёки олиб юришлик қонун билан тақиқланган буюмлар, масалан, ўқ отар қурол, ўқ дори-

лар, портловчи, наркотик ёки захарли моддалар ва хоказолар топилиши мумкин.

Қонун бўйича тинтув шахсга хизмат ёки бошқача тарзда қонуний алоқаси бўлмаган ёки унинг ҳуқуқи бўлмаган, шу жумладан, давлат ёки ҳарбий сири деб ҳисобланган ҳужжатлар ва хоказоларни, қидириладиган шахсларни ва мурдаларни топиш мақсадида ҳам амалга оширилади.

4. Тинтув жиноят иши қўзғатилганидан кейин амалга ошириладиган ва амалдаги қонун бўйича прокурорнинг махсус рухсати орқали амалга ошириладиган тергов ҳаракатлари жумласига киради. Суриштирувчи, терговчи чиқарган қарор албатта прокурор томонидан тасдиқланиши керак.

5. Тинтув процессуал тартибда, тинтув ўтказиладиган шахснинг ихтиёридан қатъи назар, мажбурий ўтказиладиган ҳаракат ҳисобланади.

У мажбурий равишда тинтув ўтказиладиган шахснинг уй-жойи, ишлаш хонаси ёхуд бошқа ишлаб чиқариш ҳамда бошқа биноларига кирилиши мунособати билан фуқароларнинг шахсий эркинлиги, уй-жойининг дахлсизлигига оид ҳуқуқларига таъсир этиши билан ажралиб туради.

159-модда. Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш тўғрисида қарор ёки ажрим

Олиб қўйиш ёки тинтув суриштирувчи ёки терговчининг қарори ёхуд суднинг ажримига кўра ўтказилади, бунда улар олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишни суриштирув органига ёки терговчига топширишга ҳақлидирлар.

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда бу ҳаракатлар қаерда ва кимникида ўтказилиши зарурлиги, қайси нарса ёки ҳужжатларнинг қидириб топилиши ва олиб қўйилиши лозимлиги кўрсатилган бўлиши керак.

1. Олиб қўйиш ёки тинтув суриштирувчи ёки терговчининг қарори ёхуд суднинг ажримига кўра ўтказилади. Бунда суд олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишни суриштирув органига ёки терговчига топширишга ҳақлидир.

Одатда, тинтув ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган шахс ушбу тергов ҳаракатини процессуал тартибларга риоя қилган ҳолда, ўзи амалга оширади. Ишга зарари тегмаса, бу тергов ҳаракатини бажариш суриштирув органига ва тергов гуруҳига жалб қилинган бошқа терговчига топширилиши қонун билан тақиқланмаган.

2. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тинтув прокурорнинг санкциясиз ўтказилиши мумкин, лекин бундай ҳолда ўтказилган тинтув ҳақида йигирма тўрт соат ичида прокурорга хабар қилинади. Тинтув ўтказиш учун кечиктириб бўлмайдиган ҳол сифатида, агарда бу тергов ҳаракати ўтказилмаса, жиноят излари, жиноят қуроллари ёки ишга аҳамиятли бўлган нарса ва ҳужжатлар яширилиши, йўқолиб кетиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳисобланади.

3. Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда бу ҳаракатлар қаерда ўтказилиши зарурлиги, қайси нарса ёки ҳужжатларнинг қидириб топилиши ва олиб қўйилиши лозимлиги кўрсатилган бўлиши керак.

160-модда. Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш вақтида ҳозир бўладиган шахслар

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишда ҳолислар, зарурат бўлган тақдирда мутахассис ва тарғимон ҳам иштирок этадилар.

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш жараёнида бу ҳаракатлар уйда ўтказилаётган шахснинг ўзи ёки ҳеч бўлмаганда унинг вояга етган оила аъзоларидан бирининг иштирок этиши таъминланиши лозим. Башарти уларнинг иштирок этишини таъминлашга имкон бўлмаса, тегишли ҳокимлик ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг вакили тақлиф қилинади.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмлар жойлашган биноларда олиб қўйиш ёки тинтув уларнинг вакиллари иштирокида ўтказилади.

Тинтув қилинаётганларга, ҳолисларга, мутахассисларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмларнинг вакилларига тинтув ёки олиб қўйиш ўтказилишидан аввал уларнинг суриштирувчи ёки терговчининг барча ҳаракат-

лари чоғида ҳозир бўлиш ҳамда ана шу ҳаракатлар хусусида арз қилиш ҳуқуқлари тушунтирилиши керак. Бундай арз баённомага киритилиши шарт.

1. Холисларнинг ушбу тергов ҳаракатидаги иштироки асосий зарурий шартлардан бири ҳисобланади. Тинтув ўтказишга тинтув ўтказилаётган шахснинг яқин қўни-қўшниларини таклиф этилиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, тергов олиб борилишига улар бирёқлама ёндашишлари мумкин. Уларнинг тинтув ўтказилган шахсга нисбатан мунособати яхши бўлса, унга ён босишлари, ёмон бўлса, айбланиш мақсадида терговни чалғитиш эҳтимоли бўлади.

2. Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишда холислардан ташқари, зарурат бўлган тақдирда мутахассис ва таржимон ҳам иштирок этади.

3. Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишда иштирок этаётган холисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ЖПКнинг 74-моддасида, мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари 70-моддада, таржимоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эса, 72-моддада белгиланган.

4. Олиб қўйиш ёки тинтув шахснинг уй-жойида ўтказилаётганда унинг ўзи ёки вояга етган оила аъзоларидан бирининг иштирок этиши таъминланиши лозим. Бу тергов ҳаракатини амалга ошираётган шахс ёки бошқа иштирокчиларга нисбатан уй эгасида эътироз бўлиш-бўлмаслиги, ушбу тергов ҳаракати мобайнида олинган ашёвий далилларни мақбул ёки номақбул деб топилишига таъсир қилувчи ҳолат саналади.

161-модда. Олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш тартиби

Тинтув суриштирувчи ёки терговчининг асослантирилган қарорига биноан, прокурорнинг санкцияси билан ўтказилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тинтув прокурорнинг санкциясиз ўтказилиши мумкин, лекин бундай ҳолда кейинчалик шу ўтказилган тинтув ҳақида йигирма тўрт соат ичида прокурорга хабар қилинади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар суриштирувчи ёки терговчининг прокурорга юборган хабарномасида асослантирилиши лозим. Хабарноманинг нусхаси ишга қўшиб қўйилади.

Суриштирувчи ёки терговчи олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш ҳақидаги қарорга ёки ажримга асосан иш учун аҳамиятли бўлган нарса ва ҳужжатларни кидириб топиш мақсадида турар жойга ёки бошқа бинога киришга ҳақлидир.

Суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишга киришишдан олдин олиб қўйиш ёки тинтув ўтказилаётган шахсни қарор ёки ажрим билан таништириб имзо қўйдириши шарт.

Суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш ёки тинтув ўтказилаётган бинода ёки ўзга жойда турган шахсларнинг олиб қўйиш ёки тинтув тамом бўлгунга қадар шу бино ёки жойдан чиқиб кетишини, шунингдек, уларнинг бир-бирлари билан ёки бошқа шахслар билан гаплашишини тақиқлаб қўйишга ҳақлидир.

Суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш чоғида қарор ёки ажрим билан таништирганидан сўнг олинishi лозим бўлган нарса ва ҳужжатларни ихтиёрий равишда беришни таклиф қилади, таклиф рад этилган тақдирда мажбурий равишда олади. Башарти бу нарса ва ҳужжатлар олиб қўйишни амалга ошириш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда кўрсатилган жойдан топилмаса, у ҳолда тинтув ўтказилади.

Суриштирувчи, терговчи тинтув ўтказишга киришаётганида қарор ёки ажрим тақдим этганидан сўнг, олиб қўйилиши керак бўлган нарса ва ҳужжатларни беришни таклиф қилади. Башарти улар ихтиёрий равишда берилса, олиб қўйиш баённомаси тузилади. Агар қидирилаётган нарса ёки ҳужжатлар берилмаса ёхуд тўлиқ ҳолда топирилмаган бўлса, тинтув ўтказилади. Тинтув чоғида бу хусусдаги қарорда ёки ажримда кўрсатилган нарса ёки ҳужжатлар қидирилади ва олинади. Иш учун аҳамиятга молик бошқа нарса ёки ҳужжатлар, шунингдек, сақланиши тақиқланган ашёлар топилган тақдирда, улар ҳам олиб қўйилиши лозим. Суриштирувчини, терговчини бу нарса ёки ҳужжатларни олиб қўйишга ундаган асослар тинтув ўтказилганлиги ҳақидаги баённомада акс эттирилади.

Олинаётган нарса ва ҳужжатларнинг ҳаммаси холисларга, олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишда иштирок этган бошқа шахсларга кўрсатилади, баённомада тўлиқ акс эттирилади, зарурат бўлган тақдирда уралиб, муҳрланади.

Ўралган ва муҳрланган нарса ва хужжатларни кейинги тергов давомида очишга фақат холислар иштирокида йўл қўйилади.

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш вақтида ёпиқ биноларни ёки буюмлар сақланидиган жойни унинг эгаси ўз ихтиёри билан очиб беришдан бош тортса, суриштирувчининг, терговчининг ўзи уларни очишга ҳақлидир. Бунда зарурат бўлмаганда қулфлар, эшиклар ва бошқа нарсаларнинг шикастлантирилишига йўл қўймаслиги ҳамда уйдаги саранжомлик бузилмаслиги лозим.

1. Ушбу тергов ҳаракатини ўтказишда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг мулкӣ дахлсизлигини, далиллар мақбуллигига оид қоидаларни муҳофаза қилишга қаратилган талабларга риоя қилиш шарт.

2. Суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишга киришишдан олдин олиб қўйиш ёки тинтув ўтказилаётган шахсни қарор ёки ажрим билан таништириб унга имзо қўйдириши шарт.

3. Умумий қоидаларга мувофиқ ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш эрталаб соат 06 дан кеч соат 22 га қадарли амалга оширилиши лозим.

Агар шу вақт ичида тинтув ёки олиб қўйиш тергов ҳаракатини яқунлашнинг имконияти бўлмаса, жумладан, олиб қўйиш ёки тинтув амалга оширилаётган жой ва хоналар қўплиги, вақт тугаб, кеч бўлганлиги ва ёруғлик етарли эмаслиги, хонани тегишли тартибда ёритиб туришнинг иложи йўқ бўлса, унда тергов ҳаракатини тўхтатиб, қидирилаётган хонани муҳрлаб, уни тергов ҳаракатини давом эттиришгача муҳофаза қилиш чоралари кўрилиши керак. Мабодо, тинтув ўтказилаётган жойни муҳофаза қилишга имконият бўлмаса, тергов ҳаракати тунги вақтда ҳам ёритиш чораларини кўрган ҳолда, амалга оширилиши ва тергов ҳаракати яқунланиши лозим.

4. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тинтув прокурорнинг санкциясиз ўтказилиши мумкин, лекин бундай ҳолда ўтказилган тинтув ҳақида йигирма тўрт соат ичида прокурорга хабар қилинади. Хабар албатта, тинтув ўтказган масъул шахс томонидан ёзма равишда берилади.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар суриштирувчи ёки терговчининг прокурорга юборган хабарномасида асослантририлиши лозим. Хабарномада тинтув натижаси ҳам баён қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Хабарноманинг нусхаси ишга қўшиб қўйилади.

5. Корхона, муассаса ва ташкилотлардан ҳужжатларни олиб қўйишда, улар ашёвий далил характериға эға бўлмаса, бу ҳужжатларнинг ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган нусхаси олиб кетилиши мумкин. Компьютер техникасидаги маълумотларни ашёвий далил сифатида олишда, компьютернинг ўзини олиб кетиш шарт эмас, балки, ундаги маълумотларни тегишли тартибда дискета, лазер диски, флешка ва бошқа шундай маълумотларни кўчириб олиш қурилма ва усқуналари воситасида нусхаси олинса, етарли ҳисобланади.

6. Суриштирувчи ёки терговчи шарҳланаётган моддадаги тергов ҳаракатини ўтказиш учун турар жойға ёки бошқа биноға киргандан сўнг, олиб қўйишилиши керак бўлган ҳужжатлар ва қидирилаётган нарса, предмет, жиноят қуролини ихтиёрий равишда топширишни таклиф этади. Агарда, бу нарсалар ихтиёрий равишда суриштирувчи ёки терговчига тақдим этилса, улар ушбу тергов ҳаракатини амалға оширмасдан, тегишли тартибда ихтиёрий равишда топширилганлиги ҳақида баённома тузишлари мумкин. Олинган ҳужжат ёки нарса олинаётган жойнинг ўзида ҳолислар иштирокида кўздан кечирилиши ва бу ҳақда баённома тузилиши керак.

Мабодо, олинган нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш узок вақтни талаб этса, улар суриштирувчи ёки терговчининг хонасида кўздан кечирилиши мумкин. Албатта, бундай нарса ёки ҳужжатлар биринчи навбатда, ҳолислар иштирокида ташқи кўздан кечирилиб, қоидаға мувофиқ ўралиб, муҳрланиши, процесс иштирокчиларига имзолатилиши керак.

7. Фуқароларнинг турар жойида тинтув амалға оширилаётган вақтда, қидирилаётган нарсаларни ёки ҳужжатларни тинтув ўтказилаётган шахс ўз кийим-бошида яширганиға асос бўлса, унда ҳеч қандай қарорсиз шу ернинг ўзида уни шахсий тинтувини ҳам амалға оширилиши ва бу ҳақда баённомада кўрсатилиши мумкин.

8. Тинтув чоғида бу хусусдаги қарорда ёки ажримда кўрсатилган нарса ёки ҳужжатлар масалан, наркотик восита,

жиноят куроли қидирилади ва олинади. Иш учун аҳамиятга молик бошқа нарса ёки ҳужжатлар, шунингдек, сақланиши тақиқланган ашёлар топилган тақдирда, улар ҳам олиб қўйилиши лозим.

9. Суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш ёки тинтув ўтказилаётган бинода турган шахсларнинг тергов ҳаракатларини гамом бўлгунга қадар шу бино ёки жойдан чиқиб кетишини, шунингдек, уларнинг бир-бирлари билан ёки бошқа шахслар билан гаплашишини тақиқлаб қўйишга ҳақлидир. Чунки, тергов ҳаракати ўтказилаётганда қидирилаётган нарсаларни манфаатдор шахслар томонидан яшириш имкониятини бартараф қилиш керак. Шунингдек, тергов ҳаракати ўтказилаётган жойда, иштирокчиларни назорат қилиб, уларни ўзаро келишиб олиш имконияти бартараф этилади. Бундан ташқари, тергов ҳаракатини ўтказиш чоғида, процесс иштирокчиларининг руҳий ҳамда эмоционал ҳолати, ўзини тутиши суриштирувчи ва терговчининг назаридан қочмаслиги керак.

10. Олинаётган нарса ва ҳужжатларнинг ҳаммаси холисларга, олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишда иштирок этган бошқа шахсларга кўрсатилади, баённомада тўлиқ акс эттирилади, ўралиб, муҳрланади. Ўралган ва муҳрланган нарса ва ҳужжатларни кейинги тергов давомида очишга фақат холислар иштирокида йўл қўйилади. Олинаётган нарсаларнинг миқдори, ҳажми жиноят иши учун аҳамиятли бўлса ва жиноятни тавсиф қилишга таъсир этса, бу нарсаларни албатта ҳажми ўлчаниши ва миқдори санокдан ўтказилиши, шунингдек, тарозида тортиб аниқланиши керак. Санокдан ўтказиш, ўлчаш, тарозида тортиб кўришда қўлланган восита ва техникаларни қаердан олинганлиги, техник мувофиқлиги, яроқлилик даражаси, қачон ва қаерда ишлаб чиқилганлиги ва текширишни амалга оширган мутахассис ҳамда текшириш натижаси албатта баённомада кўрсатилиши шарт.

11. Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш вақтида ёпиқ биноларни ёки буюмлар сақланадиган шкафни уй эгаси ўз ихтиёри билан очиб беришдан бош тортса, суриштирувчи, терговчи уларни бузиб очишга ҳақлидир.

Тергов ҳаракатини амалга ошириш вақтида қулфлар, эшиклар ва бошқа нарсаларнинг заруратсиз шикастлантирилишига

йўл қўйилмаслиги ҳамда уйдаги саранжомлик бузилмаслиги лозим.

12. Олиб қўйиш ёки тинтув тергов ҳаракатини ўтказишдан аввал ҳеч ким огоҳлантирилмаслиги, ўтказиладиган тергов ҳаракати ҳақида хабардор қилинмаслиги мақсадга мувофиқдир.

162-модда. Шахсий тинтув ва олиб қўйиш

Ушбу Кодекснинг 157 ва 158-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда суриштирувчи ёки терговчи шахснинг кийимлари, унинг ёнидаги буюмлари ичидан ёки баданидан топилган, иш учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиши мумкин.

Шахсий тинтув ва олиб қўйиш ушбу Кодекснинг 157-161-моддаларида кўрсатилган қоидалар асосида ўтказилади. Аммо шахсий тинтув ва олиб қўйиш қўйидаги ҳолларда алоҳида қарор ёки ажрим чиқарилмасдан ўтказилиши мумкин:

1) жамоат тартибини сақлашга доир бурчини бажараётган милиция ходими томонидан гумон қилинувчини ушлаш чоғида ушланувчининг ёнида қурол борлигига ёхуд жиноят содир этганлигини фош қиладиган далиллардан қутулмоқчи эканлигига етарли асослар бўлганда (ушбу Кодекснинг 224-моддаси);

2) гумон қилинувчи милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниб, уни ушлаш ҳақида ушбу Кодекснинг 225-моддасига асосан баённома тузилганда;

3) айбланувчига нисбатан қамоқда сақлаш тарзидаги ихтиёт чораси қўлланилаётганида, башарти унинг ёнида қурол, шунингдек, сақланиши ман этилган буюмлар ёхуд иш учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатлар бўлиши мумкин деб ўйлашга етарли асослар бўлганида;

4) олиб қўйиш ёки тинтув ўтказилаётган бинода ёки бошқа жойда турган шахс олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш ҳақидаги қарорга ёки ажримга кўра олинishi зарур бўлган нарса ёки ҳужжатларни ўз ёнида яширинча сақламоқда деб ўйлаш учун етарли асослар бўлганида.

Шахсий тинтув ҳамда нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиш тинтилаётган шахс билан бир жинсдаги суриш-

тирувчи ёки терговчи томонидан мутахассис ҳамда холислар иштирокида ўтказилиши мумкин.

1. Умумий қоидага кўра, шахсий тинтув фақат қўзғатилган жиноят ишлари бўйича амалга оширилиши мумкин. Лекин, жиноят содир этган шахсларни ва гумон қилинувчини ушла-наётган вақтда ҳам шахсий тинтув ўтказилиши мумкин. Бундай тинтув ўтказиш учун прокурордан санкция олиш шарт эмас.

Шахсий тинтув бир жинсдаги шахслар томонидан, бир жинсдаги холислар иштирокида амалга оширилади. Шахсий тинтув ўтказиш учун зарур бўлса, тегишли мутахассислар ҳам таклиф этилиши мумкин.

Шахсий тинтув ўтказилаётган шахсда топилган қонунга ҳилоф равишда сақланаётган ҳар қандай нарса ва буюмлар, хужжатлар ва ҳоказолар олиб қўйилиши шарт.

Шахсий тинтув ўтказиш чоғида, тинтув ўтказилаётган шахснинг кадр-қиммати, шаъни, ор-номуси таҳқирланмаслиги лозим.

Мавжуд бўлган тақдирда суриштирувчи ёки терговчи шахснинг кийимлари, унинг ёнидаги буюмлари ичидан ёки баданидан топилган, иш учун аҳамиятга молик нарса ва хужжатларни алоҳида қарор чиқармасдан, албатта баённомада қайд этган ҳолда, олиб қўйиши мумкин.

2. Шахсий тинтув ва олиб қўйиш :

- жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаш чоғида гумонланувчининг ёнида қурол борлигига ёхуд жиноят содир этганлигини фош қиладиган далиллардан қутулмоқчи эканлигига етарли асослар бўлганда;

- гумон қилинувчига нисбатан ушлаб туриш ҳақида қарор чиқарилиб, уни ушлаш жойига олиб келинганида;

- эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш қўлланганда, айбланувчининг ёнида қурол, шунингдек, сақланиши ман этилган буюмлар ёхуд иш учун аҳамиятга молик нарса ва хужжатлар бўлиши мумкин деб ўйлашга етарли асослар бўлганида мажбуран куч ишлатиш йўли билан билан ўтказилади.

Эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш қўлланган шахслардан, уларни сақлаш жойларида сақлаш мумкин бўлмаган ҳар қандай буюм, озик-овқат олиб қўйилиши керак.

Суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш ёки тинтув ўтказилгани тўғрисида ушбу Кодекснинг 90-92-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя қилган ҳолда баённома тузади. Суд томонидан ўтказилган нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиш натижалари суд мажлиси баённомасида акс эттирилади.

Баённомада нарса ва ҳужжатларнинг айнан қаерда ва қандай шароитда топилганлиги, ихтиёрий равишда берилганлиги ёки олинган нарса ва ҳужжатлар баённомада бирма-бир қайд қилиниб, уларнинг миқдори, ўлчови, оғирлиги, ҳар қайсисининг ўзига хос белгилари кўрсатилиши, зарурат бўлган тақдирда ўралиши ва муҳрланиши лозим.

Олиб қўйиш ёки тинтув вақтида изланаётган нарса ва ҳужжатларни йўқ қилишга ёки яширишга уриниш ҳоллари содир бўлган тақдирда, бу ҳол суриштирувчи ёки терговчи томонидан кўрилган чоралар ҳам кўрсатилиб баённомада акс эттирилиши лозим.

1. Баённомаларни тузишга қаратилган умумий қонун талаблари, ушбу тергов ҳаракатини амалга ошириш учун ҳам бир хил кучга эга.

2. Баённома ушбу тергов ҳаракатини амалга оширган масъул шахс – суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан суд муҳокамаси чоғида, – суд котиби томонидан расмийлаштирилади. Баённомада, шахсий тинтув натижасида олинган нарса ва ҳужжатлар батафсил изоҳланиб қайд этилиши керак. Чунки, олинаётган нарсаларнинг шакли, миқдори, ҳажми, оғирлиги кеслажакда айбланувчи ёки судланувчининг ҳаракатларини тавсиф этишга таъсир қилиши мумкин. Шунингдек, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳам олиб қўйилган буюмларга боғлиқ эканлигини назарда тутиб, иложи борича аниқ ва равшан ифода этилиши зарур.

3. Топилган ғайриқонуний равишда сақланаётган нарса ёки ҳужжатларни йўқ қилишга уринилган тақдирда, бу ҳақда албатта баённомада кўрсатиб ўтилиши лозим. Баъзан, кўп бўлмаган миқдордаги наркотик воситалар тинтув ўтказилаётган шахс томонидан ютиб юборилиши, майда кукун ҳолда бўлса,

сепиб, сочиб юборилишининг олдини олиш лозим. Бундай ҳолатлар рўй бермаслиги учун зарур чораларни илгаридан кўриб қўйилган бўлиши керак.

4. Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш чоғида махсус техник воситалар, шу жумладан, видеоёзув қўлланилган бўлса, бу ҳақда ҳам албатта баённомага ёзилиши шарт.

164-модда. Олиб қўйиш ёки тинтув тўғрисидаги қарор ва баённоманинг нусхасини топшириш шартлиги

Олиб қўйиш ёки тинтув тўғрисидаги қарор ва баённоманинг нусхаси ё суд мажлисининг олиб қўйишни ўтказиш тўғрисидаги баённомасидан кўчирма тинтилган шахсга ёки унинг вояга етган оила аъзоларига, улар бўлмаган тақдирда эса, тегишли ҳокимлик ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, тилхат олинади. Зарур ҳолларда мазкур шахсларга олиб қўйилаётган ҳужжатларнинг нусхалари берилади.

1. Тинтилган шахсга ёки унинг вояга етган оила аъзоларига, улар бўлмаган тақдирда эса, тегишли ҳокимлик ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига олиб қўйиш ёки тинтув тўғрисидаги қарор ёки суднинг олиб қўйишни ўтказиш тўғрисидаги ажрими ҳамда баённомадан кўчирма топширилиши лозим. Улар топширилганлиги ҳақида ёзма тилхат олинishi керак.

2. Олиб қўйилаётган баъзи ҳужжатларнинг нусхалари эгаларига топширилиши, масалан, жиноятга алоқадор деб олиб қўйилаётган паспорт ёки ҳайдовчилик гувоҳномасининг ксеронусхаси берилиши мақсадга мувофиқдир.

165-модда. Дипломатия ваколатхоналарининг биноларидан ва дипломатия вакилларидан олиб қўйиш ёки уларда тинтув ўтказиш

Олиб қўйиш ёки тинтув дипломатия ваколатхонаси ҳудудида ўтказилаётганда дипломатия ваколатхоналари ва уларнинг дипломатия дахлсизлигига эга бўлган ходимлари, шунингдек, уларнинг оила аъзолари эгаллаб турган биноларда

фақат дипломатия ваколатхонаси бошлигининг илтимосига кўра ёки унинг розилиги билан ўтказилиши мумкин, дипломатия ваколатхонаси ходимларининг ёки уларнинг вояга етган оила аъзоларининг истиқомат жойларида ёхуд улар эгаллаб турган бошқа биноларда олиб кўйиш ва тинтув уларнинг илтимосларига кўра ёки розиликлари билан ўтказилиши мумкин. Кўрсатилган имтиёзлар Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинмаган бўлса-да дипломатия дахлсизлигига эга бўлган ажнабий вакилларга ва уларнинг оила аъзоларига ҳам берилади.

Дипломатия дахлсизлигига эга бўлган шахсга ва унинг оила аъзоларига нисбатан шахсий тинтув ёки олиб кўйиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўтказилиши мумкин.

Дипломатия вакили ёки унинг оила аъзоларининг олиб кўйишга ёки тинтув ўтказишга розилиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали сўралади.

Дипломатия ваколатхоналари ва дипломатия дахлсизлигидан фойдаланадиган вакиллар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари жойлашган биноларда тинтув ёки олиб кўйиш ўтказиш чоғида прокурор ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг вакили ҳозир бўлиши шарт.

1. Дипломатия ходимлари ва уларнинг оила аъзолари турар-жой дахлсизлиги билан таъминланади.

2. Дипломатия ваколатхонаси ходимларининг ёки уларнинг вояга етган оила аъзоларининг истиқомат жойларида ёхуд улар эгаллаб турган бошқа биноларда олиб кўйиш ва тинтув уларнинг илтимосларига кўра ёки розиликлари билан ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолатларда қандай ҳаракат қилиниши кераклиги Ўзбекистон давлати билан ўша давлат ўртасида тузилган шартномаларда қайд этилган бўлиши ва шу қоидаларга риоя қилиниши керак.

3. Дипломатик ваколатхона биноси ҳорижий давлат ҳудуди ҳисобланади. Шунинг учун ҳам умумэтироф этилган халқаро нормаларга мувофиқ улардаги нарса ва ҳужжатларни олиб кўйиш учун рухсат фақат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали олинади.

Ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш чоғида прокурор ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг вакили ҳозир бўлиши шарт. Қонунда айнан қайси прокурорнинг ваколатига тегишли эканлиги кўрсатилмаган. Одатда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ваколат берган прокурор иштирок этиши мумкин.

4. Олиб қўйиш ва тинтув ўтказишнинг умумий қоидаларига мувофиқ бу тергов ҳаракати тинтув ўтказилаётган шахснинг розилигисиз ҳам мажбурий тарзда ўтказилиши мумкин. Лекин, бу қоида дипломатия ваколатхонаси биноси ва унинг ходимлари ҳамда оила аъзоларининг турар жойларига тааллуқли эмас.

5. Юқорида қайд этилган дипломатик ваколатхона вакиллари, ходимлари ва уларнинг оилалари учун белгиланган имтиёзлар Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинмаган бўлса-да, дипломатия дахлсизлигига эга бўлган ажнабий давлат ва халқаро ташкилот вакиллари ва уларнинг оила аъзоларига ҳам берилади.

166-модда. Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи бошқа шахсларга юборган ёхуд бошқа шахслар гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига юборган почта-телеграф жўнатмаларида содир этилган жиноятга доир маълумотлар ёки иш учун аҳамиятга молик ҳужжатлар ва буюмлар бор деб гумон қилиш учун етарлича асослар бўлганда, суриштирувчи, терговчи, суд бу шахсларнинг барча почта-телеграф жўнатмаларини ёки уларнинг айримларини хатлаб қўйишга ҳақлидир.

Хатлаб қўйилиши мумкин бўлган почта-телеграф жўнатмаларига барча турдаги хатлар, телеграммалар, радиogramмалар, бандероллар, посилкалар, почта контейнерлари киради.

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисида суриштирувчи ва терговчи прокурорнинг санкцияси олинган қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримда: жўнатмаларини ушлаб турилиши лозиб бўлган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми; бу

шахснинг аниқ манзили; хатланаётган почта-телеграф жўнатмаларининг тури; хатлаш чорасининг муддати; жўнатмаларни ушлаб туриш ва бу ҳақда суриштирувчи ёки терговчига маълум қилиш қайси алоқа муассасасига юклатилганлиги кўрсатилиши лозим.

Суд ажримда почта-телеграф жўнатмаларини судга етказиб бериш ҳақида алоқа муассасасига кўрсатма берилиши лозим.

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ҳақидаги қарор ёки ажрим тегишли алоқа муассасасининг бошлиги номига юборилади ва уни бажариш мазкур бошлиқ учун мажбурийдир. Бу қарорни ёки ажримни бажармаслик ёки унинг ошкор этилиши қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Алоқа муассасасининг бошлиги суриштирувчи, терговчининг қарорида ёки суднинг ажримда кўрсатилган хат-хабарлар ва бошқа жўнатмаларни ушлаб туради ҳамда бу ҳақда суриштирувчи, терговчи ёки судга дарҳол маълум қилади.

1. Хатлаш қонун билан белгиланган тартибда тегишли алоқа муассасаси (почта бўлими, телеграф)га суриштирувчи, терговчи ёки суднинг рухсатисиз гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи бошқа шахсларга юборган ёхуд бошқа шахслар гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига юборган почта-телеграф жўнатмаларини адресатга бермаслик ҳақида фармоиш беришда ифодаланади.

Содир этилган жиноятга алоқадор маълумотлар ёки иш учун аҳамиятга молик ҳужжатлар ва буюмлар бор деб гумон қилиш учун старлича асослар бўлганда почта-телеграф жўнатмаларига нисбатан хатлаб қўйиш амалга оширилиши мумкин.

2. Ушбу тергов ҳаракати почта-телеграф жўнатмаларига нисбатан хатлаб қўйиш ва уни ижро этиш, ушланган почта-телеграф жўнатмаларидан кўчирмалар олиш, кўздан кечириш, олиб қўйишда ифодаланади.

3. Почта-телеграф жўнатмаларига нисбатан хатлаб қўйишни амалга ошириш учун суриштирувчида, терговчида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи бирор шахсга юборган ёхуд бошқа шахслар гумон қилинувчига, айбланувчига, судланув-

чига юборган почта-телеграф жўнатмаларида содир этилган жиноятга доир маълумотлар ёки иш учун аҳамиятга молик ҳужжатлар ва буюмлар борлиги ҳақида гумон қилиш учун етарлича асослар бўлиши лозим.

Ушбу тергов ҳаракати прокурорнинг махсус рухсатномаси – санкцияси орқали бажарилиши мумкин. Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, ва прокурор – қарор, суд эса, – ажрим чиқаради.

4. Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ва бу жўнатмаларни кўздан кечириш тўғрисидаги қарор ёки ажримда: оладиган ва юборадиган жўнатмалари ушлаб турилиши лозим бўлган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми; хатланаётган почта-телеграф жўнатмаларининг тури (посилка, бандерол, хат); хатлаш чорасининг муддати; жўнатмаларни ушлаб туриш ва бу ҳақда суриштирувчи ёки терговчига маълум қилиш қайси алоқа муассасасига юклатилганлиги кўрсатилиши лозим.

5. Алоқа воситаларининг турлари кўпайганлиги, электрон почта, интернет вужудга келганлиги мунособати билан, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг жиноятга алоқадор почта-телеграф ёки бошқа алоқа воситалари орқали жўнатмаларни қандай усулда қабул қилишини ёки жўнатишини аниқ кўрсатиши зарур.

Почта-телеграф жўнатмалари келиб тушиши билан бу ҳақда хатлашни амалга оширган масъул шахсга зудлик билан ҳабар берилиши тегишли алоқа бўлимининг бошлиғи зиммасига юклатилади.

167-модда. Почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш ва олиб қўйиш

Суриштирувчи ёки терговчи алоқа муассасасига бориб, ушланган почта-телеграф жўнатмаларини ҳолислар иштирокида, зарурат бўлганда эса, тегишли мутахассис иштирокида очиб, кўздан кечиради. Иш учун аҳамиятга молик маълумотлар, ҳужжатлар, нарсалар топилган тақдирда, суриштирувчи, терговчи почта-телеграф жўнатмаларини олиб қўяди ёхуд улардан нусха кўчириш билан чегараланади. Агар кўздан кечирилган жўнатмаларда иш учун аҳамиятга молик маълумотлар, ҳужжатлар, нарсалар бўлмаса, суриш-

тирувчи, терговчи уларни эгаларига етказиш ёки ўзи белгиланган муддатгача ушлаб туриш ҳақида кўрсатма беради.

Ушланган жўнатмалар кўздан кечирилган ҳар бир ҳолда баённома тузилиб, унда қайси почта-телеграф жўнатмалари кўздан кечирилганлиги, нималар олинганлиги ва нималар эгаларига юборилиши, нималар эса вақтинча ушлаб қолиниши кераклиги, қайси жўнатмалардан нусхалар олинганлиги кўрсатилиши лозим. Баённома ушбу Кодекснинг 90-92-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя тилган ҳолда тузилади.

1. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд хатланган почта-телеграф жўнатмаларини қабул қиладиган алоқа муассасасига бориб, ушланган почта-телеграф жўнатмаларини тегишли тартибда холислар иштирокида, зарурат бўлганда эса, тегишли мутахассис иштирокида очиб, кўздан кечиради. Кўздан кечиришга оид жиноят процессуал қонунчилигида белгиланган барча қоидаларга амал қилинади.

2. Кўздан кечириш чоғида ушланган жўнатмаларда жиноят иши учун аҳамиятга молик бўлган маълумотлар, ҳужжатлар, нарсалар топилган тақдирда, суриштирувчи, терговчи почта-телеграф жўнатмаларини олиб қўяди ёхуд улардан нусха кўчириш билан чегараланади.

3. Суриштирувчи, терговчи, агар кўздан кечирилган жўнатмаларда иш учун аҳамиятга молик маълумотлар, ҳужжатлар, нарсалар бўлмаса, уларни дарҳол эгаларига етказиш чорасини кўриш ҳақида топшириқ бериши керак. Келгусида, бу нарсаларни қайта кўздан кечириш ёки маълумот олиш учун бошқача тарзда фойдаланиш зарурати бўлса, унда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан почта-телеграф жўнатмаларини маълум бир муддатгача ушлаб туриш ҳақида кўрсатма беради. Бу муддат йил, ой, кун ва соатларда аниқ кўрсатилиши зарур.

4. Почта-телеграф жўнатмалари кўздан кечирилгани тўғрисида ЖПКнинг 90-92 моддаларида назарда тутилган талабларга риоя қилинган ҳолда, баённома тузилиши керак. Тузилган баённома нусхаси хатланган почта-телеграф жўнатмаларини қабул қиладиган алоқа муассасаси раҳбарига махфий сақлаш учун қолдирилади.

168-модда. Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйишни бекор қилиш

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш чорасини қўллашга зарурат қолмаса, бу чора хатлаб қўйган суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан бекор қилинади. Дастлабки тергов давомида иш тугатилганда, биринчи инстанция судида эса, ишни тугатиш ҳақида ажрим чиқарилганда ёхуд ҳукм қонуний кучга киргач, хатлаб қўйиш чораси бекор қилиниши лозим.

1. Суриштирувчи, терговчи ёки суд ўзларининг қарорлари ёки ажримлари билан почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ҳақидаги топшириқларини бекор қилишлари мумкин.

2. Хатлашни бекор қилиш ҳам суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг асослантирилган қарори ёки суднинг ажрими орқали амалга оширилади. Қарор одатда, дастлабки тергов тугатилганида, суднинг ажрими эса, биринчи инстанция судида ишни тугатиш ҳақидаги ажрим ёки судланувчи айбдор деб топилиб, унга нисбатан ҳукм қонуний кучга киргандан кейин чиқарилади.

21-БОБ. ТЕЛЕФОН ВА БОШҚА СЎЗЛАШУВ ҚУРИЛМАЛАРИ ОРҚАЛИ ОЛИБ БОРИЛАДИГАН СЎЗЛАШУВЛАРНИ ЭШИТИБ ТУРИШ

169-модда. Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш асослари

Иш бўйича тўпланган далиллар иш учун аҳамиятга молик хабарларни олиш мумкинлигига етарли даражада асос бўла олса, суриштирувчи, терговчи телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали сўзлашувларни эшитиб туриш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақлидир.

1. Жиноят иши учун аҳамиятга молик бўлган маълумотларни гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки бошқа шахсларнинг телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиш мумкинлиги ҳақида етарли асослар мавжуд бўлганида суриштирувчи, терговчи бу сўзлашувларни эшитиб туриш тўғрисида қарор чиқариб, прокурордан рухсат олиши мумкин.

2. Ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш учун чиқарилган қарор ёки суднинг ажримида эшитиб турилиши керак бўлган сўзлашув ва махсус қурилмалар орқали уларни ёзиб олиш зарурлиги кайд этилиши керак. Бундан ташқари қарор ёки ажримда :

1) қайси жиноят иши бўйича бу чора қўлланилаётганлиги;

2) ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш учун нима асос бўлганлиги;

3) сўзлашуви телефон ва бошқа сўзлашув қурилмаси орқали эшитиладиган, ёзиладиган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмаларининг рақами;

4) эшитиб туриш ва уларни ёзиш қачон амалга оширилиши мумкинлиги (бошланиши, тугалланиши);

5) телефон ва бошқа сўзлашув қурилмаси орқали эшитиш, ёзишни амалга оширадиган идоранинг номи кўрсатилиши керак.

3. Жабрланувчига, гувоҳга, шунингдек, уларнинг қариндошлари ва яқинларига нисбатан куч ишлатиш, товламачилик ёки бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар содир этиш хавфи мавжуд бўлса, бу шахсларнинг аризалари бўйича ёки уларнинг ёзма

розилиги ва прокурорнинг рухсати билан ёхуд суднинг ажримига кўра уларнинг телефон ёки бошқа сўзлашув қурилмалари орқали бўладиган сўзлашувларини эшитиб туриш амалга оширилиши мумкин.

4. Телефон сўзлашувларини ёки бошқа қурилмалар орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш ва ёзиш воситаси бўлиб, телефон, интернет, локал компютер тизими, пейджер, телетайп, факс ва турли раидоалоқалар бўлиши мумкин.

5. Одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар, қасддан одам ўлдириш, давлатга қарши жиноятлар, наркотик билан боғлиқ бўлган жиноятлар, пора олиш ва бериш, воситачилик қилиш ва ҳоказоларда ушбу тергов ҳаракати амалга оширилади.

6. Ушбу тергов ҳаракати дастлабки тергов ва суд мажлиси мобайнида, 6 ойдан ортиқ давом эттирилиши мумкин эмас.

170-модда. Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш тартиби

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш суриштирувчи, терговчи прокурорнинг санкциясини олиб чиқарган қарорга биноан ёки суд ажримига кўра амалга оширилади.

Жабрланувчига, гувоҳга, шунингдек, уларнинг қариндошлари ва яқинларига нисбатан куч ишлатиш, товламачилик ёки бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар содир этиш хавфи мавжуд бўлса, бу шахсларнинг аризалари бўйича ёки уларнинг ёзма розилиги ва прокурорнинг санкцияси билан ёхуд суднинг ажримига кўра уларнинг телефон ёки бошқа сўзлашув қурилмалари орқали бўладиган сўзлашувларини эшитиб туриш амалга оширилиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, прокурорни кейинчалик дарҳол ёзма равишда хабардор этиш шарти билан, унинг санкциясиз сўзлашувларни эшитиб туриш тўғрисидаги қарорни миллий хавфсизлик хизмати органларига юборишга ҳақлидир. Прокурорнинг санкциясиз сўзлашувларни эшитиб туриш тўғрисидаги қарор бир сутка давомида қонуний кучга эга бўлади.

Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш тўғрисидаги қарор ёки ажрим унда эшитиладиган ахборотлар хусусияти ва ҳажми, шунингдек, сўзлашувларни эшитиб туришнинг боришини ва натижаларини қайд этиш шакли белгиланиб, миллий хавфсизлик хизмати органларига ижро этиш учун юборилади. Сўзлашувларни эшитиб туриш олти ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш чоғида овоз ёзиш мосламалари қўлланилиши лозим. Сўзлашув фонограммаси акс эттирилган магнит тасмаси тергов ҳаракати баённомасига қўшиб қўйиши лозим.

1. Ушбу тергов ҳаракатини амалга ошириш учун терговчининг қарори ёки суднинг ажрими суриштирув органига, Миллий хавфсизлик хизмати органларига юборилади. Бу вазифани улар техник имкониятлардан фойдаланиб амалга оширадilar.

2. Терговчи топшириқ бўйича эшитилган ва ёзилган сўзлашувни ўзига қулай бўлган ҳамда қонун йўл қўйган ҳар қандай вақтда талаб қилиб олиши мумкин.

Фонограмма тегишли тартибда муҳрланган тарзда, йўлланма ҳати билан тақдим қилиниши зарур. Йўлланма ҳатда фонограмма қайси жинойт иши бўйича қачондан бошлаб, қайси вақтгача бўлган ёзувни ўзида акс эттирганлигини кўрсатилиши ва ёзув кимга нисбатан амалга оширилганлигини қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

3. Фонограммани олган терговчи уни эшитади. Зарур бўлганда тегишли мутахассисларнинг хизматларидан фойдаланиб, ёзиб олинган овоз кучайтирилади, тиниқлаштирилади, тегишли тартибда фоноскопик экспертиза ўтказиш учун яроқлилик даражасига келтирилади ва экспертиза ўтказилади.

4. Иштирок этган шахслар тегишли тартибда эшитган маълумотларни ошкор қилмасликлари лозимлиги ҳақида огоҳлантирилишлари керак. Бу ҳақда улардан белгиланган тартибда тилхат олинади.

5. Суриштирувчи, терговчи кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, прокурорни кейинчалик дарҳол ёзма равишда хабардор этиш шарти билан, унинг рухсатномасини олмай сўзлашув-

ларни эшитиб туриш тўғрисидаги қарорни миллий хавфсизлик хизмати органларига юборишга ҳақлидир. Бундай қарор бир сутка давомида қонуний кучга эга бўлади.

6. Мутахассис ёрдамида ёзиб олинган ва эшитилган ёзувларни қоғозда баён этиш ва шарҳлаш мумкин.

7. Ёзиб олинган сўзлашувнинг тўлиқ матн ўрганиб чиқилиб, жинойт ишига алоқадор қисми суд муҳокамаси учун тақдим қилиниши мумкин.

8. Сўзлашув фонограммаси акс эттирилган магнит тасмаси ашёвий далил тариқасида эътироф этилиб, тергов ҳаракати баённомасига қўшиб қўйилиши ҳамда судга юборилиши лозим. Баъзи ҳолатларда, судга баённома юборилиб, ёзувлар эшитиш учун зарур бўлгандагина тақдим этилиши мумкин.

171-модда. Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш баённомаси

Эшитиб туриш ва овоз ёзишни амалга оширган шахс ишга алоқадор сўзлашувлар фонограммаси мазмунининг қисқача баённомасини тузади. Фонограмма муҳрланади ва баённомага қўшиб қўйилади, унинг иш учун аҳамиятли бўлмаган қисми ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин йўқ қилинади.

Эшитиб туриш ва овоз ёзиш баённомасида абонент рақами, эшитиб туриш ва овоз ёзиш вақти ва жойи, фойдаланилган техникавий воситалар тури ва модели, бу ишларни амалга оширган шахсларга оид маълумотлар ҳамда иш учун аҳамияти бўлиши мумкин деб ҳисобланган бошқа маълумотлар акс эттирилади.

1. Мазкур моддада кўрсатилганидек, эшитиб туриш ва овоз ёзишни амалга оширган шахс ишга алоқадор сўзлашувлар фонограммасининг мазмунини баённомада ифодалайди. Амалиётда тезкор фаолиятни амалга оширган суриштирув органидан фонограммани терговчи қабул қилиб олиб, мутахассис ёрдамида ёки бевосита ўзи фонограмманинг мазмунидан далил сифатида фойдаланади.

2. Фонограммалардан овоз бўйича таниб олиш, ҳақиқатни аниқлаш учун маълумотларнинг мазмунини ўрганиш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Фонограммадаги овоз айнан кимнинг овози эканлигини аниқлаш мақсадида тегишли тартибда фоноскопик экспертиза ўтказилиши мумкин.

3. Фонограмма ўралиб, муҳрланади ва баённомага қўшиб қўйилади, унинг иш учун аҳамиятли бўлмаган қисми ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин йўқ қилинади.

4. Баённомада фойдаланилган қурилмалар, воситалар тури ва модели, қандай техника асбобларидан фойдаланилганлиги, қайси абонентга нисбатан қўлланилганлиги, қачон, қаерда, ким томонидан, кимга тегишли овозни ёзиб олинганлиги ва сўзлар нимадан бошланиб, нима билан тугаганлиги ҳамда иш учун аҳамиятли бўлган бошқа маълумотлар ҳам акс эттирилган бўлиши керак.

172-модда. Экспертиза тайинлаш учун асослар

Иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган махсус текшириш орқали олиш мумкин бўлганда экспертиза тайинланади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, мутахассислар, холисларнинг бундай билимларга эга бўлиши экспертиза тайинлаш заруратидан озод этмайди.

Эксперт олдига қўйилган саволлар ва унинг берган хулосаси экспертнинг махсус билимлари доирасидан ташқари чиқиши мумкин эмас.

Экспертизани ушбу Кодексда белгиланган тартибга ҳилоф равишда ўтказиладиган текширув билан алмаштиришга йўл қўйилмайди. Идоравий текширув хулосаси, тафтиш ҳужжатлари, мутахассислар маслаҳати экспертиза ўтказиш заруратини истисно этмайди.

1. Экспертиза тайинлаш ва ўтказиш жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган муҳим ҳолатларни фан, техника, санъат ва турли касб-ҳунар соҳасидаги ютуқлардан фойдаланиб аниқлашга, далиллар тўплашга йўналтирилган процессуал тергов ҳаракатидир. Ҳуқуққа оид масалаларни ҳал этиш учун экспертиза ўтказиш мумкин эмас.

2. Иш бўйича аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатлар савол шаклида ифодаланиб, уларга экспертиза тайинлаш йўли билан жавоб олинади. Экспертнинг жавоблари махсус билим ва касбий кўникмаларнинг салоҳиятига, унинг илмий-малакавий эришган замонавий ютуқларига асосланади.

3. Экспертизани махсус билим ва малакага эга мутахассислар ўтказади. Экспертнинг билими ва малакаси иш бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ва қўйилган саволларга монанд бўлиши шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва бошқа процесс иштирокчилари экспертиза ўтказиш учун зарур билим ва малакага эга бўлса-да, экспертлик ваколатини бажаришлари мумкин эмас. Бу қоида холислик тамойилидан келиб чиқади.

Экспертиза ўтказиш дейилганда, турли нарсалар ва ҳолатларни, шунингдек, улар ҳақида тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш, махсус текширувлар олиб бориш назарда тутилади. Бирор муайян объектни тадқиқ қилмай, фақат назарий ёхуд амалий маълумотларга суяниб саволларга жавоб бериш экспертиза ўтказилганини билдирмайди. Бу ҳолда мутахассис бирор масала бўйича ўз маслаҳати, фикрини билдириб, терговга ёхуд суд муҳокамасига кўмаклашади, ҳолос (бу ҳақда 69-70 моддаларга берилган шарҳларга қаранг).

5. Экспертиза жиноят процессининг барча босқичларида, ҳатто жиноят иши кўзғатилишидан аввал ҳам тайинланиши ва ўтказилиши мумкин.

6. Турли идоравий ва жамоатчилик назорати йўсинида ўтказилган текширувларнинг натижаларини экспертнинг фикри сифатида баҳолаш мумкин эмас. Уларга фақат ёзма далиллар тарзида қаралади.

7. Экспертиза ўтказиш чоғида фойдаланилган объектлар, уларни тадқиқ қилиш воситалари ва услублари қонун билан ман қилинмаган, илмий жиҳатдан асосланган бўлиши, улар гуғрисида асосий маълумотлар эксперт ҳулосасида етарлича баён қилинган бўлиши шарт.

173-модда. Экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг шартлиги

Башарти, иш бўйича:

1) ўлимнинг сабабини, етказилган тан жсороҳатларининг ҳусусияти ва оғирлик даражасини;

2) жинсий алоқада бўлганликни, ҳомиладорлик ҳолатини ва ҳомилани сунъий йул билан тушириш белгиларини;

3) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг ёшини, агар бу ҳақда ҳужжатлар бўлмаса ёки ҳужжатлар шубҳа туғдирса;

4) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг, устидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга доир иш юритилаётган шахснинг руҳий ва жисмоний аҳволини ҳамда уларнинг зайриҳуқуқий қилмишини содир этаётган пайтда ўз ҳаракатларини идрок этиш ва идора қилиш лаёқатини, шунингдек, жиноий жавобгарликнинг аҳамиятини

тушуниш, жиноят процессида кўрсатувлар бериш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини;

5) жабрланувчининг, гувоҳнинг руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳамда улар иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни идрок қилиш, эсда сақлаш ва сўроқ қилганда ифодалаб бериш лаёқатига эга эканликларини, шунингдек, жабрланувчининг жиноят процесси чоғида ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини;

6) таносил ва бошқа юқумли касалликларга чалинган, сурункали ичкиликбозликка ва гиёвандликка дучор бўлган шахсларни даволаш зарурлигини ва имкониятларини;

7) гиёвандлик воситалари ва уларнинг турлари мавжудлигини;

8) пул белгилари, қимматли қозғозлар ва бошқа ҳужжатлар қалбакилаштирилганлигини;

9) портлашлар, ҳалокатлар ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг техникавий сабабларини аниқлаш зарур бўлганда экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт.

Иш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлашда ҳам, агар бунинг учун махсус билимларни қўллаш зарур бўлса ва бу ҳолатлар исботлашнинг бошқа воситалари билан пухта аниқланмаган бўлса, экспертиза ўтказиш шарт.

1. Ушбу моддада санаб ўтилган барча ҳолларда тегишли турдаги экспертиза ўтказиш зарур. Суриштирувчи, терговчи прокурор ёки судья иш ҳолатларни аниқ, очикдан-очик шубҳа тугдирмайди, деб ҳисоблаши ва ҳатто ўз фикрини алоҳида қарорда ифодалаши ҳам тегишли экспертзани тайинлаш ва экспертнинг хулосасини олиш мажбуриятидан халос қилмайди. Кўрсатилган ҳолатларни иш бўйича экспертнинг хулосасидан ўзга далиллар билангина аниқлаш процессуал қонун талабини бузиш деб ҳисобланади ва ҳукм чиқаришга ҳалал беради, агар шу асосда ҳукм чиқарилган бўлса, бекор қилинади.

2. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят ишига оид барча муҳим ҳолатларни кўрсатувлар, ашёвий ва ёзма далиллар, ҳужжатлар ва ҳар қандай маълумотлар ёрдамида аниқлаши лозим. Лекин ҳар қандай иш ҳолатларини аниқлаш учун фан, техника, санъат ёки касб-хунарга оид маълумотлар

асосида экспертиза ўтказиш имконияти мавжуд бўлса, уни ўтказиш зарурлигини тергов ва суд амалиёти тасдиқлайди. Имконият бўлатуриб экспертиза ўтказмаслик ҳақиқатни ҳар гамонлама ва тўла аниқлаш тўғрисида принципга риоя қилмаслик деб қаралади.

3. Бошқа жиноят иши бўйича ўтказилган экспертиза хулосасига ҳавола қилиб, ўлимнинг сабаби, тан жароҳатининг оғирлик даражаси, шахснинг руҳий ҳолати, гиёҳвандлиги, касаллиги каби масалалар бўйича экспертиза ўтказмаслик мумкин эмас.

4. Экспертиза ўтказиш воситасида аниқланган ҳолатларни бошқа турдаги далиллар тўплаш йўли билан ҳам аниқлаш терговнинг сифатини, айбловнинг асосли бўлишини таъминлайди.

174-модда. Эксперт этиб тайинланадиган шахслар

Экспертизани экспертиза муассасаларининг, бошқа давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг мутахассислари ёки суриштирувчи, терговчи ёхуд суд тайинлаган бошқа билимдон шахслар ўтказишади.

Суд-тиббиёт, суд-психиатрия, суд-психология, суд-автотехника, суд-бухгалтерия, криминалистика экспертизаларини фақат экспертиза муассасаларининг мутахассислари, алоҳида ҳолларда эса, давлатга қарашли бошқа муассасаларнинг мутахассислари ўтказишади. Алоҳида ҳолларда экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда асослантирилиши лозим.

Суриштирувчи, терговчи, суднинг эксперт этиб тайинланган шахсни чақириш ва унинг экспертиза ўтказиши тўғрисидаги талаби шу шахс ишлаётган корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари учун мажбурийдир.

1. Эксперт – фан, техника, санъат ёки касб-хунар соҳасида малакали мутахассисдир. Ҳар бир иш бўйича эксперт сифатида ихтисоси ва қобилияти жиҳатидан лойиқ шахс танланади. У махсус экспертиза муассасаларида экспертлик лавозимида ишлаётган, шунингдек, экспертиза муассасасининг раҳбари ёки судья томонидан эксперт сифатида таклиф этилган бўлиши мумкин.

2. Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган экспертиза турларини ўтказиш махсус экспертиза муассасаси ёки давлат муассасасида ишлаётган мутахассислардан бошқа шахсларга топширилиши мумкин эмас. Экспертиза ўтказишни бунга ихтисослашмаган давлат муассасаси зиммасига юклашнинг сабаблари суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорида, суднинг ажримида асослантирилиб баён этилиши лозим.

3. Экспертнинг мақоми, унинг вазифаси, ваколати, масъулияти ва жавобгарлиги ЖПКнинг 67, 68 ва 75 моддаларида баён этилган. Улар ҳақида экспертга тушунтириш тегишлича экспертни танлаган ёки таклиф қилган суриштирувчи, терговчи, прокурор, судьянинг ёхуд эксперт муассасаси бошлиғининг вазифасидир.

4. Мутахассисни эксперт тарзида таклиф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг қарорини ҳамда суднинг ажримини мутахассис ва ишлаётган муассаса раҳбари бажаришга мажбур. Экспертнинг хулоса беришни рад этиши ёки бу ишдан бўйин товлаши ЖКнинг 240-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

175-модда. Экспертиза объектлари

Эксперт томонидан текшириладиган объектлар жумласига:

аишёвий далиллар ва эксперт текшируви учун олинган намуналар;

экспертиза орқали далилий аҳамияти аниқланадиган бошқа моддий объектлар;

тирик одамнинг бадани;

руҳий ҳолати;

мурда;

хужжатлар кириши мумкин.

Эксперт текшириши лозим бўлган объектлар, агар уларнинг ҳажми ва хусусиятлари имкон берса, экспертга ўралган ва муҳрланган ҳолда берилиши керак.

Текширишни ўтказиш вақтида экспертиза моддий объекти текширув учун қай даражада зарур бўлса, шу даражада бузилиши ёки ишлатилиши мумкин. Экспертиза ўтказиб бўлингандан кейин ўша текшириш объектлари

тула сарф қилинмай ортиб қолган бўлса, экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки судга қайтарилиши лозим.

Экспертиза объектлари экспертиза муассасаларида, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органларида ва судларда ашёвий далилларни сақлаш қоидаларига риоя қилинган ҳолда сақланади.

1. Экспертиза объектлари текшириладиган ашёвий далиллар ва уларга оид турли фактик маълумотлардан иборат. Уларни текшириш, тадқиқ қилиш учун зарур бўлганда ЖПКнинг 188-197 моддаларига риоя қилиб олинган турли намуналар ҳам экспертиза объектлари ҳисобланади. Намуналар ашёвий далил ва уларга оид фактик маълумотлар билан таққослаш учун хизмат қилади. Экспертиза объектлари сифатида ушбу моддада фақат энг кўп учрайдиганлари кўрсатиб ўтилган. Уларнинг тула рўйхатини тузиб бўлмайди, чунки ҳар қандай моддий объект ва унинг хусусиятлари, аломатлари ва излари акс эттирилган ёшувлар, шу жумладан видео ва аудиоёзувлар ҳам экспертизанинг тадқиқот предмети бўлиши мумкин.

Экспертиза ўтказиш учун зарур бўлса, жиноят ишидаги турли баённомалар ёки бошқа ҳужжатларни, ҳатто жиноят шунини ҳам экспертга тақдим қилиниши мумкин.

2. Экспертга ҳар қандай текшириладиган объект ўзгартирилмаслиги, бузилмаслиги ва нобуд бўлмаслигини таъминлайдиган тарзда ўралиб, муҳрланиб, имзоланиб ва фотосуратга олиниб юборилмоғи шарт. Эксперт тадқиқот объектларини олгани ҳамон уларнинг ҳолатини, юқорида кўрсатилган талабларга риоя қилинганини текшириши ва ҳолислар ҳузурида фотосуратга олиб расмийлаштириши лозим. Қоидага биноан ўралмаган, муҳрланмаган ёхуд ўрама бузилган ҳолдаги объектлар эксперт томонидан тадқиқ этилмаслиги лозим.

3. Экспертиза ўтказиш чоғида тадқиқ қилинган объектлар имкон борича ўзгартирилмай сақланиши, зарур бўлса объектнинг бир қисми ишлатилиб, ортиб қолгани қайта ўралган, муҳрланган, имзоланган ҳолда фотосуратга олиниб қайтарилиши лозим. Чунки бу объектларни келгусида манфаатдор процесс иштирокчилари кўздан кечириши, зарур бўлса қайта ёхуд кўшимча экспертиза ўтказилиши учун имконият сақланиши муҳим аҳамият касб этади.

4. Экспертиза объектлари тадқиқ қилишгача ва ундан кейин ҳам жиноят ишига илова қилинганлиги сабабли, иш билан бирга ёхуд махсус хоналарда бу ҳақда идоравий қоидаларга риоя қилиб сақланиши лозим. (208-моддага берилган шарҳларга қаранг).

176-модда. Қўшимча ва қайта экспертиза ўтказиш

Қўшимча экспертиза эксперт хулосасидаги камчиликларни тўлдириш учун тайинланади ва шу экспертнинг ўзи ёки бошқа эксперт томонидан ўтказилади.

Экспертнинг хулосаси асослантирилмаган ёки унинг тўғрилигига шубҳа тўғилган ҳолларда ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишонарсиз деб топилганда ёки экспертиза ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда қайта экспертиза тайинланади.

Қайта экспертиза ўтказиш тайинланганда эксперт олдига илгари фойдаланилган текшириш усулларининг илмий асосланганлиги тўғрисида масала қўйилиши мумкин.

Қайта экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда биринчи экспертиза хулосасига қўшилмаганлик сабаблари кўрсатилиши лозим.

Қайта экспертиза ўтказиш бошқа экспертга топширилади. Биринчи экспертизани ўтказган эксперт (экспертлар комиссияси) қайта экспертиза ўтказишда ҳозир бўлиши ва тушунтиришлар бериши мумкин, лекин у эксперт текшируви ўтказиш ва хулоса тузишда иштирок этмайди.

1. Жиноят иши бўйича қўшимча ва қайта экспертиза ўтказиш илгари тайинланган экспертнинг натижаларига суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг баҳо бериши билан боғлиқ

2. Қўшимча ёки қайта экспертиза тайинлаш олдидан суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья илгари хулоса берган экспертни сўроқ қилиши, унинг хулосаларига ва қўшимча ёки қайта экспертиза ўтказишга оид масалалар ҳақида мулоҳазаларини билишга ҳақли. Агар эксперт атайлаб нотўғри хулоса берган бўлса, ЖКнинг 238-моддаси билан жавобгарликка тортилади.

3. Қўшимча экспертиза дастлабки экспертизанинг натижаларини кутмасдан ҳам тайинланиши мумкин. Чунки аввалги экспертиза ҳал қилиши учун мўлжалланган саволлар торроқ ҳажмда бўлгани, уни тайинлангандан сўнг иш бўйича яна бошқа ҳолатлар аниқланиб, уларга боғлиқ янги масалаларни аниқлашга зарурат тугулгани сабабли экспертга қўшимча саволлар берилиши лозим бўлади. Бундай саволларга илгариги саволлар билан узвий боғлиқ бўлса, ўша экспертга берилиши, агар бундай боғлиқлик бўлмаса ёхуд ҳажми катта бўлса, бошқа экспертлар жалб қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Дастлабки ўтказилган эксперт хулосасини суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд асослантирилмаган, ишончли эмас деб топса ёхуд айбланувчи (судланувчи), унинг ҳимоячиси, жабрланувчи ёки унинг вакили эксперт хулосасини нотўғри ёхуд шубҳали экани ҳақида асослантирилган арз қилса, шунингдек, бошқа бирор сабаблар билан экспертиза ўтказишнинг процессуал қоидалари бузилган ҳолда қайта экспертиза ўтказилиши лозим. Қайта ўтказиладиган экспертизага илгариги эксперт хулосасининг тўғри-нотўғрилиги, унинг қўллаган гадқикот усули нақадар илмий асосланган экани ҳақида, шунингдек, қўшимча саволлар берилиши мумкин.

5. Қайта экспертиза ўтказиш тўғрисида қарорда (ажримда) илгариги эксперт хулосаси нима учун нотўғри ёхуд шубҳали эканлиги, қайта экспертиза ўтказиш чоғида эксперт (экспертлар комиссияси) қандай ҳолатларга айниқса эътибор бериши лозимлиги кўрсатилади.

6. Қайта экспертиза ўтказиш жараёнида аввалги эксперт фақат суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг рухсати билан ҳозир бўлиши, янги экспертларга ёзма тушунтиришлар бериши мумкин. Лекин аввалги эксперт қайта ўтказилаётган гадқикотларда иштирок қилиши ва қайта ёки қўшимча хулоса бериши мумкин эмас.

177-модда. Комиссиявий экспертиза

Мураккаб экспертизалар бир ихтисосдаги экспертлар комиссияси томонидан ўтказилиши мумкин. Экспертлар ўзаро маслаҳатлашиб, умумий фикрга келганларидан кейин хулосани имзолайдилар. Экспертлар ўртасида келишмовчи-

лик рўй берганда ҳар бир эксперт келишмовчилик чиққан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса беради.

Суриштирувчи, терговчи ёки суднинг комиссиявий экспертиза ўтказиш тўғрисидаги талаби экспертиза муассасасининг раҳбари учун мажбурийдир.

Агар экспертиза ўтказиш экспертиза муассасасига топширилган бўлса, унинг бошлиғи комиссиявий экспертизани ўтказишни ўзи ташкил қилишга ҳақлидир.

Эксперт текширувини тўла ёки қисман ўтказишни экспертлар комиссияси таркибига киритилмаган шахслар бажаришига йўл қўйилмайди.

1. Комиссиявий экспертиза бир фан ихтисослиғи бўйича уч нафар ундан кўп экспертлар томонидан ўтказилади. Бундай экспертиза воситасида мураккаб ҳолатлар ёхуд кўп ҳажмли саволлар бўйича тадқиқотлар юритилади. Агар экспертиза махсус муассасада ўтказилмаётган бўлса, экспертларга одатда экспертиза муассасасининг бошлиғи ёки бош мутахассиси раҳбарлик қилади. Экспертлардан бири комиссия аъзоларининг розилигига кўра, ташкилий раҳбарлик қилиши мумкин. Экспертиза хулосаси комиссия таркибидагиларнинг барчаси томонидан имзоланади. Айрим масалалар бўйича ўзгача фикрда бўлган эксперт алоҳида хулоса беради.

2. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд экспертизани комиссиявий таркибда ўтказишни таъкидлаган бўлмаса-да, экспертиза муассасасининг бошлиғи уни бир неча экспертларга топширишга ҳақли. Муассаса бошлиғи тегишлича суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга экспертлар таркибининг рўйхатини юбориши лозим.

3. Экспертлар комиссияси таркибига киритилмаган шахс унинг ишида қисман бўлса-да, иштирок этиши учун суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг рухсати бўлиши шарт.

178-модда. Комплекс экспертиза

Агар жиноят иши учун аҳамиятга молик бирор ҳолатни турли илм соҳаларидан фойдаланиб, бир неча текширув ўтказиш орқалигина аниқлаш мумкин бўлса, комплекс экспертиза тайинланиши лозим.

Комплекс экспертиза доирасида ҳар бир эксперт томонидан аниқланган ҳолатларга асосланиб, улар ушбу экспертизада аниқланиши лозим бўлган ҳолат тўғрисида яқуний хулоса чиқарадилар.

Комплекс экспертиза ўтказишда қатнашаётган ҳар бир эксперт уларнинг ҳар бири ўзи аниқлайдиган ҳолатлар ҳажми ва мажмуидан қатъи назар, текширувни мустақил амалга оширади, бунинг учун шахсан жавобгар бўлади ва фақат ўз ваколати доирасида хулоса беради. Эксперт комплекс экспертиза хулосасининг фақат ўз ваколатига тааллуқли қисмини имзолайди.

Экспертиза ўтказиш экспертиза муассасасига топширилган бўлса, комплекс текширувни ташкил қилиш унинг раҳбари зиммасига юклатилади.

1. Комплекс экспертиза жиноят иши бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган мураккаб ҳолатларни аниқлаш мақсадида турли соҳа экспертларидан иборат таркибда ўтказилади. Экспертларнинг ҳар бири ўз ихтисослиги бўйича объектларни тадқиқ қилса-да, бошқа экспертлар билан бамаслаҳат ягона хулоса беради. Масалан, объектдаги изни химик ва биолог химиявий ва органик жиҳатдан текширади, криминалист-трасолог изнинг ҳосил бўлиш механизми ва шаклини, ҳатто унда бармоқ излари акс этганини аниқлаш мақсадида тадқиқ қилиши, бинобарин хулосанинг айрим қисмини имзолаши мумкин.

2. Умумий хулоса билан келишмаган эксперт уни имзоламай, бевосита ўзи ўтказган тадқиқотлар асосида алоҳида хулоса беришга ҳақли.

3. Комплекс экспертиза ўтказиш экспертиза муассасасига ёхуд бошқа махсус муассасага топширилган бўлса, унга шу муассасанинг бошлиғи ёхуд бош мутахассиси раҳбарлик қилади.

179-модда. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқлари

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи экспертиза тайинлаш ва ўтказишда:

1) экспертиза ўтказилгунга қадар экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим билан танишиб чиқиш ва ўзига берилган ҳуқуқлар тушунтирилишини талаб қилиш. Бу ҳақда баённома тузилади ёки суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади;

2) экспертни рад этиш;

3) ўзи кўрсатган шахслар орасидан эксперт тайинлашини илтимос қилиш;

4) эксперт хулоса бериши учун унинг олдига қўшимча саволлар қўйиш, қўшимча материаллар тақдим этиш;

5) экспертиза ўтказилаётганда суриштирувчи, терговчи, суднинг рухсати билан ҳозир бўлиш, экспертдан текширув вақтида қўллаётган усулларининг ва олинган натижаларнинг моҳиятини тушунтириб беришни талаб қилиш, экспертга тушунтиришлар бериш;

б) эксперт хулосаси билан танишиб чиқиш ва қўшимча ёки қайта экспертиза ўтказиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга.

Санаб ўтилган ҳуқуқлардан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланаётган шахс ҳам, агар бунга унинг руҳий ҳолати имкон берса, фойдаланади.

1. Жиноят иши бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг ҳимоячиси, шунингдек, бошқа манфаатдор процесс иштирокчилари (жумладан, жиноий таъкиб этилиши эҳтимол бўлган хазиначи, омборчи, автоҳалокат бўйича ҳайдовчи, ҳамда жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар кабилар) экспертиза ўтказиш тўғрисида қарор билан таништирилиши, шу муносабат билан уларга ЖПК 172-197 моддаларининг мазмуни тушунтирилиши лозим. Бу ҳақда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва бошқа манфаатдор шахсларнинг илтимослари ҳамда фикр-мулоҳазалари баённомада қайд қилиниши шарт. Уларнинг қонуний талаблари ва илтимосларини қаноатлантириш, экспертиза ўтказишга алоқадор бўлмаган ёки асоссиз ва беҳуда талабларини эса рад этиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқарилиб, тегишлича эълон қилиниши лозим. Баённома ва у бўйича қабул қилинган қарор (ажрим) экспертга ҳам тақдим этилиши мақсадга мувофиқ.

2. Экспертиза тайинланиши ва ўтказилиши муносабати билан жиноят иши бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ушбу моддада санаб ўтилган ҳуқуқлардан тўла ва ўз вақтида фойдаланиши учун керакли шароитлар яратиш лозим. Улар экспертиза тайинлаш пайтида фойдаланмаган ҳуқуқларидан уни ўтказиш жараёнида, ҳатто у ўтказилгандан сўнг ҳам фойдаланишлари мумкин. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг бу борада илтимослари ва хоҳишлари имкон борица қаноатлантирилиши лозим.

180-модда. Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим

Экспертиза тайинлаш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Унда:

экспертиза тайинлаш учун асос бўлган сабаблар;

экспертизага юборилаётган ашёвий далиллар ва бошқа объектлар, уларнинг қачон, қаерда ва қайси ҳолатда топилганлиги ва олинганлиги;

иш материаллари бўйича экспертиза ўтказишда эса эксперт хулосаси асосланиши лозим бўлган маълумотлар;

эксперт олдига қўйилган саволлар;

экспертиза муассасасининг номи ёки экспертиза ўтказиш топширилган шахснинг фамилияси кўрсатилиши лозим.

Зарур ҳолларда экспертиза жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам тайинланиши мумкин.

Экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим унга тааллуқли шахслар учун мажбурийдир.

1. Жиноят иши бўйича, шу жумладан у қўзғатилганга қадар экспертиза ўтказиш тўғрисида қарор (ажрим)да дастлаб қандай ҳолатларни аниқлаш, қандай саволларга жавоб бериш учун, қандай турдаги экспертиза тайинлаш зарурлиги эътироф этилади. Унда экспертга тақдим этиладиган объектлар, эксперт тиббор бериши лозим бўлган ҳужжатлар, экспертиза ўтказувчи муассаса ёки эксперт, аниқ ва лўнда баён қилинган саволлар, экспертиза тадқиқотлари ўтказилишида ҳозир бўлиши лозим ёхуд мумкин бўлган шахслар тўғрисида маълумотлар акс эттирилиши лозим. Қарор (ажрим)га иловалар берилиши мумкин.

Экспертиза таддикотларини ўтказиш чоғида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья бевосита иштирок этишга ҳақли. Ишда манфаатдор тарафлар ва уларнинг вакиллари экспертиза ўтказишда ҳозир бўлишлари учун тегишлича суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд судьядан рухсат олишлари шарт.

2. Экспертиза тайинлаш ҳақида қарор (ажрим) билан таништирилган манфаатдор процесс иштирокчилари томонидан билдирилган илтимослар ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, қўшимча ёки қайта қарор (ажрим) чиқарилса, экспертиза тайинлаш ҳақидаги илгариги қарор (ажрим) ҳам ишда сақланиши лозим.

3. Экспертиза тайинлаш тўғрисида суриштирувчи ва терговчи мустақил қарор қабул қилади. Бу ҳақда прокурорнинг рухсати ёки розилиги шарт эмас. Терговчилар гуруҳи томонидан тергов юритиш чоғида гуруҳнинг аъзоси бўлган терговчи ҳам экспертиза тайинлаш ҳақида ўзи қарор чиқаришга ҳақли, лекин бу тўғрисида гуруҳнинг раҳбарини хабардор қилиш мақсадга мувофиқ.

181-модда. Экспертиза ўтказишда мажбурлов чегараси

Мураккаб тиббий текширув усулларида, шунингдек, кучли оғриқ бериш билан боғлиқ усуллардан мажбурий фойдаланишга фақат экспертиза ўтказилаётган шахснинг розилиги билан йўл қўйилади. Башарти бундай шахс ўн олти ёшга тўлмаган ёки руҳий касал бўлса, экспертиза унинг қонуний вакили, васий ёки ҳомийсининг розилиги билан амалга оширилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-26-моддаларида ҳар қандай шахснинг дахлсизлиги эътироф этилган. Тиббий текширув ва синовлардан ўтиш, қоидага кўра, шахснинг хоҳишига боғлиқ. Шу жумладан, озми-кўпми оғриқ бериш билан боғлиқ мураккаб тиббий текширув ўтказишга шахснинг розилиги, агарда у ўн олти ёшга тўлмаган ёки руҳий бемор бўлса, унинг ота-онаси, қонуний вакили, васий ёки ҳомийсининг розилиги олиниши шарт.

2. Экспертиза ўтказмай ҳақиқатни аниқлашнинг иложи бўлмаса, худди ЖПКнинг 145-моддасида кўрсатилган гувоҳлан-

тириш тартиби каби, шахс мажбурий равишда эксперт хузурига келтирилишига ва оғриқни сездирмайдиган ёхуд камайтирадиган усуллар билан тиббий текширувдан ўтказилишига қонун йўл қўяди.

182-модда. Экспертиза муассасасида экспертиза ўтказиш

Суриштирувчи, терговчи, суд экспертиза тайинлаш тўғрисида ўзи чиқарган қарорни ёки ажримни, текшириладиган объектларни, зарур ҳолларда жиноят ишини ҳам экспертиза муассасасининг раҳбарига юборади. Қарор ёки ажримда муайян эксперт кўрсатилмаган бўлса, экспертиза муассасасининг раҳбари шу муассаса ходимларидан қайси бири экспертиза ўтказиши тўғрисида фармойиш чиқаради. Бу ҳақда у экспертизани тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки судга хабар беради.

Экспертиза муассасасининг раҳбари экспертиза ўтказишни ташкил қилади, текшириладиган объектнинг сақланишини таъминлайди, экспертизани ўтказиш муддатини белгилайди. Экспертиза муассасасининг раҳбари экспертиза муассасасида ишламайдиган мутахассисларни экспертизани тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки суднинг розилиги билангина экспертиза ўтказиш учун жалб этишга ҳақлидир.

1. Экспертиза муассасасининг ёки экспертиза ўтказиш ҳақида топшириқ олган давлат муассасасининг бошлиғи, уни ўзи ўтказди ёхуд муассаса ходимига топшириб, бу ҳақда экспертиза тайинлаган суриштирувчига, терговчига, прокуратурага ёки судга дарҳол хабар беради.

2. Муассаса бошлиғи экспертизани ўтказиш муддати ва услини белгилайди, экспертиза объектларини кўздан кечириб, уларнинг сақланишини таъминлайди ва экспертга керакли шароитларни таъминлайди.

3. Агарда экспертизани ўтказиш учун ушбу муассасада ишловчилардан бошқа мутахассисларнинг иштироки зарур бўлса, бу ҳақда экспертиза ўтказувчининг рухсатини олиб, уларни тадқиқотга жалб қилади.

4. Экспертиза ўтказилаётган муассаса бошлиғи экспертиза тадқиқотларининг ҳолатлари ва эришилган дастлабки натижа-

лари тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга уларнинг сўровларига биноан ёхуд ўз ташаббуси билан вақт-вақти билан ёзма хабар бериб туради, экспертиза нихоясига етгач экспертнинг хулосаси билан танишиб, уни тегишлича суриштирув, тергов ва судда фойдаланиш учун юборади.

5. Экспертиза ўтказилган муассаса бошлиғи эксперт хулосалари ҳақиқатни аниқлашга нақадар ёрдам берганини таҳлил қилиш учун суриштирув, тергов органлари ва суддан тегишли маълумотлар олиши, экспертиза ўтказиш усуллари ва воситаларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар кўриши лозим.

183-модда. Экспертиза муассасасидан ташқарида экспертиза ўтказиш

Экспертиза экспертиза муассасасидан ташқарида ўтказиладиган бўлса, суриштирувчи, терговчи ёки суд экспертиза ўтказиш тўғрисида қарор ёки ажрим чиқаргандан кейин экспертиза ўтказиш топширилаётган шахсни чақиртиради, унинг шахси ва малакасини, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, жабрланувчига бўлган муносабатини ва уни рад этишга асослар бор-йўқлигини аниқлайди.

Экспертгани тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки суд экспертга экспертиза тайинланганлиги тўғрисидаги қарорни ёки ажримни тақдим этади, уни ушбу Кодекснинг 68-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништиради ва хулоса беришдан бўйин товлаганлик, шунингдек, била туриб ёлгон хулоса берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради. Эксперт берган ариза ва илтимосномалар ҳам шу зайдда қайд этилади. Экспертнинг илтимоси рад этилса, экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки суд бу ҳақда қарор ёки ажрим чиқаради.

Агар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳнинг баданини ёхуд руҳий ҳолатини текшириш зарурати пайдо бўлса, экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки суд уларнинг экспертга олиб келинишини таъминлаши шарт.

1. Экспертиза муассасасидан ташқарида, шу жумладан экспертиза ўтказишга йўналтирилмаган муассасаларда хизмат

киладиган мутахассисларга экспертиза ўтказишни топшириш чоғида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья уларнинг малакаси, қобилият даражасини, шунингдек, ишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва бошқа манфаатдор шахслар билан муносабатини текшириши, уларни эксперт бўлишига монелик қиладиган асослар бўлса, рад этиши лозим.

2. Экспертиза муассасасида ишламайдиган мутахассисни эксперт тариқасида таклиф этилганда, унга ЖПК 67-68-моддаларидаги ҳуқуқ ва мажбуриятини тушунтиради, агар эксперт сифатида хулоса беришдан асоссиз бўйин товласа ёхуд била туриб нотўғри хулоса берса жиноий жавобгарлиги тўғрисида огоҳлантиради. Бундай экспертни ЖПК 172-197-моддаларининг мазмуни билан таништириш зарур.

184-модда. Экспертнинг хулосаси

Эксперт зарурий текширишларни ўтказиб бўлганидан кейин ўз номидан ёзма хулоса тузади ва уни имзолаб тасдиқлайди.

Экспертнинг хулосасида:

унинг фамилияси, исми ва отасининг исми, маълумоти, ихтисоси, ушбу ихтисослик бўйича стаж, илмий даражаси ва илмий унвони, эгаллаб турган лавозими;

хулоса беришдан бўйин товлаганлик ва била туриб ёлгон хулоса берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида экспертнинг огоҳлантирилганлиги;

экспертиза қайси процессуал қарорга асосан ва қачон ўтказилганлиги;

уни ўтказиш вақтида ким ҳозир бўлганлиги;

эксперт ишнинг қайси материалларидан фойдаланганлиги, қайси ашёвий далиллар, намуналар ва бошқа объектлар текширувдан ўтказилганлиги;

хусусан қандай текширишлар ўтказилганлиги, қандай усуллардан фойдаланилганлиги ва уларнинг ишончлилик даражаси;

қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар, шунингдек, иш учун аҳамиятли бўлган ва эксперт ўз ташаббуси билан аниқлаган ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Эксперт хулосасида жинойт сабаблари ва унинг содир қилинишига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек, уни бартараф қилишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилган бўлиши мумкин.

Текшириш ўтказилганидан қолган ашёвий далиллар, намуналар, бошқа объектлар, шунингдек, фотосуратлар, схемалар, чизмалар эксперт хулосасига қўшиб қўйилиши зарур.

Агар экспертга берилган материалларнинг етарли эмаслиги ёки экспертнинг махсус билимлари етарли эмаслиги текширув чоғида маълум бўлиб қолса, экспертнинг хулосаси айрим қўйилган саволларга жавоб беришни рад этиш асосларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

1. Экспертнинг хулосаси якуний ҳужжат бўлиб, унда экспертиза ўтказувчининг маълумоти, касби, ихтисоси, қобилятига оид маълумотлар, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши, кимнинг топшириғи билан, қандай экспертизани, қаерда ва қачон ўтказгани, экспертиза объектлари, уларни тадқиқ қилиш усуллари ва воситалари, қўйилган саволларга жавоблари, уларнинг қатъийлик даражаси аниқ кўрсатилиши лозим.

2. Эксперт унга берилган саволларнинг бирортасига ҳам жавоб беролмаса, хулоса ўрнига бу ҳақда асослантирилган ҳужжат тузади (185-моддага берилган шарҳларга қаранг). Агар эксперт айрим саволларга ўзининг ихтисослиги ва малакаси етарли эмаслиги, савол ноаниқлиги, бу ҳақда фан, техника, санъат ёки касб-хунар соҳасида ишончли маълумот ва текшириб аниқ жавоб бериш имкониятлари йўқ бўлса, хулосада буни кўрсатиши лозим.

3. Агар эксперт ўтказган тадқиқотлари натижасида унга қўйилган саволлардан бошқа ҳолатларни аниқласа ва бу жинойт ишига алоқадор бўлса, ўз ташаббуси билан қўшимча саволлар шакллантириши ва уларнинг жавобларини ҳам ўз хулосасида ёхуд айрим ҳолда баён этишга ҳақли. Шунингдек, эксперт ўз хулосасида ёки айрим ҳолда жинойтнинг сабаблари, содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, уларни бартараф этиш учун ташкилий-техникавий чоралар кўришни тавсия қилишга ҳақли.

4. Эксперт хулосасига илова қилинган объектлар, шу жумладан намуналар, фотосуратлар, чизма ва бошқа ёрдамчи материаллар ўралиб, муҳрланиб, имзо қилиниб, экспертизани тайинлаган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьяга юборилиши шарт.

185-модда. Хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат

Экспертга тақдим қилинган объектлар экспертиза ўтказиш учун етарли бўлмаса, эксперт қўшимча материаллар берилишини сўрайди, бундай материаллар бўлмаса, шунингдек, эксперт олдига қўйилган саволларни унинг махсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмаса, хулоса бериш имконияти йўқлиги тўғрисида асослантирилган ҳужжат тузади ва уни экспертиза муассасасининг раҳбарига ва экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки судга юборади.

1. Эксперт унга тақдим қилинган объектлар экспертиза ўтказиш учун яроқли ва етарли эмас деб ҳисобласа, экспертизани тайинловчидан бошқа, етарли материаллар берилишини талаб қилишга ҳақли. Қўшимча материаллар юборилмаса, шунингдек, қўйилган саволларни махсус билимлар асосида ҳал қилиб бўлмаса ёки ўзининг ихтисоси ва қобилияти етишмаса, бу ҳақда ҳужжат тузиб, экспертиза ўтказилаётган муассаса бошлиғига ёки уни тайинлаган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьяга юборади.

2. Экспертиза ўтказиш рад этилгани ҳақида ҳужжатни олгач, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья, бу ҳақда тегишли бошқа мутахассислар билан маслаҳатлашиб, экспертиза ўтказиш ҳақида ўз топшириғини юқори экспертиза муассасасига ёхуд юқори малакали экспертларга юбориши ёхуд ўз қароридан воз кечиб, иш бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни бошқа тергов ҳаракатлари ёрдамида, бошқа далиллар асосида ҳал этади.

186-модда. Экспертни суроқ қилиш

Экспертнинг хулосаси етарли даражада аниқ бўлмай, камчиликларини тўлдириш учун қўшимча текшириш ўтказиш

зишга зарурат бўлмаса ёки эксперт фойдаланган усулларга аниқлик киритиш зарур бўлиб қолса, суриштирувчи, терговчи ёки суд экспертни ушбу Кодекснинг 98-108-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда сўроқ қилиш ҳуқуқига эга.

1. Эксперт, одатда хулоса берганидан сўнг, унинг хулосасидаги ноаниқликларнинг сабаблари, уларни бартараф этиш имкониятларини излаш, шунингдек, хулосани тўғри талқин қилиш ва тўлдириш мақсадида сўроқ қилинади.

2. Эксперт ўз ташаббуси билан қўшимча ҳолатларни текширгани ва тавсиялар бергани ҳамда хулоса беришни рад этганига оид масалалар бўйича ҳам сўроқ қилиниши мумкин.

3. Экспертнинг кўрсатувлари айниқса қайта ўтказилган, комиссиявий ёки комплекс экспертиза натижаларига тўғри баҳо бериш, бошқа экспертларнинг фикр-мулоҳазалари ва шахсий хиссаларини аниқлашга ҳам ёрдам беради.

4. Экспертни сўроқ қилишда гувоҳни сўроқ қилишга оид процессуал қоидаларга тўла риоя этилмоғи шарт.

187-модда. Эксперт хулосасини баҳолаш

Эксперт хулосаси суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан биргаликда унинг илмий асосланганлиги ва экспертиза ўтказиш учун белгиланган барча процессуал қоидаларга риоя этилганлиги нуқтаи назаридан баҳоланади.

Экспертнинг хулосаси суриштирувчи, терговчи ёки суд учун муқаррар далилий кучга эга эмас. Хулосага қўшилмаслик қарорда ёки ажримда асослаб берилиши лозим.

Жиноят иши бўйича бир неча экспертиза ўтказилган ва экспертлар бир хил фикрга келмаган бўлсалар, суриштирувчи, терговчи ёки суд баъзи экспертларнинг хулосаларига қўшилиш ва бошқа экспертларнинг хулосаларига қўшилмаслик тўғрисидаги ўз фикрини асослаб бериши лозим.

1. Ушбу модда экспертнинг хулосасига баҳо беришнинг алоҳида қоидаларини назарда тутаяди. Барча далиллар каби экспертнинг хулосаси иш бўйича тўпланган далиллар билан

бирга, қиёслаш йўли билан баҳоланади. Унга баҳо беришнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, дастлаб унинг нақадар илмий ва амалий асосланганига эътибор қаратилади. Сўнгра экспертиза тайинлаш ва ўтказишга оид процессуал қоидаларга тўла риоя қилингани текширилади.

2. Экспертнинг хулосаси иш бўйича ҳар қандай далиллар қаторида баҳоланади. Унинг ўтказилиш жараёни, қўлланган усуллар ва натижалар бир-бирига монанд, хулоса ички ягона мантқиққа эга бўлиши лозим. Сўнгра у ишдаги бошқа далиллар билан ҳамоҳанг, бир хилда ҳақиқий ҳолатларга мос бўлиши лозим. Эксперт хулосасининг бирор жиҳатдан камчиликлари ва хатолари аниқланса, бу ҳақда қарор (ажрим) чиқарилиб, хулосани тўла ёки қисман ҳақиқатга тўғри келмаслиги эътироф этилади. Лекин хулоса ишда сақланади ва ҳеч ким тамонидан бекор қилиниши, ўзгартирилиши ёхуд унга қўшимча киритилиши мумкин эмас. Экспертнинг баъзи хулосавий фикрларига суриштирувчи, терговчи, прокурор эътироз билдириши мумкин бўлса-да, якуний баҳони суд беради. Бу қоида иш бўйича бир канча, ўзаро зид бўлган эксперт хулосаларига баҳо беришга ҳам тааллуқли.

3. Экспертнинг хулосасидаги тахминий фикрлардан далил сифатида фойдаланиш мумкин эмас, улар фақат гумон қилиш, гусмоллар тузиш учун яради, холос. Чунки, шубҳа ва гусмоллар ҳақиқатни билдирмайди.

4. Эксперт хулосаларига қандай баҳо берилганлиги, улардан қай йўсинда фойдаланилгани тўғрисида эксперт муассасаларини ва экспертларни хабардор қилиш тавсия этилади.

5. Экспертнинг хулосаси билан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг химоячилари, жабрланувчи ва бошқа манфаатдор шахслар иш бўйича тергов тамомланганидан сўнг танишишга ҳақли. Лекин суриштирувчи, терговчи, прокурор тергов охирига етмасдан эксперт хулосасини манфаатдор шахсларга танишиш ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш учун тақдим этиши мумкин. Бу эксперт хулосасига батафсил ва ҳолисона баҳо беришга хизмат қилади.

23-БОБ. ЭКСПЕРТИЗА ТЕКШИРУВИ УЧУН НАМУНАЛАР ОЛИШ

188-модда. Намуналарнинг турлари ва уларни олиш усуллари

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тирик одамнинг, мурданинг, ҳайвоннинг, модданинг хусусиятларини ўзида акс эттирувчи намуналар олишга, башарти уларни текшириш эксперт олдига қўйилган саволларни ҳал қилиш учун зарур бўлса, ҳақлидир.

Тирик одамдан ўзида унинг хусусиятларини акс эттирувчи: биологик - қон, соч, сулак, инсон организмидан ажралиб чиқадиган моддалар; психофизик - дастхат; анатомик - тери нақшининг чизиклари, тиш қолиплари; шунингдек, овознинг хусусиятлари, касб малакасини акс эттирувчи намуналар олиниши мумкин. Мурдани кўздан кечиришда ҳам текширув ўтказиш учун керакли моддий намуналар олиниши мумкин.

Намуна тариқасида хом ашё, маҳсулот ва бошқа материаллардан модданинг турга оид ёки ўзига хос физик ёхуд кимёвий хоссаларини акс эттирувчи намуналар олиниши мумкин.

Текширув ўтказиш жараёнида эксперт гильза, ўқ, бузиш асбоблари ва бошқа объектларнинг тажриба намуналарини тайёрлашга ва уларнинг экспериментал изларига қараб, ўхшашлик ёки фарқланиш масаласини ҳал этишга ҳақлидир.

1. Ушбу бобда экспертиза ўтказиш учун зарур намуналарни олиш тартиби акс эттирилган. Одам ва турли объектларни таниб олиш учун кўрсатиладиган намуналарни олиш чоғида ҳам ушбу қоидалар қўлланиши мумкин.

Одамдан, жониворлардан, ўсимликлардан, мурдадан, тупроқдан, сув, ҳаво, дон ва ҳар қандай моддий объектлардан, уларнинг хусусиятларини текшириш учун намуна олиш мумкин.

2. Намунада акс этадиган хусусиятлар иш бўйича ашёвий далилларнинг хусусиятлари билан таккослаш ва шу йўсинда ашёвий далилга унинг физикавий, кимёвий, биологик, шунингдек, ташқи кўриниши билан боғлиқ баҳо бериш мақсадида

ўтказилади. Такқослаб текшириш ашёвий далилнинг қайси моддий гуруҳга оид эканини аниқлашга ёки индивидуал хусусиятларига кўра идентификациялашга имкон беради.

3. Одам ва турли жониворлардан кўпинча уларнинг биологик хусусиятларига оид намуналар, жумладан қон, соч, сулак, сперма ва организмдан ажралиб чиқадиган бошқа моддалар олинади. Одамдан анатомик хислатлари сифатида қўл-оёқ излари, бармоқ нақшлари, юздаги ажинлар, тиш қолиплари, психофизиологик хусусиятларига оид дастхат ва турли қобилият ва малакаларни ифодаловчи намуналар: овоз, чизилган сурат, ясалган буюм кабилар олинади. Баъзан текшириш учун намуна сифатида теридан, тирноқ остидаги, кулоқ ичидаги турли чиқинди ва қириндилар ҳам олинishi мумкин.

4. Намуналар олиш вақти, усули, шароитлари ва ҳажми жиҳатидан улар ёрдамида такқослаб текшириладиган ашёвий далилдаги хусусиятларга ўхшаш ва етарли даражада бўлмоғи лозим. Намунадаги хусусиятлар йўқолишининг, ўзгаришининг олдини олиш, уларни бешикаст сақланишини таъминлаш зарур.

5. Мурдадан намуналар тиббиёт соҳасидаги мутахассислар ёрдамида олинади (194-моддага берилган шарҳга қаранг).

6. Экспертиза тадқиқотлари жараёнида турли намуналарни олиш эксперт томонидан амалга оширилади (195-моддага берилган шарҳга қаранг).

7. Намуналар келгусида жиноят иши бўйича исботлаш жараёнида зарур бўлиб қолишини инобатга олиб сақланиши, гўла сарфланмаслиги лозим. Улар келгусида ашёвий далиллар мақомини олади.

189-модда. Намуна олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ва органлар

Эксперт текшируви намуналар олинadиган шахсни счинтириб ялангочлаш билан боғлиқ бўлмаса ва алоҳида касб маҳоратини талаб қилмаса, суриштирувчи, терговчи ёки суднинг ўзи, зарурат бўлганда эса шифокор, бошқа мутахассис, эксперт иштирокида эксперт текшируви учун намуналар олишга ҳақлидир.

Эксперт текшируви учун намуналар олиш ялангоч бўлишини тақозо этса ёки алоҳида касб маҳоратини талаб

қилса, суриштирувчи, терговчи ёки суднинг топширигига биноан текширув учун намуналарни шифокор ёки бошқа тиббий мутахассис олади.

1. Ҳар қандай намуна бевосита суриштирувчи, терговчи ёки судьянинг ўзи томонидан, имкон борича тегишли мутахассис иштирокида олинади. Айни вақтда намуна олиш экспертга ёхуд тегишли мутахассисга топшириши, улар бу топшириқни ўзлари мустақил ёки суриштирувчи, терговчи ва судья ҳузурида бажариши мумкин.

2. Қонун намуна олиш чоғида ҳолисларнинг иштирокини талаб қилмайди. Лекин суриштирувчи, терговчи ва судья намуна олишнинг тўғри ўтказилганлигини ҳолислар иштирокида расмийлаштириши мумкин.

3. Намуна шахсни яланғочлаб олинганида бошқа жинсдаги шахс иштирок этиши ахлоқ-одоб нуқтаи назаридан ман этилади.

190-модда. Намуна олинishi мумкин бўлган шахслар

Эксперт текшируви учун намуналар гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, шунингдек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича устидан иш юритилаётган шахсдан олинishi мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойда ёки ашёвий далилларда бошқа шахслар томонидан ҳам из қолдирилган бўлиши мумкинлиги тўғрисида етарлича асослар бўлган тақдирда шу шахслардан ҳам эксперт текшируви учун намуна олинishi мумкин.

1. Ушбу нормада эксперт тадқиқоти учун намуна олинishi мумкин бўлган процесс иштирокчиларининг қатъий доираси белгиланган. Гумон қилинган шахс, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ҳамда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллаш бўйича устидан иш юритилаётган кишилардан бошқа шахслардан намуна олиш назарда тутилмаган.

2. Фақат ҳодиса юз берган жойдаги ёхуд бирор ашёвий далилдаги қўл-оёқ, бармоқ, қон, турли чиқиндиларни қолдиришда шубҳага олинган шахслардан тегишли намуналар олинishiга қонун рухсат беради. Уларга суриштирувчи, терговчи ёки судья намуна олиш сабабларини тушунтириши лозим.

191-модда. Намуна олиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим

Намуна олиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Унда:

намуна оладиган шахс ёки орган;

намуна олиниши керак бўлган шахс;

айнан қандай намуна ва қанча миқдорда олиниши лозимлиги;

намуна олинадиган шахс қачон ва кимнинг ҳузурига келиши зарурлиги;

олинган намунанинг қачон ва кимга тақдим қилиниши кераклиги кўрсатилиши лозим.

1. Намуна олиш тўғрисида қарор ёки ажрим намуна олинadиган шахс учун ҳамда намунаси олинadиган объект кимга тегишли бўлса, шу жисмоний ёхуд юридик шахс учун мажбурийдир. Бундай қарор ёки ажримни бажармаслик ёки унинг бажарилишига тўсқинлик қилиш учун ушбу Кодекснинг 271-моддасига кўра жавобгарлик назарда тутилган.

2. Намуна олиш тўғрисида қарордан норози бўлиб, тегишсиз суриштирув ёки тергов органининг бошлиғига, прокурорга ёхуд ажримдан – юқори судга шикоят билан мурожаат қилиш мумкин. Лекин бундай шикоят намуна олишни тўхтатиб қўёлмайди.

192-модда. Намуна олишда мажбурлов чегараси

Ўзидан намуна олиниши учун келишдан бош тортаётган думон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, жабрланувчилар мажбурий келтирилиши мумкин, бунда, башарти қўлланиладиган усуллар озриқ бермайдиган ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлса, улардан мажбурлов йўли билан намуналар олинади.

Ўзга шахслардан намуналар фақат ушбу Кодекснинг 190-моддасида назарда тутилган ҳолларда ҳамда таносил касаллиги ва бошқа юқумли касалликларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган ҳолларда мажбурлов йўли билан олиниши мумкин.

1. Намуна олиш шахснинг ҳаёти ва соғлиғига, унинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказмаслиги, унга азоб бериш, қийнаш, мулкига жиддий зиён етказиш билан боғлиқ бўлмаслиги керак (бу ҳақда 17-18-моддаларига берилган шарҳларга қаранг).

2. Намуна олиш учун чақирилган шахс узрли сабабларсиз ўз хоҳиши билан намуна олинадиган жойга келмаса, у милиция орқали мажбурий келтирилиши мумкин. Унга қандай намуна, нима сабабдан олинishi тушунтирилиши, агар шунда ҳам бу ҳақда қарор ёки ажримни бажаришдан бош тортса, намуна холислар хузурида мажбурий равишда олинishi мумкин.

3. Намуна ушбу Кодекснинг 190-моддасида кўрсатилган ҳолларда, шунингдек, шахсда таносил ёки бошқа юқумли касалликлар, сурункасига спиртли ичимлик ва гиёҳванд воситаларни истеъмол этишга мойилликни аниқлаш учун мажбурлов йўли билан олинishi мумкин. Бундай ҳолларда тиббиёт мутахассисларининг иштироки намунани тўғри ва қонуний олинishини кафолатлайди.

193-модда. Суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан намуналар олиш тартиби

Суриштирувчи ёки терговчи намуна олинishi керак бўлган шахсни чақиртиради ёки у турган жойга бориб, уни намуна олиш тўғрисидаги қарор ёки суднинг ўзига келиб тушган ажрими билан таништириб тилхат олади ва бу шахсга, мутахассисга, холисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, агар кимдир рад этилган бўлса, бу масалани ҳал қилади. Кейин суриштирувчи ёки терговчи керакли ҳаракатларни бажаради ва эксперт текшируви учун намуналар олади. Бунда озғиқ бермайдиган ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлмаган илмий-техникавий воситалар қўлланилиши мумкин.

Мурдадан, шунингдек, хом ашёлардан, маҳсулотлардан, бошқа материаллардан намуналар олиш экзегумация қилиш, олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Олинган намуналар ўралади ва муҳрланади. Кейин суриштирувчи ёки терговчи уларни намуна олиш баённомаси билан бирга тегишли экспертга юборади. Агар намуна олиш

суднинг ажримига биноан амалга оширилган бўлса, ушбу ажримни бажарган суриштирувчи ёки терговчи намуналарни уларни олиш тўғрисидаги баённома билан бирга судга юборади. Суд тарафлар иштирокида намуналарни кўздан кечириб, уларнинг ҳақиқийлигига ва тўла сақланганлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин олинган намунани ажрим ва баённома билан бирга тегишли экспертга юборади.

1. Суриштирувчи ва терговчи намуна олинадиган шахсга, намунаси олиниши зарур бўлган мулкнинг эгасига ўзининг қарорини ёхуд ижро этиши учун суддан юборилган ажримни гушунтиради ва бу тергов ҳаракатини бажаришда иштирок этаётган ҳолислар, мутахассис, эксперт ва бошқа шахсларга ёллон қилади. Уларга намуна олиш тартиби, услуби ва қўлланиладиган илмий-техника воситалари тўғрисида ҳам маълумот берилиши шарт.

2. Намуна олиш бошланиши олдидан барча иштирокчилардан қандай илтимослари ва талаблари борлигини аниқлайди ҳамда уларни қаноатлантиради ёхуд рад этиш сабабларини билдиради.

Турли нарсалардан намуна олиш уларнинг эгалари, фойдаланувчи ёки қўриқловчи шахслар ҳузурида амалга оширилади. Намуна олиш мақсадида процессуал нормаларга риоя қилиб иштутув ўтказиш, олиб қўйиш, кўздан кечириш ва мурдани экзгумация қилиш каби тергов ҳаракатлари ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолларда намуна олингани ҳақида тегишли тергов ҳаракатининг баённомасида кўрсатилади.

3. Олинган намуналар худди ашёвий далиллардек ўралади, муҳрланади, устидаги ёзув ҳолислар ва бошқа ҳозир бўлганлар томонидан имзоланади. Намуна экспертга, агар суднинг ажримига кўра олинган бўлса, - судга топширилади. Эксперт еки суд намунани ўрамидан очиб кўздан кечиргани ҳужжат билан расмийлаштирилиши лозим.

194-модда. Шифокор ёки бошқа мутахассис томонидан намуналар олиш тартиби

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тегишли шахсни, шўнингдек, ундан намуна олиш тўғрисидаги қарорни ёки

ажримни шифокорга ёки бошқа мутахассисга юборади. Шифокорни, бошқа мутахассисни, холисларни рад этиш масаласини қарор ёки ажрим чиқарган суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳал қилади.

Шифокор ёки бошқа мутахассис зарур ҳаракатларни бажаради ва эксперт текшируви учун намуналар олади. Бунда оғриқ бермайдиган ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлмаган илмий-техникавий воситалардан фойдаланилиши мумкин. Намуналар уралиб ва муҳрланиб, суриштирувчи, терговчи ёки судга юборилади.

Текшириш учун ҳайвонлардан намуналар олиш зарурати тузилса, суриштирувчи, терговчи ёки суд тегишли қарорни ёхуд ажримни ветеринарга ёки бошқа мутахассисга юборади.

1. Намуна олишга жалб қилинадиган мутахассис, шу жумладан шифокор ва турли касб эгаларининг тегишли малакаси борлиги ва жинойт ишидан манфаатдор эмаслигини суриштирувчи, терговчи ёки суд текшириши шарт, уларни бирор сабабга кўра рад этиш тўғрисида гумон остидаги шахс, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг аризаси албатта инobatга олинishi лозим.

2. Мутахассис намуна олиш тўғрисида қарор ёки ажрим билан танишиб, суриштирувчи ёки терговчи намуна олганида унга кўмаклашуви ёхуд намунани ўзи олиши мумкин. Намуна олингани суриштирувчи ёки терговчи тузган баённомада ёхуд мутахассис ёзган расмий ҳужжатда акс эттирилади.

3. Мутахассис намунани ўраб, имзо қилиб, муҳрлаб суриштирувчига, терговчига ёки судга топширади ёхуд уларнинг топшириғига биноан бевосита экспертга юборади.

195-модда. Эксперт томонидан тажриба учун намуналар олиш

Текширув утказиш жараёнида эксперт томонидан ушбу Кодекс 188-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган тажриба намуналари тайёрланиши мумкин.

Суриштирувчи ёки терговчи бундай намуналарни тайёрлаш чоғида ҳозир бўлишга ҳақли бўлиб, бу ҳол улар томонидан тузиладиган баённомада акс эттирилади.

Эксперт текширув утказиб бўлганидан кейин намуналарни муҳрланган ҳолда ўз хулосасига қўшиб қўяди.

Суриштирувчи ёки терговчи, суд муҳокамасида эса суд ва тарафлар эксперт тақдим қилган тажриба намуналарини кўздан кечирадилар, шундан сўнг улар ашёвий далил сифатида жиноят ишига қўшиб қўйшади.

1. Эксперт, тадқиқот ўтказиш чоғида зарур бўлса, турли моддий объектлардан тажриба учун намуна олишга ва уларни текширишга ҳақли. Бундай намуналарни эксперт бевосита ўзи ёхуд экспертиза муассасасининг бошқа мутахассислари ёрдамида олиши мумкин. Бу ҳақда эксперт алоҳида баённома тузади ёхуд ўз хулосасида кўрсатади.

2. Экспертиза жараёнида намуналар олишни кузатиш учун суриштирувчи ёки терговчи таклиф қилиниши ёхуд улар ўз ташаббуси билан ҳозир бўлиши мумкин. Бу ҳақда терговчи ва эксперт баённома тузади.

3. Эксперт томонидан олинган намуналар суриштирувчи, терговчи ёки суддан келган намуналар каби ўралган, имзоланиб муҳрланган ҳолда сақланади ва хулосага илова қилиниб тегишлича суриштирувчига, терговчига ёки судга юборилади. Бундай намуналар жиноят ишида ашёвий далил ҳисобланади.

196-модда. Намуналар олишда шахс ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши

Эксперт текшируви учун намуналар олишда қўлланиладиган усуллар ва илмий-техникавий воситалар инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлиши лозим. Кучли оғриқ берадиган мураккаб тиббий тадбирлар ва усулларни қўллаш намуна олиниши лозим бўлган шахснинг розилиги билан, башарти у ун олти ёшга тулмаган ёки руҳий касал бўлса, унинг қонуний вакили, васийлари ёки ҳомийларининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Намуна олиш намуна олинувчини ечинтириб ялангочлаш билан боғлиқ бўлса, шифокор, бошқа мутахассис, холислар намуна олинувчи шахс билан бир жинсда бўлишлари лозим.

1. Намуна олишда қўлланилган услуб ва воситалар ҳақида намуна олинадиган шахсни хабардор қилиш ва ундан розилик

олиш шарт. Агар намуна олинадиган шахс ўн олти ёшга тўлмаган ёки руҳий касал бўлса, бундай розилик унинг ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи қонуний вакиллари, васий ёки хомийларидан, у тарбияланаётган болалар муассасасининг маъмуриятидан олинishi керак.

2. Розилик олинмасдан, тегишинча далолатнома билан расмийлаштирилмасдан, намуна олиш процессуал қонун талабини бузиш деб ҳисобланади ва намуна мақбул эмаслиги сабабли, ундан фойдаланиб чиқарилган эксперт хулосаси шахсни айблаш учун далил тарзида асос бўлолмайди.

3. Намуна олиш шахснинг яланғоч бўлишини тақозо қилса, уни амалга оширишда иштирок этаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор, эксперт, мутахассис, холис ва бошқа шахслар намуна олинаётган шахс билан бир жинсда бўлиши шарт. Бу ахлоқ-одоб юзасидангина эмас, қонун талабларига кўра мажбурийдир. Унга риоя қилмаслик олинган намунани мақбул эмас деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

197-модда. Намуналар олиш баённомаси

Эксперт текшируви учун намуналар олинганлиги тўғрисида ушбу Кодекснинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ суриштирувчи ёки терговчи баённома тузади, суд эса, ўзига келган намуналарни суд мажлиси баённомасида акс эттиради.

1. Эксперт тадқиқоти учун олинган намуналар, уларни олиш жараёни, услуги ва воситалари баённомада имкон борича муайян ва батафсил баён этилиши лозим.

2. Баённома тузилмагани ёки унда намуна ҳамда уни олиш жараёни тўғри ва тўла акс эттирилмагани намунадан фойдаланиш имкониятини йўққа чиқаради.

24-БОБ. НАРСАЛАР ВА ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ

198-модда. Нарсаларни уларнинг эгаси бўлмиш шахслар таъаббуси билан суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилиши

Фуқаролар, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари ўз фикрларига кўра иш учун аҳамиятга молик бўлган нарсаларни суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилишга ҳақлидир.

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тақдим қилинган нарсани ушбу Кодекснинг 136, 137, 139 ва 140-моддаларида баён қилинган қоидаларга асосан кўздан кечириши, агар тақдим қилинган нарсани иш учун аҳамиятли деб топса ёки келгусида аҳамияти бўлиши мумкин деб ҳисобласа, уни қабул қилиши шарт. Шунингдек, ушбу иш учун аҳамиятли бўлмаган, лекин муомаладан чиқарилган нарсалар (қуроллар, гиёвандлик воситалари, порнография наирлари ва бошқалар) ҳам қабул қилиб олинishi лозим.

Иш учун аҳамиятли бўлмаган ва муомаладан чиқарилмаган нарсалар тақдим қилинган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи ёки суд уларни кўздан кечириб бўлганидан кейин каларига дарҳол қайтариб беради.

1. Ҳар қандай шахс, корхона, муассаса, ташкилот раҳбари ва мансабдор шахслар бирор нарсани жиноят иши бўйича аҳамиятга эга деб ҳисобласалар, уни суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга бевосита ўзлари тақдим этишлари, шунингдек, бирор шахс ёки почта орқали юборишлари мумкин.

2. Тақдим қилинган нарсалар суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан кўздан кечирилиши ва баённома тузилиши шарт. Агар улар ишга тааллуқли ҳамда ишга доир ҳолатларни аниқлаш учун аҳамиятли деб ҳисобланса, қабул қилиниши ва бу ҳақда баённома тузилиб, унинг бир нусхаси нарсани тақдим этган шахсга берилиши лозим.

3. Отиш қуроллари, гиёвандлик воситалари, психотроп ва шайларли моддалар, порнографик суратлар, видеотасмалар, ва

бошқа муомаладан чиқарилган нарсалар, жиноят ишига алоқадорлигидан қатъи назар, мажбурий тортиб олинishi ва бу ҳақда баённома тузилиши керак.

4. Тақдим қилинган нарсалар ишга алоқаси бўлмаса, қабул қилинмайди. Лекин бу ҳақда келгусида низо ва англашувсизликлар юз беришини эътиборга олиб, тақдим этилган нарса кўздан кечирилиши, унинг моҳияти ва хусусиятлари тўғрисида баённома тузилиши мақсадга мувофиқ. Бундай нарсалар, ушбу моддада кўрсатилганидек, уларни тақдим этган шахсларга қайтарилиши лозим.

5. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд тақдим қилинган нарсаларни қабул қилиб олгач, уларни ушбу Кодекснинг 207-моддасига мувофиқ ашёвий далил сифатида эътироф этиш ва ишга қўшиш тўғрисида қарор чиқаради ҳамда бу ҳақда нарсаларни тақдим этган шахсга хабар беради.

6. Қабул қилиб олинган ва далил сифатида ишда сақланган нарсалар жиноят ишини юритиш тамом бўлганидан сўнг, яъни иш тугатилган ёхуд судда кўрилиб, иш бўйича суднинг ҳукми, қарори, ажрими қонуний кучга кирганидан сўнг, эгасига ёхуд уларни тақдим этган шахсга қайтарилиши мумкин (бу ҳақда ЖПК 211-моддасига берилган шарҳларга қаранг).

199-модда. Суриштирувчи, терговчи ёки суднинг талабига кўра нарсаларни тақдим қилиш

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тинтув ёки олиб қўйиш ўтказмасдан туриб, корхона, муассаса, ташкилот раҳбаридан, шунингдек, фуқародан тергов ва суд ҳаракатларини юритиш чоғида вақтинча фойдаланиш учун зарур бўлган нарсаларни тақдим этишларини талаб қилишга ҳақлидир. Бундай нарсалар жумласига қуйидагилар киради:

1) эксперимент ўтказишда тегириилаётган ҳодисанинг ҳолатини ва шароитини қайта тиклаш учун фойдаланиладиган ўхшаш нарсалар ёки макетлар;

2) таниб олиш учун кўрсатилаётган нарса билан турдош бўлган нарсалар;

3) тергов ёки суд ҳаракатларини юритиш ёхуд эксперт тегириувини ўтказиш учун зарур бўлган мосламалар, асбоб-ускуналар, анжомлар, материаллар, агар бундай нарсалар

суриштирувчи, терговчи ёки судда ёхуд уларнинг топшириги бўйича ҳаракат қилаётган мутахассис, эксперт ёки экспертиза муассасасида бўлмаса. Зарурат қолмагач, бу нарсалар масиға қайтарилиши лозим.

1. Одатда тергов ҳаракатлари давомида, жумладан, кўздан кечириш, олиб қўйиш, тинтув, эксперимент, кўрсатувни ҳодиса жойида текшириш жараёнида олиниб ишга қўшиб қўйилган нарсалар ашёвий далил ҳисобланади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳар қандай шахсдан, корхона, муассаса, ташкилот раҳбаридан жиноят ишини юритишда далил сифатида ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун зарур нарсаларни талаб қилиб олишга ҳақли.

2. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг жиноят ишини юритишда вақтинча фойдаланиш учун тақдим этиш гуғрисида талаби барча шахслар учун мажбурийдир.

3. Бундай нарсалар жумласиға, ушбу модданинг 1, 2 ва 3-бандларида санаб ўтилганлардан ташқари, умуман исботлаш жараёнида кўмак берувчи турли моддий объектлар ҳам киради.

4. Юқорида кўрсатилган нарсаларни қабул қилиш чоғида ҳолислар иштирок этади. Нарсаларнинг номи ва хусусиятлари баённомада батафсил ақс эттирилади. Баённоманинг нусхаси нарсани тақдим этган шахсға берилади.

Олинган нарса ўралиб, устидаги ёзувни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор ва ҳолислар имзолайдилар, ўрам муҳрланади.

200-модда. Хужжатларни уларнинг эғаси бўлмиш шахслар ташаббуси билан суриштирувчи, терговчи ёки судға тақдим қилиш

Фуқаролар, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари ўз ихтиёрларидаги хужжатларни ёки ўзларидаги мавжуд маълумотлар асосида махсус тузилган хужжатларни суриштирувчи, терговчи ёки судға тақдим қилишға ҳақлидирлар.

1. Ҳар қандай шахс ўзи тузган ёхуд бошқалар томонидан тузилган хужжатни ўз ташаббуси билан суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судға тақдим қилиш ҳуқуқиға эға.

2. Хужжат тақдим этиб, уни ишга қўшиб қўйишни гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг ҳимоячиси, жабрланувчиси, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, умуман ҳар қандай шахс илтимос қилиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья унга шахс тақдим этган хужжатни кўздан кечириб, юритилаётган жиноят ишига алоқадорлиги ва аҳамиятини аниқлайди, сўнгра уни қабул қилиш баённомасини тузиб, ишга қўшиб қўяди.

3. Жиноят ишига алоқаси ва аҳамияти бўлмаган хужжат қабул қилинмаслиги ва ишга қўшиб қўйилмаслиги мумкин. Бу ҳақда суриштирувчи, терговчи, прокурор-қарор, суд эса ажрим чиқариши лозим (198-моддага берилган шарҳларга қаранг).

201-модда. Суриштирувчи, терговчи ёки суднинг талабига кўра хужжатларни тақдим қилиш

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари суриштирувчи, терговчи ёки суднинг талабига кўра ўз ихтиёрларидаги хужжатларни ёки ўзларидаги мавжуд маълумотлар асосида махсус тузилган хужжатларни тақдим қилишлари шарт.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари суриштирувчи, терговчи ёки суднинг талабига кўра ўз ваколатлари доирасида хужжатли тафтиш ёки бошқа хизмат текишувини ўтказишлари ва тафтиш ёки текишув далолатномасини барча иловалари билан бирга белгиланган муддатда тақдим қилишлари шарт.

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тафтиш ёки текишув далолатномасида ёхуд бошқа хужжатда белгиланган қоидалардан чекинишга, нуқсон, зиддият ёки бошқа камчиликларга йўл қўйилганлигини аниқлаганда ушбу камчиликлар бартараф этилишини талаб қилишга ҳақлидир.

1. Ҳар қандай шахс, шу жумладан корхона, муассаса, ташкилот раҳбари ва бошқа мансабдор шахслар ўзларида сақланаётган хужжатларни ёхуд мавжуд маълумотлар асосида тузган хужжатларини суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг талабига кўра унга тақдим қилиши шарт.

Худди шунингдек, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд корхона, муассаса, ташкилот раҳбари ва бошқа мансабдор шахсларга юритилаётган жиноят иши бўйича зарур текширув ёки тафтиш ўтказиб, унинг натижалари акс эттирилган далолатнома ёки бошқа тарздаги ҳужжатни топширишларини талаб этишга ҳақли. Бундай текширув ва тафтиш ишлари ўз вақтида ўтказилиб, улар ҳақида ҳужжатни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга, у белгиланган муддатда тақдим этилиши зарур. Текширув ва тафтишга доир ҳужжатлар тегишли талабларга жавоб бериши, уларда жиддий хато ёки камчилик бўлмаслиги талаб қилинади.

2. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳужжатларни тузиш ва тақдим этиш тўғрисида талаби ёзма тарзда бўлиши лозим. Бу талабни имконият бор бўлишига қарамай, бажармаслик интизомий ёки маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

202-модда. Нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш баённомаси

Ашёвий далиллар сифатида аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган нарса ва ҳужжатлар тақдим қилинганлиги тўғрисида ушбу Кодекснинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ суриштирувчи, терговчи баённома тузади, суд эса суд мажлисининг баённомасига ўзиб кўяди.

Баённомада:

1) нарса ёки ҳужжатни тақдим этган шахс тўғрисидаги маълумотлар;

2) бу шахснинг нарса ёки ҳужжатни ишга қўшиб қўйиши тўғрисидаги илтимосномаси;

3) нарса ёки ҳужжатни кўздан кечириш жараёни ва натижалари, агар у почта орқали юборилган бўлса, унинг урамасини кўздан кечириш натижалари;

4) нарса ёки ҳужжатнинг суриштирувчи, терговчи ёки судга ҳақиқатан ҳам топширилгани ёхуд нарса ёки ҳужжат уни келтирган шахсга қайтариб берилгани кўрсатилади.

Ашёвий далил сифатида аҳамиятли бўлган ёки аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган нарса ёки ҳужжатни тақдим

этган шахсга суриштирувчи ёки терговчи баённомадан нусха, суд мажлисида раислик қилувчи эса суд мажлиси баённомасидан кўчирма беради.

Қабул қилиб олинган нарса ёки ҳужжат почта орқали келган бўлса, баённоманинг нусхаси ёки ундан олинган кўчирма нарсани ёки ҳужжатни юборган шахсга жўнатилади, почта паттаси баённомага илова қилинади. Суриштирувчи, терговчи ёки суд почта орқали олинган нарса ёки ҳужжатни ишга алоқадор эмас деб топиб, уни юборувчига почта орқали қайтарган тақдирда ҳам почта паттаси баённомага қўшиб қўйилади.

Тақдим этилган нарса ёки ҳужжатни ашёвий далил сифатида ишга қўшиб қўйиш ҳақидаги илтимосни рад қилиш туғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Тафтишлар ва бошқа хизмат текширувларининг далолатномалари ёзма далил сифатида тақдим қилинган бошқа ҳужжатлар қатори ишга махсус расмийлаштирилмасдан қўшиб қўйилади.

Тергов ёки суд ҳаракатларини юритишда вақтинча фойдаланиш учун сўралган нарсаларнинг қабул қилингани ва қайтариб берилгани суриштирувчи, терговчи, суд мажлисида раислик қилувчи ёки суд мажлисининг котиби, шунингдек, нарсаларнинг эгаси томонидан бериладиган тилхатлар билан расмийлаштирилади. Тақдим қилинган нарсалар иш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлса, уларнинг белгилари, хоссалари, техникавий тавсифи, башарти улар юритилаётган тергов давомида ишлатилган бўлса, шу тергов ҳаракати баённомасида ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилади.

1. Нарса ва ҳужжатларни тақдим этилгани туғрисида баённома умумий тартибда ЖПКнинг 90-92-моддаларида назарда тутилган коидаларга риоя қилиб тузилади. Унда ушбу модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилган ҳолатлар тўла баён этилган бўлиши лозим.

2. Нарса ёки ҳужжатни тақдим этган шахсга бу ҳақда баённомадан нусха ёхуд суд мажлиси баённомасининг шунга оид қисмидан кўчирма берилади.

3. Тақдим қилинган нарса ёки ҳужжатни далил сифатида ишга қўшиб қўйиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ва прокурор – қарор, суд эса - ажрим чиқаради.

4. Тақдим қилинган нарса ёки ҳужжатни қабул қилинмаган ёки улар фойдаланилгандан сўнг қайтарилган ҳолларда ҳам баённома тузилиши ва унда нарса ёки ҳужжат уни тақдим этган шахсга қайтарилгани қайд этилиши лозим.

25-БОБ. НАРСА ВА ҲУЖЖАТЛАРНИ АШЁВИЙ ВА ЁЗМА ДАЛИЛ СИФАТИДА ИШГА ҚЎШИБ ҚЎЙИШ

203-модда. Ашёвий далиллар

Келиб чиқишини, кимга тегишлилигини, маълум мақсадларда фойдаланилганлигини ёки фойдаланишга яроқлилигини, қўлдан-қўлга ўтганлиги ёки турган жойи ўзгарганлигини, у ёки бу моддалар, нарса, жараён ва ҳодисалар таъсир этганлигини аниқлаш мумкин бўлган физикавий аломатлар ёки белгиларга, шунингдек, иш ҳолатларини аниқлашга хизмат қиладиган ҳар қандай бошқа аломатлар ва белгиларга эга бўлган нарса ашёвий далил ҳисобланади.

1. Бирор нарсани далилий ашё деб ҳисоблаш учун унинг моддий аломатлари ёки белгилари жиноят ишидаги ҳолатларни аниқлашга имкон бериши назарда тутилади. Бундай нарса келиб чиқиши, кимга тегишлилиги, муайян мақсадларда фойдаланилгани ёки фойдаланилиши мумкинлиги, қўлдан-қўлга ўтганлиги, турган жойи ёки хусусиятлари бошқа нарса, жараён ёки ҳодисалар а ўзгарганлиги сабабли ишга алоқадор ҳисобланади ва унинг турли ҳолатларини аниқлашга хизмат қилади.

2. Ашёвий далилнинг аломатлари ва белгиларидан фойдаланиб жиноятга тайёргарлик кўрилгани, у содир этилгани, яширилганлиги, уни ким, қандай мақсадда содир этгани каби фактик ҳолатлар аниқланади.

3. Ашёвий далил ҳақиқатни аниқлашга имкон яратади, жиноятнинг моҳияти, тури, зарарли оқибати хавфлилик даражаси, уни содир этган шахс кимлиги, унинг тавсифи, айбини енгиллаштирадиган ва огирлаштирадиган ҳолатларни таҳлил қилишга ва баҳо беришга имкон беради.

4. Ашёвий далил кўпинча жиноят предмети, содир қилиш воситаси, қуроли сифатида учрайди, шунингдек, ўзида жиноят ва уни содир этувчининг изларини акс эттиради.

5. Жиноят иши бўйича ашёвий далиллар айблов учун ҳам, ҳимояланиш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

6. Ашёвий далилни излаш, олиб қўйиш, ишга қўйиш, сақлаш, баҳо бериш ва исботлов жараёнида фойдаланиш тартиб-

лари ва шартлари ҳақида ЖПК 81-95-моддаларига берилган шарҳларга қаранг. Ашёвий далилларнинг иш бўйича аҳамиятли хусусиятлари далолатномада акс эттирилади, фотосурат, видеотасвирга туширилади, улардан намуна ва қолиплар олинади, макетлар тайёрланади. Шу мақсадда турли тергов ҳаракатлари бажарилади.

204-модда. Ёзма далиллар

Мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан сўз, рақам, чизма ёки бошқа шаклда ёзилган ва иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган маълумотларни сақлаш, ўзгартириш, бериш учун мўлжалланган ҳужжат ёки бошқа ёзувлар ёзма далил ҳисобланади.

Тергов ҳаракатининг баённомаси, суд мажлисининг баённомаси ва уларнинг иловалари ҳам ёзма далил ҳисобланади.

Ушбу Кодекснинг 203-моддасида кўрсатилган аломатлари, белгилари, излари бўлган ҳужжатлар ва бошқа хатлар ҳам ашёвий далил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

1. Ёзма далил ҳар қандай шахс томонидан ёзилган ёхуд турли ёзув куроллари, техника асбоблари ёрдамида тайёрланган сўз, рақам, чизма ва бошқа шаклдаги ахборотларни акс эттирувчи ёзувлардан иборат. Улар муайян ахборотларни сақлаш ва узаро бир-бирига етказиш учун мўлжалланган бўлиб, қўлёзма, росма ҳарфлар, рақамлар, расм ва символларда ифодаланади.

2. Сохта ёзма ҳужжатлар, ўчириш, кимёвий усулда ювиш, ўзгартиш йўли билан қалбаки маълумотлар киритилган расмий ҳужжатлар (гувоҳнома, диплом, аттестат, рухсатнома, паспорт, билет, пул, аккредитив, қимматли қоғозлар ва б.к.) иш бўйича далил ашё деб ҳисобланади.

3. Ёзма далилларга бирор нарса ёки ҳолатга оид тузилган шахсий ўзаро ёзишмалар, тилхат, ишончнома, тушунтирув хатлари кабилар, шунингдек, бошқарув, ҳўжалик, тадбиркорлик, маданий-маиший ва бошқа соҳаларга оид расмий маълумотлар акс эттирилган ёзма, график, рамзий, фототасвир ва видеоёзув тасмалари ҳам ки­ради. Иш ҳолатларини аниқлаш учун ёзма далилларнинг мазмуни, шакли, ҳолати ҳам текширилади. Электрон-ҳисоблаш машиналарида ва уларнинг жиҳозларида ҳам ёзма далиллар сақланган бўлиши мумкин.

4. Ёзма далилларни текшириш учун уларни ёзган, тузган, чизган техникавий восита билан акс эттирган, сақлаган, топширган шахслар сўроқ қилиниши, ёзма далил турли услублар ёрдамида, шу жумладан суд экспертизаси ўтказиш йўли билан таҳлил қилиниши, ишдаги бошқа далиллар билан таққослаб баҳо берилиши лозим.

5. Ёзма далилларни олиш, кўздан кечириш, далил сифатида эътироф этиш, сақлаш ва бошқа жойга юборишга оид процессуал қоидалар ЖПКнинг 205-208-моддаларида баён этилган.

205-модда. Ашёвий ва ёзма далилларни олиш усуллари

Ашёвий ва ёзма далил сифатида фойдаланиладиган нарса-лар, ҳужжатлар ва бошқа ёзувлар ҳодиса содир бўлган жойни ёки бошқа жойларни, биналарни кўздан кечириш, таниб олиш учун кўрсатиш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, кўрсатувни ҳодиса юз берган жойда текшириш, олиб қўйиш, тинтув ёки эксперимент ўтказиш жараёнида олинishi мумкин ёхуд улар ушбу Кодекснинг 198-202-моддаларида назарда тутилган тартибда суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилиниши мумкин.

1. Ашёвий ва ёзма далиллар фақат ушбу моддада санаб ўтилган тергов ҳаракатлари жараёнида олинishi ёки бирор шахс томонидан ўз ташаббуси билан ёхуд суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг талабига кўра тақдим қилинган бўлиши лозим. Ана шу тергов ҳаракатлари қонунга риоя қилинмай ўтказилган ҳолда, уларнинг воситасида олинган нарса ёки ҳужжат далилий кучга эга бўлмайди.

2. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш чоғида топилган ёхуд шахслар тақдим қилган нарса ёки ҳужжат тезкор-қидирув ходимининг билдиргисига илова қилиниб, жинойт ишини юри-таётган масъул шахсга топширилади. Бундай нарса ёки ҳужжат камида икки нафар холиснинг ҳузурини кўздан кечирилиб, белгилари ва аломатлари баённомада акс эттирилиши лозим. Имкон борича бундай нарса ва ҳужжат фотосуратга олиниб, сўнгра ўралади, ўрвнинг устидаги ёзув, нарса ёки ҳужжатни топширган ходим, холислар ва суриштирувчи ёки терговчи

гомонидан имзоланиб, мухрланади. Ҳар сафар нарсани ёки ҳужжатни кўрсатиш ёки текшириш учун ўрамни очиш чоғида камида икки нафар холис иштирок этиши ва уларнинг ҳузурида қайта ўралиб, имзоланиб, мухрланиши шарт. Акс ҳолда тезкор-қидирув ходими топширган нарса ёки ҳужжатдан далил сифатида фойдаланиш мумкин эмас.

206-модда. Ашёвий далилларни кўздан кечириш

Бошқа шахслардан топилган, олиб қўйилган ёки қабул қилиб олинган нарсалар ушбу Кодекснинг 135-137, 139 ва 140-моддаларида кўрсатилган қоидаларга асосан дарҳол кўздан кечирилади.

Кўздан кечиришда нарсанинг ишга тааллуқлилиги ҳақида хулоса чиқаришга асос бўладиган, шунингдек, уни бошқа нарсалардан фарқловчи белгилар аниқланиши лозим.

Кўздан кечириш жараёни ва унинг натижалари нарса олинган пайтда ўтказилаётган тергов ҳаракати баённомасида ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

1. Тергов ҳаракатлари ўтказиш жараёнида топилган ва баён-номага илова қилинган нарса ёки ҳужжат тегишли процессуал қоидаларга риоя қилиб, батафсил кўздан кечирилади. Нарса ва ҳужжатни кўздан кечириш чоғида тегишли мутахассислар таклиф қилиниши мумкин. Нарса ёки ҳужжатнинг ишга алоқадор белгилари баёнотда тасвирланиши лозим.

2. Нарса ёки ҳужжатни кўздан кечириш учун илмий-техника асбобларидан фойдаланиш мумкин. Уларни кўздан кечириш жараёнида иштирок этган шахслар бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирса, бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритилиши даркор.

207-модда. Нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва уни жиноят ишига қўшиб қўйиш

Нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва уни жиноят ишига қўшиб қўйиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Ушбу қарор ёки ажримда ашёвий далилни ишда қолдириш ёки уни сақлаш учун топшириш масаласи ҳам ҳал қилиниши лозим.

1. Топилган ёхуд тақдим қилинган нарса ва хужжатларни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд далилий ашё сифатида ишга қўшиб қўйиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқаради.

2. Ашёвий ва ёзма далил бевосита иш билан бирга сақланиши ёхуд ҳажми ва аломатларини (масалан, ўк отар курул, наркотик ёки психотроп модда эканини) ҳисобга олиб, махсус сақлаш жойларига юборилиши мумкин.

3. Ашёвий ва ёзма далилнинг ишга алоқадорлиги, аҳамиятли экани ва ишдаги бошқа далилларга нақадар мослиги процессуал қарорларда, айблов хулосаси ва ҳукмда эътироф этилади.

208-модда. Ашёвий далилларни сақлаш ва бошқа жойга юбориш

Ашёвий далилларни сақлаш, шунингдек, уларни экспертиза ўтказиш учун юборишда ёки жиноят иши бошқа суриштирув, дастлабки тергов органига, прокурорга ёхуд судга ўтказилиши муносабати билан юбориш чоғида ашёвий далилларнинг йўқотилиши, шикастланиши, бузилиши, бир-бирига қўшилиб ёки аралашиб кетишининг олдини олиш чоралари кўрилиши лозим.

Ишни ўтказишда у билан бирга йўлланадиган ашёвий далиллар илова хатда ёки унга илова қилинадиган рўйхатда бирма-бир санаб ўтилади. Бундан ташқари, айблов хулосасига илова қилинган маълумотномада ишга доир барча ашёвий далиллар, ҳар бирининг қаерда эканлиги кўрсатилиб, бирма-бир санаб ўтилиши лозим.

Ашёвий далиллар почта ёки чопар орқали етказиб берилганда суриштирувчи, терговчи ёки судья ҳолислар иштирокида, зарур бўлганда эса, шунингдек, эксперт ёхуд мутахассислар иштирокида олинган далилларни кўздан кечиради ва уларни илова хати ёки рўйхати билан солиштиради. Кўздан кечириш жараёни ва натижаси ҳақида баённома тузилади.

Ашёвий далиллар, улар ҳақидаги масала суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими билан ёхуд суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ишни тугатиш тўғрисидаги қарори билан ҳал қилинмагунга қадар сақлаб турилади. Ушбу Кодекснинг 210-моддасида назарда тутилган ҳолларда

ашёвий далилларга оид қарор иш юритиш тамом бўлгунга қадар қабул қилиниши мумкин.

Ашёвий далил сифатида ишга қўшиб қўйилган нарсага эгаллик қилиш ҳуқуқи борасидаги низо фуқаровий суд ишлари-ни юритиш тартибида ҳал қилиниши лозим бўлганда, бу нарса фуқаровий иш бўйича суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар сақланиши лозим.

1. Ашёвий ва ёзма далилларни авайлаб сақлаш, улар нобуд бўлиши, шикастланиши, ўзгариши, алмашиб қолишининг олдини олиш жиноят ишини юритувчи ва далилларни сақловчи шахсларнинг масъулиятига киради.

2. Ашёвий далилни экспертга, бошқа суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга юборилганда уни ихтиёткорлик билан сақлашга оид махсус қоидалар, жумладан, тик ҳолда, куриқ жойда, муайян ҳароратда сақланиши ҳақида огоҳлантирувчи ёзувлар ашёвий далил ўрамининг устида яққол жойлаштирилиши лозим. Тез бузиладиган маҳсулотлар кимёвий ўзгаришининг олдини олинмаса, уларни текшириш, идентификациялаш имкониятлари йўқолишини ҳам эътиборга олиш даркор. Бевосита ёзма далилнинг устига ёзиш, турли белгилар қўйиш, ғижимлаш, йиртиш, қирқиш, елимлаш тақиқланади. Бу ҳақда криминалистик қоида ва тавсияларга риоя қилиш лозим.

3. Ашёвий далиллар эксперт текширувида тўла сарфланмаслиги, улардан намуна олиш услубидан фойдаланилиши лозим. Бу ҳақда экспертни огоҳ қилиш зарур.

4. Жиноят иши тугатилган ёхуд ҳукм кучга киргандан сўнг ашёвий ва ёзма далил сифатида ишга қўшилган нарсаларни эгаларига қайтариш масаласи ҳақида 211-моддага берилган шарҳларга қаралсин.

209-модда. Пул, қимматли қозғозлар, валюта бойликлари ва заргарлик буюмларини сақлаш учун топшириш

Ишга ашёвий далил сифатида қўшиб қўйилган пул, қимматли қозғозлар, валюта бойликлари, заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллардан, қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмлар, шунингдек, бундай буюмларнинг резгилари топилганда мутахассис иштирокида кўздан кечирилиши ва белгиланган тартибда сақлаш учун топширилиши лозим.

Фуқаровий даъвони таъминлаш мақсадида ёхуд гаров тариқасида олиб қўйилган ёки қабул қилинган пуллар уч суткадан кечиктирмай суриштирув, дастлабки тергов органи ёки суднинг депозит ҳисобига топширилиши шарт.

1. Тинтув, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш каби тергов ҳаракатлари ўтказишда топилган, шунингдек, турли шахслар тақдим этган нарсаларни далилий ашё сифатида ишга қўшиб қўйиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор – қарор, суд – ажрим чиқарганда мазкур нарсаларни сақлаш масаласини ҳам ҳал этиши лозим. Агар улар пул, қимматли қоғоз, валюта, заргарлик, санъат буюмлари, қимматбаҳо металл, қимматбаҳо тошлардан ясалган бўлса, тезликда банк, молия идораси, махсус хазинахона ёки ломбардга алоҳида сақлаш учун топширилиши шарт. Бу нарсаларни кўздан кечириш ва топшириш пайтида тегишли мутахассис иштирок этиши, улар ўралиб, имзоланиб, муҳрланиб қўйилиши лозим.

2. Юқорида санаб ўтилган қимматликлар жиноят ишини юритувчи шахснинг, иш судга юборилганида - суднинг ихтиёрида бўлади. Улардан бошқа бирор мақсадда фойдаланиш тақиқланади. Жиноят иши тугатилган ёки у бўйича чиқарилган ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, ушбу қимматликлар эгаларига қайтарилиши ёхуд жиноят содир этиш предмети, қуроли ёинки жиноий йўл билан тўпланган нарсалар сифатида суд томонидан мусодара қилиниши мумкин.

3. Фуқаровий даъвони таъминлаш мақсадида олиб қўйилган ёхуд гаров тариқасида қабул қилинган қимматликлар ҳам юқоридаги тартибда сақланади, пуллар эса дастлабки тергов ёхуд суднинг депозит ҳисобига уч кундан кечиктирмай топширилиши шарт. Улар ҳам жиноят иши реабилитация қилувчи асослар билан тугатилганда эгаларига қайтарилади ёки ҳукм асосида фуқаровий даъвони қаноатлантиришга сарф этилиши ёхуд давлат эгалигига ўтказилиши мумкин.

210-модда. Жиноят ишини юритиш тамом бўлгунга қадар ашёвий далиллар тўғрисида қабул қилинадиган қарорлар

Ашёвий далиллардан: тез бузиладиган нарсалар, кундалик рўзгорда зарур бўладиган нарсалар; уй ҳайвонлари, паррандалар ва боқиш лозим бўлган бошқа ҳайвонлар зарур тергов ҳаракатлари ўтказилгач, кечиктирмай эгаларига қайтариб берилиши лозим.

Тез бузиладиган нарсалар ёки уй ҳайвонлари, паррандалар ва бошқа ҳайвонларнинг қонуний эгаси ёхуд мулкдори номаълум бўлган ёки бошқа сабабларга кўра уларни қайтариб бериш мумкин бўлмаган ҳолларда улар қараб туриш ёки белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун тегишли корхона, муассаса, ташиқлотга топширилиши лозим.

1. Ашёвий далил тарзида ишга қўшиб қўйилган тез бузиладиган нарсалар, рўзгор ашёлари, паррандалар, уй ҳайвонлари ва бошқа боқиладиган жониворлар жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари ўтказишда фойдаланилгандан сўнг, дарҳол эгаларига қайтариб берилиши лозим. Уларни фойдаланиш чоғида тежамкорлик, шикастламаслик зарур. Акс ҳолда уларнинг эгаларига келтирилган зиён қопланиши шарт.

2. Юқорида санаб ўтилган нарсалар ва жониворларнинг эгалари номаълум бўлса ёхуд уларни қайтариб бериш мақсадга мувофиқ бўлмаса, нарса ва жониворлар хўжалик корхоналарига берилиши мумкин. Нарса ва жониворларни тергов жараёнида фойдаланиш, сақлаш, қайтариш, бошқа шахсларга бериш билан боғлиқ мулкый даъволар фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ҳал қилинади.

211-модда. Жиноят ишини юритиш тамом бўлганлиги муносабати билан ашёвий далиллар тўғрисида қабул қилинадиган қарорлар

Ҳукмда, шунингдек, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажримда ёки қарорда ашёвий далиллар масаласи қуйидаги қоидаларга риоя этилган ҳолда ҳал қилинади:

1) жиноят қуроллари, кимга қарашлигидан қатъи назар, мусодара қилиниши керак ва тегишли муассасага топширилади ёки йўқ қилиб юборилади;

2) муомаладан чиқарилган ашёлар тегишли муассасаларга берилиши лозим ёки йўқ қилиб юборилади;

3) ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган ашёлар йўқ қилиб юборилади, манфаатдор шахслар ёки муассасалар илтимос қилган ҳолларда эса уларга берилиши мумкин;

4) жинойят ёки бошқа ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир қилиниши натижасида қонуний эгаси ва мулкдоридан маҳрум бўлиб қолган пуллар ёки бошқа бойликлар қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқ ворисларига, шунингдек, меросхўрларига қайтариб берилиши лозим;

5) жинойий йўл билан орттирилган пуллар ва бошқа бойликлар суднинг ҳукмига биноан жинойят натижасида етказилган мулкий зарарни қоплашга ўтказилади, мулкий зарар кўрган шахс аниқланмаган тақдирда, давлат фойдасига ўтказилади;

б) ашёвий далил ҳисобланувчи ҳужжатлар уларни сақлаш зарурати тугагунга қадар ишда асраб турилади ёки манфаатдор шахсларга ёхуд муассасаларга берилади.

1. Ашёвий далилларга оид юз берган масалалар суриштирувчи, терговчи прокурор ёки суд томонидан ҳал қилинади. Жумладан, ҳукмда, жинойят ишини тугатиш тўғрисида қарор (ажрим)да уларга оид куйидаги масалалар ҳал этилади:

а) жинойятни содир этиш қуроллари мусодара қилинади, шунингдек, бирор муассаса, корхонада фойдаланиш учун берилиши ёхуд йўқ қилиб ташланиши мумкин;

б) қонуний эгасидан ғайриқонуний йўл билан олинган қимматликлар эгасига ёхуд унинг ворисларига берилади;

в) жинойий йўл билан орттирилган мулклар иш бўйича мулкий даъволарни қондириш учун сарфланади, ундан ортиб қолгани эса мусодара қилинади;

г) ашёвий далил ҳисобланган ҳужжатлар ҳам эгаларига ёки ундан фойдаланувчи шахсларга, муассасаларга берилади, лекин сохта ҳужжатлар бундан мустасно;

д) ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган ашёлар, ғайриқонуний тайёрланган, давлат стандартларига тўғри келмайдиган ўқотар қуроллар, гиёҳвандлик воситалари, психотропик моддалар, шунингдек, сақланиши ва фойдаланиши ижтимоий хавфли бўлган нарсалар махсус комиссия ҳузурида йўқ қилинади. Бу ҳақда тегишли ҳужжат-далолатнома тузилади.

2. Суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнида иш буйича далил сифатида фойдаланилган ашё нобуд бўлса ёки шикастланса, ашёнинг ёки етказилган зиённинг қиймати суд чиқимларига кўшилади. Бу ҳол ғайриқонуний хатти-ҳаракат оқибатида юз берган бўлса, зиён айбли шахсдан ундирилиши лозим. Иш буйича бунга айбли бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, эксперт, мутахассис ва бошқа ҳар қандай шахс келтирилган зиёни қоплашга ёки бартараф этишга мажбур. Бу борада низо идоравий йўл билан ёки фуқаролик ишларини судда кўриш тартибида хал қилинади.

Ашёвий далилдан фойдаланиш чоғида етказилган зиён унинг эгасига давлат ҳисобидан тўланади. Ўз навбатида давлат бу чиқимни айбли шахслардан ундириб олишга ҳақли.

Жиноят иши реабилитация қилувчи асосларга кўра тугатилган ёки оқлов ҳукми чиқарилган бўлса, ашёвий далилга етказилган зиён, у кимга қарашли бўлишидан қатъи назар, ундирилади ва ашёнинг эгасига ёхуд унинг ворисларига тўланади.

3. Ўз мулкани жиноят содир этишда қурол сифатида фойдаланилишини била туриб, жиноятчига бепул ёки пул эвазига берган шахс жиноят содир этилишига ёрдам берганлиги учун жинойий жавобгарликка тортилиши лозим.

212-модда. Ашёвий далилларни шикастлаганлик ёки йўқотганлик учун жавобгарлик

Экспертиза ўтказиш ёки бошқа қонуний ҳаракатлар натижасида шикастланган ёки йўқолган ашёнинг қиймати суд чиқимларига кўшилади.

Айблов ҳукми чиқарилганда, агар бу ашё маҳкумга ёки фуқаровий жавобгарга тегишли бўлса, унинг қиймати тўланмайди; агар ашё бошқа бирор шахсга тегишли бўлса, унинг қиймати бу шахсга суд томонидан тўланиши ва айни вақтда бу сумма маҳкум ёки фуқаровий жавобгар ҳисобидан давлат фойдасига ундирилиши лозим.

Оқлов ҳукми чиқарилганда ҳамда иш тугатилган ҳолларда экспертиза ўтказиш ёки бошқа қонуний ҳаракатлар натижасида шикастланган ёки йўқолган ашёнинг қиймати қонуний эгасига ёки мулкдорига, шунингдек, процессуал мавқеидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқ ворислари ва меросхўрларига тўланади.

Ашёвий далиллар шикастланган ёки йўқолган бошқа барча ҳолларда уларнинг қиймати зарар келтириш натижасида келиб чиқадиган мажбуриятларга доир фуқаровий қонун ҳужжатлари қоидаларига мувофиқ тўлаттирилиши лозим.

1. Суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнида иш бўйича далил сифатида фойдаланилган ашё нобуд бўлса ёхуд шикастланса, ашёнинг ёки етказилган зиённинг қиммати суд чиқимларига қўшилади. Бу ҳол ғайриқонуний хатти-ҳаракат оқибатида юз берган бўлса, зиён айбли шахсдан ундирилиши лозим. Иш бўйича бунга айбли бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, эксперт, мутахассис ва бошқа ҳар қандай шахс келтирилган зиёни қоплашга ёки бартараф этишга мажбур. Бу борада низо идоравий йўл билан ёхуд фуқаролик ишларини судда кўриш тартибида ҳал этилади.

2. Ашёвий далилдан фойдаланиш чоғида етказилган зиён ашёнинг эгасига давлат ҳисобидан тўланади. Ўз навбатида давлат бу чиқимни айбли шахслардан ундириб олишга ҳақли.

3. Жиноят иши реабилитация қилувчи асосларга кўра тугатилган ёки оқлов ҳукми чиққан бўлса, ашёвий далилга етказилган зиён, у кимга қарашли бўлишидан қатъи назар, ундирилади ва ашёнинг эгасига ёки унинг ворисларига тўланади.

26-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ ЧЕКЛАШ АСОСЛАРИ ВА ЧЕГАРАЛАРИ

213-модда. Процессуал мажбурлов чораларини қўллаш учун асослар

Жиноят процесси иштирокчиси тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган, ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаётган бўлса, шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчининг келгуси жиноий фаолиятининг олдини олиш ва ҳукм ижросини таъминлаш учун зарур бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда мажбурлов чораларини қўллашга ҳақлидир.

1. Жиноят ишини кўзғатиш, суриштирув, дастлабки тергов, жиноят ишини судда кўриш ҳамда ҳукмни ижро этиш босқичларида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум, гувоҳ, жабрланувчи ва бошқа иштирокчилар жалб этилиб, улар ЖПКнинг тегишли моддаларида мустаҳкамланган процессуал ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эга бўладилар. Жиноят судлов соҳасига жалб этилган баъзи тоифадаги шахслар ўзларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажармаган, уларга нисбатан ишонтириш кор қилмаган чоғда уларга нисбатан процессуал мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин. Бу чоралар шахснинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини муайян даражада чеклайди, бироқ уларни қўлламасдан жиноий-процессуал фаолиятни юритиб бўлмайди.

2. Жиноят процесси иштирокчисининг тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётганлиги ва унинг ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаётганлиги процессуал мажбурлов чораларини қўллашда асос вазифасини ўтайди. Бундан ташқари процессуал мажбурлов чораларини қўллашда гумон қилинувчи, айбланувчининг келгуси жиноий фаолиятининг олдини олиш ва ҳукмнинг ижросини таъминлаш мақсадлари ҳам кўзланади.

3. Фақат суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд процесуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколатига эга.

4. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган, ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаётган шахсларга нисбатан, шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчининг келгуси жиноий фаолиятининг олдини олиш ва ҳукм ижросини таъминлаш ва ЖПКнинг 2-моддасида мустаҳкамланган жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари олдидаги вазифаларни бажариш учун қуйидаги процесуал мажбурлов чоралари қўлланилади: ушлаб туриш; эҳтиёт чоралари (муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат; шахсий кафиллик; жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги; гаров; қамоққа олиш; вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш; ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви); лавозимдан четлаштириш; мажбурий келтириш; шахсни тиббий муассасага жойлаштириш; процесс иштирокчиларининг ҳавфсизлигини таъминлаш ва судда процесуал мажбуриятлар ҳамда тартибни бузганлик учун жавобгарлик.

5. Процесуал мажбурлов чораларини мажбурлов характери га кўра жисмоний (ушлаб туриш, қамоққа олиш, мажбурий келтириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш), мулкӣ (гаров, мол-мулкни хатлаш, пул ундириш ва жарима солиш), ахлоқӣ (жамоат бирлашмаси ва жамоанинг кафиллиги, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат, шахсий кафиллик, ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви, вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш, лавозимдан четлаштириш) турларга бўлиш мумкин. Қўлланиш субъектларига кўра эса: фақат гумон қилинувчи ва айбланувчиларга нисбатан қўлланиладиган (ушлаб туриш, эҳтиёт чораларининг барча турлари, лавозимдан четлаштириш, мол-мулкни хатлаш); гумон қилинувчи ва айбланувчиларга нисбатан қўлланиладиган, лекин бошқа шахсларнинг мулкӣ манфаатларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган (гаров, мол-мулкни хатлаш); фақат гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳларга нисбатан қўлланиладиган (мажбурий келтириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш); жиноят судлов ишларининг барча иштирокчилари ҳамда бошқа шахсларга нисбатан қўлланила-

диган (пул ундириш ва жарима солиш) жиноят-процессуал мажбурлов чораларини фарқлаш мумкин.

6. Процессуал мажбурлов чоралари шахснинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган кўпгина ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ: эркинлик ва шахсий дахлеизлик ҳуқуқларини чекловчи ушлаб туриш, қамоққа олиш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш чоралари (25-модда); республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиш ва Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиш ҳуқуқларини чекловчи муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат чораси (28-модда); хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳуқуқларини чекловчи гаров, мол-мулкни хатлаш чоралари (53-модда); меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ҳуқуқларини чекловчи лавозимдан четлаштириш чораси (37-модда) ва бошқалар.

214-модда. Процессуал мажбурлов чораларини қўллашнинг қонунийлиги ва асослиги

Процессуал мажбурлов чоралари фақат асослар мавжуд бўлганда ва қонунда белгиланган тартибда қўлланилиши мумкин.

Ушбу Кодексда бошқача асослар назарда тутилмаган бўлса, процессуал мажбурлов фақат қўзғатилган жиноят иши бўйича ва суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорида ёки суднинг ажримида кўрсатилган шахсларга нисбатан қўлланилади.

1. Процессуал мажбурлов чораларини қўллаш учун ушбу Кодекснинг 213-моддасида кўрсатилган асослар мавжудлиги талаб этилади. Бундан ташқари ЖПКда ҳар бир процессуал мажбурлов чорасини қўллашнинг процессуал тартиби мустаҳкамланган бўлиб, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд бу чораларни қўллаш чоғида мазкур тартибга қатъий риоя этишлари лозим, акс ҳолда у тегишли шахсга моддий ва маънавий зарар етказди. Бундай ҳолларда процессуал мажбурлов чорасини қўллаш оқибатида етказилган зиён ундирилиши лозим. Масалан, қонунсиз ушлаб туриш туфайли етказилган зиён ЖПКнинг 235-моддаси, қамоқда қонунга хилоф равишда сақлаб туриш туфайли етказилган зиён ЖПКнинг 248-моддаси,

цахснинг лавозимидан қонунга ҳилоф равишда четлаштирилгани оқибатида етказилган зиён эса ЖПКнинг 261-моддасида кўзда тутилган тартибда қопланади.

2. Процессуал мажбурлов чоралари, ЖПКда бошқача асослар кўрсатилмаган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан фақат жиноят иши кўзғатилгандан сўнг қўлланиши мумкин. Бу қоида шахсни асоссиз, ноқонуний тарзда процессуал мажбурлов чоралари қўлланишидан ҳимоя қилади, унинг дахлсизлигини кафолатлайди.

3. ЖПКнинг 220-моддаси иккинчи қисми, 329-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган ҳолларда шахсга нисбатан ушлаб туриш тарзидаги процессуал мажбурлов чораси жиноят иши кўзғатилгунга қадар қўлланилиши мумкин.

4. Процессуал мажбурлов чоралари тегишли шахсларга нисбатан қўлланилганлиги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорида ёки суднинг ажримида қайд этилиши лозим.

215-модда. Ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки тиббий муассасага жойлаштирилган шахслар билан муносабатда бўлиш

Ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилган шахслар, улар сақланадиган жойлардаги тартибга оид чеклашларни истисно этганда, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларга эгадирлар ва шу ҳужжатларда кўрсатилган мажбуриятларни бажарадилар.

Ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки тиббий муассасага жойлаштирилган шахсларга нисбатан зайриинсоний муносабатда бўлиш мумкин эмас.

Ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки тиббий муассасага жойлаштирилган шахсга узининг ҳимоячиси билан ҳоли учраиши, қонун ҳужжатларидан фойдаланиш имконияти берилиши, шикоят, илтимоснома ва бошқа процессуал ҳужжатларни ёзиши учун ихтиёрида қозғоз ва ёзув жиҳозлари бўлиши лозим.

1. Ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилган шахсларни

сақлаш тартиби ушбу муассасаларда иш юритишга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлардаги қоидалар асосида белгиланади. Ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки тиббий муассасага жойлаштирилган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчилар ЖПКнинг 46, 48, 229-моддалари, 265-моддаси тўртинчи қисмига биноан экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилган жабрланувчи ва гувоҳлар эса тегишлича ЖПКнинг 55, 66-моддаларидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

2. Ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки тиббий муассасага жойлаштирилган шахслар билан муносабатда бўлишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасидаги ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши, ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоидаларга ва ЖПКнинг 17-моддасидаги шахснинг шаъни ва қалр-қимматини ҳурмат қилиш принципига қатъий амал қилиниши шарт. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 5-моддаси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 7-моддаси талабларига, Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари ҳамда Қандай шаклда бўлмасин, ҳибсга ёки қамоққа олинган барча шахсларни ҳимоя қилиш принциплари туркумига риоя этилиши лозим.

3. Ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки тиббий муассасага жойлаштирилган шахс ўзининг ҳимоячиси билан сони ва давомийлиги чекланмаган ҳолда яккама-якка, ҳоли учрашиш ҳуқуқига эга.

Ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки тиббий муассасага жойлаштирилган шахсларни қонун ҳужжатларидан фойдаланиш, қоғоз ва ёзув жиҳозлари билан таъминланишига имконият яратиш уларнинг кўрсатув ва тушунтириш бериш, илтимоснома бериш ва рад этиш, далиллар тақдим қилиш, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

216-модда. Процессуал мажбурлов чораларини изро қилувчи жой маъмуриятининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар сақланадиган жой маъмурияти: ушланган ва қамоққа олинганларнинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга ёзган шикоят ва аризаларидан ташқари, хат-ёзишмаларини назорат қилиш; уларга келган посилка, бандероль ва йўқловларни кўздан кечириш; уларни шахсий тинтувдан ўтказиш, бармоқ изларини олиш, фотосуратга тушириш; ушланганлар ва қамоққа олинганлар қонун бўйича эгалик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши мумкин бўлмаган пуллар, бойликлар, шунингдек, нарсаларни олиб қўйиш ва сақлаш; бир жинойят иши бўйича гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг ўзаро мулоқотда бўлишларига йўл қўймаслик ҳуқуқига эга.

Ушлаб турилган ва қамоққа олинганлар сақланадиган жой маъмурияти: ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга адвокат билан монеликсиз ва ҳоли учрашиш ҳамда ундан маслаҳат олиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга ЎзР Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан учрашиш ҳамда суҳбатлашиш учун шароитлар яратиши; қамоққа олинганларга айблов хулосасининг нусхасини, шунингдек, суднинг ҳукми ва ажримининг нусхасини улар келиб тушган кунда топширишни таъминлаш; ушланганлар ва қамоққа олинганларнинг шикоят, ариза ва хатларини улар маъмуриятга берилганидан кейинги кундан кечиктирмасдан тегишли жойларга жўнатиши; қамоқда сақланаётган шахсни суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асосида бошқа ҳудуддаги тергов ҳибсхонасига кўчиришни таъминлаш; ушлаб турилганларни ушлаб туриш муддати тугагач, дарҳол озод қилиши; ушлаб туриш муддати тугашига ўн икки соат қолганда ва қамоқда сақлаш муддати тугашига етти кун қолганда, бу ҳақда тегишинча тергов органининг бошлигини ёки прокурорни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

1. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар сақланадиган жой маъмурияти ўз фаолиятини Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари ҳамда Қандай шаклда бўлмасин, ҳибсга ёки қамоққа олинган барча шахсларни ҳимоя

қилиш принциплари туркуми ва бошқа умумэтироф этилган ҳаққаро ҳуқуқ нормалари асосида ташкил этади.

2. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар сақланадиган жой маъмурияти қуйидаги ҳуқуқларга эга: а) ушланган ва қамоққа олинганларнинг хат-ёзишмаларини назорат қилиш; б) уларга келган посылка, бандероль ва йўқловларни кўздан кечириш; в) уларни шахсий тинтувдан ўтказиш, бармоқ изларини олиш, фотосуратга тушириш; г) ушланганлар ва қамоққа олинганлар қонун бўйича эғалик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши мумкин бўлмаган пуллар, бойликлар, шунингдек, нарсаларни олиб қўйиш ва сақлаш (Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидаларининг 43-моддаси); бир жиноят иши бўйича гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг ўзаро мулоқотда бўлишларига (яъни, бундай шахсларнинг жинойий тил бириктиришининг олдини олиш учун улар бошқа-бошқа биноларда, бундай шароит бўлмаса, бир-биридан узоқроқда жойлашган камераларда сақланиши лозим) йўл қўймаслик.

3. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар сақланадиган жой маъмурияти қуйидаги мажбуриятларга эга: а) ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга адвокат билан монеликсиз ва ҳоли учрашиш ҳамда ундан маслаҳат олиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш. Муассаса маъмурияти ҳимоячига ўз ҳимояси остидаги шахс билан учрашув беришни рад этган тақдирда, ҳимоячи бундай ҳаракат устидан прокурорга «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 30-32-моддаларида белгиланган тартибда шикоят бериши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги №17-сонли қарори); б) қамоққа олинганларга айблов хулосасининг нухасини, шунингдек, суднинг ҳукми ва эжримининг нухасини улар келиб тушган кунда топширишни таъминлаш. ЖПКнинг 351-моддасига биноан иш айблов хулосаси билан ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун судга юбориш тўғрисидаги қарор билан прокурорга топширилган куни ёхуд ишни тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган куни дастлабки тергов тамомланган ҳисобланади. ЖПКнинг 528-моддаси учинчи қисмига кўра ҳукм қонуний

кучга кирган ёки иш апелляция инстанцияси судидан қайтарилган кундан бошлаб уч кундан кечикмай, ҳукм чиқарган суд томонидан ижро эттирилади; в) ушланганлар ва қамоққа олинганларнинг шикоят, ариза ва хатларини улар маъмуриятга берилганидан кейинги кундан кечиктирмасдан тегишли жойларга жўнатиш; г) қамоқда сақланаётган шахсни суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асосида бошқа ҳудуддаги тергов ҳибсхонасига кўчиришни таъминлаш (Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидаларининг 45-моддаси); д) ушлаб турилганларни ушлаб туриш муддати тугагач, дарҳол озод қилиш (ЖПК 234-моддасининг тўртинчи қисми); е) ушлаб туриш муддати тугашига ўн икки соат қолганда ва қамоқда сақлаш муддати тугашига етти кун қолганда, бу ҳақда тегишинча тергов органининг бошлиғини ёки прокурорни ёзма равишда хабардор қилиш.

217-модда. Процессуал мажбурлов чораси қўлланилгани ҳақида хабар қилиш

Суриштирувчи, терговчи, прокурор гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан ушлаб туриш ёхуд экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тарзида процессуал мажбурлов чораси қўлаганида (қамоққа олинган тақдирда эса суд) бу ҳақда йигирма тўрт соатдан кечиктирмасдан унинг оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда эса, қариндошларига ёки яқин кишиларига хабар бериши, шунингдек, бу ҳақда иш ёки ўқиш жойига маълум қилиши шарт.

Ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки тиббий муассасага жойлаштирилган шахс бошқа давлатнинг фуқароси бўлса, юқорида кўрсатилган муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар берилиш шарт. Хабарноманинг нусхаси ишга илова қилинади.

1. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан суриштирувчи, терговчи, прокурор ушлаб туриш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тарзида процессуал мажбурлов чоралари қўлланилганда, бу ҳақда йигирма тўрт соатдан кечиктирмасдан унинг оила аъзоларидан бирига,

улар бўлмаган тақдирда - қариндошларига ёки яқин киши-лирига, шунингдек, бу ҳақда иш ёки ўқиш жойига хабар берилди. Юқорида тилга олинган иштирокчилар қамоққа олинган тақдирда хабар суд томонидан берилади.

2. Ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки тиббий муассасага жойлаштирилган шахс бошқа давлатнинг фуқароси бўлса, бу ҳақда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан йнширма тўрт соат ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабарнома юборилади. Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тегишли давлат элчихонасига уларнинг фуқаросига нисбатан процессуал мажбурлов чораси қўлланганлигини маълум қилади. Зарур ҳолларда ижтимаий фуқаро таржимон иштирокида хабарнома мазмуни билан танишиб чиқиши, бу ҳақда хабарномага имзо қўйиши мумкин.

3. Республика фуқаролари бўлган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчилар ҳам қўлланилган процессуал мажбурлов чораси тўғрисидаги хабарнома билан танишиб чиқишларига йўл қўйилади.

4. Хабарноманинг нусхаси ишга илова қилинади. Хабарнома почта орқали юборилган бўлса, почта паттаси ҳам ишга қўшиб қўйилади.

218-модда. Ушлаб турилган, қамоққа олинган ёки тиббий муассасага жойлаштирилган шахснинг қарамоғидагиларга ҳомийлик қилиш ва унинг мол-мулкани қўриқлаш чоралари

Ушлаб турилган, қамоққа олинган ёки экспертиза ўтказиши учун тиббий муассасага жойлаштирилган шахснинг қаровсиз ва ёрдамга муҳтож вояга етмаган фарзандлари, кексайган ота-оналари, бошқа боқимлари бўлганда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд уларни қариндошларининг ёки бошқа шахслар ёхуд муассасаларнинг ҳомийлигига топшириши, мажбурлов чораси қўлланилган шахснинг назоратсиз қолаётган мол-мулки ёхуд уй-жойи бўлса, уларни қўриқлаш чорасини қўриши шарт.

1. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ушлаб турилган, қамоққа олинган ёки экспертиза ўтказиш учун тиббий

муассасага жойлаштирилган шахснинг қаровсиз ва ёрдамга муҳтож вояга етмаган фарзандлари, кексайган ота-оналари, бошқа боқимлари бўлганда уларни қариндошларининг ёки бошқа шахслар ёхуд муассасаларнинг ҳомийлигига топшириши, мажбурлов чораси қўлланилган шахснинг назоратсиз қолаётган мол-мулки ёхуд уй-жойи бўлса, уларни қуриқлаш чораларини кўришлари шарт.

2. Ушлаб турилган, қамоққа олинган ёки экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилган шахснинг қаровсиз ва ёрдамга муҳтож вояга етмаган фарзандлари деганда унинг иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлмаган фарзандлари, кексайган ота-оналари деганда нафақа ёшидаги меҳнатга яроқсиз ота-оналари, боқимлари деганда эса ҳеч қаерда ишламайдиган, меҳнат қилиш имконини бермайдиган жисмоний, руҳий нуқсонларга эга бўлган қариндош ёки яқин кишилари тушунилади.

3. Ушлаб турилган, қамоққа олинган ёки экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилган шахснинг назоратсиз қолган мол-мулки ёки уй-жойини қуриқлаш учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши мумкин: 1) шахснинг мол-мулкини тўлиқ рўйхагга олиш ва ҳолислар иштирокида маълумотномада ақс эттириш, зарур ҳолларда бу ҳаракатларда видеоёзув ва фотосуратга олиш воситаларини қўллаш; 2) хатланган мулкни тилхат асосида жавобгар шахсга топшириш ва унинг зиммасига тегишли мажбуриятларни юклаш; 3) хатланган мулк ушлаб турилган, қамоққа олинган ёки экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилган шахснинг уй-жойида бўлган бўлса, шу жойда сақлаш учун қолдириш ва ушбу уй-жой устидан назоратни маҳалланинг вакилига топшириш ҳамда унинг зиммасига тегишли мажбуриятлар юклаш; 4) уй-жой хатланганлиги тўғрисида тегишли белги билан муҳрлаш; 5) ҳаракат натижаларини тегишли маълумотномада қайд этиш ва суриштирувчи, терговчи, прокурор ва ҳолислар иштирокида уни тасдиқлаш. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ушлаб турилган, қамоққа олинган ёки экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилган шахсни қўлланилган чоралар тўғрисидаги маълумотнома билан таништирадилар. Шахс маълумотнома билан танишиб, уни ўз имзоси билан тасдиқлаганидан кейин, суриштирувчи, терговчи, прокурор уни жиноят иши материалларига қўшиб қўяди, суд эса суд мажлиси баённомасида қайд этади.

4. Прокурорлар тергов ва суриштирув органлари томонидан ушлаб турилган, қамоққа олинган ёки экспертиза ўтказиш учун гиббий муассасага жойлаштирилган шахснинг қаровсиз ва ёрдамга муҳтож вояга етмаган фарзандлари, кексайган ота-оналари, қарамоғида бўлган бошқа шахсларни қариндошларининг ёки тегишли муассасаларнинг ҳомийлигига топшириши ҳамда процессуал мажбурлов чораси қўлланилган шахснинг назоратсиз қолаётган мол-мулки ёхуд уй-жойи бўлса, уларнинг кўриқланишини ташкил этиш чоралари кўрилишига алоҳида танлибдор қаратишлари лозим (Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг 2005 йил 17 февралдаги «Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан прокурор назоратини тубдан яхшилаш тўғрисида»ги 40-сонли буйруғи).

219-модда. Прокурорнинг процессуал мажбурлов чоралари қўлланилиши тўғрисидаги кўрсатмасининг мажбурийлиги

Прокурорнинг процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги кўрсатмаси суриштирувчи ва терговчи учун мажбурийдир. Бундай кўрсатмаларга эътирозлар ушбу Кодекснинг 36 ва 39-моддаларида назарда тутилган тартибда юқори турувчи прокурорга тақдим этилиши мумкин.

1. ЖПКнинг 382-моддаси, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасида суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишдаги прокурорнинг ваколатлари мустаҳкамланган. Прокурор эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш, суриштирув органларига шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, қамоққа олиш ва бошқа тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги қарорларни ижро этишни топшириш, шунингдек, прокурор ёки прокуратура терговчиси қўлидаги ишлар юзасидан жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар бериш ваколатларига эгадир. Прокурорнинг ЖПК ва «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган тартибга мувофиқ суриштирув ва дастлабки тергов органларига терговга қадар текши-

риш ўтказиш, ишларни қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган кўрсатмалари ана шу органлар учун мажбурийдир.

2. ЖПКнинг 36-моддасига биноан, терговчи прокурорнинг процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги кўрсатмаларига рози бўлмаса, ўз эътирозларини ёзма равишда баён қилган ҳолда ишни юқори турувчи прокурорга тақдим этишга ҳақлидир.

3. Прокурорнинг процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги ёзма кўрсатмаси суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи учун мажбурий ҳисобланади. ЖПКнинг 39-моддасига кўра, Суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи прокурорнинг кўрсатмасига рози бўлмаган тақдирда, кўрсатмани бажаришни тўхтатмай туриб, унинг устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилишга ҳақлидир.

220-модда. Ушлаб туриш мақсади

Ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир.

Ушлаб туриш жиноят иши қўзғатилгунга қадар ҳам, иш қўзғатилганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин. Иш қўзғатилганидан кейин ушлаб туришга фақат терговчи, суриштирувчи, прокурорнинг қарорига ёки суднинг ажримига мувофиқ йўл қўйилади.

1. Жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаб туриш жиноят судлов вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган, кўпинча кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда қўлланадиган, шахсни қисқа муддат жамиятдан ажратилган ҳолда сақлаб туришдан иборат бўлган превентив (олдини олиш) процессуал мажбурлов чораларидан биридир. Ушлаб туриш куйидаги мақсадларда қўлланади: а) жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахснинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш; б) дастлабки тергов ва суддан қочиб кетишининг олдини олиш; в) ушбу шахс томонидан жиноят иши учун аҳамиятли бўлган далилларни яшириш ёки йўқ қилиб юборишнинг олдини олиш; г) ушланган шахснинг содир этилган жиноятга алоқадорлигини аниқлаш.

2. Ушлаб туриш жиноят иши қўзғатилишидан аввал ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу ҳолда ушлаб туриш нафақат милиция ёки бошқа суриштирув органи ходими, балки муомалага лаёқатли ҳар қандай шахс томонидан амалга оширилади (ЖПКнинг 222-моддаси). Ушбу ҳаракатни амалга ошириш давомида ёки ундан кейин дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар бериш ёхуд ушлаб туришдан олдин шу жойда бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимига мурожаат қилиб, унинг ёрдамидан фойдаланиш лозим.

3. Жиноят иши қўзғатилгандан кейин ушлаб туришга фақат терговчи, суриштирувчи, прокурорнинг қарорига ёки суднинг ажримига мувофиқ йўл қўйилади.

221-модда. Ушлаб туриш асослари

Жиноятни содир этишда гумон қилинган шахс қуйидаги асослар мавжуд бўлганда ушлаб турилиши мумкин:

1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;

2) жиноят шоҳидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;

3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

1. ЖПКнинг 221-моддасида мустаҳкамланган ушлаб туриш асосларининг рўйхати қатъий бўлиб, уни кенгайтирилган тарзда талқин этишга йўл қўйилмайди.

2. Шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга туриши деганда, шахс жиноят содир этишга тайёрланаётган ёки уни содир этаётган ҳолатлар назарда тутилади. Шахсни бевосита жиноят содир этганидан кейин қўлга олиш ҳолатлари гумон қилинувчи изма-из таъкиб этилган ҳолларга тааллуқлидир.

3. Жиноят шоҳидлари, шу жумладан жабрланувчилар бевосита ҳодиса содир бўлган жойда, шунингдек, тергов ҳаракатлари (масалан, таниб олиш учун кўрсатиш) вақтида шахсни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатишлари уни гумон қилинувчи тариқасида ушлаб туришга асос бўлади.

4. Тинтув, шахсий тинтув, олиб қўйиш ва бошқа процессуал ҳаракатлар даврида шахснинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилиши ҳам ушлаб туриш учун асослардан бири ҳисобланади.

5. Шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда, унинг суриштирув ва дастлабки тергов органларидан қочишга уриниши ёки доимий яшайдиган жойининг йўқлиги ёхуд шахсининг аниқланмаганлиги ушбу шахсни гумон қилинувчи тариқасида ушлаб туришга асос бўлади.

222-модда. Жиноят иши қўзғатилгунга қадар гумон қилинувчини ушлаб туриш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

Милиция ёки бошқа суриштирув органининг ходими, шунингдек, муомалага лаёқатли ҳар қандай шахс ушбу Кодекснинг 221-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаш ва яқин орадаги милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келишга ҳақлидир.

1. Милиция ёки бошқа суриштирув органининг ходими, шунингдек, муомалага лаёқатли ҳар қандай шахс ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда, жиноят иши қўзғатилгунга қадар жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаш ҳуқуқига эгадир.

2. Ушлаш вақтида жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс томонидан кўрсатиладиган қаршилик ва жамият учун хавф туғдирадиган бошқа ҳаракатлар бартараф этилиши лозим. ЖКнинг 39-моддасига биноан ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахсни ҳокимият органлариға топшириш мақсадида ушлаш вақтида унга зарар етказиш, агар уни ушлаш учун зарур бўлган чораларнинг чегарасидан чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди.

3. Ушлаб туришни амалга ошираётган шахс: қуролланган жиноятчини одамлар гавжум бўлган жойда қурол ишлатмасликка даъват этиш; ушланаётган шахснинг ушлаш вақтида барча ҳаракатларини синчиклаб кузатиш; зарур ҳолларда ушлаш учун кўмакчи кучларни чақириш; тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи билан алоқа боғлаш; ушлаш жараёни тўғрисида хабар бериш; ушлаш вақтида жиноятчини имкон бориचा қуролсизлантириш; ушланаётган шахсдан яқин орадаги милиция ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза органига боришни талаб қилиш; ушланган шахс милиция ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига келтирилганда, воқеа тафсилотларини ўзининг ёзма аризаси ёки сўроқ баённомасида батафсил баён этиш; ушлаб туриш баённомасини тузишда иштирок этиш каби мажбуриятларга эга бўлади.

223-модда. Ушлаш чоғида иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслар

Депутатлар, деган сўздан ЎзР Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, судьялар ва прокурорлар ушлаб турилиши ҳамда милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин эмас. Мазкур тақиқ ушбу Кодекс 221-моддасининг 1-бандида назарда тутилган ушлаб туриш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

1. Депутатлар, судьялар ва прокурорларни жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатган, уларнинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилган, бу тоифадаги шахсларни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, улар қочмоқчи бўлган ҳолларда улар ушлаб турилиши ҳамда милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин эмас.

2. Депутатлар, судьялар ва прокурорлар жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушмаган бўлсалар, аммо уларни жиноят иши бўйича ушлаб туришга зарурат бўлса, бу ҳақда мазкур шахсларнинг иш жойларидаги раҳбарларига (ҳоким, суд раиси, юқори турувчи прокурор) хабар берилади ва уларнинг кўрсатмасига асосан маъмурий жиҳатдан хизмат текшируви ўтказилади. Текширувлар натижасида ҳақиқатан ҳам ушбу шахсларни ушлаб туриш учун асослар мавжудлиги аниқланса, улар қонуний тартибда мансаб ва лавозимларидан четлаштирилиб, иш материаллари тергов органларига юборилади. Айнан шу вақтдан бошлаб мазкур шахсларга нисбатан ушлаб туриш чораси қўлланиши мумкин.

3. Депутатлар, судьялар ва прокурорлар жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушсалар, улар ушлаб турилиши ҳамда милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин. Ушбу факт юзасидан ушланган шахснинг раҳбари хабардор қилинади. Бу факт тўғрисида хабардор бўлган раҳбар тегишли ҳужжатлар билан танишиб чиқиш ҳуқуқига эга бўлиб, у қонуний тартибда депутат, судья ёки прокурорни лавозимидан четлаштириш масаласини ҳал этади.

224-модда. Жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб туриш тартиби

Ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб туришининг ушбу Кодекснинг 221-моддасида кўрсатилган асосларидан биттаси мавжудлигини бевосита кўриб ёки бошқа шохидларнинг сўзларидан аниқласа, гумон қилинувчига у жиноят содир этишида гумон қилиниб ушланганлигини билдиришлари ва ундан яқин орадаги милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилиши шарт, шу билан бирга ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнғироқ қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишига бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши, шунингдек у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши шарт. Бунда ушлаётган шахс ўзини таништириши ва ушланаётган шахснинг талабига кўра шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши шарт.

Ушланаётган шахсда қурол борлиги ёки у жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллардан қутулиш ниятида эканлигини тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлса, ушлаётган ваколатли шахс уни шахсий тинтув қилишга ва олиб қўйиш ўтказишга ҳақлидир. Шахсий тинтув ёки олиб қўйиш ўтказиш тўғрисидаги баённома ушланган шахс милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ҳолислар ҳузурида тузилиши мумкин.

Ваколатли шахслар ва фуқаролар қонунга хилоф ёки асоссиз ушлаб турганлик ёхуд ушлаш вақтида ваколатлари доирасидан четга чиққанлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

1. Ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс бевосита кўриб ёки бошқа шохидларнинг тушинтирувлари бўйича ушбу Кодекснинг 221-моддасида кўрсатилган ушлаб туриш асосларидан бири мавжудлигини аниқласалар, даставвал

ушланаётган шахс ўзгаларга ҳамда ўзига нисбатан хавфли ҳаракатлар содир этмаслиги учун уни қуролсизлантириш ва ҳаракатланишини чеклаш чораларини кўришлари лозим.

2. Қуролсизлантирилган ва ҳаракатланиши чекланган шахсга ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ўзларини таништиришлари, ушланганнинг талабига кўра шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатишлари, унга қандай жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушланганлигини билдириб, яқин орадаги милиция ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига бирга боришни талаб қилишлари лозим. Шу билан бирга ушлаб туришни амалга оширган ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахсга қўйидаги процессуал ҳуқуқларини тушунтириб бериши шарт: а) адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнғирок қилиш ёки хабар бериш; б) ҳимоячига эга бўлиш; в) кўрсатувлар беришни рад этиш. Шунингдек у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириш лозим.

3. Ушланаётган шахсда қурол борлиги ёки у жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллардан кутилиш ниятида эканлигини тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлса, ушлаётган ваколатли шахс уни шахсий тинтув қилишга, унинг ёнидан топилган нарсаларни олиб қўйишга ва бу ҳақда ушланган шахс милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ҳолислар ҳузурида баённома тузишга ҳақлидир.

4. Шахс жиноят содир этилган жойда далилий ашёлар билан қўлга тушган ҳолларда, уни ушлаб туриш тўғрисида дарҳол баённома тузилиши ҳамда ушбу баённомада ушланган шахсдан далилий ашёлар қандай ҳолатда олинганлиги акс эттирилиши лозим. Бундай имконият бўлмаган ҳолларда шахс зудлик билан милиция ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига олиб борилиб, ўша срада тегишли баённома тузилади.

5. Милиция ходими, бошқа ваколатли шахс ёки фуқаро шахсни қонунга хилоф ёки ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган асосларсиз ушлаб турганлиги ёхуд ушлаб туриш вақтида улар ушлаш воситалари ва усулларига, қилмишнинг ҳамда уни содир этган шахснинг хавфлилик даражасига, шунингдек, ушлаш шароитига бутунлай мос келмайдиган, ушлаш зарурати

гакзо этмаган ҳолда ушланаётган шахсга қасддан зарар етказган ҳолларда қонунда белгиланган жиноий жавобгарликка тортиладилар.

225-модда. Ушлаб туриш баённомасини тузиш ва ушлаб туришнинг асослилигини текшириш

Ушлаб турилган шахс милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг навбатчиси ёки бошқа ходими бошлиқнинг кўрсатмасига биноан дарҳол ушлаб туриш баённомасини тузиши ва унда қуйидагиларни ақс эттириши лозим: кимнинг, ким томонидан, қачон, қандай ҳолатда, қонунда кўрсатилган қандай асосларга кўра ушлангани; ушланган шахс қандай жиноятни содир этганликда гумон қилинаётгани; милиция бўлимига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга у қачон олиб келингани. Баённомани ушлаб туришнинг асослилигини текшириш топширилган милиция ходими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими, ушлаб келтирган ваколатли шахс ёки фуқаро, ушланган шахс ва холислар имзо чекиб тасдиқлайдилар.

Ушлаб туришнинг асосли эканлигини текшириш, ҳужжатларни талаб қилиш ва кўздан кечириш ушланган шахс милиция муассасаси ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб йигирма тўрт соатдан кечиктирилмай утказилиши лозим.

Ушлаб туришга асос бўлмаган тақдирда милиция бўлимининг бошлиғи ёки бошқа ваколатли шахс ушланганни озод қилиш тўғрисида қарор чиқаради. Қарорнинг нусхаси дарҳол прокурорга юборилади.

Ушлаб туриш, жиноят иши кўзгатиш, ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорлар дарҳол гумон қилинувчига эълон қилинади, айни вақтда унга ушбу Кодексининг 48-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлари тушунтирилади ва танланган ёки тайинланган ҳимоячига танишиб чиқиш учун тақдим этилади. (Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 19 ноябрь қонуни таҳририда) Қарор билан таништирилгани ва ҳуқуқлари тушунтирилгани қарорда қайд этилиб, ваколатли

шахс ва ушланган шахс томонидан имзоланиб, тасдиқланади. Бунда ушланган шахс ушлаб келтирилган пайтдан бошлаб йигирма тўрт соатдан кечиктирилмай сўроқ қилиниши лозим.

1. Ушлаб туриш баённомаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан бевосита шахс ушланган жойда ёки у милиция ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига келтирилганидан кейин мазкур орган бошлиғининг кўрсатмасига биноан навбатчи ёки бошқа ходим томонидан тузилади.

2. Ушлаб туриш баённомасини тузишда ЖПКнинг 225-моддасида назарда тутилган талабларга қатъий риоя этилиши лозим. Баённомада қуйидаги ҳолатлар қайд этилади: баённома қачон (баённома тузилган соат, дақиқа, кун, ой, йил), қаерда (шаҳар, туман), ким томонидан (баённома тузган шахснинг иш жойи, лавозими, унвони, фамилияси, исми, отасининг исми) тузилганлиги; кимнинг (ушланган шахснинг туғилган йили, туғилган жойи, миллати, фуқаролиги, муқаддам судланган ёки судланмаганлиги, оилавий аҳволи, маълумоти, иш жойи, яшаш манзили, фамилияси, исми, отасининг исми), ким томонидан (ушлаб туришни амалга оширган шахс тўғрисидаги маълумотлар), кимлар иштирокида (ушлаб туриш иштирокчиларининг исми, фамилияси, отасининг исми, турар жойи), қаерда (шахс ушланган жойнинг тўлиқ манзили), қачон (шахс ушланган аниқ соат, дақиқа, кун, ой, йил), қандай асосларга кўра (ЖПКнинг 221-моддасидаги асослардан бир ёки бир нечтаси кўрсатилади) ушланганлиги; ушланган шахснинг тушунтиришлари; ушланган шахс қандай ҳолатда бўлганлиги (маст, хушёр, касал, соғлом ва ҳ.к.); қачон қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига олиб борилганлиги; ушланган шахс кийимларининг тавсифи; ушланган шахсдаги урилган, яраланган, тилинган ва бошқа изларнинг таърифи; ЖПКнинг 48-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу жумладан ҳимоячи олиш ҳуқуқи тушунтирилганлиги; танланган ёки тайинланган ҳимоячига танишиб чиқиш учун тақдим этилганлиги; ЖКнинг қайси моддасига асосан жиноят содир этишда гумон қилинаётганлиги. Баённомада ушбу ҳолатлар қайд этилганидан сўнг, ушлаб туришни амалга оширган ва ушланган шахс, шунингдек, холислар баённомага имзо чекадилар.

3. Ушлаб туришнинг асосли эканлигини текшириш, ҳужжатларни талаб қилиш ва қўздан кечириш ушланган шахс милиция муассасаси ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб йигирма тўрт соатдан кечиктирилмай ўтказилиши зарур. Агар бу муддат ичида шахс асоссиз ушлаб турилганлиги аниқланса, милиция бўлинмасининг бошлиғи ёки бошқа ваколатли шахс ушланганни озод қилиш тўғрисида қарор чиқаради. Озод этилаётган шахс ушбу қарор билан танишиб, унга имзо чекади. Қарорнинг нусхаси дарҳол прокурорга юборилади.

4. Милиция бўлинмасининг бошлиғи ёки бошқа ваколатли шахс асоссиз ушлаб турилган шахсдан расмий тарзда узр сўраб, унинг ушланганлиги ҳамда озод этилиши сабабларини тушунтириб бериши лозим.

5. Ушлаб туриш чораси жиноят иши бўйича амалга оширилган бўлса, ушланган шахсга дарҳол ушлаб туриш, жиноят ишини қўзғатиш, ишда гумон қилинувчи тарикасида иштирок этишга жалб этиш тўғрисидаги қарорлар эълон қилинади. Ушбу қарорлар танланган ёки тайинланган ҳимоячига ҳам танишиб чиқиш учун тақдим этилади. Айтилган вақтда унга ЖПКнинг 48-моддасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Ушланган шахс юқоридаги қарорлар билан танишганлиги ва унга гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлигини тегишли қарорларга имзо чекиш орқали тасдиқлайди.

6. Ушланган шахс милиция муассасаси ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб йигирма тўрт соатдан кечиктирилмай сўроқ қилиниши лозим. Сўроқ вақтида ушланган шахснинг ҳимоячиси ҳам иштирок этиши мумкин.

7. Фуқароларнинг жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушланишининг асослари ва қонунийлиги прокурор томонидан ҳар ўн кунда камида бир маротаба текширилади ва шахснинг қонунга зид равишда ёки заруриятсиз ушланганлиги аниқланган тақдирда, уни зудлик билан озод қилиш чоралари кўрилади (Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг 2005 йил 17 февралдаги «Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан прокурор назоратини тубдан яхшилаш тўғрисида»ги №40-сонли буйруғи).

Ушлаб туриш муддати ушланган милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб кўни билан етмиш икки соатни ташиқил этади. Терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли асослар тақдим этилганда ушлаб туриш суднинг қарори билан кўшимча равишда қирқ саккиз соатга узайтирилиши мумкин.

Ушлаб туриш муддати тугагунга қадар ва асослар мавжуд бўлганда шахс айбланувчи тариқасида иштирок этишига жалб қилиниши, унга айб эълон қилиниши, ушбу Кодекснинг 109-112-моддаларидаги қоидалар бўйича сўроқ қилиниши ва ушбу Кодекснинг 236-240-моддалари қоидаларига амал қилган ҳолда эҳтиёт чорасини танлаш ҳақидаги масала ҳал қилиниши зарур.

Алоҳида ҳолларда ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда гумон қилинувчига у ушланган кундан бошлаб ўн кун ичида айб эълон қилиниши лозим. Акс ҳолда, эҳтиёт чораси бекор қилиниб, шахс қамоқдан озод қилинади. Жиноят иши қўзғатилгандан кейин ва ушлаб туришнинг бутун муддати мобайнида ишни юритиш тааллуқли бўлган суриштирувчи ва терговчи жиноятни содир этиш ҳолатларини аниқлаш, ушлаб туришнинг асосли эканини текшириш учун ўз ваколатлари доирасида тергов ҳаракатлари ўтказишлари мумкин.

1. Ушлаб туриш муддати ушланганни милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган вақтдан бошлаб етмиш икки соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Терговчи ёки прокурор томонидан гумон қилинувчининг мазкур ишга дахлдорлиги хусусида зарур ва етарли асослар тақдим этилса, кўшимча далиллар тўплаш мақсадида суд томонидан ушбу муддат яна 48 соатга узайтирилиши мумкин.

2. Алоҳида ҳолларда гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан ЖПКнинг 243-моддасида белгиланган тартибда қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда гумон қилинувчига у ушланган кундан бошлаб ўн кун

ичида айб эълон қилиниши лозим. Акс ҳолда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, шахс қамоқдан озод қилинади.

3. Жиноят иши қўзғатилганидан кейин ва ушлаб туришнинг бугун муддати мобайнида суриштирувчи, терговчи ушлаб туришнинг қонунийлиги, асослилигини ҳамда жиноятнинг айнан мазкур гумон қилинувчи томонидан содир этилганлигини тасдиқловчи маълумотларни тўплаш юзасидан тергов ҳаракатлари ўтказишлари мумкин. Етмиш икки соат ичида шахснинг асоссиз, ноқонуний ушлаб турилганлиги аён бўлса, ушлаб туриш тарзидаги процессуал мажбурулов чораси бекор қилиниб, шахс дарҳол ҳибсдан озод этилади. Шахсга ноқонуний ушлаб туриш туфайли етказилган зиён ЖПКнинг 235-моддасида назарда тутилган тартибда қопланади.

227-модда. Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига биноан ушлаб туриш

Ушлаб туриш, гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асосида милиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими ушланган шахсни ишбу Кодекснинг 224-моддаси қоидаларига риоя этган ҳолда энг яқин милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга дарҳол олиб бориши шарт. Шахс ушлангани тўғрисида қарор ёки ажрим чиқарган ваколатли шахс ёки суд дарҳол хабардор қилиниши лозим.

Гумон қилинувчи ҳақиқий ушланган пайтдан бошлаб ўтган вақт айбланувчини қамоқда сақлаш ҳамда Жиноят кодексининг 62-моддасида белгиланганига мутаносиб равишда суд томонидан тайинланган жазо муддатига киритилади.

1. Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ушлаб туриш ҳақидаги қарори ёки суднинг ажрими асосида милиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаб туриш ҳуқуқига эга бўлади ҳамда ушбу ҳаракат ЖПКнинг 224-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Ушлаб туришни амалга

оширган милиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими шахс ушлангани тўғрисида қарор ёки ажрим чиқарган ваколатли шахс ёки судни дарҳол хабардор қилиши лозим.

2. Ушлаб туриш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини ўташ муддати ЖКнинг 62-моддасида белгиланганига мутаносиб равишда суд томонидан тайинланган жазо муддатига киритилади, яъни суд дастлабки қамоқнинг ҳар бир кунини қамоқ, интизомий жазога жўнатиш ва озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига, ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклашнинг уч кунига тенглаштириб ҳисоблайди. Бу муддат ушлаб туриш баённомасида қайд этилган гумон қилинувчи ҳақиқий ушланган вақтга қараб белгиланади.

228-модда. Ушлаб турилганларни сақлаш жойлари

Ушланган шахс милиция муассасаси ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг у озодликдан маҳрум этиш жойи ҳисобланмаган хизмат биноларида сақланади ёки вақтинча сақлаш ҳибсхонаси камерасига, ушлаб турилган ҳарбий хизматчи эса авахтага жойлаштирилади.

Ушлаб турилганларни айрим жойларда истисно тарзида махсус мослаштирилган биноларда, кемаларда эса, махсус ажратилган каюталарда сақлашга йўл қўйилади.

Жазони ижро этиш колонияларида ушлаб турилганларни сақлаш учун махсус камералар жиҳозланади.

Ушлаб турилганларни қарцер ва эсарима ўташ ҳибсхоналарида сақлаш мумкин эмас.

Ушлаб турилганлар эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланаётганлардан ёки ҳукм бўйича жазони ўтаётганлардан алоҳида сақланиши лозим. Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахслар ушлаб турилганларга мўлжалланган камераларда қўйидаги яккалаш талабларига риоя қилган ҳолда жойлаштирилади:

эркаklar аёллардан алоҳида сақланади;

вояга етмаганлар - катталардан алоҳида сақланади; айрим ҳолларда вояга етмаганлар сақланаётган камераларда прокурорнинг рухсати билан катталарни сақлаб туришга йўл қўйилади;

ўта хавфли рецидивистлар - бошқа шахслардан алоҳида сақланади.

Айни битта жиноятни содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахслар суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ёзма кўрсатмасига биноан айрим-айрим сақланадилар. Ушлаб турилганлар суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ёзма кўрсатмасига биноан бошқа сабабларга кўра ҳам айрим-айрим сақланишлари мумкин.

1. Ушланган шахслар озодликдан маҳрум этиш жойи ҳисобланмаган хизмат биноларида ёки вақтинча сақлаш ҳибсхонаси камераларида сақланадилар. Ушлаб турилган ҳарбий хизматчилар эса авахтага жойлаштирилади. Ушлаб турилганларни сақлаш жойлари санитария ва бошқа қулайликларга эга бўлиши шарт. Ушлаб турилганларни сақлаш жойига унинг ҳимоячиси киритилади.

2. Ушлаб турилганларни истисно тарзида айрим жойларда махсус мослаштирилган биноларда, кемаларда эса, махсус ажратилган каюталарда сақлашга йўл қўйилади.

Жазони ижро этиш колонияларида ушлаб турилганларни сақлаш учун озодликдан маҳрум этилганлардан алоҳида, махсус камералар жихозланади. Ушлаб турилганларни карцер ва жарима ўташ ҳибсхоналарида сақлашга йўл қўйилмайди.

3. Ушлаб турилганларни жойлаштиришда ЖПКнинг 228-моддаси тўртинчи қисми ҳамда Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидаларидаги тоифаларга ажратиш тўғрисидаги 8-моддаси талабларига риоя қилинади:

1) ушлаб турилганлар эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олинганлар ёки ҳукм бўйича жазони ўтаётганлардан алоҳида сақланади; 2) эркаклар аёллардан алоҳида сақланади, башарти эркаклар ва аёллар айна бир муассасада сақланаётган бўлсалар, аёлларни мутлақо алоҳида биноларга жойлаштириш лозим; 3) вояга етмаганлар катталардан алоҳида сақланади (айрим ҳолларда прокурорнинг рухсати билан вояга етмаганлар сақланаётган камераларда катталарни сақлаб туришга йўл қўйилади); 4) ўта хавфли рецидивистлар бошқа шахслардан алоҳида сақланади; 5) айни битта жиноятни содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахслар бир-бирлари билан мулоқот қилишининг олдини олиш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ёзма кўрсатмасига биноан алоҳида-алоҳида сақланади.

4. «Прокуратура туғрисида»ги Қонуннинг 30-моддасига биноан, прокурор ушлаб турилганларни сақлаш жойларида шахслар сақланишининг қонунийлиги, шароитлари, уларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради.

229-модда. Ушлаб турилганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахс ушбу Кодекснинг 48-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Бундан ташқари, у қонун билан белгиланган руйхатда кўрсатилган ўз кийимидан, пойабзалидан ва бошқа зарур буюмларидан фойдаланишга ҳақлидир.

Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахслар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган санитария-гигиена қоидаларига мос келадиган шароитда сақланадилар.

Ушлаб турилганларга тиббий хизмат кўрсатиш, ушлаб турилганлар сақланадиган жойлардаги даволаш-профилактика ишлари қонунга мувофиқ ташкил қилинади ва ўтказилади.

Ушлаб турилганларга белгиланган нормада бепул овқат, ётоқ жойи ва бошқа турдаги зарур моддий-маиший таъминот берилади.

1. Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахс ЖПКнинг 48-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга (ушбу модданинг шарҳига қаранг). Шунингдек, у ўз кийимидан, пойабзалидан ва бошқа зарур буюмларидан фойдаланишга ҳақлидир.

Ушлаб турилганларга газета, журнал, махсус нашрлар билан танишиш, радио эшитиш ёки телевизор кўришга йўл қўйиш ёки бошқа воситалар орқали энг муҳим янгиликлар етказиб турилиши керак.

2. Ушлаб турилган шахслар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган, соғлигига зарар етказилмайдиган, санитария-

гигиена қоидаларига мос келадиган шароитларда сақланадилар. Улар покизалик ва соғлиқни сақлаш учун зарур бўлган сув ва бошқа гигиена буюмлари билан таъминланиши лозим.

3. Ушлаб турилганларга тиббий хизмат кўрсатиш, ушлаб турилганлар сақланадиган жойлардаги даволаш-профилактика ишлари қонунга мувофиқ ташкил қилинади ва ўтказилади. Ушлаб турилганларни сақлаш муассасалари беморларни тиббий жиҳатдан назорат қилиш ва даволаш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, қурилмалар ва дори-дармонларга, шунингдек, етарли даражада малакали тиббиёт ходимларига эга бўлиши керак.

Муассасага қабул қилиш вақтида ёки ундан кейин ҳар бир ушланган шахс тиббий кўрикдан ўтказилиши лозим. Бундан шахснинг жисмоний ёки ақлий жиҳатдан соғломлигини аниқлаш, зарур чоралар кўриш, қандайдир юқумли ёки инфекцияли касалликка дучор бўлган ушланганларни бошқалардан ажратиб қўйиш каби мақсадлар кўзланади.

4. Ушлаб турилганларга белгиланган нормада бепул овқат берилади. Ҳар бир ушланган шахс ўзининг соғлиғи ва куч-қувватини сақлаш учун сифатли, яхши тайёрланган ва тўйимли овқат ҳамда ичимлик суви билан таъминланиши лозим. Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидаларининг 17-моддасига биноан, ҳар бир маҳбус миллий ва маҳаллий меъёрларга мос келадиган кўрпа-тўшақли алоҳида ўрин-жой билан таъминланиши керак. Бундан ташқари ушлаб турилганларга бошқа зарур моддий-маиший таъминот берилади. Ортиқча таърифга эга бўлган қулайликлар эса ушлаб турилган шахс ҳисобидан таъминланиши мумкин.

230-модда. Ушлаб турилганларга учрашиш учун рухсат бериш

Ушлаб турилган шахсга ҳимоячи билан учрашувга ушбу Кодекс 46-моддасининг биринчи қисмида ва 48-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қоидаларга кўра рухсат берилади.

Ушлаб турилган шахсга ҳимоячи билан биринчи холи учрашувга биринчи сўроққача рухсат берилади. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланаётган ушлаб

турилган шахснинг ҳимоячи билан учрашувига ушбу Кодекс 226-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган эҳтиёт чораси қўлланилиши лозим бўлган, муддатлар инobatга олинган ҳолда рухсат берилади ҳамда учрашув суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан икки соатга қадар чекланиши мумкин.

Ушлаб турилган шахсга қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувга ушлаб турилган шахслар сақланадиган жойнинг маъмурияти ушлаб туриш тўғрисидаги материаллар қайси терговчи ёки суриштирувчининг иш юритувида бўлса, фақат ўша терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсати асосида ижозат беради, ҳимоячи билан учрашув бундан мустасно.

1. Ушлаб турилган шахснинг ҳимоячиси билан сўроқ тугаганидан сўнг сони ва давомийлиги чекланмаган ҳолда холи учрашиш ҳуқуқига эга.

Ҳимоячининг гумон қилинувчи, айбланувчи билан учрашишига асос - уни ишда иштирок этишига рухсат берганлик ҳақидаги қарор (ажрим) ҳисобланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи қамокда сақланаётган муассаса маъмурияти ҳимоячидан у ўз ҳимояси остидаги шахс билан учрашиши учун суриштирув, тергов органи ёки суд томонидан яна бошқа махсус руҳеатнома берилишини талаб қилишга ҳақли эмас. Ҳимоячига ўз ҳимояси остидаги шахс билан учрашишга, ўзининг ёки ҳимояси остидаги шахснинг талабига кўра, жиноят процессининг ҳар қандай пайтида дарҳол, гумон қилинувчи билан эса, ЖПК 48-моддасига мувофиқ рухсат берилиши шарт (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги №17-сонли қарори).

2. Ушлаб турилган шахсга ҳимоячи билан биринчи холи учрашувга биринчи сўроққача ҳам, сўроқ тугаганидан сўнг ҳам рухсат берилади. ЖПК 226-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган эҳтиёт чораси қўлланилиши лозим бўлган шахслар билан учрашув суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан икки соатга қадар чекланиши мумкин.

3. Суриштирувчи ёки терговчининг ёзма рухсати асосида ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг маъмурияти томонидан ушлаб турилган шахсга қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашишга ёки телефон орқали сўзлашишга ижозат этилади.

4. Қамокдаги ажнабий фуқароларга ўз давлатининг дипломатик ва консуллик вакиллари билан алоқада бўлишлари учун оқилона имкониятлар яратиб берилиши зарур (Махбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидаларининг 38-моддаси).

231-модда. Ушлаб турилган шахсларнинг шикоят ва аризаларини жўнатиш тартиби

Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларнинг прокурор, терговчи ёки суриштирувчига йўллаган шикоят ва аризалари уларга топширилади.

Бошқа шахс ва органларга йўлланган шикоят ва аризалар ҳам терговчи ёки суриштирувчига топширилади, улар томонидан кўриб чиқилгач, тегишли жойга жўнатилади. Терговчи ёки суриштирувчининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоят ва аризалар тергов органининг бошлиғига ёхуд прокурорга юборилади. Хабар қилиниши жиноят иши юзасидан ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган маълумотларни ўз ичига олган шикоят ва аризалар тайинланган жойга жўнатилмайди ва бу ҳақда шикоят ёки ариза топширган шахс, шунингдек прокурор хабардор қилинади.

1. Ушлаб турилган шахсларнинг прокурор, терговчи ёки суриштирувчига йўллаган шикоят ва аризалари уларга топширилади. Бошқа шахслар, орган, муассаса, ташкилотларга йўлланган шикоят, ариза, маълумот ва бошқа хатлар ҳам терговчи ёки суриштирувчига топширилиб, улар томонидан кўриб чиқилгандан кейин тегишли жойларга жўнатилади.

2. Терговчи ёки суриштирувчининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоят ва аризалар уларнинг устидан бошчилик қилувчи тергов органининг бошлиғи ёки назоратни амалга оширувчи прокурорга юборилади.

3. Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига биноан ушлаб турилган шахснинг талабига кўра шикоят ва аризалар уларнинг адвокат-ҳимоячилари томонидан тегишли жойга берилиши ҳамда улардан ёзма тарзда далил-исботли жавоб олиниши мумкин.

4. Жиноят иши юзасидан ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши мумкин, деб тахмин қилинган маълумотларни ўз ичига олган шикоят ва аризалар тайинланган жойга жўнатилмайди ва бу ҳақда шикоят ёки ариза топширган шахс, шунингдек прокурор хабардор қилинади.

5. «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддасига кўра, прокурор ушлаб турилганларнинг муассаса маъмурияти, бошқа давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахсларга шикоят ҳамда аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади ва ўзига тушган шикоят ёки аризани белгиланган муддатда кўриб чиқиб, зарур чора-тадбирлар кўради ҳамда ўз қарори тўғрисида шикоят ёхуд ариза берган шахсга хабар беради. Прокурор томонидан суриштирувчи ва терговчига йўлланган ариза ва шикоятлар бўйича қонуний чоралар кўрилганлиги текширилади.

6. Берилган шикоят ва аризалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилиши зарур, акс ҳолда уни ҳал этиш ваколатига эга бўлган шахс ариза ва шикоятни қаноатлантиришни рад этилиши тўғрисида шикоят ёки ариза билан мурожаат қилган шахсга асослантирилган жавоб йўллаши лозим. Расмий тарзда кўрилиб, амалий жиҳатдан ҳеч қандай чора-тадбир қўлланилмаган ариза ва шикоятлар бўйича ушлаб турилган такроран ариза ва шикоят билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

232-модда. Ушлаб турилганларнинг моддий жавобгарлиги

Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахслар ушлаб турилганлар сақланадиган жойда бўлган вақтларида ўзлари томонидан давлатга етказилган зарар учун қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда моддий жавобгар бўладилар.

1. Ушлаб туриш жойларида фойдаланиш учун берилган жиҳоз ва нарсаларга ушлаб турилган шахслар тўлиқ жавобгардирлар.

2. Ушлаб турилган шахс томонидан уларни сақлаш жойларида моддий зарар етказилган тақдирда, ушлаб туриш муассасаси суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга фуқаровий даъво кўзгатиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши, иш бўйича фуқаровий даъвогар сифатида иштирок этиши мумкин.

3. Суд ушлаб турилган, кейинчалик айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб этилган ва суд муҳокамасида судланувчи сифатида иштирок этаётган шахсга нисбатан айблов ҳукмини чиқаришда, ЖПКнинг 283-моддасига кўра асосларнинг исботланиши ва даъво ҳажмини эътиборга олиб, уни тўлиқ ёки қисман қаноатлантиради ёхуд қаноатлантиришни рад этади.

4. Ушлаб турилган шахс томонидан давлатга етказилган зарар учун жавобгарликни белгилашда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасидаги асослар эътиборга олинади, яъни ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли юридик шахсга етказилган зарар зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим. Зарар етказган шахс, агар зарар ўз айби билан етказилмаганини исботласа, зарарни тўлашдан озод қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1003-моддасига кўра, суд зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни қаноатлантирар экан, иш ҳолатларига мувофиқ равишда, етказилган зарар учун жавобгар шахсга зарарни аслича қоплаш (ўшандай турдаги ва сифатдаги ашёни тақдим этиш, шикастланган ашёни тузатиш ва ҳоказо) ёки етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини юклайди.

233-модда. Ушлаб турилганлар сақланадиган жойларда тартибни таъминлаш ва хавфсизлик чоралари

Ушлаб турилганлар сақланадиган жойларда тартибни таъминлаш ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг маъмурияти зиммасига юклатилади. Маъмурият ўз фаолиятини ушбу Кодекснинг мазкур бобига ҳамда бошқа қонунларга мувофиқ амалга оширади.

Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларга нисбатан, башарти улар тўполон қилаётган, ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг ходимларига жисмоний қаршилик кўрсатаётган ёки бошқа зўравонлик ҳаракатларини қилаётган булсалар, теварак-атрофдагиларга ёки ўзига ўзи зарар етказишининг олдини олиш мақсадида қўл кишанларини ишлатишга йўл қўйилади, бу ҳақда баённома тузилади. Зарур бўлиб қолганида, бундай шахслар ушлаб турилганлар сақланадиган жойдаги ички тартиб қоидалари билан белгилаб қўйилган тартибда ушлаб турилган бошқа шахслардан алоҳида жойлаштирилишлари мумкин.

1. Ушлаб турилганлар сақланадиган жойларда тартибни таъминлаш ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг маъмурияти зиммасига юклатилиб, уларнинг фаолияти ушбу шахслар томонидан ушбу жойда сақланаётган бошқа шахслар ёки муассаса ходимларига нисбатан жиноий тажовузлар содир этилиши ва кочиб кетишининг олдини олишга қаратилади. Муассаса маъмурияти ушлаб турилган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чораларни амалга оширишлари лозим.

2. Ушлаб туриш жойига келтирилган шахс мазкур жойда тартиб-интизомни сақлаш ва унга итоат этиш тўғрисидаги муассаса маъмурияти томонидан тузилган ички тартиб қоидалари билан танишиб, тегишли ҳужжатга имзо чекиши лозим. Ушбу ҳужжат ушлаб турилганлар сақланадиган жой маъмуриятида сақланади.

3. Ушлаб туриш жойидаги ички тартиб қоидаларга итоат этмаган, тўполон қилаётган, ушбу жойдаги ходимларга жисмоний қаршилик кўрсатаётган ёки бошқа зўравонлик ҳаракатларини содир этаётган ушлаб турилган шахсларга нисбатан теварак-атрофдагиларга ёки ўзига ўзи зарар етказишининг олдини олиш мақсадида қўл кишанларини ишлатишга йўл қўйилади ва бу ҳақда тегишли баённома тузилади. Зарур ҳолларда эса бундай шахслар ушлаб турилганлар сақланадиган жойдаги ички тартиб қоидаларига асосан ушлаб турилган бошқа шахслардан алоҳида жойлаштирилишлари мумкин.

234-модда. Ушлаб турилганни озод қилиш асослари ва тартиби

Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахслар, агар:

1) жиноят содир этганлиги ҳақидаги гумон тасдиқланмаса;

2) ушлаб турилганга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати бўлмаса ёки уни қўллаш суд томонидан рад этилса;

3) ушлаб туришнинг белгиланган муддати тугаган бўлса ва ушлаб турилганга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўлланилмаган ёхуд ушбу Кодекс 243-моддаси унинг қисмининг 3-бандига мувофиқ ушлаб туриш муддати узайтирилмаган бўлса озод қилинади.

Ушлаб турилган шахсни озод қилиш суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримига биноан ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг бошлиги томонидан амалга оширилади. Озод қилиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим ушлаб турилганлар сақланадиган жойга келиб тушиши билан дарҳол ижро этилади.

Ушлаб турилган шахсни бундан буён ушлаб туриш учун асослар йўқлиги аниқланиши билан оқ суриштирувчи ва терговчи уни дарҳол озод қилишлари шарт.

Прокурорнинг, терговчининг ёки суриштирувчининг ушлаб турилган шахсни озод қилиш ҳақидаги қарори ёхуд суднинг уни ушлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги ёки унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ажрим қонунда белгиланган ушлаб туриш муддати ичида ушлаб турилганлар сақланадиган жойга келиб тушмаса, ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг бошлиги бу шахсни озод қилади ва уни озод қилганлиги тўғрисида прокурорга, терговчига ёки суриштирувчига билдириш хати юборади.

Зарур ҳолларда ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг маъмурияти озод қилинган шахсларнинг яшаш жойига текин жўнаб кетишини таъминлайди; уларнинг илтимосига қўра, ушлаб турилганлар сақланадиган жойда бўлган вақти ҳақида маълумотнома беради.

1. Ушлаб турилганларни озод қилишда Махбуслар билан муомала қилишнинг асосий принципларидаги жиноий айблов бўйича ҳибсда ушлаб турилган шахс оқилона муддатларда суд муҳокамаси ва судга қадар озод бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги принципага амал қилиниши лозим.

2. ЖПКнинг 234-моддаси биринчи қисми 1,2,3-бандларида кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда, ушлаб турилган шахсни озод қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор ёхуд суд ажрим чиқаради. Ушбу қарор ёки ажримнинг ижроси ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг бошлиғи томонидан таъминланади.

3. Ушлаб турилган шахс жиноят содир этганлиги ҳақидаги гумон турли ҳолатларга кўра тасдиқланмаса, масалан, жабрланувчи ва жиноят шохидлари ушланган шахсни жиноят содир этган шахс сифатида кўрсатишда хатога йўл қўйсалар, ушланган шахснинг жиноят содир бўлган жойдан жиноятга алоқаси бўлмаган бошқа сабабларга кўра қочиб кетмоқчи бўлса, гумон қилинувчи содир этилган қилмишга алоқадор бўлмаса, жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахс озод этилади. Шахсни гумон қилинувчи тариқасида ушлаб туриш учун асосларнинг мавжудлиги унга нисбатан суд томонидан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар етарли эканлигини аниқлатмайди. Агар ушлаб туриш муддати давомида шахси аниқланмаганлиги асоси билан жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланганнинг шахси ва унинг жиноятга алоқадорлигини инкор этувчи бошқа ҳолатлар аниқланса, унга нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга зарурат қолмайди.

4. Ушлаб турилганлар сақланадиган жойга шахсни озод қилиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим келиб тушиши билан дарҳол ижро этилади. Прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ушлаб турилган шахсни озод қилиш ҳақидаги қарори етмиш икки соат ичида ушлаб турилганлар сақланадиган жойга келиб тушмаса ҳам ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг бошлиғи бу шахсни озод қилиб, бу ҳақда прокурор, терговчи ёки суриштирувчига билдириш хати юборади. Суриштирувчи ва терговчи ушлаб турилган шахсни бундан буён ушлаб туриш учун асослар йўқлиги аниқланган захоти уни дарҳол озод қилишлари шарт.

5. Ушлаб турилган шахснинг озод қилиниши унга нисбатан камоққа олишдан бошқа эҳтиёт чоралари (муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат, шахсий кафиллик ва ҳ.к.) қўланишига тўсқинлик қилмайди. Бундай ҳолларда шахсга қонунда белгиланган муддатлар ичида айблов эълон қилинганга қадар, у гумон қилинувчи процессуал мақомида қолади.

235-модда. Ушлаб туриш туфайли етказилган зиённи ундириш

Шахсга қонунсиз ушлаб туриш туфайли етказилган зиён, башарти кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган бўлса ёки ушбу Кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра иш тугатилган бўлса, тўлиқ ҳажмда қопланади.

1. Асоссиз ушлаб туриш натижасида етказилган зиён, башарти кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган ёки ЖПКнинг 83-моддасига кўра иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаганлиги, қилмишда жиноят таркиби йўқлиги ёки шахснинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаганлиги туфайли иш тугатилган бўлса, тўлиқ ҳажмда қопланади (ЖПКнинг 83, 302, 304, 307, 309, 310, 311-моддаларининг шарҳига қаранг).

2. Реабилитация этилган шахсга етказилган маънавий зиённи ундириш ҳақидаги даъво фуқаролик иш юритиш тартибида кўрилади (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги №7-сонли қарори). Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси иккинчи қисмига кўра маънавий зарар фуқарога қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса, уни етказувчининг айбидан қатъи назар қопланади.

28-БОБ. ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИ

236-модда. Эҳтиёт чоралари қўлланилишининг мақсад ва асослари

Эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш; унинг бундан буёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади.

Айбланувчи, судланувчи содир этган, Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган жиноятнинг хавфлилиги туфайли у суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан яшириниши мумкин деган уринли тахмин ҳам қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асос бўлиши мумкин.

Экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилишини кутаётган, шунингдек, ақли норасо деб эътироф этилган ёки жиноят содир қилганидан сўнг руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан эҳтиёт чоралари улар яширинишининг ва бошқа ижтимоий хавфли қилмишлар содир қилишининг олдини олиш, шунингдек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш ҳақидаги суд ажрими ижросини таъминлаш мақсадида қўлланилиши мумкин.

1. Эҳтиёт чоралари айбланувчи ёки судланувчига мажбурий таъсир кўрсатиб, ЖПКнинг 236-моддасига биноан, ўз олдига уларнинг: 1) дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашининг; 2) келгусида содир этиши эҳтимол бўлган жиноий фаолиятининг олдини олиш; 3) иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; 4) ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадларини қўяди.

2. Айбланувчи ёки судланувчининг дастлабки тергов, суддан бўйин товлашининг олдини олиш унинг иштирокида тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси ўтказилишини ва жиноят натижасида етказилган зарарнинг қопланиши таъминланишини назарда тутади. Шу билан бирга ушбу мақсад айбланувчи зиммасига тергов даври ва суд муҳокамаси чоғида қандайдир

ҳаракатларни бажариш ёки кўрсатувлар бериш мажбуриятини юкламайди.

3. Айбланувчи, судланувчи келгусида содир этиши эҳтимол бўлган жиноий фаолиятининг олдини олиш мақсади такрорланаётган ёки давом этаётган жиноятларнинг олдини олиш ва янги жиноят содир этилишига йўл қўймасликни назарда тутди.

4. Айбланувчи, судланувчининг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик мақсади уларнинг жиноят иши бўйича гувоҳ, жабрланувчи ва бошқа шахслар билан тил бириктириши, ашёвий далиллар ва ҳужжатларни йўқ қилиши ёки сохталаштиришига тўсқинлик қилади.

5. Ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш деганда судланувчининг ҳукми ижро этиш органларидан яшириниши эҳтимоллигига барҳам бериш тушунилади.

6. Ўринли тахмин деганда айбланувчи, судланувчининг суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниши мумкинлиги тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судда ҳали ғула тасдиқланмаган маълумотлар мавжудлиги тушунилади.

7. Эҳтиёт чорасини бошқа мақсадларда қўллаш қонунийликнинг қўпол тарзда бузилиши ҳисобланади. Эҳтиёт чорасини қўллаш заруратини келтириб чиқарувчи асослар мавжуд бўлмаса, бу чоралар қўлланилмайди.

8. Айбланувчига нисбатан эҳтиёт чоралари қўлланилмаган ҳолларда у одатдагича турмуш кечиришни давом эттиради. У ўзи яшайдиган аҳоли пунктдан ташқарига чиқиши, истиқомат жойини ўзгартириши мумкин, лекин бу ҳақда суриштирув, тергов, прокуратура органлари ва судга хабар бериши, уларнинг чақирувига биноан дарҳол етиб келиши тавсия этилади. Чақирувга биноан етиб келмаган айбланувчилар мажбурий келтирилиб, шундан сўнг уларга нисбатан мажбурий тарзда эҳтиёт чораларидан бири қўлланилади.

237-модда. Эҳтиёт чораларининг турлари

Эҳтиёт чораларига қуйидагилар киради: муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат; шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги; гаров; қамоққа олиш; вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш; ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан

қўмондонлик кузатуви. Бир шахсга нисбатан бир вақтнинг ўзида ана шу чоралардан фақат биттаси қўлланилишига йўл қўйилади.

1. Эҳтиёт чораларининг қуйидаги турлари мавжуд: 1) муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат (ЖПК 250-моддасининг шарҳига қаранг); 2) шахсий кафиллик (ЖПК 251-моддасининг шарҳига қаранг); 3) жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги (ЖПК 252-моддасининг шарҳига қаранг); 4) гаров (ЖПК 249-моддасининг шарҳига қаранг); 5) қамокқа олиш (ЖПК 242-моддасининг шарҳига қаранг); 6) вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш (ЖПК 253-моддасининг шарҳига қаранг); 7) ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви (ЖПК 254-моддасининг шарҳига қаранг).

2. Бир шахсга нисбатан бир вақтнинг ўзида юқорида санаб ўтилган эҳтиёт чоралари турларидан фақат биттаси қўлланилишига йўл қўйилади.

238-модда. Эҳтиёт чорасини танлашда эътиборга олиннадиган ҳолатлар

Эҳтиёт чораларидан қайси бирини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ушбу Кодекснинг 236-моддасида назарда тутилган асослардан ташқари қўйилган айбнинг оғирлигини, айбланувчининг шахсини, машғулот турини, ёши, соғлиги, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатларни ҳам ҳисобга олади.

1. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан айбланувчи, судланувчига нисбатан эҳтиёт чораларидан қайси турини танлашда ЖПКнинг 236-моддасида назарда тутилган асослардан ташқари қуйидаги ҳолатлар ҳам эътиборга олинади: 1) қўйилган айбнинг (содир этилган жиноятнинг оғирлиги; 2) айбланувчининг шахси; 3) айбланувчи шуғулланадиган машғулот (фаолият) тури; 4) айбланувчининг ёши (масалан, вояга етмаганлиги ёки кексайганлиги); 5) соғлиги; 6) оилавий аҳволи (уйланганлиги, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари ёки нафақа ёшидаги ота-оналари ёхуд бошқа боқимандалари мавжудлиги) ва бошқа ҳолатлар.

2. Бошқа ҳолатларга қуйидагилар киради: 1) меҳнатга лаёқатлилиги; 2) яшаш ва иш жойининг мавжудлиги; 3) давлат мукофотлари, фахрий унвонлари борлиги; 4) судланганлик ҳолати, овоздликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаган муддати, овоздикка чиққан вақти; 5) айбланувчини жамият аъзоси сифатида тавсифловчи маълумотлар (яшаш, иш жойларидан олинган маълумотномалар ва ҳ.к.); 6) таржимаи ҳолида кўрсатилган баъзи ҳолатлар (масалан, террористик тўдаларга қарши курашда, табиий офат оқибатларини бартараф этишда иштирок этганлиги) ва ҳ.к.

239-модда. Эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин бўлган шахслар

Эҳтиёт чораси айбланувчига, судланувчига, маҳкумга ва ақли норасо деб эътироф этилган ёки жиноят содир этганидан сўнг руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатангина қўлланилиши мумкин.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосига нисбатан - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тегишли палатаси ёки унинг Кенгаши розилиги билан;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилиги билан;

3) Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси депутатига, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашининг депутатига нисбатан- Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки уларнинг раҳбарлари розилиги билан;

4) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьясига нисбатан - Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилиги билан, Ўзбекистон Республикасининг бошқа судлари судьяларига нисбатан- тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумининг розилиги билан;

5) прокурор ва прокуратура терговчисига нисбатан - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан қўлланилиши мумкин.

1. Эҳтиёт чораси: 1) айбланувчи; 2) судланувчи; 3) маҳкум; 4) ақли норасо деб эътироф этилган ёки жиноят содир этганидан сўнг руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

2. Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ЖПКнинг 243-моддасида кўрсатилган тартибда қўлланилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилган шахсларга нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун эса тегишли идоралар ҳамда мансабдор шахсларнинг розилиги олиниши шарт, чунончи.

а) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосига нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тегишли палатаси ёки унинг Кенгаши розилиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га нисбатан - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг алоҳида-алоҳида мажлиси розилиги ёки қўшма мажлисининг розилиги;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашининг депутатига нисбатан - Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки уларнинг раиси берган розилиги;

г) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьясига нисбатан - Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилиги;

д) Ўзбекистон Республикасининг бошқа судлари (Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибига кирувчи барча судлар) судьяларига нисбатан – тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг розилиги;

е) прокурор ва прокуратура терговчисига нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилигини олиш талаб этилади.

Қамоқда сақлаш тарзидаги чорани ўзгартириш учун юкорида кўрсатилган идоралар ва шахсларнинг розилиги талаб этилмайди. Қамоқдан бошқа эҳтиёт чораси қўлланиши учун ҳам розилик олинмайди. Мазкур шахслар гумон остига олинганда уларга нисбатан қамоқда сақлаш чораси қўлланиши мумкин эмас.

3. Айрим тоифадаги мансабдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ иммунитетлар ҳақида 4-моддада берилган шарҳларга қаранг.

240-модда. Эҳтиёт чорасини қўллаш, бекор қилиш, ўзгартириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим

Эҳтиёт чораси суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ва суднинг ажрими билан қўлланилиши, бекор қилиниши ва ўзгартирилиши мумкин.

Ишни судга қадар юритиш босқичида қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси шахсни бундан кейин қамоқда сақлаш учун асослар мавжуд бўлмаганда прокурор томонидан, шунингдек, прокурорнинг розилиги билан терговчи томонидан эҳтиёт чоралари тўғрисида қарор чиқарган судни албатта хабардор этган ҳолда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши ушбу эҳтиёт чорасини айнан уша шахсга нисбатан қўллаш тўғрисидаги илтимоснома билан судга тақдоран мурожаат этишига монелик қилмайди.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинган ёхуд ўзгартирилган тақдирда, қамоқда сақланаётган шахс дарҳол озод қилиниши керак.

1. Эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ва суднинг ажрими мазкур чораларни қўллаш, бекор қилиш ва ўзгартиришнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси прокурор, шунингдек, прокурорнинг розилиги билан терговчи томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Бу ҳақда мазкур эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида қарор чиқарган суд албатта хабардор этилиши лозим.

2. Прокурор ёки терговчининг қарорида эҳтиёт чорасини қўллаш юзасидан чиқарилган суд қарорининг қонунийлиги ва асослилиги муҳокама қилинишига йўл қўйилмайди.

3. Эҳтиёт чорасини қўллаш, бекор қилиш, ўзгартириш тўғрисидаги қарор ёки ажримда: 1) шахснинг қандай жиноятни содир этишда айбланаётганлиги; 2) эҳтиёт чораси қандай қонуний асосларга таяниб қўлланганлиги ёхуд тегишли далиллар келтириш йўли билан бу асослар йўқлиги ёки ўзгаргани; 3) эҳтиёт чорасини танлашга таъсир қилувчи, қонун билан белгиланган ҳолатларни ҳисобга олиб, эҳтиёт чораларини қўллаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш заруратини изоҳловчи сабаблар кўрсатилади. Бундан ташқари қарор ёки ажримда: а) эҳтиёт чораси қўлланган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, тугилган йили; б) қарор ёки ажрим тузилган сана (кун, ой, йил); в) эҳтиёт чорасини қўллаш, бекор қилиш ва ўзгартириш тўғрисида қарор ёки ажрим чиқарган шахснинг мансаби, унвони, фамилияси, исми, отасининг исми; г) ЖПКнинг ушбу чорани қўллашга оид тегишли моддаси кўрсатилиши лозим.

4. Қарор ва ажримдан ташқари баъзи эҳтиёт чоралари тегишлича тилхат ёки баённома тарзида ҳам расмийлаштирилади: муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат, гаровни қабул қилиш баённомаси ва ҳ.к. Қамокқа олишдан бошқа эҳтиёт чоралари қўлланилганда тегишли участка нозирига яшаш жойида айбланувчи устидан кузатув ўрнатиш ҳақида кўрсатма бериш, шунингдек, иш жойидаги ходимлар бўлимини айбланувчи ишдан бўшаш тўғрисида ариза берган ҳолларда, бу ҳақда жиноят ишини юритаётган органни хабардор қилиш ҳақида огоҳлантириш тавсия этилади.

5. Қарор ёки ажрим кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахсга дарҳол эълон қилинади, мазкур шахс қарор билан танишиб чиққанлигини ўз имзоси билан тасдиқлайди. Агар эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим оғир касалликка чалинган ёхуд тергов ва суддан кочиб кетган шахсларга нисбатан улар тузалиши ёки ушланиши билан дарҳол эълон қилинади.

6. Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимосномани рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган судьянинг айнан ўша гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан шундай илтимоснома билан такроран мурожаат қилинганда иштирок этиши қонунда тақиқланмаган.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида масала бўйича ажрим чиқарган судья, шунингдек, бундай илтимосномани киритган прокурор, шу шахсга нисбатан жиноят ишини мазмунан кўриб чиқишда ҳам иштирок этиши мумкин (ЖПК 76-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

241-модда. Эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят бериш ва протест билдириш

Эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор устидан терговни назорат қилаётган, уни бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли бўлган прокурорга шикоят берилиши мумкин. Прокурор шикоятни олган пайтдан эътиборан уч сутка ичида уни кўриб чиқиши ҳамда шикоят берган шахсни уш қароридан хабардор этиши шарт.

Дастлабки тергов босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича суднинг ажрими устидан мазкур ажрим чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин. Шикоят, протест ажрим чиқарган суд орқали берилади, мазкур суд уларни йигирма тўрт соат ичида материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. Апелляция инстанцияси суди кўрсатилган материалларни шикоят ёки протест билан бирга улар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиши керак.

Шикоят ёки протест берилиши эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги масала бўйича қарор ижросини тўхтатиб қўймайди.

1. Дастлабки терговда танланган эҳтиёт чораси устидан терговни назорат қилувчи, эҳтиёт чорасини бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли бўлган прокурорга шикоят берилиши мумкин.

2. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича судьянинг ажрими устидан, у чиқарилган кундан

бошлаб, етмиш икки соат ичида гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили томонидан апелляция тартибида шикоят берилиши, прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин.

3. Апелляция шикояти (протести) ажрим чиқарган суд орқали берилади. Шикоят (протест) бериш муддати ўтгандан сўнг, тегишли суд раиси ЖПКнинг 479-моддасида назарда тутилган талабларни бажариб, материални шикоят (протест) билан биргаликда йигирма тўрт соат ичида апелляция инстанцияси судига юборади.

4. Қонунда қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллаш ёки қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш масаласи бўйича чиқарилган ажрим устидан кассация шикояти (протести), назорат тартибида шикоят (протест) билдирилиши назарда тутилмаган.

5. Суднинг қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича чиқарилган ажрими устидан етмиш икки соат ўтгандан сўнг берилган шикоят (протест) кўрмасдан қолдирилади, бу ҳақда уларни берган шахсларга маълум қилинади (ЖПК 49,74-моддаларининг шарҳига қаранг).

6. Апелляция инстанцияси судининг қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича чиқарган ажрими ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро қилиниши лозим.

7. Апелляция инстанцияси судининг қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича чиқарилган ажрими узил-кесил ҳисобланиб, унинг устидан назорат тартибида шикоят (протест) берилишига йўл қўйилмайди.

8. Апелляция инстанцияси судида қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масалага оид материални кўришда қатнашган судья, шунингдек, прокурор, айнан шу шахсга нисбатан жиноят ишини мазмунан биринчи, апелляция, кассация инстанцияларида ёхуд назорат тартибида кўришда иштирок этишга ҳақли (ЖПКнинг 76-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш Жиноят кодексида уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексида беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади.

Алоҳида ҳолларда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда:

айбланувчи, судланувчи тергов ёки суддан яширинганида; ушлаб турилган гумон қилинувчининг шахси аниқланмаганида;

илгари қўлланилган эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи томонидан бузилганида;

ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи, судланувчи Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаганида;

жиноят қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ даврида содир этилганида, қўлланилиши мумкин.

1. Қамоққа олиш худди ушлаб туриш каби шахснинг эркинлиги, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасидаги шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклаш билан боғлиқ бўлган энг жиддий эҳтиёт чораси ҳисобланади.

Қамоққа олишнинг фақат шу эҳтиёт чорасига хос бўлган мақсади – хавфли айбланувчиларни дарҳол жамиятдан ажратиб қўлишдир. Қамоққа олиш жиноят содир этишда гумон қилинаётган ва айбланаётган шахсларни тарбиялаш мақсадларини

кўзламайди. Қамокқа олишнинг тарбиявий томонларини фақат процессуал мажбурулов чораларининг умумий превентив нуқтаи назаридан қайд этиш мумкин.

2. Эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш қонуний ва асосланган бўлиши лозим. Шахсни ноқонуний ва асосланмаган тарзда қамокда сақлаш, бу чорани ўзбошимчалик билан қўллаш – инсон ҳуқуқларини жиддий поймол этиш ҳисобланади. Шу жиҳатдан мазкур чорани қўллашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасидаги ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамокда сақланиши мумкин эмаслиги, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 9-моддасидаги ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши ва қувғин қилиниши мумкин эмаслиги, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 9-моддасидаги ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоидаларга қатъий амал қилиниши шарт.

3 Эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш ЖКда уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун ЖКда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилиши мумкин.

4. ЖПК 242-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган алоҳида ҳолларда қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қасддан содир этилган ва Жиноят кодексида уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган ва Жиноят кодексида беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича ҳам, агар қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлса: гумон қилинувчи, айбланувчи тергов ва суддан яширинган; ушлаб турилган гумон қилинувчининг шахси аниқланмаган; илгари қўлланилган эҳтиёт чораси айбланувчи томонидан бузилган; ушлаб турилган гумон қилинувчи, айбланувчи Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган; жиноят қамок ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги

жазони ўташ даврида содир этилган ёхуд бу жазолардан бирор-пасини ўтаётган шахсга нисбатан бошқа жиноят иши юзасидан тергов олиб борилаётган тақдирда қўлланилиши мумкин.

5. Суд томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини ҳал этишда ЖПК 236-моддасининг иккинчи, учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолатларни ҳам инобатга олиниши зарур.

243-модда. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат ушлаб турилган гумон қилинувчига ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Қонунда назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда ва дастлабки тергов давомида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланганда прокурор, прокурорнинг розилиги билан терговчи қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиши ҳақида қарор чиқаради.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиши ҳақидаги қарорда ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамоққа олиш заруратини келтириб чиқарган асослар ва бошқа эҳтиёт чорасини қўллаб бўлмаслик асослари баён қилинади. Қарорга илтимосномани асословчи зарур материаллар илова қилинади.

Прокурор қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда илтимоснома қўзғатиши тўғрисидаги қарор ва зарур материалларни судга юборади. Агар илтимоснома ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қўзғатилаётган бўлса, қарор ва курсатилган материаллар ушлаб туриш муддати тугашидан камидан ўн икки соат олдин судга тақдим қилиниши керак.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир қилинган ёки даст-

лабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари буйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари буйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари буйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг курсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома ёпиқ суд мажлисида материаллар келиб тушган пайдан эътиборан ун икки соат ичида, лекин ушлаб туришнинг энг кўп муддатидан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, агар ишда қатнашаётган бўлса ҳимоячи, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида кўриб чиқилади. Ушлаб турилган гумон қилинувчи, айбланувчи суд мажлисига олиб келинади. Суд мажлисида гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қонуний вакили, шунингдек, терговчи иштирок этишига ҳақли. Зарур ҳолларда терговчи судга чақирилиши мумкин.

Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун монелик қилмайди, айбланувчининг келмаганлиги ҳоллари бундан мустасно. Қидирув эълон қилинган айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома айбланувчининг иштирокисиз кўриб чиқилади.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурор маърузаси билан бошланади, у мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш заруратини асослаб беради. Шундан сўнг гумон қилинувчи ёки айбланувчи, ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим қилинган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

Судья гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб қўйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

1) қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида;

2) қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад қилиш тўғрисида;

3) тарафлар қамоққа олиш тўғрисидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг асосланганлиги ёки асосланмаганлигига доир қўшимча далилларни тақдим этишлари учун ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатдан кўп бўлмаган муддатга ўзайтириш тўғрисида.

Судьянинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ёки уни қўллашни рад қилиш тўғрисидаги ажримни ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро қилиниши керак. Судьянинг ажримни ижро учун прокурорга, маълумот учун эса гумон қилинувчига, айбланувчига, ҳимоячига юборилади. Судьянинг ажримни устидан ушбу Кодекс 241-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоидаларга биноан апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб ўз ажримни билан:

1) судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга;

2) судьянинг ажримини бекор қилиш ва гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамоқдан озод қилиш ёхуд унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга ҳақли.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилинган тақдирда, айнан ўша гумон қилинувчига нисбатан мазкур масала бўйича такроран судга мурожаат қилишга қамоққа олишни тақозо этадиган янги ҳолатлар юзага келганда йўл қўйилади.

1. Қамоққа олиш айбланувчи, қонунда кўзда тутилган айрим ҳолларда эса гумон қилинувчиларга, яъни ҳали айбланувчи тарикасида ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, жиноят содир этганлиги тахмин қилинаётган шахсларга нисбатан қўлланилади.

2. Прокурор ёки прокурорнинг розилиги билан терговчи жиноят иши бўйича ЖПК 236 ва 242-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда, гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзгатиш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли.

Агар суриштирув юритиш жараёнида гумон қилинувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар борлиги аниқланса, суриштирувчи ЖПКнинг 342-моддасига мувофиқ, суриштирув юритиш муддати ўтишини кутмасдан, ишни дарҳол терговчига ўтказиши шарт.

3. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимоснома кўзгатиш тўғрисидаги қарорда, шахс гумон қилинаётган ёки айбланаётган жиноят, унинг тавсифи, гумон қилинувчи, айбланувчини қамоққа олиш заруратини тасдиқловчи асослар, шунингдек, шахсга нисбатан бошқа турдаги эҳтиёт чорасини қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақидаги хулосалар баён этилиши лозим.

Бундай қарорга илтимосномани асослантирувчи зарур материаллар, жумладан, жиноят иши кўзгатиш, жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорларнинг, ЖПК 221 ва 225-моддалари тартибида тузилган ушлаб туриш баённомасининг, гумон қилинувчи, айбланувчининг шахсига оид маълумотларга доир ҳужжатларнинг, ҳимоячи ордерининг ёхуд ҳимоячидан воз кечиш ҳақидаги баённоманинг, ЖПК 239-моддаси талабларига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади. Зарурат бўлганда, прокурор томонидан судга кўздан кечириш учун мазкур ҳужжатларнинг асли, шунингдек, бошқа ҳужжатлар тақдим қилиниши мумкин.

Илтимоснома ва материаллар судга ушлаб туриш муддати тугашидан камида ўн икки соат олдин, ҳар бир гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан алоҳида (шу жумладан, жиноят иштирокчилиқда содир этилганда ҳам) тақдим қилинади. Материалга қўшилган ҳужжатлар нусхаси прокурор ёки терговчи томонидан тасдиқланган ва муҳрланган бўлиши зарур.

4. Қонунда белгиланган ушлаб туриш ёки қамоқда сақлаб туриш муддати ўтгандан сўнг судга тақдим этилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб

туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома суд томонидан кўриб чиқилмайди. Бундай ҳолларда, ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган шахсни озод қилиш масаласи ЖПК 234-моддаси ва 240-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ҳал этилади.

Шу билан бирга, бундай илтимоснома судга қонунда белгиланган муддат ўтгандан сўнг, бироқ ушлаб туриш ёки қамоқда сақлаб туриш муддати ўтгунга қадар тақдим қилинган тақдирда, суд томонидан уни кўриб чиқиш учун қабул қилиш рад этилишига йўл қўйилмайди. Бундай ҳолда, қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсга нисбатан суд хусусий ажрим чиқаради.

5. Қонунда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилиши белгиланган.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир қилинган ёки жиноят иши тергов қилинаётган жойдаги суд томонидан кўрилиши керак. Материални судловга тегишлилиги хусусида ЖПК 243-моддасига таянган ҳолда тортишувга йўл қўйилмайди.

Судья бўлмаганда ёки илтимосномани кўриб чиқишда судьянинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда, илтимоснома киритган прокурор ёзма равишда мазкур суд раисига, суд бир таркибли бўлганда эса - юқори турувчи суд раисига мурожаат қилади.

Юқори турувчи суд раиси мазкур мурожаатни дарҳол кўриб чиқади ва илтимосномани кўриб чиқишни бошқа тегишли суд судьясига топширади.

6. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома материал келиб тушган пайдан эътиборан ун икки соат ичида, лекин ЖПК 226-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ушлаб туриш муддати охиридан кечиктирмай кўриб чиқилади. Ушлаб туриш тарихидаги процессуал мажбурлов чораси қўлланилмаган айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимоснома ҳам ун икки соат ичида кўриб чиқилиши лозим.

Қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома материаллар судга келиб тушган пайдан эътиборан етмиш икки соат ичида ЖПК 247-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ кўриб чиқилади.

Суд қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилишини, материаллар тақдим этилган кун ва вақтдан қатъи назар (дам олиш ёки байрам кунлари, иш вақти тугагандан сўнг), таъминлаши шарт.

7. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўришда қатнашадиган суд мажлиси иштирокчилари таркиби қонунда қатъий белгиланган бўлиб, жиноят ишини мазмунан кўришда қатнашадиган суд мажлиси ишгироскчилари таркибидан бирмунча фарқ қилади.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, гумон қилинувчи ёки айбланувчи, ҳимоячи (агар у ишда қатнашаётган бўлса) иштирокида кўриб чиқилади. Бундай илтимосномани суд мажлисида кўришда гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қонуний вакили (агар у ишда қатнашаётган бўлса) иштирок этади. Зарурат туғилганда суд мажлисига терговчи таклиф қилиниши мумкин.

ЖПК 20,51-моддаларида назарда тутилган ҳолларда суд мажлисида таржимон ва ҳимоячининг иштироки таъминланиши шарт. Илтимосномани кўришда бошқа шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

8. Суд қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриш жойи, санаси ва вақтини белгилайди ҳамда бу ҳақда илтимоснома киритган прокурорни хабардор қилади. Прокурор ёки терговчи суд мажлиси иштирокчиларини, шу жумладан гумон қилинувчи ёки айбланувчини судга келишларини таъминлайди.

Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг (айбланувчи бундан мустасно), суд мажлисига келмаганлиги қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриш учун монелик қилмайди.

9. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани айбланувчининг иштирокисиз кўришга, фақат унга нисбатан қидирув эълон қилинган ҳолдагина йўл қўйилади. Қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома айбланувчи стационар тартибдаги суд-психиатрия экспертизаси ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилган ҳолда унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин. Бунда айбланувчининг ҳимоячиси суд мажлисида иштирок этиши шарт (ЖПК 247-моддасининг олтинчи қисми).

10. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома, шунингдек, унга илова қилинган материаллар билан суд мажлиси иштирокчиларини таништириш қонунда кўрсатилмаган. Бироқ ҳимоя ҳуқуқи тўғрисидаги конституциявий принципдан келиб чиққан ҳолда, гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили илтимоснома ва унга илова қилинган материаллар билан, башарти улар бу ҳақда мурожаат этишган тақдирда, прокурор томонидан суд мажлиси бошлангунга қадар таништирилишлари лозим.

11. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома суднинг биносига, ёпиқ суд мажлисида ҳар бир гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан алоҳида кўрилади.

Суд мажлиси судья томонидан қандай илтимоснома кўриб чиқилишини эълон қилишдан бошланади. Сўнгра судья ўзининг, прокурор, ҳимоячи, қонуний вакил, гумон қилинувчи ёки айбланувчи, котиб, таржимон, терговчининг фамилияси, исми, шарифини эълон қилади, гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг шахсини аниқлайди ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, рад этиш ҳақидаги арзлари бор-йўқлигини аниқлайди. Бундай арзлар мавжуд бўлса, улар юзасидан ЖПК 76,80-моддаларига мувофиқ қарор қабул қилинади.

Илтимосномани кўриб чиқиш прокурор маърузаси билан бошланади, у қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш заруратини асослаб беради. Сўнгра гумон қилинувчи ёки айбланувчи, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, терговчи эшитилади, тақдим этилган материаллар текширилади. Сўнгра судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

12. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўришда ЖПК 426-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ, суд мажлиси баённомаси юритилади ва у ажрим чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай имзоланади. Тарафлар суд мажлиси баённомаси билан у имзоланган пайдан бошлаб танишишлари мумкин. Суд мажлиси баённомасига берилган мулоҳазалар дарҳол ЖПК 427-моддасида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

13. Ишни мазмунан кўришдан фарқли ўлароқ, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўришда суд тергови ўтказилмайди, процесс иштирокчилари эшитилади, лекин сўроқ қилинмайди.

Илтимосномани асослаб бериш мажбурияти қонун бўйича фақат, прокурорга юклатилган ва у процесснинг исталган босқичида, суд алоҳида хонага киргунига қадар илтимосномани чақириб олишга ҳақли.

Суд гумон қилинувчи, айбланувчининг айблилиги ёки айбсизлиги масаласи муҳокамасига кирмаган ҳолда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масалани ҳал қилади.

14. Тўпланган материаллар етарли бўлмаган тақдирда, суд, тарафлар қўшимча далиллар тақдим этишлари учун уларнинг илтимосномасига асосан ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатгача узайтириши мумкин. Агар белгиланган муддатда тарафлар томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш асослилиги ёки асоссизлигига доир қўшимча далиллар тақдим этилмаса, суд мавжуд материалларга асосланган ҳолда қарор қабул қилади. Илтимоснома прокурор томонидан чақириб олинган тақдирда у суд томонидан кўрилмасдан қолдирилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

15. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома қаноатлантирилганда, ажримнинг қарор қисмида мазкур эҳтиёт чораси қандай муддатга қўлланилаётганлиги кўрсатилмайди.

Айни пайтда, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома қаноатлантирилганда, суд ушбу эҳтиёт чораси қайси санагача амал қилишини ажримда кўрсатиши шарт.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи тақдим қилинган илтимоснома бўйича қарор қабул қилиш имконияти бўлмаганлиги ва қўшимча далиллар тақдим қилиниши зарурлиги сабабли бошқа вақтга қолдирилганда, суднинг ажрида илтимосномани қайга кўриб чиқиш жойи, вақти ва санаси кўрсатилиши шарт.

16. Суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича чиқарилган ажрими устидан берилган шикоят (протест), апелляция инстанцияси суди томонидан учта судьядан иборат таркибда, суднинг биносида, ёпик суд мажлисида келиб тушган вақтидан бошлаб, етмиш икки соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

Суд мажлиси раислик этувчи томонидан қандай шикоят (протест) кўриб чиқилишини эълон қилиши билан бошланади. Сўнгра раислик этувчи судьялар, прокурор, ҳимоячи, қонуний вакил, гумон қилинувчи ёки айбланувчи, котиб, таржимон, терговчининг фамилияси, исми, шарифини эълон қилади, гумон қилинувчи, айбланувчининг шахсини аниқлайди ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, рад этиш ҳақидаги арзлар бор-йўқлигини аниқлайди. Бундай арзлар мавжуд бўлса, суд ҳайъати улар бўйича ЖПК 76,80-моддаларига мувофиқ, қарор қабул қилади.

Шикоят (протест)ни кўриб чиқиш судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади, у кўрилаётган масаланинг моҳияти, шикоят (протест) важлари ҳамда уларга қарши билдирилган эътирозлар моҳиятини баён қилади. Сўнгра шикоят (протест) берган шахс эшитилади. Ҳам шикоят, ҳам протест берилган тақдирда, биринчи бўлиб прокурор сўзга чиқади. Суд зарурат юзага келса, терговчини эшитади, тақдим этилган материалларни текширади. Шундан кейин суд ажрим чиқариш учун маслаҳатхонага киради.

Шикоят (протест)ни апелляция инстанцияси судида кўришда ҳам ЖПКнинг 426-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ суд мажлиси баённомаси юритилади.

17. Апелляция инстанцияси суди қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича чиқарилган ажрим устидан берилган шикоят (протест)ни кўриб чиқиш, ўзининг ажрими билан:

а) судьянинг ажримини ўзгартирмасдан қолдиришга;

б) судьянинг ажримини бекор қилиш қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад этиш ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчини қамоқдан озод қилишга;

в) гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга;

г) айбланувчига нисбатан қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришга;

д) айбланувчига нисбатан қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад этишга ва агар қонунда белгиланган қамоқда сақлаб туриш муддатлари тугаган бўлса, уни қамоқдан озод этишга ҳақли.

18. Судьянинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёхуд қўллашни рад этиш ҳақидаги ажрими у эълон қилинган пайтдан кучга киради ва дарҳол ижро этилиши шарт.

Судьянинг ажрими суд залида прокурорга ижро қилиш учун, гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячига - маълумот учун топширилади. Апелляция инстанцияси судининг ажрими прокурорга ижро қилиш учун, суд мажлисининг бошқа иштирокчиларига - маълумот учун тақдим этилади.

19. Агар қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш жараёнида қонун бузилганлиги, жумладан кийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала қўлланилганлиги ҳақида муружаат қилинган тақдирда, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида қайд этилади ва дастлабки тергов давомида назоратни амалга оширувчи прокурор томонидан текширилиб, натижаси ҳақида судга хабар қилинади.

20. Илтимоснома қаноатлантирилмай қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилинганда, гумон қилинувчи, айбланувчи (ушлаб туриш охириги муддати тугаган ёки тугамаганлигидан қатъи назар) суд залида қамоқдан озод қилинади. Бундай ҳолда бошқа турдаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи дастлабки тергов органи томонидан умумий асосларда ҳал этилади.

21. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилиниши, эҳтиёт чорасининг бекор қилиниши ёки ўзгартири-

лиши, айнан ўша шахсга нисбатан бундай эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома билан судга такроран мурожаат қилишга, башарти ишни тергов қилиш жараёнида уни қамоққа олиш заруратини тақозо этувчи янги ҳолатлар юзага келган бўлса, тўсқинлик қилмайди. Янги ҳолатлар деганда, жумладан: қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома суд томонидан рад этилгандан сўнг гумон қилинувчи, айбланувчининг дастлабки терговдан бўйин товлаши, жиноий фаолиятни давом эттириши; гумон қилинувчи, айбланувчининг жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши; гумон қилинувчи, айбланувчига бошқа ёки оғирроқ жиноят содир этганликда айб эълон қилиниши тушунилиши лозим.

244-модда. Қамоқда сақлаш жойлари

Эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олинган айбланувчилар тергов ҳибсхонасининг умумий камераларида сақланадилар. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд бир жиноят иши бўйича ёки бир неча ўзаро боғлиқ ишлар бўйича айбланувчиларни алоҳида-алоҳида сақлаш тўғрисида тергов ҳибсхонасининг маъмуриятига кўрсатма беришга ҳақли.

Қамоққа олинганлар Жиноят кодекси 15-моддасининг туртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган бўлсалар, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан турма ёки тергов ҳибсхонасининг бир кишилик камерасида қамоқда сақлаб турилиши мумкин. Бу чора вояга етмаганларга, олтиши ёшдан ошганларга, шифокор томонидан тасдиқланган оғир касалларга ва руҳий касалликка чалинганларга нисбатан қўлланилмайди. Турмада сақлаш шароитлари тергов ҳибсхонасида сақлаш шароитларидан фарқ қилмаслиги керак.

Қамоқда сақланаётган шахслар ушлаб турилганлар сақланадиган жойда кўпи билан ўн суткагача олиб турилиши мумкин. Қамоққа олинганларни тергов ҳибсхонасига ўз вақтида олиб боришга имконият бўлмаса, улар ушлаб турилганлар сақланадиган жойларда ўттиз суткагача сақланиши мумкин.

Ҳарбий хизматчилар авахтада кўпи билан йигирма суткагача, олис жойларда эса, эҳтиёт чорасининг буткул муддати давомида ушлаб турилиши мумкин. Ҳарбий хизматчини авахтада ушлаб туриш муддати ҳарбий судлар томонидан ишни судда кўриб чиқиш даврига, лекин ўн беш суткадан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Интисомий қисмга йўллашга ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар ҳукм қонуний кучга киргунга қадар авахтада сақланишлари мумкин.

Башарти маҳқум бошқа иш бўйича гувоҳ, жабрланувчи бўлса, у тарбия колониясидан ёки жазони ижро этиш колониясидан тергов ҳибсхонасига ўтказилиши ёки ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг ҳам тергов ҳибсхонасида қолдирилиши мумкин. Бу ҳолда маҳқум: вилоят прокурори ва унга тенглаштирилган прокурорнинг рухсати билан уч ойгача муддатга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари рухсати билан олти ойгача муддатга тергов ҳибсхонасида сақланиши мумкин.

Бошқа туманда (шаҳарда) сақланаётган маҳқум прокурорнинг қарорига биноан, терговчининг прокурор розилигини олиб чиқарган қарорига биноан ёхуд суд ажримига биноан бошқа ерга кўчирилади. Бошқа ерга кўчириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус бўлинмалари зиммасига юклатилади.

1. Жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга нисбатан қамокқа олиш тариқасидаги эҳтиёт чораси қўлланганда, улар тергов ҳибсхоналарининг умумий камералари, вақтинча сақлаб туриш ҳибсхоналари, жиноят-ижроия тизимининг турли муассасалари, вахталарда (ҳарбий хизматчилар) сақлаб турилиши мумкин. Санаб ўтилган қамокда сақлаш жойлари ичида тергов ҳибсхоналари алоҳида ўрин тутиб, тергов ва суд фаолиятини таъминлаш функциясини адо этади. Айбланувчи ва гумон қилинувчиларни сақлаб туриш жойи сифатида тергов ҳибсхоналари жиноят-ижроия муассасалари ва органлари тизимига киради.

2. Эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олинган айбланувчиларни сақлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шахс ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қоидаларга ҳамда

ЖПКда белгиланган қонунийлик, шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги, айбсизлик презумпцияси, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш принципларига қатъий риоя этилиши шарт. Бундан ташқари қамокда сақланаётган шахслар билан бўладиган муносабатларда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини халқаро доирада тўла қафолатлайдиган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, шахснинг суд ҳимоясида бўлишини тартибга солувчи Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, Қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний, инсоннинг кадр-қимматини камситадиган муомаланинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция, маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари, маҳбуслар билан муомала қилишнинг асосий принциплари, Қандай шаклда бўлмасин, ҳибсга ёки қамокқа олинган барча шахсларни ҳимоя қилиш принциплари туркуми, маҳбуслар ёки ҳибсга олинган шахсларни қийноқ ҳамда жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларидан ҳимоя қилишда соғлиқни сақлаш ходимларининг, айниқса шифокорларнинг ролига гааллуқли тиббиёт этикаси принциплари каби ҳужжатлардаги қоидалар эътиборга олинаши керак.

3. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд бир жиноят иши бўйича ёки бир неча ўзаро боғлиқ ишлар бўйича айбланувчиларни уларнинг жиноий тил бириктириши ва жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилишининг олдини олиш мақсадида алоҳида-алоҳида сақлаш тўғрисида тергов ҳибсхонасининг маъмуриятига кўрсатма беришга ҳақли.

4. ЖК 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган шахслар (войга етмаганлар, олтмиш ёшдан ошганлар, шифокор томонидан тасдиқланган оғир касаллар ва руҳий касалликка чалинганлар бундан мустасно) прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан турма ёки тергов ҳибсхонасининг бир кишилик камерасида қамокда сақлаб турилиши мумкин.

5. Қамокда сақлаш жойлари устидан ҳуқуқий-идоравий бошқарув Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Жиноятлар тергов қилинаётганда қамоқда сақлаб туриш муддати кўпи билан уч ойни ташкил этади.

Қамоқда сақлаб туришнинг қонун нормаларида белгиланган уч ойлик муддатини:

5 ойгача - Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг;

7 ойгача - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг;

9 ойгача - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг; бир йилгача - алоҳида мураккаб ишлар тергов қилинаётган ҳолларда оғир ҳамда ута оғир жиноятлар содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг илтимосномасига биноан узайтириш имкони суд томонидан кўриб чиқилади. Муддатни яна узайтиришга йўл қўйилмайди. Кўрсатилган барча илтимосномаларни кўриб чиқишда суд тақдим этилган материалларнинг асослилигини, шунингдек, процессуал нормалар ва талабларга риоя этилганлигини инобатга олади.

Тергови тамомланган жиноят ишининг материаллари айбланувчига ва унинг ҳимоячисига танишиб чиқиш учун ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган қамоқда сақлаб туришнинг охириги муддати тугашидан камида бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

Айбланувчи ва унинг ҳимоячиси ишининг материаллари билан танишиб чиқиши учун кетган вақт эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақлаб туриш муддатини ҳисоблаб чиқишда эътиборга олинмайди.

1. Дастлабки тергов даврида айбланувчини қамоқда сақлаб туриш уч ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. ЖПКнинг 351-моддасига кўра дастлабки тергов муддатлари ҳам уч ойни ташкил этади. Қамоқда сақлаб туриш муддати шахс жиноят содир этишда гумон қилиниб, ушлаб турилган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Агар уч ой муддат ичида дастлабки тергов тамомланиб, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш ёки эҳтиёт чорасини ўзгартириш тўғрисида суд томонидан ажрим

чиқарилмаган бўлса, ушбу муддат тамом бўлиши билан шахс дарҳол қамоқдан озод этилади. «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасида прокурорларга айбланувчи ёки гумон қилинган шахсни қамоқда сақлашнинг қонунийлиги ва асосланганлигини назорат қилиш, шунингдек, қамоқда сақлаш муддати тугаган шахсларни дарҳол қамоқдан озод этиш ваколати берилган.

2. Ушбу муддат Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят ҳамда Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг илтимосномасига биноан беш ойгача, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг илтимосномасига биноан етти ойгача; Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг илтимосномасига биноан тўққиз ойгача; алоҳида мураккаб ишлар тергов қилинаётган ҳолларда оғир ҳамда ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг илтимосномасига биноан бир йилгача суд томонидан узайтирилиши мумкин. Бу қатъий муддат бўлиб, уни яна узайтиришга йўл қўйилмайди. Мазкур тартиб ва доирада эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақлаш муддатини узайтиришда суд томонидан тақдим этилган материалларнинг асослилиги, моддий ва процессуал қонун талабларига қатъий риоя қилинганлиги эътиборга олинади.

246-модда. Жиноят иши қўшимча терговга қайтарилганида қамоқда сақлаб туриш муддатини ҳисоблаб чиқиш

Айбланувчини қамоқда сақлаб туриш муддати тугаган жиноят ишини суд қўшимча терговга қайтарган ва ишни ҳолатларига кура қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш мумкин бўлмаган тақдирда жиноят ишини қўшимча терговга қайтарган суд томонидан қамоқда сақлаб туриш муддати бир ойгача узайтирилади, бу муддат иш прокурорга келиб тушган пайдан бошлаб ҳисобланиб, прокурор жиноят ишини уч суткадан кечиктирмай терговчига юбориши шарт. Кўрсатилган муддатни узайтириш айбланувчи иш судга юборилгунга қадар қамоқда бўлган вақтни ҳисобга олган ҳолда ушбу Кодекс 245-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган тартиб ҳамда доирада амалга оширилади.

1. Иш қўшимча терговга қайтарилган ҳолларда, айбланувчини қамоқда сақлаш муддати тугаган ва ишнинг ҳолатларига кўра қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш мумкин бўлмаган тақдирда суд муддатни бир ойга узайтириши мумкин. Ушбу ҳолатда муддат иш қўшимча тергов ўтказиш учун прокурорга келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. Прокурор иш суддан келиб тушган пайтдан бошлаб уч сутка ичида ишни қўшимча тергов ўтказиш учун терговчига юбориши ёки ўзи шахсан терговга киришиши керак.

Жиноят иши қўшимча терговга қайтарилганида айбланувчини қамоқда сақлаш учун бир ойгача узайтириладиган муддатни яна узайтириш зурурати туғилганда, ЖПК 245-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган тартиб ва доирада иш юритилади. Жиноятлар тергов қилинаётганда қамоқда сақлаб туриш умумий муддати кўпи билан фақат уч ойни ташкил этиб, айбланувчини қамоқда сақлаш муддатини яна узайтиришга ЖПК 245-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг илтимосномаларига биноан, улар сўраши мумкин бўлган муддат доирасида йўл қўйилади.

247-модда. Қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тартиби

Айбланувчини қамоқда сақлаб туришнинг белгиланган муддати тугашидан камида олти сутка олдин тегишли прокурор қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради, бу қарор судга юборилади.

Қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорда терговнинг чузилиб кетганлиги сабаблари текширилиши лозим бўлган тусмоллар ва ҳолатлар, қўшимча равишда сўралаётган муддат кўрсатилиши керак.

Қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир этилган ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий судининг судьяси бўлмаган ёхуд қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги материални кўриб чиқишида унинг иштирокини

истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соат ичида ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади.

Қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, айбланувчи, агар ишда қатнашаётган бўлса, ҳимоячи иштирокида кўриб чиқилади. Зарур ҳолларда терговчи судга чақирилиши мумкин.

Айбланувчи стационар суд-психиатрия экспертизасидан ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилган тақдирда, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома суд томонидан айбланувчининг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин. Бунда айбланувчининг ҳимоячиси суд мажлисида иштирок этиши шарт.

Судья қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб қўйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

1) қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида;

2) қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисида.

Судьянинг қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш ҳақидаги ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисидаги ажрими ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро қилиниши керак. Судьянинг ажрими ижро учун прокурорга, маълумот учун эса айбланувчига, ҳимоячига юборилади. Судьянинг ажрими устидан ушбу Кодекс 241-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидаларга биноан етмиш икки соат ичида апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

1) судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантIRMасдан қолдиришга;

2) судьянинг ажримини бекор қилиш ва қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад этишга ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришга ҳақли. Қамоқда сақлаб туриш муддати тугаб, озод этилган айбланувчига нисбатан қамоқда сақлаб туриш муддати узайтирилган тақдирда, суд унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаши керак.

1. Айбланувчини қамоқда сақлаб туришнинг белгиланган муддати тугашидан камида олти сутка олдин прокурор қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома кўзгатиш ҳақида қарор чиқаради ва бу қарор судга юборилади. Қарорда терговнинг узайтириш сабаблари, қўшимча исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ҳамда сўралаётган муддат кўрсатилиши керак.

2. Қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир этган ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, худдий ҳарбий судининг судьяси бўлмаган ёхуд қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан яқка тартибда, илтимоснома ва материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соат ичида ёпик суд мажлисида кўриб чиқилади.

3. Суд мажлисида прокурор, айбланувчи, ҳимоячи, зарур ҳолларда терговчи иштирок этади. Агар айбланувчи стационар суд-психатрия экспертизасидан ўтказиш учун тиббиёт муассасасига жойлаштирилган бўлса, айбланувчининг илтимосномаси унинг иштироксиз кўриб чиқилиши мумкин.

4. Қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, айбланувчи ва ҳимоячи (агар у ишда катнашаётган бўлса) иштирокида кўрилади. Бундай илтимосномани суд мажлисида кўришда терговчи ҳам иштирок этиши мумкин.

5. Қонунда кўрсатилган камоқ муддати тугаган ва муддат тегишли тартибда узайтирилмаган ҳолларда камоқдаги шахс дарҳол озод қилинади (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 9 декабрдаги «Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги №31-сонли буйруғи).

248-модда. Қамоқда қонунга хилоф равишда сақлаб туриш туфайли етказилган зарарни қоплаш

Эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда қонунга хилоф равишда сақлаб туриш туфайли шахсга етказилган зиён, башарти кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган бўлса ёки жиноят иши ушбу Кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра тугатилган бўлса, тўлиқ ҳажмда қопланади. Бунда ушбу Кодекснинг еттинчи бўлими қоидалари қўлланилади.

1. Ноқонуний тарзда эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақлаб туриш оқибатида шахсга етказилган зиён, башарти кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган ёки ЖПКнинг 83-моддасига кўра иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаганлиги, қилмишда жиноят таркиби йўқлиги ёки шахснинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаганлиги туфайли иш тугатилган бўлса, тўлиқ ҳажмда қопланади.

2. Ноқонуний тарзда эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақлаб туриш оқибатида етказилган зиённи ундиришда ЖПКнинг еттинчи бўлимидаги реабилитация этилган шахсга етказилган зиённи қоплаш ва унинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш тартибига (ЖПК 304-313-моддаларининг шарҳига қаранг) амал қилинади.

249-модда. Гаров

Гаров айбланувчи, судланувчи, уларнинг қариндошлари, бошқа фуқаролар ёки юридик шахслар томонидан дастлабки тергов органи ёки суднинг депозит ҳисоб варағига топши-

риладиган пул маблаги ёки қимматбаҳо буюмлардан иборат-дир. Гаров тариқасида кучмас мулк ҳам қабул қилиниши мумкин.

Гаровни қабул қилиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор баённома тузади, суд эса суд мажлиси баённомасига тегишлича ёзиб қўяди. Баённомада айбланувчига, судланувчига унинг ушбу Кодекснинг 46-моддасида кўрсатилган мажбуриятлари тушунтирилганлиги ва бу мажбуриятларни бузмасликка у сўз берганлиги, гаровга қўювчига эса, айбланувчи, судланувчи мажбуриятларини бажармаган тақдирда гаровга қўйилганларидан маҳрум бўлиши маълум қилингани кўрсатилиши лозим. Баённома гаровни қабул қилган мансабдор шахс, гаровга қўювчи ва айбланувчи, судланувчи томонидан имзоланади.

Гаров суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан оз бўлиши мумкин эмас ва уни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд айбловнинг оғирлигини, айбланувчининг, судланувчининг ва гаровга қўювчининг шахсини, гаровга қўювчининг мулкӣ аҳволини ва унинг айбланувчи билан муносабатларини эътиборга олиб белгилайди.

Гаровни топшириш вақтида, гаровга қўювчи шу эҳтиёт чораси танланган ишнинг моҳияти, айбланувчига, судланувчига тайинланиши мумкин бўлган жазо ва ўзининг жавабгарлиги тўғрисида хабардор қилиниши лозим. У ўзининг олган мажбуриятдан гаровнинг давлат фойдасига утиб кетиши учун сабаб бўладиган асослар келиб чиққунга қадар воз кечиши мумкин.

Гаровга қўювчи айбланувчининг, судланувчининг хулқатворини кузатишга имкони бўлмаганлигини баҳона қилишга ҳақли эмас, у бартараф этиб бўлмайдиган вазиятнинг таъсирини исботлаб берадиган ҳоллар бундан мустасно.

Эҳтиёт чорасини ўзгартириш уни танлаш шартшароитлари бузилганлиги туфайли рўй бермаётган бўлса, шунингдек, иш бўйича иш юритиш тугатилган ҳолларда ёхуд суд ҳукми кучга кириши муносабати билан гаров гаровга қўювчига қайтарилади.

Айбланувчи, судланувчи зиммасига олган мажбуриятларини бузган тақдирда гаров суд ажрими билан давлат фойдасига ўтказилади ва айбланувчига, судланувчига нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланилади.

1. Гаров суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан айбланувчи ва судланувчига нисбатан ЖПКнинг 236-моддасида кўрсатилган мақсадларда қўлланиладиган, иқтисодий характердаги эҳтиёт чорасидир. Гаров сифатида айбланувчи ёки судланувчининг ўзи, уларнинг қариндошлари ёки юридик шахслар суднинг депозит ҳисоб варағига пул маблағи ёки кимматбаҳо буюмларни топширишлари мумкин, шунингдек, кўчмас мулк ҳам гаров сифатида қабул қилинади. Унинг мазмуни шундаки, айбланувчи, судланувчи гаровга қўйилган пул ёки бошқа кимматбаҳо нарсаларни қайтариб олиш, улардан айрилиб қолмаслик учун тергов ва судда фаол иштирок этишга ҳаракат қилади.

2. Гаров суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан оз бўлиши мумкин эмас.

3. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан гаров суммасини белгилашда: а) айбловнинг оғирлиги; б) айбланувчи, судланувчи ва гаровга қўювчининг шахси; в) гаровга қўювчининг мулкӣ аҳволи; г) гаровга қўювчининг айбланувчи билан муносабатлари эътиборга олинади.

4. Гаровга қўювчи пул маблағи ёки бошқа қимматликларни дастлабки тергов органи ёхуд суднинг депозит ҳисоб варағига ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилгандан кейин, суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан гаровни қабул қилиш ҳақида баённома тузилади. Суд эса ушбу маълумотларни суд мажлиси баённомасига тегишлича ёзиб қўяди. Баённомада: унинг ким томонидан тузилганлиги (мансаби, унвони, фамилияси, исми, отасининг исми); жиноят ишининг тартиб рақами; гаров тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилаётган айбланувчи, судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, ЖКнинг қайси моддасида кўрсатилган жиноятни содир этишда айбланаётганлиги; гаровнинг ким томонидан қўйилаётганлиги; айбланувчи, судланувчига айбловнинг моҳияти, унинг ЖПКнинг 46-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қўлланилиши мумкин бўлган жазо чораси, ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда гаровнинг давлат ҳисобига ўтказилиши тушунтирилганлиги; айбланувчининг ўзига юклатилган мажбуриятларни тўлиқ бажаришга розилиги; гаровга қўювчига айбланувчи мажбуриятларини бажармаган тақдирда гаровга қўйилганларидан маҳрум бўлиши маълум қилинганлиги; тергов органи ёки суднинг депозит ҳисоб

варағига ўтказилган гаров суммаси қайд этилади. Гаров юридик шахс томонидан қўйилган ҳолларда эса, юридик шахснинг (корхона, муассаса, ташкилот) номи, унинг манфаатларини ифодалаган аъзосининг фамилияси, исми, отасининг исми баённомага қайд этилади. Баённома иштирокчиларга ўқиб эшиттирилиб, гаровни қабул қилган мансабдор шахс, гаровга қўювчи ва айбланувчи, судланувчи томонидан имзоланади.

5. Гаровни қабул қилиш ҳақидаги баённома икки нусхада тузилиб, биринчиси жиноят ишига қўшиб қўйилади, иккинчиси эса гаровга қўювчига тақдим этилади. Шу пайтдан бошлаб гаров қабул қилинган, гаровга қўювчи зиммасига айбланувчи, судланувчининг чақирувга биноан ҳозир бўлишини таъминлаш мажбурияти юклатилган ҳисобланади.

6. Гаровни топшириш вақтида гаровга қўювчини ушбу эҳтиёт чораси танланган ишнинг, яъни содир этилган жиноятнинг моҳияти, айбланувчи, судланувчига тайинланиши мумкин бўлган жазо ва ўзининг жавобгарлиги, агар чақирувга биноан айбланувчи, судланувчининг ҳозир бўлишини таъминланмаса, гаров суммаси давлат фойдасига ўтиши тўғрисида хабардор қилиш лозим. Гаровга қўювчи айбланувчи, судланувчининг хулқ-атворини кузатишга имкони бўлмаганлигини баҳона қилишга ҳақли эмас, у бартараф этиб бўлмайдиган вазиятнинг таъсирини исботлаб берадиган ҳоллар бундан мустасно.

У ўзининг олган мажбуриятдан гаровнинг давлат фойдасига ўтиб кетиши учун сабаб бўладиган асослар келиб чиққунга қадар воз кечиши мумкин. Гаровга қўювчи ўзига юклатилган мажбуриятлардан воз кечган ҳолларда ҳам гаров бошқа эҳтиёт чорасига алмаштирилади. Гаровга қўювчи ўзига юклатилган мажбуриятлардан, масалан, бошқа жойга доимий яшаш учун қўчиб кетиши муносабати билан воз кечиши мумкин. Гаровга қўювчи ўзига юклатилган мажбуриятлардан воз кечишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ариза билан гаровни қабул қилган мансабдор шахсга мурожаат қилади.

7. Гаровга қўювчининг аризаси қаноатлантирилса, эҳтиёт чорасини ўзгартириш уни танлаш шарт-шароитлари бузилганлиги туфайли рўй бермаётган бўлса, шунингдек, иш бўйича иш юритиш тугатилган ҳолларда ёхуд суд ҳукми кучга кириши муносабати билан гаровга қўйилган пул маблағи ёки бошқа қимматликлар гаровга қўювчига қайтарилади.

8. Айбланувчи, судланувчи зиммасига олган мажбуриятларини бузган тақдирда, гаров суд ажрими билан давлат фойдасига ўтказилади ва айбланувчи, судланувчига нисбатан гаровдан жиддийроқ (масалан, камоққа олиш) эҳтиёт чораси қўлланилади. Бундай ҳолларда гаровга қўювчи ўзига етказилган зиёни гаровда бўлган шахсдан ундириб олишга ҳақли. Ушбу масалани суд фуқаролик ишларни юритиш тартибида ҳал қилади.

250-модда. Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат

Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат айбланувчининг ёки судланувчининг суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга тергов ва суддан яширинмаслик, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслик, жиноий фаолият билан шуғулланмаслик, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақируви билан етиб келиш ҳақида берган ёзма мажбуриятдан иборатдир. Тилхат берувчи шахс бундан ташқари ўз зиммасига суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг ижозатисиз ушбу аҳоли пунктидан чиқиб кетмаслик ва шу аҳоли пункти доирасида истиқомат жойини ўзгартирса, бу ҳақда уларни хабардор қилиш мажбуриятини олади.

Айбланувчи ёки судланувчи ўз зиммасига олган мажбуриятларини бузган тақдирда унга нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин, бу ҳақда у тилхат олиш чоғида огоҳлантирилади.

1. Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат айбланувчи ёки судланувчи томонидан суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга берилган: а) тергов ва суддан яширинмаслик; б) жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслик; в) жиноий фаолият билан шуғулланмаслик; г) терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан етиб келиш; д) уларнинг ижозатисиз ўзи истиқомат қилаётган аҳоли пунктидан чиқиб кетмаслик; е) шу аҳоли пункти доирасида ўз истиқомат жойини ўзгартирса, бу ҳақда терговчи, прокурор ёки судни хабардор қилиш тўғрисидаги ёзма огоҳлантириш мажбуриятидир. Тилхат олиш чоғида айбланувчи ёки судланувчи ўз зиммасига олган мажбуриятларини бузган тақдирда унга нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилади.

2. Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат асосан эркинликда қолиши жиноят судлов ишларини нормал юри-тишга жиддий хавф туғдирмайдиган (масалан, доимий яшаш жойи, машғулоти, оиласи бўлган) айбланувчи, судланувчиларга нисбатан қўлланилади. Ушбу эҳтиёт чораси келгусида дастлаб-ки тергов ёки суддан бўйин товлаши, янги жиноятлар содир қилиши ёки иш бўйича тергов ва судда иштирок этувчи шах-сларга ғайрихукукий таъсир ўтказиши эҳтимол бўлган, шунинг-дек, доимий турар жойи бўлмаган айбланувчи ёки судланувчи-ларга нисбатан қўлланмайди.

3. Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат айбланувчи ёки судланувчи номидан тузилади. Тилхатда: тилхат берилган кун, йил, жойнинг номи; айбланувчи, судланувчининг фамилия-си, исми, отасининг исми; яшаш жойи; ЖПКнинг 250-моддаси талаблари билан танишиб чиққанлиги; ўз зиммасига тергов ва суддан яширинмаслик, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш-га тўскинлик қилмаслик, жинойи фаолият билан шуғуллан-маслик, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан етиб келиш, уларнинг ижозатисиз ўзи истиқомат қилаётган аҳоли пунктидан чиқиб кетмаслик, шу аҳоли пункти доирасида ўз истиқомат жойини ўзгартирса, бу ҳақда уларни хабардор қилиш мажбуриятларини олганлиги; ушбу тилхатни бузган тақдирда, ўзига нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилганлиги қайд этилади. Тилхат айбланувчи ёки судланувчи ҳамда тилхатни олган мансабдор шахс томонидан имзоланади. Тилхат икки нусхада тузилиб, бир нусхасига жиноят ишига қўшиб қўйилади, иккинчи нусхаси айбланувчи ёки судланувчига топширилади.

251-модда. Шахсий кафиллик

Шахсий кафиллик ишончга сазовор бўлган шахсларнинг айбланувчи, судланувчи муносиб хулқ-атворда бўлишига кафил эканликлари ҳақида ёзма мажбурият олишидан иборатдир.

Кафиллар сонини суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд белгилайди. Алоҳида ҳолларда юксак ишончга сазовор бўлган битта шахс ҳам кафил бўлиши мумкин.

Кафиллар ушбу эҳтиёт чораси қўлланилишига сабаб бўлган айбловнинг моҳияти, айбланувчига қўлланилиши мумкин бўлган жазо, олдини олиш мақсадида кафиллик тариқасидаги эҳтиёт чораси қўрилган ҳаракат айбланувчи, судланувчи томонидан содир этилган тақдирда кафилларнинг жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилиши лозим. Бу маълумотлар кафилликка бериш баённомасида қайд қилиниб, уни шу эҳтиёт чорасини қўллаётган мансабдор шахсе, айбланувчи, судланувчи ва кафиллар имзолаши лозим ёки бу маълумотлар суд мажлиси баённомасида акс эттирилади. Бундан ташқари, ҳар бир кафилликка олувчи кафиллик тўғрисида тилхат беради.

Кафиллар уларни жавобгарликка тортиш учун сабаб бўладиган асослар келиб чиққунга қадар ўз зиммаларига олинган мажбуриятлардан воз кечишлари мумкин.

Кафиллар айбланувчининг, судланувчининг хулқ-атворини қузатишига имкони бўлмаганлигини баҳона қилишга ҳақли эмаслар, улар бартараф этиб бўлмайдиган вазиятнинг таъсирини исботлаб берадиган ҳоллар бундан мустасно.

Айбланувчи, судланувчи олди олиниши учун шахсий кафиллик қўлланилган ҳаракатларни содир этган тақдирда, кафил қонунда белгиланган жавобгарликка тортилиши мумкин.

1. Шахсий кафиллик ишончга сазовор бўлган шахсларнинг ўз зиммаларига айбланувчи, судланувчи муносиб хулқ-атворда бўлишига кафил эканликлари ҳақида ёзма мажбурият олишидир. Кафилликни амалга ошириш учун ҳар икки тараф – айбланувчи, судланувчи ва кафилнинг ихтиёрий хоҳиш билдириши зарур. Айбланувчи, судланувчи суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ёки судга ўзларини ким шахсий кафилликка олиши мумкинлигини маълум қилишлари ёхуд кафилларнинг ўзи жиноий жавобгарликка тортилаётган шахслар эркинликда қолдирилса, уларнинг муносиб хулқ-атворида кафил бўлиш истаги тўғрисида юқоридаги органлар ва судга мурожаат қилишлари мумкин.

2. Айбланувчи, судланувчини уларнинг қариндошлари, қўшнилари, дўстлари ёки яқин танишлари кафилликка олиши мумкин. Кафилларнинг сони суриштирувчи, терговчи, проку-

рор ёки суд томонидан белгиланади. Алоҳида ҳолларда юксак ишончга сазовор бўлган битта шахс ҳам кафил бўлиши мумкин. Ишончга сазовор шахс деганда жамиятда муайян мавқега, обрў-эътиборга, айбланувчи, судланувчининг хулқ-атворига ижобий таъсир кўрсатиш учун етарли имкониятларга эга бўлган шахслар тушунилади. Кафил айбланувчининг рисоладагидек хулқ-атворини таъминлашга мажбур, лекин у айбланувчини қонунга итоат этувчи хулқ-атворга мажбур этиш учун юридик ваколатга эга эмас. Кафил билан айбланувчи ўртасидаги муносабат ҳуқуқий тусга эга, лекин фақат ишончга асосланган. Айбланувчи ўзини кафилликка олган шахсга нисбатан мулкӣ ва маънавий тусдаги нохушликлар юз беришини хоҳламайди ва шу сабабдан рисолага зид хулқ-атвордан ўзини тияди.

3. Айбланувчи, судланувчини шахсий кафилликка бериш тўғрисида баённома тузилади ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилади. Кафиллар ушбу эҳтиёт чораси қўлланилишига сабаб бўлган айбловнинг моҳияти, айбланувчига қўлланилиши мумкин бўлган жазо, кафилларнинг жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилганлиги ушбу баённомада қайд қилиниб, у эҳтиёт чорасини қўллаётган мансабдор шахс, айбланувчи, судланувчи ва кафиллар томонидан имзоланади. Бундан ташқари, ҳар бир кафилликка олувчидан кафиллик тўғрисида тилхат олинади.

4. Кафиллар уларни жавобгарликка тортиш учун сабаб бўладиган асослар келиб чиққунга қадар ўз зиммаларига олган мажбуриятларидан воз кечишлари мумкин. Кафилликни кафилнинг ўзи эмас, балки суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд бекор қилади, лекин кафил ўз ихтиёри билан ва ҳар қандай важлар сабабли кафилликдан воз кечишга ҳақли. Кафилликдан воз кечиш учун айбланувчи, судланувчига нисбатан ишончнинг йўқолиши ва номуносиб хулқ-атворда бўлиш эҳтимолининг мавжудлиги кифоя. Кафил бўлиш – фуқаровий мажбурият эмас. Кафилликдан воз кечиш асосларининг жиддийлигига қараб, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд кафиллик ўрнига бошқа эҳтиёт чорасини танлайди.

5. Кафиллар айбланувчи, судланувчининг хулқ-атворини кузатишга имкони бўлмаганлигини баҳона қилишга ҳақли эмаслар, улар бартараф этиб бўлмайдиган вазиятнинг таъсирини исботлаб берадиган ҳоллар бундан мустасно.

6. Кафил ўз зиммасига олган ёзма мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида айбланувчи, судланувчи олди олиниси учун шахсий кафиллик қўлланилган ҳаракатларни содир этган тақдирда, у МЖКнинг 208-моддасига биноан жавобгарликка тортилиши мумкин (кафилга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солинади).

252-модда. Жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги

Жамоат бирлашмаси ёки жамоа ишда айбланувчи, судланувчи тариқасида иштирок этишига жалб қилинган шахсни кафилликка олиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Жамоат бирлашмаси ёки жамоа ўз қарорини айбланувчининг, судланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишига кафил эканлиги тўғрисидаги ёзма мажбурият тарзида баён қилади. Бу мажбурият суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга тақдим қилинади, улар жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг қарорига рози бўлсалар, шундай эҳтиёт чорасини танлаб, бу ҳақда қарор ёки ажрим чиқарадилар. Айни вақтда жамоат бирлашмаси ёки жамоа вакилига ушбу эҳтиёт чораси қўлланилишига сабаб бўлган айбловнинг моҳияти, айбланувчига, судланувчига эса, башарти хулқ-атвори номуносиб бўлса, эҳтиёт чораси жиддийроғи билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилгани тўғрисида баённома тузилади.

Айбланувчи, судланувчи бошқа ишга ўтган ёхуд истиқомат жойини ўзгартирган тақдирда жамоат бирлашмаси ёки жамоа бу ҳақда эҳтиёт чорасини танлаган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга дарҳол хабар бериши шарт. Бундай ҳолларда жамоа кафиллиги бекор қилинади ва бошқа эҳтиёт чораси билан алмаштирилиши мумкин.

Айбланувчининг, судланувчининг хулқ-атвори номуносиб бўлган тақдирда жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафилликдан воз кечишга ҳақлидир.

1. Жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги дейилганда, айбланувчи, судланувчининг истиқомат жойи, ўқийдиган сҳуд меҳнат қиладиган жамоа ёки у аъзо бўлган касаба уюш-

маси ва бошқа бирлашмаларнинг тегишли шахсни кафилликка олиш тўғрисидаги қарори тушунилади. Мазкур эҳтиёт чораси танланганда, айбланувчи, судланувчи жамоага панд бермаслик, ўзига билдирилган ишончни оклаш мақсадида тегишли хулқ-атворда бўлишга интилади.

2. Кафиллик масаласини жамоат бирлашмаси ёхуд жамоа раҳбари жамоа аъзолари билан маслаҳатлашмаган ҳолда ҳал этиши одил судлов манфаатларига мос келмайди. Шу сабабли суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд кафиллик ёки ундан воз кечиш масаласини қайта кўриб чиқиш учун жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг умумий йиғилишини чақирилишини талаб қилишга ҳақлидир. Кафилликка берилаётган шахс жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг йиғилишида қатнашиши мақсадга мувофиқ. Агар кафиллик тўғрисида асосланган қарор чиқариш учун зарур бўлса, жамоат бирлашмаси ёки жамоа ўз вакили орқали терговчининг розилигини олиб, иш материаллари билан танишиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга умумий йиғилиш ўтказилгани, унда иштирок этганлар сони, сўзга чиққанларнинг мулоҳазалари ва овоз бериш натижалари кўрсатилган ҳолда йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланган қарор ва шахснинг тегишлича хулқ-атворига кафиллиги тўғрисида жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг ёзма мажбурияти юборилиши лозим. Улар жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг қарорига рози бўлсалар, шундай эҳтиёт чорасини танлаб, бу ҳақда қарор ёки ажрим чиқарадилар. Айтилиши вақтда жамоат бирлашмаси ёки жамоа вакилига ушбу эҳтиёт чораси қўлланилишига сабаб бўлган айбловнинг моҳияти, айбланувчига, судланувчига эса, башарти хулқ-атвори номуносиб бўлса, эҳтиёт чораси жиддийроғи билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилгани тўғрисида баённома тузилади.

3. Жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг қарорини бажариш суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд учун мажбурий эмас, яъни кафилликка бериш тўғрисидаги қарор рад қилиниши мумкин. Шунингдек, ўзининг аъзоси учун кафил бўлишни хоҳламаган жамоат бирлашмаси ёки жамоага кафилликни зўрлаб ўтказиш мумкин эмас.

Жамоат бирлашмаси ёки жамоа фақат ўз аъзолари учун кафил бўлиши мумкин, ўзи билмайдиган ва хулқ-атворини назорат қила олмайдиган айбланувчи, судланувчиларга кафил бўла олмайди.

4. Айбланувчи, судланувчи бошқа ишга ўтган ёхуд истикомат жойини ўзгартирган тақдирда жамоат бирлашмаси ёки жамоа бу ҳақда эҳтиёт чорасини танлаган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга дарҳол хабар бериши шарт. Бундай ҳолларда жамоа кафиллиги бекор қилиниб, бошқа эҳтиёт чораси билан алмаштирилиши мумкин.

5. Айбланувчининг, судланувчининг хулқ-атвори номуносиб бўлган тақдирда жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафилликдан воз кечишга ҳақлидир (ЖПК 251-моддасининг шарҳига қаранг).

253-модда. Вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш

Вояга етмаганларни ота-оналари, васийлари, ҳомийлари, болалар муассасасининг маъмурияти кузатув остига олиши учун топшириш ушбу Кодекснинг 556-моддасида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

1. Вояга етмаган шахсни ота-онаси, васийлар, ҳомийлар ёки болалар муассасаси раҳбарларининг кузатув остига олиши учун топшириш мазкур шахслардан биронтаси вояга етмаганнинг терговчи, прокурор ҳузурига ва судга ўз вақтида келишини, шунингдек, айбланувчининг ЖПКнинг 46-моддасида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаришини таъминлаш масъулиятини ёзма равишда ўз зиммасига олишидан иборатдир.

2. Вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш бошқа эҳтиёт чораларидан фарқли ўлароқ, фақат ўн саккиз ёшга тўлмаган айбланувчиларга нисбатан қўлланилади.

3. Вояга етмаганларни ота-оналари, васийлари, ҳомийлари, болалар муассасасининг маъмурияти кузатув остига олиши учун топшириш ЖПКнинг 556-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади (ушбу модданинг шарҳига қаранг).

4. Прокуратура органлари вояга етмаганларни оилага, меҳрибонлик уйлари ва интернат муассасаларига, васийлик ва ҳомийликка ўз вақтида топширилиши устидан доимий назоратни амалга оширадilar (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги «Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги №27-сонли буйруғи).

**254-модда. Ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан
қўмондонлик кузатуви**

Айбланаётган муддатли ҳарбий хизматчи ёки ўқув йиғинига чақирилган ҳарбий хизматга мажбур шахс суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими бўйича ҳарбий қисм, қўшилма, ҳарбий муассаса, ҳарбий ўқув юрти қўмондонлигининг кузатувиغا берилиши мумкин.

Қўмондонлик кузатуви қонун ҳужжатларида назарда тутилган ва айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлайдиган чораларни кўришдан иборат.

Ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими қўмондонлик учун мажбурийдир, унга ҳарбий хизматчи устидан кузатув ўрнатиш заруратини келтириб чиқарган айбловнинг моҳияти тушунтирилиши лозим. Айбланувчи олдини олиш мақсадида мазкур эҳтиёт чораси қўлланилган ҳаракатларни содир этган тақдирда, қўмондонлик суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судни бу ҳақда дарҳол хабардор қилиши шарт.

1. Жиноят содир этишда айбланаётган муддатли ҳарбий хизматчи ёки ўқув йиғинига чақирилган ҳарбий хизматга мажбур шахс суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими бўйича ҳарбий қисм, қўшилма, ҳарбий муассаса, ҳарбий ўқув юрти қўмондонлигининг кузатувиغا берилиши мумкин. Ушбу эҳтиёт чораси кафилликнинг ўзига хос тури бўлиб, айбланувчи, судланувчи муносиб хулқ-атворда бўлиши ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан ҳарбий низомларда белгиланган чоралар воситасида таъминланади.

2. Қўмондонлик кузатуви бирор лавозимни эгалламаган оддий ҳарбий хизматчига нисбатан қўлланилиб, мазкур эҳтиёт чорасини танланиши учун у айбланувчи тарихида ишда иштирок этишга жалб қилинган бўлиши лозим.

3. Қўмондонлик кузатуви айбланаётган ҳарбий хизматчи келгусида содир этиши эҳтимол бўлган жиноий фаолиятининг олдини олиш, терговга тўсқинлик қилмаслигини таъминлаш мақсадида қўлланади. Бунинг учун айбланувчининг хулқ-атвори устидан кузатувни амалга оширувчи қўмондонликдан

розилик олиш талаб қилинмайди. Ушбу эҳтиёт чорасини қўл-
лаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш туғрисидаги суриштирувчи,
терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими қўмондон-
лик учун мажбурийдир, унга ҳарбий хизматчи устидан кузатув
ўрнатиш заруратини келтириб чиқарган айбловнинг моҳияти
тушунтирилиши лозим.

4. Агар ҳарбий хизматчи оғир ёки ўта оғир жиноят содир
этишда айбланаётган бўлса, уни қисмнинг доимий назорат
ўрнатилган махсус тартибли хонасига жойлаштирилади. Қўмон-
донлик кузатуви остидаги ҳарбий хизматчининг тергов, прокура-
тура, суд идораларига қуролланган соқчилар олиб боради ва
олиб келади.

5. Қўмондонлик кузатуви остидаги ҳарбий хизматчининг
ота-оналари, қариндошлари ёки бошқа шахслар билан
қўришиши кузатувни қўллаган терговчи ёхуд суднинг рухсати
билан амалга оширилади.

6. Ҳарбий қисм қўмондони кузатув қоидаларини бузгани
ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг
Уставига асосан жавобгарликка тортилади.

7. Кузатув остидаги ҳарбий хизматчи ўз мажбуриятларини
бажармаган ва олдини олиш мақсадида мазкур эҳтиёт чораси
қўлланилган ҳаракатларни содир этган тақдирда, бу ҳақда
ҳарбий қўмондонлик шу эҳтиёт чорасини қўллаган суриш-
тирувчи, терговчи, прокурор ёки судга хабар бериши лозим.

255-модда. Айбланувчини, судланувчини лавозимдан четлаштириш асослари

Башарти айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, у жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўсқинлик қилади ёки жинорий фаолиятини давом эттиради деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд уни лавозимдан четлаштиришга ҳақлидир.

1. Айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса: а) мансабини суистеъмом қилиш йўли билан жинорий фаолиятини давом эттиради; б) ҳақиқатни аниқлашга; в) жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўсқинлик қилади, деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, у суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан лавозимдан вақтинча четлаштирилади.

2. Айбланувчи ва судланувчига нисбатан лавозимдан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллашда шахснинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 37-моддаси, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 23-моддаси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 7-моддасидаги меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш каби ҳуқуқлари эътиборга олинishi лозим.

3. Лавозимдан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораси фақат мансабдор шахсларга эмас, балки ҳар қандай тоифадаги шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

4. Лавозимдан четлаштириш ЖКнинг 47-моддасида назарда тутилган хизмат бўйича чеклашга ҳам ўхшайди, лекин улар қўлланиш мақсадлари бўйича бир-биридан кескин фарқ қилади. Хизмат бўйича чеклаш жазо чораси бўлиб, у фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилса, лавозимдан четлаштириш ҳар қандай айбланувчи, судланувчига нисбатан қўлланадиган вақтинчалик процессуал мажбурлов чорасидир.

256-модда. Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим

Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида тўхтамга келгач, суриштирувчи, терговчи, прокурор бу ҳақда қарор, суд эса ажрим чиқаради. Суриштирувчи ва терговчининг бу тўғридаги қарорига прокурор розилик бериши лозим.

Қарорда ёки ажримда: лавозимидан четлаштириладиган шахс; унинг иш жойи; лавозимидан четлаштириш асослари; айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида корхона, муассаса, ташкилотнинг ваколатли раҳбарига қаратилган талаб кўрсатилган бўлиши лозим.

Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим корхона, муассаса, ташкилот раҳбари учун мажбурий бўлиб, у қарор ёки ажримни олгач, уни зудлик билан ижро этиши ва айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақида қарор ёки ажрим чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд судга бу ҳақда хабар бериши шарт.

1. Терговчи, прокурорнинг айбланувчи, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги қарори ёки суднинг ажрими мазкур процессуал мажбурулов чорасини амалга оширишдаги асосий ҳужжат ҳисобланади. Суриштирувчи ва терговчининг бу тўғридаги қарорига прокурордан розилик олиш талаб этилади.

2. Лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажримда: қарор ёки ажрим чиқарилган сана (кун, йил), жой (шаҳар, туман); қарор ёки ажримни тузган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, мансаби, унвони; жиноят ишининг тартиб рақами; лавозимидан четлаштириладиган шахс тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи, мансаби); содир этилган жиноятнинг қисқача тавсифи; ЖКнинг қайси моддаси бўйича жиноят иши кўзғатилганлиги; лавозимидан четлаштириш асослари; қарор ёки ажрим ижро этиш учун қайси корхона, муассаса, ташкилотнинг ваколатли раҳбарига юборилаётганлиги; айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш ва бу ҳақда унга эълон қилиш тўғрисида корхона, муассаса, ташкилотнинг ваколатли раҳбарига қаратилган талаб;

қарор ёки ажримнинг айбланувчи, судланувчига эълон қилинган вақти кўрсатилган бўлиши лозим. Қарор ёки ажрим уни тузган мансабдор шахс ҳамда лавозимидан четлаштирилаётган айбланувчи, судланувчи томонидан имзоланади, Шунингдек, суриштирувчи, терговчининг қарорида жиноят иши устидан назоратни амалга оширувчи прокурорнинг розилиги қайд этилади.

3. Ушбу қарор ёки ажрим корхона, муассаса, ташкилот раҳбари учун мажбурий бўлиб, у қарор ёки ажримни олгач, уни зудлик билан ижро этиши ва айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақида қарор ёки ажрим чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд судга бу ҳақда хабар бериши шарт.

257-модда. Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги қарорнинг ёки ажримнинг амал қилиш муддати

Лавозимидан четлаштириш чорасига кейинчалик зарурат қолмаган тақдирда айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд суд томонидан бекор қилинади.

Суд оқлов ҳукмида ёки ишни тугатиш ҳақидаги ажримда судланувчини лавозимидан четлаштиришни бекор қилади.

1. Қуйидаги ҳолларда айбланувчи, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд суд томонидан бекор қилинади:

а) мазкур процессуал мажбурлов чорасига зарурат қолмаганда;

б) судланувчини жазодан озод қилиб ёки унга нисбатан жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқарилганда (ЖПК 463-моддасининг иккинчи, учинчи қисмлари);

в) судланувчига нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганда (ЖПКнинг 464-моддаси);

г) жиноят иши тугатилганда (ЖПК 373-моддасининг шарҳига қаранг).

Шунингдек, айбланувчи, судланувчининг корхона, муассаса, гашкилот билан тузган меҳнат шартномасининг муддати ўтган ёки у эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган ҳолларда ҳам лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим бекор қилинади.

2. Лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги қарорнинг бекор қилинганлиги тўғрисидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг оқлов ҳукми ёки ишни тугатиш тўғрисидаги ажрими айбланувчи, судланувчи ишлаётган корхона, муассаса, ташкилотга юборилади. Айбланувчи, судланувчига нисбатан жиноят иши тугатилган ёки оқлов ҳукми чиқарилган ҳолларда мазкур ҳужжатда айбланувчи, судланувчини ўз лавозимига қайта тиклаш тўғрисидаги талаб қайд этилиши лозим.

258-модда. Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим устидан шикоят қилиш

Суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарори асосида лавозимидан четлаштирилган айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили, шунингдек, лавозимидан четлаштирилган шахс ишлаган корхона, муассаса, ташкилот раҳбари юқори турувчи прокурорга ушбу қарор устидан шикоят қилишга ҳақлидир. Судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан манфаатдор шахслар томонидан юқори судга хусусий шикоят берилиши мумкин.

1. Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарори устидан юқори турувчи прокурорга куйидаги шахслар шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар: а) лавозимидан четлаштирилган айбланувчи; б) унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили; в) лавозимидан четлаштирилган шахс ишлаган корхона, муассаса, ташкилотнинг раҳбари.

2. Судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан судланувчининг ўзи ва юқорида санаб ўтилган манфаатдор шахслар томонидан юқори судга хусусий шикоят берилиши мумкин.

259-модда. Айрим тоифадаги мансабдор шахсларни лавозимдан четлаштириши

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, башарти улар ишда айбланувчи, судланувчи тариқасида иштирок этиш учун жалб қилинган бўлсалар, лавозимдан четлаштирилган ҳисобланади.

1. Айрим тоифадаги мансабдор шахслар доирасига жиноят ишини юритишга масъул бўлган шахслар – суриштирувчи, терговчи, прокурор киради. Ушбу шахслар жиноят иши бўйича айбланувчи, судланувчи тариқасида иштирок этиш учун жалб қилинган бўлсалар, уларни айбланувчи, судланувчи тариқасида ишга жалб этиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб лавозимдан четлаштирилган ҳисобланади.

2. Судья, халқ депутатлари, ҳокимлар, вазирлар, қўмита раислари ва уларнинг ўринбосарлари ва шу каби мансабдор шахслар лавозимдан четлаштириш тегишли ваколатли органларнинг қарорлари ҳамда қонун талаблари асосида амалга оширилади. Судья ёки халқ депутатларини тегишли ваколатли органларнинг рухсатисиз лавозимдан четлаштирилган ҳолларда, улар ўз лавозимида дарҳол тикланади ҳамда бунга айбдор бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласи ҳал этилади.

260-модда. Шахсни лавозимдан қонунга ҳилоф равишда четлаштириши оқибатида етказилган зиённи қоплаш

Шахснинг лавозимдан қонунга ҳилоф равишда четлаштирилгани оқибатида етказилган зиён, башарти кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган ёки жиноят иши ушбу Кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра тугатилган бўлса, тўла ҳажмда қопланади.

1. Ноконуний тарзда лавозимдан четлаштириш чорасини қўллаш оқибатида шахсга етказилган зиён, башарти кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган ёки ЖПКнинг 83-моддасига кўра иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган-

лиги, қилмишда жиноят таркиби йўқлиги ёки шахснинг содир
тилган жиноятга дахли бўлмаганлиги туфайли иш тугатилган
бўлса, тулиқ ҳажмда давлат томонидан қопланади.

2. Ушбу ҳаракат натижасида зарар кўрган лавозимидан
ноқонуний четлаштирилган шахс ушбу қарор ёки ажримни
чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд устидан
фуқаровий даъво кўзғатиш ҳамда ўзига етказилган зиённи
ундиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бундай даъволар
фуқаролик иш юритиш тартибида кўриб чиқилади.

30-БОБ. МАЖБУРИЙ КЕЛТИРИШ

261-модда. Чақирувга биноан ҳозир бўлиш мажбурияти

Жиноят ишини юритиш муносабати билан суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланган тартибда чақирилган шахслар айнан кўрсатилган вақтда ҳозир бўлишлари шарт.

Узрсиз сабабларга кўра келмаганлари тақдирда улар мажбурий келтириладилар.

1. Мажбурий келтириш суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланган тартибда чақирилган шахсларнинг процессуал ҳаракатлар ёки суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун, фақатгина бир ҳолатда - башарти улар узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортганлиги аниқланган тақдирда қўлланилади.

2. Чақирувга биноан ҳозир бўлиш мажбурияти чақирув қоғозида кўрсатилган вақтдан кечиктирмай суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ҳузурига етиб келишдан иборат. Чақирув қоғозида шахс ким сифатида, қайси манзилга ва кимнинг ҳузурига (чақирган шахснинг мансаби, унвони, фамилияси, исми, отасининг исми) чақириладиганлиги, қайси кун ва соатда етиб келиши кераклиги, шунингдек, узрсиз сабабларга кўра келмай қолган тақдирда қандай оқибатлар рўй бериши кўрсатилган бўлиши лозимлиги қайд этилади. Чақирув қоғози тегишли мансабдор шахснинг имзоси ва чақириладиган идоранинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

3. Чақирув қоғози чақирилувчига топширилиб, ундан тилхат олинади. Чақирув қоғози олиб борилганда чақирилувчи вақтинча йўқ бўлса, унга бериб қўйиш учун чақирув қоғози у билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларидан бирига, ётоқхона маъмуриятига, уй эгасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, тилхат олинади. Айнан шу тилхат чақирувга биноан келмаган шахс процессуал мажбуриятларини бажармаганлигидан далолат беради ва унга нисбатан мажбурий келтириш тарзидаги чора қўлланилишига асос бўлади.

4. Куйидаги ҳолатлар чақирув бўйича етиб келмасликнинг узрли сабаблари сифатида эътироф этилиши мумкин: а) унинг юкумли ёки оғир касалликка чалинганлиги (бу ҳолат соғлиқни сақлаш муассасасининг шифокори томонидан берилган маълумотномага кўра аниқланиб, унда касалликнинг ташхиси, беморни бир жойдан иккинчи жойга олиб боришнинг имконияти йўқлиги, касаликнинг оғирлик даражаси кўрсатилади ҳамда шифокорнинг имзоси, соғлиқни сақлаш муассасасининг муҳри билан тасдиқланади); б) бошқа жиноят иши бўйича шахснинг ҳибсга олиниши; в) Ватан манфаатларини химоя қилиш учун ҳарбий хизматга сафарбар қилиниши (ҳарбий комиссариатнинг тегишли маълумотномаси тақдим этилиши лозим); г) ота-онаси, эри (хотини) ёки фарзандларининг дафн маросимида қатнашгани (вафот этган шахснинг ўлими туғрисидаги гувоҳнома тақдим этилади). Бундан ташқари чақирувга биноан келмасликнинг бошқа сабаблари ҳам суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан узрли сабаб сифатида эътироф этилиши мумкин.

262-модда. Мажбурий келтириш лозим бўлган шахслар

Мажбурий келтириш гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг, жабрланувчининг, гувоҳнинг процессуал ҳаракатларда ёки суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун, башарти улар узрsiz сабабларга кўра келишдан бош тортганлиги аниқланган тақдирда, қўлланилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини олдиндан чақирувsiz мажбурий келтириш улар суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниб юрган ёки аниқ яшаиш жойи бўлмаган тақдирда қўлланилиши мумкин.

Судланувчининг судга келмаганлиги сабабини олдиндан аниқламасдан туриб, мажбурий келтиришга алоҳида ҳолатларда, ишни кўриш судланувчи бўлмаганлиги сабабли кейинга қолдиришга ётган ва бунда унинг турган жойи туғрисида маълумот бўлмаган тақдирда йўл қўйилади.

Гувоҳга ёки жабрланувчига нисбатан мажбурий келтиришнинг қўлланилгани уларни кўрсатув беришдан бош тортганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

1. Мажбурий келтириш асосан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳга нисбатан қўлланилади.

2. ЖПКнинг 74-моддасига биноан, холис ўзи иштирок этган тергов ҳаракатини юритиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича гувоҳ тариқасида сўрок қилинганда, ЖПКнинг 66-моддасида назарда тутилган гувоҳнинг ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларини бажаради. Бинобарин, холис гувоҳнинг мажбуриятларини бажараётган ҳолларда, унга нисбатан мажбурий келтириш тарзидаги процессуал мажбурулов чораси қўлланилиши мумкин.

3. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини олдиндан чақирувсиз мажбурий келтириш улар суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниб юрган ёки аниқ яшаш жойи бўлмаган тақдирда қўлланилиши мумкин.

4. Ишни кўриш судланувчи бўлмаганлиги сабабли кейинга қолдирилаётган ва унинг турган жойи тўғрисида маълумот бўлмаган тақдирда судланувчи судга келмаганлиги сабабини олдиндан аниқламасдан туриб мажбурий келтирилиши мумкин (ЖПК 410-моддасининг шарҳига қаранг). Бу ҳолларда суд мажбурий келтириш тўғрисида ажрим чиқариб, унинг ижросини суриштирув органига топширишга, судланувчи мажбурий келтирилгач, унга нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чорасини қўллашга ҳақли. Мажбурий келтирилган шахслар процессуал мажбуриятларини бузганликлари учун суд томонидан уларга жарима солиш ҳақида ажрим чиқаришига йўл қўйилади (ЖПК 274-моддасининг шарҳига қаранг).

5. ЖПК 145-моддасининг иккинчи қисмига биноан, гувоҳлантиришдан бош тортаётган шахслар мажбурий келтирилиши ва гувоҳлантирилиши мумкин.

263-модда. Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим

Суриштирувчи, терговчи, прокурор мажбурий келтириш тўғрисида қарор, суд эса ажрим чиқаради. Ушбу қарорда ёки ажримда: мажбурий келтирилиши керак бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; унинг процессуал мавқеи; яшаш ёки иш жойи; мажбурий келтириш учун асослар; шахсни қаерга ва қачон олиб келиш кераклиги; мажбурий келтириш кимга топширилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

1. Жинойт ишини юритиш муносабати билан суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланган тартибда чақирилган шахслар чақирувга биноан узрсиз сабабларга етиб келмаган бўлсалар, уларни мажбурий келтириш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

2. Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажримни чиқаришга шахснинг чақирув қоғозини ўз вақтида олганлиги, бу тўғрида тилхат берганлиги ва шундай бўлса ҳам белгиланган вақтда дастлабки тергов ва судга етиб келмаганлиги асос бўлади.

3. Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажримда: қарор ёки ажрим чиқарилган сана (кун, йил), жой (шаҳар, туман); қарор ёки ажримни тузган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, мансаби, унвони; жинойт ишининг тартиб рақами; мажбурий келтирилиши керак бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; унинг процессуал мавқеи; яшаш ёки иш жойи; содир этилган жинойтнинг қисқача тавсифи; мажбурий келтириш учун асослар (унга чақирув қоғози қачон топширилганлиги, қайси куни унинг узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги); шахсни (фамилияси, исми, отасининг исми) қаерга (дастлабки тергов органи ёки суднинг аниқ манзили, хонанинг рақами) ва қачон (йил, кун, соат) олиб келиш кераклиги; мажбурий келтириш кимга топширилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим. Қарор ёки ажрим уни чиқарган шахснинг имзоси билан тасдиқланади.

264-модда. Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарорни ёки ажримни бажариш

Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим ижро этиш учун иш юритилаётган жойдаги ички ишлар органига топширилади.

Мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахсни топган ички ишлар органининг ходими уни қарор ёки ажрим билан таништириб тилхат олади ва мазкур қарорни ёки ажримни чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд судга олиб келади. Бунда қарорга (ажримга) шахс топилган вақт ва жой, уни олиб келиб топширилган вақт, шунингдек, унинг

мажбурий келтирилиши билан боғлиқ ариза, шикоят ва илтимослар ҳақидаги маълумотнома илова қилиниши лозим.

Ички ишлар органи шахснинг қочиб кетганлиги, таътилда, хизмат сафарида эканлиги, оғир касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра йўқлиги оқибатида мажбурий келтиришга имкон бўлмаганлигини аниқласа, бу ҳақда маълумотнома тузади ҳамда қарорни ёки ажримни чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурорга ёхуд судга хабар беради.

1. Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим ижро этиш учун иш юритилаётган жойдаги ички ишлар органига топширилади. Ички ишлар органининг раҳбари тезкор-кидирув бўлими ходимларига ёки участка нозирларига ушбу қарор ёки ажримни ижро этиш тўғрисида топшириқ беради.

2. Мажбурий келтириш тўғрисида қарор ёки ажримни ижро этиш топширилган ички ишлар органининг ходими мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахсни қидириб топади. Кейин уни қарор ёки ажрим билан таништириб, тилхат олади ҳамда шахсни мазкур қарор ёки ажримни чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд хузурига олиб келади. Шахсни тегишли жойга келтиргандан кейин, ички ишлар органи ходими маълумотнома тузади. Ушбу маълумотномада шахс топилган вақт ва жой, уни олиб келиб топширилган вақт қайд этилиб, мажбурий келтирилган шахснинг ариза, шикоят, илтимослари илова қилинади. Маълумотнома топшириқ берган ички ишлар органи раҳбарига, терговчи, прокурор ёки судга берилади.

3. Мажбурий келтириш тарзидаги процессуал мажбурият чораси кўп ҳолларда инсонга жисмоний таъсир кўрсатиш билан боғлиқ. Қонунда мажбурий келтиришни амалга оширишда жисмоний таъсир кўрсатиш ҳақида кўрсатмалар бўлмаса ҳам, унинг мажбурийлиги қарор ёки ажримни ижро этаётган шахсларнинг итоат этишни истамаган шахсларни куч билан келтириш ҳуқуқини назарда тутаяди. ЖКнинг 40-моддасига биноан шахснинг буйруқ ёки бошқа фармойишни, шунингдек, мансаб вазифаларини қонунан бажариши туфайли зарар етказилган бўлса, у жиноят деб топилмайди. Демак, ички ишлар органи ходимлари томонидан мажбурий келтириш тўғрисидаги қарорни ижро этиш чоғида шахсга зарар (моддий, маънавий ёки жис-

моний) етказилса, бу ҳаракат жиноят ҳисобланмайди. Мажбурий келтириш чорасининг ижро этилиши ЖПК ва ички ишлар органларининг ташкилий норматив ҳужжатлари орқали гартибга солинади.

4. Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажримни ижро этиш топширилган ички ишлар органининг ходими томонидан шахснинг қочиб кетганлиги, таътилда, хизмат сафаридан эканлиги, оғир касаллиги ёки бошқа сабабларга жўра йўқлиги оқибатида мажбурий келтиришга имкон бўлмаганлиги аниқланса, бу ҳақда маълумотнома тузиб, қарор ёки ажрим чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд судга хабар беради.

31-БОБ. ШАХСНИ ТИББИЙ МУАССАСАГА ЖОЙЛАШТИРИШ

265-модда. Тиббий муассасага жойлаштириладиган шахслар

Суд-тиббийёт ёхуд суд-психиатрия экспертизасини ўтказишда стационар кузатув зарурати бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд айбланувчини ёки судланувчини, башарти улар озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятни содир этишда айбланаётган бўлсалар, тегишли тиббий муассасага жойлаштиришга ҳақлидир.

Рухий ҳолати айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ва айблов эълон қилиш имкониятини истисно этадиган шахс ҳам, агар айнан унинг ижтимоий хавfli қилмиш содир этганлигига етарлича далиллар мавжуд бўлса, экспертиза ўтказиш учун психиатрия муассасасига жойлаштирилиши мумкин.

Шахсни гумон қилинувчи тариқасида ушлаб туриш муддати стационар суд-психиатрия экспертизаси тамомлангунга қадар тугаса, гумон қилинувчининг рухий ҳолати имкон берса, унга айблов эълон қилиш ёки уни тиббий муассасадан озод қилиш ёхуд уни тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юргизиладиган шахс тариқасида эътироф этиш тўғрисида қарор чиқариш керак.

Жабрланувчилар ва гувоҳларни экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага мажбурий жойлаштириш мумкин эмас. Улар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этишда айбли эканлигини очиб бераётган ва улар берган курсатувларнинг ишончлигини текширишнинг бошқа имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

1. Ижтимоий хавfli қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни сурункали рухий касаллиги, рухий ҳолати вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа тарздаги рухий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган шахс

жавобгарликка тортилмайди (ЖК 18-моддасининг 2-қисми). Шунинг учун жиноят процессида жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахснинг акли расолиги ёки норасолиги масаласи ҳал этилиши муҳим, чунки у акли норасо деб топилса, жиноят иши алоҳида тоифага ажратилади ва ЖПКнинг 61-бобида кўрсатилган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш тартибида олиб борилади.

2. Шахсни тиббий муассасага жойлаштиришда шахснинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасидаги эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари, 26-моддасидаги ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйикка дучор этилиши, ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги ҳамда Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидаларининг 82,83-моддаларидаги қоидалар эътиборга олинishi лозим.

3. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятни содир этишда айбланаётган ёки судланаётган шахслар, руҳий ҳолати айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ва айблов эълон қилиш имкониятини истисно қиладиган шахсларнинг руҳий ҳолатини аниқлаш учун суд-тиббийёт ёки суд-психиатрия экспертизасини ўтказишда стационар доимий кузатуви зарур бўлса, улар суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёхуд суд ажрими билан тиббий муассасага жойлаштирилиши мумкин.

4. Стационар кузатуви деганда тиббий муассасага жойлаштирилган шахс устида тиббийёт соҳасидаги мутахассисларнинг ушбу муассаса шароитларида ўтказиладиган тадқиқотлари тушунилади. Стационар кузатувининг мақсади суд-тиббийёт ёки суд-психиатрия экспертизасини тайинлаган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга шахснинг руҳий ҳолати, бирон касалликка чалинганлиги, уни бартараф этиш йўллари, даволашнинг давомийлиги тўғрисидаги воқеликка мувофиқ келадиган, ҳаққоний, холисона, ишга дахлдор маълумотларни етказишдан иборат.

5. Шахсни гумон қилинувчи тариқасида ушлаб туриш муддати стационар суд-психиатрия экспертизаси тамомлангунга

кадар тугаган ҳолларда, ёки гумон қилинувчига ҳам камок қўлланилган бўлса 10 кунлик муддат тугагунча, гумон қилинувчининг рухий ҳолати имкон берса, қуйидаги учта қарордан бири қабул қилинади:

- 1) айблов эълон қилиш;
- 2) тиббий муассасадан озод қилиш;
- 3) тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахс тариқасида эътироф этиш.

6. Жабрланувчи ва гувоҳлар мажбурий тарзда тиббий ва рухий муассасаларга жойлаштирилмасликлари лозим. Лекин улар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ЖКнинг 15-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларидаги оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда айбли эканлигини очиб бераётган ва кўрсатувларнинг ишончлилигини текширишнинг бошқа имконияти бўлмаган ҳолларда тиббий муассасага жойлаштирилишлари мумкин.

266-модда. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш суриштирувчи ёки терговчининг прокурор розилик берган қарорига, прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримига асосан амалга оширилади.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда: тиббий муассасага жойлаштирилдиган шахс ва унинг процессуал мавқеи; шахс жойлаштирилаётган тиббий муассасанинг номи; зарур бўлганда шахсни шу муассасага олиб бориш тўғрисидаги фармойиш; эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарор акс эттирилади.

1. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Суриштирувчи ва терговчининг шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорига прокурордан розилик олиниши талаб этилади.

2. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда қуйидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим: қарор ёки ажрим чиқарилган сана (кун, йил), жой

(шаҳар, туман); қарор ёки ажримни тузган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, мансаби, унвони; жиноят ишнинг тартиб рақами; тиббий муассасага жойлаштириладиган шахс (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, оyi, куни, аниқ турар жойи) ва унинг процессуал мавқеи (гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, жабрланувчи); жиноят ишининг қисқача тавсифи; шахс жойлаштириладиган тиббий муассасанинг номи; ўтказилиши лозим бўлган экспертиза тури (суд-тиббий, суд-психиатрия, суд-наркологик ва бошқалар); тиббий муассасада сақлаш муддати; зарур бўлганда шахсни шу муассасага олиб бориш тўғрисидаги фармойиш; қарор ёки ажрим ижро этиш учун кимга юборилганлиги. Қарор ёки ажрим уни чиқарган шахснинг имзоси ва муҳр билан тасдиқланади. Шунингдек, суриштирувчи, терговчининг қарорига жиноят иши устидан назоратни амалга оширувчи прокурор розилиги ҳақида имзоси бўлиши шарт.

3. Ушбу қарор ёки ажримни ижро этиш тегишли тиббий муассаса учун мажбурий бўлиб, муассаса раҳбари қарор ёки ажримни олиши билан шахсни дарҳол тиббий муассасага жойлаштириш чораларини кўриши шарт.

267-модда. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириладиганда қўлланиладиган эҳтиёт чоралари

Тиббий муассасага жойлаштириладиганда айбланувчига, судланувчига ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан иш юритилаётган шахсга нисбатан, башарти бу муассаса қамоққа олинганларни сақлашга мослаштирилган бўлса, қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси танланиши мумкин. Бошқа ҳолларда кўрсатилган эҳтиёт чораси бекор қилиниши ёки енгилроғи билан алмаштирилиши лозим.

Айбланувчи, судланувчи ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан иш юритилаётган шахснинг тиббий муассасада бўлган вақти қамоқда сақлаш муддатига қўшиб ҳисобланади.

1. Тиббий муассаса қамоққа олинганларни сақлашга мослаштирилган бўлса, айбланувчи, судланувчи ёки тиббий йўсиндаги

мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан иш юритилаётган шахсга нисбатан қамокда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси танланиши мумкин. Бошқа ҳолларда, яъни тиббий муассасада қамокда сақлаш шароитлари бўлмаса, шахсни қўриқлаш чоралари қўрилади ёхуд кўрсатилган эҳтиёт чораси бекор қилиниши ёки енгилроғи билан алмаштирилиши лозим.

2. Тиббий муассасага жойлаштирилаётган айбланувчи, судланувчи ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан иш юритилаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллашда ЖПКнинг 236, 238-моддаларидаги қоидалар инobatга олинади.

3. Шахсни тиббий муассасада бўлган вақти қамокда сақлаш муддатига қўшиб ҳисобланади.

268-модда. Тиббий муассасада сақлаш муддати

Айбланувчи, судланувчи ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан иш юритилаётган шахс тиббий муассасага бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга жойлаштирилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда шифокорларнинг стационар экспертиза ўтказиш жараёнида олинган хулосасига асосан бу муддат иш юритувида бўлган прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими билан бир ойга узайтирилиши мумкин. Муддатни янада узайтиришга йўл қўйилмайди.

1. Айбланувчи, судланувчи ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан иш юритилаётган шахс тиббий муассасага бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга жойлаштирилади.

2. Алоҳида ҳолларда, яъни узлуксиз кузатув учун бир ойдан ортиқ муддат зарур бўлганда, шифокорларнинг стационар доимий экспертиза ўтказиш жараёнида олинган хулосалари асосида бу муддат иш юритувида бўлган прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими билан бир ойга узайтирилиши мумкин.

3. Тиббий муассасада сақлашнинг узайтирилган муддати икки ойдан ошмаслиги шарт.

269-модда. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим устидан шикоят қилиш

Тиббий муассасага эксперт текшируви учун жойлаштирилган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили суриштирувчининг, терговчининг ва прокурорнинг тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарори устидан юқори турувчи прокурорга, суднинг бу хусусдаги ажрими устидан юқори судга шикоят қилишга ҳақлидир.

1. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарори устидан юқори турувчи прокурорга қуйидаги шахслар шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар: а) тиббий муассасага эксперт текшируви учун жойлаштирилган шахс; б) унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили.

2. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан юқорида тилга олинган манфаатдор шахслар томонидан юқори судга шикоят берилиши мумкин.

32-БОБ. ПРОЦЕСС ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ. СУРИШТИРУВ, ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ВА СУДДА ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРИЯТЛАР ҲАМДА ТАРТИБНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

270-модда. Жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш

Жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга, шунингдек, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларига ўлдириш, куч ишлатиш, мол-мулкани йўқ қилиб ташлаш ёхуд мол-мулкига шикаст етказиш билан ёки ўзга гайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинаётгандир дейиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд бу шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулкани муҳофаза қилиш, шунингдек, айбдорларни аниқлаш ҳамда уларни жавобгарликка тортиш чораларини кўришлари шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ички ишлар органларига ишда иштирок этаётган шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминловчи барча зарур чораларни кўриш хусусида ёзма равишда топшириқ беришга ҳақлидир.

Ички ишлар органи хавф таҳдид солаётган шахсларга доир жиноят ишидаги мавжуд маълумотлардан, бу хавфнинг эҳтимол тутилган хусусияти, манбалари, жойи, вақти ва бошқа ҳолатларидан хабардор этилиши лозим.

1. Жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга, шунингдек, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларига қарши қаратилган ва кенг тарқалган гайриҳуқуқий ҳаракатлар мажмуи куйидагилардан иборат: таҳқирлаш, ўлдириш, шахсий мол-мулкига зарар етказиш билан кўрқитиш; жисмоний зўрлик ўтказиш; ифво ёки шахснинг обрў-эътиборига путур етказувчи маълумотларни тарқатиш; ўз томонига оғдириб олишга ҳаракат қилиш; қариндошлари ёки яқин кишиларини ўғирлаб кетиш; бошқа гайриқонуний ҳаракатлар содир этиш.

2. Ушбу ғайрихуқуқий ҳаракатларни амалга оширадиган шахслар кўпинча куйидаги ғаразли мақсадларни кўзлайдилар: ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки қамоққа олинган шахснинг озод этилиши; айбдорларни, ҳақиқатни аниқлаш воситаси бўлган буюм ва ҳужжатларни йўқотиш, ўзгартириш, яшириш; қонун ҳужжатларига ёлгон маълумотлар ва хулосаларни киритиш; жиноят ишини тугатишга, айбдор шахсни оқланишига ёки унга нисбатан енгилроқ жазо тайинланишига эришиш ва ҳ.к.

3. Жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга, шунингдек, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларига юқорида тилга олинган ғайрихуқуқий хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинаётир дейиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлганда, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд бу шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулкни муҳофаза қилиш, шунингдек, айбдорларни аниқлаш ҳамда уларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриши шарт.

4. Процесс иштирокчиларининг хавфсизлиги ички ишлар органлари томонидан таъминланади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ички ишлар органларига ишда иштирок этаётган шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулкни муҳофаза қилинишини таъминловчи барча зарур чораларни кўриш хусусида ёзма равишда топшириқ бериш билан бирга уларни хавфсизлиги таъминланиши лозим бўлган шахслар тўғрисидаги жиноят ишидаги маълумотлардан, бу хавфнинг эҳтимол тutilган хусусияти, манбалари, жойи, вақти ва бошқа ҳолатларидан хабардор этиши лозим.

5. Жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари томонидан куйидаги чора-тадбирлар кўрилиши мумкин: шахснинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулкни муҳофаза қилиш учун тегишли ходимларни сафарбар қилиш; хавфсизлиги таъминланадиган шахсга ғайрихуқуқий тазйиқ ўтказиши мумкин бўлган шахсларнинг ўзаро мулоқотга киришиш имкониятларини чеклаш; таҳдид доимий тусга эга бўлган ҳолларда хавфсизлиги таъминланадиган шахснинг бошқа жойга олиб кетиш; хавфсизлиги таъминланадиган шахс ҳақида адреслар бюроси, АТС маълумотлар хизмати, паспорт хизмати, ИХХ бўлинмалари ва бошқа ахборот фондларига

тегишли маълумотлар беришни тўхтатиб туриш туғрисида кўрсатмалар бериш; жиноят процессининг бошқа иштирокчиларидан хавфсизлиги таъминланадиган шахс ҳақидаги маълумотларни ошкор қилмаслик туғрисида тилхат олиш ва уларга ЖКнинг 239-моддаси талабларини тушунтириш; тергов баённомалари ва бошқа процессуал ҳужжатларда хавфсизлиги таъминланадиган шахс ҳақидаги маълумотларни кўрсатмаслик; хавфсизлиги таъминланадиган шахсларнинг розилиги билан уларнинг телефон орқали сўзлашувларини эшитиб туриш ва бошқалар.

6. Иш материаллари билан танишишда иштирокчиларга жабрланувчи, гувоҳ ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тергов ҳаракатлари баённомасининг кириш қисмлари тақдим қилинмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда баённомаларнинг кўрсатиб утилган процесс иштирокчилари туғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган кириш қисмлари муҳрланган ҳолда сакланади (ЖПК 375-моддасининг шарҳига қаранг).

7. Жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, суд мажлисига чақириладиган шахслар рўйхатида уларнинг таҳаллуслари кўрсатилиб, хавфсизлиги таъминланадиган шахслар ҳақидаги маълумотлар улар иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари баённомаларининг кириш қисмлари билан бирга муҳрланган ҳолда судга тақдим этилади. Улар билан фақат айблов хулосасини тасдиқловчи прокурор ва ишни кўриб чиқувчи судья танишишлари мумкин (ЖПК 380-моддасининг шарҳига қаранг).

8. Жабрланувчи, гувоҳ, шунингдек, уларнинг қариндошлари ва яқинларига нисбатан куч ишлатиш, товламачилик ёки бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар содир этиш хавфи мавжуд бўлса, бу шахсларнинг аризалари бўйича ёки уларнинг ёзма розилиги ва прокурорнинг санкцияси билан ёхуд суднинг ажримига кўра уларнинг телефон ёки бошқа сўзлашув қурилмалари орқали бўладиган сўзлашувларини эшитиб туриш амалга оширилиши мумкин (ЖПК 170-моддасининг шарҳига қаранг).

9. Таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини амалга оширишда таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақса-

дида таниб олинадиган шахснинг фотосуратидан фойдаланиш мумкин (ЖПК 127-моддасининг шарҳига қаранг).

10. Жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, шунингдек, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этган ҳолларда суд томонидан ажрим чиқариб, ишни ёпиқ суд мажлисида куришга йўл қўйилади (ЖПК 19-моддасининг шарҳига қаранг).

271-модда. Процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик

Жинойт ишини юритиш чоғида Жиноят кодексининг 230-241-моддаларида назарда тутилган, одил судловга қарши қаратилган жиноятни содир этган процесс иштирокчилари ушбу Кодекснинг умумий қоидаларига биноан жавобгарликка тортиладилар.

Бундан ташқари процессуал мажбуриятларни бузганликлари учун, хусусан:

жабрланувчилар ва гувоҳлар - суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг гувоҳлантиришдан, экспертизадан ўтиш, эксперт текшируви учун намуналар тақдим этиш тўғрисидаги қонуний талабларини бажаришдан бош тортганлик учун;

уйида олиб қўйиш, тинтув ўтказилаётган шахслар, шунингдек, мол-мулки хатланган шахслар (ғумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг яқин қариндошларидан ташқари) - суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг талаби билан изланаётган ашёларни беришдан бош тортганлик учун;

алоқа муассасаларининг ходимлари - суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги қарорини бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун;

мансабдор шахслар ва фуқаролар - башарти улар ҳодиса содир булган жойни кўздан кечиришга, тергов эксперименти ўтказишга, мурдани эксгумация қилишга, олиб қўйиш ва тинтув ўтказишга тусқинлик қилсалар;

процесс иштирокчилари - суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилганлик учун, агар улар маълумотларни ошкор қилишга йўл қўйилмаслиги ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан огоҳлантирилган бўлсалар;

корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари - суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувиغا биноан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, мутахассис, эксперт, таржимон, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, халқ маслаҳатчиларининг келишига тўсқинлик қилганлик, жиноятнинг сабабларига ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга барҳам бериш тўғрисидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномасини ёки суднинг хусусий ажримини бажармаганлик ёхуд талаб даражасида бажармаганлик учун қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилишлари мумкин.

1. Процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик жиноят процесси иштирокчиларининг дастлабки тергов ва суд муҳокамаси вақтида ўзларининг зиммаларига юклатилган мажбуриятларини тула, аниқ ва чин кунгилдан бажаришларини таъминлаш, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиш ҳолларини бартараф этиш мақсадида қўлланилади.

2. Жиноят процессининг иштирокчилари ЖПКнинг меъёрларида белгиланган ўз мажбуриятларини тўлиқ ва аниқ бажаришлари лозим, акс ҳолда уларнинг ҳаракатлари ЖКнинг 230-241-моддаларида назарда тутилган (айбсиз кишини жавобгарликка тортиш; адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш; суд қарорини бажармаслик; банд солинган мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф этиш; қонунга ҳилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш; курсатув беришга мажбур қилиш; тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш; ёлғон хабар бериш; ёлғон гувоҳлик бериш; суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш; жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши; жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш) одил судловга қарши қаратилган

Киноятлар деб эътироф этилиб, иштирокчилар ЖПК, ЖК ва ЖКнинг умумий қоидаларига биноан жавобгарликка ртиладилар.

3. Жабрланувчи ва гувоҳлар суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг гувоҳлантиришдан, экспертизадан утиш, эксперт текшируви учун намуналар тақдим этиш (ЖПК 145, 173 ва 190-моддаларининг шарҳига қаранг) тўғрисидаги қонуний талабларини бажаришдан бош тортганликлари учун жавобгарликка тортиладилар.

4. Уйда олиб қўйиш, тинтув ўтказилаётган шахслар (ЖПК 157 ва 158-моддаларининг шарҳига қаранг), шунингдек, мол-мулки хатланган шахслар (ЖПК 290-моддасининг шарҳига қаранг) суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг талаби билан изланаётган ашёларни беришдан бош тортганлик учун ЖК, МЖК бўйича жавобгарликка тортилади. Мазкур қоида гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг яқин қариндошларига татбиқ этилмайди.

5. Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги қарорини бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик, шунингдек, ЖПК 166-моддасининг олтинчи қисмига биноан почта-телеграф жўнатмаларини ошкор қилганлик учун алоқа муассасаларининг ходимлари ЖК ва МЖК бўйича жавобгарликка тортилишлари мумкин.

6. Мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳодиса содир бўлган жойни куздан кечириш, тергов эксперименти, мурдани эксгумация қилиш, олиб қўйиш ва тинтув каби тергов ҳаракатларини ўтказишга тўсқинлик қилган мансабдор шахслар ва фуқаролар ЖК ва МЖК бўйича жавобгарликка тортиладилар.

7. Суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан маълумотларни ошкор қилишга йўл қўйилмаслиги ҳақида огоҳлантирилган процесс иштирокчилари суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилганлик учун ЖКнинг 239-моддасига биноан жавобгарликка тортиладилар. Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш деганда мазкур босқичларда тупланган ва жиноят процесси иштирокчисига аён бўлган маълумотлардан ушбу ишга алоқадор ёки умуман алоқаси бўлмаган шахсларни хабардор қилиш тушунилади.

8. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чакирувига биноан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, мутахассис, эксперт, таржимон, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, халқ маслаҳатчиларининг келишига тўсқинлик қилиш, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга барҳам бериш туғрисидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг тақдимномаси ёки суднинг хусусий ажримини бажармаслик ёхуд талаб даражасида бажармаганлик учун корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилишлари мумкин.

*272-модда. Суд мажлисида тартибни бузганлик учун
жавобгарлик*

Суд мажлисида тартибни бузган, раислик қилувчининг фармойишларига буйсунмаган ёки судни беҳурмат қилган тақдирда тартиббузар бундай ҳаракатларнинг такрорланиши уни суд мажлиси залидан чиқариб юборишга сабаб бўлажаси ҳақида, ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган тартиббузар эса, бундан ташқари, маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳам мумкинлиги хусусида огоҳлантирилади. Бу огоҳлантириш таъсир қилмаса, процесс иштирокчиси суднинг ажримида, бошқа шахслар эса, раислик қилувчининг фармойишига мувофиқ суд мажлиси залидан чиқариб юборилади. Ишни куриш чиқариб юборилган шахсларсиз давом эттирилади.

Суднинг ажрими айбловчи ёки ҳимоячига тааллуқли бўлса, ишни эшитиш кейинга қолдирилиши лозим, бир шахсни бир неча айбловчи айблаётган ёки бир неча ҳимоячи ҳимоя қилаётган ҳоллар бундан мустаснодир. Залдан чиқариб юборилган айбловчи ёки ҳимоячининг номуносиб хулқ-атвори туғрисида суд хусусий ажрим чиқариб, уни тегишлилигига қараб, юқори турувчи прокурорга ёки адвокатлар малака комиссиясига юборади.

Суд залидан судланувчи чиқариб юборилган бўлса, ҳукм унинг иштирокида эълон қилиниши ёки эълон қилинганидан кейин унга дарҳол маълум қилиниб, тилхат олиниши лозим.

Суд мажлиси залидан чиқариб юборилган шахс (судланувчи, айбловчи ва ҳимоячи бундан мустасно) раислик қилувчи томонидан унинг жойининг узида чиқарган ажримига асосан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ажрим суд мажлисининг баённомасида қайд этилади.

1. Суд мажлисида тартибни бузиш куйидаги ғайриқонуний ҳаракатлардан иборат: а) раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунмаслик; б) судни беҳурмат қилиш. Шахс юқоридаги ҳаракатларни содир этган тақдирда бундай ҳаракатларнинг такрорланиши уни суд мажлиси залидан чиқариб юборишга сабаб бўлиши, ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган тартиббузар эса, маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳам мумкинлиги хусусида суд томонидан огоҳлантирилади.

2. Суднинг огоҳлантиришига қарамасдан тартиббузар узининг ғайриҳуқуқий ҳаракатларини давом эттирса, унинг ҳаракатлари натижасида суд жараёни бузилса ёки суднинг шаънига зиён етказилса, процесс иштирокчиси суднинг ажримига, бошқа шахслар эса, раислик қилувчининг фармойишига мувофиқ суд мажлиси залидан чиқариб юборилади. Ишни куриш чиқариб юборилган шахсларсиз давом эттирилади.

3. Суд мажлисининг тартиби айбловчи ёки ҳимоячи томонидан бузилган ҳолларда, ушбу шахслар ўзларининг процессуал мақомига кура суд залидан чиқариб юборилмайди, чунки уларнинг иштирокисиз тортишувга асосланган суд муҳокамасини давом эттиришнинг имкони йўқ. Шунинг учун бундай ҳолларда суд ишни куришни кейинга қолдириши мумкин. Жиноят иши бўйича бир неча айбловчи ва бир неча ҳимоячи бир судланувчи устидан айблов ва ҳимояни олиб бораётган вазиятларда тартибни бузган айбловчи ёки ҳимоячи суд залидан чиқариб юборилади. Суд залидан чиқариб юборилган айбловчи ёки ҳимоячининг номуносиб хулқ-атвори тўғрисида суд хусусий ажрим чиқариб, уни юқори турувчи прокурор ёки адвокатлар ҳайъати раёсатига юборади.

4. Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига биноан ҳимоячи суд мажлисида тартибни бузганлиги учун унга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши лицензия берган органнинг қарорига биноан тўхтатиб турилиши ёки суднинг қарори билан бекор қилиниши мумкин.

5. Судланувчининг суд муҳокамасида иштирок этиши шарти (ЖПК 410-моддасининг шарҳига қаранг). Лекин судланувчи суд мажлисида тартибни бузган ҳолларда уни ҳукмни эълон қилиш вақтига қадар суд залидан чиқариб юборишга йўл қўйилади. Ҳукмни эълон қилиш вақтида суд залидан чиқариб юборилган судланувчига ҳукм дарҳол маълум қилиниб, ундан тилхат олинishi лозим.

6. Судланувчи, айбловчи ва ҳимоячи бўлмаган шахс суд мажлисида тартибни бузса, у раислик қилувчи томонидан шу жойнинг ўзида чиқарилган ажримга асосан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ажримда МЖКнинг тегишли моддаларидаги жавобгарлик чоралари кўрсатилиб, мазкур ажрим суд мажлиси баённомасида қайд этилиши зарур.

273-модда. Суд мажлисида процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни юклашга қаратилган суд ҳаракатлари

Процесс иштирокчисининг одил судловга қарши жиноят содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортилишига асослар суд муҳокамасида ёки иш кассация ёхуд назорат тартибида кўриб чиқилаётганида аниқланган бўлса, суд бу процесс иштирокчисига нисбатан жиноят иши қўзғатади ва тергов қилиш учун уни прокурорга юборади.

1. Суд муҳокамаси ёки иш кассация ёхуд назорат тартибида кўриб чиқилаётганида одил судловга қарши жиноят содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш асосларидан бири аниқланса (ЖПК 271-моддасининг шарҳига қаранг), суд ушбу процесс иштирокчисига нисбатан жиноят ишини қўзғатиб, ишни тергов қилиш учун прокурорга юборади.

2. Қўзғатилган ва прокурорга юбориладиган жиноят иши материаллари: жиноят ишини қўзғатиш туғрисидаги қарор; ушбу қарор чиқарилишига сабаб бўлган ҳаракатларни акс эттирувчи суд мажлиси баённомасининг тасдиқланган нусхаси; одил судловга қарши жиноят содир этган шахснинг судга берган тушунтиришлари; ушбу шахсни суд залидан чиқариб юборилганлиги туғрисидаги ажрим; шахсни ушлаб туриш туғрисидаги суднинг ажрими (зарур бўлса жиноят ишини қўзғат-

шдан ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатларининг баённомалари) ва бошқа ҳужжатлардан таркиб топиши мумкин.

274-модда. Пул ундириш ва жарима солиш тўғрисидаги масалани суд томонидан ҳал қилиш тартиби

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда пул ундириш ва жарима солиш жиноят ишини куриш қайси судга тааллуқли бўлса, шу суд томонидан амалга оширилади. Процессуал мажбуриятларни ёки тартибни бузишга бевосита суд мажлисида йул қўйилган бўлса, жарима солиш ҳақидаги ажрим ишни кураётган суд томонидан шу мажлиснинг ўзида чиқарилади.

Бошқа ҳолларда пул ундириш тўғрисидаги масала суд томонидан пул ундириладиган шахс чақирилиб ҳал қилинади. Мазкур шахснинг узрсиз сабабларга кура келмаслиги ишни куришга монелик қилмайди.

Суд мажлисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан тартиббузарлик тўғрисида тузилган баённома ва унга илова қилинган материаллар ёхуд суд мажлиси баённомасидан олинган тегишли кучирма ўқиб эшиттирилади. Шундан сунг жавобгарликка тортилаётган шахснинг изоҳлари, суд мажлисида прокурор қатнашаётган бўлса, унинг фикри эшитилади ва ажрим чиқарилади.

Таржимонга, мутахассисга, кафилга пул ундириш ёхуд суд мажлиси залида тартибни бузган шахсга жарима солиш тўғрисидаги ажримни чиқарган суд бу ажримнинг ижросини уч ойгача муддатга кечиктиришга ёки ижронинг булиб-булиб бажарилишига рухсат беришга ҳақлидир.

1. Пул ундириш ва жарима солиш процессуал мажбурлов чораси булиб, жиноят-процессуал ҳуқуқбузарлик учун қўлланиладиган процессуал жазо ҳисобланади. Мазкур процессуал мажбурлов чорасини МЖКнинг 25-моддасидаги жарима тарзидаги маъмурий жавобгарлик чорасидан фарқлаш лозим, чунки жиноят процессида пул ундириш ёки жарима солиш чораси ҳуқуқбузарни жазолаш билан бирга уни огоҳлантириш мақсадларида ҳам қўлланилади.

2. Суд мажлисининг иштирокчиси тартибни бузган ёки процессуал мажбуриятларни бажармаган ҳолларда, шу мажлисда раислик қилувчи ушбу шахсга нисбатан жарима солиш ёки пул ундириш тўғрисида ажрим чиқаради. Ажримнинг тулик матни суд мажлиси баёномасида акс эттирилади.

3. Иштирокчи суд мажлисидан бошқа жойда процессуал қоидаларни бузган ёки процессуал мажбуриятларини бажармаган бўлса, пул ундириладиган ёки жарима солинадиган шахс судга чақиртирилиб, масала унинг иштирокида ҳал этилади. Мазкур шахснинг узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаслиги ишни қўришга монелик қилмайди.

4. Пул ундириш ва жарима солиш масаласини суд мажлисида қўриш тартибига кўра, мажлисда суриштирувчи, терговчи ёки прокурор тартиббузарлик тўғрисида тузилган баённома ва унга илова қилинган материалларни ўқиб эшиттиради. Суд мажлисида тартиббузарлик содир этилган ҳолларда унинг баённомасидан олинган тегишли кўчирма ўқиб берилади. Шундан сўнг жавобгарликка тортилаётган шахснинг изоҳлари, суд мажлисида прокурор қатнашаётган бўлса, унинг фикри эшитилиб, ажрим чиқарилади.

5. Суд таржимон, мутахассис, кафиллардан пул ундириш ёхуд суд мажлиси залида тартибни бузган шахсга жарима солиш тўғрисидаги ажримнинг ижросини уч ойгача муддатга кечиктиришга ёки ижронинг бўлиб-бўлиб бажарилишига рухсат беришга ҳақли. Бошқа шахсларга нисбатан пул ундириш ёки жарима солиш тўғрисидаги ажримнинг ижроси кечиктирилмайди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ
ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН МУЛКИЙ
ЗИЁННИ ҚОПЛАШ

33-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ФУҚАРОВИЙ ДАЪВО.
БОШҚА МУЛКИЙ УНДИРИШЛАР

275-модда. Жиноят процессида қуриладиган фуқаровий даъволар

Бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкий зиённи қоплаш, шунингдек, жабрланувчини дафн этиш ёки унинг стационарда даволаниши харажатларини ҳамда суғурта тариқасида унга туланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш тўғрисидаги фуқаровий даъволар жиноят процессида қурилади.

Фуқаровий даъвонинг судловга тегишлилиги бу даъво қўзғатилган жиноят ишининг қайси судловга тегишлилигига қараб аниқланади.

1. Шархланаётган модда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасига мувофиқ, ҳар бир инсон ўз ҳуқуқларини суд томонидан самарали равишда тикланишини талаб қилишга ҳақли. Жумладан, жиноят ишини тергов қилиш унинг суд муҳокамаси чоғида фуқаровий даъво қилиниши мумкин.

2. Жиноят процессида фуқаролар ва юридик шахслар айбланувчи, фуқаровий даъво бериш ҳуқуқига эгадирлар. Жиноят процессида фуқаровий даъволар жиноят оқибатида ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш, жабрланувчига етказилган тан жароҳатлари ёки жиноят оқибатида вужудга келган касаллиги туфайли даволанишга кетган харажатларини, шунингдек, жабрланувчини қумиш ёки унга суғурта товони, нафақа ёки пенсия тарзида тўлов суммалари даъвонинг қийматини ташкил этади.

3. Одатда, бузилган хукукни тиклаш туғрисидаги даъволар ва даъвогарнинг низога сабаб бўлган хукуқини эътироф этиш ёки жавобгарнинг хукуқи йўқлигини эътироф этиш туғрисидаги даъволар фуқаролик ишлари бўйича судда куриб чиқилади. Зиён – аслида фуқаролик хукуқига оид тушунча бўлиб, ФКнинг 985-моддасига биноан “Гайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зиён, шунингдек, юридик шахсга етказилган зиённи етказган шахс томонидан тўлик ҳажмда қопланиши лозим”лиги белгиланган. Аммо, жиноят ишларини судда юритиш тартибида кўрилиши лозим бўлган жиноят туфайли етказилган мулкий ҳамда маънавий зиённи қоплаш туғрисидаги даъвони жабрланувчи, қонунга кўра жиноят процессида ҳам беришга ҳақли. Бундай даъво жиноят иши билан бир вақтда кўрилиши ва ҳал қилиниши лозим бўлади.

4. Жиноят процессидаги фуқаровий даъво – кимнингдир фойдасига ҳал қилиш туғрисидаги талабдир, чунки унинг мазмуни жавобгарни муайян ҳаракатларни даъвогар фойдасига содир этиши лозимлиги туғрисидаги, жиноят туфайли етказилган мулкий ва маънавий зиённи қоплаш ҳақидаги талаб ҳисобланади.

5. Фуқаровий даъвони ҳамда жиноий айбловни биргаликда кўриб чиқиш жиноят туфайли жабрланувчининг бузилган мулкий ва маънавий хукуқларини тезкор тиклашни таъминлайди, суд ишларида муқаррар параллелизмни ҳамда айнан бир иш бўйича карама-қарши қарорлар чиқариш ҳолларини истисно этади, шунингдек, далилларнинг тулароқ тадқиқ этилишини кафолатлайди ва жиноят процессуал фаолиятнинг барча иштирокчилари учун қулайликлар яратеди.

276-модда. Фуқаровий даъвони қўзғатиш

Жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши натижасида узини мулкий зиён қўрган деб ҳисобловчи шахс ёхуд унинг вакили жиноят иши қўзғатилган пайтдан бошлаб то суд тергови бошлангунга қадар фуқаровий даъво қўзғатишга ҳақлидир.

Жиноят содир этиш ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши натижасида мол-мулки йўқолган ёки

шикастланган шахс вафот этган тақдирда унинг мерос-хўрлари жиноят процессида фуқаровий даъво қўзғатиш ва уни қувватлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Фуқаровий даъво ёзма шаклда ҳам, оғзаки шаклда ҳам қўзғатилиши мумкин. Оғзаки даъво аризаси баённомага ёзиб қўйилади.

Жиноят процессида фуқаровий даъво қўзғатиш, уни қўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун давлат божси ундирилмайди.

Жиноят процессида фуқаровий даъво қўзғатмаган шахс, шунингдек, даъвоси қўрилмасдан қолдирилган шахс уни фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида қўзғатишга ҳақлидир.

1. Ушбу моддада жиноят процессида фуқаровий даъво беришнинг ҳуқуқий асоси берилган бўлиб, унда мулкӣ ёки маънавий зиён албатта жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида етказилган бўлишлиги, мулкӣ ёки маънавий зиён қўрган шахс ўзини шундай зиён қўрган деб ҳисоблаши лозимлиги, ушбу шахс ёки унинг вакили жиноят иши қўзғатилган пайтдан бошлаб то суд тергови бошлангунга қадар фуқаровий даъво қўзғатишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган.

2. Вояга етмаганларнинг, шунингдек, муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаровий даъво унинг қонуний вакиллари ва прокурор томонидан қўзғатилиши мумкин.

3. Агарда мулкӣ зиён бир неча шахсларнинг биргаликдаги ҳаракатлари билан етказилган бўлса, жиноят процессида даъво бир неча шахсга нисбатан қўзғатилиши мумкин. Бу ҳолда шуни назарга тутиш керакки, жиноят процессидаги даъво буйича биргаликда олиб борган ҳаракатлари билан зиён етказган шахслар, башарти уларнинг барчаси иш буйича айбланувчилар (судланувчилар) ҳисобланса, биргаликда жавобгарликка тортилиши мумкин.

4. Фуқаровий даъво ёзма шаклда ҳам, оғзаки шаклда ҳам қўзғатилиши мумкин бўлиб, оғзаки даъво аризаси дастлабки терговда ёки судда баённомада қайд этилиб қўйилиши шарт.

5. Фуқаровий суд ишларини юритиш тартибидан фарқли ўлароқ, жиноят процессида фуқаровий даъво кўзгатиш, уни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун давлат божи тўланмайди.

6. Жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида мол-мулки йўқолган ёки шикастланган шахс вафот этган тақдирда, унинг меросхўрлари жиноят процессида фуқаровий даъво кўзгатиш ва уни қувватлаш ҳуқуқига эга бўлади. Фуқаровий даъво кўзгатиш ва уни қувватлаш ҳаракатлари ёзма ёки оғзаки равишда жиноят иши бўйича мурожаат этишдан иборат. Даъвони қувватлаш ҳам дастлабки тергов жарёнида ва суд муҳокамасида амалга оширилади.

7. Бирон бир шахсга нисбатан жиноят иши тугатилган бўлса, унга нисбатан фуқаровий даъво кўзгатиш ман этилади. Бундай фуқаровий даъво фуқаровий суд ишларини юритиш тартибидан кўзгатилиши мумкин.

8. Дастлабки тергов давомида фуқаровий даъво берилмаган бўлса, суд зарар кўрган шахсга ёки корхона, муассаса, ташкилотларга уларнинг судланувчига ёки қонунга кўра зарар учун моддий жавобгар ҳисобланувчи шахсларга нисбатан фуқаровий даъво келтириш ҳуқуқларини тушунтириши лозим.

Бундай даъво келтирилмаган тақдирда суд жиноий ҳаракат натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласини ўз ташаббуси билан муҳокама қилиб, мажбуриятни маҳкум зиммасига юклаш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли.

9. Жиноят процессида фуқаровий даъво кўзгатмаган, шунингдек, даъвоси кўрмасдан қолдирилган, ўзини мулкий ҳамда маънавий зиён кўрган деб ҳисобловчи шахслар уни фуқаровий суд ишларини юритиш тартибидан кўзгатишга ҳақлидирлар (ЎзР Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида"ги 21-қарори, 2-банди).

277-модда. Фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш

Фуқаровий даъво кўзгатишган ҳолларда содир этилган қилмиш оқибатида шахсга мулкий зиён етказилган деб ҳисобласа, уни фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим

иқаради. Қарорнинг ёки ажримнинг нусхаси даъвони кўзгатган шахсга ёки унинг вакилига тақдим этилади. Бунда фуқаровий даъвогарга ушбу Кодекснинг 57-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш рад қилинган шахсга эса, қарор устидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади.

1. Маълумки, суд процесснинг фаол иштирокчиси ҳисобланади ва у ҳуқуқий ҳолатни, амалдаги ҳуқуқларни, манфаатдор тарафларнинг ўзаро муносабатларини, ҳолисона ҳақиқатни аниқлаши керак. Шу мақсадда суд нафақат тарафлар тақдим этган материалларни куриб чиқиши ва уларнинг кўрсатувларини эшитиши, балки ҳуқуқларини билмаслик ёхуд бошқа ҳолатлар уларнинг зиёнига ишлатилмаслиги учун уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиши керак. Бунда фуқаровий даъво жиноят процессининг барча (ошкоралик, ҳолислик, тортишув ва х.к.) принципларига риоя қилган ҳолда кўриб чиқилиши лозим. Амалдаги ЖПК суднинг ролини пасайтирмаган ҳолда эътиборни фуқаровий даъвони имкон борича барвақтроқ берилишини таъминлайди.

2. Жиноятдан, шунингдек, ақли норасо шахснинг жамоат учун хавfli хатти-ҳаракатидан зарар кўрган шахс сифатида корхона, муассаса ёки ташкилот зарарни қоплашни талаб қилса, ЖПКнинг 56-моддасига биноан, жиноят ишида фуқаровий даъвогар деб эътироф этилиши мумкин. Бу тўғрида суриштирувчи, терговчи – қарор, суд эса – ажрим чиқарилиши назарда тутилган. Қарорнинг ёки ажримнинг нусхаси даъвони кўзгатган шахсга ёки унинг вакилига топширилади, фуқаровий даъвогарга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади (ЖПКнинг 57-моддаси шарҳига қаранг), фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш рад қилинган шахсга эса қарор устидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилиши зарур.

3. Фуқаровий даъвогар ўзини фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим билан танишиб чиққанлиги ҳақида тегишли санани кўрсатган ҳолда имзо қўяди.

Ариза берувчи фуқаровий даъвогар деб эътироф этилгач ва айбланувчининг, судланувчининг ёки узига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши тўғрисидаги масала қўйилган шахснинг қилмишлари оқибатида етказилган зиён учун қонунга қўра бошқа шахслар мулкий жавобгар эканлиги аниқлангач, тегишли фуқарони ёки юридик шахсни ишда фуқаровий жавобгар тариқасида иштирок этишига жалб қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Қарор ёки ажрим фуқаровий жавобгарга ёки унинг вакилига эълон қилинади. Бунда уларга ушбу Кодекснинг 59 ва 63-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушунтирилади.

1. Жиноий қилмиш натижасида зиён келтирилган айбланувчи ёки айбланувчининг хатти-ҳаракатлари учун ёхуд ақли норасо шахснинг қилмишлари учун масъул шахс қонунда белгиланган ҳолларда ишда фуқаровий жавобгар тариқасида иштирок этишига жалб қилинади. Иш бўйича фуқаровий жавобгар тариқасида фуқаролар ҳам, шунингдек, юридик шахслар ҳам жалб қилиниши мумкин.

2. Ишда фуқаровий даъвогар тариқасида иштирок этишига жалб қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса, - ажрим чиқариши керак. Бундай ҳулосага келиш учун эса, ариза берувчи фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган ва айбланувчининг, судланувчининг ёки узига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши тўғрисидаги масала қўйилган шахснинг қилмишлари оқибатида етказилган зиён учун қонунга қўра бошқа шахслар мулкий жавобгар эканлиги аниқланган бўлиши лозим. Қарор ёки ажримнинг пухаси фуқаровий жавобгарга ёки унинг вакилига эълон қилиниши, улар қарор ёки ажрим билан танишиб чиққанларидан кейин уни имзолаб, тегишли санани ёзиб қўйишлари керак, шундан кейин уларга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши зарур (ЖПК 59,63-моддалари шарҳига қаранг).

3. Ун тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки васийлари ҳамда ЖПКнинг 58-

моддасига биноан, фуқаровий жавобгар тариқасида ишга жалб этилган корхона, муассаса ва ташкилотлар зарар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмаса, жиноий ҳаракат натижасида етказилган моддий зарар учун жавобгар бўладилар.

4. Ун тўрт ёшдан ун саккиз ёшгача бўлган шахслар етказилган зарар учун умумий асосларда мустақил жавобгар бўладилар. Вояга етмаганнинг зарарни қоплаш учун етарли мол-мулки ва бошқа даромад манбалари бўлмаган ҳолларда етказилган зарар ёки унинг етишмаган қисми шу шахснинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари томонидан туланиши лозим. Вояга етмаган шахснинг жинояти натижасида етказилган зарарни қоплаш мажбурияти ота-онасининг ҳар иккаласига юклатилиши мумкин (ЎзР Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида"ги 21-қарори, 3-банди).

5. Жиноий қилмиш оқибатида келтирилган моддий ёки маънавий зиён учун моддий жавобгарлик, агарда бошқа жавобгар шахс мавжуд бўлмаса, айбланувчи зиммасига юклатилади. Фуқаровий жавобгарга келтирилган зиён учун моддий жавобгарлик эълон қилинган айблов тасдиқланган тақдирда, фуқаровий даъво қаноатлантирилиши шарт.

6. Фуқаровий жавобгар айбланувчи ва унинг ҳимоячиси ҳолатига яқин бўлиб, жиноят процессида алоҳида мустақил процессуал ҳаракатлар қилишга ҳақли.

7. Айбланувчи фуқаровий жавобгарнинг процессуал ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларидан тулиқ фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

8. Фуқаровий жавобгар гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин.

279-модда. Прокурорнинг фуқаровий даъвои қўзғатиши ва уни қувватлаши

Прокурор фуқаровий даъвои қўзғатиши ёки қўзғатилган фуқаровий даъвои қувватлаши ёхуд, башарти давлат ёки жамият манфаатларини ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тақозо этса, даъвога қарши эътироз билдириши шарт.

1. Шарҳланаётган моддада прокурор фуқаровий даъвони қўзғатиши ёки қўзғатилган фуқаровий даъвони қувватлаши ёхуд, башарти давлат ёки жамият манфаатларини ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тақозо этса, даъвога қарши эътироз билдириши шартлиги белгиланган.

2. Вояга етмаганларнинг, шунингдек, муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаровий даъво прокурор томонидан қўзғатилиши мумкин.

3. Прокурор жиноят процессининг ҳар қандай босқичида фуқаровий даъво қўзғатиш, уни қувватлаш ёки унга эътироз билдириш ҳуқуқига эга бўлиб, даъво қўзғатиш ва шахсни фуқаровий жавобгар сифатида ишга жалб қилиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Агарда прокурор қўзғатилган фуқаровий даъвога қарши бўлса, мавжуд фуқаровий даъвога қарши эътироз билдиради.

4. Судланувчи аввал жиноят иши бўйича, кейин эса жавобгар сифатида фуқаролик иши бўйича судда икки марта ҳозир бўлиш мажбуриятидан озод этилади.

280-модда. Жиноят процессида фуқаровий-процессуал қонун ҳужжатларидаги қоидаларнинг қўлланиши

Суриштирув, дастлабки тергов жараёнида ва судда фуқаровий даъво бўйича иш юритиш ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда олиб борилади. Фуқаровий даъво бўйича юзага келадиган процессуал муносабатлар ушбу Кодекс билан тартибга солинмаган бўлса, унда жиноят процесси принципларига ҳилоф бўлмаган фуқаровий-процессуал қонун ҳужжатларининг қоидалари қўлланади.

1. Шарҳланаётган моддада фуқаровий даъво бўйича иш юритиш қоидалари белгиланган. Жиноят процессида фуқаровий-процессуал қонун ҳужжатларидаги қоидаларнинг қўлланилиши ЖПКда қайд этилган тартибга асосан амалга оширилади.

2. Агарда зарар бир неча шахснинг биргаликдаги ҳаракатлари туфайли етказилган бўлса, жиноят ишдаги даъво бир неча шахсларга нисбатан қўзғатилиши мумкин. Бунда шунини назарда

тутиш керакки, жиноят процессида даъво буйича жавобгар сифатида фақат биргаликда ҳаракатлар билан зиён етказган шахсларгина, башарти улар айбланувчилар(судланувчилар) бўлса, жалб қилиниши мумкин.

3. Агар моддий зарар судланувчи томонидан бошқа, унга нисбатан иши алоҳида юритилишга ажратилган шахс билан биргаликда етказилган бўлса, суд зиённи тула қоплаш буйича мажбуриятни судланувчининг зиммасига юклайди. Кейинчалик иш алоҳида юритилишга ажратилган шахсга нисбатан айблов ҳукми чиқарилганда суд унинг зиммасига аввал ҳукм қилинган шахс билан солидар тарзда зарарни қоплаш мажбуриятини юклашга ҳақли.

4. Жиноят туғрисида хабар бермаганлик ёки уни яширганлик учун ҳукм қилинган шахс моддий жавобгар бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда даъво фуқаролик ишларини судда юритиш тартибида куриб чиқилади.

5. Даъво талаблари зарар кўрган шахс, унинг вакили ёки прокурор томонидан кўйилиши мумкин. Агарда фуқаровий даъво берилмасдан қолган бўлса, суд ўз ташаббусига кура жиноят туфайли етказилган моддий ва маънавий зиённи қоплаш туғрисидаги масалани ҳал қилади.

6. Агарда фуқаровий даъво буйича юзага келадиган процессуал муносабатлар ушбу Кодексда тартибга солинмаган бўлса, унда жиноят процесси принципларига хилоф бўлмаган фуқаровий - процессуал конун ҳужжатларининг қоидалари қўлланилиши мумкин.

281-модда. Зиённи ундириш асослари, шарт-шароити , ҳажми ва усули туғрисидаги қоидаларнинг қўлланилиши.

Даъво муддати

Фуқаровий даъво буйича иш юритишда зиённи ундириш асослари, шарт-шароити, ҳажми ва усули фуқаровий, меҳнат ва бошқа соҳа қонун ҳужжатлари қоидаларига мувофиқ аниқланади.

Бошқа соҳа қонун ҳужжатларида белгиланган даъво муддати жиноят процессидаги фуқаровий даъвога нисбатан қўлланилмайди.

1. Жиноят оқибатида моддий зарар етказилган ҳар бир иш юзасидан ҳукм чиқаришда суд фуқаровий даъвони ҳал этиши, моддий зарарни ундириш ҳақидаги масалани ўз ташаббусига кўра муҳокама қилиши лозим. Суд муҳокамасида даъво ҳажмини аниқлаш имконияти бўлмаган ва зарар миқдори жиноятнинг тавсифига, судланувчига тайинланадиган жазо миқдорига ҳамда ҳукм чиқаришга таъсири бўлмаган ҳолларда суд, фуқаровий даъвогарнинг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибда даъво аризаси бериш ҳуқуқини эътироф этиши мумкин.

2. Фуқаровий даъво бўйича иш юритишда зиённи ундиришнинг моддий-ҳуқуқий асослари, яъни жиноят натижасида келтирилган зарар, қилмиш ва юз берган зарарнинг ўзаро сабабий боғланиши мавжудлиги, жиноятни содир этган шахснинг қилган ҳаракатларига нисбатан субъектив муносабати ушбу ҳолатларни тегишли далиллар билан тасдиқланиши лозим.

3. Зиённинг ҳажми, ундириш усули, меҳнат ва бошқа соҳа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади. Жумладан, зиённинг ҳажми ва қиймати суд муҳокамаси пайтида бўлган бозор нарх-навосига мос ўлчамда белгиланади.

4. Фуқаровий даъвогар бир неча кишининг жиноий қилмишлари оқибатида ўзига етказилган зарарнинг қопланишини уларнинг барчасидан ёки ҳар биридан, ҳиссали тартибда ёки тўла қоплашни талаб қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда зиённи қоплаган шахс бошқа фуқаровий жавобгарлардан ўзидан ундириб олинган зиён миқдорининг маълум бир қисмини талаб қилиб олишга ҳақли.

5. Бошқа соҳа қонун ҳужжатларида белгиланган даъво муддати жиноят процессидаги фуқаровий даъвога нисбатан қўлланилмайди.

282-модда. Даъвони тан олиш, тарафларнинг ўзаро келишуви ва даъводан воз кечмиш оқибатлари

Айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг даъвони тан олганлиги, шунингдек, фуқаровий даъвогар, айбланувчи, судланувчи ёхуд фуқаровий жавобгарнинг ўзаро келишганлик тўғрисидаги аризаси фуқаровий даъво бўйича иш юритишнинг тугатилишига олиб келмайди ва суриштирувчини, терговчини фуқаровий даъвога доир ҳолатларни

синчковлик билан, тула, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириш мажбуриятидан, судни эса фуқаровий даъвони куриш ва ҳал қилиш мажбуриятидан озод этмайди.

Даъводан воз кечишнинг қабул қилиниши даъво буйича иш юритишни тугатишга асос бўлади ва жиноят процессида ҳам, фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ҳам фуқаровий даъвогарни уша шахсга ҳудди шу асос билан даъвони қайта қўзғатиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

1. Фуқаровий даъво буйича тарафларнинг ўзаро келишувига йўл қўйилади. Даъвони тан олиш фуқаровий жавобгарни унга қилинган фуқаровий даъво буйича барча мулкый талабларга рози бўлишидан иборат. Даъводан воз кечиш фуқаровий даъвогарнинг ўз даъводан воз кечганлигини кўрсатади. Ушбу процессуал ҳолатларни суриштирувчи, терговчи, прокурор синчковлик билан тула, ҳар томонлама ва ҳолисона текширишга мажбур.

2. Айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг даъвони тан олганлиги, шунингдек, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг ўзаро келишуви фуқаровий даъво буйича иш юритишнинг тугатилишига олиб келмайди ва суриштирувчини, терговчини, прокурорни фуқаровий даъвога доир ҳолатларни синчковлик билан, тула, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириш, судни эса фуқаровий даъвони куриш ва ҳал қилиш мажбуриятидан озод этмайди.

283-модда. Суднинг фуқаровий даъвога оид ҳукми ва ажрими

Айблов ҳукмини чиқаришда, шунингдек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш ёки содир этган қилмишнинг хусусиятига ва узининг руҳий ҳолатига кура шахс ижтимоий хавfli бўлмаган ҳолларда бундай чорани қўлламаслик ҳақида ажрим чиқаришда суд асосларнинг исботланиши ва даъво ҳажминини эътиборга олиб, уни тулиқ ёки қисман қаноатлантиради ёхуд уни қаноатлантиришни рад этади.

Суд оқлов ҳукмини чиқараётганда, шунингдек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш буйича ишни тугатиш ҳақида ажрим чиқараётганда фуқаровий даъвони қондиришни қуйидаги ҳолларда рад этади, башарти:

1) *жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш ҳодисаси юз бермаган бўлса;*

2) *судланувчининг ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш масаласи ҳал этилаётган шахснинг содир этилган жиноятга ёки ижтимоий хавфли қилмишга дахли йўқлиги аниқланган бўлса;*

3) *судланувчининг ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш масаласи ҳал этилаётган шахснинг мулкий зиён келтирган ҳаракати зарурий мудофиа чегарасидан чиқмаган ҳолда содир этилган бўлса.*

Судланувчи томонидан содир этилган қилмиш жиноят деб топилмаганлиги сабабли у оқланган тақдирда, шунингдек, ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган асослардан бошқа асосларга қўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича иш юритиш тугатилганда суд даъвонинг исботланиш даражаси ва ҳажминини эътиборга олиб, уни тўлиқ ёки қисман қаноатлантиради ёки қаноатлантиришни рад этади.

Даъвонинг ҳажми жиноят тавсифига ва айбдорга жазо чораси тайинлашга таъсир этмаса, фуқаровий даъвони қаноатлантиришда суд даъво талаби чегарасидан чиқишига ҳақлидир.

Жиноят процессида қўзғатилган фуқаровий даъво қаноатлантирилмаган тақдирда даъвогар шу шахсга ва худди шу асослар бўйича фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

1. Шарҳланаётган моддада суднинг фуқаровий даъвога оид бўлган ҳукми ва ажрими бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар келтирилган. Суд айблов ҳукмини чиқаришда, шунингдек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш ёки бундай чорани қўлламаслик ҳақида ажрим чиқаришда даъво ҳажминини эътиборга олиши керак.

2. Ушбу Кодекснинг 471-моддасига қўра ҳам айблов, ҳам оклов ҳукмининг қарор қисмида қўзғатилган фуқаровий даъво ёки суднинг ташаббуси билан зиённи қоплаш тўғрисидаги қарор бўлиши зарур.

3. Суд фуқаровий даъво бўйича қуйидаги учта қарордан бирига келиши: а) фуқаровий даъвони ҳукм бўйича тўлиқ

аноатлантириши; б) уни қисман қаноатлантириши; в) ёки уни рад этиши мумкин.

4. Фуқаровий даъво масаласини ҳал этишда суд ЖПКнинг 167-моддасига биноан айблов ҳукмининг тавсиф қисмида даъвони тула ёки қисман қаноатлантириш ёнки уни рад этиш асосларини, жиноят оқибатида етказилган зарарнинг моҳияти ва ҳажмини курсатиши, шунингдек, зарар миқдорининг тегишли ҳисобларини келтириши, фуқаровий даъвони ҳал қилишда асосланган қонунни курсатиб ўтиши лозим (ЎзР Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти туғрисида"ги 21-қарори 7-банди).

5. Жиноят ёки ижтимоий хавфли хатти-ҳаракат юз бермаганлиги ёки шахснинг жиноят содир этилишига дахлдор бўлмаганлиги, шунингдек, шахснинг ҳаракати зарурий мудофаа чегарасидан чиқмаган ҳолда содир этилганлиги сабабли оқлов ҳукми чиқарилаётганда суд фуқаровий даъвони қаноатлантиришни рад этиши ёки фуқаровий даъво қўрилмасдан қолдирилиши лозим.

6. Амнистия акти қўлланиши туфайли тергов органларининг қарори ёки суднинг ажрими билан жиноий жавобгарликдан озод этилган шахсларга нисбатан фуқаровий даъво қўрилмай қолдирилганда манфаатдор шахсларга фуқаровий ишларни юритиш тартибида даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари тушунтирилиши лозим. Жиноят иши апелляция, кассация ва назорат тартибида қўрилиб, тугатилганда ҳам фуқаровий даъвога нисбатан шундай оқибатлар юзага келади.

7. Жиноят ишини судда қўриш жараёнида фуқаровий даъвони қаноатлантириш рад этилиши даъвогарни шу шахсга, худди шу асослар бўйича фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқидан маҳрум этади.

284-модда. Жиноят нарсаларини давлат эгалигига ўтказиш

Жиноят нарсаси бўлган мол-мулк, башарти аввалги эгасига қайтариб берилиши лозим бўлмаса, суд ҳукми билан давлат эгалигига ўтказилади. Бу мол-мулк топилмаган бўлса, суд ҳукми билан, жиноят иши тугатилган бўлса, суднинг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида

чиқарган ҳал қилув қарорига кура унинг қиймати давлат фойдасига ундирилади.

1. Жиноят натижасида етказилган зиёни қоплаш учун жиноят нарсаларини давлат эгалигига ўтказиш суд ҳукми асосида амалга оширилади. Жиноят предмети, хусусан, жиноят содир этиш қуроллари ва жиноят орқали эришилган мол-мулк эгасига қайтарилиши, агарда бу мумкин бўлмаса давлат эгалигига ўтказилиши лозим.

2. Жиноят нарсаси бўлган мол-мулк башарти топилмаган, жиноят иши эса суд ҳукми билан тугатилган бўлса, ушбу мол-мулкнинг қиймати давлат фойдасига ундирилади.

285-модда. Жиноий йул билан орттирилган мол-мулкнинг бундан буён кимга тегишли бўлишини белгилаш

Айбланувчи томонидан жиноий йул билан орттирилган пуллар, буюмлар ва бошқа бойликлар суд ҳукми билан етказилган мулкий зиёни қоплаш учун сарфланади, зиёни қоплашдан ортган сумма эса, давлат фойдасига ўтказилади.

Жиноят нарсаси бўлиши мол-мулк учинчи шахсларда топилиб, улардан тортиб олинган ва тегишлигига қараб, қайтарилган бўлса, судланувчи томонидан ушбу мол-мулкни сотиш йули билан орттирилган пуллар, буюмлар ва бошқа бойликлар суд ҳукми билан давлат эгалигига ўтказилади. Мол-мулкни ҳалол йул билан топган пулига сотиб олган шахсга бу мол-мулк эгасига қайтарилиши натижасида етказилган зиёни ундириш ҳақида маҳкумга нисбатан фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқи тушунтирилади.

1. Жиноий йул билан орттирилган мол-мулк пулдан, буюмлар ва бошқа бойликлардан иборат бўлиши мумкин.

2. Шарҳланаётган моддада жиноий йул билан орттирилган мол-мулк суднинг ҳукмига биноан биринчи галда жиноят натижасида етказилган мулкий ва маънавий зарарни ундиришга қаратилиши ва ундан ортиб қолгани эса давлат фойдасига ўтказилиши зарурлиги белгиланган.

3. Жиноят нарсаси бўлмиш мол-мулк учинчи шахс томонидан арзон нархда сотиб олинган бўлиб, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси жараёнида бу шахсдан қайтариб олинганда, ушбу мол-мулкни сотиш йўли билан орттирилган пул, буюмлар ва бошқа бойликлар суд ҳукми билан давлат эгалигига ўтказилади.

4. Жиноят нарсаси бўлган мол-мулкни ҳалол йўл билан сотиб олган шахс, унинг эгасига қайтарилиши натижасида узига етказилган зиёни ундириш ҳақида маҳкумга нисбатан фуқаровий суд ишларини юритиш тартибда даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга. Унга бу ҳуқуқ тушунтирилиши керак (ЖПКнинг 64-моддаси шарҳига қаранг).

286-модда. Ҳукмнинг фуқаровий даъво ва бошқа мулкий ундиришлар билан боғлиқ қисмини ижро этиш

Ҳукмнинг ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги ажримнинг фуқаровий даъвони қаноатлантиришга, шунингдек, бошқа мулкий ундиришларга оид қисми фуқаровий-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ижро этилади.

1. Суд ҳукми ва ажримнинг фуқаровий даъвони қаноатлантиришга, шунингдек, бошқа мулкий ундиришларга оид қисми фуқаровий-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ижро этилади.

2. Ҳукмнинг фуқаровий даъвога оид қисми ФПКнинг 377-моддасида белгиланган муддат ичида мажбурий тартибда ижро этиш учун топширилиши мумкин.

34-БОБ. МОЛ-МУЛКНИ ЖАБРЛАНУВЧИ ЁКИ ФУҚАРОВИЙ ДАЪВОГАРГА ҚАЙТАРИШ

287-модда. Йўқолган мол-мулкни қайтариш

Жиноят содир этилиши натижасида жабрланувчи ёки юридик шахснинг йўқолган ва ашёвий далил деб эътироф этилган мол-мулки эгасига қайтарилиши лозим. Жабрланувчи вафот этган тақдирда унинг мол-мулки меросхўрларига, тугатилган юридик шахснинг мол-мулки эса, унинг ҳуқуқ ворисига ўтказилади.

Эгасини аниқлаб бўлмаган мол-мулк давлат эгалигига ўтказилади.

Мол-мулкни қайтариб бериш ёки уни давлат эгалигига ўтказиш суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ажримига асосан, иш тугатилганда эса, суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суднинг ажримига кўра амалга оширилади.

1. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд иш бўйича айбланувчи ва судланувчидан жиноят натижасида зиён кўрган жабрланувчига унинг мол-мулкни қайтариб берилишини таъминлашлари, фуқаровий даъвогар деб тан олишлари ва тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беришлари лозим.

2. Жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган жиноят нарсалари уларнинг эгаларига қайтарилиши лозим.

3. Жиноят содир этилиши ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида мол-мулки йўқолган ёки шикастланган шахс вафот этган тақдирда жиноят процессида фуқаровий даъво кўзғатиш ва уни қувватлаш ҳуқуқига марҳумнинг меросхўрлари эгадирлар.

Йўқолган мол-мулк тугатилган юридик шахсга тегишли бўлиб, жиноят ишида ашёвий далил сифатида эътироф этилган бўлса, у ҳолда йўқолган мулк ушбу юридик шахснинг ворисларига қайтарилиши зарур.

Жиноят иши бўйича эгасини аниқлаб бўлмаган мол-мулк давлат эгалигига ўтказилиши лозим.

4. Суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ажримга асосан мол-мулк тегишлиги буйича қайтариб берилади ёки у давлат эгалигига ўтказилади, иш тугатилганда эса бу ҳаракат суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суднинг ажримига кура амалга оширилади.

5. Судда кўриладиган иш буйича терговчи ёки прокурор мол-мулкни қайтариб бериш ёки уни давлат эгалигига ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиши мумкин эмас. Бунга фақат суд ваколатли.

288-модда. Мол-мулк қийматини ундириб бериш тўғрисида даъво мавжуд бўлган тақдирда унинг бундан буён кимга тегишли бўлишини белгилаш

Жиноят содир этилиши натижасида маҳрум бўлинган ва иш буйича ашёвий далил деб эътироф этилган мол-мулкнинг мулкдори ёки қонуний эгаси бу мол-мулкдан воз кечса ва унинг қийматини ундириб бериш тўғрисида фуқаровий даъво қўзғатса, суд мол-мулкдан воз кечишни асосли деб топиб, фуқаровий даъвони қаноатлантирган ҳолда мол-мулкни маҳкумга ёки фуқаровий жавобгарга беради.

Суд мол-мулкдан воз кечишни асосиз деб топса, даъвони қондирмайди ёки қисман қондириб, қайтариладиган мол-мулкнинг қиймати қанчага пасайган бўлса, шу суммани ёхуд товар кўринишини йўқотганлиги сабабли таъмирлашга қилинадиган чиқим суммасини ва товонини жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар фойдасига ундириб беради. Мол-мулкнинг дастлабки ва кейинги қиймати ҳамда товар кўринишини йўқотганлик учун товон пули мутахассис ёки эксперт иштирокида аниқланади, таъмирлаш қиймати эса, таъмирлашни амалга ошираётган корхона берган ҳужжат асосида аниқланади.

1. Иш буйича ашёвий далил деб эътироф этилган мол-мулкнинг мулкдори ёки қонуний эгаси содир этилган жиноят натижасида мол-мулкдан маҳрум бўлган тақдирда, мол-мулкдан унинг қиймати пасайганлиги сабабли воз кечиб, қийматини ундириб бериш ҳақида фуқаровий даъво қўзғатишга ҳақли. Бу

холда суд мол-мулкдан воз кечишни асосли деб топади ва фукаровий даъвони қаноатлангирган холда мол-мулкни мах-кумга ёки фукаровий жавобгарга беради.

2. Агарда суд мол-мулкдан воз кечишни асоссиз деб топса, даъвони қондирмайди ёки қисман қондириб, қайтариладиган мол-мулкнинг қиймати қанчага пасайган бўлса, шу суммани ёхуд товар қуринишини йўқотганлиги сабабли таъмирлашга қилинадиган чиким суммасини ва товонини жабрланувчи ёки фукаровий даъвогар фойдасига ундириб беради.

3. Мол-мулкнинг дастлабки ва кейинги қиймати ҳамда товар қуринишини йўқотганлик учун товон пули мутахассис ёки эксперт иштирокида аниқланади, таъмирлаш қиймати эса, таъмирлашни амалга ошираётган корхона берган ҳужжат асосида аниқланади.

289-модда. Жабрланувчи ва бошқа шахсларнинг мол-мулкни реквизиция қилиш ва мусодара этиш

Хусусий эгаликда бўлиши ман қилинган мол-мулк иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бўлса, мулкдор тўғри ёки ғайриҳуқуқий равишда қўлга киритганига қараб, у реквизиция қилинади ёки мусодара этилади, яъни мол-мулк ҳақини тулаш ёки туламаслик шарти билан суд томонидан бундай мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган тегишли давлат органига ёки юридик шахсга берилади.

1. Агарда иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган мол-мулк хусусий эгаликда бўлиши ман қилинган бўлса ва мулкдор уни асосли равишда қўлга киритган бўлса, у реквизиция қилинади, яъни мол-мулк қиймати туланиб мажбурий равишда давлат ихтиёрига олинади.

2. Агарда иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган мол-мулк ғайриҳуқуқий равишда қўлга киритилган бўлса, қиймати туланмасдан давлат ихтиёрига мусодара этилади.

3. Мол-мулк қийматини тулаш ёки туламаслик шарти билан бундай мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган тегишли давлат органига ёки юридик шахсга суд томонидан берилади.

35-БОБ. ҲУКМНИНГ МУЛКИЙ УНДИРИШЛАР ТУҒРИСИДАГИ ҚИСМИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ

290-модда. Мол-мулкни хатлаш

Ҳукмнинг фуқаровий даъвога ва бошқа мулккий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун суриштирувчи, терговчи ёки суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкни хатлаши шарт.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгар ошласининг нормал турмушини таъминлаш учун зарур бўлган уй-жой, квартира, уй анжомлари ва жиҳозлари, кийим ва буюмлар хатланмайди.

Турар жойлар ёки яшаш учун мулжалланмаган жойлар, мулк шаклидан қатъи назар, давлатга хоинлик қилиш, конституциявий тузумга, Ўзбекистон Республикаси Президентига таъжовуз қилиш, терроризм, қўпурувчилик жиноятлари содир этиш учун фойдаланилган ёхуд бу жиноятлар қасддан одам улдириш, босқинчилик, талончилик ёки бошқа оғир, ута оғир жиноятлар билан боғлиқ бўлган ҳолларда - бу жойлар хатланади.

Хатлаш мулкдорга ёки мол-мулкнинг эгасига мол-мулкни тасарруф қилиш, зарур ҳолларда эса, ундан фойдаланиш ман этилганлигини эълон қилишдан ёхуд мол-мулкни тортиб олишдан ва уни сақлаб туриш учун бошқа шахсларга топширишдан иборатдир.

Мулкни хатлаш суриштирувчи, терговчи қарори бўйича ёхуд бу тергов ҳаракатини бажаришни тергов органига топширишга ҳақли бўлган суднинг ажрими бўйича амалга оширилади.

Хатлаш туғрисидаги қарорда ёки ажримда у ким томонидан, қачон ва қайси иш бўйича чиқарилгани, нима мақсадда ва кимнинг мол-мулки хатланиши лозимлиги, фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланаётганда эса, хатланаётган мол-мулк суммаси ҳам кўрсатилади.

Суриштирувчи ёки терговчи ҳукмнинг мулккий ундириш ёхуд мулккий йўсиндаги жазо қисмининг ижросини таъминловчи чораларни кўрмаган тақдирда, ишни юритаётган суд уларга бундай чораларни кўриш мажбуриятини юклайди.

Фуқаровий даъвои қаноатлантирганда ёки бошқа мулкӣ ундиришларни қўллаётганда ҳукм қонуний кучга киргунига қадар, башарти олдин чора кўрилмаган бўлса, суд ҳукмининг шу қисми ижросини таъминлайдиган чоралар кўриш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Дипломатия ваколатхоналари биноларидаги ва дипломатия вакилларига қарашли мол-мулкни хатлашда ушбу Кодекснинг 165-моддасида назарда тутилган қоидаларга риоя қилиниши лозим.

1. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишларини тергов қилиш ва муҳокама қилишда дастлабки тергов ва суд органлари олдида турадиган мураккаб масала – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қарорининг мулкӣ ундиришлар тўғрисидаги қисми ижросини таъминлашдир. Ҳукмининг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкӣ ундиришларга доир қисми ижро этилишини таъминлаш учун суриштирувчи, терговчи ёки суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкни хатлаши шарт.

Ушбу моддада, мол-мулкни хатлаш бу мулкдорга ёки мол-мулкнинг эгасига мол-мулкни тасарруф қилиш, зарур ҳолларда эса, ундан фойдаланиш ман этилганлигини эълон қилишдан ёхуд улардан мол-мулкни олиб, сақлаб туриш учун бошқа шахсларга топширишдан иборатлиги қатъий белгилаб қўйилган.

2. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш жараёнида суд фуқаровий даъво кўзгатилигани ва жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг ундирилишини таъминловчи чоралар кўрилгани ҳақидаги масалаларни аниқлаши зарур. Агар суриштирувчи ёки терговчи фуқаровий даъвои таъминлаш чораларини кўрмаган бўлса, ушбу шарҳланаётган модда талабига биноан суд ўз ташаббуси билан бу чораларни кўради ёки тегишли органлар зиммасига моддий зарарнинг қопланишини таъминлаш чораларини кўриш мажбуриятини юклайди ва бу ҳақда ажрим чиқаради.

3. Айбдор шахсларнинг мол-мулкни хатлаш мулкӣ зарар қопланишини таъминлашнинг муҳим шаклларида ҳисобланади. Иш материалларида мол-мулк рўйхатининг йўқлиги мулкӣ зарарни қоплаш тўғрисидаги масалани кўрмасдан қолдиришга асос бўла олмайди, чунки бундай мол-мулк ҳукм ижроси

жараёнида ҳам аниқланиши мумкин. Шу билан бирга, судлар қусусий ажрим чиқариш йўли билан суриштирув ва тергов органлари томонидан айбдор шахсларнинг мол-мулкни хатлаш чорасини кўрмаганлиги ёки кечикиб кўрганлиги тўғрисидаги ҳар бир ҳолатга муносабат билдиришлари лозим (ЎЗР Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида"ги 21-қарори 4-банди).

4. Турар жойлар ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, мулк шаклидан қатъи назар, давлатга хоинлик қилиш, конституциявий тузумга, Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш, терроризм, кўпуровчилик жиноятлари содир этиш учун фойдаланилган ёхуд бу жиноятлар қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, талончилик ёки бошқа оғир, ўта оғир жиноятлар одатда моддий-маънавий зиён етказиш билан боғлиқ бўлгани сабабли бу жойлар хатланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

5. Мулкни хатлаш суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими бўйича амалга оширилади. Ушбу моддада хатланиши мумкин бўлмаган мол-мулк турлари ҳам алоҳида санаб ўтилган.

Мол-мулк фуқаровий даъвопи таъминлаш учун хатланаётганда, хатланаётган мол-мулк суммаси ҳам кўрсатилиши керак.

Мол-мулкни хатлаш тўғрисида мулк эгасига эълон қилинади ва унга ушбу мулкни сотиш, айрбошлаш, ҳадя қилиш, тергов ва суд органларидан яшириш ман этилиб, бу ҳақда ундан тилхат олинади. Бундай мулкдан фойдаланиш ҳам ман этилиши мумкин.

6. Фуқаровий даъвони қаноатлантирганда ёки бошқа мулкий ундиришларни кўллаётганда ҳукм қонуний кучга киргунига қадар, башарти олдин чора кўрилмаган бўлса, суд ҳукмининг шу қисми ижросини таъминлайдиган чоралар кўриш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақлидир.

291-модда. Мол-мулкни хатлаш баённомаси

Суриштирувчи ёки терговчи мол-мулкни хатлаш тўғрисида ушбу Кодекснинг 90-92-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда икки нафардан кам бўлмаган ҳолислар

иштирокида баённома тузади. Баённомада хатланган барча мол-мулкнинг номи, улчови, оғирлиги, эскириш даражаси ва бошқа узига хос белгилари санаб утилиб, мол-мулкни хатлаётган шахснинг ҳаракатлари тўғрисидаги ва баённомага киритилган мол-мулкнинг учинчи шахсларга тегишлилиги ҳақидаги арзлар баён этилади. Мол-мулк олиб қўйилган тақдирда айнан ниманинг олинганлиги ва қаерга ёки кимга сақлаш учун топширилганлиги баённомада кўрсатилади.

Мол-мулкни хатлаш чоғида уни яшириш, йўқ қилиб юбориш ёки шикастлашга уринишлар қилинган бўлса, суриштирувчи ёки терговчи томонидан қўлланган чоралар кўрсатилиб, баённомада акс эттирилиши лозим.

1. Суриштирувчи ёки терговчи ЖПКнинг 90-92-моддалари ҳамда ушбу модда талабига риоя қилган ҳолда икки нафардан кам бўлмаган холислар иштирокида баённома тузади.

2. Мол-мулкни хатлаш баённомаси икки нусхада тузилиши, унинг бир нусхаси эгасига топширилиши керак.

292-модда. Мол-мулк хатланганлиги тўғрисидаги баённоманинг нусхасини тақдим қилиш мажбурийлиги

Мол-мулк хатланганлиги тўғрисидаги баённоманинг нусхаси мол-мулки рўйхатга олинган шахсга ёки унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда, мол-мулк рўйхатга олинган ҳудуддаги фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб тилхат олинади.

Корхона, муассаса, ташкилот ёки дипломатия ваколатхонаси ҳудудидаги мол-мулкни рўйхатга олиш ўтказилган бўлса, мол-мулк хатланганлиги тўғрисидаги баённоманинг нусхаси тегишли маъмурият ёки дипломатия ваколатхонаси вакилига топширилиб, қўл қўйдириб олинади.

Ушбу модда талабига қўра мол-мулк хатланганлиги тўғрисидаги баённома нусхаси мол-мулки рўйхатга олинган шахсга ёки унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда, мол-мулк рўйхатга олинган ҳудуддаги фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, мол-мулки

рўйхатга олинган шахсдан ёки унинг вояга етган оила аъзосидан, агар улар қатнашган бўлса, тилхат олинishi шарт.

293-модда. Хатлаш чоғида мол-мулкни баҳолаш

Хатланаётган мол-мулк суриштирувчи ёки терговчи томонидан унинг эскириш даражасини эътиборга олиб, баҳолаш пайтидаги бозор нархида баҳоланади. Зарурат бўлганда мол-мулкни баҳолаш мутахассис иштирокида амалга оширилади.

Пуллар, облигациялар, чеклар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар уз қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Ҳукмнинг фуқаровий даъво қисми ижросини таъминлаш учун мол-мулкни хатлашда баённомага қиймати зиёни қоплаш учун етарли мол-мулк киритилади. Бунда мулкдор ёки мол-мулк эгаси, узининг фикрича, қайси мол-мулкни баённомага киритиш зарур деб ҳисобласа, шу мол-мулкни курсатишга ҳақлидир.

1. Хатланаётган мол-мулк суриштирувчи ёки терговчи томонидан унинг эскириш даражасини эътиборга олиниб, хатланган пайтидаги бозор нархида баҳоланади. Мол-мулкни баҳолашда мутахассис иштироки таъминланиши мумкин.

Пуллар, облигациялар, чеклар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар уз қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Мол-мулкни хатлаш ҳақидаги баённомага фуқаровий даъвони таъминлаш, қиймати зиёни қоплаш учун етарли мол-мулк киритилади. Бунда мулкдор ёки мол-мулк эгаси, қайси мол-мулкни баённомага киритиш зарур деб ҳисобласа, шу мол-мулкни курсатишга ҳақлидир.

2. Жиноят предмети бўлган мулк қийматини аниқлашда жиноят содир этилган вақтдаги давлат улгуржи нархидан, бозор ёки комиссия нархлардан келиб чиқиш лозим. Мулк қийматини аниқлаш имконияти бўлмаганда, у тегишли мутахассислар жалб қилиниб, эксперт хулосасига кўра белгиланади.

3. Жиноий тажовуз оқибатида етказилган моддий зарар миқдорини аниқлашда, мулкнинг моддий зарарни ундириш ҳақида қарор чиқарилаётган кундаги нархини инobatга олиш зарур (ЎЗР Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни

қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида⁷ги 21-қарорининг 8-банди).

294-модда. Хатланган мол-мулкни олиб қўйиш ва сақлаш

Хатланган мол-мулк олиб қўйилиб, сақлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёхуд бошқа ташкилот вакилига топширилиши мумкин.

Хатланган мол-мулк мулкдорга ёки мол-мулк эгасига, унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига ёки бошқа шахсга сақлаб туриш учун қолдирилиб, унга ушбу мол-мулкнинг тула-туқис сақланиши учун қонунда назарда тутилган жавобгарлик тушунтирилади ва бу ҳақда ундан тилхат олинади.

Муомалада бўлиши ман қилинган ашёлар ҳар қандай ҳолларда ҳам олиб қўйилиши керак. Уларни сақлаш тартиби қонун билан белгиланади.

Банк муассасаларида сақланаётган пуллар, шунингдек, давлат заёми облигациялари, акциялар ва бошқа қимматли қозғалар олиб қўйилмайди, лекин мол-мулк хатлангани тўғрисидаги қарорни ёки ажримни олиш биланок, уларни харжлаш операциялари тўхтатиб қўйилади.

1. Ушбу моддада хатланган мол-мулкни олиб қўйиш ва уни сақлашга қўйиладиган талаблар келтирилган. Уларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд оғишмай амал қилишлари даркор.

2. Модда талабига кура хатланган мол-мулк мулкдорга ёки мол-мулк эгасига, унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига ёки бошқа шахсга сақлаб туриш учун қолдирилиб, унга ушбу мол-мулкнинг тула-туқис сақланиши учун қонунда назарда тутилган жавобгарлик тушунтирилади ва бу ҳақда ундан тилхат олинади.

3. Агарда руйхатга олиниб хатланган мулкнинг ўзлаштирилгани, бошқа шахсларга ўтказилгани ёки йўқ қилингани аниқланса, суд ушбу мулк ишониб топширилган шахсни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиши лозим (ЖКнинг 167-моддаси).

4. Муомалада бўлиши ман қилинган ашёлар ҳар қандай ҳолларда ҳам олиб қўйилиши шарт. Уларни сақлаш тартиби қонун билан белгиланлигини эътибордан чиқармаслик керак.

5. Банк муассасаларида сақланаётган пуллар, шунингдек, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар олиб қўйилмасда, лекин мол-мулк хатлангани тўғрисидаги қарорни ёки ажримни олиш биланок, уларни харжлаш операцияларини тўхтатиб қўйиш чораси кечиктирилмай қўрилиши лозим.

295-модда. Мол-мулк хатланганлигини бекор қилиш

Оқлов ҳукми қонуний кучга кирганда, жиноят иши тугатилганда, шунингдек, фуқаровий даъвогар ўз даъвосидан воз кечганда ҳамда фуқаровий даъвони қаноатлантириш юзасидан қўрилган чораларга сабаб бўлган асослар бартараф этилган бошқа ҳолларда мол-мулкнинг хатланганлиги бекор қилинади.

1. Ушбу моддада, оқлов ҳукми қонуний кучга кирганда, жиноят иши тугатилганда, фуқаровий даъвогар ўз даъвосидан воз кечганда, фуқаровий даъвони қаноатлантириш юзасидан қўрилган чораларга сабаб бўлган асослар бартараф этилган бошқа ҳолларда мол-мулкнинг хатланганлиги бекор қилиниши белгилаб қўйилган.

2. Юқорида қайд этилган ҳолларнинг мавжудлиги аниқланганда, шахсга тегишли мол-мулк хатланганлигини бекор қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор – қарор, суд эса – ажрим чиқаради.

36-БОБ. ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

296-модда. Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мажбурияти

Жиноят ишларини юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шарт.

1. Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини аниқлаш мажбурияти қонун ҳужжатларининг вазифаларидан бири бўлган жиноятларни олдини олиш чораларини куришдан иборат.

2. Жиноятни содир бўлишига сабаб бўлган ҳолатларни аниқламасдан шахсни айблаш ёки ҳукм қилиш мумкин эмас. Жиноят иши юзасидан исботланиши лозим бўлган ҳолатлардан бири жиноятни содир бўлишига сабаб бўлган ҳолатлардир. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳақиқатни очиш, айбланувчини фoш этиш учун жиноятни содир бўлишига сабаб бўлган ҳолатларни ва имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари ҳамда уни бартараф этиш чораларини куришлари лозим.

297-модда. Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномаси

Суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини куриш тўғрисида тақдимнома киритади. Тақдимноманинг нусхаси ишга қўшиб қўйилади.

1. Жиноятнинг содир бўлишига сабаб бўлган ҳолатларни таниқлаш ва унинг содир бўлишига имкон берган шарт-шароитларни урганиб, бартараф қилиш чораларини куриш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг бевосита мажбуриятлари ҳисобланади.

2. Суриштирувчи, терговчи ва прокурор жиноятнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни исбот қилишлари шарт:

- а) жиноятни содир бўлишига сабаб бўлган ҳолатларни;
- б) жиноятни содир бўлишига имкон берган шарт-шароитларни.

Шундан кейингина уларни бартараф қилиш чораларини куради, яъни асослантирилган тақдимнома чиқаради. Тақдимнома бевосита жиноятнинг оқибатларини ва уни содир бўлишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш ва жиноятчиликни олдини олиш мақсадида чиқарилади. Унга бир неча талаблар қўйилган: а) жиноят иши билан узвий боғлиқ бўлиши; б) ўз исботини топган далилларга асосланиши; в) маводли ёзилиши; г) жиноятни олдини олиш чоралари юзасидан тегишли йул-йуриқлар курсатилиши.

3. Тақдимнома тегишлича самара бериши учун уни каерга олиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Буларга фуқароларнинг ўзини бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, жамоалар, ёки мансабдор шахслар бўлиши мумкин. Тақдимнома нусхаси ташга қўшиб қўйилади.

298-модда. Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суднинг хусусий ажрими

Жиноят ишини куриш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар таниқланганидан кейин суд хусусий ажрим чиқариб, унда тегишли давлат органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, жамоат бирлашмаларидан, жамоалардан ёки мансабдор шахслардан ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини куришни талаб қилади.

1. Ҳукм билан бирга маслаҳатхонада чиқариладиган ажримлардан бири суднинг хусусий ажримидир.

Хусусий ажрим чиқаришдан мақсад:

1) ўз исботини топган жиноят ишини содир бўлишига сабаб бўлган ҳолатларни кўрсатиш;

2) жиноятни содир бўлишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларни баён қилиш;

3) қўрилган чора-тадбирларни ижобий ҳал қилинганлигини назорат қилиш.

2. Хусусий ажримда қўйилган талабларни бажариш учун тегишлича давлат органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахсларга юборилади. Суднинг хусусий ажримини бажарилиши шарт.

299-модда. Тақдимномани ва хусусий ажримларни бажариш мажбурияти

Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш туғрисидаги тақдимнома ёки хусусий ажрим юборилган давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахс зарур чораларни куриши ва қўрилган чораларнинг натижалари туғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичида тегишинча суриштирувчини, терговчини, прокурорни ёки судни хабардор қилиши шарт.

Тақдимнома ёки хусусий ажрим бажарилмаган ёки виждонан бажарилмаган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг айбдор раҳбари қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

1. Тақдимнома ёки хусусий ажрим ижросини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжатни олган давлат органи, жамоат бирлашмалари, жамоалар ва мансабдор шахслар камида бир ой ичида жиноятни содир бўлишига сабаб бўлган ҳолатлар ва имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан қўрилган чора тадбирлар натижаси туғрисида тақдимнома чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва хусусий ажрим чиқарган судни хабардор қилиши шарт.

2. Тақдимномани виждонан бажармаслик ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқаради, тақдимномада кўрсатилган талабларни бажармаган корхона, ташкилот, муассаса раҳбари қонунда белгиланган тартибда жавобгар қилинади.

Хусусий ажримни қасддан бажармаслик “Одил судловга қарши жиноятлар” туркумига кириб ЖКнинг 232-моддаси билан жинойий жавобгарликка сабаб бўлади.

300-модда. Фуқаро ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисида тақдимнома ва хусусий ажрим

Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор - тақдимнома, суд эса, хусусий ажрим чиқариш йўли билан тегишли корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарини ва жамоасини жиноятнинг олдини олиш ёки уни фош этишда фуқаро юксак онглилик, жасорат кўрсатгани, ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисида хабардор қилиши мумкин.

1. Тақдимнома ва хусусий ажрим чиқариладиган ҳолатлар умумий тартибда жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан чиқарилади. Суриштирувчининг ўз вазафасини старлича адо этмаганлиги, терговчининг процессуал ёки тергов қаракатларини қўпол равишда бузганлиги, эксперт хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос келмаслиги, юқори судларнинг қуйи судлар фаолиятидаги хато ва камчиликларни кўрсатилиши шулар жумласидандир.

2. Фуқароларнинг ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисидаги тақдимнома ва хусусий ажрим жиноятни олдини олишда, жиноятни очишда, гумон қилинувчи, айбланувчини фош этишда муҳим аҳамиятга эга. Бундай тақдимнома ва хусусий ажрим фуқароларнинг юксак онглилик ва жасорат кўрсатилганлиги, ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги ва унинг ҳаракати эътиборга лойиқлигини кўрсатиб, у яшайдиган маҳаллага, ишлайдиган корхона, ташкилот, муассаса раҳбари ва унинг жамоасига миннатдорчилик билдириб ёзилади.

ЕТТИНЧИ БЎЛИМ. РЕАБИЛИТАЦИЯ

37-БОБ. РЕАБИЛИТАЦИЯ АСОСЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

301-модда. Реабилитация асослари

Оқлов ҳукми, шунингдек, ушбу Кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган ҳолатлар шахсни реабилитация этишига асос бўлади.

1. Қонун ҳужжатларига кўра фақат жиноят содир қилишда айбдор бўлган шахс жиноий жавобгарликка тортилиши керак. Реабилитация эса жиноят ҳодисаси юз бермаганда, жиноятнинг таркиби бўлмаганда ҳамда жиноятни содир бўлишида шахснинг иштироки исботланмаганида қўлланилади.

2. Реабилитация жамиятнинг маънавий-ҳуқуқий жиҳатдан етуқлигини кўрсатади, яъни ҳар бир жиноят содир қилган шахс жиноий жавобгарликка тортилиб, жазоланиши билан бир каторда ноқонуний ва асоссиз равишда жиноий таъқибга учраган шахснинг манфаатларини тиклаш ҳамда етказилган мулккий зарар ва маънавий зиёнларни қоплашдан иборат.

302-модда. Реабилитация этилишининг мулккий ва бошқа оқибатлари

Реабилитация этилган шахс қонунга хилоф равишда ушлаб турилгани, эҳтиёт чораси сифатида қонунга хилоф равишда қамоқда сақлангани, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишига эжалб қилингани туфайли вазифасидан қонунга хилоф равишда четлаштирилгани ёхуд тиббий муассасага қонунга хилоф равишда жойлаштирилгани натижасида унга етказилган мулккий зарарни ундириши ҳамда маънавий зиён оқибатлари бартараф этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Бундай ҳолларда реабилитация этилган шахснинг ушбу Кодекснинг 310-моддасида назарда тутилган меҳнат қилиш, нафақа олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқлари ҳам тикланиши лозим.

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари конституция ва уни асосида қабул қилинган қонун ҳамда халқаро ҳужжатлар билан муҳофаза қилинади.

Қонунга ҳилоф равишда ушлаб турилган, қамоқда сақланган, айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган, мансабидан ва хизмат вазифасидан четлаштирилган, тиббий муассасага жойлаштирилган ҳар бир шахснинг бузилган конституциявий ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тикланиши шарт. Давлат ва мансабдор шахслар бунга масъулдирлар. Шунинг учун ҳам реабилитация қилинган шахс ўзига етказилган мулккий зарарни қопланишини, шунингдек, маънавий зиён оқибатларини бартараф этилишини талаб қилишга ҳақли.

2. Реабилитация қилиш махсус процессуал ҳужжат билан расмийлаштирилади. Масалан: жиноят ишини қўзғатишни рад этиш (ЖПК 333-моддаси) гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан айбловни тугатиш (ЖПКнинг 362-моддаси), жиноят ишини тугатиш (ЖПКнинг 373-моддаси), оқлов ҳукмини чиқариш (ЖПКнинг 373-моддаси).

Бу процессуал ҳужжатларнинг қабул қилиниши бузилган ҳуқуқларни тиклаш билан боғлиқ комплекс тадбирларни амалга оширишга асос бўлади. Масалан: ЖПКнинг 310-моддаси меҳнат қилиш, пенсия олиш, уй жойдан фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқларни тиклашни назарда тутати.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 19, 25, 26, 27-моддаларида Ўзбекистон Республикаси фуқароси Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари цахлсиз эканлиги, улардан суд қарорисиз ҳеч ким маҳрум қилишга ёки чеклаб қўйишга ҳақли эмаслиги, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс фақат суд томонидан айбдор деб топиллиши, унга ўзини ҳимоя қилиш ёки ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиши имкониятлари яратилиши, қийноққа солиш, зуравонлик қилиш, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тазйиққа дучор қилиш, ҳаётига аралашиш, шаъни ва обрўсига тажоввуз қилиш, ҳаётига аралашиш, турар жойига дахл қилиш қатъиян ман қилиниши белгиланган. Мазкур қоидалар халқаро ҳужжатлардан “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг

5,7,8,9,10,11 ва 12 моддаларида “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт” нинг 9 ва 10 моддаларида қайд этилган.

303-модда. Қисман реабилитация этишининг асослари ва оқибатлари

Шахснинг қисман реабилитация этилишига қуйидагилар асос бўлади:

1) шахс қамоқда сақлаб турилганига қараганда қамроқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганлиги;

2) ҳукмдан айблов қисман чиқариб ташланиши ва бунинг натижасида қонунга қура қамоқда сақлаш ёки озодликдан маҳрум қилиш мумкин эмаслиги;

3) озодликдан маҳрум қилиш муддатининг юқори суд томонидан ҳақиқатан ўталган муддатга қараганда камай-тирилганлиги ёхуд бошқа енгилроқ жазо тури билан алмаштирилганлиги;

4) жиноий жазо тайинламай ҳукм чиқарилган ҳолларда ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, тиббий муассасага жойлаштиришнинг асоссизлиги.

Қисман реабилитация этиш айбланувчига ёки маҳкумга етказилган мулкий зиённинг асоссиз қисми қопланишига ва маънавий зиён оқибатларининг асоссиз қисми бартараф қилинишига сабаб бўлади.

1. Реабилитация тулик ёки қисман реабилитацияга булинади. Қисман реабилитация асосларига қуйидагилар тегишли:

Гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қўлланилган қамоқда сақлаб туриш муддати озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазога ҳукм қилинганида дастлабки қамокни ҳисобга олиш қоидаларига асосланади.

ЖКнинг 62-моддасига қура, “Суд жазо тайинлаш вақтида дастлабки қамокнинг ҳар бир кунини:

а) қамок, интизомий қисмга жунатиш ва озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига:

б) ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат буйича чеклашнинг уч кунига тенглаштириб ҳисоблайди”.

Бундай ҳолатда дастлабки қамок муддати жазо муддатига тенг ёки ундан ортиқ бўлса суд ЖПК 463-моддасининг иккинчи қисмига кўра жазо белгиланмай айблов ҳукми чиқаради.

2. Дастлабки терговда қўйилган айбнинг маълум бир қисми суд муҳокамасида ўз исботини топмаса, суд ЖПКнинг 457-моддасига мувофиқ, ҳукм чиқариш вақтида ушбу масалани куриб чиқиши лозим. Бундай ҳолатда суд айбловнинг исботланмаган қисмини тугатади ва судланувчига жазо белгилашда буни ҳисобга олади. ЖПКнинг 463-моддасига мувофиқ, судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамасида исбот қилинган тақдирдагина айблов ҳукми чиқарилади.

3. Апелляция, кассация ва назорат инстанция суди ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириб, ҳукмни ўзгартиришга (ЖПКнинг 491-моддаси), бекор қилиб, жиноят ишини тугатишга ҳақли (ЖПКнинг 493-моддаси).

Юкори суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш муддатини ҳақиқатан ўтилган муддатга қараганда камайтириши ёки бошқа енгилроқ жазо тури билан алмаштириши қисман реабилитацияга киради.

4. Қуйидаги ҳолларда шахс реабилитация этилган деб ҳисобланмайди:

а) Озодликдан маҳрум этилган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган маҳкум ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган тақдирда, суд жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштирганда (ЖКнинг 74-моддаси);

б) суд жиноий жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқарганида, чунончи:

1) маҳкум содир этган жиноят учун жазо тайинлашни истисно этадиган амнистия акти эълон қилинган бўлса;

2) мазкур жиноят учун айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетган бўлса;

3) ҳукм чиқариладиган вақтга келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилигини йукотса ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавфли бўлмай қолса;

4) маҳкумнинг тузалишига жамоат бирлашмалари ва жамоалар томонидан қўлланиладиган жамоат таъсир чоралари ёки маъмурий жазо чоралари куриш йўли билан эришиш мумкин бўлса;

5) ҳукм чиқариш вақтигача судланувчи вафот этган бўлса.

38-БОБ. РЕАБИЛИТАЦИЯ ЭТИЛГАН ШАХСГА ЕТКАЗИЛГАН ЗИЁННИ ҚОПЛАШ ВА УНИНГ БОШҚА ҲУҚУҚЛАРИНИ ТИКЛАШ ТАРТИБИ

304-модда. Мулкӣй зиённи қоплаш ҳажми

Реабилитация этилган шахсга ушбу Кодекснинг 302 ва 303-моддаларида курсатилган қонунга хилоф ҳаракатлар билан етказилган мулкӣй зиён тула ҳажмда қопланади.

Қуйидагилар қопланиши лозим булади:

1) реабилитация этилган шахс узига нисбатан содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида маҳрум булган иш ҳақи ва меҳнатдан топиладиган бошқа даромадлар;

2) пенсия ва нафақалар, башарти уларни тулаш тўхта-тиб қуйилган булса;

3) пуллар, пул жамғармалари ва уларга туланадиган фоизлар, давлат заёми облигациялари ва уларга чиққан ютуқлар, акциялар ва бошқа қимматли қозғозлар, шунингдек, суднинг ҳукми, ажримига (қарорига) асосан мусодара қилинган ёҳуд давлат фойдасига ўтказилган ашёлар ёҳуд бошқа мол-мулкнинг қиймати;

4) суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан олинган ва йўқотилган мол-мулк қиймати;

5) суд ҳукмини ижро қилиш чоғида ундирилган жарималар ва суд чиқимлари;

6) юридик ёрдам курсатилиши учун шахс томонидан юридик маслаҳатхонага туланган пул, шунингдек, унга нисбатан содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида қилинган бошқа ҳаражатлар.

Реабилитация этилган шахс вафот этган тақдирда ушбу модданинг 1, 3, 4, 5 ва 6-бандларида назарда тутилган зиённи ундириш ҳуқуқига унинг меросхўрлари, 2-бандида назарда тутилган зиённи ундириш ҳуқуқига эса боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланиши лозим булганлар жумласига кирувчи оила аъзолари эга буладилар.

1. Қонунга хилоф ҳаракатлар билан етказилган қуйидаги мулкӣй зиёнлар тула ҳажмда қопланиши лозим:

1) реабилитация этилган шахснинг иш ҳақи ва меҳнат билан топадиган даромадлари ҳамда яшаши учун кетадиган маблағлари. Бунда фуқарони таъкиб қилиш пайтидан бошлаб ўзгарган минимал иш ҳақи миқдори ҳисобга олинади. Шахснинг ноқонуний ушлаб турилгани, қамокқа олингани, жазо ўтагани, мансабидан четлаштирилгани ишлаган иш вақти ҳисобланади.

2) пуллар, пул жамғармалари ва уларга тўланадиган фоизлар, давлат заёми облигациялари, уларга чиққан ютуқлар, акция ва бошқа кимматли қозғолар, суд ҳукми ёки ажримига (қарорига) асосан мусодара қилинган ёхуд давлат фойдасига ўтказилган ашёлар ва йўқотилган мол-мулк қиймати;

3) эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган уй-жойлари, агар илгариги уй-жойини қайтариш имкони бўлмаса, унга тенг бўлган уй-жой билан таъминлаш;

4) суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан олинган, йўқотилган мол-мулк қиймати;

5) суд ҳукмини ижро қилиш чоғида ундирилган жарималар, суд чикимлари, бориш-келиш, квартира тўловлари, суткалик ҳаражатлар ва ҳ.к.;

6) ҳимоячига кўрсатилган юридик ёрдами учун адвокатлар бюросига, хайъатига ёки фирмасига тўланган пул, шунингдек, унга нисбатан содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида қилинган бошқа ҳаражатлар.

2. Реабилитация қилинган шахс вафот этган тақдирда унинг пенсия ёки нафақасидан ташқари, барча зиёни ундириш ҳуқуқи меросхўрларга ўтади. Пенсия ва нафақани ундириш ҳуқуқига боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланиши лозим бўлган оила аъзолари эга бўлади.

Мулкий зиёни қоплаш ҳақида даъво қилишнинг умумий муддати уч йил. Мулкий даъвонинг айрим турлари бўйича қонун билан алоҳида муддат белгиланиши мумкин. Бу муддат умумий муддатдан камроқ ёки кўпроқ бўлиши ҳам мумкин.

305-модда. Мулкий зиёни қоплаш манбаи

Ушбу Кодекс 304-моддасининг 1, 3, 4, 5 ва 6-бандларида кўрсатилган зиён молия органлари томонидан, 2-бандида кўрсатилган зиён ижтимоий таъминот органлари томонидан давлат бюджетидан ҳисобидан қопланади.

Реабилитация қилинган шахснинг иш ҳақи ва меҳнатдан топилган даромадлари, пуллари, пул жамғармалари, уларга туланадиган фоизлар, давлат заёми облигациялари, уларга чиққап ётуқлар, акциялар ва бошқа кимматли қоғозлар, давлат фойдасига ўтказилган ашёлар ёхуд бошқа мол-мулкнинг қиймати, суриштирув, тергов органлари ва суд томонидан олинган ва йўқотилган мол-мулк қиймати, ҳукми ижро қилиш чоғида ундирилган жарималар ва суд чиқимлари, юридик ёрдам учун тўпланган пуллар молия органлари томонидан туланади. Пенсия ва нафақалар ижтимоий таъминот органлари томонидан давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

306-модда. Мулкӣ зиёни ундириш ҳуқуқи ва унинг миқдори масаласини ҳал қилиш

Ушбу Кодекс 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра чиқарилган оқлов ҳукмида ёки ишни тугатиш ҳақидаги ажримда (қарорда) суд, ишни тугатиш тўғрисидаги қарорда эса терговчи, прокурор реабилитация этилган шахснинг ўзига етказилган мулкӣ зиёни ундириб олиш ҳуқуқини эътироф этишлари лозим. Ҳукм, ажрим ёки қарорнинг нусхаси реабилитация этилган шахсга топширилади ёки почта орқали юборилади. Айни вақтда унга ҳукм, ажрим ёки қарор устидан шикоят қилиш тартиби, шунингдек, мулкӣ зиёни қоплаш ва бошқа ҳуқуқларини тиклаб олиш тартиби тушунтирилади.

Реабилитация этиш тўғрисида қарор чиқарган суд, прокурор ёки терговчи реабилитация этилган шахсдан ариза тушган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан зиён миқдорини аниқлайди, зарурат тугилганда бунинг учун молия органларидан ва ижтимоий таъминот органларидан ҳисоб-китоб талаб қилиб олади. Иш кассация ёки назорат тартибида кўриш чоғида суд томонидан тугатилган бўлса, зиён миқдорини ҳукм чиқарган суд аниқлайди.

1. Мулкӣ зиёни ундириш ҳуқуқига фақат реабилитация қилинган шахс эга. Агар реабилитация қилинган шахс вафот этган бўлса, унинг меросхўрлари, боқувчисини йўқотганлиги учун нафақа олувчилари мулкӣ зиёни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

ЖПКнинг 83-моддасига кўра, оқлов ҳукми ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажрим (қарор) чиқарган суд ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқарган терговчи, прокурор реабилитация этилган шахсга етказилган мулкий зарарни қоплаш чораларини кўришлари ва у шахснинг шундай ҳуқуққа эга эканлигини эътироф этишлари зарур.

Шахсни реабилитация этилганлиги тўғрисида процессуал ҳужжатнинг нусхаси реабилитация этилган шахсга бевосита ёки почта орқали етказилиши шарт.

2. Реабилитация этиш тўғрисидаги ҳужжат устидан шикоят қилиш, мулкий ва маънавий ҳамда бошқа зарарни қоплаш, шунингдек, бошқа ҳуқуқларни тиклаш тартиби тўғрисида реабилитация этилган шахсга ҳукм, ажрим ва қарор чиқарган суд, терговчи, прокурор тушунтириши лозим.

Реабилитация этиш тўғрисида ҳукм, ажрим (қарор) чиқарган суд, жиноят иши тугатиш тўғрисида қарор чиқарган терговчи, прокурор реабилитация этилган шахсдан ариза тушган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида зиён миқдорини аниқлаши, молия ва ижтимоий таъминот органларидан ҳисоб-китобни талаб қилиб олиши керак. Агар иш апелляция, кассация ёки назорат инстанция судлари томонидан тугатилган бўлса, зиён миқдорини ҳукм чиқарган суд аниқлайди.

307-модда. Мулкий зиёни қоплаш тартиби

Мулкий зиёнинг миқдори ҳисоблаб чиқарилганидан кейин бу зиёни қоплаш учун пул туловларини амалга ошириш тўғрисида суд ажрим, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради.

Ажрим ёки қарорнинг нусхаси гербли муҳр билан тасдиқланиб, туловни амалга ошириши лозим бўлган органларга тақдим этиш учун реабилитация этилган шахсга, у вафот этган бўлса, ушбу Кодекснинг 304-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган шахсларга берилади ёки юборилади.

1. Қопланиши лозим бўлган мулкий зиёнинг миқдори пул шаклида амалга оширилади. Бунинг учун суд, терговчи ёки прокурор мулкий зиёни қоплаш миқдорини ҳисоблаб, ажрим ёки қарор чиқаради.

2. Ажрим ёки қарорнинг нусхаси реабилитация этилган шахсга, агар у вафот этган бўлса, унинг меросхўрларига ёки боқувчисини йўқотганлиги учун нафақа оладиган оила аъзоларидан бирига топширилади. Бу ҳужжат тегишли молия ва ижтимоий таъминот органларидан мулкӣ зиённи қоплашда ундириладиган туловлар учун асос бўлади.

308-модда. Туловни амалга ошириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим устидан шикоят қилиш

Терговчининг, прокурорнинг пул туловини амалга ошириш тўғрисидаги қарори устидан манфаатдор шахслар ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда ва муддатда судга шикоят қилишлари мумкин.

Суднинг туловни амалга ошириш тўғрисидаги ажрими устидан манфаатдор шахслар юқори судга умумий тартибда шикоят қилишлари, прокурор эса протест киритиши мумкин.

1. Терговчи ёки прокурорнинг пул туловини амалга ошириш тўғрисидаги қарори устидан реабилитация этилган шахс унинг меросхўрлари ёки боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олувчи шахс прокурорга ёки юқори турган прокурорга ЖПК 306-моддасининг иккинчи қисмида белгиланганидек ариза топширилган бир ойлик муддат оралигида шикоят қилишга ҳақлидирлар.

2. Суднинг туловни амалга ошириш тўғрисидаги ажрими устидан манфаатдор шахслар юқори судга шикоят қилишга ҳақлидирлар, прокурор эса протест келтириши мумкин.

309-модда. Реабилитация этилган шахсга етказилган маънавий зиён оқибатларини бартараф қилиш

Шахс ушлаб турилганлиги, қамалганлиги, лавозимидан четлаштирилганлиги, тиббий муассасага жойлаштирилганлиги ёки ҳукм қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинган, радио, телевидение ёки бошқа оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган бўлса, реабилитация этилган шахснинг, у вафот этган бўлса,

қариндошларининг, суд, прокурор, терговчининг талабига кўра тегишли оммавий ахборот воситалари унинг реабилитация этилганлиги тўғрисида бир ой ичида хабар беришлари шарт.

1. Шахсга маънавий зарар моддий бўлмаган жисмоний ва рухий азоблаш орқали етказилади. Шахсни хурлаш, обрусини гуқиш, инсоний қадр-қимматини поймол этиш, шахсий ва оилавий сирларини фош этиш, ҳаётига ёки соғлиғига жиддий зарар етказиш, номулкий ҳуқуқларидан, масалан муаллифлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, маънавий зарарга қиради.

2. Терговчи ёки прокурор реабилитация қилиш асосларига кўра жиноят ишини тугатганида албатта маънавий зарар кўрган шахсга етказилган маънавий зарар ва унинг оқибатларини бартараф қилиш тартиби тўғрисида тушунтириш бериши керак.

3. Маънавий зарар мулкый зарар билан бирга ёки алоҳида қонланиши мумкин. Маънавий зарар билан давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ўртасида сабабий боғланиш бўлмаса, маънавий зарар қопланмайди. Маънавий зарарнинг миқдорини суд белгилайди. Ушлаб турилган, қамоққа олинган, лавозимидан четлаштирилган, тиббий муассасага жойлаштирилган ёки ҳукм қилинган шахс ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг талаби билан радио, телевиденияда, матбуотда ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида маълумот берилган бўлса, унинг реабилитация қилинганлиги ҳам шу тартибда тегишли оммавий ахборот воситаларида бир ой муддат давомида хабар қилиниши керак.

310-модда. Реабилитация этилган шахснинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш

Қонунга ҳилоф равишда ҳукм қилингани, қонунга ҳилоф равишда тиббий муассасага жойлаштирилгани, эҳтиёт чораси тариқасида қонунга ҳилоф равишда қамоққа олингани, қонунга ҳилоф равишда ушлаб турилгани туфайли ишдан (лавозимидан) озод қилинган ёки ишда айбланувчи, судланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши муносабати билан лавозимидан қонунга ҳилоф равишда

четлаштирилган шахс олдин ишлаган ишига (лавозимига) тикланиши лозим, корхона, муассаса, ташкилот тугатилган ёки қонунда назарда тутилган бошқа асослар уни олдинги ишлаб турган ишига (лавозимига) тиклаш имкониятини бермаган тақдирда унга аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилиши лозим.

Реабилитация этилган шахснинг қонунга хилоф равишда эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақланган вақти, жазо утаган вақти, лавозимидан четлаштирилганлиги туфайли ишламай юрган вақти, тиббий муассасада сақланган вақти умумий меҳнат стажига ва ихтисослик буйича иш стажига қўшилади.

Қонунга хилоф равишда ҳукм этилгани, эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақлангани, ушлаб турилгани ёки тиббий муассасага жойлаштирилгани туфайли ўқув юртидан ҳайдалган шахс илтимосига кура ўқишга тикланиши шарт.

Қонунга хилоф равишда ҳукм этилгани ёки тиббий йусиндаги мажбурлов чоралари қўлланилгани туфайли уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган шахсга илгари у эгаллаб турган уй-жой қайтарилади, башарти уни қайтариб беришнинг имкони бўлмаса, уша аҳоли пунктининг ўзида аввалгисига тенг қулайликларга эга бўлган уй-жой берилади.

1. Ноқонуний ушлаб турилган, қамоққа олинган, ишдан бўшатилган, эгаллаб турган вазифасидан озод қилинган, тиббий муассасага жойлаштирилган, ўқишдан четлаштирилган, уй-жойидан маҳрум қилинган шахс реабилитация қилинганда, у ёки унинг қариндошлари талабига кура, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд уларнинг барча бузилган ҳуқуқларини тиклашга мажбурдирлар. Жумладан: 1) бўшатилган ишга ёки эгаллаган лавозимига қайтадан тикланиши лозим. У ишлаган корхона, ташкилот ёки муассаса тугатилган бўлса, ишига ёки лавозимига тенг бошқа иш ёки лавозимга тиклаш имконияти бўлмаса, аввалги ишига ёки лавозимига тенг бошқа иш ёки лавозим таклиф этилиши керак.

2. Ноқонуний ушлаб турилгани, қамоққа олингани, тиббий муассасага жойлаштирилгани туфайли ишламай юрган вақти умумий меҳнат стажига, ихтисослиги буйича иш стажига киритилади.

3. Илгариги ўқишига тикланади, маълум бир фаолиятини амалга ошириш учун олган лицензияси ёки аккредитацияси, шунингдек, ҳайдовчилик гувоҳномалари қайтарилади.

4. Илгари эгалик қилган уй-жойлари қайтарилиши керак. Агар яшаган уй-жойини қайтариш имконияти бўлмаса, уй-жой жойлашган мавзеда, тенг қулайликка эга бўлган бошқа уй-жой таклиф қилиниши лозим. Агар реабилитация қилинган шахс бошқа мавзедаги уй-жойни мақбул деб топса, таклиф қабул қилинган деб ҳисобланади, акс ҳолда унинг талаби бажарилиши керак.

311-модда. Ҳуқуқларни даъво тартибида тиклаш

Шахснинг меҳнат қилиш, пенсия олиш ва уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқларини тиклаш, шунингдек, мол-мулкни қайтариш ёки унинг қийматини тўлаш тўғрисидаги талаби қаноатлантирилмаган бўлса ёхуд шахс қабул қилинган қарорга рози бўлмаса, у тегишли талаб билан даъво ишини юритиш тартибида судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Реабилитация қилинган шахс, агар у вафот этган бўлса – унинг меросхўрлари ёки боқувчисини йўқотганлиги учун нафақа оладиган оила аъзолари меҳнат қилиш, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиши, шунингдек, мол-мулкни қайтариш ёки унга тенг моддий қийматини тўлаш каби талабларни қаноатлантирилмади ёки етарли даражада қаноатлантирилмади деб ҳисобласалар, шунингдек, чиқарилган қарор ёки ажримдан норози бўлсалар, фуқаровий тартибда даъво қўзғатишга ҳақлидирлар. Бу даъволарни куриб чиқиш учун давлат божи тўланмайди.

312-модда. Талаб қилиш муддати

Мулкий зиёни қоплаш учун пул товони тўлашни реабилитация этилган шахс ёки ушбу Кодекс 304-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шахслар бундай тўловларни амалга ошириш ҳақидаги ажрим ёки қарорни олган пайтдан ўтиборан икки йил мобайнида талаб қилишлари мумкин.

Бошқа ҳуқуқларни тиклашни реабилитация этилган шахс ҳуқуқларини тиклаш тартибини тушунирувчи

билдириш хати олган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида талаб қилиши мумкин. Узрли сабабларга қўра бу муддат утказиб юборилган ҳолларда у маифаатдор шахснинг аризасига биноан терговчи, прокурор ёки суд томонидан тикланиши лозим.

1. Мулкий зиёни қоплашни талаб қилиш учун икки йиллик муддат белгиланган. Реабилитация қилинган шахс, агар у вафот этган бўлса, меросхўри ёки боқувчисини йўқотганлиги учун нафақа оладиган оила аъзоси туловларни ундириш туғрисидаги қарор ёки ажримни олган кунларидан бошлаб, икки йил давомида мулкий зиёнларни қоплашни талаб қилиб, тегишли молия ва ижтимоий таъминот органларига мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

2. Реабилитация этилган шахснинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш унинг тартибини тушунтирувчи билдириш хати олинган кундан эътиборан бир йил давомида талаб қилиниши мумкин. Бу муддат турли сабабларга қўра утказиб юборилса, терговчи, прокурор ва суд уни тиклаш ваколатига эга. Реабилитация этилган шахс муддатни тиклаш учун утказиб юбориш сабабларини кўрсатиб, терговчи, прокурор ва судга ариза билан мурожаат қилишлари керак. Терговчи, прокурор ва суд аризада келтирилган асослар узрли деб ҳисобласалар, утказиб юборилган муддатни тиклашлари мумкин.

313-модда. Реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг мулкий ва бошқа ҳуқуқларини тиклаш

Реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкий зиёни қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш ушбу бобда белгиланган қоидаларга мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Мудофаа вазири, Ички ишлар вазири ва Миллий хавфсизлик хизмати раиси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Реабилитация этилган ҳарбий хизматчининг хизматга оид барча мулкий ва маънавий зарарлари қопланиши керак. Маса-

лан: пенсияси тикланиши, уй-жойдан ва бошқа шахсий ҳуқуқлардан фойдаланиши, ҳарбий унвонлари қайтарилиши лозим. Шунингдек, Республика Бош прокурори, Мудофаа вазири, Ички ишлар вазири, Миллий хавфсизлиги хизмати раиси томонидан белгиланган тартибда кўрган мулкӣ, маънавий зарарлари қопланади ва бошқа ҳуқуқлари тикланади.

САККИЗИНЧИ БЎЛИМ. ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР ВА ЧИҚИМЛАР

39-БОБ. ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР

314-модда. Муддатларни ҳисоблаш

Ушбу Кодексда белгиланган муддатлар, шуниқдек, қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ақрими билан тайинланган муддатлар соатлар, суткалар ва ойлар билан ҳисобланади. Муддатларни ҳисоблашда муддатнинг утиши бошланган соат, сутка ҳисобга олинмайди, аммо бу қоида ушлаб туриш, қамокда сақлаш ва тиббий муассасада бўлиш муддатларини ҳисоблашга тааллуқли эмас.

Муддатни ҳисоблашда ишдан холи вақт ҳам эътиборга олинади. Муддатлар суткалар билан ҳисобланганда муддат охири суткада соат 24-00 да тугайди. Тегишли ҳаракат судда, прокуратурада ёки бошқа давлат муассасасида баъжарилиши лозим бўлса, муддат ушбу муассасаларда иш вақти тамом бўлиши билан тугайди.

Ойлар билан ҳисобланадиган муддат охири ойнинг муддат бошланган кунига тугри келган санасида тугайди, муддатнинг тугаши тегишли санаси бўлмаган ойга тугри келса, муддат шу ойнинг сунги суткасида тамом бўлади. Муддатнинг тугаши ишдан холи кунга (дим олиш, байрам кунига) тугри келса, муддат шундан кейинги биринчи иш кунига тугайди, ушлаб туриш, қамокда сақлаш ва тиббий муассасада бўлиш муддатини ҳисоблаш ҳоллари бундан мустасно.

1. Процессуал муддатлар қонун билан белгиланган вақт оралиғи бўлиб, бу муддатда процессуал қарорлар ва тергов ҳаракатлари амалга оширилади ёки уни амалга оширишдан гийиб турилади. Процессуал муддат жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз вақтида амалга оширишларига ҳамда жиноят судлов ишларини тула, ҳар томонлама ва ҳолисона юритишларига хизмаг қилади. Процессуал муддатлар қонун билан ёки қонун доирасида ваколатли мансабдор шахслар томонидан белгиланади.

2. Ушбу моддада муддатларни ҳисоблаш коидаси белгиланган. Муддатларни ҳисоблаш далилларни топиш, тўплаш ва текширишда, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишда, процессуал ҳаракатлар ва қарорларининг қонунийлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Муддатнинг ўтиши бошланган соат, сутка ҳисобга олинмайди. Лекин бу койда ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва тиббий муассасага жойлаштиришга татбиқ этилмайди.

3. Муддатларни ҳисоблаш соатлар(ЖПК 161 моддасининг биринчи қисми), суткалар (ЖПК 170 моддасининг учинчи қисми); ойлар (ЖПК 351 моддасининг биринчи қисми) ва йиллар (ЖПКнинг 500 моддаси) билан ҳисобланади.

Муддатлар суткалар билан ҳисобланганда охириги сутка соат 24 да тугайди. Тегишли ҳаракат судда, прокуратурада ёки бошқа давлат муассасида бажарилиши лозим бўлса, муддат ушбу муассасаларда иш вақти тамом бўлиши билан тугайди.

Муддатлар ойлар билан ҳисобланганда ойнанинг охириги санасида тугайди. Агар муддат санаси бўлмаган ойга тўғри келса, шу ойнанинг сўнгги суткасида тамом бўлади.

Агар муддатнинг тугаши дам олиш ёки байрам кунларига тўғри келса, муддат шундан кейинги биринчи иш кунида тугайди.

Ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, тиббий муассасага жойлаштиришга бу коидалар татбиқ этилмайди.

315-модда. Процессуал мажбурлов чоралари қўлланганда муддатларни ҳисоблаш

Шахсни ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва тиббий муассасага жойлаштиришда муддат ушбу чоралар амалда қўлланилган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Ушбу Кодекснинг 226, 245 ва 268-моддаларида кўрсатилган муддат утгач, шахс дарҳол озод қилиниши лозим.

Шикоят, илтимоснома ёки бошқа ҳужжат муддат тугагунга қадар уни қабул қилишга ваколатли шахсга топширилган ёхуд хабар қилинган бўлса, муддатга риоя этилган деб ҳисобланади. Шикоят, илтимоснома ёки бошқа ҳужжат муддат тугагунга қадар почтага топширилган бўлса, қамоқда сақланаётган ёхуд тиббий муассасадаги

шахслар учун эса, дастлабки қамоқ ёки тиббий муассаса маъмуриятига топширилган бўлса, муддат ўтган деб ҳисобланмайди.

1. Қонун билан белгиланган процессуал муддатларга процесс иштирокчиларининг барчаси қатъий риоя қилишлари шарт. Сабабсиз ўтказиб юборилган муддат бирон-бир процесс иштирокчисининг ҳуқуқларини поймол бўлишига олиб келади. Айниқса, процессуал мажбурлов чораларидан шахсни ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, тиббий муассасага жойлаштиришда муддатларга риоя қилиш қатъиян талаб этилади.

Ушлаб туриш муддатининг ўтиши билан (ЖПКнинг 226-моддаси етмиш икки соат), шунингдек, қамоқда сақлаб туриш муддатнинг ўтиши билан (ЖПКнинг 245- модда уч ойдан узайтирилмаган бўлса) шахс дарҳол озод қилиниши шарт.

2. Қуйидаги ҳолатларда шикоят, илтимоснома ёки бошқа ҳужжатлар ўз муддагида топширилган деб ҳисобланади:

- а) ваколатли шахсга топширилган ёки хабар қилинган бўлса;
- б) муддат тугагунга қадар почтага топширилган бўлса;
- в) қамоқда сақланаётган ёхуд тиббий муассасадаги шахслар учун дастлабки қамоқ ёки тиббий муассасага топширилган бўлса.

Ташкилотнинг ҳужжат қабул қиладиган бўлимидан унинг топширилганлигини тасдиқловчи рўйхатга олинган номери, вақти ва имзо олиниши, ваколатли шахсга топширилган бўлса, ҳужжатнинг иккинчи нусхасига имзоси ва куни, почтага топширилган бўлса, унинг штамни ҳуқуқий асос сифатида олиниши керак.

316-модда. Муддатни узайтириш

Ушбу Кодексда белгиланган муддатлар унда назарда тутилган ҳоллардагина узайтирилиши мумкин.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан муайян ҳаракатни баъсартиш учун белгиланган муддат процесснинг манфаатдор иштирокчиси қилган илтимосга биноан муддатни белгилаган суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан узайтирилиши мумкин.

1. ЖПКда муддатлар фақат қонунда белгиланган процессуал тартибда узайтирилади.

2. ЖПКнинг тегишли моддаларида муддатни узайтиришнинг процессуал тартиби белгиланган. Масалан: ЖПКнинг 245-моддасига кўра, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш учун терговчи берилган уч ойлик муддатда қандай тергов ишларни амалга оширганлиги ва сўралаётган муддат давомида қандай тергов ишларини амалга оширишни режалаштирганлигини ҳисобот тарзида баён қилиб, қарор шаклида, тегишли прокурорнинг розилиги билан жинойят ишлари бўйича туман судига илтимос билан мурожаат қилади. Жинойят ишлари бўйича туман суди илтимосномани тарафлар иштирокида муҳокама қилиб, сўралган муддатни бериш туғрисида бир тўхтамга келади ва ажрим чиқаради.

ЖПКнинг айрим моддаларида дастлабки тергов муддатини (ЖПКнинг 351-моддаси) суд мажлисида жинойят ишини муҳокама қилиш муддатини (ЖПКнинг 405-моддаси) юқори судда жинойят ишини кўриш муддатларини (ЖПКнинг 483-моддада) узайтириш тартиби ва шартлари белгиланган.

317-модда. Муддатни тиклаш

Узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат иш юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан тикланиши лозим. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантириш ёки рад этиш хусусида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Муддатни тиклашнинг рад этилиши устидан умумий тартибда шикоят қилиниши ва протест билдирилиши мумкин.

Белгиланган муддат ўтказиб юборилгандан сўнг шикоят қилинганда ажрим ёки қарорнинг ижроси манфаатдор процесс иштирокчисининг илтимосига биноан, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги масала ҳал қилингунига қадар тўхтатиб турилиши мумкин.

1. Муддат фақат узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилганда тикланиши мумкин. Курсатилган сабабларни узрли ёки узрсиз деб топиш муддатни тиклаш ваколатига эга бўлган суришти-

рувчи, терговчи, прокурор ва судга хавола қилинган. Агар суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд муддатни узрли деб топсалар, уни тиклаш тўғрисида, агар узрсиз деб топсалар муддатни ўтказиб юборилганлиги тўғрисида қарор ёки ажрим чиқарадилар. Бундай қарор ёки ажрим устидан тегишли равишда шикоят келтирилиши мумкин. Қонунда узрли сабаб ёки узрсиз сабабнинг мезони кўрсатилган эмас. Буни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳар бир ишнинг ҳолатидан ҳамда ўзларининг ички ишончи ва ҳуқуқий онгидан келиб чиқиб белгилайди.

Муддатни ўтказиб юборилишига асосли сабаблар кўрсатилиши лозим, масалан, оғир бетоблик, хизмат сафарида бўлиш, экспедицияда бўлиш, табиий офат ва б.

2. Қонунда белгиланган муддатни тиклашни сўраб шикоят қилинганда муддатни тиклаш масаласи ҳал қилинганга қадар манфаатдор иштирокчиларнинг илтимосларига кўра ажрим, қарорнинг ижроси тўхтатиб турилади.

Манфаатдор иштирокчиларга гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, унинг ҳимоячиси, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар уларнинг вакиллари ва қонуний вакиллари киради.

40-БОБ. ПРОЦЕССУАЛ ЧИҚИМЛАР ВА УЛАРНИ ҚОПЛАШ

318-модда. Процессуал чиқимлар

Процессуал чиқимлар:

1) *жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга, холисларга уларнинг процессуал ҳаракатлар утказиладиган жойга келиб кетиш, турар жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш учун, шунингдек, суткалик харажат пули тариқасида бериладиган суммадан;*

2) *доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, холисларга уларни одатдаги машғулотидан чалғитганлик учун туланадиган суммадан;*

3) *экспертларга, таржимонларга, мутахассисларга улар суриштирув, дастлабки тергов ёки судда ўз вазифаларини бажарганлиги учун туланадиган ҳақдан, ана шу вазифалар хизмат топшириги тартибида бажаришган ҳоллар бундан мустасно;*

4) *ушбу Кодекснинг 50-моддасига мувофиқ судланувчи тўловдан озод қилинган тақдирда юридик ёрдам курсатганлик учун ҳимоячига туланадиган ҳақдан;*

5) *ашёвий далилларни сақлаш ва жунатиш билан боғлиқ харажатлар суммасидан;*

6) *экспертиза муассасаларида экспертиза утказиши учун сарфланган суммадан;*

7) *шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш ва қидириш учун қилинган харажатлардан;*

8) *жиноят ишини юритишда қилинган бошқа харажатлардан иборат бўлади.*

Ушбу модданинг 1, 2, 3 ва 4-бандларида курсатилган суммалар суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан туланади.

1. Процессуал чиқимлар жиноят судлов ишларини юргизишда сарф-харажат қилинган нул шаклидаги чиқимлардир. Бу чиқимлар бюджет маблағлари ҳисобидан ёки процесс иштирокчиларидан ундирилади.

Процессуал чиқимлар жинойт ишларида тўланадиган ёки харажат қилинадиган ҳар хил турдаги суммалар йиғиндисидан иборат бўлади. ЖПКнинг ушбу моддасида айнан шундай чиқимлар йиғиндиси баён қилинган. Буларга:

1) жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга, холисларга уларнинг процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб кетиш, турар жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш учун, шунингдек, суткалик харажат пули тариқасида бериладиган суммадан;

2) доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, холисларга уларни одатдаги машғулотида чалғитганлик учун тўланадиган суммадан;

3) экспертларга, таржимонларга, мутахассисларга улар суриштирув, дастлабки тергов ёки судда ўз вазифаларини бажарганлиги учун тўланадиган ҳақдан, ана шу вазифалар хизмат топшириғи тартибида бажарилган ҳоллар бундан мустасно;

4) ушбу Кодекснинг 50-моддасига мувофиқ, судланувчи тўловдан озод қилинган тақдирда юридик ёрдам кўрсатганлик учун химоячига тўланадиган ҳақдан;

5) ашёвий далилларни сақлаш ва жўпатиш билан боғлиқ харажатлар суммасидан;

6) экспертиза муассасаларида экспертиза ўтказиш учун сарфланган суммадан;

7) шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш ва кидириш учун қилинган харажатлардан;

8) жинойт ишини юритишда қилинган бошқа харажатлардан иборат бўлади.

Ушбу модданинг 1, 2, 3 ва 4-бандларида кўрсатилган суммалар суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади.

2. Пулли сарф харажатлар тегишли ҳужжатлар қвитанция, маълумотнома ёки чипталар билан тасдиқланиши лозим. Бу ҳужжатлар жинойт ишига тикилиши керак. Агар йўл учун чипта тақдим этилмаса, ўртача йўл харажати миқдори белгиланади. (Масалан: пассажир поездининг умумий вағони учун тўланадиган чипта суммаси).

319-модда. Уртача иш ҳақининг сақланиши

Гувоҳ тариқасида, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси тариқасида чақириладиган шахснинг суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга чақирилганлиги билан боғлиқ буткул вақт учун уларнинг иш жойида уртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

Жиноят ишида гувоҳ, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси тариқасида иштирок этиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан чақирилган иштирокчиларнинг иш жойларида уртача иш ҳақлари сақланиб қолинади. Уларнинг жиноят ишларини юргизишдаги иштирокини тасдиқловчи ҳужжат суриштирувчи, тергов, прокурор ва суднинг гербли муҳри билан тасдиқланган маълумотномаси ҳисобланади. Ушбу маълумотномага қўра юқорида қайд этиб ўтилган иштирокчилар иш жойларидан уртача иш ҳақларини оладилар.

320-модда. Процессуал чиқимларни ундириш

Процессуал чиқимлар, ушбу модданинг олтинчи, еттинчи ва саккизинчи қисмларида назарда тутилганидан ташқари ҳолларда, маҳкумлардан ундирилади ёки давлат ҳисобига ўтказилади.

Суд процессуал чиқимларни, таржимонга туланган суммадан ташқари, маҳкумдан ундиришга ҳақли. Процессуал чиқимлар жазодан озод қилинган маҳкум, шунингдек, жазо тайинланмаган маҳкум зиммасига юклатилиши мумкин.

Суд бир неча судланувчини айбли деб топган тақдирда, уларнинг ҳар биридан қанча миқдорда процессуал чиқимларни ундириш лозимлигини белгилайди. Бу ҳолда суд айбнинг оғир ёки енгилигини, жиноят учун жавобгарлик даражаси ва маҳкумларнинг мулкӣ аҳволини инобатга олади.

Судланувчи оқланган ёки ушбу Кодекснинг 83-моддасига мувофиқ иш тугатилган тақдирда процессуал чиқимлар давлат ҳисобига ўтказилади. Судланувчи бир айблов бўйича

оқланган, бошқа айблов буйича эса айбли деб топилган бўлса, суд у айбли деб топилган айблов билан боғлиқ процессуал чиқимларни тулашни унинг зиммасига юклайди.

Процессуал чиқимлар ундирилиши лозим бўлган шахснинг туловга моддий имконияти булмаган тақдирда чиқимлар давлат ҳисобига ўтказилади. Маҳкумнинг процессуал чиқимни тулаши унинг қарамогига бўлганларнинг моддий аҳволига жиддий таъсир курсатиши мумкин бўлса, суд маҳкумни процессуал чиқимларнинг ҳаммасини ёхуд бир қисмини тулашдан озод этишга ҳақлидир. Маҳкум ҳуқуқий ёрдам учун туловдан озод этилган тақдирда адвокат меҳнатига ҳақ тулаш билан боғлиқ процессуал чиқимлар, шунингдек, таржимонга бериладиган пуллар давлат ҳисобидан туланади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга қонунда белгиланган тартибда чақирилган процесс иштирокчисининг узрсиз сабабларга қўра келмаслиги оқибатида ишнинг судда қўрилишини ёхуд тергов ҳаракатлари ўтказишни кечиктириш билан боғлиқ процессуал чиқимлар ана шу келмаган шахсдан ундирилади.

Моддий жавобгарлик: адвокат узрсиз сабабларга қўра келмагани учун тегишли адвокатлар бюросига, ҳайъатига ёки фирмасига, жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси узрсиз сабабларга қўра келмагани учун тегишли жамоат бирлашмаси ёхуд жамоага юклатилиши мумкин.

Суд вояга етмаганларнинг эсиноятлари ҳақидаги ишлар юзасидан процессуал чиқимларни тулашни вояга етмаганининг хулқ-атвори устидан тегишли назорат йўқлигида айби бўлган тақдирда вояга етмаган маҳкумнинг ота-онасига ёки уларнинг урнини босувчи шахсларга юклаши мумкин.

Жабрланувчининг шикоятни буйича қўзғатилган иш юзасидан судланувчи оқланган тақдирда суд процессуал чиқимларни иш юритилишига сабаб бўлган шикоятни берган шахсдан тўлиқ ёки қисман ундиришга ҳақлидир.

Процессуал чиқимлар асосан маҳкумлардан ёки бошқа процесс иштирокчиларидан ундирилади, шунингдек, давлат ҳисобидан туланади.

1. Маҳкумлардан ундириладиган чиқимларга қуйидагилар тегишли:

а) суд чиқимлари асосан жазо тайинланган маҳкумлардан, жазодан озод қилинган ёки жазо тайинланмаган маҳкумлардан ундирилади.

б) агар иш бўйича бир неча судланувчи иштирок этаётган бўлса, суд ҳар бир судланувчининг айбини оғир ёки енгиллигини, жиноий жавобгарлик даражасини, мулкӣ аҳволини ҳисобга олиб, қанча миқдорда процессуал чиқимлар ундириш лозимлигини белгилайди.

в) судланувчи бир айб бўйича окланган бошқа бир айб бўйича жавобгар қилинган ҳолларда процессуал чиқим айбдор деб топилган жинояти бўйича ундирилади.

2. Давлат ҳисобидан туланидиган чиқимларга қуйидагилар киради:

а) қайси иштирокчига хизмат қилганидан катъи назар, таржимонга таржима қилганлиги билан боғлиқ процессуал чиқимлар;

б) маҳкум ҳуқуқӣ ёрдам учун туловдан озод этилган тақдирда, адвокат меҳнатига ҳақ тулаш билан боғлиқ процессуал чиқимлар;

в) шахс реабилитация қилинганда жиноят иши бўйича қилинган сарф-харажатлар;

г) процессуал чиқимлар ундирилиши лозим бўлган шахснинг туловга моддий имконияти бўлмаган тақдирда туланидиган чиқимлар;

д) бундан ташқари маҳкумнинг қарамоғида бўлганларнинг аҳволига чиқимларни тулаш жиддий таъсир кўрсатиш мумкин бўлган ҳолатларда суд уларни тулиқ ёки қисман туловлардан озод этади ва давлат ҳисобидан чиқимлар туланади.

3. Айрим ҳолларда процессуал чиқимлар процесс иштирокчилардан ҳам ундирилади: а) суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд чақирган вақтда узрсиз сабабларга кўра процесс иштирокчисининг келмаслиги оқибатида ишни судда кўриш ёки тергов ҳаракатларини ўтказишни кейинга қолдириш, чиқим билан боғлиқ бўлса, уни процесс иштирокчисидан ундирилади.

б) узрсиз сабабларга кўра адвокат, жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси чақирилган вақтда келмаса, чиқим адвокат-

лар бюроси, ҳайъати ёки фирмасидан ҳамда жамоат бирлашмаси ёки жамоадан ундирилади.

в) вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишлари буйича процессуал чиқимлар вояга етмаганнинг ота-онасидан ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслардан ундирилади;

г) жабрланувчининг шикояти буйича қўзғатиладиган жиноят ишлари буйича судланувчи оқланса, суд процессуал чиқимни жабрланувчидан ундиришга ҳақли.

ТУҶҚЗИНЧИ БУЛИМ
ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ

41-БОБ. ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗҒАТИШ

321- модда. Жиноят ишини қўзғатиш мажбурияти.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда жиноят ишини қўзғатиши шарт.

1. Ушбу моддада жиноят ишини қўзғатишга ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар курсатилган. Жиноят ишини қўзғатиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг мажбуриятидир. Бу мажбурият суриштирув органининг бошлиғига, тергов бўлими раҳбарларига, прокурор ўринбосарига ҳам тааллуқли ҳисобланади. Давлатнинг бошқа органлари ёхуд мансабдор шахслари жиноят ишини қўзғатишга ҳақли эмас. Агар бошқа давлат идоралари ва мансабдор шахслар жиноят аломатларини аниқлаб колсалар, дарҳол тегишли суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьяга хабар беришлари лозим.

2. Жиноят ишининг қўзғатилиши суриштирув ва дастлабки терговни бошлаш учун ҳуқуқий асос яратади. Суриштирув органи жиноят иши ҳақидаги материал келиб тушган пайдан эътиборан, дарҳол жиноят ишини қўзғатиш, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини олиб бориш, жиноят ишини терговга тегишлилигига қараб юбориш каби процессуал ҳаракатларни бажариши лозим.

3. Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш чоғида жиноят ишини қўзғатиш ҳақида бевосита қарор чиқариб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади. Прокурор, шунингдек, жиноятга доир маълумотларни аниқлагани ҳамано, уларни дастлабки тергов органига ёки прокуратура терговчисига юборади.

4. Суд жиноят ишини ҳайъатда ёки якка тартибда қўзғатиши мумкин. Судья жиноят, фуқаровий, ҳужалик ишларини ёки

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги материалларни куриб чиқиш чоғида, уларда жиноят аломатлари борлиги ҳақидаги хулосага келса, жиноят ишини қўзғатишга ҳақли. Қўзғатилган жиноят иши суриштирув ёки дастлабки тергов органларига юборилади.

5. Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб тайритабий усулда кондириш бўйича жиноят ишини қўзғатиш учун айбланувчини жинойат жавобгарликка тортиш тўғрисида жабрланувчининг аризаси бўлиши шарт. (325-моддасига берилган шарҳга қараи).

322-модда. Жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асослари

Жиноят ишини қўзғатиш учун:

- 1) шахсларнинг аризалари;***
- 2) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар;***
- 3) оммавий ахборот воситалари берган хабарлар;***
- 4) жиноят содир этилганлигини қўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг бевосита ўзи аниқлаши;***
- 5) айбини бўйича олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади.***

Жиноят белгилари мавжудлигини қўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлади.

1. Жиноят ишини қўзғатиш процессуал ҳаракатларнинг дастлабки босқичи бўлиб, ушбу моддада қўрсатиб ўтилган сабаблар ва етарли асос мавжуд бўлишини тақозо қилади.

2. Жиноят ишини қўзғатиш сабаблари- фуқаролар, жамоалар, жамоат бирлашмалари, ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан суриштирув органи, терговчи, прокурор, судга тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида қонунда қайд этилган тартибда берилган хабарларда ифодаланади.

3. Жиноят ишини қўзғатишга асос бўлиб жиноят аломатлари баён этилган маълумотлар ҳисобланади. Бу маълумотлар жамият учун хавфли қилмиш ёки жиноят аломатлари аниқ келтирилмаган, ким жиноят содир этгани ва бошқа ҳолатлари аниқ келтирилмаган бўлиши ҳам мумкин.

4. Жиноят ишини қўзғатиш асос ва сабаблари етарли бўлганда суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини

қўзғатиш ёки бунинг учун асос бўлмаса, иш қўзғатишни рад қилиш туғрисида қарор, суд эса ажрим чиқаради.

5. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ўз фаолиятларини амалга ошириш чоғида жиноят аломатларини бевосита ўзлари аниқласалар ҳам, бундай ҳолатлар бўйича жиноят ишини қўзғатиши лозим.

6. Жиноят ишини қўзғатишдан олдин ҳодиса жойини кўздан кечириш, экспертиза тайинлаш ёки ушлаб туришдан бошқа процессуал ҳаракатлар ўтказиш мумкин эмас.

323-модда. Жиноят ишини аноним хабарларга асосан қўзғатишга йўл қўйилмаслиги

Жиноят ҳақидаги имзосиз, қалбаки имзоли ёки уйдирма шахс номидан ёзилган хат, ариза ёки бошқа аноним хабарлар жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўла олмайди.

1. Жиноят ишини қўзғатишга фақат аниқ маълумотларгина асос бўлади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга келиб тушган содир бўлган ёки тайёрланаётган жиноят ҳақидаги маълумотларда хабар берувчи ҳақида маълумотлар акс этиши лозим.

2. Жиноят ҳодиса ҳақида маълумотларни муаллифи номаълум бўлган ариза, хатлар ва хабарлар текширилмайди. Фуқаролар томонидан жиноят ҳақида телефонда арз қилиш, хаттоки, улар ўз исмини айтган тақдирда ҳам улар текширилмаган бўлса, жиноят иши қўзғатиш учун сабаб бўла олмайди.

324-модда. Шахсларнинг аризалари

Шахсларнинг жиноят туғрисидаги аризалари ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин. Ёзма ариза арз қилувчи шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим.

Оғзаки ариза баённомада қайд этилади. Баённомада арз қилувчи, унинг яшаш ва ишлаш жойи, шунингдек, шахсий ҳужжатлари туғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим. Башарти арз қилувчи ҳужжат курсата олмаса, унинг шахси туғрисидаги маълумотларни бошқа йўллар билан текшириш чораси қўрилиши керак.

Арз қилувчи жиноят тўғрисида била туриб ёлгон хабар берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади ва бу хусусда баённомада қайд қилиниб, унинг имзоси билан тасдиқланади. Сунгра баённомада жиноят содир этиш ҳолатлари хусусидаги маълумотлар арз қилувчи номидан, иложли борича сузма-суз акс эттирилади. Баённомани арз қилувчи ва аризани қабул қилган мансабдор шахс имзолайдилар.

Жиноят ишини кўзгатишга ушбу Кодекснинг 113-моддасида назарда тутилган айбини буйнига олиш тўғрисидаги арз сабаб бўлса, била туриб ёлгон хабар берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилмаслигини мустасно этганда, унга шахсларнинг аризаларини қабул қилиш ва расмийлаштириш тўғрисидаги ушбу моддада назарда тутилган барча қоидалар тааллуқлидир.

1. Ваколатли давлат органларига фуқаролар томонидан берилган оғзаки ёки ёзма хабарлар жиноят ишини кўзгатиш учун мустақил асос бўлади. Фуқаролар берган оғзаки хабарлар баённомада қайд этилади. Баённомада ариза қабул қилинган жой, вақт, аризани қабул қилиб олган шахс (лавозими, фамилияси, исми-шарифи), ариза берувчи (фамилияси, исми, туғилган йили, лавозими, иш жойи, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар, турар жойи) ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади. Ариза берувчи ёлгон хабар берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади, оғзаки берилган ариза учун баённомада биринчи шахс номидан ёзилиб, аризани мазмунини, баённома билан аризачи танишганлиги, маълумотлар тўғри ёзилганлиги ҳақидаги белги, шунингдек, аризачи ва аризани қабул қилиб олган мансабдор шахсининг имзоси акс эттирилган бўлиши лозим.

2. Фуқаролар томонидан берилган хабар уларни берувчи шахс томонидан имзоланган бўлиши шарт. Акс ҳолда бундан аризалар қабул қилинмайди.

3. Содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятларга арз қилувчининг дахлдор ёки дахлдор эмаслиги ёки ундан манфаатдор эканлиги ҳар томонлама текширилиб, аниқланади.

4. Фуқаро содир этилган оғир ёки ута оғир жиноят тўғрисида ётарли маълумотга эга бўлса, бу ҳақда ҳуқуқни муҳофазат

килувчи органларга хабар беришга мажбур. Акс ҳолда жиноят ҳодисасини яширганлик учун ЖКнинг 241-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

5. Агар шахс айбини бўйнига олиш туғрисида арз билан мурожаат этган бўлса, унинг содир этган жиноят ҳақидаги қур-сатувлари мавжуд далиллар билан тасдиқланган тақдирдагина, айблаш учун асос қилиб олинishi мумкин. Айбини бўйнига олиш туғрисидаги арз билан мурожаат этган шахс ёлгон хабар берганлиги учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилмайди.

6. Айбини бўйнига олиш туғрисидаги арз оғзаки ёки ёзма гарзда бўлиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья оғзаки хабарни баённомада акс эттиради. Баённомага арз қилувчининг шахсига доир маълумотлар киритилади ва унда арзнинг мазмуни биринчи шахс номидан баён қилинади. Баённомага арз қилувчи ва суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья имзо чекади.

325-модда. Жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят ишини қўзғатиш

Айбини оғирлаштирмайдиган ҳолатларда номусга текканлик ва жинсий эҳтиёжни зўрлик билан ғайритабиий усулда қондирганлик туғрисидаги жиноят иши (Жиноят кодекси 118-моддасининг биринчи қисми ва 119-моддасининг биринчи қисми) айбдорни жавобгарликка тортишни сураб жабрланувчи берган шикоят аризаси асосидагина қўзғатилади. Жабрланувчи почор аҳволда бўлганлиги туфайли, айбланувчига қарам бўлганлиги ёки бошқа сабабларга кўра ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини шахсан узи ҳимоя қила олмайдиган фавқулодда ҳолларда прокурор жабрланувчининг аризасисиз ҳам жиноят ишини қўзғатиши шарт.

1. Жиноят ишини қўзғатиш учун жабрланувчи томонидан берилган шикоят аризалари ҳам асос бўлади. Қонун айрим жиноят ишларини қўзғатиш учун жабрланувчининг шикоят билан мурожаат қилишини талаб қилади.

ЖК 118-моддасининг биринчи қисми (номусга тегиш) ва 119-моддасининг биринчи қисми (жинсий эҳтиёжни зўрлик билан ғайритабиий усулда қондириш) бўйича жиноят иши

айбланувчи шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун жабрланувчи берган ёзма ёки оғзаки аризаси бўлсагина қўзғатилади.

2. Жабрланувчи айбланувчига қарам бўлганида, ҳимояси ҳолатларда ёки бошқа сабабларга қўра ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қила олмаганида, прокурор унинг шикоятини сиз жиноят ишини қўзғатиши мумкин.

3. Жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган жиноят ишлари бўйича корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ва мансабдор шахсларнинг аризаси, агар жабрланувчи устидан ҳомийлик ёки васийлик ҳуқуқига эга бўлса, жиноят иши қўзғатилиши учун асос бўлади.

326-модда. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар жиноят тўғрисида берган хабарлар хизмат хати ёки тасдиқланган телефонограмма, телеграмма ёхуд радиogramма шаклида бўлиши лозим. Хабар юборувчи содир этилган жиноятга оид ҳолатларни тасдиқловчи ўз ихтиёридаги ҳужжатларни хабарга илова қилиш юбориши мумкин.

1. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар ва жамоалар жиноят процессининг дастлабки босқичидан бошлаб иштирок этишга ҳақли. Улар жиноят ходисаси тўғрисида хабар беришлари мумкин. Тиббий муассаса ходимлари ничок, ўк оғар қуроллардан яраланган ҳамда тан жароҳатлари олганлиги юзасидан тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган ҳар қандай фуқаро тўғрисида дарҳол ички ишлар органига хабар қилишга мажбур.

2. Биринчи тиббий ёрдам бериш чоғида олинган жароҳатланган шахснинг кийимлари ички ишлар ходимига тақдим этилиши ва жароҳатланганнинг тушунтиришларидан у хабардор қилиниши лозим.

Муайян жиноят тугрисида матбуот, радио ва телевидение, хужжатли кинофильмлардаги, шунингдек, оммавий ахборот воситаларига йўлланган, лекин эълон қилинмаган хатлардаги хабарлар жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади.

Жиноят тугрисидаги хабарни эълон қилган ёки тегишли жойларга юборган оммавий ахборот воситалари, шунингдек, бу хабар муаллифлари суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг талабига асосан уз ихтиёрларида бўлган хужжатларни ва хабарни тасдиқловчи бошқа материалларни тақдим қилишлари шарт.

1. Оммавий ахборот воситаларида чоп этилган ёки намойиш қилинган фактларни суриштирув органи, терговчи, прокурор ва суд текшириб чиқиши керак. Чоп этилган хат, мақола ёки маълумот, ҳатто муаллиф бевосита жиноят иши қўзғатишни илтимос қилмаса-да, жиноят иши қўзғатиш учун сабаб сифатида тан олинади.

2. Ахборотни эълон қилиш деганда, маълумотларни маҳаллий ёки марказий газета, журналда ва расмий бюлетенда чоп этилиши, телевидение орқали намойиш қилиниши, радиода эшиттирилиши тушунилади.

Бундай маълумотлар жиноят ишини қўзғатиш учун етарли асос эканини суриштирув органлари, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд бевосита аниқлаши керак.

328-модда. Жиноят ишини қўзғатиш ваколатига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахс томонидан жиноятга оид маълумотларнинг бевосита аниқланиши

Жиноят содир этилганлигини курсатувчи маълумотларнинг бевосита аниқланиши қўйидаги ҳолларда жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлиши мумкин:

1) суриштирувчи маъмурий вазифани амалга ошираётганда ёки бошқа жиноятга доир иш бўйича суриштирув ўтказиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;

2) *терговчи бошқа жиноятга доир иш бўйича дастлабки тергов юритиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;*

3) *прокурор қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш пайтида ёки бошқа жиноятга доир иш бўйича дастлабки тергов олиб бориш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;*

4) *судья маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишни юритиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;*

5) *суд фуқаровий ишни ёки бошқа жиноятга доир ишни юритиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида.*

1. Содир этилган ёки содир этишга тайёргарлик кўрилаётган жиноят туғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ёки мансабдор шахс томонидан аниқланган фактлар жиноят ишини кўзгатиш учун асос ҳисобланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва мансабдор шахслар жиноят белгилари борлигини фуқароларнинг аризаси, мансабдор шахслар, корхона, муассаса ва танкилот томонидан берилган маълумотларга асосланиб, текшириш ва таҳлил қилиш натижасида аниқлайди.

2. Жиноят ишини кўзгатиш ваколатига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар жинойӣ ҳаракатларнинг таркибий элементларини аниқ кўрсатувчи, етарлича далиллар мавжуд бўлгандагина жиноят ишини кўзгатишлари мумкин.

3. Агар жиноят ишини кўзгатиш ваколатига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар аниқлаган далиллар жинойӣ ҳаракат ёки ҳаракатсизлик туғрисида бўлиб, қилмишни ким содир этгани номаълум бўлса ҳам, жиноят иши кўзгатиш учун етарли асос деб тан олинади.

Аниқланган маълумотлар ҳажм жиҳатдан кам ва ишонарли экани шубҳа туғдирса ҳам, аниқланган ҳолатларни жинойӣ ҳаракат ёки ҳаракатсизлик деб ҳисоблаш ва жиноят иши кўзгатиш учун асос деб тан олинади.

329-модда. Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби

Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олинishi ва дарҳол ёки уч суткадан кечиктирмасдан, жиноят ишини кўзгатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёки суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда, ун суткадан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши лозим. Ушбу муддатлар жиноятга оид хабар олинган пайтдан бошлаб то ишни кўзгатиш ёки кўзгатишни рад қилиш тузгисида қарор чиқарилгунга қадар бўлган вақтни уз ичига олади.

Кўрсатилган муддатлар ичида қўшимча ҳужжатлар, изоҳлар талаб қилиб олиш, шунингдек, шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкин. Иш кўзгатишгунга қадар бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади.

1. Суриштирув органи, терговчи, прокурор ва судья содир бўлган ёки гайёрланаётган жиноятларга оид хабарларни қабул қилиши ва уларни келиб тушган ҳамоно ички ишлар идорасининг навбатчилик қисмидаги ҳодисаларни ҳисобга олиш китобида қайд этишлари керак. Бу ҳақда ички ишлар органи раҳбарига хабар қилинади.

2. Келиб тушган хабар ва аризаларнинг жиноят иши кўзгатиш учун қонунийлиги ва асослилиги уч суткада аниқланиши, агар бунинг учун текширув ўтказиш лозим бўлса, ун суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим.

3. Жиноят ишини кўзгатиш асосларининг қонунийлиги ва етарлилигини текшириш усуллари турлича бўлиши мумкин: а) ташкилотдан ёки фуқародан қўшимча ҳужжатлар талаб қилиб олиш; б) мансабдор шахсдан ёки фуқародан изоҳлар олиш; в) гумон қилинаётган шахсни жиноий фаолиятни давом эттиришига барҳам бериш, қочиб кетиши, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида ушлаб туриш; г) кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда воқеа жойини кўздан кечириш; д) зарур ҳолларда экспертиза тайинлаш ва уни ўтказиш.

4. Содир қилинган ёки тайёрланаётган жиноят ҳақида келин-тушган маълумотлар ҳар томонлама, ҳолисона, тўлиқ текширилиши лозим. Жиноят ишини кўзғатиш ваколатига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар жиноят ишини кўзғатиш ёки рад қилиш масаласини ҳал қилишда бирламчи материалларни ҳужжатларнинг асл нусхаларини текшириши, урганиши ва ЖПКнинг 112-моддасига биноан баҳолаши керак.

5. Жиноят ишини кўзғатиш учун бунга ваколатли органлар ва мансабдор шахслар суриштирув ёки дастлабки тергов жарасида аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатларни аниқлаши шарт. Жиноят таркибининг барча элементлари ҳақида маълумот тўлиқ бўлмаса ҳам жиноят ишини кўзғатиш мумкин.

6. Жиноят ишини кўзғатишдан олдин жиноят ишини кўзғатиш ваколатига эга мансабдор шахслар ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш жамоатчиликни жалб этиш, фуқаролардан тушунтиришлар олиш ва бошқа ҳаракатлар ўтказишлари мумкин. Лекин бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишлари мумкин эмас.

330-модда. Жиноятга оид маълумотларни куриб чиқиш натижасида қабул қилинадиган қарорлар

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд жиноятга оид маълумотлар олинган ёки бундай маълумотларни бевосита узлари аниқлаган ҳар бир ҳолда қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- 1) жиноят ишини кўзғатиш ҳақида;***
- 2) ишни кўзғатишни рад қилиш ҳақида;***
- 3) ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида.***

1. Ушбу модда тайёрланаётган ёки содир бўлган жиноят ҳодисаси бўйича жиноят ишини кўзғатиш ваколатига эга мансабдор шахслар чиқарадиган процессуал ҳужжатлар турини белгилаб беради. Жиноят ишини кўзғатиш ваколатига эга мансабдор шахс, жиноятга оид маълумотларни бошқалардан олгани ёки бундай маълумотларни ўзи аниқлаганидан қатъи назар, жиноят ишини кўзғатиш ҳақида, ишни кўзғатишни рад қилиш ҳақида ёхуд ариза ёки хабарни тегишлилигига қараб

бошқа орган ёки мансабдор шахсга юбориш ҳақида қарорлардан бирини қабул қилиши керак.

2. Прокурор, терговчи, суриштирув органи ёки судья жиноят ҳақидаги маълумотларни етарли эмас деб рад қилмай, жиноят ҳақидаги ҳар қандай маълумотларни қабул қилиши ва уларни текшириб, қўшимча маълумотлар туплаши лозим. Суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья келган ариза ва хабарларни қабул қилиши ҳамда уларни ҳал қилиш учун тааллуқлилигига қараб бошқа ҳудуд суриштирув органи, тергов органи, прокурорга юбориши шарт. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья бирор жиноят ҳақида хабар ёки ариза билан мурожаат қилган шахсни бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юбориши мумкин эмас.

3. Жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарорда қуйидагилар акс эттирилиши лозим: қарор чиқарилган жой ва сана, қарор чиқарувчининг мансаби, унвони ва фамилия, исми-шарифи, қандай ҳодиса ёки ҳолат бўйича материаллар келгани ва тўнланганлиги, ҳодиса ёки маълум ҳолатлар бўйича аниқланган маълумотларнинг қисқача мазмуни ҳамда ҳулоса қисмида ЖКнинг тегишли моддаси, қисми, банди билан жиноят иши қўзғатилиши, суриштирув ёки дастлабки тергов олиб бориш маълум шахсга топширилиши. Манфаатдор шахсларларга қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи тушултирилади ва қарорнинг нуسخаси прокурорга юборилади.

4. Жиноят ишини қўзғатиш ваколатига эга мансабдор шахс ЖКнинг 83-моддасида назарда тутилган ҳолатларни аниқлаган тақдирда, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш туғрисида қарор қабул қилади. Қарорда чиқарилган сана, жой, қарор чиқарувчининг мансаби, унвони, фамилияси ҳамда ҳодиса ёки хабарлар бўйича аниқланган ҳолатлар, уларнинг рўй берганлигини тасдиқловчи далиллар, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш асослари ва қарор қисмида эса қандай асосларга кўра рад қилинганлиги, қасрдан, қимдан келган барча турдаги нарса ёки ҳужжатлар бўйича қўрилган чоралар, прокурорга шикоят қилиш тартиби ва шу каби ҳолатлар акс эттирилган бўлиши керак.

Ушбу Кодекснинг 322-моддасида назарда тутилган сабаб ва асослар мавжуд бўлган тақдирда жиноят ишhini қўзғатиш туғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Қарор ёки ажримда:

ишhini қўзғатиш учун сабаб ва асослар;

Жиноят кодексининг жиноят иши қўзғатилган жиноят-ни назарда тутувчи моддаси;

ишhini ўз юритувига олувчи суд ёки мансабдор шахс курсатилади.

Суриштирувчи, терговчи, суд ишhini қўзғатиш туғрисида-ги қарор ёки ажримнинг нухасини ишнинг тергов қилиниши устидан назоратни амалга ошириши лозим бўлган проку-рорга юборади.

Иш қўзғатилгандан кейин узоққа чузилган жиноятлар-нинг олдини олиш ва жиноятлар такрорланишига йўл қўймаслик, шунингдек, иш учун аҳамияти бўлиши эҳтимол тутилган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва қўриқлаш юзасидан дарҳол чоралар куриши лозим.

1. Жиноят ишhini қўзғатиш учун қонуний сабаб ва етарли асос бўлганида ушбу моддага мувофиқ, тегишли процессуал ҳужжат чиқарилади. Суриштирув органи, терговчи, прокурор, судья содир қилинган ёки тайёргарлик курилаётган жиноят ҳақида ариза ва хабарларни текшириб, ўз ваколати ва худудий тегишлилик доирасида жиноят ишhini қўзғатади. Прокурор ва судья ҳар қандай жиноят туғрисида иш қўзғатиши мумкин.

2. Ички ишлар органи ва Миллий хавфсизлик хизмати тер-говчилари фақат ўз ваколатлари доирасида тегишли жиноятлар ҳақида иш қўзғатади.

3. Жиноят ишhini қўзғатиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор – қарор, судья эса – ажрим чиқаради. Жиноят ишhini қўзғатиш ҳақидаги қарор (ажрим) процессуал нормаларда қатъий белгиланган талабларга тўла мос бўлиши керак. Қарор (ажрим) кириш, тавсиф-асослантурувчи қисм ҳамда хулоса қисмларидан иборат бўлади. Қарорнинг кириш қисмида қарор-

нинг номи, қачон, каерда, ким томонидан чиқарилганлиги; тавсиф қисмида сабаб ва асослар; хулоса қисмида жиноят қонуни-нинг қайси моддаси билан жиноят иши қўзғатилганлиги курсатилади.

4. Прокурор жиноят ишини қўзғатиш ҳақида қарор чиқаргач, иш бўйича ўзи тергов юритмаса, ишни тергов ёки суриштирув органига юборади. Судья ишни дастлабки тергов ёки суриш-тирув олиб бориш учун жўнатади. Жиноят иши қўзғатган, терговчи уни ўз юритувига олиш тўғрисида қарор чиқариб, қарорнинг нусхасини прокурорга юборади. Прокурор томо-нидан жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарор тасдиқланмайди, лекин унинг асосли ва қонунийлиги текширилади.

332-модда. Жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратиш

Битта тергов ёки суд иш юритувига фақат бир неча шахснинг бир ёки бир неча жиноятни биргалашиб содир этганликда айбланишига доир ишлар ёхуд бир шахснинг бир неча жиноятни содир этганликда айбланишига доир ишлар бирлаштирилиши мумкин.

Бир ёки бир неча жиноятни биргалашиб содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан ишни ажратишга, башарти бу иш ҳолатлари бўйича зарур бўлиб қолса ҳамда бундай ажратиш суриштирувнинг, дастлабки терговнинг ва суд томонидан ишни кўриб чиқишнинг тўлиқ ва холисона бўлишига таъсир қилмаса, йўл қўйилади.

Ишни бирлаштириш ва ажратиш суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суднинг ажрими билан амалга оширилади.

1. Жиноят ишини ажратиш ва бирлаштириш тўғрисидаги қоида бир бири билан боғлиқ бўлган жиноятларни тез ва тўлиқ очиш ҳамда уларни содир этишда айбдор бўлган шахсларни жавобгар қилиш имкониятини беради.

2. Бир иш юритувига бир қанча шахслар томонидан содир этилган бир ёки бир қанча жиноятлар, шунингдек, бир шахс томонидан содир этилган бир қанча жиноятлар ҳақида мате-риаллар бирлаштирилиши мумкин.

3. Иштирокчилик ёки бир шахс томонидан бир неча жиноятларни содир этиш фактини аниқлаш ва жиноят ишлари бўйича иш юритувини бирлаштириш масаласини ҳал этишда ишни ҳар тарафлама, тулиқ ва объектив текшириш талабларидан келиб чиқиш керак.

4. Мақсадлари узвий боғлиқ бўлган шахсларнинг жиноий қилмишлари қоида тариқасида, суд томонидан битта ишда қуриб чиқилиши керак. Чунки, иш юритувини бирлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги, айбланувчилардан бирининг айблилик масаласини ҳал этишда иккинчи айбланувчининг айблилик даражасига боғлиқ бўлади.

5. Айбланувчиларнинг ҳаракатлари бир-бири билан алоқадор бўлмаган жиноятлар тўғрисида ишлар бир иш юритувиغا бирлаштирилиши мумкин эмас. Турли ишларда бир шахс жабрланувчи эканининг аҳамияти йўқ.

6. Жиноят ишларини ажратиш учун терговдан ёки суддан яширинган айбдорнинг қаерда экани номаълумлиги ёки вояга етмаган шахснинг жиноят содир этишда вояга етган шахслар билан бирга иштирок этганлиги ҳам асос ҳисобланади.

7. Прокурор узи тергов ўтказаятган иш бўйича ҳам, назорат олиб бораётган ишлар бўйича ҳам уларни бирлаштириш ёки ажратиш тўғрисидаги қарор чиқариши мумкин.

8. Жиноят ишини алоҳида иш юритувга ажратилишига фақат айбланувчининг ҳуқуқларини бузмаса ва унинг ҳимоя ҳуқуқига нутур етказмаса йўл қўйилади.

333-модда. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш

Ушбу Кодекс 83-моддасининг 1 ва 2-бандларида ҳамда 84-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Бу ҳақда жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс хабардор қилинади. Бунда уларга қарор ёки ажрим устидан шикоят қилиш ҳуқуқлари ва тартиби тушунтирилиши лозим.

1. Жиноят ишени қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги масалани хал этишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1) қўзғатилган ва тергов ёки суд муҳокамаси олиб борилган жиноят иши бўйича ходиса юз бермаганлиги;

2) содир қилинган қилмишда жиноят таркиби мавжуд эмаслиги;

3) шахснинг жиноятга дахли йўқлиги, яъни содир бўлган ёки тайёрланаётган қилмишда гумон қилинаётган шахс иштирок этмаганлиги;

4) шахсни жавобгарликка тортиш муддати тугаганлиги;

5) эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор эканлиги;

6) айбланувчи, судланувчи вафот этганлиги.

2. Жиноят иши бўйича айбланувчи сифатида жалб қилинган шахс вафот этган тақдирда унинг яқин қариндоши талаб қилса, ишни қўриш умумий тартибда олиб борилади.

3. ЖПК 84-моддасининг биринчи қисмида қўзда тутилган бошқа асосларда ҳам жиноят иши қўзғатишни рад қилиш мумкин.

334-модда. Маъмурий, интизомий ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабарлар бўйича қўриладиган чоралар

Келиб тушган хабарда жиноят ҳақида эмас, балки маъмурий, интизомий ёки бошқа ҳуқуқбузарлик ёхуд ахлоқ нормалари бузилганлиги ҳақида маълумот бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд жиноят ишени қўзғатишни рад қилиш билан бир пайтда хабарни ҳуқуқни бузган шахсга нисбатан маъмурий, интизомий жавобгарлик ёки жамоат таъсир чоралари қўллаш учун ҳуқуқни бузган шахс ишлайдиган ёки ўқийдиган жой маъмуриятига, унинг турар жойидаги жамоага, жамоат бирлашмасига ёки вояга етмаганлар иши билан шугулланувчи комиссияга, тегишли ваколатларга эга бўлган давлат органи ёки мансабдор шахсга юборади.

Келиб тушган хабарда фуқароларнинг сиёсий, меҳнат, уй-жой, оилавий ёки бошқа ҳуқуқлари бузилганлиги, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида

қуриқладиган қонуний манфаатлари бузилганлиги кўзга ташланса, унда ишни қўзғатишни рад қилиш билан бир вақтда манфаатдор шахсларга судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари ва тартиби тушунтирилиши лозим. Башарти улар маълум сабабларга қўра, суд орқали ўзларини ҳимоя қилишни сураш имкониятига эга бўлмасалар, прокурор бундай шахсларни ҳимоя қилиб, судга ариза билан мурожаат этишга ҳақлидир.

1. Ушбу моддада маъмурий, интизомий ва бошқа ҳуқукбузарликлар юзасидан тушган хабарлар бўйича қуриладиган чоралар ҳақида сўз юритилган. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга бирон-бир ҳуқукбузарлик ҳақида келган хабар албатта текширилиши ёки бошқа ваколатли давлат органига текшириш ва чора кўриш учун юборилиши лозим.

2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар келиб тушган хабарларда жиноят белгиларини аниқламаган тақдирда, жиноят ишини қўзғатишни рад қилишлари керак. Агар келиб тушган хабарда жиноят ҳақида эмас, балки маъмурий, интизомий ва бошқа ҳуқукбузарлик ёхуд ахлоқ нормалари бузилганлиги ҳақида маълумот бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья ҳуқукбузарликни содир этган шахсга нисбатан маъмурий, интизомий ёки жамоат таъсир чоралари қўллаш учун тегишли ваколатга эга бўлган давлат органи ёки мансабдор шахсларни ушбу ҳуқукбузарлик ҳақида хабардор қилишлари лозим.

3. Агар келиб тушган хабарда бирон-бир шахснинг сиёсий, меҳнат, уй-жой, оилавий ёки бошқа ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳақида хабар қилинса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья жиноят иши қўзғатишни рад қилиш билан бир вақтда манфаатдор шахсларга ушбу ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш учун қайси судга ёки бошқа ваколатли давлат органига мурожаат қилишларини ва тартибини тушунтиришлари лозим.

4. Фуқаро ҳамда корхона, муассаса, ташкилот ва жамоат бирлашмасининг қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳақида прокурор хабар топса ва улар бирор сабабга қўра, суд орқали ўзларини ҳимоя қила олмасалар, прокурор бундай шахсларни ҳимоя қилиб судга ариза билан мурожаат этишга ҳақли.

335-модда. Жиноят тўғрисидаги аризани (хабарни) терговга тегишлилигига қараб юбориш

Аризани (хабарни) терговга тегишлилигига қараб юборишга ушбу туман (шаҳар) ҳудудидан ташқарида содир этилган жиноят ҳақида хабар берилган ва жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун текшириш ҳаракатларини жиноят содир этилган туманда (шаҳарда) ўтказиш зарур бўлган ҳоллардагина йул қўйилади.

1. Шарҳланаётган моддада ҳудудий жиҳатдан терговга тегишлилик қоидаларидан бири назарда тутилган. Жиноят қаерда содир этилган бўлса, жиноят иши уша туман (шаҳар) терговчисининг терговига тегишли бўлади.

2. Ушбу қоидага қура, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья жиноят тўғрисида ариза (хабар) билан танишиб чикиб, унда кўрсатилган жиноят ушбу туман (шаҳар) ҳудудидан ташқарида содир этилганлигини аниқласа, терговга тегишлилик қоидаларига риоя қилади. Агар жиноят содир этилганлиги ҳақида ариза ёки хабар бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья терговга тегишлилик қоидаларидан қатъи назар, бирор-бир тергов ёки процессул ҳаракатларни амалга оширган бўлса ва жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун текшириш ҳаракатларини жиноят содир этилган туманда (шаҳарда) ўтказиш зарур бўлмаса ёхуд юқори турувчи прокурор ёки юқори тергов бўлинмаси бошлиғининг фармойишига асосан текширув ва дастлабки терговни ўзи давом эттириши мумкин. Акс ҳолда ариза ва хабар жиноят содир этилган туман (шаҳар)га юборилади.

336-модда. Жиноят ишини иш қўзғатилгандан кейин юбориш

Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор ёки ажрим чиқарилганидан кейин ишни:

1) суд - ишни дастлабки тергов юритиш учун прокурорга юборади;

2) прокурор - иш бўйича ушбу Кодекснинг 345-моддасига мувофиқ дастлабки тергов олиб бориш учун терговчига ёки

суриштирув олиб бориш учун суриштирув органи бошлигига юборади ёхуд ўзи дастлабки терговни юритишга киришади;

3) терговчи - дастлабки тергов юритишга киришади ва бу ҳақда дарҳол прокурорни хабардор қилади;

4) суриштирув органининг бошлиги - ишни суриштирув ўтказиш учун суриштирувчига юборади ёки ўзи суриштирув юритишга киришади ва бу ҳақда дарҳол прокурорни хабардор қилади;

5) суриштирувчи - суриштирув юритишга киришади ва бу ҳақда дарҳол прокурорни хабардор қилади.

1. Прокурор жиноят ишини қўзғатиб, уни суриштирув органи бошлигига ёки терговчига жўнатишга ҳақли. Жиноят ишини ҳажм ва характери жиҳатидан прокурор биргина терговчига эмас, балки терговчилар гуруҳига топшириш ҳукукига эга.

2. Прокурор ҳар қандай жиноят иши бўйича ўзи тергов ўтказишга, суриштирувчи ёки терговчи юритаётган жиноят ишларни ўз юритувига олишга ҳақли.

3. Агар жиноят иши суриштирув органи томонидан қўзғатилган бўлса, суриштирув ўтказилгандан кейин терговчига юборади.

4. Суриштирув органи ва терговчи жиноят иши қўзғатилгани ва суриштирув ёки тергов юритилаётгани ҳақида прокурорга дарҳол хабар бериши шарт.

5. Суд ўзи қўзғатган жиноят ишини суриштирув ёки тергов олиб бориш учун прокурорга юборади.

337-модда. Жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати

Жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлиги устидан назорат олиб бораётган прокурор:

1) суриштирувчининг, суриштирув органи бошлигининг, терговчининг жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва иш қўзғатишни рад қилишга;

2) суриштирувчининг, суриштирув органи бошлигининг, терговчининг жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва айни вақтда иш қўзғатишга;

3) иш қўзғатиш тўғрисидаги ёки иш қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан юқори судга протест беришга ҳақлидир.

1. Прокурор жиноят иш юритувининг барча босқичларда қонун бузилишларининг олдини олиш бўйича чоралар кўриши лозимлиги ушбу моддада аниқлаштирилган.

2. Жиноят ишини қўзғатиш ва рад этиш тўғрисидаги қарорлар қонуний ва асослантирилган бўлиши лозим. Уларнинг устидан прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

3. Агар прокурор жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб ва асос йўқлигини тергов ҳаракатлари ўтказилиши жарасида ёки ўтказилгандан сўнг аниқласа, жиноят иши юритувини тугатиш тўғрисида қарор чиқаради.

4. Дастлабки тергов ва суриштирувнинг тула ва объективлигини таъминлаш мақсадида прокурор ваколатли шахснинг жиноят ишини қўзғатишга оид қарорини бекор қилгач, ўша шахсга ўз қарорини юбориши керак.

5. Жиноят иши қўзғатишнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати деганда, терговчининг ва суриштирув органининг ҳар қандай содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабарларни қабул қилиши ва уларни расмийлаштириш мажбурияти тўғрисидаги талабларга риоя этилишини текшириш тушунилади.

6. Прокурор ўз ваколатларига кўра жиноятлар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш, расмийлаштириш, текширишда йўл қўйилган хатоликларни аниқлаши ва олдини олиши лозим. Прокурорнинг бу хатоликларни бартараф этиш ва олдини олиш бўйича кўрсатмалари терговчи ва суриштирувчи учун мажбурийдир. Прокурор терговчи ёки суриштирув органининг жиноят ишини қўзғатиш ёхуд рад этиш тўғрисидаги қарори билан танишиб, уларнинг моддий ва процессуал нормаларга мувофиқлигини, фактик маълумотлар ва қонун нормаларининг бир-бирларига мослигини ҳамда қарорларда баён этилган ҳолатлар ишдаги далиллар билан нақадар тасдиқланган эканини текшириши лозим.

7. Прокурор жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор қонунийлигини текшириб, бу ҳақда хабар ёки ариза берган шахслар, муассаса ва ташкилотлар

таништирилгани, уларга бу қарор устидан шикоят қилиш ҳукуки тушунтирилганлигини ҳам текширади.

8. Прокурор агар судья ёки суд томонидан жиноят иши асоссиз қўзғатилган деб ҳисобласа, жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарори, ажрими устидан юқори турувчи судга протест келтиришга ҳақли.

338-модда. Жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлиги устидан шикоят қилиш

Прокурорнинг жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги қарори устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин. Суриштирувчи ёки суриштирув органи бошлигининг, терговчининг иш қўзғатиш тўғрисидаги қарорининг прокурор томонидан бекор қилиниши устидан ҳам худди шундай тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Суриштирувчининг, суриштирув органи бошлигининг, терговчининг иш қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарори устидан прокурорга, прокурорнинг иш қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарори устидан юқори турувчи прокурорга, суднинг ажрими устидан эса юқори судга шикоят қилиниши мумкин.

1. Терговчи ёки суриштирувчининг жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарори устидан ҳар қандай манфаатдор шахс шикоят қилишга ҳақли.

2. Суриштирувчи ёки терговчининг жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарори устидан прокурорга, прокурорнинг шундай қарори устидан юқори турувчи прокурорга шикоят бериш мумкин.

3. Суднинг қарори устидан юқори судга прокурор протест келтириши ёки фуқаролар шикоят бериши мумкин.

4. Жиноят ишини қўзғатиш ёки жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарори устидан берилган шикоятларни куриб чиқиш ва ҳал этиш муддати қонунда белгиланмаган. Улар сансалорликка йўл қўйилмай, имкон борича тез курилиб ҳал этилиши лозим.

339-модда. Суриштирувнинг вазифалари

Суриштирув:

- 1) жиноятнинг олдини олиш ёки унга йул қўймаслик;
- 2) далилларни туплаш ва сақлаш;
- 3) жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш;
- 4) жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритишдан иборат.

Суриштирув органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларини қўллаган ҳолда зарур чораларни кўриш юклатилади. Ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари органлари бу мақсадда тезкор-қидирув чораларини ҳам кўришга ҳақлидир.

1. Суриштирув Ўзбекистон Республикаси ЖПКга мувофиқ кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритишдан иборат. Кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритиш, суриштирув органлари олдига қўйилган аниқ вазифаларни бажаришга йўналтирилгандир.

2. ЖПК суриштирувнинг тўртта аниқ вазифаларини санаб ўтган. Улар: 1) жиноятнинг олдини олиш ёки унга йул қўймаслик; 2) далилларни кечиктирмай туплаш ва сақлаш; 3) жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш; 4) жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлашдир.

3. Жиноятнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик тушунчалари бир-биридан фарқ қилади. Қонуи уларни “ёки” айирув боғловчисини қўллагани бежиз эмас. ЖПКнинг 296-моддаси суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга ҳам жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мажбуриятини юклаган.

Жиноят ишларини судга қадар юритишда суриштирувчи жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш туғрисида тақдимнома киритади. Тақдимноманинг нуسخаси ишга қўшиб қўйилади. Бундан ташқари, суриштирувчи тақдимнома чиқариш йўли билан тегишли корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарига ва жамоага жиноятнинг олдини олиш ёки уни фож этишда муайян фуқаро юксак онглилик, жасорат кўрсатгани, ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги туғрисида хабар бериши мумкин.

4. Суриштирувчининг энг зарур вазифаси кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини бажариб, иш учун аҳамиятли бўлган барча далилларни, улар йўқолиб кетишига йўл қўймай, тушлаш ва мустаҳкамлашдан иборат.

5. Жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш, яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни кидириб топиш милиция органларининг масъулиятли вазифасидир.

6. Ҳар қандай жиноят мулкий, жисмоний ёки маънавий зарар келтиради. Жиноят туфайли, шунингдек, ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши натижасида етказилган мулкий зиённинг қонланишини жиноят иши бўйича суриштирув бошқичидаёқ таъминланиши лозим.

Суриштирув органлари жиноят туфайли етказилган мулкий зиён қопланишини, ҳукмнинг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкани рўйхатга олиш орқали амалга оширилади.

7. Жиноятчиликка қарши курашда суриштирув органларининг тезкор-қидирув фаолиятини юритиш ваколати кенг имко-

ниятларга эга. Улар иш учун ахамиятли далилларни туплашда, гувоҳ ва гумон қилинувчиларнинг шахсини аниқлашда турли иопротссуал воситалардан ҳам фойдаланадилар.

8. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ тезкор-қидирув фаолиятини юритишга ваколатли давлат органлари қуйидагилар:

- ички ишлар органларининг: а) милиция органлари; б) жазони ижро этиш муассасалари;

- миллий хавфсизлик хизмати: чегарани қуриқлаш органлари;

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари органлари;

- божхона хизмати органлари.

9. Тезкор-қидирув қоралари иопротссуал хусусиятга эга эмас, суриштирув ва жиноят процессига нисбатан ёрдамчи ахамият қасб этади. Уларни бажариш тартиби ва усуллари жиноят-иопротссуал қонунчилиги билан эмас, Ўзбекистон Республикаси ваколатли органларининг норматив ҳужжатлари билан белгиланади.

10. Жиноятларни очишга қаратилган фаолият бир қанча тезкор-қидирув тадбирларни ўз ичига олади. Улар, энг аввало, эҳтимол қилинаётган жиноятни содир этган шахс туғрисида, гувоҳларни, предметлар, ҳужжатлар ва бошқа ашёвий далилларни қидириш туғрисидаги маълумотларни туплашга қаратилади.

11. Тезкор-қидирув фаолияти далилларни бевосита туплаш усули ҳисобланмайди, унинг натижасида қўлга киритилган маълумотлар фақат қўмақчи ахборот тарзида фойдаланилади. Шу жиҳатдан суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолияти ўзаро боғлиқ ва бир хил вазифани бажаришга йуналтирилган. Шундай бўлса-да, тезкор-қидирув фаолияти суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятининг самарадорлигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди.

340-модда. Суриштирувнинг бошланиши

Суриштирувчи жиноят ишини қўзғатганидан кейин ёки прокурор ёҳуд суриштирув органининг бошлиғи томонидан

қўзғатилган ишни олгач, дарҳол уни ўз иш юритувига қабул қилади ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини бажаришга киришади.

1. Ҳар қандай ҳолатда суриштирувни бошлашдан олдин жиноят ишини қўзғатиш ҳақида қарор чиқарилган бўлиши керак. Фақат гумон қилинган шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш бундан мустасно (329-моддага берилган шарҳга қараши). Терговдан олдинги ўтказиладиган ҳаракатлар суриштирув ҳисобланмайди.

2. Жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув органи бошлиғи ёки прокурор томонидан суриштирувчига берилгандан кейин суриштирув бошланади. Суриштирувчи жиноят ишини ўз юритувига қабул қилиб олганлиги ҳақида қарор чиқаради. Шунингдек, суриштирувчи жиноят ишини ўзи ҳам қўзғатиши ва суриштирувни бошлаши мумкин.

3. Жиноят ишини суриштирувчи қўзғатган бўлса, жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорнинг ўзида мазкур ишни ўз иш юритувига олганлигини кўрсатиб ўтади. Ишни қўзғатган ва ўз юритувига олган суриштирувчи ва суриштирув органи бундан ҳақда прокурорни хабардор қилади.

341-модда. Суриштирув юритиш муддати

Жиноят иши юзасидан суриштирув ўн суткадан ошмаган муддатда тамомланиши лозим.

1. Суриштирув юритиш муддати деганда, жиноят иши қўзғатилган кундан бошланган суриштирув фаолиятини амалга оширишга сарфланган процессуал муддат тушунилади. Суриштирувни юритиш ўн кундан ошмаслиги лозим. Бу муддат қатъий бўлиб, уни узайтириш мумкин эмас.

2. ЖПКнинг 345-моддасига мувофиқ барча жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказилиши шарт. Дастлабки тергов жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб уч ойда ошмаган муддатда тамомланиши лозим. Демак, суриштирув юритишнинг ўн кунлик муддати дастлабки тергов муддатига қўшилган ҳолда ҳисобланади.

3. Суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи ўн кунлик муддат ичида кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини бажариб, жиноят ишини дастлабки тергов ўтказиш учун терговчига юборади.

4. Агар суриштирув органи бошлиғи ёки суриштирувчи лозим деб топса, суриштирув юритишининг ўн кунлик муддатини тугагини кутмасдан ҳам жиноят ишини терговчига ўтказиши мумкин, бунинг учун алоҳида курсатма ёки топшириқ бўлиши шарт эмас.

5. Суриштирувни тула юритишга ўн кунлик муддат етмаса, жиноят иши терговчига ўтказилиши лозим, айти вақтда суриштирув органи мазкур жиноят иши юзасидан суриштирув жараёнида улгурмагап процессуал ҳаракатларини бажаришда терговчининг розилиғи ёки топшириғи билан ёрдам беради (343-моддага берилган шарҳга қаранг).

6. Суриштирувнинг қонун талаблари асосида бажарилиши устидан назоратни суриштирув органи бошлиғи, терговчи, тергов органи бошлиғи, прокурор амалга оширади.

342-модда. Суриштирувни тамомлаш

Суриштирув жиноят ишини терговчига ўтказиш ёки уни ушбу Кодекснинг 584-моддасида назарда тутилган тартибда судга юбориш билан тамомланади.

Суриштирувчи қуйидаги ҳолларда суриштирув юритиш муддати утишини кутмасдан ишни дарҳол терговчига ўтказиши лозим, башарти:

1) оғир ёки ўта оғир жиноят аниқланган бўлса;

2) гумон қилинувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки муайян шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган бўлса;

3) ишни тугатиш учун асослар аниқланган бўлса;

4) терговчи ишнинг уз юритувига берилишини талаб қилган бўлса.

Суриштирувчи ишни терговчига ўтказиш ҳақида қарор чиқаради.

1. Суриштирувни тамомлаш дастлабки терговни тамомлашдан фарк қилади. Суриштирув органлари жиноят ишини тугатиш ва тўхтатиш ваколатига эга эмас. Суриштирувчи жиноят ишини бевосита ўзи тамомлашга ҳақли эмас. Ҳаттоки, ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноят ишлари бўйича ҳам ярашув туғрисидаги ариза жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирувчига берилиши ва шу муносабат билан прокурор орқали судга юборилиши мумкин (583-моддага берилган шарҳга қаранг).

2. Ушбу моддада суриштирув юритиш муддати утишини қутмасдан ишни дарҳол терговчига ўтказилиши лозим бўлган ҳолатлар санаб ўтилган. Суриштирув дастлабки терговга кўмаклашиш характериға эга эканлиги боис, суриштирувни юритишда оғир ёки ўта оғир жиноят аниқланган бўлса, жиноят иши дарҳол терговчига ўтказилиши лозим.

3. Муайян шахсни айбланувчи тарикасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган бўлса, иш дарҳол терговчига ўтказилиши шарт.

4. ЖПКнинг 83- ва 84-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда суриштирув тугалланиб жиноят ишини тугатиш учун терговчига юборади.

5. Юқорида санаб ўтилган ҳолларда, суриштирувчи ишни терговчига ўтказиш ҳақида қарор чиқаради. Қарорда санаб ўтилган асослардан айнан қайси бири мавжуд эканлиги кўрсатилиши лозим.

6. Суриштирув тамомланганлиги ҳақида жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар хабардор қилиниши мумкин, лекин уларга суриштирув натижасида тўнланган материаллар танишиш учун берилмайди.

7. Агар суриштирув натижасида жиноятни содир қилган шахс аниқланган бўлса, суриштирув органи қидирув ва тергов ҳаракатларини фақат терговчининг кўрсатмаларига мувофиқ олиб боради. Суриштирув натижасида жиноят содир қилган шахс аниқланмаган ҳолда, суриштирув органи жиноят ишини терговчига ўтказганидан сўнг ҳам жиноятчини аниқлаш мақсадида тўнланган маълумотлар туғрисида терговчини хабардор қилишга ва тезкор-қидирув тадбирларини қўришга мажбур (343-моддага берилган шарҳга қаранг).

343-модда. Терговчининг топшириқлари, курсатмалари ва талабларининг суриштирувчи томонидан бажарилиши

Терговчининг тергов ва қидирув ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги топшириқларини суриштирувчи терговчининг ижро этиш шартлари, тартиби ва муддатлари хусусидаги курсатмаларига мувофиқ бажариши шарт.

Топшириқни белгиланган муддатда бажариш имконияти бўлмаса, суриштирувчи бу ҳақда терговчини хабардор қилади ва бажариш муддатини узайтиришни ёки ижро этиш шартлари ва усулларини ўзгартиришни илтимос қилади.

Терговчининг талабига асосан суриштирувчи тергов ҳаракатларини юритишда унга ёрдам бериши, шунингдек, жиноят иши учун далилий аҳамиятга эга бўлиши эҳтимол тутилган ҳужжатлар ва бошқа материалларни танишиб чиқиш ёки ишга қўшиб қўйиш учун тақдим қилиши шарт.

Терговчи узининг барча топшириқлари, курсатма ва талабларини суриштирувчига суриштирув органининг бошлиги орқали юборади.

1. Жиноятни тез ва тула очишда суриштирув органлари ва терговчининг ўзаро ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга. Ушбу модда терговчига ўз юритувида бўлган жиноят иши бўйича тергов ва қидирув ҳаракатларини юритишда суриштирув органи ёрдамидан фойдаланишга ҳуқуқ беради.

2. Терговчи Республиканинг барча ҳудудидаги терговчи ва суриштирув органига мурожаат қилиб, жиноят иши учун аҳамиятли деб топган ҳолатларни аниқлаш мақсадида тегишли топшириқ юборишга ҳақли. Топшириқ олган суриштирув органи унинг ижросини таъминлашга мажбур.

Топшириқни олган шахс уни белгиланган муддатда бажаришга имконияти бўлмаса, бу ҳақда топшириқ юборган терговчига хабар қилади ва ундан топшириқни бажариш муддатини узайтиришни ёки ижро этиш шартлари ва усулларини ўзгартиришни илтимос қилади.

3. Жиноят-процессуал қонунчилиги терговчи ва суриштирув органи (суриштирувчи)нинг юридик нотенглигини аниқ қилиб белгиланган: суриштирув органига терговчининг иш юритувида тегишли жиноят ишини қўзғатиш ва 10 кунлик муддат ичида

жиноят изларини аниқлашга доир кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини олиб бориб, кейин уни терговчига ўтказиш мажбурияти юкланган. Терговчи суриштирув органидан кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари бажарилишини талаб қилиши ва ишни хоҳлаган пайтда, ун кунлик муддат ўтишини кутмасдан, ўз ихтиёрига олиши мумкин.

4. Терговчи ва суриштирув органининг ходими бир-бирига нисбатан маъмурий муносабатларда мустақилдир. Уларнинг процессуал ваколат доираси эса қатъий белгиланган: терговчи жиноят-процессуал қонунига мувофиқ, тергов ва қидирув ҳаракатлари воситасида фаолият олиб боришга мажбур, суриштирув органларига эса, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш мажбурияти юклатилган (ЖПКнинг 39, 339-моддаларнинг шарҳига қаранг).

5. Суриштирувчи терговчининг топшириғини бажараётганда ва суриштирувни амалга ошираётганда, дастлабки тергов ўтказиш учун белгиланган қоидаларга амал қилиб, тергов ҳаракатларини олиб боради ва қарорлар чиқаради. Суриштирув органининг бошлиғи ҳам, башарти у суриштирувчининг вазифаларини бажараётган бўлса, бу қоидаларга амал қилади.

43-БОБ. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИНГ УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

344-модда. Дастлабки терговни олиб боришга ваколатли мансабдор шахслар

Дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари терговчилари ва миллий хавфсизлик хизмати органлари терговчилари олиб боради.

Дастлабки терговни прокурорлар ҳам олиб боришлари мумкин.

1. Жиноят ишларини тергов қилиш дастлабки тергов деб ага-лади. Чунки, дастлабки тергов жараёнида иш бўйича дастлабки хулосаларга келинади ва сўнгра жиноят иши судда қўриб чиқи-лади. Дастлабки тергов жараёнига жиноят содир этилганлигини аниқлаш, айбланувчи ёки айбланувчиларни қидириш ва улар-нинг жиноятларини ошкор қилиш, жиноят натижасида стқазил-ган зарарни қоплаш чораларини қўриш ва янги жиноятларни олдини олишдан иборат ишлар қиради. Дастлабки тергов ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

2. Дастлабки терговни процессуал мустақил мансабдор шахс – терговчи олиб боради. Дастлабки тергов терговчининг ўзи қўзғатган ёки шундай ваколатга эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қўзғатилган ишни, шунингдек, суриштирув органларидан суриштирув тамомланганидан сўнг юборилган жиноят ишларини ўз юритувига қабул қилиб олиш туғрисида қарор чиқарган вақтидан бошланади. Терговчи: а) жиноят юзасидан ушбу Кодекснинг 82-84-моддалари, 548, 566-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни аниқлаш мақсадида тергов ҳаракатларини ўтказди; б) зарурат бўлса процессуал мажбурлов чораларини қўллайди; в) жиноятнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларнинг сабаблари ва унга имкон яратган шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф қилиш, фуқаро-вий даъво ҳамда келгусида суд ҳукмининг мулкий ундиришлар қисми ижросини таъминлаш учун чоралар қўради; г) қонунда белгиланган тартибда ўз ҳаракатларини процессуал ҳужжатлар орқали расмийлаштиради ва мустаҳкамлайди; д) тўпланган да-лилларни текшириш, баҳолаш орқали процесс иштирокчилари

доирасини, жиноят содир этган шахсларни аниқлайди ва уларни ишда иштирок этишга жалб қилади.

Терговчи дастлабки терговни ишни тугатиш тўғрисида қарор чиқариш (ЖПКнинг 373-моддаси), айблов хулосаси тузиш ва ишни умумий тартибда судда кўриш учун асослар етарли деб ҳисоблаган ҳолда айблов хулосасини тузиш ёхуд қонунда белгиланган тартибда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш (ЖПКнинг 572-моддаси) ва ярашув тўғрисидаги ишларни (ЖПКнинг 584-моддаси) кўриб хал қилиш учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш билан тамомлайди.

3. Жиноят ишлари юзасидан прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари терговчилари дастлабки терговни олиб бориш ваколатига эга (терговчиларнинг дастлабки терговни олиб боришдаги бошқа ваколатлари хусусида ЖПК 36-моддасининг шарҳига қаранг). Ушбу кодекс 76-моддаси биринчи қисмидаги айни бир терговчининг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлса, у уша жиноят иши бўйича дастлабки терговни амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас.

4. Прокурор ҳам дастлабки терговни олиб бориши ёки ҳар қандай жиноят иши юзасидан алоҳида тергов ҳаракатларини шахсан ўзи амалга ошириши мумкин. Дастлабки терговда прокурорнинг иштироки ва ваколатларига доир қоидалар ушбу кодекснинг 33-34, 243, 382-388, 558-моддалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 27-29-моддаларида мустаҳкамланган (бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг 2004 йил 9 декабрдаги «Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги №31-сонли буйруғига қаранг).

5. ЖПКнинг 37-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ тергов бўлинмаларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳам дастлабки терговни олиб бориш ваколатига эга. Тергов бўлинмасининг бошлиғи ёки унинг ўринбосари шахсан ўзи дастлабки терговни олиб борган ҳолларда, уларга ҳам терговчинини олдига қўйилган вазифаларни бажариш мажбурияти юклатилади (ушбу модданинг шарҳига қаранг).

6. Прокурор ёки тергов бўлинмасининг раҳбари ўз қарори билан қўп меҳнат талаб қиладиган, жуда мураккаб ва ўта долзарб жинойт ишлари юзасидан дастлабки терговни олиб боришни доимий ёки махсус тузилган терговчилар гуруҳига топшириши мумкин. Мазкур гуруҳ бир неча терговчилардан тузилиб, раҳбар томонидан тақсимланган вазифаларга кўра улар бир неча ҳудудда, турли вақтларда содир этилган қўп эпизодли жинойтларни тергов қилишда, тергов ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этадилар. Бу эса ўз навбатида жинойт ишлари бўйича дастлабки терговни ўз вақтида, тўла, ҳар томонлама, ҳолисона ва самарали олиб бориш имкониятини яратади.

7. Дастлабки тергов ўтказиш ваколати қонунга мувофиқ фақат юқорида кўрсатилган органлар ва мансабдор шахсларга берилган бўлса ҳам, улар суриштирув органлари билан ўзаро ҳамкорликда дастлабки терговни амалга оширадилар. Жинойт-процессуал фаолиятнинг бу босқичида суриштирувчилар ўзларига прокурор, тергов бўлинмалари бошлиқлари, терговчиларнинг муайян тергов ҳамда тезкор-қидирув ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисидаги топширик, кўрсатма ва талабларни бажариш орқали иштирок этадилар (ЖПК 343-моддасининг шарҳига қаранг).

345-модда. Дастлабки терговнинг мажбурийлиги

Барча жинойт ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказилиши шарт.

Жинойт кодексининг 97-103, 141-149, 175, 184¹, 205-212, 215, 218-221, 230-236, 241¹, 242, 265-моддаларида назарда тутилган жинойтларга доир ишлар бўйича, шунингдек қонунда кўрсатилган айрим тоифадаги мансабдор шахсларнинг жинойтларига доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан олиб борилади.

Жинойт кодексининг 279-302-моддаларида назарда тутилган жинойтларга доир ишлар бўйича, шунингдек ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жинойтларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ҳарбий прокуратура терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 150-163, 182, 223, 246-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар буйича дастлабки тергов миллий хавфсизлик хизмати терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 104-140, 164-166, 168-173, 183, 186-186², 193-204, 213, 214, 216-217, 222, 224-229², 243, 244, 245, 247-264, 266-278⁶ -моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар буйича, шунингдек вояга етмаганлар содир этган барча жиноятларга доир ишлар буйича дастлабки тергов ички ишлар органларининг терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 167, 176-181, 184, 185- 185², 188-192, 244¹-, 244³-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар буйича дастлабки тергов ишни қўзгатган орган томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 237-241-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар буйича дастлабки тергов ушбу иш қўзғатилишига сабаб бўлган жиноят қайси органининг терговига тегишли бўлса, уша орган томонидан олиб борилади.

Терговни олиб боришда бошқа дастлабки тергов органи терговига тегишли янги жиноят аниқланса, ишни юритиб қўйган дастлабки тергов органи фақат тегишли прокурорнинг розилиги билан терговни тулиқ ҳажмда тамомлаши мумкин.

Қонунда курсатилган айрим тоифадаги мансабдор шахсларнинг жиноятларига доир ишлар буйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан олиб борилади.

1. Дастлабки тергов жиноят ишларини юритишнинг алоҳида мустақил босқичи бўлиб, жиноят ишини судга қадар юритишнинг асосини ташкил қилади. Дастлабки тергов қуйидаги вазифаларни адо этиши лозим: а) жиноят ишини судда қўрилиши учун етарли далиллар тўплаш; б) жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини кафолатлаш. Ана шу вазифаларни адо этиш учун дастлабки терговда процессуал мажбурлов чоралари қўлланилиши унинг муҳим хусусиятларидан биридир. Уз олдида турган вазифаларни тўлалигича ҳал қилишни таъминлаш

мақсадида дастлабки терговда ушлаб туриш, тинтув ва олиб қўйиш, мол-мулкни хатлаш ва бошқа процессуал мажбурлов чоралари, шу жумладан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат, камок, гаров, кафилилик каби эҳтиёт чоралари қўлланилиши лозим бўлади.

Дастлабки терговда процессуал мажбурлов чоралари қўлланишининг аҳамияти – шахснинг муайян ҳуқуқларини қонуний асосда чеклаш орқали жиноий фаолиятга барҳам бериш, янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг терговда иштирокини таъминлаш, фуқаровий даъво ҳамда ҳукмнинг мулкий ундиришлар тўғрисидаги қисми ижросини таъминлашга хизмат қилади.

2. Дастлабки терговнинг нагизлари муайян жиноят иши юзасидан одил судлов ва қонунда белгиланган жавобгарликни амалга ошириш ёки айбсиз шахс реабилитация қилинишининг зарурий шарти ҳисобланади. Фақат дастлабки терговда тўпланган, текширилган, қайд этилган ва баҳоланган далиллар жиноят ишини судда қўриб чиқиш учун асос бўлади. Суриштирув эса дастлабки терговга кўмаклашувчи, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали далиллар йиғиб, уларни сақлаб қўйиш, жиноят содир этганликда гумон қилинувчи шахсларни аниқлаш, қидириб топиш ва ушлаш вазифаларини бажарадиган процессуал иш юритув босқичидир.

3. Дастлабки тергов турли ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан олиб борилганлиги боис, уни қайси орган олиб бориши лозимлигини белгилаб олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жиноят процессида терговга тегишлиликни ҳал этиш, бу ишнинг дастлабки терговини қайси орган ва қандай шаклда олиб бориши лозимлигини; шунингдек, агар жиноят ишини қўзғатиш рад этилса, бу ҳақда қарор қабул қилишга ваколатли эканини аниқлашга хизмат қилади.

Терговга тегишлилик - жиноят аломатларига боғлиқ бўлиб, бу аломатлар инобатга олиниб жиноят ишини тергов қилиш маълум органга юкланади. Терговга тегишлилик масалаларини тўғри ҳал қилиш жиноят иши бўйича терговни ҳар томонлама, тўлиқ, холисона ва ўз вақтида олиб борилишини таъминлайди.

4. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилиги қўйидаги терговга тегишлилик турларини белгилайди: 1) предметли, яъни

жиноят турига кўра; 2) аралаш (альтернатив); 3) шахсига кўра; 4) мустасно терговга тегишлилик. 5) жиноят содир этилиш худудига кўра – худудий жихатдан терговга тегишлилик (ЖПКнинг 346-моддаси шарҳига қаранг).

Жиноят турига кўра терговга тегишлилик унинг турлари ичида асосийси ҳисобланиб, жиноят ишлари бўйича турли хил идора терговчиларининг ваколатларини чегаралайди. Бундай чегаралаш асосига содир этилган жиноят турлари қўйилади.

Шахсга нисбатан терговга тегишлилик жиноят субъекти билан боғлиқ терговга тегишлилигини белгилайди ҳамда вояга етмаган шахслар, ҳарбий хизматга алоқадорларга нисбатан қўлланади. Бу турдаги терговга тегишлиликни белгилашнинг энг муҳим томонларидан бири унинг иштирокчиларига нисбатан қўшимча қонуний ҳуқуқ ва манфаатларнинг кафолатланишидир.

Аралаш (альтернатив) терговга тегишлиликда ишнинг алоҳида ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда бир турдаги жиноят ишлари бўйича турли органлар томонидан дастлабки тергов олиб борилиши мумкинлиги назарда тутилади. Яъни ҳар хил тергов органларига мансуб бўлган терговчилар томонидан жиноят ишини олиб боришга имкон беради.

Мустасно терговга тегишлилик баъзи жиноятлар тўғрисидаги ишларнинг алоҳида қоидалар асосида, қатъий равишда бир тергов органига тегишли бўлишини белгилаб беради.

Терговга тегишлилик судловга тегишлилик билан мос келмайди, яъни айти бир туман(шаҳар) дастлабки тергов органи томонидан юритилган жиноят иши жиноят ишлари бўйича туман(шаҳар) судида ҳам, вилоят судида ҳам биринчи инстанция сифатида қўрилиши мумкин.

5. Прокуратура терговчилари: 1) жиноят турига кўра (предмети) терговга тегишлилик асосида ЎзР.ЖКнинг 97-103, 141-149, 175, 184¹, 205-212, 215, 218-221, 230-236, 241¹, 242, 265-моддаларида назарда тутилган жиноятларга оид ишлар юзасидан; 2) шахсига кўра терговга тегишлилик асосида айрим тоифадаги мансабдор шахсларнинг жиноятларига доир ишлар юзасидан (шарҳланаётган модданинг 9-қисми) дастлабки терговни олиб борадилар.

Ҳарбий прокуратураларнинг терговчилари: 1) ЖКнинг 279-302-моддаларида назарда тутилган қуйидаги жиноятларга доир ишлар юзасидан:

а) предметли терговга тегишлилик асосида ҳарбий хизмат тартибига қарши алоҳида турдаги жиноятлар тўғрисидаги; б) ҳудудий терговга тегишлилик асосида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, бошқа ҳарбий кучлар, ҳарбий тузилмалар ва бошқа органларнинг фуқаро ходимлари томонидан ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда ҳарбий қисм, бирлашма, ташкилот, гарнизон ҳудудида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар юзасидан; 2) шахсига кўра терговга тегишлилик асосида ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки терговни олиб борадилар.

Ҳарбий прокуратураларда терговга тегишлилик бошқа дастлабки тергов органлари терговига тегишлилик қоидаларидан фарқ қилади. Ҳарбий прокуратураларнинг терговига тегишлилик ва ҳарбий судларнинг судловига тегишлилик қоидалари бир-бирига мос тарзда белгиланган.

6. Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлигини таъминлаш вазифаларидан келиб чиқиб, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий тизимига, унинг ҳудудий яхлитлигига, суверенитетига, муҳофаза қилинишига қарши қаратилган жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов миллий хавфсизлик хизмати терговчилари ваколатлари доирасига қиради, яъни улар предметли терговга тегишлилик асосида ЖКнинг 150-163, 182, 223, 246-моддаларида жавобгарлик назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар юзасидан дастлабки терговни олиб борадилар.

7. Ички ишлар органларининг терговчилари: 1) предметли терговга тегишлилик асосида ЖКнинг 104-140, 164-166, 168-173, 183, 186-186², 193-204, 213, 214, 216-217, 222, 224-229³, 243, 244, 245, 247-264, 266-278⁶ -моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар юзасидан; 2) шахсига кўра терговга тегишлилик асосида вояга етмаганлар содир этган барча жиноятларга оид ишлар юзасидан дастлабки терговни амалга оширадилар.

8. Қонунда айрим жиноятларнинг тергови алоҳида орган терговига тегишлилиги эканлиги белгиланмаган. Ёлғон хабар бериш, ёлғон гувоҳлик бериш, суриштирув ва дастлабки тергов

маълумотларини ошкор қилиш, жиноят процессини юритиш катнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши, жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш каби ЖКнинг 237-241-моддалари ҳам аралаш терговга тегишлидир. Прокурор жиноят ишини тергов қилиш учун бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказиш ҳуқуқига эга.

346-модда. Худудий жиҳатдан терговга тегишлилик

Жиноят қаерда содир этилган бўлса, жиноят иши уша туман (шаҳар) терговчисининг терговига тегишли бўлади.

Дастлабки тергов, башарти иш ҳолатларини анча тез, пухта, тўла, холисона, ҳар томонлама текширишга ёрдам берса, иш қўзғатилган жойда ёки гумон қилинувчи ёхуд айбланувчи ёки гувоҳларнинг кўпчилиги турган ерда ўтказилиши ҳам мумкин.

Юқори турувчи прокурор ёки юқори тергов бўлинмаси бошлигининг фармойишига асосан дастлабки тергов худудий жиҳатдан терговга тегишлилик қоидаларига риоя қилинмаган ҳолда олиб борилиши ҳам мумкин.

1. Бир хил номдаги суриштирув ва тергов органлари ваколатларини чегаралаш мақсадида қонунга худудий жиҳатдан терговга тегишлилик қоидаси киритилган. Тергов ҳаракатлари ўтказиш жойи худудий жиҳатдан терговга тегишлилик қоидалари асосида аниқланади. Зарур ҳолларда тергов ҳаракатлари бошқа жойларда терговчининг шахсан ўзи бориши ёки тегишли органга алоҳида топширик бериш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Узюққа қўзилган ёки давомли жиноий қилмишларда ифодаланган жиноят бир жойда бошланиб, бошқа худудда тамомланган бўлса ва бир неча дастлабки тергов органи терговга тегишли бўлса, иш жиноят тамомланган жойда юритилиши лозим.

2. Жиноят-процесуал қонунчилик бу масалада алоҳида қоидалар белгиланган. Ишнинг ҳолатлари ҳисобга олинган ҳолда худудий жиҳатдан терговга тегишлилик ўзгартирилиши ҳам мумкин. Башарти иш ҳолатларини процесуал муддатларга риоя қилган ҳолда, пухта, тўла, холисона, ҳар томонлама текширишга ёрдам берса, дастлабки тергов тегишли прокурорнинг

розилиги билан иш қўзғатилган жойда ёки гумон қилинувчи ёхуд айбланувчи ёки гувоҳларнинг кўпчилиги турган ерда ўтказилиши ҳам мумкин.

3. Юқоридаги умумий ва алоҳида қоидалар юқори турувчи прокурор ва тергов бўлинмасининг ишни ўз ваколатлари доирасида бошқа дастлабки тергов органига ўтказиш ёки ўз юритувига олиш ҳуқуқини инкор қилмайди. Юқори турувчи прокурор ёки юқори тергов бўлинмаси бошлиғининг фармойишига асосан дастлабки тергов ҳудудий жиҳатдан терговга тегишлилик қоидаларига риоя қилинмаган ҳолда олиб борилиши ҳам мумкин. Ўзбекистон Республикасининг турли ҳудудларида содир этилган бир неча жиноятлардан иборат бўлган жиноий фаолият юзасидан дастлабки тергов юқори турувчи прокурорнинг қарорига мувофиқ, кўпчилик жиноят содир этилган жойда ёки уларнинг энг оғири содир этилган жойда ўтказилади.

4. Жиноят ишининг бошқа дастлабки тергов органи терговга тегишлилиги аниқланган ҳолларда, иш ўз юритувида бўлган терговчи дастлабки терговнинг келгусида муваффақиятли ва самарали олиб борилишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиши, шундан сўнг иш терговга тегишлилиги бўйича юборилиши лозим.

5. Бир жойда тайёрланиб, иккинчи жойда амалга оширилиши мўлжалланган жиноятлар, агар бу жиноят турли сабабларга кўра амалга ошмаган ҳолларда, у тайёрланган жойнинг терговга тегишли бўлади.

347-модда. Терговчининг топшириқларини бажариш

Ҳар бир терговчи ўз юритувида бўлган жиноят иши бўйича Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида исталган жойда бирор тергов ҳаракатини шахсан ўзи бажаришга ёки уни ўтказишни бошқа терговчига ёки суриштирувчига топширишга ҳақлидир.

Терговчининг топширигида ижро этувчи учун мажбурий бўлган ижро муддати кўрсатилади. Терговчининг топширигини бу муддат ичида ижро этишининг илोजи бўлмаса, топшириқ олган шахс топшириқ берган терговчига топшириқ қачон бажарилиши мумкинлиги туғрисида ёзма равишда, телеграмма ёки телефонограмма орқали хабар қилади ва

унинг курсатмаларига биноан топшириқни бажаришни давом эттиради.

1. Терговчининг топшириқлари – ўзи тергов олиб бораётган жиноят иши юзасидан айрим тергов ҳамда тезкор-кидирув ҳаракатларини олиб бориш тўғрисида бошқа тергов ёки суриштирув органига ёзма топшириқдир. Терговчи топшириқлари икки турга бўлинади: 1) бошқа ҳудудий тергов органига юбориладиган ёзма топшириқ; 2) суриштирув органига юбориладиган ёзма топшириқ.

2. Ёзма топшириқ: а) жиноят иши юзасидан қандай тергов ҳаракатларини амалга ошириш лозимлиги; б) бу ҳаракатлар қандай ҳолатларни аниқлашга қаратилганлиги; в) ишда иштирок этишга жалб этилиши лозим зарур бўлган шахслар рўйхати; г) сўроқ қилиш тергов ҳаракати ўтказиладиган бўлса, сўроқ қилиниши лозим бўлган гувоҳлар рўйхатини ўз ичига олади. Ёзма топшириққа у билан бевосита боғлиқ бўлган тергов ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа материалларнинг нусхалари илова қилиниши мумкин. Олиб қуйиш ва тинтув, телефон ва бошқа сузлашув курилмалари орқали сузлашувларни эшитиб туриш, почта-хат хабарларни хатлаш каби тергов ҳаракатлари ўтказиладиган бўлса, ёзма топшириқ билан биргаликда алоҳида расмийлаштирилган, прокурор рухсат берган тегишли процессуал қарорлар ҳам илова қилиниши лозим.

3. Терговчининг ёзма топшириғини бажарувчи терговчи ёки суриштирувчи ҳам ишни юритаётган терговчи сингари ЖПК қоидаларига тула риоя қилиши лозим бўлади. Топшириқни бажараётган терговчи, суриштирувчига ҳам рад қилиш асослари татбиқ этилади. ЖПКнинг 76-моддасида кўрсатилган терговчининг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлса, у топшириқни бажаришга ҳақли эмас.

4. Ёзма топшириққа биноан тергов ҳаракатларини ўтказишда ҳам жиноят процесси иштирокчиларининг мазкур ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқлари таъминланиши лозим. Агар тергов ҳаракатлари жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки унинг ҳимоячисининг илтимосномасига асосан ўтказиладиган бўлса, улар терговчининг рухсати билан ушбу ҳаракатлар ўтказилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Терговчи топшириқни бажариш вақтида унда иштирок этаётган

гумон қилинувчи ёки айбланувчининг химоя ҳуқуқини таъминлаш чораларини қўриши, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг химоячисини топшириқнинг бажарилиш жойи ва вақти ҳақида хабардор қилиши лозим.

5. Қонунда назарда тутилган ҳолларда тегишли иштирокчилар процессуал қарорлар ва баённомалар билан танишгирилиб, уларга процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади.

6. Ёзма топшириқда тергов ҳаракатларини ўтказиш билан бирга бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш, масалан процессуал мажбурлов чораларини қўллаш назарда тутилган бўлиши мумкин. Бунда топшириқ юборувчи маълум эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни юбориш билан бирга айрим чораларни қўллаш учун прокурордан ёхуд суддан руҳсат олган бўлиши шарт.

7. Ёзма топшириқ жиноят содир этилиш сабаблари ва унга имкон яратган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф қилиш юзасидан ҳам берилиши мумкин.

8. Ёзма топшириқни ижро этиш муддатлари топшириқни берган терговчи томонидан белгиланади. Агар ушбу муддат ичида топшириқни ижро этишга имкон бўлмаса, топшириқни бажараётган терговчи ёки суриштирувчи топшириқни юборган терговчинини топшириқ қачон бажарилиши мумкинлиги тўғрисида ёзма равишда телефон, телефакс, телеграмма орқали хабардор қилади. Мазкур хабар асосида терговчи топшириқни ижро этиш муддатини узайтиради.

348-модда. Жиноят ишини бошқаларга ўтказиш

Жиноят ишини бир тергов бўлимаси доирасида бир терговчидан бошқа терговчига ўтказиш шу тергов бўлимасининг раҳбари томонидан амалга оширилади.

Ишни бир тергов бўлимасидан бошқасига ўтказиш юқори тергов бўлимасининг бошлиғи томонидан прокурор розилиғи билан амалга оширилади.

Ишни бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказишга прокурорнинг қарорига биноан йўл қўйилади.

1. Жиноят ишини бошқаларга ўтказиш тергов бўлими ичида ушбу тергов бўлимининг бошлиғи томонидан амалга оширилади.

ди, агар тергов бўлимнинг фаолият кўрсатиш ҳудуди кагга бўлиб, тергов бўлимларининг жойлашиши бир-биридан узок масофада бўлса, жинойт ишини бошқа тергов бўлимларига ўтказиш прокурорнинг рухсати билан амалга оширилади.

Жинойт ишини бир вилоят тергов органидан бошқа вилоят тергов органига ўтказиш марказий тергов органининг бошлиғи ва Республика прокуратурасининг розилиғи билан амалга оширилади.

2. Жинойт ишини тергов бўлимсининг ичида бир терговчидан иккинчи терговчига ўтказиш ушбу бўлимга раҳбарининг расмийлаштирган кўрсатмаси асосида амалга оширилади. Агар жинойт иши бир ҳудудда жойлашган тергов бўлимидан иккинчи ҳудудда жойлашган тергов бўлимига юбориладиган бўлса, бу иш вилоят тергов органи бошлиғининг расмийлаштирилган кўрсатмаси асосида амалга оширилиб, унга вилоят прокурорининг розилиғи олинishi лозим. Жинойт ишини бир вилоят тергов органидан бошқа вилоят тергов органига ўтказиш учун марказий тергов органи бошлиғи томонидан расмийлаштирилган кўрсатма олинishi ва кўрсатмада Республика Бош прокурорининг розилиғи қайд этилиши лозим.

3. Жинойт ишини бир органдан бошқа органга оғзаки буйруқ асосида ўтказилиши мумкин эмас. Шу сабабдан жинойт ишини бошқаларга ўтказиш зарурати туғилганда, у ёзма шаклда рамийлаштирилиши ҳамда белгиланган муддатда юборилиши керак.

4. Терговга тегишлилик бўйича фарқ қилувчи тергов органлари ўртасида жинойт ишлари бирдан иккинчисига прокурор қарорига биноан ўтказилади. Мазкур ҳаракатдан аввал тергов органи жинойт иши материаллари ва бошқа ҳужжатларни прокурорга ўрганиб чиқиш учун тақдим қилади. Прокурор уларни ўрганиб, таҳлил қилганидан сўнг жинойт ишини бошқаларга ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш туғрисида қарор чиқаради. Прокурор томонидан чиқарилган қарорлар терговчи учун мажбурий ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикасидан бошқа хорижий мамлакатга жинойт ишини ўтказиш масаласи Республика Бош прокурори томонидан куриб чиқилиб, унинг қарорига асосан ўтказилади. Жинойт ишини бошқаларга ўтказиш ҳамда экстрадиция масалалари Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлат ўртасида тузилган халқаро шартномалар асосида амалга оширилади.

Терговчи жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этиш учун жамоатчиликни жалб қилишга ҳақлидир. Шу мақсадда у жамоат бирлашмаларига, жамоаларга, аҳолига жиноят иши учун аҳамиятга молик маълумотлар ҳақида хабар қилишни, қидирилаётган шахслар ёки нарсалар турган жойни курсатишни сураб мурожаат қилади.

Жамоат бирлашмалари ва жамоалар терговчининг илтимосига кура, айрим тергов ҳаракатларида иштирок этиш учун уз ораларидан холислар, таржимонлар, мутахассисларни тавсия қилишлари мумкин. Жамоатчилик вакиллари бўлмиш холисларга, таржимонларга, мутахассисларга нисбатан ушбу Кодекснинг тегишли процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисидаги қоидалари тўлиқ тадбиқ этилади.

1. Дастлабки терговда жамоатчиликнинг иштироки бу фаолиятни тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона бўлишини таъминлаб, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг бир шакли ҳисобланади. Жамоатчиликни дастлабки терговда иштирок этишга жалб этиш терговнинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

2. Жамоатчиликнинг дастлабки терговда иштирок этиши терговчига содир этилаётган ёки содир этилган жиноятлар тўғрисида хабар беришдан, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказишда бевосита ёрдам курсатишдан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, унда бўлган изларни сақлаш, гувоҳ ва жабрланувчиларни аниқлаш, жиноят қуролларини қидириб топиш, бошқа жиноятларга алоқадор ва уни содир этган шахсларни аниқлашда ёрдам курсатишдан иборатдир (21-модданинг шарҳига қаранг).

3. Жамоатчиликни дастлабки терговга жалб қилиш шакллари хилма-хил бўлиши мумкин: жиноят ҳақидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида чоп этиш; радио ва телевидение орқали жамоатчиликни содир этилган жиноятдан хабардор қилиш; жиноятни содир этган шахслар ёки жиноятни қурган – эшитган шахсларни аниқлаш борасида маълумотлар тарқатиш;

жамоа мажлисларида маърузалар қилиш; маҳалла фуқаролар йиғинларига тергов ҳаракатлари ёки қидирувга ёрдам бериш туғрисида муружаат қилиш ва ҳ.к.

4. Жамоатчилик вакилларига бирорта тергов ҳаракатини мустақил равишда бажаришни юклаб қўйиш маън этилади (масалан, олиб қўйиш ва тинтув утказиш, тезкор-қидирув чораларини кўриш), чунки далилларни тўплаш дастлабки тергов ва суриштирув органларининг жиноят-процессуал фаолиятидир. Бошқа орган, муассаса ва ташкилот дастлабки терговни утказиш ҳуқуқига эга эмас.

5. Жамоатчилик вакиллари терговчига ўз даврасидан ҳолислар, таржимонлар, мутахассисларни алоҳида тергов ҳаракатларида иштирок этиши учун тавсия қилишлари мумкин. Жамоатчилик тавсия этган ҳолислар, таржимонлар, мутахассислар ЖПК қоидалари асосида тегишли процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

350-модда. Дастлабки терговнинг бошланиши

Терговчи жиноят ишини қўзғатиб, уни ўз иш юритувига олади ва бу ҳақда иш қўзғатилганлиги туғрисидаги қарорга ёзиб қўяди. Башарти терговчига олдин қўзғатилган иш берилган бўлса, у ишни ўз юритувига олганлиги туғрисида қарор чиқаради, шундан сўнг дастлабки терговни бошлайди.

1. Дастлабки тергов жиноят иши қўзғатилган вақтдан бошланиб, унинг муддатини ҳисоблаш жиноят ишини қўзғатиш туғрисидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан ҳисобга олинади. Жиноят ишини ўз иш юритувига олган терговчи жиноят ишини қўзғатиш туғрисидаги қарорда ушбу ишни ўз иш юритувига олган кун, ой ва йилни қайд этади. Терговчи жиноят ишини ўзи қўзғатиб, уни иш юритувига олган бўлса, жиноят ишини қўзғатиш ва ўз иш юритувига олиш туғрисида қарор чиқаради.

Шу қарорларни чиқаргандан кейин терговчи бевосита дастлабки тергов ҳаракатларини амалга ошириши мумкин.

2. Жиноят иши қўзғатилган вақт дастлабки терговнинг бошланиш вақтини белгилаб беради. Терговчининг жиноят ишини қўзғатиб, уни иш юритувига олган куни, вақти юқорида қайд этилган қарорларда кўрсатилиши лозим. Айнан шу вақт (йил-

нинг тулик рақами, куни, ойнанинг номи, қўзғатилган пайтнинг соат ва дақиқалари) жиноят иши бўйича дастлабки терговнинг бошланиш вақти сифатида тан олинади. Шу вақтдан бошлаб процессуал муддатларни ҳисоблаш мумкин.

351-модда. Дастлабки тергов муддатлари

Дастлабки тергов жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб уч ойдан ошмаган муддатда тамомланиши лозим.

Иш айблов ҳулосаси билан ёки тиббий йўсиндаги мажбурулов чораларини қўллаш учун судга юбориш тўғрисидаги қарор билан прокурорга топширилган куни ёхуд ишни тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган куни дастлабки тергов тамомланган ҳисобланади.

Дастлабки тергов муддатига қўйидагилар кирмайди:

1) айбланувчи, ҳимоячи, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш материаллари билан танишиб чиққан вақт;

2) дастлабки тергов тўхтатиб турилган вақт;

3) қўшимча тергов утказиш учун қайтарилган иш терговчига келиб тушгунга қадар утган вақт.

Иш айблов ҳулосаси билан, ишни тиббий йўсиндаги мажбурулов чораларини қўллаш ёхуд тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисидаги қарор билан, амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга топширилган куни ёхуд ишни тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган куни дастлабки тергов тамомланган ҳисобланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган дастлабки тергов муддати тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва унга тенглаштирилган прокурор томонидан беш ойгача узайтирилиши мумкин. Кейинчалик дастлабки тергов муддати фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари томонидан етти ойгача ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тўққиз ойгача узайтирилиши мумкин. Алоҳида ҳолларда, содир этилган жиноятнинг оғирлигини ҳамда тергов қилинаётган ишнинг мураккаб-

лигини инобатга олиб, дастлабки тергов муддати Узбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан бир йилгача узайтирилиши мумкин.

Суд ишни қўшимча тергов ўтказиши учун қайтарно юборганда, шунингдек, тўхтатилган ёки тугатилган иш қайта тикланганда қўшимча тергов муддати тергов олиб бориш устидан назорат юргизаётган прокурор томонидан, мазкур ишни терговчи қабул қилган пайтдан бошлаб бир ой доирасида белгиланади. Бу муддатни янада узайтириши иш судга берилгунга, тўхтатиб турилгунга ёки тугатилгунга қадар ўтган тергов муддатини ҳисобга олган ҳолда умумини асосларда амалга оширилади.

Тергов муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномани терговчи тергов муддати тугашидан камида ўн сутка илгари прокурорга топширади. Прокурор ўз устхати билан илтимосномани қаноатлантиради ёки дастлабки терговни тамомлаб, ишни судга юбориш тўғрисида қўрсатма беради ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқаради.

1. Жиноятларни тез ва тўла очиш, уларни содир этган шахсларни аниқлаш, алоҳида тергов ҳаракатлари ҳамда бутун тергов фаолиятини юритиш учун процессуал муддатларга қатъий риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Дастлабки тергов муддатлари қоида бўйича иккига бўлинади: а) қонун билан белгиланадиган муддатлар; б) суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тайинланадиган муддатлар. ЖПКда белгиланган муддатлар соат, сутка ва ойлар билан ҳисобланади. Муддатнинг ўтиши бошланган соат, сутка ҳисобга олинмайди, лекин бу қоида ушлаб туриш, қамокда сақлаш ва тиббий муассасада сақлаш муддатларини ҳисоблашга тааллуқли эмас (ЖПК 314-моддасининг биринчи қисми).

2. Дастлабки тергов муддатларини куйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин: а) дастлабки терговни тезкор олиб борилишини таъминловчи муддатлар; б) дастлабки терговда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатловчи муддатлар; в) дастлабки терговда қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назоратини кафолатловчи муддатлар.

3. Дастлабки терговни тезкор олиб борилишини таъминловчи муддатларга жинойтга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни куриб чиқиш, терговчининг топшириқларини бажариш муддатларини киритиш мумкин. Масалан, жинойтга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олинishi ва дарҳол ёки уч суткадан, алоҳида ҳолларда эса, – ун суткадан кечиктирмасдан куриб чиқилиши керак (329-модданинги шарҳига қаранг). ЖПКнинг 347-моддасига асосан терговчининг топшириғида ижро этувчи учун мажбурий бўлган ижро муддати курсатилади.

4. Дастлабки терговда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қафолатловчи муддатларга: гумон қилинувчи, айбланувчини сўроқ қилиш; ушлаб туриш; қамокқа олиш; жинойт иши қўшимча терговга қайтарилганда қамокда сақлаб туриш муддатини ҳисоблаб чиқиш; тиббий муассасада сақлаш муддатлари киради.

Масалан: суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи ушланган, сўроқ қилиш учун чақирилган, қамокқа олинган ёки мажбурий келтирилгандан кейин дарҳол ёки йигирма тўрт соатдан кечиктирилмай сўроқ қилиниши керак (110-модданинги шарҳига қаранг); ушлаб туриш милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган вақтдан бошлаб етмиш икки соатдан ошиб кетмаслиги керак. Терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли асослар тақдим этилганда ушлаб туриш суднинг қарори билан қўшимча равишда 48 соатга узайтирилиши мумкин (226-модданинги шарҳига қаранг) ва ҳ.к.

5. Дастлабки тергов қуйидаги ҳолларда тамомланган ҳисобланади: а) жинойт иши айблов ҳуҷосаси билан прокурорга юборилганда; б) жинойт иши тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёки в) тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисидаги қарор билан ёхуд г) амнистия актига асосан жинойт ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга топширилганда; д) ишни тугатиш тўғрисида қарор чиқарилганда.

6. Дастлабки терговда қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назоратини қафолатловчи муддатларга: мурдани эксгумация қилиш учун асослар (ЖПКнинг 148-моддаси); ночта-телеграф жўнағмаларини хатлаш (ЖПКнинг 166-моддаси);

телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали ошма-бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш тартиби (ЖПКнинг 170-моддаси); прокурорнинг процессуал мажбурлов чораларни қўллаш ҳақидаги кўрсатмасининг мажбурийлиги (ЖПКнинг 219-моддаси), айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги қарор (ЖПКнинг 256-моддаси); шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарор (ЖПКнинг 266-моддаси); жиноят ишини қўзғатиш тартиби (ЖПКнинг 331-моддаси) ва бошқалар кирadi.

7. Дастлабки тергов муддатларини ҳисоблаш доимо жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб терговчи томонидан жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор чиқариш, айблов хулосасини тузиш, ярашув тўғрисида масалани ҳал этиш ёки ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун судга юборини тўғрисида қарор чиқариш билан гамомланади. Суд ишни қўшимча тергов ўтказиш учун қайтариб юборганда, шунингдек тўхтатилган ёки тугатилган иш қайта тикланганда қўшимча тергов муддати тергов олиб бориш устидан назорат қилаётган прокурор томонидан, мазкур ишни терговчи қабул қилган пайтдан бошлаб белгиланади. Бу муддатни янада узайтириш ишни судга бериш, тўхтатиб туриш ёки тугатилгунга қадар ўтган тергов муддатини ҳисобга олган ҳолда умумий асосларда амалга оширилади.

8. Тергов муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномани терговчи тергов муддати тугашидан камида ўн сутка илгари прокурорга топшириши лозим ва прокурор ўз устхати билан илтимосномани қаноатлантиради ёки дастлабки терговни тамомлаб, ишни судга юбориш тўғрисида кўрсатма беради ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқаради.

352-модда. Тергов ҳаракатларини ўтказишда холисларнинг иштироки

Дастлабки терговда олиб қўйиш, тинтув ўтказиш, қўздан кечириш, гувоҳлантириш, эксперимент ўтказиш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувни ҳодиса юз берган жойда текшириш, эксперт тадқиқотини ўтказиш учун намуналар олиш, мурдани эксгумация қилиш камида икки нафар холис иштирокида амалга оширилади.

Башарти бир тергов ҳаракатини бир неча терговчи ёки терговчи ва у раҳбарлик қилаётган суриштирувчилар бир пайтнинг узида турли хоналарда ёки бир-биридан анча узоқ жойларда ўтказётган бўлсалар, ҳар бир терговчи ва суриштирувчи ҳузурида доимо камида икки нафар ҳолис иштирок этиши лозим.

Фуқаро терговчининг қонуний талабларини ва таклифларини бажаришдан бош тортаётганлигини ёки терговчига қаршилик кўрсатаётганлигини ёхуд дастлабки тергов юритиш тартибига тўғри келмайдиган бошқа ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар қилаётганини тасдиқлаш учун ҳам ҳолислар таклиф қилинадилар. Ушбу Кодекснинг 93-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

1. Муайян жиноят иши бўйича унинг юритиш жараёни ёки натижаларидан, ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган, камида икки нафар вояга етган фуқаро ҳолис сифатида иштирок этиш учун жалб қилиниши мумкин.

2. Дастлабки терговда ҳолислар: олиб қўйиш, тинтув, кўздан кечириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, эксперт тадқиқотини ўтказиш учун намуналар олиш, мурдани эксгумация қилиш, нарсалар ва ҳужжатларни тақдим қилиш тергов ҳаракатларида иштирок этадилар. Сўроқ пайтида сўроқ қилинувчи баённомага имзо қўйишдан ёки кўрсатув беришдан бош тортса, унинг бу ҳаракатларини тасдиқлаш учун ҳолислар чақиртирилади ва сўроқ баённомасида улар бу фактни тасдиқлаб, имзо қўядилар ёхуд терговчи бу фактни тасдиқлаш юзасидан алоҳида баённома тузиш ҳуқуқига эга.

3. Ҳолис ЖПКнинг 76-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда, шунингдек, ишда иштирок этаётган шахслардан бирортасига хизмат юзасидан ёки бошқа жиҳатдан тобе бўлса, жиноят ишини юритишда иштирок этишга ҳақли эмас ва рад қилиниши лозим. Ҳолисининг жиноят ишидан манфаатдорлиги тергов ҳаракатларини ўтказишдан аввал терговчи томонидан текширилади.

4. Почта хат-хабарларини хатлаш ҳаракатлари учун жалб этиладиган ҳолислар почта-телеграф муассасасининг ходимлари таркибидан олинishi талаб қилинади. Ҳолислар тергов

ҳаракатини ўтказиш жараёнида бошидан охиригача иштирок этишлари талаб қилинади, ақс ҳолда уларнинг иштироки ўтказилган ҳаракатлар ҳуқуқий кучга эга бўлмайди.

5. Ҳолис ЖПКнинг 74-моддасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Ҳолис ўзи иштирок этган тергов ҳаракатини юритиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича гувоҳ тариқасида суро қилиниши мумкин. У бундай ҳолларда ЖПКнинг 66-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради (74-модданинг шарҳига қаранг).

353-модда. Жиноят ишидаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти

Терговчи жиноят ишидаги барча маълумотларни ёки унинг муайян қисмидаги маълумотларни ошкор қилишмай-диган деб эътироф этишга ҳақли. Ана шу асосда у тергов ҳаракатларида иштирок этаётган ёки тергов ҳаракатларини бажаришда ҳозир бўлган ёхуд тергов материаллари билан танишаётган шахслардан уларнинг зиммасига ишда мавжуд бўлган маълумотларни унинг руҳсатисиз ошкор қилмаслик тўғрисида мажбурият юклатилгани ҳақида тилхат олиши мумкин. Тилхатда, шунингдек, мазкур мажбуриятни бузганлик учун Жиноят кодексининг 239-моддасига биноан жавобгарлик ҳақидаги огоҳлантириши ҳам ақс этирилади.

Ишдаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти гумон қилинувчи ва айбланувчи зиммасига юклатиши мумкин эмас.

Ҳимоячининг ишдаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти унинг гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан буладиган суҳбатига тааллуқли эмас.

1. Дастлабки тергов босқичида терговчи жиноят ишидаги барча маълумотларни ёки унинг муайян қисмидаги маълумотларни ошкор қилмасликни иштирокчилардан талаб этишга ҳақли. Тергов ҳаракатларида иштирок этаётган ёки бу ҳаракатларни бажаришда ҳозир бўлган ёхуд тергов материаллари билан танишаётган шахслардан уларнинг зиммасига ишда мавжуд бўлган маълумотларни терговчининг руҳсатисиз ошкор қилмас-

лик тўғрисида мажбурият юклатилганлиги ҳақида тилхат олиниши мумкин.

2. Жиноят иши материалларини асоссиз равишда ошкор қилиш жиноят ишини тергов қилиш жараёнига жиддий тўсқинлик қилиши, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етказиши мумкин.

Суд жараёнига қараганда дастлабки терговда ошкоралик талаблари нисбатан чекланган ҳолатда бўлади. Лекин дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслик мажбурияти терговчининг махфий фаолияти дегани эмас. Терговчи жиноят ишини очишда жамоатчилик ёрдамига таяниши, радио, телевидение, матбуотдан фойдаланиши, айбланувчини топиш учун фуқаролар билан мулоқотга киришиши мумкин.

3. Дастлабки тергов материалларини ошкор қилмасликнинг турли сабаблари мавжуд: 1) материалларни ошкор этилиши терговчининг ишини қийинлаштириши мумкин, лекин ЖПКда ошкор этиладиган материаллар чегараси белгиланмаган ва бу масала терговчи томонидан мустақил ҳал қилинади; 2) жиноят содир этган шахс жиноятнинг очилаётганидан хабар тонса, яшириниши, қилмишнинг изларини йўқотиши, узининг айбсизлигини исботловчи сохта далиллар тайёрлаши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Дастлабки тергов материалларини шошилинч ошкор этиш айбланувчининг манфаатига ҳам зарар етказиши мумкин. Жиноий жавобгарликка тортиш келгусида жиноят таркиби ёки ҳодисаси содир бўлмагани ёхуд қилмишда шахснинг айби йўқлиги асосида жиноят ишипи тугатишнинг имкони йўқ дегани эмас. Жиноий жавобгарликка тортилган шахс қонунда назарда тутилган асослар бўйича гаъқибдан озод қилиниши ва айбсиз деб топилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун дастлабки тергов материалларини барвақт ошкор қилиш айбланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига асоссиз зарар етказиши мумкин.

Шундай қилиб, тергов юритувида бўлган материалларни ошкор қилиш қатъий равишда ишнинг ҳолати ёки терговнинг шароитидан келиб чиқиб терговчи ёки прокурорнинг руҳсати билан амалга оширилиши лозим. Шунинг хисобга олиб терговчи, шарур ҳолларда гувоҳ, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар, таржимон, эксперт, ҳолис ва бошқа шахс-

ларни тергов ҳаракатларини ўтказишда ундаги маълумотларини ошкор этмаслик ҳақида огоҳлантиради ва бу ҳақда тилхат олади. Ушбу тилхатдаги талабларни бузган шахс ЖКнинг 239-моддасига асосан жавобгарликка тортилади.

4. Тергов маълумотларини ошкор қилиш ҳақидаги рухсат терговчи ёки прокурор томонидан берилади ва у ёзма шаклда бўлиши шарт. Бундай рухсатни расмийлаштириш тегишли қарор шаклида қайд этилиб, унда кимга, қайси доирадаги шахсларга қандай материалларни ошкор қилиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилади. Прокурорнинг рухсатсиз ҳеч ким жиноят ишини кўзғатишдан олдин мавжуд материалларни ошкор қилиш ҳуқуқига эга эмас.

354-модда. Дастлабки терговни терговчилар гуруҳига топшириш

Жиноят иши кўп меҳнат талаб этса, жуда мураккаб ёки ута долзарб бўлса, прокурор ёки тергов бўлинмасининг бошлиғи шу иш бўйича дастлабки тергов юритишни доимий ёки махсус тuzилган тергов гуруҳига топшириши мумкин. Бундай топшириқ ҳақида қарор чиқарилиши лозим бўлиб, унда тергов гуруҳининг раҳбари ва аъзолари кўрсатилади. Башарти дастлабки терговни терговчилар гуруҳига топшириш туғрисидаги қарор жиноят ишини кўзғатиш туғрисидаги қарор билан айни бир вақтда қабул қилинган бўлса, иккала масала бир қарорнинг узида баён этилади. Гуруҳ таркибида ўзгаришлар бўлганда ва гуруҳ раҳбари ўзгартirilганда ҳам қарор чиқарилади.

1. Жиноят ишининг ҳажми катта бўлиб, у кўп эпизодли, мураккаб ёхуд мавҳум ҳолатда содир этилган бўлса ҳамда бир неча терговчиларнинг иштирокини тақозо этса, дастлабки терговни терговчилар гуруҳига топшириш туғрисида қарор чиқарилади. Ушбу қарор мазкур тергов бўлими бошлиғи ёки назорат юритувчи прокурор томонидан чиқарилиши лозим. Қарорда терговчилар гуруҳига киритилган ҳар бир терговчининг лавозими, унвони, фамилияси, исми, шарифи қайд этилади.

2. Дастлабки терговни терговчилар гуруҳига топшириш туғрисида қарор билан тергов бўлимининг бошлиғи таништири

лади. Тергов бўлимининг бошлиғи ва дастлабки тергов устидан назорат олиб борувчи прокурор ҳам дастлабки терговни терговчилар гуруҳига топшириш тўғрисида қарор чиқариш ҳуқуқига эга.

355-модда. Терговчилар гуруҳи раҳбарининг ваколатлари

Гуруҳ раҳбари бўлган терговчи жисноят ишини ўз юритишига қабул қилиб олади ва дастлабки терговнинг умумий йўналиши ва пировард натижаси учун, шуниингдек, жисноят процессининг шу босқичида бажариладиган ҳар бир ҳаракат ва қарорнинг қонуний ҳамда асосланган бўлиши учун тула жавобгар бўлади.

Гуруҳ раҳбари бўлган терговчи:

1) ишни ўзи раҳбарлик қилаётган терговчиларга тақсимлаб беради, уларнинг ҳар бири бажарадиган иш қисми ёки тергов йўналишини белгилайди, айрим тергов ҳаракатлари бажаришни топшириб, уларни ижро этиш муддатини белгилайди;

2) шахсан ўзи тергов ҳаракатларини бажаради ва раҳбарлиги остидаги терговчилар утказиётган айрим тергов ҳаракатларида иштирок этади;

3) қарорлар чиқаради, шу жумладан шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимосномалар қўзғатиш, ишни тула ёки унинг бирор қисмини тугатиш ёхуд тўхтатиш ҳақида қарорлар чиқаради;

4) прокурорининг курсатмалари ижро этилишини таъминлайди, ушбу кодекс 36-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ишни ўз эътирозлари билан бирга юқори турувчи прокурорга юборади;

5) суриштирув органига тергов ва қидирув ишларини олиб бориш тўғрисида топшириқлар ва курсатмалар беради, шуниингдек, ундан терговчилар бажараётган тергов ҳаракатларини утказишда ёрдам беришни талаб қилади, ўз топшириқлари, курсатмалари, талаблари бажарилиши устидан назорат қилиб боради;

6) *жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш чоралари тўғрисида тақдимномалар юборади;*

7) *айблов хулосасини тузади ёки тиббий йусиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради ва тасдиқлаш учун уларни иш билан бирга прокурорга юборади ёхуд амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритишни сўраб прокурорга тақдимнома киритади.*

1. Терговчилар гуруҳининг раҳбари дастлабки терговнинг йўналиши ҳамда пировард натижаси, бажариладиган ҳар бир тергов ҳаракати, чиқариладиган қарорларнинг қонуний ҳамда асосланганлиги учун тўла жавобгар ҳисобланади.

2. Терговчилар гуруҳи раҳбари ишни ўзи раҳбарлик қилаётган терговчиларга эпизодлар ёки айбланувчилар рўйхати бўйича ёхуд аралаш услубда тақсимлаб беради. Аралаш услубда иш эпизодлар ва айбланувчилар рўйхатига қараб тақсимланиши мумкин.

3. Терговчиларнинг ҳар бири бажарадиган иш қисми ёки тергов йўналиши бўйича гуруҳ раҳбарига маълумотлар бериш туради ва гуруҳ раҳбари томонидан белгиланган муддатлар ичида ўз вазифаларини адо этади.

4. Терговчилар гуруҳининг раҳбари ўз бошқарувида бўлган терговчиларга тергов ҳаракатлари ва бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказиш учун тегишли кўрсатма ва топшириқлар бериш ҳуқуқига эга. Терговчилар гуруҳининг раҳбари энг муҳим (масалан, айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш, ишни тўхтайтиш тўғрисида ва ҳ.к.) процессуал қарорларни қабул қилади. Унинг барча талабларини бажариш гуруҳ аъзолари учун мажбурий ҳисобланади. Суриштирув органларининг ходимлари терговчилар гуруҳи раҳбари томонидан бериладиган кўрсатма ва топшириқларни бажаришлари шарт.

5. Терговчилар гуруҳининг раҳбари иш бўйича шахсан ўзи тергов ҳаракатларини бажариш ёки уларнинг бажарилишини истаган гуруҳ аъзосига топшириш ва унинг устидан кузатиш бориш ҳуқуқига эга. Тергов гуруҳининг аъзоси томонидан ўтказилаётган ҳар қандай тергов ҳаракатларида гуруҳ раҳбарини иштирок этиши мумкин.

6. Терговчилар гуруҳи раҳбарига берилган ваколатлар унинг розилиги билан гуруҳнинг бошқа аъзосига ҳам берилиши мумкин.

7. Дастлабки тергов давомида шахсни амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш учун қонуний асослар бўлган тақдирда, терговчи материал ёки жиноят ишини мазкур шахснинг аризаси ҳамда амнистия акти асосида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ҳақидаги тақдимнома билан бирга прокурорга юборади.

356-модда. Гуруҳ аъзолари бўлган терговчилар

Гуруҳ аъзолари бўлган терговчилар гуруҳ раҳбари бўлган терговчи топшириқларини, курсатмаларини бажарадилар ва бу тўғрисида уни хабардор қиладилар.

Гуруҳ аъзолари бўлган терговчилар томонидан бажарилган тергов ҳаракатларининг натижалари жиноят ишини юритишга қабул қилиб олган терговчи бажарган ҳаракатнинг натижалари билан бир хил аҳамиятга эгадир.

Гуруҳ аъзоси бўлган терговчи гуруҳ раҳбари бўлган терговчининг топширигини, курсатмасини қонунга хилоф ёки асоссиз деб ҳисобласа, бу ҳақда у гуруҳ раҳбарига ўз эътирозларини билдиради. Гуруҳ раҳбари бўлган терговчи бу эътирозларни қўриб чиқиб, топшириқларини ёки курсатмани бекор қилади ёки уни ижро этиш учун бошқа терговчига беради ёхуд ўзи тегишли тергов ҳаракатини бажаради. Гуруҳ аъзоси бўлган терговчи ўз эътирозлари бўйича терговчилар гуруҳининг раҳбари қабул қилган қарорга рози бўлмаса, назорат олиб борувчи прокурорга ўз эътирозларини етказди, прокурор ўзил-кесил қарор қабул қилади.

1. Гуруҳ аъзолари бўлган терговчилар гуруҳ раҳбарининг топшириқ ва курсатмаларини бажариб, бу ҳақда уни хабардор қилишлари шарт. Тергов гуруҳи аъзолари бўлган терговчилар ЖПКнинг 356-моддасида қайд этилган барча мажбуриятларни ило этишлари лозим, ақс ҳолда уларга нисбатан гуруҳ раҳбари ёки тергов бўлинмаси ёхуд прокурор томонидан тегишли таъсир этиш чоралари қўлланиши мумкин.

2. Терговчилар гуруҳи аъзоси раҳбарнинг курсатмасини қонунга хилоф деб ҳисобласа, ўз эътирозини ёзма равишда гуруҳ раҳбарига билдириши лозим. Ёзма эътироз икки нусхада ёзилиб, бир нусхаси терговчилар гуруҳига раҳбарига топширилади, иккинчи нусхаси эса тергов гуруҳининг аъзосидан сақланади.

3. Терговчилар гуруҳининг раҳбари тергов гуруҳи аъзосининг эътирозини куриб чиқиб, қуйидаги мазмундаги қарорлардан бирини қабул қилади: а) топшириқ ёки курсатмани бекор қилиш; б) топшириқ ёки курсатмани ижро этиш учун бошқа терговчига бериш; в) тегишли тергов ҳаракатини шахсан ўзи бажариш. Мазкур қарор терговчилар гуруҳи раҳбари томонидан гуруҳ аъзосига ёзма равишда эълон қилади.

4. Гуруҳ аъзоси бўлган терговчи терговчилар гуруҳининг раҳбари томонидан қабул қилинган қарордан норози бўлса, ўз эътирозларини мазкур жиноят иши устидан назорат олиб боровчи прокурорга етказди ҳамда прокурор узил-кесил қарор қабул қилади.

357-модда. Тергов ҳаракатининг бир неча терговчи томонидан бажарилиши

Муайян шароитларда ва мақсадларда қўздан кечириш, тинтув, эксперимент ёки бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишда унинг иштирокчилари айни бир вақтда турли биналарда бўлишлари ёки бир-бирларидан анча масофага узоқлашишлари, шунингдек, башарти тергов ҳаракатларини юритишда бир қанча иштирокчиларни ёки ҳозир бўлган шахсларни қўзатиш таъминланиши лозим бўлиб қолса, тергов ҳаракатларини бир неча терговчи ёки терговчининг ўзи унга ёрдам бераётган суриштирувчилар билан амалга ошириши мумкин. Бунда терговчилардан бири қолган терговчилар, суриштирувчилар ва бошқа тергов ҳаракати иштирокчилари фаолияти устидан раҳбарлик қилади.

1. Қўздан кечириш, тинтув, эксперимент ёки бошқа тергов ҳаракатлари ягона, яъни фақат бир жойда, шунингдек, бир биридан маълум узоқликда жойлашган бир неча жойда бир вақтда ўтказилиши мумкин. Агар қўздан кечирилиши, излани

ни лозим бўлган нарса шахснинг яқинлари, қариндош-уруғлари, дўстларида деб гумон қилинса ёки бир шахснинг ўзига тегишли бўлган турли жойларда (квартира, дала ҳовли ёки хизмат хонасида деган тахминлар бўлганда) ёки тергов ҳаракатларини юритишда бир қанча иштирокчиларни ёхуд ҳозир бўлган шахсларни кузатиш таъминланиши лозим бўлиб қолса, тергов ҳаракатларини бир вақтда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳаракатларни ўтказишда бир неча терговчи ёки терговчига ёрдам бераётган суриштирувчилар иштирок этиб, улар ўз хатти-ҳаракатларини ЖПК талаблари асосида амалга оширишлари лозим.

2. Мазкур тергов ҳаракатларида иштирок этган терговчилардан бири қолган барча терговчи, суриштирувчи ва бошқа тергов ҳаракати иштирокчиларининг фаолияти устидан раҳбарлик қилади. Тегишли тергов ҳаракати баённомасида ушбу ҳаракатни амалга оширишда иштирок этган барча терговчи, суриштирувчилар қайд этилиши лозим.

358-модда. Терговчининг ва прокурорнинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоят бериш

Терговчининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят тергов бўлинмаси бошлиғига ва ишни тергов қилишда қонуларга риоя этилиши устидан назорат олиб бораётган прокурорга берилади.

Прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят юқори турувчи прокурорга берилади.

1. Терговчи ҳамда прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят бериш ҳар бир жиноят процесси иштирокчисининг ҳуқуқи сифатида эътироф этилади. Шикоят ёзма равишда ҳамда қонунда белгиланган тартиб ва асосларда берилади.

2. Шикоят терговчининг хатти-ҳаракатлари ёки қарорлари устидан берилаётган бўлса, ушбу шикоят тергов бўлинмасининг бошлиғига берилиши лозим ёки иш юзасидан назоратни амалга оширувчи тегишли прокурорга тақдим этилиши мумкин. Прокурорнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилаётган шикоят қонунда белгиланган тегишли тартибда юқори турувчи прокурорга тақдим этилиши лозим.

3.Терговчи ва прокурорнинг хатти-харакатлари ҳам қарорлари устидан шикоят берувчи шахсга шикоятни куриб чиқиш натижалари ҳақида ёзма равишда хабар берилади.

4.Шикоятни берувчи шахсга шикоятни куриб чиқиш натижалари ёзма равишда хабар қилиниши лозим.

44-БОБ. ЖИНОЯТ ИШИДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ТАРИҚАСИДА ВА АЙБЛАНУВЧИ ТАРИҚАСИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ЖАЛБ ҚИЛИШ

359-модда. Шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш асослари

Шахс ушбу Кодекснинг 221-моддасида назарда тутилган асосларга қура, жиноят содир этишида гумон қилиниб ушланган бўлса ёхуд ишда уни жиноят содир этишида гумон қилишга асос берувчи маълумотлар мавжуд бўлса, у жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинади.

1. Шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш – уни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга етарли асослар бўлмаганидан далолат беради.

2. Ушбу Кодекснинг 211-моддасида назарда тутилган ушлаб туриш асослари мавжуд бўлганида, яъни:

а) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушганида;

б) жиноят шохидлари, шу жумладан, жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри курсатганларида;

в) унинг ўзида ёки кийимида ёхуд уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилганида;

г) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у яширинмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаганида мазкур шахсни гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш мумкин.

3. Юқоридаги ҳолатлардан ташқари, муайян шахсни жиноят содир этишда гумон қилишга асос берувчи маълумотларнинг мавжудлиги ҳам уни гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишга асос бўлади. Жиноят содир этганликда гумон қилишга асос берувчи маълумотларнинг мавжуд бўлиши деганда, муайян шахс томонидан жиноят содир этилганлиги ёки унинг содир этилишида иштироки тўғрисида гумонни келтириб

чиқарувчи ёхуд тасдиқловчи ҳолатларнинг аниқланганлиги тушунилади.

4. Муайян шахс иштирок этган жиноий воқелик бўйича иш кўзгатилиши жиноий қилмиш мазкур шахс томонидан содир этилганлигини ёки содир этилишида иштирок этганлигини аниқланганлиги боис, уни гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинишига асос бўлади.

5. Шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш процессуал қарор чиқариш йўли билан амалга оширилади ва мазкур шахс гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишнинг асослари вужудга келган пайтдан бошлаб, гумон қилинувчининг ҳуқуқларидан фойдаланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорида тушунтирилишича, шахс ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган асосларга кўра ушланган ҳолларда, гарчи бу ҳақда тегишли баённома шахс ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига келтирилганидан кейин расмийлаштирилсада, у амалда ушланган (қўлга олинган) пайтдан бошлаб гумон қилинувчи ҳисобланади. Айнан шу пайтдан бошлаб ушлаб турилган шахс гумон қилинувчига берилган барча ҳуқуқлардан, жумладан, ҳимоячи олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Шу туфайли, бундай ҳолларда у гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши, гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор унга эълон қилинмасдан туриб, унга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилиши мумкин эмас. Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз билан тегишли давлат органига мурожаат қилган шахс ҳам шундай ҳуқуқий ҳолатга эга.

6. Шахсга гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор эълон қилинган, унга ЖПКнинг 48-моддасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади.

7. Шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишда мазкур шахснинг жиноят субъекти бўла олиши инobatга олинади. Жиноят субъекти ёшига етмаган шахс ёки ақли норасо шахс жиноят иши бўйича гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши мумкин эмас.

8. Жиноят иши буйича гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахс айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингунча ёки унга нисбатан жиноят иши тугатилгунга қадар гумон қилинувчи процессуал мақомида қолади.

360-модда. Жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор

Шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради.

Бирор жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс иш қўзғатилгунга қадар ушланган бўлса ва ушбу Кодекснинг 225-моддасида назарда тутилган текшириш ушлаб туришининг асосли эканлигини тасдиқлаган бўлса, терговчи шахсни ушлаб туриш, иш қўзғатиш ва ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида тўхтамларга келиб, уларни битта қарорда баён қилади.

Қарорда ушлаб турилган шахс қайси жиноятни содир этишда гумон қилинаётганлиги, Жиноят кодексининг қайси моддасида бу жиноят назарда тутилгани, ушлаб туришининг сабаб ва асослари, шунингдек, шахсни ушлаб туриш, агар жиноят иши илгари қўзғатилмаган бўлса, жиноят ишини қўзғатиш ва уни ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарор курсатилиши керак.

Қарор гумон қилинувчига у биринчи марта суроқ қилингунига қадар эълон қилинади. Айни вақтда унга ушбу Кодекснинг 48-моддасида назарда тутилган гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади.

1. Шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш суриштирув ва дастлабки терговда амалга ошириладиган процессуал ҳаракат ҳисобланади. Бу хусусда суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради.

2. Жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорнинг чиқарилиши жинойий таъкиб органлари томонидан шахсга расман гумон қилинувчи мақомини берилиши ҳисобланади.

3. Ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш, шахсга муайян турдаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш мақсадида гумон қилинувчи тариқасида жалб қилишнинг асослари мавжуд бўлганда шахсни гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш туғрисида қарор чиқарилиши лозим.

4. ЖПКнинг 329-моддасига мувофиқ, жиноят иши қўзғатилгунга қадар амалга оширилиши мумкин бўлган процессуал ҳаракатлардан бири ушлаб туриш чорасидир. Агар шахс ЖПКнинг 221-моддасида баён қилинган ҳолатларга қўра ушланган бўлса, ушлаб туришнинг асосли эканлиги ЖПКнинг 225-моддасида белгиланган тартибда текширилади. Ушлаб туришнинг асослилиги ўз тасдиғини топса, терговчи шахсни ушлаб туриш, жиноят ишини қўзғатиш ва гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида тўхтамларга келиб, уларни битта қарорда баён қилади.

5. Гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш туғрисидаги қарор шахс биринчи марта сўроқ қилингунга қадар эълон этилиши керак. Агар битта қарорда ҳам жиноят ишини қўзғатиш, ҳам ушлаб туриш туғрисида қарорлар урин олган бўлса, у қарор гумон қилинувчига дарҳол эълон қилинади.

6. Қарорнинг кириш қисмида: унинг номланиши; сана ва чиқарилган жой; қарор чиқарган шахснинг фамилияси, қисқартириган шаклда исми ва отасининг исми; жиноят ишининг тартиб рақами кўрсатилади.

7. Қарорнинг тавсиф-асослантирув қисмида: гумон қилинувчи тариқасида жалб қилинаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; туғилган куни, ойи ва йили; шахс қайси жиноятни содир этишда гумон қилинаётганлиги; жиноят содир этилган жой, вақт ва бошқа муҳим ҳолатлар; ЖКнинг ушбу жиноятни назарда тутган моддаси, қисми, банди; қарорни қабул қилишда ЖПКнинг қўлланилаётган тегишли моддалари баён қилинади. Шахс ЖПКнинг 221-моддасидаги асосларга қўра ушланганда, шунингдек, айбини бўйнига олиш туғрисида арз билан келганда қарорда ушбу ҳолатлар ҳам кўрсатилиши лозим. Агар гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинаётган шахсга нисбатан, бир вақтнинг ўзиде, ушлаб туриш тарзидаги мажбурлов чораси қўлланилаётган бўлса, ушлаб туришга сабаб ва асослар ҳам баён қилинади.

8. Жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорнинг хулоса қисмида шахс содир этганликда гумон қилинаётган ЖКнинг мазкур жиноятни назарда тутган моддаси, қисми, банди кўрсатилади. Қарор уни чиқарган шахс томонидан имзоланади.

9. Қарорнинг охирида гумон қилинувчи қарор билан та-нишганлиги ёки қарор унга ўқиб эшиттирилганлиги, ЖПКнинг 48-моддасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги ҳақида ёзув киритилади ва гумон қилинувчи ва ишда иштирок этаётган ҳимоячининг имзоси билан тасдиқланади.

361-модда. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор

Шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида терговчи ёки прокурор қарор чиқаради, унда:

1) айбланувчи тариқасида жалб этилаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, тугилган куни, ойи ва йили;

2) айбловнинг мазмуни, яъни шахснинг зиммасига қўйилаётган жиноят ҳодисаси, у содир этилган жой, вақт ва бошқа муҳим ҳолатлар баёни;

3) Жиноят кодексининг ушбу жиноятни назарда тутган моддаси, қисми, банди акс эттирилиши лозим.

Жиноят кодексининг турли моддалари, қисмлари ёки бандларида назарда тутилган бир неча жиноятни содир этишда айблаганда, бу жиноятлардан ҳар бирининг моҳияти ва юридик тавсифи алоҳида кўрсатилиши лозим.

Қарорнинг хулоса қисмида мазкур шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида тўхтамга келинганлиги ифодаланиши лозим.

1. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор муҳим процессуал ҳужжатлардан бири ҳисобланади. У жиноят иши бўйича муайян шахсга нисбатан қўзғатилган айбловни ифодаловчи, мазкур шахсга ана шу айбловдан ҳимояланиш имкониятини берувчи қарордир.

2. Айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор жиноят иши бўйича суднинг ҳукми чиққунга қадар шахснинг нимада айбланаётганлигини, судда ишни куриш чегарасини ўзида ақс эттиради. Мазкур ҳужжатнинг ўз вақтида чиқарилиши ишнинг қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилинишининг гаровидир. Айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор қонунийлик, асослан-тирилганлик ва айбловнинг индивидуаллаш талабларга жавоб бериши керак.

3. Қонунийлик талаби жиноят ишларини юритишнинг даст-лабки тергов босқичида вақолатли мансабдор шахслар томони-дан чиқарилиши кераклиги, қилмиш тўғри ҳуқуқий тавсиф қилинганлиги, белғиланган процессуал шаклга мос келиши, яъни зарурий реқвизитларнинг баён қилинишини аңглатади.

4. Жиноят иши бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор дастлабки терговни олиб бораётган терговчи томонидан чиқарилади. ЖПКнинг 37-мод-дасига мувофиқ тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлиғи ва унинг ўринбосари жиноят ишини ўз юритувига олганидан кейин шахсан ўзи айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Ушбу шахслар дастлабки терговни шахсан ўзлари амалга оширмаган-ларида, ишни юритаётган, маъмурий жихатдан бўйсунувчи терговчига кўрсатма беришлари мумкин. Жиноят иши тергов-чилар гуруҳига топширилган бўлса, ЖПКнинг 355-моддасига биноан айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор гуруҳ раҳбари томонидан қабул қилинади. Прокурор жиноят иши бўйича дастлабки терговни шахсан ўзи амалга ошираётган вақтда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорни чиқара олади. Дастлабки тергов устидан назоратни амалга ошираётган пайтда эса, ЖПКнинг 355-моддасига, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида ёзма кўрсатма бериш вақолатига эга.

5. Суриштирувчи ёки суриштирув органининг бошлиғи жиноят иши бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор чиқариш ҳуқуқига эга эмас. ЖПКнинг 342-моддасига қура, суриштирувда муайян шахсни

айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланса, жиноят иши дарҳол терговчига ўтказилиши лозим.

6. Айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш туғрисидаги қарорнинг қонунийлиги жиноятнинг туғри тавсиф қилиниши, жиноятнинг аниқланган ҳолатларига объектив мувофиқлиги билан ҳам белгиланади. Бундан ташқари, қарорнинг қонунийлиги унинг белгиланган шакл ва мазмунда тузилишига ҳам боғлиқ. Жиноят ишида шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш туғрисидаги қарорни чиқаришда терговчи шарҳланаётган моддада кўрсатилган маълумотларни акс эттириши, талабларига риоя қилиши шарт.

7. Қарор кириш, тавсиф-асослантирув ва хулоса қисмларидан ташкил топади. Кириш қисмида: чиқарилган вақти ва жойи; ким томонидан (лавозими; махсус унвони; фамилияси; қисқартирилган шаклда исми ва отасининг исми) ва қандай иш юзасидан (жиноят ишининг тартиб рақами) чиқарилганлиги кўрсатилиши керак.

8. Тавсиф-асослантирув қисмида: айбланувчи тариқасида жалб этилаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган куни, оyi ва йили; айбловнинг мазмуни, яъни шахснинг зиммасига қўйилаётган жиноят ҳодисаси, у содир этилган жой, вақт ва бошқа муҳим ҳолатлар баёни; ЖКнинг ушбу жиноятни назарда тутган моддаси, қисми, банди; ЖПКнинг ушбу қарорни қабул қилишда қўлланилаётган тегишли моддалари акс эттирилиши лозим. Қарорнинг мазкур қисмида айбланувчи тариқасида жалб қилишга асос бўлган далилларнинг кўрсатилиши мажбурий бўлмасида, ишнинг ҳолатидан келиб чиқиб, терговчи томонидан бундай далилларнинг кўрсатилиши айбланувчининг ҳимоя позициясини шакллантиришга, қолаверса, айбловнинг исботланганлигини кўрсатишга хизмат қилади.

9. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида бир қанча жиноятларни содир этганлик учун ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тартиби ёритилган. ЖКнинг турли моддалари, қисмлари ёки бандларида назарда тутилган бир неча жиноятни содир этишда айбланаётганда, бир қанча айблов ифода этилади. Кўп эпизодли ишлар бўйича бундай қарорда ҳар бир жиноятнинг моҳияти ва юридик тавсифи алоҳида кўрсатилиши лозим. Шахс айнан қандай хатти-ҳаракати билан ЖКнинг

алоҳида моддаси, қисми ёки бандида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги асослаб берилади. Мазкур қоида юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарориди ҳам шахс бир неча жиноятни содир этганликда айбланаётган бўлса, мазкур моддада назарда тутилган ҳолатлар ҳар бир айбловга нисбатан алоҳида баён этилиши лозимлиги таъкидланган.

10. Такроран жиноят содир этганлик учун айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишда ҳар бир жиноят айбловнинг алоҳида бандини ташкил қилади. Мустақил тавсиф қилинадиган ҳар бир жиноят қандай ҳаракатлар орқали содир этилганлиги кўрсатилиб, охирида ягона айблов ифода қилинади. Шахс давомли ёки узоққа чўзилган жиноятни содир этганликда айбланаётганида, мустақил жиноят таркибини берувчи ҳар бир хатти-ҳаракат жиноий фаолиятнинг эпизодлари ҳисобланиб, битта жиноятнинг юридик тавсифи кўрсатилади.

11. Шахс рецидив ва хавfli рецидив жиноятни содир этишда айбланаётганда, қарорда шахсни рецидивист ва хавfli рецидивист деб топилаётганлигига сабаб бўладиган олдинги ҳукм қилинганлик ҳолати ҳам кўрсатилади. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор билан шахсни ўта хавfli рецидивист деб топилмайди. ЖКнинг 34-моддасига қўра фақат суд ҳукми билан шахс ўта хавfli рецидивист деб топилиши мумкин.

12. Шахснинг жиноий хатти-ҳаракатларини ҳуқуқий тавсиф қилишда ЖК Махсус қисми нормалари билан бир қаторда Умумий қисми нормалари қўлланилганида айнан қайдай ҳолатлар мазкур моддаларни қўллашга олиб келганлиги ҳам ёритилиши керак.

13. Айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорнинг ҳулоса қисмида шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ва унга айб эълон қилиш тўғрисидаги терговчининг тўхтами, у томонидан содир қилинган жиноят таркиби қисқача кўрсатилади. Прокуратура органларида жиноят ишлари устидан назорат ишларининг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорнинг

нухаси, қандай орган терговчилари томонидан тузилишидан қатъи назар, тергов устидан назоратни амалга оширувчи прокурорга юборилади ва хулоса қисмида бу тўғрисида қайд этилади.

14. Қарорнинг якунида терговчи имзо қўяди. Гарчанд қонунда бевосита кўрсатилмаган бўлсада, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорнинг охирида унинг айбланувчига ўқиб эшиттирилганлиги ёки айб эълон қилинганлиги, айбланувчига унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги тўғрисида ёзув киритилиб, айбланувчининг имзоси билан тасдиқланади.

15. Айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда баён қилинган ҳар бир ҳолат айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотларга, ижтимоий ҳавфли қилмишга, айбнинг шаклига, ижтимоий ҳавфли оқибатига реал мос келиши ва иш бўйича тўпланган далиллар билан асослантирилиши лозим. Жиноят иши бўйича тўпланган далиллар шахс жиноятнинг содир этилишида айбли эканлигини кўрсатади. Айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор эҳтимоиларга эмас, шахснинг жиноят содир этганлигини кўрсатувчи етарли далилларга асосланиши лозим.

16. Айбловнинг индивидуаллаш талаби иш бўйича икки ва ундан ортиқ шахслар айбланувчи тариқасида жалб қилинганда, ҳар бир айбланувчининг қилмиши, шахси, айблилик даражаси ва қилмишини содир этишда айбланувчининг тутган ўрнига кўра айблов индивидуаллаштирилиши кераклигини билдиради. Шу мақсадда ҳар бир шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида алоҳида қарор чиқарилади.

362-модди. Айбловни узгартириш, тугатиш ва тўлдирish

Баширти тергов утказиши чоғида дастлабки айбловни қайта кўриб чиқишни тақозо этадиган янги далиллар тўпланган бўлса ёки дастлабки айбловнинг ноаниқлиги ёхуд юридик тавсифи нотўғрилиги маълум бўлиб қолса, дастлабки айблов узгартирилиши, қисман тугатилиши ёки тўлдирилиши лозим. Бу ҳақда терговчи қарор чиқаради ва унда айбловнинг янги мазмунини баён қилади.

Ушбу Кодекснинг 83-моддасида, ҳамда 84-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган айбла-

нувчини реабилитация этиш учун асос буладиган ёки ишни юритиш учун монелик қиладиган ҳолатлар аниқланса, айблов тугатилади.

Айбловни тугатиш тўғрисида терговчи қарор чиқаради. Бир йўла шу қарор билан терговчи айбланувчига нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси, мулкни хатлаш, лавозимдан четлаштириш чораларини бекор қилади ва шахсга айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга қонунсиз жалб қилинганлиги сабабли қўрган зиёнларини ундириб олиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиради. Қарорнинг нухаси шу шахсга дарҳол тақдим қилиниши ёки юборилиши лозим.

1. Шарҳланаётган модда фақат жиноят иши бўйича дастлабки тергов босқичида айбловни ўзгартириш, тугатиш ва тўлдиришни назарда тутати.

2. Жиноят иши бўйича дастлабки айбловни келгусида ўзгартириш мумкин. Жиноят ишини тергов қилиш жараёнида ёки жиноят судлов ишларини юритишнинг кейинги босқичларида айбловдаги баъзи бўшлиқларни тўлдириш ёки уни ифодалашдаги камчиликларни бартараф қилиш мақсадида унга айрим ўзгартишлар, тузагишлар киритиш, айбловдан айрим ҳолатларни чиқариб ташлаш зарурияти пайдо бўлади.

3. Айблов содир қилинган жиноий ҳодисани текшириш натижасида юзага келади. Терговчининг шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қароридан ифодаланган айблов унинг ўзи учун ҳам катъий ҳисобланмайди. Айблов жиноятнинг иш учун аҳамиятли бўлган барча белгиларини ўзида тулик акс эттиргунга қадар дастлабки тергов босқичининг давомида ҳам ўзгартирилиши мумкин. Айбловни ўзгартишга объектив ва субъектив омиллар таъсир этади. Объектив омиллар айбловни ифодалаш пайтидаги тегишли мансабдор шахснинг фақат хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган, билиш имкониятлари билан қамраб олинмаган ҳолатлардир. Буларга мисол тариқасида ҳимоя тарафи етарли хулосалар келтирилмаганлиги, жиноятнинг тавсифи учун аҳамиятли ҳолатларнинг, янги далилларнинг аниқланиши, қонунчиликдаги айрим ўзгартишлар ва бошқа ҳолатларни кўрсатиш мумкин. Исботлаш субъектларига боғлиқ равишда айбловнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар субъектив омиллардир. Булар

терговнинг бир ёклама ўтказилганлиги, терговчи ўз вазифаларини етарли даражада бажармаганлиги каби ҳолатларга боғлиқ.

4. Айбловни ўзгартиришнинг ҳажми ва мазмунига кўра қуйидаги турларини кўрсатиш мумкин. Булар: а) айбловни қискартириш ёки қисман тугатиш; б) айбловни кенгайтириш ёки тўлдириш; в) айбловни янгидан ифодалаш ёки қисман ўзгартириш. Мазкур ҳолатларда терговчи янги қарор чиқаради ва унда айбловнинг сўнги мазмунини баён қилади.

5. Айбловни қискартириш ёки қисман тугатиш деганда, алоҳида эпизодлар ва қилмишлар бўйича айблов тасдиқланмаганда ёки айбловдаги айрим ҳолатлар ўз тасдиғини топмаганда ёхуд жиноят жами бўйича ортиқча тавсиф қилинганида улардан айримларининг чиқарилиши тушунилади.

6. Айбловни кенгайтириш ёки тўлдириш шахс айбланувчи тарикасида ишга жалб қилингандан кейин унинг жиноий фаолиятида янги фактлар (алоҳида эпизодлар, ҳаракатлар, қилмишни тавсиф қиладиган белгилар) аниқланганда, айбловни тўлдириш ва эълон қилиш тўғрисида қарор чиқариш йўли билан амалга оширилади.

7. Айбловни янгидан ифодалаш ёки қисман ўзгартишда иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар, юридик белгилар ёки жиноят ҳуқуқий нормалари қисмлари ва бандларини бошқаси билан алмаштирилади. Бу ҳолатда айбловни ўзгартиш ва эълон қилиш тўғрисида қарор чиқарилади.

8. ЖПКнинг 83-моддасида назарда тутилган айбланувчини реабилитация этиш учун асос бўладиган ҳамда 84-моддасининг биринчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ишни юритиш учун монелик қиладиган ҳолатлар аниқланса, айблов тугатилади. Чунончи, шахс айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилинганидан кейин, у айбланаётган жиноий ҳодисанинг юз бермаганлиги, айбланувчи қилмишида жиноят таркиби мавжуд эмаслиги, унинг содир этилган жиноятга даҳли бўлмаганлиги, ЖКнинг 64-моддасида белгиланган жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтиши, шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукмининг мавжудлиги аниқланса, айблов тугатилади.

9. Терговни тугатиш натижасида жиноят иши ҳам тугатилиши лозим бўлса, қарор бир йўла жиноят ишини тугатиш тўғрисида чиқарилиши лозим. Терговчи айбловни тугатиш

туғрисида қарор чиқарганда бир йўла шу қарор билан айбланувчига нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси, мулкни хатлаш, лавозимдан четлаштириш чораларини бекор қилади ва шахсга айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга қонунсиз жалб қилинганлиги сабабли қўрган зиёшларини ундириб олиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиради.

10. Айбловни тугатиш туғрисидаги қарорнинг нусхаси шу шахсга дарҳол тақдим қилиниши ёки юборилиши лозим.

363-модда. Тугатилган айбловни қайта тиклаш

Башарти Жиноят кодекси ёки ушбу Кодекс нормаларини қўлланишдаги хатолар натижасида иш тугатилган бўлса, шунингдек, айбланувчининг айблилигини кўрсатувчи янги далиллар аниқланса, тугатилган айблов қайта тикланиши мумкин. Бундай ҳолларда, шунингдек, айбловни потўғри тугатиш одил судловга қарши қаратилган жиноятнинг ёки айбланувчи томонидан ёхуд айбланувчининг илтимоси ёки розилиги билан ҳаракат қилган ўзга шахс томонидан далилларни қалбакилаштириш, яшириш ёхуд йўқ қилиб юборишнинг оқибати бўлса, айблов Жиноят кодексининг 64-моддасида белгиланган жиноий жавобгарликка тортиш муддати ичида қайта тикланиши мумкин.

1. Жиноят-процессуал қонуни тугатилган айбловни қайта тиклаш мумкинлигини ҳам назарда тутади.

2. ЖК ва ЖПК нормаларини қўллашдаги айбловни тугатишга асос бўлган хатолар ҳақиқатда содир қилинган жиноий ҳодисани юз бермаган деб тониш, шахснинг қилмишида жиноят таркиби бўлса-да, унинг бирон белгисини инкор қилиш, айбланувчининг жиноятга алоқаси бўлсада, унинг алоқаси йўқ деб ҳисоблаш, шахсни жавобгарликка тортишнинг ҳали ўтмаган муддатини ўтган деб топиш, айбланувчига нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлмаса-да, шундай ҳукмнинг мавжудлиги асосида айблов тугатилган ҳоллар бўлиши мумкин.

3. Юқоридаги ҳолатлардан ташқари, айбланувчининг айблилигини кўрсатувчи янги далиллар аниқланганда ҳам тугатилган айблов қайта тикланади.

4. Терговчи жиноят иши буйича дастлабки терговни юритиш чоғида, прокурор эса жиноят иши буйича, дастлабки тергов устидан назоратни амалга ошириш чоғида жиноят иши буйича айбловнинг нотўри тугатилганлигини аникласа, уни қайта тиклайди.

5. Тугатилган айбловни қайта тиклаш ЖКнинг 64-моддасида белгиланган жиноий жавобгарликка тортиш муддати ичида амалга оширилиши мумкин. Жиноят учун жавобгарликка тортиш муддати ўтган ҳолларда айблов қайта тикланмайди.

45-БОБ. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТҲХТАТИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ

364-модда. Дастлабки терговни тўхтатиш асослари ва тартиби

Дастлабки тергов:

1) иш буйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган;

2) айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлган;

3) айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган, башарти унинг терговга келишини таъминлаш имконияти бўлмаса;

4) айбланувчи ишни юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб буладиган касалликка чалинган ҳолларда тўхтатилади.

Дастлабки тергов ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар юзага келган вактдан бошлаб тўхтатилади. Лекин дастлабки тергов тўхтатилгунга қадар терговчи айбланувчи йўқлигида бажариш мумкин бўлган барча тергов ҳаракатларини бажариши шарт.

Дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида терговчи қарор чиқаради ва унинг нусхасини прокурорга юборади.

1. Дастлабки тергов имкон борича тез ва тўла ўтказилиши лозим. Уни ўтказишда сусткашлик, пайсалга солиш, ҳаракатсизликка йўл қўйиб бўлмайди. Лекин жиноятни очиш ва уни содир этган шахсни аниқлаш жараёнида учрайдиган баъзи ҳатолар иш буйича барча тергов ҳаракатларини охирига етказиб қонуний қарор қабул қилишга имкон бермаслиги мумкин. Мазкур моддада ана шундай терговни давом эттиришга имкон берадиган ҳолатларнинг турт хили кўрсатилган. Улардан лоақал биттаси асосида дастлабки тергов тўхтатилиши мумкин.

2. Терговчи ҳар қандай ҳолатда ҳам иш буйича тергов юртишни тўхтатмасликка, турли тергов ҳаракатларини бажаришга ҳақли. Жумладан, иш буйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган бўлса (биринчи асос), тергов қилишнинг ушбу Кодекснинг 351-моддасида белгиланган уч ойлик муддат тугамай, иш юритиш

тухтатилиши мумкин. Аммо терговчи уч ой ўтгани ҳамано иш юритувни тухтатиб қўймай, жиноятни содир этган шахсни аниқлаш ва ишнинг турли ҳолатларини синчиклаб текшириш учун зарур тергов ҳаракатларини бажариши ва бошқа тезкор-кидирув тадбирларини ташкил этиши мақсадга мувофиқдир.

Худди шунингдек, айбланувчи аниқланган бўлса-да, унинг қаерда эканлиги номаълум бўлса (иккинчи асос), уч ой ўтиши биланок, иш юритувни тухтатиб қўймасдан, айбланувчини кидириб топишга қаратилган тергов ҳаракатларини ва бошқа тадбирларни давом эттиришига монелик қилмайди.

Ушбу моддада назарда тутилган бошқа (учинчи ва тўртинчи) асослар мавжуд бўлганда ҳам терговчи иш бўйича айбланувчининг бевосита иштироки шарт бўлмаган барча зарур тергов ҳаракатларини олиб бориши мумкин.

3. Дастлабки терговни тухтатиш тергов ҳаракатларини вақтинча бажарилмаслигини, тергов олиб бориш муддати (351-модда) давом этмаслигини билдиради. Иш бўйича дастлабки терговни тухтатиш терговчининг мажбуриятига кирмайди. Аксинча, иш бўйича терговни тухтатиш учун асослар бўлишига қарамай, терговчи иш бўйича бажарилиши лозим бўлган барча ҳаракатларни амалга ошириши, уларни ўтказишга зарурат бўлгани ҳолда терговни тухтатиб қўймаслиги керак.

4. Дастлабки терговни тухтатиш тўғрисида қарорда терговчи бунга асос бўлган ҳолатни аниқ баён қилиши лозим. Чунончи:

- иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахсни аниқлаш учун қандай ҳаракатлар қилгани, бу ҳақда барча тусмолларни текширганлиги;

- айбланувчи аниқланган бўлса, уни ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақида терговчи қарор чиқариши, доимий яшаш жойида йўқлиги, иш ёки ўқишга бормаётгани, оила аъзолари, яқин қариндошлари, қўни-қўшнилари уни қаерда эканини билмаслиги тўғрисида маълумотларни текширганлиги;

- айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан қандай мақсадда ёки нима сабабдан чиқиб кетгани, қайси мамлакатда, нима билан шуғулланаётгани, қайтиб келиш имкониятларини аниқлаш ҳамда ЖПКнинг 5-8-моддаларига мувофиқ уни Ўзбекистонга олиб келиш чораларини қўрганлиги;

- айбланувчи жиноят ишини юритишда иштирок этишига имкон бермайдиган, ҳақиқатда оғир ва узок вақтда тузалиши

мумкин булган касалликка учрагани тиббиёт экспертнинг хулосаси билан тасдиқланган экани, шунингдек, соғайтириш чоралари курилаётганлиги туғрисида материаллар ишга кушилиши шарт.

5. Жиноят ишини юритиш жабрланувчи ёхуд асосий гувоҳ касаллиги, иш буйича ревизия, махсус текширув ва экспертиза утказилаётгани каби ушбу моддада бевосита курсатилмаган сабабларни баҳона қилиб тухтатилиши мумкин эмас.

Юритишдан тухтатилган жиноят ишлари буйича асослар вақт-вақти билан текшириб аниқланиши ва айбланувчининг иштирокисиз утказилиши мумкин булган тергов ҳаракатлари бажарилиши мумкин.

6. Юритишдан тухтатилган жиноят иши буйича айбланувчини кидириб топиш ва унинг хулқ-атворини кузатиш мақсадида телефон сўзлашувларини эшитиб туриш, хат-ёзишмаларига банд солиш каби чоралар муттасил амалга оширилиб турмоғи даркор.

7. Жиноят иши буйича бир неча шахслар айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган бўлиб, иш юритишни тухтатиш, айбланувчилардан барчасига боғлиқ бўлмаса ва улардан баъзиларининг жинойий қилмишлари ҳақида масалани судда айрим куриб ҳал қилишга имконият бўлса, ЖПКнинг 332-моддаси тартибида ишни шу шахсларга нисбатан қисми ажратилиб, мазмунан куриш учун судга юборилиши мумкин.

8. Айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлганда, у атайлаб жавобгарликдан бош тортиш мақсадида ўзининг доимий яшаш жойини ўзгартирганлиги тегишли далиллар билан тасдиқланган бўлиши шарт. Агар айбланувчи унга нисбатан жиноят иши кузғатилгани ва уни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилингани туғрисида хабардор бўлмай, бошқа сабаблардан ўз яшаш жойини ўзгартган бўлса, уни жинойий жавобгарликка тортиш муддатлари утганидан сўнг жиноят иши ЖК 64-моддасига биноан тугатилиши лозим.

365-модда. Қидирув эълон қилиш

Айбланувчининг турган жойи номаълум булганда терговчи унинг турган жойини аниқлаш учун зарур булган барча чораларни куриши, зарур ҳолларда эса, унга нисбатан қидирув эълон қилиши шарт.

Терговчи фақат айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши тўғрисида қарор чиқарилган шахсга нисбатан қидирув эълон қилишга ҳақли.

Қидирув дастлабки тергов ўтказилаётганида ҳам, шунингдек, дастлабки тергов тўхтатилганидан кейин ҳам эълон қилиниши мумкин.

Ушбу Кодекснинг 242 ва 243-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда қидирилаётган айбланувчи топилган тақдирда, суднинг ажрими билан унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаши мумкин.

Қидирилаётган айбланувчи ушланган тақдирда у ушланган жойдаги прокурор ушланган шахснинг қидирилаётган айбланувчи эканлигини аниқлаши ва қамоққа олиш учун қонуний асослар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

1. Айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида қарор чиқарилгач, терговчи бу шахсга қарорни эълон қилиши ва уни суроқ қилиши лозим. Агар айбланувчининг қаерда яшаши номаълум бўлса ёхуд у жавобгарликдан бош тортиш мақсадида турар жойидан номаълум жойга кетиб қолган, яъни яширинган бўлса, унга нисбатан қидирув эълон қилиши лозим.

2. Қаерда экани номаълум шахснинг илгари яшаган ёки ишлаган жойидан у ҳақида маълумотлар тўнлаш учун терговчи шахсан ва суриштирув органи орқали барча имкоиятлардан фойдаланиши лозим. Қаерда экани номаълум шахснинг яқин қариндошлари, таниш-билишлари орқали унинг қаерда бўлиши эҳтимол эканига оид маълумотлар тўнланади. Хусусан, унинг ташки қиёфаси, кийими, жисмоний ва ақлий хусусиятлари, одатлари, қизикадиган машғулотлари, алоҳида хусусиятлари ва белгилари аниқланади.

3. Қидирув ишлари тергов ҳаракатлари (гувоҳларни суроқ қилиш, бино, жой, нарса ва ҳужжатларни, шунингдек, почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш, тинтув ўтказиш, телефон ва бошқа воситалар орқали сўзлашувларни эшитиб туриш ва бошқ.) ҳамда тезкор-қидирув тадбирлари (кузатув, пистирма, хуфя суратга олиш каби) воситасида фаол олиб борилиши лозим.

4. Агар айбланувчини қидирув эълон қилингани сабабли юритиш тўхтатилган бўлса, тергов ҳаракатларини олиб бориш учун жиноят ишини юритув тикланиши шарт (371-моддага берилган шарҳларга қаранг).

5. Барча ҳолларда шахсни қидириш ҳақида қарор чиқаришдан аввал терговчи жиноятни шу шахс содир этгани тўғрисида етарли далиллар тўплаши шарт. Фақат асосли равишда ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш тўғрисида қарор чиқарилган шахс қидирилиши мумкин. Жиноят содир этишда гумон остига олинганларга нисбатан қидирув эълон қилиш мумкин эмас. Уларни қидириш жиноятчини фош этишга қаратилган тергов фаолиятидир.

6. Шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида қарорнинг ва қидирув эълон қилиш ҳақида қарорнинг нусхасини терговчи муайян шахс тўғрисида барча маълумотлар билан бирликда туман (шаҳар) ички ишлар органига юборади. Қидирув ҳақида топшириқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, ўта оғир жиноятларда айбланаётган шахсга нисбатан – баъзи хорижий мамлакатларда, ўта хавфли шахсни қидириб топиш - Интерпол орқали амалга оширилиши мумкин (8-моддага берилган шарҳга қаранг).

7. Қидирилаётган шахс топилганда уни қамоққа олиш тариқасида эҳтиёт чорасини қўллаш учун терговчи прокурор орқали туман (шаҳар) судига илтимосномага киритади. Судьянинг бу ҳақда ажрими қидирув тўғрисида топшириққа илова қилинади. Бундай шахс ушланган тақдирда, ўша жойдаги прокурор ҳақиқатан ҳам у қидирилаётганини, қамоққа олиш қонуний ва асосли эканини аниқлайди. Сунгра шахс ушлангани тўғрисида уни қидирган терговчига хабар берилиб, тергов юритиладиган жойга қуриқчилар кузатувида жунатилади.

8. Терговчи қидирув эълон қилиш тўғрисида қарор чиқариб, тегишли ички ишлар органига бу ҳақда топшириқ бериш билан кифояланмасдан, бевосита ўзи ва бошқа давлат органлари, жамоат бирлашмаларига мурожаат қилиши, оммавий ахборот воситаларидан ҳам фойдаланиши лозим. Вақт-вақти билан шахсни қидирув ишлари бу ҳақда топшириқ олган идора ходимлари томонидан қанчалик фаол ва мунтазам бажарилаётганини текшириши, уларга қўшимча ахборот бериб туриши, қидирув тусмолларидан хабардор этилиши талаб қилинади.

9. Қидирилаётган шахс ажнабий мамлакат ҳудудида экани аниқланса, уни ушлаш, келтириш ва жиноий жавобгарликка тортиш ушбу Кодекснинг 5-10-моддаларига риоя қилиб амалга оширилади.

366-модда. Айбланувчи касал бўлиб қолганида дастлабки терговни тўхтатиш

Суд-тиббийёт эксперти ёки психиатр-эксперт айбланувчининг касалини эсиноят ишини юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касаллик деб топса, иш буйича дастлабки тергов айбланувчи соғайгунга қадар тўхтатилади.

Бундай ҳолда айбланувчига нисбатан танланган эҳтиёт чораси терговчи томонидан ушбу Кодекснинг 236, 254-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилинган ҳолда сақлаб қолиниши, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

1. Ушбу моддага асосан дастлабки терговни тўхтатиб туриш учун касаллик: а) оғир бўлиши; б) руҳий ёки жисмоний (соматик) турдаги узоқ вақт давом этадиган; в) тузаладиган ва г) процессуал, шу жумладан тергов ҳаракатларини ўтказишда иштирок этишга монелик қиладиган бўлиши назарда тутилади. Енгил, қиска вақтда тузаладиган, шунингдек, оғир даражада бўлса-да, тергов ҳаракатларида иштирок қилишга ҳалал бермайдиган касаллик сабабли иш юритувни тўхтатиш мумкин эмас.

2. Модда назарда тутган касаллик ҳақида айбланувчи, унинг қариндошлари тегишли шифокордан маълумотнома олиб тақдим қилишлари ёки оғзаки билдиришлари мумкин. Лекин касалликнинг аниқ тури ва даражаси ушбу моддада кўрсатилгандек экани терговчининг қарори асосида тайинланган суд-тиббийёт ёки суд-психиатрия экспертизаси ўтказилганидан сўнг тегишли эксперт ҳулосасида аниқ баён этилган бўлиши лозим. Экспертиза стационар ёки амбулатория тартибда ўтказилишининг фарқи йўқ. Эксперт ҳулосасига терговчи баҳо беради ва зарур деб топса, қўшимча, қайта ёхуд комиссия экспертiza ўтказишга ҳақли.

3. Касаллик сабабли иш юритув тегишли эксперт хулосаси олингандан бошлаб, то бемор тузалганигача тўхтатилади. Шахснинг ақли расолигини аниқлаш ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тўплаш учун тиббий муассасага жойлаштирилган даврда жиноят ишини юритиш тўхтатилиб туриши мумкин (569-моддага қаранг).

Экспертиза тайинланган пайдан бошлаб, беморлиги текширилаётган айбланувчининг иштирокида процессуал ҳаракатлар ўтказиш мумкин эмас.

Бемор айбланувчи батамом тузалган, шунингдек, қисман соғайгани ва процессуал ҳаракатларда иштирок этиши мумкин экани тўғрисида экспертнинг хулосаси олинганидан бошлаб иш юритиш тикланади.

4. Экспертиза ўтказиш учун шахс тиббий муассасага жойлаштирилиши мумкин. Бу ҳақда Кодекснинг 265-269-моддаларга берилган шарҳларга қаранг. Экспертиза ўтказилиши муносабати билан терговчи айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси кўриши ёки ўзгартиришга ҳақли. Бу ҳолда Кодекснинг 236-254-моддаларига риоя қилиниши шарт.

5. Суд-психиатрия экспертизаси шахснинг тузалмайдиган руҳий касал эканини аниқласа, терговчи жиноят ишини тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллаш учун прокурор орқали судга юборади (565-581-моддаларга қаранг).

6. Жиноят иши бўйича бир неча айбланувчилардан бири касал бўлгани ҳолда, бошқа айбланувчиларнинг жавобгарлиги масаласи, 367-моддага берилган учинчи шарҳда кўрсатилган тартибда ҳал этилади.

367-модда. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган ҳолларда дастлабки терговни тўхтатиш

Барча тергов ҳаракатлари бажариб бўлинганидан кейин ҳам жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаса, иш юритишни тўхтатиш мумкин.

Бундай ҳолларда терговчи суриштирув органи орқали айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахсни аниқлаш ва уни жавобгарликка тортиш чораларини кўриши шарт.

Айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаганлиги сабабли тўхтатилган иш Жиноят кодексининг 64-моддасида белгиланган жавобгарликка тортиш муддати утиб кетгач, тугатилиши лозим.

1. Дастлабки тергов жиноятни тез ва тула очиш, уни содир этган шахсни аниқлашга қаратилган. Бунга эришиш купинча қийин. Айниқса яширин жиноят қилиш, унинг изларини йуқотиш, терговчини чағғитиш ҳолларида ҳам жиноят очилишига эришиш, аммо уни содир этган шахс номаълумлигича қолиши мумкин. Баъзида терговчининг далиллар излашда малакасизлиги орқасида ҳам жиноятчи фош этилмай, жавобгарликка тортилмай қолади. Бу хил жиноят ишларини мохир терговчиларга бериш, шунингдек, суриштирув органлари билан ҳамжиҳатликда тезкор-қидирув чораларини кўрмоқ лозим.

2. Дастлабки тергов муддати давомида жиноятни содир этган шахс аниқланмаса, барча тусмоллар текширилган ва зарур тергов ҳаракатлари утказилган ҳолда иш юритувни тўхтатишга йўл қўйилади. Лекин бу жиноятчини аниқлашни тўхтатиб қўйишни билдирмай, фақат тергов юритиш муҳлати ўтмаслигини англатади. Бундай шахсни излаш шу жиноят учун жавобгарликка тортиш муддати, яъни ЖКнинг 64-моддасида белгиланган муддат утиб кетгунча олиб борилади. Фақат ана шу муддат ўтгандан сўнг жиноят иши тугатилади.

3. Агар жиноят иши бўйича бир неча шахс жавобгарликка тортилиши лозим бўлса, ишнинг номаълум шахсга нисбатан қисми алоҳида иш юритувига ажратилиб, айбланувчи тарзида ишда иштирок этишга жалб қилинганларга нисбатан қисми тамомланиши ҳамда айблов хулосаси билан прокурор орқали судга юборилади.

368-модда. Айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган тақдирда дастлабки терговни тўхтатиш

Айбланувчининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетганлиги аниқланган бўлса ва бу ҳол дастлабки тергов ҳаракатларида унинг ҳозир бўлишини таъминлаш имконини бермаса, барча тергов ҳаракатлари базжарилганидан кейин иш бўйича дастлабки терговни утказиш тўхтатилади.

1. Жиноятни содир этган шахс аниқланган ва унинг иш буйича айбланувчи сифатида иштирок этиши хақида қарор чиқарилган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлса, уни дастлабки терговга ва судга келтириш чоралари курилади (Бу ҳақда 5-10-моддаларга берилган шарҳларга қаранг). Лекин курилган чоралар натижа бермаса, барча тергов ҳаракатлари бажарилгач, дастлабки терговни юритиш тўхтатилади.

2. Айбланувчи сифатида эътироф этилган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан қонунсиз чиқиб кетган бўлса, уни ЖК 223-моддаси билан ҳам айблаш лозим.

3. Жиноят иши буйича бир неча айбланувчилардан бири Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга чиқиб кетган ҳолда, масала 367-моддага берилган учинчи шарҳда курсатилган тартибда ҳал этилади.

369-модда. Дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарор

Жиноят иши буйича дастлабки тергов терговчининг қарори билан тўхтатилади. Бу қарорда ишнинг моҳияти ҳамда терговни тўхтатиш асослари, ушбу Кодекс 364-моддасининг биринчи қисмидаги 2, 3 ва 4-бандларида назарда тутилган ҳолларда эса, айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишига эсалб қилинган шахс ҳам курсатилади.

Терговчи дастлабки терговни тўхтатгач, бу ҳақда жабрланувчини, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни ва уларнинг вакиллари хабардор қилади.

1. Терговчи дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида қарорни мустақил қабул қилади. Қарорда терговни тўхтатиш қандай асосларда чиқарилгани, бу асосларнинг мавжудлигини тасдиқловчи далиллар, иш буйича барча зарур тергов ҳаракатлари бажарилгани, аниқланиши зарур бўлган ҳолатлар текширилганлиги батафсил курсатилади.

2. Дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида қарор чиқарилганидан жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, шунингдек, иш буйича барча айбланувчилар хабардор қилинадилар ва агар улар талаб қилса, қарор

билан танишувга ҳамда қарорнинг нусхасини олишга ҳақли ўқанликлари тушунтирилади.

3. Дастлабки тергов тўхтатилгани муносабати билан иш материаллари тартибга солиниб тикилиши, рўйхат қилиниши, иш бўйича ашёвий далилларни сақлаш, жиноят оқибатида етказилган зиёнини қоплаш таъминланиши лозим. Агар иш бўйича хат-ёзишмаларни текшириш ва сўзлашувларни эшитиш ва ёзиб олиш тўғрисида қарор чиқарилган бўлса, уларнинг ижроси давом этади.

4. Одатда жиноят иши бўйича дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида қарорнинг нусхаси назорат юритаётган прокурорга ҳам юборилади. Прокурор дастлабки терговнинг қонуний ва асосли тўхтатилганини текшириш учун жиноят иши билан танишишга, баъзи ҳолатларни ва тергов тусмолларини текшириб аниқлаш ҳақида терговчига кўрсатма беришга ҳамда терговчининг бу ҳақда қарорини бекор қилишга ҳақли.

5. Дастлабки тергов тўхтатилганидан норози бўлган айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларида тушган шикоятларни тегишлича терговчи ёки прокурор текшириб қарор чиқариб шикоят берганларга хабар бериши шарт.

370-модда. Терговчининг дастлабки тергов тўхтатилгандан кейинги ҳаракатлари

Терговчи дастлабки терговни тўхтатиш асосларига қараб ички ишлар органлари ва бошқа ваколатли органлардан айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишига жалб қилиниши лозим бўлган шахсларни аниқлаш, яшириниб юрган айбланувчиларни қидириб топиш учун курилайётган чоралардан мунтазам хабардор бўлиб туради ва шу мақсадда ўзи сўров хатлари юборади, маълумотлар ва тушунтирувлар олади, жамоатчиликнинг ёрдамидан фойдаланади ёхуд айбланувчининг дастлабки терговнинг тўхтатилишига сабаб бўлган касаллигидан вақти-вақти билан хабардор бўлиб туради. Айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган ҳолларда терговчи жиноят содир этишида айбланаётган ва бошқа давлатлар ҳудудида яшириниб юрган шахсларни ушлаб беришни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларга мувофиқ чоралар кўради.

Дастлабки тергов тухтатилгандан кейин ва у қайта тиклангунга қадар тергов ҳаракатлари ўтказилишига йўл қўйилмайди.

1. Дастлабки тергов тухтатилганидан кейин, у қайта тиклангунга қадар тергов ҳаракатлари ўтказиш мумкин эмас. Бунга зарурат бўлса, терговчи дастлабки терговни қайта тиклаш туғрисида қарор чиқаради ва зарур тергов ҳаракатларни бажариб бўлгач, терговни яна тухтатади.

2. Тергов муддати тухтатилгани иш бўйича жиноятни содир этган шахсни аниқлаш, уни қидириш, соғайтириш, ажнабий давлатдан ушлаб келтириш билан боғлиқ чора-тадбирларни куриш мажбуриятидан терговчини озод қилмайди. Ушбу моддада дастлабки тергов тухтатилгандан сўнг терговчи юритиши лозим бўлган ҳаракатларнинг асосий кўринишлари баён этилган.

371-модда. Тухтатилган жиноят иши бўйича дастлабки терговни қайта тиклаш

Тухтатилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов:

1) *терговни тухтатиш учун асос тариқасида ушбу Кодекснинг 364-моддасида назарда тутилган ҳолатлар бартараф этилганда;*

2) *иш бўйича айбланувчининг иштирокисиз бажарилиши мумкин бўлган қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш зарурати тузилганда қайта тикланади.*

Дастлабки терговни тухтатиш туғрисидаги қарор қонунга номувофиқ бўлса, прокурор уни бекор қилиши ва дастлабки терговни қайта тиклаш туғрисида қарор чиқариши мумкин.

Терговчи дастлабки терговнинг қайта тикланганлиги ҳақида прокурорга дарҳол хабар қилади.

Иш юзасидан дастлабки тергов қайта тикланиши билан бир пайтда дастлабки терговнинг утиш муддати ҳам тикланади. Тергов муддатининг кейинчалик узайтирилиши дастлабки терговни тухтатишдан олдин ўтган тергов муддатини эътиборга олган ҳолда ушбу Кодекснинг 351-моддасига биноан амалга оширилади.

1. Тўхтатилган дастлабки тергов фақат қуйидаги ҳолатларда қайта тикланиши мумкин:

а) Кодекс 364-моддасида кўрсатилган турт ҳолат бартараф этилган: жиноятни содир этган шахс аниқланганда; айбланувчи қаерда яшаётгани маълум бўлмагани сабабли, уни кидирув ишлари ижобий натижа берганда; айбланувчи соғайган ёки тергов ҳаракатларида иштирок этишга яроқли бўлганда; айбланувчи ажнабий давлатдан қайтиб келганда ёки ушланиб, Ўзбекистон Республикасига топширилганда;

б) иш бўйича айбланувчининг иштироки шарт бўлмаган тергов ҳаракатлари ўтказиш зарурати туғилганда.

2. Дастлабки тергов қайта тикланиш тўғрисида қарор чиқарилган кундан бошлаб тергов муддати ҳам давом этади. Агар тергов муддати иш бўйича дастлабки терговни тамомлаш учун етарли бўлмаса, умумий тартибда тегишли прокурорнинг рухсати билан узайтирилиши мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд ҳокимияти тўғрисида”ги 1996 йил 16 декабрда чиқарган қарорига кўра, жиноят иши бўйича суд қўлланадиган қонун нормаси Конституцияга мослигига шубҳаланганда бу ҳақда Олий судга мурожаат қилиб, Конституциявий суднинг қарорини билгунча жиноят иши бўйича суд муҳокамасини тўхтатиб туриши лозим. Бундай ҳолат дастлабки терговнинг эмас, суд мажлисининг тўхталишини такозо қилади.

46-БОБ. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТАМОМЛАШ

372-модда. Дастлабки терговни тамомлаш турлари

Дастлабки тергов жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш, айблов хулосаси тузиш, ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёки тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш ёхуд амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида тақдимнома тайёрлаш билан тамомланади.

1. Дастлабки тергов фақат ушбу моддада кўрсатилган уч ҳолатда тамомланган, яъни охирига етказилган ҳисобланади. Жиноят ишини ярашув муносабати билан судга юбориш дастлабки тергов тамомланганини билдирмайди. Бу хил ишлар, агар ярашув тўғрисида ариза қаноатлантирилса, суднинг ажрими билан тугатилади. Бу ҳақда 582-586-моддаларга берилган шарҳларга қаранг.

2. Дастлабки тергов жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар текширилиб, аниқ хулосага келгандан сўнг якунланади. Жиноят ва уни содир этган шахс аниқланганда иш айблов хулосаси билан прокурор орқали судга юборилади. Агар жиноят содир этилмаган бўлса иш тугатилади.

3. Иш бўйича бир қанча жиноятлар ва уларни содир этган шахслар тўғрисида маълумотлар бўлиб, баъзи жинойий воқеликлар юз бермагани ёхуд уларни содир этишда гумон остига олинган ёхуд айбланган шахслар иштирок этмаган бўлса, тегишинча ишнинг бир қисмини тугатиш, қолган қисми бўйича айблов хулосаси тузиш лозим. Башарти ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатни содир этган шахснинг ақли норасолиги тўғрисида асослар бўлса, иш бундай шахсга тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллаш учун судга юборилади. Шахс ижтимоий хавфли қилмишни содир этган пайтда ақли норасо бўлгани ёхуд уни содир этгандан сўнг дастлабки тергов даврида шундай ҳолатда эканлигининг фарқи йўқ.

373-модда. Жиноят ишени тугатиш

Жиноят иши ушбу Кодекснинг 83 ва 84-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда тугатилади.

Гумон қилинувчи ва айбланувчи шахслар дастлабки тергов натижаларига кура айбсиз деб топилиши ва реабилитация этилиши, шунингдек, уларнинг айблилигини ҳал қилмай туриб, жиноят иши Кодекснинг 83-84-моддаларида кўрсатилган асосларга кура тугатилиши лозим. Ана шу асосларнинг мазмун-моҳияти ва ишни тугатиш шартлари ҳақида тегишли моддаларга берилган шарҳларга қаранг.

374-модда. Жиноят ишени тугатиш тўғрисидаги қарор

Жиноят ишени тугатиш тўғрисидаги қарор белгиланган қоидаларга риоя қилинган ҳолда тугатилади.

Қарорнинг тавсиф қисмида:

1) жиноят ишени кўзгатиш асослари ва унинг содир этилишига доир тергов вақтида текширилган тусмоллар;

2) гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишига жалб қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, уларга қўйилган айб ва уларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари, башарти бу шахсларга қўйилган гумон ёки айб илгари чиқарилган алоҳида қарор билан тугатилмаган бўлса;

3) жиноят ишени тугатиш асослари;

4) бу асосларни тасдиқловчи далиллар, улар ишнинг қайси жилдлари ва саҳифаларида акс эттирилганлиги;

5) ашёвий далилларнинг рўйхати, бу ашёлар сақланаётган жой ва уларнинг эгалари, шунингдек, манфаатдор шахслар ёки муассасалар томонидан бу ашёларни уларга қайтариб бериш тўғрисидаги илтимослари, башарти шундай илтимос қилинган бўлса;

6) фуқаровий даъвои таъминлаш чоралари баён қилинади

Қарорнинг хулоса қисмида:

1) жиноят ишени тугатиш тўғрисидаги;

2) гумонни ёки айбловни олиб ташлаш тўғрисидаги;

3) эҳтиёт чораларини, шунингдек, таъминлаш учун қўрилган чораларни бекор қилиш тўғрисидаги;

4) ашёвий далиллар тўғрисидаги қарорлар баён қилинади.

Терговчи ишни тугатиш тўғрисида қарор чиқаргач, бу ҳақда гумон қилинувчига, айбланувчига, ҳимоячига, шунингдек, жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга, фуқаровий жавобгарга ва уларнинг вакилларига, худди шунингдек, иш корхона, муассаса, ташкилот ёки фуқаронинг берган хабари билан кўзгатишган бўлса, шу корхона, муассаса, ташкилот вакилига ёхуд фуқарога хабар қилади. Айни вақтда уларга ишни тугатиш тўғрисидаги қарор устидан прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилади.

Суд томонидан кўзгатишган иш тугатилган ҳолларда бу ҳақда мазкур судга хабар қилинади.

Ҳарбий хизматга чақирилувчи шахсга нисбатан иш тугатилганда терговчи бу ҳақда етти кунлик муддат ичида ёзма тарзда туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига хабар қилади.

1. Жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарорни терговчи мустақил қабул қилади ва бу ҳақда гумон қилинувчига, айбланувчига, уларнинг ҳимоячисига, шунингдек, жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга, фуқаровий жавобгарга ва уларнинг вакилларига хабар беради. Агар жиноят иши бирор корхона, муассаса, ташкилот ёки фуқаронинг берган ахбороти асосида кўзгатишган ёхуд уларнинг қонуний манфаатларига алоқадор бўлса, шу корхона, муассаса, ташкилот ёки фуқарога ҳам хабар берилиб, ишни тугатиш тўғрисида қарор устидан прокурорга шикоят қилиш мумкинлиги ҳақида уларга тушунтирилади.

2. Жиноят иши тугатилгани тўғрисида қарорнинг нусхаси назорат юритувчи прокурорга, агар ишни суд томонидан кўзгатишган бўлса, судга хабар юборилади. Ҳарбий хизматга чақирилиши мумкин бўлган шахсга нисбатан жиноят иши тугатилган бўлса, бу ҳақда туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига етти кундан кечиктирмай ёзма хабар берилиши шарт. Юқорида кўрсатилган бошқа шахсларга ва идораларга жиноят иши тугатилгани ҳақида хабар неча кун ичида берилиши кераклиги қонунда кўрсатилмаган. Амалиётда бундай хабар узоғи билан бир ҳафта ичида ёзма тарзда юборилади.

3. Жиноят ишени тугатиш тўғрисида қарорда ушбу модданинг иккинчи қисмида санаб утилган масалалардан ташқари ишга хос ҳолатлар баён этилади. Қарорнинг хулоса қисмида қарордан норози бўлганлар шикоят қилишга ҳақли экани ва гумон қилинган, айбланган, мажбурлов чоралари қўрилгани оқибатида зиён қўрган, азият чеккан шахсларнинг реабилитация этилиши тўғрисида ҳам баён қилинмоғи лозим.

375-модда. Жиноят иши тамомлангандан кейин ундаги материаллар билан танишиш чўқиш ҳуқуқини таъминлаш

Терговчи тўплаган далилларни айблов хулосасини тузиш учун етарли деб топганидан кейин айбланувчи ва ҳимоячига дастлабки тергов тамомланганлигини эълон қилади, уларга ишдаги барча материаллар билан танишиш чўқишга доир ҳуқуқларини тушунтиради ва танишиш чўқиш учун ишни тақдим этади.

Башарти иш тугатилган бўлса, терговчи бу ҳақда ва иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи ҳақида гумон қилинувчини, айбланувчини ва ҳимоячини хабардор қилади ҳамда уларнинг илтимосига биноан уларга танишиш чўқиш учун ишни тақдим этади.

Терговчи дастлабки тергов тамомланганлиги ва иш айблов хулосаси билан судга юборилиши ёки иш тугатилганлиги тўғрисида жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига хабар қилади, башарти улар хоҳласалар, барча иш материаллари билан танишиш чўқиш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтиради. Сунг терговчи курсатиб утилган процесс иштирокчиларининг илтимосига мувофиқ, танишиш чўқиш учун уларга ишни тақдим этади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, ҳолислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тергов ҳаракатлари баённомасининг кириш қисмлари танишиш чўқиш учун тақдим қилинмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда баённомаларнинг курсатиб утилган процесс иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган кириш қисмлари муҳрланган ҳолда сақланади.

Башарти айбланувчининг ҳимоячиси ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакили узрли сабабларга биноан белгиланган вақтда иш материаллари билан танишиб чиқиш учун кела олмаса, терговчи танишиб чиқиш муддатини кўпи билан беш суткага кечиктириши мумкин. Ҳимоячи ёки вакил бу муддат ичида келмаган тақдирда айбланувчига бошқа ҳимоячини таклиф қилиш, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарга бошқа вакил чақириш учун имконият яратилади.

1. Дастлабки тергов тамом бўлгани ҳақида терговчи ҳуқуқий манфаатдор иштирокчиларга эълон қилиши лозим. Агар тўпланган далилларга асосланиб айблов хулосаси тузиладиган бўлса, тергов якунлангани ҳақида дастлаб айбланувчи ва унинг ҳимоячисига эълон қилинади ва уларга иш материаллари билан танишиб чиқиш ҳуқуқи тушунтирилади. Айбланувчи ва ҳимоячига жиноят иши биринчи навбатда танишиш учун тақдим этилади.

2. Агар тергов натижаларига кўра жиноят иши тугатилган бўлса, бу ҳақда дастлаб гумон қилинган ва айбланган шахсларга ҳамда уларнинг ҳимоячисига хабар берилади ва иш материаллари билан танишишларига имкон яратилади.

3. Тергов тамомланиб иш бўйича айблов хулосаси тузиладиган ёхуд иш тугатиладиган бўлса, бу ҳақда жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакилларига хабар қилинади, уларга ҳам иш материаллари билан танишишга ҳуқуқлари борлиги тушунтирилади.

4. Юқорида санаб ўтилган шахслар иш билан танишишга ҳақли, лекин мажбур эмаслар. Уларга терговчи бу ҳуқуқдан фойдаланиш ўз манфаатларини муҳофаза қилиш учун афзал экани, гумон қилинган шахс ва айбланувчи иш материаллари билан ўз хоҳишига кўра танҳо ёхуд ҳимоячилари билан бирликда танишишлари мумкинлиги тушунтирилади ҳамда бунинг учун етарли имкониятлар яратилади. Худди шундай имконият жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар учун ҳам яратилиб берилади.

5. Баъзи тергов ҳаракатлари баённомасининг кириш қисми, унда кўрсатилган жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар ва бошқа процесс иштирокчиларига оид маълумотлар, шу шахс-

ларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иш материалларида алоҳида ёпик муҳрланган конвертда сақланиши, уларнинг гумон қилинганлар, айбланувчилар, жабрланувчиларга кўрсатилмаслиги мумкин. Сўроқ баённомаларида ва бошқа процессуал ҳужжатларда баъзи шахсларнинг хуфя таҳаллуси ёки фамилия ва исми ўрнига ҳарф (рақам) билан ифодаланган белгиси кўрсатилишига йўл қўйилади. Муҳрланган конвертдаги улар тўғрисида аниқ маълумотлар билан судья, халқ маслаҳатчилари, давлат айбловчиси танишишга ҳақли.

6. Иш материаллари билан танишув учун ҳимоячи ва вакиллар муайян вақтда кела олмаса, уларга беш суткадан кечикмай келиши учун муддат берилади. Бу муддат ичида ҳам улар ҳозир бўлмаса, айбланувчига бошқа ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарга бошқа вакил чақириш таклиф қилинади.

376-модда. Жиноят ишидаги материаллар билан танишиб чиқиш тартиби

Терговчи ишдаги материалларни танишиб чиқиш учун тикилган ва рақамланган кўринишда, ҳар бир жилддаги ҳужжатларни рўйхат қилган тарзда тақдим этади.

Иш билан танишиб чиқиш учун зарур бўлган муддат чекланмайди. Лекин процесс иштирокчилари ишдаги материаллар билан танишишни атайлаб қўзишга уринаётган бўлсалар, терговчи ўз қарорида ишдаги материаллар билан танишиш учун муайян муддат белгилашга ҳақлидир.

Иш билан танишиб чиқаётган шахс ишдаги ҳужжатлардан кўчирмалар ёзиб олишга ҳақлидир, давлат сирларини ўз ичига олган маълумотлар бундан мустасно.

Терговчи ишдаги материаллар билан танишиб чиққанлик тўғрисида баённома тузади.

Иш билан танишиб чиққандан кейинги оғзаки илтимосларни терговчи баённомага киритади. Процесс иштирокчиси ёзма тарзда алоҳида илтимоснома бериши мумкин, бу ҳақда баённомада ёзиб қўйилади.

1. Жиноят иши, қанчалик ҳажмда бўлмасин, алоҳида жилдларда тизимли равишда тикилган, рўйхатланган бўлиши шарт.

Улар билан танишувчилар ишнинг ҳар бир жилдидаги рўйхатга у билан танишганлари ҳақида ёзув киритиши ва имзолаши мақсадга мувофиқ.

2. Жиноят ишидаги материаллар билан танишувчилар ишнинг ҳар бир варагини ўқишлари, ундаги маълумотларни ёзиб олишлари, нусха кўчиришлари, уларни тушунтириб беришни терговчидан илтимос қилишлари, ўзлари яхши билмайдиган тилдаги ҳужжатларни таржима қилиб берилишини талаб этишлари мумкин.

3. Ишга илова қилинган ашъвий далиллар ва алоҳида сақланаётган ҳужжатлар ҳам танишиш учун тақдим қилинади, улар ўралган ва муҳрланган бўлса, очилиб кўрсатилади ва қайта ўралиб, муҳрланади.

4. Иш материаллари билан тула ва тез танишиб чиқишни таъминлаш мақсадида айбланувчи, унинг ҳимоячиси, жабрланувчи ва бошқалар бир йўла ҳозир бўлишлари мумкин. Лекин манфаатлари ўзаро зид бўлган шахслар биргаликда иш материаллари билан таништирилиши тавсия қилинмайди. Уларнинг ҳар бири учун алоҳида жой ва вақт ажратилади. Агар иш билан танишувчи атайлаб келмаса ва вақтни чўзишга уринса, унга муайян муддат берилиши мумкин.

5. Иш билан танишиб чиқувчи шахс давлат сирлари ҳисобланган маълумотларни ўқиши, кўздан кечириши мумкин, лекин улардан нусха ва кўчирма олиш тақиқланади. Ишдаги баъзи материаллар вояга етмаган шахснинг ахлоқ-одобига салбий таъсир этадиган порнографик ёхуд уятсиз маълумотлар унга танишиш учун кўрсатилмаслиги мумкин. Бу ҳақда терговчи алоҳида қарор чиқариши лозим.

6. Ҳар бир иштирокчи иш билан танишгани туғрисида ҳар кун алоҳида баённома тузилиб, унда шахс қанча вақт давомида, қандай жойда, ким билан бирга, қандай ҳажмдаги иш материаллари билан танишганлиги батафсил баён қилинади. Иш билан танишиб чиққан шахснинг оғзаки илтимослари ва фикрлари баённомага киритилади, ёзма тарздаги илтимосномаси баённомада акс эттирилиб, унга илова қилинади.

7. Жиноят ишидаги материалларга у билан танишувчилар турли ёзувлар киритиши, ўзгартиши, белгилар қўйиши ман этилади. Терговчи бундай ҳолларнинг олдини олишга қаратилган чоралар кўриши, ўзи ва ёрдамчи ходимларнинг ёрдамида доимий кузатув олиб бориши зарур.

377-модда. Илтимослар қилиш ва уларни куриб чиқиш тартиби

Айбланувчи, ҳимоячи, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш билан танишиб чиқишгач ёки бирор сабабга кура танишиб чиқишдан бош тортганларидан кейин терговчи улардан қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш ёки янги қарорлар қабул қилиш хусусида илтимослари бор ёки йўқлигини аниқлайди.

Тарафларнинг аризасига биноан итимосномалар тайёрлаш ва тақдим қилиш учун уч сутка доирасида вақт берилиши мумкин. Терговчи илтимосномани тула ёки қисман рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради ва бу ҳақда илтимоснома берилган вақтдан бошлаб уч сутка ичида аризачига хабар беради.

Аризачи илтимосни қондириш рад қилинганлиги тўғрисидаги қарор билан танишиб чиққанидан кейин икки сутка ичида прокурорга рад этилганлик устидан шикоят қилиши мумкин.

1. Иш бўйича манфаатдор иштирокчилар иш материаллари билан танишиб чиққач ёхуд танишишдан воз кечганларидан сўнг, терговчи улардан ўз фикрларини, тергов натижаларига нисбатан танқидий мулоҳазаларини билдириш, шикоят қилиш, терговни давом эттириш, қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказиб ишга алоқадор баъзи ҳолатларни аниқлаш, ишдаги қарорларга аниқлик киритиш, янги қарорлар қабул қилиш тўғрисида илтимосларини сўраб билади, уларни баённомага киритади, ёзма тарзда тақдим этилган илтимосномаларни қабул қилиб олади.

Ана шундай илтимосларни яна уч сутка давомида оғзаки ёки ёзма билдириш мумкинлиги тушунтирилади.

2. Терговчи иш билан танишгандан сўнг ёки танишмасданок берилган илтимосларга жиддий эътибор бериши ва уларни имкон борича қаноатлантириши лозим.

Кўпинча айбланувчи қўшимча гувоҳларни сўрок қилиш, улар ва жабрланувчи билан юзлаштириш, янги ҳужжатлар ва ашёвий далилларни ишга қўшиш, экспертиза ўтказиш каби илтимослар билан мурожаат қилади. Бу тергов ҳаракатлари

қандай натижа бериши, ишнинг қайси ҳолатларини аниқлашга ёрдам бериши ҳақида терговчи фикр юритиши мақсадга мувофиқ.

378-модда. Илтимос қондирилгандан кейин жиноят иши билан қайта таништириш

Терговчи илтимос қондирилгандан кейин, у ким томонидан ва кимларнинг манфаатлари йўлида билдирилган бўлишидан қатъи назар, айбланувчи, ҳимоячига, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига ишдаги барча материаллар билан яна танишиб чиқиш имкониятини беради.

1. Иш материалларини тулдириш туғрисида илтимоснома қаноатлантирилган кейин, унга биноан ўтказилган қўшимча тергов ҳаракатлари ва қабул қилинган процессуал қарорлар терговчининг ишни тугатиш ёхуд айблов хулосаси тузиш ҳақида фикрини ўзгартмаса, ишга қўшилган янги материаллар улар билан танишиш ҳуқуқига эга шахсларга тақдим этилиши шарт.

2. Ҳар бир айбланувчи, унинг ҳимоячиси, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакили бошқалар томонидан терговчига қандай илтимослар билан мурожаат этгани ҳамда терговчи илтимосларга қандай муносабат билдиргани, қандай илтимосларни қаноатлантиргани ёки рад этганидан хабардор бўлишга ҳақли. Шу сабабли илтимослар қаноатлантирилганда ёки улар рад этилганда терговчи ишга қўшган барча материалларни манфаатдор шахсларга танишиш учун тақдим этиши шарт.

3. Ишдаги қўшимча материаллар билан тегишли иштирокчиларни таништириш 376-моддада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

379-модда. Айблов хулосаси

Айбланувчи ва унинг ҳимоячисини жиноят ишидаги барча материаллар билан таништириб бўлгач, терговчи, башарти ишни судга юбориш учун етарли асослар борлиги туғрисидаги фикри ўзгармаган бўлса, айблов хулосаси тузади.

Айблов хулосаси тавсиф-асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Тавсиф қисмида дастлабки терговда аниқланган ҳолатлар: жабрланувчи, шунингдек, айбланувчи тўғрисидаги маълумотлар; айбланувчининг айбдорлигини тасдиқловчи далиллар, айбланувчининг узини ҳимоя қилиш учун келтирган вазжлари ва уларни текшириш натижалари баён қилинади.

Хулоса қисмида айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади ҳамда эълон қилинган айбловнинг мазмуни Жиноят кодексининг шу жиноятни назарда тутган моддаси ёки моддаларини ҳам кўрсатган ҳолда баён қилинади.

Айблов хулосасида баён қилинган ҳолатларни тасдиқловчи иш саҳифалари кўрсатилиши керак. Айблов хулосаси қаерда ва қачон тузилганлиги кўрсатилиб, терговчи томонидан имзоланади.

1. Айблов хулосаси жиноят очилгани ва уни содир этган шахс фош этилгани ҳақида ишни судга юбориш зарурлиги тўғрисида якуний ҳужжатдир. Унинг кириш қисмида қимларни қандай жиноятларда айбланиши кўрсатилиб, асослантириш қисмида ана шу жиноятнинг ва уни содир этган шахснинг тула тавсифи баён этилади, дастлабки терговда аниқланган барча ҳолатлар ва уларни тасдиқлайдиган муайян далиллар кўрсатилади, айбланувчи ва жабрланувчи тўғрисида асосий маълумотлар келтирилади, айбланувчининг тушунтиришлари, унинг вазжларини текшириш натижалари акс эттирилади. Айблов хулосасининг якуний қисмида айбловнинг мазмуни ва айбланувчининг шахси муайян ва қатъий тарзда баён этилиб, Жиноят кодексининг моддаси, қисми, банди кўрсатилади.

2. Айблов хулосасида ифодаланган ҳар бир ҳолат ва уни тасдиқловчи далиллар иш саҳифаларига ҳавола қилиб кўрсатилади. Чунончи, жиноят иши қандай асос ва сабаблар туфайли кўзғатилгани, дастлабки тергов жараёнида қандай иш ҳолатлари қайси усулда аниқлангани, терговга тўсқинлик қилган ҳолатлар қандай бартараф этилгани, терговнинг натижаларига қарши фикр-мулоҳазалар нима сабабдан инобатга олинмагани, айбни енгиллаштирадиган ёхуд оғирлаштирадиган ҳолатлар, жиноятнинг моддий ва маънавий оқибатлари, жиноятнинг содир

угилиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитлар атрофлича ва холисона баён этилиши лозим.

3. Агар жиноят иши буйича бир неча шахс айбланаётган бўлса, ҳар бирининг жиноят содир этишда иштироки ва айблилик даражаси аниқ курсатилиши шарт. Айни вақтда ҳар бир айбланувчи ўз қилмишига қандай муносабат билдираётгани, иқрорлиги, пушаймонлиги, жиноятни очиш ва уни содир этган шахсларни аниқлашда қумаклашгани, шунингдек, жиноят оқибатида етказилган зиённи қоплагани ҳақида маълумотлар ҳам айблов хулосасида баён этилиши лозим.

380-модда. Айблов хулосасига иловалар

Айблов хулосасига терговчининг фикрича суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг руйхати, шунингдек, қўлланилган эҳтиёт чоралари, гумон қилинувчи ва айбланувчи қанча вақт қамоқда сақланганлиги тўғрисидаги, ашёвий далиллар, фуқаровий даъвои таъминлаш чоралари, суд чиқимлари тўғрисидаги маълумотлар илова қилинади.

Суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг руйхатида терговчи уларнинг турган жойи ҳамда курсатувлари ёки хулосалари ишнинг қайси саҳифасида баён қилинганлигини курсатади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар руйхатида уларнинг таҳаллуслари курсатилиши мумкин. Хавфсизлиги таъминланишига муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар улар иштирокида утказилган тергов ҳаракатлари баённомаларининг кириш қисмлари билан бирга муҳрланган ҳолда судга тақдим этилади. Улар билан фақат айблов хулосасини тасдиқловчи прокурор ва ишни куриб чиқувчи судья танишишлари мумкин.

1. Ушбу моддада айблов хулосасига илова қилинадиган асосий маълумотлар санаб ўтилган. Муайян жиноят ишлари буйича яна қўшимча маълумотлар ҳам айблов хулосасига илова қилиниши мумкин. Жумладан, айбланувчиларнинг баъзилари кидирувда эканлиги, бетоблиги сабабли тиббий муассасада

даъволанаётганлиги, гаров ким томонидан берилгани ва қаерда сақланаётгани, жабрланувчи ва айрим гувоҳлар хизмат сафаридида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида экани каби маълумотлар суд мажлисини осон ўтказишга имкон беради.

2. Иш бўйича жабрланувчи, гувоҳ, холис ва бошқа иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари сифатида баъзи маълумотлар айбланувчидан сир сақланиши, бу ҳақда ҳужжатлар муҳрланиб ишга тикилиши ёхуд терговчи, суриштирувчи ихтиёрида қолдирилиши мумкин.

3. Агар жиноят ишига оид ҳужжатларнинг бир қисми бошқа иш юритувида фойдаланилаётган бўлса, айблов хулосасининг иловасида бу ҳақда кўрсатилиши лозим.

4. Жиноят иши бўйича айбланувчилар ягона бир тилни билсалар, айблов хулосаси ўша тилда ёзилади. Айблов хулосаси ёзилган тилни етарлича билмайдиган айбланувчи учун айблов хулосаси тушунадиган тилга таржима қилиниб тақдим этилиши лозим.

381-модда. Жиноят ишининг прокурорга юборилиши

Терговчи айблов хулосасини имзолаганидан кейин жиноят ишини дарҳол прокурорга юборади.

1. Терговчи айблов хулосасини тузиб имзолагач дарҳол, одатда, эртасидан қолдирмай жиноят ишини прокурорга етказиб беради. Жиноят иши билан бирга, унга оид барча ҳужжатлар, ашёвий далиллар, аудио-видео ёзув тасмалари ҳам прокурорга юборилади.

2. Прокурорга тасдиқлаш учун юбориладиган жиноят ишлари бўйича айблов хулосаси барча айбланувчиларга старли нусхада бўлиши тавсия этилади.

47-БОБ. СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ҚОНУНЛАРНИНГ ИЖРО ЭТИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ

382-модда. Прокурорнинг ваколатлари

*Суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини юри-
тишда қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат
прокурор томонидан амалга оширилади.*

*Жиноят содир этилгани тўғрисидаги ариза ва хабарларни
қуриш ҳамда ҳал қилиш, текширишни амалга оширишнинг
ушбу Кодексда белгиланган тартиби, чиқарилган қарорлар-
нинг қонунийлиги суриштирув ва дастлабки тергов орган-
ларининг қонунларнинг ижро этилиши устидан олиб
борадиган назоратининг соҳасидир.*

*Суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан
қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга
ошириб, прокурор уз ваколати доирасида:*

*суриштирув ва дастлабки тергов органларидан ишларни
текшириш учун, содир этилган жиноятларга оид тезкор-
қидирув, суриштирув, дастлабки тергов ишларининг
боришига доир ҳужжатларни, материалларни ва бошқа
маълумотларни талаб қилиб олади;*

*содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги
ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш
ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада
ижро этилаётганлигини ҳар ой камида бир марта
текширади;*

*суриштирувчилар ва терговчиларнинг қонунга хилоф
ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади;*

*қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш
тўғрисида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага
розилик беради ёхуд қамоқда сақлаб туриш муддатини
узайтириш тўғрисида судга илтимоснома киритади;*

*жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш,
узгартириш ёки бекор қилиш, жиноят тавсифини белгилаш,
ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб
қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят
содир этган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма курсат-
малар беради;*

суриштирув органларига шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, қидириш, тинтув утказиш, олиб қўйиш тўғрисидаги қарорларни, суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажримини ижро этишни, бошқа тергов ҳаракатларини бажаришни топиради, шунингдек, прокурор ёки прокуратура терговчиси юритувидаги ишлар юзасидан жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чоралар куриш тўғрисида кўрсатмалар беради;

суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда ушбу Кодексга мувофиқ ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки терговни тулиқ амалга оширади;

тинтув утказишга, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ва уларни олиб қўйишга, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туришга, айбланувчини лавозимидан четлатиришга ва қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирув органи ҳамда терговчининг бошқа ҳаракатларига рухсат беради;

дастлабки тергов мўддатларини ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда узайтиради;

ишларни суриштирув ва дастлабки тергов органларига қўшимча тергов утказиш тўғрисидаги уз кўрсатмалари билан қайтаради;

жиноят ишини суриштирув органидан терговчига, прокуратуранинг бир терговчидан бошқасига, ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда эса бир дастлабки тергов органидан бошқасига утказади;

суриштирувчини ёки терговчини, башарти улар ишнинг тергови чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлсалар, суриштирув ёхуд дастлабки тергов ишларини давом эттиришдан четлатади;

жиноят ишлари қўзғатади ёки уларни қўзғатишни рад этади, ишларни тугатади ёхуд юритилишини тўхтатади;

қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчининг ишни тугатишига розилик беради;

айблов хулосасини ёки қарорини тасдиқлайди, ишларни судга юборади.

Прокурорнинг ушбу Кодексда назарда тутилган тартибга мувофиқ суриштирув ва дастлабки тергов органларига терговга қадар текшириш ўтказиш, ишларни қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган курсатмалари ана шу органлар учун мажбурийдир.

1. Прокурор жиноий таъқибни амалга оширувчи, жиноят ишларини тез, ҳар тамонлама, ҳолисона тергов қилинишига раҳбарлик қилувчи ва айтилган вақтда бу фаолият устидан назорат юритувчи ягона масъул давлат хизматчисидир.

Жиноят ишлари бўйича суриштирув олиб борувчи органлар, шунингдек, прокуратура, ички ишлар органи ва миллий хавфсизлик хизмати тизимидаги тергов тизими прокурор назорати ва раҳбарлигида фаолият юритади.

Жиноят иши бўйича прокурорнинг ваколат доираси ушбу Кодексдаги ҳуқуқий меъёрлар билан белгиланади. Прокурор ўз ваколати доирасида суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатлари қонунга мувофиқ ўтказилиши устидан назорат олиб боради. Прокурор назорати ана шу ҳаракатларни ўтказиш чоғида бевосита иштирок этиш, шунингдек, улар ўтказилганига оид баённома ва бошқа ҳужжатлар билан танишиш йўли билан амалга оширилади.

2. Прокурор назорати жиноят содир этилгани ёки унга тайёргарлик қўрилади ҳақида ариза ва турли хил хабарларни текшириш ва тегишли қарор чиқариш пайтидан бошланади. Шу муносабат билан тезкор-қидирув чоралари қўрилганига оид ҳужжатлар ва бошқа турдаги материалларнинг ҳам қонунга мувофиқлиги прокурор томонидан назорат остига олиниши лозим. Бу хил ариза ва хабарларни прокурор ўз иш юритувига олиб мустақил текшириши ва ҳал қилиши, жиноят иши қўзғатиши ёхуд қўзғатишни рад этиши мумкин.

3. Содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва мазмунан ҳал қилишга оид суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти устидан прокурор муттасил, камида ҳар ой бир марта назорат тартибида текширади. Текширув натижалари ҳужжатлар билан расмийлаштирилади ва бу борада зарур курсатмалар берилади. Прокурор ўз курсатмалари ва йўл-йўриқларининг бажарилиши ҳам назорат остига олади.

4. Прокурор назорати натижасида аниқланган суриштирув ва дастлабки тергов органларининг жиддий камчилик ва хатолари туғрисида мазкур орган раҳбарияти ва уларнинг юқори органларига тақдимнома киритади.

Тақдимномани муҳокама қилиш чоғида прокурор бевосита ўзи ёхуд прокуратурадан вакил юбориш орқали иштирок этишга ҳақли.

5. Суриштирув ва дастлабки тергов давомида жиноят иши бўйича бажарилган ҳар қандай процессуал ҳаракатлар ва қарорлар туғрисида прокурор ўзи зарур деб топган маълумотларни талаб қилиб олиши, тергов ҳаракатлари ўтказилаётганда бевосита иштирок этиши мумкин. Айтилган вақтда иш бўйича назорат олиб борувчи прокурор ана шу қарорлар ва ҳаракатларга баҳо бериши, уларни бекор қилиши, натижаларини ҳуқуқий аҳамиятсиз деб топиши мумкин.

6. Прокурор жиноят иши бўйича бевосита ўзи терговни тўла ёки қисман ўтказишга, ишни суриштирувчидан терговчига, бир терговчидан бошқа терговчига, бир тергов органидан бошқа тергов органига ўтказишга ҳақли.

7. Прокурор жиноят иши бўйича терговни тухтатиши, қайта тиклаши, тугатиши, айблов ҳулосасини тасдиқлаб ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари қўллаш ёхуд ярашув муносабати билан жиноят ишини судга юборади.

8. Прокурорнинг жиноят иши бўйича суриштирув ва дастлабки тергов органига берган кўрсатмалари улар учун мажбурий ҳисобланади. Суриштирув органи ва терговчи прокурорнинг бундай кўрсатмаларига норози бўлса, бу ҳақда юқори турувчи прокурорга мурожаат қилишга ҳақли.

383-модда. Кўп воқеали жиноят ишлари бўйича прокурорнинг ваколатлари

Прокурор ёки унинг уринбосари кўп воқеали жиноят ишлари бўйича айбловнинг айрим воқеалари юзасидан муайян шахсга нисбатан тўпланган далилларни айблов ҳулосаси тузиш учун етарли деб эътироф этса, шу воқеалар бўйича терговни тамомлаш ва ишни судга юбориш ҳақида ёзма кўрсатма беришга ҳақли.

1. Бир жиноят ишида бир қанча жиноий қилмишлар ва бир неча шахсларга нисбатан тергов юритилиши мумкин. Лекин текширилаётган жиноий қилмишлар ягона йўналишда бўлмаган ёхуд иш бўйича барча айбланувчилар биргаликда жиноий алоқада бўлиб жиноят содир этмаган ҳолда, уларни бир жиноят ишига бирлаштириб тергов юритиш зарур эмас. Бу хил ишлар ҳар бир жиноий қилмиш бўйича ёхуд ҳар бир айбланувчига нисбатан алоҳида иш юритувига ажратилмоғи даркор. Бу ҳақда 332-моддага қаранг.

2. Баъзи қилмишларга ёхуд айрим айбланувчиларга тегишли ишжаги материалларни алоҳида ажратиб тергов юритиш тўғрисида терговчи - қарор, суд - ажрим чиқаради.

Жиноят ишини бир неча алоҳида-алоҳида ишларга ажратиш дастлабки тергов ва суд муҳокамасида ишдаги ҳолатларни тўлиқ ва холисона аниқлашга салбий таъсир этмаслиги лозим.

3. Ишни бир неча иш юритувга ажратилганда жиноят иши кўзгагиш тўғрисида қарор ва бошқа ҳужжатлардан нусха олиниб, янги ажратилган ишга тикилади. Ажратилган иш руй-хатга олинади.

4. Терговчи жиноят ишини бир қанча алоҳида-алоҳида ишларга ажратиш тўғрисида ўзи мустақил қарор чиқариши ёхуд бу ҳақда назорат юритувчи прокурор ёки унинг уринбосарининг курсатмасига таяниши мумкин. Курсатмага норози бўлган терговчи, бу ҳақда юқори турувчи прокурорга мурожаат этишга ҳақли.

384-модда. Айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурор ҳал этиши лозим бўлган масалалар

Прокурор ёки унинг уринбосари терговчидан айблов хулосаси билан келган жиноят ишини ўрганиб чиқиши ва:

1) айбланувчи зиммасига қўйилаётган қилмиш содир этилган ёки этилмаганлигини ва бу қилмишда жиноят таркиби бор-йўқлигини;

2) қўйилган айб ишдаги мавжуд далиллар билан асослан-тирилган-асослан-тирилмаганлигини;

3) айбланувчининг исботланган барча жиноий қилмишлари айблов мазмунига киритилган-киритилмаганлигини;

4) жинояти фош қилинган барча шахслар айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган-қилинмаганлигини;

5) айбловни ёки ишни тугатишга сабаб бўладиган ҳолатлар бор-йўқлигини;

6) айбланувчининг қилмишларига тўғри ёки нотўғри тавсиф берилганлигини;

7) эҳтиёт чораси тўғри ёки нотўғри танланганлигини;

8) фуқаровий даъво ни таъминлаш чоралари курилган-курилмаганлигини;

9) жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланган-аниқланмаганлигини ҳамда уларга барҳам бериш чоралари курилган-курилмаганлигини;

10) тергов синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона утказилган-утказилмаганлигини;

11) айблов хулосаси ушбу Кодекснинг 379 ва 380-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ тузилган-тузилмаганлигини;

12) суриштирувчи ва терговчи ушбу Кодекснинг бошқа талабларига риоя қилган-қилмаганлигини текшириши шарт.

1. Ушбу моддада айблов хулосаси билан терговчидан келган жиноят иши бўйича прокурор ҳал қилиши лозим бўлган асосий масалалар баён этилган. Терговчи ана шу асосий масалалар бўйича, шунингдек, Кодекс моддаларининг бошқа талаблари бўйича асослантирилган қонуний қарорлар қабул қилган-қилмаганини чуқур текшириш – прокурорнинг туб вазифасидир.

2. Айблов хулосаси билан келган жиноят иши бўйича прокурор бирор процессуал ҳаракатни бевосита ўзи ёхуд бошқалар ёрдамида утказиши мумкин эмас. Моддада курсатилган масалалар бўйича айблов хулосаси ва иш материаллари бир-бирига зид келмаслиги шарт.

3. Жиноят иши бўйича бирор масала ғайриқонуний ёки асоссиз ҳал этилган деб ҳисобласа, прокурор айблов хулосасини тасдиқламай, ишни ўз кўрсатмаси билан терговчига қайтаради. Фақат айблов мазмунидан баъзи айбни оғирлаштиришга қаратилган маълумотларни чиқариб ташлаш, енгилроқ жиноятни

назарда тутувчи қонунни қўллаш зарур бўлса, прокурор бу ҳақда ўзгартиришларни акс эттириб, айблов хулосасини тасдиқлаши мумкин. Лекин масалани бу тарзда ҳал этилиши иш буйича бошқа шахсларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатини чекламаслиги шарт.

385-модда. Айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурорнинг қарори

Прокурор ёки унинг уринбосари айблов хулосаси билан келган жиноят ишини қўпи билан беш суткада қўриб чиқиши ва қўидаги қарорлардан бирини қабул қилиши шарт:

1) ишни судга юбориш учун асослар мавжуд деб топиб, айблов хулосасини тасдиқлаш;

2) ўз қарори билан айблов мазмунидан айрим бандларни чиқариб ташлаш, енгилроқ жиноятни назарда тутувчи қонунни қўллаш ва шу ўзгартиришлар билан айблов хулосасини тасдиқлаш;

3) қўшимча тергов ўтказиш учун ишни ўз қўрсатмалари билан терговчига қайтариш;

4) ишни юритишни тўхтатиш;

5) ишни тугатиш.

Башарти айбловни тўлдириш ёки уни оғирлаштириш томонига ёҳуд ҳақиқий ҳолатларга қўра аввалги айбловдан жиддий фарқ қиладиган томонга ўзгартириш талаб қилинса, прокурор ёки унинг уринбосари қўшимча ёки ўзгартирилган айб эълон қилиш учун ишни қўшимча терговга қайтаради.

1. Айблов хулосаси билан келган ишни прокурор ёки унинг уринбосари беш суткадан кечиктирмай қўриб чиқиши ва айблов хулосасини тасдиқлаб ишни судга юбориши, асослар бўлса, - иш юритишни тўхтатиши, тугатиши ёки қўшимча терговга қайтариши лозим.

2. Қонунга қўра, айбни тўлдириш, оғирлаштириш ёки жиддий фарқ қиладиган мазмунда ўзгартириш лозим деб топса, прокурор ёки унинг уринбосари ишни қўшимча терговга қайтаради. Башарти айбловни қисман камайитириш, енгиллашти-

риш зарур бўлса, бу ҳақда кўрсатиб айблов хулосасини тасдиқлайди. Бундай ўзгартиришларни прокурор ва унинг ўринбосари ўз қарори билан эътироф этиши амалиётда маъқул ҳисобланади.

3. Суд муҳокамаси давомида бартараф этилиши мумкин бўлган камчиликлар сабабли жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу ишни имкон борича мазмунан тезроқ ҳал қилишга путур етказди.

4. Қонун талабларига кўра асослар мавжуд бўлса, прокурор ёки унинг ўринбосари унга айблов хулосаси билан келган жиноят ишини тўхтатиш ёки тугатиш туғрисида 373-374-моддаларга биноан қарор қабул қилиб ёхуд бу ҳақда терговчига тегишли кўрсатма бериб, жиноят ишини терговчига қайтаришга ҳақли. Бу ҳақда терговчи иш бўйича ҳуқуқий манфаати бор шахсларга хабар беради ва уларнинг ҳуқуқларини тушунтиради.

386-модда. Эҳтиёт чораси туғрисида қарор

Айблов хулосаси билан келган жиноят иши бўйича прокурор ёки унинг ўринбосари эҳтиёт чорасини ўз қарори билан бекор қилишга, ўзгартиришга ёки илгари эҳтиёт чораси танланмаган бўлса, шундай чорани татбиқ этишга ҳақлидир. Бунда ушбу Кодекснинг 28-бобидаги қоидалар қўлланилади.

1. Прокурор ва унинг ўринбосари ўз назорати остидаги жиноят иши, жумладан унга айблов хулосаси билан юборилган иш бўйича эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартиш ёки бекор қилишга ҳақли.

2. Айблов хулосаси билан келган иш юзасидан 384-моддада санаб ўтилган масалаларни қандай ҳал этилганини инобатга олиб, прокурор ёки унинг ўринбосари айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаши, енгил ёки оғир томонга ўзгартиши ёки бекор қилиши мумкин. Бу Кодекснинг 28-бобидаги қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

387-модда. Суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхатини узгартириш

Жиноят иши судга юборилгунга қадар прокурор ёки унинг ўринбосари суд мажлисига чақириладиган шахсларнинг рўйхатини уз қарори билан қисқартириш ёки тўлдиришга ҳақлидир. Бунда айбланувчилар, муомала лаёқатига эга бўлган жабрланувчилар, вояга етмаган айбланувчиларнинг қонуний вакиллари, шунингдек, фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахслар ёки фуқаровий жавобгар тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинганлар ва уларнинг вакиллари рўйхатдан тушириб қолдирилиши мумкин эмас. Дастлабки терговда гувоҳ сифатида сўроқ қилинмаган ва эксперт сифатида хулоса бермаган шахслар рўйхатга қўшимча қилиб киритилиши мумкин эмас.

1. Суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхатини терговчи жиноят ишидаги айбланувчилар, жабрланувчи, гувоҳ тариқасида сўроқ қилинганлар, экспертлар, мутахассислар доирасида тузади. Рўйхатга вояга етмаган айбланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакиллари, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳам киритилади. Гувоҳ сифатида сўроқ қилинган, лекин иш бўйича ҳеч қандай маълумотларга эга бўлмаганлар судга чақирилувчилар рўйхатига киритилмаслиги мумкин.

2. Терговчи томонидан тузилган судга чақирилиши лозим бўлганлар рўйхати қатъий эмас. Уни прокурор узгартириши ёки тўлдириши мумкин. Лекин жиноят иши бўйича ҳукукий манфаатга эга бўлган шахслар, яъни моддада кўрсатилгандек, айбланувчилар, вояга етмаган айбланувчининг қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари рўйхатдан чиқариб юборилиши мумкин эмас.

3. Терговчи ҳам, айблов хулосасини тасдиқлаган прокурор ёки унинг ўринбосари ҳам сўроқ қилинмаган шахсни, эксперт ёки мутахассис сифатида дастлабки тергов пайтида қатнашмаган шахсни судга чақирилувчилар рўйхатига қўшимча ҳақли эмас. Агар бунга зарурат бор деб ҳисобласа, прокурор суд мажлисида тегишли илтимос билан судга муурожаат этишига йўл қўйилади.

4. Суд мажлисига руйхатдагиларни чақириш, қўшимча гувоҳ, эксперт, мутахассис ва бошқа зарур шахсларни таклиф этиш суднинг ихтиёрига боғлиқ.

388-модда. Жиноят ишини судга юбориш

Прокурор ёки унинг уринбосари айблов хулосасини тасдиқлаб, жиноят ишини тегишли судга юборади. Шу судга иш билан бирга суд мажлисида текшириш ва ҳал этиш учун барча илтимослар ва шикоятлар юборилади.

Прокурор ёки унинг уринбосари ишнинг судга юборилганлиги ҳақида айбланувчига ва ҳимоячига, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига дарҳол хабар қилади ва, агар илтимослари бўлса, уларни судга юборишга ёки суд мажлисида баён қилишга ҳақли эканликлари тўғрисида маълум қилади. Айтилиши вақтда прокурор ёки унинг уринбосари айбланувчига ва ҳимоячига айблов хулосаси ва унга қилинган иловаларнинг тасдиқланган нусхаларини юборади, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар руйхати бундан мустасно, башарти айблов хулосасига ёки иловага узгартишлар киритилган бўлса, уларни узгартириш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси ҳам юборилади.

1. Жиноят ишини прокурор ёки унинг уринбосари, айблов хулосасини тасдиқлагач, тегишли судга юборади. Иш бўйича келган барча илтимосномалар ва шикоятлар ҳам ишга қўшилиши лозим.

2. Жиноят иши мазмунан кўриш учун судга юборилгани ҳақида, айтилиши вақтда, айбланувчи, унинг ҳимоячиси, вояга етмаган айбланувчининг қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакилларига хабар берилади ва уларга иш бўйича илтимос ва шикоятларини судга оғзаки ёки ёзма билдиришга ҳақли эканлиги тушунтирилади.

3. Айблов хулосасининг нусхаси айбланувчи ва унинг ҳимоячисига юборилади. Жабрланувчи ва бошқа ишдан манфаатдор шахсларга айблов хулосаси уларнинг илтимоси бўйича тақдим этилади. Айблов хулосасига иловалар ҳам юқоридаги шахс-

ларга берилиши мумкин. Айблов хулосасини тасдиқлашда унга прокурор ёки унинг ўринбосари киритган ўзгаришлар ҳам уларга берилади.

4. Судга қақирилувчилар рўйхати айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва суд мажлисининг бошқа иштирокчиларига берилмайди. Бу ҳақда 380-модданинг учинчи қисмига берилган шарҳларга қаранг.

УНИНЧИ БУЛИМ БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА ИШ ЮРИТИШ

48-БОБ. СУДЛОВГА ТЕГИШЛИЛИК

389-модда. Жиноят ишларининг судловга тегишлилиги

Жиноят ишлари буйича туман (шаҳар) судининг судловига юқори судларнинг ва ҳарбий судларнинг судловига тегишли бўлган ишлардан ташқари ҳамма жиноят ишлари тегишлидир.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари буйича Олий судининг, жиноят ишлари буйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судловига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисми, 118-моддасининг тўртинчи қисми, 150, 153, 155, 157, 158-моддалари, 159-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмлари, 160, 161-моддалари, 210-моддасининг учинчи қисми, 230, 231, 242, 244-моддалари, 272-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар тегишлидир.

Ҳарбий судлар судловига тегишли ишлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судловига ўта мураккаб ва аҳамиятли ишлар тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари буйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари буйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси ушбу модданин иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят тўғрисидаги ишни, агар у мазмунан мураккаб бўлмаса, жиноят ишлари буйича тегишли туман (шаҳар) судига, шунингдек, округ ёки ҳудудий ҳарбий судга куриш учун топширишга ҳақли.

1. Жиноят процессида судловга тегишлилик жиноят ишининг юридик белгиларини умумлашмаси билан белгиланади.

Судловга тегишлилик куйидаги турларга бўлинади:

- а) мазмунига кўра судловга тегишлилик;
- б) ҳудудига кўра судловга тегишлилик;

в) шахсига кўра судловга тегишлилик.

Юқори суднинг судловига ва ҳарбий суднинг судловига тегишли бўлган ишлардан ташқари деярли барча ишлар мазмунига кўра жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судловига тегишли ҳисобланади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент судининг судловига ЖПК 97-моддасининг иккинчи қисми, 118 - моддасининг тўртинчи қисми, 150, 153, 155, 157, 158, 159-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмлари, 160, 161, 210-моддасининг учинчи қисми, 230, 231, 242, 244-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар тегишлидир.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судловига ўта мураккаб ва оғир турдаги жиноят ишлари тегишли ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг Раиси жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судининг Раиси, юқорида қайд этилган ўн олти турдаги жиноят ишларини агар улар мазмунан мураккаб бўлмаса, тегишли жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига юборадилар. Территориал судловга тегишлилик масаласи дастлабки тергов тамом бўлгандан сўнг, ишни прокурор орқали судга юборишда ҳал қилинади.

Шахсига кўра тегишлилик асосан ҳарбийларга тегишли. Ҳарбий суд судловига тегишли ишлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

390-модда. Юқори суднинг ўзи кўриши учун қўйи суд судловига тегишли жиноят ишини олиш ҳуқуқи

Юқори суд қўйи суд судловига тегишли ҳар қандай жиноят ишини биринчи инстанция суди тариқасида ўзи кўриш учун олишга ҳақлидир.

Юқори суд мазмунан қўйи судга тегишли бўлган жиноят ишини чақиртириб, биринчи инстанция тариқасида кўриб, ҳал қилишга ҳақли. Лекин қўйи суд юқори суд ваколатига тегишли бўлган жиноят ишини уларнинг рухсатсиз мазмунан кўришга

ҳакли эмас. Суд мажлиси давомида жиноят иши юқори суднинг судловига ёки харбий суднинг судловига тегишли эканлиги аниқланса, суд тегишлилигига кура юбориши шарт, акс холда чиқарилган ҳукм бекор қилинади.

391-модда. Жиноят ишининг ҳудудий эсиҳатдан судловга тегишлилиги

Жиноят иши жиноят содир этилган жойдаги судда курилади.

Жиноят содир этилган жойни аниқлаш имконияти бўлмаса, иш дастлабки тергов тамом бўлган ҳудуддаги суд томонидан курилади.

Узоққа чузилган ёки давомли жиноятларга доир ишлар жиноят қайси ҳудудда тамомланган ёки тўхтатилган бўлса, шу ҳудуддаги суднинг судловига тегишли бўлади.

Жиноят ишини прокурордан қабул қилиб олган суд унинг қайси ҳудудга тегишлилигига эътибор беради. Ҳудудига кура судловга тегишлиликни белгилловчи хусусиятлар қуйидагилар:

- а) жиноятни айнан шу ҳудудда содир этилганлиги;
- б) жиноятни қаерда содир этилганлигини аниқлаш имконияти бўлмаса, шу ҳудуддаги тергов органлари томонидан тамомланганлиги;
- в) узоққа чузилган ёки давомли содир этилган жиноят ишлари бўйича қайси ҳудудда тамомланган ёки тўхтатилган жиноят иши қайга тикланган бўлса, уша ҳудуднинг суди томонидан жиноят иши мазмунан куриб ҳал қилинади.

392-модда. Жиноят ишлари бирлаштирилганда уларнинг судловга тегишлилиги

Бир неча шахсни турли ҳудудларда содир этган жиноятлари учун айблаш тўғрисидаги жиноят ишлари, шунингдек, бир шахсни бир неча жиноятни содир этишида айблаш тўғрисидаги жиноят ишлари бирлаштирилганда, агар бу ишлар бир хил даражадаги икки ёки бир неча суднинг судловига тегишли бўлса, иш дастлабки тергов қайси ҳудуд-

да тамомланган бўлса, шу ҳудуддаги суд томонидан курилади.

Бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар турли даражадаги судларнинг судловига тегишли бир неча жиноятни содир этишда айбланган бўлса, бундай ишлар юқори суд томонидан курилади.

Башарти иш буйича бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар бир неча жиноятни содир этишда айблансалар ва бу шахслардан лоақал бири ёки жиноятлардан бири ҳақидаги иш ҳарбий суднинг судловига тегишли бўлса, барча жиноятлар ва барча шахсларга доир иш ҳарбий суд томонидан курилади.

1. Бир неча шахс турли ҳудудларда жиноят содир этганликда ёки бир шахс бир неча жиноятларни турли ҳудудларда содир этганликда айблансалар, агар бу жиноятлар бир хил даражадаги судларга тегишли бўлса ёки бир неча суднинг судловига тегишли бўлса, жиноят иши қайси ҳудуддаги тергов органи томонидан тамомланган бўлса, уша ҳудуд суди томонидан мазмунан куриб, ҳал қилинади.

2. Бир шахс ёки бир неча шахслар турли даражадаги суднинг судловига тегишли бўлган бир неча жиноятни содир этганликда айбланган бўлсалар, бундай ишни юқори суд биринчи инстанция тариқасида мазмунан куриб ҳал қилади.

3. Бир шахс ёки бир неча шахслар бир неча жиноятларни содир этиб, шундан бири ҳарбий шахс бўлса ёки жинояти ҳарбий суднинг судловига тегишли бўлса, бундай жиноят ишини ҳарбий суд мазмунан куриб ҳал қилади.

393-модда. Жиноят ишининг судловга тегишлилигига кура утказилиши

Жиноят иши тула, холисона ва уз вақтида курилишини таъминлаш мақсадида ишни бир суддан бошқа судга юқори суд раиси қарори билан утказиш мумкин.

Ишни бошқа вилоятдаги ёки Қорақалпоғистон Республикасидаги судга утказиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси томонидан ҳал этилади.

Башарти судья жиноят ишини судда муҳокама қилиш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида иш мазкур

суднинг судловига тегишли эмаслигини аниқласа, ишни судловга тегишлилигига кўра ўтказиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ишнинг ўтказилишига фақат иш суд мажлисида қўрила бошлангунга қадар йўл қўйилади.

Иш шу даражадаги бошқа суднинг судловига тегишли экани суд мажлисида маълум бўлиб қолса, ишнинг ҳолатларини тўла текширишга зарар етказмайдиган бўлса, суд ишни қўришни давом эттираверади, акс ҳолда суд ишни судловга тегишлилигига кўра бошқа судга юбориб, бу ҳақда ажрим чиқаради.

Суд ўз мажлисида ишнинг юқори суд ёки ҳарбий суд судловига тегишлилигини аниқлагач, уни тегишли судга юбориб, бу хусусда ажрим чиқаради.

Юқори суднинг суд мажлисида қўрила бошланган ишни қўйи судга юборишга йўл қўйилмайди.

1. Судловлик масаласида мунозара қилишга йўл қўйилмади. Агар бирор англашилмовчилик бўлса, фақат юқори суднинг раиси ўз қарори билан бундай масалани ҳал қилади.

2. Жиноят ишини мазмунан қўриш учун вилоятдан вилоятга ёки Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг судловига ўтказиш лозим бўлса, ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг қарорига кўра ҳал этилади.

3. Жиноят ишини судда қўриш учун тайинлаш чоғида судья албатта судловликнинг мазмунан, ҳудудий ва шахсига кўра тегишлилигига эътибор бериши ва муаммо юз берса, ўз ажрими билан масалани ижобий ҳал қилиши керак.

4. Суд муҳокамасида иш бир хил даражадаги бошқа судга тегишли эканлиги аниқланса, лекин иш ҳолатларини тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона мазмунан қўришга зарар етмаса, суд мажлиси давом эттирилади, агар суд иш ҳолатларига таъсир этади деб ҳисобласа, ишни тегишлилигига кўра бошқа судга юбориш тўғрисида ажрим чиқаради.

5. Ҳар қандай ҳолда ҳам қўйи суд юқори судга ҳамда ҳарбий судга тегишли жиноят ишини қўришга ҳақли эмас.

6. Юқори суд ўзи кўра бошлаган қўйи судга тегишли жиноят ишини қўришда давом этиши ва ҳар қандай ҳолда ҳам жиноят ишини қўйи судга юборишга ҳақли эмас.

**394-модда. Судловга тегишлилик хусусида тортишувга
йўл қўйилмаслиги**

Судловга тегишлилик хусусида судлар уртасида баҳс бўлишига йўл қўйилмайди. Ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда бир суддан бошқа судга юборилган жиноят иши албатта қўриб чиқиш учун қабул қилиниши лозим.

Судловга тегишлилик хусусида баҳс мунозарага ёки тортишувга йўл қўйилмайди.. Биричидан, сансалорлик суд муҳокамасини муддатига таъсир қилади; иккинчида, юқори суд масалани қандай ҳал қилган бўлса, қуйи судлар унинг талабларига сузсиз амал қилишлари, қарорларини бажаришлари шарт.

49-БОБ. ЖИНОЯТ ИШИНИ СУДДА КҮРИШ УЧУН ТАЙИНЛАШ

395-модда. Жиноят ишини судда куриш учун тайинлаш ёхуд бошқача қарор қабул қилиш тартиби

Судья жиноят ишини айблов хулосаси билан ёки тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш масаласини куриб чиқиш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор билан қабул қилиб олгач, қўйидаги ҳал қилув қарорларидан бирини қабул қилиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқаради:

- 1) ишни судда куриш учун тайинлаш тўғрисида;*
- 2) жиноят иши юзасидан иш юритишни тухтатиб туриш тўғрисида;*
- 3) жиноят иши юзасидан иш юритишни тугатиш тўғрисида.*

Ишни судда куриш учун тайинлаш тўғрисидаги ёхуд бошқача қарор қабул қилиш ҳақидаги масала судья томонидан иш судга келиб тушган кундан бошлаб етти суткадан кечиктирмай ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат шу суднинг раиси томонидан қўпи билан уч суткагача узайтирилиши мумкин.

1. Жиноят ишини судда куриш учун тайинлаш босқичида айбланувчининг айбдорлик масаласи ҳал этилмай, айблов хулосаси билан тамомланган жиноят иши материали, тиббий йўсиндаги мажбурий чораларини қўллаш масаласи суд мажлисида куриб чиқиш учун асосларнинг етарли ёки етарли эмаслиги ҳал этилади. Судья иш материаллари билан танишиб чиқиб, қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- 1) жиноят иши барча талабларга тўлиқ жавоб беради деб ҳисобласа, уни судда куриш учун тайинлаш тўғрисида;
- 2) суд муҳокамасида иш куриш учун тўсқинлик мавжуд деб ҳисобласа, уни тухтатиш тўғрисида;
- 3) ишни тугатиш учун асослар мавжуд деб ҳисобласа, уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

2. ЖПКнинг 401-моддаси бўйича жиноят ишини тугатиш фақат суд мажлисида амалга оширилади. ЖПКнинг 421-моддасида жиноят иши тугатилиб, оқлов ҳукми чиқарилади ёки

асослар мавжуд бўлганида айбдорга жазо белгиламайдиган айблов ҳукми чиқарилади.

3. Ишни судда қўриш учун тайинлаш ёки бошқа мазмундаги қарорлар қабул қилиш, иш судга келиб тушган кундан эътиборан етти суткадан кечиктирмай ҳал қилиниши керак, иш ҳажмининг кўплиги муддатни узайтиришга асос бўлади. Суд раиси иш материаллини ҳажмига кўра у билан танишиш муддатини уч суткага узайтириши мумкин.

396-модда. Жиноят ишини судда қўриш учун тайинлаш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар

Жиноят ишини судда қўриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида судья ҳар бир айбланувчига нисбатан қуйидаги ҳолатларни аниқлаши лозим:

- 1) иш мазкур суднинг судловига тегишлими;***
- 2) ишни тугатиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатлар йўқми;***
- 3) ишнинг суд мажлисида қўрилиши учун асослар етарлими;***
- 4) суриштирув ва дастлабки тергов утказиш чоғида ушбу Кодекснинг талабларига риоя қилинганми;***
- 5) айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри танланганми;***
- 6) жиноят оқибатида етказилган мулкий зарар қопланишини таъминлаш чоралари қўрилганми;***
- 7) айблов хулосаси ушбу Кодекснинг талабларига мувофиқ тузилганми.***

Судья жиноят иши билан қонунда белгиланган муддатда танишиб чиқар экан, ҳар бир айбланувчига нисбатан қуйидаги ҳолатларни қандай ҳал қилинганлигига эътиборини қаратиши лозим:

- 1) жиноят ишининг қайси суднинг судловига тегишли эканлигига;***
- 2) ишни тугатиш ёки тўхтатиш асосларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига;***
- 3) иш тўла, ҳар томонлама холисона текширилиб, исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларнинг исботланганлигига;***

4) суриштирув ва дастлабки тергов утказиш чоғида ЖПКда белгиланган жиноят ишини кузгатиш, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини амалга оширилганлиги, зарурий процессуал ва тергов ҳаракатларининг тўғри бажарилганлиги, процессуал ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлиги ва ҳоказо қонун талабларига риоя қилинган ёки қилинмаганлигига;

5) айбланувчига унинг қилмиши ва шахсига муносиб эҳтиёт чораси танланган ёки танланмаганлигига;

6) жиноят оқибатида етказилган мулкӣ зарарни қоплаш чоралари курилган ёки курилмаганлигига;

7) айблов ҳулосасининг жиноят ишидаги ҳақиқӣ ҳолатларга мос ҳамда ЖПКда қуйилган талабларга мувофиқ тузилганлигига ва ҳоказо.

Бу масалаларни тўғри ҳал қилинганлиги суд мажлисининг ўз вақтида, мазмунан ҳал қилинишига имкон яратади.

397-модда. Жиноят ишини судда куриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарор

Жиноят ишини судда куриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарорда:

1) қачон ва қаерда чиқарилгани;

2) судьянинг лавозими ва фамилияси;

3) судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, Жиноят кодексининг унга нисбатан эълон қилинган айбга доир моддаси;

4) ишнинг суд мажлисида курилиши учун етарли асослар борлиги тўғрисидаги ҳулоса;

5) судланувчиларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарор;

6) суд муҳокамасида давлат айбловчисининг, шунингдек, ҳимоячининг иштироки;

7) суд муҳокамаси утказиладиган жой ва вақт курсатилиши лозим.

1. Судья аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни узил-кесил ҳал қилиб бўлгандан кейин жиноят ишини судда куриш учун тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Бу қарор процессуал ҳужжат сифатида айбланувчининг ишини мазмунан ҳал қилиш-

нинг асоси ҳисобланади ҳамда суд муҳокамасининг доирасини белгилайди.

2. Суднинг қарориди:

1) унинг қачон ва қаерда қабул қилинганлиги;

2) судьянинг лавозими ва фамилияси;

3) судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, ЖКнинг қайси моддаси билан айбланганлиги;

4) жиноят ишини суд муҳокамасида барча асосларнинг мавжудлиги;

5) судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини қандай тури қўллангани;

6) суд муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиб, давлат айбловини қўллайдиган ва ҳимояни амалга оширадиган шахслар ҳақидаги маълумот;

7) суд муҳокамаси қаерда, қачон ўтказилиши туғрисидаги маълумот кўрсатилиши керак.

398-модда. Мулкий зарарни қоплашни таъминлаш чоралари

Судья дастлабки тергов юритилганда жиноят оқибатида келтирилган мулкий зарар қоплашини таъминлаш чоралари қўрилмаганлигини ва бундай чоралар бевосита суд томонидан қўрилиши мумкин эмаслигини аниқласа, терговчининг зиммасига зарур чоралар қўриш вазифасини юклайди.

Дастлабки терговда исботланиши лозим бўлган ҳолатлардан бири етказилган мулкий зарарни қоплаш чораларини қўришдир. Суд муҳокамасига қадар жиноят орқасида етказилган мулкий зарар аниқланиб, уни қоплаш чоралари қўрилган бўлиши шарт. Агар судья жиноят ишини судда қўриш учун тайинлашда жиноят оқибатида етказилган мулкий зарарни қоплаш чоралари етарлича ҳал этилмаган ва суд муҳокамасида бунинг бартараф этишининг имкони йўқ деб ҳисобласа, ажрим чиқариб, терговчининг зиммасига ушбу масалаларни зудлик билан ҳал қилишни вазифа қилиб юклайди. Бу камчилик терговчи томонидан йўл қўйилганлиги учун ҳам, терговчи томонидан бартараф қилиниши шарт.

Жиноят ишени судда куриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида айбланувчининг яширинганлиги маълум бўлиб қолса, судья ушбу айбланувчига нисбатан ишени юритишни тўхтатиш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида ажрим чиқаради, ушбу Кодекс 410 ва 418-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Айни чоғда айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш масаласи ҳал этилади.

Айбланувчининг суд мажлисида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли касалликка чалинганлиги суд-тиббий экспертиза хулосаси билан тасдиқланган тақдирда, судья айбланувчи соғайгунга қадар ишени юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

1. Жиноят ишени юритишни тўхтатиш учун асослардан бири судланувчини суддан яширинганлигидир. Агар айбланувчи жиноят ишени суд муҳокамасига тайинлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинганга қадар яширинган бўлса, суд жиноят ишени прокурорга қайтаради ва айбланувчини қидириб топиш ҳақида қарор чиқаради. Агар бундай ҳол жиноят ишени судда куриш учун тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилгандан кейин содир бўлган бўлса, суд жиноят ишени юритишдан тўхтатиш ва судланувчига нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида ажрим чиқаради. ЖПК 410 ва 418-моддаларида курсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

2. Жиноят ишени судга тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилганга қадар судланувчи оғир ва давомли оғир касалликка чилинса, суд-тиббий экспертизасининг хулосаси билан жиноят иши юритишдан ажрим билан тўхтатади.

*400-модда. Тўхтатилган жиноят ишени прокурорга
ўтказиш*

Ушбу Кодекс 399-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ юритишдан тўхтатилган жиноят иши айбланувчини қидириш чораларини куриш учун айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга ўтказилади.

Жиноят ишени судга тайинлаш туғрисида қарор чиқарилгунга қадар айбланувчи яширинса, судья жиноят ишени тухтатиш туғрисида қарор чиқариб, жиноят иши материалени айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга айбланувчини кидириб топиш учун ўтказади.

401-модда. Жиноят ишени тугатиш

Ушбу Кодекснинг 83-моддасида ҳамда 84-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлса, суд жиноят ишени тугатади. Шу билан бирга суд қўлланилган эҳтиёт чораларини, фуқаровий даъво ни таъминлаш чораларини бекор қилади ҳамда ашёвий далиллар масаласини ҳал этади.

Суд ушбу Кодекс 84-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича ишни тугатишига ҳақлидир.

Ишнинг тугатилгани туғрисида айбланувчи ва жабрланувчига хабар берилади.

1. Реабилитация қилиш асослари ҳамда айблилик туғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишени тугатиш асосларининг биринчи қисмида белгиланган ҳолатлар мавжуд бўлса суд жиноят ишени тугатади.

2. Жиноят ишени тугатиш туғрисидаги ажримда қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилинганлиги, фуқаровий даъво бекор қилинганлиги ҳамда ашёвий далиллар тақдири узил-кесил ҳал қилинганлиги баён қилиниши керак. Агар шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича қонуний кучга кирган суд ҳукми бўлса ҳам жиноят иши тугатилади.

3. Суд томонидан жиноят ишени тугатилганлиги манфаатдор шахслардан айбланувчи ва жабрланувчига хабар қилинади. Улар қарор устидан норози бўлсалар шикоят қилишга ҳақлидирлар.

402-модда. Процесс иштирокчиларини жиноят иши материаллари билан таништириш

Судья жиноят иши судда муҳокама қилиш учун тайинлангандан сунг прокурор, ҳимоячи, жамоат айбловчиси,

жамоат ҳимоячиси, шунингдек, судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига, башарти улар дастлабки тергов даврида иш материаллари билан таништирилмаган бўлсалар, ишдаги барча материаллар билан танишиб чиқишлари ва узлари учун зарур бўлган маълумотларни кучириб олишларига имконият яратиши шарт.

1. Агар дастлабки тергов тамомланганда гумон қилинувчи, айбланувчи, уларнинг ҳимоячиси, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш материаллари билан танишиш ҳуқуқидан фойдаланмаган ёки танишишни рад этган бўлсалар, жиноят ишини судда қуриш учун тайинлангандан сўнг суд мажлиси бошлангунга қадар ишдаги барча материаллар билан танишишлари мумкин. Давлат айбловчиси сифатида иштирок этадиган прокурор ҳам дастлабки тергов материаллари билан танишмаган бўлса, унга ҳам худда шундай имконият берилади.

2. Жиноят ишларини юритишда жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этадиган шахслар айнан жиноят ишини судда қуриш учун тайинлаш туғрисидаги қарорда биринчи маротаба кўрсатилади ва улар процесснинг кейинги босқичида самарали фаолият юритишлари учун шу пайтдан бошлаб иш материаллари билан танишишлари мумкин бўлади.

3. Жиноят ишини судда қуриш учун тайинлаш туғрисида қарор чиқарилгандан сўнг судьяда мазкур моддадаги шахсларни белгиланган шартлар асосида ва тартибда иш материаллар билан таништириш мажбурияти вужудга келади.

4. Мазкур моддада кўрсатилган шахсларнинг дастлабки тергов давомида иш материаллари билан таништирилганлиги жиноят ишини судда қуриш учун тайинлашда улар билан танишиш имкониятидан маҳрум қилмаслиги керак. Гарчанд дастлабки терговда иш материаллари билан танишиб чиқилган бўлсада, жиноят ишини судда қуриш учун тайинлангандан кейин иш материаллари билан танишиш туғрисидаги илтимоснинг қондирилиши фойдадан холи эмас.

5. Жиноят ишини судда қуриш учун тайинлаш туғрисида қарор чиқарилгандан сўнг иш материаллари билан танишиб чиқишнинг процессуал тартиби дастлабки иш материаллари

билан танишиш тартибига ухшашдир. Суд иш материаллари билан танишиш учун ҳозир бўлган шахсга у билан танишиш, чекловларсиз ундан кўчирмалар олиш учун реал шароит яратиб бериши, агар бундай шахслар кўп бўлса, уларнинг танишиш навбати белгиланиши шарт. Жиноят иши материаллари билан суд биносида танишилади. Айбланувчи камокда сақланаётган бўлса, суднинг биносида ёки судланувчи сақланаётган жойда жиноят иши материаллари билан таништирилади.

6. Иш материаллари билан танишиб чиқилганидан сўнг илтимосномалар жиноят иши бўйича суд муҳокамаси бошлангунга қадар берилиши мумкин. Судья илтимоснома мазмунидан келиб чиқиб, уни суд мажлисида ёки суд мажлисига тайёргарлик куриш жараёнида ҳал қилиши мумкин.

Агар дастлабки тергов тамомлангандан сўнг айбланувчи ишдаги барча материаллар билан таништирилмаган бўлса ва қоидабузарлик суд томонидан бартараф этилмаган бўлса, жиноят процессуал нормаларнинг жиддий бузилиши деб баҳоланади. (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги №17 сонли “Гумон қилинувчи ва айбланувчини химоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонушларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори)

403-модда. Суд мажлисига чақириш

Судья ўз қарорида кўрсатилган шахсларни суд мажлисига чақириш тўғрисида фармойиш беради, уларга чақирув қозғоғи топширилишини таъминлайди, шунингдек, суд мажлисига тайёргарлик билан боғлиқ бошқа чораларни куради.

1. Судья ўз қарорида кўрсатилган шахсларни суд мажлисига чақириш тўғрисида фармойиш беради. Фармойиш оғзаки ёки ёзма шаклда бўлади ва у суд девони томонидан ижро этилади. Чақирув хати эса котиб томонидан ёзилади ва юборилади.

Судья чақирув хатининг ўз вақтида юборилиши ва чақирилган шахсларнинг ҳозир бўлишини таъминловчи қўшимча чораларни куриш учун чақирув хати уларга етиб борганлигини назорат қилади.

2. Амалиётда кўп сонли гувоҳлар иштирок этган ҳолларда судья уларнинг барчасини жиноят ишини судда куришнинг бошланиш вақтида чақирмайди. Улар айнан сурок қилинадиган

кунда чақирилади. Чунки гувоҳларни келиб-кетиш билан боғлиқ харажатларни, узоқ хууддан келадиган гувоҳларни жой билан таъминлаш харажатларини тежаш судьянинг маънавий бурчи ҳисобланади.

3. Мазкур моддадаги суд мажлисига тайёргарлик билан боғлиқ бошқа чоралар кўриш деганда халқ маслаҳатчилари, давлат айбловчиси, ҳимоячи, гаржимоннинг иштирокини таъминлаш чораларини амалга ошириш тушунилади.

4. Агар иш сайёр судда кўриладиган бўлса, судья суд мажлиси ўтказиладиган бино билан шахсан танишиб чиқади.

404-модда. Суднинг жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш ва ишни тугатиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят бериш ва протест билдириш

Суднинг жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш ва ишни тугатиш тўғрисидаги ажрими устидан айбланувчи, жабрланувчи хусусий шикоят бериши ва прокурор хусусий протест билдириши мумкин.

1. Жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш устидан хусусий шикоят бериш ёки хусусий протест келтириш асослари ва процессуал тартиби бу ҳақда умумий қоидаларга биноан ҳал этилади.

2. Айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи суднинг жиноят ишини дастлабки терговга қайтариш ва ишни тугатиш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоят, прокурор хусусий протест келтиради.

405-модда. Суд мажлисида жиноят ишини муҳокама қилиш муддати

Жиноят ишини судда муҳокама қилишга тайинлаш тўғрисида судьянинг қарори чиқарилган вақтдан бошлаб кўпи билан ўн суткада суд ишни кўришни бошлаши лозим.

Жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддати ишни муҳокама қилиш бошланган кундан эътиборан икки ойдан ошмаслиги керак.

Жиноят ишини кўриш тўхтатиб турилган вақт ишни муҳокама қилиш муддатига кирмайди.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган муддат биринчи инстанция судининг ажримига асосан Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси томонидан тўрт ойгача узайтирилиши мумкин.

Судларда жиноят ишларини кўриб чиқиш муддатини тўрт ойдан кўпроққа узайтиришга алоҳида ҳолларда фақат мураккаб ва кўп воқеали ишлар бўйича йўл қўйилади. Биринчи инстанция судининг ажримига асосан беш ойгача бўлган бундай узайтириш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари ва олти ойгача бўлган шундай узайтириш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан амалга оширилади.

1. Жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш босқичида бир қанча муддатлар белгиланган: биринчиси Жиноят иши судга келиб тушгандан кейин судьянинг ЖПКнинг 395-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган қарорлардан бирини қабул қилишгача бўлган етти суткалик муддат; иккинчиси ишни судга тайинлаш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин суд муҳокамаси бошлангунга қадар бўлган ўн суткалик муддат.

2. Суд мажлисининг икки ойлик муддатини узайтириш мумкин. Бунинг учун иш кўраётган суд юкори судга муддатни узайтириб бериш тўғрисида асослантилган ажрим билан мурожаат қилади. Суд ўз ажримида бажарилган ишлар ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни кўрсатиши шарт.

3. Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди ва Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг раиси суд мажлисининг муддатини тўрт ойгача узайтириб беришга ҳақли.

4. Бу муддатни янада узайтиришга алоҳида ҳолларда унинг мураккаблиги, кўп воқелиги сабабли йўл қўйилади. Суд мажлисини беш ойлик муддатга узайтириш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раис ўринбосари ваколатига тегишли. Бу муддатни олти ойгача узайтириш фақат Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси томонидан амалга оширилади.

50-БОБ. СУД МУҲОКАМАСИНИНГ УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

406-модда. Жиноят ишhini муҳокама қилиш чоғида суд таркибининг ўзгармаслиги

Ҳар бир жиноят иши бир таркибдаги суд ёки бир судья томонидан кўриб чиқилиши лозим.

1. Қонунийликни, суднинг ваколатлилиги ва холислигини таъминлаш учун муайян ишни кўрадиган суд ҳайъатини тўғри белгилаш муҳим аҳамият касб этади (13-моддага берилган шарҳга қаранг).

2. Суд таркиби ўзгармаслиги – далилларни суд терговида бевосита текшириш, уларни тўғри баҳолаш ва жиноят ишhini мазмунан адолатли хал этишининг муҳим кафолатидир. Суд мажлисида қисмангина иштирок этган судья қонун талаб қилганидек, суд жараёнидаги барча ҳолатларни бевосита била олмайди, демак, судда текширилган барча далилларга тўғри баҳо бериб, қонуний ва асосли ҳукм чиқара олмайди. Айнан шунинг учун, иш якка тартибда ёки ҳайъатда кўрилаётганидан катъи назар, ҳар бир судья суд мажлисида ҳозир бўлиши ва ўз мажбуриятларини мунтазам бажариши лозим. Агар судьядан бири касал бўлиб қолса ёки бошқа сабабга кўра суд мажлисида қатнашиш имконига эга бўлмаса, у бошқа судья билан алмаштирилади ва ишни кўриш қайтадан бошланади.

3. Суд таркиби ўзгармаслигининг бузилиши жиддий қонун бузилиши ҳисобланиб, юқори суд томонидан ҳукм бекор қилиниши учун асос бўлади (381-моддага берилган шарҳга қаранг).

407-модда. Захирадаги халқ маслаҳатчиси

Башарти ишни муҳокама қилиш узоқ вақт талаб қиладиган бўлса, ишда захирадаги халқ маслаҳатчиси қатнашиши мумкин бўлиб, у ишни муҳокама қилиш бошланган пайдан эътиборан суд мажлиси залида ҳозир бўлади ва судьянинг ҳуқуқларидан фойдаланади, суд маслаҳатлашувларида ва иш бўйича қарор чиқариш вақтида қатнашиш ҳуқуқи бундан мустасно.

Халқ маслаҳатчиси суд таркибидан чиқиб кетган тақдирда захирадаги халқ маслаҳатчиси унинг урнини эгаллайди ва ишни муҳокама қилиш давом этади.

1. Суд ҳайъатида икки нафар халқ маслаҳатчиларининг иштирок этиши аҳолини одил судловни амалга оширишга жалб этиш воситасидир. Халқ маслаҳатчилари биринчи инстанция суди томонидан жинойт иши қўрилганда бевосита иштирок этадилар. Улар суд муҳокамасидан келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилишда, суд баённомасига оид шикоятларни қўришда, хилма-хил процессуал муаммоларни ечишда бевосита судья билан биргаликда иштирок этадилар ва ўз фикр-мулоҳазаларини судьяга етказиб, ушбу масалалар бўйича келиб чиққан муаммоларни ҳал қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Агар халқ маслаҳатчисининг фикри раислик қилувчи судьянинг фикрига тўғри келмаса, раислик қилувчи судья унга қайси қонун талабларига биноан халқ маслаҳатчисининг фикри нотўғри эканини тушунтириб бериши шарт.

2. Суд мажлисида раислик қилувчининг яқка ўзи ҳал қиладиган айрим масалалар ҳам суд таркиби назорати остида бўлади. Масалан, суд муҳокамаси пайтида судланувчи еки жабрланувчи тартибни бузганда уларни суд залидан чиқариб юбориш учун халқ маслаҳатчисининг фикрини эътиборга олиш лозим.

408-модда. Суд мажлисида раислик қилувчи

Суд мажлисида шу суднинг раиси, унинг уринбосари ёки судья раислик қилади.

Раислик қилувчи суд мажлисига раҳбарлик қилади, ишнинг барча ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тула ва ҳолисона текшириш ҳамда ҳақиқатни аниқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган ҳамма чораларни қўради, қўрилайётган ишга алоқаси бўлмаган ҳолатларни суд муҳокамасига қиритмайди.

Раислик қилувчи суд мажлиси залида тартибга риоя қилинишини таъминлайди. Унинг фармойишлари тарафлар ва барча ҳозир бўлганлар учун мажбурийдир.

Тарафлардан ёки бошқа шахслардан бирортаси раислик қилувчининг ҳаракатларига эътироз билдирган тақдирда бу эътирозлар суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади.

1. Раислик этувчи - бу жиноят ишини ҳайъага курилаётганда мажлисга раҳбарлик қилувчи судья, шунингдек, ишни якка тартибда кураётган судьядир. Суд муҳокамасида у ўз мажбуриятларини суд мажлиси очилганидан ҳукм ўлон қилингунига қадар бажаради. Раислик этувчининг мажбуриятларига, шунингдек, ҳукм устидан шикоят берилганда ишнинг кейинги йўналишини таъминлаш ва қонуний кучга кирган ҳукмни ижрога қаратиш киради. Суд мажлисида суд аъзоларига тажрибали судья раҳбарлик қилиб, у барча суд муҳокамаси иштирокчиларининг фаолиятини бошқаради, суд терговини режалаштиради ва одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни таъминлайди.

2. Суд мажлиси вақтида раислик этувчи судланувчи ва процесс иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқларини тушунтиради, суд муҳокамасини олиб боради, процесс иштирокчилари ва суд мажлисида қатнашаётган бошқа шахслар томонидан ҳар қандай тартиббузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар куради.

3. Курилаётган иш бўйича раислик этувчининг курсатмалари суд мажлисида қатнашаётганлар учун мажбурийдир. Процесс иштирокчиларининг эътирозлари, бу ҳақда илтимоснома киритилганидан қатъи назар, суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

4. Суд мажлисида раислик қилувчининг раҳбарлиги суд процессининг тарбиявий аҳамиятини таъминлаб, иш ҳолатларини тартибли равишда куриб чиқишга имконият яратади. Суд муҳокамасида раислик қилувчининг аниқ ҳаракатлари, халқ маслаҳатчилари маслаҳатлашуви ва тарафлар билан фикрлашуви процессуал қонун талабларига қатъий риоя қилган ҳолда иш олиб бориши, ҳулласи қонунга эътиқод билан ёндашуви процесс иштирокчиларидан ҳам шуни талаб қилиши учун замин ҳозирлайди. Суд таркиби ишни куришда уни ҳар томонлама, тула ва ҳолисона текширилишини таъминлаш чораларини куриши, судланувчининг айбини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни аниқлаши лозим. Шунингдек, иш юзасидан ҳақиқатни аниқлаш учун фақатгина ишдаги материаллар ва

далиллар билан чегараланиб қолмай, ўз ташаббуси билан далиллар тўплаши ва текшириши лозим.

5. Суд муҳокамасининг барча иштирокчилари ва суд мажлиси залида қатнашувчи фуқаролар ҳам раислик қилувчининг барча фармойиш ва талабларини сўзсиз бажаришлари керак. Суд мажлисида тартибга риоя қилмаган гувоҳларни ва бошқа фуқароларни огоҳлантиради ва улар тартибни такрор бузган гақдирда суд залидан чиқариб юбориш ҳуқуқига эгадир.

6. Суд муҳокамаси пайтида раислик этувчи, тушган ариза ва илтимослар тўғрисида тарафларнинг фикрини сўрайди, ишга алоқаси бўлмаган мазмундаги саволларни чиқариб ташлаш ҳуқуқига эга. Суд муҳокамасида раҳбарликни раислик қилувчи судья амалга оширса-да, иш юзасидан далилларни текшириш, ўрганиш ва баҳо бериш ҳайъат иштирокида ҳал қилинади. Ишни муҳокама қилишда келиб чиққан, ҳайъатда ҳал қилинишини талаб қилувчи масалалар купчилик овоз билан қабул қилинади. Агар раислик қилувчининг фикри тўғрисида халқ маслаҳатчиларининг бирида иккиланиш пайдо бўлса, бу масала ҳам ҳайъат аъзолари иштирокида куриб ҳал қилинади.

409-модда. Суд муҳокамасида прокурорнинг иштироки

Прокурор биринчи инстанция судларида жиноятларга доир ишларни куришда иштирок этиб, давлат айбловини қувватлайди, далилларни текширишда иштирок этади, судланувчиларга, жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва судга таклиф этилган бошқа шахсларга саволлар беради, Жиноят кодексининг нормаларини қўллаш, судланувчининг ҳаракатларини тавсифлаш, унга жазо турини ва меъёрини тайинлаш тўғрисида ҳамда суд ҳал этиши лозим бўлган бошқа масалалар юзасидан ўз фикрини баён қилади, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақида ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чоралар хусусида ўз фикрини билдиради.

Прокурор давлат айбловини қувватлар экан, ушбу Кодекснинг, Ўзбекистон Республикаси бошқа қонунларининг талабларига ва ишнинг барча ҳолатларини қараб чиқишга асосланган ўз ишончига амал қилади.

Суд тергови маълумотлари асосида прокурор судланувчига қўйилган айбловни ўзгартириш зарур деган хулосага келса, у бу ҳақда судга асослантирилган баёнот бериши шарт.

Суд муҳокамаси натижасида прокурор суд тергови маълумотлари судланувчининг айбсизлигидан далолат беради деган ишончга келса, у айбловдан воз кечиши ва воз кечиш сабабларини судга баён қилиши шарт.

Прокурор айбловнинг мазмунини ўзгартириш ёки айбловдан воз кечиш сабаблари хусусидаги фикрини судга ёзма равишда тақдим этиши шарт.

Прокурор, башарти фуқароларнинг ҳуқуқларини ва жамият манфаатларини муҳофаза этиш мақсадлари талаб қилса, даъво қўзғатади ёки жабрланувчи томонидан қўзғатилган фуқаровий даъвони қувватлайди.

Прокурор жиноят ишларини куришда ёки ҳукми ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ёхуд ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда бошқа масалаларни ҳал этишда апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судида иштирок этади.

1. Суд муҳокамасининг иштирокчиларидан бири бўлган прокурор судда давлат номидан айбловни қўллаб қувватлайди. Прокурор жиноят процессининг барча босқичларида кенг ваколатларга эга бўлиб, хусусан суд муҳокамаси босқичида давлат номидан айбловни қўллаб-қувватловчи мансабдор шахс функциясини бажаради ҳамда судда тарафлардан бири – айбловчининг мавкеи, ҳолати ва ўрнини эгаллайди. Суд муҳокамасида прокурор умумий қоидага бўйсунди, раислик қилувчининг фармойиш ва талаблари бошқа иштирокчилар билан бир қаторда прокурор учун ҳам мажбурийдир.

2. Прокурор суд муҳокамаси вақтида қонун бузилишининг ҳар қапдай куринишларига суднинг эътиборини тортади, суд томонидан қонун бузилишига йул қўйилганда бу ҳақда судга ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга.

3. Суд муҳокамасида прокурор судланувчига, жабрланувчига, гувоҳларга, эксперт ва мутахассисларга савол бериб жавоб олиш, илтимослар қилиш, далиллар келтириш, қўшимча гувоҳлар ва ҳужжатлар тақдим қилиш, далилларга баҳо бериб, ўз фикрини баён қилиш, айбдор шахсга жазо тури ва муддатини белгилаш туғрисида ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга.

Прокурорнинг суд муҳокамасида иш юзасидан қилган илтимос ва талаблари суд учун мажбурий бўлмай, умумий асосларда ҳал қилинади. Шунингдек, прокурорнинг судланувчига нисбатан жиноят қонунини қўллаш ва жазо белгилаш ҳақидаги фикрлари ҳам суд учун мажбурий эмас. Суд ишга ҳолисона ёндашган ҳолда иш ҳолатларини ҳисобга олиб, бир ҳулосага келади.

Суд муҳокамасида прокурор процесснинг иштирокчиларидан бири, у фармойиш бериш ҳуқуқига эга эмас, суд муҳокамасининг иштирокчиларига ҳам курсатма ва йул-йуриқлар бера олмайди, у судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш ҳамда далилларни текшириб, баҳо беришда фаол иштирок этиши лозим.

4. Давлат айбловчиси суд мажлисида айбдорнинг қонуний жазога тортилишига эришиш учун барча қонуний воситалардан фойдаланиши шарт. Лекин агар суд муҳокамаси давомида айблов ўз тасдиғини топмаса, прокурорнинг ҳуқуқий мажбурияти айбловдан воз кечишдир. У айбловдан воз кечиши ва воз кечиш сабабларини судга баён қилиши шарт. Айбловдан воз кечиш тўлиқ ёки қисман бўлиши мумкин. Прокурорнинг айбловдан воз кечиши, суд томонидан суд муҳокамасини давом эттириши, судланувчининг айбдор ёки айбсизлиги масаласини ҳал қилиши учун тўсқинлик қилмайди ва судни бу мажбуриятдан озод этмайди.

5. Суд тергови маълумотлари асосида прокурор судланувчига қўйилган айбловни ўзгартириш зарур деган ҳулосага келса, у бу ҳақда судга асослантирилган ёзма баёнот бериши шарт. Суд ҳукм чиқариши учун маслаҳатхонага кириб кетгунга қадар давлат айбловчиси исталган пайт фақат айбловни енгиллаштирувчи томонга ўзгартиришга ҳақли. Бу ҳолда суд муҳокамаси давом этиши мумкин.

6. Айбловни қўллаб-қувватлаш айна вақтда фуқаровий даъво учун ҳам асос ҳисобланади. Прокурор ўзининг давлат айбловчиси роли билан тўлиқ мантиқий боғлиқ равишда, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва жамият манфаатларини муҳофаза этиш мақсадида даъво қўзғатиш ёки жабрланувчи томонидан қўзғатилган фуқаровий даъвони қувватлаш ҳуқуқига эга.

7. Прокурор давлат айбловини қувватлар экан, ЖПК ва бошқа қонунларнинг талабларига ҳамда ишнинг барча

ҳолатларини текшириб чиқишга асосланган ўз ички ишончига амал қилади. Прокурор суднинг чиқарган ноқонуний ва асоссиз қарорига нисбатан, иштирок этган-эتماганлигидан қатъи назар, протест келтиришга мажбур.

410-модда. Суд муҳокамасида судланувчининг иштироки

Биринчи инстанция судининг мажлисида жиноят иши судланувчининг иштирокида муҳокама қилинади, судланувчининг судга келиши шарт.

Судланувчи суд мажлисига келмаса, ишни муҳокама қилиш кейинга қолдирилиши лозим, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Судга келмаган судланувчини суд мажбурий келтиришга, шунингдек, унга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллашга ёки эҳтиёт чорасини ўзгартиришга ҳақлидир.

Ишнинг судланувчи иштирокисиз муҳокама қилинишига судланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган ва судга келишдан бўйин товлаган, унинг йўқлиги иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга монелик қилмаган тақдирдагина ёхуд у ушбу Кодекс 272-моддасида назарда тутилган тартибда суд мажлиси залидан чиқариб юборилган бўлса, йўл қўйилиши мумкин.

1. Шарҳланаётган модда мазмунига кўра, судланувчи ҳуқуқларининг кафолати, жумладан одил судловни амалга ошириш кафолати – суд мажлисида унинг иштирок этиши мажбурийлигидир. Жиноят ишининг барча ҳолатларини тўлиқ ва ҳар томонлама тадқиқ қилиш ва текширилишини таъминлаш мақсадида суд ишни судланувчисиз кўриб чиқиш учун асослар бўлган тақдирда ҳам, суд муҳокамасида судланувчининг иштирокини мажбурий деб топиши мумкин. Судланувчи узрли сабабларсиз суд мажлисига келмаса, суд унга нисбатан қонунда кўрсатилган мажбурий келтириш чораларини қўллаши зарур, шунингдек, унга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллашга ёки эҳтиёт чорасини турини ўзгартиришга ҳақлидир.

2. Судланувчи суд муҳокамасида раддия бериш, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ёки ҳимоячи олиш, ариза ва илтимослар бериш, бошқа иштирокчиларнинг илтимослари юзасидан ўз фикрини

айтиш, ишга қўниш учун ҳужжатлар тақдим қилиш, қўшимча гувоҳлар чақиришни ва ҳужжатларни сураб олишни талаб қилиш, экспертиза тайинлашни сураш, суд терговининг хоҳлаган пайтида тушунтириш бериш, суддан айрим ҳужжатлар ва курсатувларни ўқиб эшиттиришни сураш, бошқа судланувчиларга, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт, фуқаровий даъвогар ва бошқаларга савол бериш, далиллар тақдим қилиш, воқеа жойини кўздан кечиришда қатнашиш, агар ҳимоячи бўлмаса, суд музокараларида ҳимоя сўзини ҳамда охириги сўз сўзлаш ҳуқуқига эга.

3. Агар судланувчи Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлмаса, ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин эмас. Судланувчининг суд муҳокамаси ҳақида хабардор бўлганлиги ва ҳозир бўлишдан бош тортганлигини аниқлаш зарур.

Жиноят ишини судланувчининг иштирокисиз муҳокама қилинишига қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

а) судланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган ва судга келишдан бўйин товлаган, унинг йўқлиги иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга монелик қилмаган тақдирда;

б) ЖПК нинг 272-моддасида назарда тутилган тартибда суд мажлиси залидан чиқариб юборилган бўлса.

4. Судланувчининг иштирокисиз ишни кўриб чиқиш тўғрисидаги қарор, агар ана шундай ишни кўриб чиқиш тўғрисидаги ташаббус ва илтимосни судланувчининг ўзи билдирса, суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Агар ҳимоячи ушбу илтимосни эълон қилиш ваколатига эга бўлмаса ва судланувчи томонидан ҳимоячига бундай ваколат берилмаган бўлса, судланувчининг иштирокисиз ишни кўриб чиқиш тўғрисидаги илтимос рад этилади.

5. Шарҳланаётган ушбу модданинг талабларини бузиб, ишнинг судланувчи иштирокисиз кўриб чиқилиши ҳукмнинг бекор қилинишига олиб келади.

6. Судланувчи суд муҳокамасида тартибни бузган тақдирда раислик қилувчи томонидан огоҳлантирилади. Агар такроран тартибни бузса, суд ажрими билан суд залидан чиқарилиб, суд муҳокамаси унинг иштирокисиз давом эттирилади. Лекин иш бўйича чиқарилган ҳукм унинг иштирокида ўқиб эшиттирилади.

411-модда Жабрланувчининг суд мажлисига келмаслиги оқибатлари

Жабрланувчи суд мажлисига келмаса, суд жабрланувчининг иштирокисиз ишдаги барча ҳолатларни тула аниқлаш ҳамда унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мумкин ёки мумкин эмаслигига қараб, жиноят ишини муҳокама қилиш ёки кейинга қолдириш масаласини ҳал этади.

Жабрланувчи суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда суд уни мажбурий келтириш ҳақида ажрим чиқаради.

1. Ишни муҳокама қилиш вақти ва жойи тўғрисида жабрланувчи олдиндан хабардор қилиниши зарур.

Жабрланувчининг суд мажлисига келмаслиги ишнинг барча ҳолатларини тўлиқ аниқлашга унинг иштирокисиз имконияти йўқлиги туфайли ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилади. Унинг иштирокисиз суд муҳокамасининг олиб борилиши бево-сита жабрланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилишига олиб келади.

2. Жабрланувчининг иштирокисиз ишни кўриб чиқиш им-кониятини баҳолашда суд, ушбу процесс иштирокчиси берган кўрсатувларнинг иш бўйича далилий аҳамиятидан келиб чиқа-ди. Жабрланувчининг келмаганлиги сабабли ишни муҳокама қилиш ёки кейинга қолдириш масаласини ҳал қилишда суд прокурорнинг, судланувчининг ва унинг ҳимоячисининг, мав-жуд бўлса, – бошқа жабрланувчиларнинг, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларининг ҳам бу борадаги фикрларини эшитади. Башарти, жабрланувчининг суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги, унинг кўрсатувлари эса иш учун аҳамиятга эга эканлиги аниқланса, суд жабрланувчини қайта чақириш ёки мажбурий келтириш чораларини кўриши шарт.

3. Жабрланувчининг суд муҳокамасида иштирок этиш им-кониятини истисно этмайдиган сабабларга кўра келмаганлиги, унинг иштирокисиз ишни кўриб чиқиш эса, жиноят ишининг барча ҳолатларини тўлиқ аниқлашни таъминлай олмаса, суд ишни муҳокама қилишни кейинга қолдиради. Агар жиноят иши юзасидан бир неча жабрланувчилар мавжуд бўлиб, уларнинг

баъзилари судга келмаса, ҳар бирининг иштирокисиз ишни куриб чиқиш масаласи ҳал қилинади.

4. Жабрланувчи суд мажлисига узрсиз сабабларга кура келмаган тақдирда суд уни мажбурий келтириш ҳақида ажрим чиқаради. Жабрланувчининг курсатуви фақат унинг уз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш воситаси бўлиб қолмасдан, балки иш бўйича ҳақиқатни аниқлашда муҳим омил ҳисобланади.

412-модда. Прокурорнинг, ҳимоячининг, жамоат айбловчисининг, жамоат ҳимоячисининг суд мажлисига келмаслиги оқибатлари

Прокурор суд мажлисига келмай қолган тақдирда жиноят ишини муҳокама қилиш кейинга қолдирилади.

Ҳимоячи суд мажлисига келмаса, уни бошқа ҳимоячи билан алмаштиришга фақат судланувчининг розилиги билан йул қўйилади. Шу суд мажлисида ҳимоячини алмаштириш имконияти бўлмаса, ишини муҳокама қилиш кейинга қолдирилади.

Жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси судга келмай қолса, ишнинг ҳолатларига қараб, суд ишни уларнинг иштирокисиз куриш мумкинлиги ёки муҳокамани кейинга қолдириш масаласи ҳал этади.

Ишга янги киришган прокурорга ёки ҳимоячига суд муҳокамасида иштирок этишга тайёргарлик куриш учун зарур вақт берилиши лозим.

Прокурор ёки ҳимоячининг узрсиз сабабларга кура судга келмаганлиги туғрисида суд тегишлича юқори турувчи прокурорга ёки адвокатлар малака комиссиясига хабар қилади. Жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси узрсиз сабабларга кура келмаган тақдирда суд бу ҳақида тегишли жамоат бирлашмасига ёки жамоага хабар қилади.

1. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган жиноят процесси иштирокчиларининг иштирокисиз ишни куриб чиқиш имконияти туғрисидаги масалани ҳал қилишда, суд уларнинг ҳар бири ғима сабабдан келмаганлигини аниқлаши ва бу борада зарурий чоралар куриши керак.

2. Муайян ишни куриб чиқишда узрсиз сабабларга кура иштирок этмаган прокурорга нисбатан тегишли чоралар куриш масъулияти прокуратура рахбарига юклатилган.

3. Ҳимоячи келмаган тақдирда, айбланувчига бошқа ҳимоячи таклиф этилса ёки келмаган ҳимоячи суд томонидан айбланувчининг илтимосига ва розилигига кура ушбу Кодекснинг 50-моддасида назарда тутилган шартларга риоя қилган ҳолда алмаштирилса, ишнинг суд томонидан янги ҳимоячиси иштирокида куриб чиқиш давом эттирилиши мумкин.

4. Келмаган жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячисининг иштирокисиз ишни муҳокама қилиш туғрисидаги масалани ҳал қилишда суд муайян ишнинг ҳолатларидан, унинг ижтимоий аҳамияти, мазкур иш буйича суд жараёнининг тарбиявий аҳамияти, судланувчинининг шахси ва бошқа ҳолатлардан келиб чиқиши лозим.

413-модда. Фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарнинг суд мажлисига келмаслиги оқибатлари

Фуқаровий даъвогар ёки унинг вакили суд мажлисига келмаган тақдирда, суд фуқаровий даъвои кўрмайди. Бу ҳолда мулкӣ зарар кўрган шахсининг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво қилиш ҳуқуқи сақланади.

Суд фуқаровий даъвои фуқаровий даъвогарнинг илтимосига кура унинг иштирокисиз кўришга ҳақлидир.

Башарти фуқаровий даъвои прокурор қувватласа ёки суд уни кўриш зарур деб топса, фуқаровий даъвогар ёки унинг вакили келиш келмаслигидан қатъи назар, суд фуқаровий даъвои кўраверади.

Фуқаровий жавобгар ёки унинг вакилини суд мажлисига келмаслиги фуқаровий даъвои кўришни тўхтатмайди.

1. Фуқаровий даъво узида жиноят ва фуқаролик иш юритувни мужассамлаштириш тартибига асосланган институт ҳисобланади. Фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарларнинг суд мажлисига келмаслиги оқибатида диспозитивлик қондаси бузилади. Диспозитивликнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, унга кура фуқаровий даъвогар ва жавобгарнинг суд муҳокамасига келмаслиги ишни кўришга тўсқинлик қилмайди.

Фукаровий даъвони судда кўриш тартиби шарҳланаётган моддадаги шартлар асосида ҳал этилади. Ҳар қандай ҳолда ҳам жиноят иш юритувида қурилмаган фукаровий даъво, умумий фукаровий тартибда даъвони кўриб чиқилишига таъсир кўрсатмайди. Фукаролик судлари бундай даъво бўйича аризани қабул қилиши учун ушбу даъво билан боғлиқ жиноят иши бўйича суд ҳукми чиқарилган бўлиши лозим. Ушбу ҳолларда фукаролик ишлари бўйича суд фукаровий жавобгар шахс сифатида эътироф қилинаётган шахс томонидан ушбу қилмиш содир этилган ёки этилмаганлик масаласини ҳукм асосида ҳал этади.

2. Фукаровий даъвони фукаровий даъвогарнинг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаган ҳолларда, агар даъвогар давлат муассасаси ёки жамоат бирлашмаси бўлса, суд даъвогарнинг вакилини суд мажлисига чақириш юзасидан тегишли чоралар кўриши лозим.

3. Шарҳланаётган модда мазмунига кўра суд фукаровий даъвогарнинг иштирокисиз фукаровий даъвони жиноят иши бўйича суд муҳокамасида кўриш учун, биринчидан, фукаровий даъвогар уз иштирокисиз ишни кўриш тўғрисида илтимоснома билан судга мурожаат этган бўлса ёки, иккинчидан, фукаровий даъвони прокурор қувватлаётган бўлса йўл қўйилади. Бунда суд фукаровий даъвони кўриб чиқмасдан қолдириш, фукаровий даъвогарнинг унинг иштирокисиз ишни кўриб чиқиш тўғрисидаги илтимосини қолдириш ёки рад этиш тўғрисида асосланган ажрим чиқариши лозим.

414-модда Суд муҳокамасининг доираси

Судда жиноят ишини муҳокама қилиш фақат айбланувчиларга нисбатан олиб борилади. Тайинланган жазонинг энгиллиги ёки оғирроқ жиноят тўғрисидаги қунунни қўллаш зарурлиги туфайли ҳукм бекор қилингандан кейин иш кўриб чиқилган тақдирда суд муҳокамаси судланувчининг умуман айбдор ёки айбдор эмаслиги масаласига дахл қилмаган ҳолда жиноятни тавсифлаш ва жазо чораси хусусидагина боради.

1. Суд муҳокамасининг доираси муайян судланувчи ва унга эълон қилинган айблов билан чегараланади. Судланувчига қуйидаги учта узаро алоқадор бўлган ҳужжатлардаги айбловдан

бошқа айб ёлон қилиниши мумкин эмас: жиноят ишида айбланувчи тарикасида жалб этиш ҳақидаги қарор; айблов хулосаси; жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарор.

2. Айбловни оғирроғига ўзгартириш деганда ЖКнинг бошқа нормалари (моддаси, қисми ва банди) қўлланилиши натижасида санкцияси оғирроқ жазони ёхуд айблов ҳажмини орттирувчи жиноят тавсифини ўзгартиришга олиб келувчи қўшимча фактлар айбловга киритилиши назарда тутилади. Бу ҳолда суд ишни мазмунан ҳал қилмай қўшимча терговга қайтади.

3. Суд терговида аниқланган ҳолатлар ёлон қилинган айбловни тенг ёки енгилроқ жазони назарда тутувчи янги айблов билан ўзгартириш зарурлигини тақазо қилса, суд иш муҳокамасини давом эттириб, янги айблов бўйича ҳукм чиқариши мумкин. Шу билан бирга судланувчининг қилмишини енгилроқ жазо, шунингдек, илгариги тавсифни ёки айбловнинг бир қисмини сақлаб қолиб, айбловнинг айрим ҳолатларини истисно қилишни назарда тутувчи модда бўйича тавсиф қилиш мумкин. Айбловдан айрим ҳолатларни олиб ташлаш, шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳолатни бузмайди, маҳкумнинг ҳолатини оғирлаштирмайди ва ёлон қилинган айблов ҳажмининг кенгайишига олиб келмайди.

4. Судда иш муҳокамаси фақат айбланувчиларга нисбатан ўтказилади. Бунда янгитдан суд терговини ўтказмасдан судланувчиларнинг ва тарафларнинг жиноят тавсифи ва жазо чораси ҳақидаги фикрлари эшитилиб, музокара ва судланувчиларнинг охириги сўзлари тингланиб, суд муҳокамаси ниҳоясига етказилади. Суд ҳукмида бошқа шахсларнинг жиноят содир этишда айбдорлиги ҳақида маълумотларни, агар бундай маълумотлар жиноят иши материалларида бўлмаса, кўрсата олмайди.

5. Агар ёлон қилинган айбловлардан бири судда тегишли далиллар билан ўз тасдиғини топмаса, суд муҳокамаси айбловнинг тасдиғини топмаган қисми бўйича оқлов ва тасдиғини топган қисми бўйича эса айблов билан тугаши лозим.

6. Суднинг оғирлаштирувчи томонга ўтишини тақиқлашдан кўзланган асосий мақсад судланувчининг ҳимоя ҳукукининг бузилишига йўл қўймаслик ҳисобланади. Зеро, дастлабки терговда ёлон қилинган айбловдан бутунлай фарқ қиладиган айбловнинг ёлон қилиниши суд муҳокамаси жараёнида ҳимояга

мухтож тараф ишда ҳимоя чоралари кўришини қийинлаштиради.

415-модда Айбловнинг суд томонидан узгартирилиши

Суд айбловни узгартиришга ҳақли. Бунда айбловнинг бир қисми ёки жиноятнинг тавсифий аломатлари чиқариб ташланади.

Айбловнинг суд томонидан оғирроғи билан ёки дастлабки айбловга нисбатан фактик ҳолатлари жиддий фарқ қиладиган айблов билан узгартирилишига йўл қўйилмайди.

1. Судда аниқланган ҳолатларга боғлиқ ҳолда дастлабки терговда айбланувчига эълон қилинган ва айблов ҳулосасида баён этилган айблов узгартирилиши мумкин. Суд, башарти судда айбловни узгартириш судланувчининг ҳолатини оғирлаштирмас ва бу узгартириш билан судланувчининг ҳимояланиш ҳукуқи бузилмаса, айбловни узгартириш ва узгартирилган айблов бўйича ҳукм чиқариш ҳукуқига эга.

2. Судда айбловни узгартирилиши судланувчининг ҳимояланиш ҳукуқини қуйидаги ҳолларда бузади:

а) агар айблов оғирроғига узгартирилса;

б) агар эълон қилинган айблов унча оғир бўлмаган ёки енгилроғига, аммо моҳияти бўйича судда ишни кўриш учун тайинлаш туғрисидаги масала ҳал қилинаётгандаги айбловдан фактик ҳолатлари бўйича фарқ қилувчи бошқа айблов билан алмаштирилса.

Биринчи ҳолатда судланувчининг аҳволи оғирлашади, зеро судда дастлабки терговда эълон қилинган айбловга нисбатан оғирроқ жинойий жавобгарлик масаласи вужудга келади. Иккинчисида эса, судланувчининг ҳолати айбловнинг моҳияти узгартирилгани, судда судланувчига айблов эълон қилинган, у ҳимояланиши мумкин бўлган қилмишида эмас, балки судланувчи сўроқ қилинмаган ва у ҳимояланмаган бошқа қилмишда айбланаётганлиги учун қийинлашади.

3. Айбловни оғирроғига ёки фактик ҳолатларга қўра илгаригисидан моҳиятан фарқ қиладигани билан узгартириш зарур деб ҳисобласа, суд ишни қўшимча тергов қилиш учун қайтариш туғрисида ажрим чиқариши шарт.

4. Агар судда айблов оғир бўлмаган ва илгаригисидан фактик жиҳатдан фарқ қилмайдиган айблов билан алмаштирилса, суд ишининг муҳокамасини давом эттиради ва янги айблов буйича ҳукм чиқаради.

5. Айбловни ўзгартиришга ва судланувчининг ҳаракатини конуннинг бошқа моддаси, қисми, банди буйича тавсиф қилишга, агар жиноятнинг айрим эпизодларини чиқариб ташланса ёки эълон қилинган айбловга нисбатан фактик ҳолатлари буйича жиддий фарқ қилмайдиган ва енгилроқ айбловга алмаштирилса йул қўйилади.

Айбланувчи зиммасига илгари қўйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловни қўйиш учун ёхуд айбловни оғирроқ айблов билан ёки ҳақиқий аҳволга кура айблов ҳулосасида назарда тутилганидан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда, суд дастлабки тергов вақтида қўйилган айбловдан оғирроғига утишни таққилайдиган қоидага биноан, жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун прокурорга қайтаради. Айбловни оғирроқ айблов билан алмаштириш учун қўйидагилар асос бўлиши мумкин: а) санкцияси янада оғирроқ жазони кузда тутувчи ЖКнинг бошқа нормаси (моддаси, қисми, банди) қўлланилиши зарур бўлса; б) айбланувчининг зиммасига илгари қўйилмаган қўшимча айблар (фактлар, эпизодлар) қўйиш керак бўлса, натижада жиноят тавсифини оғирроқ жазони кузда тутувчи нормага алмаштириш ёки айбловнинг ҳажмини ошириш лозим бўлса.

416-модда. Янги айблов буйича жиноят ишини қўзғатиш

Суд терговда судланувчининг унга илгари қўйилган айбловдан бошқа жиноятни содир этганлигини курсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд жиноят ишини қўришни тўхтатмай, янги айблов буйича иш қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқаради ва бу ажримни ҳамда зарур материалларни дастлабки тергов утказиш учун юборади.

Янги айблов дастлабки айблов билан боғлиқ бўлган ва уларни айрим-айрим ҳолда қўриш имконияти бўлмаган ҳолларда бутун иш қўшимча тергов утказиш учун қайтарилиши лозим.

Суд янги айблов муносабати билан судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини узгартириши ёки узга эҳтиёт чорасини қўллаши мумкин.

Башарти янги айблов буйича суд иш қўзғатишига асос бўлган ҳолатлар юзасидан терговчи ёки прокурор илгари иш қўзғатишни рад қилиш ёки ишни тугатиш тўғрисида қарор чиқарган бўлса, суд бу қарорни бекор қилади.

1. Судланувчи томонидан суд терговида қўрилаётган айбловдан узгача жиноят содир этилганлигидан далолат берувчи ҳолатлар аниқланса, суд ўз ташаббусига кўра ёки прокурор ёхуд суд муҳокамасининг бошқа иштирокчилари билдирган илтимосга кўра, янги айблов буйича жиноят иши қўзғатилиши мумкин. Бу ҳақда қарор қабул қилишдан аввал суд, албатта, прокурорнинг, ҳимоячининг ва бошқа суд муҳокамаси иштирокчиларининг бу борадаги фикрини эшитади.

2. Ҳақиқий аҳволга кўра айблов хулосасида назарда тутилганидан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш учун асослар, одатда, қўшимча жиноят фактларнинг (эпизодларнинг) аниқланганлиги оқибатида юзага келади. Бундай ҳолларда, агар янги айблов дастлабки айблов билан боғлиқ бўлиб, уларни айрим-айрим кўриш имконияти бўлмаса, суд жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтаришга мажбур.

3. Судланувчига эълон қилинган айбловнинг хусусияти, ҳажми ва оғирлик даражасидан келиб чиқиб, суд унга нисбатан қўлланиладиган эҳтиёт чорасини жиддийроғига узгартириши, агар эҳтиёт чораси қўлланилмаган бўлса, зарурат туғилганда уни қўллаши мумкин. Бу ҳақдаги ажрим янги айблов буйича жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги ажрим каби суд маслаҳатхонасида мустақил ҳужжат шаклида расмийлаштирилади.

417-модда. Янги шахсга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш

Суд тергови пайтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят жиноят содир этилганлигини курсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд шу шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқаради ва бу ажримни зарур материаллар билан бирга қўшимча тергов утказиш учун юборади.

Янги қўзғатилган иш курилайётган иш билан узвий боғлиқ бўлса ва бу ишларни айрим-айрим ҳолда куриш имконияти бўлмаса, суд бутун ишни қўшимча дастлабки тергов утказиш учун юборади.

Судланувчидан бошқа шахсга нисбатан суд иш қўзғатишига асос бўлган ҳолатлар юзасидан терговчи ёки прокурор илгари иш қўзғатишни рад қилиш ёки ишни тугатиш тугрисида қарор чиқарган бўлса, суд бу қарорни бекор қилади.

Била туриб ёлгон кўрсатув берган гувоҳга, жабрланувчига ёки ёлгон хулоса берган ёки атайин нотўғри таржима қилган таржимонга нисбатан иш қўзғатиш фақат ҳукм чиқариш билан бир вақтда бўлиши мумкин.

Суд жиноят иши қўзғатилган шахсга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллашга ҳақлидир.

1. Судланувчидан бошқа шахслар томонидан бирор жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланганда, суд уларнинг жинойий жавобгарликка тортилиши юзасидан барча чораларни куриши зарур.

Суд жиноят содир этилганлигини аниқлаган ҳар қандай ҳолларда жиноят ишини қўзғатиши лозим. Шарҳланаётган модда дастлабки тергов вақтида айбланувчи тариқасида жалб қилинмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар суд мажлиси давомида аниқланса ва бу ҳолатлар курилайётган иш билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни айрим ҳолда куриш имкони бўлмаса, суд бутун ишни қўшимча терговга қайтариши зарурлигини назарда тутаяди. Башарти жиноят ишини қўзғатиш учун маълумотлар етарли бўлмаса, суд узининг алоҳида ажрими билан текширилиши лозим бўлган материалларни прокурорга юборади.

2. Янги шахсга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш суд томонидан янги айблов бўйича жиноят ишини қўзғатиш масаласи каби ҳал қилинади (416-моддага берилган шарҳга қаранг).

3. Суд томонидан таржимон атайин нотўғри таржима қилганлиги аниқланса, уни суд мажлисида иштирок этишдан четлаштириб, ноқонуний ҳаракати юзасидан ЖКнинг тегишли моддасига кура жиноят ишини қўзғатади.

Шунингдек, суд томонидан билатуриб ёлгон кўрсатув берган гувоҳга, жабрланувчига ёки атайлаб ёлгон хулоса берган

экспертга нисбатан жиноят ишени қўзғатишга зарурат туғилганда суд бу ҳақда ажримни фақат ҳукм билан бир пайтда чиқариши мумкин. Чунки, суд муҳокамасипинг асосий предмети бўлган айблов юзасидан сўнги ҳулосага келиб, ҳукм чиқарилиши билангина янги аниқланган жиноят юзасидан масалалар ҳал қилиниши мумкин.

418-модда. Жиноят ишининг муҳокамасини кейинга қолдириши.

Суд мажлисига чақирилган шахслардан бирортаси келмай қолганлиги ёки янги далиллар талаб қилиб олиш зарур бўлганлиги сабабли, жиноят ишени муҳокама қилиши мумкин бўлмаса, суд жиноят ишени муҳокама қилишни кейинга қолдиради ва суд мажлисига келмаган шахсларни чақириши ёки янги далилларни талаб қилиб олиш чоралари курилади.

1. Чақирилган шахс суд мажлисига келмаганда ёки янги далилларни йиғиш зарурати суд муҳокамасини давом эттиришига ҳамда ишни ҳар томонлама текширишга имкон бермаганда, суд иш куришни муайян муддатга тўхтатиб туриш туғрисида ажрим чиқаради.

2. Суд муҳокамасини кейинга қолдиришга асос сифатида процесс иштирокчиларининг келмаслигини баҳолашда суд айнан шу процесс иштирокчиларининг қатнашувисиз ишни тула ва ҳар томонлама, ҳолисона ҳал этишнинг имкони йўқ деган заруратдан келиб чиқиши зарур.

3. Янги далилларни талаб қилиб олиш деганда, нафақат маълум бир ташкилот ёки жисмоний шахс эғалигидаги ёзма ёки ашёвий далилларни тақдим этиш туғрисидаги суд сўрови, балки дастлабки ёки такрорий суд экспертизасини тайинлаш ҳамда янги гувоҳларни сўроқ қилиш учун чақириш ҳам тушунилади.

419-модда. Жиноят ишени қўшимча тергов юритиш учун қайтариши

Суд қуйидаги ҳолларда жиноят ишени қўшимча тергов юритиш учун фақат икки мартагача қайтаради:

1) дастлабки тергов тўлиқ ўтказилмаган бўлиб, уни суд мажлисида тўлдириш имкони бўлмаса;

2) суриштирувчи ёки терговчи томонидан ушбу Кодекс талаблари жиддий бузилган бўлса ва бу ишнинг тўғри ҳал қилинишига тўсқинлик қилса;

3) айбланувчи зиммасига илгари қўйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловни қўйиш учун ёхуд айбловнинг оғирроқ айблов билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра айблов хулосасида назарда тутилганидан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш учун асослар мавжуд бўлса;

4) шу иш юзасидан бошқа шахсларни айбланувчи тариқасида жалб қилишга асослар бўлса ва уларга тегишли материалларни ишдан ажратиш мумкин бўлмаса;

5) иш нотўғри бирлаштирилган ёки ажратилган бўлса.

Ишни прокурорга қайтарганда суд ўз ажримида қайтариш асосларини ва қандай ҳолатлар қўшимча равишда аниқланиши лозимлигини кўрсатиши шарт.

1. Шарҳланаётган моддада назарда тутилишича, суд жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун икки мартадан ортиқ қайтаришга ҳақли эмас. Бу қоидадан мақсад сансалорликнинг олдини олиш, жиноят ишини мазмунан ҳал қилиниши муддатларини чексиз узайтириб, асоссиз равишда ишни қайта тергов ўтказиш учун қайтарилишига ва бу билан жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига йўл қўймасликдир.

2. Дастлабки терговнинг тўлиқ эмаслиги аввало терговнинг ҳар томонлама ва ҳолис ўтказилиши зарурлиги тўғрисидаги қоида билан боғлиқ бўлиб, жиноят иши бўйича исботлаш предметидан келиб чиқади. Унинг доирасига: 1) жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар; 2) содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек, ЖКда кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавfli оқибатлар уртасидаги сабабий боғланиш; 3) жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги; 4) жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида юз берганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари; 5) айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар киради. Улар тўлиқ аниқланмоғи шарт.

Қонун талабларининг бажарилмаганлиги ўтказилган терговни тулик эмас деб эътироф этиш учун сабаб бўлиб, бунда суд терговчи томонидан исботлаш предмети ва доираси туғрисидаги қонун нормаларини бажарилмаганлигининг процессуал аҳамиятини инобатга олиши зарур. Ҳукм чиқаришда жиддий аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар аниқланмаган бўлса, дастлабки тергов тулик ўтказилмаган деб топилади. Жумладан, жиноят иши бўйича суд айбланувчининг қилмишида жиноят аломатлари мавжудлиги, жиноят ишини судда куриб чиқиш учун етарли даражада далиллар тупланганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

3. ЖПКнинг жиддий бузилиши жиноят-процессуал фаолиятининг ҳар қандай субъекти томонидан йул қўйилган бўлиши мумкин. Лекин қонун дастлабки тергов юритиш учун жиноят ишини қайтариш асоси сифатида терговчи томонидан ЖПК талабларининг жиддий равишда бузилганлиги ва бу ишнинг туғри ҳал қилинишига тўсқинлик қилишини эътироф қилган. Шарҳланаётган моддада қонуннинг жиддий бузилиши деганда, масъул шахс томонидан белгиланган вазифанинг бажарилмаслиги, қоидага риоя этмаслик ва ўз ваколатларини суистеъмол қилиш ҳолатлари назарда тутилади. ЖПК 487-моддасининг биринчи қисмида жиддий қонун бузилишига тулик тушунча берилган бўлиб, унга кўра процесс иштирокчиларини қонунда белгиланган ҳуқуқлардан маҳрум қилган ёки бу ҳуқуқларни чеклаган ёхуд суд ишни ҳар томонлама куриб чиқишига бошқача тарзда ҳалал берган ҳамда қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқаришга таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган қоидабузарликлар ушбу Кодекс нормаларини жиддий бузиш деб эътироф этилади. Жиноят процессуал қонунининг бузилиши ишни қўшимча терговга қайтаришга асос бўлиши учун аввало уни бартараф этиш имкони мавжуд бўлиши ва бу судда эмас, айнан дастлабки тергов даврида тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказиш йули билан амалга оширилиши ҳамда бунинг оқибатида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари тикланишига эришиш мумкинлиги назарда тутилади.

4. Айбланувчи зиммасига илгари қўйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловни қўйиш учун ёхуд айбловни оғирроқ айблов билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра айблов ҳулосасида назарда тутилганидан жиддий фарқ қиладиган айблов билан

алмаштириш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда ҳам суд дастлабки тергов вақтида қўйилган айбловдан оғирроғини қўллашени тақиқлайдиган қоидага биноан, жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун прокурорга қайтаради. Айбловни оғирроқ айблов билан алмаштириш учун қўйидагилар асос бўлиши мумкин: а) санкцияси янада оғирроқ жазони кўзда тутувчи ЖКнинг бошқа нормаси (моддаси, қисми, банди) қўлланилиши зарур бўлса; б) айбловга айбланувчи зиммасига илгари қўйилмаган қўшимча айблар (фактлар, эпизодлар) қўйиш керак бўлиб, улар жиноят тавсифини оғирроқ жазони кўзда тутувчи нормага алмаштирилишига ёки айбловнинг ҳажмини оширилишига олиб келса.

Ҳақиқий аҳволга кўра айблов ҳулосасида назарда тутилганидан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш учун асос деганда, шарҳланаётган моддада шахсга нисбатан янги, илгаригидан оғирроқ айблов назарда тутилиб, одатда бу ҳолат янги жиноят аломатлари аниқланганлиги ёки айнан содир этилмаган жиноят юзасидан қўшимча фактларнинг (эпизодларнинг) аниқланганлиги оқибатида юзага келади. Бундай ҳолатда агар янги айблов дастлабки айблов билан боғлиқ бўлиб, уларни айрим-айрим қўриш имконияти бўлмаса, суд жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтаришга мажбур.

5. Суд мажлисида кўрилаятган иш юзасидан бошқа шахсларни айбланувчи тарикасида ишга жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлиб, уларга нисбатан материалларни жиноят ишидан ажратиш имкони бўлмаса, суд буткул ишни қўшимча тергов юритиш учун қайтаради. Шарҳланаётган модда дастлабки тергов вақтида айбланувчи тарикасида жалб қилинмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини курсатувчи ҳолатлар суд мажлиси давомида аниқланса ва бу ҳолатлар кўрилаятган иш билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни айрим ҳолда қўриш имкони бўлмаса, суд буткул ишни қўшимча терговга қайтариши зарурлигини назарда тутаяди.

6. Жиноят ишларини бирлаштириш ёки ажратишнинг асосий мезони жиноятлар ёки уларни содир этган шахслар ўртасида боғлиқлик мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Бундай боғлиқлик ҳар бир муайян ҳолда тергов қилинаятган жиноят ишининг фактик ҳолатларидан келиб чиқиб белгиланади. Жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратиш асослари

ЖПКнинг 332-моддасида белгиланган. Суд томонидан жиноят ишини нотўғри бирлаштирилганлиги ёки ажратилганлиги сабабли қўшимча терговга қайтарилиши аввало жиноят ишига оид ҳолатларни ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиши зарурлиги тўғрисидаги принцип талабларининг бажарилмаганлигидан иборат (ЖПКнинг 22-моддасига қаранг). Бир неча айбланувчиларнинг биргаликда содир этган жинояти ҳақида ишлар асоссиз равишда алоҳида юритувга ажратилса, айнан ана шу принцип талаблари бузилади. Шунингдек, асоссиз равишда ишларни бирлаштириш оқибатида ҳам мазкур принцип бузилиб, бу ўз навбатида исботлаш доирасининг асоссиз равишда кенгайтирилиши ва ўта катта ҳажмли ишларнинг яратилишига олиб келади.

7. Судья жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш тўғрисида албатта тарафларнинг фикрларини аниқлаши ва инobatга олиши, эътирозлар мавжуд бўлган ҳолларда уларга жавоб билдириб, ўзининг қарорини асослантириши зарур. Судьянинг ажрими устидан юқори турувчи судга шикоят келтириш мумкин, бу эса ўз ўрнида унинг қонунийлиги ва асослигини кафолатлайди. Суд жиноят ишини прокурорга қўшимча тергов юритиш учун қайтарганда ўз ажримидан ишни қайтариш асосларини батафсил кўрсатиб, айнан қандай ҳолатлар қўшимча равишда аниқланиши лозимлигини баён этиши лозим. Суд томонидан бу борада берилган кўрсатмалар дастлабки тергов органлари учун мажбурийдир.

420-модда. Жиноят ишини қуришни тўхтатиш

Судланувчи яширинган бўлса, шунингдек, судга келишга имконият бермайдиган руҳий ва бошқа оғир касалликка чалинган тақдирда, суд мазкур судланувчига нисбатан ишни тўхтатади ва бошқа судланувчиларга нисбатан ишни муҳокама қилишни давом эттираверади. Борди-ю, ишни айрим-айрим ҳолда муҳокама қилиш ҳақиқатни аниқлашни қийинлаштиради, ишни юритиш бутунлай тугатилади. Яширинган судланувчини қидирув суд ажрими билан эълон қилинади.

Судланувчининг оғир касал бўлганлиги туфайли ишни қуриш тўхтатилган тақдирда суд унга нисбатан танланган

эхтиёт чорасини бекор қилиш ёки узгартириш масаласини муҳокама қилиши лозим.

1. Жиноят ишини тўхтатиш асослари ва тартиби туғрисида ЖПКнинг 364-моддасида сўз юритилади.

2. Агар судланувчи ишни қуриб чиқишга қадар ёки қуриб чиқиш вақтида яширинган бўлса, суд ички ишлар органлари, яшаш ва иш жойидаги жамоат бирлашмалари тақдим этган тегишли ҳужжатларга, шунингдек, айбланаётган шахснинг яширинганлигини тасдиқловчи қариндошларининг, қўшниларининг ва бошқа фуқароларнинг тушунтиришларига асосан иш қуришни тўхтатади. Суд муҳокамаси даврида судланувчи яширинганлиги маълум бўлиб қолса, суд ажрим (қарор) чиқариб суд муҳокамасини судланувчи топилгунга қадар тўхтатади.

3. Судланувчининг рухий ёки бошқа оғир касаллиги экспертнинг хулосаси ёки бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши лозим. Судланувчининг оғир касаллиги унинг судга келиш имкониятини истисно қилиши туғрисидаги масалани ҳал қилиш учун беморлик ҳолатини ва даражасини ҳолисона аниқлаш зарур. Судланувчининг рухий ҳолати ёки оғир касаллиги муносабати билан жиноят иши юритуви беморнинг соғайғунига қадар тўхтатилади. Агар касаллик юзасидан тиббий экспертиза ўтказиш зарур бўлса, жиноят иши бўйича иш юритув тўхтатилмайди.

4. Яширинган судланувчи топилганда ёки касал соғайганда, жиноят ишини юритуви қайта тикланади ва муҳокамага тайинланади. Бундай ҳолатларда жиноят ишини қуриб чиқиш муддати, судланувчининг топилгани ёки соғайгани туғрисида судга маълум бўлгандан бошлаб ҳисобланади.

5. Жиноят ишини юритишни тўхтатиш билан суд дам олиш учун, овқатланиш учун танаффус эълон қилишни, қарор чиқариш учун маслаҳат хонага кирганини фарқлаш лозим.

420¹-модда. Жиноят ишини қуришни қайтадан бошлаш

Жиноят ишини қуришни тўхтатишнинг асоси сифатидаги, ушбу Кодекснинг 420-моддасида назарда тутилган ҳолатлар бартараф этилгач, тўхтатилган жиноят ишини қуриш қайтадан бошланади.

Суд жиноят ишини куришни қайтадан бошлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

Жиноят ишини куриш қайтадан бошланганда жиноят ишини муҳокама қилиш муддатининг утиши ҳам би вақтнинг узида қайтадан бошланади. Мазкур муддатни яна узайтириш ушбу Кодекснинг 405-моддаси асосида, жиноят ишини муҳокама қилишнинг жиноят ишини куриш тўхтатилишидан олдинги муддатини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

1. Шарҳланаётган модда жиноят ишини суд мажлисида курилишига монелик қиладиган ҳолатлар бартараф этилганидан сўнг тўхтатилган ишни куриш қайтадан бошланишини назарда тутлади. Яширинган судланувчи қидириб топилса ёки у судга келишига имконият бермайдиган руҳий ёхуд бошқа оғир касалликдан тузалган бўлса, суд тўхтатилган жиноят ишини куришни қайтадан бошлаш тўғрисида ажрим чиқаради. Бунда жиноят ишини суд мажлисида куриш суд муҳокамасининг умумий шартлари асосида амалга оширилади.

2. Тўхтатилган жиноят ишини куриш қайтадан бошланиши ишни судда муҳокама қилиш муддатининг ҳам қайтадан бошланишини англатади (ЖПКнинг 405-моддасига қаранг). Мазкур муддатни узайтириш жиноят иши курилиши тўхтатилишидан аввалги муддатни ҳисобга олган ҳолда, яъни аввалги ва кейинги муддатни қўшиб ҳисоблаганда, тегишли инстанция судлари раислари томонидан 6 ойгача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин.

421-модда. Суд мажлисида жиноят ишининг тугатилиши

Суд мажлисида ушбу Кодекснинг 83-моддасида ва 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2,-бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланса, суд ишни куришни давом эттиради ва 83-моддада курсатилган асослар буйича оқлов ҳукми, 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2,-бандларида курсатилган асослар буйича эса, айбдорга жазо белгиламай, айблов ҳукми чиқаради.

1. Суд мажлиси давомида жиноят ишени тугатиш учун асослар, шу жумладан, судланувчини реабилитация этиш учун асослар аниқланса, яъни: 1) суд муҳокамаси ўтказилаётган иш бўйича жиноят ходисаси юз бермаган бўлса; 2) судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса; 3) судланувчининг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса (ЖПКнинг 83-моддасига қаранг), суд жиноят ишени судланувчига нисбатан оқлов ҳукмини чиқариш билан тугатади. Агар суд муҳокамаси даврида ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2 ва 3 бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, яъни: 1) судланувчини жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган бўлса; 2) эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноятга ёки судланувчига дахлдор бўлса; 3) судланувчи суд муҳокамаси даврида вафот этган бўлса, суд шахснинг жиноят содир этилишида айб依лик масаласини ҳал этмай туриб жазо белгиламаган равишда айблов ҳукмини чиқариш оқоли жиноят ишени тугатади (ЖПК 463-моддаси учинчи қисмининг 1, 2 ва 5 бандларига қаранг).

422-модда. Эҳтиёт чораси масаласини ҳал этиш

Суд муҳокамаси вақтида суд судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини қўллашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга ҳақлидир.

1. Шарҳланаётган моддада суд зарурат туғилганда судланувчига эҳтиёт чораси қўллашга, дастлабки тергов вақтида қўлланган эҳтиёт чорасини ўз кучида қолдиришга ёки ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга ваколатли эканлиги назарда тутилган. Хусусан, жиноят ишени судда кўриш учун тайинлаш босқичининг ўзидаёқ суд томонидан аниқланиши лозим бўлган муҳим масалалардан бири – айбланувчига нисбатан дастлабки тергов даврида эҳтиёт чорасининг тўғри танланганлиги масаласидир.

2. Суд муҳокамаси даврида жиноят ишени кўришни тўхтатиш учун асослар мавжуд бўлганда, хусусан судланувчининг оғир касал бўлганлиги туфайли ишни кўриш тўхтатилганда, суд унга нисбатан танланган эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласини ҳал қилади. Шунингдек, суд янги айблов муносабати билан ҳам судланувчига нисбатан эҳтиёт

чорасини ўзгартиришга ёки бошқа эҳтиёт чорасини қўллашга ҳақлидир. Шунинг билан бирга суд муҳокамаси даврида янги шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилганда ҳам суд унга эҳтиёт чорасини қўллаши мумкин.

423-модда. Суд мажлисида ажрим чиқариш тартиби

Суд муҳокамаси вақтида ҳал қилинадиган барча масалалар юзасидан суд ажрим чиқаради.

Жиноят ишини қўшимча тергов утказиш учун прокурорга юбориш, янги айблов бўйича ёхуд янги шахсга нисбатан иш қўзғатиш, ишни тугатиш ёки тўхтатиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, рад этиш тўғрисида ажримлар, шунингдек, хусусий ажримлар суд томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқарилади. Бу ажримлар алоҳида ҳужжатлар тарзида расмийлаштирилади ва суд томонидан имзоланади.

Бошқа барча ажримлар суднинг хоҳиши билан ё юқорида кўрсатилган тартибда, ёки ўз эсойида чиқарилиб, бу ажрим суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади.

Суд муҳокамаси вақтида суднинг чиқарган ҳар бир ажрими дарҳол эълон қилиниши лозим.

1. Суд муҳокамаси вақтида судланувчининг айбли ёки айбсизлигини белгилашга боғлиқ масалалардан ташқари юзага келадиган ва ҳал қилинадиган бошқа процессуал масалалар бўйича суд ажрим чиқаради. Иш ҳолатларига қараб суднинг кўрсатмаси, фармойишини расмийлаштириб тартибга солувчи ҳужжат - ажримдир.

2. Суд муҳокамасининг ҳар қандай босқичида суд зарур бўлса ажрим чиқариши мумкин. Хусусан, суд мажлисида жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш учун асослар мавжуд бўлганда, судланувчи зиммасига қўйилган айбловдан фаркли, янги айблов бўйича жиноят иши қўзғатиш зарурати туғилганда, суд тергови мобайнида жиноий жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқлангани сабабли янги жиноят ишини қўзғатиш зарур бўлганда, шунингдек, суд муҳокамаси давомида иш юритувини тўхтатиш ёки тугатиш учун асослар мавжуд бўлганда ҳамда тўхтатилган жиноят ишини қўришни қайтадан бошлаш

учун ҳам суд тегишли ажрим чиқаради. Бундан ташқари суд томонидан эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ ажримлар чиқарилиши мумкин. Жумладан, янги айблов муносабати билан судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш туғрисида суд ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Шунингдек, суд янги шахсга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш билан биргаликда унга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш туғрисида ажрим чиқариши мумкин. Зарураг туғилганда суд томонидан рад этишга оид ажримлар ҳамда тегишли шахсларга нисбатан хусусий ажримлар чиқарилади. Юқоридаги барча ажримлар суд мажлиси давомида расмийлаштириладиган алоҳида мустақил процессуал ҳужжатлар ҳисобланади ва суд томонидан маслаҳатхонада чиқарилади.

3. Бошқа турдаги барча ажримлар суд муҳокамасининг исталган вақтида суднинг ҳошиши билан алоҳида хонага кирмай чиқарилади. Улар мустақил процессуал ҳужжат характериға эға бўлмай суд мажлиси баённомасида акс эттирилади. Лекин суд лозим топганда бу хил ажримларни ҳам маслаҳатхонада алоҳида ҳужжат шаклида расмийлаштириши мумкин.

4. Суд муҳокамаси давомида суд томонидан чиқарилган ҳар бир ажрим мажбурий характериға эға бўлиб, дарҳол эълон қилиниши шарт ва мазкур ажримда қўзда тутилган қўрсатмани ижро этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар қўрилади (ЖПКнинг 530-531 моддаларига қаранг).

424-модда. Суд мажлисининг тартиби

Судьялар кириб келаятганда суд мажлиси залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси уринларидан турадилар.

Суд процессининг барча иштирокчилари судга тик турган ҳолда мурожаат қиладилар, қўрсатувлар берадилар ва баёноتلар қиладилар. Ушбу қоидадан фақат раислик қилувчининг рухсати билангина четга чиқилиши мумкин.

Суд процессининг барча иштирокчилари, шунингдек, суд залида ҳозир бўлган барча шахслар раислик қилувчининг суд мажлисида белгиланган тартибға риоя қилиш туғрисидаги фармойишларини сузсиз бажаришлари лозим.

Ун олти ёшга тулмаган шахслар, башарти улар судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ бўлмасалар, суд мажлиси залиға киритилмайдилар.

1. Суд мажлиси ўтказиш тартибининг катъий белгиланганлиги жинойт процессининг муҳим принциплари - одил судловни фақат суд томонидан амалга оширилиши ҳамда судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi каби принципларга таянади. Шарҳланаётган моддада одил судловни амалга оширувчи ягона орган эканлигини эътироф этган ҳолда судга бўлган ҳурмат ва эҳтиром, унинг фармойишларига сузсиз итоат этишни тартибга солувчи қоидалар назарда тутилган. Жумладан, судьялар суд мажлисига кириб келаётганда суд залида ҳозир бўлган шахсларнинг барчаси ўрнидан туриб судга эҳтиром кўрсатишлари кераклиги белгиланган.

2. Суд мажлиси давомида суд процессининг барча иштирокчилари судга тик турган ҳолда муурожаат қилишлари шарт. Улар томонидан бериладиган кўрсатувлар, баёнотлар ва фикр-мулоҳазалар фақат шу аснода амалга оширилади. Лекин мавжуд ҳолатлар инобатга олиниб раислик қилувчининг руҳсати билан бу қоидадан четга чиқиш мумкин. Мисол учун, процесс иштирокчисининг касаллиги ёки бошқа жиддий сабабга кўра тик туриб муурожаат қилиши қийин бўлса, суд унга утирган ҳолда кўрсатув ёки баёнот беришга изн бериши мумкин.

3. Суд мажлисида белгиланган тартиб мажбурий бўлиб, суд залида ҳозир бўлганларнинг барчаси ушбу тартибга катъий риоя этишлари зарур. Суднинг бу борадаги фармойишларини бажармаган ёки судга ҳурматсизлик қилган шахс суд мажлиси тартибини бузувчи деб топилади ва унга нисбатан тегишли равишда чоралар қўлланилади (ЖПКнинг 272-моддасига қаранг).

4. Ўн олти ёшга тулмаган вояга етмаган шахслар, агар улар иш бўйича судланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳ бўлмасалар, суд мажлиси залига киритилмаслиги туғрисидаги қоидаининг амал қилишидан мақсад – ўсмирнинг ҳали тулиқ шаклланмаган психологик-жисмоний ҳолатига салбий таъсирнинг олдини олишдир. Вояга етмаган шахс судланувчи бўлганда ҳам унинг суд мажлисида иштирок этиши чекланган. Хусусан, вояга етмаган судланувчи, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили ҳамда прокурорнинг фикрини инобатга олиб, вояга етмаган шахсга салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатлар текшириляётганда суднинг ажрими билан суд залидан ташқарига чиқариб турилади. Агар жабрланувчи вояга етмаган шахс бўлса, суд муҳокамасида у билан биргаликда қонуний вакил иштирок

этади, алохида ҳолларда эса, бундай жабрланувчи умуман иштирок этмай, унинг ўрнига қонуний вакил суд мажлисида қатнашиши мумкин. Вояга етмаган гувоҳнинг ҳам суд муҳокамасида иштироки чекланган бўлиб, у сўроқ қилиниб бўлгач, олатда, суд залидан чиқариб юборилади.

425-модда. Суд мажлисида тартибни бузувчиларга нисбатан қўлланиладиган чоралар

Тартиббузар суд мажлисида тартибни бузганида, раислик қилувчининг фармойишига буйсунмаганида ёки судга ҳурматсизлик қилганида унга нисбатан ушбу Кодекснинг 272-моддасида назарда тутилган чоралар қўлланилади.

1. Суд мажлисида тартибни бузган, раислик қилувчининг фармойишларига буйсунмаган ёки судга ҳурматсизлик кўрсатган тартиббузар, агар бундай ҳаракатларини давом эттирса, суд залидан чиқариб юборилиши ҳақида огоҳлантирилади. Огоҳлантириш таъсир этмаган тартиббузар суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши ҳамда маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

2. Тартиббузарни суд мажлисидан четлаштирилиши суд муҳокамасининг давом эттирилишига монелик қилмайди. Суд огоҳлантиришига карамай, суд мажлисида тартибни қўпол бузган судланувчи ҳам суд залидан чиқариб юборилиши мумкин. Лекин барча ҳолларда ҳукм унинг иштирокида эълон қилиниши ёки эълон қилинганидан кейин унга дарҳол маълум қилиниши ва ундан бу ҳақда тилхат олинishi шарт (ЖПКнинг 272-моддасига қаранг).

426-модда. Суд мажлисининг баённомаси

Суд муҳокамаси вақтида суд мажлисининг котиби ушбу Кодекснинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида баённома юритади.

Суд мажлисининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

суд мажлиси бошланган ва тамом бўлган вақт кўрсатилган ҳолда мажлис бўлган жой ва сана;

суднинг номи ва таркиби;
суд мажлисининг котиби, таржумон, айбловчи, ҳимоячи,
судланувчи, жабрланувчи ва унинг вакили, фуқаровий даъво-
гар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, шунингдек,
суд чақирган бошқа шахслар;

кўрилайётган иш;

судланувчининг шахсига доир маълумотлар;

ҳозир бўлган ва ҳозир бўлмаган гувоҳлар ҳамда уларнинг
келмаганлик сабаблари.

Баённомада:

раислик қилувчининг барча фармойишлари курсатилади
ва суднинг ҳаракатлари қандай тартибда ўтган бўлса, шу
тартибда ёзилади;

ишда иштирок этувчи шахсларнинг ариза ва илти-
мослари;

судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлар курсатувларининг
батафсил мазмуни;

берилган саволларга экспертнинг жавоблари;

суд музокараларининг тартиби, суд музокараларида
иштирок этган шахсларнинг хулосалари ҳамда судланувчи
охирги сўзининг мазмуни;

башарти процесс иштирокчилари илтимос қилсалар,
ишни куриш пайтида юз берган ҳолатлар тўғрисидаги
мулоҳазалар акс эттирилади.

Суд зарур деб топган ҳолларда гувоҳлар ва жабрланувчи-
лар ўзлари берган курсатувларини суд мажлисининг баён-
номасида имзолайдилар.

Баённома раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби
томонидан имзоланади.

Баённоманинг мазмуни бўйича раислик қилувчи билан суд
мажлисининг котиби ўртасида келишимовчилик бўлган тақ-
дирда котиб ўз мулоҳазаларини баённомага илова қилиши
шарт, бу мулоҳазалар суд таркиби томонидан қўрилади.
Мазкур масала юзасидан ажрим чиқарилиб, баённомага
илова қилинади.

Баённома тулиқ бўлишини таъминлаш учун стенограмма
юритилиши мумкин. Стенографик ёзув ишга илова қилин-
майди. Суд муҳокамаси чоғидаги суроқ қилишлар овоз ёзиш,
видеоёзув ёки кинотасвирга олиш воситаларида акс этти-

рилиши мумкин. Бундай ҳолда фонограмма, видеокассета ва кинотасма суд мажлисининг баённомасига илова қилиниб, баённомада ушбу воситалар қўллангани қайд этилади.

Суд мажлисининг баённомаси ҳукм чиқарилган куннинг эртасидан, мураккаб ишлар бўйича эса уч суткадан кечиктирмай имзоланиши лозим.

1. Суд мажлиси баённомаси – суд жараёнини батафсил қайд қилиб акс эттирувчи асосий процессуал ҳужжат ҳисобланади. Суд муҳокамаси вақтида баённомани суд мажлисининг котиби юритади. Котиб баённомада суднинг ҳаракатларини, ариза илтимос ва кўрсатувларни тўла ва тўғри баён қилиб бориш учун масъулдир. Суд мажлиси баённомаси ЖПКнинг 90-92 моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда расмийлаштирилади.

2. Суд мажлиси баённомасида аввало суд мажлиси ўтказилаётган жой ва сана, ҳамда суд мажлиси бошланган ва якунланган вақт қайд этилади. Шунингдек, унда суднинг номи ва қай таркибда иш олиб бораётгани кўрсатилиши шарт. Сунг баённомада судга чақирилган процесс иштирокчилари, яъни айбловчи, ҳимоячи, судланувчи, жабрланувчи, ишда қатнашаётган бўлса вакил, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, шунингдек, судга чақирилган бошқа шахслар, масалан, таржимон, эксперт, мутахассис ҳақида қайд қилинади. Баённомада суд мажлисида кўрилаётган жиноят иши ҳақида ва судланувчи, иш бўйича бир нечта судланувчилар қатнашаётган бўлса, улар ҳақида маълумот акс эттирилиши керак. Суд мажлиси баённомасида акс эттирилиши муҳим бўлган маълумотлардан бири – суд мажлисига чақирилиб унда ҳозир бўлган ва ҳозир бўлмаган гувоҳлар тўғрисидаги маълумотдир.

Гувоҳларнинг келмаганлик сабабларини қайд қилиш муҳим аҳамият касб этиб, узрли ёки узрсиз сабабга кура ишда қатнашамаганликларига қараб уларга нисбатан мажбурий келтириш тариқасидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаш ёки қўлламаслик масаласи ҳал қилинади. Шунингдек, баённомада суд мажлиси давомида раислик қилувчининг иш юзасидан берган барча фармойишлари акс эттирилиши шарт. Суд мажлисида баённома юритишнинг муҳим шартларидан бири – бу суд

тергови давомида амалга оширилган барча суд ҳаракатлари ва бошқа процессуал ҳаракатлар қандай тартибда ўтказилган бўлса, худди шундай изчилликда тўла ақс эттириш зарурлигидир. Бу ўз навбатида баённоманинг белгиланган процессуал шаклда расмийлаштирилишини кафолатлайди. Бундан ташқари баённомада процесс иштирокчиларининг суд муҳокамаси давомида киритган ариза ва илтимослари батафсил ва мазмунан тўлиқ баён этилиши шарт.

3. Суд зарур деб топганда, гувоҳлар ва жабрланувчилар суд тергови давомида берган ўз кўрсатувларини суд мажлиси баённомасида имзолаб тасдиқлашади. Баённомада процесс иштирокчиларининг суд мажлисида қилган шикоятлари ва раддиялари ҳам қайд қилинади. Агар суд муҳокамаси жараёнида тартиббузарлик ҳоллари кузатилган бўлса, улар ҳақида ҳамда мазкур тартиббузарликларнинг олдини олиш учун қўрилган чора-тадбирлар ҳақида баённомага ёзиб қўйилади.

4. Суд мажлиси баённомасини юритиш учун раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби масъул бўлганлиги сабабли ушбу процессуал ҳужжат айнан ана шу шахслар томонидан имзоланади.

5. Агар раислик қилувчи баённома билан танишиб уни тасдиқлаш вақтида мазкур баённома мазмуни бўйича суд мажлиси котиби билан келишмаса, котиб ўз мулоҳазаларини баён этиб баённомага илова қилиши шарт. Бу каби мулоҳазалар суд таркиби томонидан ўрганилиб чиқилади. Суд таркиби бу масала борасида тегишли ажрим чиқаради ва у суд мажлиси баённомасига илова қилинади.

6. Суд мажлиси баённомасини мазмунан тўлиқ бўлишини таъминлаш мақсадида суд муҳокамаси давомида стенограмма юритилиши мумкин. Лекин стенографик ёзув баённомани тўлдириш учун юритилган нусха бўлганлиги сабабли баённомага илова қилинмайди. Далилларни тўлиқ қайд қилиш учун ёрдамчи техник усуллардан фойдаланиш мумкин. Чунончи, суд тергови давомида сўроқ натижалари овоз ёзиш, видеоёзув ёки кинотасвирга олиш воситаларида ҳам қўшимча равишда ақс эттирилишига йўл қўйилади. Суд ушбу воситалардан фойдаланишда қўмаклашиш мақсадида мутахассисларни жалб қилиши мумкин. Бунинг натижасида олинган фонограмма, видеокассета ва кинотасмалар суд мажлиси баённомасига илова қилинади.

Ҳар бир иловада ушбу суд ҳаракатининг номи ўтказилган жойи, санаси кўрсатилган изоҳловчи матн бўлиши шарт. Бу изоҳловчи матнни раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби ўз имзолари билан тасдиқлайдилар.

7. Суд мажлиси баённомаси қағза ҳажмдаги ва жиддий маълумот ақс эттирилган процессуал ҳужжат бўлганлиги сабабли унинг имзоланиши ҳукм чиқарилган куннинг эртасигача кечиктирилиши мумкин. Ушбу муддат ичида суд мажлиси котиби баённомани белгиланган процессуал талабларга тўла риоя қилган ҳолда расмийлаштириши зарур. Мураккаб ишлар бўйича мазкур муддат кўпи билан уч суткани ташкил этиши мумкин.

427-модда. Суд мажлисининг баённомаси юзасидан мулоҳазалар бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби

Суд мажлиси баённомаси имзоланганидан кейин беш сутка ичида тарафлар шу баённома юзасидан ўз мулоҳазаларини беришга ҳақлидирлар. Мулоҳазаларни раислик қилувчи кўриб чиқиб, уларга қўшилган тақдирда уларнинг тўғрилигини тасдиқлайди ва суд мажлиси баённомасига қўшиб қўяди.

Раислик қилувчи суд мажлиси баённомаси юзасидан берилган мулоҳазаларга қўшилмаган тақдирда, бу мулоҳазалар ушбу ишни кўрган суд таркиби ҳал этиши учун киритилади. Башарти ишни судьянинг яққа ўзи кўриб чиққан бўлса, раислик қилувчининг қарори узил-кесил ҳисобланади, лекин манфаатдор тарафлар бу қарор устидан ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

1. Суддаги тарафлар суд мажлиси баённомаси билан танишиб чиқиб, унинг мазмуни юзасидан мазкур баённома имзолангандан кейин 5 сутка ичида ўз мулоҳазаларини бериш ҳуқуқига эгадирлар. Хусусан, ишнинг ҳал қилинишидан манфаатдор бўлган шахслар суд жараёнининг суд мажлиси баённомасида қай даражада мазмунан тўғри ва тўлиқ ақс эттирилганлиги юзасидан ўз муносабатларини билдиришга ҳақли. Тарафларнинг тегишли мулоҳазалари суд мажлисига раислик қилувчи томонидан кўриб чиқилади. Агар раислик қилувчи киритилган

фикрларни тўғри ва ўринли деб топса, уларнинг тўғрилигини тасдиқлайди ҳамда суд мажлиси баённомасига қўшиб қўяди. Ушбу қоида суд жараёнида процесс иштирокчиларининг фаоллигини таъминловчи ҳуқуқларини кафолатлайди.

2. Агар раислик қилувчи суд мажлиси баённомаси юзасидан тарафларнинг берган мулоҳазаларига қўшилмаса, ушбу мулоҳазалар мазкур ишни кўрган суд таркиби томонидан ҳал этилиши лозим. Бу қоида ҳам масалани ҳар томонлама ҳолисона ҳал қилинишига хизмат қилади. Аммо жиноят иши якка судья томонидан кўриб чиқилган бўлса, раислик қилувчининг бу борадаги қарори узил-кесил ҳисобланади. Бундай ҳолатда ҳам процесс иштирокчилари судьянинг қарори устидан шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақли. Процесс иштирокчилари судья ва суднинг ҳар қандай процессуал ҳаракати ёки қарори устидан тегишли тартибда шикоят беришга ҳақли (ЖПКнинг 27 ва 479-моддаларига қаранг).

51-БОБ. СУД МАЖЛИСИНИНГ ТАЙЁРЛОВ ҚИСМИ

428-модда. Суд мажлисини очиб

Раислик қилувчи тайинланган вақтда суд мажлисини очади ва қандай жиноят иши қўрилишини эълон қилади.

1. ЖПКнинг 51-боби суд мажлисининг тайёрлов қисмига бағишланган бўлиб, у одил судловни муваффақиятли амалга оширишга мустаҳкам замин ҳозирлайди. Суд мажлисининг тайёрлов қисми қонунга қатъий амал қилган ҳолда жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга оширишни таъминлаш учун шарт-шароитларни яратиш ва уларни текширишга йўналтирилган. ЖПКда ташкилий-бошқарув ваколатлари фақат раислик қилувчининг зиммасига юклатилган.

2. Раислик қилувчи томонидан суд мажлисининг очилиши ва қандай жиноят иши қўрилиши эълон қилиниши жиноят процессида суд муҳокамаси босқичининг бошланганлигини билдиради. Бунинг учун судья ҳеч кимдан рўхсат ёки розилик сўрамайди

3. Суд мажлисининг белгиланган вақтда очилиши нафақат суд таркибининг, балки суд муҳокамаси бошқа иштирокчиларининг ҳам интизомига боғлиқ.

4. Суд мажлисида қандай жиноят иши қўрилиши эълон қилинганда, фақат ЖКнинг моддаларинигина айтиб ўтиш билан кифояланмасдан, балки уларнинг мазмуни билан суд мажлисида ҳозир бўлганларни таништириш керак.

429-модда. Процесс иштирокчиларининг судга келган-келмаганлигини текшириш

Суд мажлисининг котиби давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, судланувчи, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари судга келган-келмаганлиги тўғрисида ахборот беради. Шундан кейин судга таржимон, гувоҳлар, экспертлар ва мутахассислар келган-келмаганлиги текширилади. Котиб ҳозир бўлмаганларнинг нима сабабдан келмаганлигини маълум қилади.

Ишда иштирок этаётган шахсларнинг қимлиги паспорт ёки уларнинг шахсини гувоҳлантирувчи бошқа ҳужжатлар бўйича аниқланади.

1. Шарҳланаётган модда талабига қура, процесс иштирокчиларининг судга келган-келмаганлигини текшириш суд мажлиси котибининг зиммасига юклатилади. Судда ҳозир бўлмаганларнинг нима сабабдан келмаганлигини суд мажлиси котиби маълум қилади ва бу натижалар баённомада қайд этилади. Суд муҳокамасини давом эттириш ёки уни бошқа кунга қолдириш масаласи суд мажлисида ҳозир бўлган тарафларнинг фикрларини ҳисобга олиб ҳал қилинади.

2. Ишда иштирок этаётганларнинг шахси паспорт ёки уларнинг шахсини гувоҳлантирувчи бошқа ҳужжатлар бўйича аниқланади ва турли тушунмовчиликларнинг олди олинади.

3. Судга келишни истисно қилувчи ҳолатларга, шахснинг вафоти, оғир хасталик, йироқда ва узоқ муддагли хизмат сафаридида бўлиш, яшаш жойидан рўйхатдан чиқиб кетган ва янги турар жойини аниқлашнинг имконияти бўлмаган ҳолатлар киритилиши мумкин. Ҳар доим шахснинг судга келишини истисно қилувчи ҳолатни узрли деб топиш тўғрисида суд қарор қабул қилиши керак (ЎзР Олий суди Пленумининг 1997 йил 22-августдаги «Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида»ги қарорининг 4-бади).

430-модда. Таржимонга унинг ҳуқуқларини, мажбуриятларини ва жавобгарлигини тушунтириш

Раислик қилувчи таржимонга ушбу Кодекснинг 72-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, жавобгарлигини тушунтиради.

Шарҳланаётган модда, суд мажлисининг тайёрлов қисмида жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини раислик этувчи тушунтиришига оид процессуал қонидани таъкидлайди. Таржимонга унинг ҳуқуқларини тушунтириш ушбу ҳаракатларнинг биринчиси бўлиб ҳисобланади, чунки суд процессининг бу иштирокчиси суд мажлисини очган раислик

килувчининг биринчи сузиданок ўз фаолиятини бошлайди. Шундан сўнг судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда масъулиятлари тушунтирилади. Суд мажлиси баённомасига бу ҳақда ёзув киритилади.

431-модда. Суд таркибини, тарафларни эълон қилиш ва рад қилиш ҳуқуқини тушунтириш

Раислик қилувчи суд таркибини эълон қилади, кимлар давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси эканлигини, кимлар жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва кимлар уларнинг вакиллари эканлигини, кимлар суд мажлисининг котиби, эксперт, мутахассис, таржимон эканлигини маълум қилади. Шундан кейин судланувчига ва бошқа тарафларга уларнинг судьяни, суд таркибини ёки судьялардан бирортасини, шунингдек, тарафлардан бирортасини рад қилиш ҳуқуқларини тушунтиради.

Суд мажлисида захирадаги халқ маслаҳатчиси иштирок этаётган бўлса, раислик қилувчи бу ҳақда эълон қилади ва унинг фамилиясини айтади. Захирадаги халқ маслаҳатчиси ҳам рад қилиниши мумкин.

Рад қилишлар ушбу Кодекснинг 80-моддасида белгиланган қоидалар асосида ҳал қилинади.

1. Суд таркиби қонунда кўрсатилган шартларга жавоб берадиган тарзда тузилган бўлиши лозим. Бунинг учун иш кўрувчи суд таркибида фақат қонуний тартибда тайинланган (сайланган) судьялар бўлиши ва бу судьяларнинг ишни бегараз ва холисона кўришлари учун тўсқинлик қиладиган бошқа ҳолатлар бўлмаслиги лозим. Суд мажлисини ўтказишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлардан бирортаси мавжуд бўлганда суд таркиби қонунга ҳилоф тузилган деб ҳисобланади ва у томонидан чиқарилган суд қарори (ҳукми, ажрими) бекор қилинади.

2. Суд таркиби ва шунингдек, қонун бўйича тарафлар томонидан рад қилиниши мумкин бўлган процесснинг бошқа иштирокчилари раислик қилувчи томонидан эълон қилинади. Шундан кейин раислик қилувчи процесс иштирокчиларидан

рад қилиш истаклари бор-йўқлиги, агар рад қилмоқчи бўлса, унинг сабабларини сурайди (ЖПКнинг 76,77,78, 79,80-моддалари шарҳига қаранг).

432-модда. Гувоҳларни суд мажлиси залидан чиқариб туриш

Раислик қилувчи гувоҳларнинг суд мажлиси залидан алоҳида хонага чиқиб туришлари тўғрисида фармойиш беради. Кейинчалик у сўроқ қилинмаган гувоҳларнинг сўроқ қилинган гувоҳлар билан, шунингдек, суд мажлиси залидаги бошқа шахслар билан мулоқотда бўлмаслиги чораларини кўради.

1. Раислик қилувчи гувоҳларни судга келганликларини аниқлаганидан сўнг, улар сўроқ қилишга чақирилгунларига қадар суд мажлиси залидан алоҳида ажратилган хонага чиқиб туришлари тўғрисида фармойиш беради. Бундан кузланган мақсад уларнинг курсатувлари мазмунига судланувчининг, бошқа гувоҳларнинг курсатувлари, тарафларнинг муҳокама жараёнида ифодаланган нуқтаи назарлари таъсири бўлишига йул қўймаслик ҳисобланади. Шунингдек, раислик қилувчи сўроқ қилинмаган гувоҳларнинг сўроқ қилинган гувоҳлар ва суд мажлиси залидаги бошқа шахслар билан мулоқотда бўлмаслиги юзасидан чоралар кўради.

2. Ишнинг ҳолатига қараб гувоҳларнинг бир қисмини чақирув хати билан бошқа кун ёки соатга келиши белгиланиб, уларни суд залидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиниши ҳам мумкин.

433-модда. Процесс иштирокчиларидан бирортаси келмаганда жиноят ишини кўриш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги масаласини ҳал қилиш

Судга чақирилган процесс иштирокчиларидан бирортаси келмаган тақдирда суд жиноят ишини муҳокама қилиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисида тарафларнинг фикрини эшитиш ва муҳокамани давом эттириш ёки уни кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради.

Муҳокамани кейинга қолдириш: тўғрисида ажрим чиқарилган тақдирда суд ҳозир бўлган гувоҳлар ва экспертни суроқ қилиши мумкин. Баъшарти кейинчалик иш суднинг яна уша таркибида ёки уша судья томонидан куриладиган бўлса, процесснинг мазкур иштирокчилари суд мажлисига иккинчи марта фақат зарурат туғилган ҳолларда чақирилиши мумкин.

1. Судга чақирилган, лекин суд мажлисига келмаган шахсларнинг иштирокисиз муҳокамани давом эттириш ёки кейинга қолдириш ҳақида бир фикрга келишдан аввал суд тарафларнинг фикрини эшитиши, шундан кейин бу тўғрида бир қарорга келиши лозим.

2. Судланувчи келмаган (ЖПК 410-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно), шунингдек, қонун бўйича адвокатнинг иштироки шарт бўлган ёки судланувчи адвокатнинг иштироки ҳақида илтимос қилган ҳолларда суд муҳокамаси сўзсиз кейинга қолдирилади.

3. Қолган барча ҳолатларда суд муҳокамасини давом эттириш масаласи суд таркиби томонидан судга келмаганнынг ушбу процессдаги роли, унинг иштироки қанчалик аҳамияти экани ҳақида тарафларнинг фикрлари ҳисобга олинган ҳолда ҳал қилинади.

4. Суд мажлисининг тайёрлов қисмида судга чақирилган процесс иштирокчиларидан бирортаси келмаган тақдирда жиноят ишини муҳокама қилиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, агарда муҳокама жараёни давомида маълум процесс иштирокчисининг иштирокига зарурат туғилса суд муҳокамасининг кейинги босқичларида бу масала муҳокамасига такрор қайтишни ёхуд суд муҳокамасини кейинга қолдиришни инкор этмайди. Суд томонидан курилаётган масала юзасидан қабул қилинган қарор гарчанд тарафларнинг фикри билан тўғри келмаган тақдирда ҳам суд бу масала бўйича асослантирилган ажрим ёки қарор чиқариши шарт.

434-модда. Судланувчининг шахсини ва унга процессуал ҳужжатларнинг нусхалари топширилган вақтни аниқлаш

Раислик қилувчи судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, ойи, куни ва жойини, яшаб

турган жойи, машгулоти, маълумоти, ошлавий аҳволи ва унинг шахсига дахлдор бошқа маълумотларни сураб, унинг шахсини аниқлайди.

Сўнгра раислик қилувчи судланувчидан айблов хулосасининг нусхаси, шунингдек, ушбу Кодекс 388-моддасининг иккинчи қисмида санаб ўтилган процессуал ҳужжатларнинг нусхалари унга топширилган-топширилмаганлигини ва айнан қачон топширилганлигини сурайди. Бу ҳужжатларнинг нусхалари топширилмаган ёки суд мажлиси бошланишига уч суткадан кам муддат қолганда топширилган бўлса, ишни муҳокама қилиш кейинга қолдирилиши лозим.

1. Шарҳланаётган модда мазмунига кўра, суд мажлисига судланувчининг шахсан ўзи келган-келмаганлигини аниқлаш назарда тутилади. Судланувчининг шахсини аниқлашда ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатларни аниқлашлик кифоя қилади.

2. Судланувчининг шахсини аниқлаш раислик қилувчи томонидан берилган саволлар бўйича олиб борилади. Лекин бунда халқ маслаҳатчилари ва суд муҳокамасининг бошқа иштирокчилари судланувчининг шахсини аниқлаш вақтида савол беришга ҳақли эмас деган маъно келиб чикмайди. Бироқ улар савол беришдан аввал раислик қилувчининг рухсатини олишлари лозим.

3. Судланувчининг шахси, шунингдек, унинг анкета маълумотлари дастлабки тергов босқичидаёқ тула ўрганилади. Суд бу маълумотларни текширади, судланувчининг жавобларини дастлабки тергов материалларидаги ҳужжатларда қайд этилган маълумот билан солиштиради.

4. Судланувчининг шахси текширилгандан сўнг раислик этувчи судланувчини сўрок қилиш йўли билан айблов хулосаси, шунингдек, ушбу Кодекс 388-моддасининг иккинчи қисмида санаб ўтилган процессуал ҳужжатларнинг нусхалари унга топширилган-топширилмаганлигини, топширилган бўлса, муддани аниқлайди. Биринчи босқич судида ишни кўриш қайд этилган ҳужжатларнинг судланувчига топширилганидан сўнг камида уч сутка ўтган бўлсагина бошланиши мумкин. Бу муддатнинг бошланиши ҳужжатлар топширилган суткадан кейинги

сутканинг бошланишидан ҳисобланади (ЖПКнинг 314-моддаси шарҳига қаранг).

5. Агар айблов хулосасининг нусхаси ва ушбу Кодекс 388-моддасининг иккинчи қисмида санаб утилган бошқа процессуал ҳужжатлар топширилмаган бўлса ёки суд мажлиси бошланишига уч суткадан кам муддат колганда топширилган бўлса, ишни муҳокама қилиш кейинга колдирилиши лозим.

435-модда. Судланувчига унинг ҳуқуқларини тушунтириш

Раислик қилувчи судланувчининг шахсини аниқлаганидан кейин унга ушбу Кодекснинг 46-моддасида назарда тутилган суд муҳокамасидаги ҳуқуқларини тушунтиради. Сунгра судланувчидан ана шу ҳуқуқларнинг ҳар бирини тушунган ёки тушунмаганлигини сурайди. Башарти судланувчи салбий жавоб берса, раислик қилувчи унинг ёшини, умумий заковат даражасини, руҳий ва жисмоний ҳолатини эътиборга олиб, унга ҳуқуқларини қайтадан тушунтиради.

1. Судланувчи суд муҳокамасида асосий иштирокчилардан бири бўлганлиги учун унга тегишли ҳуқуқлари у биладиган тилда батафсил тушунтириб берилиши керак. Агар ишда бир неча судланувчи бўлса, уларнинг ҳаммасига умумий ҳуқуқларини тушунтириб бериш билан бирга, ишнинг хусусиятига қараб, ҳар бир судланувчининг ўзига хос бўлган ҳуқуқи алоҳида тушунтириб берилиши лозим.

2. Суд мажлисининг тайёрлов қисмида судланувчига тушунтирилиши лозим бўлган унинг ҳуқуқлари ЖПКнинг 46-моддасида ва унга берилган шарҳларда санаб утилган.

3. Судланувчининг ҳуқуқлари суд мажлисининг тайёрлов қисмида тўлиқ тушунтирилганлиги тўғрисида жиноят иши материалларида маълумотларнинг мавжудлиги, раислик этувчи томонидан ушбу модда талабларини бажариш зарурлигини инкор этмайди. Ушбу талабларнинг бажарилиши судланувчига суд муҳокамаси жараёнида ҳам унинг ҳуқуқлари тушунтирилиши шарт, чунки 46-моддадаги қайдлар асосан дастлабки терговга тааллуқлидир.

**436-модда. Тарафларга уларнинг ҳуқуқлари ва
мажбуриятларини тушунтириш**

Раислик қилувчи жамоат айбловчисига, жамоат ҳимоячисига, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига ушбу Кодекснинг тегишлича 43, 44, 55, 57, 59, 61 ва 63-моддаларида назарда тутилган суд муҳокамасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради.

1. Шархланаётган моддада санаб утилган суд муҳокамаси қатнашчиларига дастлабки тергов босқичида ҳуқуқлари тушунтирилганидан, жамоат айбловчисининг, жамоат ҳимоячисининг, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг ҳуқуқий билимдоплигидан катъи назар, уларнинг ҳуқуқларини тушунтириш ҳақида раислик қилувчининг мажбурияти, шунингдек, ушбу процессуал ҳаракатларнинг кетмакетлиги белгилаб қўйилган.

2. Жабрланувчига ҳуқуқлари тушунтирилганда у суд муҳокамасининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуққа эгаллиги ва тула ҳуқуқли иштирокчи эканлиги алоҳида таъкидлаб утилади. Агар суд муҳокамасида қўрилаётган иш бўйича жабрланувчининг ўлими сабабли унинг яқин қариндоши жабрланувчи тарикасида иштирок этаётган бўлса, суд унга муҳокама давомида тула ҳуқуқли жабрланувчи тарикасида ҳаракат қилишга ҳақли эканлигини тушунтириши лозим.

3. Жабрланувчининг судланувчи билан ярашув ҳуқуқидан улар томонидан суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд ҳукм чиқариш учун маслаҳатхонага киришигача фойдаланиши мумкинлиги тушунтирилиши керак (ЖПКнинг 583-моддаси шарҳига қаранг).

4. Раислик қилувчи жамоат айбловчисига, жамоат ҳимоячисига, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига айрим-айрим равишда ўз ҳуқуқларини тушунтириб бериши керак ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида қайд қилинган бўлиши лозим.

437-модда. Экспертга ва мутахассисга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш

Раислик қилувчи экспертга ва мутахассисга уларнинг ушбу Кодекснинг тегишлича 68 ва 70-моддаларида назарда тутилган суд муҳокамасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради.

1. Экспертга уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, экспертнинг хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан буйин товлаганлиги учун жиноий жазо кўзда тутилган ЖК 240-моддасининг мазмуни тушунтирилади.

2. Суриштирувда, дастлабки терговда куриляётган иш буйича эксперт хулоса берган, мутахассис дастлабки тергов ўтказилаётганда иштирок этган ҳолларда, раислик этувчи ушбу тергов маълумотларини ошкор қилиш учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган ЖКнинг 239-моддаси уларнинг суд мажлисида берган кўрсатувларига татбиқ этилмаслигини тушунтириши лозим.

3. Эксперт ва мутахассис суднинг куриляётган иш юзасидан барча саволларига, шу жумладан суриштирув, дастлабки тергов ўтказишда уларга маълум бўлган ҳолатлар ҳақидаги саволларга ҳам жавоб беришга мажбурдир.

438-модда. Илтимослар қилиш ва уларни ҳал этиш

Суд мажлисининг тайёрлов қисми илтимослар бор-йўқлигини аниқлаш билан якунланади. Раислик қилувчи тарафлардан янги гувоҳлар, экспертлар ёки мутахассислар чақириш, ашёвий далиллар ва ҳужжатлар талаб қилиб олиш тўғрисида уларнинг илтимослари бор-йўқлигини сўрайди. Илтимос қилувчи тараф қўшимча далиллар айнан қайси ҳолатларни аниқлаш учун зарурлигини кўрсатиши шарт.

Тараф арз қилган ҳар бир илтимосни муҳокама қилиб, суд бошқа тарафнинг фикрини тинглайди ва башарти, илтимос иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлашга қаратилган бўлса, уни қаноатлантиради, акс ҳолда қаноатлантиришни рад этади.

Илтимоснинг рад этилиши суд муҳокамаси давомида тарафни кейинчалик бошқа асосларга кура яна шу илтимос билан мурожаат этиш ҳуқуқидан махрум қилмайди.

Суд узининг ташаббуси билан янги гувоҳларни чақириш, экспертиза тайинлаш, ҳужжатларни ва бошқа қўшимча далилларни талаб қилиб олиш туғрисида ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Башарти суд қўшимча далилларни текширишни лозим деб топса, суд мажлисига янги гувоҳлар, экспертлар келишини ёки ҳужжатлар талаб қилиб олинишини таъминлаш чораларини куриб, айна чоғда муҳокамани ё давом эттиради ёки уни кейинга қолдиради.

1. Суд мажлисининг тайёрлов кисмида раислик этувчи тарафлардан ишда аҳамиятли маълумотга эга бўлган янги шахсларни чақириш туғрисида илтимослари бор-йўқлигини сурашга ва гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ёрдамида янги далилларни тўплаш мақсадида тегишли суд ҳаракатларини олиб боришга, шунингдек, ашёвий ва ёзма далилларни шу жумладан техник воситаларни (фотосуратлар, аудио ва видеоёзувлар) қўллаб олинган далилларни олишга мажбур.

2. Жиноят процессида тарафларга далиллар тақдим этиш ҳуқуқи берилган (ЖПКнинг 87-моддаси шарҳига қаранг). Бундай далилларни жиноят ишига қўшиб қўйиш туғрисида илтимос суд муҳокамасининг ҳар қандай босқичида билдирилиши мумкин. Илтимос қилган шахс уни асослаб бериши шарт.

3. Аниқланиши керак бўлган ҳолатлар иш учун аҳамиятга эга бўлса, суд илтимосни рад этишга ҳақли эмас. Шунингдек, суд тарафларнинг ташаббусига кура суд мажлисига келган шахсларни гувоҳ ёки мутахассис сифатида сурак қилиш ҳақидаги уларнинг илтимосини қаноатлантириши лозим.

4. Суд тарафнинг илтимосларини тинглаб, улар бўйича иккинчи тарафнинг фикрини аниқлаши лозим. Фақат шундан кейин илтимосни қондириш ёки рад этиш ҳақида тегишли қарор қабул қилиши керак. Илтимосни рад қилиш туғрисидаги хулоса асослантирилган бўлиши лозим. Тарафларнинг янги шахсларни чақириш, ашёвий ва ёзма далилларни талаб қилиб олиш туғрисидаги илтимосларини қаноатлантириш суд муҳокамасини кейинга қолдиришга олиб келиши мумкин.

5. Суд мажлисининг тайёрлов қисмида илтимос рад этилса, тараф уни суд мажлисининг кейинги босқичларида қайтариши мумкин. Суд такрор марта қилинган илтимосни ҳам тинглашга ва бу ҳақда ажрим чиқаришга мажбурдир.

6. Эксперт ва таржимонлар ҳам судга илтимос билан мурожаат қилишлари мумкин. Жумладан, эксперт ўз фикрини бериш учун лозим бўлган қўшимча ҳужжатларни сўратиб олдириш ҳақида, таржимон эса таржиманинг муваффақиятли чиқиши учун айрим ҳужжатлар билан таъминлашни илтимос қилиши мумкин. Ҳар бир илтимос тезда ҳал қилиниши лозим.

7. Суд на айбловчи, на оқловчи далилларни тўплашга ташаббускор бўлмаслиги ва ҳар икки тарафга далиллар тақдим қилиш ва уларни текшириш чоғида ёрдам қилиб, тарафларнинг баҳсларини ҳал қилиши керак.

439-модда. Суд терговининг бошланиши

Раислик қилувчи суд тергови бошланиши тузғисида эълон қилади. Суд тергови айблов хулосасини ўқиб эшиттиришдан бошланади. Раислик қилувчи судланувчилардан улар ўзи айбига иқрорлиги ёки иқрор эмаслигини сўрайди.

1. Суд мажлисида раислик қилувчи суд терговининг бошланишини эълон қилади. Айблов хулосасини ўқиб эшиттиришдан мақсад, судланувчини нимада айбланиб судга берилганлигини, суд мажлисида ҳозир бўлганларнинг барчасини қандай жиноят иши бўйича суд текшируви олиб борилиши ҳақида таништиришдан иборат.

2. Қонунда айблов хулосасини, жабрланувчининг аризасини ва фуқаровий даъво аризасини ким томонидан ўқиб эшиттирилиши кўрсатилмаган. Ушбу ҳужжатлар раислик қилувчининг истаги бўйича, ўзи, халқ маслаҳатчилари, давлат айбловчиси ёки суд мажлиси котиби томонидан ўқиб эшиттирилади.

3. Айблов хулосаси ўқиб эшиттирилгандан кейин раислик қилувчи судланувчидан унга нисбатан қўйилган айбловнинг, шунингдек, фуқаровий даъво кўзғатилган бўлса, унинг тушунарли ёки тушунарли эмаслигини сўраши зарур. Судланувчидан ўзи ёки ҳимоячиси қўйилган айбловга нисбатан муносабат билдиришни хоҳлаш-хоҳламаслиги сўралади. Ҳимояланаётган тараф ушбу ҳолатда бундай фикрни билдиришни хоҳламаслиги мумкин, лекин бу суд муҳокамасининг кейинги босқичларида қўйилган айбловга муносабат билдириш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

4. Агарда куп воқеали ҳамда мураккаб жиноят ишлари бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш куп вақтни талаб қиладиган бўлса, ўқиб эшиттириш тўхтатилиб, танаффус эълон қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда айблов хулосаси ўқиб эшиттирилгандан сўнг раислик қилувчи ҳар бир судланувчидан эълон қилинган айбнинг унга тушунарли ёки тушунарли эмаслигини сўраши лозим.

Башарти, айблов хулосаси судланувчига тушунарли бўлмаса, унга қандай жиноятни содир этишда айбланаётганлиги,

ЖКнинг қайси моддаси қўлланилганлиги, айбнома қандай асосларга таянганлиги ва айблов хулосасида қайд этилган далилларнинг мазмуни тушунтирилиши керак.

Судланувчи бирор саволга ноаниқ жавоб берса, раислик қилувчи бунинг сабабларини дарҳол аниқлаб олишга ҳаракат қилиши керак. Судланувчи ўзини қисман айбдор деб тан олган ҳолда, раислик қилувчи унга нисбатан қўйилган айбнинг қайси қисми бўйича у айбига иқдор бўлганини ва қайси қисмида иқдор эмаслигини суради.

5. Судланувчининг зиммасига қўйилган айблов бўйича иқдорлиги ёки иқдор эмаслиги ҳақида изохот бериши ундан суд тергови давомида тула суроқ олишга ҳалақит бермайди. Шунингдек, раислик қилувчи иш бўйича фуқаровий даъво қўзғатилган бўлса, судланувчидан даъвога иқдор бўлган-бўлмаганлигини суради. Судланувчи даъвога иқдор бўлмай эътирозлари борлигини тушунтириши мумкин.

440-модда. Далилларни текшириш навбатини белгилаш

Судланувчилардан ўз айбларига иқдорликлари ёки иқдор эмасликлари тўғрисида сураб булгач, суд далилларни текшириш навбати тўғрисида тарафларнинг таклифларини эшитади. Бундай навбатни суд ажримда ақс эттиради.

Башарти далилларни текшириш судланувчиларни суроқ қилиш билан бошланган бўлса, улардан кейин суд жабрланувчиларни суроқ қилади. Судланувчилар курсатув беришдан бош тортган ёки бошқа далилларнинг текширилишидан олдин курсатув беришга рози бўлмаган тақдирда жабрланувчиларни, гувоҳларни суроқ қилиш, далилларни кўздан кечириш, гувоҳлантириш, ёзма далилларни ўқиб эшиттириш, экспертиза ўтказиш ва бошқа суд ҳаракатларини бажариш навбати тўғрисидаги масалани суд ишнинг муайян ҳолатларини ва тарафларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда ҳал қилади.

1. Шарҳланаётган модда далилларни текшириш навбатини тўғри белгилаб олишлик, суд мажлисини тартибли олиб боришлик жиноят ишининг мазмунан тўғри ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини ва жиноят процессининг ўзаро тортишув тамойилига қатъий амал қилиш зарурлигини билдиради.

2. Судланувчиларнинг ўз айбига иқрорлиги ёки иқрор эмаслиги аниқлангандан сўнг, суд далилларни текшириш навбати ҳақида тарафларнинг фикрларини сўрайди. Далилларни текшириш навбатини суд ажримда акс эттириши лозим.

3. Далилларни текшириш навбати тўғрисида тарафлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш ҳуқуқига эга. Уларнинг оғзаки фикрлари суд мажлисининг баённомасига киритилади, ёзма таклифлари эса баённомага илова қилинади. Агарда биронта тараф далилларни текшириш навбатига рози бўлмаса, ундан ўз фикрини асослаб бериш талаб этилади.

4. Башарти далилларни текшириш судланувчини сўрок қилишдан бошланган бўлса, улардан кейин суд жабрланувчини сўрок қилади. Судланувчилар кўрсатув беришдан бош тортган, бошқа далилларнинг текширилишидан олдин кўрсатув беришга рози бўлмаган тақдирда жабрланувчиларни, гувоҳларни сўрок қилиш, далилларни кўздан кечириш, гувоҳлантириш, ёзма далилларни ўқиб эшиттириш, экспертиза ўтказиш ва бошқа суд ҳаракатларини бажариш навбати тўғрисидаги масалани суд ишнинг муайян ҳолатларини ва тарафларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда ҳал қилади.

5. Далилларни текшириш навбати судга далилларни тақдим қилган тараф томонидан белгиланади. Биринчи бўлиб далилларни айблов томон тақдим қилади. Айблов томонидан келтирилган далил текширилгандан кейин, ҳимоя томон келтирган далиллар текширилади. Томонлар келтирган далилларни текшириш навбати, у ёки бу тарафнинг суд муҳокамасида ҳақиқатни аниқлаш учун ишлатиладиган тортишув усулларидан келиб чиқиб белгиланади.

6. Судланувчини сўрок қилиш ушбу Кодекснинг 275-моддасига мувофиқ олиб борилади. Судланувчи, раислик қилувчининг руҳсати билан суд муҳокамасининг ҳар қандай босқичида кўрсатув бериши мумкин. Агарда жиноят ишида бир неча судланувчи иштирок этаётган бўлса, уларнинг тушунтириш бериш ва далилларни тақдим этиш навбати суд томонидан белгиланади.

7. Суд тарафларнинг фикрларини эшитиб, лозим топса уларни муҳокама қилиш учун маслаҳатхонага кириши мумкин. Маслаҳатхонага кирмасдан бу ҳақда чиқарилган ажримлар суд баённомасига киритилади.

8. Суд, зарур булса, суд мухокамаси жараёнида тарафларнинг илтимосига ёки ўзининг хоёиши билан ушбу тартибни узгартириши мумкин.

441-модда. Гувоҳнинг қасамёди ва уни жавобгарлик туғрисида огоҳлантириш

Гувоҳни суроқ қилишдан олдин раислик қилувчи унинг шахсини аниқлайди ва курсатув беришдан бош тортганлик ёки била туриб ёлгон курсатув берганлик учун жавобгарлик туғрисида огоҳлантиради. Сунгра раислик қилувчи гувоҳга барчанинг олдида ошкора равишда қуйидаги мазмунда қасамёд қилишни таклиф этади: «Иш юзасидан ўзимга маълум булган ҳамма нарсани судга айтиб беришга қасамёд қиламан. Фақат ҳақиқатни, барча ҳақиқатни гапириб бераман, ҳақиқатдан ўзга нарсани гапирмайман». Қасамёд матни гувоҳга унинг мажбурияти ва жавобгарлиги тушунтирилгани ҳақидаги гувоҳнинг тилхати билан биргаликда суд мажлисининг баённомасига илова қилинади.

Ун олти ёшга тулмаган гувоҳга ҳам ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ошкора қасамёд қилиш таклиф қилинади, лекин курсатув беришдан бош тортгани ёки била туриб ёлгон курсатув бергани учун жавобгарлик туғрисида огоҳлантирилмайди ва ундан тилхат олинмайди.

1. Раислик қилувчи гувоҳни суроқ қилишдан олдин саволлар бериш ёки шахсий ҳужжатларини текшириш йули билан унинг шахсини аниқлайди. Тарафлар гувоҳга савол бериш, раислик қилувчининг руҳсаги билан унинг шахсий ҳужжатларини текшириш ҳуқуқига эга.

2. Шунингдек, раислик этувчи, гувоҳни курсатув беришдан бош тортганлик ёки билатуриб ёлгон курсатув берганлик учун жавобгарлик туғрисида огоҳлантиради ҳамда ЖКнинг 238 ва 240-моддалари талаблари билан таништиради. Сунгра раислик қилувчи гувоҳга барчанинг олдида ошкора равишда қуйидаги мазмунда қасамёд қилишни таклиф этади: «Иш юзасидан ўзимга маълум булган ҳамма нарсани судга айтиб беришга қасамёд қиламан. Фақат ҳақиқатни, барча ҳақиқатни гапириб бераман, ҳақиқатдан ўзга нарсани гапирмайман». Қасамёд

қилганлиги ҳақида гувоҳ тилхатга имзо қўяди ва қасамёд матни гувоҳга унинг мажбурияти ва жавобгарлиги тушунтирилгани ҳақидаги гувоҳнинг тилхати билан биргаликда суд мажлисининг баённомасига илова қилинади.

3. Вояга етмаган гувоҳга ҳам ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ошкора қасамёд қилиш таклиф қилинади, лекин у курсатув беришдан бош тортгани ёки билатуриб ёлғон курсатув бергани учун жавобгарлик туғрисида огоҳлантирилмайди ва ундан тилхат олинмайди.

4. Қонуннинг мазмунига қура, гувоҳлар бир-биридан алоҳида огоҳлантирилиши огоҳлантирилиши лозим. Ишни осонлаштириш мақсадида барча гувоҳларни бир йўла огоҳлантириш қонунга ҳам, мақсадга ҳам мувофиқ эмас.

442-модда. Судда суроқ қилиш тартиби

Судда суроқ қилиш ушбу Кодекснинг 96-108-моддаларида назарда тутилган талабларга, шунингдек, қуйида белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда олиб борилади.

Ҳар бир гувоҳ ҳали суроқ қилинмаган гувоҳлар йўқлигида суроқ қилинади. Суроқ қилинган гувоҳлар суд мажлиси залида қоладилар ва суд тергови тамом бўлмасдан илгари залдан фақат суднинг ижозати билан чиқиб кетишлари мумкин.

Вояга етмаган гувоҳни суроқ қилиш ҳақиқатни аниқлаш манфаатлари талаб қилган ҳолларда суднинг ажрими билан судланувчининг йўқлигида утказилиши мумкин. Судланувчи суд мажлиси залига қайтиб киргандан кейин гувоҳнинг берган курсатувлари унга маълум қилиниши ҳамда шу гувоҳга саволлар беришга имконият яратилиши лозим.

Ун олти ёшга тулмаган гувоҳ суроқ қилиниб бўлгач, суд бу гувоҳнинг мажлис залида қолиши зарур деб ҳисоблайдиган ҳолларни мустасно этганда, суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши лозим.

Жабрланувчи, шунингдек, эксперт ва мутахассис суд муҳокамасининг бошидан охиригача суд мажлиси залида бўлишга ва барча суроқлар чоғида ҳозир бўлишга ҳақлидир.

Судланувчини суроқ қилиш ишнинг унга маълум ҳолатлари туғрисида курсатув бериши ҳақида раислик қилув-

чининг таклифи билан бошланади. Шундан кейин судланувчини давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий жавобгар ва унинг вакили суроқ қиладилар. Сунгра судланувчига бошқа судланувчилар ва уларнинг ҳимоячилари саволлар бериши мумкин.

Жабрланувчиларни, шунингдек, айблов хулосасига илова қилинган рўйхатга биноан суд мажлисига чақирилган ёки айбловчи томоннинг илтимосига биноан қўшимча равишда чақирилган гувоҳлар ва экспертларни суроқ қилиш ҳам ушбу модданинг оltинчи қисмида назарда тутилган тартибда ўтказилади. Башарти гувоҳлар ва экспертлар суд мажлисига ҳимоя томонининг илтимосига биноан чақирилган бўлсалар, уларни дастлаб шу илтимосни қилган судланувчи ёки унинг ҳимоячиси, кейин эса бошқа судланувчилар ва уларнинг ҳимоячилари, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий жавобгар ва унинг вакили, давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари суроқ қиладилар.

Раислик қилувчи ва халқ маслаҳатчилари суроқ қилинаётган ҳар қандай шахсга суд терговининг исталган пайтида саволлар беришга ҳақлидир.

Суд мажлисида кўрсатув бериб бўлган шахсларга берган кўрсатувларини тўлдириш ва аниқликлар киритиш учун суднинг ижозати билан саволлар берилиши мумкин.

1. Судда гувоҳларни суроқ қилиш ушбу Кодекснинг шарҳланаётган моддаси ва 98-108-моддаларида назарда тутилган талабларга биноан амалга оширилади.

2. Ушбу модда талабиги кўра, ҳар бир гувоҳ ҳали суроқ қилинмаган гувоҳларнинг йўқлигида суроқ қилинади. Гувоҳлар суд мажлиси залига улар чақирилишларини кутиб турган хонадан битта-биттадан чақирилади, суроқ қилиб бўлинган гувоҳлар эса суд мажлиси залида қоладилар. Гувоҳларни суроқ қилишнинг бундай тартиби суроқ қилинган гувоҳ билан суроқ қилинмаган гувоҳларга кўрсатувларини «мослаштириш» учун мулоқотда бўлишларига, бирорта гувоҳ ҳам ўзидан бошқа гувоҳларнинг судга берган кўрсатувларини олдиндан билиб олишга, суд томонидан бериладиган саволларга жавобларни

олдиндан хозирлаб куйишга, ишнинг ҳал бўлишидан манфаатдор бўлган шахслар таъсирига тушиб қолишига йул қуймайди. Ун олти ёшга тулмаган гувоҳ сўроқ қилинганидан сўнг, зарурат бўлмаса, суд залидан чиқарилиб юборилиши лозим. Сўроқ қилинган бошқа гувоҳлар суд тергови тамом бўлмасдан илгари залдан фақат суднинг ижозати билан чиқиб кетишлари мумкин. Гувоҳ касаллиги, жисмоний ожизлиги, ногиронлиги, қариллиги, юролмаслиги ва бошқа узрли сабаблар билан судга келолмаган тақдирда унинг турган жойига бориб сўроқ қилиниши мумкин.

3. Вояга етмаган ва кичик ёшдаги шахсларнинг турмушга, муҳитга ҳамда воқеликка нисбатан муносабати бошқаларга кўра узига хос хусусияти бўлгани сабабли, қонун бу шахсларни фақат фавқулодда, яъни зарур ҳолларда, суднинг ажрими билан гувоҳ тариқасида сўроқ қилинишлари мумкин эканликларини кўрсатади. Қонунда кичик ёшдагилар қайси ёшдан бошлаб иш бўйича гувоҳлик беришлари мумкинлиги кўрсатилмаган. Шу сабабли зарур ҳоллардагина кичик ёшдагиларни, уларни воқеага нисбатан муносабатларини ва ҳақиқатга мос кўрсатув беришлари мумкин бўлган вақтдагина сўроқ қилинишлари мумкин. Агарда гувоҳ ун тўрт ёшга тулмаган бўлса, болалар психологияси бўйича мутахассис-ўқитувчи иштирок этиши шарт, ун тўрт ёшдан ун саккиз ёшгача бўлган гувоҳларни сўроқ қилишда эса унинг иштироки мақсадга мувофиқ. Бу эса судга ушбу ёшдаги гувоҳларни сўроқ қилишда қулай психологик шароит яратиш, уларнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир ўтказмай, ишончли ва ҳақиқий маълумотларни тулиқ олиш имкониятини беради. Вояга етмаганни сўроқ қилишдан олдин раислик қилувчи томонидан ўқитувчининг ҳуқуқлари тушунтирилади. Ўқитувчи иштирокида сўроқ қилинаётган вояга етмаган гувоҳларнинг ота-оналари ёки бошқа қонуний вакиллари судда иштирок қилишлари мумкин. Раислик этувчининг руҳсати билан ўқитувчи, ота-оналар ёки қонуний вакиллар ишга алоқадор масалалар бўйича вояга етмаган гувоҳга савол беришлари мумкин.

4. Вояга етмаганни сўроқ қилиш учун қулай психологик вазият яратиш, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ундан тўла ишончли кўрсатувлар олиш мақсадида суд ажрим чиқариб, уни судланувчининг йўқлигида сўроқ қилиши мумкин. Ушбу суд ҳаракати вақтида судланувчи суд мажлисидан чиқарилиб турилади. Аммо судланувчи суд залига қайтиб киргандан кейин

унга нафақат вояга етмаганнинг кўрсатуви ўқиб эшиттирилади, балки унга савол бериш ҳукуки ҳам берилади.

5. Судга келиш имкониятидан маҳрум этувчи сабабларга кўра суд мажлисида ҳозир бўлмаган гувоҳнинг дастлабки тергов ёки суриштирув вақтида берган кўрсатувларида судга ўқиб эшиттиришга қонун руҳсат этади. Бу ҳоллар, гувоҳнинг вафоти, оғир касаллиги, мамлакат чегарасидан ташқарига узок муддатга ишга ёки хизмат сафарига кетиши каби узрли сабаблар билан боғлиқ бўлиши лозим.

6. Судланувчига ва жабрланувчига нисбатан бўлгани каби, гувоҳни ҳам тортишув тамойилига кўра тарафлар сўроқ қилади. Гувоҳ кимнинг илтимосига кўра чакирилган бўлса, у томонидан биринчи бўлиб сўроқ қилинади, чунки бошқаларга нисбатан илтимос қўзғатган процесс иштирокчисига гувоҳ нима ҳақида ва қандай саволларга жавоб бериши мумкинлиги тўғрисида кўпроқ маълумдир.

7. Ушбу модда мазмунига кўра жабрланувчи, шунингдек, эксперт ва мутахассис суд муҳокамасининг бошидан охиригача суд мажлиси залида бўлишга ва барча сўроқлар чоғида ҳозир бўлишга ҳақлидир.

8. Ушбу модда талабига биноан судланувчини сўроқ қилишни судья бошлаб беради ва ишнинг унга маълум бўлган ҳолатлари тўғрисида кўрсатув беришни таклиф қилади. Шундан сўнг судланувчи ушбу модданинг олтинчи қисмида белгиланган тартибда сўроқ қилинади.

9. Маълумки, судланувчи бошқа ҳар қандай шахсдан кўра, одатда, жиноий вақеаликдан тўла хабардордир. Шунинг учун ундан содир этилган жиноят ҳақида, жиноятни оғирлаштирадиган ва енгилаштирадиган ҳолатлар ҳақида сўроқ қилиш иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш ва одил судловни бажаришдан иборатдир. Судланувчининг кўрсатуви фақат далил манбаи бўлиб қолмасдан, ҳимоя қилишнинг асосий воситаларидан биридир.

10. Суд ва жиноят процессининг иштирокчилари судланувчини кўрсатув беришга мажбур қилолмайдилар. Судланувчи қонун бўйича кўрсатув беришга ҳақли, аммо мажбур эмас. Шу сабабли у сўроқ беришдан бош тортган ҳолда, уни суд мажлиси тартибини бузувчи деб баҳолаб бўлмайди.

11. Курсатув беришдан судланувчи бош тортган ҳолларда раислик қилувчи унга ишни тугри хал бўлиши, узини ҳимоя қилиши учун суроқ бериши фойдали эканлигини тушунтирмазми лозим. Судланувчи жавоб беришдан бош тортса, унинг илгари берган курсатувлари ўқиб эшиттирилади. Суд мажлисида судланувчининг дастлабки тергов ёки суриштирув вақтида берган курсатувлари фақат суд мажлиси иштирокчиларининг талаби ҳамда суднинг ташаббуси билан ўқиб эшиттирилиши мумкин ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида албатта курсатилиши керак.

12. Суд тергови даврида судланувчига эркин тарзда сўзлаб бериш имконияти берилиши керак. Узига маълум бўлган ҳолатни сўзлаб бераётганида турли эътирозлар билан бўлиб қўйиш мумкин эмас. Судланувчи воқеани қасддан бошқа томонга буриб ёки ишга алоқадор бўлмаган ҳолатларни сўзлаётганда раислик қилувчи уни тўхтатиб қўйишга ва ишнинг ҳақиқий ҳолати тугрисида сўзлаб беришни таклиф қилишга ҳақли.

13. Иш бўйича бир неча судланувчи бўлиб, улардан бирортаси бошқа судланувчилар иштирокида тўғри курсатув беришга қийналса, суднинг ажрими билан тўғри курсатув беришга халакит берувчи айрим судланувчи ёки судланувчилар суд мажлиси хонасидан чиқарилишлари мумкин. Бунда судланувчи суд мажлиси хонасига қайтиб келганидан кейин раислик қилувчи унинг йўқлигида берилган курсатувларнинг мазмунини унга маълум қилади. У эса ўзи йўқлигида курсатув берган судланувчига савол беришга ҳақли.

14. Жабрланувчиларни, шунингдек, айблов ҳулосасига илова қилинган рўйхатга биноан суд мажлисига чақирилган ёки айбловчи илтимосига биноан қўшимча равишда чақирилган гувоҳлар ва экспертни суроқ қилиш ҳам ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

15. Жабрланувчи нафақат далилий ахборот берувчи, балки жинойт процессидан манфаатдор иштирокчи ҳамдир. Шу сабабли у олдиндан далилларни текшириш бўйича белгиланган тартибдагина курсатув бериб қолмасдан, ўз манфаатидан келиб чиқиб суд терговининг ҳар қандай босқичида курсатув бериши мумкин.

16. Жабрланувчига иш ҳолати бошқаларга нисбатан аниқроқ бўлгани сабабли унинг курсатувлари муҳим аҳамиятга эга. Шу

сабабли жабрланувчи бир вақтнинг ўзида гувоҳлик вазифасини ҳам бажаради. Фарқи, жабрланувчи уни судда сўроқ қилишга қадар суд мажлиси хонасидан алоҳида хонага чиқарилмайди.

17. Жабрланувчининг гувоҳдан олдин сўроқ қилинишидан мақсад гувоҳларнинг курсатувлари унга таъсир этишига йул қўймасликдан ва унинг туғри курсатув беришини таъминлашдан иборат.

18. Башарти гувоҳлар ва экспертлар суд мажлисига химоя томонининг илтимосига биноан чақирилган бўлсалар, уларга дастлаб шу илтимосни қилган судланувчи ёки унинг химоячиси, кейин эса бошқа судланувчилар ва уларнинг химоячилари, жамоат химоячиси, фуқаровий жавобгар ва унинг вакили, давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари савол берадилар.

19. Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш мақсадида судланувчининг, жабрланувчининг ва гувоҳнинг илгари дастлабки терговда ҳамда судда берган курсатувлари суд мажлисида ўқиб эшиттирилиши мумкин.

20. Агарда суд мажлисига суднинг ташаббуси билан қўшимча равишда янги гувоҳлар чақирилса, уларни сўроқ қилиш раислик этувчи томонидан бошланади.

21. Раислик қилувчи судья ёки халқ маслаҳатчилари суд терговининг исталган пайтида сўроқ қилинаётган ҳар қандай шахсга саволлар беришга ҳақлидир.

443-модда. Ёзма далилларни, экспертларнинг хулосаларини ва тергов ҳаракатлари баённомаларини текшириш

Тарафларнинг илтимосларига ёки суднинг ташаббусига қўра раислик қилувчи, халқ маслаҳатчиларидан бири ёки суд мажлисининг котиби суриштирувда ва дастлабки терговда ишга қўшиб қўйилган, иш учун аҳамиятли бўлиши эҳтимол тутилган ёзма далилларни, экспертларнинг хулосаларини ва тергов ҳаракатлари баённомаларини ўқиб эшиттиради.

Суднинг талабига қўра ёки бошқа шахсларнинг ташаббуслари билан тақдим қилинган ҳужжатларни суд ўқиб эшиттиради ва тарафларга тақдим қилади, улар эса шу ҳужжатларнинг ишга аҳамияти бор-йўқлиги туғрисида ўз фикрларини баён қиладилар. Сўнгра суд ҳужжатларни ишга

қушиш ёки тегишлилигига қараб қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради.

1. Шарҳланаётган модда мазмунига кўра суд ҳукмда бирон бир ҳужжатга асосланиши учун у ишга тикилган ёки суд мажлисида судга тақдим этилган ва суд мажлисида албатта ўқиб эшиттирилган бўлиши керак.

2. Ёзма далиллар, эксперт хулосалари, тергов ҳаракати баённомаларини суд муҳокамаси пайтида текшириш ўзига хос бўлган тергов ҳаракати бўлиб, раислик қилувчи ва унинг топшириғига кўра халқ маслаҳатчиси ёки суд мажлиси котиби томонидан улар ўқиб эшиттирилади ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

3. Суд ёзма далилларни кўздан кечириши, тергов ҳаракатлари баённомаларидан ташқари қўшимча воситалар билан ушбу тергов ҳаракатлари қайд этилган фото, кинотасвир ва видео-тасмаларни номойиш қилиб кўриши мумкин. Эксперт хулосаси бўйича суд уни бевосита сўроқ қилиб, унинг тадқиқотлари фан-техника талабларига мос равишда, объектив ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар олиш ҳуқуқига эга.

4. Ҳужжатларни кўздан кечириш ёки ўқиб эшиттириш суд терговининг давомида, иш мазмунини аниқлаш учун зарур ҳолларда ўтказилиши мумкин. Иш мазмунини аниқлаш учун етарли бўлса, ҳужжатларнинг тегишли бир қисмигина ўқиб эшиттирилиши мумкин.

5. Раислик қилувчи ушбу далилларга суд муҳокамаси иштирокчиларининг муносабатларини, қайси асосларга кўра улар ушбу далилларни ижобий ёки салбий баҳолаётганларини аниқлашга ҳақли.

6. Суднинг талаби ёки бошқа шахсларнинг ташаббуси билан тақдим қилинган ҳужжатларни суд мажлиси котиби ўқиб эшиттиради. Суд тарафлардан бу ҳужжатларнинг ишга аҳамияти бор-йўқлиги тўғрисида фикрларини сўрайди. Ушбу ҳужжатларни жиноят ишига қушиш ё бўлмаса тегишлилигига кўра қайтариш ҳақида суд ажрим чиқаради.

Суд куздан кечиришни ушбу Кодекснинг 135-141-моддаларида назарда тутилган талабларга ва куйида белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда ўтказади.

Суд суриштирувда ва дастлабки терговда ишга қўшилган ашёвий далилларни, шунингдек, тарафлар ва бошқа шахслар бевосита суд муҳокамасида тақдим этган нарсаларни суд мажлиси залида тарафларнинг иштирокида куздан кечиради. Суд куздан кечиришни ўтказишга экспертларни, мутахассисларни, гувоҳларни ҳам жалб этиши мумкин.

Суд жой, бинолар, иншоотлар, хоналарни, шунингдек, суд мажлиси залига келтириб бўлмайдиган транспорт воситалари ва бошқа объектларни улар турган жойга бориб ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган шахслар иштирокида куздан кечиради.

1. Ушбу модда мазмунига қўра, куздан кечиришни суд терговининг ҳар қандай пайтида ўтказиш мумкин. Бу ҳақда суд ажрим чиқаради. Агарда суд куздан кечиришни зарур деб топмаса, суд муҳокамаси иштирокчиси бунга талаб қилганда, унинг талабини рад қилиш туғрисида ажрим чиқаради.

2. Оғзакилик ва бевоситалик талабларига мувофиқ ашёвий далиллар фақат улар куздан кечирилганда, куздан кечириш жараёни судда муҳокама қилиниб суд мажлиси баённомасида албатта қайд этилганда ҳукмга асос қилиб олиниши мумкин.

3. Далилий ашёларни куздан кечиришда нафақат тарафлар, эксперт ҳамда мутахассислар иштирок этиши, балки ашёвий далиллар тариқасида нарса ва ҳужжатлар гувоҳларни сўроқ қилишда қўрсатилиши мумкин.

4. Суд зарур деб ҳисоблаган тақдирда куздан кечиришга криминалистик техника ва куздан кечиришни қайд этишнинг қўшимча бошқа воситалари (фото, кино, видеотасвирлар) ишлатилишига рухсат беради.

5. Ашёвий далилларни куздан кечириш жараёни ва натижалари суд муҳокамасининг барча иштирокчиларига ва суд залидагиларга тушунарли бўлиши керак. Махсус техник воситалар ёрдамида объектларни тадқиқ қилиш, агарда уларнинг ишлаши ва натижалари фақат мутахассисга аён бўлса, куздан кечириш

эмас, эксперт текширувлари каторига киради. Ахлокий мулоҳазалардан келиб чикиб, ашёвий далил сифатида инсон танасининг қолдиклари, масалан мурда эксгумация қилинганда ундан ажратиб олинган жароҳатланган одамнинг бош суяги суд мажлисида кўздан кечирилиши мумкин эмас. Бу экспертнинг ишидир. Судга ва тарафларга экспертларнинг хулосаси, фотосуръат, кинотасма, чизма, жадвал кабилар тақдим этилади.

6. Суд, ҳажми катта нарсаларни, масалан шикастланган автоулов, самолёт кабиларни, улар турган жойда тарафлар билан биргаликда кўздан кечирилади. Кўздан кечиришнинг ўтказилиши ва натижалари кўздан кечириш олиб борилган жойда тузилган суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

7. Агарда дастлабки тергов даврида воқеа содир бўлган жой ва бинони кўздан кечириш туғри ўтказилган бўлса, суд тергови давомида бу ҳаракатни қайтаришга зарурат бўлмайди ва бунда кўздан кечириш ҳақидаги баённомани ўқиб эшиттириш билан чекланса бўлади.

8. Воқеа содир бўлган жой ёки бинони кўздан кечириш суд таркиби, давлат айбловчиси, химоячи, жабрланувчи, судланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари иштирокида ўтказилади. Зарур ҳолларда гувоҳлар ёки экспертлар иштирок этиши мумкин.

9. Кўздан кечириш ўтказиш вақтида судья, халқ маслаҳатчиси, тарафлар ва эксперт иш ҳолатини аниқлаш учун судланувчига, гувоҳларга ёки экспертга савол беришлари мумкин.

10. Кўздан кечириш ўтказиш вақтида аввалги ҳолатни тиклаш зарур бўлган тақдирда суднинг ажримига кўра суд эксперименти ўтказилиши мумкин.

11. Воқеа содир бўлган жой ёки бинони кўздан кечириш суд мажлисининг давоми ҳисобланади ва суд мажлиси баённомаси юритилиб, унда кўздан кечиришнинг бошланган ва тамомланган вақти, иштирок этувчилар, берилган саволлар ва уларга берилган жавоблар мазмуни, тарафлар томонидан суднинг эътиборини ишдаги ҳолатларни аниқлашга ёрдам қилиш мумкин бўлган нарсаларга жалб этиш ҳақидаги маълумотлар ифодаланиши керак.

12. Суд кўздан кечиришни ЖПКнинг ушбу шарҳланаётган моддаси ва 135-141-моддаларида назарда тутилган талабларга биноан амалга оширади.

Суд терговда гувоҳлантиришни суд ушбу Кодекснинг 142-147-моддаларида назарда тутилган талабларга ҳамда қўйида белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда ўтказилади.

Гувоҳлантириш ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлса, алоҳида хонада шифокор ёки бошқа мутахассис томонидан, гувоҳлантирилаётган шахснинг жинсидаги ҳолислар иштирокида ўтказилади. Гувоҳлантириш ўтказиб бўлинганидан сўнг процесснинг мазкур иштирокчилари суд мажлиси залига қайтиб кирадилар ва у ерда тарафларнинг, гувоҳлантирилган шахснинг ва ҳолисларнинг иштирокида шифокор ёки бошқа мутахассис гувоҳлантирилган шахснинг баданида излар ёки белгилар аниқланган бўлса, шу хусусда ахборот беради ҳамда тарафларнинг, судьяларнинг саволларига жавоб беради. Бу маълумотлар, шунингдек, гувоҳлантирилган шахснинг ҳамда ҳолисларнинг мулоҳаза ва тушунтиришлари суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади ва улар шифокорнинг, бошқа мутахассиснинг, гувоҳлантирилган шахснинг ва ҳолисларнинг имзолари билан тасдиқланади.

1. Гувоҳлантириш одамнинг баданини кўздан кечиришдан иборат тергов ҳаракатидир. Суд терговда гувоҳлантириш одам баданидаги иш учун аҳамиятга молик хусусият ёки аломатларни, алоҳида белгиларни, жиноят изларини, ган жароҳатларини, доғларни, тирналган, шилинган, конталаш жойларни топиш зарурати туғилган ҳолларда, агарда бунинг учун экспертиза ўтказиш лозим бўлмаса, ўтказилади.

2. Экспертиза ўтказишни талаб қилмайдиган усулларни қўллаш билан шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатини аниқлаш зарурати туғилган ҳолларда ҳам судда гувоҳлантириш ўтказилиши мумкин (ЖПКнинг 142-моддаси шарҳига қаранг).

3. Дастлабки терговда гувоҳлантиришни ўтказиш тартибидан фарқли ўларок, судда у ошқора амалга оширилади. Гувоҳлантириш шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ ҳолларда алоҳида хонада ўтказилади, унинг натижалари суд мажлиси залида муҳокама қилинади. Гувоҳлантириш жараёни ва натижалари суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

Суд терговда экспертиза ушбу Кодекснинг 172-187-моддаларида назарда тутилган талабларга ва қуйида белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда тайинланади ва утказилади.

Суд мажлисида экспертизани илгари дастлабки терговда хулоса берган экспертлар ёки суд тайинлаган янги экспертлар ёхуд ҳам илгариги, ҳам кейин тайинланган экспертлар биргаликда утказишади.

Тарафлардан бирортасининг илтимоси бўйича ёки ўз ташаббуси билан суд экспертиза тайинлаш тўғрисида аёжрим чиқаради ва уни суд мажлисида ўқиб эшиттиради. Аёжримда экспертиза утказиш топширилган шахс ёки экспертиза муассасаси курсатилади ва эксперт олдига саволлар қўйилади. Бунда суд тарафларга уларнинг экспертнинг рад этиш, тараф курсатган қўшимча шахсни экспертлар сафига киритиш, эксперт олдига қўшимча саволлар қўйиш, экспертизани тарафларнинг иштирокида утказиш тўғрисида илтимослар қилиш, шунингдек, экспертиза давомида изоҳот бериб бориш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтиради.

Илтимослар ёки экспертнинг рад қилиш тўғрисидаги арзларни суд ушбу Кодекснинг 80-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳолда куриб чиқади.

Суд терговда эксперт сўроқ қилинаётган шахсларга саволлар беришга, ёзма далиллар, тергов ҳаракатларининг баённомалари, бошқа экспертларнинг хулосалари билан танишишга, куздан кечиринлар, экспериментларда ва экспертиза предметида оид суднинг бошқа ҳаракатларида иштирок этишга ҳақлидир.

Суд тергови давомида экспертнинг олдига қўшимча саволлар қўйилиши мумкин.

Экспертиза предметида оид ҳолатлар текшируви тугаллангач, суд хулоса тайёрлаш учун экспертга муҳлат беради. Башарти бунинг учун лаборатория тадқиқотлари утказиш лозим бўлса, суд экспертга тегишли объектларни беради.

Эксперт ўз хулосасини суд мажлисида ўқиб эшиттиради. Хулоса суд мажлисининг баённомасига илова қилинади.

Эксперт хулоса берганидан сўнг, хулосада баён қилинган ҳолатлар бўйича у суд мажлисида сўроқ қилиниши мумкин.

1. Суд терговида экспертиза ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, эксперт судда оғзакилик ва бевоситалик тамойилларидан келиб чиқиб, иш ҳолатларини нафақат ёзма ҳужжатлар бўйича, балки бевосита текширади.

2. Экспертиза ўтказишга оид иш материаллари билан танишиш, тўғри фикрнома бериш учун эксперт қўшимча материаллар талаб қилишга, экспертиза ўтказишга алоқадор бўлган ҳолатларни аниқлаб олиш учун раислик қилувчининг руҳсати билан судланувчига, жабрланувчига ва барча гувоҳларга саволлар беришга ҳақли.

3. Суд ишни дастлабки тергов босқичида ҳулоса берган экспертнинг иштирокисиз қўриши мумкин. Бу ҳолда эксперт ҳулосаси суд мажлисида ўқиб эшиттирилиши ва текширилиши керак.

4. Тарафлар эксперт олдига саволлар қўйишда иштирок этадилар. Қўшимча масалаларни аниқлаш, янги объектларни текшириш зарурияти пайдо бўлганда, суд экспертиза ўтказишни дастлабки терговда экспертиза ўтказган экспертга ёки бошқа экспертга топшириши мумкин.

5. Судда экспертиза ўтказишнинг масъулиятли жиҳати тарафлар томонидан тақдим этиладиган саволларни тўғри ва ўринли тузиб берилишидадир. Эксперт олдига қўйиладиган саволлар аниқ, қўзланган мақсадга эришишга қаратилган бўлиши керак. Юзаки ва ноаниқ жавобларга сабаб бўладиган саволлар қўйилмаслиги лозим. Агарда экспертнинг фикрича айрим саволлар нотўғри ёки ноаниқ тузилган бўлса, у суддан шундай саволларни бутунлай чиқариб ташлашни ёки бошқача шаклда тузиб берилишини сўраши мумкин. Шундан кейин суд тарафларнинг фикрларини эшитгач, маслаҳатхонага киради ва эксперт олдига қўйиладиган саволларни аниқлаб ажрим чиқаради.

6. Иш бўйича бир неча экспертлар иштирок этаётган бўлса, улар ўзаро маслаҳатлашиб, қўйилган саволларга тегишли жавоб тайёрлашлари мумкин. Барча экспертлар ўзаро келишганлари тақдирда битта ҳулоса чиқариб, судга тақдим этади. Иш юзасидан бир неча ихтисослик бўйича экспертлар иштирок этганларида уларнинг ҳар бири ўз ихтисослари бўйича тегишли ҳулосани ёзма равишда судга беради.

7. Суд томонидан экспертиза ўтказиш учун экспертга тегишли шароитлар яратилиб берилиши керак. Экспертиза

алоҳида хонада ўтказилади. Экспертиза ўтказиш учун тегишли аппаратуралар, асбоблар ва махсус куруллардан фойдаланиш зарур бўлган тақдирда бошқа жойда ўтказилиши мумкин

8. Экспертиза ўтказиш кўп вақт талаб қилган ҳолларда суд мажлисига танаффус эълон қилиниши ёки ишни қуришлик бошқа кунга қолдирилиши мумкин.

9. Бошқа барча ҳолатларда суд экспертизаси ушбу Кодекснинг 172-187- моддаларида назарда тутилган талабларга биноан ўтказилади.

447-модда. Таниб олиш учун кўрсатиш, эксперимент ўтказиш, эксперт текшируви учун намуналар олиш

Суд терговда таниб олиш учун кўрсатиш, эксперимент ўтказиш ва эксперт текшируви учун намуналар олиш ушбу Кодекснинг 125-131, 153-156, 188-197-моддаларида назарда тутилган ҳодаларга мувофиқ ўтказилади. Тарафлар шу суд ҳаракатлари муносабати билан илтимослар қилишга ва ўз мулоҳазаларини билдиришга ҳақлидирлар.

Суд ушбу ҳаракатларни ўтказишда қумаклашишни суриштирув органининг бошлиғи ёки терговчидан талаб қилишга ҳақлидир.

Таниб олиш учун кўрсатиш, эксперимент ўтказиш ҳамда намуналар олиш жараёни ва натижалари, шунингдек, мазкур суд ҳаракатларининг юритилиши муносабати билан билдирилган илтимослар, мулоҳазалар ва тушунтиришлар суд мажлисининг баённомасида қайд қилинади.

1. Суд терговининг бевоситалик тамойилини таъминлаш мақсадида суд мажлисида гувоҳга, жабрланувчи ёки судланувчига таниб олиш учун шахс ёки буюм кўрсатилиши мумкин.

2. Иш бўйича бир неча шахслар ёки буюмлар ҳар бир гувоҳга, жабрланувчига ва судланувчига таниб олиш учун алоҳида-алоҳида кўрсатилиши лозим. Бу ҳолатда қўшимча саволлар берилиб тегишли жавоблар олингач, дастлабки терговда ўтказилган таниб олиш баённомаси ўқиб эшиттирилади ва бу ҳақдаги ҳаракатлар суд мажлиси баённомасида акс эттирилади.

3. Суд терговида таниб олиш учун кўрсатиш бундай тергов харакатини дастлабки терговда ўтказиш бўйича қонунда белгилаб қўйилган барча талабларга риоя қилган ҳолда бажарилади.

4. Суд эксперименти дастлабки тергов босқичида уни ўтказишга оид талабларга риоя қилган ҳолда биринчи инстанция судининг суд мажлиси доирасида ўтказилади. Эксперимент ўтказиш вақтида аввалги ҳолатни тиклашга зарурат туғилган тақдирда суд ажрим чиқаради. Бунда муайян ҳодиса юз берган шароитни ва ҳолатни сунъий равишда қайта тикланади. Қонун суд эксперименти харакатларининг ўтказилишини, агар бу харакатлар бунда қатнашаётган, теварак атрофдаги шахсларнинг кадр-қимматини туширмайдиган ва уларнинг соғлиғи учун хатарли бўлмаган ҳоллардагина йул қўйилиши мумкинлигини талаб қилади. Суд эксперименти ўтказиш вақтида суд процессининг барча иштирокчилари қатнашади.

5. Эксперт олдига қўйилган саволларни ҳал қилиш учун зарур бўлса, суд эксперт текшируви учун намуналар олишга ҳақлидир.

6. Суд тарафлар иштирокида намуналарни кўздан кечириб, уларнинг ҳақиқийлигига ва тула сақланганлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин олинган намунани ажрим ва баённома билан бирга экспертга юборади.

448-модда. Суд терговининг тамомланиши

Барча далиллар текшириб чиқилганидан кейин раислик қилувчи тарафлардан улар суд терговини тулдирмоқчиларми ва тулдирмоқчи бўлсалар, нима билан тулдирмоқчи эканликларини сўрайди. Башарти бу ҳақда илтимос қилинса, суд уни муҳокама қилади ва ҳал этади.

Илтимосларни қаноатлантириш учун зарур бўлган қўшимча харакатлар бажарилганидан сўнг раислик қилувчи суд терговини тамом бўлган деб эълон қилади.

1. Шарҳланаётган модда суд таркибининг дастлабки терговда ва суд терговида тўпланган барча далиллар суд мажлисида тулиқ текширилганлиги туғрисида бир тўхтамга келиш билан боғлиқ.

2. Барча далиллар суд мажлисида текшириб чиқилгач, раислик қилувчи томонидан берилган саволга мувофиқ тарафларнинг биронтаси янги далилларни текшириш зарурлиги ҳақида таклиф қилмаса, иш учун аҳамиятли бўлган барча далиллар тула ва атрофлича текширилган, ишонч ҳосил қилинган ва тарафлар суд терговини тамомлаш мумкин деб ҳисоблагандан сўнг суд бу ҳақда эълон қилади. Асослар бўлгандагина суд тергови давом эттирилади.

3. Тарафлар қўшимча гувоҳлар чақириш, янги ашёвий ёки ёзма далилларни талаб қилиб олиш ёхуд экспертиза текширувларини ўтказиш тўғрисида илтимослар қилса, суд уларни муҳокама қилишга мажбур. Агарда суд илтимосларни асосли деб топса, суд мажлисини давом эттиради ёки суд муҳокамасини бошқа кунга қолдиради.

4. Тарафлар суд терговини тамомлашдан олдин суд мажлисига қўшимча гувоҳлар чақиртириш, экспертиза ўтказиш, ишни қўшимча тергов қилиш учун юбориш бўйича олдинги илтимосларини қайтариши мумкин.

Суд барча илтимосларни муҳокама қилиб, уларни қаноатлантиради ёки рад этади. Бундай илтимос қаноатлантирилган тақдирда суд тергови давом этади.

5. Суд тергови тамомланган деб эълон қилингач, далилларни текширишни давом эттириш мумкин эмас.

53-БОБ. ТАРАФЛАРНИНГ МУЗОКАРАСИ ВА СУДЛАНУВЧИНИНГ ОХИРГИ СУЗИ

449-модда. Тарафлар музокарасининг мазмуни ва тартиби

Суд тергови тамомланганидан сунг суд тарафларнинг музокарасини эшитишга утади. Музокара давлат айбловчиси ва жасоат айбловчисининг нутқлари билан бошланади. Сунгра жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки уларнинг вакиллари, ҳимоячи ва жасоат ҳимоячиси, судланувчи, фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили сузга чиқади.

Давлат айбловчиси ва жасоат айбловчисининг, шунингдек, ҳимоячи ва жасоат ҳимоячисининг сузга чиқиш навбатини суд уларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда белгилайди.

Тарафлар узларининг нутқларида суд терговидида куриб чиқилмаган далилларни келтиришга ҳақли эмас. Текшириш учун судга янги далилларни тақдим этиш лозим булса, тарафлар суд терговини янгидан бошлаш тўғрисида илтимос қилишлари мумкин.

Давлат айбловчиси суд терговининг яқунларини инобатга олиб, уз нутқидида судланувчининг айблилиги ёки айбли эмаслиги тўғрисидаги хулосасини асослантириши лозим. Давлат айбловчиси судланувчи айбли деган хулосага келганда, унга нисбатан қўлланилиши лозим булган жазо тури ва меъёри ҳақида судга уз фикрини баён қилади.

Тарафлар нутқ сузлаб булганларидан кейин, улардан ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларида айтилган масалалар юзасидан эътирозлар ёки мулоҳазалар билан яна бир мартадан сузга чиқишлари мумкин. Сунгги эътироз билдириш ҳуқуқи ҳамиша ҳимоячи ва судланувчига берилади.

Суд тарафларнинг музокарасини муайян муддат билан чеклаб қўйиши мумкин эмас, лекин раислик қилувчи музокарада иштирок этаётган шахсларнинг нутқларини, башарти улар курилаётган ишга даҳли йўқ ҳолатларга тааллуқли булса, тухтатиб қўйишга ҳақлидир.

1. Тарафлар музокараси суд муҳокамасининг мустақил қисми ҳисобланади. Суд музокаралари яхши ва пухта тайёр-

ланган ҳолда ўтказилмоғи зарур. Улар суднинг тарбиявий аҳамиятини кутаришда катта роль ўйнайди. Шу сабабли уни қонунда белгиланган талаблар асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Давлат айбловчиси, ҳимоячи ва бошқа музокарада қатнашувчиларнинг нутқлари судланувчининг жиноятига нисбатан бўлган муносабатини батафсил муҳокама қилиб, тегишли хулоса чиқаришига ёрдам беради. Шу сабабли тарафлар музокарага гайёрланиш учун суддан танаффус қилиш ҳақида сўраш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Тарафлар музокараси ушбу ишда тарафлар ва уларнинг вакиллари нутқларидан иборат бўлади. Тарафлар нутқларида ўз нуқтаи назарларидан келиб чиқиб, суд терговининг натижаларини ёритган ҳолда, суд тергови давомида текширилган далилларга ҳуқуқий баҳо беради, қурилаётган ишга бўлган ҳуқуқий муносабатларини белгилайди, судланувчи томонидан содир қилинган жиноятнинг исбот бўлганлиги ёки бўлмаганлиги, унга нисбатан тайинланадиган жазо чораси ёки жазодан уни озод қилиш, оқлов ҳукми чиқариш, фуқаровий даъволарининг ҳал қилиниши ҳамда суд ҳукм чиқараётганда ҳал қилиниши керак бўлган бошқа масалалар бўйича ўзларининг фикрларини баён қиладилар.

3. Суд музокараларида жиноят иши бўйича суд муҳокама-сида тарафларнинг тенглиги ва ўзаро тортишуви яққол намаён бўлади.

4. Суд муҳокамасининг ушбу қисми иш бўйича адолатли қарор чиқаришда муҳим ўрин тутади, чунки бунда суд ҳақиқатни юзага келтирувчи ҳар бир тарафнинг бирор нарсага қаратилган нуқтаи назарини, уларнинг охириги баҳсларини эшитади.

5. Давлат айбловчиси ва ҳимоячи учун суд музокарасида қатнашиш мажбурийдир, улар нутқ сўзлашдан бўйин товлашга ҳақли эмаслар, чунки бундай бўйин товлаш ўз процессуал вазифаларини бажаришдан бош тортиш деб ҳисобланади.

6. Суд амалиётида ҳимоячининг тутган йули билан судланувчи келишмагани сабабли суд музокаралари олдидан судланувчи ҳимоячидан воз кечишга ва ўзи суд музокараларида ҳимоя нутқи сўзлашга ҳақли.

7. Суд музокарасининг ҳар бир қатнашчиси суд мажлисида текширилган далиллар билангина ўз нуқтаи назарларини асослашга ҳақли.

8. Фукаровий даъвогар, фукаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш буйича мавжуд бўлган фукаровий даъвога оид нутқ билан катнашади.

9. Раислик қилувчи музокарада катнашаётганларнинг нутқларини улар ўз мазмунига кўра кўрилаётган ишга дахли бўлмаганда тухтатиб қўйишга ҳақлидир.

10. Суд музокараларининг барча иштирокчилари нутқ сузлаб бўлганларидан кейин нутқларда айтилган масалалар юзасидан яна бир мартадан қўшимча сузлашлари мумкин. Музокара иштирокчиларининг қўшимча сузлари бир-бирларининг айтган сузларига эътироз билдиришдан иборат. Жавоб сузлари қисқа ишга алоқадор бўлиб, уларда бир-бирларини камситувчи, ҳақоратловчи мазмунда бўлмаслиги керак. Сўнгги эътироз билдириш ҳукуки ҳамиша химоячи ва судланувчига берилади.

11. Судланувчига охириги сўз беришдан аввал раислик қилувчи суд музокараларининг тамом бўлганлигини эълон қилади.

450-модда. Тарафларнинг айбловнинг моҳияти юзасидан таклифлари

Музокара тамом бўлганидан кейин тарафлар ушбу Кодекс 457-моддасининг биринчи қисмидаги 1-6-бандларида назарда тутилган масалалар юзасидан чиқариладиган қарорнинг ўзлари таклиф этадиган мазмунини судга ёзма равишда тақдим этишлари мумкин. Давлат айбловчиси ва химоячи учун қарорнинг бундай мазмунини судга тақдим этиш мажбурийдир.

1. Шарҳланаётган моддага кўра, жинойт иши буйича суд муҳокамасида катнашаётган тарафлар, ушбу Кодекс 457-моддаси биринчи қисмининг 1-6-бандларида назарда тутилган масалалар юзасидан чиқариладиган қарорнинг ўзлари таклиф этадиган мазмунини судга тақдим этади. Улар қабул қилиниши мумкин бўлган суд қарорларини ёзма равишда таклиф қилиши ва ўз таклифларини асослаб бериши лозим (ЎзР Олий суди Пленумининг “Судлар тамошадан жинойт ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида” 1997 йил 22-августдаги 12-сонли қарорининг 13-банди).

2. Давлат айбловчиси ва ҳимоячи учун қарорнинг бундай мазмунини судга тақдим этиш мажбурийдир.

3. Тарафлар таклиф этган қарорлар ушбу жиноят иши муҳокамасида текширилган далилларгагина асосланган бўлиши керак, ақс ҳолда уларнинг таклифлари суд томонидан эътиборга олинмайди.

451-модда. Судланувчининг охириги сузи

Тарафларнинг музокараси тамом бўлганидан кейин раислик қилувчи судланувчига охириги суз беради. Судланувчининг охириги сузи вақтида унга ҳеч қандай савол беришга йул қўйилмайди.

Суд судланувчининг охириги сузини муайян муддат билан чеклаб қўйиши мумкин эмас, лекин раислик қилувчи судланувчининг сузини, у ишга мутлақо алоқаси йуқ ҳолатларни баён қила бошлаган ҳолларда, тухтатишга ҳақлидир.

1. Судланувчига охириги сузини баён қилиш кафолатланган. Судланувчининг охириги сузи суд муҳокамасининг муҳим қисми ҳисобланади. Судланувчи ўз нутқида ҳимояга бўлган ҳуқуқидан фойдаланиб, иш буйича бўлиб ўтган суд муҳокамасига тўлиқ яқун ясаши мумкин. Суд судланувчидан унга қўйилган айбига нисбатан суд тергови давомида қилган хулосаларини ва суд олдида охириги қўядиган талабларини эшитади. Бу қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқариш учун зарурдир.

2. Раислик қилувчи судланувчига, гарчи у суд муҳокамасида гапиришдан воз кечган бўлса ҳам, охириги суз беришга мажбур. Судланувчига охириги суз бермаслик жиноят-процессуал қонуни нормасининг жиддий бузилиши (ЖПКнинг 487-моддаси шарҳига қаранг) ҳисобланади ва ҳукмнинг албатта бекор қилинишига сабаб бўлади.

3. Судланувчи охириги суз айтиш ҳуқуқига эга, бироқ мажбур эмас. Агарда судланувчи охириги суздан воз кечса суд мажлиси баённомасида бу ҳақда қайд этилган бўлиши лозим.

4. Судланувчининг охириги сузини тухтатиш, саволлар бериб чалғитиш ва вақтини чегаралаб қўйиш мумкин эмас. Раислик қилувчи фақат ушбу қўрилаётган ишга тааллуқли бўлмаган ҳолатларни судланувчи баён қила бошлаганида, процесс

иштирокчиларини ҳақорат қила бошлаганида унинг сўзини тўхтатиб қўяди ва ўз ишига тааллуқли масалалар тўғрисида гапиришни таклиф этади.

5. Судланувчи охириги сўзида ҳимояланиш мақсадида нимани айтишни лозим деб ҳисобласа, шу тўғрида гапириши мумкин.

452-модда. Суд терговини янгидан бошлаш

Башарти тарафлар музокарадаги нутқларида ёки судланувчи охириги сўзида иш учун муҳим аҳамиятга молик янги ҳолатлар тўғрисида гапирсалар ёки муқаддам текширилмаган, лекин ишга алоқадор далилларни келтирсалар, суд тарафларнинг илтимосларига кура ёки ўз ташаббуси билан суд терговини янгидан бошлаш тўғрисида ажрим чиқаради. Янгидан бошланган суд тергови тамом бўлганидан кейин суд тарафларнинг музокарасини янгитдан очади ва судланувчига охириги сўз беради.

1. Шарҳланаётган модда суд терговини янгидан бошлаш ҳолларини қайд этади. Агарда тарафларнинг нутқларида ёки судланувчининг охириги сўзида далилларнинг текширилганлик даражаси ва жазолар тўғрисидаги хулосалар, фикр-мулоҳазалардан ташқари иш бўйича далил бўлиши мумкин бўлган, аммо суд терговиде текширилмаган муайян фактик маълумотлар айғиб ўтилган бўлса, агарда улар янги далилларни таҳлил қилишни тақозо этса, суд терговни янгитдан бошлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

2. Янгидан бошланган суд тергови тамом бўлганидан кейин суд тарафларнинг музокарасини янгитдан очади ва судланувчига охириги сўз беради.

453-модда. Суднинг қарор қабул қилиш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кириши

Судланувчининг охириги сўзини эшитиб бўлганидан сўнг суд ҳукм чиқариш ёки ажрим чиқариш учун дарҳол алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киради. Бу ҳақда раислик қилувчи суд мажлиси залида ҳозир бўлганларга эълон қилади.

1. Шарҳланаётган модда мазмунига кура, судланувчининг охириги сузи билан суднинг алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кириши ўртасида ҳеч қандай танаффус қилинишига йул қўйилмайди, бу ташқи таъсирни истисно этади.

2. Суднинг ҳукм ёки ажрим чиқариш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) дарҳол кириши шуни тақозо этадики, суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд муҳокамасида ва унинг яқунловчи босқичлари бўлган тарафларнинг музокаралари, иш бўйича далилларга берилган баҳолар, судланувчининг охириги сузидан олган фикр-ғоялар ҳамда таъсуротлар билан киради.

3. Агарда иш бўйича бир неча судланувчилар бўлса, улардан баъзилари томонидан охириги суз айтилишини эртасига қолдирилиб, танаффус эълон қилиниши мумкин.

4. Алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киришда судьялар ўзлари билан жиноят ишини, суд мажлиси давомидаги ўз ёзувларини, суд мажлиси баённомасининг хомаки нусхасини, тарафларнинг ушбу Кодекс 457-моддаси биринчи қисмининг 1-6 бандларида назарда тутилган масалалар юзасидан чиқариладиган қарорнинг ёзма баёноти ва шунингдек, қонун манбаларини олиб киришга ҳақли.

454-модда. Ҳукм чиқариш

Суд ҳукми Узбекистон Республикаси номидан чиқаради

1. Ҳукм одил судловнинг энг муҳим ҳужжати ҳисобланади.
2. Суд томонидан жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилган шахсга адолатли жазо тайинлаши, маҳкумнинг қонунга бўйсунуши ва қилмишига яраша жазони олиши ҳукмда ифодаланади. Агарда судланувчи оқланса, ҳукмнинг моҳияти, давлат фуқародан айбловни соқит қилиши ва шунинг билан тергов ва суд жараёнида йўл қўйилган камчилик ва хатолар учун ўзини масъул ҳисоблаши ҳамда реабилитация қилинган фуқарога барча зарарни қопланиши ҳақида эълон қилади.
3. Судланган шахс учун, шунингдек, суд залида ҳукм ўқи-лаётганда қатнашаётган ёки уни бошқа йўллар билан эшитаёт-ган шахслар учун ҳукм тарбияловчи ва жиноятчиликнинг олдини олиш учун катта таъсир курсатувчи аҳамиятга эга. Ҳукм орқали давлат фуқароларни жиноят содир этишдан сақлайди. Аҳолининг кўз олдида ҳукмнинг давлат номидан чиқарилиши ҳукмнинг ва уни чиқарган суднинг обрўсини мустаҳкамлайди.

455-модда. Ҳукмнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши

Ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт.

Ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилади.

Ҳукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тула ва юз берганига ҳақиқатан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилади.

Ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг изжтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилади.

Суд ҳукми фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асослайди.

Суднинг ҳукмида ифодаланган барча хулосалари асослан-тирилган бўлиши лозим.

1. Судлар томонидан одил судловни амалга ошириш ҳар бир чиқариладиган ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлишини талаб қилади.

2. Ҳукм фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асослантилган бўлиши керак (ЎЗР Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида» ги 2-сон қарори 3-банди).

3. Суднинг ҳукми қонун асосида, қонуннинг барча талабларига риоя қилган ҳолда, нафақат процессуал қонунга, балки жиноят ва жазо, иштирокчилик ва жиноятни содир қилиш босқичлари, зарурий мудофа каби тушунчаларни белгилловчи жиноят қонунига ҳам асосланиб чиқарилганда қонуний деб ҳисобланади.

4. Ҳукмнинг қонунийлиги деганда, фақат ҳукм чиқариш вақтида эмас, балки жиноят иши бўйича ҳукм чиқаришгача бўлган жараёнда ҳам жиноят ва жиноят-процессуал қонун нормаларига риоя қилинганлиги тушунилади.

5. Ҳукмнинг асослилиги деб, ҳукмда баён қилинган суд хулосалари иш ҳолатларига мослиги, суд муҳокамасида тадқиқ этилган ва суд томонидан ишончли ҳамда етарли деб тан олинган далиллар мажмуи билан тасдиқланганлигига айтилади. Номакбул далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан ЖПКнинг 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас (ЎЗР Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» ги қарори, 1-банди). Ҳукмда баён этилган ҳолатлар ва улардан келиб чиқадиган хулосалар ишнинг ҳақиқий ҳолатига мос келиши, яъни ҳақиқий бўлиши лозим. Асослантилмаган ҳукм айни вақтда ноқонуний ҳисобланади.

6. Ҳукм адолатли бўлиши керак, шахс фақат айблилик даражаси меъёрида жазога тортилиши лозим. Адолатлилик талаби ҳукмнинг қонунийлиги ва асослантилганлиги талаблари билан узвий боғланиб кетади, чунки адолатли бўлмаган ҳукм қонуний ҳам бўлаолмайди. Бундай ҳукм одатда ишонарли тарзда асослантилмаган бўлиб қонуний деб ҳисобланмайди.

Судья ҳукми алоҳида хонада, суд эса маслаҳатхонада чиқаради. Бундай пайтда мазкур хонада фақат судьянинг узи ёки ушбу иш бўйича суд таркибига кирган судьялар ҳозир бўлишлари мумкин. Бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишларига йўл қўйилмайди.

Кеч кириши билан, зарурат бўлган тақдирда эса, кун давомида ҳам суд маслаҳатни тўхтатишга ҳақлидир. Маслаҳатлашув дам олиш куни ва байрам кунда ҳам тўхтатилади. Судьялар маслаҳатлашув вақтида айтилган мулоҳазаларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

1. Судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши ва уни ошкор қилинишининг тақиқланиши судьялар мустақиллиги, уларнинг беғаразлиги ва холислигининг кафолатидир.

2. Судьянинг тарафлар вакиллари, шунингдек, бошқа шахслар билан ишларни муҳокама қилиши унинг беғаразлигини шубҳа остига қўяди ва шунинг учун бунга йўл қўйилмайди. Судья фақат маслаҳатхонада ишнинг муҳокамаси чоғида уни мазмунан ҳал қилишга доир фикрини билдиради. Судья, шунингдек, муайян ишни ҳал қилиш бўйича бирон бир кишидан маслаҳат олишга ва унга ўз фикрини билдиришга ҳақли эмас.

3. Ҳукм алоҳида хонада (маслаҳатхонада) уни чиқариш билан боғлиқ масалаларни тинч, осойишта, беғараз, холис ва одилона ҳал қилиш учун яратилган шароитда чиқарилади. Бу ҳукм чиқаришдек муҳим масалани ҳал этишда судьяларга қандай бўлмасин бирон бир таъсир ўтказилишидан, уларнинг ишига аралашайдан сақлайди.

4. Судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши деганда, у ерда фақат суд таркибига кирган судьяларгина бўлиши лозимлиги, судьялар маслаҳатлашаётган вақтда ҳар қандай телефон ва бошқа алоқа воситалари орқали ким билан бўлмасин, сузлашуви ман этилади. Эҳтиёт чораси ўзгартирилган судланувчини олиб кетиш учун соқчилар чақириш бундан мустаснодир. Маслаҳатхона эшигига «Суд маслаҳатда» деб ёзиб қўйилиши даркор. Шу сабабли маслаҳатлашув хонаси бошқа хоналардан ажратилган ҳолда бўлиши лозим, алоҳида маслаҳатхона бўлмаган жойда, судьянинг хонасида маслаҳатлашиш мумкин.

5. Судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши масаласи судьяларнинг ўзларига ҳам тегишлидир. Ҳукм ёзилиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишдаги музокаралар, ҳар бир судьянинг тутган нуқтаи назари ҳеч қачон ва ҳеч кимга ошкор қилинмаслиги лозим. Судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши тамойилининг бузилиши жиноят-процессуал қонунининг қўпол бузилишларидан ҳисобланиб, чиқарилган ҳукмни бекор қилишга олиб келади.

6. Судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилишини таъминлаш мақсадида уларнинг маслаҳатлашуви бўйича баённома тузилмайди ва овоз бериш натижалари ҳам эълон қилинмайди.

7. Агарда суд ҳукм чиқариш учун маслаҳатга кириб, иш куни мобайнида ҳукмни ёзиб тугатаолмаса, шунингдек, зарур бўлган тақдирда кун давомида ҳам танаффус қилишлари мумкин. Маслаҳатлашув дам олиш кунлари ва байрам кунлари ҳам тўхтатилади. Танаффус қилиш вақтини судьяларнинг ўзи белгилайди. Судья маслаҳатхонани ЖПКнинг 456-моддасида курсатилгандан бошқа ҳолларда ташлаб чиқиб кетиши мумкин эмас.

8. Судьяларнинг маслаҳатлашиш ҳамда танаффус қилиш вақтларида кўрилаётган иш тўғрисида ҳеч ким билан фикр алмашишларига руҳсат этилмайди.

457-модда. Ҳукм чиқариш вақтида суд ҳал қиладиган масалалар

Суд ҳукм чиқариш вақтида алоҳида ҳолада (маслаҳатхонада) қуйидаги масалаларни ҳал қилади:

1) судланувчи айбли деб топилаётган қилмиш ҳақиқатан содир этилганми;

2) бу қилмиш жиноят деб ҳисобланадими ва у Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилган;

3) бу қилмишни судланувчи содир этганми;

4) судланувчи жиноят содир этилишида айблими ва, башарти айбли бўлса, унинг айби қандай шаклда;

5) судланувчининг жавобгарлигини енгилиштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар борми;

6) судланувчи содир этган жинояти учун жазоланиши керакми;

7) судланувчига қандай жазо тайинланиши лозим ва у шу жазони ўташи керакми;

8) судланувчини *Жиноят кодексининг 34-моддасига мувофиқ ўта хавфли рецидивист* деб топиш лозимми;

9) озодликдан маҳрум қилинган маҳкум жазони қандай тартибли колонияда ўташи лозим ва жазо муддатининг бир қисмини турмада ўташи керакми;

10) фуқаровий даъво қаноатлантирилиши керакми, бу даъво кимнинг фойдасига ва қанча миқдорда қаноатлантирилиши лозим. шунингдек, фуқаровий даъво қўзғатилмаган бўлса, жиноят туфайли келтирилган мулкий зарар ундирилиши керакми, судланувчилар шериклик ёки ҳиссадорлик тартибида жавобгарликка тортилишлари лозимми;

11) фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланган мол-мулкни нима қилиш керак;

12) ашёвий далилларни нима қилиш керак;

13) процесс чиқимларини кимнинг зиммасига ва қанча миқдорда юклаш керак;

14) судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, илгаригисини қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш керакми;

15) судланувчига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёхуд унинг устидан ҳомийлик белгилаш зарурми.

Судланувчи бир неча жиноятни содир этганликда айбланаётган бўлса, суд ушбу модданинг 1-8-бандларида назарда тутилган масалаларни ҳар бир жиноят бўйича алоҳида-алоҳида ҳал қилади.

Жиноятни содир этишда бир неча судланувчи айбланаётган бўлса, суд ушбу моддада курсатилган масалаларни ҳар бир судланувчига нисбатан алоҳида-алоҳида ҳал қилади.

Ушбу модданинг 15-бандида назарда тутилган тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари экспертнинг тегишли хулосаси мавжуд бўлгандагина қўлланилиши мумкин.

Суд муҳокамаси жараёнида ушбу Кодекс 533-моддасининг биринчи қисми 1-4-бандларида назарда тутилган ҳолатлардан бирортаси аниқланиб қолса, суд ҳукмининг ижросини қонунда белгиланган тартибда кечиктириш масаласини муҳокама қилиши шарт.

1. Раислик килувчи ҳукм чиқариш учун маслаҳатга кирганида, суд ҳал қиладиган масалаларни ушбу моддада кўрсатилган тартибда ва уларнинг кетма-кетлигига қатъий риоя қилиб муҳокамага қўйиши лозим.

2. Дастлабки 1-6 масалалар бўйича агар судланувчи бир неча жиноятни содир этганликда айбланса, суд уларни алоҳида-алоҳида ҳал этади, шунингдек, жиноятни содир этишда бир неча судланувчилар айбланган бўлса, ҳар бир судланувчига нисбатан алоҳида ҳал этилади.

3. Ҳукм чиқаришда биринчи ўринда суд томонидан ҳал этилиши лозим бўлган масала - жинойий ҳодисанинг ҳақиқатан содир этилган-этилмаганлигини аниқлаш ҳисобланади. Ушбу саволга ижобий жавоб берилгандагина кейинги барча масалалар муҳокамага қўйилиши ва ҳал қилиниши мумкин. Акс ҳолда жинойий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли оқлов ҳукми чиқарилади (ЖПК 464-моддасининг 1-банди).

4. Ҳукм чиқаришда иккинчи ўринда ҳал қилиниши керак бўлган масала, бу судланувчи томонидан содир этилган қилмиш-ни (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жинойий-ҳуқуқий тавсифлаш лозим. Бу эса қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун унинг ижтимоий хавфлилиги, айбнинг мавжудлиги, ҳуқуққа хилофлиги ва жазога сазоворлиги каби белгиларини синчковлик билан таҳлил этишни талаб қилади. Қилмиш жиноят деб ҳисобланадими деган модданинг иккинчи бандига салбий жавоб берилиши кейинги саволларга жавоб бериш туғрисидаги масалани муҳокамага қўйишни истисно этади. Судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса, оқлов ҳукми чиқарилиши шарт (ЖПКнинг 464-моддаси 2-банди).

5. Ҳукм чиқаришда ҳал этилиши лозим бўлган учинчи масала жиноятнинг субъектига дахлдор бўлиб, жиноят ким томонидан содир этилган деган саволга жавоб талаб қилади. Жиноят судланувчи томонидан содир этилганлиги ишга алоқадор, ишончли, старли далиллар билан тулиқ тасдиқлангандагина айблов ҳукми чиқарилади. Бу борада гумоннинг мавжудлиги жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор эмаслиги сабабли оқлов ҳукми чиқарилишига олиб келади (ЖПК 464-моддасининг 3-банди).

6. Қилмиш содир этилганлиги, унда жиноят таркибининг мавжудлиги, жиноят айнан судланувчи томонидан содир

этилганлиги аниқлангач, судланувчи жиноятни қасдан ёки эҳтиётсизлик натижасида ёхуд судланувчининг айбисиз содир этилганлиги муҳокама қилинади. Судланувчи қилмишни содир этишда айбли деб топиш учун айбнинг шакллари, жиноятнинг мотив ва мақсадлари, ижтимоий хавфи қилмиш билан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш лозим. Бу саволларга салбий жавоблар олинганда, жиноят таркиби йўқлиги сабабли оқлов ҳукми чиқарилади.

7. Судланувчи айбдор деб топилганда, адолатли жазо тайинлаш учун ЖКнинг 55 ва 56-моддаларида рўйхати белгилаб қўйилган жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни синчковлик билан урганиб чиқиш талаб этилади. Бу ўринда суд жиноят қонунида кўрсатилмаган бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкинлигини эътиборга олиши зарур.

8. Судланувчи содир этган жинояти учун жазоланиши керакми деган саволни ҳал этишда суд ушбу жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган-кетмаганлигини, ушбу қилмиш учун жазо қўллашни бекор қилган амнистия акти бор-йўқлигини аниқлаши шарт. Агарда ушбу жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган бўлса, бундай қилмиш учун жазо қўллашни бекор қилган амнистия акти мавжуд бўлса, маҳкумни жазодан озод қилиб айблов ҳукми чиқаришга олиб келади.

9. Суд айбдор деб топилган судланувчини жазодан озод қилиб (ЖПК 463-моддасининг иккинчи-қисми) ёки жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқариши мумкин. Суд ЖКнинг 70-моддасига асосланиб, иш судда кўрилаяётган вақтгача шароит ўзгарганлиги ёки судланувчининг намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ижтимоий хавфлилиги йўқолганлигини эътироф этса, жазодан озод қилиши мумкин. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у жиноят содир этгандан кейин етказилган зарарни бартараф этиб, ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш туғрисида арз қилган бўлса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин.

10. Судланувчига қандай жазо тайинланиши лозим ва у шу жазони ўташи керакми деган масалани ҳал этишда суд ЖКнинг 54-моддасига биноан жазо жиноят содир этишда қонунда белги-

ланган тартибда айбдор деб топилган шахсга нисбатан тайинланишини эътиборга олиши лозим. Суд томонидан жазо тури ва миқдори жиноят содир этганлик учун ЖКнинг жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада ҳамда ушбу Кодекс умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ тайинланади. Бу ўринда суд жазолашнинг мақсадига асосий эътиборни қаратмоғи керак. Жазо тайинлангандан сўнг суд ушбу жазо ўталиши керакми деган масалани ҳал қилади.

Суд судланувчига нисбатан ЖКнинг 72-моддасини қўллаб шартли жазо тайинлаганда ёки тайинланган жазо ҳукм чиққунга қадар шахснинг қамоқда бўлган вақтига (ЖКнинг 62-моддасида назарда тутилган дастлабки қамоқни ҳисобга олиш қоидаларини назарда тутиб) тенг бўлганда еҳуд ҳукмнинг ижроси кечиктирилганда тайинланган жазо ижро этилмайди. Шахс ҳукм чиқарилгандан кейин ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва бошқара олмайдиган даражада руҳий ёки жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бошқа оғир касалликка чалиниб қолса, жазони ўташдан озод қилиниши лозим.

11. Судланувчини ўта хавфли рецидивист деб топиш лозими деган масалани ҳал қилишда, суд ЖКнинг 34-моддасига риоя қилади. Бунда шахснинг бошқа давлатдаги судлар томонидан судланганлиги ҳам инобатга олинади.

12. Шарҳланаётган модданинг жазони ўташ тартибига бағишланган банди талабини ҳал қилар экан, суд озодликдан маҳрум қилинган маҳкумга ЖКнинг 50-моддаси асосида тайинланган жазони ўташ колониясини белгилайди. Жазони ўташ учун колония тури жиноятнинг жинойий-ҳуқуқий хусусиятига ҳамда маҳкумнинг шахсига қараб белгиланади. Суд озодликдан маҳрум этилганларга жазонинг бир қисмини турмада ўташни белгилаши мумкин. Беш йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланадиган ушбу жазони ўташ жойи ўта хавфли рецидивист, оғир ва ўта оғир жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тайинланади. Бундай ҳулоса ҳукмда асослаб берилиши лозим.

13. Фуқаровий даъво масаласини ҳал қилишда суд, жиноят натижасида зиён етказилган бўлса, у моддийми, жисмонийми, маънавийми, судланувчи томонидан етказилганми аниқламоғи, бу моддий зарар ундирилиши, маънавий зиён қопланиши керакми ва бу кимнинг фойдасига амалга оширилиши кераклигини

ҳал этиши лозим. Суд томонидан моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини таъминлаш одил судловнинг вазифаси ҳисобланади. Биргаликда содир этилган жиноий ҳаракатлар натижасида зарар етказган барча шахслар етказилган моддий зарарни қонлашда шерик жавобгар бўладилар (ЎзР Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сон қарорига қаранг). ФКнинг 1000-моддасида жабрланувчининг аризасига кўра ва унинг манфаатларини кўзлаб, агар бу тартиб зарарни қонлашни таъминласа, суд биргаликда зарар етказган шахслар зиммасига шериклик эмас, ҳиссадор жавобгарликни юклашга ҳақли.

14. Фуқаровий даъвони таъминлаш учун суд айбдор шахсларнинг мол-мулкани хатлаш мулкӣ зарар қопланишини таъминлашнинг муҳим шаклларида ҳисобланишини эътиборга олиши керак. Иш ҳужжатларида мол-мулк руйхатининг йўқлиги мулкӣ зарарни қоплаш тўғрисидаги масалани кўрмасдан қолдиришга асос бўла олмайди, чунки бундай мол-мулк ҳукм ижроси жараёнида ҳам аниқланиши мумкин. ЖПКнинг 295-моддасига кўра оқлов ҳукми кучга кирганда, жиноят иши тугатилганда, фуқаровий даъвогар ўз даъвосидан воз кечганда, ҳамда фуқаровий даъвони қаноатлантириш юзасидан қўрилган чораларга сабаб бўлган асослар бартараф этилган бошқа ҳолларда мол-мулкнинг хатланганлиги бекор қилинади.

15. Ушбу модданинг 12,13 ва 14-бандлари ёрдамчи хусусиятга эга бўлиб, ашёвий далиллар, процессуал чиқимлар ва эҳтиёт чоралари каби масалаларни ҳал этишга багишланган.

16. Айблов ҳукми чиқарилаётганда суд ушбу модданинг 15-бандидаги, жиноят содир этган шахсни жазолаш билан бир қаторда, агар у алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан бўлса, уни даъволаш учун ва жазолаш мақсадига эришишга кўмаклашувчи шароит яратиш учун тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш масаласини муҳокама қилади (ЖКнинг 91-моддасига қаранг). Ушбу тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси тиббий хулоса мавжуд бўлса тайинланади. Бундай касалликка йўлиққан маҳкумга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда тиббий муассасаларда мажбурий даволаниши лозим (ЖКнинг 96-моддасига қаранг). Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жазо ҳисобланмайди.

458-модда. Судланувчининг руҳий касаллиги ва ақли норасолиги масаласини муҳокама қилиш

Суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси пайтида судланувчининг руҳий касаллиги ва ақли норасолиги ҳақидаги масала келиб чиққан ҳолларда суд ҳукм чиқариш вақтида бу масалани яна бир бор муҳокама қилиши шарт. Судланувчи ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган ёки уни содир этганидан кейин ўз ҳаракатларини идрок эта олмайдиган ёки идора қила олмайдиган руҳий касалликка чалинган деб топган тақдирда, суд ушбу Кодекснинг 577-моддасида назарда тутилган ажримни чиқаради.

1. Шарҳланаётган моддага кўра судланувчи ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлганлиги ёки уни содир этганидан кейин ўз ҳаракатларини идрок эта олмайдиган ёки идора қила билмайдиган руҳий касалликка чалинганлиги туфайли унга нисбатан жазо тайинлаш ёки тайинланган жазони ижро этиш мумкин бўлмай қолади. Бундай ҳолатда у жиноий жавобгарликдан озод қилиниши ва тегишли қонуний асослар бўлганда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилиши лозим. Бундай ҳолатларда айблов ҳукми чиқарилмайди. Бу туғрида суд-психиатрия экспертизаси ўтказилган шахснинг ақли норасолиги баҳсли бўлса, суд маслаҳатхонада бу масалани албатта муҳокама қилиши лозим.

2. Агарда судланувчининг ақли норасолиги баҳсли бўлиб, бу ҳақда шубҳани бартараф этиш имкони бўлмаса, суд суд-психиатрия экспертизаси тайинлаши лозим.

459-модда. Шартли ҳукм қилинган шахс устидан кузатув олиб бориш масаласини муҳокама қилиш

Шартли ҳукм қўлланилганда суд шартли ҳукм қилинган шахс устидан кузатув олиб боришни қимга юклатиш лозимлигини ҳал қилади.

Шартли ҳукм қилиш туғрисида жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг илтимосномаси бўлса, суд шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атворини кузатиш учун уни шу бирлашма ёки жамоага топшириши мумкин.

1. Шарҳланаётган ушбу модда шартли ҳукм қилинган шахс устидан кузатув олиб бориш масаласи суд томонидан ҳал қилинишини тақозо этади.

2. Қонунда белгиланганидек, шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқи устидан ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчилар хулқи устидан эса, ҳарбий қисм ёки муассасанинг қумондонлиги назорат олиб боради (ЖКнинг 72-моддасига қаранг). Бундан ташқари суд шартли ҳукм қилинган шахс устидан кузатув олиб боришни жамоат бирлашмасига ёки жамоага уларнинг илтимосларига биноан топшириши мумкин.

460-модда. Судьяларнинг маслаҳатлашув тартиби

Иш суд таркиби томонидан қўрилаётган бўлса, ҳукм чиқариш олдидан раислик қилувчи бошчилигида судьяларнинг маслаҳатлашуви ўтказилиб, раислик қилувчи суд ҳал қилиши лозим бўлган саволларни ушбу Кодекснинг 457-моддасида кўрсатилган изчилликда қўяди. Ҳар бир савол шундай шаклда қўйилиши керакки, токи бу саволга маъқулловчи, ёки рад этувчи жавоб қайтариладиган бўлсин. Жавоб қайтарганидан сўнг судья жавобнинг сабаб-асосларини ифодалаши мумкин.

Ҳар бир саволни ҳал қилишда судьялардан ҳеч бири овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Барча масалалар овозларнинг оддий кўпчилиги билан ҳал қилинади. Раислик қилувчи ҳаммадан кейин овоз беради.

Биринчи навбатда судланувчининг манфаатига тўлароқ мос келадиган фикр овозга қўйилади. Башарти оқлаш тўғрисида овоз берган судья ёки судьялар озчиликни ташкил қилиб, бошқа судьялар эса жиноятнинг тавсифи ёки жазо чораси тўғрисида ҳар хил фикрда бўлсалар, оқлаш учун берилган овоз ёки овозлар Жиноят кодексининг энгилроқ жазо чорасини назарда тутган тегишли моддаси бўйича тавсиф қилиш учун берилган овозга қўйилади.

Ишни судья қўраётган бўлса, ушбу Кодекснинг 457-459-моддаларида кўрсатилган масалаларни яқка ўзи ҳал қилади.

1. Ушбу Кодекснинг 457-моддасида кўрсатилган масалаларни ҳал қилишда қатнашаётган халқ маслаҳатчилари ва судьялар

тенг ҳуқуққа эга. Барча масалалар овозларнинг оддий қўлчилиги билан ҳал қилинади, яъни судья ва бир халқ маслаҳатчиси муайян фикрда бўлса иш ҳал этилган деб ҳисобланади. Раислик этувчининг ҳаммадан кейин овоз бериши бу тенгликни сақлашнинг муҳим кафолатидир.

2. Айрим ҳолларда маслаҳатхонада судьяларнинг фикрлари ҳар хил бўлиб қолиши мумкин. Бундай вазиятнинг ечими шарҳланаётган модданинг учинчи бандида келтирилган. Агар суд таркибидагилардан бири судланувчини оқлаш лозим деб ҳисобласа, иккинчиси уни айбдор деб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш учун овоз берса, учинчиси эса унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш учун овоз берган бўлса, бундай вазиятда судланувчининг манфаати нуқтаи назаридан келиб чиқилади, оқлаш учун берилган овоз ЖКнинг енгилроқ жазо чораси тайинлаш учун берилган овозга қўшилади ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш тўғрисида айблов ҳукми чиқарилиши лозим. Зеро, судланувчини оқлаш тўғрисида берилган фикр, унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш тўғрисидаги фикрга яқиндир.

461-модда. Суд терговини яна давом эттириш

Ушбу Кодекснинг 457-459-моддаларида кўрсатилган масалаларни алоҳида хонада (маслаҳатхонада) муҳокама қилиш вақтида суд иш учун аҳамияти бўлган бирор ҳолат қўшимча равишда аниқланиши керак деб топса, ҳукм чиқармай, суд терговини яна давом эттириш тўғрисида ажрим чиқаради. Суд тергови тамом бўлганидан кейин суд яна тарафларнинг музокарасини бошлайди ва судланувчининг охирги сўзини эшитади.

1. Шарҳланаётган модда мазмунига кўра, суд ушбу Кодекснинг 457-459-моддаларида кўрсатилган масалаларни маслаҳатда ҳал этиш пайтида иш учун аҳамиятли бўлган бирор ҳолатни қўшимча равишда аниқлаш керак деб топса, суд терговини яна давом эттириш тўғрисида ажрим чиқаради.

2. Суд тергови яна давом эттирилганда суд қайси ҳолатларни аниқлаш лозим деб топса ўша ҳолатларни муҳокама қилади.

Давом эттирилган суд тергови тамом бўлганидан кейин суд тарафларнинг музокарасини янгитдан эшитади, судланувчига охирги сўз беради ва ҳукм чиқариш учун маслаҳатхонага киради.

3. Агарда суд маслаҳатхонада иш учун аҳамияти бўлган бирор ҳолатни қўшимча равишда аниқланиши керак деб топса, лекин уни суд терговида аниқлашнинг имконияти йўқ деган хулосага келса, ишни қўшимча терговга юбориш тўғрисида ажрим чиқариш масаласини муҳокама қилиши мумкин.

462-модда. Ҳукм турлари

Суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкин. Судланувчига нисбатан қандай турда ҳукм чиқариш масаласини ҳал қилиш вақтида суд ушбу Кодекснинг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принципи талабларига амал қилиши шарт.

1. Шарҳланаётган модда мазмунига кўра, ҳукм айблов ёки оқлов шаклида бўлади. Айблов ҳукми айбсизлик презумпцияси тамойили талабларига қатъий амал қилган ҳолда, суд муҳокамасида судланувчининг айби исботланганда чиқарилади. Ҳеч қандай тахмин айблов ҳукмига асос қилиб олиниши мумкин эмас. Ҳар қандай шубҳали ва тахминий мулоҳазаларга олиб келувчи далиллар дастлабки ва суд терговида, ҳукмни чиқаришгача бўлган даврда бартараф қилиниши керак. Барча гумонлар судланувчининг фойдасига ҳал қилинади (ЖПКнинг 463-моддаси шарҳига қаранг). Оқлов ҳукми чиқариш учун асослар қонунда тўлиқ ёритилган (ЖПКнинг 464-моддаси шарҳига қаранг).

2. Судланувчига бир неча айб қўйилаётган ёки жиноят иши бўйича бир неча судланувчи айбланаётган ҳолларда ҳам иш бўйича фақат битта ҳукм чиқарилади. Ҳукм ягона ҳужжат бўлиб, унда судланувчи бир неча жиноятни содир этишда айбланаётган бўлса, муайян содир этган жинояти учун айбдор деб топилиб, унга жазо белгиланади, содир этмаган жиноят бўйича айбсиз деб топилиб, оқланади. Агарда бир жиноят иши бўйича бир неча судланувчилардан бирини айбсиз, бошқаларини эса айбдор деб топса, ягона бир ҳукм чиқариб, суд айбсиз

деб топилган судланувчини оқлайди, айбдор деб топилганга жазо тайинлайди.

463-модда. Айблов ҳукми чиқариш асослари

Айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишида айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камқўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама - қаршиликларга барҳам бериш натижасида йигилган ишончли далилларгина асос қилиб олинishi лозим.

Суд қуйидаги ҳолларда жазодан озод қилиб, айблов ҳукмини чиқаради, башарти:

1) мазкур ҳукм билан судланувчига тайинланган жазони қўллашдан озод қилувчи амнистия акти эълон қилинган бўлса;

2) шахснинг ҳукм чиққунга қадар қамоқда бўлган вақти Жиноят кодексининг 62-моддасида назарда тутилган дастлабки қамоқни ҳисобга олиш қоидаларини назарда тутиб суд томонидан тайинланган жазо чорасига тенг ёки бу чорадан ортиқ бўлса.

Суд қуйидаги ҳолларда жазо тайинламасдан айблов ҳукмини чиқаради, башарти:

1) маҳкум содир этган жиноят учун жазо тайинлашни истисно этадиган амнистия акти эълон қилинган бўлса;

2) мазкур жиноят учун айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати утиб кетган бўлса;

3) ҳукм чиқариладиган вақтга келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилигини йўқотса ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавfli бўлмай қолса;

4) маҳкумнинг тузалишига жамоат бирлашмалари ва жамоалар томонидан қўлланиладиган жамоат таъсир чоралари ёки маъмурий жазо чоралари кўриш йўли билан эришиш мумкин бўлса;

5) ҳукм чиқариш вақтигача судланувчи вафот этган бўлса.

1. Ушбу модда мазмунига кўра, айблов ҳукми ЖПКнинг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотларга, шунингдек, ушбу Кодекснинг 26 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши керак (ЎзР Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида» ги 2-сон қарори, 3-банди; ЎзР Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли, 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли, 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорлари).

2. Суд ҳукмда номақбул далилларга асосланиши мумкин эмас, чунки номақбул далиллар юридик кучга эга эмас (ЎзР Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» ги 12-сонли қарорига қаранг).

3. Судланувчининг терговда ёки судда айбини бўйнига олиши иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона тасдиқлангандагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олади.

4. Судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлиги тўғрисидаги суднинг ҳулосаларига зид бўлган барча далиллар ҳукмда нима учун ишончсиз деб топилганлиги ва рад этилганлиги сабаблари асослантилган ҳолда кўрсатилиши лозим (ЎзР Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида» ги 2-сон қарори, 5-банди; ЎзР Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли, 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли, 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорлари).

5. Жазодан озод қилиб, айблов ҳукмини чиқариш асослари мазкур модданинг иккинчи қисмида қайд этилган. Содир этилган жиноят учун жазони қўллашдан озод қилувчи амнистия акти эълон қилинган бўлса, бу жиноят иши бўйича иш юритувни давом эттиришни истисно этади. Бундай ҳолат суд муҳокамаси жараёнида аниқланса, суд жиноят иши муҳокамасини охиригача давом эттиради ва маҳкумни жазодан озод қилиб айблов ҳукми чиқаради.

6. Жазо тайинламасдан айблов ҳукмини чиқариш асослари мазкур модданинг учинчи қисмида қайд этилган.

464-модда. Оқлов ҳукмини чиқариш асослари

Оқлов ҳукми куйидаги ҳолларда чиқарилади, башарти:

1) жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;
2) судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса;

3) жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор бўлмаса.

Жиноят бошқа шахс томонидан содир этилганлиги аниқланса, шунингдек, судланувчига қўйилган айблов иш ҳолатлари батафсил текширилгандан кейин ишонарли тарзда ўз тасдиғини топмаса, суд ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган асосга кўра судланувчини оқлайди. Башарти ўша асос бўйича оқлов ҳукми чиқарилганда жиноятни содир этган шахс аниқланмай қолган бўлса, суд бу шахсни аниқлаш ва уни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишига жалб қилиш чораларини кўриш учун ишни ҳукм кучга киргандан сўнг прокурорга юборади.

1. Ушбу моддада оқлов ҳукми чиқариш учун асослар тўлиқ кўрсатилган. Суд айбсизлик презумпциясига мувофиқ, «тасдиғини топмаган айблилик, ҳуқуқий маънода тасдиғини топган айбсизликдир», дейилган коидага риоя қилиши керак.

2. Ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги, далиллар конунга зид равишда олинганлиги ёки судланувчининг айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантирилган хулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлади (ЎзР суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида» ги 2-сон қарори, 6-банди; ЎзР Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли, 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли, 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорлари).

465-модда. Ҳукмини тузиш

Ушбу Кодекснинг 457-459-моддаларида назарда тутилган масалалар ҳал этилганидан сўнг суд ҳукмини тузишга киришади. Судда иш қайси тилда кўрилган бўлса, ҳукм шу тилда, аниқ ва тушунарли ибораларда баён қилинади ва кириш, тавсиф ҳамда қарор қисмларидан иборат бўлади.

Хукм уни чиқаришда қатнашган судьялардан бири ёки хукмни якка ўзи чиқарган судья томонидан қўлда ёки техник воситалардан фойдаланган ҳолда ёзилиши лозим. Хукмга киритилган тузатишлар хукм эълон қилинишидан олдин изоҳланиши ва судьянинг (судьяларнинг) имзоси билан тасдиқланиши лозим.

1. Шарҳланаётган модда мазмунига кўра, хукмни тузиш дейилганда унинг қўлда ёки техник воситалардан фойдаланган ҳолда, кўрилган ишнинг яқунловчи натижаси, суд муҳокама-сининг асосий қисми тариқасида, ишдаги тўлиқ далилларга асосланган, судьяларнинг ички ишончлари билан қонунларга риоя қилиб чиқарилган бўлишлиги тушунилади. Хукмнинг кириш, тавсиф ва қарор қисмлари мазмуни 446,447 ва 468-моддаларнинг шарҳида берилган.

2. Хукмнинг мазмуни ва шакли ўзаро мос бўлиши керак. Хукмнинг барча қисмлари бир-бири билан боғлиқ бўлиб, кириш қисми тавсиф қисмига, тавсиф қисми эса қарор қисмига асос бўлади.

3. Хукм маслаҳатхонада қоида бўйича раислик этувчи томонидан ёзилади, хоҳишлари бўйича суд таркибига кирган судьяларнинг бири томонидан ёзилиши мумкин. Суд муҳокамаси қайси тилда олиб борилган бўлса, хукм ҳам шу тилда чиқарилади.

4. Хукм тузаётганда суд, наоник ибораларни ишлатиши, расмий ҳужжатларда қабул қилинмаган қисқартириш ва сўзларни қўллаши, ишга оид бўлмаган ҳолатларни ёритиши, барча ҳолларда хукм ошкора эълон қилинишини ҳисобга олган ҳолда, фуқароларнинг шахсий маънавий ҳаётига путур етказувчи ибораларни ишлатиши мумкин эмас (ЎЗР Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд хукми тўғрисида»ги 2-сон қарори, 20 – банди; ЎЗР Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли, 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли, 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорлари).

5. Суд хукми жиноят процесси иштирокчиларигагина эмас, балки барча оммага ҳам тушунарли бўлиши зарур. Шу сабабли хукмга киритилган барча тузатишлар у эълон қилинишидан олдин изоҳланиши ва суднинг таркиби томонидан имзоланиши керак. Хукмни алоҳида фикрда қолган судья ҳам имзолаши шарт.

Хукмнинг кириш қисмида:

1) хукм қачон ва қаерда чиқарилганлиги;

2) хукмни чиқарган суднинг номи, суднинг таркиби, суд мажлисининг котиби, тарафлар, таржимон;

3) судланувчининг исми, отасининг исми ва фамилияси, туғилган йили, оyi, кун ва жойи, яшаш жойи, ишлаш жойи, машғулот, маълумоти, оилавий аҳволи ва судланувчи хусусидаги иш учун аҳамиятли бошқа маълумотлар;

4) судланувчига қўйилган айблов Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилганлиги кўрсатилади.

1. Хукм суд таркиби томонидан имзоланган сана (йил, ой, кун) у чиқарилган вақт ҳисобланади. Суднинг маслаҳатда қанча вақт бўлганлиги хукмда ёзилмайди, лекин бу муддатни баённомадан билиб олса бўлади.

2. Суд маслаҳатхонада хукм чиқарган шаҳар, кўрғон, сайёр суд мажлислари ўтказилган аҳоли маскани хукм чиқарилган жой ҳисобланади.

3. Хукмнинг кириш қисмида судланувчига жазо тайинлашда, жазони ўташ турини анаклашда, маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топишда инobatга олиниши мумкин бўлган маълумотлар кўрсатилади. Муқаддам судланганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар қонунда белгиланган тартибда судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган бўлса, хукмнинг кириш қисмида кўрсатилиши керак. Судланганлик муддати ўтганлиги ёки судланганликнинг олиб ташлангани муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади ва у хукмнинг кириш қисмида кўрсатилмайди (ЎзР Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд хукми тўғрисида» ги 2-сон қарори, 9 – банди; ЎзР Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли, 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли, 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорлари).

4. Хукмнинг кириш қисмида судланувчига қўйилган айблов Жиноят кодексининг қайси моддаси (қисми, банди)да назарда тутилганлиги, шунингдек, суд мажлисининг тўлиқ ёки қисман ёпиқ ўтказилганлиги кўрсатилади.

Айблов ҳукмининг тавсиф қисмида суд исбот этилган деб эътироф этган жиноий қилмишининг тавсифи, содир этилган жойи, вақти, усули, айбнинг шакли, жиноятнинг сабаблари, мақсадлари ва оқибатлари кўрсатилиши лозим. Ҳукмда суднинг ҳар бир судланувчига нисбатан хулосаларига асос бўлган далиллар ва суднинг бошқа далилларни рад этиши сабаблари ёзилади. Жавобгарликни енгилаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар, айбнинг бир қисми асоссиз деб топилган тақдирда ёки жиноятнинг тавсифи нотўғрилиги аниқланганда эса айбловни ўзгартириш асослари ва сабаблари кўрсатилади.

Суд, шунингдек, Жиноят кодекси моддасининг жазо қисмида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо чоралари ҳам назарда тутилган бўлса, озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо нимага асосланиб тайинлаганини;

озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинганга колонияда сақлаш тартибининг муайян турини белгилашни ёки озодликдан маҳрум этиш жазосини турмада ўташни тайинлашни;

судланувчи ўта хавфли рецидивист деб топилганлигини; шартли ҳукм қўлланилганини;

Жиноят кодексининг моддасида худди шундай жиноят учун назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо тайинланганлигини;

бошқа енгилроқ жазога ўтилганлигини; умумий қоидалардан чекиниб колония тури тайинланганлигини;

бошқа таъсир чораларини қўлаб ёки қўлламасдан судланувчи жазодан озод этилганлигини асослаб бериши шарт.

Суд қонун ҳужжатларига мувофиқ судланувчига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлаш ёки унинг устидан ҳомийлик тайинлаш лозим деб топса, бундай қарорга келиш сабабларини кўрсатиши шарт.

Жамоат бирлашмасининг ёки жамоанинг судланувчини шартли ҳукм қилиб, у билан тарбиявий иш олиб бориш учун ўзларига беришни сўраган илтимосномалари бўлса, суд бу

илтимосномаларни қаноатлантириш ёки рад этиш сабабларини ҳукмда кўрсатади.

Суд, шунингдек, қўзғатилган фуқаровий даъво тўғрисида ёки жиноят оқибатида келтирилган мулкӣ зарарни ундириш тўғрисида ўз ташаббуси билан чиқарган қарорнинг асосларини ҳам кўрсатиши лозим.

1. Айблов ҳукмининг тавсиф қисмида ишдаги далиллар, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда эксперт хулосаларининг қисқача мазмуни, шунингдек, иш бўйича айблов нималарга асосланганлиги баён этилади.

2. Агар жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса, ҳукмининг тавсиф қисмида жиноятнинг ҳар бир иштирокчиси томонидан айнан қандай жиноий ҳаракатлар содир этилганлиги аниқ кўрсатилиши, судланувчиларнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиши, ўзларини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши, суриштирув ва дастлабки терговда берган кўрсатувларини ўзгартирган тақдирда суд уларни батафил текшириши ва уларга иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан биргаликда баҳо бериши лозим (ЎЗР Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида» ги 2-сон қарори, 10 – банди; ЎЗР Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли, 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли, 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорлари).

3. Шунингдек, айблов ҳукмининг тавсиф қисмида ЖКнинг у ёки бу моддаси, унинг қисми ёки банди билан жиноятни тавсифлаш бўйича суднинг асослантирилган хулосаси, ЖПКнинг 467-моддасига биноан айбловнинг ўзгартирилиши, суд томонидан судланувчига у ёки бу жазони тайинлаш, муқобил тарзда кўзда тутилган қўшимча жазони унга нисбатан қўллашни рад қилиш бўйича хулосага келинганлик асослари кўрсатилиши керак (ЎЗР Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида» ги 2-сон қарори, 11,13 ва 15- бандлари; ЎЗР Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли, 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли, 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорлари).

4. Хукмнинг тавсиф қисмида ушбу ишда муҳокама қилинмаётган шахснинг жиноятдаги иштирокини кўрсатиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда судланувчи томонидан жиноят бошқа шахс иштирокида, унинг исми, фамилияси ва шахсига оид бошқа маълумотлар кўрсатилмасдан, содир этилганлиги қайд қилиб ўтилиши мумкин. Бу хилдаги хатога йўл қўйилиб, апелляция, кассация ва назорат босқич судлари томонидан тузатилмаган тақдирда, бундай жиноят иштирокчисига нисбатан ишни кўраётган суд биринчи ҳукми айбдорликни тасдиқловчи далил сифатида келтиришга ҳақли эмас (ЎЗР Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида» ги 2-сон қарори, 8- банди; ЎЗР Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли, 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли, 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорлари).

5. Хукмнинг тавсиф қисмида судланувчига янглиш қўйилган жиноят қонунининг моддаси (қисми, банди) унинг айбловидан чиқариб ташланиши тўғрисида тегишли асослар келтирган ҳолда кўрсатиб ўтилиши етарлидир.

6. Хавфли рецидивист томонидан жиноят содир этилиши жиддийроқ жазо чораларини қўллашга олиб келади. Шу сабабли бу ҳолат дастлабки тергов органи томонидан жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинаётганда кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим. Бу суд ҳукмининг тавсиф қисмида ҳам ўз аксини топиши керак.

7. Суд айбдорга нисбатан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш масаласини ҳал этишда бу жазо фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатлигини, фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланишини, аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан, шунингдек, тамом бўлмаган жиноятлар учун тайинланиши мумкин эмаслигини эътиборга олиши лозим.

Содир этилган жиноятлардан биттаси учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланганда суд енгилроқ турдаги жазони умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш орқали, содир этилган жиноятлардан биттаси

учун узок муддатга озодликдан махрум қилиш жазоси тайинланганда, жазоларни тўлиқ ёки қисман қўшиш ёхуд енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш орқали, агар ҳукмлардан бири билан умрбод озодликдан махрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазолар қўшишда енгилроқ жазо турини умрбод озодликдан махрум қилиш билан қоплаш орқали, агар ҳукмлардан бири билан узок муддатга озодликдан махрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазоларни қўшишда енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш орқали ёхуд жазоларни тўлиқ ёки қисман қўшиш орқали жазо узил-кесил тайинлаши зарур.

Суд ҳукмининг тавсиф қисмида бундай қарорга келишининг, содир этилган жиноятни оғирлигининг аниқ мазмунини ва айбдорнинг шахси бўйича ҳақиқий маълумотларни очиб берувчи асосларни батафсил баён этиши лозим.

8. Ҳукмининг тавсиф қисмида ундирилиши лозим бўлган моддий зарарни қоплаш миқдори, даъвони қаноатлантириш ёки рад этиш, айбдорни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисида ҳам асослантирилган хулосалар бўлиши керак.

9. Иш бўйича айблов ҳукми чиқарилаётганда, ушбу иш бўйича биринчи ҳукм жазо енгиллиги ёки оғирроқ жиноят тўғрисида қонунни қўллаш зарурлиги сабабли бекор қилинган бўлса, суд ҳукмининг тавсиф қисмида судланувчининг айбини тасдиқловчи далилларни келтирмай, фақатгина ЖПКнинг 414-моддасига биноан жиноятни тавсифлашга ва жазо чораларига боғлиқ бўлган ўзининг хулосаларини асослантиради.

468-модда. Айблов ҳукмининг қарор қисми

Айблов ҳукмининг қарор қисмида:

1) судланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми;
2) судланувчининг жиноят содир этганликда айбли деб топилганлиги тўғрисидаги қарор;

3) Жиноят кодексининг судланувчининг айбли деб эътироф этилишига асос бўлган моддаси (модданинг қисми, банди), шунингдек, судланувчининг ўта хавфли рецидивист деб топилганлиги, башарти суд шундай қарор қабул қилган бўлса;

4) судланувчи айбли деб топилган ҳар бир жинояти учун тайинланган жазо тури ва меъёри; Жиноят кодексининг моддаларига мувофиқ узил-кесил тайинланган ва ўталиши лозим бўлган жазо чораси; озодликдан маҳрум этилган шахснинг жазо муддатини ўташи лозим бўлган тегишли тартибли колония тури;

5) судланувчи шартли равишда ҳукм қилинган бўлса, синов муддати ва маҳкумнинг устидан қузатув олиб бориш вазифаси юклатилган жамоа ёки шахс;

6) ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган вақтни жазо тайинлашда жазо муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги қарор;

7) ҳукм қонуний кучга киргунига қадар судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасига доир қарор;

8) маҳкумнинг зиммасига юклатилган мажбуриятлар;

9) ушбу Кодекснинг 533-моддасида назарда тутилган асослар аниқланган ҳолларда ҳукмнинг ижросини кечиктириш тўғрисидаги қарор кўрсатилади.

Башарти судланувчига Жиноят кодексининг бир неча моддаси билан айблов қўйилган бўлса, ҳукмнинг қарор қисмида судланувчи қайси моддалар бўйича оқланганлиги ва қайси моддалар бўйича ҳукм қилинганлиги кўрсатилиши лозим.

Судланувчи жазони ўташдан озод қилинган бўлса, бу ҳақда ҳукмнинг қарор қисмида кўрсатилади.

Барча ҳолларда тайинланган жазо шундай ифодаланиши лозимки, токи ҳукми ижро этишда суд тайинлаган жазо тури ва меъёри хусусида ҳеч қандай шубҳа туғилмасин.

1. Шарҳланаётган модда, ҳукмнинг охириги, хулосавий қарор қисми ушбу Кодекснинг 462-моддасида қўйилган барча саволларга тўлиқ жавоб беришига ва ушбу саволларни асослашга бағишланган ҳукмнинг тавсиф қисмидан келиб чиқишига оид қатор қоидаларни ўрнатади.

2. Агарда айбланувчининг зиммасига бир неча айб қўйилган бўлса ва шу айбларнинг баъзилари исбот қилинмаган бўлса, у ҳолда судланувчи қайси айб бўйича оқланганлиги ва қайси айб бўйича ҳукм қилинганлиги ҳукмда аниқ кўрсатилиши керак.

3. Айблов ҳукмининг қарор қисмида маълум шахсни жиноят содир этганликда айбдор деб топиш тўғрисида қарор, ЖКнинг

уни айбли деб эътироф этишга асос бўлган моддаси, судланувчининг ўта хавфли рецидивист деб топилганлиги (башарти суд шундай қарор қабул қилган бўлса), судланувчига ҳар бир жинояти учун тайинланган жазо тури ва меъёри, узил-кесил тайинланган ўталиши лозим бўлган жазо чораси, озодликдан маҳрум этиш жазо тури қўлланилганда жазони ўташ лозим бўлган тегишли тартибли колония тури, судланувчи шартли равишда ҳукм қилинганда синов муддати ва маҳкумнинг устидан кузатув олиб бориш вазифаси юклатилган шахс, ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган вақтни жазо муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги қарор, ҳукм қонуний кучга киргунга қадар судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасига оид қарор, маҳкумнинг зиммасига юклатилган мажбуриятлар, ЖПКнинг 533- моддаси асослари бўйича ҳукмнинг ижросини кечиктириш тўғрисидаги қарор ёритилиши лозим.

4. Шунингдек, ҳукмнинг қарор қисмида маҳкумга нисбатан амнистия актини қўллашлик, қонуннинг тегишли нормаларига биноан маҳкумни жазодан озод этиш тўғрисидаги қарор кўрсатилади.

5. Айрим жиноятлар учун қонун моддасида назарда тутилган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлашда, ҳукмнинг қарор қисмида ушбу жазо ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда белгиланаётгани кўрсатиб ўтилиши керак.

6. Маҳкумга жазони ўташ колония тури жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо белгилангандан кейингина тайинланади.

7. Ҳукмнинг қарор қисмида, озодликдан маҳрум этилган маҳкумнинг вояга етмаган болалари қаровсиз қолаётган бўлса, уларни қариндошлари ёки бошқа шахсларнинг ва муассасаларнинг васийлигига топшириш тўғрисида ҳам кўрсатилади.

8. ЖПКнинг 471-моддасига биноан айблов ҳукмининг қарор қисмида кўзгатиш фуқаровий даъво, ёки суднинг ташаббуси билан зиённи қоплаш тўғрисидаги қарор, ашёвий далиллар ҳамда ишга илова қилинган бошқа нарсалар ва ҳужжатлар, процессуал чикимлар ҳақида, шунингдек, ҳукм устидан апелляция шикоят бериш ҳамда апелляция протести билдириш тартиби ва муддати тўғрисида қарор бўлиши зарур.

9. Суд ҳукмнинг қарор қисмида, ЖКнинг 70,71-моддаларига биноан иш судда кўриляётган вақтгача шароит ўзгаргани ёки

шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан, ижтимоий хавфлилигини йўқотгани эътироф этилса ёки у қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган деб топилса, судланувчини айбдор деб топиши ва қонун талабига кўра унга жазо тайинламаслигини кўрсатиши лозим (ЎзР Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 2-сон қарори, 17-банди; ЎзР Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли, 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли, 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорлари).

469-модда. Оқлов ҳукмининг тавсиф қисми

Оқлов ҳукмининг тавсиф қисмида қуйидагилар кўрсатилади:

судланувчига қўйилган айбловнинг моҳияти;

суд аниқлаган иш ҳолатлари;

судланувчининг айбсизлиги тўғрисидаги суд хулосасини тасдиқловчи далиллар;

судланувчининг жиноят содир этишда айби бор деб даъво қилишга асос бўлган далилларни суд нима учун ишонарли эмас ёки етарли эмас деб ҳисоблаши ёки нима учун суд жиноий ҳодисанинг ўзи юз бермаган ёхуд судланувчи содир этган қилмишни жиноят эмас деб ҳисоблаши;

фуқаровий даъвога оид қарорнинг асослари.

1. Оқлов ҳукмининг тавсиф қисмида судланувчига қўйилган айбловнинг мазмуни, суд аниқлаган иш ҳолатлари, судланувчининг айбсизлиги тўғрисидаги суд хулосасини тасдиқловчи далиллар, судланувчининг жиноят содир этишда айби борлигига оид далилларни суд нима учун ишончга сазовор эмас ёки етарли эмас деб ҳисоблагани ёки нима учун жиноий ҳодиса юз бермаган ёхуд судланувчи содир этган қилмишни жиноят эмас деб топгани, шунингдек, фуқаровий даъвога оид қарорнинг асослари баён қилинади.

2. Оқлов ҳукмига оқланганнинг айбдор эмаслигига шубҳа туғдирувчи ибораларнинг киритилишига йўл қўйилмайди.

3. ЖКнинг бир ёки бир неча моддаси билан тавсифланган бир неча жиноятларни содир этганликда айбланган шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганда, суд ҳукмининг тавсиф қисмида ҳар бир модда бўйича оқлашнинг тегишли асосларини

кўрсатиб, айбловнинг асоссиз эканлиги тўғрисида хулосани баён этиши лозим (ЎзР Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 2-сон қарори, 18 – банди; ЎзР Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли, 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли, 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорлари).

4. Оқлов ҳукмининг қарор қисмида дастлабки терговда айбланган шахсни ишдан четлаштириш ҳақида қарор чиқарилган бўлса, бу қарорни бекор қилиш, далилий ашёни қайтаришлик кўрсатилади.

470-модда. Оқлов ҳукмининг қарор қисми

Оқлов ҳукмининг қарор қисмида:

- 1) *судланувчининг исми, отасининг исми ва фамилияси;*
- 2) *судланувчини жиноят содир этилишида айбсиз деб эътироф этиш ва уни оқлаш тўғрисидаги қарор;*
- 3) *судланувчига нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасини бекор қилиш тўғрисидаги қарор; башарти эҳтиёт чораси сифатида у қамоқда сақланаётган бўлса, оқланган шахсни дарҳол, суд мажлиси залининг ўзида озод қилиш тўғрисидаги қарор;*
- 4) *кўзгатишган фуқаровий даъвони қаноатлантириш рад этилган бўлса, даъвони таъминлаш учун кўрилган чораларни бекор қилиш тўғрисидаги қарор;*
- 5) *мол-мулкни мусодара қилишни таъминлаш юзасидан чоралар кўрилган бўлса, уларни бекор қилиш тўғрисидаги қарор;*
- 6) *оқланган шахсининг унга етказилган мулкий зиённи қоплаш ҳамда маънавий ва бошқа зиён оқибатларини ушбу Кодекснинг 304-313-моддаларида назарда тутилган тартибда бартараф қилиш ҳуқуқини эътироф этиш.*

1. Оқлов ҳукмининг қарор қисмида шарҳланаётган моддада санаб ўтилган барча ҳолатлар тўлиғича ёритилиши лозим. Бундан ташқари оқланганга қонунга хилоф равишда жиноий жавобгарликка тортиш оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплаш бўйича унинг ҳуқуқлари тушунтирилиши керак.

2. Жиноий ҳодиса юз бермаганлиги ёки шахснинг жиноят содир этилишига дахлдор эмаслиги сабабли оқлов ҳукми чиқарилаётганда суд фуқаровий даъвои қаноатлантиришни рад қилади. Судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли оқлов ҳукми чиқарилганда фуқаровий даъво кўрилмасдан қолдирилиши лозим (ЎзР Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида» ги 2-сон қарори, 19 – банди; ЎзР Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли, 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли, 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорлари).

3. Судланувчи қайси айблов бўйича оқланганлиги ҳукмда аниқ кўрсатилиши муҳим аҳамият касб этади, чунки ушбу айблов бўйича кучга кирган ҳукмнинг (хоҳ оқлов, хоҳ айблов ҳукми) мавжудлиги ҳолати, янги жиноят иши бўйича иш юритишни мустасно этади, бундай иш кўзғатилиши мумкин эмас, кўзғатилган иш эса тугатилиши керак.

471-модда. Ҳукмнинг қарор қисмида ҳал қилиниши лозим бўлган бошқа масалалар

Айблов ҳукмининг ҳам, оқлов ҳукмининг ҳам қарор қисми, ушбу Кодекснинг 468 ва 470-моддаларида кўрсатилган масалалардан ташқари, қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

1) кўзғатилган фуқаровий даъво ёки суднинг ташаббуси билан зиённи қоплаш тўғрисида ушбу Кодекснинг 283-289-моддаларига мувофиқ қабул қилинган қарор;

2) ашёвий далиллар ҳамда ишга илова қилинган бошқа нарсалар ва ҳужжатлар тўғрисида ушбу Кодекснинг 289-моддасига мувофиқ қабул қилинган қарор;

3) процессуал чиқимлар тўғрисида ушбу Кодекснинг 320-моддасига мувофиқ қабул қилинган қарор;

4) ҳукм устидан ушбу Кодекснинг тегишинча 497-3, 497-4, 499 ва 500-моддаларида назарда тутилган апелляция ва кассация шикоятни бериш, протест билдириш тартиби, муддатлари.

1. Айблов ҳукмининг қарор қисмида фуқаровий даъвонинг тўла ёки қисман қаноатлантирилиши, фуқаровий даъво қондирилишининг рад этилиши ёхуд фуқаровий даъвои фуқаровий

иш юритиш тартибида ҳал қилиш тўғрисидаги қарорлар бўлиши мумкин.

Фуқаровий даъво бир неча судланувчи томонидан қондирилиши лозим бўлса, ҳукмнинг қарор қисмида ҳар бир судланувчи фуқаровий даъвони қондириш бўйича келтирилган зиённинг қандай қисмини ва қанча миқдорда қондириши аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

2. Оқлов ҳукмининг қарор қисмида фуқаровий даъвони рад этиш ёки уни муҳокама қилмасдан қолдириш тўғрисидаги қарор қайд этилган бўлиши керак.

3. Суд ўзининг ташаббуси бўйича жиноятдан кўрилган зиённи қоплаш мақсадида жабрланувчининг фойдасига маълум миқдордаги зиён суммасини судланувчидан ундириш тўғрисида ҳукмнинг қарор қисмида қайд этиши мумкин.

4. Айблов ҳамда оқлов ҳукмининг қарор қисмида кўзғатилган фуқаровий даъво ёки суднинг ташаббуси билан зиённи қоплаш тўғрисидаги қарор, ашёвий далиллар ҳамда ишга илова қилинган бошқа нарсалар ва ҳужжатлар, процессуал чиқимлар, шунингдек, ҳукм устидан апелляция шикоятни бериш ҳамда апелляция протести билдириш тартиби ва муддати тўғрисида қарор бўлиши зарур (ЎзР Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 2-сон қарори, 16,18 – бандлари; ЎзР Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли, 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли, 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорлари).

5. Агар озодликдан маҳрум қилинган маҳкумнинг қаровсиз қолган вояга етмаган болаларини яқин қариндошларига ёки бошқа шахсларга васийлик ёки ҳомийлик учун топшириш, ёхуд қаровсиз қолаётган мулкни кўриқлаш тўғрисида суд белгиланган бўлса, улар ҳукмнинг қарор қисмида қайд этилиши керак.

6. Ҳукмнинг қарор қисмида ҳал қилиниши лозим бўлган, ашёвий далиллар ҳамда ишга илова қилинган бошқа нарсалар ва ҳужжатлар тўғрисида ушбу Кодекснинг 289-моддаси, процессуал чиқимлар тўғрисида 320-моддаси, ҳукм устидан апелляция ва кассация шикоятни бериш, протест билдириш тартиби, муддатлари бўйича тегишинча 497-3, 497-4, 499 ва 500-моддалари шарҳига қаранг.

472-модда. Ҳукмнинг имзоланиши ва судьянинг алоҳида фикри

Ҳукм судья томонидан чиқарилган бўлса, уни судьянинг якка ўзи, суд таркиби томонидан чиқарилган бўлса, судьяларнинг ҳаммаси имзолайди. Овоз бериш вақтида озчиликни ташкил қилган судья ҳукмга имзо қўйиб, узининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақлидир. Бу фикрни у бевосита маслаҳатхонада ёзиши лозим. Алоҳида фикр ишга илова қилинади, лекин суд мажлисининг залида эълон қилиниши мумкин эмас.

Алоҳида фикр мавжуд бўлган иш апелляция тартибида қўрилмаган бўлса, ҳукм қонуний кучга киргандан кейин иш юқори суд раисига юборилиши лозим, у эса иш билан танишиб чиқиб, ҳукм устидан назорат тартибида протест бериш-бермаслик масаласини ҳал қилиши керак.

1. Мазкур моддада ҳукмнинг имзоланиш тартиби берилган. Унга кўра ҳукм бевосита маслаҳатхонада ёзилади, ҳатто ундан ташқарида имзоланган ҳукм ноқонуний ҳисобланади.

2. Суд таркибида чиқарилган ҳукм судьяларнинг ҳаммаси томонидан имзоланиши шарт. Қонун талаби бўйича икки судья бир фикрда бўлса, иш ҳал этилган бўлиб, ҳукм чиқарилади. Лекин, алоҳида фикрда қолган судья ҳам ҳукмни имзолаши ва узининг алоҳида фикрини ҳукм чиқариш вақтида бевосита маслаҳатхонада ёзма равишда баён қилиб, конвертга солиб, муҳрлаб қўйиши лозим. Судьялар ёки халқ маслаҳатчиларининг биронтаси томонидан имзоланмаган ҳукм ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмайди.

3. Судьянинг алоҳида фикри жиноят ишига илова қилинади. У суд мажлисида ўқиб берилмайди, сир сақланади. Фақат ҳукм қонуний кучга киргандан кейин, агар унга апелляция тартибида шикоят келтирилмаган ва протест билдирилмаган бўлса, жиноят иши алоҳида фикр билан биргаликда протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган юқори суднинг раисига юборилади. Протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган суднинг раиси судьянинг алоҳида фикри билан танишиб чиқиб, ундаги вазият билан келишган тақдирда протест билдириши мумкин. Акс ҳолда тегишли тартибда ишни юборган судга қайтариб юборади.

Суд ҳукми имзолаганидан кейин суд мажлиси залига қайтиб чиқади ва раислик қилувчи ёки халқ маслаҳатчиси ҳукми эълон қилади.

Суд мажлиси залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси, шу жумладан суд таркиби ҳам ҳукми тик туриб эшитадилар.

Ҳукм судланувчи билмайдиган ёки етарлича билмайдиган тилда баён қилинган бўлса, ҳукм эълон қилингандан кейин, таржимон томонидан ҳукм судланувчининг она тилида ёки у тушунадиган бошқа тилда ўқиб эшиттирилади.

Раислик қилувчи судланувчига ва бошқа тарафларга ҳукмнинг мазмунини, ҳукм устидан улар истаги бўйича апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш муддати ва тартибини тушунтиради. Башарти судланувчи фавқулотда жазо чораси – умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган бўлса, унга афв этишни сўраб илтимос қилиш ҳуқуқи ҳам тушунтирилади.

1. Ҳукми эълон қилиш ҳукм чиқариш жараёнининг якунловчи қисми ҳисобланади. Маслаҳатхонада судьялар имзо қилгандан сўнг ҳукм суд залида дарҳол эълон қилинади. Гарчанд суд мажлиси ёпиқ ўтказилган бўлса-да, ҳукм суд залида ҳозир бўлганларнинг иштирокида ўқилади. Ҳукми эълон қилиш қонун бўйича мажбурий бўлиб, эълон қилингандан кейингина у суднинг қонуний ҳужжатига айланади. Ҳукми эълон қилишда суд мажлисида иштирок этган судланувчининг қатнашиши шарт, тарафларнинг иштироки мақсадга мувофиқдир.

2. Ҳукми эълон қилиш ҳукмнинг мазмунини суд залида иштирок этувчиларнинг диққат марказига етказиш билан суднинг давлат номидан судланувчининг содир этган жиноятига берган баҳоси эълон қилинади. Суднинг ҳукми шу жиноят иши атрофида жамоатчиликнинг фикрини вужудга келтиради, жамоатчиликни жиноят содир этилишига қарши фаол курашга ундайди, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш билан айрим шахсларни жиноят содир этишдан қайтаради.

3. Ҳукмнинг эълон қилиниши муҳим ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Ҳукм ўқилиши билан унинг устидан апелляция ва кассация тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш муддати ўта бошлайди. Оқлов ҳукми чиқарилганда

ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаган айблов ҳукми чиқарилганда суд судланувчини суд залидан дарҳол озод қилади. Ҳукм чиқарган суд ҳукми эълон қилгандан кейингина бошқа ишни кўришга киришиши мумкин.

4. Одатда ҳукм раислик этувчи томонидан бошдан охиригача ўқиб эшиттирилади. Бу талабнинг бузилиши жиноят-процессуал қонуннинг жиддий бузилишларидан ҳисобланади. Агар ҳукм кўп воқеали жиноят иши бўйича, катта ҳажмда чиқарилган бўлса, суд таркибига кирувчи судьялар томонидан навбат-ма-навбат ўқиб эшиттирилиши мумкин.

5. Раислик қилувчи ҳукм ўқиб эшиттирилгандан сўнг маҳкумдан ҳукми тушунган-тушунмаганлигини сўрайди ва ҳуқуқларини тушунтиради.

6. Башарти судланувчи фавқулодда жазо чораси – умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган бўлса, унга афв этишни сўраб илтимос қилиш ҳуқуқи ҳам тушунтирилади. Яъни, маҳкумга бу илтимосномани тайинланган жазо муддатининг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар у жазони ўташ даврида қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун ингизомий жазо олмаган, меҳнатга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этиб кслаётган бўлса, – тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин афв этилиши мумкинлигини тушунтириш керак.

474-модда. Судланувчини қамоқдан озод қилиш

Судланувчи оқланганда, шунингдек, жазо тайинланмасдан ёки жазодан озод қилиб ёхуд шартли равишда озодликдан маҳрум этиб ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаб ҳукм чиқарилганда ҳамда судланувчи дастлабки қамоқда сақланган вақтдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда қамоқда сақланаётган судланувчи дарҳол бевосита суд мажлиси залининг ўзида озод қилиниши лозим.

1. Суд томонидан оқлов ҳукми чиқарилганда у қонуний кучга кирмаган бўлса-да, судланувчи қамоқда ушлаб турилиши мумкин эмас. Оқланган шахс суд залидан қамоқдан дарҳол озод

этилиши керак. Оқланган шахсни тергов ҳибсхонасига олиб бориб қамоқдан озод қилиш суд жараёнининг тарбиявий аҳамиятига ҳамда суднинг обрўйига салбий таъсир ўтказди, нафақат судланувчи, балки омма олдида мантиқсиз ва адолатсизлик бўлиб кўринади.

2. Ушбу қоида айблов ҳукми бўйича озодликдан маҳрум қилинмайдиганларга, жумладан, жазодан умуман озод қилинганларга, жазони ўташдан озод қилинганларга, озодликдан маҳрум қилишдан бошқа жазо тайинланганларга ҳам тегишлидир. Бундай шахслар, агарда уларга нисбатан бошқа жиноят иши бўйича озодликдан маҳрум қилиш эҳтиёт чораси қўлланилган бўлгандагина, қамоқдан озод қилинмайди.

475-модда. Ҳукмнинг нусхасини маҳкумга ва оқланган шахсга бериш

Ҳукм эълон қилинганидан кейин уч суткадан кечиктирилмай, ҳажми катта бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирилмай, унинг нусхаси маҳкумга ва оқланган шахсга берилиши лозим. Бошқа тарафларга ҳукм нусхаси ёки унинг кўчирмаси шу муддатда, уларнинг илтимосларига асосан берилади.

1. Ушбу моддада белгилаб қўйилган қоида, ўн кунлик муддатда маҳкумнинг ва оқланган шахснинг апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдириш ҳуқуқини кафолатлайди. Судланган ёки оқланган шахсга ҳукм нусхаси берилишининг мажбурийлиги ҳукм юзасидан уларнинг шикоят қилиш ҳуқуқи дахлсиз эканидан далолат беради.

2. Ҳукмнинг нусхаси суд мажлисининг бошқа иштирокчиларига уларнинг илтимосларига биноан берилади. Бундай имконият бўлмаса, раислик қилувчи уларнинг илтимосига кўра ушбу ҳукм билан суд муҳокамасининг бошқа иштирокчиларини суд биносида таништириши мумкин.

3. Суд муҳокамаси олиб борилган тилни билмайдиган, суд томонидан оқланган шахсга ва озодликдан маҳрум қилинган маҳкумга, уларнинг она тилига ёки улар тушунадиган тилга таржима қилинган ҳукм нусхаси берилиши лозим.

**476-модда. Ҳукм чиқариш билан бир вақтда суд томонидан
ҳал қилинадиган бошқа масалалар**

Озодликдан маҳум этишга ҳукм қилинган шахснинг вояга етмаган болалари, қари ота-оналари, қарамозида бошқа шахслар бўлса ва улар қаровсиз ҳамда ёрдамсиз қолаётган бўлса, суд айблов ҳукмини чиқариш билан бир вақтда уларни қариндошлари ёки бошқа шахсларнинг ва муассасаларнинг васийлигига ёки ҳомийлигига топшириш тўғрисида, маҳкумнинг қаровсиз қолаётган мол-мулки ёки уй-жойи бўлса, уларни қўриқлаб туриш чораларини қўриш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ушбу Кодекснинг 50-моддасида кўрсатилган тартибда тайинланган адвокат ишда ҳимоячи бўлиб қатнашган ҳолларда суд адвокатлар бюроси, ҳайъати ёки фирмаси раҳбарининг илтимосномаси бўлган тақдирда ажрим чиқариб, унда адвокатлар бюроси, ҳайъати ёки фирмаси фойдасига маҳкумдан ҳақ ундириш ва бу ҳақнинг миқдори тўғрисидаги масалани ҳал қилади

Ушбу Кодекснинг 298 ва 300-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек, тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини суриштирув ва дастлабки тергов утказишда йўл қўйилган камчиликларга жалб қилиш зарур бўлганда суд ҳукм чиқариш билан бир вақтда хусусий ажрим ҳам чиқаради.

Ушбу моддада кўрсатилган барча процессуал қарорлар суд мажлисининг залида ҳукм эълон қилинганидан кейин ўқиб эшиттирилиши лозим.

1. Шарҳланаётган модданинг мазмунига кўра, ушбу ҳал қилиниши шарт бўлган масалалар ҳам оқлов ва ҳам айблов ҳукмлари мазмуни билан узвий боғлиқликда бўлади ва умумий қоидаларга кўра ҳукмда ҳал қилинади.

2. Озодликдан маҳрум этилган шахснинг қарамоғида бўлган вояга етмаган болалари ва кекса ота-оналари, бошқа шахсларнинг ёки муассасаларнинг васийлигига ёки ҳомийлигига топшириш тўғрисидаги суд ажримининг нусхаси манфаатдор шахсларга ёки муассасаларнинг вакилларига, ҳомийлик ёки васийлик қилувчи органларга берилиши лозим.

3. Озодликдан маҳрум этилган шахснинг қаровсиз қолган уй-жойини кўриқлаб туриш чораларини кўриш тўғрисидаги суд ажримининг нусхаси манфаатдор шахсларга ва шу мулкни кўриқловчи муассасаларнинг вакилларига берилиши керак.

4. Судланувчига берилган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш масаласи бўйича қарор ҳукмда ифода қилинади. Ундириладиган сумма адвокатлар бюроси, ҳайъати ёки фирмасининг берган маълумотномасига ва қонунга асосан белгиланади (ЖПКнинг 50-моддаси шарҳига қаранг).

5. Тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда йўл қўйилган камчиликларга жалб қилиш, фуқаронинг ижтимоий бурчини намунали бажаргани тўғрисида ахборот бериш мақсадида суд хусусий ажрим чиқариши мумкин. Чиқарилган хусусий ажрим ҳукм эълон қилингандан кейин суд мажлиси залида ўқиб эшиттирилади (ЖПКнинг 298, 300-моддалари шарҳига қаранг).

477-модда. Маҳкум билан учрашишга ижозат бериш

Ҳукм эълон қилинганидан кейин раислик қилувчи ёки суд раиси қамоқда сақланаётган маҳкумнинг яқин қариндошлари ёки унинг ҳимоячиси илтимосига қўра у билан учрашиш имкониятини бериши шарт.

1. Маҳкум билан учрашишга ижозат бериш мазкур ишда раислик қилувчи ёки суд раисининг ваколатлари доирасига киради. Бу ҳуқуқдан суд ҳукми эълон қилинганидан кейин фойдаланишга рухсат этилади.

2. Маҳкумнинг яқин қариндошлари ва унинг ҳимоячиси илтимосига биноан у билан учрашишга раислик қилувчи ёки суд раиси томонидан имконият берилиши шарт. Бунда юқорида кўрсатилганларнинг яқин қариндошлигини гувоҳлантирувчи ҳужжатлари текширилгандан сўнг маҳкум билан кўришишга рухсат этилади.

3. Учрашув муддати раислик қилувчи ёки суд раиси томонидан вазиятга қараб бевосита белгиланади. Учрашув вақти белгиланган учрашув вақтидан ортиқ чўзилмаслиги керак ва бу талабни учрашувни кузатиб турган мансабдор шахслар назорат қилишлари лозим.

ЎН БИРИНЧИ БЎЛИМ
ҲУҚМ, АЖРИМ ВА ҚАРОРЛАРНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ,
АСОСЛИЛИГИ ВА АДОЛАТЛИЛИГИНИ ТЕКШИРИШ

55-БОБ. ҲУҚМ, АЖРИМ ВА ҚАРОРЛАРНИНГ
ҚОНУНИЙЛИГИ, АСОСЛИЛИГИ ВА
АДОЛАТЛИЛИГИНИ ТЕКШИРИШНИНГ УМУМИЙ
ШАРТЛАРИ

*478-модда. Ҳуқм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги,
асослилиги ва адолатлилигини текшириш турлари*

*Суд ҳукми, ажрими ва қарорларининг қонунийлиги,
асослилиги ва адолатлилиги апелляция, кассация ва назорат
тартибида текширилиши мумкин.*

Ишни юқори суд томонидан кўриш:

*1) апелляция тартибида - ушбу Кодекснинг 497-2-модда-
сида кўрсатилган шахсларнинг шикоятларига ва протест-
ларига биноан;*

*2) кассация тартибида - ушбу Кодекснинг 498-моддасида
кўрсатилган шахсларнинг шикоятларига ва протестларига
биноан;*

*3) назорат тартибида - қонунда протест билдириш
ҳуқуқи берилган суд раиси, прокурор ёки улар ўринбосар-
ларининг протестларига биноан, янги очилган ҳолатлар
муносабати билан эса, қонунда протест билдириш ҳуқуқи
берилган прокурор ёки унинг ўринбосари протестига биноан
амалга оширилади.*

1. Ҳар қандай ҳуқм, ажрим ва қарорнинг суд томонидан қонуний, асосли ва адолатли эканлиги ЖПК талабларига риоя қилиб текшириб чиқилади.

Ҳуқм, ажрим ва қарорларнинг юқори инстанция судлари томонидан текшириш апелляция, кассация ва назорат тартибларида ўтказилиб, уларга оид процессуал муносабатлар қонунда белгиланган тартибда вужудга келади, амалга оширилади ва тугатилади.

2. Мазкур модда моҳиятан уч муҳим масалани назарда тутади: 1) суд ҳукми, ажрими ва қарорларининг қонуний, асос-

ли ва адолатли бўлмоғини таъминлаш; 2) ҳукм, ажрим ва қарор бевосита тааллуқли бўлган манфаатдор процесс иштирокчиларига уларнинг юқори босқич судларида текширилишига эришиш кафолатини таъминлаш; 3) юқори босқич судлари томонидан қуйи судларнинг ҳукми, ажрими ва қарорлари устидан назоратни амалга ошириш.

3. Суд ҳукми, ажрими ва қарорлари расмийлаштирилиб суд залида эълон қилинган, дарҳол ижро қилинмайди. Уларнинг устидан қонун билан белгиланган 10 кунлик муддат ичида прокурор апелляция протести, бошқа иштирокчилар эса апелляция шикоят билдириш ҳуқуқига эга. Суд ҳукми, ажрими ёки қарорининг устидан тарафлар томонидан ЖПКнинг 497³-моддаси тартибида апелляция шикояти берилиши ёхуд протест билдирилиши уларнинг қонуний кучга киришини тўхтатади.

4. Ҳукм, ажрим, қарорнинг турли жиҳатлари, хусусан ҳукм қилиниш ёки оқланганлик, жиноий қилмишни тавсифлаш, жазо тури ва миқдори, дастлабки тергов чоғида ва суд муҳокамасида иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлиги каби ҳолатлар юзасидан апелляция тартибида шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

5. Ваколатли процесс иштирокчилари томонидан ҳукм, ажрим ва қарорлар устидан апелляция тартибида шикоят қилинмаган ёки протест билдирилмаган тақдирда уларни кассация тартибида текширишга оид процессуал муносабатлар вужудга келади. Ҳукм устидан кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш тартиби ЖПКнинг 499-моддасида белгиланган.

6. Қонун кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришнинг аниқ муддатини кўзда тутмаган бўлсада, ЖПКнинг 500-моддасига биноан, оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштириш каби бошқа ўзгаришлар назарда тутилган ҳолларда, суднинг ҳукмини, ажримини ва қарорини кассация тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга киргандан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилади.

7. Суднинг кучга кирган ҳукми, ажрими ёки қарори асоссиз, ноқонуний ёки адолатсиз эканлигига оид хатоликлар апелляция ёки кассация инстанцияларида бартараф этилган бўлмаса, улар

назорат тартибида қайта қўриб чиқилиб бекор қилиниши, ўзгартирилиши ёхуд тугатилиши зарур.

479-модда. Суд қарорлари устидан шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқи ҳамда унинг таъминланиши

Ушбу Кодекснинг 497², 498 ва 516-моддаларида назарда тутилган процесс иштирокчилари биринчи инстанция судининг ҳукми ва ажрими устидан белгиланган тартибда апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга, шунингдек, суд қарорларини назорат тартибида қайта қўриб чиқишни илтимос қилишга ҳақлидир. Бу ҳолда улар ўз ваъжларини тасдиқловчи қўшимча материаллар тақдим этишлари мумкин.

Апелляция, кассация шикояти, апелляция, кассация ёки назорат протести тушганлиги туғрисида суд тушган шикоят ёки протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, ана шу процесс иштирокчиларига маълум қилади ва айни вақтда мазкур ҳужжатларнинг нусхасини маҳкумга, жабрланувчига ва оқланган шахсга жунатади. Қўрсатишган шахслар иш билан, шу жумладан қўшимча тақдим этилган материаллар билан танишишга ҳамда судга ўз эътирозларини билдиришга ҳақлидир.

Апелляция ёки кассация шикояти берган шахс, шунингдек, берилган шикоят ёки протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, ана шу процесс иштирокчилари суд томонидан ишнинг қўрилиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинади.

Маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари ишни апелляция инстанциясида қўриш чоғида иштирок этишга ҳақлидир. Мазкур шахслар ишни кассация ва назорат тартибида қўриш чоғида ҳам иштирок этишга ҳақлидир, жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкум бундан мустасно. Жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкумнинг кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисида иштирок этиши, шунингдек, уни суд мажлисига олиб келиш зарурлиги масаласини суд ҳал қилади. Иш қўриладиган жой ва вақт ҳақида ўз вақтида

огоҳлантирилган мазкур шахсларнинг узрсиз сабабларга кўра келмаганликлари ишни кўришга монелик қилмайди. Лекин суд маҳкумни, оқланган шахсни, шунингдек, жабрланувчини, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни ва уларнинг вакиллари ни тушунтириш бериш учун чақириши мумкин.

1. Маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми ва ажрими устидан апелляция шикоят, прокурор эса апелляция протести билдиришга, кучга кирган суднинг ҳукми ва ажрими устидан кассация шикоят, прокурор эса кассация протести билдиришга, шунингдек, ваколатли мансабдор шахслар биринчи инстанция судининг ҳукми ва ажримларини қайта кўриб чиқиш ҳақида назорат тартибида протест билдиришга ҳақли.

2. Маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, жабрланувчи ва унинг вакили, ҳукм ва ажримининг барча ҳолатлари бўйича шикоят, прокурор эса, - протест билдиришга, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг фақат фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга, судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмнинг оқлашга доир қисми устидан шикоят беришга ҳақли.

Тарафларнинг шикояти ва протестлари асослантирилган бўлиши шарт. Тарафлар ўз важларини асослаш учун юқори судга қўшимча материаллар тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар ёзма ва оғзаки, ашёвий далил ва гувоҳлардан иборат бўлиши мумкин.

3. Қонун тарафларга уларнинг манфаатларига зид бўлган ҳукм, ажрим ва қарор устидан шикоят қилиш ёхуд протест билдириш ҳуқуқини таъминлайди. Тарафларнинг шикоят қилиш ҳуқуқи айни вақтда шикоят манфаатларига тааллуқли бўлган бошқа процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳам таъмин этишни тақазо этади. Зотан, шикоят важларини билиш ҳамда унга нисбатан, ўз эътирозларини билдириш шикоят қилиш ҳуқуқининг алоҳида кўринишидир.

Шу боис, қонун апелляция, кассация шикояти берилган, апелляция, кассация ёки назорат протести билдирилган тақдирда, мазкур шикоят ва протест ҳақида манфаатдор бўлган про-

цесс иштирокчиларига маълум қилишни суд зиммасига юклайди.

Шикоят ёки протест бўйича ўз эътирозларини билдириш учун манфаатдор процесс иштирокчиси жиноят иши ҳамда шикоят ёки протестда тақдим этилган қўшимча материаллар билан танишишга ҳақли.

4. Суд апелляция ёки кассация шикояти берган шахсга, шунингдек берилган шикоят ёки протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, шу процесс иштирокчиларига ишнинг кўрилиш вақти ва жойи ҳақида хабар бериши лозим. Бундай хабар биринчи инстанция суди томонидан ишни апелляция ёки кассация инстанциясига юбориш чоғида берилади. Агар суд манфаатдор процесс иштирокчиларига апелляция ёки кассация шикояти ёхуд протести асосида ишнинг кўрилиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилмаган бўлса, апелляция ёки кассация тартибида иш кўриш кейинга қолдирилиб, бу ҳақда шикоят ёхуд протест берган шахсларга хабар юборилиши лозим.

5. Иш кўриладиган вақт ва жой ҳақида хабардор қилинган маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари ишни апелляция ёки кассация ва назорат тартибида кўриш чоғида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Суд жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкум ишни кассация ва назорат тартибида кўрилишида иштирок этиши зарур деб ҳисоблаган тақдирда, у суд мажлисига олиб келиниши шарт.

6. Шикоят берган ва протест билдирган шахслар иш кўриладиган вақт ва жой ҳақида хабар олган бўлсаларда, узрсиз сабабларга кўра келмай қолганларида, ишни кўриш кейинга қолдирилмайди. Лекин суд маҳкуми, оқланган шахсни, шунингдек, жабрланувчини фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни ва уларнинг вакиллари тушунтириш бериш учун суд мажлисига чақириши мумкин.

480-модда. Жиноят ишининг юқори суд томонидан кўрилишида прокурорнинг иштироки

Жиноят ишининг апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрилишида прокурор қатнашади.

Ишнинг кўрилишида:

1) *Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди хайъатларида - тегишинча Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори томонидан ваколат берилган прокурор;*

2) *Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатларида - тегишинча Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори;*

3) *Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумида - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қатнашади.*

1. Прокурор ҳукм, ажрим ёки қарорга протест билдирган-билдирмаганлигидан қатъи назар, судда апелляция, кассация ва назорат тартибида иш кўрилишида иштирок этади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 33-моддасида ҳам таъкидланган.

Прокурор ишнинг апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилишида, ўз протестини қувватлайди ҳамда ундаги важдларни асослайди, агар у суд қарорларига протест билдирмаган бўлса, ишнинг ҳолатлари юзасидан фикр билдиради.

2. Жиноят ишининг юқори суд томонидан кўрилишида иштирок этувчи прокурорнинг ваколатлари ана шу суд босқичларининг хусусиятларига мувофиқ белгиланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори ваколат берган прокурорлар тегишинча ишнинг суд хайъатларида кўрилишида қатнашади, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар

судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатларида тегишинча Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори катнашади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумида эса ишнинг ҳолатлари бўйича фикр билдириш ваколати Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига тегишлидир.

481-модда. Қўшимча материаллар тақдим этиш

Апелляция, кассация, назорат инстанциясига процесс иштирокчилари иш учун аҳамиятга молик ҳужжатлар, мутахассисларнинг фикрлари ва бошқа қўшимча материалларни тақдим этишга ҳақлидирлар. Бундай материаллар суд томонидан ишни кўришга тайёрлаш вақтида ҳам талаб қилиб олиниши мумкин.

Қўшимча материаллар ушбу Кодекснинг 149, 170, 290 ва 398-моддаларида назарда тутилган тергов ҳаракатлари ўтказишни терговчига топшириш йўли билан ҳам олиниши мумкин.

1. Қонун апелляция, кассация ва назорат инстанциясига процесс иштирокчилари томонидан қўшимча материаллар тақдим этишларининг аниқ ҳажми ва доирасини белгиламаган. Бу қўшимча материаллар асосан турли ёзма ҳужжатлар, шу жумладан, маҳкумнинг шахсига оид турли маълумотномалар, тавсифномалар, мукофотланганлик, ногиронлик, жароҳат олганлик тўғрисидаги маълумотномалар ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек, ишнинг у ёки бу ҳолатини ойдинлаштириш учун бирор шахснинг тушунтиришлари, мутахассиснинг фикр-мулоҳазалари ва бошқа ҳужжатлардан иборат бўлиши мумкин.

2. Адвокатларнинг ҳуқуқий маслаҳатхоналари (адвокатлик фирмалари ва бюrolари) апелляция, кассация ва назорат инстанцияларига қўшимча маълумотлар мақдим этиш мақсадида ташкилотлар, муассасалар ва идораларга юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида ўзлари шартнома тузган ишлар бўйича сўровномалар юбориш ва уларга жавоб олиш ҳуқуқига эга.

3. Қўшимча маълумотлар олиш имкони чекланган ёки бундай имкониятга эга бўлмаган жиноят ишида иштирок этаётган процессуал манфаатдор шахслар апелляция, кассация ва назорат инстанция судига шундай маълумотларни сўраб олиш ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидир.

4. Қўшимча материаллар суд томонидан ишни қўришга тайёрлаш вақтида ҳам талаб қилиб олинishi мумкин. Бирок, суднинг бу материалларни бевосита тергов ҳаракатлари ўтказиш йўли билан тўплашига йўл қўйилмайди.

Агар қўшимча материалларни тергов ҳаракатлари ўтказиш йўли билан олиш зарурияти туғилса, суд бу ҳақда терговчига топшириқ бериши мумкин. Бундай ҳаракатлар мурдани эксгумация қилиш (149-модда), телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш (170-модда), мол-мулкни хатлаш (290-модда), мулкий зарарни коплашни таъминлаш чораларини қўллаш (398-модда) каби ҳаракатларда намоён бўлиши мумкин.

482-модда. Юқори судда жиноят ишини қўриш чегараси

Суд жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида қўришда ҳукм, ажрим ва қарорнинг қонунийлигини, асослигини ва адолатлигини ишда мавжуд бўлган ҳамда процесс иштирокчилари қўшимча тақдим этган ёхуд суднинг ўзи талаб қилиб олган материаллар асосида, янги очилган ҳолатлар муносабати билан ишни янгитдан қўришда эса, бу ҳолатларни тергов қилиш материаллари асосида текширади.

Суд шикоят ёки протестда баён этилган вазслар билан чегараланмасдан, ишни барча маҳкумларга, шу жумладан шикоят бермаган ҳамда устидан шикоят ёки протест билдирилмаганларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширади.

1. Жиноят ишини апелляция, кассация ва назорат тартибида қўриш чоғида жиноят ишининг материаллари тарафлар томонидан қўшимча тақдим этилган ёхуд суднинг ўзи талаб қилиб олган материаллар ҳамда янги очилган ҳолатлар муносабати билан ишни янгитдан қўришда бу ҳолатларни тергов қилиш материаллари асосий манба бўлиб хизмат қилади.

2. Агар жиноят ишени апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўришда шикоят ёки протестда билдирилган важдардан ташқари, ушбу иш бўйича шикоят ёки протест билдирилмаган бошқа шахсларнинг манфаатларига тааллуқли ҳолатлар аниқланса, суд ишининг барча маҳкум ёки оқланган шахсларга тегишли қисмини текшириб чиқиши ва ижобий томонга ўзгартириши мумкин.

483-модда. Юқори судда жиноят ишени кўриш муддатлари

Апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди жиноят ишени шикоят ёки протест келиб тушган кундан бошлаб ўн беш суткадан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди эса, бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқишга киришиши лозим.

Иш ўта мураккаб бўлган тақдирда ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли суд раиси бу муддатни кўпи билан ўн беш суткага, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси ёки унинг ўринбосари эса, кўпи билан бир ойга узайтириши мумкин.

Ишни кўриш муддати узайтирилганлиги ҳақида процесснинг манфаатдор иштирокчилари хабардор қилиниши лозим.

1. Апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси судида жиноят ишени шикоят ёки протест келиб тушган кундан бошлаб ўн беш суткадан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди эса, бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқишга киришиши лозим. Бундай муддат шикоят ёки протест келиб тушган куннинг эртасидан ҳисобланади.

2. Иш мураккаблиги ва бошқа сабаблар билан қонунда белгиланган муддатда кўришга имкон бўлмаса, у қайси судда кўрилишига қараб, ўша суднинг раиси томонидан муддат кўпи билан ўн беш суткага, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси ёки унинг ўринбосари томонидан эса, кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин.

3. Ишни кўриш муддати узайтирилганлиги ҳақида процесснинг манфаатдор иштирокчилари хабардор қилинадилар.

484-модда. Ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари

Апелляция, кассация ёки назорат тартибида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама олиб борилганлиги;

2) ҳукмда баён қилинган суд хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмаслиги;

3) ушбу Кодекс нормаларининг жиддий бузилганлиги;

4) Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги;

5) жазонинг адолатсизлиги.

Дастлабки тергов ва суд терговининг камчиликларини ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида қўриш пайтида бартараф этишнинг имкони бўлмаса, ҳукм бекор қилиниши лозим.

1. ЖПКнинг 485-489-моддаларида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари батафсил талқин қилинган. Улардан бирининг аниқланиши ҳукм, ажрим, қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўла олади.

2. Апелляция, кассация ёки назорат инстанциясида ҳукмнинг фуқаровий даъвога тааллуқли қисмини текшириш чоғида суд фуқаровий процессуал қонун нормаларини қўллайди. Лекин бунга: а) тааллуқли масала жиноят-процессуал қонунчилик билан тартибга солилмаган бўлса; б) қўрилаётган жиноят ишидан келиб чиқувчи фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни ҳал қилиш зарур бўлса; в) қўлланилаётган фуқаровий-процессуал қонун нормалари жиноят-процессуал қонун нормаларига зид келмаса, йўл қўйилади.

3. Процессуал қонун талабларининг бузилиши ҳукмнинг фуқаровий даъвога оид қисмини ҳам бекор бўлишига ёки ўзгартирилишига сабаб бўлади. Ўзгартириш маҳкумнинг ҳолатини енгиллаштирадиган ёхуд оғирлаштирадиган мазмунда бўлиши мумкин. Ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларининг таҳлили 485-489 моддаларининг шарҳида берилади.

Башарти иш бўйича:

1) ушбу Кодекснинг 82-84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар етарлича тула аниқланмаган бўлса;

2) кўрсатувлари ишни ҳал қилишга таъсир этиши мумкин бўлган шахслар суроқ қилинмаган, зарур бўлишига қарамай экспертиза ўтказилмаган, шунингдек, ҳужжатлар, ашёвий далиллар талаб қилиб олинмаган ёки натижалари иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган бошқа тергов ҳаракатлари ўтказилмаган бўлса;

3) ишни қўшимча терговга ёки янгидан судда кўришга юборган суднинг ажримда ёки қарорида баён қилинган ҳолатлар текширилмаган бўлса, дастлабки тергов ёхуд суд тергови тўлиқ эмас ёки бир ёқлама ўтказилган деб эътироф этилади.

1. Терговнинг тўлиқ ва ҳар томонлама юритилган деб ҳисоблаш учун иш бўйича аниқланиши зарур бўлган барча ҳолатлар текширилган, далиллар ЖПКда кўрсатилган қоидаларга риоя қилиб тўпланган ва қайд этилган бўлиши зарур.

2. Суд амалиётида терговнинг тўлиқ эмаслиги ва бир ёқламалиги сифатида:

- жиноят таркибининг объектив томонига тегишли ҳолатларнинг тўлиқ текширилмаганлиги, яъни қилмишнинг ижтимоий хавfli ҳаракат ёки ҳаракатсизликка оид характери, ҳаракат ва оқибат ўртасидаги сабабий боғлиқликнинг мавжудлиги кабилар аниқ эмаслиги;

- айбдорлик ва унинг шакли тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни тўлиқ ва ҳар томонлама текширилмаганлиги;

- жиноят мотивининг ноаниқлиги қилмишни квалификация қилишга, жиноят ва уни содир этган шахснинг хавfliлик даражасини ёки жазо чорасини белгилашга бевосита таъсир кўрсатиши;

- жиноятни содир этишга алоқадор бўлган барча шахслар жавобгарликка тортилмаганлиги;

- ҳар бир айбланувчининг жиноятни содир этишдаги роли аниқ эмаслиги;

- асослар мавжуд бўлган ҳолда айбланувчининг руҳий ҳолати аниқланмаганлиги;
- жавобгарликни инкор этувчи ёхуд енгиллаштирувчи ҳолатларга оид маълумотлар аниқланмаганлиги;
- жиноят натижасида етказилган зиённинг даражаси белги-ланмаганлиги;
- жиноятни содир этилишига олиб келган сабаб ва шароитларнинг аниқланмаганлиги.
- вояга етмаган айбланувчининг яшаш ва тарбияланиш шароитлари, тарбияси, шунингдек, жиноят содир этилишига олиб келган сабаб ва шароитлар текширилмаганлиги;
- айбланувчининг зарурий мудофаа ёки охириги зарурат ҳолатида бўлганлигига оид маълумотлар етарли ўрганилмаган-лиги;
- маҳкумнинг тушунтиришлари етарлича текширилмаган ва асоссиз баҳоланганлиги;
- суд ҳукмида келтириб утилган далиллар бир-бирига зид бўлган ҳолда бартараф этилмаганлиги;
- суд ҳукми таҳминларга асосланганлиги ёхуд иш бўйича барча таҳминлар тўлиқ текширилмаганлиги;
- ишни қўшимча терговга ёки янгитдан судда кўришга юбориш ҳақида ажримда ёки қарорда баён қилинган ҳолатлар тўлиқ ва ҳар томонлама текширилмаганлиги ҳақидаги ҳолатлар эътироф этилиши мумкин.

486-модда. Ҳукмда баён қилинган суд хулосалари жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмаслиги

Қуйидаги ҳолларда ҳукм жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмас деб эътироф этилади, башарти:

1) суд хулосалари суд мажлисида кўрилган далиллар билан тасдиқланмаган бўлса;

2) суд ўз хулосасига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олмаган бўлса;

3) иш учун муҳим аҳамиятли ҳолатларга оид далиллар бир-бирига зид бўлгани ҳолда, суд қайси асосларга кўра далиллардан баъзиларини ишонарли деб топиб, бошқалари-ни рад этганлиги ҳукмда кўрсатилмаган бўлса;

4) суднинг ҳукмда баён қилинган хулосаларида жиддий зиддиятлар мавжуд бўлиб, улар судланувчининг айблилиги масаласини ҳал қилишга, Жиноят кодекси нормаларини тўғри қўллашга ёки жазо чорасини белгилашга таъсир кўрсатган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлса ва юқори судда бу зиддиятларни бартараф этиш имконияти бўлмаса.

1. Ҳукм суд мажлисида ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив равишда текширилган ишончли далилларга асосланган бўлиши лозим. Айтилган вақтда ишдаги маълумотлар ана шу далилларни бирор тарзда инкор этган тақдирда уларни нотўғри деб ҳисоблаш учун асослар ҳукмда батафсил баён этилмоғи шарт.

2. Ҳукм жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эканлиги ҳақидаги хулосага келиш учун мазкур ҳолатлар судда бевосита аниқланган ёхуд суд мажлисида тўлиқ ва холисона текширилган бўлиши лозим.

Аниқланган далилларни бирёқлама баҳолаш суднинг хулосасига бевосита таъсир этган тақдирда, ҳукм жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмас деб ҳисобланади.

3. Суднинг хулосаси етарлича тасдиқланган далилларга асосланган бўлиши шарт. Суд муҳокамасида ўз исботини топмаган шубҳали маълумотларга, ишдаги бошқа далиллар билан рад этилган, бир-бирига зид далилларга асосланган бўлиши мумкин эмас.

4. Дастлабки терговда тўпланган далиллар суд мажлисида тўлиқ текширилиб, барча ҳолатларга ойдинлик киритилмаган; айбловга оид далиллар танқидий нуқтаи назардан баҳоланмаган ёки улар асоссиз инкор этилган; судланувчининг айбдорлигини инкор этувчи ҳолатлар бартараф этилмаган; суд экспертизасининг хулосаси суд томонидан текширилмаган ҳамда унга ҳукмда баҳо берилмаган; ҳимоянинг далиллари асоссиз равишда рад этилган бўлса ҳукм бекор қилиниши лозим.

5. Жабрланувчининг ишдаги бошқа далилларга зид бўлган кўрсатувлари суднинг айблов ҳукмини қабул қилиш учун асос бўла олмайди.

6. Айблов ҳукми процессуал тартибга риоя қилинмай тўпланган далилларга асосланиши мумкин эмас.

**487-модда. Жиноят-процессуал қонуни нормаларининг
жиддий бузилиши**

Процесс иштирокчиларини қонунда белгиланган ҳуқуқлардан маҳрум қилган ёки бу ҳуқуқларни чеклаган ёхуд суд ишни ҳар томонлама кўриб чиқишига бошқача тарзда ҳалал берган ҳамда қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқаришга таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган қоидабузарликлар ушбу Кодекс нормаларини жиддий бузиш деб эътироф этилади.

Ҳукм қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши керак, башарти:

**1) ҳукмни қонунга ҳилоф таркибдаги суд чиқарган бўлса;
2) судьянинг ҳукмни яққа ўзи чиқариши тартиби ёки ҳукм чиқаришида судьялар маслаҳатлашувининг сир сақланиши бузилган бўлса;**

3) иш судланувчининг йўқлигида қўрилган бўлса, ушбу Кодекснинг 410-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

4) дастлабки тергов тамомланганидан сўнг айбланувчи ишдаги барча материаллар билан таништирилмаган ва бу қоидабузарлик ҳукм чиқарган суд томонидан бартараф этилмаган бўлса;

5) ҳимоячиси бўлмаган судланувчига ҳимоя нутқи учун сўз берилмаган бўлса;

6) судланувчига охирги сўз берилмаган бўлса;

7) судланувчининг она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган бўлса;

8) қонунга кўра ҳимоячининг иштироки шарт бўлса-ю, иш унинг иштирокисиз тергов қилинган ёки кўриб чиқилган бўлса;

9) ишни юритишни истисно этадиган ҳолатлар бўла туриб, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси ўтказилган бўлса;

10) суд мажлиси баённомаси ишга тикилмаган ёхуд имзоланмаган бўлса.

1. Мазкур модданинг биринчи қисмида жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилишига оид тушунча берилган. Унга кўра, жиддий бузилиш деганда процесс иштирок-

чиларини қонунда белгиланган ҳуқуқдан маҳрум қилган ёки бу ҳуқуқларини чеклаган ёхуд суд ишини ҳар томонлама кўриб чиқишига ҳалал берган ҳамда қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқаришга таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган қонунбузарликлар тушунилиши лозим.

Жиноят-процессуал қонуни нормаларининг бузилиши процесс иштирокчиларини қонунда белгилаган ҳуқуқдан маҳрум қилмаган ёки бу ҳуқуқларни чекламаган ҳамда қонуний, асосли ва адолатли ҳукм қабул қилинишига таъсир қилмаган ёки таъсир қилиши мумкин бўлмаган ҳолда, қонуннинг бузилиши жиддий деб баҳоланмайди.

2. Агар апелляция ёки кассация инстанцияларида ҳукми бекор қилишга асос бўладиган процессуал қонун нормалари жиддий бузилганлиги аниқланса, юқори суд ана шу қонунбузарлик оқибатида ҳуқуқлари паймол қилинган барча маҳкумларга нисбатан ҳукми бекор қилиши шарт, бунда маҳкумлар шикоят берган ёки бермаганликлари ҳамда уларга нисбатан протест билдирилган ёки билдирилмаганлиги аҳамиятсиздир.

3. Процессуал қонун нормаларининг бузилгани ҳақида юқори суд хусусий ажрим чиқариши лозим.

4. Жиноят-процессуал қонуни нормасининг бузилиши муайян ҳолатларда апелляция ёки кассация судлари томонидан жиддий қонунбузарлик ёхуд жиддий бўлмаган қонунбузарлик деб топилиши мумкин. Масалан, кўздан кечириш, тинтув, тергов эксперименти, таниб олиш учун тақдим этиш каби тергов ҳаракатлари ҳақида сифатсиз тузилган баённомалар, башарти далилларнинг тўлиқлигига ҳамда суднинг ҳукмдаги ҳулосаларига салбий таъсир этган бўлмаса, жиддий қонунбузарликка йўл қўйилган деб ҳисобланмаслиги мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2003 йил 19 декабрдаги “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 21-бандида ҳамда 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 2-сонли қарорининг 29-бандида судларга “ЖПКнинг 487-моддаси биринчи қисмида қайд этилган шартлар асосида ҳукми бекор қилиш асослари” қаторида айбланувчига айблов ҳулосаси нусхасининг ўз вақтида тақдим этилмаганлиги ёки умуман

Процесс иштирокчиларини қонунда белгиланган ҳуқуқлардан маҳрум қилган ёки бу ҳуқуқларни чеклаган ёхуд суд ишни ҳар томонлама кўриб чиқишига бошқача тарзда ҳалал берган ҳамда қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқаришга таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган қоидабузарликлар ушбу Кодекс нормаларини жиддий бузиш деб эътироф этилади.

Ҳукм қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши керак, башарти:

1) ҳукмни қонунга ҳилоф таркибдаги суд чиқарган бўлса;
2) судьянинг ҳукмни яққа ўзи чиқариши тартиби ёки ҳукм чиқаришда судьялар маслаҳатлашувининг сир сақланиши бузилган бўлса;

3) иш судланувчининг йўқлигида кўрилган бўлса, ушбу Кодекснинг 410-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

4) дастлабки тергов тамомланганидан сўнг айбланувчи ишдаги барча материаллар билан таништирилмаган ва бу қоидабузарлик ҳукм чиқарган суд томонидан бартараф этилмаган бўлса;

5) ҳимоячиси бўлмаган судланувчига ҳимоя нутқи учун сўз берилмаган бўлса;

6) судланувчига охирги сўз берилмаган бўлса;

7) судланувчининг она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган бўлса;

8) қонунга кўра ҳимоячининг иштироки шарт бўлса-ю, иш унинг иштирокисиз тергов қилинган ёки кўриб чиқилган бўлса;

9) ишни юритишни истисно этадиган ҳолатлар бўла туриб, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси ўтказилган бўлса;

10) суд мажлиси баённомаси ишга тикилмаган ёхуд имзоланмаган бўлса.

1. Мазкур модданинг биринчи қисмида жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилишига оид тушунча берилган. Унга кўра, жиддий бузилиш деганда процесс иштирок-

чиларини қонунда белгиланган ҳуқуқдан маҳрум қилган ёки бу ҳуқуқларини чеклаган ёхуд суд ишини ҳар томонлама кўриб чиқишига ҳалал берган ҳамда қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқаришга таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган қонунбузарликлар тушунилиши лозим.

Жиноят-процессуал қонуни нормаларининг бузилиши процесс иштирокчиларини қонунда белгиланган ҳуқуқдан маҳрум қилмаган ёки бу ҳуқуқларни чекламаган ҳамда қонуний, асосли ва адолатли ҳукм қабул қилинишига таъсир қилмаган ёки таъсир қилиши мумкин бўлмаган ҳолда, қонуннинг бузилиши жиддий деб баҳоланмайди.

2. Агар апелляция ёки кассация инстанцияларида ҳукмни бекор қилишга асос бўладиган процессуал қонун нормалари жиддий бузилганлиги аниқланса, юқори суд ана шу қонунбузарлик оқибатида ҳуқуқлари паймол қилинган барча маҳкумларга нисбатан ҳукмни бекор қилиши шарт, бунда маҳкумлар шикоят берган ёки бермаганликлари ҳамда уларга нисбатан протест билдирилган ёки билдирилмаганлиги аҳамиятсиздир.

3. Процессуал қонун нормаларининг бузилгани ҳақида юқори суд хусусий ажрим чиқариши лозим.

4. Жиноят-процессуал қонуни нормасининг бузилиши муайян ҳолатларда апелляция ёки кассация судлари томонидан жиддий қонунбузарлик ёхуд жиддий бўлмаган қонунбузарлик деб топилиши мумкин. Масалан, кўздан кечириш, тинтув, тергов эксперименти, таниб олиш учун тақдим этиш каби тергов ҳаракатлари ҳақида сифатсиз тузилган баённомалар, башарти далилларнинг тўлиқлигига ҳамда суднинг ҳукмдаги хулосаларига салбий таъсир этган бўлмаса, жиддий қонунбузарликка йўл қўйилган деб ҳисобланмаслиги мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2003 йил 19 декабрдаги “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 21-бандида ҳамда 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 2-сонли қарорининг 29-бандида судларга “ЖПКнинг 487-моддаси биринчи қисмида қайд этилган шартлар асосида ҳукмни бекор қилиш асослари” қаторида айбланувчига айблов хулосаси нусхасининг ўз вақтида тақдим этилмаганлиги ёки умуман

тақдим этилмаганлиги; суд мажлисини тайинлаш тўғрисидаги қонун талабларига риоя этилмаганлиги; манфаатлари бир бирига зид бўлган айбланувчиларнинг бир ҳимоячи томонидан ҳимоя қилинганлиги ва шу қабила санаб ўтилган.

6. Башарти ишнинг муҳокамасида халқ маслаҳатчиси сифатида тегишли тартибда сайланмаган шахс, бошқа судга сайланган халқ маслаҳатчиси ёхуд ваколати тугаган судья иштирок этган бўлса, бу қонунга хилоф таркибдаги суд деб эътироф этилади.

7. Судьялик вазифасини бажариш учун белгиланган тартибга хилоф тарзда тайинланган судья ёки халқ маслаҳатчиси судланувчининг, жабранувчининг, давлат айбловчисининг қариндоши, ишнинг натижасидан манфаатдор ёки бошқа асосларга кўра рад этилиши лозим бўлса ёхуд ишнинг муҳокамаси бошидан иштирок этмаган бўлса, суд таркиби қонунга зид ташкил этилган ҳисобланади.

8. Суд таркиби қонунга хилоф деб эътироф этилади, башарти ЖПК 13-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари ва 31-моддасида белгиланган қоидаларга зид ҳолда суд таркибида кўриб чиқиладиган ишлар судьянинг яқка ўзи томонидан кўриб чиқилган бўлса.

9. Агар суд (судья) ўзига нисбатан берилган рад этишни қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқмаган бўлса, ҳукм бекор қилиниши лозим.

10. ЖПКнинг 410-моддаси талабларини бузган ҳолда, жиноят ишини судланувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш ҳукми сўзсиз бекор қилинишига олиб келади.

11. Ҳимоя ҳуқуқининг бузилиши жиноят-процессуал ҳуқуқ нормаларининг жиддий бузилиши деб эътироф этилган ҳолда суд ҳукми бекор қилиниши лозим. Башарти айбланувчининг, судланувчининг қонун билан қафолатланган ҳуқуқларини паймол қилиш ёхуд уни чегаралаш суд томонидан иш бўйича ҳақиқатни ўрнатган ҳолда қонуний, асосли ва адолатли ҳукм қабул қилишга имкон бермаган ёки имкон бермаслиги эҳтимоли бўлса, ҳукм бекор қилинади.

12. Суд муҳокамасида ёки дастлабки терговда ҳимоячининг ишда иштирок этиши шарт бўлган ҳолда, у ишда иштирок этмаган бўлса, қонуннинг жиддий бузилиши деб эътироф этилади (51-модданинг шарҳига қаралсин).

13. Агар айбланувчи ёки судланувчи ўз ҳимоясини мустақил амалга ошириш имконига эга бўлмай туриб, айбланувчи ва судланувчи томонидан ҳимоячи хизматидан фойдаланишдан воз кечиш ҳақидаги илтимоси қаноатлантирилган бўлса, жиддий қонун бузиш ҳолати деб ҳисобланади.

14. Шунингдек, жиноят-процессуал қонуннинг жиддий бузилиши деб эътироф этишга қуйидаги ҳолатлар ҳам асос бўлади:

а) айбланувчининг ўз ихтиёрига кўра ҳимоячини таклиф этишга доир ҳимоя ҳуқуқи бузилган бўлса;

б) айбланувчи таклиф этган ҳимоячи ЖПКнинг 50-моддаси талабларини бузган ҳолда алмаштирилган бўлса;

в) янги таклиф этилган ҳимоячига жиноят ишидаги материаллар билан танишиб чиқиш ҳуқуқи таъминланмаган бўлса.

15. Ҳимоячи айбланувчининг нуқтаи назари билан келишмаганлиги сабабли бошқа ҳимоячи билан алмаштириш тўғрисидаги илтимосни рад этилиши ёки ушбу илтимосининг муҳокама этилмаслиги ҳам ҳимоя ҳуқуқининг жиддий бузилиши ҳисобланади.

16. Дастлабки тергов тамомланиб, жиноят иши материаллари билан танишиб чиқишдан айбланувчининг бош тортиши сабабли ҳимоячини иш материаллари билан танишиб чиқишига имкон бермаслик жиноят-процессуал қонунининг жиддий бузилиши ҳисобланади.

17. Процессуал қонунбузарликлар жиддий деб баҳоланади, башарти:

а) дастлабки тергов тамомланганидан сўнг айбланувчи ва унинг ҳимоячиси барча материаллар билан таништирилмаган ва бу қонунбузарлик ҳукм чиқарган суд томонидан бартараф этилмаган бўлса;

б) суд муҳокамаси айбланувчига айблов ҳулосаси топширилгандан сўнг уч кун ўтмай бошланган бўлса;

в) маҳкум талабига кўра у суд муҳокамасининг баённомаси билан таништирилмаган бўлса;

г) ҳукмда судланувчининг қилмиши аниқ ифода этилмаган бўлса;

д) суд ҳукмда судланувчини айблов ҳулосасида кўрсатилмаган айблов бўйича айбдор деб топган бўлса;

е) ҳукм ёки ажримга, улар эълон қилингандан сўнг ўзгартириш киритилган бўлса;

ж) суд ҳукми ЖПКнинг 468-моддаси талабларига зид равишда чиқарилган бўлса;

з) суд муҳокамасининг баённомаси бошқа шахслар томонидан имзоланган бўлса.

18. Башарти жиноят иши айбланувчиларга нисбатан асоссиз ажратилиб, бу ҳолат ишнинг ҳолатларини тўлиқ ҳар томонлама ва объектив ҳал қилишга жиддий таъсир этадиган бўлса, ЖПК нормалари жиддий бузилган деб баҳоланиши ва қабул қилинган ҳукм бекор қилиниши лозим.

19. Агар судланувчининг она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш ҳукуқи бузилган ёки судьялардан бирига таржимон хизмати таъмин этилмаган бўлса, Жиноят-процессуал қонуни нормалари жиддий бузилган деб ҳисобланади.

20. Суд амалиётига биноан ЖПК нормаларининг жиддий бузилиши деб эътироф этилади, агар:

- дастлабки тергов ўрнига иш бўйича суриштирув амалга оширилган бўлса;

- терговга тегишлилик қоидалари бузилган бўлса;

- айблов ҳулосаси прокурор томонидан тасдиқланмаган бўлса;

- қўшимча тергов ўтказилгандан сўнг янги айблов ҳулосаси тузилмаган бўлса;

- шахсни айбланувчи сифатида жиноят ишига жалб этиш тўғрисидаги қарорда жиноят қонуни нормаси кўрсатилмаган бўлса;

- ишда судьянинг суд муҳокамасини тайинлаш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлмаса;

- жабрланувчининг суд муҳокамасида иштирок этиши таъминланмаган бўлса.

21. ЖПКнинг 84-моддасида қайд этилган асосларда ишни юритишни истисно этадиган ҳолатлар бўла туриб, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси ўтказилган бўлса, бу ЖПК нормаларининг жиддий бузилиши деб эътироф этилади.

22. ЖПКнинг 496-моддасига биноан суд апелляция ва кассация инстанцияларида жиноят процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилиши асосида ҳукми бекор қилиш чоғида суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамасида йўл қўйилган барча қонунбузарликларни ажримда қайд этиши зарур.

Жиноят кодекси нормалари қуйидаги ҳолларда нотўғри қўлланилган деб эътироф этилади, башарти:

1) Жиноят кодекси Умумий қисми моддаларининг талаблари бузилган бўлса;

2) жиноят тавсифи Жиноят кодексининг қўлланилиши керак бўлган моддаси (модданинг қисми, банди) ўрнига бошқа моддаси (модданинг қисми, банди) билан берилган бўлса;

3) маҳкумга Жиноят кодексининг мазкур моддасида назарда тутилмаган жазо тури ва меъёри тайинланган бўлса.

1. Ушбу моддада қайд этилган Жиноят кодекси нормаларини нотўғри қўлланиши ҳолатлари бир-бири билан боғлиқ. Жумладан Жиноят кодексининг Умумий қисмидаги жавобгарлик асослари, қилмишни жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар, жазони тайинлаш асослари ва бошқа нормаларнинг талабларига риоя қилмаслик жиноятни нотўғри тавсифлашга ҳамда маҳкумга жазо турини ва меъёрини нотўғри қўллашга сабаб бўлиши мумкин. Ўз навбатида нотўғри жазо турини ва меъёрини нотўғри қўллаш бевосита жиноят тавсифига оид Жиноят кодекси нормаларини нотўғри талқин этиш оқибати бўлиши мумкин.

2. Жиноят кодекси Умумий қисми моддаларининг суд амалиётида кўпинча учрайдиган бузилиш ҳолатлари:

- жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш;
- жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш;

- жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик доираси;
- бир қанча жиноят содир этганлик учун жавобгарлик;
- қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар, жумладан зарурий мудофаа чегарасидан чиқиш, охирги зарурат, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш ва б.;

- жазо ва уни тайинлаш масалалари, хусусан жазо тайинлашда жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларни асоссиз қўллаш; бир неча жиноят ёки ҳукм бўйича

жазо тайинлаш; жазо муддатини ҳисоблаш ҳамда жазо тури ва жазо ўташ режими каби масалалар билан боғлиқдир.

489-модда. Жазонинг адолатсизлиги

Гарчи жазо Жиноят кодексининг тегишли моддасида белгиланган доирада тайинланган бўлса-да, тури ва меъёри жиҳатидан рўйи рост адолатсиз бўлса, жиноятнинг оғирлик даражасига ва судланувчининг шахсига номувофиқ деб эътироф этилади.

1. Жазо жиноий қилмишнинг нотўғри тавсифланиши натижасида асоссиз энгил ёки ҳаддан ташқари оғир белгиланиши мумкин. Бундай ҳолатда суд ҳукми ЖПКнинг 488 ва мазкур моддаларида қайд этилган асосларга кўра бекор қилинади.

2. Суд томонидан тайинланган жазонинг қилмишни содир этган айбланувчининг шахсига мос эмаслигига оид хулоса биринчи инстанция суди томонидан судланган шахсга жиноят қонунининг муайян моддаси санкцияси доирасидан оғирроқ белгиланган тақдирда ҳам, ЖКда ўрнатилган жазо меъёридан энгилроқ жазо белгиланганда ҳам адолатли ҳисобланмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми таъкидлаганидек, ҳамма жиноят ишлари бўйича ҳам судлар жазонинг тури ва меъёрини белгилашда индивидуал ёндошмайдилар, улар доим ҳам жиноятнинг характери ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига ва ишнинг бошқа ҳолатларига, шунингдек, жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳамда оғирлаштирувчи ҳолатларга оид маълумотларни етарли эътиборга олмайдилар.

4. Қонунда белгиланганидан ҳам энгилроқ жазо тайинлаш фавқулодда ҳолатларда ҳамда айбдорнинг шахсига оид барча маълумотларни эътиборга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Бунда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий равишда камайтирувчи ҳолатлар назарда тутилиши лозим.

5. Апелляция ёки кассация инстанция судлари ҳукмда озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлашга оид аниқ талкин мавжудлигини текшириши шарт.

6. Жазо жиноят ва судланганнинг шахсига монанд эмас деб нафақат жазо тури нотўғри танланган тақдирда, балки жазо миқдори жиноятнинг оғирлиги ва судланганнинг шахсига монанд келмаган ҳолатда ҳам эътироф этилади.

7. Жазонинг очикдан-очик адолатсизлиги асосий ҳамда қўшимча жазо турини қўллашда ҳам вужудга келиши мумкин. Юқори суд қўшимча жазо турининг қўлланишини текшириши лозим. Бунда қўшимча жазо турини қўллаш асослари ҳукмда келтириб ўтилиши шарт.

8. Апелляция ёки кассация инстанция судлари биринчи инстанция судининг айблов ҳажми, жиноят содир этишдаги судланган шахснинг айбдорлик ёхуд иштирокчилиқ, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларга оид хулосаларини нотўғри деб баҳолаган ҳолда, ҳукмга ўзгартириш киритишда бевосита маҳкумга белгиланган жазони енгиллаштириш ёхуд уни ўзгартиришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини ажримда муҳокама қилиши шарт.

490-модда. Жиноят ишини апелляция ёки назорат тартибида қўрувчи суднинг ваколатлари

Суд жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида қўриб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- 1) суднинг ҳукми ёки ажримини (қарорини) ўзгартиришсиз қолдиради;*
- 2) ҳукмни ёки ажримни (қарорни) ўзгартиради;*
- 3) ҳукмни ёки ажримни (қарорни) бекор қилади ва ишни қўшимча терговга ёки янгитдан судда қўриш учун жўнатади ёхуд ишни тугатади.*

Назорат инстанцияси суди жиноят ишини назорат тартибида қўриб, апелляция ёки кассация ажримини бекор қилади, шунингдек, агар кейин суд ажримлари, қарорлари чиқарилган бўлса, уларни ҳам бекор қилади ва ишни янгитдан апелляция ёки кассация тартибида қўриб чиқишга ўтказади.

Апелляция инстанцияси суди, агар биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш ва процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш имконияти бўлса, тўлиқ ёки қисман суд тергови ўтказиш ва ҳукмга ўзгартишлар киритишга ҳақлидир.

Кассация ва назорат инстанцияси суди, агар биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириши ва процессуал қоидабузарликларни бартараф этиши имконияти бўлса, қисман суд тергови ўтказиши ва ҳукмга ўзгартиришлар киритишига ҳақлидир.

Юқори инстанция суди асослар мавжуд бўлган тақдирда, маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топишига, унга жазони ижро этиши колониясининг қаттиқроқ турини белгилашига, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш миқдорини кўпайтиришига ҳақлидир.

Юқори инстанция суди ҳукмининг айрим маҳкумларга қўйилган айблов қисмини ёки фуқаровий даъво қисмини бекор қилишига ёки ўзгартиришига ҳақлидир.

1. Биринчи инстанция судининг ҳукми ёки ажрими ўзгартиришсиз қолдирилади, башарти: а) шикоят ёки протестда келтирилган вазлар суд ҳукми ёки ажримининг қонуний ва асослилигига шубҳа тўғдирмаса; б) ҳукм ёки ажримни бекор қилиш ёхуд ўзгартиришига асос бўлмаса.

2. Ҳукми ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари тўғрисида 484-489-моддаларга берилган шарҳларга қаралсин.

3. Агар бир неча жиноий қилмиш бир модда билан таснифланган бўлса, юқори инстанция суди бир ёки бир нечасини бекор қилиб, қолган қисмини кучда қолдирса, ишни янгитдан кўриш учун судга юборишига ҳақли эмас.

4. Ҳукм фуқаровий даъво қисми бўйича бекор қилиниши ва даъвони фуқаровий судлов юритуви тартибида ҳал қилиш учун юборилиши мумкин.

491-модда. Ҳукми ўзгартириш

Ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриши чоғида биринчи инстанция суди Жиноят кодексини нотўғри қўллагани ёхуд жиноятнинг оғирлик даражасига ва маҳкумнинг шахсига мувофиқ келмайдиган жазо белгиллагани аниқланса, суд ишни янгидан кўриб чиқишига юбормасдан, ушбу Кодекснинг 494-моддаси талабларига риоя этган ҳолда ҳукмга зарур ўзгартиришлар киритишига ҳақлидир.

1. Мазкур модда юқори инстанция суд томонидан ҳукмга ўзгартиш киритиш мумкинлигини назарда тутати. Ҳукм ўзгартиш ваколати апелляция, кассация ва назорат инстанциялари судларининг барчасига берилган.

Ҳукмни ўзгартириш иш юқори судда кўрилганидан сўнг ажрим чиқариш йўли билан расмийлаштирилади.

2. Ҳукмни ўзгартириш деганда, юқори суд томонидан ҳукмда баён қилинган ҳолатлар ва биринчи инстанция судининг хулосаларини ўзгартиш, айрим чиқариш ва кўшимчалар киритиш тушунилади.

3. Ҳукмни юқори суд инстанция томонидан ўзгартиришга қўйидагилар асос бўлади:

1) биринчи инстанция суди жиноят қонунининг нормаларини (қисмлари ва бандлари) ноўрин қўллаган ёки қўлланилиши керак бўлган нормалар (қисмлари ва бандлари) қўлланмаганлиги аниқлаганида;

2) маҳкумга тайинланган жазони адолатсиз аниқроғи жиноятнинг оғирлик даражасига ва маҳкумнинг шахсига мувофиқ келмайдиган экани, оғирроқ турдаги ёки миқдордаги жазо белгиланганлигини аниқлаганида.

Юқори инстанция судида ҳукмда белгиланган жазони кучайтиришга ва оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўлланишга йўл қўйилмайди. (494-модданинг шарҳига қаранг).

4. Айбловнинг фактик ҳолатлари ўзгарганида қилмиш энгилроқ жиноятга доир қонун нормаси билан қайта квалификация қилинади. Юқори суд маҳкумнинг ҳолатини оғирлаштиришга ваколатли эмас. Бундай вазиятда ҳукм бекор қилиниб, иш янгидан судда кўриш учун юборилади.

Энгилроқ жиноятга доир қонунни қўллаш айбловнинг айрим бандлари ёки жиноят ҳодисанинг эпизодлари чиқариб ташлаш тарзида бўлиши мумкин.

Юқори инстанцияси суди маҳкумга тайинланган жазони энгиллаштириш масаласини ҳал қила туриб, ЖПКнинг 482-моддасига мувофиқ, нафақат жазони камайтириши, балки бошқа энгилроқ жазо турига алмаштириши ҳам мумкин.

Судланган (маҳкум)га нисбатан асосий жазо камайтирилганда, шу жумладан, қонунда белгилангандан кўра энгилроқ жазога алмаштирилганда ҳам, ҳукмнинг қўшимча жазо тайинлаш (муайян ҳуқуқдан, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш каби) қисми ўзгаришсиз қолдирилиши мумкин.

5. ЖПК 484-моддасида ҳукм бекор қилиниши ва ўзгартирилиши учун умумий асослар белгиланган бўлиб, юқори инстанцияси суди, ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда, уларни у ёки бу тарзда қўллаши мумкин.

Ҳукм қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши шарт, агар:

– дастлабки ёки суд тергови тўлиқ бўлмаса ёки бир ёқлама олиб борилган бўлиб, бироқ йўл қўйилган камчиликлар тўлдирилганидан сўнг юқори инстанцияси суди жиноят квалификацияси ўзгартирилиши зарурлиги ҳақида хулосага келса;

– ҳукмда баён қилинган суд хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ бўлмай, бироқ апелляция инстанцияси суди маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирмай туриб, уларга тегишли баҳо бера олса;

– иш бўйича ЖПК нормалари бузилган бўлиб, бироқ уларнинг юқори инстанциясида баргараф этилиши ҳукмнинг ўзгартирилишига олиб келса;

– суд томонидан ЖК нормалари нотўғри қўлланилган бўлиб, апелляция инстанцияси суди бу хатони маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирмай туриб тузатиши мумкин бўлса;

– суд томонидан номуносиб оғир жазо тайинланган бўлса.

6. Юқори инстанцияси судида камчиликларни тўлдириш ва процессуал ёнун бузилишини баргараф этиш имконияти бўлмаса, ҳукм барча ҳолларда бекор қилиниши шарт.

Юқори инстанцияси суди ҳукми ўзгартириш учун асослар мавжуд бўлганда қуйидагиларга ҳақли:

– қилмишни ЖКнинг бошқа моддаси билан тавсиф қилишга, агар бу маҳкумга ҳукмда баён қилинганидан жиддий фарқ қиладиган айблов қўйилишига ёки унга оғирроқ жазо тайинланишига олиб келмаса;

– ҳукмдан айбловнинг бир қисмини (айрим эпизодларини) ёки маҳкумнинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи белгиларни чиқариб ташлашга;

– ҳукмдан жиноятларнинг идеал мажмуи тариқасида қилмишни нотўғри баҳолаш туфайли ортиқча эълон қилинган Жиноят кодекси моддасини чиқариб ташлашга;

– ЖК 70-72-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда - маҳкумни жазодан озод қилишга;

– ЖК Махсус қисми моддаси санкцияси доирасида ёки шу Кодекс 57-моддасини қўллаган ҳолда жазо миқдорини

камайтиришга ёки бошқа енгилроқ жазо (асосий ва қўшимча) тайинлашга;

– жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш миқдорини кўпайтириш ёки камайтиришга, шунингдек, ушбу масала биринчи инстанция суди томонидан ҳал этилмаган ҳолларда - бундай зарарни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилишга, башарти бунда жиноят квалификациясини маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган томонга ўзгартириш зарурати юзага келмаса;

– маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топишга ёки ҳукмдан уни ўта хавфли рецидивист деб топиш ҳақидаги қарорни чиқариб ташлашга;

– маҳкумга нисбатан жазони ижро этиш колониясининг бошқа, шу жумладан қаттиқроқ турини белгилашга.

7. ЖПК 494-моддаси биринчи қисми талабларига риоя этган ҳолда маҳкумнинг қилмишини ЖКнинг бир моддасидан икки ва ундан ортиқ моддаларига қайта квалификация қилганда, апелляция инстанцияси суди ҳукмга тегишли ўзгартиришлар киритиши ва ЖК 59-моддасида белгиланган қоидага мувофиқ жазо тайинлашга ҳақли. Бунда янги жазо ҳукм бўйича тайинланган жазодан оғирроқ бўлиши мумкин эмас.

Агар ЖКнинг бир моддаси билан квалификация қилиниши шарт бўлган икки ёки ундан ортиқ қилмиш ЖКнинг бир неча моддалари билан нотўғри квалификация қилинган бўлса, юқори инстанцияси суди ушбу қилмишларни енгилроқ жиноят тўғрисидаги моддага қайта квалификация қилиб, унинг санкцияси доирасида биринчи инстанция суди томонидан мазкур модда бўйича тайинланган жазодан оғирроқ, бироқ узил-кесил тайинланган жазо миқдоридан кўп бўлмаган жазо белгилашга ҳақли.

8. Апелляция, кассация, назорат инстанцияси маҳкумнинг ҳаракатларини ЖКнинг бошқа моддасига қайта квалификация қилиш кераклиги тўғрисида ҳулосага келганда ва бу модда шахсни жиноий жавобгарликдан, жазодан озод этишни ёки жазо қўлланилишини истисно этишни назарда тутувчи амнистия акти таъсири доирасига тушган ҳолларда, тегишли инстанция суди биринчи инстанция суди қилмишни тўғри квалификация қилганда қабул қилиниши шарт бўлган қарор чиқариши керак.

Агар шахсни жиноий жавобгарликдан озод этишни назарда тутувчи амнистия акти ҳукм чиқарилгандан сўнг кучга кирган

бўлса, апелляция инстанцияси судида иш кўрилганда ёки кассация, назорат инстанциясида ҳукм бекор қилинаётган пайтда жиноят иши амнистия акти асосида тугатилиши керак.

Кассация, назорат инстанцияси судида айблов ҳукми ўзгартирилган ҳолларда амнистия акти қўлланилганлиги тўғрисидаги қарор, муқаддам у жазони ижро этувчи органлар томонидан қўлланилганлигидан қатъи назар, ажрим (қарор)нинг қарор қисмида кўрсатилиши шарт.

492-модда. Ҳукми ёки ажримни (қарорни) бекор қилиб, жиноят ишини қўшимча терговга ёки янгидан судда кўриб чиқиш учун юбориш

Юқори суд ҳукм ёки ажримни (қарорни) бекор қилган тақдирда жиноят ишини қўшимча терговга ёхуд бошқа судья ёки судьяларнинг бошқа таркиби янгитдан кўриши учун ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқарган судга ёхуд бошқа судга юборади.

1. Ҳукми ёки ажримни (қарорни) бекор қилиб, жиноят ишини қўшимча терговга ёки янгидан судда кўриб чиқиш учун юбориш юқори суднинг ваколатларидан бири ҳисобланади. Юқори суд бундай ҳаракатни ҳукм бекор қилинган ҳолда оқлов ҳукмини чиқаришга монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлганида амалга оширади.

Ҳукми ёки ажримни (қарорни) бекор қилиб, жиноят ишини қўшимча терговга ёки янгидан судда кўриб чиқиш учун юбориш иш юқори судда кўрилганидан сўнг ажрим чиқариш йўли билан расмийлаштирилади.

2. Суд ишни қўшимча терговга ёки янгидан судда кўриш учун юбораётганида судланувчига қўйилган айбнинг исботланганлиги ёки у ёки бу далилнинг ишончлилиги, бир далилнинг иккинчисидан афзаллиги, қилмишнинг у ёки бу жиноят қонун билан квалификация қилиниши лозимлиги ва жазо чораси ҳақида олдиндан хулоса қилишга ҳақли эмас.

3. Ҳукми бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун судга юбораётиб, юқори босқич суди ўз қароридан қайси ҳолатлар ҳукми бекор қилинишига сабаб бўлганлигини ва уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиши зарур.

Хукми ёки ажримни бекор қилиб, ишни қўшимча терговга юбораётганда, юқори босқич суди, айнан қандай ҳолатлар тергов йўли билан қўшимча аниқланиши кераклигини бундай ҳолатларни суд йўли билан аниқлаш имкони йўқлигини кўрсатиши, шунингдек, аввал қўлланилган эҳтиёт чорасининг мақсадга мувофиқлигини, уни ўзгартириш, масалан, гаров тариқасидаги эҳтиёт чорасини қўллаш имкониятлари бор ёки йўқлигини, албатта муҳокама қилиши шарт.

4. Юқори суд хукми ёки ажримни (қарорни) бекор қилиб, жиноят ишини қўшимча тергов ўтказиш учун прокурорга юбориш ёки янгидан судда кўриб чиқиш учун юбориш масаласи йўл қўйилган камчиликнинг қачон қайси орган томонидан тузатилиши билан боғлиқ.

Ишни кўриш вақтида маҳкумнинг содир этилган жиноятга даҳли бўлмаганлиги сабабли ҳукм бекор қилиниб жиноят иши тугатилса, жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахсни аниқлаш масаласини ҳал этиш учун, суд, жиноят ишини прокурорга юбориши керак.

5. Агар суд амнистия актини қўлланилиши мумкин бўлмаган маҳкумга нисбатан қўллаган бўлса, апелляция, кассация, назорат инстанцияси жабрланувчининг шикояти ёки прокурор протести бўлган тақдирда, ҳукмнинг жазо тайинлаш қисмини бекор қилиб, ишни биринчи инстанция судига янгидан кўришга юбориши лозим.

Бироқ агар апелляция инстанцияси амнистия акти қўлланилган ҳолда ҳукмда тайинланган жазо амнистия акти қўлланилмаган ҳолда ҳам маҳкум учун етарли деб топса, ишни янгидан кўриш учун юбормасдан, ҳукми ўзгартиришга - ундан амнистия актини қўллаш ҳақидаги хулоса ва қарорни чиқариб ташлаб, амнистия акти қўлланилган ҳолда ҳукмда белгиланган муддат (миқдор) доирасида жазо тайинлашга ҳақли.

6. Бошқа эпизодлар билан умумий кваллификация қилинган бир ёки бир неча эпизод (масалан, бир неча марта пора олганлик) бўйича иш ҳолатлари тўлиқ текширилган деб топилган, агар уларни ҳукмдан чиқариш учун етарли асослар ёки йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш учун имконият бўлмаса, юқори инстанцияси ҳукми бекор қилиб, ишни тўлиқ ҳажмда янгидан судда кўриш учун юбориши шарт.

7. Агар маҳкум ЖКнинг турли моддалари квалификация қилинган бир неча жиноятни содир этганликда айбдор деб

топилган бўлиб, улардан ҳар бирини алоҳида кўриш имконияти бўлса, юқори инстанция суди ҳукмнинг бир ёки бир неча жиноятга оид қисмини бекор қилиб, ишнинг шу қисмини янгидан кўришга юбориши ёки қўшимча терговга қайтариши, айти пайтда, ўша маҳкумга нисбатан ҳукмнинг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдириши мумкин.

Агар, маҳкум бир неча жиноятларни содир қилганликда айбдор деб топилган ва уларнинг ҳар бири қонуннинг тегишли моддаси билан квалификация қилинган бўлиб, алоҳида кўрилиши мумкин бўлса, юқори босқич суди ҳукми бир ёки бир неча жиноятлар қисми бўйича бекор қилиб, ишни янгидан кўриш ёки қўшимча тергов ўтказиш учун юборишга ва ҳукмнинг бошқа қисмини ўзгаришсиз қолдиришга ҳақли.

493-модда. Айблов ҳукмини бекор қилиб, жиноят ишини тугатиш

Жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибда кўриб, суд ушбу Кодекснинг 83-моддаси ва 84-моддасининг 1 ва 4-қисмларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек, биринчи инстанция судида кўриб чиқилган далиллар судланувчини айбли деб топиш учун етарли бўлмаса ва қўшимча далиллар туплаш имконияти қолмаган бўлса, айблов ҳукмини бекор қилади ва жиноят ишини тугатади.

1. Мазкур моддада жиноят ишини тугатиш билан ҳукми бекор қилиш асослари санаб ўтилган.

Суднинг мазкур ваколоти ҳар бир инстанцияда ўзига хос тарзда амалга оширилади. Апелляция инстанциясида ЖПК 83-моддасида белгиланган асослар аниқланганида, айблов ҳукми бекор қилиниб, оқлов ҳукми чиқарилишига сабаб бўлади. Кассация ва назорат инстанцияларида худди шу ҳолатда айблов ҳукми бекор қилиниб, жиноят иши тугатилади.

2. Юқори судларнинг барчасида ЖПК 84-моддасининг 1-қисмда назарда тутилган еттита ҳолатда ва 4-қисмда назарда тутилганидек тарафлар ўртасида ярашувга эришилиши айблов ҳукмини бекор қилиб, ишни тугатишга сабаб бўлади.

Юқори инстанция судлари биринчи инстанция судида кўриб чиқилган далиллар судланувчини айбли деб топиш учун етарли

бўлмаса ва кўшимча далиллар тўплаш имконияти қолмаган бўлса, айблов ҳукмини бекор қилади ва жинойт ишини тугатади.

3. Агар, маҳкумнинг бир неча эпизоддан иборат жинойт қилмишлари бир хилда квалификация қилинган бўлиб, ишии кассация ва назорат босқичида кўришда эълон қилинган айб эпизодларидан бири ёки бир нечтаси ўзининг тасдиғини топмаса (масалан, шахсни бир неча марта пора олганликда айбдор деб топиш) ва бу ҳолат кўшимча текширишни талаб қилмаса, суд ишнинг ушбу эпизодларига оид қисмини тугатиши мумкин.

494-модда. Жазони кучайтиришга ва оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўлланишга йўл қўйилмаслиги

Суд жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрган вақтида жазони кучайтиришга, шунингдек, оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллашга ҳақли эмас.

Оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги муносабати билан ёхуд жазонинг энгиллиги учун жабрланувчи томонидан шикоят берилган ёки прокурор томонидан протест билдирилган ҳоллардагина ана шу асослар бўйича апелляция ёки кассация тартибида ҳукм бекор қилиниши ва иш янгитдан судда кўриш учун юборилиши мумкин.

Оқлов ҳукми юқори суд томонидан фақат прокурорнинг апелляция ёки кассация протести, жабрланувчининг ёки унинг вакилининг шикояти ёхуд оқланган шахснинг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг апелляция ёки кассация шикояти, шунингдек, назорат тартибида берилган протест бўйича бекор қилиниши мумкин.

1. Суд жинойт ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрган вақтида биринчи инстанция суди томонидан тайинланган жазони энгиллаштириш ёки энгилроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллашга ҳақлидир. Жазони кучайтириш ҳамда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш эса апелляция, кассация ёки назорат инстанция судининг вако-

лати доирасига кирмайди

Апелляция, кассация ёки назорат инстанцияларда жазони қўйишга йўл қўймаслик тамойили қуйидагиларни ифода-лайди:

– биринчи инстанция суди томонидан жазо миқдори жиноят қонунининг бузилиши билан тайинланган бўлсада, жазо миқдорини қўйиш;

– биринчи инстанция суди томонидан тайинланган жазони оғирроқ жазога ўзгартириш;

– агарда биринчи инстанция суди қўшимча жазони тайинлаган бўлмаса, қўшимча жазони тайинлаш;

– биринчи инстанция суди томонидан тайинланган шартли жазони енгилроқ, лекин реал ўташ лозим бўлган шартсиз жазога алмаштириш;

– шартли ҳукм қилинганга тайинланган шартли синов муддатини узайтириш;

– жазони қоплаш тамойилини жазони қўйиш тамойилига алмаштириш, агарда ушбу ҳолат натижасида жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган жазонинг қўйирилиши лозим бўлса;

– биринчи инстанция судининг ҳукмида тайинланган колониянинг тури ўрнига каттиқроқ тартибли колония турини белгилаш.

2. Маҳкумга нисбатан биринчи инстанция суди томонидан тайинланган жазони енгиллаштириш апелляция, кассация ёки назорат инстанция судининг ваколати доирасига кирсада, оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллашга юқорида кўрсатилган судлар ҳақли эмас. Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахснинг ҳатти-ҳаракатлари ЖК айрим моддасининг бир бандидан бошқа бандига тавсифлашни ўзгартириш оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш бўлмаса ҳам, мазкур ўзгартириш мавжуд булиши фақат, агарда у айбловнинг мазмунини ўзгартиришга олиб келмаса ҳамда судланган шахснинг ҳимояланиш ҳуқуқини бузмаган бўлса, мумкин.

3. Апелляция, кассация ёки назорат инстанция суди ўта хавфли рецидивист деб топишга, агарда ушбу қарор ҳукмининг қарор қисмида ўз ифодасини топмаган бўлса, ҳақли эмас.

Агарда маҳкум шахсга нисбатан амнистия қўлланилиши мумкин бўлмаса, лекин биринчи инстанция суди томонидан

мазкур шахсга нисбатан амнистия қўлланилган бўлса, апелляция, кассация ёки назорат инстанция суди прокурор томонидан билдирилган протест ёки жазонинг энгиллиги тўғрисида жабрланувчи томонидан берилган шикоят мавжудлигида ҳукми бекор қилиши ва ишни янгитдан кўриш натижасида суд томонидан амнистия қўлلامасдан, янги жазо миқдорини тайинлашиш учун ишни биринчи инстанция судига юбориш мажбур. Аммо, агарда апелляция, кассация ёки назорат инстанция суди биринчи инстанция судининг ҳукмида амнистия қўлланиши билан тайинланган жазо миқдори амнистия қўлланмасдан ҳам ҳукм этилган шахсга етарли бўлганлигини тан олса, ишни янгитдан судда кўриш учун юбормасдан, ҳукми ўзгартириб, унда амнистия қўлланишни чиқариб ташлашга ҳамда дастлабки жазо миқдорини ҳукмида амнистия қўлланилмаганда тайинлашиш лозим булган жазо миқдorigа алмаштиришга ҳақлидир.

4. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган процессуал оқибатлар юз беришининг мумкинлиги прокурор томонидан протест билдириш ёки жабрланувчи томонидан шикоят бериш билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Инобатга олишимиз лозим, ушбу ҳолатда "прокурор" тушунчасининг мазмуни унинг сўзма-сўз мазмунидан кенгрок, чунки протест билдириш ҳукукига прокурор ва унинг ўринбосари, айрим ҳолатларда эса прокурор ёрдамчилари, бўлим ва бошқарма прокурорлари ҳақлидир.

Шунингдек, "жабрланувчи" тушунчасининг мазмуни ҳам унинг сўзма-сўз мазмунидан кенгроклигини эътироф этиш лозим, чунки ЖПКнинг 497² ва 498-моддаларига мувофиқ, биринчи инстанция судининг ҳукми ва ажрими устидан белгиланган тартибда апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш, шунингдек, суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқишни илтимос қилиш ҳукуки жабрланувчининг вакилига ҳам берилган. Бундан ташқари, жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган жиноятлар тўғрисидаги ишларда суднинг ҳукми устидан шикоят бериш ҳукукига жабрланувчининг яқин қариндошлари ҳам эга. ЖПК 55-моддасининг биринчи қисмига асосан жабрланувчининг ўлимига олиб келган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича 55-моддада кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни дастлабки тергов органлари ёки суд томони-

дан марҳумнинг қонуний вакили деб эътироф этилган яқин қариндошлари ёки бошқа шахслар амалга оширадilar.

5. Оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш ёки оғирроқ жазони тайинланиш зарурлиги муносабати билан ана шу асослар бўйича прокурор томонидан билдирилган протест ёки жабрланувчи томонидан шикоят берилган ҳоллардагина биринчи инстанция судининг ҳукми апелляция, кассация ва назорат инстанция суди томонидан бекор қилиниши мумкин. Процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан жазонинг енгиллиги ёхуд енгилроқ жиноятга доир қонун моддаларини асосланмаган қўллаш муносабати билан берилган шикоятларнинг мавжудлиги биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилишга асос бўлмайди.

6. Маҳкум ёки унинг ҳимоячисининг шикояти бўйича суриштирув ёки дастлабки ва суд терговининг тўлиқ эмаслиги ва бир ёқламалиги муносабати билан биринчи инстанция судининг ҳукмини апелляция, кассация ва назорат инстанция суди бекор қилганда, ушбу суд маҳкум шахснинг ҳолатини оғирлаштирадиган кўрсатмаларни ўз ажримига киритиши мумкин эмас.

Прокурор томонидан билдирилган протест ёки жабрланувчи томонидан берилган шикоят йўқлигида жиноят қонунинг айрим моддалар бўйича айблов бандларини чиқариб ташлаган биринчи инстанция судининг ҳукми ушбу айбловни ўзгартиришнинг асосланмаганлиги асосида апелляция, кассация ва назорат инстанция суди томонидан бекор қилиниши ноқонуний деб топилиши лозим.

7. Апелляция, кассация ва назорат инстанция суди прокурор томонидан билдирилган протест ёки жабрланувчи томонидан берилган шикоятда кўрсатилган жазонинг енгиллиги учун эмас, лекин жиноят-процессуал қонунинг жиддий бузилганлиги муносабати билан биринчи инстанция судининг ҳукми бекор қилиниши лозимлиги ҳақида хулосага келиши мумкин. Мазкур ҳолатларда суд ажримда жиноят ишида йўл қўйилган жиноят-процессуал қонунининг жиддий бузилганлигини бартараф этиш зарурлиги ҳамда шикоят ёки протестда келтирилган жазонинг енгиллиги учун суд ҳукмини бекор қилиниши тўғрисида илтимосномани қаноатлантирмаслигининг асосларини эътироф этиш лозим.

8. Суд жиноят ишени апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрган вақтида ҳукмга мулкый зарар ундиришга доир ўзгартиришлар киритиши мумкин. Шу жумладан, агарда жиноят иш бўйича далилларни тўплаш ёки қўшимча текшириш зарур бўлмаса, етказилган мулкый зарарга доир жиноят ишининг ҳолатлари тўлиқ ва тўғри белгиланса, аммо моддий нормаларни қўлланишда айрим хатолар мавжуд бўлса, апелляция, кассация ёки назорат инстанция суди ундирувнинг миқдорини камайтириш ёки кўпайтиришга ҳақлидир.

Агарда мулкый зарар ундиришга йуналтирилган ундирув миқдорининг ўзгартирилиши маҳкум шахс ҳолатининг оғирлашувига олиб келган жиноятнинг тавсифи ёки айбловнинг ҳажмини ўзгартиришга таъсир кўрсатган бўлса, ана шу асослар бўйича прокурор томонидан билдирилган протест ёки жабрланувчи томонидан берилган шикоят мавжуд булган ҳолда суд ҳукми бекор қилиниши ва жиноят иши янгитдан судда кўриш учун юборилиши лозим,

495-модда. Юқори суд кўрсатмаларининг мажбурийлиги

Жиноят ишени апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриб чиққан суднинг иш ҳолатлари тўла-тўқис ва ҳар томонлама текширилишини таъминлашга, шунингдек, Жиноят кодекси ҳамда ушбу Кодекс нормалари бузилишларини бартараф этишга қаратилган кўрсатмаларига ишни янгитдан судда кўриш чоғида амал қилиш мажбурийдир.

Апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди ишни қўшимча терговга ёхуд янгитдан судда кўриш учун юбораётганда айблов исботлангани ёки исботланмагани, у ёки бу далилларнинг ишончли ёки ишончсизлиги, бир далилнинг иккинчисидан афзаллиги, жиноятнинг тавсифи ва жазо чораси ҳақида олдиндан хулоса чиқариб қўйишга ҳақли эмас.

1. Шарҳланаётган модда қуйидагиларни белгилайди:

а) қуйи суд томонидан йўл қўйилган қонуннинг бузилишларини бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий воситалар;

б) апелляция, кассация ва назорат инстанция судининг ҳақиқий маълумотларга баҳо бериш фаолиятининг доираси;

в) апелляция, кассация ва назорат инстанция суди томонидан куйи судга кўрсатма беришда белгиланган чеклашларнинг рўйхати

г) жиноят иши янгитдан судда кўрилган вақтида суд мустақиллигининг кафолатлари.

2. Апелляция, кассация ва назорат инстанция судининг кўрсатмалари қўшимча тергов юритишда ва суд томонидан жиноят ишини қайтадан кўришда ушбу кўрсатмалар юқори суд томонидан унинг ваколоти доирасида ва ЖПКнинг 395-моддасида белгиланган чегарада берилган ҳолда мажбурий тусга эга булади. Бундан ташқари, юқорида қайд этилган кўрсатмалар аниқ ва реал бўлишлари шарт, тергов ва биринчи инстанция судининг ушбу кўрсатмаларга мувофиқ амалга оширилган ҳаракатлари жиноят ишининг тўғри ва адолатли ҳал қилишига реал ёрдам беришлари лозим.

Юқори суд кўрсатмаларни янги тергов юритишда ва суд томонидан жиноят ишини қайтадан кўришда амалга оширилмаслик ҳукмининг янгитдан бекор қилинишига олиб келади.

3. Апелляция, кассация ва назорат инстанция суди, ҳукми бекор қилиб, прокурор протестининг доирасидан чиқишга ҳамда биринчи инстанция судига судланувчининг ҳолатини оғирлаштиришга олиб келадиган кўрсатмалар беришга ҳақли эмас.

Жиноят ишини янгидан судда кўриш учун юбормасдан апелляция, кассация ва назорат инстанция суди жавобгарликни оғирлашувига олиб келган фактик ҳолатларни аниқланган деб эътироф этиши мумкин эмас.

496-модда. Юқори суд ажримининг (қарорининг) мазмуни

Жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўраётган суднинг ажримида (қарориди) қуйидагилар акс эттирилган бўлиши лозим:

- 1) ажрим (қарор) чиқарилган вақт ва жой;***
- 2) ажрим (қарор) чиқарган суднинг номи ва таркиби, ишни кўришда қатнашган прокурор ва бошқа шахслар;***
- 3) апелляция, кассация шикоят, апелляция, кассация ёки назорат тартибида протест берган шахс;***

4) шикоят ёки протест берилган ҳукмнинг, ажримнинг (қарорнинг) қарор қисми мазмуни;

5) шикоятнинг, протестнинг, уларга нисбатан билдирилган эътирозларнинг мазмуни, ишда иштирок этаётган шахслар тушунтиришларининг қисқача баёни ва прокурорнинг фикри;

б) шикоят, протест бўйича суднинг қарори.

Шикоят, протест қаноатлантирилмай қолдирилган тақдирда, уларда келтирилган вазслар қандай сабабларга қўра асоссиз ёки аҳамиятсиз деб топилганлиги ажримда (қарорда) кўрсатилиши лозим.

Ҳукм, ажрим (қарор) бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳолларда апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди қонуннинг қайси моддаларидаги талаблар бузилганлигини ҳамда бекор қилинаётган ёки ўзгартирилаётган қарорнинг асоссизлиги нимадан иборат эканлигини кўрсатиб ўтиши лозим.

Иш апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди томонидан қўшимча терговга ёки янгитдан судда кўриш учун юборилаётганда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар кўрсатилиши зарур.

Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди ушбу Кодекснинг 298 ва 300-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек, тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини суриштирув, дастлабки тергов ўтказишда ва суд муҳокамасида йўл қўйилган камчиликларга жалб қилиш зарур бўлганда хусусий ажрим чиқаради.

Ажрим суднинг тўлиқ таркиби томонидан, суд раёсатининг қарори раислик қилувчи томонидан, Пленум қарори эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва Пленум котиби томонидан имзоланади. Чиқарилган ажрим (қарор) раислик қилувчи ёки суд таркибидаги судьялардан бири томонидан суд мажлиси залида дарҳол ўқиб эшиттирилади.

1. Шарҳланаётган моддада апелляция, кассация ёки назорат тартибида чиқарилган суднинг ажримига (қарорига) бўлган талаблар берилган. Унга қўра, суднинг ажрими (қарори) да у чиқарилган вақт ва жой, ажрим (қарор) чиқарган суднинг номи ва таркиби, ишни кўришда қатнашган прокурор ва бошқа

шахслар, апелляция, кассация шикоят, апелляция, кассация ёки назорат тартибида протест берган шахс, шикоят ёки протест берилган ҳукмнинг, ажримнинг (қарорнинг) мазмуни, уларга нисбатан билдирилган эътирозлар, ишда иштирок этаётган шахслар тушунтиришларининг қисқача баёни ва прокурорнинг фикри, шикоят, протест бўйича суднинг қарори кўрсатилиши керак.

2. Юқори босқич суди ишни янгидан судда кўришга ёки қўшимча терговга юбориш пайтида ўз ажрими (қарори)да судланувчига қўйилган айбнинг исботланганлиги ёки исботланмаганлиги, у ёки бу далилнинг ишончли ёки ишончсизлиги, айрим далилларнинг бошқа далиллардан устунлиги, қилмишнинг у ёки бу жиноят қонуни билан тавсиф қилиниши лозимлиги ва жазо чораси ҳақида олдиндан ҳал қилувчи кўрсатмалар беришга ҳақли эмас.

Ҳукми бекор қилиб, ишни янгидан судда кўришга юбораётганда, ўз қарорида қайси ҳолатлар ҳукмнинг бекор қилинишига асос бўлганлигини ва йўл қўйилган қонун бузилиши қандай бартараф этилиши кераклигини кўрсатиши зарур.

Ҳукми бекор қилиб, ишни қўшимча тергов юритиш учун юбораётганда, суд ўз қарорида айнан қандай ҳолатлар тергов йўли билан қўшимча аниқланиши шартлигини, бундай ҳолатларни суд йўли билан аниқлаш имкони йўқлигини кўрсатиши, шунингдек, аввал қўлланилган эҳтиёт чорасининг мақсадга мувофиқлигини, уни ўзгартириш, масалан, гаров тариқасида эҳтиёт чорасини қўллаш имкониятлари бор ёки йўқлигини албатта муҳокама қилиши шарт (ЎзР Олий суди Пленумининг 03.02.2006 й.даги “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғриси”даги 2-сонли қарори, 15.05.2008й.даги “Судлар томонидан жиноят ишларини кассация тартибида кўриш амалиёти тўғриси”даги 11-сонли қарори, 15.05.2008 й.даги “Судлар томонидан жиноят ишларини назорат тартибида кўриш амалиёти тўғриси”даги 12-сонли қарори).

3. Назорат инстанцияси суди томонидан протест қанотлан-тирилмай қолдирилганда ажрим(қарор)да протестда келтирилган вазларнинг кам аҳамиятлилиги ёки нотўғрилиги тўғрисидаги асослар келтирилган бўлиши керак.

4. Назорат босқич суди қонуний кучга кирган суд қарорини ўзгартирганда ёки бекор қилганда ўз ажрими(қарори)да моддий ёки процессуал қонуннинг қайси моддалари талаблари бузилганини ва бу қонун бузилишлар нималарда ифодаланишини ёки ҳукмнинг, ажримнинг қарорнинг асослантирилмаганлиги нималардан иборатлигини аниқ кўрсатишга мажбур.

5. Юқори инстанция судларининг қарорлари, аниқ, тушунарли, изчил ифодаланган, мантиқий ва ҳуқуқий асослантирилган бўлиши ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 496-моддасида назарда тутилган ҳолатларни албатта акс эттирган ҳолда тузилган бўлиши шарт. Бу талабларнинг бажарилмаганлиги уларни ўзгартириш ва бекор қилишга асос бўла олади (ЎЗР Олий суди Пленумининг 03.02.2006 й.даги “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғриси”даги 2-сонли қарори, 15.05.2008й.даги “Судлар томонидан жиноят ишларини кассация тартибида кўриш амалиёти тўғриси”даги 11-сонли қарори, 15.05.2008 й.даги “Судлар томонидан жиноят ишларини назорат тартибида кўриш амалиёти тўғриси”даги 12-сонли қарори).

6. Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди ушбу Кодекснинг 298 ва 300-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида ва суд муҳокамасида йўл қўйилган камчиликларга тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини қаратиш зарур бўлганда, хусусий ажрим чиқаради. Бироқ юқори босқич суди ўзгартирилмасдан қолдирилган суд қарорининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигига шубҳа туғдирувчи хусусий ажрим чиқаришга ҳақли эмас (ЎЗР Олий суди Пленумининг 03.02.2006 й.даги “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғриси”даги 2-сонли қарори, 15.05.2008 й.даги “Судлар томонидан жиноят ишларини кассация тартибида кўриш амалиёти тўғриси”даги 11-сонли қарори, 15.05.2008 й.даги “Судлар томонидан жиноят ишларини назорат тартибида кўриш амалиёти тўғриси”даги 12-сонли қарори).

7. Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг ажрими (қарори) ишга уни кўриб чиқишга асос бўлган шикоят, протест, тақдимнома ёки илтимоснома, шунингдек, агар тақдим қилинган бўлса қўшимча ҳужжатлар билан биргаликда қўшиб қўйилади.

Ажрим (қарор) чиқарилганидан кейин у узоғи билан беш сутка ичида жиноят иши билан бирга қўшиб ҳукм ёки апелляция ёхуд кассация ажрими чиқарган судга ёки бошқа судга, иш қўшимча терговга жўнатилган тақдирда эса, айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга ижро этиш учун юборилади.

Қамоқдан озод этилиши лозим бўлган маҳкумни, агар у суд мажлисида қатнашаётган бўлса, озод этишга доир ажрим (қарор) залнинг ўзидаёқ ижро этилади. Бошқа ҳолларда ажрим (қарор) чиқарилган вақтдан эътиборан узоғи билан йигирма тўрт соат ичида унинг нусхаси суд томонидан жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятига юборилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига биноан суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча учун мажбурийдир. Бу ўринда жиноят ишлари бўйича ҳукм, ажрим, қарор тарзидаги суд ҳужжатларининг ижроси муҳим аҳамият касб этади. Ҳукм, ажрим, қарорни ижро эттириш жиноят процессининг алоҳида босқичи ҳисобланади.

2. ЖПКнинг 531-моддасида белгиланган умумий тартибга биноан, ҳукмни ижро этиш тўғрисидаги фармойиш судья ёки суд раиси томонидан зиммасига ҳукмни ижро этиш вазифаси юклатилган муассаса ёки органга юборилади. Ушбу тартиб суд томонидан чиқарилган ажрим ва қарорларга нисбатан ҳам амал қилади. Ҳукм тайинланган жазонинг тури ва даражасига кўра, куйидаги органларга юборилади: агар озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс ҳукм чиққан вақтгача озодликда юрган бўлса туман, шаҳар ички ишлар органи бошлиғига; агар ҳукм чиқарилган пайтда ҳукм қилинган қамоқда сақланаётган бўлса-тергов ҳибсхонаси маъмуриятига; айбдор аҳлок тузатиш ишларига ҳукм қилинган бўлса туман(шаҳар) ички ишлар бўлимининг жазони ижро этиш инспекциясига; жаримани ундириш, мулкни мусодара этиш, етказилган моддий зарарни ундириш ёки фуқаровий даъвони қоплаш зарур бўлса суд ижрочисига; Ҳукм қилинган шахс агарда маълум вазифаларни эгаллашдан ёки маълум фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум

этилган бўлса турли соҳа ёки тармоқ бошқаруви органларига; ҳарбий хизматчи интизомий қисмга юбориладиган ёки вахтада сақланадиган бўлса ҳарбий қўмондонликка.

Бу босқичда суд ЖПКда кўрсатилган куйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиши лозим:

- 528-моддага биноан ҳукм кучга киргач ёки апелляция судидан иш қайтарилгач, уч кундан кечикмай уни ижро эттиришга киришиш;

- 529-моддада кўрсатилган ҳолларда суд ҳукми эълон қилгач, суд мажлиси залидаёқ уни дарҳол ижро этиладиган қисмини бевосита ўзи ижро қилиб, оқланганларни ва озодликдан маҳрум этилиши учун асослар барҳам топган шахсларни озод қилиш;

531-моддага мувофиқ, ҳукми ижро этувчи органлар ва муассасалар унинг ижро этилгани ёки қаерда ижро этилаётгани ҳақида судга дарҳол хабар бериши; қонуний кучга кирган ҳукмнинг нусхаси, зарур ҳолларда, маҳкумнинг иш, ўқиш ва яшаш жойига юборилиши; ҳукм ҳақида маҳкумнинг оиласи хабардор қилиниши; маҳкумнинг қаровсиз қолган вояга етмаган фарзандлари, мол-мулки ва турар жойи ҳақида ғамхўрлик қилиши лозим. Суд агар мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа, чиқарилган ҳукми оммавий ахборот воситалари – матбуот, телевидение, радио орқали жамоатчилик эътиборига етказди (ЖПКнинг 531-моддасининг 6-қисми).

3. Жазони ижро этиш муассасаси ёки органи судга ва ҳукм қилинган шахсларнинг қариндошларига маҳкум жазони қаерда ўтаётгани ҳақида хабар беришлари шарт. Шу билан бирга, маҳкум жазони ўташ жойига жўнатилгунга қадар унга қариндошлари билан учрашишга рухсат берилади (ЖПК 477 ва 531-моддасининг 9,10-қисмлари).

Суднинг қарорини ижро этишга қаратилган судьянинг фармойиши, ҳукмнинг ва апелляция ажримининг нусхалари белгиланган тартибда расмийлаштирилган, судьялар томонидан имзоланган ва суднинг муҳри босилган бўлиши шарт. Суд ҳужжатларида бирор-бир ўчирилиб ёзишларга ва қўшимча ёзувлар бўлишига йўл қўйилмаслиги лозим.

Суднинг баъзи қарорлари, жумладан шикоят берилмайдиган ва протест келтирилмайдиган суд ажримлари чиқарилиши биланоқ қонуний кучга кирази ва дарҳол ижро этилади. Суд

ажримининг айбланувчини ёки судланувчини озод қилиш тўғрисидаги ва жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қисми ҳам дарҳол ижро этилади (ЖПКнинг 533-540-моддалари шарҳига қаралсин).

497¹-модда. Апелляция тартибида шикоят бериладиган ва протест билдириладиган қарорлар

Суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдириш мумкин.

Биринчи инстанция судининг суд муҳокамаси вақтида чиқарилган ажрими устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳукм устидан шундай ҳаракатларни содир этиш билан бир пайтнинг ўзида амалга оширилиши мумкин.

1. Апелляция тартибида иш юритиш – биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари ва ажримлари устидан шикоят бериш ва протест билдириш муносабати билан уларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш мақсадида апелляция инстанция суди томонидан мазмунан кўришдан иборат.

2. Шарҳланаётган модда нормаларига кўра суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдириш мумкин. Тарафларнинг бу ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида белгиланган: «ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд оркали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи» кафолатланганлиги билан узвий боғлиқдир.

3. Апелляция инстанцияси суд қарорлари устидан шикоят бериш ҳуқуқини, суд хатоларини ўз вақтида тузатиш ва жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқи ҳимоя қилинишини таъминлаш воситаларидан бири ҳисобланади.

ЖПКнинг 497²-моддасида кўрсатилган шахслар томонидан суднинг судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги (ЖПКнинг 258-моддаси), жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш (ЖПКнинг 419-моддаси) ва ишни тугатиш тўғрисидаги (ЖПКнинг 404-моддаси), апелляция шикояти ёки протести билдиришни ўтказиб юборилган муддатини тиклашни рад этиш

(ЖПКнинг 497⁵-моддаси) тўғрисидаги ажримлари устидан апелляция тартибида шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

4. Биринчи инстанция суди чиқарган жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини бартараф қилиш (ЖПКнинг 298-моддаси) процессуал чиқимларини ундириш (ЖПКнинг 318, 320 - моддалари), жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш (ЖПКнинг 318-моддаси), янги айблов бўйича ёки янги шахсга нисбатан жиноят ишини кўзғатиш (ЖПКнинг 416, 417-моддалари) тўғрисида ажримлари устидан улар кимнинг манфаатига таъсир қилса, шу шахслар томонидан апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши мумкин.

5. Дастлабки тергов босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги масалалар бўйича суднинг ажрими устидан ЖПКнинг 241-моддасига мувофиқ мазкур ажрим чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин.

497²-модда. Ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

Маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан шикоят беришга, прокурор ва унинг ўринбосари эса, протест билдиришга ҳақлидир.

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Мазкур модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган шахслар апелляция инстанцияси суднинг ажрими устидан назорат тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидир.

1. Шарҳланаётган моддага мувофиқ апелляция тартибида иш юритиш маҳкум (оқланган шахс), унинг ҳимоячиси ва қонуний

вакили, жабрланувчи ва унинг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда улар вакилларининг шикоят, шунингдек, прокурор ёки унинг ўринбосарининг протести бўйича бошланади.

Апелляция тартибида иш юритиш, ЖПК 497⁹-моддасининг тўртинчи қисмида кўрсатилган ҳолларда, бошқа шахслар томонидан ҳам бошланиши мумкин. Суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш масаласи юзасидан чиқарган ажримлари устидан ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахс, уларнинг ҳимоячилари ёхуд қонуний вакиллари томонидан апелляция шикояти берилиши, прокурор томонидан эса апелляция протести билдирилиши мумкин.

Биринчи инстанция суди шикоят(протест)ни қабул қилиш пайтида апелляция шикояти(протести) берган шахснинг бундай ҳуқуқи борлигини текшириши шарт.

2. Шарҳланаётган моддада кўрсатиб ўтилган шахслардан ҳар бири, процесснинг бошқа иштирокчилари апелляция шикояти берганлиги ёки бермаганлигидан қатъи назар, суд чиқарган ҳукм устидан мустақил равишда апелляция шикояти беришга ҳақлидир.

Ҳимоячи ҳуқуқларининг мустақил субъекти бўлганлиги учун апелляция шикоятини ўз ташаббуси билан беришга ҳақли. Прокурор қонуний ва асосли бўлмаган ҳар бир ҳукм устидан, ҳукм кимнинг манфаатини бузмасин, апелляция тартибида протест билдириши шарт.

Ҳукм устидан унинг бутун матни бўйича ҳам, муайян бир қисми бўйича ҳам шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин. Ҳукмнинг шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин бўлмаган қисми йўқ.

3. Иш бўйича бир неча судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар бўлса, уларнинг ҳар бири мустақил равишда шикоят бериш ҳуқуқига эга. Улардан бирон-тасининг шикоят беришдан воз кечиши ёки берилган шикоятни қайтариб олиши бошқаларнинг ҳукм устидан шикоят беришига тўсқинлик бўлмайди. Ҳукм устидан шикоят унинг тўлиқ матни бўйича ҳам, ҳукмнинг муайян бир қисми, чунончи, судланувчилардан бирига тааллуқли қисми бўйича ёки судланувчи содир

этган қилмишлардан бири бўйича, жиноятнинг тавсифи ёки жазо меъёри бўйича, фуқаровий даъво қисми ёки ашёвий далиллар тақдири қисми бўйича ҳам берилиши мумкин. Ҳукмнинг муайян бир қисми бўйича шикоят берилиши апелляция инстанцияси учун ҳукмнинг умуман қонунийлиги ва асослилигини текшириш йўлига монелик қилмайди.

4. Шарҳланаётган моддада фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, шунингдек, оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакилининг апелляция шикояти беришга ҳақли бўлган доираси белгилаб қўйилган. Шикоят берувчи бошқа субъектлар (маҳкум, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили, жабрланувчи ва унинг вакили)нинг шикоят бериш ҳуқуқи чекланмаган. Улар ҳукмнинг ҳар қандай қисми ва ҳар қандай асос бўйича шикоят бера оладилар. Прокурорнинг ҳукмга протест билдириш ҳуқуқи ҳам чекланмаган.

5. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига кўра оқлов ҳукми устидан оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакилининг апелляция тартибида шикоят бериш ҳуқуқи ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан шикоят бериш билан чекланган. Оқланган шахсни оқланганлиги эмас, балки оқлаш сабаблари ва асослари қаноатлантирмаслиги мумкин.

6. Ушбу модданинг тўртинчи қисмида апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан назорат тартибида шикоят бериш ёки протест билдириш ҳуқуқи назарда тутилган. Бундай ҳуқуқга маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячиси, қонуний вакили, жабрланувчи, унинг вакили, шунингдек, прокурор эга.

497³-модда. Ҳукмлар устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш тартиби

Қуйидагиларнинг:

1) *жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан – Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига;*

2) *округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан - Ўзбекистон Республикаси*

Ҳарбий судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг ҳукмлари устидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ҳукмлари устидан берилган апелляция шикоятлари ва протестлари айти шу судларнинг ўзи томонидан кўриб чиқилади.

Апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм чиқарган суд орқали берилади. Шикоят ёки протест бевосита апелляция инстанция судига топширилган бўлса, суд ушбу Кодекс 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни бажариш учун уларни ҳукм чиқарган судга юборади.

1. Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг ҳамда округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан берилган апелляция шикоятлари ва протестлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан кўриб чиқилади.

2. Қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг ҳукмлари устидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ҳукмлари устидан берилган апелляция шикоятлари ва протестлари шу судларнинг ўзи томонидан кўриб чиқилади.

Жиноят ишининг апелляция тартибида иш кўрилган ҳудуддаги судда кўриб чиқилиши процесс иштирокчиларининг айтиқса озодликдан маҳрум этилган шахснинг апелляция инстанцияси суди мажлисида қатнашиш ҳуқуқи амалга оширилишини осонлаштиради.

3. Шарҳланаётган модда талабларига кўра апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм чиқарган суд орқали берилади.

Белгиланган муддатларда бевосита апелляция инстанцияси судига берилган шикоят (протест) ЖПК 497⁷-моддаси ҳамда

2. Үтказиб юборилган муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги суд ажрими устидан юқори судга умумий тартибда шикоят бериш ёки протест билдириш мумкин, у муддатни тиклашга ва ишни хусусий шикоят ёки протест бўйича кўриб чиқишга ҳақли.

497^б-модда. Ҳукм устидан апелляция шикояти ёки протести бериш оқибатлари

Апелляция шикояти берилиши ёки апелляция протести билдирилиши ҳукми ижро этишни тўхтатиб туради.

Ҳукм устидан шикоят бериш ва протест билдириш учун белгиланган муддат тугагач, ҳукм чиқарган суд ушбу Кодекс 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни бажариб, ишни шикоятлар, протестлар ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар, шунингдек, тақдим этилган қўшимча материаллар билан бирга ўн кундан кечиктирмай апелляция инстанцияси судига юборади.

Бу муддат алоҳида ҳолларда юқори суд раиси ёки унинг уринбосари томонидан кўпи билан йигирма кунга узайтирилиши мумкин.

1. Апелляция шикояти бериш ёки протести билдириш учта муҳим ҳуқуқий оқибат келтириб чиқаради.

Биринчидан, апелляция шикояти берилиши ёки апелляция протести билдирилиши ҳукми ижро этишни тўхтатиб туради. Шикоят ёки протест шу жиҳатдан *супенсив* деб аталади. Апелляция инстанцияси шикоят ёки протестни кўриб чиқиб, ҳукмга нисбатан ўз муносабатини белгиламагунга қадар ҳукми ижрога қаратиш мумкин эмас. Бу процесс иштирокчилари учун жуда муҳим қафолатдир.

Иккинчидан, шикоят берилганлиги ёки протест билдирилганлиги ҳукмининг қонуний кучга кириш пайтини кейинроққа сўради: агар ҳукм устидан шикоят берилмаган ёки протест билдирилмаган бўлса, ҳукм апелляция шикояти бериш ва протести билдириш муддати тугаган пайтда қонуний кучга киради. Агарда ҳукм устидан апелляция шикояти берилган ёки протести билдирилган бўлса, ҳукм қонуний кучга кирадиган

пайт, агар у апелляция инстанцияси ажрими билан бекор қилинмаган бўлса, иш апелляция инстанциясида ҳал қилинганга қадар кечиктирилади.

Учинчидан, шикоят берилганлиги ёки протест билдирилганлиги ишнинг апелляция судида кўрилишига олиб келади. Ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш учун белгиланган муддат тугаганидан кейин биринчи инстанция суди ишни тушган шикоятлар ва протестлар ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар, шунингдек, тақдим этилган қўшимча материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юборади, апелляция инстанцияси суди эса ишни кўриб чиқиши шарт. Шикоятнинг бу хусусияти *деволютив* ҳаракат деб ҳисобланади.

Апелляция шикояти берилганлиги ёки апелляция протести билдирилганлиги айблов ҳукми ижро этилишини ҳам, оклов ҳукми ижро этилишини ҳам тўхтатиб туради.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида ҳукм устидан шикоят бериш ва протест билдириш учун белгиланган муддат тугагач, ҳукм чиқарган суд ишни шикоятлар ва протестлар билан бирга ўн кундан кечиктирмай апелляция инстанцияси судига юбориши назарда тутилган.

Агар апелляция учун белгиланган муддат тугагач, қўшимча шикоят берилса (қўшимча протест билдирилса) ёки протест ва шикоят юзасидан эътирозлар билдирилса, уларнинг ҳаммаси юқори инстанция судига қўшимча тарзда тақдим этилади.

3. Ҳукм чиқарган суд ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш учун белгиланган муддат тугагач, ишни тушган шикоятлар ва протест билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши хусусидаги кўрсатмани мазкур муддат тугамасидан туриб, ишни апелляция инстанциясига юбориб бўлмайди деган маънода тушунмоқ керак. Масаланинг бу тарзда ҳал этилиши, биринчидан, шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга ўз ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятини беради, иккинчидан, тушган шикоятлар ёки протестлар билан танишиб чиқиш ва улар юзасидан ўз эътирозларини билдириш имкониятини беради. Ана шу имкониятларни таъмин этиш мақсадида ЖПКнинг 497⁴-моддасида ҳукм устидан шикоят бериш учун белгиланган муддат ичида иш суддан талаб қилиб олинishi мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. ЖПКнинг ана

шу моддаларини қиёслаш асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, апелляция бериш учун мўлжалланган муддат тугамай иш ҳукм чиқарган суддан апелляция инстанциясига юборилиши мумкин эмас. Хатто ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган барча шахслардан белгиланган муддат ўтгунга қадар апелляция шикояти ёки протести олинган бўлса ҳам жиноят иши ҳеч қаерга юборилмайди. Негаки, шикоятлар ва протест билан танишиб чиқиш ҳамда улар юзасидан эътирозлар ёзиш учун муддат талаб қилади.

4. Шу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган 10 кунлик муддат алоҳида ҳолларда юқори суд раиси ёки унинг ўринбосари томонидан кўпи билан 20 кунга узайтирилиши мумкин. Алоҳида ҳоллар деганда иш юзасидан кўп сонли судланувчи ёки жабрланувчилар жалб этилгани, иш кўп эпизодли ва жуда мурраккаб бўлиб ҳукм устидан берилган шикоят ёки протестларга эътироз тайёрлаш учун узоқ вақт талаб қилиниши, шунингдек, шикоят ёки протест манфаатларига таъсир этиши мумкин бўлган шахсларнинг хизмат сафарида ёки касал бўлиб қолган ҳоллари ва бошқалар тушунилиши мумкин.

497⁷-модда. Апелляция шикояти ва протестининг мазмуни

Апелляция шикояти ва протестида қўйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) шикоят, протест йўлланаётган суднинг номи;***
- 2) шикоят берган шахс, унинг процессуал мавқеи, яшаш жойи ёки туриш манзили тўғрисидаги маълумотлар;***
- 3) ҳукмни чиқарган суднинг номи, ҳукм чиқарилган сана, шикоят берилаётган ва протест билдирилаётган ҳукм кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахс тўғрисидаги маълумотлар;***
- 4) шикоят, протест берган шахснинг вазжлари, унинг фикрига кўра ҳукм ёки бошқа қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги ҳамда илтимосининг моҳияти;***
- 5) аризачи ўз талабларини асослаётган ва апелляция инстанцияси суди томонидан текширилиши лозим бўлган далиллар, шу жумладан илгари биринчи инстанция судида текширилмаган далиллар;***

6) шикоятга, протестга илова қилинаётган материаллар рўйхати;

7) шикоят, протест берилган сана ҳамда шикоят, протест берувчи шахснинг имзоси.

1. Апелляция шикояти ва протест кириш, тавсиф, асослан-тириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Кириш қисмида шикоят, протест йўлланаётган суднинг номи; шикоят берган шахс, унинг процессуал мавқеи, яшаш жойи ёки туриш манзили тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Тавсиф қисмида ҳукм чиқарган суднинг номи, ҳукм чиқарилган сана, шикоят берилаётган ва протест билдирилаётган ҳукм кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахс тўғрисидаги маълумотлар; ишнинг биринчи инстанция суди томонидан аниқланган ҳолатлари кўрсатилади.

Асослантириш қисмида шикоят, протест берган шахснинг важлари, унинг фикрига кўра ҳукм ёки бошқа қарорнинг нотўғрилиги ва эътирози нимадан иборат эканлиги ҳамда илтимосининг моҳияти; аризачи ўз талабларини асослаётган ва апелляция инстанцияси суди томонидан текширилиши лозим бўлган далиллар, шу жумладан илгари биринчи инстанция судида текширилмаган далиллар кўрсатилади.

Хулоса қисмида шикоят ёки протест берган шахснинг илтимоси (талаби) нимадан иборат экани; шикоятга, протестга илова қилинаётган материаллар рўйхати; шикоят, протест берилган сана кўрсатилади ҳамда шикоят, протест уни берувчи шахс томонидан имзоланади.

2. Ушбу моддада апелляция шикояти (протести)нинг мазмуни юзасидан муайян талаблар белгиланганлиги туфайли, биринчи инстанция суди шикоят (протест) берувчи шахс томонидан уларга рияз этилганлигини текшириши шарт.

Агар шикоят(протест)нинг мазмуни қонун талабларига жавоб бермаса ва бу кейинчалик ишни мазмунан кўришга тўсқинлик қилса, судья ажрим билан уни берган шахсга қайтаради. Бундай ҳолда шикоят (протест) қайта расмийлаштириш учун ЖПК 497^б-моддасида белгиланган доирада муддат белгиланади.

3. Шикоят (протест), жумладан, унда қуйидагилар бўлмаса қайтариллиши мумкин, яъни:

шикоят (протест) берган шахс ва кимга нисбатан ҳукм устидан шикаят (протест) келтираётганлиги тўғрисида маълумот;

шикоят (протест) берган шахснинг, унинг фикрига кўра ҳукм ёки бошқа қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги тўғрисидаги важдлари ва талабларининг мазмуни;

аризачи ўз талабларини асослаётган ҳамда апелляция инстанцияси суди томонидан текширилиши шарт бўлган далиллар тўғрисида маълумот;

шикоят (протест) берган шахснинг имзоси.

4. Агар шикаят (протест) берган шахс суд томонидан белгиланган муддатда ажримда кўрсатилган камчиликларни бартараф этса, шикаят(протест) судга дастлаб тақдим этилган кундан бошлаб берилган ҳисобланади. Акс ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида» Қарорида кўрсатилганидек, шикаят (протест) берилмаган ҳисобланади.

497⁸-модда. Апелляция шикаяти ёки протестини қайтариб олиш

Ҳукм устидан шикаят берган ёки протест билдирган шахс ўз шикаяти ёки протестини қайтариб олишга ҳақлидир. Протестни қайтариб олиш ҳуқуқига юқори турувчи прокурор ҳам эга. Маҳкум ўз ҳимоячисининг шикаятини қайтариб олишга ҳақлидир.

1. Шарҳланаётган моддага мувофиқ апелляция шикаяти (протести) берган шахс ўз шикаяти(протести)ни, маҳкум эса, ҳимоячиси берган шикаятни ҳам қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Протестни қайтариб олиш ҳуқуқи лавозими бўйича юқори турувчи прокурорга ҳам тегишли.

2. Қонун мазмунига кўра апелляция шикаяти (протести) апелляция инстанцияси суди маслаҳат хонасига киргунга қадар қайтариб олиниши мумкин. Берилган шикаят (протест) ёхуд унинг нусхаси ва уни ҳақида ҳужжат ишда қолади.

3. Апелляция шикаяти (протести)нинг қайтариб олиниши, агар иш бўйича бошқа процесс иштирокчилари томонидан берилган апелляция шикаяти (протести) бўлмаса, апелляция тартибида иш юритиш тугатилишига олиб келади.

497⁹-модда. Биринчи инстанция судининг ажрими устидан шикоят бериш ва протест билдириш

Иш бўйича биринчи инстанция судининг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан ун кунлик муддатда ушбу Кодекснинг 497²-моддасида назарда тутилган шахслар томонидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест билдирилиши мумкин.

Хукм чиқариш билан яқунланган суд муҳокамаси чоғида чиқарилган ажрим устидан шикоят берилган ёхуд протест билдирилган тақдирда, ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш учун белгиланган муддат тугагандан кейингина иш апелляция инстанцияси судига юборилади.

Суд муҳокамаси чоғида чиқарилган ва далилларни текшириш тартибига, процесс иштирокчиларининг илтимосномаларига, эҳтиёт чорасини танлаш, уни ўзгартириш ёки бекор қилишга, шунингдек, суд мажлиси залида тартиб сақлашга оид ажримлар устидан мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда шикоятлар бериш ва протестлар билдириш мумкин эмас. Буларга қарши эътирозлар апелляция шикояти ёхуд апелляция протестига киритилиши мумкин.

Ушбу иш бўйича тараф ҳисобланмаган шахслар ҳам суд ажрими устидан, башарти ажрим уларнинг манфаатларига дахлдор бўлса, шикоят беришга ҳақлидир.

1. Шарҳланаётган модда биринчи инстанция судининг ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест билдирилиши муддатини ҳамда бу бу хусусий шикоят ёки протестларни беришга ҳақли бўлган шахслар доирасини белгилайди (Бу ҳақда ЖПКнинг 497¹ ва 497²-моддаларига берилган шарҳларга қаралсин).

2. Ушбу моддани иккинчи қисми ҳукм чиқариш билан яқунланган суд муҳокамаси чоғида чиқарилган ажрим устидан шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда ишни апелляция инстанциясига юбориш тартибини белгилайди. Бу тартиб апелляция шикоятлари ёки протестларини иш билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориш тартиби билан бир хилдир.

3. Ушбу моддани учинчи қисмига кўра, суд муҳокамаси чоғида чиқарилган ва далилларни текшириш тартибига, процесс иштирокчиларининг илтимосномаларига, эҳтиёт чорасини танлаш, уни ўзгартириш ёки бекор қилишга, шунингдек, суд мажлиси залида тартиб сақлашга оид ажримлар устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест билдирилиши мумкин эмас. Аммо уларга қарши эътирозлар апелляция шикояти ёки протестига киритилиши мумкин (ЖПКнинг 497¹-моддасига берилган шарҳларга қаралсин).

497¹⁰-модда. Апелляция инстанцияси суди мажлисини тайинлаш

Биринчи инстанция судининг раиси апелляция шикояти ёки протести тушган ишни юқори турувчи судда кўриб чиқиладиган кун ва жойни белгилайди, ушбу Кодекснинг 497²-моддасида кўрсатилган шахслар бундан хабардор қилинади.

Гувоҳлар, экспертлар ва мутахассислар суд мажлисига суднинг ихтиёрига биноан таклиф қилинадилар.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида баён этилган норма ЖПКнинг 497²-моддасида кўрсатилган шахслар – маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари, конуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий давогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳамда прокурорнинг жиноят ишини апелляция инстанция судида кўриладиган вақти ва жойи ҳақида ўз вақтида хабардор қилинишини таъминлайди. Санаб ўтилган шахслар апелляция инстанцияси судининг мажлисида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг апелляция инстанцияси судининг мажлиси бўладиган кун ҳақида илгаридан хабардор қилиниши кўрсатилган шахсларга суд мажлисига лозим даражада тайёргарлик кўриш имконини беради.

2. ЖПК 490-моддасининг учинчи қисмига кўра, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш ва процессуал қоида бузарликларни бартараф этиш мақсадида тўлиқ ёки қисман суд терговини ўтказишга ҳақли. Шу қоидадан келиб чиққан ҳолда апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан сўроқ қилинган ёки сўроқ қилинмаган гувоҳларни,

экспертларни ва мутахассисларни ўз ташаббуси билан ёки тарафларнинг илтимосига кўра суд мажлисига чақириши ва сўроқ қилиши мумкин.

497¹¹-модда. Апелляция инстанциясида иш юритиш тартиби

Апелляция инстанциясида иш юритиш биринчи инстанция судидаги иш юритиш қоидалари бўйича, шунингдек, ишбу бобда баён этилган қоидалар бўйича ўтказилади.

Иш қуриладиган жой ва сана ҳақида вақтида хабардор қилинган шахсларнинг ҳозир бўлмаслиги ишни кўриш ва қарор чиқаришга монелик қилмайди.

Раислик қилувчи қандай иш кўрилишини маълум қилади ва тарафларнинг келган-келмаганлигини аниқлайди, сўнгра суд таркиби аъзоларининг, прокурорнинг, суд котибининг, агар таржимон мажлисда иштирок этаётган бўлса, таржимоннинг ҳамда ҳимоячининг фамилияси ва исмини эълон қилади, рад қилиш ҳақида арзлар бор-йўқлигини текширади. Раислик қилувчи ҳозир бўлган процесс иштирокчиларига уларнинг апелляция инстанциясида ишни кўриш чоғидаги ҳуқуқларини тушунтиради. Шундан кейин раислик қилувчи ҳозир бўлган тарафлардан илтимослари бор-йўқлигини сўрайди ва билдирилган илтимослар бўйича апелляция инстанцияси ажрим чиқаради.

Ишни кўриш судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади. У ишнинг моҳияти, шикоят ёки протестнинг вазелари ҳамда уларга қарши билдирилган эътирозларнинг моҳиятини баён қилади. Судга қўшимча материаллар тақдим этилган ёхуд суднинг ўзи бундай материалларни талаб қилиб олган ҳолларда раислик қилувчи ёки судья уларни ўқиб эшиттиради ва ишда иштирок этаётган шахсларга танишиш учун тақдим қилади.

Раислик қилувчи апелляция шикояти берган шахсга, апелляция шикояти ва протести кимга нисбатан берилган бўлса ўша шахсга, уларнинг ҳимоячилари ва вакилларига, сўнгра эса прокурорга сўз беради. Агар берилган апелляция шикоятлари орасида прокурорнинг апелляция протести бўлса, сўз биринчи навбатда унга берилади.

Суд тарафларнинг сузларини эшитиб, ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини лозим даражада текшириб кўришни таъминлаш заруратидан келиб чиқиб, бевосита суд мажлисида текшириладиган далиллар ҳажми-ни аниқлаш тўғрисида; суд мажлисига судланувчини, жабрланувчиларни, гувоҳларни, экспертлар ва зарурат бўлса, бошқа шахсларни чақириш тўғрисида; судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини сақлаб қолиш, танлаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шундан кейин суд суд мажлисига чақирилган судланувчини, гувоҳларни, жабрланувчиларни сўроқ қилиш йўли билан далилларни текширишга, шунингдек, тарафларнинг илтимоси бўйича ҳамда ўзининг ташаббуси билан ҳужжатларни, баённомаларни ва ишга оид бошқа материалларни ўқиб эшиттиришга киришади. Далилларни текшириш тартиби тарафларнинг фикрлари инobatга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

Биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳлар, агар суд тарафларнинг илтимоси бўйича ёки ўзининг ташаббуси билан уларни чақиришни зарур деб топган бўлса, апелляция инстанцияси судида сўроқ қилинадилар.

Тарафлар янги гувоҳларни чақириш, экспертиза ўтказиш, уларга биринчи инстанция суди томонидан текшириб кўриш рад этилган ашёвий далиллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилишга ҳақлидир. Арз қилинган илтимосларни ҳал этиш ушбу Кодекснинг 438-моддаси қоидалари асосида амалга оширилади, бунда апелляция инстанцияси суди илтимос биринчи инстанция судида қаноатлантирилмаган деган асосда илтимосни қаноатлантиришни рад этишга ҳақли эмас.

Далилларни текшириш тугагач, судья тарафлардан суд терговига қўшимча қилиш ҳақида илтимослари бор-йўқлигини суриштиради, суд бу илтимосларни ҳал этади ва суд музокараларига ўтади.

1. ЖПКнинг 483-моддасида белгиланишича, апелляция инстанцияси суди жиноят ишини шикоят ёки протест келиб тушган кундан бошлаб ўн беш суткадан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Олий суди эса, бир ой муддатдан кечиктирмай кўриб чиқишга киришиши лозим.

Қонунда жиноят ишینی апелляция инстанцияси суди томонидан мазмунан кўришни тугаллаш муддати белгиланмаган. Жиноят ишینی апелляция инстанцияси судида мазмунан ҳал этиш муддатларига нисбатан ЖПКнинг 405-моддаси қўлланилиши керак. Мазкур модда талабидан келиб чиқиб апелляция инстанцияси суди томонидан жиноят ишینی мазмунан ҳал этиш уни кўриб чиқиш бошланган вақтдан эътиборан узоғи билан икки ой муддат ичида тугалланиши керак. Бу муддат апелляция ҳайъати ажримига асосан: апелляция инстанцияси суди раиси томонидан тўрт ойгача; алоҳида ҳолларда мураккаб ва кўп воқеали ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг ўринбосари томонидан беш ойгача ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси томонидан олти ойгача узайтирилиши мумкин.

2. Ишни апелляция инстанциясида кўриш тартиби кўп жиҳатдан ишни биринчи инстанция судида кўриш тартибига ўхшаб кетади. Чунончи, суд мажлиси залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси залга судьялар кириб келаётганида ўринларидан турадилар. Процесс иштирокчилар апелляция инстанцияси судига тик турган ҳолда мурожаат қиладилар ҳамда тушунтиришлар берадилар. Ушбу қоидадан фақат раислик қилувчининг рухсати билангина четга чиқилиши мумкин. Процесснинг барча иштирокчилари, шунингдек, суд мажлиси залида ҳозир бўлган барча фуқаролар раислик қилувчининг суд мажлисида тартибга риоя қилиш тўғрисидаги фармойишларини сўзсиз бажаришлари лозим. Шуниси ҳам борки, суд мажлисида тартибни бузган тартиббузарларга нисбатан суд мажлисида раислик қилувчи ва суд ЖПКнинг 272-моддасида назарда тутилган барча чораларни (огоҳлантириш, суд мажлиси залидан чиқариб юбориш, прокурор ёки ҳимоячини алмаштириш мақсадида суд мажлисини кейинга қолдириш, жарима солиш чораларини) қўллашга ҳақли.

Шу билан бирга ишни апелляция инстанциясида кўриш тартибининг биринчи инстанция суди томонида ўтказиладиган суд муҳокамаси тартибидан фарқловчи муҳим хусусиятлари бор.

3. Апелляция тартибида иш юритишнинг ўзига ҳос хусусиятлари бундай иш юритишда суд мажлисининг биринчи инстанция суди томонидан ўтказиладиган суд муҳокамасида бўлмаган муайян қисмларини ажратиб кўриш заруриятини тақозо этади.

Бунда гап хусусан куйидаги қисмлар ҳақида бормокда: 1) апелляция инстанцияси суди судьясининг иш юзасидан маърузаси; 2) процесс иштирокчиларининг тушунтиришлари; 3) қўшимча материаллар тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш; 4) бевосита суд мажлисида текширилиши лозим бўлган далиллар ҳажмини аниқлаш.

4. Апелляция инстанциясида иш кўриладиган жой ва сана ҳақида белгиланган тартибда хабардор қилинган процесс иштирокчиларининг ҳозир бўлмаслиги ишни кўриб чиқиш ва қарор чиқаришга тўсиқ бўлолмайди. Агарда апелляция инстанциясида иш кўрилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар суд мажлисига кела олмайдиган бўлсалар, ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисида илтимос қилишлари мумкин. Суд бу илтимосни кўриб чиқиши ва узрли сабаблар бўлган тақдирда қаноатлантириши шарт.

5. Апелляция инстанцияси суди суд мажлисининг тайёрлов қисми раислик қилувчи ишни кўриш тайинланган вақтда суд мажлисини очиши ҳамда қайси иш қайси суд чиқарган ҳукм устидан кимлар берган апелляция шикоятти ёки протести бўйича кўрилишини эълон қилишдан бошланади. Шундан кейин раислик қилувчи тарафларнинг судга келган-келмаганлигини текширади. Суд мажлисида ҳозир бўлмаганларнинг келмаганлиги сабаблари аниқланади. Шундан кейин суд ишни кўриш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги масаласини ҳал этади. Мазкур масалани ҳал этиш чоғида апелляция инстанцияси суди Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 479-моддаси кўрсатмаларига таянади. Агар иш кўриладиган кун ҳақида вақтида хабардор қилинган шахсларнинг иштирокисиз ишни кўриш мумкин бўлмаса, суд ишни кўришни бошқа муддатга қолдиради ҳамда апелляция инстанцияси суди мажлисида иштирок этишини зарур деб ҳисоблайдиган шахсларнинг ҳозир бўлишини таъминлашга доир чоралар кўради.

6. Раислик қилувчи тарафларнинг келган-келмаганлигини аниқлагач, апелляция инстанцияси суди таркиби аъзоларининг, прокурорнинг, суд котибининг, агар мажлисда таржимон иштирок этаётган бўлса, таржимоннинг ҳамда ҳимоячининг фамилияси ва исмини эълон қилади, рад қилиш ҳақида арзлар бор-йўқлигини текширади. Агар рад қилиш ҳақида арз қилинган бўлса, суд бу масалани ҳал этади. Апелляция инстанцияси

суд мажлисида захирадаги судья қатнашиши назарда тутилмайди. Шу сабабли суд таркибидаги судьялардан биронтаси рад қилинган бўлса, имконият бўлган тақдирда таркибга бошқа судья киритилади ва ишни кўриб чиқиш бошқа мухлатга қолдирилади, чунки таркибга янги киритилган судьяга апелляция тартибида кўрилаётган ишни ўрганиб чиқиш учун имконият берилиши керак. Прокурорни рад қилиш илтимоси қаноатлантирилаётганда ҳам суд шундай иш тутади.

7. Шарҳланаётган моддада раислик қилувчи рад қилиш ҳақида арзлар бор-йўқлигини текширади дейиш билан чекланилган. Суднинг арз қилинган рад қилишлар тўғрисидаги масалани ҳал этиш тартиби бу моддада белгилаб берилган эмас. Ҳамонки апелляция тартибида иш юритиш биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари бўйича утказилар экан, апелляция суди рад қилиш тўғрисидаги арзларни биринчи инстанция суди мажлисида рад қилишларни кўриб чиқишни тартибга солувчи қоидаларга мувофиқ равишда ҳал этмоғи лозим.

Гарчи қонунда бу хусусда тўғридан-тўғри кўрсатма бўлмасада (ЖПК 497¹¹-моддаси), раислик қилувчи суд мажлисида ҳозир бўлган маҳкумнинг (оқланган шахсинг) шахсини аниқлаши ҳамда шикоят ёки протест қайси шахсларнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, шу шахслардан сўрагани каби ундан ҳам протест билдирилганлиги ёки шикоят берилганлиги хусусида биринчи инстанция суди ўз вақтида хабардор этган-этмаганлигини, судга тушган протест ва шикоятлар билан танишиб чиқиш ҳамда улар юзасидан ўз эътирозларини бериш имкониятига эга бўлган-бўлмаганликларини, маҳкумга ёки оқланган шахсга прокурор протестининг ёки жабрланувчи шикоятининг нусхаси топширилган-топширилмаганлигини, апелляция шикояти берган процесс иштирокчилари иш апелляция инстанциясида кўриладиган кун тўғрисида хабардор қилинган-қилинмаганликларини (ЖПК 479-моддаси) аниқлаши лозим.

8. Раислик қилувчи ҳозир бўлган процесс иштирокчиларига (судланувчи, маҳкум, оқланган шахсга, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига, агар улар суд мажлисида ҳозир бўлган бўлсалар) уларнинг апелляция инстанциясида ишни кўриш чоғидаги ҳуқуқларини, хусусан тушунтиришлар бериш, судга қўшимча материаллар тақдим этиш, қўшимча материалларни талаб қилиб

олиш ҳақида, гувоҳларни, шу жумладан қўшимча гувоҳларни, экспертларни ва шу кабиларни чақиртириш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқларини тушунтиради.

9. Апелляция инстанцияси мажлисида прокурор, маҳкум, оқланган шахс, химоячи, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари биринчи инстанция судида бўлгани каби турли илтимослар билдиришга ҳақлидир. Шу сабабли раислик қилувчи суд мажлисида ҳозир бўлган шахслардан уларда илтимослар бор-йўқлигини сўрайди.

Суд арз қилинган илтимослар муносабати билан процесснинг бошқа иштирокчилари фикрини эшитади, уларни муҳокама қилади ҳамда илтимосни, агар аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар иш учун аҳамиятли бўлса, қаноатлантириш тўғрисида ёки илтимосни рад этиш тўғрисида асослантирилган ажрим чиқаради. Суд мажлисининг тайёрлов қисмида илтимосни қаноатлантириш рад этилганлиги келгусида бундай илтимос билан арз қилишга монe бўлмайди.

10. Апелляция инстанциясида иш кўриш процесс иштирокчиларининг илтимоси билан ҳамда суднинг ўз ташаббусига биноан кейинга қолдирилиши мумкин. Судда иштирок этиши зарур бўлган шахс бу ҳақда вақтида хабардор қилинмаганлиги сабабли, суд мажлисига келмаган бўлса, ишни апелляция инстанциясида кўриш суднинг ташаббуси билан кейинга қолдирилади. Бундай кезларда апелляция инстанцияси процесснинг барча иштирокчилари ишни кўриш тайинланган янги муддат ҳақида хабардор қилиниши шарт.

11. Апелляция инстанцияси судида ишни кўриш судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади.

Маъруза ишдаги мавжуд барча материалларни ва апелляция инстанциясига тақдим этилган қўшимча материалларни чуқур ўрганиб чиқишга, бу материалларни умумлаштириш ва таҳлил этишга, шунингдек, шикоят ва протест таҳлилига асосланган бўлиши керак. Суд ҳайъати таркибига кирувчи бошқа судьяларнинг иш материалларини ўрганганлиги апелляция суди таркиби аъзоси бўлмиш маърузачини муфассал маъруза қилиш мажбуриятидан халос этмайди, чунки маърузачи судьяларнигина эмас, балки процесснинг бошқа иштирокчиларини ва суд залида ҳозир бўлган барча шахсларни ҳам иш моҳияти билан таништиради.

Маърузага нисбатан қўйиладиган асосий талаб иш ҳолатини холис ва тўлиқ баён этиб беришдан иборат.

Апелляция инстанцияси судининг судьяси суд ишни апелляция шикоятлари бўйича кўраётган ҳолларда ҳам, прокурорнинг протести бўйича кўраётган ҳолларда ҳам маъруза қилади. Иш прокурорнинг апелляция протести бўйича кўрилаётганда судьянинг маърузасидан кейин прокурор ўз протестини асослаб беради, иш шикоят бўйича кўрилаётганда шикоят берган шахс ёки унинг ҳимоячиси (вакили) шикоятини асослаб беришга ҳақли .

12. Маърузачининг иш юзасидан қилган маърузасидан кейин, тақдим этилган қўшимча материаллар ўқиб эшиттирилгач ҳамда ишда иштирок этаётган шахсларга танишиш учун тақдим этилгач, раислик қилувчи апелляция шикояти берган шахсга, апелляция шикояти ва протести кимга нисбатан берилган бўлса, ўша шахсга, уларнинг ҳимоячилари ва вакилларига, сўнгра эса прокурорга сўз беради. Агар берилган апелляция шикоятларидан ташқари прокурорнинг апелляция протести бўлса, сўз биринчи навбатда унга берилади. Апелляция тартибида иш юритишнинг бу қисми қонунда “тарафларнинг сўзларини эшитиш” деб аталган. Унда тарафлар берилган апелляция шикоятлари ёки протестлари юзасидан судга тушунтиришлар берадилар. Тарафларнинг тушунтириш бериши судланувчини, маҳкумни, оқланган шахсни ёки процесснинг бошқа қатнашчиларини далил олиш мақсадида сўроқ қилишликни билдирмайди. Тарафларнинг сўзлари ҳукм қонуний, асосли ва адолатли эканлиги тўғрисидаги, уни бекор қилиш, ўзгартириш, ўзгаришсиз қолдириш лозимлиги ва нимага асосан шундай қилиниши кераклиги тўғрисидаги масала юзасидан мазкур субъект ёклаётган нуқтаи назарни ҳимоя қилиш асоси бўлиб хизмат қилади. Айни вақтда судга бу нуқтаи назарни аниқлаб олиш учун ҳам хизмат қилади.

Суд дастлаб процесс иштирокчиларидан қайси бири апелляция шикояти берган бўлса, шуларнинг сўзини эшитади, шундан кейин апелляция шикояти бермаган, лекин берилган шикоят ёки протест муносабати билан ўз эътирозларини ёки мулоҳазаларини баён этиш истагидаги процесс иштирокчиларининг сўзини эшитади.

13. Қонунда апелляция инстанцияси мажлисида ҳозир бўлган маҳкумлар, оқланган шахслар, уларнинг ҳимоячилари, жабрланувчиларнинг сўзга чиқишида қатъий кетма-кетлик тартиби белгиланган эмас. Бу масаланинг ҳал этилиши катта гуруҳ билан боғлиқ ишларда муҳим амалий аҳамиятга эга эканини эътиборга олиб, суд барча ҳолларда ҳам процесс иштирокчиларининг сўзга чиқиш навбати масаласини уларнинг тақлифига асосан ҳал этиши лозим.

14. Суд тарафларнинг сўзларини эшитиб, ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини лозим даражада текшириб кўришни таъминлаш заруратидан келиб чиқиб:

а) бевосита суд мажлисида текшириб чиқилиши лозим бўлган далиллар ҳажмини белгилаш тўғрисида;

б) суд мажлисига судланувчини, маҳкумни, жабрланувчиларни, гувоҳларни, экспертлар ва зарурат бўлса, бошқа шахсларни чақириш тўғрисида;

в) судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини сақлаб қолиш, танлаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилади.

15. Апелляция шикоятни берган ёки апелляция протести билдирган шахслар одатда қайси далиллар апелляция инстанцияси суди мажлисида бевосита текширилиши лозим деб ҳисобласалар, шикоятда (протестда) шу далилларни кўрсатадилар, суд мажлисига судланувчини, маҳкумни, оқланган шахсни, жабрланувчини, гувоҳларни, экспертларни ва бошқа шахсларни чақиртириш, судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини сақлаб қолиш, танлаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида илтимос билан мурожаат этадилар. Суд эса жиноят иши материалларини, шу жумладан апелляция шикоятлари ёки протестини ўрганиб чиқиб, тарафларнинг сўзларини эшитиб, бу илтимос ва сўровлар қанчалик асосли эканлигини аниқлайди.

Мазкур масалалар апелляция инстанцияси суди томонидан ЖПКнинг 423-моддасида белгиланган қоидалар асосида алоҳида хонада (маслаҳатхонада) ҳал этилади.

16. Апелляция инстанцияси суди шуни назарда тутиши керакки, ЖПКнинг 479-моддасига мувофиқ, маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида

иштирок этишга ҳақлидир. Шу сабабли мабодо жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкум апелляция инстанцияси суди мажлисида иштирок этиш истагини билдирса, суд унинг илтимосини қаноатлантириши ҳамда уни апелляция инстанцияси суди мажлисига олиб келиш чорасини кўриши шарт.

Агар ЖПК 497²-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган процесс иштирокчилари томонидан илтимослар билдирилилмаган бўлса ва суд иш бўйича суд тергови ўтказишнинг зарурати йўқ, иш материаллари ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини баҳолаш учун етарли деган хулосага келса, суд тарафларнинг сўзларидан, агар қўшимча материаллари тақдим этилган бўлса, уларни текширганидан кейин суд музокараларига ўтади.

17. Апелляция инстанцияси суди ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги лозим даражада текшириб кўрилишини таъминлаш мақсадида далилларни суд мажлисида бевосита текшириш тўғрисида ажрим чиқаради. Далилларни текшириш биринчи инстанция судида иш юритишга доир қондалар асосида ўтказилади. Апелляция инстанцияси судида суд тергови олиб борилаётганда далилларни текшириш судга чақиртирилган судланувчини, маҳкумни, оқланган шахсни, гувоҳларни, жабрланувчиларни сўроқ қилиш йўли билан, шунингдек, тарафларнинг илтимоси бўйича ҳамда ўз ташаббуси билан ҳужжатларни, баённомаларни ва ишга доир бошқа материалларни ўқиб эшиттириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Далилларни текшириш тартиби тарафларнинг фикрлари инобатга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

18. Судга қўшимча материаллар тақдим этилган ёки суднинг ўзи бундай материалларни талаб қилиб олган ҳолларда раислик қилувчи уларни ўқиб эшиттиради ва ишда иштирок этаётган шахсларга танишиш учун тақдим қилади.

Апелляция инстанцияси ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишни ишдаги мавжуд материаллар бўйича ҳам, қўшимча тақдим этилган материаллар бўйича ҳам амалга оширади.

Суд ҳукми устидан апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар шикоятда ёки протестда келтирилган вазларни тасдиқлаш ёхуд рад этиш учун қўшимча материалларни апелляция инстанциясига иш кўрил-

гунга қадар ва иш кўрилади ва вақтда, лекин тарафларнинг суддаги музокараси бошлангунга қадар тақдим этиши мумкин.

Қўшимча материаллар тақдим этиш ҳуқуқидан шикоят берган ёки протест билдирган шахслардан ташқари суднинг ҳукми, ажрими ёки қарори устидан апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган барча шахслар (ЖПК 497²-моддаси) ҳам фойдаланадилар. Масаланинг бу тарзда ечим топиши ЖПК 497⁶-моддасининг мазмунидан келиб чиқади. Ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш ҳуқуқидан фойдаланишни рад этиш ҳукмга рози эканликдан далолат беради. Бироқ бундай рад этиш бошқа шахслар томонидан берилган шикоятлар ёки протестда келтирилган вазиятларни тасдиқлаш ёки, аксинча, уларни рад қилиш учун апелляция инстанциясига қўшимча материаллар тақдим этиш имкониятидан маҳрум қилмайди.

19. Апелляция инстанциясига турли ёзма ҳужжатлар тақдим этилиши мумкин. Бундай ҳужжатлар жумласига гувоҳномалар ва маълумотномалар, судланувчининг тавсифномаси, фуқароларнинг судга ёки бошқа ҳокимият органларига йўлланган аризалари, ҳар хил хатлар, ҳужжатлардан кўчирмалар, ишнинг ҳолатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан, айниқса илгари ўтказилган экспертиза билан боғлиқ масалалар юзасидан мутахассисларнинг ёзма фикрлари ва шу қабилар киради. Ана шу ҳужжатларнинг ҳаммаси апелляция инстанциясига одатда илк бор тақдим этилади ва улар, табиийки, биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган бўлади. Илгари терговчига ёки биринчи инстанция судига тақдим этилган ва улар томонидан ишга қўшиб қўйилмаган ҳужжатлар тақдим этилган ҳолларда апелляция инстанцияси бу ҳужжатларни фақат илгариги сабабларга асосланган ҳолда қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

20. Янги гувоҳлар, шунингдек, биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳлар, агар суд тарафларнинг илтимоси бўйича ёки ўз ташаббуси билан уларни чақиришни зарур деб топган бўлса, апелляция инстанцияси судида сўроқ қилинадилар.

21. Апелляция инстанцияси суди мажлисида тарафлар янги гувоҳларни чақириш тўғрисида, экспертиза ўтказиш ҳақида, уларга биринчи инстанция суди томонидан текшириб кўриш

рад этилган ашёвий далиллар ва хужжатларни талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос билан арз қилишга ҳақлидир. Бунда илтимосни арз қилаётган тараф қўшимча далиллар айнан қайси ҳолатларни аниқлаш учун зарур эканлигини кўрсатиши шарт. Арз қилинган илтимосларни ҳал этиш ЖПКнинг 438-моддаси қоидалари асосида амалга оширилади.

Тараф арз қилган ҳар бир илтимосни муҳокама қилиб, суд бошқа тарафнинг фикрини тинглайди ва агар илтимос иш учун аҳамиятга молик ҳолатларни аниқлашга қаратилган бўлса, уни қаноатлантиради, акс ҳолда қаноатлантиришни рад қилади. Шунини алоҳида назарда тутиш жоизки, апелляция инстанцияси суди илтимос биринчи инстанция судида қаноатлантирилмаган деган асосда илтимосни қаноатлантиришни рад қилишга ҳақли эмас.

ЖПК 497¹¹-моддасининг ўнинчи қисмига мувофиқ далилларни текшириш тугагач, судья тарафлардан суд терговига қўшимча қилиш ҳақида илтимослари бор-йўқлигини суриштиради, берилган илтимосларни ҳал этади ва суд музокараларига ўтади.

497¹²-модда. Суд музокаралари. Судланувчининг охирги сўзи

Суд музокаралари ушбу Кодекснинг 449-моддаси қоидалари асосида ўтказилади, бунда шикоят, протест берган шахс биринчи бўлиб сўзга чиқади.

Суд музокаралари тамом бўлганидан кейин раислик қилувчи судланувчига, агар у иштирок этаётган бўлса, охирги сўз беради, шундан кейин суд қарор чиқариш учун маслаҳатхонага киради.

1. Суд музокаралари суд муҳокамасининг узвий қисми бўлиб, унда иштирокчилар сўзга чиқиб, суд тергови натижаларини ўз нуқтаи назарларидан яқунлайдилар. Суд музокараларида қатнашиш суд муҳокамаси иштирокчиларининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ёки улар томонидан ифода этилаётган ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни ҳимоя этиш усулларидан биридир. Манфаатдор тарафларнинг ҳар бири ҳал этилаётган иш юзасидан ўз фикри, нуқтаи назарини асослаб беради ва ҳимоя қилади. Суд музокаралари воситасида жиноят процессидаги тортишув таъминланади. Суд музокаралари

вактида ишнинг барча ҳолатлари тарафлар томонидан турли фикр ва нуктаи назардан ёритиб берилади, шу зайл ишни ҳал этишга атрофлича ва холисона ёндашув учун, қонуний ва асосли ажрим чиқариш учун шароит таъминланади. Тарафлар вакилларининг суд музокараларидаги нутқлари суд залида ҳозир бўлганлар кўз ўнгида суд муҳокамаси холисона олиб борилаётганлиги ҳамда судда ишни адолатли тарзда ҳал этишни таъминлашга ҳаракат қилинаётганлигидан далолат беради.

Апелляция инстанцияси судида суд музокаралари ЖПКнинг 449-моддаси қоидалари асосида ўтказилади. Бунда шикоят, протест берган шахс биринчи бўлиб сўзга чиқади.

Тарафлар нутқ сўзлаб бўлганларидан кейин, улардан ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларида айтилган масалалар юзасидан ўз эътирози ёки мулоҳазаларини билдириш учун яна бир мартадан сўзга чиқиши мумкин. Сўнги эътироз билдириш ҳуқуқи ҳамisha химоячи ва судланувчига берилади.

2. Раислик қилувчи суд музокаралари тамом бўлгандан кейин, агар судда судланувчи иштирок этаётган бўлса, унга охириги сўз беради, шундан кейин суд қарор чиқариш учун маслаҳатхонага киради.

497¹³-модда. Апелляция инстанция судининг ваколатлари

Суд ишни апелляция тартибида кўриб, ўзининг ажрими билан:

1) биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартиришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;

2) биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилиш ва оқлов ҳукми чиқаришга;

3) биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилиш ва ишни тугатишга;

4) биринчи инстанция суди ҳукмини ўзгартиришга;

5) биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилиш ва ушбу Кодекс 419-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича ишни қўшимча тергов юритиш учун юборишга;

б) биринчи инстанция судининг ҳукмини ёки ажримини бекор қилиш ва ишни янгитдан судда кўриш учун юборишга ҳақли.

Агар биринчи инстанция суди иш юзасидан камчиликларга ёки суд терговини бир томонлама олиб боришга ёхуд жиддий бўлмаган процессуал қоидабузарликларга йўл қўйган бўлса, апелляция инстанцияси ишни биринчи инстанция судига янгитдан судда қўришга юбормай, камчиликларни тўлдириш, процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш чораларини қўради ҳамда қўриб чиқиш натижаларини инобатга олган ҳолда ҳукмга ўзгартиришлар киритади.

Апелляция инстанцияси суди қарорида қандай асосларга қўра биринчи инстанция судининг ҳукми тўғри деб, шикоят ёки протестнинг вазжлари эса асоссиз деб топилганлиги, биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилишга ёки уни ўзгартиришга нималар асос бўлганлиги кўрсатилиши керак.

Апелляция инстанцияси қарор қабул қилаётганда биринчи инстанция суди томонидан текшириб кўрилган ва ишончли деб топилган далилларга апелляция шикоятлари, протестларини кўриб чиқишда текширилган янги далилларни қўшган ҳолда таянишга ҳақлидир.

Қарор ушбу Кодекснинг 473-моддаси қоидалари асосида эълон қилинади.

1. Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди чиқарган ҳукмнинг қонунийлиги, асосланганлиги ва адолатлигига шубҳа бўлмаган ҳамда шикоят ёки протестда баён этилган вазжлар ҳукм билан аниқланган ҳолатлар ва ишдаги далиллар билан рад этилади деб топган ҳолда ҳукми ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиради.

2. Апелляция инстанцияси суди далилларни суд мажлисида ўтказилган бевосита текшириш натижалари асосида айблов ҳукмини бекор қилиши ва судланувчига нисбатан оқлов ҳукмини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин, башарти:

жиноят иши қўзғатилишига ва суд муҳокамаси ўтказилишига сабаб бўлган жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса;

жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор бўлмаса (ЖПК 83-моддаси).

3. Апелляция инстанцияси суди оқлов ҳукмини ажрим шаклида чиқаради. Айблов ҳукмини бекор қилиш ва судланув-

чини оклаш тўғрисидаги ажримда айблов ҳукмини бекор қилиш асослари ҳамда судланувчини оклаш сабаблари кўрсатилади.

4. Апелляция инстанция суди ҳукмнинг тўла ёки унинг муайян бир қисмини бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли.

Судланувчи жиноятлар мажмуи бўйича ҳукм қилинганда иккинчи инстанция суди бу жиноятлардан бири иш бўйича тўпланган далиллар билан тасдиғини топмади ва унга тааллуқли янги далиллар тўплаб бўлмади деган хулосага келган тақдирда, апелляция инстанциясида ҳукми муайян қисми бўйича бекор қилиш, бошқа жиноятларга нисбатан улар тўлиқ исботланганлиги сабабли ўзгаришсиз қолдириши керак. Бундай ҳолларда апелляция суди ҳукмнинг бир қисмини (ЖКнинг тегишли моддалари бўйича) ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида ҳамда ҳукмнинг бошқа қисмини (ЖКнинг тегишли моддаси бўйича) бекор қилиб, ишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ҳукми ўзгартириш тўғрисида ажрим чиқарилмайди. ЖПКнинг 468-моддасида белгиланган қоидага биноан, биринчи инстанция суди ҳукмнинг қарор қисмида судланувчи қайси моддалар бўйича оқланганлиги ва қайси моддалар бўйича ҳукм қилинганлигини кўрсатиши шарт. Агар биринчи инстанция суди қонуннинг бу талабини бажармаган бўлса, апелляция инстанцияси ЖПКнинг 468-моддасига мувофиқ иш тутиши, яъни ҳукми бир айбловга нисбатан бекор қилиб ишни тугатиши (бу оқловга тенг), бошқа айбловга нисбатан эса ўзгаришсиз қолдириши керак.

5. Агар апелляция суди жиноят учун таъқиб қилиш муддати ўтганлиги, афв этилиш оқибатида ёки амнистия акти муносабати билан ҳукм бекор қилиниши, иш эса тугатилиши керак деган хулосага келган бўлса, ишнинг ана шу асосларга кўра тугатилишига маҳкум қарши эмаслигини аниқлаши шарт. Шу сабабли маҳкум суд мажлисига чақиртирилиши керак. Маҳкум тарафидан эътирозлар бўлган тақдирда, мазкур асослар бўйича иш апелляция инстанциясида тугатилиши мумкин эмас.

ЖПКнинг 491-моддасида назарда тутилган ҳолларда апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартиришга ҳақли. ЖПКнинг 419-моддасида кўрсатилган ҳолатлар аниқланганда апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилиб ишни қўшимча терговга юборади.

Апелляция инстанция суди иш ҳолатлари биринчи инстанция суди томонидан атрофлича текширилмаган деган хулосага келган ва бу камчиликни апелляция тартибида иш кўришда бартараф қилиш имкони бўлмаса ҳамда иш юзасидан жиддий процессуал қоида бузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланган ҳолларда биринчи инстанция судининг ҳукмини ёки ажримини бекор қилиб, ишни янгитдан судда кўриш учун юборишга ҳақли.

6. Апелляция тартибида иш кўриш жараёнида биринчи инстанция суди иш юзасидан йўл қўйилган камчиликларни ёки жиддий бўлмаган процессуал қоида бузарликларни бартараф этиш ҳамда суд терговини тўлдириш имкони бўлса апелляция инстанцияси суди ишни биринчи инстанция судига янгитдан кўришга юбормай, камчиликларни тўлдириш, процессуал қоида бузарликларни бартараф этиш чораларини кўриши ҳамда ишни апелляция тартибида кўриб чиқиш натижаларини инобатга олган ҳолда ҳукмга ўзгартиришлар киритиши лозим.

7. Апелляция инстанцияси судининг ажрими асослантирилган бўлиши керак. Унда биринчи инстанция судининг ҳукми тўғри деб, шикоят ёки протест важлари асоссиз деб топилганлиги, ҳукми бекор қилишга ёки ўзгартиришга нималар асос бўлганлиги кўрсатилиши шарт. Ҳукми бекор қилиб ишни қўшимча тергов юритиш учун ёки янгитдан судда кўриш учун юборишда апелляция инстанцияси суди айнан қайси ҳолатлар ҳукми бекор қилишга асос бўлганлигини, дастлабки тергов ёки биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликлар ҳамда процессуал қоида бузарликларни қандай бартараф қилиш лозимлигини кўрсатилиши лозим.

8. Апелляция инстанцияси иш юзасидан қарор қабул қилишда биринчи инстанция суди томонидан текшириб кўрилган ва ишончли деб топилган далилларга, апелляция инстанцияси суди мажлисида тўлиқ ёки қисман ўтказилган суд тергови жараёнида текширилган янги далилларга таянади.

9. Апелляция инстанцияси судининг ажрими ЖПКнинг 473-моддаси қоидаларига риоя қилинган ҳолда эълон қилинади. Бунда ажрим устидан назорат тартибида шикоят қилиш ҳуқуқи тарафларга тушунтирилади.

497¹⁴-модда. Апелляция инстанцияси суд мажлисининг баённомаси

Апелляция инстанцияси судида суд мажлисининг котиби ушбу Кодекснинг 426-моддасида назарда тутилган қоидалар асосида баённома юритади. Суд мажлиси баённомаси юзасидан мулоҳазалар берилиши мумкин, улар ушбу Кодекснинг 427-моддасида назарда тутилган тартибда қўриб чиқилади.

1. Суд муҳокамаси чогида юз берган барча воқеалар ёзма тарзда қайд этиб борилиши керак. Шу мақсадда суд муҳокамаси вақтида баённома юритилади. ЖПКнинг биринчи инстанциядаги суд муҳокамаси баённомасини юритиш тартибини белгиловчи нормалари (ЖПК 426-моддаси) апелляция инстанцияси суд мажлиси баённомасини юритиш қоидаларига ҳам татбиқ этилиши конунда мустаҳкамлаб қўйилган. Суд мажлисининг баённомаси судга қарорларни маслаҳатхонада чиқариш ва асослантиришда ёрдам беради. Бундай баённома суд муҳокамаси жараёни тўғрисидаги маълумотларнинг бирдан-бир манбаи бўлиб хизмат килади ҳамда судда ишларни қўришнинг белгилаб қўйилган процессуал тартибига қай даражада риоя этилганлигидан далолат беради.

2. ЖПКнинг 426-моддасига мувофиқ суд мажлисининг баённомасида куйидагилар кўрсатилади: суд мажлиси бошланган ва тамом бўлган вақт, мажлис бўлган жой ва сана; суднинг номи ва таркиби; суд мажлисининг котиби, таржимон, айбловчи, ҳимоячи, маҳкум (маҳбус, оқланган шахс), жабрланувчи ва унинг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, шунингдек, суд чакирган бошқа шахслар; қўрилаётган иш; маҳкумнинг (оқланган шахснинг) шахсига доир маълумотлар; мажлисда ҳозир бўлган ва ҳозир бўлмаган гувоҳлар ҳамда уларнинг келмаганлик сабаблари. Баённомада раислик қилувчининг барча фармойишлари кўрсатилади ва суднинг ҳаракатлари қандай тартибда ўтган бўлса, шу тартибда ёзилади. Бундан ташқари баённомада ишда иштирок этувчи шахсларнинг ариза ва илтимослари, суд музокараларининг тартиби, суд музокараларида иштирок этган шахсларнинг хулосалари ҳамда судланувчининг охириги сўзи мазмуни акс

эттирилади. Ажрим чиқарилган куннинг эртасидан, мураккаб ишлар бўйича эса уч суткадан кечиктирмай баённома раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби томонидан имзоланади.

3. ЖПКнинг 427-моддасига мувофиқ суд мажлиси баённомаси имзоланганидан кейин беш сутка ичида тарафлар шу баённома юзасидан ўз мулоҳазаларини беришга ҳақли. Мулоҳазаларни раислик қилувчи кўриб чиқиб, уларга қўшилган тақдирда мулоҳазаларнинг тўғрилигини тасдиқлайди ва суд мажлиси баённомасига қўшиб қўяди.

Башарти раислик қилувчи суд мажлиси баённомаси юзасидан берилган мулоҳазаларга қўшилмаса, бу мулоҳазалар ушбу ишни кўрган суд таркиби ҳал этиши учун киритилади. Баённомага доир мулоҳазалар ва судьянинг қарори суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйилади. Бу ҳол юқори турувчи судларга ҳукмларнинг қонунийлиги ва асослилигини текширишда суд мажлиси баённомаси сифатини ҳам текшириш имконини беради.

497¹⁵-модда. Хусусий шикоят ва протестларни ҳал қилиш тартиби

Хусусий шикоят ёки протест апелляция шикоятлари ёки протестлари билан бир вақтда кўриб чиқилади.

Хусусий шикоят ёки протестни ҳал қила туриб, раислик қилувчи суд муҳокамаси барча иштирокчиларининг фикрини сўрайди, зарур ҳолларда жиноят ишининг берилган шикоят ёки протестга алоқадор материалларини ўқиб эшиттиради. Ҳар бир хусусий шикоят ёки протест бўйича суд ўша ернинг ўзида ёки маслаҳатхонада ажрим чиқаради.

Иш юзасидан фақат хусусий шикоят ёки протест тушган бўлса, ҳукм чиқарган суд апелляция шикояти бериш ёки протест билдириш учун белгиланган муддат тугаши билан ишни юқори судга юборади.

Хусусий шикоят ёки протестни ҳал қилиш суд томонидан шикоят ёки протест берган шахсни, шунингдек, унинг томонидан келиши сўралган шахсларни ёхуд суднинг ўзи лозим деб топган шахсларни тақлиф этган ҳолда амалга оширилади.

Хусусий шикоят ёки протест бўйича чиқарилган суд ажрими қатъий ҳисобланади.

1. Биринчи инстанция суди томонидан ҳукм чиқариш билан тамомланган иш бўйича берилган хусусий шикоят ёки протест апелляция инстанция суди томонидан апелляция шикоятлари ёки протестлари билан бир вақтда кўриб чиқилади.

2. Хусусий шикоят ёки протестни апелляция инстанция судида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартиби бу борада апелляция шикоятлари ва протестлари учун белгиланган тартиб билан бир хилдир.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида белгиланган тартиб ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқини қафолатлайди.

4. Хусусий шикоят ёки протестни ҳал қилишда апелляция инстанция судининг суд мажлисида шикоят ёки протест берган шахс, шунингдек, унинг илтимосига кўра ёки суднинг ташаббуси билан чақирилган шахслар сўроқ қилиниши мумкин.

5. Апелляция инстанция судининг хусусий шикоят ёки протест бўйича чиқарган ажрими қатъийдир.

497¹⁶-модда. Апелляция инстанцияси қарорларининг қонуний кучга кириши

Апелляция инстанцияси қарорлари эълон қилиниши биланоқ дарҳол қонуний кучга киради.

Шарҳланаётган модда мазмунига кўра апелляция инстанцияси суди қарорлари албатта апелляция суди мажлиси иштирокчилари олдида эълон қилиниши керак. У шундан кейингина қонуний кучга киради. Апелляция инстанцияси суди қарорлари одатда иш юзасидан ҳукм чиқарган биринчи инстанцияси суди томонидан ижрога қаратилади. Эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки узгартириш туғрисидаги ажримлар эса дарҳол ижро этилади.

497¹⁷-модда. Апелляция инстанциясида ишни қўшимча кўриш

Баъзи маҳкумларга дахли бўлган, белгиланган муддатда юборилган апелляция шикояти ёки протести бирор сабабга

кўра апелляция инстанцияси судига бошқа маҳкумларнинг жиноят иши кўриб бўлинганидан кейин келиб тушса ёки ўтказиб юборилган муддат ушбу Кодекснинг 497⁵- моддасида назарда тутилган тартибда суд томонидан тикланса, шунингдек, маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг апелляция шикоят, ушбу маҳкумга доир иш процессининг бошқа иштирокчиси берган апелляция шикояти ёхуд протести бўйича кўриб чиқилганидан сўнг келиб тушган бўлса, апелляция инстанцияси суди бундай шикоят ёки протестни кўриб чиқиши ва у бўйича ажрим чиқариши шарт.

Бу ажрим аввал чиқарилган ажримга зид бўлса, иш бир ёки ҳар иккала ажрим устидан протест бериш масаласини ҳал қилиш учун назорат тартибида протест билдириш ваколатига эга бўлган суд раисига жўнатилади.

Ишни кўшимча кўриш тартиби кечикиб келган хусусий шикоят ва хусусий протестни ҳал қилишга ҳам тааллуқлидир.

1. Шарҳланаётган модданинг мазмунига кўра апелляция инстанциясида иш куйидаги ҳолларда:

- баъзи маҳкумларга дахли бўлган белгиланган муддатда юборилган апелляция шикояти ёки протести бирор сабабга кўра апелляция инстанцияси судига бошқа маҳкумларнинг шикоятлари асосида жиноят иши кўриб бўлингандан кейин келиб тушса, чунончи, апелляция шикояти ёки протести белгиланган муддатда алоқа бўлими орқали жўнатилган, аммо алоқа бўлими айби билан иш апелляция инстанцияси судида қурилгунга қадар судга келиб тушмаган;

- апелляция шикояти ёки протести беришнинг ўтказиб юборилган муддати ЖПКнинг 497⁵-моддасида назарда тутилган тартибда суд томонидан тикланган;

- маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг апелляция шикояти, ушбу маҳкумга доир иш процессининг бошқа иштирокчиси берган апелляция шикояти ёхуд протести бўйича кўриб чиқилгандан сўнг келиб тушган бўлса кўшимча кўриб чиқилади.

2. Амалиётда ишни апелляция инстанциясида кўшимча кўриш натижасида чиқарилган ажрим ушбу иш юзасидан

илгари чиқарилган ажримга зид бўлиб қолиш ҳоллари учраши мумкин. Бир иш юзасидан иккита қонуний кучга кирган бири-бирига зид ажрим бўлишига йўл қўймаслик мақсадида бир ёки ҳар иккала ажрим устидан протест бериш масалаласини ҳал қилиш учун иш назорат тартибида протест билдириш ваколатига эга бўлган суд раисига жунатилади.

3. Шарҳланаётган модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида ўрнатилган тартиб кечикиб келган хусусий шикоят ва хусусий протестни ҳал қилиш тартибига ҳам тааллуқлидир.

497¹⁸-модда. Апелляция инстанцияси судининг ажрими

Апелляция инстанцияси суди ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Ажрим судьяларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Ажрим барча судьялар томонидан имзоланади. Овоз беришда озчиликни ташкил этган судья ажримга имзо қўйиб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақлидир.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан назорат тартибида шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин.

1. Апелляция инстанцияси қарори ажрим шаклида ифода этилади.

Апелляция инстанцияси суди ажримининг мазмунига нисбатан ЖПКнинг 496-моддаси талаблари татбиқ этилади.

Апелляция инстанцияси суди ЖПКнинг 298- ва 300-моддаларида назарда тутилган асослар бўлган тақдирда, шунингдек, тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини суриштирув, дастлабки тергов ўтказишда ва суд муҳокамасида йўл қўйилган камчиликларга жалб қилиш зарур бўлганда, хусусий ажрим чиқаради.

2. Ажрим суднинг тўлиқ таркиби томонидан имзоланади. Чиқарилган ажрим раислик қилувчи томонидан ёки суд таркибидаги судьялардан бири томонидан суд мажлиси залида дарҳол ўқиб эшиттирилади.

Апелляция инстанцияси ажримини чиқариш чоғида ЖПКнинг ҳукми чиқаришда судьяларнинг маслаҳатлашуви

тартиби туғрисидаги 460-моддаси, судья узининг алоҳида фикрини баён этиши тартибини белгиловчи 472-моддаси ҳамда хукмни тузиш тартибини назарда тутган 465-моддаси қоидалари татбиқ этилади.

3. Апелляция инстанция судининг ажрими устидан ЖПКнинг 498-моддасида курсатилган шахслар назорат тартибида шикоят беришга ва ЖПКнинг 511 -моддасида курсатилган шахслар эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

498-модда. Хукм ва ажрим устидан кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

Маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вақили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вақили суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ва ажрими устидан, агар иш апелляция тартибида қўрилган бўлмаса, кассация тартибида шикоят беришга ҳақлидир. Ўзбекистан Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан, агар иш апелляция тартибида қўрилган бўлмаса, кассация тартибида протест билдиришга ҳақлидир.

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вақили ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

1. Мазкур модда биринчи инстанция суди чиқарган қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим устидан кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни кўрсатиб ўтади.

2. Қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим устидан кассация тартибида протестни фақат ушбу моддада кўрсатиб ўтилган прокурор ва унинг ўринбосари беришга ҳақли.

3. Кассация шикояти ва протестининг мазмуни, таркиби, тузилиши ва шакли қонунда қатъий белгиланган эмас. Лекин барча ҳолларда шикоят ва протестда қайси суд, қандай жиноят иши бўйича, қачон чиқарган ҳукм ёки ажрим, нима сабабли қонунга зид ёхуд асоссиз экани баён этилиши ва уни бекор қилиш ёки ўзгартиш зарурлиги кўрсатилиши лозим.

4. Кассация тартибида берилган шикоят ва протестга уни тасдиқлайдиган қўшимча маълумотлар илова қилинади.

499-модда. Ҳукм устидан шикоят бериш ва протест билдириш тартиби

Қуйидагиларнинг:

1) **жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан - Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига;**

2) **Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан - шу судларнинг судлов ҳайъатларига;**

3) **Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан - шу суднинг судлов ҳайъатига;**

4) **округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан - Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан эса шу суднинг судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.**

Кассация шикоятлари ва протестлари ҳукм чиқарган суд орқали берилади. Шикоят ёхуд протест бевосита кассация инстанцияси судига топширилган бўлса, суд уларни ҳукм чиқарган судга ушбу Кодекснинг 479-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни бажариш учун юборади.

1. Ушбу модда қонуний кучга кирган ҳукм устидан шикоят бериш ва протест билдириш тартибига багишланади. Унда белгиланган тартиб суднинг қонуний кучга кирган ажримлари устидан кассация тартибида шикоят бериш протест келтириш ҳолларига ҳам тааллуқлидир.

2. Кассация тартибида шикоят ва протест фақат мазкур моддада кўрсатилган юқори судларга йўналтирилади. Аммо ҳамма ҳолларда бундай шикоят ва протест ҳукм (ажрим) чиқарган суд орқали юборилади. Бевосита кассация инстанцияси судига топширилган шикоят ва протест ҳукм (ажрим) чиқарган судга юборилиб, шу суднинг зиммасига Кодекснинг

479-моддасида назарда тутилган талабларни бажариш юклатилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15-майдаги 11-сонли “Судлар томонидан жиноят ишларини кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 5-бандида кўрсатилганидек, шикоят (протест)да:

- шикоят (протест) берган шахс ёки кимга нисбатан ҳукм устидан шикоят (протест) келтираётганлиги тўғрисида маълумот;

- шикоят (протест) берган шахснинг, унинг фикрига кўра ҳукм ёки бошқа қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги тўғрисидаги важлари ва талабларининг мазмуни;

- аризачи ўз талабларини асослаётган ҳамда кассация инстанцияси томонидан текширилиши шарт бўлган далиллар тўғрисида маълумот;

- шикоят (протест) берган шахснинг имзоси бўлиши шарт. Акс ҳолда шикоят (протест) берилмаган деб ҳисобланади.

500-модда. Суд ҳукмлари, ажримларини (қарорларини) кассация тартибида қайта кўриб чиқишга йўл қўйиладиган муддат

Шикоят ёки протестда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек, суднинг оқлов ҳукмини ёхуд ишини тугатиш тўғрисидаги ажримини (қарорини) кассация тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга кирганидан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилади.

1. Кассация тартибида ҳукм ва ажрим устидан шикоят бериш ва протест билдириш муддати умуман чекланмаган. Фақат оғирроқ жиноятга оид қонун нормаларини қўллаш, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг ҳолатини оғирлаштириш ҳақида талаблар, шунингдек, оқлов ҳукмининг бекор қилиш, жиноят ишини тугатиш тўғрисида ажримни қайта кўриб чиқишга оид масалалар ҳукм (ажрим) қонуний кучга киргандан сўнг бир йил ўтгач кўрилиши мумкин эмас.

2. Шартли ҳукм қонуний кучга киргач, ЖК 72-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ уч йиллик синов муддатида маҳкум ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармагани учун ўзгартирилиши ва жазо ўташи шарт деб топилиши мумкин.

**501-модда. ЎзР 14.12.2000 й. 163-II-сонли Қонуни асосида
Кодексдан чиқариб ташланган.**

**502-модда. Ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест
билдиришнинг оқибатлари**

Ҳукм чиқарган суд ушбу Кодекс 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни бажариб, бир ойлик муддат ичида ишни шикоятлар, протестлар ва улар юзасидан билдирилган эътирозлар, шунингдек, тақдим этилган қўшимча материаллар билан бирга кассация инстанцияси судига юборади. Бу муддат алоҳида ҳолларда юқори суд раиси ёки унинг ўринбосари томонидан кўпи билан йигирма кунга узайтирилиши мумкин.

1. Кассация тартибида берилган шикоят ва билдирилган протестни олгач, ҳукм (ажрим) ни чиқарган суд узоғи билан бир ой муддат ичида ушбу Кодекс 479-моддасида назарда тутилган талабларни бажариши ва жиноят ишини шикоят, протест ва уларга оид эътирозлар, ҳамда тақдим этилган қўшимча материалларни кассация инстанцияси судига юбориши шарт.

Бу муддат узрли асбслар бўлган ҳолда юқори суд раиси ёки унинг ўринбосари томонидан кўпи билан яна йигирма кунга узайтирилишига йўл қуйилади.

2. Ушбу модданинг талаби жиноят ишларини кассация тартибида кўришни имкон борица тезлаштириш, сансалорликка йўл қўймасликка қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишларини кассация тартибида кўриш амалиётига оид 2008 йил 15 майдаги қарорида: "Агар кассация шикояти (протести) бир йиллик муддат ўтгунга қадар берилган бўлиб, мазкур муддат иш бўйича қарор қабул қилинганга қадар ўтиб кетса, у қаноатлантирилмасдан қолдирилади ва бу ҳақда шикоят (протест) берган шахсга маълум қилинади" деб таъкидланган (4-банд). Ўз вақтида, яъни бир йиллик муддат ўтмасдан берилган шикоят (протест) бўйича жиноят ишини

биринчи инстанция суди ўз вақтида юқори судга юбормаса ёхуд кассация инстанцияси суди ишни бир йиллик муддат ўтмасдан кўрмаса, шикоят берган жабрланувчи ёхуд протест билдирган прокурорнинг процессуал ҳуқуқи чекланиб қолиши мумкин. Шу боис кассация тартибида берилган ҳар қандай шикоят ва билдирилган протест ўз вақтида кўрилиши муҳим аҳамият касб этади.

3. Судлар ишни кассация инстанцияси суди кўришига тайёрлаш пайтида:

- маҳкум (оқланган шахс)га, жабрланувчига биринчи инстанция суди қарорлари нухасининг топширилганлигини;

- процесс иштирокчиларига кассация шикояти (протести), шунингдек қўшимча материаллар келиб тушганлиги тўғрисида хабар берилганлигини;

- маҳкум (оқланган шахс)га, жабрланувчига кассация шикояти (протести) нухаси юборилганлигини;

- процесс иштирокчиларининг кассация инстанциясида иш кўриладиган жой ва вақт тўғрисида оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакилларига тегишли тарзда хабардор этилганлиги, шунингдек маҳкум, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига кассация инстанцияси суди мажлисида иштирок этиш ҳуқуқининг тушунтирилганлигини текшириши шарт.

503-модда. Шикоят ёки протестни қайтариб олиш

Ҳукм устидан шикоят берган ёки протест билдирган шахс ўз шикояти ёхуд протестини қайтариб олишга ҳақлидир. Юқори турувчи прокурор ҳам протестни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Маҳкум ўз ҳимоячисининг шикоятини қайтариб олишга ҳақли.

1. Шахс жиноят иши бўйича ҳукм устидан берилган шикояти ва билдирган протестини апелляция ёки кассация инстанцияси судларидан қайтариб олишга ҳақли. Маҳкум ўз ҳимоячиси берган шикоятни ҳам қайтариб олиши мумкин. Бунинг учун ҳимоячи ёки юқори прокурорнинг розилиги талаб қилинмайди.

2. Шикоят ва протест жиноят иши кассация тартибида бевосита кўрилганигача қайтариб олиниши мумкин. Шикоятни берган шахс ва протест билдирган прокурор иш кассация

тартибида кўриладиган суд мажлиси давомида ўз талабларидан воз кечишга ёхуд уларни қисман ўзгартиришга ҳақли.

3. Шикоят ва протестни қайтариб олиш сабабларини асослантириш ва баён қилиш шарт эмас. Ҳимоячи ўзининг маҳкум қайтариб олган шикоятига оид фикрларини судга билдиришга ҳақли.

4. Юқори турувчи прокурор ўзига буйсунувчи прокурорнинг билдирган протестини қайтариб олишга, шунингдек, қуйи прокурор воз кечган протестини суд кўриши зарур деб ҳисоблашга ҳақли.

5. Қонунда шикоят ва протестни "қайтариб олиш" ибораси ишлатилса-да, барча ҳолларда шикоят ва протест унинг "эгаси"га қайтарилмайди ва жиноят ишига тикиб қўйилади.

6. Ушбу модда суднинг ажримларига ҳам оиддир.

***504-модда. ЎзР. 14.12.2000 й. 163-П-сонли Қонуни асосида
Кодексдан чиқариб ташланган.***

***505-модда. Ишни кўриб чиқишга тайинлаш ва суд
мажлисига иштирокчиларни чақириш***

Биринчи инстанция судининг раиси кассация шикояти ёки протести тушган иш кассация инстанцияси судида кўриладиган кун ва жойни белгилайди, бу ҳақда ушбу Кодекснинг 498-моддасида кўрсатилган шахслар хабардор қилинади.

Гувоҳлар, экспертлар ва мутахассислар суд мажлисига суд лозим топсагина таклиф қилинади.

1. Ҳукм ёки ажрим устидан шикоят ва протестни кассация тартибида кўриш учун юқори судга жиноят иши ва унга оид барча материаллар имкон борича тезроқ юборилиши зарур. Ишни кассация тартибида кўрилишини тезлаштириш учун у кўриладиган кун ва жойни биринчи инстанция суди белгилайди ва бу ҳақда ушбу Кодекснинг 498-моддасида санаб ўтилган шахсларга ёзма равишда хабар беради.

2. Агар кассация тартибида берилган шикоят ёки протестда иш бўйича муайян гувоҳлар, экспертлар ёки мутахассислар юқори суд мажлисида иштирок этиши лозимлиги ҳақида илти-

мос бўлса, биринчи инстанция суди уларни ҳам суд мажлисига таклиф қилиши мумкин. Бу шахслар иш кассация тартибида кўрилатганда иштирок этиши нақадар зарурлигини юқори суднинг ўзи белгилайди.

3. Иш бўйича берилган шикоят ва протестнинг нусхасини барча манфаатдор шахсларга берилишини қонун талаб қилмайди. Лекин ишдан манфаатдор шахс тегишлича шикоят ёхуд протест билан тегишлича ва ундан нусха олишга ҳақли.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майда чиқарган "Судлар томонидан жиноят ишларини кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида" ги қарорида кўрсатилганидек, кассация инстанцияси суди ишни суд мажлисида кўришга тайёрлаш пайтида "Маҳқум (окланган), унинг ҳимоячиси ва қонуний вакилига, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига кассация инстанцияси суди мажлисида иштирок этиш ҳуқуқининг тушунтирилганини текшириши шарт" (8-банд).

506-модда. Кассация инстанцияси судида жиноят ишини кўриш тартиби

Раислик қилувчи суд мажлисини очиб, қандай иш кўрилишини маълум қилади ва суд мажлисига кимлар келганини аниқлайди, шундан кейин суд ишни кўришга киришиши мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилади. Сўнг раислик қилувчи суд таркибини, суд мажлисида ҳозир бўлган процесс иштирокчиларининг фамилияларини эълон қилади, ҳозир бўлганлардан рад қилиш ҳақида арзлари бор-йўқлигини сўрайди. Бундай арзлар бўлган тақдирда суд улар юзасидан қарор қабул қилади.

Раислик қилувчи ҳозир бўлган процесс иштирокчиларига уларнинг кассация инстанциясида ишни кўриш чоғидаги ҳуқуқларини тушунтиради, ушбу Кодекснинг 479-моддаси талабларига риоя қилинган ёки қилинмаганлигини аниқлайди ва зарур бўлса, уларни бажариш чораларини кўради.

Раислик қилувчи суд мажлисида иштирок этаётган шахслардан илтимослари бор-йўқлигини сўрайди. Билдирилган илтимослар бўйича суд ажрим чиқаради. Илтимосларни каноатлантириш учун зарур бўлса, суд мажлиси кейинга колдирилиши мумкин.

Ишни кўриш судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади. У ишнинг мохияти, шикоят ёки протестнинг вазжлари ҳамда уларга қарши билдирилган эътирозларнинг мохиятини баён қилади. Судга қўшимча материаллар тақдим этилган ёхуд суднинг ўзи бундай материалларни талаб қилиб олган ҳолларда раислик қилувчи ёки судья уларни ўқиб эшиттиради ва ишда иштирок этаётган шахсларга танишиш учун тақдим қилади.

Суд мажлисида ҳозир бўлган маҳкум ёки оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари, қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари тушунтирув берадилар. Шикоят берган шахс биринчи бўлиб сўзга чиқади. Иш протест бўйича қурилаётган бўлса, прокурор протестни асослаб беради. Ҳам шикоят, ҳам протест берилган ҳолларда сўзга чиқиш навбатини суд белгилайди.

Юқорида кўрсатилган шахсларнинг тушунтирувлари эшитиб бўлингач, суд мажлисига чақирилган гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар сўроқ қилинади. Улар суд муҳокамасининг қайси иштирокчиси ташаббуси билан чақирилган бўлса, аввало уша шахс томонидан сўроқ қилинади. Ихтилофлар чиқиб қолса, уларни суд ҳал қилади.

Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар сўроқ қилиниб бўлгач, суд тарафларнинг ушбу Кодекснинг 449-моддасига мувофиқ ўтказиладиган музокарасини бошлайди. Суд музокараси ва маҳкумнинг охириги сўзи тугагандан кейин суд қарор чиқариш учун маслахатхонага кириб кетади. Суд муҳокамасининг бориши ва мазмуни ҳақида суд мажлисининг баённомаси тузилади. Баённома ушбу Кодекснинг 426-моддасида кўрсатилган муддатда тайёрланиши лозим. Баённома билан суд мажлисининг барча иштирокчилари танишишга ва зарурат бўлганда ушбу Кодекснинг 427-моддасида назарда тутилган тартибда унга ўз мулоҳазаларини билдиришга ҳақлидир.

1. Жинойт иши кассация инстанцияси судида белгиланган вақтда кўрилиши шарт. Агар бирор тўсиқ бўлса, ишни кўриш бошқа кунга қолдирилади ва бу ҳақда суд мажлисининг иштирокчилари хабардор қилинади.

2. Кассация инстанцияси суди ЖПК нинг ушбу моддасида назарда тутилган истиснолардан ташқари, ишни биринчи инстанция судида кўриш қоидаларига риоя қилиб олиб боради. Кассация инстанцияси суди қисман суд тергови ўтказиши илгари текширилмаган далилларни таҳлил қилиши ва уларга баҳо бериши мумкин.

Тарафларнинг илтимосларини, улар биринчи инстанция суди томонидан рад этилганлиги сабабли, рад этиши мумкин эмас. Зарур бўлса, кассация инстанция суди қўшимча материаллар тўнлаш учун муайян тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида тергов органларига топшириқ бериши мумкин.

**507-модда ЎЗР 14.12.2000 й. N 163-II-сонли Қонуни асосида
Кодексдан чиқариб ташланган.**

**508-модда. Кассация инстанциясида жиноят ишини
қўшимча кўриш**

Баъзи маҳкумларга дахли бўлган кассация шикоят иши ёки протести бирор сабабга кўра кассация инстанцияси судига бошқа маҳкумларнинг жиноят иши кўриб бўлинганидан кейин келиб тушса, шунингдек, маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг кассация шикояти, ушбу маҳкумга доир иш процесснинг бошқа иштирокчиси берган кассация шикояти ёки протести бўйича кўриб чиқилганидан сўнг келиб тушган бўлса, кассация инстанцияси суди бундай шикоят ёки протестни кўриб чиқиши ва у бўйича ажрим чиқариши шарт.

Бу ажрим аввал чиқарилган ажримга зид бўлса, иш бир ёки ҳар иккала ажрим устидан протест бериш масаласини ҳал қилиш учун назорат тартибида протест билдириш ваколатига эга бўлган суд раисига жўнатилади.

Ишни қўшимча кўриш тартиби кечикиб келган хусусий шикоят ва хусусий протестларни ҳал қилишга ҳам тааллуқлидир.

1. Кассация тартибида иш кўрилганидан сўнг судга бошқа манфаатдор шахслардан шикоят ёхуд прокурордан протест келиб тушса, уларни кассация инстанцияси суди умумий

тартибда кўриб чиқиши ва тегишлича ҳал қилиши шарт. Бунинг учун юқори суд инстанцияси раисининг рухсати талаб қилинмайди.

2. Агар ишни кассация инстанцияси судида кўшимча кўрилганида чиқарилган ажрим шу ишни илгари кассация тартибда кўрилганида чиқарилган ажримга бирор жихатдан зид бўлса, жиноят ишини назорат тартибда кўриш ваколатига эга судга муурожаат этиш лозим.

509-модда. Кассация инстанцияси судининг ажрими

Кассация инстанцияси суди ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Ажрим судьяларнинг кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Ажрим барча судьялар томонидан имзоланади. Овоз беришда озчилиги ташкил этган судья ажримга имзо қўйиб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақлидир.

Кассация инстанцияси судининг ажрими устидан назорат тартибда шикоят қилиниши ва протест билдирилиши мумкин.

1. Кассация инстанцияси судининг жиноят иши бўйича ажрими шикоят ва протестни кўриш натижаларини тўла ҳажмда акс эттириши лозим: шикоят (протест) тўла ёки қисман қаноатлантирилиши ёхуд рад этилиши унда қабул қилинган ажримнинг асослари баён этилган бўлиши шарт.

2. Кассация инстанциясининг ажрими ўқиб эшиттирилган заҳотиёқ, қонуний кучга киради ва ижрога қаратилади. Лекин назорат тартибда қайта кўриб чиқилиши мумкин. Яқдиллик билан қабул қилинмаган, баъзи судьялар алоҳида ёзма фикр билдирган ажрим албатта назорат инстанцияси судига юборилади.

510-модда. Ҳукм ва ажрим (қарор) устидан назорат тартибида шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

Апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан ушбу Кодекснинг 498-моддасида кўрсатилган шахслар назорат тартибида шикоят беришлари мумкин.

1. Ҳукм, ажрим ва қарор фақат уни чиқарган суд ҳамда ваколатли юқори суд томонидан қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлса, белгиланган тартибда бекор қилиниши, ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши мумкин. Бошқа ҳеч бир ҳоқимият органи ва мансабдор шахсга бундай ваколат берилмаган.

Ҳукм, ажрим ва қарор қонуний кучга киргандан сўнг унинг устидан норозилик шикоятини фақат ЖПКнинг 498-моддасида санаб ўтилган процесс иштирокчилари беришга ҳақли. Бу рўйхат қатъий ҳисобланади. Лекин жиноят иши бўйича судланувчи на маҳкум этилмаган, на оқланмаган бўлса, жумладан унга нисбатан иш алоҳида ажратилган ва мазмунан ҳал этилмаган ҳолда унинг судланувчи мақоми сақланиб қолади. У ҳам суд чиқарган ҳукм, ажрим ёки қарордан норози бўлишга ва норозилик шикояти беришга мантиқан ҳақли. Унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳам бундай ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин.

2. Маҳкум, оқланган шахс ва судланувчи суд чиқарган ҳукм, ажрим ва қарорнинг айрим қисмларидан ёки барча қисмидан норози бўлиши мумкин. Оқланган шахс фақат ўз қисматига оид масалалар бўйича эмас, балки у билан бирга суд қилинган барча маҳкумлар ва оқланганларга доир ҳолатлар нотўғри ҳал қилинган деб ҳисоблашга ва бу ҳақда шикоят билан мурожаат қилишга ҳақи бор. Лекин иш бўйича фақат ўзи суд қилиниб оқланган шахс, табиийки, нотўғри, асоссиз, гайриқонуний оқлангани тўғрисида эмас, фақат оқланиш сабаблари ва асосларига доир норозилик билдириб, бу сабаблар ва асослар ҳукмда, ажримда ва қарорда ўзгартирилишини талаб қилишга ҳақли.

3. Қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим ва қарор устидан норози бўлган бир неча маҳкумлар, оқланганлар ҳамда суд қилинганлар биргаликда шикоят беришларини қонун тақиқла-

майди. Шикоятни Кодекснинг 498-моддасида кўрсатилмаган шахслар тузиши, ёзиши ва уни шикоят беришга ҳақли шахс имзолаши мумкин.

4. Фуқаровий даъвогар, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг ёки ажримнинг фақат даъвога дахлдор қисми бўйича шикоят беришга ҳақли. Лекин уларнинг шикоят аризасида иш бўйича бошқа муҳим ҳолатларга оид мулоҳазалар билдирилган бўлса, шикоят бўйича эътироз бериш ва протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар (511-модда) бу ҳолатларни эътиборсиз қолдирилмаслиги лозим.

5. Жиноят ишини норози шахсларнинг шикояти асосида эмас, уларга асосланиб берилган протестга биноан назорат тартибида кўрилади.

511-модда. Ҳукм ва ажрим (қарор) устидан назорат тартибида протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

Чиқарилган ҳукмлар ва ажримлар (қарорлар) билан бирга ишларни назорат тартибида кўриб чиқишга улар фақат апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилганидан кейин қонунда протест билдириш ҳуқуқи берилган суд раиси, прокурор ёки уларнинг ўринбосарлари протест билдиргандагина йўл қўйилади.

Куйидагилар протест билдиришга ҳақли:

1) ***Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси - барча инстанция судларининг ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари - Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларидан ташқари, ҳар қандай суднинг ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан;***

2) ***Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар - жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг ҳукмлари ва ажримлари устидан; ишни апелляция ёки кассация тартибида кўрган тегишинча Қорақалпоғистон Республика-***

си жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судлов ҳайъатларининг ажримлари устидан, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция бўйича қўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно;

3) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори - округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳукмлари ва ажримлари устидан, ишни апелляция ёки кассация тартибида қўрган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ажримлари устидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан биринчи инстанция бўйича қўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно.

1. Ушбу моддада қўрсатилган шахслардан бошқа ҳеч ким, ҳеч қандай мансабдор шахс протест билдириш ҳуқуқига эга эмас. Модданинг иккинчи қисмида муайян суд раиси, прокурор ва уларнинг ўринбосарлари қандай суднинг ҳукми, ажрими, қарори устидан протест билдиришга ваколатли эканлиги қатъий белгиланган.

2. Назорат тартибида протест фақат биринчи инстанция суди чиқарган ҳукм, ажрим, қарор устидан эмас, шу ишлар бўйича иккинчи инстанция судларининг апелляция, кассация ва назорат тартибида чиқарган ажрими ва қарори устидан ҳам берилиши мумкин.

3. Назорат тартибида протест бериш ҳуқуқига эга шахслар ваколатлари доирасидаги судларда қўрилган ишлар билан ўз ташаббуси билан ҳам, турли шикоят ва ахборотлар муносабати билан ҳам танишадилар ва протест билдирадилар.

4. Протестда қайси суд томонидан қандай жиноят иши бўйича чиқарилган ҳукм, ажрим, қарор устидан, қандай асосларда протест билдирилаётгани, суд чиқарган ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш лозимлиги аниқ баён этилган бўлиши керак. Протестга, ундаги фикр-мулоҳазаларни тасдиқлайдиган далиллар ва бошқа ахборотлар илова қилиниши мумкин.

512-модда. Жиноят ишлари нозорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олиш

Ушбу Кодекснинг 511-моддасида кўрсатилган шахслар ўз ваколатлари доирасида текшириш ва нозорат тартибида протест билдириш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун ҳар қандай жиноят ишлари суддан талаб қилиб олишга ҳақлидир.

Ишларни жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларидан талаб қилиб олиш ҳуқуқига Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди раисининг ўринбосари, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раисларининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг ўринбосарлари, туман, шаҳар прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳам эгадир. Ишларни округ ва ҳудудий ҳарбий судлардан талаб қилиб олиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосарлари, округлар ҳарбий прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳам эгадир.

Ишларни талаб қилиб олишга фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, мансабдор шахсларнинг, ишлари нозорат тартибида юритиш ҳақида топшириқ олган адвокатларнинг илтимосномалари, судьялар ва прокурорларнинг тақдимномалари, оммавий ахборот воситаларининг хабарлари, шунингдек, ишлари талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг бевосита шундай қарорга келишлари сабаб бўлади.

1. Жиноят иши бўйича нозорат тартибида протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган ЖПКнинг 511-моддасида кўрсатиб ўтилган шахслар ўз ваколатлари доирасида жиноят ишлари ўз ҳудудидаги судлардан талаб қилиб олишга ҳақли. Бундан ташқари жиноят ишлари бўйича нозорат тартибида протест билдириш ҳуқуқига эга бўлмаса-да, уларни туман (шаҳар) судларидан талаб қилиб олишга Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди раисининг ўринбосари, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари-

нинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг ўринбосарлари ҳамда туман (шаҳар) прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳам ҳақли. Шунингдек, жиноят ишларини округ ва ҳудудий ҳарбий судлардан талаб қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди Раисининг ўринбосари ва Ҳарбий прокурорининг ўринбосарига ҳам берилган. Кўрсатиб ўтилган лавозимли шахслар иш бўйича назорат тартибида протест билдиришга асос бор-йўқлигини текшириб, зарур бўлса протестнинг лойиҳасини тузадилар ва протест билдиришга ҳақли шахсларга ўз фикрларини билдирадилар. Улардан бошқа ҳеч ким жиноят ишини суддан талаб қилиб олиши, бу ҳақда талабномани имзолаши мумкин эмас.

2. Жиноят ишини судлардан талаб қилиб олиш учун фуқароларнинг, мансабдор шахсларнинг, жиноят ишида иштирок этишга ваколати бўлган адвокатларнинг мурожаатлари, суд, прокуратура ходимларининг тақдимномалари сабаб бўлади. Ишни суддан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар оммавий ахборот воситаларидаги ва турли бошқа манбалардаги маълумотлардан фойдаланиб, бевосита ўзлари ишни текшириб кўриш ҳақида фикрга келишлари мумкин.

3. Жиноят иши бўйича протест билдириш масаласини фақат бунга ҳуқуқи бор шахс ҳал қилади ва протест билдириш ёки уни рад этиш ҳақида манфаатдор шахсларга, айниқса мурожаат қилган шахсларга асослантирилган жавоб хати ёхуд протестнинг нусхасини юборади.

4. Жиноят ишини суддан ёзма талабнома асосида олишлик, одатда, у бўйича протест билдиришнинг дастлабки давридир. Лекин жиноят иши бўйича етарли аниқ маълумотлар, жумладан ҳукм ва бошқа ҳужжатларнинг нусхалари асосида ишни суддан талаб қилиб олмай протест билдиришни қонун тақиқламайди.

513-модда. Суд ҳукмлари, ажримларини (қарорларини) назорат тартибида қайта кўриб чиқишга йўл қўйиладиган мuddат

Протестда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда

тутилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек, суднинг оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини (қарорини) назорат тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга киргандан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилади.

1. Назорат тартибида берилган протестда жиноят иши бўйича чиқарилган ҳукм, ажрим ва қарорни бекор қилиш ёхуд ўзгартиш зарурлиги асослантириб кўрсатилади, у нима сабабдан асосли, қонуний ва адолатли эмаслиги ва иш мазмунан қандай ҳал этилиши лозимлиги баён қилинади.

2. Қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим, қарорни бекор қилиш ёки ўзгартиш маҳкумнинг ёки оқланган шахснинг ҳуқуқий аҳволини оғирлаштирадиган бўлса, жумладан оқлов ҳукмини ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажрим (қарор)ни бекор қилиш, айблов ҳукмида кўрсатилган жиноят бўйича ЖКнинг оғирроқ моддаларини қўллаш, жазони кучайтириш билан боғлиқ бўлса, ишни назорат тартибида қайта кўришликка ҳукм, ажрим, қарор қонуний кучга кирганидан бир йил ўтганидан кейин йўл қўйилмайди.

3. Иш бўйича ҳукм, ажрим, қарор қонуний кучга киргандан бир йил ўтгандан сўнг маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб тан олиш, унга қўшимча жазо тайинлаш, жазони ўташ колонияси турини жиддийлаштириш, шунингдек, амнистия актини қўллаб ёхуд бошқа асосларга кўра жазодан озод этишга, жазо муддати ва микдорини камайтиришга, бирор тарзда имтиёз беришга қаратилган суд ажрими ва қарорларини бекор қилиш мумкин эмас.

4. Ушбу моддада назарда тутилган бир йиллик муддат жиноят иши бўйича бекор қилиниши ёки ўзгартиш киритилиши талаб қилинаётган ҳукм, ажрим, қарор қонуний кучга кирган кундан бошланиб, ишни назорат тартибида судда қайта кўриш кунигача ўтган вақтни назарда тутаяди.

514-модда. Назорат протести билдириш ҳақидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш муддатлари

Назорат протести билдириш ҳақидаги илтимоснома бир ойгача бўлган муддатда, иш талаб қилиб олинадиган ва

текшириладиган ҳолларда эса, икки ойгача бўлган муддатда куриб чиқилиши лозим.

1. Ушбу Кодекснинг 511-моддасида кўрсатилган шахслар томонидан фуқаролар, мансабдор шахслар жиноят ишида иштирок этаётган адвокатларнинг илтимослари, судья ва прокурорнинг тақдимномалари, оммавий ахборот воситаларидан келган хабарлар узоғи билан бир ойдан кечикмай кўриб чиқилиши шарт.

2. Илтимоснома, тақдимнома ва хабарларни одилона ҳал қилиш учун жиноят ишини текшириш зарур бўлса, иш судлардан талаб қилиниб олиши даркор. Қонун ишни талаб қилиб олиш учун муддатни белгиламайди, лекин бу масалани ҳал қилишга имкон борича тезроқ киришиш лозим, токи назорат тартибда протест бериш-бермаслик масаласи икки ойдан кечикмай ҳал этилиши керак.

3. Жиноят иши назорат тартибда кўрилишини илтимос қилган шахслар протест билдиришни рад этилганидан норози бўлиб қайтадан мурожаат этишлари мумкин. Бундай ҳолларда ишни қайта текшириш ва протест билдириш ҳақида фикр билдириш бошқа судья ёки прокурорга топширилиши мақсадга мувофиқ.

515-модда. Назорат протести билдириш ҳақидаги илтимоснома бўйича қабул қилинадиган қарорлар

Келиб тушган илтимоснома юзасидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилиниши лозим:

1) илтимосномада келтирилган вазслар ҳукм ёхуд ажрим (қарор)нинг қонунийлиги ва асослилигига шубҳа тугдирса, ишни талаб қилиб олиш ҳақида;

2) илтимосноманинг ўзида, шунингдек, унга қўшиб топширилган ёки текшириш чоғида талаб қилиб олинган суд қарорлари нусхасида ва бошқа материалларда илтимосномада келтирилган вазслар асоссиз бўлиб, протест билдиришга асос бўла олмаслиги кўриниб турса, ишни талаб қилиб олишни рад этиш ҳақида;

3) протест бериш ваколатига эга бўлган бўйсунувчи прокурор ёки қуйи суднинг раиси томонидан ушбу ишга доир

ҳукм ёхуд ажрим (қарор)га протест билдиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинмаган бўлса, илтимосномани уларга жўнатиш ҳақида.

Илтимоснома билан мурожаат этган шахсга, корхона, муассаса ёки ташкилотга қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилинади.

1. Жиноят ишини назорат тартибида текшириш ҳақида илтимоснома бўйича, ушбу моддада кўрсатилганидек, илтимосномадаги вазлар ўринли ва асослантирилган бўлса, ишни суддан талаб қилиб олинishi, акс ҳолда эса илтимосномани қаноатлантириш рад этилиши мумкин.

2. Агар ушбу иш бўйича ҳукм, ажрим, қарорнинг асосли, қонуний ва адолатли эканини текширишни бунга ваколатли қуйи судья ёки қуйи прокурор илгари рад этмаган бўлса, илтимоснома унга жўнатилиши мумкин.

3. Жиноят ишини текшириш фақат илтимосномада кўрсатилган вазлар билан чекланмасдан, ишдаги барча ҳолатлар ҳамда бошқа маҳкумларга оид қисмлар ҳам уларни асосли, қонуний ва адолатли ҳал бўлгани таҳлил этилишини тақозо қилади.

4. Шикоят, илтимоснома, тақдимнома ва хабар тарзида илтимослар билан мурожаат қилганларга жиноят ишини талаб қилиб олиш ва назорат тартибида протест билдириш қаноатлантирилгани ёхуд рад қилингани ҳақида иш бўйича протест билдиришга ваколатли шахс томонидан имзоланган асослантирилган жавоб хати юборилиши даркор.

516-модда. Талаб қилиб олинган жиноят ишини текшириш ва қарор қабул қилиш

Назорат тартибида талаб қилиб олинган жиноят иши протест билдириш ваколатига эга бўлган шахс томонидан ёки унинг топшириғига биноан илгари ушбу ишни кўришда қатнашмаган прокурор ёхуд судья томонидан текширилади.

Ҳукми ёки ажримни (қарорни) қонунга хилоф ва асоссиз деб топган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича

вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар протест билдирадилар ва ишни шу протест билан бирга тегишли назорат инстанцияси судига юборадилар. Протест билдиришга асос бўлган илтимоснома ва бошқа материаллар протестга илова қилинади. Протест билдирилгани ҳақида протест билдиришни сўраб илтимоснома билан мурожаат этган шахсга, корхона, муассаса ёки ташкилотга, шунингдек, маҳкумга, оқланган шахсга, уларнинг ҳимоячиларига ёхуд қонуний вакилларига хабар берилади.

Суднинг қарорига протест билдириш учун асослар мавжуд бўлмаганда ишни текширган прокурор ёки судья асослантилган хулоса тузади, хулоса протест келтириш ваколатига эга бўлган шахс томонидан тасдиқланиб, ишга қўшиб қўйилади. Бу ҳақда илтимосномасига кўра иш талаб қилиб олинган шахсга, корхона, муассаса ёки ташкилотга хабар берилади, иш эса судга қайтарилади.

Ишни талаб қилиб олишнинг ёки протест билдиришнинг рад этилиши устидан юқори суд раисига ёки юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

1. Назорат тартибида талаб қилиб олинган жиноят ишини у бўйича протест билдириш ҳуқуқига эга шахснинг ўзи бевосита текширади ёки шу иш бўйича илгари иштирок этмаган ва бирор қарор қабул қилмаган, фикр билдирмаган прокурор ёки судьяга бу ҳақда топширик беради.

2. Ушбу модда мазмунига кўра, “прокурор” дейилганда унинг ўринбосарлари ва ёрдамчилари ҳам назарда тутилади, “судья” дейилганда эса судьялик лавозимига эга бўлганлардан бошқа суд маҳкамасидаги хизматчилар инobatга олинмайди. Қонун судларда ишларни назорат тартибида текширишни фақат судьялар зиммасига юклайди.

3. Иш билан танишиб, уни таҳлил қилган шахслар ўз фикр-мулоҳазаларини ёзма хулоса шаклида ифодалаб, протест бериш ваколатига эга бўлган суд раиси, прокурор ёки уларнинг ўринбосарларига тақдим этади. Бу муҳим ҳужжатлар асослантилган ва қонуний бўлиши лозим.

517-модда. Ҳукм ва ажрим (қарор) ижросини тўхтатиб туриш

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикасидаги ҳар қандай суднинг протест билдирилган ҳукми ва ажрими (қарори) ижро этилишини келтирилган протест назорат тартибида ҳал қилинғунга қадар тўхтатиб туришга ҳақлидир. Қонуннинг очиқдан-очиқ бузилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлган тақдирда мазкур шахслар жиноят ишини талаб қилиб олиш билан бир вақтда ҳукм, ажрим ва қарорнинг ижросини то улар юзасидан протест билдирилғунга қадар уч ойдан ошмайдиган муддатга тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

1. Жиноят иши бўйича суд чиқарган ва қонуний кучга кирган ҳужжатлар, чунончи, ҳукм, ажрим ва қарорлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига мувофиқ барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

2. Ҳеч ким, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг юқори лавозимли ходимлари ҳам суд ҳужжатлари бажарилишини тўхтатиб қўйишга ҳақи йўқ. Мансабдор шахсининг суд ёки судья чиқарган ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни бажармаслиги ёхуд уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилиши ЖКнинг 232-моддасига биноан жиноят ҳисобланади.

3. Жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатлари ижро этилишини вақтинча тўхтатиб қўйишга фақат Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси ва унинг ўринбосарлари ҳақли. Улар ҳар қандай суднинг назорат тартибида протест билдирилган ҳукми, ажрими, қарорининг ижросини шу протест кўрилиб ҳал қилинганига қадар тўхтатиб туришлари мумкин. Шунингдек, улар агар жиноят иши бўйича суд ҳужжати қонунни очиқдан-очиқ бузиб чиқарилганини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлса, бу ҳақда протест билдирилғунга қадар уч ой муддатга ҳукм, ажрим, қарорнинг ижросини тўхтатиб қўйишга ҳақли.

4. Жиноят иши бўйича ҳукм, ажрим, қарор асоссиз, қонунга зид ёки адолатсиз экани ва шу сабабли ижроси тўхтатилиши

ҳақида ҳар қандай фуқаро ва мансабдор шахс ўз фикрини билдириши, мурожаат қилиши мумкин. Бундай маълумотлар суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларида синчиклаб текширилиши ҳамда улар асосли бўлса, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий судига хабар берилиши шарт. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори жиноят ишینی текшириб протест билдириш масаласини ҳал қилгунга қадар ҳукм, ажрим, қарорнинг ижросини тўхтатиб туриш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси номига тақдимнома йўллайди.

5. Ҳукм, ажрим, қарорнинг ижросини тўхтатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси ва унинг ўринбосарлари чиқарган қарор дарҳол амалга оширилиши лозим.

518-модда. Протестни қайтариб олиш

Протест берган шахс протестни қайтариб олишга ҳақли. Юқори турувчи прокурор ўзига бўйсунувчи прокурор билдирган протестни қайтариб олишга ҳақли. Протестни қайтариб олишга фақат назорат инстанцияси суди ишینی кўришни бошлашга қадар йўл қўйилади. Протест ва уни қайтариб олиш тўғрисидаги ҳужжат ишда қолдирилади.

1. Ҳукм, ажрим, қарорни назорат тартибида бекор қилиш ёки ўзгартиш ҳақида протест билдирган шахс, ишینی назорат инстанцияси судида кўрилиши бошланганга қадар, ўз протестини хато, асоссиз ва қонунга зид эканини ёзма шаклда эътироф этиб, уни кўрилмаслигини илтимос қилишга ҳақли. Иш назорат тартибида кўриляётганда протестни кўришни тўхтатиб, қайтариб бериш мумкин эмас.

2. Моддада “протестни қайтариб олиш” ибораси ишлатилган бўлса-да, аслида ундан воз кечиб назарда тутилган. Чунки модданинг охиридаги жумлага мувофиқ, “протест ва уни қайтариб олиш тўғрисидаги ҳужжат ишда қолдирилади”. Бу қоида келгусида протестнинг мазмуни ва ундан воз кечилганига оид юз бериши мумкин бўлган фикр-мунозараларга тўғри баҳо беришни кафолатлайди.

3. Юқори турувчи прокурор унга бўйсунувчи прокурорнинг протестини ҳаракатсиз қолдиришга ваколати бор. Лекин юқори

суднинг раисига ва унинг ўринбосарларига қуйи суд раиси билдирган протестни ҳаракатсиз қолдириш ҳуқуқи берилмаган. Агар протест билдирган суд раиси ўз протестидан воз кечмаса, ишни назорат тартибида кўришни юқори суд раиси тақиқлашга ваколатли эмас.

4. Назорат тартибида протест билдирган шахснинг ўз протестидан воз кечиши келгусида шу иш бўйича бошқа ваколатли шахс томонидан протест билдирилиши тусқинлик қилмайди.

519-модда. Жиноят ишларини протестлар бўйича назорат тартибида кўрувчи судлар

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раёсатлари мазкур судларнинг жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари кўрган ишлар бўйича чиқарилган тегишли апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раёсатларининг қарорлари устидан, шунингдек, мазкур судлар томонидан биринчи инстанция тариқасида кўрилган ишлар бўйича чиқарилган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раёсати мазкур суднинг округ ва ҳудудий ҳарбий судлар томонидан кўрилган ишлар бўйича чиқарилган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатининг қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди биринчи инстанция тариқасида кўрган ишлар бўйича мазкур суд чиқарган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг апелляция ва кассация ажримлари устидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг назорат тартибида чиқарилган ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарорлари устидан назорат тартибида билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Зарур ҳолларда протестлар бўйича ишлар Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судини, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини четлаб ўтиб, назорат тартибида бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кўрилиши мумкин.

1. Ушбу модданинг ҳар бир қисмида қандай суднинг раёсатида ёки судлов ҳайъатида қайси суд томонидан чиқарилган суд ҳужжати устидан билдирилган протест кўрилиши белгилаб кўйилган. Жумладан:

- Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раёсатлари – ўз ҳудудларидаги туман (шаҳар) судлари кўрган ишлар бўйича апелляция ва кассация тартибида чиқарган ажримлари устидан билдирилган протест бўйича ишларни;

- Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати – Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раёсатларининг қарорлари устидан, шунингдек, мазкур судлар томонидан биринчи инстанция тариқасида кўрилган ишлар бўйича чиқарилган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раёсати – шу суднинг округ ва ҳудудий ҳарбий судлари кўрган ишлари

бўйича апелляция ва кассация тартибида чиқарилган ажримлар устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни;

- Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатининг қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди биринчи инстанция тариқасида кўрган ишлар бўйича мазкур суд чиқарган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни;

- Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати – жиноят ишлари бўйича шу суд судлов ҳайъатининг ва ҳарбий ҳайъатнинг апелляция ва кассация тартибида чиқарган ажримлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатлари назорат тартибида чиқарган ажримлар устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни;

- Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми – шу суд Раёсати чиқарган қарорлар устидан назорат тартибида билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

2. Зарур бўлганда, жумладан раёсатда кворум бўлмаса, назорат тартибида протест муносабати билан жиноят ишлари бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўрилиши мумкин.

3. Юқори суд инстанцияси томонидан назорат тартибида кўрилган жиноят ишини келгусида қуйи инстанция судида кўрилиши мумкин эмас. Ҳар бир суд инстанциясида жиноят ишини назорат тартибида, ким томонидан ва қандай асосларда протест билдирилганидан қатъи назар, икки марта кўрилишига йўл қўйилмайди.

4. Жиноят ишини назорат тартибида кўрувчи судлов ҳайъатлари уч нафар судьядан иборат бўлади. Суд раёсатида иш кўриш учун раёсат аъзоларининг кўпчилиги, Олий суд Пленумида эса, унинг барча аъзоларидан учдан иккиси ҳозир бўлиши шарт. Ишни назорат тартибида кўришда судлов ҳайъати ва Раёсати таркибида шу иш бўйича илгари ҳукм, ажрим, қарор чиқаришда қатнашган судья иштирок этиши мумкин эмас. Судьянинг жиноят ишини кўришда иштирок этишига монелик қиладиган барча ҳолатлар ЖПКнинг 76-моддасида кўрсатилган.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари томонидан назорат тартибида билдирган протест Ўзбекис-

тон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъати, Раёсати ёки Пленумида кўрилади.

520-модда. Назорат инстанцияси судида жиноят ишhini кўриш тартиби

Назорат инстанцияси судида жиноят иши ушбу Кодекснинг 506-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан кўрилади. Агар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раёсатида ишhini кўриш чоғида протестни қаноатлантириш тарафдорлари билан қаршилар овози тенг келиб қолса, протест маҳкум (оқланган шахс) фойдасига ҳал қилинган ҳисобланади, маҳкумнинг (оқланган шахснинг) аҳволини оғирлаштириш ҳақидаги масала қўйилган протест эса рад этилади.

1. Жиноят иши назорат инстанцияси судида худди кассация тартибидагидек кўрилади. Шу сабабли бу ҳақда ЖПК 506-моддасига берилган шарҳлардан фойдаланиш мумкин.

2. Назорат тартибида иш кўриш учун вилоят суди ва унга тенглаштирилган судларнинг Раёсатларида, илгари шу ишhini кўрган судлардан бошқа суд аъзоларининг ярмидан кўпи ҳозир бўлиши шарт. Ишhini кўриш чоғида бевосита қатнашмаган ҳайъат аъзоси, Раёсат ва Пленум аъзолари иш бўйича бирор масалани ҳал этишда иштирок этиши ва фикр билдириши мумкин эмас.

3. Жиноят ишhini назорат тартибида кўриладиган кун ҳақида процесс иштирокчиларига хабар берилади. Ишнинг кўрилиши-ни бошқа кунга қолдиришга фақат узрли сабаблар бўлганда йўл қўйилади. Процесс иштирокчилари, ўз вақтида ва тегишли тартибда огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан, судга келмасалар ва келмаслик сабаблари узрли эканлиги ҳақида бирон-бир тарзда маълум қилмаган бўлсалар, ишhini уларнинг иштирокисиз кўриш мумкин. Лекин уларга суд мажлиси қачон ва қаерда бўлиши ҳақида хабар берилмаган бўлса, ишhini кўриш кейинга қолдирилиши лозим.

4. Жинойт процессининг манфаатдор иштирокчилари иш юзасидан берилган шикоят, билдирилган протест, улар буйича эътирозлар ва тўпланган кўшимча хужжатлар билан танишишга ҳамда ўз фикр-мулоҳазалари, эътирозларини билдиришга ҳақли. Ана шу ҳуқуқ таъминланган, манфаатдор шахсларга иш материаллари билан танишиш учун реал имконият берилган бўлсагина ишни назорат тартибида кўришга йўл қўйилади.

5. Назорат тартибида иш кўришда ишнинг мазмунини маъруза қилиши суд ҳайъати, раёсати ёки Пленумнинг аъзоларидан бирига ҳайъат раиси ёхуд тегишли суд раиси томонидан топширилади. Маъруза жинойт иши, у буйича чиқарилган ҳукм, ажрим, қарор ва унинг устидан билдирилган протестнинг мазмунини баён қилиш билан чекланади. Маърузачи судьяга ишнинг баъзи ҳолатлари ҳақида бошқа судьялар ва суд мажлисида иштирок этаётган прокурор, ҳимоячи ва ишдан манфаатдор тарафлар аниқловчи саволлар беришлари мумкин. Маърузачи иш ҳолатлари ва улар буйича протест ҳақида фикр билдириши мумкин эмас.

521-модда. Юқори суд ажримлари ва қарорларини назорат тартибида бекор қилиш ҳамда ўзгартириш

Назорат инстанцияси суди биринчи инстанция суди чиқарган ҳукмни қонунга хилоф ва асоссиз деб топиб, бу ҳукмни ҳамда шунингдек, апелляция ёки кассация ажримини, шунингдек, назорат тартибида чиқарилган ажримлар ва қарорларни, агар улар туфайли ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган бўлса, бекор қилади ёки ўзгартиради. Бунда ушбу Кодекс 490-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қарорлардан бири қабул қилиниши мумкин.

Протестни кўриб чиқаётган суд олдинги ҳукм ёки ажрим асоссиз равишда бекор қилинган ёки ўзгартирилган, апелляция, кассация ёки назорат тартибида ишни кўриш чоғида қонуннинг бузилишига йўл қўйилган ва бу ажрим ёки қарорни тўғри чиқаришга таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин эди деб эътироф этган тақдирда апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ажримлари, назорат инстанцияси судининг ажримлари ва қарорлари ҳам бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши лозим.

Суд назорат тартибида чиқарилган ажрим ёки қарорни бекор қилар экан, биринчи инстанция судининг ҳукмини ва апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ажримини ўзгартиришлар билан ёки ўзгартиришсиз ўз кучида қолдиришга ҳақлидир.

1. Назорат инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳукмини қонунга зид ва асоссиз деб ҳисобласа, иш бўйича илгари апелляция, кассация, назорат тартибида чиқарилган ажрим ва қарорларни ҳам бекор қилади ёки ўзгартиради. Бу ҳолда назорат инстанцияси суди ЖПКнинг 490-моддасида кўрсатилган қарорлардан бирини қабул қилади.

2. Назорат инстанцияси суди иш бўйича биринчи инстанция судининг ҳукми ёки ажримини тўғри эканини эътироф қилиб, уни бекор қилиш ёхуд ўзгартириш ҳақида апелляция ва кассация тартибида илгари чиқарилган ажримларни бекор қилиши мумкин. Иш бўйича биринчи инстанция судининг ҳукми ёки ажрими бекор қилинганида назорат инстанция суди ишни қўшимча терговга ёки судда мазмунан қайтадан кўришга юборади ёхуд ишни тугатади.

3. Жиноят иши бўйича ҳукм, ажрим, қарорни бекор қилиб, ишни қўшимча терговга ёки судда янгитдан кўришга юбораётганида назорат инстанцияси суди ўз қарорида қайси ҳолатлар бунга сабаб бўлгани ва уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиши лозим. Лекин назорат инстанцияси суди иш бўйича судланувчининг қайси айби исботланганлиги, қайси далил ишончли ва бошқа далиллардан афзаллиги, қилмиш ЖК Махсус қисмининг қайси моддаси билан тавсифланиши лозимлиги ҳамда қандай жазо тайинланиши тўғрисида олдиндан фикр билдиришга ҳақли эмас.

4. Жиноят ишини назорат тартибида кўрган суд дастлабки тергов ва куйи судлар йўл қўйган қонун бузилишларининг оқибатини бартараф қилиши лозим. Агар бунинг учун зарур бўлса, назорат инстанцияси суди қисман тергов ўтказиш ва ҳукмга, ажримга, қарорга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритишга ҳақли. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят ишларини назорат тартибида кўриш амалиёти тўғрисида” 2008 йил 15 майдаги қарорида кўрсатилган.

Назорат тартибида иш кўриш чоғида суд зарур бўлган баъзи тергов ҳаракатларини бевосита ўзи ўтказмай, уларни дастлабки тергов органи зиммасига юклаши ҳам мумкин.

5. Назорат инстанция суди маҳкумга нисбатан жазонинг муддати ва миқдорини камайтириши ёки жазонинг оғирини енгили билан алмаштириши, шартли ҳукм ўрнига жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, хизмат бўйича чеклаш жазоси тайинлаши мумкин. Назорат инстанция суди ҳукмнинг кўшимча жазо тайинлаш ҳақидаги қисмини ҳам чиқариб ташлаши, ўзгартириши ёки ўзгартмай қолдириши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят ишларини назорат тартибида кўриш амалиёти тўғрисида” 2008 йил 15 майдаги қарорининг 25-бандига қаранг).

Ҳукмда фуқаровий даъвога оид масала ҳал қилинмаган ёхуд уни ҳал этишда хатоликка йўл қўйилган бўлса, назорат инстанцияси суди ҳукмга тегишли ўзгартишлар киритиши, жумладан ундирилмаган пул ёки нарса миқдорини аниқлаши мумкин. Аммо янги аниқланган миқдор жиноятнинг тавсифига таъсир қилса ва маҳкумнинг ҳолатини оғирлаштиради, бу ҳақда қўйилган масала прокурорнинг протестида кўрсатилган бўлиши шарт. Акс ҳолда назорат инстанцияси суди маҳкумнинг аҳволини ўз ташаббуси билан оғирлаштиришига йўл қўйилмайди (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят ишларини назорат тартибида кўриш амалиёти тўғрисида” 2008 йил 15 майдаги қарорининг 40-бандига қаранг).

6. Жиноят ишини назорат тартибида кўриш чоғида суд айбловнинг баъзи қисмларини тасдиқ бўлмаган деб ҳисоблаши мумкин.

Агар маҳкум бир қанча жиноятларни содир этишда айбланган бўлиб, улардан баъзиларини назорат инстанцияси суди тўла исботланмаган ва кўшимча текширилиши лозим деб топса, тўла исботланган жиноятлар бўйича ҳукми ўз кучида қолдириб, ишнинг бошқа айбловга оид қисмини кўшимча терговга ёхуд биринчи инстанция судида янгитдан кўришга қайтариши мумкин.

7. Назорат инстанцияси суди маҳкумнинг қилмишлари нотўғри тавсиф этилган деб ҳисобласа, маҳкумнинг ҳуқуқий

ахволини ёмонлаштирмайдиган ҳолатда ҳукмга ўзгартириш киритиши мумкин. Агар ЖК Махсус қисмининг янги қўлланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиш муддати ўтган ёки амнистия акти қўлланиб шахс жазодан озод қилиниши ёхуд жиноят иши қўзғатилмаслиги тақозо этилса, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқорида кўрсатилган қарорига кўра, жиноят иши ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 1-2-бандлари асосида тугатилиши даркор.

8. Қуйидаги ҳолатларда апелляция, кассация, назорат тартибида чиқарилган ажрим ёки қарор қонунга хилоф қабул қилинган деб ҳисобланади ва агарда:

- уларда биринчи инстанция судининг ҳукми ёки ажримини бекор қилишга сабаб бўлган ҳолатлар кўрсатилмаган ёхуд нотўғри баён қилинган бўлса;

- протестда кўрсатилган важлар текширилмаган ва уларни нотўғрилиги асослантилмаган бўлса;

- ишни назорат тартибида кўриш вақти ва жойи ҳақида унда иштирок этишга ҳақли шахслар хабардор қилинмаган ёхуд уларга протестнинг нусхаси берилмагани сабабли эътироз билдиришга имконият яратилмаган бўлса бекор қилиниши лозим.

522-модда. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш учун асослар

Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлашга қуйидагилар асос бўлади:

1) жабрланувчи ёки гувоҳнинг била туриб ёлгон кўрсатув ёхуд экспертнинг била туриб ёлгон хулоса бергани, шунингдек, ашёвий далиллар, тергов ҳамда суд ҳаракатлари баённомалари ва бошқа ҳужжатлар сохта эканлиги ёки била туриб ёлгон таржима қилингани қонунга хилоф ва асоссиз ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқарилишига сабаб бўлганлиги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

2) иш бўйича тергов ўтказган суриштирувчи ёки терговчи ёхуд терговнинг бориши устидан назорат қилган прокурор томонидан қонунга хилоф ва асоссиз ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқаришга олиб келган жинойи суиистеъмолларга йўл қўйилгани суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

3) *мазкур ишни кўриш чоғида судьяларнинг жиноий суиистеъмолларга йул қўйгани суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;*

4) *ҳукм ёҳуд ажрим (қарор) чиқариш чоғида судга маълум бўлмаган, уз ҳолича ёки илгари аниқланган ҳолатлар билан биргаликда маҳкумнинг айбсизлигидан ёҳуд у ҳукм этилганига нисбатан оғирлик даражаси бўйича бошқа жиноят содир этганлигидан ёҳуд оқланган ёки иши тугатилган шахснинг айбдорлигидан далолат берадиган бошқа ҳолатлар.*

1. Янги очилган ҳолатлар деб, жиноят иши бўйича ҳукм, ажрим, қарор чиқарилган ва қонуний кучга кирган пайтдаёқ мавжуд бўлган, лекин судга маълум бўлмаган ёҳуд кейин юз берган ва турли сабаблар билан инobatга олинмаган, ишни қонуний, асосли, адолатли ҳал этиш учун жиддий аҳамиятга эга бўлган ҳолатларга айтилади. Улар судланувчини нотўғри маҳкум этилгани, жазолангани ёҳуд асослар бўла туриб хато оқлангани, жазоланмаганига оид бўлади. Янги очилган ҳолатлар суд ҳатоларининг оқибатларини бартараф этишнинг муҳим омилидир.

2. Янги ҳолатлар муносабати билан жиноят иши фақат прокурор томонидан ана шу ҳолатларни текшириш, аниқлаш ва уларнинг моҳиятига баҳо бериш учун кўзғатилади. Янги ҳолатлар очилганидан сўнг илгари кўрилиб, ҳукм, ажрим, қарор қабул қилинган ишни қайта юритиш эса, прокурорнинг протести асосида юқори суд томонидан назорат тартибида иш кўриш қоидаларига биноан ҳал этилади.

3. Ушбу моддада янги очилган, кутилмаган ҳолатлар аниқлангани муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш учун асослар кўрсатилган. Улардан модданинг 1, 2 ва 3 бандларида баён этилганлари шахсларнинг мурожаати ёҳуд давлат органларининг маълумотномалари билан эмас, улар асосида суд чиқарган ва кучга кирган ҳукм билан аниқланган бўлмоғи лозим.

4. Бирор жиноят иши бўйича чиқарилган ҳукм, ажрим, қарор, агар била туриб берилган ёлғон кўрсатув, нотўғри эксперт хулосаси, сохта ашёвий далил, сохта баённома, атайин қилинган нотўғри таржимага асосланган бўлса, суриштирувчи, тер-

говчи, прокурор ёхуд судьянинг жиноий суиистеъмол қилгани, шунингдек, судьяга ўз вақтида маълум бўлмаган ҳолатлар маҳкумнинг айбсизлиги ёки оқланган шахснинг айбдорлигидан далолат берса, ишни юритиш қайтадан бошланиши даркор.

5. Янги очилган ҳолатлар жиноят ишини қайта тергов қилиш ёки судда қайта кўришни тақозо қилади. Бундай ҳолларда прокурорнинг хулосасига биноан янги ҳолатлар тергов ўтказиш йўли билан аниқланади ва тўпланган материаллар асосида назорат инстанцияси судига хабар берилади.

6. Янги очилган ҳолатлар сабабли бекор қилиниши лозим бўлган ҳукм, ажрим, қарор, одатда асоссиз айблаш, маҳкум қилиш ёки асоссиз равишда жавобгарликдан озод қилиш, оқлаш тарзида бўлиши мумкин. Кўпинча бундай ҳолатлар айбсиз шахсга нисбатан тухматомуз сунъий далиллар тайёрлаш, ўзга шахснинг айбини яшириш, айбланувчи тирик бўлса-да, уни вафот этгани ҳақида қалбаки ҳужжат тузиш, жиноят содир этган шахсни ақли норасолиги ҳақида эксперт сохта хулоса бериши кабиларда ифодаланади.

7. Янги очилган ҳолатлар иш бўйича ғайриқонуний ҳукм, ажрим, қарорни бекор қилиш, ҳақиқатни аниқлаб адолатни тиклаш билан бирга, шу иш бўйича сохта далиллар уюштирган, ўз хизмат лавозимини суиистеъмол қилган шахсларни жиноий таъқиб этишни ҳам тақозо қилади.

523-модда. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш муддатлари

Янги очилган ҳолатлар муносабати билан айблов ҳукмини маҳкумнинг манфаатини кўзлаб қайта куриб чиқиш ҳеч қандай муддатлар билан чегараланмайди.

Маҳкумнинг ўлими уни реабилитация қилиш мақсадида иш юритишни янги очилган ҳолатлар муносабати билан қайтадан бошлашга тўсқинлик қилмайди.

Оқлов ҳукмини ёки ишни тугатиш ҳақидаги суднинг ажримини (қарорини) қайта куриш, шунингдек, суднинг айблов ҳукмини ва ажримини (қарорини) жазонинг енгилиги ёки огирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш зарурлиги сабабли қайта куриш фақат Жиноят кодексининг 64-моддасида белгиланган жавобгарликка тортиш муддати

давомида ва янги ҳолатлар очилган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмасдан амалга оширилиши мумкин.

Янги ҳолатлар очилган кун қуйидагича ҳисобланади:

1) ушбу Кодекс 522-моддасининг 1-3-бандларида назарда тутилган ҳолларда - сохта далиллар тақдим этганликда, била туриб нотўғри таржима қилганликда ёки иш бўйича тергов юритишда ёхуд ишни судда қўришда жиноий суиистеъмол содир этганликда айбли шахсларга нисбатан чиқарилган ҳукм қонуний кучга кирган кун;

2) ушбу Кодекс 522-моддасининг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда - янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисида прокурор қарор чиқарган кун.

1. Ноконуний айбдор деб ҳукм этилган шахсни жавобгарликдан озод қилиш, уни реабилитация қилиш, қонунсиз айблангани, жазоланганлиги сабабли давлат номидан узр сўраш ва тавон тўлаш лозим. (Бу ҳақда ЖПКнинг 37 бобидаги қоидаларга қаранг). Айби бўла туриб, сохта далиллар асосида ёки суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ўз ваколатини жиноий суиистеъмол натижасида эвазига оқланган шахс эса, тегишли жавобгарликка тортилиши шарт. Лекин бу масалани ҳал этишда жиноий жавобгарликка тортиш муҳлатлари тўғрисидаги ЖКнинг 64-моддасига риоя қилиш лозим.

2. Маҳкум вафот этган бўлса-да, жиноят ишини янги очилган ҳолатлар муносабати билан қайтадан бошлаш ва адолатни тиклаш шарт.

3. Жиноят ишини янги очилган ҳолатлар муносабати билан қайта юритиш, шу ҳолатлар очилган кундан бошлаб бир йил давомида амалга оширилиши лозим. Янги ҳолатлар очилган кунни аниқлаш қоидаси ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган.

524-модда. Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатиш

Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатиш ҳуқуқига прокурор эга.

Фуқароларнинг мурोजаатлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг, жамоат бир-

лашмаларининг хабарлари, оммавий ахборот воситаларининг маълумотлари, шунингдек, бошқа жиноят ишлари бўйича бевосита тергов юритиш ёки судда қуриб чиқиш жараёнида олинган маълумотлар янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатишга сабаб бўлади.

Ушбу Кодекс 522-моддасининг 1-3-бандларида назарда тутилган ҳолатлардан бири бўйича етарли маълумотлар бўлса, прокурор жиноят ишини қўзғатади, кейин иш умумий тартибда тергов қилинади ва қуриб чиқилади.

Ушбу Кодекс 522-моддасининг 4-бандида назарда тутилган ҳолатлар бўйича маълумотлар мавжуд бўлса, прокурор ўз ваколати доирасида янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради ва иш юзасидан тергов олиб боради ёхуд буни терговчига топширади.

Прокурор янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатишга асос йўқ деб ҳисобласа, ўз қарори билан иш қўзғатишни рад этади. Бу ҳақда иш қўзғатиш сўраб илтимоснома билан мурожаат қилган шахсга хабар берилиб, унга қарор юзасидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

1. Жиноят ишини қайта юритиш учун асос бўладиган ҳолатлар тўғрисида хабар ёки ариза прокурор томонидан қуриб чиқилиши ва текширилиши лозим. Бундай текширувларни судлар юритмайди, чунки янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатиш ҳақида қарор чиқариш прокурорнинг ваколатига киради.

2. Иш юритишни янгитдан қўзғатиш учун фуқароларнинг мурожаатлари, мансабдор шахслар ва жамоат бирлашмаларининг хабарлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг маълумотлари, шунингдек, тергов жараёнида ёки суд иш қуриши чоғида аниқланган маълумотлар сабаб бўлади.

3. Прокурор қўзғатган жиноят иши бўйича бевосита ўзи ёки терговчи умумий процессуал қоидаларга риоя қилиб тергов ўтказади. Агар иш қўзғатишни тақозо қиладиган маълумотларни қуриб чиқиш ҳудуд жиҳатидан ёки иш ҳолатларининг мазмуни бўйича мазкур прокурорнинг ваколатига кирмаса, маълумотлар тегишли юқори турувчи прокурорга юборилади.

525-модда. Янги очилган ҳолатлар юзасидан тергов ўтказиш

Янги очилган ҳолатлар юзасидан тергов ўтказиш қонун бўйича жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўладиган ҳолатларни аниқлаш билан чекланади. Бунда ушбу Кодексда назарда тутилган қондаларга риоя қилинган ҳолда сўроқ қилиш, қўздан кечириш, экспертиза ўтказиш ва бошқа зарур тергов ҳаракатлари ўтказиш мумкин.

1. Янги ҳолатларни текшириш учун қўзғатилган иш бўйича тергов умумий процессуал қонунларга риоя қилиб ўтказилади ва ҳукм, ажрим, қарор асосли қонуний ва адолатли эканини аниқлаш билан чекланади.

2. Аниқланган сохта гувоҳлик, сохта далил, била туриб ёлғон хабар бериш, нотўғри эксперт хулосаси бўйича ҳамда жиноят ишини юритишга масъул шахсларнинг ўз хизмат ваколатини суиистеъмол этгани бўйича жиноят ишлари аввалги жиноят ишидан айрим ҳолда юритилади.

526-модда. Янги очилган ҳолатлар бўйича тергов тамомланганидан кейин прокурорнинг ҳаракатлари

Иш юритишни қайтадан бошлашга асослар мавжуд бўлганда прокурор ишни судга юборади. Ушбу Кодекс 522-моддасининг 1-3-бандларида назарда тутилган ҳолларда иш судга прокурорнинг протести ҳамда қонуний кучга кирган ҳукмнинг нусхаси билан, ўша модданинг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда эса, тергов материаллари билан биргаликда юборилади.

Иш юритишни қайтадан бошлаш учун асослар бўлмаса, прокурор ўз қарори билан ишни тергов қилишни тугатади. Бу ҳақда манфаатдор шахсларга хабар берилади ва уларга қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

1. Янги ҳолатларни текшириш учун қўзғатилган жиноят иши бўйича ҳақиқатан ҳам бундай ҳолатлар мавжуд экани туғрисида асослар етарли бўлса ва улар иш бўйича қонуний кучга кирган

ҳукм, ажрим, қарорнинг ғайриконуний, асоссиз, адолатга зид эканидан дарак берса, прокурор ишни ўз хулосаси баён этилган протест билан назорат инстанцияси судига юборади. Суд иш бўйича чиқарилган ҳукм, ажрим, қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида ажрим (қарор) чиқаради.

2. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш бўйича ҳукм, ажрим, қарорни бекор қилган суд ишни тугатиши, уни қўшимча терговга ёки судда қайтадан кўришга юбориши мумкин.

3. Прокурор унга келган маълумотларни текшириш натижалари бўйича янги очилган ҳолатлар асосида жиноят ишини қайта юритиш учун асослар йўқ деб ҳисобласа, иш қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқаради ва бу ҳақда муружаат қилган шахсга хабар беради. Бундай қарор устидан юқори турувчи прокурорга норозилик шикоятни берилиши мумкин.

527-модда. Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш ҳақидаги масаланинг суд томонидан ҳал қилиниши

Прокурорнинг янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисидаги протести:

1) туман (шаҳар) судлари ва гарнизон ҳарбий судлари томонидан ҳукм ёки ажрим чиқарилган ишлар бўйича - тегишли юқори суднинг раёсатида;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судлари, шунингдек, Қуролли Кучларнинг ҳарбий суди томонидан ҳукм, ажрим, қарор чиқарилган ишлар бўйича - Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли ҳайъатларида;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ҳукм ва ажрим чиқарилган ишлар бўйича - Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатида;

4) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати ёки Пленуми томонидан қарор чиқарилган ишлар бўйича - Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумида кўриб чиқилади.

1. Ушбу модда янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритишни қайтадан бошлаш ҳақида прокурорнинг протестини кўрувчи суд инстанцияларини белгилайди.

2. Туман (шаҳар) жиноят ишлари бўйича судлари ва гарнизон ҳарбий судлари чиқарган ҳукм ва ажримни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида протест – Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раёсатида кўрилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди чиқарган ҳукм, ажрим, қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида протест – тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ёки ҳарбий ҳайъатида кўрилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди чиқарган ажримни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида протест – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатида кўрилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати ёки Пленуми чиқарган қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида протест – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумида кўриб чиқилади.

6. Шунинг ҳам эътиборга олиш керакки, жиноят ишини илгари назорат тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судида кўрилган бўлса, янги очилган ҳолатлар муносабати билан ҳукм, ажрим, қарорни бекор қилиш ҳақида протестни қуйи суд инстанцияларида кўрилиши мумкин эмас.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумида илгари назорат тартибида кўрилган жиноят иши бўйича янги очилган ҳолатлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори Олий суд Раиси номига тақдимнома киритади ва иш Олий суд Раисининг протести асосида кўрилиши мумкин (Бу ҳақда ЖПКнинг 511-моддасига қаранг).

ЎН ИККИНЧИ БЎЛИМ ҲУКМ, АЖРИМ, ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ

58-БОБ. ҲУКМ, АЖРИМ, ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТИЛИШИ

528-модда. Ҳукмнинг қонуний кучга кириши ва уни ижро этиш

Ҳукм унинг устидан апелляция шикоятни бериш ва протест билдириш муддати ўтиши билан қонуний кучга киради. Апелляция шикоятни берилган ёки протест билдирилган тақдирда ҳукм, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори суд кўриб чиққан кун қонуний кучга киради.

Маҳкумлар икки ва ундан ортиқ бўлган тақдирда, башарти шулардан лоақал бирига нисбатан ҳукм устидан шикоят берилган ёки протест билдирилган бўлса, юқори суд ишни кўриб чиққунига қадар маҳкумларнинг ҳаммасига нисбатан ҳукм қонуний кучга кирмай туради.

Ҳукм қонуний кучга кирган ёки иш апелляция инстанцияси судидан қайтарилган кундан бошлаб уч кундан кечикмай, ҳукм чиқарган суд томонидан ижро этирилади. Иш фақат биринчи инстанция судига юборилиши лозим, прокурорга ёки бошқа судга юборилиши мумкин эмас.

1. Кодекснинг ушбу бобида суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар тарзида турли поғона судлари (судьялари) қабул қилган ҳукм, ажрим ва қарорлар назарда тутилади. Судья ёки суд раиси имзолаган бошқа хил хат-ёзишмалар ушбу боб моддаларида назарда тутилган суд ҳужжатлари жумласига кирмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасида кўрсатилганидек, суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Улар Ўзбекистон Республикасининг қонунлари каби белгиланган тартибда кучга киради. Маълумки, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар кучга кириши ва ҳаётда қўлланиши учун матбуотда эълон қилиниши шарт (Конституциянинг 83-моддаси). Суд чиқарган ҳужжатлар, шу жумладан

ҳукм суд мажлисида эълон қилингани ҳамон барча учун мажбурий ҳисобланади. Суднинг айрим ҳужжатлари (масалан, шахсни судга мажбурий келтириш, кидирув эълон қилиш, жиноят туфайли етказилган зиённинг қопланишини таъминлаш учун судланувчига тегишли мулкни хатга олиш каби баъзи процессуал ҳаракатларни бажаришга оид хусусий ажрим ва қарорлари) бевосита тегишли давлат органи ёхуд мансабдор шахсга юбориш йўли билан ижро этилади.

3. Ҳукмнинг ижро этилиши – бу суднинг ҳукмда баён қилинган қарорини амалга ошириш, судланувчини ҳукмга асосан жазолаш ёки оқлаш, жиноят оқибатида етказилган зиённи ва суд ҳаражатларини ундириш демакдир.

Суд ҳужжатларини ижро этиш билан боғлиқ иш юритиш жиноят процессидаги анъанавий босқичлардан фарқ қилади. Биринчидан, у жиноятни ҳақиқатан ҳам ким содир этганини аниқлашга қаратилмаган. Иккинчидан, у жиноят ишини юриштининг давоми ёки яқунловчи босқичи ҳам эмас, чунки, суд ҳужжатларини ижро этишга оид муаммолар юз бермаслиги ва, аксинча, бир неча марта, ҳатто назорат тартибида иш юритишдан сўнг ҳам уларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар, чунончи шахсни реабилитация қилиш заруратини суд ҳал қилишига тўғри келади.

4. Ҳукм, ажрим, қарорларни ижро этиш давлат ижроия ҳокимияти органларининг вазифасидир. Уларнинг вақтида ва тўла ижро этилиши ҳақида судлар ижроия органларига тегишли топшириқ бериши ва талаблар қўйиши, уларнинг илтимосномаси ёки тақдимномасига кўра, суд ҳужжатларининг мазмунига оид тушунтиришлар бериши мумкин.

Суд ҳукмининг тўғри ижро этилишини текшириш ва назорат қилиш давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда прокурор томонидан ЖИКнинг 16-17-моддалари ва “Прокуратура тўғрисида” Қонуннинг 30-32-моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

5. Бирорта ҳокимият бошқарув органи ёки мансабдор шахс суд ҳужжатларининг ижросини тўхтатишга ҳақли эмас. Бундай ваколат фақат Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси ва унинг ўринбосарларига берилган. Улар протест билдирилган ишни назорат тартибида ҳал қилингунга қадар, фавқулодда ҳолларда, қонуннинг очикдан-очик бузилганини тасдиқловчи

далиллар мавжуд бўлган тақдирда, иш бўйича протест билдирилгунга қадар уч ойдан ошмайдиган муддатга ҳар қандай суд ҳужжатининг ижросини тўхтатишлари мумкин (517-модданинг шарҳига қаранг).

6. Агар маҳкум Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида истиқомат қилаётган бўлса, уни тутиб бериш масаласини Ўзбекистоннинг тегишли давлат билан тузилган ўзаро ҳуқуқий ҳамкорлик тўғрисида битимига мувофиқ дипломатик йўллар билан ҳал қилинади. Бу ҳақда Кодекснинг 8-моддасидаги шарҳларга қаранг.

7. Кодекснинг мазкур бобида ҳукм, ажрим, қарорларни ижро эттиришга оид суднинг процессуал фаолияти тартибга солинган. Суд ҳужжатлари, умумий қоидага биноан, қонуний кучга кирганидан сўнг ижро этилади. Чунки фақат қонуний кучга кирган ҳукмлар қатъий ҳисобланади ва ўзгартирилмайди. Қонунлар сингари, суднинг айрим ажримлари ва қарорининг ҳам кучга кириш ва ижро этилиш вақти унинг ўзида кўрсатилган бўлиши мумкин. Баъзи ҳукмлар эълон қилиниши биланок ижро қилинади. (Бу ҳақда Кодекснинг 529-моддасига қаранг).

8. Ҳар қандай ҳукм, унинг устидан шикоят ва протест берилмаган бўлса, апелляция тартибида шикоят ва протест бериш муддати ўтгандан кейин, агар апелляция тарзида шикоят ёки протест берилган бўлса, ишни юқори инстанция суди кўриб чиқиб ҳукмни бекор қилмаган куни қонуний кучга киради.

Ҳукмнинг қонуний кучга кирганлиги унинг қатъий, яъни бекор қилиш ёки ўзгартишни истисно қиладиган яқуний ҳужжат деб ҳисоблашни билдиради. Ҳукм кучга киргач шахс шу қилмиши учун иккинчи марта судланиши мумкин эмаслиги унинг ижроси билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда инобатга олинishi лозим.

9. Ҳукм судланган барча шахсларга - маҳкумларга ҳамда оқланганларга нисбатан тўла ва бир йўла қонуний кучга киради. Агар ҳукмнинг фақат бир қисмига оид шикоят берилган бўлса ёки бир неча шахс судланган бўлиб, улардан фақат биттасига нисбатан апелляция шикояти ёки протест берилган бўлса, бундай ҳолларда иш юқори инстанция судида кўриб чиқилгунига қадар ҳукм барча судланганларга нисбатан қонуний кучга кирмайди. Масаланинг бундай тарзда ҳал қилиниши иш бўйича

судланган барча шахсларга нисбатан қонуний ва асослантирилган ҳукм чиқарилганлигини текшириб кўриш зарурлигидан келиб чиқади.

Бинобарин, бир неча шахс айбланган иш бўйича ҳукмнинг маҳкумлардан фақат айримларига оид қисми юзасидан шикоят ва протест берилган тақдирда ҳукм қисман кучга кирмай, иш юқори инстанция судида кўриб чиқилгандан кейин барча судланганларга нисбатан бир йўла қонуний кучга қиради.

Шунингдек, агар маҳкумлардан бирортаси шикоят ёки протест берган бўлса, оқланган шахсга нисбатан ҳам ҳукм юқори инстанция судида апелляция тартибида кўриб чиқилгандан кейингина қонуний кучга қиради.

10. Юқори инстанция суди жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиққач, ҳукм чиқарган судга ишни дарҳол қайтариши шарт. Амалиётда бу муҳлат уч кундан ошмайди. Ҳар қандай зарурат бўлса-да, бундай ишни прокурорга ёки бошқа судга юбориш тақиқланган. Ҳукм чиқарган суд ишни олгач, уч кун мобайнида ҳукмнинг нусхасини уни ижро этувчи муассаса ёки органга юбориши шарт.

11. Муайян жиноят иши бўйича чиқарилганига йигирма беш йил ўтган ҳукми, ЖК 69-моддасининг тўртинчи қисмида кўрсатилганидек, ижро этиш мумкин эмас.

529-модда. Суд мажлиси залида қамоқдан озод этиш

Суд ҳукми эълон қилгач, суд мажлиси залида қуйидагиларни дарҳол қамоқдан озод қилади:

- 1) оқланган шахсни;***
- 2) жазо тайинланмаган маҳкумни;***
- 3) жазодан озод этилган маҳкумни;***
- 4) ушлаб туриш ёки эҳтиёт чорасини қўллаш оқибатида қамоқда бўлган вақтдан ёхуд назорат тартибида бекор қилинган ҳукмга биноан шу иш бўйича жазони ўтаган вақтдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилган маҳкумни;***
- 5) шартли равишда озодликдан маҳрум этилган маҳкумни;***
- 6) озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога маҳкум этилган шахсни.***

1. Ҳукм бўйича судланувчи оқланган ёхуд унга нисбатан жазо тайинланмаган ёхуд жазодан озод этилган ҳолларда, яъни:

- судланувчи айбланаётган жиноят учун жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганда (ЖК 64-м.);

- қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганда (ЖК 65-м.);

- судланувчи ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод этилганда (ЖК 66-м.);

- судланувчи ва жабрланувчи ўзаро ярашганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилинганда (ЖК 66¹-м.);

- маҳкум содир этган жиноят учун жазо тайинлашни истисно этадиган амнистия акти эълон қилинганда (ЖК 68-м.);

- маҳкумнинг тузалишига жамоат таъсир чоралари ёки маъмурий жазо чоралари кўриш йўли билан эришиш мумкин бўлганда ҳукм чиқариш вақтигача судланувчи вафот этганда ёхуд маҳкум содир этган жиноят учун жазо тайинлашни истисно қилувчи амнистия акти эълон қилинганда (ЖПК 463-м.) қамоқдаги судланувчи суд залидан дарҳол озод қилиниши лозим.

2. Шахс эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланган вақтга нисбатан кам муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум қилинган ёхуд шартли равишда озодликдан маҳрум этилган ёнки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога маҳкум қилинган тақдирда ҳам суд залидан озод қилиниши шарт. Маҳкумни иш бўйича судгача ушлаб турилган кунлар ва суд-тиббиёт ёки суд-психиатрия экспертизасини ўтказиш учун доимий (стационар) кузатув зарурлиги туфайли тиббий муассасага жойлаштирилган кунлар озодликдан маҳрум этиш кунларига тенглаштирилади.

3. Ҳар қандай ҳукмнинг фуқаровий даъво, суд харажатлари, далилий ашёларнинг тақдири, оқланганга унинг ҳужжатларини қайтариш каби масалаларга оид қисми ҳукм қонуний кучга киргандан кейин ижро этилади.

530-модда. Суд ажрими, қарорининг қонуний кучга кириши ҳамда уларни ижро этиш

Биринчи инстанция судининг ажрими шу ажрим устидан кассация тартибида хусусий шикоят бериш ва хусусий

протест билдириш муддати ўтиши билан ёхуд шикоят ёки протест билдирилган тақдирда иш юқори судда кўрилиб бўлгандан кейин қонуний кучга киради ва ижро этилади.

Суднинг шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин бўлмаган ажрими шу ажрим чиқарилиши биланоқ дарҳол кучга киради ва ижро этилади.

Жиноят ишини тугатиш ҳақидаги суд ажримининг айбланувчини ёки судланувчини қамоқдан озод қилишга оид қисми дарҳол ижро этилиши лозим.

Кассация инстанцияси судининг ажрими у эълон қилинган пайтдан қонуний кучга киради.

Юқори инстанция судининг ажрими, қарори ушбу Кодекснинг 497-моддасида назарда тутилган қоидаларга риоя қилиб ижро этирилади.

1. Ушбу моддада барча поғона судларининг факат ажрим ва қарорларининг ижроси тўғрисида сўз боради. Чунончи, унда жиноят ишларининг қайси судловга тегишлилиги, уларни бирлаштириш ёки алоҳида иш юритувига ажратиш, судда кўришга тайинлаш, мулкый зарар қопланишини таъминлаш, иш юритишни тўхтатиш ва тугатиш, ишни қўшимча терговга қайтариш, шунингдек, суд муҳокамаси ва суд ҳужжатларини ижро этиш чоғида чиқариладиган барча ажримлари ва қарорлари назарда тутилади.

2. Суднинг ажрими умумий қоидага кўра, қонуний кучга кириши биланоқ дарҳол ижро этирилади. Суд ажрими ва қарори, унинг устидан шикоят ёки протест берилган ҳолда, юқори суд томонидан кўрилган ва бекор қилинмаган бўлса, ижро этилади.

3. Суднинг маҳкумни муддатидан илгари озод қилиш ёки муддатидан олдин шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш, касаллик туфайли жазони ўташдан озод қилиш ва судланганликни олиб ташлаш ҳақидаги ажримлари эълон қилинган, дарҳол кучга киради, бироқ протест асосида назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин.

Суд чиқарган ажрим устидан протест берилган тақдирда иш назорат тартибида ҳал қилингунча ижро этирилмай тўхтатиб турилиши мумкин (517-моддага берилган шарҳларга қаранг).

531-модда. Ҳукми, ажримни ва қарорни ижро эттириш тартиби

Ҳукм, ажрим ва қарорни ижро эттириш уларни қабул қилган суд зиммасига юклатилади.

Ҳукми ижро этиш тўғрисидаги фармойиш судья ёки суд раиси томонидан ҳукмни ижро этиш мажбурияти юклатилган органга ҳукмнинг нусхаси билан биргаликда юборилади. Иш апелляция, кассация ёки назорат тартибида қўрилганда ҳукм ўзгартирилган бўлса, ҳукм нусхасига апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси судининг ажрими ёхуд қарори нусхаси илова қилинади.

Ҳукми ижро этувчи органлар унинг ижро этилганлиги ҳақида ҳукми чиқарган судга дарҳол хабар беради. Жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкум жазони қаерда ўтаётгани ҳақида ҳукми чиқарган судга хабар бериши шарт.

Суд қарорини ўз вақтида ёки тўла бажармаслик қонун ҳужжатларига биноан жавобгарликка сабаб бўлади.

Қонуний кучга кирган ҳукмнинг нусхаси зарур ҳолларда маҳкумнинг иш, ўқиш ёки яшаш жойига юборилади.

Қонуний кучга кирган ҳукм ҳақида зарур ҳолларда матбуот ёки бошқа оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка маълум қилинади.

Суд маҳкумни ҳарбий унвонидан ёки махсус унвонидан маҳрум этиш тўғрисида қарор чиқарган бўлса, суд ҳукмнинг нусхасини ижро этиш учун ана шу унвонни берган органга юборади. Суд давлат мукофотлари билан тақдирланган ёки олий ҳарбий ёхуд махсус унвонга эга бўлган шахсга нисбатан айблов ҳукмини чиқаришда уни ана шу мукофотлар ёки унвонлардан маҳрум этиш тўғрисида тегишли органга тақдимнома киритишнинг мақсадга мувофиқлиги масаласини ҳал қилади.

Ҳукмнинг жарима солиш, мол-мулкни мусодара қилиш ва бошқа мулкий ундиришлар қисмини ижро этиш учун ижро варақалари ёки уларнинг дубликатлари маҳкумнинг яшаш жойи ёки жазони ўташ жойидаги, шунингдек, маҳкумнинг мулки бор жойдаги суд ижрочиларига юборилади.

Қамоқда сақланаётган маҳкумни озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги ҳукм қонуний кучга киргани ва ижро эттирилиши ҳақида суд маҳкумнинг оиласини хабардор қилиши шарт.

Қамоқда сақланаётган маҳкум билан учрашувларга ҳукми ижро эттиришдан аввал ушбу Кодекснинг 477-моддаси асосида рухсат этилади.

Суд томонидан маҳкумнинг вояга етмаган фарзандларини муассасаларнинг, қариндошларининг ёки бошқа шахсларнинг ҳомийлигига бериш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, суд бу ҳақда болалар турган жойдаги васийлик органига, шунингдек, маҳкумга хабар беради.

Маҳкумнинг қаровсиз қолган мол-мулки ва турар жойини қуриқлаш чораларини кўриш зарурлиги тўғрисида суд мол-мулк ва турар жой жойлашган ердаги ҳокимликка ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилади, бу ҳақда маҳкумни хабардор этади.

1. Суд ҳукми қонуний кучга кирган ҳамон дарҳол ижрога қаратилади. Қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим ёки қарорнинг ижро этилишини тўхтатиб қўйиш мумкин эмас. Ҳукмни ижро эттириш кечиктирилган (ЖПК 533-м.), шунингдек, ҳукм, ажрим ёки қарор устидан назорат тартибида протест берилиши муносабати билан уни ижро эттириш тўхтатилган (ЖПК 517-м.) ҳоллар, бундан мустасно.

2. Суд ҳукми, ажрими ёки қарорини ижро этиш ҳақида судья ёки суд раиси уларни ижро этиш мажбурияти зиммасига юклатилган муассаса ёки органга фармойиш юборади.

Фармойишда: суднинг номи, ҳукм, ажрим ёки қарор чиқарилган вақт ва жой, маҳкумнинг фамилияси, исми, отасининг исми, ҳукм, ажрим ёки қарорнинг қонуний кучга кирган куни, уларни ижро этиш мажбурияти зиммасига юклатилган муассаса ёки органнинг номи кўрсатилиши лозим.

Фармойишга илова қилинган ҳукм, ажрим, қарор нусхасини ҳам зикр қилинган мансабдор шахслардан бири имзолайди ва гербли муҳр билан тасдиқлайди.

3. Ахлоқ тузатиш ишлари ҳақидаги ҳукмнинг нусхаси маҳкумнинг ахлоқ тузатиш ишлари инспекциясига келиш тўғрисидаги тилхати билан бирга ахлоқ тузатиш ишлари инспекциясига ижро этиш учун юборилади.

Агар ҳукмда ахлоқ тузатиш ишларини маҳкум ўз иш жойида ёки ҳукмнинг ижросини амалга оширувчи органлар кўрсатган жойда ўташи белгиланган бўлса, ҳукмнинг нусхаси тегишлича маҳкумнинг иш ёки яшаш жойидаги ахлоқ тузатиш ишлари инспекциясига юборилади.

4. Агар ҳукмда жарима ёки мол-мулкани мусодара қилиш ёхуд жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш шаклида чоралар белгиланган бўлса, ҳукмнинг нусхаси ёки ижро варақаси тегишли суд ижрочисига юборилади.

5. Суднинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги ажримлари тегишли соғлиқни сақлаш органига юборилади.

6. Ҳукм иш бўйича юқори инстанция судларининг ажрими ёки қароридаги ўзгартишларни эътиборга олган ҳолда ижро этилиши лозим. Юқори инстанция судлари чиқарган бундай ҳужжатдан норози бўлган ҳолда, қуйи суд ҳукмнинг ижро этилишини тўхтатмасдан, иш бўйича ўз мулоҳазаларини тегишли юқори инстанция судига ёзма равишда баён этиб, мурожаат қилишга ҳақли.

Агар юқори инстанция суди ўзининг ажрими ёки қарори билан маҳкумни қамоқдан озод қилса, уни ижро этиш ҳақидаги фармойишни ажримнинг нусхаси билан бирга бевосита маҳкум қамоқда сақланаётган жойнинг маъмуриятига юборади.

7. Ҳукми ижро этишга масъул орган уни ижро қилиш учун қабул қилганлиги тўғрисида ҳукм чиқарган судни дарҳол хабардор қилиши шарт. Агар ҳукм чиқарган суд шартли жазо тайинлаган ва муайян жамоат бирлашмаси, жамоа ёхуд алоҳида шахсларга шартли ҳукм қилинганнинг хулқини кузатиб туришни топширган бўлса, улар шартли ҳукм этилган шахснинг ўзини қандай тутаётганлигидан судни хабардор қилиб туриши шарт.

Ҳукми ижро этиш ҳақида фармойиш:

- агар қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш жазоларга ҳукм қилинган маҳкумга нисбатан илгари қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораси танланмаган бўлса, - судланган шахс яшаб турган жойидаги ички ишлар органига;

- агар қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарилиб, маҳкум қамоқда сақланаётган бўлса, - жазони ижро этиш муассасаси ёки органига;

- ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиш тўғрисида ҳукм - ахлоқ тузатиш ишлари инспекциясига;

- мулкий даъво, жарима, суд ҳаражатлари, жиноят натижа-
сида етказилган зарарни ундириш учун, - суд ижрочиларига;

- интизомий қисмда сақлаш ва хизмат бўйича чеклаш
тўғрисида ҳукм, - маҳкум хизмат қилаётган ҳарбий қисм ёки
муассаса кўмондонлигига юборилади.

8. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм уни
чиқарган суд томонидан маҳкум истиқомат қилаётган туман
(шаҳар) ички ишлар органига юборилади. Ички ишлар органи
бундай ҳукмларни маҳкумнинг иш жойида ижро этилишини ва
тегишли фаолият тури билан шуғулланишга ваколатли органлар
томонидан берилган рухсатнома бекор қилинишини таъмин-
лайди.

9. Суд фармойишини олган тегишли масъул шахслар ҳукм-
нинг ижроси тўғрисида судни хабардор қиладилар.

Ҳукми ижро этувчи органлар маҳкум қаерда жазони ўтаёт-
гани тўғрисида ҳукм чиқарган судга ва маҳкумнинг оиласига
ёхуд яқин қариндошларидан бирига хабар бериши лозим.

Суд маҳкумнинг вояга етмаган фарзандлари қаровсиз қолган
бўлса, улар яшаётган туман ёки шаҳарнинг васийлик органига,
мулки ва турар жойини қуриклаш лозим бўлса, ўша ердаги
хокимликка ёхуд ўзини ўзи бошқариш органига хабар бериши
шарт.

10. Суд ҳужжатларини қасддан бажармаган ёки уларни ижро
этишга тўсқинлик қилган мансабдор шахслар ЖКнинг 232-мод-
дасига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

11. Қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим ва қарор нусхаси
ҳуқуқий тарғибот ва жиноятларнинг олдини олиш, шунингдек,
шахс оқлангани тўғрисида жамоани хабардор қилиш мақсад-
ларида унинг иш, ўқиш ва яшаш жойига юборилиши мумкин.
Судда оқланган шахснинг қилмиши тўғрисида илгари оммавий
ахборот воситаларида хабар берилган бўлса, шахснинг розили-
гини олиб, бу ҳақда шу ахборот воситаси орқали тегишли рад-
дия эълон қилиниши мумкин (ЖПКнинг 309-моддаси шарҳига
қаранг).

532-модда. Ҳукми ижро этиш босқичида маҳкумнинг ҳуқуқлари

***Ҳукми ижро этиш босқичида маҳкум: судга ҳукмнинг
ижросини кечиктириш ҳақида, касаллиги ёки ногиронлиги***

туфайли жазони ўташдан озод қилиш ҳақида, жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш ва муддатидан олдин шартли озод қилиш ҳақида, жазони ижро этиш жойларида сақлаш шароитларини ўзгартириш ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа масалалар бўйича аризалар беришга; суд мажлисида иштирок этишга ва курсатувлар беришга, далиллар тақдим қилишга, илтимослар қилишга ва рад этишга; ишдаги барча материаллар билан танишишга, суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар беришга ҳақли.

1. Маҳкум Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун Конституция ва қонунларда назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишда Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган истиснолар ва чеклашларга риоя этади. Ажнабий фуқаро ва фуқаролиги бўлмаган маҳкум эса, фақат Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган ҳуқуқларга эга.

2. Маҳкумнинг жазони ўташ давридаги асосий ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг 9-моддасида батафсил санаб ўтилганидек, куйидагилардан иборат:

– жазони ўташ тартиби ва шартлари туғрисида ҳамда шу муносабат билан ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ахборот олиш;

– ўз она тилида ёки бошқа тилда таклиф, ариза ва шикоят билан мурожаат қилиш, уларга шу тилда ёки ўзи биладиган тилда жавоб олиш;

– тушунтириш бериш ва хат-ёзишмалар олиб бориш;

– ўқув, бадий ва бошқа хил ахборот манбаларидан фойдаланиш;

– соғлиқни сақлаш, ижтимоий ёрдам олиш, шахсий хавфсизлик ва виждон эркинлиги ҳуқуқларининг таъминланишини талаб қилиш;

– ниҳоят, маҳкум адвокатлардан малакали ҳуқуқий ёрдам олиш, шу мақсадда улар билан ўзи истаган миқдорда ва муддат давомида учрашиб туришга, шунингдек, ЖИКда белгиланган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланишга ҳақли.

59-БОБ. ҲУКМ, АЖРИМ, ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТИШДА ЮЗАГА КЕЛГАН МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

533-модда. Ҳукмнинг ижросини кечиктириш

Судья озодликдан маҳрум этилган шахсга нисбатан ҳукм ижросини куйидаги асослардан бирортаси мавжуд бўлганда кечиктириши мумкин:

1) маҳкум жазони ўташига монелик қиладиган даражада оғир касал бўлиб қолганида - у соғайгунча;

2) ҳукмни ижро этиш пайтигача маҳкума ҳомиладор бўлиб қолса - бир йилдан ошиқ бўлмаган муддатга;

3) маҳкуманинг ёши боласи бўлса - у уч ёшга тулгунга қадар;

4) жазони дарҳол ўташни бошлаш ёнгин ёки бошқа бирор табиий офат юз берганлиги, оиланинг меҳнатга яроқли ягона аъзоси оғир касал бўлиб қолганлиги, вафот этганлиги оқибатида ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар маҳкум ёки унинг оиласини жуда мушкул аҳволга солиб қўйиши мумкин бўлса - уч ойдан ошмаган муддатга.

Ҳукмнинг жарима солиш, фуқаровий даъвони қаноатлантириш ёки келтирилган зиённи қоплаш қисмининг ижро этилишини олти ойгача кечиктириш ёки тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш масаласини судья ишнинг муайян ҳолатларини ва маҳкумнинг моддий аҳволини эътиборга олиб ҳал қилади.

Ўта хавфли рецидивистларга ва ўта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан ҳукмнинг ижросини кечиктириш мумкин эмас.

1. Ҳукмнинг ижросини кечиктириш унинг ижросини амалга оширишни кейинроқ муддатга қолдиришдан иборат. Бу қонуний кучга кирган ҳукмни дарҳол ижро этиш тарзидаги умумий қоидадан истисно ҳолдир. Шунинг учун ҳам ҳукмни ижро этиш кечиктирилишига қонунда кўрсатилган асослардан лоақал биттаси мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади.

2. Озодликдан маҳрум қилинганларга нисбатан ҳукмнинг ижроси ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муайян муддатларга кечиктирилади. Ҳукмнинг жарима солиш, фуқаровий даъвони қаноатлантириш, жиноят туфайли келтирилган

зиённи ва суд харажатларини тўлашга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан олти ойгача тўловни кечиктиришга, шунингдек, бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этилади.

Таржимон, мутахассис, кафилдан пул ундириш ва суд мажлисида тартибни бузган шахсга жарима солиш тўғрисида суд ажримининг ижроси уч ойгача муддатга кечиктирилиши ёки бўлиб-бўлиб тўланишига суд рухсат бериши мумкин (ЖПК 274-моддаси шарҳига қаранг).

Бошқа жазолар ва тўловларни кечиктириш мумкин эмас. Суд ҳукми ижро этилишини кечиктириш масаласи ҳал қилинаётганда жиноятнинг оғирлиги, маҳкумнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни ҳисобга олиши керак. Ўта оғир жиноят содир қилган шахсларга ва ўта хавфли рецидивистларга нисбатан ҳукми ижро этишни кечиктиришга йўл қўйилмайди.

3. Маҳкум, унинг ҳимоячиси, яқин қариндоши ёки қонуний вакили ҳукми ижро этишни кечиктиришни сўраб, судга илтимос билан мурожаат қилишлари мумкин. Прокурор ўз ташаббуси билан суддан ҳукми ижро этишни кечиктиришни сўрай олади. Бу масалада суднинг ўзи ҳам ташаббус кўрсатиши мумкин.

4. Маҳкумнинг озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўташига монелик қиладиган даражада оғир касал эканлиги тиббий экспертиза комиссиясининг хулосаси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Суд бундай маҳкумнинг жисмоний ёки руҳий аҳволини инобатга олиб, жазони ижро этиш тизимидаги махсус даволаш муассасасига ўтказиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

5. Ҳомиладорлик тиббий муассаса хулосаси билан тасдиқланган бўлиши керак.

6. Ушбу модда биринчи қисмининг тўртинчи бандида санаб ўтилган табиий офатлар ва фавқулодда ҳолатлар нақадар жиддий экани ва маҳкумни ҳақиқатан ҳам мушкул аҳволга солиб қўйгани суд томонидан чуқур текширилиши ва холисона баҳоланиши лозим.

7. Маҳкум жарима ва бошқа тўловлардан, уларнинг ижроси кечиктирилган муддатлар ўтганидан сўнг ҳам бош тортса, уларни суд ижрочиси орқали мажбурий равишда ундириш ёки жаримани ЖК 44-моддасига мувофиқ, ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштириш мумкин (ЖПКнинг 539-моддаси шарҳига қаранг).

8. Ҳукмнинг ижросини кечиктириш тўғрисидаги суднинг ажрими янги аниқланган асосларга кура бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

534-модда. Касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилиш тартиби

Маҳкум жазони ўтаётган вақтида жазони ўташга монелик қиладиган сурункали руҳий касалликка ёки бошқа оғир касалликка дучор бўлган тақдирда судья жазонинг ижро қилинишига мутассадди органнинг тақдимномасига биноан, махсус тиббий комиссиянинг хулосасига асосан маҳкумни ўталмай қолган жазони ўташдан озод қилиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Сурункали руҳий касалликка дучор бўлган маҳкумни ўталмай қолган жазодан озод қилишда судья унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллашга ёки уни соғлиқни сақлаш органлари ёхуд қариндошлари васийлигига беришга ҳақлидир.

Бундай шахслар соғайган тақдирда, башарти бу ҳол жазонинг ижро этиш муддати тугашига қадар содир бўлса, суд тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Руҳий касалликка дучор бўлган шахслардан ташқари, оғир касалликка дучор бўлган шахсларни ўталмай қолган жазодан озод қилиш масаласини ҳал қилишда судья содир этилган жиноятнинг оғирлигини, маҳкумнинг шахсини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олади.

Маҳкумни ўталмай қолган жазодан касаллиги туфайли озод қилганда судья уни фақат асосий жазодан эмас, балки қўшимча жазо чорасидан ҳам озод қилишга ҳақли, бу ажримда кўрсатилиши лозим.

1. Ушбу модда озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ, ахлоқ тузатиш ишлари, ҳарбий хизматчиларни интизомий қисмга жўнатиш ва хизмат бўйича чеклаш жазоларини ўташдан маҳкумнинг касаллиги туфайли озод қилиш тартибини белгилайди.

2. Касаллиги ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги сабабли жазодан озод қилиш, маҳкум жазонинг қанча қисмини ўтаганидан қатъи назар, қўлланилади.

Касаллик оқибатида шахс ўз ҳаракатларининг моҳиятини англай олмайдиган ва ўзини-ўзи бошқариш лаёқатини йўқотган даражада руҳий хаста эканлиги уни жазо ўташдан бутунлай озод қилиш учун асос бўлади. Бундай шахсларга нисбатан суд ЖКнинг 93-моддасида кўрсатилган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаши мумкин.

Маҳкум жазони ўташга тўсқинлик қиладиган руҳий тусда бўлмаган бошқа оғир касалликка дучор бўлганда ҳам жазони ўташдан озод қилиниши мумкин. Бу ҳолда суд жиноятнинг оғирлик даражаси, жазонинг тури, маҳкумнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олади.

Касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилинган шахс ЖКнинг 64-моддасидаги жазони ижро этиш муҳлатлари ўтмасдан тузалган бўлса, жазони ижро этиш суднинг қарори билан давом эттирилади.

Интизомий қисмга жўнатиш ёхуд хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар, уларнинг соғлиғи ҳарбий хизмат учун яроқсиз деб топилган бўлса, жазони ўташдан озод қилинадилар. Хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчи аёллар, уларга ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиши муносабати билан ҳам жазони ўташдан озод қилинадилар.

Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахс жазони ўташ вақтида меҳнатга яроқеиз бўлиб қолса ёхуд пенсия ёшига етган бўлса, шунингдек, аёл бу турдаги жазони ўтаётган вақтда ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқса, жазони ўташдан озод қилинади.

3. ЖКнинг 75-моддасига мувофиқ, жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти маҳкумни ана шу жазоларни ўташдан озод қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритиши лозим. Унга маҳкумнинг тавсифномаси илова этилган бўлиши керак.

4. Озодликдан маҳрум қилиш ёки қамоқ жазоларидан маҳкумнинг касаллиги туфайли озод қилиш тўғрисидаги тақдимномага Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Махеус тиббий комиссиянинг хулосаси илова қилинмоғи керак. Хулосада маҳкумнинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги тасдиқлаган рўйхатда кўрсатилган касалликка дучор бўлгани аниқ кўрсатилган бўлиши лозим.

Тиббий комиссиянинг хулосасида касалликнинг номи, унга дучор бўлишнинг жисмоний ва руҳий оқибатлари, даражаси, қилинган муолажа чоралари, касалликка чалинган шахснинг турли энг зарур ҳаракатларни мустақил бажаришга лаёқати, келгуси даволаш режалари ва имкониятлари баён этилиб, касаллик туфайли шахс жазо ўташини давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқ кўрсатилган бўлиши керак:

Ушбу моддани қўллашда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2000 йил 18 декабрдаги буйруғи билан тасдиқланган қуйидаги меъёрий ҳужжатларга риоя қилинмоғи керак:

- “Маҳкумларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш учун асос бўладиган касалликлар рўйхати” (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан бирга тасдиқланган);

- “Оғир касалликка чалинган маҳкумларни тиббий текширувдан ўтказиш ва уларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш тартиби”.

5. Маҳкумни ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазодан меҳнат қобилятини йўқотганлиги оқибатида озод қилиш тўғрисидаги тақдимнома ижтимоий таъминот органларининг тиббий-меҳнат эксперт комиссияси берган хулоса асосида киритилади.

6. Маҳкум биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони деб топилиши меҳнатга лаёқатсизликни билдиради. Унинг ана шу ҳолатда эканининг сабаби жазони алмаштириш ёки ўташдан озод қилиш масаласини ҳал этишда аҳамиятга эга эмас.

7. Жазони ўташ даврида ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилган аёлларни жазодан озод қилиш тўғрисидаги тақдимнома бундай таътил ҳуқуқини берувчи тиббий ҳужжат асосида киритилади.

8. Ҳарбий хизматчиларни интизомий қисмга жўнатиш ёки хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазоларни ўташдан озод қилиш тўғрисидаги тақдимнома уларни ҳарбий хизматга яроксиз деб топиш ҳақидаги тегишли ҳарбий-тиббий комиссиянинг хулосаси асосида киритилади. Аёл ҳарбий хизматчилар хизмат бўйича чеклаш тариқасида жазони ўташдан ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиши муносабати билан ҳам озод қилинади.

9. Суд маҳкум томонидан содир қилинган жиноятнинг ижтимоий хавфи қай даражада эканлигини, жазонинг қанча қисми ўталгани ва қанчаси қолгани, унинг шахсини ҳисобга олиб, касаллик туфайли жазодан озод қилиш ҳақидаги илтимосни рад қилишга ҳақлидир.

10. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги суднинг қарори уларни қўллаш асослари ва шартлари ўзгаргани муносабати билан бекор қилиниши, ўзгартирилиши, муддати узайтирилиши мумкин (ЖПКнинг 578 ва 579-моддалари шарҳига қаранг).

535-модда. Жазонинг шартлилигини бекор қилиш тартиби

Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса суд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан ЖК 72-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ, жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

1. Суд ЖКнинг 72-моддасига биноан, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари тарикасидаги жазоларни тайинлаш вақтида иш бўйича содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олиб шартли ҳукм чиқариши мумкин.

2. Бу ҳолда суд маҳкумга бир йилдан уч йилгача синов муддати белгилаб, жиноят оқибатида етказилган зарарни шу вақт давомида тўлаш, шунингдек, ишга ёки ўқишга кириш, яшаш жойи ўзгарса, хулқ-атвори устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериш, вақт-вақти билан рўйхатдан ўтиб туриш, муайян жойларда бўлмаслик, алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташ каби мажбуриятларни юклаши мумкин.

3. Шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атвори устидан ички ишлар органлари, агар у ҳарбий хизматчи бўлса, тегишли

ҳарбий қисм ёки ҳарбий муассасанинг қўмондонлиги муттасил назорат олиб боради. Уларнинг тақдимномасига биноан суд маҳкумга юклатилган мажбуриятларни олиб ташлаши, камайтириши ёки қўпайтириши мумкин.

Агар маҳкум ана шу мажбуриятларни билатуриб бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузгани учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланса, суд жазонинг шартлилигини бекор қилиши ва уни ижро этилиши тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли. Агар маҳкум синов даврида жиноят содир этса, унга суд ЖКнинг 60-моддаси ва ЖПКнинг 540-моддаси тартибида жазо белгилайди.

4. Шартли ҳукм қилишда белгиланган синов муддатини қисқартириш тўғрисидаги суднинг ажрими янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

536-модда. Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш тартиби

ЖКнинг 73 ва 74-моддаларида назарда тутилган ҳолларда жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига ёки маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига биноан судья томонидан қўлланилади.

Интизомий қисмда жазони ўтаётганларга нисбатан ана шу чоралар интизомий қисм қўмондонлигининг тақдимномасига ёки маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига биноан судья томонидан қўлланилади.

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш ун саккиз ёшга тўлмай жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ва вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг биргаликдаги тақдимномасига биноан ёхуд маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига асосан судья томонидан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш тарзидаги жазодан озод қилиш жамоат бирлашмаси, жамоа, маҳкумнинг ўзи ёки унинг ҳимоячисининг илтимосномасига биноан судья томонидан амалга оширилади.

Ушбу масалалар тўғрисидаги тақдимномалар ёки илтимосномалар уларни рад этиш тўғрисида қарор чиққан кундан бошлаб камида олти ой ўтгач, қайта кўриб чиқилиши мумкин.

1. Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш асослари ЖКнинг 73-74-моддаларида кўрсатилган.

2. Агар маҳкум ўзининг намунали ахлоқи ва меҳнатга ҳалол муносабати билан бундан буён уни қамокда сақлаб туришнинг зарурати йўқлигини, ўзининг тузалаётганлиги равшан эканлигини исбот қилган ҳамда қонун бўйича белгиланган жазонинг бир қисмини ўтаган бўлса, у муддатидан олдин шартли озод қилиниши ёки жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин.

Суд маҳкумнинг тузалишига ва қайта тарбияланишига ишонган ҳоллардагина жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиши ёки жазони енгилроқ жазо билан алмаштириши мумкин. Фақат жазонинг қонунда талаб қилинган қисмини ўталганига асосланиб, маҳкумни муддатдан илгари жазодан озод қилиш ёки жазони енгилроқ жазо билан алмаштириш мумкин эмас.

3. Суд маҳкумни жазо ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш билан бирга уни қўшимча жазодан озод қилиш масаласини ҳам кўриб чиқиши мумкин.

4. Шуни назарда тутиш керакки, жазони енгилроқ жазо билан алмаштириш уни ўташ муддатини қисқартириш эмас, балки жазонинг бир турини бошқа енгилроқ тури билан алмаштиришни билдиради. Масалан, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилади. Суд жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш ҳақидаги ажримда қандай турдаги жазони қандай жазо билан, қанча муддатга ёки миқдорга алмаштирилганлигини аниқ кўрсатиши шарт.

5. Бошқа маҳкумларга тарбиявий таъсир кўрсатиш мақсадида муддатидан илгари жазодан шартли озод қилиш масалаларини суд иложи борича жазони ижро этиш муассасаларида кўриши тавсия қилинади.

6. Маҳкум жазо муддатининг ЖК 73, 74, 89 ва 90-моддаларида белгиланган қисмини ўтаб бўлганидан сўнг бир ойлик муддат ичида жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти уни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштиришга тақдим этиш масаласини, маҳкум ёки унинг адвокати тегишли илтимоснома билан судга бевосита мурожаат этмаган бўлса-да, кўриб чиқиши ҳамда тақдимнома киритиш ёки рад этиш ҳақида қарор чиқариши шарт.

Маъмурият маҳкумни жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишга ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришга тақдим этишни рад этган тақдирда маҳкум ёки унинг адвокати судга тегишли илтимоснома билан мурожаат этишга ҳақли.

7. Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш тариқасидаги жазодан озод қилиш жамоат бирлашмаси, жамоа, маҳкумнинг ўзи ёки унинг ҳимоячиси илтимосномасига биноан суд томонидан амалга оширилади.

8. Суд жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш рад этилган тақдирда, бу ҳақда ажрим чиққан кундан бошлаб камида олти ой ўтганидан кейин тақдимнома ёки илтимоснома такроран берилиши мумкин.

Суднинг жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони бошқа енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисидаги ажримлари устидан шикоят берилмайди. Лекин улар протест асосида суд назорати тартибида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

9. Шахсни интизомий қисмда жазо ўташдан озод қилиш масаласини суд маҳкум ёки унинг ҳимоячисининг илтимосномасига биноан, шунингдек, интизомий қисм қўмондонлигининг тақдимномаси бўйича ҳам кўриши мумкин.

10. Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш ўн саккиз ёшга тўлмай жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланганда, улар жазонинг қанча қисмини ўтаган бўлишлари ЖК 89, 90-моддаларида кўрсатилган. Уларга бу имтиёз жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ва вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг биргаликдаги тақдимномаси ёхуд маҳкум ва уни ҳимоячисининг илтимосномасига асосан судья томонидан қўлланилади.

11. Жиноят учун суд томонидан тайинланган жазо муддати катъийдир. Аммо ахлоқан тузалган маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш ва айрим маҳкумларнинг жисмоний ва руҳий аҳволини ҳисобга олиб, уларни жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш мумкин.

12. Жазодан муддатидан илгари озод қилиш тарзидаги имтиёз, ушбу моддада кўрсатилганидек, фақат озодликдан маҳрум этиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёхуд ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилади. Бошқа жазолардан муддатидан илгари озод қилиш тартиби қўлланмайди.

13. Маҳкум жазони ўташ даврида ўрнатилган тартиб талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабат кўрсатган бўлиши шарт.

Ушбу имтиёздан фойдаланиш учун маҳкум умуман жазони ижро қилиш даврида тегишли тартиб қоидаларни бузмаган ёхуд илгари бундай қилмиши учун берилган интизомий чорани ўтаган ёки ундан озод қилинган, намунали хулқи ва тарбиявий тадбирларни ўташда фаоллиги учун рағбатлантирилган бўлиши талаб қилинади.

14. ЖК 73-моддасига биноан, жазодан муддатидан илгари озод қилинадиган маҳкум:

- ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазонинг камида учдан бирини ўтаган;

- оғир жинояти учун суд тайинлаган озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазонинг камида ярмини ўтаган;

- ўта оғир жинояти учун, шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахс, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида яна қасддан янги жиноят содир этгани учун озодликдан маҳрум этилган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ўтаган бўлиши шарт.

15. Жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ва жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш:

- а) ўлим жазоси афв этиш тарикасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахсга, 2008 йилдан бошлаб умрбод озодликдан маҳрум этилганларга;

б) ўта хавфли рецидивистга;

в) уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшманинг ташкилотчи ва катнашувчиларига;

г) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, ўн тўрт ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, Ўзбекистон Республикасига, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этиш, жиноий уюшма ташкил этиш, ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қирғин қуролларини, шундай қуролларни ишлаб чиқариш учун фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва ускуналарни, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни контрабанда қилиш, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиш учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

16. Маҳкумга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда янги жазонинг муддати уч йилдан кам бўлиши ва озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган муддатидан ошиб кетмаслиги шарт.

17. Жазони енгилроғи билан алмаштириш ЖКнинг 74-моддасига мувофиқ, озодликдан маҳрум этилган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин. Маҳкум ана шу жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоидаларига риоя қилган ва меҳнатга ҳалол муносабат кўрсатган бўлиши шарт.

18. Жазони енгилроғи билан алмаштириш маҳкум:

- ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

- оғир жинояти учун, шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун, агар у илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;

- ўта оғир жинояти учун, шунингдек, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан содир этган янги жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлга-

нидан кейин қўлланилиши мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда, ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади.

19. Маҳкумни жазодан шартли озод қилиш ёки жазони бошқа енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисидаги суд ажрими янги аниқланган асосларга кўра бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

20. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган ёки жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

537-модда. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларни сақлаш шароитини жазони ўташ вақтида ўзгартириш

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ маҳкумни жазони ижро этишнинг бир тартибли колониясидан бошқа тартибли колониясига, турмадан колонияга ва колониядан турмага ўтказиш жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига биноан, шунингдек, маҳкумнинг ёки унинг ҳимоячисининг илтимосномасига кўра судья томонидан амалга оширилади.

Судья жазони ижро этишнинг бир тартибли колониясидан бошқа тартибли колониясига, турмадан колонияга, колониядан турмага ўтказишни рад этса, бу масала юзасидан киритилган тақдимнома ёки илтимоснома рад қилиш ҳақида қарор чиқарилган кундан бошлаб камида олти ой ўтгач қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш тарбия колонияси маъмуриятининг вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия билан келишилган тақдимномасига биноан судья томонидан амалга оширилади.

Ун саккиз ёшга тўлган маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масаласини ҳал

этишда судья унинг тузалиш даражасини ҳисобга олиши лозим. Маҳкум тарбия колониясида жазони ўташ муддатини давом эттириш учун узоги билан йигирма ёшга тўлгунга қадар қолдирилиши мумкин.

1. Ушбу модда озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўташ шароитларини ўзгартиш тартибини белгилайди. Жазони ўташ шароитлари, маҳкумни ахлоқан тузатиш мақсадларида ва турли сабабларга кўра, вақт ўтиши билан қонунда кўрсатилган шартларга риоя қилиб енгиллаштирилиши, оғирлаштирилиши ёки қулайлаштирилиши мумкин. Бунинг сабаблари жазони ижро қилиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасида ёки маҳкум, унинг ҳимоячиси ёзган илтимосномада кўрсатилади ва суд томонидан текшириб, инобатга олинади.

2. Маҳкум бир тартибли колониядан бошқа тартибли колонияга, колониядан турмага ёхуд турмадан колонияга ўтказилишига ҳудуд ва ундаги об-ҳавонинг хусусиятлари, шунингдек, бошқа заруратлар сабаб бўлиши мумкин. Улар нақадар жиддийлиги ва ўзига ҳослигини ҳисобга олиб суд масалани имкон борича ижобий ҳал этади. Тақдимнома ёки илтимоснома қа-ноатлантирилмаса, суднинг ушбу ажрими устидан шикоят ёки протест берилиши ёхуд олти ойдан сўнг масалани суд томонидан қайта кўриб чиқиш талаб қилиниши мумкин.

3. Қонунда кўрсатилган асосларга кўра, маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш унинг илтимосномаси асосида эмас, тарбия колонияси маъмуриятининг вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия розилигини олиб судга киритган тақдимномасига биноан кўрилади. Судья ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумнинг фикри, унинг тузалиш даражасини ҳисобга олади. Лекин йигирма бир ёшга тўлгач, маҳкум тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ўтказилиши шарт.

4. ЖИКнинг 129-моддасига мувофиқ, ҳар қандай маҳкум йигирма бир ёшга тўлганидан кейин, салбий тавсифга эга маҳкум эса, ўн саккиз ёшга тўлганидан кейин жазо ўташни давом эттириш учун тарбия колониясидан умумий тартибли колонияга ўтказилади. Уни тарбия колониясида қолдириш, ЖИКнинг 128-моддасига биноан, муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори билан амалга оширилиши

мумкин. Бу масалани ҳал этишда прокурор маҳкум билан мулоқотда унинг фикрини билиши мақсадга мувофиқ.

538-модда. Маҳкумни тергов ҳибсхонасида сақлаб туриш

Бошқа шахс содир этган жиноят ҳақидаги иш юзасидан тергов ҳаракатлари олиб бориш зарур бўлганда жазони ижро этиш колонияси ёки тарбия колониясида уташ шарти билан озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган маҳкум тергов ҳибсхонасига Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг розилиги билан - уч ойгача муддатга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарларининг розилиги билан - олти ойгача муддатга ёки иш судда кўрилиши муносабати билан - суд ажримига биноан иш кўрилиб бўлгунга қадар ушлаб турилиши мумкин.

1. Озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони барча турдаги жазони ижро этиш колонияси ёки тарбия колониясида уташга ҳукм қилинган шахс бошқа шахсларни айблаш ҳақида жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларида иштирок этиши зарур бўлса, вақтинча тергов ҳибсхонасида сақланиши мумкин. Бунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ёки уларга тенглаштирилган прокурордан розилик олиниши лозим. Одатда бундай розилик уч ойгача муддатга берилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари маҳкумни шу мақсадларда тергов ҳибсхонасида олти ойгача муддатга сақланишига розилик бериши мумкин.

3. Суднинг ажримига биноан маҳкум жиноят иши судда кўрилиб бўлгунча тергов ҳибсхонасида сақланиши мумкин.

4. Ушбу модда турма камоғига ҳукм қилинган шахсларни ҳам назарда тутаети.

539-модда. Жарима солишни ва ахлоқ тузатиш ишларини жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тартиби

Жарима солишни ва ахлоқ тузатиш ишларини жазонинг бошқа тури билан алмаштириш ЖКнинг 44 ва 46-модда-

ларига мувофиқ судья томонидан ички ишлар органи тақдимномаси билан ёки жамоат бирлашмаси ёхуд жамоанинг илтимосномаси бўйича амалга оширилади.

1. Шархланаётган модда жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазоларни бошқа турдаги жазолар билан алмаштиришда ЖКнинг 44 ва 46-моддаларига риоя қилишни талаб этади.

2. Маҳкум жаримани тўлашдан уч ой мобайнида бош тортса, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки қамоқ жазоси билан алмаштиради. Бундай ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклашнинг бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг икки баровари миқдорда жаримага тенглаштирилиб, лекин уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади. Ахлоқ тузатиш ишини маҳкум ўз иш жойида ёки жазони ижро этадиган бошқа жойларда ўтайди. Қамокнинг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

3. Суд ушбу масалани ички ишлар органи тақдимномаси ёки жамоат бирлашмаси ёхуд маҳкумнинг ишлаш, ўқиш ёки яшаш жойидаги жамоанинг илтимосномаси бўйича кўради.

4. Агар шахс суд тайинлаган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг ўндан бир қисмидан ортигини ўташдан бош тортса, ўталмаган жазо муддати худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилади.

5. Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга лаёқатсизларга, ҳомиладор аёлларга, ёш боласини тарбиялаш учун таъғилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланмайди.

6. Оғир касаллиги туфайли ёки вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги сабабли ишламаган маҳкумга жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари бошқа жазо турлари билан алмаштирилмайди.

540-модда. Ижро қилинмаган бошқа ҳукмлар мавжуд бўлган тақдирда ҳукми ижро этиш тартиби

Маҳкумга нисбатан ижро этилмаган бир неча ҳукм мавжуд бўлиб, кейинги ҳукми чиқарган суд бундан беҳабар

булса, ҳукм ижро этилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди ҳукм қилинган шахсга ЖКнинг 60-моддасига амал қилиб, мазкур ҳукмларнинг ҳаммасида белгиланган жазоларни қўллаш тўғрисида ажрим чиқаради.

1. Маҳкумга нисбатан илгари чиқарилган ҳукмлар бўйича ижро этилмаган жазолар мавжудлигидан энг кейинги ҳукмни чиқарган суд хабардор бўлиши ва ЖК 80-61-моддаларига биноан бир неча ҳукм юзасидан якуний жазо тайинлаши лозим. Шахсга у илгари содир этган жиноятлари учун суд тайинлаган жазога кейинги ҳукм бўйича тайинланган жазо тўла ёки қисман қўшилиши даркор.

2. Бир неча ҳукм юзасидан бир хил турдаги жазоларни нақадар тўла ёки қисман қўшиш масаласини ҳал этишда суд маҳкум содир этган жиноятларнинг жиддийлик даражасини инобатга олади. Бунда узил-кесил тайинланган жазо маҳкум содир этган жиноятлардан энг оғири учун қонун назарда тутган энг кўп жазо муддатидан ёки меъёридан ортиқ бўлмаслиги керак.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” 1-сонли қарорида ижро қилинмаган бошқа ҳукмлар мавжуд бўлган тақдирда ҳукмни ижро қилишга оид бир қанча муҳим тушунтиришлар берилган. Чунончи:

- узил-кесил белгиланган жазо биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазодан кам бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда, суд, биринчи ҳукм бўйича жазонинг ўталмаган қисмини эмас, тўлиқ миқдорини инобатга олиши зарур;

- ҳукмлар мажмуи бўйича белгиланган жазо янги жиноят учун белгиланган жазо муддатидан ҳам, илгариги ҳукм бўйича белгиланган жазонинг ўталмаган қисмидан ҳам кўпроқ бўлиши керак. Бунда озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги узил-кесил жазо муддати йигирма беш йилдан, вояга етмаганлар, аёллар ҳамда 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан эса, - ун беш йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас;

- агар бир қанча ҳукмлар бўйича тайинланган қўшимча жазо турлича бўлса, улар алоҳида-алоҳида ижро этилади. Бу ҳақда юқорида номланган Олий суд Пленумининг қарорида яна бир қанча йўл-йўриқлар берилган.

4. Бир неча ҳукмлар бўйича бир хил ёки турли хилдаги жазоларни қўшиб ҳисоблаш қоидалари ЖКнинг 61-моддасида назарда тутилган.

541-модда. Ҳукм, ажрим ва қарорнинг ижросига тааллуқли масалаларни ҳал қилувчи судлар

Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолган шахсларни озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўташдан озод қилиш тўғрисидаги, ҳукм ижросини кечиктириш тўғрисидаги, ҳукмни ижро қилмаслик тўғрисидаги, жарима солишни ва ахлоқ тузатиш ишларини жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тўғрисидаги, ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги, руҳий касал шахсларга қўлланаётган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги, алкоғолизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган шахсларга нисбатан мажбурий даволаш чораларини қўллаш, узайтириш ёки тўхтатиш тўғрисидаги масалаларни, шунингдек, ҳукмни ижро этишда юз берадиган ҳар қандай шубҳа ва ноаниқликларни ҳукмни чиқарган суд ҳал қилади. Башарти ҳукм уни чиқарган суд фаолият курсатаётган ҳудуддан ташқарида ижро этилаётган бўлса, бу масалалар тенг даражадаги суд томонидан ҳал этилади, ҳукм ижро этилаётган ҳудудда тенг даражадаги суд бўлмаса, юқори суд томонидан ҳал этилади. Бундай ҳолларда ажримнинг нусхаси ҳукм чиқарган судга жўнатилади.

Маҳкумни касаллиги ёки ногиронлиги сабабли жазони ўташдан озод қилиш тўғрисидаги, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги, жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисидаги, жазонинг шартлилигини бекор қилиш тўғрисидаги, бир жазони ижро этиш колониясидан ёки тарбия колониясидан бошқа турдаги колонияга, жазони ижро этиш колониясидан турмага ва турмадан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш ҳақидаги масалаларни маҳкум жазони ўтаб турган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси ҳал қилади.

Озодликдан маҳрум этишга шартли равишда ҳукм қилинганда синов муддатини қисқартириш ёки шартли ҳукмни

бекор қилиб, маҳкумни ҳукмида белгиланган жазони ўташ учун жўнатиш ҳақидаги, ҳукмнинг ижро этилиши кечиктирилган маҳкумни жазодан озод этиш, шунингдек, ҳукмнинг ижросини кечиктиришни бекор қилиш ва маҳкумни озодликдан маҳрум этишни ўташ учун юбориш тўғрисидаги, судланганликни олиб ташлаш ҳақидаги масалалар шу маҳкумнинг истиқомат жойидаги жинойт ишлари бўйича туман (шаҳар) суди судьяси томонидан ҳал қилинади.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган масалаларни, шунингдек, ҳукмни ижро этиш чоғида юз берадиган ҳар қандай шубҳа ва ноаниқликларни ҳукмни чиқарган суд ҳал қилиши лозим. Лекин ҳукм ушбу суд ҳудудидан ташқарида ижро этилаётган бўлса, масалаларни ҳал қилишни қулайлаштириш мақсадида шу ҳудуддаги тенг даражадаги судга, агар шу хил суд бўлмаса, юқори судга мурожаат қилиш мумкин. Ҳукмни ижро этилаётган жойдаги суд ўз ажримининг нухасини ҳукм чиқарган судга юборади.

2. Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган масалаларни маҳкум жазони ўтаб турган жойдаги жинойт ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси ҳал қилади.

3. Модданинг учинчи қисмида баён қилинган масалалар маҳкумнинг истиқомат жойидаги жинойт ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан кўрилиб ҳал қилинади.

4. Қонун ҳукми ижро этиш давомида учрайдиган шубҳа ва ноаниқликларнинг тўла рўйхатини бермайди, чунки бу масалаларни бирма-бир санаб ўтишнинг имкони йўқ. Ҳукмда маҳкумнинг шахсига оид маълумотлар тўла келтирилмаган, эҳтиёт чораси тарзида қамокда ушлаб турилган муддат кўрсатилмаган, озодликдан маҳрум этиш жазони ижро этиш колонияларининг қайси хилида ўталиши равшан кўрсатилмаган бўлса, ҳукмни чиқарган суд жинойт ишидаги материалларга мувофиқ аниқлик киритиши мумкин.

5. Ҳукмни ижро этиш жараёнида қуйидаги ноаниқликларни изоҳлаш суднинг ваколатига кирмайди:

а) ҳукм чиқарувчи суд жазо чорасини ўз ҳукмида аниқ кўрсатмаган ҳолларда: жазо турини белгилаш, унинг муддати ёки миқдорини тайинлаш;

б) бир неча жиноят қилган маҳкумга нисбатан у содир қилган жиноятларнинг ҳар биттасига алоҳида жазо чорасини белгилаш;

в) шартли жазо тайинланган ҳукм бўйича синов муддатини белгилаш;

г) маҳкум муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда, қандай муайян лавозимни эгаллаш ҳуқуқидан, қанча муддатга ёки қайси муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлигини ҳал этиш;

д) маҳкумга ахлоқ тузатиш ишлари тарзида жазо тайинланган бўлса-ю, аммо ҳукмда унинг ойлик иш ҳақидан неча фоиз ушлаб қолиниши кўрсатилмаган бўлса.

Ҳукмни ижро этиш вақтида туғиладиган ноаниқликларни тушунтириб берувчи суд ҳукмда кўрсатилмаган ҳолларда маҳкумнинг фуқаровий даъво ҳақидаги масалани ҳал қилишга ҳақли эмас. Кўрсатиб ўтилган масалаларни ҳал қилиш ҳукмнинг моҳиятини ўзгартиришга олиб келади, шунинг учун суд мазкур масалаларни ҳукмни ижро этиш тартибида кўриб ҳал қилишга ҳақли эмас. Бу ҳолларда ҳукм бекор қилиниши ва жиноят иши судда қайта кўрилиши лозим.

542-модда. Ҳукм, ажрим ва қарорни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш тартиби

Ҳукмни ижро этиш тўғрисидаги масалалар судья томонидан прокурор ҳамда маҳкум иштирокида суд мажлисида ҳал қилинади. Маҳкумнинг ушбу Кодекс 532-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлари таъминланади. Судья вояга етмаган, шунингдек, жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган маҳкумларга доир ҳукмларни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқаётганида ҳимоячи иштирок этиши шарт.

Агар масала ҳукмнинг фуқаровий даъво тўғрисидаги қисмини ижро этишга тааллуқли бўлса, суд мажлисига фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари ҳам чақирилади. Мазкур шахсларнинг суд мажлисига келмай қолиши ишни кўришни тўхтатиб қўймайди.

Маҳкумни касаллиги, ногиронлиги сабабли жазони ўташдан озод этиш тўғрисидаги, жазони ўташдан муддатидан

илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги, жазонинг ўталмаган қисмини енглроқ жазо билан алмаштириш тўғрисидаги, жазонинг шартлилигини бекор қилиш тўғрисидаги, бир жазони ўташ колониясидан бошқа тартибли колонияга ўтказиш тўғрисидаги, тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига, жазони ижро этиш колониясидан турмага ва турмадан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш тўғрисидаги, махсус тартибли жазони ўташ колониясидан қаттиқ тартибли жазони ўташ колониясига ўтказиш тўғрисидаги, ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг меҳнат стажига қушиш тўғрисидаги масалалар маҳкум жазони ўтаб турган жойдаги туман (шаҳар) судининг ажрими билан ҳал этилади.

Иш жазонинг ижросини амалга оширувчи муассаса ҳамда вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг биргаликдаги тақдимномасига биноан кўриб чиқиладиган ҳолларда судья мазкур комиссияни илтимоснома кўриладиган вақт ва жой ҳақида хабардор қилади.

Бошқа маҳкумларга тарбиявий таъсир кўрсатиш мақсадида муддатидан илгари шартли озод этиш ҳақидаги тақдимнома судья томонидан жазони ижро этиш колониясида ёки тарбия колониясида кўриб чиқилиши мумкин.

Ишни кўриш тақдимнома ёки илтимосномани ўқиб эшиттиришдан бошланади, кейин судья тақдим этилган материалларни текширади ва суд мажлисида ҳозир бўлган шахсларнинг фикрларини эшитади. Охирида маҳкум ёки унинг ҳимоячисига сўз берилади. Сўнгра судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

1. Судья ҳукми ижро қилиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳукми ижро этувчи орган вакили, прокурор ва маҳкумнинг иштирокида кўриб чиқади.

2. Суд мажлисида маҳкумнинг ҳимоячиси, қонуний вакили иштирок этишга ҳақли. Агар суд мажлисида жамоат бирлашмасининг ёки жамоанинг илтимосномаси муҳокама қилинадиган бўлса, суд ишнинг кўриладиган вақти ва жойини илтимоснома берган жамоат бирлашмаси ёки жамоага ҳам маълум қилиши шарт. Лекин уларнинг суд мажлисига келмагани ишни кўришни тўхтатиб қўймайди.

3. Хукми ижро этишга оид масала у ижро этилаётган туман (шахар) судининг судьяси томонидан жазони ижро қилиш колониясида ёки тарбия колониясида кўрилиши тавсия қилинади.

Судья хукми ижро этишга боғлиқ масалаларни кўрганда маҳкумнинг ушбу Кодекс 532-моддасида санаб ўтилган ҳуқуқларини таъминлаши шарт.

4. Суднинг хукми ижро этиш даврида чиқарган ажримда: 1) ажрим чиқарилган вақт ва жой; 2) ажрим чиқарган судьянинг, суд мажлиси котибининг, прокурорнинг ва суд мажлисида иштирок этган бошқа шахсларнинг фамилияси; 3) суд мажлисида ҳал қилиш учун кўйилган масала; 4) судья қабул қилган қарор ва унинг қабул қилинишига сабаб бўлган асослар кўрсатиб ўтилиши керак.

Хукми ижро этиш масалаларини кўрганда суд мажлисининг баённомаси юритилиши шарт.

543-модда. Синов муддати тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш

Судья шартли ҳукм қилинган шахснинг синов муддатини қисқартириш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқаётганида суд мажлисига ана шу шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат олиб боровчи органларнинг, шунингдек, маҳкумни кузатиб турувчи ва у билан тарбиявий иш олиб боровчи жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакиллари таклиф этилади.

1. Шартли ҳукм қилинган маҳкумга суд белгилаган уч йилгача муддатдан иборат синов муддатини қисқартириш мумкин. Бу масалани суд маҳкумнинг хулқ-атворини текшириб ва баҳолаб ҳал этади. Синов муддатини суд исталганча қисқартиришга ва ўталган деб ҳисоблашга ҳақли.

2. Шартли ҳукм бўйича синов муддатини қисқартириш тўғрисида масалани маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакилининг, шунингдек, маҳкумнинг хулқ-атворини устидан назорат олиб борган, у билан тарбиявий иш олиб борган жамоат бирлашмаси, маҳкум ишлайдиган, ўқийдиган ва истиқомат қилиб турган жамоа вакилларининг илтимосномаси билан кўрилади.

544-модда. Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги масалани куриб чиқиш

Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги масала судья томонидан жазони ўтаб бўлган шахснинг, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакилининг ёхуд жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг илтимосномасига асосан куриб чиқилади.

Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги илтимосномани куриб чиқишда илтимоснома ким ҳақида берилган бўлса, шу шахснинг суд мажлисида қатнашиши шарт. У ҳимоячи олиш ҳуқуқи билан таъминланади. Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги илтимоснома жамоат бирлашмаси ёки жамоа томонидан берилган бўлса, уларнинг вакиллари суд мажлисида иштирок этиши шарт.

Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги масалани куриб чиқиш тақдим қилинган илтимосномани ўқиб эшиттиришдан бошланади, сўнг судья судда ҳозир бўлганларнинг фикрларини эшитади ва ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

Судланганликни олиб ташлаш рад этилса, судьяга бу масалага доир қайта илтимоснома ажрим чиққан кундан бошлаб камида бир йил ўтганидан кейин киритилиши мумкин.

1. Судланганлик маҳкумга нисбатан айблов ҳукми чиққанини билдирувчи, уни салбий жиҳатдан тавсифловчи ва шу боис унинг обрў-эътиборига таъсир этувчи ҳуқуқий ҳолатдир. Унинг моҳияти, оқибати, бошланиш ва тугалланиш муддатлари, муддатидан илгари олиб ташланиш шартлари ва тартиби ЖК Умумий қисмининг 14-бобида кўрсатилган.

2. Шахс унга нисбатан жиноий жазо тайинловчи айблов ҳукми чиқарилган кундан эмас, ҳукм қонуний кучга кирган кундан судланган ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган ҳисобланиши лозим. Судланганликнинг ҳуқуқий оқибати ЖКдан кўрсатилган ҳолларда ва шахс унга нисбатан айблов ҳукми чиқарилгандан сўнг яна жиноят содир этганида эътиборга олинади. Судланган шахснинг фуқаровий, оилавий, меҳнат, уй-жой ва бошқа ҳуқуқлари фақат қонунда кўрсатилган алоҳида ҳолларда чекланиши мумкин.

3. Шартли ҳукм қилинган шахс суд белгилаган синов муддати ўтгач, хизмат бўйича чеклаш ва интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазоларни ўтагач, судланмаган ҳисобланади.

Шахс ҳукм бўйича жаримани тўлаган кундан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўтаб бўлган кундан бошлаб судланмаган ҳисобланади. Қамок жазоси ўталганидан кейин икки йил ўтгач, озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталгач, унинг муддатини эътиборга олиб, тўрт йилдан ун йилгача вақт ўтганидан сўнг шахс судланмаган ҳисобланади.

4. Шахс жазо муддатини ўтаб бўлганидан кейин намунали ахлоқи ва меҳнатга ҳалол муносабати билан ўзининг тузалганини исбот қилса, судланганлик ЖКнинг 78-моддасида белгиланган муддат ўтмасдан илгари олиб ташланиши мумкин.

5. Судланганликни олиб ташлаш шартлари: а) маҳкумнинг ҳукмда тайинланган асосий ва қўшимча жазо муддатини ўтаганлиги; б) судланганликни олиб ташлаш учун ЖК 78-моддасида белгиланган муддатнинг камида ярми ўтганлиги; в) маҳкумнинг тузалганлиги, яъни судланганлик муддати давомида янги жиноят қилмаганлиги, унга маъмурий ёки интизомий чоралар қўлланилмаганлигидан иборат.

6. Шахсдан судланганликни олиб ташлаш тўғрисида илтимос унинг ўзи, ҳимоячиси, қонуний вакили, жамоат бирлашмалари ёки жамоалар томонидан мустақил қўзғатилиши мумкин. Судланганликни олиб ташлаш тўғрисида илтимоснома жамоат бирлашмалари ёки жамоанинг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб қабул қилинган бўлиши шарт.

Одатда судланган шахсдан судланганликни олиб ташлаш тўғрисида илтимоснома мазкур шахс ишлаб турган ёки аъзо бўлган жамоат бирлашмаси ёки яшаш, ишлаш, ўқиш жойидаги жамоа томонидан қўзғатилади.

7. Агар ҳукмда тайинланган жазо қисқартирилган ёки енгилроқ жазо билан алмаштирилган бўлса, судланганликни олиб ташлаш учун қонунда белгиланган зарур муддат қисқартирилган ёки енгилроқ жазо ўталгандан бошлаб ҳисобланади.

8. Суд томонидан шартли равишда муддатдан олдин жазодан озод қилиш масаласи билан бир йўла судланганликни олиб ташлаш масаласини ҳал қилиш мумкин эмас. Судланган шахс жазонинг шартли синаш муддатини ўтаганидан кейингина суд

бундай қарор чиқариши мумкин. Шартли ҳукм қилишда синов муддати ўтмаган бўлса, жазо ўталмаган ҳисобланади. Шу сабабли бу вақтда судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги илтимосни суд кўриши мумкин эмас.

9. Касаллиги туфайли маҳкум муддатидан илгари жазодан озод қилинган бўлса, судланганликни олиб ташлаш учун қонунда талаб қилинган муддат суд ҳукмида тайинланган озодликдан маҳрум қилиш муддати ўтган кундан бошлаб ҳисобланади.

10. Қилмишнинг жиноий эканини истисно қилувчи, жазони енгиллаштирувчи ёки шахснинг аҳволини бирор тарзда енгиллаштирувчи қонун орқага қайтиш кучига эгаллигини эътиборга олиб, шахснинг судланганлигини муддатдан илгари олиб ташлаш мумкин.

11. Амнистия актида бевосита назарда тутилган ҳолларда судланганлик олиб ташланган ҳисобланади.

545-модда. Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш

Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги масала жамоат бирлашмаси ёки жамоа илтимосномаси бўйича, жазони ўтаб чиққан шахс меҳнатга қобилиятсиз бўлган тақдирда эса, унинг илтимосномаси бўйича ҳам мазкур шахс турган жойдаги туман /шаҳар/ судининг судьяси томонидан кўриб чиқилади.

Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги масала судья томонидан кўриб чиқиладиган пайтда илтимоснома ким ҳақида берилган бўлса, шу шахснинг, шунингдек, илтимос қўзғатган жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакили қатнашиши шарт.

Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мавжуд материалларни ўқиб эшиттириш билан бошланади, сўнг судья чақирилган шахсларни тинглайди, маҳкумнинг ахлоқ тузатиш ишларини ўташ вақтида ҳалол меҳнат қилганлиги ва намунали хулқидан далолат берувчи маълумотларни аниқлаб олади.

Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан судья чиқарган ажрим устидан юқори судга шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

1. Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий иш стажига қўшиш масаласини суд жамоат бирлашмаси ёки маҳкумнинг иш, ўқиш ёки яшаш жойидаги жамоанинг илтимосномаси асосида кўради. Жазони ўтаган шахс меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган бўлса, масала унинг илтимосномаси бўйича ҳам кўрилиши мумкин. Масала жазони ўтаган шахс истикомат киладиган туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан кўрилади.

2. Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни шахснинг умумий иш стажига қўшиш тўғрисида масала бу ҳақда илтимоснома берган шахс, шунингдек, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакили иштирокида суд мажлисида кўрилади. Судья илтимосноманинг мазмунини ва судга тақдим қилинган материалларни ўқиб эшиттиради, сўнгра шахснинг жазони ўташ вақтида ва ундан кейин ҳалол меҳнат қилгани, ахлоқи намунали экани тўғрисида маълумотларни эълон қилиб, ажрим чиқаради. Судьянинг ажрими устидан юқори судга шикоят бериш ёки протест билдириш мумкин.

546-модда. Хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳисобга киритиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги масала гарнизон ҳарбий судининг судьяси томонидан ана шундай турдаги жазоларнинг муддати тугагач, қўмондонликнинг илтимосига биноан ушбу Кодекснинг 545-моддасида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

1. Ушбу моддада – хизмат бўйича чеклаш ва интизомий қисмда сақлаш вақтини шахснинг ҳарбий хизматни ўташ муддатига қўшиб ҳисоблаш тўғрисида масалани ҳал қилиш тартиби белгиланган.

2. Масалани гарнизон ҳарбий судининг судьяси шу турдаги жазо муддати тугагач, қўмондонликнинг илтимосномасига кўра, Кодекснинг 545-моддасида назарда тутилган тартибда кўради.

ЎН УЧИНЧИ БЎЛИМ. АЛОҲИДА ТОИФАДАГИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ

60-боб. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ ҲАҚИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ

547-модда. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш тартиби

Жиноят қилгунга қадар ун саккиз ёшга тулмаган шахсларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш тартиби умумий қоидалар, шунингдек, ушбу Кодекснинг 548-564-моддалари асосида белгиланади.

1. Вояга етмаганлар конундаги фукаролик лаёқатини тула амалга ошириш ёшига етмаган, яъни Конституция ва бошқа конун ҳужжатларида белгиланган ўзининг ҳуқуқ, эркинлик ва юридик мажбуриятларини тула ҳажмда амалга ошира олмай-диган шахслардир. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш тартиби мазкур шахсларнинг ёши ҳамда ҳуқуқий мақомини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади.

2. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни кўришда иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни синчковлик билан ҳар томонлама тула ва ҳолисона текшириб чиқиш, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда судланувчининг шахсини эътиборга олган ҳолда аниқланган ҳақиқий ҳолатлар ва далиллар мажмуасига тўғри баҳо бериш, одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилган ҳолда конунда кўрсатилган имтиёзлардан тула фойдаланишга имконият яратиш лозим.

3. Ўн саккиз ёшга тулмаган шахсларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар ЖПКнинг 548-564-моддалари асосида юритилади (ушбу моддаларнинг шарҳига қаранг). Шунингдек, бу тоифадаги шахсларнинг жиноят ишларини юритишда 1984 йилда 18 майда Пекинда қабул қилинган «Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга тегишли БМТ қоидаларининг минимал стандартлари», Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан

қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» қарорларидаги қоидалар эътиборга олинади.

548-модда. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар

Дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси даврида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича, ушбу Кодекснинг 82 84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, қуйидагилар исботланиши лозим:

- 1) вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, ойи, куни);*
- 2) вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати;*
- 3) унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари;*
- 4) катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги.*

1. Мазкур модда ЖПКнинг 82, 84-моддаларида белгиланган ҳолатларни муайянлаштириб, вояга етмаганларнинг жиноятлари бўйича қандай ҳолатлар исботланиши лозимлигига эътибор қаратади.

2. Вояга етмаганларнинг аниқ ёши, уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларга асосан аниқланади. Айбланувчининг ёшини аниқлаш фақат процессуал жиҳатга эга бўлмай, балки моддий ҳуқуқнинг катор масалалари, жумладан, жиноий жавобгарлик асосларининг мавжудлиги, жиноий жазонинг айрим турларини қўллаш мумкинлиги, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга оид масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сонли қарорининг шахсни муайян ёшга тўлганлигини ҳисоблаш қоидалари белгиланди. Унга кўра, шахсни 18 ёшга тўлган куни бошланган вақтдан эмас, балки шу кун тўла ўтганидан кейин ҳисобланади, яъни

кейинги куннинг бошланишидан у 18 ёшга тулган ҳисобланади. Агар вояга етмаганнинг ёши аниқ бўлмаса, экспертлар хулосаси орқали аниқланади. Агар экспертлар муайян йилни вояга етмаганнинг туғилган куни деб хулоса берсалар, шахснинг туғилган куни ўша йилнинг охиригидан кундан ҳисобланади.

4. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг яна бири вояга етмаганнинг унинг ижтимоий руҳий ҳолатидан келиб чиқадиган шахсига хос хусусиятларни (хаётий тажрибасизлиги, бирон одамга ўхшашга, тенгдошлари орасида ўзини устун қўйишга интилиши, ўта таъсирчанлиги, ҳурмат-эътибор қозонишни хоҳлаши, кайфиятининг кескин ўзгариб туриши, ўйламасдан ҳаракатлар қилиши, воқеаларни ўз дунёқараши жиҳатидан қабул қилиши ва ҳуқуқий жиҳатдан чекланган лаёқат мақоми ва ҳ.к.) аниқлашдан иборатдир.

Вояга етмаганнинг саломатлиги ҳақидаги маълумотларни уни даволаган шифокорлар, касалхона ва поликлиникаларда юритилган расмий ҳужжатлардан олиш зарур бўлади. Саломатлик тўғрисидаги хабарларни вояга етмаганнинг ота-онаси, қонуний вакиллари, қўшнилари, танишлари ва унга яқин бўлган шахслар ҳам беришлари мумкин.

5. Вояга етмаганнинг турмуш ва тарбияланиш шароитларини аниқлаш деганда шахснинг ота-онаси ёки уларнинг қонуний вакиллари тўғрисидаги барча маълумотлар (уларнинг маълумоти, мутахассислиги, ташкилотчилиги, маънавий хусусиятлари, бир-бирига, фарзандларига бўлган муносабатлари, боланинг ота-онасига бўлган муносабати, ҳурмати, уни тарбиялашдаги иштироки ва ҳ.к.). Шунингдек, вояга етмаган шахснинг ҳамда моддий оиласининг моддий-ҳўжалик аҳволи, вояга етмаганнинг мулки, унинг маоши миқдори, ўқиш жойи, қобилияти, баҳолари, ўқишга муносабати, катталарга, раҳбариятга, оиласига, тенгдошларига муносабатлари ҳақидаги маълумотлар ҳам эътиборга олинади. Бундан ташқари вояга етмаганнинг алоқалари, бўш вақтини ўтказиш муҳити, унинг кизиқиш доиралари, маҳаллада ва уйда ўзини тутиши, қандай уюшмаларга аъзолиги, жиноий қилмиш содир қилишдан аввал қандай ҳуқуқбузарликлар содир этгани, унга нисбатан қандай чоралар қўлланилгани ва бу чоралар қандай натижаларга олиб келгани тўғрисидаги маълумотлар аниқланади. Агар вояга етмаган шахс ҳеч

қаерда ўкимаса ёки ишламаса, бунинг сабаблари ҳам ўрганилиши керак.

Вояга етмаганларда жамиятга қарши бўлган дунёқараш ва кўникмалар қандай шароитларга асосан пайдо бўлгани, яъни нотўғри тарбия, жамиятга қарши бўлган шахсларнинг таъсири, салбий намуна оқибатлари, жиноятни содир этишда айнан вояга етмаганлар ёшига мансуб бўлган сабаблар борлиги кабилар аниқланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сонли қарорининг 8-бандида берилган тушунтиришда «Агар вояга етмаган шахснинг жиноят содир этишига катта ёшдагиларнинг, шу жумладан иш юзасидан жабрланувчи деб эътироф этилган шахсларнинг ғайриконуний ёки ёмон хулқ-атвори сабаб бўлган бўлса, суд бу ҳолатни жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб эътироф этиши, шунингдек, зарур ҳолда қайд этилган шахсларнинг иш ёки яшаш жойларига хусусий ажрим чиқариб муҳокама қилишга юбориши лозим», дейилган. Бу тушунтириш ЖПК 548-моддаси биринчи қисми 4-бандида белгилаб қўйилган исботлаш предмети элементини аниқлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эгадир.

Вояга етмаган шахсга жиноят содир этишда иштирок этишнинг таклиф қилишнинг ўзиёқ ЖКнинг 127-моддасида кўзда тутилган жиноятга суиқасд қилиш таркибини ташкил этади.

549-модда. Вояга етмагanning қонуний вакили ишда қатнашиши

Вояга етмагanning жиноятлари ҳақидаги ишни юритишда қонуний вакилнинг қатнашиши шарт.

Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига суриштирувчи ёки терговчининг қарори бўйича вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилиш пайтидан бошлаб йўл қўйилади. Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига йўл қўйилганда унга ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлар тушунтирилади.

Қонуний вакил ўз ҳаракати билан вояга етмаган шахснинг манфаатига зарар етказади деб ҳисоблаш учун асос бўлса, суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суднинг ажрими билан вояга етмаганнинг қонуний вакили ишда қатнашишдан четлаштирилиши мумкин. Бундай ҳолда вояга етмаган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш бошқа қонуний вакилга ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакилига топширилади.

1. Гумон остига олинган, айбланувчи, судланувчи 18 ёшга тулмаган ёхуд қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб ҳисобланган бўлса, ЖПКнинг 60-моддасига биноан унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонуний вакили ишга жалб қилинади. Бу ҳақда суриштирувчи, терговчи ва прокурор – қарор, суд эса – ажрим чиқаради.

2. Қонуний вакил сифатида вояга етмаганнинг ота-оналари, васий, ҳомий, шунингдек, унга ҳомийлик қилувчи муассаса ёки ташкилотнинг вакили чиқарилиши мумкин. У жиноят ишида гумон остига олинган шахс, айбланувчи ёки судланувчи билан бирга иштирок этади. Лекин қонуний вакил билан вояга етмаган шахснинг манфаатлари ўзаро зид бўлса, қонуний вакил алмаштирилиши мумкин.

3. Ишда қонуний вакил иштирок этишидан қатъи назар, вояга етмаган гумон остидаги шахс, айбланувчи ва судланувчи албатта ҳимоячи билан таъминланиши шарт.

4. Гумон остига олинган шахс ва айбланувчи биринчи марта сўроқ қилинганидаёқ, ҳимоячининг иштироки мажбурийдир. ЖПКнинг 61-моддасига мувофиқ ҳимоячи ўз ҳимоясидаги шахс сўроқ қилинишида иштирок этишга ва унга терговчининг рухсати билан саволлар беришга ҳақли.

5. Барча ҳолларда қонуний вакил ўзи вакиллик қилаётган шахснинг процессуал ҳуқуқларидан фойдаланиши, уни сўроқ қилинаётганда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг рухсати билан иштирок этиши мумкин. У мазкур иш бўйича гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши, айтилиши вақтда фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин.

6. Қонуний вакил ЖПКнинг 50-моддасига мувофиқ иш бўйича вояга етмаган гумон остидаги шахс, айбланувчи ёки судланувчининг хоҳишига кўра ҳимоячи вазифасини ҳам

бажаришга ҳақли. Бу ҳолда у ЖПКнинг 53-моддасида курсатилган ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

550-модда. Вояга етмаганларнинг эшиноятлари ҳақидаги ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлаш

Вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи суроқ қилишдан бошлаб, суриштирувчи ёки терговчи ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлаш чораларини куради. Шу мақсадда вояга етмаган шахсга ва унинг қонуний вакилига ўзлари хоҳлаган ҳимоячини таклиф этиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилади. Агар ҳимоячи вояга етмаган шахснинг, унинг қонуний вакилининг ёхуд бошқа шахсларнинг топшириги ёки розилиги билан чақирилмаган бўлса, суриштирувчи, терговчи ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини ўз ташаббуси билан таъминлашга мажбур.

1. Гумон қилинган шахс, айбланувчи ва судланувчи ўз хоҳиши билан ҳимоячи танлашга ҳақли. У ҳимоячи танлашни ўзининг қонуний вакилига, қариндошларига ва таниш-билишларига топшириши, шунингдек, бу борада суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга мурожаат этиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг мурожаатига биноан адвокатлар бюроси, хайъати ёки фирмаси адвокатга ишда иштирок этиш тўғрисида топшириқ беради. Бундай адвокат ҳимоячи сифатида иштирок этгани учун ҳимояланаётган шахсдан ёхуд суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори, суднинг ажримига мувофиқ давлат ҳисобидан ҳизмат ҳақи (гонорар) олади.

2. Вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини ҳимоячининг иштирокисиз суроқ қилиш, шунингдек, бирор тергов ҳаракатини ўтказишда иштирок эттириш мумкин эмас. Бундай ҳаракатлар натижасида эришилган маълумотлар асосида шахсни айблаш ғайриқонунийдир.

Бундай мурожаат бўлмаса-да, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ўз ташаббуси билан вояга етмаган ушлаб турилганни, айбланувчини, судланувчини малакали ва ҳолис ҳимоячи билан таъминлашга мажбур.

551-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд муҳокамасида иштирок этишга жалб қилиш

Суд вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар кўриладиган вақт ва жой ҳақида уларнинг ота-онасини, ота-она урнини босувчи шахсларни, вояга етмаганлар ўқиган ёки ишлаган корхонани, муассасани, ташкилотни, вояга етмаганларнинг иши билан шуғулланувчи комиссияни, зарур бўлса, бошқа ташкилотларни ҳам хабардор қилади. Суд бу ташкилотларнинг вакиллари, судланувчининг васий ёки ҳомийсини суд мажлисига чақиришга ҳақлидир.

1. Юқорида қайд этилган шахсларни суд муҳокамасига жалб қилиш суднинг чақирув қоғози орқали амалга оширилади. Ушбу ҳужжатда суд муҳокамасининг ўтказилиш вақти, жойи ҳамда чақирилувчининг етиб келиш соати қайд этилиши лозим.

2. Ўқув-тарбия муассасалари, жамоат ташкилотлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ҳомийлик ва васийлик органлари вакиллари суд мажлисида судланувчи ва унинг ота-онаси, огоҳлантирув характеридаги кўрилган чоралар ва жиноят содир этилишига имкон берган бошқа шарт-шароитлар ҳақида ўз фикрларини баён этишга ҳақлидирлар.

3. Суд мажлисида ўқув-тарбия муассасалари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштироки жинойи жавобгарликка тортилган ўсмир шахсининг батафсил тавсифини аниқлаш, уни судланувчилар курсисига олиб келган сабабларни тўла билиш имкониятини беради. Улар ёрдамида суд ўсмирнинг яшаш, ўқиш ёки иш жойидаги тарбиявий камчиликларни аниқлаши, сўнг уларни бартараф қилиши мумкин.

552-модда. Вояга етмаган шахсга айблов эълон қилиш

Вояга етмаган шахсга айблов эълон қилиш вақтида ҳимоячи билан бир қаторда вояга етмаган шахснинг қонуний вакили ҳам иштирок этишга ҳақлидир.

1. Юқорида қайд этилган шахслар иштирокида вояга етмаган шахсга айблов эълон қилинади. Ушбу ҳаракатни бошлашдан

аввал терговчи қонуний вакилга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради. Бундан ташқари вояга етмаганга айблов эълон қилишда ЖПКнинг 96-108, 111-моддалари талабларига тулиқ риоя қилиниши керак (ушбу моддаларнинг шарҳига қаранг).

2. Вояга етмаган шахсга айблов эълон қилиш тегишли қарор асосида амалга оширилади. Мазкур қарор билан танишганлиги тўғрисида вояга етмаган айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили имзо чекиши лозим.

553-модда. Вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш

Вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳимоячи иштирокида сўроқ қилинади.

Сўроқ қилиш чоғида терговчининг руҳсати билан вояга етмаганнинг қонуний вакили иштирок этиши мумкин.

Ҳимоячи ва қонуний вакил гумон қилинувчига ва айбланувчига саволлар беришга ҳақли. Сўроқ охирида ҳимоячи ва қонуний вакил баённома билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдиришга ҳақлидир.

Вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилишга кетган умумий вақт, кун давомида дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисобга олмаганда, олти соатдан ошмаслиги керак.

Вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчини сўроқ қилиш ЖПКнинг 111-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади (ушбу модданинг шарҳига қаранг).

554-модда. Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда педагог ёки психологнинг иштироки

Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда терговчи ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра педагог ёки психолог иштирок этиши мумкин. У терговчининг руҳсати билан айбланувчига саволлар беришга, сўроқ тугаганидан сўнг эса, сўроқ баённомаси билан танишиб, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва мукамаллиги ҳақида ўз фикрларини ёзма равишда

беришга ҳақлидир. Бу ҳуқуқлар терговчи томонидан педагог ёки психологга вояга етмаган шахсни сўроқ қилишдан олдин тушунтирилади ва бу ҳақда сўроқ баённомасида қайд қилинади.

Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда педагог ёки психологнинг иштироки ЖПКнинг 111-моддаси талабларига биноан амалга оширилади (ушбу модданинг шарҳига қаранг).

555-модда. Вояга етмаган айбланувчига нисбатан эҳтиёт чоралари

Ушбу Кодекснинг 236-моддасида назарда тутилган асослар бўлган тақдирда вояга етмаган айбланувчига ушбу Кодекснинг 237-моддасида назарда тутилган эҳтиёт чораларидан бирини қўллаш мумкин. Вояга етмаган шахс ота-онасининг, ҳомийлар, васийларнинг қаровига ёки, башарти у болалар муассасасида тарбияланаётган бўлса, шу муассаса раҳбарларининг қаровига ҳам берилиши мумкин.

Вояга етмаган айбланувчига нисбатан эҳтиёт чоралари қўлланилгани тўғрисида унинг қонуний вакилига, агар бундай вакил бўлмаса, бошқа қариндошларига хабар қилинади.

1. Вояга етмаган айбланувчига эҳтиёт чоралари уни дастлабки тергов, суриштирув ёки суд муҳокамасидан қочиб кетишининг ёки келажақда амалга оширадиган жиноий ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида ёхуд иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилувчи ҳаракатларига қарши ва ҳукмни ижро этилишини таъминлаш мақсадларида қўлланилади.

2. Вояга етмаган айбланувчига нисбатан ЖПКнинг 237-моддасида қайд этилган куйидаги эҳтиёт чораларидан бири қўлланилиши мумкин: муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат; шахсий кафиллик; жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги; гаров; қамоққа олиш; вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш (ЖПК 237-моддасининг шарҳига қаранг).

3. Вояга етмаган айбланувчи, агар унинг ота-онаси бўлмаса ёки улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлса, болалар муассасасига жойлаштирилиши ва шу муассаса ходимларининг

қаровига берилиши мумкин. Бундай айбланувчи ўз қариндошларининг қаровига берилганда, агар улар рози бўлсалар, уларга қўлланилган эҳтиёт чораси ҳақида хабардор қилиниши лозим.

556-модда. Вояга етмаган шахсни қаровга топшириш тартиби

Вояга етмаган шахсни ота-онаси, васийлар, ҳомийлар ёки болалар муассасаси раҳбарларининг қаровига топшириш мазкур шахслардан биронтаси вояга етмагanning терговчи, прокурор ҳузурига ва судга ўз вақтида келишини, шунингдек, айбланувчининг ушбу Кодекс 46-моддасида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаришини таъминлаш масъулиятини ёзма равишда ўз зиммасига олишидан иборатдир.

Вояга етмаганни ота-онасининг, васийларнинг, ҳомийларнинг ёки бошқа шахсларнинг қаровига топшириш уларнинг, шунингдек, вояга етмаган шахснинг ўзининг розилиги билангина амалга оширилади.

Терговчи, прокурор, суд вояга етмаган шахсни қаровга топширишдан олдин ота-оналар, васийлар ёки ҳомийларнинг шахси, уларнинг вояга етмаган шахс билан ўзаро муносабати ҳақида маълумот тўплаши ва улар ўсмирни қаров остига олишни лозим даражада амалга оширишга қодир эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Ота-оналар, васийлар, ҳомийлар ўзларининг касалликлари, иш билан банд эканликлари, вояга етмаган шахс билан ўзаро муносабатлари ёмонлашганлиги ва шунинг оқибатида унинг муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлай олмасликлари сабабли вояга етмаган шахс ўз қаровларида бўлишидан истаган вақтда воз кечишга ҳақлидир.

Ота-оналардан, васийлардан, ҳомийлардан болалар муассасаси раҳбарларидан вояга етмаган шахсни қаровга қабул қилиш ҳақида тилхат олинаётганда улар ушбу эҳтиёт чораси қўлланишига асос бўлган айбловнинг моҳияти, айбланувчига тайинланиши мумкин бўлган жазо ва вояга етмаган шахс содир этиши эҳтимол тутилган қилмишларнинг олдини олиш мақсадида қаровга берилганидан кейин у худди ана шу хатти-ҳаракатларни содир этса, қаровга олувчиларнинг жавобгарлиги ҳақида хабардор қилиниши

лозим. Бу маълумотлар қаровга бериш баённомасида ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилади.

Айбланувчи ўз вазифасини бажармаган тақдирда уни ўз қарамоғига олган шахс қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши мумкин.

1. Вояга етмаган шахсни ота-она, васий, ҳомий бўладиган шахсларнинг қаровларига топширишдан аввал ушбу шахслар тўғрисида маълумот йиғилиши ва айнан шу шахсларнинг вояга етмаган шахсни қаровга олиш имконияти аниқланиши лозим.

2. Агар ота-она томонидан терговчига уларнинг қаровига вояга етмаган айбланувчини топшириш тўғрисидаги илтимоснома берилса, ушбу илтимоснома етарли деб ҳисобланиши керак.

3. Вояга етмаган айбланувчини ота-онаси, ҳомийлари, васийлари ёки қаровга олиш учун тайёр бўлган бошқа шахсларга топширишда унинг қандай жиноят содир этиб, қандай жавобгарликка тортилиши ва уларнинг бевосита жавобгарлиги тўғрисида аниқланиши лозим. Бу тўғрида вояга етмаган айбланувчини ўзгалар қаровига топшириш баённомасида ёки суд баённомасида қайд этилади.

557-модда. Вояга етмаган шахсни болалар муассасасига жойлаштириш

Эҳтиёт чораларини қўллаш учун асослар бўлган тақдирда, вояга етмаган айбланувчини, судланувчини турмуш ва тарбияланиш шароитига кўра илгариги яшаш жойида қолдириб бўлмаса, у терговчининг прокурор санкция берган қарорига ёки суднинг ажримига биноан болалар муассасасига жойлаштирилиши мумкин.

1. Болалар муассасасига терговчининг прокурор рухсат берган қарори ёки суд ажримининг нусхаси ижро этиш учун юборилади. Тегишли муассасага юборилган вояга етмаган шахс тегишли кузагувчи билан жўнатилади.

2. Ушбу қарор билан иш бўйича манфаатдор бошқа шахслар танишиб чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш вояга етмаган шахсга нисбатан ушбу Кодекснинг 236-моддасида назарда тутилган асослар бўлганда ва унга беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин бўлган қасодан жиноят содир этганликда айб эълон қилинган ҳамда айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини бошқа эҳтиёт чоралари таъминлай олмайдиган тақдирда қўлланилиши мумкин.

Вояга етмаган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги масалани кўриб чиқишда прокурор иш материаллари билан шахсан танишиб чиқиши, илтимосноманинг асослилигини текшириши, ҳолисани фавқулоддалигига ишонч ҳосил қилиши, айбланувчини ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича суроқ қилиши шарт.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қўлланилган вояга етмаган шахслар катти ёшдагилардан, шунингдек, вояга етмаган маҳкумлардан алоҳида сақланиши лозим.

1. Вояга етмаганга нисбатан ушлаб туриш ва эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш содир этилган жиноятнинг оғирлигига караб, ЖПКнинг 236-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, истисно ҳолатлардагина қўлланилиши мумкин. Умумий қоидага кўра эса, бундай шахсга қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чораси, беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши мумкин бўлган қасдан қилинган жиноятда айблаш ҳақида иш бўйича қўлланилиши мумкин.

2. Эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган, шунингдек, ЖПК 242-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра вояга етмаган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга йўл қўйилмайди.

3. Вояга етмаган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги масалани кўриб чиқишда прокурор ушбу шахснинг қилган хатти-ҳаракатларининг таърифи, турмуш ва тарбияланиш шароитлари, уни қуршаб турган муҳит, вояга етмаган-

нинг шахси, уни содир этган жиноятига муносабати ва бошқа ҳолатларни аниқлаши, сўнгра илтимосноманинг асослилигини текшириши, ходисанинг фавқулоддалигига ишонч ҳосил қилиши, айбланувчини ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича сўроқ қилиши лозим.

4. Вояга етмаган шахсга нисбатан камокка олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома суд томонидан ЖПКнинг 243-моддасида белгиланган тартибда куриб чиқилади.

5. Вояга етмаган шахсни камокка олиш тўғрисидаги қарорда, унинг вояга етмаган маҳкумлардан, шунингдек, катта ёшдагилардан алоҳида сақланиши кўзда тутилиши лозим.

559-модда. Дастлабки терговни тамомлаш ва вояга етмаган шахсни иш материаллари билан таништириш

Вояга етмаган айбланувчига дастлабки тергов тамомланганлиги эълон қилиниб, унга иш материаллари курсатилаётганда унинг қонуний вакили иштирок этишига ҳақли. Терговчи қонуний вакилга айбланувчини иш материаллари билан таништириш вақти ва жойи тўғрисида хабар бериши керак.

Терговчи вояга етмаган айбланувчига унинг шахси шаклланишига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган иш материалларини танишиши учун курсатмаслик тўғрисида қарор чиқаришга ҳақлидир.

1. Вояга етмаган айбланувчи иш материаллари билан танишаётган вақтда қонуний вакилнинг иштирок этиши вояга етмаганнинг ҳуқуқларини қўшимча кафолатлашга хизмат қилади. Қонуний вакил вояга етмаган айбланувчи ва унинг ҳимоячиси билан иш бўйича тупланган далилларнинг тулиқлиги тўғрисида баҳс олиб боришга, илтимосномалар тақдим этиш ҳуқуқига эга.

2. Терговчи иш материаллари билан танишиб чиқиш тўғрисида тегишли баённома тузиб, айбланувчи, унинг ҳимоячиси, қонуний вакилини унинг мазмуни билан таништиради ҳамда уларнинг имзолари билан ушбу ҳужжатни тасдиқлайди.

3. Терговчи иш ҳужжатларида мавжуд бўлган бирор материал вояга етмаган айбланувчининг тарбиясига салбий таъсир

қилиши мумкин деган хулосага келса, у айнан шу материаллар билан вояга етмаганни таништириш мумкин эмаслиги тўғрисида тегишли қарор чиқариб, ушбу материалларни вояга етмаган айбланувчига кўрсатмаслик ҳуқуқига эга. Ушбу қарор билан у вояга етмаган айбланувчи ва унинг ҳимоячисини таништиришга мажбур. Қонуний вакил ҳам ушбу қарор билан танишиш ҳуқуқига эга.

560-модда. Вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш

Ушбу Кодекс 19-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги иш ёпиқ суд мажлисида кўрилади.

1. Суд мажлисида текширилаётган иш ҳолатларининг барчаси ҳам вояга етмаган иштирокчилар томонидан тўғри қабул қилинмайди ва ҳар қандай ҳолат ҳам гарбиявий нуқтан назардан фойдали бўлмаслиги мумкин. Айнан шу сабабли ЖПК 19-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда вояга етмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар ёпиқ суд мажлисида кўрилади (19-модданинг шарҳига қаранг).

2. Вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш барча процессуал қоидаларга биноан ўтказилади.

561-модда. Вояга етмаган судланувчини суд мажлиси залидан чиқариб туриш

Вояга етмаган судланувчининг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, прокурорнинг фикрини эшитиб, вояга етмаган шахсга салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатлар текширилаётганда суд ўз ажрими билан уни суд залидан чиқариб туришга ҳақли.

Вояга етмаган шахс суд залига қайтарилганидан сўнг раислик қилувчи унга йўқлигида бўлиб ўтган муҳокама мазмунини етарли ҳажмда ва шаклда маълум қилади ва унинг йўқлигида сўроқ қилинган шахсларга савол бериши учун вояга етмаганга имконият яратиб беради.

1. Суд вояга етмаган судланувчини суд мажлисидан чиқарар экан, уни судда кўриладиган маълумотлардан воқиф бўлмаслигини таъминлаши лозим. Ушбу ҳаракатларни суд ўз ташаббуси ёки томонларнинг илтимосига кўра амалга ошириши мумкин.

2. Вояга етмаган шахс суд мажлиси залига қайта чақирилгандан сунг раислик қилувчи қандай масалалар кўрилганлиги ва кимлар бу тўғрида сўроқ қилинганлиги бўйича қисқача ахборот беришга ҳақли ва вояга етмаган судланувчи ушбу шахсларга тегишли саволлар бериш ҳуқуқига эга.

562-модда. Вояга етмаганлар иши билан шугулланувчи комиссияга ишнинг кўрилиши ҳақида хабар бериш

Суд, зарурат бўлганда, вояга етмаган шахснинг жинояти тўғрисидаги ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида вояга етмаганлар иши билан шугулланувчи комиссияга хабар беради. Суд, шунингдек, бу комиссия вакиллари ни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш учун суд мажлисига чақиришга ҳақлидир.

Ушбу комиссиянинг вакиллари иши судда кўриладиган вояга етмаган судланувчи тўғрисида ўзида бўлган барча маълумотлар билан суд ҳайъатини таништириш мажбуриятидан холи эмас ва ушбу маълумотларни судга тақдим этиш ҳуқуқига эга.

563-модда. Вояга етмаган судланувчига нисбатан ҳукм чиқаришда суд томонидан ҳал этиладиган масалалар

Вояга етмаган судланувчига нисбатан ҳукм чиқаришда суд, ушбу Кодекснинг 457-моддасида кўрсатилган масалалардан ташқари, башарти вояга етмаган шахс шартли ҳукм қилинса, унга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланса, вояга етмаган шахсга жамоат тарбиячиси тайинлаш зарурлигини муҳокама қилишга мажбур.

Кодекснинг мазкур моддасида жамоат тарбиячисининг вояга етмаган шахсга қандай ҳолларда тайинланиши тўғрисида қайд этилади ва бу шароитлар вояга етмаган шахс шартли ҳукм

килиниб, унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланганда вужудга келади (бошқа масалалар юзасидан ЖПК 457-моддасининг шарҳига қаранг).

564-модда. Вояга етмаган шахсни жавобгарликдан ёки жазодан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда озод қилиш

Вояга етмаган шахсни Жиноят кодекси 87-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жавобгарликдан озод қилиб, материалларни вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияда қўришга топширишда терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Вояга етмаган шахсга нисбатан ишни қўришда Жиноят кодекси 87-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда суд вояга етмаган шахсни жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чорасини қўлланиш тўғрисидаги масалани муҳокама этиши шарт. Суд мажбурлов чорасини қўлланиш ёки қўлланмаслик тўғрисида асослантирилган ажрим чиқаради.

Мажбурлов чорасини қўлланиш ёки қўлланмаслик тўғрисидаги ажрим устидан умумий тартибда шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин.

1. ЖКнинг 87-моддаси биринчи қисмига кўра, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўллагандан туриб ҳам тузатиш мумкин деган ҳулосага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда қўришга топширилиши мумкин.

2. ЖКнинг 87-моддаси иккинчи қисмига биноан эса, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсни, мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, суд жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани қўриб чиқиши шарт.

3. Вояга етмаган шахс ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган бўлса ва содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етмаса, суд жазо ўрнига мажбурлов чораси қўллаш мақсадга мувофиқлиги масаласини куриб чиқиши шарт.

4. Вояга етмаган шахс жиноят содир қилса-да, аммо унинг ижтимоий хавфлилиги унча катта бўлмай, етарли хавф туғдирмаган ҳолларда суднинг ажримига асосан ЖКнинг 88-моддасида қайд этилган мажбурлов чораларидан бири қўлланади: а) суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сураш мажбуриятини юклаш; б) ун олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш. Ушбу чора агар етказилган зарар белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ун бараваридан ошиб кетмаган бўлса қўлланилади. Бошқа ҳолларда етказилган зарар фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ундирилади; в) вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш.

61-БОБ. ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚУЛЛАШ ТУҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ

565-модда. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш туғрисидаги масалаларни куриш тартиби

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш туғрисидаги масалаларни куриш тартиби ушбу Кодекснинг умумий қоидалари, шунингдек, 566-581-моддалари асосида белгиланади.

1. ЖКнинг 18-моддасида белгиланганидек, шахснинг ақли норасолиги, яъни сурункали руҳий касаллиги, руҳий ҳолатининг вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа куринишдаги руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ва бошқара олмаганлиги уларни жиноий жавобгарликка тортмаслик учун асос вазифасини ўтайди. Жиноят ходисасини содир этгандан кейин ва суд ажрими чиққунга қадар руҳий касалликка учраган шахслар руҳий касалликдан даволаниб, соғаймагунларига қадар жиноий жавобгарликка тортилмайдилар. Бундай шахсларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланади.

2. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг қўлланиши шахсга жазо берилиши сифатида баҳоланмайди, жиноий жавобгарликни истисно этмайди ҳамда жавобгарликдан озод қилмайди. Чунки мазкур чоралар ижтимоий хавфли қилмиш содир этган руҳий касалликка учраган шахсларга нисбатан қўлланиб, ўзида жазо элементларини ифодаламайди, шахсни туғри йўлга солиш ва қайта тарбиялаш мақсадларини кўзламайди. Ушбу чоралар шахсларни даволаш, уларнинг ижтимоий хавф туғдирувчи руҳий ҳолатларини тузатиш ва улар томонидан янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишининг олдини олиш мақсадларида қўлланилади.

3. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қуйидаги зарур хусусиятларга эга:

- бу чоралар руҳий касалликка чалинган шахс, унинг яқин қариндошлари ёки қонуний вакилларининг хоши-иродасидан қатъи назар қўлланилади;

- беморнинг маълум бир шахсий эркинликларини чеклайди;

- мазкур чорани қўллаш учун биринчи инстанция судининг ажрими талаб этилади.

4. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига қуйидагилар киради: а) руҳий касалликка чалинган шахсни умумий ёки махсус типдаги тиббий муассасага ётказиш; б) мажбурий тиббий назорат ўрнатиш мажбурияти билан қариндошларига бериш. Шахсни умумий ёки махсус турдаги руҳий касалхонага жойлаштириш масаласи унинг айтилиши билан дамдаги руҳий ҳолати ва содир этган ижтимоий хавфли қилмишнинг оғирлик даражасига қараб ҳал этилади. Бу ҳақда суд ажрим чиқаради.

Агар суд шахсни руҳий касалликлар шифохонасига ётқизишни зарур деб тонмаса, уни қариндошларига ҳомийликка топширади ва бу ҳақда ажрим чиқаради. Ўз навбатида ҳомийлик остига олаётган қариндошлар руҳий бемор устидан мажбурий тиббий назоратни амалга оширишни таъминлаш мажбуриятини оладилар.

5. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини амалга ошириш соғлиқни сақлаш органларининг психиатрия муассасаларига юклатилган. Шифохонага юборилган руҳий бемор руҳий ҳолатига қараб шифохонанинг тегишли бўлимига жойлаштирилади. Умумий турдаги шифохонага ётқизилган шахсни шу турдаги бошқа шифохонага қўчириш масаласи Соғлиқни сақлаш вазирлигининг руҳсати билан амалга оширилади. Шахсни бир махсус турдаги тиббий муассасадан бошқасига ўтказиш масаласи эса Ички ишлар вазирлигининг буйруғи асосида амалга оширилади.

6. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун қуйидаги шартларнинг мавжудлиги талаб этилади:

- жамоат учун хавфли бўлган ҳаракатнинг мавжудлиги ҳамда мазкур ҳаракатнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги исботланиши;

- шахснинг жинойт содир этганда ёки ундан кейин руҳий касалликка чалинганлиги аниқланиши;

- ушбу шахснинг касаллиги туфайли ва ижтимоий хавфли қилмишлари орқали жамоат учун хавфли деб тан олинishi.

Ушбу шартлардан бирортаси мавжуд бўлмаса, суд шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга ҳақли эмас.

Жиноят қилгандан кейин руҳий касалликка дучор бўлиб қолган шахснинг жинояти туғрисидаги иш бўйича шахсда жиноят содир этгандан кейин юзага келган ва жазо қўлашни истисно этувчи руҳий касаллик борлиги исботланиши лозим.

Ақли норасонинг ижтимоий хавфли қилмиши туғрисидаги иш юзасидан қуйидагилар исботланиши лозим:

1) ушбу Кодекс 82-моддасининг 1, 2 ва 5-бандларида назарда тутилган ҳолатлар;

2) шахс қилмиш содир этган вақтида сурункали руҳий касал эканлиги, руҳияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа касаллиги, шунинг оқибатида унинг ақли норасо ҳолатда бўлганлиги, яъни уз ҳаракатларини идрок эта олмаганлиги ёки уз ҳаракатларини идора қила олмаганлиги;

3) мазкур шахснинг дастлабки тергов юритиши ва суд муҳокамаси вақтидаги руҳий ҳолати.

Шу билан биргаликда жиноят содир этганидан сўнг руҳий касалликка дучор бўлиб қолган шахснинг иши бўйича, шунингдек, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ақли норасо шахснинг иши бўйича шахснинг бундан кейинги хатти-ҳаракати ўзи ва атрофдагилар учун хавф туғдириши мумкинми-йўқми эканлиги, унинг даволанишига муҳтожлиги ёки муҳтож эмаслиги, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланишига зарурат бор ёки йўқлигини ва қандай чоралар қўлаш лозимлигини ҳал қилиш учун асос бўладиган ҳолатлар ҳам исботланиши лозим.

1. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўлаш туғрисида ажрим чиқариш учун қуйидагилар бевосита суд муҳокамасида исботланиши лозим:

– содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг жиноят қонунида назарда тутилганлиги;

– бу ижтимоий хавфли қилмиш айнан ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;

– ушбу шахснинг содир этган ҳаракатлари ва касаллик даражаси юзасидан жамият учун хавфлилиги;

– ЖПК 82-моддасининг 1, 2 ва 5-бандларида назарда тутилган ҳолатларнинг (жиноят объекти, жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули ва бошқалар) мавжудлиги;

– шахс қилмиш содир этган вақтида сурункали руҳий касал эканлиги, руҳияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа касаллиги, шунинг оқибатида унинг ақли норасо ҳолатда бўлганлиги, яъни ўз ҳаракатларини идрок эта олмаганлиги ёки ўз ҳаракатларини идора қила олмаганлиги;

– мазкур шахснинг дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давридаги руҳий ҳолати.

Юқорида келтирилган шартлардан бирортасининг мавжуд эмаслиги ушбу шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўллаши инкор этади.

2. Жиноят содир этгандан сўнг руҳий касалликка чалинган шахслар жинойий жавобгарликдан озод этилмайдилар. Улар жазодан (агар руҳий бузилиш жиноят содир этилган сўнг, то ҳукм чиқарилгунига қадар юз берган бўлса) ёки жазони кейинчалик ўташдан (агар руҳий бузилиш жазони ўташ даврида юз берган бўлса) озод этилишлари мумкин. Жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетмаган ёки шахсни жинойий жавобгарлик ва жазодан озод этишнинг бошқа асослари юз бермаган ҳолларда тиббий муассасага жойлаштирилган шахс соғайиши билан жазога тортилиши мумкин.

3. Ижтимоий хавfli қилмиш ақли норасо шахс томонидан содир этилган тақдирда жиноят иши ЖПКнинг 41-бобида кўрсатилган умумий асосларда қўзғатилади. Шахснинг ақли норасолиги сабабли жиноят иши қўзғатишни рад этиш мумкин эмас. Чунки суд шахснинг ақли норасолиги тўғрисида жиноят иши материаллари, суд-психиатрия экспертизасининг хулосаси ва бошқа далиллар асосида хулоса чиқариши мумкин.

4. Ақли норасо шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўла таъминлаш мақсадида ушбу турдаги жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказилиши мажбурийдир. Агар суриштирув вақтида ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахснинг руҳий касаллигини белгилашга асос бўлувчи ҳолатлар аниқланса, иш зудлик билан терговчига юборилади.

5. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан давлат мажбурлов чораси ҳисобланганлиги учун уларнинг қўлланилиши фақат дастлабки тергов ва суд муҳокамаси ўтказилганидан сўнг амалга оширилиши мумкин. Ақли норасо ва жиноят содир этгандан сўнг руҳий касалликка учраган шахсларнинг иши бўйича дастлабки тергов ва суд муҳокамаси 61-бобда кўрсатилган қўшимча шартлар билан биргаликда умумий қоидага кўра олиб борилади.

6. Ақли норасо ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс жиноий жавобгарликка тортилмаганлиги боис, унинг жиноят содир қилишдаги айбдорлик даражаси эмас, балки ижтимоий хавфли қилмишнинг айнан ушбу шахс томонидан содир этилганлиги исботланиши лозим. Бундан ташқари ижтимоий хавфли қилмишга боғлиқ бўлган бошқа ҳолатлар аниқланиши керак.

7. Дастлабки тергов ва суд муҳокамаси даврида шахснинг бундан кейинги хатти-ҳаракати ўзи ва атрофдагилар учун хавф туғдириши ёки туғдирмаслиги, унинг даволанишга муҳтож ёки муҳтож эмаслиги, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланишига зарурат бор ёки йўқлиги ва қандай чоралар қўллаш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун асос бўладиган ҳолатлар ҳам исботланиши лозим.

8. Ушбу тоифадаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларга ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни ҳам киритиш мумкин.

567-модда. Суд-психиатрия экспертизаси

Терговчи ёки суд айбланувчининг, судланувчининг ёхуд ишга айбланувчи, судланувчи тариқасида эжалб қилинмаган шахснинг руҳий касаллиги масалалари юзасидан унинг жиноят содир этганлиги ёки Жиноят кодексида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлиги ҳақида ишонарли далиллар мавжуд бўлган тақдирда, дастлабки терговни юритиш ва суд муҳокамаси вақтида мазкур шахснинг ақли норасолиги ёки руҳий касаллиги тўғрисида асосли шубҳа туғилган бўлса, суд-психиатрия экспертизаси тайинлайди.

1. Дастлабки тергов вақтида терговчи ёки суд муҳокамаи даврида суд томонидан айбланувчи, судланувчининг ёхуд ишга айбланувчи, судланувчи тариқасида жалб қилинмаган шахснинг руҳиятида юз берган зуриқиш, руҳий бузилиш ва умуман унинг руҳий касаллиги ҳақида ишонарли далиллар мавжуд бўлган тақдирда ёки бунга асосли шубҳа туғилганда суд- психиатрия экспертизаси тайинланади.

2. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш туғри-сидаги ишлар бўйича суд-психиатрия экспертизасининг тайин-ланиши ва ўтказилиши мажбурийдир. Айбланувчининг жиноят содир этиш вақтида ўз ҳаракатларининг тавсифи ёки ижтимоий хавфлилигини идрок этиш даражаси фақат суд-психиатрия экс-пертизаси томонидан аниқлаб берилиши мумкин. Ушбу масала-нинг ҳал этилиши суд томонидан айбланувчининг содир этган қонунбузарлиги учун айблаш ёки жиноий жавобгарликдан озод этиб, мажбурий даволашни белгилаши билан боғлиқдир. Экспертиза ҳулосасида асосан шахснинг қилмишни содир этишга лаёқатли ёки лаёқатсиз эканлиги масаласи ҳал этилади.

3. Терговчи суд-психиатрия экспертизасини ўтказиш ҳақида - қарор, суд эса, - ажрим чиқаради. Шахснинг руҳий ҳолатига таъсир қилувчи идрок қилиш даражасини аниқлаш учун тузилган экспертлар комиссияси таркибида эксперт психолог ҳам иштирок этиши лозим. Шахснинг ижтимоий хавфли қил-миш содир этиш вақтида руҳий ҳолатининг тулиқ аниқланмас-лиги иш бўйича суд ажримининг бекор қилинишига асос бўлади.

568-модда. Суд-психиатрия экспертизаси аниқлайдиган масалалар

Суд-психиатрия экспертизаси ўтказишда қуйидаги масалалар аниқланиши лозим:

1) шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган вақтда ўз ҳаракатларини идрок эта олмайдиган ёки идора қила олмайдиган даражада руҳий касаллик ҳолатида, руҳияти вақтинчалик бузилиш, ақли заиф ёки бошқа касаллик ҳолатида бўлганлиги;

2) шахс ҳозирги вақтда руҳий касаллик ҳолатида бўлиб, ҳукм қилиш ва жазолаш унга ахлоқ тузатиш жиҳатидан таъсир кўрсата олмаслиги;

3) ушбу касаллик сурункалими ёки шахс муайян вақт мобайнида тузалиши мумкинми;

4) шахс дучор бўлган руҳий касаллик яна изътимой хавfli қилмиш келтириб чиқариши ёки бунга сабаб бўлиши мумкинми;

5) шахс узининг руҳий ҳолатига кўра тўғри кўрсатув беришга, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, эксперимент ўтказиш ва бошқа тергов ҳамда суд ҳаракатларида иштирок этишга қодирми;

6) ҳозирги вақтда шахснинг ақли расоликни истисно қилмайдиган руҳий нуқсонлари борми ва улар нималардан иборат.

Шахсни эксперт тадқиқоти ўтказиш учун тиббий муас-сасага жойлаштириш ушбу Кодекснинг 265-269-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилиб амалга оширилади.

1. Терговчи экспертиза тайинлашда касаллик тарихидан кўчирма талаб қилишга, баъзи ҳолларда эса унинг асл нусхасини талаб қилишга ҳақлидир. Агар айбланувчида бош мия жароҳати, юқумли касалликлар, касбга оид ва бошқа касалликлардан кейин руҳий ўзгаришлар кузатилганлиги тўғрисида маълумотлар бўлса, тиббий ҳужжатлар айбланувчи юқоридаги касалликлардан даволанган муассасасидан талаб этилиши лозим.

2. Юқорида таъкидланганидек, суд-психиатрия экспертизасини ўтказишга учун суднинг ажрими ёки терговчининг қарори асос бўлади. Бу ҳужжатларда ишнинг баёни, экспертиза тайинлаш мақсадлари, уни ўтказиш кимга топширилганлиги, экспертиза ҳал этиши лозим бўлган масалалар кўрсатилиши керак (ЖПКнинг 180-моддасининг шарҳига қаранг).

3. Суд-психиатрия экспертизаси олдида ЖПК 568-моддасининг биринчи қисми 1-6-бандларидаги масалалардан ташқари ишнинг хусусиятига қараб бошқа масалалар ҳам кўйилиши мумкин (масалан, илгари руҳий касалликлар шифохонасида кўйилган ташхислар, айбланувчи томонидан содир этилган симуляция ҳолатлари ва ҳ.к.).

Эксперт–психиатрлар олдида мутахассис аниқлаши талаб этиладиган бошқа масалалар ҳам кўйилиши мумкин (масалан, касалликнинг бошланган вақти, унинг кейинги кечиши, соғайиш эҳтимоллигини аниқлаш ва ҳ.к.).

4. Эксперт олдига имкон қадар аниқ, равшан ва тасдиқ ёки инкор жавоби бериладиган саволлар қўйилиши лозим. Агар терговчи рухий касалликлар соҳасига тааллуқли маълумотларга эга бўлмай, эксперт олдига қўйиладиган саволларни тузиш ёки уларни изоҳлашга қийналса, олдиндан психиатр билан маслаҳатлашиши мумкин.

5. Суд-психиатрия экспертизасини мувафакқиятли ўтказиш учун экспертлар ихтиёрига қуйидагилар юборилади: жиноят иши материаллари; тиббий ҳужжатлар (асл нусхалар, нусхалар, касаллик тарихидан кўчирмалар, маълумотнома ва бошқалар); терговчининг қарори ёки суднинг ажрими ёхуд жазони ўташ жойлари маъмуриятидан маълумотнома; текширилаётган шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқалар. Экспертиза муассасасига юборилган материаллар қанча тўлиқ бўлса, эксперт хулосаси шупчалик аниқ бўлади.

569-модда. Шахс тиббий муассасага жойлаштирилганда жиноят ишини юритишнинг тўхтатиб турилиши

Башарти гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг рухий ёки бошқа оғир касаллиги амбулатория экспертизаси хулосаси ёки бошқа тиббий ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлса ва қандай касалликка дучор бўлганлигини аниқлаш, ақли расолиги, муомалага лаёқатлилиги масаласини ҳал этиш, шунингдек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини танлаш учун стационар экспертиза ўтказилаётган бўлса, шахс тиббий муассасага жойлаштирилган даврда, башарти бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказишга ҳожат бўлмаса, ишни юритиш тўхтатиб турилиши мумкин.

Ишни юритишнинг тўхтатиб турилиши айбланувчини қамоқда сақлаш ва шахснинг тиббий муассасада бўлишига оид қонунда белгиланган муддатлар ўтишини тўхтатмайди.

1. Тиббий муассасага жойлаштирилаётган айбланувчи, судланувчи ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан иш юритилаётган шахсга нисбатан, башарти бу муассаса қамоққа олинганларни сақлашга мослаштирилган бўлса, қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси танланиши мум-

кин. Бошқа ҳолларда мазкур эҳтиёт чораси танланиши ёки унинг энгилроқ тури билан алмаштирилиши лозим.

2. Айбланувчи, судланувчи ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан иш юритилаётган шахснинг тиббий муассасада бўлган вақти қамокда сақлаш муддатига қўшиб ҳисобланади.

Шахснинг тергов ва судга кела олмайдиган даражада руҳий касалланиши иш юритишни тўхтатишга асос бўлади. Бундай шахсни фақат соғайгандан кейин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин.

3. Иш қайси босқичда тўхтатилганига қараб суд қуйидаги масалалар ҳақида ажрим чиқаради: а) ишни қайтадан ўзгартириб, уни дастлабки тергов ёки суриштирувга юбориш; б) шахс иш судга берилганидан кейин, аммо ҳукм чиқарилгунча руҳий касалликка дучор бўлган бўлса, янгидан ишнинг муҳокамасини қўзғатиб, уни суд муҳокамасида кўриш; в) шахс ҳукм чиқарилганидан кейин руҳий касалликка дучор бўлган бўлса, ҳукмнинг ижросини тиклаш.

4. Барча ҳолатларда ҳам айбланувчининг даволаш муассасаларида ўтаган вақти жазо муддатига қўшиб ҳисобланади.

5. Суд тиббий муассасасининг хулосасига асосан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини бекор қилиш тўғрисида ажрим чиқара олади. Суд бу масалани кўраётган вақтда ишни тўхташиш учун асос бор деб ҳисобласа, бу ҳақда ажрим чиқаради. Бундай ҳолатларда жиноят ишини қайта қўзғатиш талаб этилмайди.

570-модда. Шахснинг тергов ва суд ҳаракатларини юритишдаги иштироки

Ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиши тўғрисида иш юритилаётган шахс соғайса ёки унда барқарор ремиссия ҳолати юз берса ва шу туфайли сўроқларда тўғри кўрсатув бера олса ҳамда бошқа тергов ва суд ҳаракатларида иштирок эта олса, терговчи ва суд бу шахсга тергов қилишда ва суд муҳокамасида қатнашиши ҳамда ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга ошириши имконини бериши лозим.

Узига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллаш тўғрисида иш юритилаётган шахс: унга қандай ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлик учун айб қўйилаётганини билишга; кўрсатув беришга; далиллар тақдим қилишга; илтимослар қилишга; дастлабки тергов тамомланганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқишга; ҳимоячига эга бўлишга; суд муҳокамасида қатнашишга; рад қилишга; терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоят қилишга ҳақлидир.

Терговчи тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ишини юритишни бошлаш ва суд-психиатрия экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги қарорни эълон қилганда мазкур шахсга ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқларини тушунтириб беради. Ҳуқуқлар тушунтирилганлиги тўғрисида баённома тузилади.

Мазкур шахс алоҳида тергов ва суд ҳаракатларини юритиш вақтида ушбу Кодексдаги айбланувчи ва судланувчилар учун белгиланган ҳуқуқларга ҳам эга.

1. Ақли норасо шахсларнинг ўз ҳаракатларини бошқара олиш ва идрок этишдан маҳрум этувчи руҳий касаллиги уларнинг тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказишдаги иштирокини истисно этади. Ақли норасо шахснинг тергов ҳаракатларини ўтказишдаги иштирокини таъминлаш имкониятлари бўлмаган ҳолларда баённома тузилади. Бундай шахсларнинг тергов ҳаракатларини ўтказишда иштирок эта олмаслиги эксперт хулосаси ёки тегишли тиббиёт муассасасининг расмий маълумотномаси билан тасдиқланиши керак. Шу билан бирга ушбу шахсни тергов жараёнидан бутунлай четлатиш мумкин эмас. Соғлиғининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ундан терговда фаол иштирок этиш талаб қилинмайди, лекин бу тоифадаги шахсларни баъзи бир тергов ҳаракатларини ўтказилишида иштирок эттириш мумкин (масалан, ақлий фаолият талаб қилинмайдиган таниб олиш учун кўрсатиш, гувоҳлантириш, экспертиза текшируви учун намуналар олиш ва ҳ.к.).

2. Ақли норасо шахснинг тергов ҳаракатларини ўтказишда иштирокига ушбу ҳолат бўйича берилган шифокорнинг хулосасини ҳисобга олган ҳолда йўл қўйилади. Ушбу шахс ишти-

рокида ўтказиладиган барча ҳаракатларда ҳимоячининг иштироки мажбурийдир.

3. Ақли норасо ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор чиқарилмайди. Бундай шахсга нисбатан эҳтиёт чораси танланмайди ва у иш материаллари билан танишмайди, иш бўйича айблов ҳулосаси тузилмайди.

4. Жиноят содир этгандан сўнг руҳий касалликка дучор бўлган шахсга айб эълон қилиш ва унга нисбатан эҳтиёт чораси танлаш истисно этилади.

5. Шахснинг жиноят содир этгандан сўнг ақли норасо деб топилиши, яъни руҳий касалликка дучор бўлган деб эътироф этилиши бошқа процесс иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга оширилишига таъсир кўрсатади. Масалан, руҳий касалнинг ҳаракатлари оқибатида етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги фукаровий даъво фукаролик судининг иш юритуви тартибда кўриб чиқилиши лозим.

571-модда. Ҳимоячининг иштироки

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни юритишда суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш ҳақида қарор чиқарилган вақтдан бошлаб ҳимоячининг иштирок этиши шарт.

Ишга киришган вақтдан бошлаб ҳимоячи, башарти ҳимояси остидаги шахснинг соғлиги ҳалал бермаса, у билан ҳоли учрашишга ҳақли, шунингдек, ушбу Кодекснинг 53-моддасида назарда тутилган бошқа барча ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

Суд-психиатрия экспертизаси ўтказиш тўғрисидаги қарор ёки ажримни ижрога юборишдан олдин терговчи ёки суд у билан ҳимоячини таништириши ва унинг қўйидаги ҳуқуқларини таъминлаши зарур: тайинланган экспертни ёки умуман экспертиза муассасасини рад қилиш; муайян шахсни эксперт қилиб тайинлашни илтимос қилиш; экспертнинг олдига қўшимча саволлар қўйиш; экспертиза ўтказилаётганда қатнашиши учун руҳсат сўраш. Терговчи ёки суд ҳимоячининг илтимосномасини, башарти асослар бўлса, қондиради ва экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримга тегишли қўшимчалар ва ўзгартишлар киритади.

Суд-психиатрия экспертизасининг хулосасига кўра, ҳимоя остидаги шахс жиноят содир этилгандан сўнг руҳий касал бўлиб қолган ёки ақли норасо бўлса ёхуд унинг ақли расолигини истисно этмайдиган, аммо ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқини мустақил амалга оширишда кийинчилик тугдирадиган руҳий камчиликлари бўлса, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳимоячининг ишда иштирок этиши шартлиги ҳақидаги қондаси амал қилишда давом этади.

Кейинчалик суд-психиатрия экспертизасининг хулосаси асосида шахс ақли расо ва руҳий соғлом деб топилса, ишда ҳимоячининг иштироки масаласи умумий тартибда ҳал қилинади.

1. Ушбу тоифадаги ишлар бўйича айбланувчи, судланувчи ёхуд ҳали улар тарикасида ишга жалб қилинмаган шахснинг ақли норасолигини аниқлашга эҳтиёж борлиги муносабати билан суд-психиатрия экспертизаси тайинланишидан бошлаб ҳимоячининг иштироки шарт.

2. Одатда ҳимоячи ўзининг ҳимоясига олган шахс билан учрашиши лозим. Лекин мутахассис сифатида чақирилган психиатрдан бундай учрашув шахснинг соғлиғига салбий таъсир қилмаслиги ҳақида фикр олиниши мақсадга мувофиқ.

3. Мазкур ишлар бўйича ҳимоячи ўз ҳимояси остига олган шахс билан холи учрашиши, унинг иштирокида бирор процесуал ҳаракатни ўтказиш имкониятларини аниқлаши ва ЖПКнинг 53-моддасида кўрсатилган ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланиши лозим. Ҳимоячи айниқса суд-психиатрия экспертизаси тайинлаш билан боғлиқ иш ҳолатларини тадқиқ қилиши ва уни қонуний тарзда ўтказишга эътибор бермоғи керак.

4. Ҳимоячи ўз ҳимоясига олган шахснинг барча ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялайди. Ҳимоячи шу шахс билан тергов ҳаракатлари ўтказишда бирга қатнашиши, агар илгари бундай ҳаракат ўтказилган бўлса, бу ҳақда баённомалар билан танишиши лозим.

5. Суд-психиатрия экспертизаси шахсни ақли расо ва унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллаш учун зарурат йўқ деб ҳисобласа, жиноят иши умумий тартибда юритилиши ва ҳимоячининг иштироки шарт бўлмай қолиши мумкин.

Терговчи процесс иштирокчиларини иш материаллари билан таништиргач ва илтимосномаларни ҳал қилгач, ишни судга юбориш тўғрисида қарор тузади.

Терговчи қарорнинг тавсиф-асослаш қисмида ушбу Кодекснинг 566-моддасида назарда тутилган ҳолатларни, шунингдек, ишни судга юбориш асосларига норози бўлган ҳимоячининг ва бошқа шахсларнинг вазжларини, агар шундай вазжлар билдирилган бўлса, баён қилади ва иш саҳифаларига ҳавола қилиб, унинг фикрича, ишни судга юбориш учун асослар борлигини тасдиқловчи далиллар келтиради.

Ишни судга юбориш тўғрисидаги қарорга суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхати, шунингдек, дастлабки тергов юритилган муддат, устидан тергов ўтказилган шахснинг қамоқда ва тиббий муассасада бўлган муддати, ашёвий далиллар, фуқаровий даъво ва уни таъминлаш чоралари, процессуал чиқимлар тўғрисидаги маълумотномалар шлова қилинади.

1. Терговчи муайян шахснинг ижтимоий хавфлилиги, у содир этган ижтимоий хавфли қилмишнинг тафсилотлари, жиноятни акли норасо ҳолатда содир этганлиги ёки жиноят содир этгандан сўнг руҳий касалликка чалинганлиги, шунингдек, содир этилган жиноят натижасида етказилган зарарнинг характери ҳамда миқдори ҳақида керакли далиллар тўплангандан кейин процесс иштирокчиларини иш материаллари билан таништиради, илтимосномаларни ҳал қилади, сўнгра тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун жиноят ишини судга юбориш ҳақида қарор чиқаради. Ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор жиноятда субъектив томон мавжуд эмаслиги билан айблов хулосасидан фарқ қилади.

2. Ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор уч қисмдан иборат бўлади: кириш, тавсиф-асослаш ва хулоса. Кириш қисмида ушбу ҳужжатнинг тўла номи, ким томонидан, қачон ва қаерда тузилганлиги, иш рақами, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, фуқаролиги, маълумоти, оилавий аҳволи, иш ва яшаш жойи, миллати ва бошқа маълумотлар кўрсатилади. Қарорнинг

тавсиф-асослаш қисмида жиноят иши қўзғатилишининг асос ва важлари, ЖК қайси моддаси белгилари билан қачон иш қўзғатилганлиги, ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган вақт, ЖПКнинг 566-моддасида назарда тутилган ҳолатлар, шунингдек, ишни судга юбориш асосларига норози бўлган ҳимоячи ва бошқа шахсларнинг важлари баён қилинади. Ишни судга юборишга асос бўлувчи аниқ далиллар, улар олинган манбалар кўрсатилади. Қарорнинг хулоса қисмидан ишни прокурор орқали судга юбориш тўғрисидаги терговчининг хулосаси ўрин олади.

3. Терговчининг қарори асослантирилган бўлиши керак, унда тергов давомида аниқланган барча ҳолатлар ҳамда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асослари баён қилинади. Шу жумладан, ЖКда ижтимоий хавфли деб эътироф этилган жинойий ҳаракат содир этилганлиги, жиноят айна шу шахс томонидан ақли норасо ҳолатда содир этилганлиги, ушбу шахс руҳий касалликка мубтало бўлганлиги сабабли айна вақтда ва келгусида ҳам жамоат учун хавфлилиги, бинобарин унга нисбатан тиббий йўсиндаги чоралар қўлланиши зарурлиги исботланган бўлиши лозим.

4. Ишни судга юбориш ҳақида қарорга келгунча, терговчи иш материаллари билан барча манфаатдор процесс иштирокчиларини таништириб чиқиши ва бу ҳақда баённома тузиши лозим. Процесс иштирокчилари томонидан илтимосномалар келтирилган тақдирда, терговчи уларни кўриб чиқиши ва ҳал қилиши лозим.

5. Терговчи ишни судга юбориш ҳақидаги қарор билан прокурорга ўтказди.

573-модда. Ишни прокурорга ўтказиш ва судга ошириш

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни терговчи уни судга ошириш тўғрисидаги қарор билан бирга прокурорга ўтказди.

Прокурор иш билан танишиб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1) ушбу Кодекснинг 83 ва 84-моддаларида назарда тутилган асосларга кўра ишни тугатиш;

2) қўшимча тергов ўтказиш учун ишни терговчига қайтариш;

3) қарорни тасдиқлаб ишни судга ошириш.

1. Ишни судга юбориш ҳақида қарор билан жиноят ишини олган прокурор қарорга розилик билдириб, уни тасдиқлайди ва судга юборади. Агар суд-психиатрия экспертизаси ва бошқа далиллар тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилаётган шахснинг руҳий ҳолатини аниқлаш учун етарли эмаслигини ёки иш бўйича далиллар тўпланмаганлигини аниқласа, прокурор ишни ёзма кўрсатмалар билан терговчига қўшимча тергов учун қайтаради.

2. ЖПКнинг 382-моддасига биноан суриштирув ва дастлабки тергов вақтида қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш прокурор томонидан амалга оширилади. Бу модданинг қоидалари ақли норасо шахс содир этган жиноятлар тўғрисидаги ишларга ҳам тааллуқлидир (382-модданинг шарҳига қаранг).

3. Прокурор терговчи чиқарган қарорни ўзгартиши ёки янги қарор чиқариши, судга чақирилган шахслар рўйхатини тўлдириши ёки камайтириши мумкин.

4. Терговчининг руҳий касал шахсга нисбатан жиноят ишини тўхтатиш ҳақидаги қарорини прокурор бекор қилиб, ишни янгидан қўзғатиши мумкин.

5. Агар прокурор мазкур шахснинг руҳий ҳолати ва содир этган ҳаракати ижтимоий хавфли эмас, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун асос йўқ деб ҳисобласа, ишни тугатиши лозим.

574-модда. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш

Судья тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни прокурордан олгач, уни ушбу Кодекснинг 395-405-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан ўтказиладиган суд муҳокамасига тайинлайди.

1. Суд мажлисига тайёргарлик ҳаракатларини суд раиси ёки у ишни топширган судья амалга оширади. Судья иш материаллари билан танишиб чиқади ва ишни суд мажлисида кўриш учун тайинлайди.

2. Судья суд мажлиси қаерда ва қачон ўтказилиши ҳақида прокурор, ҳимоячи, иши кўриляётган шахснинг қонуний вакиллари ҳамда шу ишга дахлдор жабрланувчи, гувоҳлар ва экспертларни хабардор қилиши шарт.

3. Иши кўрилаётган шахснинг суд мажлисида қатнашиш-қатнашмаслиги масаласи унинг беморлик даражасига, ақли қай даражада расо ёки норасолиги, яъни суд мажлисида кўрсатув бериш ҳамда далилларини таҳлил қилишга қодир ёки қодир эмаслигига боғлиқ. Бундай лаёқат фақат шифокор-психиатр ёрдами билан аниқланади. Судланувчининг суд муҳокамасида қатнашиши тўғрисидаги ЖПКнинг 410-моддасида кўрсатилган қоида ва ундаги истисно ҳолатлар тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга оид ишларни кўриш тартибига татбиқ қилинмайди.

4. Шифокорларнинг фикрича ақли расо бўлмаган вақтда ижтимоий хавfli ҳаракат содир қилган шахс суд муҳокамаси вақтига келиб тузалган бўлса, судья мазкур шахснинг суд мажлисидаги иштирокини таъминлаши шарт.

5. Ақли расо бўлмаган ҳолда ижтимоий хавfli ҳаракат содир қилган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласи фақат суд мажлисида ҳал этилади. Қонунда кўрсатилган асослар борлиги сабабли суд ёки судья ишни тўхтатишни лозим деб топганда ёки қайта текшириш керак деб ҳисоблаганда иш суд муҳокамасига қўйилиши мумкин. Ижтимоий хавfli қилмиш айна шу шахс томонидан содир этилганлиги хусусида етарли далиллар мавжуд эмаслиги ёки жиноят содир этилган вақтда ёхуд ижтимоий хавfli ҳаракат қилингунига қадар бу шахснинг руҳий касалланиш даражаси ҳамда бу касалликнинг характери қандай бўлганлиги, шахснинг ижтимоий хавfli ҳаракат қилишдан илгари ва ундан кейинги хулқ-атвори тўғрисида маълумотларнинг етарли эмаслиги ана шундай асослар ҳисобланади.

575-модда. Суд муҳокамаси

Суд муҳокамаси ушбу Кодекснинг 50-52-бобларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ равишда ўтказилади.

Суд мажлисида прокурор ва ҳимоячи иштирок этиши шарт.

Суд тергови прокурорнинг ишни судга ошириш тўғрисидаги қарорни ўқиб эшиттиришидан бошланади. Шундан сўнг суд тарафларнинг иштирокида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун асослар мавжудлигини

масдиқлайдиган ёки рад этадиган далилларни текширади: суроқ қилади, кўздан кечириш ўтказади, хужжатларни ўқиб эшиттиради, экспертларни тинглайди, ҳақиқатга эришиш учун зарур бўлган бошқа ҳаракатларни бажаради.

Суд тергови тамомланганидан сўнг суд тарафларнинг музокарасига ўтади. Музокарада прокурор, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иштирок этадилар. Музокаранинг охирида ҳимоячи сўзга чиқади. Охириги эътироз билдириш ҳуқуқи ҳам унга берилади.

Тарафларнинг нутқларини эшитиб бўлгач, судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

1. Ақли норасо шахслар ва жиноят содир этгандан сўнг руҳий касалликка чалинган шахсларнинг ишлари бўйича суд муҳокамаси барча ҳолларда прокурор ва ҳимоячи иштирокида ўтказилади. Улардан бири келмай қолган тақдирда суд муҳокамаси бошқа вақтга қолдирилади.

2. Суд тергови давомида суд иши кўрилагаётган шахснинг руҳий ҳолати ҳақида эксперт-психиатрнинг фикрини эшитади, унинг ижтимоий хавfli қилмиш содир этганлигини тасдиқловчи ёки рад этувчи далилларни, шунингдек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни текширади.

3. Суд тергови тугаллангандан сўнг процесс иштирокчилари тарафлар музокарасига жалб этилади. Унда иш бўйича манфаатдор шахслар, яъни прокурор жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иштирок этади.

4. Суд тарафлар музокараси давомида ижтимоий хавfli қилмиш муайян шахс томонидан содир этилганлиги, ушбу шахснинг ақли расо ёки норасолиги, унинг ижтимоий хавfliлиги, унга нисбатан қандай тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш лозимлиги, ижтимоий хавfli қилмиш натижасида етказилган зарар ҳақидаги масалалар бўйича прокурорнинг, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари билдирган фикрларни эшитади.

5. Уюшган гуруҳ томонидан содир қилинган жиноят иши бўйича айбланувчилардан бирига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларин қўллаш масаласи курилайётган бўлса, прокурор судланувчиларга нисбатан айблов нутқини сўзлаб, кейин ақли норасо шахенинг қилмиши тўғрисидаги фикрини билдиради, сўнгра ҳимоячи ва судланувчилар, ундан кейин эса руҳий беморнинг ҳимоячиси сўзга чиқади.

6. Тарафлар музокараси сўнггида ҳимоячи сўзга чиқади. У ижтимоий хавфли қилмиш содир этилганлиги, ушбу қилмиш муайян шахс томонидан содир этилганлиги, унинг ақли расолиги, ижтимоий хавфли ёки хавфли эмаслиги, унга тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллаш кераклиги, агар зарур бўлса, унинг қандай турини қўллаш лозимлиги ҳақидаги масалалар бўйича ўз фикрини билдиради. Ҳимоячи охириги эътироз билдиришга ҳақли.

7. Прокурор ва ҳимоячи иш бўйича юритишни тугатиш ёки қўшимча терговга юбориш масаласини қўйишлари мумкин.

576-модда. Алоҳида ҳонада суд ҳал қиладиган масалалар

Алоҳида ҳонада суд қўйидаги масалаларни ҳал қилади:

1) жиноят содир этилганми ёки ақли норасо шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этганми;

2) ана шу жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш иши курилайётган шахс томонидан содир этилганми;

3) мазкур шахс ҳозирги вақтда руҳий касалми;

4) жиноят содир этганидан кейин руҳий касалликка дучор бўлиб қолган ёки ақли норасо ҳолда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш талаб этиладими ва агар талаб этилса, айнан қандай чорани қўллаш керак;

5) мазкур шахс руҳий касалликдан умумий асосларда даволанишга муҳтожми.

Суд, шунингдек, ушбу Кодекс 457-моддаси биринчи қисмининг 10-14-бандларида назарда тутилган масалаларни ҳам ҳал қилади.

1. ЖПК 576-моддасининг биринчи қисми 1-5 бандларида кўрсатилган масалаларни раислик килувчи алоҳида ҳонада

ажрим чиқариш вақтида қонунда кўрсатилган тартибда муҳокама қилиш учун суд таркибига тақдим этади. Суд таркиби бу масалаларни ҳал этмай туриб, кейинги масалаларни ҳал қилишга ўта олмайди. Бундан ташқари, иш материалларидан келиб чиқиб, ашёвий далиллар, иш бўйича тайинланиб иштирок этган адвокатнинг хизмат ҳақи, болаларга ҳомийлик, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилаётган шахснинг мулкани қўриқлаш чоралари ҳақидаги масалалар ҳам ҳал этилади.

2. Муҳокама этилган ва ҳал қилинган барча масалалар бўйича тухтамлар суд ажримида қайд этилади ва барча судьялар томонидан имзоланади. Ажрим суд мажлисида эълон қилинади ва унда адвокатнинг иш ҳақи ва суд чиқимлари, фуқаровий даъво, эҳтиёт чорасини қўллаш, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланган шахснинг вояга етмаган болаларини ҳомийликка бериш ва унинг мулкани қўриқлаш тўғрисидаги масалалар ҳал этилиши лозим.

577-модда. Суд ажрими

Кейинчалик руҳий касалликка дучор бўлиб қолган шахс содир этган жиноят тўғрисидаги ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши ҳақидаги иш бўйича суд мажлисида чиқарилган суд ажрими қўйидаги қоидалар асосида тузилади.

Суд ажримнинг кириш қисмида иши қўрилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, тугилган йили, ойи, куни ва жойи, турар жойи, иш жойи, машғулот тури, маълумотини ва шахси тўғрисидаги иш учун аҳамиятга молик бошқа маълумотларни кўрсатади.

Ажримнинг тавсиф-асослаш қисмида суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёки қўлламаслик учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни баён қилади, шу чорани қўллашни тақозо қиладиган, шубҳа остига қўядиган ёки унга монелик қиладиган далиллар келтиради. Шундан сўнг ажримда суд ушбу Кодекснинг 576-моддасида санаб утилган масалаларга ўзининг жавобларини ифодалайди.

Ажримнинг хулоса қисмида суд қўйидаги қарорлардан бирини баён қилади:

1) шахсни жиноят содир этган, кейинчалик руҳий касал бўлиб қолган деб эътироф этиш ёхуд уни ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасо ҳолатда содир этган деб тан олиш тўғрисида, шунингдек, бу шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисида;

2) иши қурилайётган шахс қилган деб ҳисобланаётган жиноят ҳодисаси ёки ижтимоий хавфли қилмиш йўқлиги сабабли ишни тугатиш тўғрисида;

3) шахсинг содир этилган ишга дахлдор эмаслиги туфайли тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни юритишни тугатиш ҳақида ва ҳақиқатда жиноят содир этган шахсни аниқлаш мақсадида ишни қўшимча терговга қайтариш тўғрисида;

4) мазкур шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ва дастлабки терговни умумий тартибда тамомлаш учун ишни прокурорга қайтариш тўғрисида.

Кейинчалик руҳий касалликка дучор бўлган шахсинг содир этган жинояти ёки ақли норасо шахсинг ижтимоий хавфли қилмиши туфайли мулкий зиён етказилган бўлса, зиённинг ўрнини қоплаш масаласи фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ҳал этилади.

Руҳий ҳолати бузилган ва умумий асосда даволанишга муҳтож бўлган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни юритиш тугатилган тақдирда, суд бу ҳақда шахсинг турар жойидаги соғлиқни сақлаш органига дарҳол хабар қилади.

1. Агар суд ижтимоий хавфли қилмиш маълум шахс томонидан ақли расо бўлмаган ҳолда содир этилган деб топса, ишни тугатади ва баъзи ҳолатларда ушбу шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллайди. Лекин бунинг акси бўлган ҳолларда, суд алоҳида ажрим чиқариб, ишни қўшимча тергов юритиш ва умумий тартибда давом эттириш учун қайтариб юборади, бу шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланмайди.

2. Суд, ижтимоий хавфли қилмиш содир этишда шахсинг иштироки ўз исботини топмади деб ҳисобласа, мазкур шахсинг касаллиги қандай эканидан қатъи назар, ишни тугатиш ва ишни қўшимча терговга жўнатиш ҳақида ажрим чиқаради.

3. Суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш туғрисидаги ажримни ижтимоий хавфли қилмиш мавжуд бўлган ва ушбу қилмиш муайян шахс томонидан содир қилинганлигини аниқлаган ҳолатларда чиқаради. Ажримда тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш муддати кўрсатилмайди, ушбу муддат беморнинг саломатлиги ва уни даволаш усулларига боғлиқ. Шунингдек, шахснинг қайси шифохонада даволаниши ҳам ажримда кўрсатилмайди.

4. Руҳий касал шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланганда (у шифохонага олиб борилгандан кейин) ҳамда иш тўхтатилганда бу шахсга нисбатан белгиланган эҳтиёт чораси бекор қилинади.

5. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги суд ажрими озодликдан маҳрум этиш жойларида бўлган шахсларга нисбатан шу жойнинг маъмурияти ходимлари томонидан, бошқа шахсларга нисбатан эса соғлиқни сақлаш органлари томонидан милиция органлари ёрдами билан бажарилади. Шахс умумий турдаги шифохоналарга соғлиқни сақлаш органлари томонидан, махсус турдаги шифохоналарга – милиция органлари томонидан олиб борилади. Бу органларга суд ўз ажримининг нусхасини юборади. Нусхага эксперт-психиатр хулосаси илова қилинади.

578-модда. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахс соғайган тақдирда ёки соғлиғи ўзгариб, шахс руҳий касал бўлса-да, суд томонидан дастлаб белгиланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларидан бошқа хил даволанишга муҳтож бўлса ёхуд бу хилдаги чораларга муҳтож бўлмаса, суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилади ёки ўзгартиради.

1. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари суд ажрими билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Бунга психиатрия шифохонаси маъмуриятининг тақдими бўлиши шарт.

2. Ақли норасо деб топилган шахс соғайгани ёки соғлиғи жиддий ўзгаргани боис, унга нисбатан тиббий йўсиндаги

мажбурлов чорасини давом эттиришга зарурат колмаса, унда бу чора бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Суд шу шахсни даволаётган орган маъмурияти тақдимига ва ҳомийлик қилаётган шахсларнинг муассаса илтимосига биноан ЖПКнинг 578-моддасида белгиланган қоидалар бўйича тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласини кўриб чиқади.

3. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини бекор қилиш ёки ўзгартириш касал шахснинг даволанганлиги ҳақидаги ҳужжатга асосланади. Руҳий касал шахснинг психик ҳолати оғирлашган ёки энгиллашганлигига эътиборни қаратган ҳолда, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиддийроғи ёки энгилроғи билан алмаштирилиши мумкин.

4. Суднинг қарорига кўра, умумий тоифадаги психиатрия шифохонасида даволанаётган касал шахслар ҳар олти ойда бир марта гувоҳлантирилади. Бундан кўзланган мақсад махсус тиббий комиссия томонидан уларнинг психик ҳолатини аниқлаб, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини бекор қилиш ёки ўзгартириш имконияти бор ёки йўқлигини аниқлашдан иборат.

Гувоҳлантириш шифокор ёки бошқа мутахассис томонидан ўтказилади ва бу ҳақда баённома тузилиб, тегишинча терговчи ёки судга тақдим этилади.

5. Махсус турдаги шифохоналарида касаллар марказий суд-психиатрия эксперт комиссияси томонидан гувоҳлантирилади. Руҳий касал шахс даволанаётган стационардаги шифокорининг фикри шубҳа уйғотса, махсус тиббий комиссия тайинланиши мумкин.

6. Тиббий комиссиянинг ҳулосаси махсус далолатномада кўрсатилади. Бу далолатнома касал шахснинг психик ҳолати, унинг қайтариладиган жойи, шароитлари, даволаш услублари ва бошқалар белгиланади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласини ажрим чиқарган суд ёки касал шахс даволанаётган шифохона жойлашган жойдаги суд ҳал этади.

7. Агар мажбурий даволаш чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида даволанувчи шахснинг қариндошлари ёки бошқа манфаатдор шахслардан илтимоснома тушган бўлса, суднинг ўзи тегишли касалхонанинг психиатрия-эксперт комиссиясидан даволанувчи шахснинг соғлиги ҳақида ҳулосалар тақдим этишни талаб қилади.

8. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласи кўриляётганда, суд мажлисига даволаш муассасаси маъмуриятининг вакили, мажбурий даволаш чорасини бекор қилиш ёки ўзгаришни илтимос қилган шахс тиббий эксперт хулосасини берган шифокорлар комиссияси, шахснинг соғлиғи имкон берса, унинг ўзи чакирилади.

9. Суд мазкур шахсни бундан буён мажбурий даволанишга мухтож эмас деб топса, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилади ва мажбурий даволаш тўхтатилади.

10. Суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш билан бирга мазкур шахсни умумий асосда даволашни давом эттириш ҳақида тиббий органларга беришга, шунингдек, бу шахсни ота-она ёки васийлар ҳомийлигига топшириш билан бирга врач назоратини белгилашга ҳақлидир.

11. Агар суд беморнинг соғлиғи ва ижтимоий хавфлилиги ўзгармаган, деган хулосага келса, мажбурий даволаш чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида тушган илтимосномани рад этиши мумкин. Агар психиатрия касалхонаси маъмуриятининг тақдимномасида шифокорлар комиссияси умумий турдаги психиатрия касалхонасида даволанаётган шахснинг ижтимоий хавфлилиги илгаригидан ортиқроқ бўлиб қолди, деган хулосага келганлиги айtilган бўлса, бундай ҳолатларда суд уни махсус турдаги психиатрия шифохонасига ўтказиш ҳақида қарор чиқаради.

12. Суднинг ҳар қандай ажрими устидан умумий асосларда протест ёки шикоят бериш мумкин. Жиноят содир этган ва кейин руҳий касалликка дучор бўлиб қолганлиги туфайли тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахс соғайган тақдирда суд ишни шахс руҳий касал бўлган босқичдан бошлаб умумий тартибда юритишни тиклаш масаласини ҳал қилиши лозим.

579-модда. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги ишни юритишни тиклаш

Жиноят содир этган ва кейин руҳий касалликка дучор бўлиб қолганлиги туфайли тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахс соғайган тақдирда суд ишни

шахс руҳий касал бўлган босқичдан бошлаб умумий тартибда юритишни тиклаш масаласини ҳал қилиши лозим.

1. Жиноят содир қилингандан кейин руҳий касаллик билан бетоб бўлиб қолганлиғи сабабли тиббий йўсиндаги мажбурий чора қўлланилган шахсни шифокорлар комиссияси соғайган деб топса, суд қабул қилинган тиббий йўсиндаги мажбурий чорани бекор қилиш тўғрисида ажрим чиқаради ва ишни суриштирув ёки дастлабки тергов утказиш, шу шахсни айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортиш учун юбориш ёки ишни тўхтатиш масаласини ҳал қилади.

2. Ишни янгидан бошлаш ҳақида ажрим чиқарганда ЖКда курсатилган жиноий жавобгарликка тортиш муддатига роя қилинади.

580-модда. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш ва иш юритишни тиклаш

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини бекор қилиш ёки ўзгартириш ва иш юритишни умумий тартибда тиклаш тўғрисидаги масалаларни судда куриб чиқишга кўйидагилар сабаб бўлади:

1) мажбурлов чораси тайинланган шахс сақланаётган тиббий муассаса маъмуриятининг шифокорлар комиссияси берган хулосага асосланган илтимосномаси;

2) прокурорнинг шифокорлар комиссияси берган хулосага асосланган тақдимномаси;

3) мазкур шахснинг ҳимоячиси, яқин қариндошлари, қонуний вакиллари ёки бошқа манфаатдор фуқароларнинг, шунингдек, жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг илтимосномаси.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини бекор қилиш ёки ўзгартириш, шунингдек, иш юритишни умумий тартибда тиклаш масалаларини тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисида ажрим чиқарган суд ёки ушбу чора қўлланаётган жойдаги суд куриб чиқади.

Иш судда куришга тайинлангани тўғрисида суд тарафларга, шунингдек, илтимоснома билан мурोजаат қилган тиббий муассаса маъмуриятига, шахсларга, жамоат бирлашмалари ва жамоалар раҳбарларига хабар қилади.

Суд мажлисида прокурор ва ҳимоячининг иштирок этиши шарт.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган ҳолларда судья ишни судда куришига тайинлашдан олдин тегишли тиббий муассасадан шу шахснинг соғлиғи тўғрисида шифокорлар комиссиясининг хулосасини талаб қилиб олади.

Шифокорлар комиссиясининг илтимосномага қўшиб берилган ёки талаб қилиб олинган хулосаси судда шубҳа туғдирса, суд суд-психиатрия экспертизасини тайинлаши, қўшимча ҳужжатлар талаб қилиши, илтимоснома ким ҳақида берилган бўлса, шу шахсни, жабрланувчини, гувоҳларни сўроқ қилиши ва бошқа зарурий ҳаракатларни ўтказиши мумкин.

Суд мажлисида далилларни текшириш ушбу Кодекснинг 439-448-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ўтказилади.

Далилларни текшириш ниҳоясига етгач, суд томонларнинг музокарасини эшитади, бу музокара прокурор ва ҳимоячи нутқидан иборат бўлади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш, ўзгартириш, шунингдек, бекор қилишни ёки ўзгартиришни рад этиш тўғрисида суд ажрим чиқаради, бу ажрим суд мажлисида ўқиб эшиттирилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш рад қилинган тақдирда такрорий илтимоснома рад этиш ҳақида ажрим чиққан кундан олти ой ўтгандан кейингина кўриб чиқиш учун қабул қилиниши мумкин.

1. Тиббий комиссиянинг илтимосномага қўшиб берилган ёки талаб қилиб олинган хулосаси судда бирон-бир шубҳа туғдирса, суд қайтадан суд-психиатрия экспертизасини тайинлаши, қўшимча ҳужжатларни талаб қилиши, илтимоснома ким ҳақида берилган бўлса, шу шахсни, жабрланувчини, гувоҳларни сўроқ қилиши ва бошқа зарурий ҳаракатларни ўтказиши мумкин. Бундай суд мажлисларида прокурор ва ҳимоячиларнинг иштирок этишлари шарт. Мазкур шахснинг ҳимоячиси, яқин қариндошлари, қонуний вакиллари ёки бошқа манфаатдор фуқароларнинг, шунингдек, жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг илтимосномасига кўра судья ишни судда кўришдан олдин

тегишли тиббий муассасадан шахснинг соғлиги тўғрисида шифокорлар комиссиясининг хулосасини олади.

2. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш ва иш юритишни тиклаш чоғида химоячининг иштироки шарт, акс холда суд мажлисида судланувчи ўз ҳуқуқларини химоя қилишга қодир эмас. Суд томонидан чиқарилган ажрим жиноят процесси қоидаларига амал қилинмаганлиги учун бекор қилиниши лозим. Бу борада прокурорнинг ҳам иштироки шарт, чунки прокурор суд процессида нафақат давлат айбловчиси сифатида қатнашади, балки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси тўғри қўлланишига эришиши лозим.

581-модда. Суднинг ажрими устидан шикоят бериш ёки протест билдириш

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги ишни юритишни тўхтатиш ва тугатиш, ушбу чораларни қўллаш, уларни бекор қилиш ёки ўзгартириш, ишни юритишни умумий тартибда тиклаш, шунингдек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини бекор қилиш ёки ўзгартиришни рад этиш тўғрисидаги ҳамда иш юритишни умумий тартибда тиклашни рад этиш тўғрисидаги суд ажрими устидан ўзига нисбатан суд ажрими чиқарилган шахс, унинг химоячиси, жабрланувчи ва унинг вакили хусусий шикоятлар бериш, прокурор эса хусусий протест билдириш ҳуқуқига эга.

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масала бўйича суд ажримининг фуқаровий даъвога тегишли қисми устидан шикоят беришга ҳақли.

Ушбу моддада назарда тутилган ажрим устидан берилган шикоят ва протестларни юқори суд ушбу Кодекснинг 505-507-моддаларида белгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда кўриб чиқади.

1. Ушбу моддада суднинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги ажрими устидан шикоят ва протест бериш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг қатъий рўйхати белгиланган. Шу сабабли ушбу моддада кўрсатилган шахслар-

дан ташқари ҳеч ким шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли эмас.

2. Кассация шикояти ва протести бериш муддати тугагач, ажрим чиқарган суд ишни бир сутка ичида берилган шикоятлар ва протест билан бирга кассация судига юборади. Шу билан бирга суд ишни кассация инстансисида кўриб чиқиш кунини ҳам аниқлайди.

3. Кассация шикояти ва протести бериш муддатини ҳисоблаш ва уни тиклаш ҳамда кассация шикояти ва протести билдириш, ўзгартириш ва ҳал этиш масалалари 351-354-моддаларида кўрсатилган қоидаларга риоя қилиб амалга оширилади.

62-БОБ. ЯРАШУВ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ

582-модда. Ярашилганлиги муносабати билан кўриб чиқиладиган жиноят ишлари

Ярашилганлиги муносабати билан Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилиши мумкин.

1. Жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки уларнинг қонуний вакили ЖК 66¹-моддасида санаб ўтилган жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судлануви билан ярашиши муносабати билан иш юритиш ЖПКнинг ушбу бобида кўрсатилган тартибда олиб борилади.

2. ЖКнинг 66¹-моддасида санаб ўтилмаган жиноятларни содир этишда гумон қилинган, айбланган ёки суд қилиниши лозим бўлган шахсга нисбатан жиноят ишлари бўйича ушбу бобдаги процессуал нормалар қўлланилмайди.

583-модда. Ярашув тўғрисидаги ариза

Ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек, суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкин.

Аризада етказилган зиён бартараф этилгани, шунингдек, ярашилганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шарт.

Агар ярашув тўғрисидаги ариза иш биринчи инстанция судида суд муҳокамасидан ўтказилаётганда берилган бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришади.

Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда, ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.

Аризани қабул қилиш пайтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига

суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шарт.

1. Ярашув тўғрисидаги жиноят иши фақат жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, уларнинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки тергов пайтида, шунингдек, суд ҳукм чиқариш учун маслаҳатхонага киришидан олдин берилган аризага биноан юритилади. Суд маслаҳатхонада ҳукм, ажрим чиқармай, иш бўйича яна суд терговини давом эттирган ҳолда ҳам ярашув тўғрисида ариза берилиши мумкин. Иш бўйича ҳукм ёки ажрим чиқарилгандан сўнг берилган ярашув аризаси оқибатсиз қолдирилади.

2. Жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, уларнинг қонуний вакили берган аризада улар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи билан ярашганлиги аниқ таъкидланиб, жиноят ишини юритиш тугатилиши тўғрисида илтимос қилинган бўлиши керак. Ярашув ва ишни тугатиш ҳақида ариза қатъий тарзда ва бирор қўшимча шарт билан боғланмаган бўлиши лозим.

3. Ярашув тўғрисидаги ариза мазмунан ёки шакл жиҳатидан ушбу моддада кўрсатилган талабларга жавоб бермаса, қайта тузилиши ва расмийлаштирилиши зарур. Бундай ариза ҳар доим ёзма шаклда тақдим этилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2002 йил 25 октябрда қабул қилган “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” қарорига кўра, унда ушбу модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилган ҳолатлардан ташқари, жиноят натижасида етказилган зарар баргараф этилганлиги ёки жабрланувчи зарарнинг қопланишидан воз кечганлиги ҳам кўрсатилган бўлиши лозим.

4. Ярашув тўғрисида аризани қабул қилиш, чоғида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд, агар ярашувни суд тасдиқласа, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, унинг қонуний вакили келгусида мазкур ишни қайта тиклаш ҳақида илтимос қилишга ҳақи йўқлигини тушунтириши шарт. Ярашув тўғрисида иш юритиш ҳақида ариза билан мурожаат қилган жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг қонуний вакилига бу ҳақда тушунтирилгани тегишли баённома билан расмийлаштирилиши керак.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пденумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” қарорида тушунтирилганига кура, иш бўйича жабрланувчи билан айна вақтда фуқаровий даъвогар ҳам иштирок этаётган бўлса, ярашув тўғрисида иш юритишни бошлаш учун уларнинг ҳар иккиси ариза берган бўлиши шарт.

6. Жиноят иши судда мазмунан кўрилади ва ҳал қилинади. Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, уларнинг бирортаси ярашувга рози бўлмаган тақдирда, ишни ярашув тартибида юритиш ва ҳал қилиш мумкин эмас.

584-модда. Жиноят ишини судга юбориш тартиби

Суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) ёки унинг қонуний вакилининг ярашув тўғрисидаги аризасини олгач, етти суткадан ортиқ бўлмаган муддатда гумон қилинувчининг, айбланувчининг розилиги билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради.

Қарорнинг тавсиф қисмида қуйидагилар кўрсатилади: жиноят иши қўзғатилишининг асослари, ишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, улар айбланаётган қилмишлар ва уларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари, шунингдек, ярашув тўғрисидаги аризанинг мазмуни ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчининг аризага муносабати.

Қарорнинг қарор қисмида:

- 1) ишни судга юбориш тўғрисидаги;*
- 2) эҳтиёт чораси тўғрисидаги, шунингдек, фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари тўғрисидаги;*
- 3) ашёвий далиллар тўғрисидаги қарор кўрсатилади.*

Агар иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этиш учун бир неча шахс жалб қилинган бўлиб, барчаси билан ҳам ярашувга эришилган бўлмаса, ярашувга эришилмаган гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга тааллуқли материаллар ажратилади ва улар бўйича иш юритиш умумий қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади, бу ҳақда қарорда кўрсатилади.

Иш қарор чиқарилганидан кейин уч сутка ичида прокурорнинг розилиги билан судга юборилади.

1. Жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, уларнинг қонуний вакилидан ярашув тўғрисида аризани олгач, суриштирувчи, терговчи, прокурор етти суткадан колдирмай бу ҳақда гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг розилиги билан ишни судга юбориши лозим. Ишни ўз вақтида судга юбормаганлик учун суриштирувчи, терговчи, прокурорга интизомий таъсир чоралари кўрилиши мумкин. Етти сутка ўтгандан сўнг келган бўлсада, суд бундай ишни кўриши лозим.

2. Ярашув тўғрисида аризани ҳал қилиш учун қонунда белгиланган етти кунлик муддат ариза суриштирувчига, терговчига ёки прокурорга берилган кундан бошланади. Агар ариза жиноят иши кўзғатилганидан олдин берилган бўлса, бу муддат жиноят иши кўзғатилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти ярашув тўғрисида ариза берилган пайтда иш бўйича қилмиш ЖКнинг 66¹-моддасидаги жиноят таркиблари билан квалификация қилинмасдан олдин берилган бўлса, уни кўриб ҳал қилиш муҳлати қилмишни тавсиф қилиш учун етарли асослар мавжуд бўлган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Бу ҳақда Олий суд Пленуми юқорида номланган қарорининг 5-бандига қаралсин.

3. Ярашув тўғрисида аризани ҳал қилишда сансалорликка йўл қўйган суриштирувчи, терговчи, прокурорга нисбатан ушбу масалани кўрган суд алоҳида ажрим чиқариши, агар суд бундай ишларни ўз вақтида кўрмаган бўлса, бу ҳақда юқори суд ажрим чиқариши лозим.

4. Ишни ярашув тартибида кўриш учун судга юбориш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор чиқаради. Қарорда баён этилиши лозим бўлган ҳолатлар ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган.

5. Агар иш бўйича бир неча шахслар гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этиш учун жалб қилинган, лекин уларнинг барчаси томонидан ярашув ҳақида ариза берилмаган бўлса, ишни ярашувга эришилган гумон қилинувчилар ва айбланувчиларга тааллуқли материаллари ярашув масаласини ҳал қилиш учун судга юборилади. Ишнинг қолган қисми бўйича дастлабки тергов умумий тартибда юритилади.

6. Ярашув тўғрисидаги иш бу ҳақда қарор чиқарилгач уч суткадан кечиктирмай прокурорнинг розилиги билан судга юборилиши шарт.

585-модда. Суд муҳокамаси

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай ўтказилади.

Суд мажлисида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячилари, прокурор иштирок этади.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасини ўқиб эшиттириш билан бошланади.

Суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) содир этилган жиноят ҳолатлари тўғрисидаги сўзларини эшитади.

Суд:

*ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабабларини;
гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўз айбига ихтиёрий иқрор бўлганлигини;*

гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўзи содир этган қилмишнинг оқибатларини англаганлигини ва етказилган зарарни бартараф этиш чораларини кўрган-кўрмаганлигини;

жабрланувчига (фуқаровий даъвогарга) ёки гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига бирон бир тазйиқ бўлган-бўлмаганлигини;

етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ масалаларни;

гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари ярашувга розилиklarини аниқлайди.

Шундан сўнг суд ҳимоячи ва прокурорнинг фикрини эшитади.

Агар суд мажлиси давомида ярашув, айбга иқрор бўлиш ихтиёрий эмаслиги, зарарни қоплашдан бош тортиш, шунингдек, содир этилган қилмишда оғирроқ жиноят таркиби белгилари мавжудлиги аниқлангудек бўлса, суд умумий қоидалар бўйича дастлабки тергов юритилиши учун ишни прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқаради.

Суд муҳокамасининг натижалари бўйича суд қонунда белгиланган тартибда ажрим чиқаради.

Суд мажлиси вақтида ушбу Кодекснинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан баённома юритилади.

1. Қонун ярашув тўғрисида прокурордан келган ишларни суд имкон борича тезроқ, ўн суткадан кечиктирмай кўришини талаб қилади.

2. Ярашув тўғрисида иш туман (шаҳар) жиноят ишлари бўйича судининг судьяси томонидан очиқ суд мажлисида кўрилади. Фақат ЖПКнинг 19-моддасида кўрсатилган ҳолларда бу ишлар ёпик суд мажлисида кўрилиши мумкин.

3. Суд мажлисида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, уларнинг қонуний вакили иштирок этади. Улар узрли сабаблар билан, оғир хасталиги, олисдалиги, узок сафарда эканлиги сабабли суд мажлисида иштирок этмаслигига йўл қўйилади. Лекин судья уларни судда бевосита иштирок этиши лозим деб топиши мумкин. ЖПКнинг 51-моддасида кўрсатилган ҳолларда химоячи суд мажлисида иштирок этиши лозим. Агар уни гумон қилинган шахс, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакили ёки бошқа шахслар таклиф қилмаган бўлса, ЖПКнинг 50-моддасига мувофиқ, терговчи, прокурор ёки судья давлат ҳисобидан химоячи билан таъминлаши лозим.

Ярашув тўғрисида ишларни кўриш чоғида зарурат бўлганда суд мажлисига юқорида кўрсатиб ўтилганлардан ўзга шахсларни, жумладан гувоҳ, эксперт, таржимон, ҳолисларни чақиришга ҳақли.

4. Ярашув ишлари бўйича ҳам, қоидага кўра, химоячи ўз химояси остидаги шахснинг хоҳиши ва фикрига мос фаолият кўрсатади.

Прокурор бу хилдаги ишлар бўйича иштирок этиши шарт. У айбловнинг қонуний ва асосли экани, лекин ярашув муносабати билан ишни тугатиш ҳақида ўзи берган фикрни тасдиқлаши ҳақида судга маълумот беради. Суд мажлисида прокурор бирор фактик ёки юридик ҳолатга кўра, ярашувни тасдиқлаш тўғрисида ўз фикрини ўзгартса-да, суд бундай фикрни қўлламасликка ҳақли.

5. Суд муҳокамасининг бошланишида жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки уларнинг қонуний вакили берган ярашув тўғрисида аризани ким ўқиб бериши қонунда катъий белгиланмаган. Бу вазифани судья ёки унинг топшириги бўйича суд мажлисининг котиби, аризани берган шахс ёхуд прокурор бажаради.

Сўнгра суд иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакилининг ҳамда жабрланувчи фуқаровий даъвогар, уларнинг қонуний вакилининг сўзларини эшитади. Улар судьянинг ижозати билан бир-бирларига савол беришлари ва жавоб қайтаришлари мумкин. Шунингдек, зарур бўлса судья ва прокурор юқорида кўрсатилган суд мажлиси иштирокчиларига савол беради.

6. Суд мажлисида:

- ярашувнинг ихтиёрий экани ва сабаблари;
- гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўз айбига чинакам иқрор бўлиб, узр сўраганлиги;
- гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўз қилмишининг зарарли оқибатларини англаб тушунганлиги, етказилган зарарни бартараф этган-этмаганлиги;
- жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг бирортасига ким томонидан бўлмасин бирон бир тазйқ ўтказилмагани аниқланиши лозим.

7. Ярашув ишлари бўйича қилмишнинг тури ва хавфлилик даражаси ЖКнинг 66¹-моддасида санаб ўтилган жиноят таркибларидан ўзгача бўлиши мумкин эмас. Шу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилгандек, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс ярашиши муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди.

8. ЖКнинг 66¹-моддасида ярашув ишлари бўйича жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун зарур шартлардан бири сифатида етказилган зарарни бартараф этиш назарда тутилган.

586-модда. Суд ажрими

Суднинг ажрими қуйидаги ҳодалар бўйича тузилади.

Суд ажримининг кириш қисмида:

1) ажрим чиқарилган вақт ва жой;

2) ажрим чиқарган суднинг номи, судьянинг, суд мажлиси котибининг, тарафларнинг, таржимоннинг исми, отасининг исми ва фамилияси;

3) гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг исми, отасининг исми ва фамилияси, тугилган йили, ойи, куни ва жойи, яшаш жойи, ишлаш жойи, маш-гулоти, маълумоти ва иш учун аҳамиятга молик бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Суд ажримининг тавсиф қисмида ярашув учун асос бўлган ҳолатлар баён этилади, ушбу Кодекснинг 585-моддасида санаб ўтилган масалаларга жавоблар ифодаланади.

Ажримнинг қарор қисмида суд қуйидаги масалаларни ҳал этади:

1) суд мажлиси баённомасини тасдиқлаш ҳамда жиноят ишини тугатиш ёки уни умумий қоидалар бўйича дастлабки тергов юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисидаги;

2) эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки агар иш дастлабки терговга қайтарилса, уни ўз кучида қолдириш ёхуд ўзгартириш тўғрисидаги;

3) ашёвий далилларни ва ёзма далилларни шахсларга қайтариш ёки ишда сақлаш тўғрисидаги;

4) зарарни қоплаш тўғрисидаги.

Суднинг ажримига гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячи томонидан хусусий шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин.

1. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд чиқарадиган ажрим уч қисмдан иборат бўлиши ва ушбу моддада кўрсатилган барча масалаларни акс эттириши лозим.

2. Ажримнинг кириш қисмида акс эттирилиши лозим бўлган иш учун аҳамиятга молик маълумотлар сифатида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг қонуний вакиллари ва судда ишни кўриш чоғида иштирок этган бошқа шахслар, жумладан, таржимон, гувоҳ, эксперт, мутахассис тўғрисидаги маълумотлар, суд мажлисига таклиф қилинган, лекин ҳозир бўлмаганларга оид маълумотлар ҳам ажримда кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

3. Ажримнинг тавсиф-асослаш қисмида жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, уларнинг қонуний вакиллари берган ярашув тўғрисидаги ариза бўйича суд мажлисида иштирок этганларнинг фикр-мулоҳазалари, химоячи ва прокурорнинг фикрлари, ярашув масаласининг муҳокамасига оид илтимослар ва эътирозлар ҳамда бу ҳақда судьянинг тўхтами акс эттирилиши лозим бўлади.

4. Суд ажримининг якуний-қарор қисмида қўйидаги масалаларни ҳал этмоғи даркор:

- ярашувни тасдиқлаш ва жиноят ишини тугатиш ёки уни умумий қоидалар бўйича дастлабки тергов юритиш учун прокурорга юбориш;

- эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки агар иш дастлабки терговга қайтарилса, уни ўз кучида қолдириш ёхуд ўзгартириш;

- ашёвий далилларни ва ёзма далилларни шахсларга қайтариш ёки ишда сақлаш;

- жиноят оқибатида етказилган зиённи, шунингдек, суд харажатларини ундириш.

Ажрим судья томонидан алоҳида хонада тузилади ва суд мажлисининг якунида ўқиб эшиттирилади.

5. Суднинг ажрими устидан манфаатдор тарафлар юқори судга хусусий шикоят бериши, прокурор хусусий протест билдириши мумкин. Шикоят ва протест билдириш муддати қонунда белгиланмаган.

6. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суднинг ажрими устидан берилган шикоят ва протест юқори судда апелляция тартибига риоя қилиб кўрилади.

63-БОБ. ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА АМНИСТИЯ АКТИНИ ҚЎЛЛАШ

587-модда. Терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини суриштирувчи, терговчи томонидан прокурорга юбориш тартиби

Амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини қайси шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масала қўйилаётган бўлса, уша шахснинг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг аризаси ҳамда амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юборади.

Агар бир нечта шахсга нисбатан жиноят иши бўйича улардан лоақал биттаси амнистия актининг таъсир доирасига тушса, унга нисбатан жиноят ишининг қисми амнистия актини қўллаш тўғрисида судга илтимоснома киритиш учун ушбу Кодекснинг 332-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан алоҳида иш юритишга ажратилиши мумкин.

1. Жиноят-процессуал кодексига киритилаётган 63-бобда суриштирувчи, терговчи томонидан материал ёки жиноят иши прокурорга юборилиши, прокурор томонидан амнистия акти асосида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритилиши, материал ёки ишнинг судда кўрилиши ёки қарор қабул қилиниши тартиби белгиланган.

Амнистия актини қўллаш учун асослар Жиноят кодекси (умумий қисми) нормаларига мувофиқ, амнистия акти шахс муқаддам амнистия актига асосан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган, этилмаганлигидан қатъи назар, қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин, агар:

жиноят қонуни ўзгариши натижасида шахс муқаддам жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган қилмиш жиноят деб ҳисобланмай қолган бўлса;

амнистия акти қўлланилган пайтдан бошлаб шахс амнистия актига асосан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган, жиноят учун қонунда белгиланган жиноий жавобгарликка тортиш муддатларига тенг вақт ўтган бўлса, (агар амнистия актида бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса);

шахс муқаддам бошқа давлатнинг амнистия актига асосан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган бўлиб, ЎзРнинг халқаро шартномасида ва амнистия актида бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса.

ЖПК 23-моддасининг 3-қисмига мувофиқ, агар текшириш натижалари бўйича шахсга нисбатан ўтмишда амнистия акти қўлланилганлиги тўғрисида маълумот тўплаш имкони бўлмаса, амнистия акти қўлланилиши шарт.

Амнистия акти қўлланилиши натижасида қуйидаги ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши мумкин:

шахс жиноий жавобгарликдан озод этилиши;

маҳкум асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан озод этилиши;

маҳкумга тайинланган асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазо муддатининг камайтирилиши;

маҳкум жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод этилиши;

маҳкумга тайинланган жазонинг ўталмаган қисми енгилроғи билан алмаштирилиши;

жиноят содир этган шахсдан судланганлик муддатдан илгари олиб ташланиши.

Амнистия актини қўллашнинг суд тартиби жорий этилиши муносабати билан суриштирувчи ва терговчига амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома киритиш, шунингдек, мазкур масала юзасидан прокурорнинг тақдимномани рад этиш ҳақидаги қўрсатмасидан норози бўлган тақдирда, юқори турувчи прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқи берилмоқда.

Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, амнистия акти юридик моҳиятига қўра, номуайян шахслар доирасига қаратилган ҳужжат бўлса-да, бироқ уни қўллаш тўғрисидаги қарор ҳар бир шахсга нисбатан алоҳида қабул қилинади.

Иш амнистия актини қўллаш тартибига ҳилоф равишда судга юборилган ҳолларда, судья ишни ЖПК нинг 395, 396-модда-

ларига мувофиқ, ЖПК нинг 385-моддаси талабларини бажариш учун прокурорга қайтариши лозим. Жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиб, улардан айримларига нисбатан иш тергов органи томонидан амнистия актига асосан тугатилиши лозим бўлган ҳолларда ҳам суд шундай қарор қабул қилиши лозим.

Агар амнистия акти бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятга доир иш судга келиб тушгандан сўнг кучга кирган бўлса, амнистия акти таъсир доирасига тушувчи шахсларга нисбатан жиноят ишининг бир қисмини тугатиш ҳақидаги қарор суд томонидан суд мажлисининг тегишли босқичида қабул қилинади.

Амнистия актини қўллаш ҳар доим жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқий ҳолати билан боғлиқ бўлиши туфайли, судлар ҳар бир ҳолда у қонунга кўра судланган ёки судланмаган деб ҳисобланишини аниқлашлари шарт.

Агар шахснинг ҳаракатлари бир хил ҳуқуқий оқибат туғдирувчи, яъни шахсни фақат жиний жавобгарликдан ёки жазодан озод этишни ёхуд жазо қўлланилиши истисно этилишини назарда тутувчи бир неча амнистия акти таъсири доирасига тушса, суриштирув, тергов органи, суд шахс содир этган охириги жиноятдан кейин кучга кирган амнистия актини қўллаш керак, бироқ, агар амнистия актларида фақат жазо муддатлари камай-тирилиши назарда тутилган бўлса, барча амнистия актлари хронологик кетма-кетликда қўлланилиш лозим.

588-модда. Амнистия актини қўллаш тўғрисидаги ариза

Амнистия актини қўллаш тўғрисидаги ариза терговга қадар текширув қайси шахсга нисбатан ўтказилаётган бўлса, ўша шахс, гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан, тегишинча терговга қадар ўтказилган текширувнинг, суриштирувнинг ва дастлабки терговнинг исталган босқичида берилиши мумкин.

Амнистия актини қўллаш тўғрисидаги ариза бир қатор субъектлар томонидан масалан:

- гумон қилинувчи
- айбланувчи,

- гумонланувчининг, айбланувчининг ҳимоячиси томонидан берилиши мумкин.

Мазкур илтимоснома дастлабки терговга қадар қайси шахсга нисбатан ўтказилаётган текширув, суриштирув, дастлабки терговнинг исталган босқичида берилши мумкин. Бу қонунчиликнинг гумон қилинувчи, айбланувчига берилган имконият ҳисобланади. Ҳам суриштирувчи, ҳам тергов жарёнида терговчига ёки прокурорга амнистия актини қўллашни илтимос қилиб муурожаат қилишга имконият берилган. Амнистия акти гумонланувчига, айбланувчига ўзи томонидан содир этилган жиноятни давлат томонидан кечирилганлиги аксидир.

Амнистия акти ёки жазодан озод этиш ёки унинг турининг энгили билан алмаштиришда акс этади.

Аризада аризачининг ким томонидан кимнинг номига берилаётганлиги аризанинг мазмуни, нимага қаратилганлиги, кимнинг манфаатларини кўзлаб ёзилганлиги, амнистия актини қўллаш асослари киритилиши мумкин.

589-модда. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимосномани судга киритиш тўғрисидаги масаланинг прокурор томонидан куриб чиқиш тартиби

Прокурор суриштирувчининг, терговчининг тақдимномаси асослилигини текшириб унга рози бўлган тақдирда, амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимосномани терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ёхуд жиноят иши билан бирга судга юборади. Прокурор илтимосномани терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ёки жиноят иши унга келиб тушган кундан эътиборан беш суткадан кечиктирмай судга юбориши лозим.

Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш учун асослар бўлмаган тақдирда, прокурор терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини суриштирувчига ёхуд терговчига қайтариш ҳақида асослантирилган қарор чиқаради. Прокурорнинг қарори устидан юқори турувчи прокурорга шикоят берилиши мумкин.

1. Прокурор дастлабки терговда назоратни амалга оширувчи текширилаётган жиноят ишининг қонунийлиги, асослилиги, адолатлилиги асосида таъминловчи иштирокчи ҳисобланади. Суриштирув ва тергов органлари маълум бир жиноят содир этган шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш асосли деб топганларини текширади, ўз ичига ишончли асосида тақдимномани баҳолайди. Агарда амнистия беришга лойиқ ҳолат бўладиган бўлса, жиноят ишини қўзғатишни рад этади, ёки жиноят ишини тугадати. Амнистия актинини қўллашни сўраб ёзилган тақдимнома ҳар бир гумон қилинувчи ёки айбланувчига алоҳида чиқарилади. Чунки унда амнистия актини қўллаш асослари, иш ҳолатлари акс этган бўлади. Шу билан бирга прокурор тақдимномани ва терговолди материаллари ёки жиноят ишини судга юборади. Судга мазкур ҳужжатларнинг юборилиши иш ҳолати билан тўлиқ танишиш имконини беради. Суднинг маълум бир ҳолатини тушунмаслиги ёки тергов ҳужжатларидан бирортасининг етишмаслиги терговчига, прокуроро орқали мазкур етишмовчиликларни тўлдиришни сўраб мурожаат қилишга олиб келади.

2. Прокурор илтимосномани материал ёки жиноят иши унга келиб тушган кундан бошлаб беш суткадан кечиктирмай судга юбориши лозим. Мазкур муддатнинг беш сутка қилиб белги-ланганлиги бир томондан прокурорга мазкур илтимосномани кўриб чиқиши учун имкон берса, иккинчи томондан илтимосноманинг кечикмаслиги ва эҳтиёт чораси ёки мажбурлов чораси қўлланилган шахсдан тезроқ мазкур чораларни олиб ташлашга имкон беради.

Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш учун асос бўлмаган тақдирда, прокурор материал ёки жиноят ишини суриштирувчига ёки терговчига қайтариш ҳақидаги асослан-тирилган қарор чиқаради. Қарорда ишни қайтариш асослари ва мазкур камчиликларни тўлдириш имкони бўлса тўлдириш баён килинади.

Прокурорнинг мазкур ҳаракатлари устидан тегишли бўйича юқори турувчи прокурорга шикоят қилиш мумкин ҳисобланади. Мазкур шикоятда прокурорга берилган илтимоснома нусхаси ҳам тақдим қилиниб, асослар етарлилиги изоҳланади. Юқори турувчи прокурор лозим топганда иш материалларини судга

оширишни куйи турувчи прокурорга топширади, ёки ўзи мустақил мазкур материалларни юбориши мумкин ҳисобланади.

590-модда. Суд мажлиси

Прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимосномаси жиноят содир қилинган ёхуд дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд илтимосномани кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда эса Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси белгилайдиган бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Суд мажлиси илтимоснома жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ёки жиноят иши билан бирга судга келиб тушган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай ўтказилади.

Илтимосномани кўриб чиқиш суд томонидан прокурор албатта иштирок этган ҳолда амалга оширилади.

Суд мажлисида амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилаётган бўлса, ўша шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, шунингдек, агар ишда қатнашаётган бўлса, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари иштирок этади. Суд мажлиси ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида лозим даражада хабардор қилинган мазкур шахсларнинг узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги суд мажлисининг ўтказилишига монелик қилмайди.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қайси гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан танланган бўлса, ўша гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган гумон қилинувчининг, айбланувчининг суд мажлисида иштирок этиши зарурлиги масаласи суд томонидан ҳал қилинади.

Суд мажлиси прокурорнинг маърузаси билан бошланади, прокурор амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш зарурлигини асослаб беради. Сўнгра амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилаётган бўлса, уша шахснинг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, ҳимоячининг, қонуний вакилнинг сузлари эшитилади, тақдим этилган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

Суд мажлиси вақтида ушбу Кодекснинг 90 - 92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга кўра баённома юритилади.

Суд муҳокамаси натижалари бўйича судья қонунда белгиланган тартибда ажрим чиқаради, ушбу ажримнинг гумон қилинувчини ёки айбланувчини қамоқдан озод қилишга доир қисми дарҳол ижро этилиши лозим.

Суднинг ажрими ижро этиш учун прокурорга, маълумот учун эса амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилган бўлса, уша шахсга, гумон қилинувчига, айбланувчига, жабрланувчига (фуқаровий даъвогарга), ҳимоячига ва қонуний вакилга юборилади.

Агар суд мажлиси давомида амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд эмаслиги аниқланса, суд терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини умумий қоидалар бўйича тегишинча терговга қадар текширув ўтказиш ёки дастлабки тергов ишини юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқаради.

1. Амнистия (юнонча “*amnestia*” – “унутиш, эсдан чиқариш”, “кечирим, авф, гуноҳини кечириш”) – жиноят содир этган шахснинг амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиниши. Унда жазодан, жазонинг ўтилмай қолган қисмидан, шунингдек, қўшимча жазолардан озод қилиш ҳам тушунилади. Амнистия акти орқали суд ҳукми билан тайинланган жазо муддати қисқартирилиши ёки жазонинг қолган қисми қисқартирилиши ёхуд судланганлиги олиб ташланиши мумкин. Амнистия акти норматив хусусиятга эга, яъни амнистия акти билан белгиланган талабларга жавоб берадиган барча шахсларга нисбатан қўлланилади.

Умумий қоида тариқасида шарҳланаётган модда амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир қилинган ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилишини белгилайди. Амнистия акти асосида иш юритишнинг ўзига хос хусусияти сифатида унинг якка тартибда кўриб чиқилишини келтириб ўтиш мумкин.

Башарти, мазкур судларнинг судьяси бўлмаса ёхуд илтимосномани кўриб чиқишда уларнинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимоснома жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси томонидан белгиланадиган бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Судьяларнинг илтимосномани кўриб чиқишда уларнинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар умумий қоидадан келиб чиқади ҳамда жиноят процессининг процесс иштирокчиларини рад этишга оид қоидаларидан келиб чиқиб белгиланади.

2. Илтимоснома жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги материал жиноят иши билан судга келиб тушган кундан бошлаб ўн суткадан кечиктирмай ўтказилиши белгиланган. Бу ушбу норманинг жиноят-процессуал қонунчилигининг умумий асосларига мос келишини англатади.

3. Шарҳланаётган модда мазмунидан келиб чиққан ҳолда бундай ишларни кўришнинг яна бир ўзига хос жиҳати ҳақида мушоҳада юритиш мумкин. Чунончи, ЎЗР ЖПКнинг 590-моддасида бундай илтимосномани судда кўриш жараёнида прокурор иштирок этиши шарт. Бундай тартибнинг белгиланишидан кўзланган асосий мақсад, ушбу жараёнда ҳам фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳам давлат манфаатларига путур етказилмаслигини таъминлашдир. Боз устига, илтимосноманинг айнан прокурор томонидан киритилиши ишни кўриш жараёнида турли масалалар юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган ноаниқликларни изоҳлаши, амнистия актини қўллаш асослари

ва заруриятини кўрсатиб бериши нуктаи назаридан ҳам мақсадга мувофиқдир.

4. Шунингдек, судда прокурор билан бир қаторда амнистия акти қўлланилиши масаласи қўйилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, уларнинг қонуний вакиллари ва ҳимоячиси иштирок этади. Бу Жиноят-процессуал кодексининг 23-24-моддалари белгиланган айбсизлик презумпцияси, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш каби принципларининг амалий ифодаси бўлиб хизмат қилади.

5. Шарҳланаётган моддада суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида лозим даражада хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги унинг ўтказилишига монелик қилмайди, деб белгиланган. Мазкур шахсларнинг келмаслиги ишни мазмунан ҳал этилишига таъсир этмайди, шу муносабат билан уларнинг келмаганлиги боис ишни кўришни кейинга қолдириш мақсадга мувофиқ эмас. Шунини инобатга олган ҳолда қонун чиқарувчи юқоридаги каби тартибни ўрнатган.

6. Худди шунингдек, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси таиланган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган гумон қилинувчи, айбланувчининг суд мажлисида иштирок этиши зарурлиги масаласини айнан суд иш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилади. Бунда башарти, суд бундай шахсларнинг суд мажлисидаги иштироки зарур эмас, деб топса, бундай шахслар суд мажлисида иштирок этмаслиги мумкин.

7. Амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани судда кўришнинг хусусиятларидан яна бири бундай ишларни кўришнинг ўзига хос тартиби белгиланиши билан изоҳланади. Бинобарин, ЎЗР ЖПК 51-бобида кўзда тутилган суд мажлисини юритишнинг умумий тартиби мазкур ҳолатдан тубдан фарқ қилади. Яъни, оддий жиноят иши юритувида суд мажлиси, раислик қилувчи жиноят ишини очиши ва қандай жиноят иши кўрилишини эълон қилиши билан бошланса, амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриш бўйича суд мажлисида прокурор маърузаси билан бошланади, у амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш заруратини асослаб беради. Сўнгра амнистия актини қўллаш масаласи қўйилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи, қонуний вакил эшитилади, тақдим қилин-

ган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради. Судьянинг мазкур ҳолат бўйича ажрим чиқариши ЎзР ЖПКнинг 453-моддаларида белгиланган умумий қоидалар асосида амалга оширилади.

8. Амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимосномани кўриш бўйича суд мажлисида ЎзР ЖПКнинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида баённома юритилади. Бунда далилларни баённомада қайд этиш (ЎзР ЖПК 90-моддаси), далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллар, баённомага усуллар (ЎзР ЖПК 91-моддаси), далилларнинг қайд этишнинг тўғрилигини тасдиқлаш (ЎзР ЖПК 92-моддаси) борасидаги умумий қоидаларга таянади.

9. Суд мажлиси натижалари бўйича судья қонунда белгиланган тартибда ажрим чиқаради. Хусусан, ЎзР ЖПКнинг 423-моддасида суд мажлисида ажрим чиқариш тартиби белгиланган бўлиб, мазкур масала бўйича иш юритишда судья ушбу нормада белгиланган қоидаларга асосланади ва унда белгиланган тартибга риоя этади.

10. Амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимоснома бўйича бўлиб ўтган суд мажлиси натижалари бўйича судья чиқарган ажримнинг гумон қилинувчи, айбланувчини қамоқдан озод қилиш қисми дарҳол ижро қилиниши лозим.

11. Шарҳланаётган моддада белгиланишича, амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш асосида қабул қилинган ажрим ижро учун прокурорга, маълумот учун эса амнистия актини қўллаш масаласи қўйилган шахсга, гумон қилинувчига, айбланувчига, ҳимоячига, қонуний вакилга юборилади.

591-модда. Суднинг ажрими

Суд ажримининг кириш қисмида:

- 1) ажрим чиқарилган вақт ва жой;***
- 2) ажрим чиқарган суднинг номи, судьянинг, суд мажлиси котибининг, тарафларнинг, таржимоннинг исми, отасининг исми ва фамилияси;***

3) амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилаётган бўлса, уша шахснинг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг исми, отасининг исми ва фамилияси, тугилган йили, ойи, кун ва жойи, яшаи жойи, ишлаш жойи, машғулот, маълумоти, оилавий аҳволи ва уларнинг шахси тўғрисидаги, иш учун аҳамиятли бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Суд ажримининг тавсиф-асослаш қисмида илтимоснома-ни қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўлган ҳолатлар баён этилади.

Ажримнинг қарор қисмида суд кўйидаги масалаларни ҳал этади:

амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги; прокурорнинг жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантиришни рад этиш ҳамда терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёхуд жиноят ишини умумий қоидалар бўйича тегишинча терговга қадар текширув ўтказиш ёки дастлабки тергов ишини юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисидаги;

эҳтиёт чораси тўғрисидаги;

ашёвий далиллар тўғрисидаги;

фуқаровий даъвои таъминлаш чоралари тўғрисидаги.

Суднинг ажримига амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилган бўлса, уша шахс томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг ҳимоячилари, қонуний вакиллари томонидан хусусий шикоят берилиши ва прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин, бундай шикоят ва протестлар тегишинча апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқилиши лозим.

1. Шарҳланаётган модда амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарилган суд ажрими таҳлиliga бағишланган. Ушбу ҳолат бўйича судья ажрим чиқаришда ЎЗР ЖПКнинг 423-моддаси (суд мажлисида ажрим чиқариш тартиби) ҳамда шарҳланаётган 591-моддаси (судьянинг ажрими) талабларидан келиб чиқади.

Кези келганда қайд этиш зарурки, судьянинг ажрими процесуал акт бўлиб, жиноят ишлари бўйича, шунингдек, кассация ёки назорат босқичида чиқариладиган, ишнинг моҳиятини ҳал қилмайдиган, яъни ҳукм ёки қарорни ўзгартиришсиз қолдириш, унга ўзгартишлар киритиш, бекор қилиш бўйича қарорни ифодалайди.

Шарҳланаётган модда амнистия актига асосан жиноят ишини кўзгатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқариладиган суд ажрими ЎЗР ЖПКнинг умумий қоида ва талаблари мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳамда анъанавий тарзда уч муҳим таркибий қисмлардан иборат:

2. Ажримнинг кириш қисми у тўғрисидаги ташкилий ҳамда таништирув характеридаги маълумотларни ўз ичига қамраб олади. Хусусан, унда ажрим чиқарилган жой ва вақти, уни чиқарган суднинг номи, судьянинг, суд мажлиси котибининг, тарафларнинг ҳамда ишда қатнашувчи бошқа иштирокчиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек, амнистия актини қўллаш масаласи қўйилаётган шахснинг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг шахсига оид маълумотлар ўз аксини топади.

3. Ажримнинг ушбу қисми моҳиятан икки муҳим ҳолатлар мажмуини қамраб олади. Биринчиси тавсифловчи ва иккинчиси асослантирувчи маълумотлар. Тавсифловчи маълумотлар ишни, айбдор шахсини, амнистия қўллашни тақозо этувчи умумий ҳолатларнинг баёнини ифодалайди. Асослантирувчи маълумотлар эса, ушбу ҳолатларни асослий дейилади ҳамда уларни қўллашнинг ҳуқуқий асосларини, хусусан ЎЗР ЖПКнинг қўрилаётган ишга тааллуқли бўлган моддаларини қўллашни кўзда тутди. Судья ажримининг ушбу қисмида илтимосномани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўлган ҳолатлар баён қилинади.

Ажримнинг қарор қисми моҳият эътибори билан унинг энг муҳим ва асосий қисми ҳисобланади. Зеро, унда ажрим юзасидан чиқарилган қатъий ҳулоса ҳамда процесс иштирокчилари зиммасига юклатиладиган, бажарилиши мажбурий тусга эга бўлган ҳаракатлар ифодаланган бўлади. Хусусан, ажримнинг қарор қисмида амнистия актига асосан жиноят ишини кўзгатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида,

прокурорнинг жиноят иштини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят иштини тугатиш тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантиришни рад этиш ва умумий қоидалар бўйича терговолди текширув ёки дастлабки тергов юритилиши учун тегишлича материал ёки жиноят иштини прокурорга юбориш тўғрисида, эҳтиёт чоралари тўғрисида, ашёвий далиллар тўғрисида, фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари тўғрисидаги аниқ вазифалар қўзда тутилиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И.Каримов.

22.09.1994 й.

№ 2013-ХП

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТУҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси,
1995 йил, 1-сон, 2-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 1995 йилнинг 1 апрелидан амалга киритилсин.

2. 1959 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ 1995 йилнинг 1 апрелига қадар ҳукм қилинган, содир этган қилмишлари 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига биноан жинойий деб топилмайдиган шахслар жазонинг барча туридан (асосий ва қўшимча жазолардан) озод қилинсин.

3. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ жинойий деб топилмайдиган қилмишларга доир суриштирув, дастлабки тергов ва суд органларининг юритишидаги ишлар тугатилсин.

4. 1959 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ ҳукм қилинган, жазони ўтаб бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланган жазо чоралари, башарти, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилганига нисбатан оғирроқ бўлса, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ ҳолга келтирилсин. Жазо чораси судлар томонидан 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида белгиланган энг кўп жазо чорасига қадар камайтирилади.

5. Озодликдан шартли равишда маҳрум қилиб, маҳкумни меҳнатга мажбуран жалб этиш (1959 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 23²-моддаси) ёки ҳукмнинг ижросини кечиктириш (1959 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 44¹-моддаси) қўлланилган шахсларга нисбатан шартли ҳукм қилиш (1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 72-моддаси) билан алмаштирилсин.

6. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли равишда озод қилиб, маҳкумни меҳнатга мажбуран жалб этиш (1959 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 50²-моддаси) қўлланилган шахсларга нисбатан жазонинг ўталмаган қисми 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 74-моддасида назарда тутилган тартибда енгилроқ жазо билан алмаштирилсин.

7. Ахлоқ тузатиш-меҳнат ёки тарбия-меҳнат колонияларида озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахсларни сақлаш тартиби 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ ҳолга келтирилсин.

8. Ушбу Қарорнинг 2-моддасига мувофиқ жазодан озод қилинган шахслар, шунингдек, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ жиноий деб топилмайдиган қилмишлар учун ҳукм қилиниб, жазони илгари ўтаб чиққан ёки жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилинган шахслар судланмаган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу қарорнинг ижроси:

а) 2, 4, 5, 6, 7-бандларда уқтирилган шахсларга нисбатан ана шу шахсларга нисбатан ҳукмларни ижро этувчи органларнинг тақдимномасига биноан жазони ўташ жойларидаги судлар зиммасига;

б) 3-бандга мувофиқ тугатилиши лозим бўлган ишларга нисбатан суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судлар зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу қарор 2-7-бандларининг ижроси 1995 йилнинг 1 октябрга қадар амалга оширилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ушбу қарорнинг ижросини таъминласинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

уч ойлик муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашига Ўзбекистон Республикасининг қонунларини 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисида таклифлар такдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ ҳолга келтирсин;

республика вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Жиноят-процессуал кодексига зид келадиган ўзларининг норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексидан келиб чиқадиган норматив ҳужжатлар 1996 йилнинг 1 январига қадар ишлаб чиқилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ойлик муддат ичида 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Жиноят-процессуал кодекси нашр этилишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раиси
вазифасини бажарувчи**

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 22 сентябрь,
№ 2014-ХП

Мундарижа

Сўз боши	3
Умумий қисм	
Биринчи бўлим	
Асосий қоидалар	
1-боб. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари	11
2-боб. Жиноят процесси принциплари	27
Иккинчи бўлим	
Жиноят процесси иштирокчилари	
3-боб. Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар	58
4-боб. Жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари	80
5-боб. Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар. Ҳимоячилар ва вакиллар	86
6-боб. Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар	128
7-боб. Жиноят процессида иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатлар. Рад қилишлар	145
Учинчи бўлим	
Далиллар ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар	
8-боб. Далиллар	154
9-боб. Исбот қилишнинг умумий шартлари	166
10-боб. Сўроқ қилишнинг умумий қоидалари	181
11-боб. Гумон қилинувчини ва айбланувчини сўроқ қилиш	199
12-боб. Гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш	205
13-боб. Юзлаштириш	215
14-боб. Таниб олиш учун кўрсатиш	220
15-боб. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш	232
16-боб. Кўздан кечириш	240
17-боб. Гувоҳлантириш	253
18-боб. Мурдани эксгумация қилиш	260
19-боб. Эксперимент	265
20-боб. Олиб қўйиш ва тинтув	274
21-боб. Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш	293
22-боб. Экспертиза	298
23-боб. Экспертиза текшируви учун намуналар олиш	318
24-боб. Нарсалар ва ҳужжатларни тақдим қилиш	327
25-боб. Нарса ва ҳужжатларни ашёвий ва ёзма далил сифатида ишга қўшиб қўйиш	334

Тўртинчи бўлим

Процессуал мажбурият

26-боб. Жиноят процессида шахс ҳуқуқларини чеклаш асослари ва чегаралари	345
27-боб. Ушлаб туриш	357
28-боб. Эҳтиёт чоралари	380
29-боб. Лавозимдан четлаштириш	422
30-боб. Мажбурий келтириш	428
31-боб. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш	434
32-боб. Процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш. Суриштирув, дастлабки тергов ва судда процессуал мажбуриятлар ҳамда тартибни бузганлик учун жавобгарлик	440

Бешинчи бўлим

Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш

33-боб. Жиноят процессида фуқаровий даъво. Бошқа мулкий ундиришлар	451
34-боб. Мол-мулкни жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарга қайтариш	466
35-боб. Ҳукмнинг мулкий ундиришлар тўғрисидаги қисми ижросини таъминлаш	469
36-боб. Жиноятларнинг олдини олиш чоралари	476

Еттинчи бўлим

Реабилитация

37-боб. Реабилитация асослари ва оқибатлари	480
38-боб. Реабилитация этилган шахсга етказилган зиённи қоплаш ва унинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш тартиби	484

Саккизинчи бўлим

Процессуал муддатлар ва чиқимлар

39-боб. Процессуал муддатлар	494
40-боб. Процессуал чиқимлар ва уларни қоплаш	499

Махсус қиём

Тўққизинчи бўлим

Ишни судга қадар юритиш

41-боб. Жиноят ишини қўзғатиш	505
42-боб. Суриштирув	525
43-боб. Дастлабки терговнинг умумий шартлари	533
44-боб. Жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш	561

45-боб. Дастлабки терговни тўхтатиш ва қайта тиклаш	574
46-боб. Дастлабки терговни тамомлаш.....	586
47-боб. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари қонунларнинг ижро этиши устидан назорат	598

Ўнинчи бўлим

Биринчи инстанция судида иш юритиш

48-боб. Судловга тегишлилик.....	609
49-боб. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш.....	615
50-боб. Суд муҳокамасининг умумий шартлари	625
51-боб. Суд мажлисининг тайёрлов қисми.....	659
52-боб. Суд тергови	670
53-боб. Тарафларнинг музокараси ва судланувчининг охири сўзи	689
54-боб. Ҳукм.....	695

Ун биринчи бўлим

Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш

55-боб. Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари	729
55 ¹ -боб. Апелляция тартибида иш юритиш.....	769
56-боб. Кассация тартибида иш юритиш.....	804
57-боб. Назорат тартибида иш юритиш	814

Ўн иккинчи бўлим

Ҳукм, ажрим, қарорларни ижро этиш

58-боб. Ҳукм, ажрим, қарорларни ижро этилиши	840
59-боб. Ҳукм, ажрим, қарорларни ижро этишда юзага келган масалаларни ҳал қилиш.....	851

Ўн учинчи бўлим

Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш

60-боб. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш	877
61-боб. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш	894
62-боб. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш.....	921
63-боб. Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш.....	930

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА

ШАРҲЛАР

Мухаррир: *Ғ.А Абдумажидов.*
Техник мухаррир: *А.А. Боймаматов.*
Компьютерда саҳифаловчи: *Т.Аширов.*

Босишга рухсат этилди: **14.07.09й.** Ҳажми: **59.4** б.т.
Адади: **1000.** Буюртма: № **20.**
ХТ Аҳмедова Г.А. босмаҳонасида чоп этилди.

АЗУР СӘЛӘТӨУӘТ-УӘСШУБЪЛӘКӘСИННИ
КІТАБИ-Л-УӘСШУБЪЛӘКӘСИННИ